

МУҲАММАД САЙИД ТАНТОВИЙ

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ

(Қуръони карим қиссалари)

1-2-3-4-китоблар

Таржимон:
Зиёвуддин РАҲИМ

Мухаррир:
Алишер НАЗАР

Муҳаммад Саййид Тантовийнинг ушбу китобида пайгамбарлар (алайҳимуссалом) тарихи, ибратли ҳаётлари, Қуръон каримдаги баъзи сураларнинг нозил бўлиш сабаблари баён қилинади. Айниқса, муборак Қуръон оятларида зикр қилинган қиссалар жуда қизиқарли ва тушунарли услубда талқин қилинган. Бу ибратли қиссалар инсон нафсини разолатдан ҳидоят сари бошлайди, қалб кўзларини очади, разил ва чиркин одатлардан қутулишига чақиради.

Ушбу асар инсон табиатининг, руҳиятининг Аллоҳгагина маълум бўлган ўзига хос қирралари, нозик жиҳатлари очиб берилгани билан ҳам аҳамиялидир.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ! МУҚАДДИМА

Оламлар Рабби Аллоҳ таолога ҳамду санолар, жанобимиз Расулуллоҳга ва у кишини яхши кўриб, суннатларига эргашганларга салават ва саломлар ёғилсин! Қуръони каримни тадаббур қилиб кўрган киши ундаги сура ва оятлар орқали авваламбор, анбиё-пайғамбарлар, қолаверса, яхши ва ёмон тоифадаги кишиларнинг қиссаларида кўпгина ибрат ва ҳикмат намуналарини кўриши шубҳасиз. Аксарият қиссалар ҳижратдан олдин нозил бўлган маккий сураларда батафсил ёритилган. Чунки ўша даврда Аллоҳ таолонинг яккаю яғналигига ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўз Раббиларидан етказаетган рисолат ва хабарларининг тўғри эканлигига далил келтириш ва Қуръон Аллоҳ таолонинг даргоҳидан нозил бўлганлиги ва одамларни савоб олиб жаннатга кирадиган ёки гуноҳга ботганлари сабаб, дўзахга ташланадиган кун – Қиёматнинг ҳақлигига ишонтириш лозим эди.

Ана ўша далиллар баъзан Пайғамбарларнинг ўз қавмлари билан бўлган қиссалари орқали, баъзан бошқа йўллар билан келтирилади. Жумладан, осмон ва ернинг яратилиши, ой, куёш ва юлдузларнинг маълум бир мезонда ҳаракатланиши, инсон ва бошқа махлуқотларнинг яратилиши ва ҳоказо. Маданий сураларда асосан шаръий аҳкомлар (ибодатлар, муомала, ҳалол-ҳаром, ижтимоий алоқалар ва бошқалар) ёритилган. Чунки бу даврда мўминлар қалбида соф исломий ақида қарор топган ва мустаҳкамланган эди.

Масалан, қуйидаги маккий сураларда анбиёлар қиссаси келтирилади: Аъроф, Юнус, Ҳуд, Юсуф, Шуаро, Қасас, Соффот ва бошқалар.

Бу қиссалар ҳамма замонларда ҳам кишилар қалбида чуқур таассурот қолдирган. Ўзлари учун фойдали насихатлар олишган.

Ҳозирда ҳам қиссалар инсонларни ҳидоятга ва тўғри йўлга юришларига чақириш, юксак фазилатларга эга бўлиб, разил ва чиркин одатлардан узоқлашиш ва яккаю ёлғиз, барча махлуқотларни ўз ҳукмида ушлаб, уларни бўйсундириб турувчи Аллоҳ таолони тан олиб, унга таслим бўлишда ўзининг беқиёс ўрнига эга.

Қуръондаги қиссалар бошқа қиссалардан унда илгари сурилаётган эътиқод ва ғояларнинг юксаклиги, мақсаднинг олийлиги, сўз ва жумлаларнинг ҳар қандай хатокамчиликлардан холи эканлиги, унинг хаёлий ёки тўқима бир асар эмаслиги билан ажралиб туради.

Қуръондаги қиссалар турли йўллар орқали ифодаланган, баъзида тарғиб, кизиқтириш, башорат бериш билан, баъзида эса огоҳ-лантириш ва кўрқитиш йўли билан. Сўзимизга мисол сифатида Аллоҳ таолонинг ушбу каломини келтириб ўтамиз:

«(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), мана шу Биз сизга сўйлаб бераётган шаҳарларнинг хабарларидандир. Улардан (ҳали-ҳануз обод-соғ) турганлари ҳам бор, урилиб битганлари (ҳалок бўлиб битганлари) ҳам бордир. Уларга Биз зулм қилмадик, ўзларига ўзлари зулм қилдилар, бас, қачон-ки, Парвардигорингизнинг фармони (азоби) келганида, улар Аллоҳни қўйиб, илтижо қиладиган бутлари уларни ҳеч нарсадан беҳожат қилмади ва уларга зиёндан ўзга бирон нарса келтирмади. Парвардигорингиз (аҳли-эгалари) золим

бўлган шахарларни ушлаганда, мана шундай ушлар. Унинг ушланиш – азоби аламли ва қаттиқдир»¹ (Худ, 100-102).

Қуръони каримдаги қиссалар ўзида олий мақсад ва кўпгина ҳикматларни жамлаган. Улардан энг муҳимлари:

1) барча пайғамбарларни Аллоҳ таоло бир рисолат билан, ўзларига юклатилган вазифани бажариш ва одамларни Аллоҳга ихлос билан ибодат қилишга чақириш учун юборганлигини баён қилиш;

Нух (алайҳиссалом) ўз қавмларига шундай дейдилар: **«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглари! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқ» (Аъроф, 59).**

Худ (алайҳиссалом) қавмларига дейдилар: **«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглари! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқ» (Аъроф, 65).**

Солиҳ (алайҳиссалом) ўз қавмларига айтадилар: **«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглари! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқ» (Аъроф, 73).**

Шуайб (алайҳиссалом) ўз қавмларига айтадилар: **«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглари! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқ» (Аъроф, 85).**

Ушбу жумлалар юқорида санаб ўтилган Пайғамбарларнинг ўз қавмларини хидоятга чақираётганда уларга айтган сўзларидир. Яъни, улар лутф ва одоб билан: “Яккаю ёлғиз, шериксиз бўлган Аллоҳга ибодат қилинг. Зеро, У ибодат қилиш учун энг мустаҳиқ (муносиб) Зотдир, Ундан бошқа (бут, санамлар) ўзларига бирон манфаат ва зарар келтиришга молик эмаслар”, дедилар.

Қуръони карим ушбу маънони ҳар бир пайғамбар тилидан ҳикоя қилади:

«(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Биз Сиздан илгари юборилган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Ҳеч қандай илоҳ йўқ, ёлғиз Менгина бордирман, бас, Менгагина ибодат қилинглари», деб ваҳий юборганмиз» (Анбиё, 25).

Яъни, эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Биз сиздан олдин бирон пайғамбарни юборсак, унга ўз ваҳийимиз орқали билдирдикки: ибодат ва тоат этишга Мендан ўзга муносиброқ илоҳ йўқ. Бас, қавмингизни шунга буюринг ва Мендан ўзгага ибодат қилишдан қайтаринг.

2) Қуръони каримдаги қиссаларни келтиришдан яна бир мақсад ушбу Қуръон Аллоҳ таолонинг ҳузуридан эканлиги ва бу илмга Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ ўз Китобини ваҳий қилгандан сўнг эга бўлганлари ва ўз Раббиларидан етказаётган нарсалар ҳақроост эканини баён қилишдир. Қуръонга қулоқ тут, у сенга ушбу маънони кўпгина ўринларда ҳикоя қилади:

«(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), булар Биз сизга ваҳий қилаётган ғайб хабарларидандир. Илгари буларни на сиз ва на қавмингиз билар эдингиз. Бас, (ҳақ динга даъват қи-лишда кофирларнинг етказаётган озорларига) сабр қилинг! Албатта оқибат-натижа Аллоҳдан кўрқувчи кишиларникидир» (Худ, 49).

Яъни, ушбу биз ҳикоя қилаётган қиссалар ўтган қавмларнинг ғайб хабарларидандир. Уни Биздан ўзга ҳеч ким тафсилот ва нозик ҳақиқатларигача билмас. Биз уни сизга рост ва ишончли бўлган ваҳий йўли орқали билдирамиз. Ушбу қисса ва шунга ўхшаш хабарларни на сиз билар эдингиз, эй Муҳаммад, на қавмингиз

¹ (Ояти карималар таржимаси Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимасидан олинди. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Алоуддин Мансур, баъзи ҳолларда Абдулазиз Мансурнинг «Қуръони карим маъноларининг таржимаси» китобидан ҳам фойдаланилди. – Таржимон)

билар эди. Фақатгина Биз уни ваҳий қилгандан сўнги билиб олдингиз. Шундай экан, Аллоҳнинг амрини инсонларга етказишда, худди аввалги пайғамбарлар каби чиройли «**сабр қилинг**». Зеро, билингки, чиройли оқибат ўз нафсларини Аллоҳ рози бўлмайдиган нарсалардан сақлаб юргувчи тақводор зотларникидир.

Ушбу ояти карима Аллоҳ берган неъматларни эътироф этиш, панд-насиҳат ва рағбатлантириш орқали ҳикоя қилинмоқда.

Аллоҳ таолонинг берган неъматлари ва қилган меҳрибонлиги «**Илгари буларни на сиз ва на қавмингиз билар эди**» оятида ифодаланмоқда. Сўнгра Ҳақ таоло «**Сабр қилинг**», дея суюкли Пайғамбарига насиҳат қилмоқда ва сўнгра «**(Чиройли) оқибат тақводорларникидир**», дея бандаларини Ўзига тақво қилишга ундамоқда.

Ушбу маъно Юсуф (алайҳиссалом)нинг ўз оға-инилари билан бўлиб ўтган қиссасидан сўнг ҳам зикр қилинади:

«(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **бу Биз сизга ваҳий қилаётган ғайб хабарларидан.** (Чунки сиз Юсуфнинг оға-инилари) **макр-хийла билан ўзларининг режаларини тузиб иттифоқ қилишаётган пайтларида уларнинг ёнларида ҳозир эмасдингиз**» (*Юсуф, 102*).

Яъни, биз биродарингиз Юсуф ҳақида ҳикоя қилаётган қисса, эй Муҳаммад, Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмайдиган ғайб хабарларидандир. Зеро, Биз уни сизга ваҳий қиламиз ва ибрат, насиҳатларни ўз ичига олган ушбу ҳикоядан хабар берамиз.

Шунингдек, Қуръони карим Аллоҳ таолонинг ҳузуридан эканлигига исбот-далилни Мусо (алайҳиссалом) ва Марям қисса-ларида ҳам кўриб ўтишимиз мумкин. Мусо (алайҳиссалом) қис-саларида Аллоҳ таоло шундай дейди:

«(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Биз Мусога ишни ҳукм қилган пайтда сиз Ғарб томонда эмас эдингиз ва гувоҳлардан ҳам бўлган эмассиз. Лекин Биз** (Мусо замонидан сўнг, кўп) **асрларни пайдо қилдик, бас уларга умр-замон чўзилиб кетди. Сиз Мадян аҳли орасида тургувчи ҳам, уларга Бизнинг оятларимизни тиловат қилгувчи ҳам бўлган эмас-дингиз. Лекин Биз** (сизни) **пайғамбар қилиб юборгувчи бўл-дик. Биз нидо қилган пайтда сиз Турнинг ёнида бўлган эмасдингиз. Лекин** (сиз) **Парвардигорингиз томонидан раҳмат бўлиб сиздан илгари бирон огоҳлантирувчи келмаган бир қавми огоҳлантириш учун** (пайғамбар қилиндингиз). **Шояд улар эслатма-ибрат олсалар**» (*Қасас, 44 – 46*).

Яъни, эй Муҳаммад, Биз Мусога одамларни залолатдан чиқариб, уларга рисолатимизни етказишни топширган вақтимизда сиз у ерда (Тур тоғининг ғарбий томонида) ҳозир эмас эдингиз ва Биз Мусога ваҳий қилган нарсаларга ҳам гувоҳ эмассиз. Лекин Биз ушбу хабарларни Сиз билан Мусо орасида узоқ вақт ўтказгачгина ваҳий қилмоқдамиз. Шунингдек, Мусо ва унинг қавми ўртасида кескин баҳслашув бўлган пайтда ҳам Мадян аҳли орасида тургувчи бўлмагансиз. Биз Мусога қавми учун ҳидоят ва залолатдан чиқаргувчи нур бўлиши учун Тавротни нозил қилдик. Сиз бунга ҳам шохид бўлмагансиз.

Ушбу ояти карималардан мақсад шуки, Қуръон Аллоҳ таолонинг даргоҳидан нозил қилинган ва Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу воқеа ва қиссаларни билмасдилар. Лекин Аллоҳ Қуръони каримни ваҳий қилиш орқали У зот (сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам)ни улардан хабардор қилди. Марям қиссасининг сўнгида Аллоҳ таоло шундай дейди:

«(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), бу ғайб хабарларидандирки, бу хабарларни сизга Биз ваҳий қилмоқдамиз. Холбуки, сиз улардан қайсилари Марямга кафил бўлиши (ни билиш) учун қаламларини (қуръа қилиб) ташлаганларида уларнинг олдида эмасдингиз» (*Оли Имрон, 44*).

Яъни, Биз сизга ҳикоя қилаётган ушбу Имроннинг аёли, Закариё (алайҳиссалом) ва фаришталарнинг Марямга айтган жавоб-лари ҳақидаги қиссанинг ҳаммаси ғайб хабарларидандир. Марямга улар Закариё (алайҳиссалом)ни кафил қилиш борасида баҳслашаётганларида сиз уларнинг олдида ҳозир эмасдингиз.

Яна таъкидлаб айтаемизки, ушбу ва шунга ўхшаш оятлар Қуръ-он ёлғиз Аллоҳ таолонинг ҳузуридан эканлигига очик-ойдин ҳуж-жатдир.

Қуръони каримдаги қиссалар инсонларга ибрат, панд-насихат бўлиши учун келтирилган. Аллоҳ таоло айтади:

«Албатта, бу ҳақрост қиссадир. Ва ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Аллоҳнинг Ўзи бор. Ва албатта Аллоҳнинг Ўзигина қуд-рат ва ҳикмат соҳибидир» (*Оли Имрон, 62*).

«(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)), Биз сизга уларнинг хабарларини рўйирост айтиб берурмиз. Дарҳақиқат, улар Парвардигорларига имон келтирган ва Биз имонларини зиёда қилган йигитлардир» (*Каҳф, 13*).

«Энди албатта уларга, билган ҳолимизда (қилиб ўтган ишлари ҳақида) сўйлаб берурмиз. (Зотан), Биз ғойиб-йўқ эмас эдик, (балки, барча нарсага гувоҳ бўлиб турган эдик)» (*Аъроф, 7*).

Қуръони карим қиссаларини келтирилишидан яна бир мақсад шуки, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг қалбларини мустаҳкамлаш ва у кишига руҳ бағишлаш, қавмларидан У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га етаётган мусибатларни енгиллатиш, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни ўз биродарлари (пайғамбарлар)га эргашишга чақириш ва У зот ва мўминларга чиройли оқибат бўлиши ҳақида хушxabар беришдир. Аллоҳ таолонинг ўтган пайғамбарлар ҳақидаги қиссалари орқали Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг қалбларини мустаҳкамлаши-ни кўпгина оятларда кўришимиз мумкин. Аллоҳ таоло айтади:

«(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Биз сизга Пайғамбарларнинг хабарларидан қалбингизни мустаҳкам қиладиган барча қиссаларни сўйлаб берурмиз ва бу қиссалар-да сизга ҳақиқат ва барча мўминлар учун панд-насихат ҳамда эслатмалар келди» (*Худ, 120*).

Ушбу ояти карима Худ сурасининг охирларида келган бў-либ, унда Нуҳ, Худ, Солиҳ, Лут, Шуайб (алайҳиссаломлар)нинг ўз қавм-лари билан бўлган қиссалари ҳикоя қилинади.

Юқоридаги оятнинг маъноси: “Ҳар бир хабар ўтган ҳурматли Пайғамбарларнинг хабарларидандир, Биз уни сизга сўйлаб берамиз ва ундан сизни хабардор қиламиз”. Ушбу оятдаги “қалбни мус-таҳкамлаш”дан мурод Набий (алайҳиссалом)нинг Аллоҳга бўлган ишончларини янада кучайтириш, У зот (сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам) ва асҳобларига Ҳақ Динни инсонларга етказиш чоғида етган турли машаққатларга сабр қилишга чақириш ва тасалли беришдир.

Аллоҳ таоло Қуръонда келган ўтган пайғамбарларнинг қис-са-лари орқали Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га тасалли берар экан, ўз қавмларига Раббиларининг амрини етказишда ўша пай-ғамбарларнинг йўлини тутишни буюради. Бу маънодаги оятларни кўпгина сураларда учратишимиз мумкин. Аллоҳ таоло айтади:

«Худди шунингдек, улардан аввалги кимсаларга бирон пайғамбар келганида, улар ҳам, албатта (у пайғамбар) сеҳргар ёки мажнун, дер эдилар. Улар ўша (сўз)ни бир-бирларига васият қилиб қолдирганмидилар? Йўқ, улар туғёнга тушган қавм-дирлар. Бас, (Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз улардан юз ўғиринг! Энди сиз маломат қилингувчи эмассиз. Ва (Қуръон билан) панд-насихат қилинг! Зеро, у панд-на-сихатлар мўминларга наф етказур» (Зориёт, 52–55).

Ушбу ояти карималар Иброҳим, Мусо, Худ, Солиҳ ва Нух (алайҳиссаломлар)нинг қиссаларидан сўнг келтирилган.

Маъноси: эй Муҳаммад, сизнинг қавмингиздан олдинги қавм-ларга бирон набий ва расул келиб, уларни Аллоҳга тоат-ибодат қилишга даъват этганида, улар ҳам худди қавмингиз сизни шаънингизга айтаётган “сеҳргар ёки мажнун” деган сўзларни уларга ҳам айтишган эди.

Ушбу оятлардан мурод, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-га Қурайш мушрикларидан етган мусибат, жабр-зулмни енгиллатиш ва бу мусибатлар У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан олдинги пайғамбарларнинг ҳам бошига тушганини баён қилишдир. Оятнинг давомида Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Улар ўша (сўз)ни бир-бирларига васият қилиб қолдирганмидилар?!»**

Яъни, ҳар бир ўтган кофир қавм ўзларидан сўнг келувчи ав-лодларига Аллоҳ томонидан бирон расул ёки пайғамбар юборилганида, унга қарата: “сен сеҳргар ёки мажнунсан”, деб айтишни тайинлаб кетганмидилар?

Бу саволнинг жавоби оятнинг давомида келади: **«Йўқ, улар туғёнга тушган қавмдирлар!»**, яъни, уларнинг қалбларидаги нарсанинг бирлиги ҳамда куфр, фиску фужур ва исён, гуноҳ-маъсият ишларда бир эканликлари уларни ушбу сўзни айтишга ундарди. Улар бир-бирлари билан учрашмаган, бошқа-бошқа замонларда яшаган бўлсалар ҳам ушбу қабих сўзни айтишга барчаларининг тили жамланди. Сўнгра Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)га шундай амр қилади: **«Бас, (эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз улардан юз ўғиринг! Энди сиз маломат қилингувчи эмассиз».**

Яъни, эй карим зот бўлмиш Пайғамбар, сиз улардан юз ўғи-ринг ва уларнинг макр-ҳийла ва нодонликларига эътибор бермай ўз йўлингизда бардавом бўлинг! Зеро, сиз улардан юз ўғирганингиз учун маломат қилинмайсиз ва улар билан баҳслашишни тарк этганингиз сабабли ҳам иқобга олинмайсиз.

«Ва (Қуръон билан) панд-насихат қилинг! Зеро, у панд-на-сихатлар мўминларга наф етказур».

Яъни, кофир ва мушрик қавм сизга туҳмат-бўхтон тошларини отишига қарамай, сиз панд-насихат қилиш, башорат бериш ва огоҳлантиришда давом этинг. Зеро, Биз сизга ваҳий қилаётган энг юксак ҳидоятлардан ҳисобланмиш бу панд-насихатлар мўминларга манфаат келтиради.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бошларига тушган мусибатни енгиллатиш, У зотга тасалли бериш маъносидаги оятлар талайгинадир. Аллоҳ таоло айтади:

«(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) агар улар (яъни, Макка мушриклари) сизни ёлғончи қилсалар, (билингки,) улардан илгари Нух қавми, Од, Самуд (қабилалари) ҳам (ўз-ларига юборилган пайғамбарларни) ёлғончи қилган эдилар. Иброҳимнинг қавми (Иброҳимни), Лут қавми (Лутни), Мадян

(шаҳрининг) аҳолиси (Шуайбни ёлғончи қилгандирлар). Мусо ҳам ёлғончи қилинди. Мен эса кофир бўлган кимсаларга муҳлат бериб қўйдим, сўнгра уларни (ўз азобим билан) ушладим. Бас, Менинг (ўз пайғамбарларини ёлғончи қилган кофирларга қарши) инкорим қандай бўлди?!» (*Ҳаж*, 42 – 44).

Ўтган пайғамбарларга сабр-тоқатда эргашишга даъват қилишни қуйидаги оятларда кўришимиз мумкин: «Ана ўша (зотлар) Аллоҳ ҳидоят қилган кишилардир. Бас, (эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз ўшаларнинг йўлларигагина эргашинг!» (*Анъом*, 90).

Ушбу оятда Аллоҳ таоло аввал ўтган Пайғамбарларнинг ўн саккиз нафарининг исмини зикр қилиб, сўнгра Ўз Набийи (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни уларга эргашишга амр этмоқда.

Яъни, эй Муҳаммад, Биз сизга зикр қилаётган ушбу пайғамбар-лар Биз уларни тўғри йўлга, ҳақ динга ҳидоят қилган зотлардир. Ва улар ушбу йўлни сабот ва матонат билан босиб ўтдилар. Бас, сиз ҳам уларга эргашувчи бўлинг!

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ўтган пайғамбарлар-нинг қиссалари орқали башорат бериш у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва у кишига эргашган саҳобаларига Аллоҳ таоло томонидан нусрат (ёрдам) бўлишини баён қилиш билан бўлади. Ушбу маънони кўпгина оятларда кўриб ўтишимиз мумкин:

“Маълумки, сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам ёлғончи қилинганлар. Сўнг, то уларга Бизнинг ёрдамимиз келгунча ёлғончи қилинганларига ва чеккан азиятларига сабр қил-ганлар. Аллоҳнинг сўзларини ўзгартира олувчи бирон кимса йўқдир. Ахир сизга (эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), ўтган пайғамбарларнинг хабарларидан ҳам келган-ку!” (*Анъом*, 34).

Яъни, аввалги қавмлар уларни ҳидоятга чақириш учун келган кўпгина пайғамбарларни ёлғончи, дедилар, ўша вақтда ушбу пайғамбарлар улар етказган азият ва ёлғонга чиқаришларига сабр қилдилар, ва ҳатто Бизнинг ёрдамимиз келгунича ушбу йўлда бардавом бўлдилар. Бу нарсани Биз аввалдан белгилаб қўйган суннатимиз (тақдиримиз) тақозо қилди. Келаси оятларда Набий (сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам) ва у кишига эргашганларга яхши оқибат бўлиши башорат этилади:

– «Аллоҳ (Лавҳул маҳфузга): Шак-шубҳасиз, Мен ўз пайғам-барларим билан бирга ғолиб бўлурман, деб ёзиб қўйгандир. Албатта Аллоҳ кучли, қудратлидир» (*Мужода*, 21).

– «Аниқки, Бизнинг пайғамбар бўлган бандаларимиз ҳа-қида шубҳасиз, улар қўллаб-қувватлангувчилардир ва Бизнинг қўшнимиз (яъни, пайғамбарлар ва уларга имон келтирган кишилар) ғолиб бўлгувчилардир”, деган сўзимиз собит бўлгандир» (*Соффот*, 171–173).

– «Албатта, Биз пайғамбарларимизга ва имон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган кун (Қиёматда ҳам ёрдам берурмиз)» (*Ғофир*, 51).

Қуръони карим қиссаларининг келтирилишидан яна бир мақ-сад: ундан ибрат ва панд-насихат олишдир. Аллоҳ таоло айтади:

«Дарҳақиқат, уларнинг қиссаларида ақл эгалари учун ибрат бордир. (Ушбу Қуръон) тўқиб чиқарилган сўз эмас, балки у ўзидан аввалги нарсаларни (яъни, самовий китобларни) тас-диқ этувчи, (унга) имон келтирадиган қавм учун барча нарсаларни муфассал баён қилиб берувчи ҳидоят ва раҳмат (бўлган бир Китобдир)» (*Юсуф*, 111).

Ушбу ояти карима Юсуф сурасининг сўнгида келтирилган. Бу қисса Қуръондаги энг яхши, ҳикматли ва қалбга кучли таъсир қи-лувчи қиссалардан биридир.

Яъни, мазкур пайғамбар қиссалари ва уларнинг ўз қавмлари билан бўлиб ўтган воқеаларда ҳар бир солим ақл ва тўғри фикр эгаси бўлган кишилар учун ибрат ва насиҳат бордир. Биз сизга ҳикоя қилаётган ушбу қиссаларда бирон ихтилоф ёки ёлғон йўқ-дир. Зеро, улар ҳақиқий воқеликда содир бўлган. Биз сидқ ила сизга ваҳий қилаётган, уларга бирон тўқима ёки ёлғон аралашмаган Қуръон қиссаларидир.

Ушбу Китоб (Қуръон)нинг аввалги самовий Китоблардан фарқи шуки, уларга ҳар хил тоифалар ва фосиқ кишилар турли ўзгартиришлар киритишга ботиндилар. Лекин Қуръон бундай эмас, чунки Аллоҳ таоло уни сақлашга ваъда берган ва Қуръони карим унга имон келтириб, унинг амр ва наҳйиларига амал қилгувчи қавм учун ҳидоят ва раҳмат манбаидир.

Қуръони карим қиссаларидан оладиган ибратларимиз турли усулда баён қилинади, жумладан, Ҳақ йўлда собит турувчи, ботил эътиқод ва амаллардан узок юрувчи, Аллоҳ таолога чин қалбдан тавба қилувчи, У рози бўладиган амалларни қилиб, ғзаби келадиган ишларни тарк этувчи мўминларга чиройли оқибат бўлиши баён қилинган. Сулаймон (алайҳиссалом)нинг қиссаларида яхши намунани кўришимиз мумкин. Аллоҳ таоло У кишига ўзларидан сўнг ҳеч кимга насиб бўлмайдиган бойликни ато қилди ва бу бойлик ва мулкка ношукр бўлмадилар ва у Аллоҳни зикридан ҳам тўсиб қўймади. Аллоҳ таоло айтади:

«Энди қачонки (Сулаймон тахтни) ўз хузурида кўргач, деди: Бу Парвардигоримнинг мен шукр қиламанми ёки куфрони неъмат қиламанми, имтиҳон этиш учун берган фазлу марҳаматидандир. Ким шукр қилса, бас, албатта у фақат ўз (фойдаси) учун шукр қилур. Ким куфрни неъмат қилса, бас, Парвардигорим (унинг шукр қилишидан) беҳожат ва фазлу қарам эгасидир» (Намл, 40).

Зулқарнайн қиссасида ҳам ақл эгалари учун кўп ибратлар бор. Аллоҳ таоло унга ҳукмронлик ва ер юзида кўпгина имкониятлар берди. У эса куч-қуввати ва давлатини ёмонликка эмас, яхшиликка, фасод ишларга эмас, ислоҳ қилишга сарфлади.

Фор эгалари (Асҳобул Каҳф) қиссаси ҳам жуда таъсирли ва ибратга тўла. Улар ўз Раббиларига имон келтирдилар. Аллоҳ уларнинг имонларини Ҳақ йўлда собит турганликлари сабабли янада зиёда қилди. Юнус (алайҳиссалом)нинг қавмлари тўғрисидаги қис-садаги ибратлар шундан иборатки, у кишининг қавмлари Ҳақ йўлга даъват қилинганларида яхшилик билан қабул қилдилар, ўз Пайғамбарлари келтирган хабарни тасдиқладилар, Аллоҳ таоло учун динни холис қилдилар (ихлос билан ибодатларни бажардилар). Аллоҳ таоло айтади:

«Қани энди (Биз ҳалок қилган кишлоқлар ичида) бирон кишлок аҳли (ўз Пайғамбарлари айтган азобни сезган вақтлари-да) имон келтирсалар эди, албатта, имонлари фойда қилган (яъни, ҳалок бўлмаган) бўлар эди. Фақат Юнус қавмигина (шундай қилди). Имон келтиришгач, улардан ҳаёти дунёдаги расволик азобини кетказдик ва уларни маълум бир вақтгача, фойдалантирдик» (Юнус, 98).

Маъноси: кошки эди, кофир қавм рушду ҳидоятга қайтиб, пайғамбарлари келтирган Ҳақ динга имон келтирсалар ва нажот топсалар. Йўқ, илло Юнус (алайҳиссалом)нинг қавми шундай қилди. Улар қилган гуноҳ ишларига пушаймон

бўлиб, чин дилдан Аллоҳ таолога тавба қилдилар ва ўз пайғамбарларига имон келтирдилар. Шу сабабли, улар Аллоҳнинг азобидан нажот топиб, дунё ҳаётида ўз ажаллари етгунча тинчлик-саломатлик билан яшаб ўтдилар. Ушбу оятда, шунингдек, ҳақиқатни ёлғонга чиқарувчи ва кофир қавмларнинг ёмон оқибатлари баён қилинмоқда. Улар ўз куфрларида қаттиқ туриб олиб, Пайғамбарлар келтирган насиҳатларга қулоқ осмадилар, ҳидоятдан кўра залолатни афзал билиб, Аллоҳ таолонинг неъматларини инкор қилдилар. Аксинча, у неъматларини тоатда эмас, балки гуноҳ-маъсият амалларда ишлатдилар.

Бандаларни берган неъматларига ношукр бўлишидан қайта-риш мақсадида Аллоҳ таоло Қорун қиссасини келтиради. Унга Аллоҳ томонидан кўпгина неъматлар, мол-мулк ато этилган эди. Лекин у буни тан олмай ношукрлик қилди ва такаббурлик билан:

«Менга (бор молу давлатим) фақат ўзимдаги билим сабаб-лигина ато этилгандир, (бас, ҳеч ким уни мендан тортиб ололмас), деди» (Қасас, 78).

Шунингдек, Сабаъ² аҳлининг қиссасида Аллоҳ таоло улар ҳақида бундай дейди:

«Аниқки, Сабаъ (қабиласи) учун ўз масканларида бир аломат бор эди – ўнг томонда ҳам боғ-роғлар бўлиб, (Биз уларга): “Парвардигорингиз (берган) ризқ-рўзидан баҳраманд бўлинглар! (Шаҳрингиз) покиза шаҳардир, (Парвардигорингиз) мағфират қилгувчи Парвардигордир”, (деган эдик). Бас, улар юз ўгиришгач, Биз уларнинг устига тўфон билан селни юбордик ва уларнинг боғларини тахир-аччиқ мевали, юлғунзор ва яккам-дуккам бутазор “боғлар”га айлантириб қўйдик. Кофир бўлганлари сабабли уларни мана шу йўл билан жазоладик. Биз фақат кофир бўлган кимсаларгагина жазо берурмиз» (Сабаъ, 15–17).

Маъноси: Сабаъ қабиласининг масканларида Аллоҳнинг фазлу марҳаматига далолат қиладиган очиқ-ойдин аломатлар бор эди. Аллоҳ таоло уларга боғу бўстонлар ато этди, бириси масканларининг ўнг томонида, иккинчиси чап томонида. Сўнгра Аллоҳ солиҳ инсонлар тилидан уларга қарата айтдики: **«Парвардигорингиз (берган) ризқу рўзидан баҳраманд бўлинглар ва У зотга шукр қилинглар!»**, чунки сизлар покиза шаҳарда яшамоқдасизлар, у ерда сизларга лозим бўлган барча нарсалар муҳайё, бунинг устига Аллоҳ сизларга меҳрибон Зот ва гуноҳларингизни кечиргувчидир.

Бас, буларга шукр қилинг! Лекин **“Улар юз ўгиришди”**, яъни насиҳат қилувчиларнинг панд-насиҳатларидан юз ўгириб, Аллоҳнинг неъматларига ношукрлик қилишди. Натижада Аллоҳ уларнинг устига ҳалок қилгувчи селни юборди ва ғарқ пишиб етилган боғлар бирон-бир фойда бермайдиган дарахт ва меваларга айланди. Қуръони каримни тадаббур қилгувчи киши бундан ношукр қавмларнинг қиссалари ва улар тақдирларининг қандай яқун топганини кўради.

Анкабут сурасида Нух, Иброҳим, Лут, Шуайб, Ҳуд, Солиҳ ва Мусо (алайҳиссаломлар)нинг қавмлари билан бўлган қиссани зикр қилгач, Аллоҳ таоло бундай дейди:

² “Сабаъ” сўзи аслида Яман подшоларининг аждодларидан бирининг исмидир. Бу ердаги “Сабаъ”дан мурод, қабила ёки турар жой номидир. Ушбу қабила Санъа шаҳридан уч кунлик йўл узоқликда жойлашган Маърабада яшар эдилар.

«Биз улардан ҳар бирини ўз гуноҳи билан ушладик. Бас, уларнинг орасида биз устига тош ёғдирган кимсалар ҳам бордир. Улар орасида даҳшатли кичкирик тутиб (ҳалок бўлган) кимсалар ҳам бордир, улар орасида Биз ерга юттирган кимсалар ҳам бордир ва улар орасида Биз (сувга) ғарқ қилган кимсалар ҳам бордир. Аллоҳ уларга зулм қилгувчи бўлмади, лекин улар ўз жонларига жабр қилгувчи бўлдилар» (Анкабут, 40).

Яъни, ушбу ҳақиқатни ёлғонга чиқарувчи кофир қавми ўз гуноҳлари туфайли ушладик ва ҳалок этдик, чунки улар, гуноҳга муккасидан кетиб, ундан қайтмас эдилар. Шу сабабли Лут (алайҳиссалом) қавмларининг устига кучли шамол аралаш тош ёғдирилди. Солиҳ ва Шуайб (алайҳиссалом) қавмларини кучли ва ҳалок қилувчи кичкирик тутди. Ношукр Қорунни эса ер ютди. Баъзиларини Нух ва Фиръавн қавми каби ғарқ қилдик. Аллоҳ таоло уларга зулм қилишни хоҳламади, балки улар ўз нафсларига зулм қилдилар, куфр ва ношукрликда бўлганликлари сабабли ўзларини ўзлари ҳалок қилдилар.

Ушбу зикр қилиб ўтганларимиз, Қуръони карим қиссаларидан кўзда тутилган асосий мақсад ва ғоялари ҳамда улардан келиб чиқадиган ибратлар эди. Бу ерда келтирилганларимиз дарёдан бир томчидир. Қуръони карим қиссаларида яна кўпгина ибрат ва мақсадлар борки, уни ҳар бир салим ақл эгаси ўзи фикр қилиб, чиқариб олади.

*1416 ҳижрий йил, Сафар ойининг 12-куни Милодий 1995 йил,
10 июль Муҳаммад Саййид Тантовий
“Ал-Азҳар” университетининг шайхи*

ОДАМ (АЛАЙҲИССАЛОМ) ҚИССАСИ

Одам (алайҳиссалом) қиссаси Қуръони каримнинг кўпгина ўринларида, жумладан, Ҳижр, Сод, Аъроф, Каҳф, Бақара сураларида келтирилган. Ушбу сураларда Одам (алайҳиссалом)нинг халқ қилиниши, фаришталарнинг унга сажда қилишга буюрилиши ва бунга иблис қандай муносабатда бўлгани, Одам (алайҳиссалом)-нинг ер юзига халифа қилиб туширилиши, уларнинг маълум муддат жаннатда яшаганликлари, иблиснинг уларни иғво қилиши ва бунинг оқибатлари ҳамда Одам (алайҳиссалом) болаларини шайтондан эҳтиёт бўлиб юришлари лозимлиги ҳақида ҳикоя қилина-ди. Баъзи суралар юқорида айтиб ўтилганларнинг барчасини, баъзиси ярмини ёки ундан кўпроғини бир ўринда қамраб олади.

Аллоҳнинг изни билан ушбу айтиб ўтилганларни Қуръондан да-лил келтирган ҳолда кўриб чиқамиз, сўнгра қисса охирида ундан келиб чиқадиган фойдалар, хулоса ва ибратларни баён қиламиз.

Одам (алайҳиссалом)нинг яратилиш қиссаси:

Қуръони каримнинг энг асосий хусусиятларидан бири шуки, у инсонларга дини, дунёси ва охирати учун фойдали бўлган ишлардан хабар беради. Ва уларни ўзларига дахлдор бўлмаган ва уни билишнинг орқасида бирон манфаат йўқ бўлган ғайбий ишлар тўғрисида баҳслашишдан қайтаради. *(Масалан, Одам (алай-ҳиссалом)га жаннатда ейиш ман қилинган дарахт қайси эканлиги. Бу ҳақда қуйида айтиб ўтилади. – Тарж.)* Одам (алайҳиссалом)-нинг яратилиши

тўғрисидаги илм фақатгина Аллоҳга хосдир, биз уни Қуръони каримдек энг ишончли манбадан олишимиз мумкин. Аллоҳ таоло бундай дейди:

«Биз инсонни қора балчиқдан (олиб, сўнг) қуритилган лойдан яратганмиз. Жинни (яъни, иблисни) эса (Одамдан) илгари қизиган оловдан яратган эдик» (Ҳижр, 26–27).

Бу ердаги инсондан мурод, Одам (алайҳиссалом)дир, чунки у инсон наслининг энг биринчи вакили ҳисобланади.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бу ҳақда бундай дейди:

«Эй инсонлар, сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан кўрқингиз!» (Нисо, 1).

Ояти каримадаги “бир жон”дан мурод: Одам (алайҳиссалом)-дир. Юқорида келтириб ўтилган Ҳижр сурасининг 26–27-оятлари маъноси шуки: Аллоҳ таоло Одам (алайҳиссалом)ни қоп-қора қуруқ лойдан яратиб, унга маълум шакл берган. Унинг тафсилотлари ва дақиқ жойларини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. Ва жинни Одам (алайҳиссалом)дан аввалроқ “қизиган олов”дан яратди. Бу олов самум деб аталади, иссиқлиги шундай кучлики, ҳатто баданларни илма-тешиқ қилиб юборади.

Имом Муслим “Саҳиҳ”да Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қиладилар: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Фаришталар нурдан, жин аланга-оловдан, Одам эса сизларга (Қуръонда) васф қилинаётган нарсадан яратилди”.

Ушбу икки оятнинг маъноси Раҳмон сурасида ҳам таъкидла-нади.

«У инсон (Одам)ни сопол янглиғ қуруқ лойдан яратди. Жин (ва шайтонлар)ни эса оловдан яратди» (Раҳмон, 14–15).

Бу ердаги “олов”дан мурод, ҳақиқий олов ёки жаҳаннам оловидан бўлган аралашмадир.

Эътибор берилса, Аллоҳ таоло Одам (алайҳиссалом)ни бир неча босқичларда яратганлигини кўриш мумкин. Баъзи оятларда у тупроқдан яратилганлиги айтилади, жумладан:

«Албатта Исонинг (отасиз туғилишининг) мисоли Аллоҳ наз-дида худди Одамнинг мисоли кабидирки, уни тупроқдан яратиб, сўнгра “Бўл”, деди. Бас, у (жонли одам) бўлди» (Оли Имрон, 59).

Бошқа сурада унинг лойдан яратилганлиги айтилади:

«У барча нарсани чиройли қилиб яратган Зотдир. У инсон (Одам)ни даставвал лойдан яратди» (Сажда, 7).

Ҳижр сурасида инсон қора балчиқдан олиниб, сўнг қуритилган лойдан яратилганлиги, Раҳмон сурасида эса сополга ўхшаш қуруқ лойдан яратилганлиги айтиб ўтилади. Сиртдан қараганда бу оятлар бир-бирига зиддек, мос эмасга ўхшаб кўринади. Лекин яхшилаб тадаббур қилинса, ушбу зикр қилинганлар Одам (алайҳисса-лом)нинг яратилиш босқичи эканлигини билиш қи-йин эмас. Яъни, аввал тупроқ лойга айлантирилиб, сўнгра у қизитилган ва қора балчиқ ҳолига келган, кейин қуригач, сополга ўхшаш қуруқ лойга айланган. Яна таъкидлаб айтамикки, ушбу оятлар бир-бирига зид эмас, балки бирини иккинчиси қувват-лаб, тўлдириб келади.

Баъзи муфассирлар Ҳижр сураси ушбу оятининг тафсирида шундай фикрларни билдириб ўтадилар: “Одам (алайҳиссалом)-нинг қора балчиқдан олиб қуритилган лойдан яратилиши сўнгги босқич ҳисобланади. Яратилишининг илк босқичи тупроқ

эди, сўнгра у лойга айлантирилган, бу лой қорайиб балчиқ ҳолатига кел-ган ва куригач, сопол каби лойга айланган”.

Ушбу ояти каримадан мақсад, Аллоҳ таолонинг яратган ажойиботлари ва буюк қудратига диққатни жалб қилиш ва шу орқа-ли Унга ҳақиқий бандалик қилишга чорлашдир. Аллоҳ ана ўша моддалардан инсонни нафақат яратди, балки уни чиройли кўри-нишга эга қилди. Одам боласини бошқа махлуқотлардан устун қилиб қўйди. Буни фаришталарнинг Унга сажда қилишга амр қилинишларида ҳам кўриш мумкин. Аллоҳ таоло айтади:

«Дарҳақиқат, Биз одам болаларини азиз ва мукаррам қил-дик ва уларни куруқлик ва денгизда (от-улов ва кемаларга) чи-қариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризку рўз бердик ва Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик» (Исро, 70).

Аллоҳ таолонинг Одам (алайҳиссалом)ни ер юзига халифа қилиши:

Аллоҳ Одам (алайҳиссалом)ни лойдан яратиб, у ва зурриёти ер юзини обод қилишлари учун уни халифа қилишни ирода этди. Ва бу хоҳишини ўзининг мукарраб (яқин) фаришталарига билдириш учун шундай деди:

«(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), эсланг, Парвардигорингиз фаришталарга: **“Мен ерда халифа қилмоқчиман»** деганида, улар айтдилар: **“ерда бузғунчилик қиладиган, қон-лар тўкадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳам-ду сано айтиш билан Сени улуғлаймиз ва Сени(нг но-мингни мудом) пок тутамиз”.** (Аллоҳ) айтди: **“Мен Сизлар билмаган нарсани биламан”.** Ва У зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилиб деди: **“Агар сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини менга билдиринглар!”** Улар айтдилар: **“Эй Пок Пар-вардигоро, биз фақат Сен билдирган нарсаларнигина биламиз. Албатта, Сен Ўзинг илму хикмат Соҳибидирсан.** (Аллоҳ): **«Эй Одам, буларга у нарсаларнинг исмларини билдир»,** деди. (Одам) уларга барча нарсаларнинг исмларини билдирганидан кейин (Аллоҳ) айтди: **“Сизларга, Мен еру осмонларнинг сирларини ва сизлар ошкор қилган ҳамда яширган нарсаларни биламан, демаганмидим?»** (Бақара, 30–33).

Маъноси: эй карим зот бўлмиш Муҳаммад, Раббингиз фаришта³ларига **“Мен ерда халифа⁴ қилмоқчиман”**, деганини эсланг. Аллоҳ таолонинг фаришталарга бу хитоби маслаҳат ёки кенгашиш маъносида эмас, чунки У барча махлуқот ва амр-буйруқларнинг ёлғиз хожасидир ва Ўз махлуқотларига маслаҳат солишдан беҳо-жатдир. Ушбу хитобдан мақсад, Аллоҳ таолонинг қилаётган ҳик-матли ишини уларга эълон қилиш эди. Ёки ушбу оятда Аллоҳ ўз бандаларини бирон ишни

³ “Фаришта” сўзи арабчасига “малак” шаклида бўлади, кўплиги “малоика”. Улар Аллоҳ таолонинг аскарлари бўлиб, уларга ақл ва фаҳм берилган, доим Аллоҳнинг тоатида бўладилар, улар катта ва қийин ишларни бажаришга буюрилдилар. Аллоҳ таоло уларни ўз китобида бир неча сифатлар билан васф қилган. Уларнинг энг асосий сифатларидан бири **“Ўзларига буюрилган нарсага итбатсизлик қилмайдилар”** (Таҳрим сураси, 6-оят). Яна бошқа бир оятда уларнинг кечаю кундуз Аллоҳга тасбеҳ айтиб туришлари ва бу ишдан зинҳор чарчамасликлари таъкидланган.

⁴ **Халифа** – бир киши томонидан қолдирилган ва унинг ўрнини босиб турувчи шахс. Ушбу оятдаги халифадан мурод – Одам (алайҳиссалом) ва бошқа пайғамбарлар-дир. Аллоҳ таоло уларни ер юзини обод қилиш, одамлар орасида адолат билан ҳукм қилиш, ўз нафсларини камол топтириш, Унинг ҳукмларини ижро этиш ва буйруқ-амрларини амалга ошириш учун халифа қилиб юборди.

қилишдан аввал ақлли ва доно кишиларнинг маслаҳатини олишга ўргатиш ва уларга таълим беришдир.

Сўнг Аллоҳ фаришталарнинг бунга билдирган муносабатларини баён қилади: **“ерда бузғунчилик қиладиган, қонлар тўкадиган, кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиш билан Сени улуғлаймиз ва Сени(нг номингни) пок тутамиз”**.

(Биз “Сени улуғлаймиз” деб таржима қилган ибора Куръон матнида “наҳну нусаббиху” тарзида келтирилган, яъни «Тасбеҳ айтамиз» дейилмоқда). “Тасбеҳ” аслида “сабҳ” сўздан олинган бўлиб, луғатда “сув ёки ҳавода тез сузиб кетиш” маъносини англатади, шаръий истилоҳларда эса “Аллоҳ таолони барча айб-нуксонлардан пок деб тан олиш учун шошилиш”ни билдиради.

(“Пок тутамиз” деб таржима қилинган ибора эса “нуқоддису лака” тарзида ифода этилган.) Унинг масдари (ҳаракат номи) “тақ-дис” сўзи – “Аллоҳ таолони улуғлаш ва Уни юксак сифатлар билан васф қилиш” маъносини билдиради. Демак, “тасбеҳ” – Аллоҳни барча нуқсонлардан холи эканлигини тан олиш, “тақдис” эса Унинг мукамал сифатларга эгалигини тасдиқлаш ва эътироф этишдир.

Ояти кариманинг маъноси: эй улуғ Раббимиз, ерда бузғунчилик қилиб, қон тўқувчи кимсани халифа қиласанми? Ҳолбуки, биз Сени улуғлаб, Сенга ҳамду санолар айтамиз ва Сенинг исмингни пок тутамиз-ку?

Фаришталарнинг ушбу гаплари Аллоҳ таолонинг амрига қар-ши чиқиш ёки Унинг тадбиридан шикоят қилиш эмасди. Чунки улар Аллоҳнинг энг муқарраб фаришталари, муқаррам бандаларидир. Уларнинг ушбу сўзларни айтишларидан мақсад – ер юзида буз-ғунчилик қилиб, қон тўқувчи бундай махлуқот (инсонлар)-ни яратишдан Аллоҳ таоло қандай ҳикматни кўзлаганини билиш эди, холос. Фаришталар ғайб илмидан хабардор эмасдилар, улар олдин-дан ер юзида фасод ишлар бўлишини билишлари ҳам мумкин эмас, илло Ҳақ таоло Ўзи хоҳлаган бандаларини бундан хабардор қи-лиши мумкин.

Ибн Касир тафсир китобида ушбу маънони изоҳлаб шундай дейди: “Фаришталар инсоннинг ерда бузғунчилик қили-шини хос илм билан англаганлар ёки инсоннинг табиатидан фаҳм-лаганлар, Зеро, Аллоҳ таоло уларга ушбу тоифа махлуқотини қора балчиқ-дан олиб, сўнгра қуритилган лойдан яратилиш хабарини берган”.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, фаришталарнинг бу сўзлари Аллоҳ таолога эътироз билдириш ёки Одам боласига ҳасад қилиш маъносида эмас, балки бу ишнинг ҳикматидан хабардор бўлиш мақсадида айтилган эди. Яъни, улар дедиларки: “Эй Раббимиз, уш-бу тоифа махлуқотларни яратишдан кўзлаган ҳикматинг ни-ма? Зеро, улар ерда фасод ишларни қилиб, кўплаб қон тўкадилар. Агар уларни яратишдан мақсад Ўзингга ибодат қилиш бўлса, биз Сенга эрта-ю кеч ҳамду сано айтиб номингни улуғлаймиз. Биздан Сенинг амрингга хилоф бўлган бирон иш содир бўлган эмас. ерни обод қилишга бизлар ожиз эмасмиз-ку?” Аллоҳ таоло уларга қарата: **“Мен сизлар билмаган нарсани биламан”**, деб айтди.

Яъни, Мен бу тоифа махлуқотларимни яратишдаги ва уларни ерда халифа қилишдаги аниқ манфаатларни биламан. Сизлар эса билмайсизлар. Мен улар орасидан пайғамбарлар чиқариб, ўз эл-чиларимни юбораман ва улар ичидан сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳ кишилар чиқади.

Баъзи уламолар: “Ушбу ояти каримада Набий (соллаллоҳу алай-ҳи ва саллам)га тасалли бериш маъноси бор”, деб айтганлар, яъни қавмлари У зотни ёлғончига

чиқардилар. Ва у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақида баҳслашиб, ўзлари билмайдиган нарсалар ҳақида ҳужжат-далил талаб қилдилар. Зеро, пайғамбарлар келганида одамлар уларни тасдиқлаб, уларга итоат этиши, ўз навбатида пайғамбарлар ҳам худди Аллоҳ таоло муқарраб фаришталарга қилган муомаласи каби муносабатда бўлишлари лозим эди. Яъни, эй Муҳаммад, сиз ушбу кофир қавмнинг азиятларига сабр қилинг ва ҳидоят топган зотлар йўлига эришинг⁵.

Сўнгра Аллоҳ таоло Одам (алайҳиссалом)ни яратиш ва уни ерда халифа қилишнинг ҳикматларидан бирини баён қилади: **Ва У зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилиб деди: “Агар сўз-ларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини Менга билдириңлар!”**

Яъни, Аллоҳ таоло Одам (алайҳиссалом)га жаннатда ўзи яратган нарсаларнинг номини билдиришни илҳом қилди. Сўнгра бу исмларни фаришталарга юзлаштирди ва уларни ожиз қолдириш маъносида: “Агар Мен яратмоқчи бўлган инсондан билимлюроқ ёки афзалроқмиз деган гапларингиз рост бўлса, Менга ушбу исмларнинг номини айтиңг”, деди. Лекин фаришталар жавоб бериш-га ожиз қолдилар ва “**Эй пок Парвардигор, биз фақат Сен билдирган нарсаларнигина биламиз. Албатта, Сен ўзинг илму ҳикмат соҳибсан**”, дедилар.

Яъни, фаришталар ўзларига рўбарў қилинган нарсаларнинг исмларини билмасликларини эътироф этиб шундай дедилар: “Сенинг шаънинг улуғдир, эй Раббимиз, бизлар Сен ўргатган нарсалардан бошқасини билмаймиз, Ўзинг барча нарсаларни дақиқ жойларигача билгувчи мутлақ алим, барча махлуқотларингни яратишда ва уларга амрингни етказишда ҳақим бўлган Зотсан. Сен хоҳлаган банданга илм берасан, хоҳлаган бандангни ундан ман қиласан”.

Шу ерда Аллоҳ таоло томонидан Одам (алайҳиссалом)га фаришталардан сўралганда, улар жавоб беришдан ожиз қолган исмларнинг номини хабар бериши буюрилди: “(Аллоҳ): **“Эй Одам, буларга у нарсаларнинг исмларини билдир**”, деди. (Одам) уларга барча нарсаларнинг исмларини билдирганидан ке-йин (Аллоҳ) айтди: **“Сизларга Мен еру осмонларнинг сирларини ва сизлар инкор қилган ҳамда яширган нарсаларни биламан, демаганмидим?”**

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло Одам (алайҳиссалом)ни фаришталарга ўша исмлардан хабар беришни буюрмоқда. Бундан мақсад Одам (алайҳиссалом)нинг фазлини зоҳир қилиш ва инсонни не сабаб билан халқ қилинганлигини баён қилиш эди. Бу иш Аллоҳ таолонинг энг ҳикматли тадбирларидан бири бўлган.

Ушбу оятлардан оладиган ибрат ва фойдаларимиз шундан иборатки, Аллоҳ таоло Одам (алайҳиссалом) ва унинг зурриётини ер юзида Аллоҳнинг халифаси бўлиб, у ерни обод қилишлари ва кўплаб амали солиҳларни бажаришлари учун танлади.

Одам (алайҳиссалом) таълимни Аллоҳ таолонинг Ўзидан олган ва бу илм назар ва фикр йўли билан амалга оширилган, у ерда бирон хатолик ёки янглишиш содир бўлмаган, чунки бу илмни инсон Аллоҳдан бевосита олмоқда. Ушбу илм соҳиби Одам (алайҳиссалом) ер юзида халифа бўлиши учун тайёрланди. Шу билан ер юзига энг одил қонунлар тўплами бўлмиш шаръий ҳукмлар нозил бўла бошлади.

⁵ “Тафсиру Ибн Касир”, 1-жилд, 69-бет.

ФАРИШТАЛАРНИНГ ОДАМ (АЛАЙХИССАЛОМ)ГА САЖДА ҚИЛИШИ ВА БУНДА ИБЛИСНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Қуръони каримдаги кўпгина сураларда Аллоҳ таолонинг фаришталарни Одам (алайҳиссалом)га сажда қилишга буюриши ва иблиснинг бу амрдан бош тортиши ҳақидаги оятлар такрорланиб келади. Масалан, Бақара, Аъроф, Ҳижр, Исро, Қаҳф, Тоҳа, Сод ва бошқа сураларда, жумладан, Бақара сурасида Аллоҳ таоло айтади:

“(Эй Муҳаммад), эсланг, Биз фаришталарга Одамга сажда қилинг дейишимиз билан улар сажда қилдилар, фақат иблис кибр ва ор қилиб кофирлардан бўлди” (Бақара, 34).

“Сажда” луғатда “бўйин эгиш”, “ўзини паст олиш”, шаръий истилоҳда эса “ибодат қилишни ният қилиб пешонани ерга қўйиш” маъноларини англатади.

Уламолар Аллоҳ таолонинг фаришталарга буюрган саждаси қандай бўлганлиги тўғрисида бир неча қавлларни келтириб ўтадилар, уларнинг кўпчилиги: “Ояти каримада кўзга тutilган сажда луғатдаги маънога мос келади”, деган фикрни билдирадилар.

Яъни, фаришталарнинг Одам (алайҳиссалом)га сажда қилишларидан мурод, унинг фазлини иқроп этиш, унга таъзим билдириш ва ҳоказо. Бу саждадан мақсад, ибодат ниятидаги пешонани ерга қўйиш эмас, чунки Аллоҳ таолодан ўзгага ибодат қилиш ширк амалдир, фаришталар ширкдан йироқдирлар. Аллоҳнинг фаришталарни Одам (алайҳиссалом)га сажда қилишга амр қилишидан яна бир мақсад, уларни синаш ва яхшидан ёмонни ажратиш эди. Бу нарсани Аллоҳнинг ҳикмати тақозо қилди. Буни ушбу оятда кўришимиз мумкин: **“Улар саждага эгилдилар. Фақат иблис кибр ва ор қилиб кофирлардан бўлди”**.

Яъни, эй оқил инсон, ўзингга ваъз-насихат ва ибрат олиш учун Раббинг фаришталарга: “Одамга, унга таъзим ва иқром келтириш учун сажда қилинг” деганини эсла. Барча фаришталар Аллоҳнинг амрига бўйсундилар, илло иблис такаббурлик ва ғурур билан бу амрдан бош тортди. Бунинг сабаби Аллоҳ таолонинг неъматларига шукр қилмаслик эди. Ва натижада осийлардан бўлиб, Аллоҳнинг раҳматидан узоклаштирилди.

Уламолар иблисни, фаришталардан бўлганми ёки йўқ, деган масалада икки хил фикрни билдиришади:

1. Биринчи тоифа уламолар иблис фаришталардан бири бўлган деб айтишган, чунки Аллоҳ таоло уни ҳам фаришталар билан бирга Одам (алайҳиссалом)га сажда қилишга буюрди. Одатда, бирон нарса бир турга мансуб бўлмаса, унинг номи ёки исми алоҳида айтиб ўтилиши лозим.

2. Иккинчи тоифа уламолар эса, иблис фаришталардан эмас, деган фикрни билдиришган. Чунки Аллоҳ таоло айтади: **“Фақат иблис (сажда қилмади). У жинлардан эди. Бас, Парвардигорининг амрига бўйсунидан бош тортди”** (Қаҳф, 50).

Худди Одамнинг асли инс бўлгани каби иблиснинг ҳам асли жиндир. Шунингдек, у оловдан яратилган, фаришталар эса нурдан, иблиснинг зурриёти бор, фаришталарда эса йўқ. Бу ҳақида батафсил маълумот Қаҳф сурасида келтирилади:

«Эсланг, (эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), фаришталарга: “Одамга сажда қилинг”, дейишимиз билан саждага эгилдилар. Фақат иблис

(сажда қилмади). **У жинлардан эди. Бас, Парвардигорининг амрига бўйсунидан бош тортди. Энди сизлар Мени қўйиб, уни ва зурриётини дўст тутурмисиз?! Улар сизларга душманку! У золим кимсалар учун нақадар ёмон “ўринбосардир»** (Каҳф, 50).

Ояти кариманинг маъноси: эй оқил инсон, Биз фаришталарни Одамга сажда қилишга буюрганимизни эсла. Уларнинг барчаси саждага эгилдилар, фақат иблис такаббурлик қилиб сажда қилмади, чунки у Аллоҳ таоло оловдан яратган жин тоифасидан эди, у Бизнинг итоатимиздан чиқди, шундай экан, у Менинг лаънатим ва ғазабимга муносибдир. Эй Одам болалари, ундан узоқлашинг, васвасасидан эҳтиёт бўлинг ҳамда у ва зурриётидан четроқ юринг, чунки улар сизга очик душмандир. Уларни ўзларига дўст қилиб олувчилар яхшини ёмонга алмаштирибдилар, улар Аллоҳ таолонинг итоатидан чиқиб, иблис ва унинг зурриётига итоат этибдилар.

Ушбу ояти каримадан маълум бўладики, Одам болалари ҳамда иблис ва унинг зурриётлари ўртасидаги адоват-душманлик азал-азалдан давом этиб келмоқда.

Ушбу эслатмадан мурод, инсонни шайтон васвасасидан эҳтиёт бўлиб юришга чақириш ва унга қарши чиқишга руҳлантириш. «Аъроф» сурасида иблисни Одам (алайҳиссалом)га сажда қилишдан тўсган нарсга баён қилинади:

«Аниқки, Биз сизларни яратдик, сўнг сизларга сурат бердик, сўнгра фаришталарга: “Одамга сажда қилинглр”, дедик, бас, улар сажда қилдилар. Магар иблис сажда қилгувчилардан бўлмади. (Аллоҳ) деди: “Мен сенга буюрган пайтимда сени сажда қилишдан нима тўсди?” “Мен ундан яхшироқман. Мени оловдан яратгансан. Уни эса лойдан яратдинг”, деди у. (Аллоҳ) деди: “У ҳолда ундан тушгин! Сен учун унда қиб-ру ҳа-во қилиб юриш жоиз эмас. Бас, чик! Албатта, сен хор бўлгув-чилардандирсан!” “Менга улар тириладиган кунгача муҳлат бер”, деди у. (Аллоҳ) деди: “Сен муҳлат берилганлардансан”. У айтди: “Қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли мудом Сенинг тўғри йўлинг устида уларни кутиб ўтирурман. Сўнгра уларга олдиларидан ва ортларидан, ўнгу сўлларидан келиб (тўғри йўлдан оздирурман) ва уларнинг кўпларини шукр қилган ҳолларида тополмайсан”. (Аллоҳ) айтди: “Ундан жирканч ва мағлуб ҳолда чик! Қасамки, улардан кимда-ким сенга эргашса, албатта, жаҳаннамни сизларнинг барчаларингиз билан тўлдирурман» (Аъроф, 11–18).

Яъни, Биз оталарингиз Одамни бирон суратга эга бўлмаган ҳолида лойдан яратдик, сўнгра сурат бердик.

Ёки, Биз сизларни оталарингиз Одамнинг бели (сулб)да яратдик ва сизлардан Аллоҳ таолога ибодат қилишларингиз ва Унга бирон нарсани ширк келтирмаслигингиз тўғрисида мийсоқни олаётган пайтимизда сизларга сурат бердик.

«Сўнгра фаришталарга: “Одамга сажда қилинглр”, дедик, бас, улар сажда қилдилар. Магар иблис сажда қилгувчилардан бўлмади».

Сўнгра Аллоҳ иблисни сажда қилишдан тўсган сабабларни ба-ён қилади:

«(Аллоҳ) деди: “Мен сенга буюрганимда сени сажда қилишдан нима тўсди?»

Яъни, Аллоҳ таоло иблисга танбеҳ ва маломат маъносида: Мен сени фаришталар билан бирга сажда қилишга буюрган бўлсам-да, сени ундан нима тўсди ёки сени сажда қилмасликка нима ундади.

Сўнгра иблиснинг жавоби келтирилади: **“Мен ундан яхши-роқман. Мени оловдан яратгансан. Уни эса лойдан яратдинг”.**

Яъни, иблис тавба қилиб, ўз ишига афсусланиш ўрнига, Аллоҳ таолога маъсият қилишда давом этиб, ғурур ва манманлик билан: “Мен ундан яхшироқман, чунки мен оловдан яратилганман, у эса оддийгина лой унсуридан яратилган”, деди. Сўнгра Аллоҳ таоло деди: **“У ҳолда ундан тушгин!”**, яъни Менга, Менинг амримга исён қилганинг ва тоатимдан бўйин товлаганинг сабабли жаннатдан чиқ...

“Сен учун унда кибру ҳаво қилиб юриш жоиз эмас”, яъни жаннатда манманлик қилиш дуруст эмас, чунки у ер мутакаббирлар учун тайёрланмаган, Зеро, у Менинг тоатимга итоат этувчилар, камтарин зотларнинг маконидир.

“Бас, чиқ! Албатта сен хор бўлгувчилардандирсан!”. Яъни эй иблис, жаннатдан чиқ, сен Аллоҳ ва Унинг суюкли бандалари наздида хор бўлгувчилардансан, бунга сабаб сенинг мутакаббирлигинг ва манманлигингдир.

Сўнг иблиснинг Аллоҳ таолодан нима талаб қилгани ва унга қандай жавоб қилингани баён этилади: У (иблис): **“Менга улар тириладиган кунгача муҳлат бер”**, деди.

Яъни, иблис айтди: “Эй Раббим, менинг ажалимни кечиктир, мени Одам ва унинг зурриёти қабрларидан тириладиган кун (Қиёмат куни)гача ўлдирмай тур”.

Иблис бу билан ўлимдан қутулишни ва Қиёматгача Одам болаларини йўлдан оздиришни хоҳлаган эди.

(Аллоҳ) айтди: **“Сен муҳлат берилганлардансан”**.

Яъни, Аллоҳ таоло иблисга маълум вақт (Қиёмат куни)гача унинг ажали кечиктирилганлигини айтмоқда.

Кейин, иблиснинг Одам ва унинг зурриётини йўлдан оздириб, макр-хийла ишлатишга ва уларга озор бериш учун ваъда берганлиги ҳикоя қилинади: У айтди: **“Қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли мудом Сенинг тўғри йўлинг устида уларни кутиб ўтирурман”**.

Яъни, мени йўлдан оздирганинг ва Ўз раҳматингдан узоқлаштирганинг сабабли Одам ва унинг зурриётини ҳақ йўлда кузатиб тураман ва уларни ундан тўсаман. Уларни тўғри йўлдан адаштириш учун ҳар бир воситани ишга соламан.

“Сўнгра уларга олдиларидан ва ортларидан, ўнгу сўл-ла-ридан келиб (тўғри йўлдан оздираман)”, яъни, уларга душман ўз рақибига ҳужум қилиши мумкин бўлган тўрт томондан: олд, орқа, чап ва ўнг томондан яқинлашаман ва мен уларни Сенинг тўғри йўлингдан адаштирамай қўймайман.

Оқибатда **“Уларнинг кўпларини шукр қилган ҳолларида тополмайсан”**. Яъни, уларнинг аксарият қисмини амрингга бўйсунмаган ва берган неъматларингга шукр қилмаган ҳолларида кўрасан.

(Аллоҳ) айтди: **“Ундан жирканч ва мағлуб ҳолда чиқ!”**

Яъни, Аллоҳ таоло иблисга: “Жаннатдан маломат қилинган, таҳқирланган ва раҳматимдан қувилган ҳолингда чиқ”, деди.

“Қасамки, улардан кимда-ким сенга эргашса, албатта, жа-ҳаннамни сизларнинг барчаларингиз билан тўлдирурман”.

Яъни, Жаннатдан ҳайдалган ҳолингда чиқ, ва шуни билки, жин ва инс тоифасидаги кимки сенга эргашса, уларнинг ҳам сенинг ҳам борар жойинг жаҳаннам бўлади. У нақадар ёмон жой!

Ҳижр сурасида ушбу қиссани тўлдириб келувчи оятлар мавжуд. Унда иблис содиқ, ихлосли мўминларни тўғри йўлдан чалғита олмаслигини эътироф этган. Аллоҳ таоло айтади:

«(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), эсланг, Раббингиз фаришталарга: “Мен (асли) қора балчиқдан (олиб), қуритилган лойдан инсон яратувчиман. Бас, уни тиклаб, ичига, Ўз (даргоҳимдаги) руҳимдан киритганимда, сизлар унга сажда қилган ҳолингизда йиқилингиз!”, деди. Барча фаришталар унга сажда қилдилар. Фақат иблис сажда қилувчилар билан бўлишдан бош тортди. (Аллоҳ) деди: “Эй иблис, сенга не бўлдики сажда қилувчилар билан бирга бўлмадинг?” (У) айтди: “Мен қора балчиқдан олиниб, (одам сурати берилгач), қуритилган лойдан Сен яратган башарга сажда қилувчи эмасман”. (Аллоҳ) деди: “Бас, ундан (жаннатдан) чиқ! Энди сен, қувилган малъунсан”», яъни, Менинг раҳматимдан узоқлаштирилгансан ва “То жазо кунигача сенга лаънат бўлур», яъни жазо ва ҳисоб куни бўлмиш Қиёматгача сенга лаънатим давомий бўлади.

Шунда иблис: “эй Раббим, менга улар тириладиган Кунгача муҳлат бер, менинг жонимни олмай тур”, деди. Аллоҳ: “Сенга муҳ-лат берилди”, деб айтди. Бунга “шукр” сифатида иблис шундай деди: Энди мени йўлдан оздирганинг сабаб, мен уларнинг барчасини йўлдан адаштираман, уларга ер юзида гуноҳ ва маъсиятларни зийнатлаб кўрсатаман, илло булар ичида содиқ, мухлис бандаларинггагина бас кела олмасман, чунки уларнинг имонлари, Сенга бўлган ишончлари кучли. Шунда Аллоҳ деди: “Менинг зиммамдаги тўғри йўл шудир”. Яъни, эй иблис, менинг мухлис бандаларимни йўлдан оздира олмаслигинг Менинг ҳикматим, адолатим ва раҳматимдир.

“Менинг бандаларим устидан сен учун ҳеч қандай ҳукмронлик йўқдир”. Яъни, Менинг ихлосли бандаларимни тўғри йўлда чалғитишга қудратинг етмайди.

“Илло сенга эргашган гумроҳларнигина (йўлдан оздира олурсан)”. Яъни, лекин фақатгина адашиб, сенга эргашган одамлар орасидаги имони заиф бўлган кимсаларнигина тўғри йўлдан оздира олурсан.

“Уларнинг барчалари учун ваъда қилинган жой жаҳаннамдир”. Яъни, иблис ва унга эргашган, тўғри йўлдан чалғиганларнинг борар жойи жаҳаннамдир. Юқорида келтирилган маълумотлар Ҳижр сурасининг 28-43-оятларида зикр қилиб ўтилган.

Исроъ сурасининг 61-65-оятларида ушбу қисса бошқа услубда ҳикоя қилинади. Аллоҳ таоло айтади:

Эсланг, Биз фаришталарга: “Одамга сажда қилинг” дейи-шимиз билан улар саждага эгилдилар. Фақат иблис: “Сен лойдан яратган кимсага сажда қилурманми?”, деди.

Иблис ўз Холиқи бўлмиш Аллоҳ таолога такаббурлик ва манманлик билан бундай деди: “Мен оловдан яратилган бўлсам-да, лойдан яратилган шу Одамга сажда қиламанми? Ҳолбуки, мен ундан афзалман”.

Иблис ушбу ғурур ва исён билан чекланмади, ва Раббисига шундай хитоб қилди: “Менга хабар бергинки, мана шу кимсани мендан устун қилдингми? Қасамки, агар сен мени Қиёмат кунигача қолдирсанг, албатта, мен унинг зурриётини кириб юборурман, магар озгиналаригина (ҳақ йўлда қолур)”. Яъни, иблис одобсизлик билан ўз Холиқига шундай деди: “Менга ушбу, лойдан яратилган инсон ҳақида хабар бер. Нима учун уни мендан афзал қилиб қўйдинг ва унга сажда қилишимни буюрдинг?..”

Қасам ичаманки, агар менинг ажалимни Қиёматгача кечик-тирсанг, уларнинг озчилигидан бошқа ҳаммасини ҳалок қилурман. Одам зурриётининг барчасини ўз

измимга бўйсундираман ва ўзимга муте қилиб оламан, фақат оз кишилар бундан мустаснодирлар.

Шунда Аллоҳ таоло айтди: **“Бор, (сенга муҳлат бердим). Бас, улардан ким сенга эргашса, у ҳолда, шубҳасиз, жаҳаннам сизларга етарли жазо бўлур!”**

Яъни, Аллоҳ таоло таҳқирлаш маъносида иблисга шундай деди: “Бор, даргоҳимдан қувилган ва лаънатланган ҳолда чиқ, сенинг ажалинг Қиёмат кунигача кечиктирилди. Бас, улардан кимки сенга эргашса, ҳаммангизнинг жазоингиз жаҳаннам бўлади. Бу мукамал жазо бўлиб, ундан бирон нарса ноқис қилинмас”. Сўнгра Аллоҳ (субҳонаҳу ва таоло) бошқа йўл билан иблисга хитоб қилади: **“Улардан кучинг етган кимсани овозинг билан қўзғат, уларнинг устида отлик ва пиёда (лашкарларингни) торт, топган мол-давлат ва бола-чақаларида уларга шерик бўл, уларга (ёлғон) ваъдалар қил. Дарҳақиқат, шайтон уларга фақат алдов-ёлғон нарсаларнигина ваъда қилур”.**

Аллоҳ таолонинг ушбу амридан мурод иблисни қўрқитиш, уни ва васвасасини таҳқирлашдир.

Яъни, Аллоҳ таоло унга деди: “Бор, эй малъун, қувилган иблис қўлингдан келганича одам болаларини васваса қил, уларга ёлғон ваъдалар бер ва тинчсизлантир, макр-ҳийла билан ўзингга жалб эт, васвасанг билан уларни маъсият ишларга чорла, уларни тўғри йўлдан адаштириш учун барча макрларингни тўпла. Уларнинг мол-мулкларига шерик бўл, уни жамлашга ва ҳаром йўлга сарфлашга унда. Уларнинг бола-чақаларида ҳам шерик бўл, одобсиз фарзанд қилиб тарбиялашларига қизиқтир. Уларга ботил ва ёлғон ваъдалар бер”. Ва шайтон уларга алдовдан бошқа нарсани ваъда қилмайди.

Сўнгра Аллоҳ таоло ушбу ояти каримани содиқ мўминларнинг қалбларига хотиржамлик солиш билан яқунлайди. У айтади: **“Менинг (имон-эътиқодли) бандаларим устида сен учун ҳеч қандай салтанат-ҳукмронлик бўлмас. Парвардигорингнинг Ўзи етарли вакилдир”.**

Яъни, сен Менинг содиқ ва ихлосли бандаларимни йўлдан оздиришга қодир эмассан. Раббингнинг Ўзи етарли вакилдир, улар Унга таваккул қиладилар, ўз ишларини топширадилар ва шайтоннинг макр-ҳийла ва фитна-васвасаларидан сақлашни сўрайдилар. Аллоҳ таоло энг яхши сақлагувчи ва ёрдам бергувчи Зотдир.

Сод сурасининг 71–83-оятларида ҳам ушбу қисса ўзига хос услубда ҳикоя қилинади, яъни бу оятларнинг сўнгида Аллоҳ таоло кескин тарзда шайтон ва унга эргашганларни жаҳаннамга ки-ритишини таъкидлайди. Қисса ушбу оят билан бошланади:

«Эсланг, Парвардигорингиз фаришталарга деган эди: “Албатта Мен лойдан бир одам яратгувчиман. Бас, қачон уни тиклаб, унга ўз руҳимдан пуфлаб киргизганимдан сўнг унга сажда қилган ҳолингизда йиқилинглар!” Фаришталарнинг барчаси сажда қилдилар, магар иблисгина кибру ҳаво қилиб, кофирлардан бўлди. (Шунда Аллоҳ) деди: “Эй иблис, Мен Ўз “қўллар”им билан яратган нарсага сажда қилишдан нима сени ман қилди? Кибру ҳаво қилдингми ёки сен юксак мартабали зотлардан эдингми?”»

Яъни, Аллоҳ таоло иблисга ҳақорат ва тергаш оҳангида Ўз “қўллар”им билан яратган ва қудратим билан унга сурат берган Одамга сажда қилишдан сени нима тўсди? Сени унга сажда қилишдан манманлигинг тўсдимми ёки сен ноҳақ ўзини бошқалардан катта олгувчилардан бўлдингми?

Иблиснинг жавоби шундай бўлди: **“Мен ундан яхшироқ-дирман, сен мени оловдан яратгансан, уни эса лойдан яратдинг”**. Сўнгра Аллоҳ таоло унга шундай жавоб қилди: **“Бас, ундан (жаннатдан) чик! Энди, сен шубҳасиз қувилган – малъунсан. Ва албатта, то жазо куни (Қиёмат)гача сенга Менинг лаънатим бўлур”**.

Кейин иблис Аллоҳдан ўтиниб сўради: **“Парвардигорим, у ҳолда менга улар тириладиган кунгача муҳлат бергин”**.

Шунда Аллоҳ таоло шундай жавоб қилди: **“Бас, сен маълум вақтда етиб келадиган кунгача муҳлат берилганлардансан”**.

Иблис инсон ва унинг зурриётига ўз адоватини давом эттириб шундай деди: **“Энди Сенинг қудратингга қасамки, албатта уларнинг ҳаммасини йўлдан оздирурман. Магар уларнинг орасидаги (айрим) покиза бандаларинггина (ҳақ йўлдан озмай қолурлар)”**. Шу ерда иблисга Аллоҳ таолонинг энг одил иқоби – жазоси айтилади: **“Ҳаққа (қасам), фақат ҳақни айтурманки, албатта Мен жаҳаннамни сен ва (одамлар) орасидаги барча сенга эргашган кимсалар билан тўлдирурман!”**

Яъни, Ҳақ билан қасам ичиб айтаманки, Мен жаҳаннамни сен, сенинг жинсингдан бўлганлар ва сенга эргашганлар билан тўлдираман, чунки Менинг амримга бўйсунмай, Менга осий бўлганларнинг жазоси шу!

ИБЛИСНИНГ ОДАМ (АЛАЙҲИССАЛОМ)НИ ИҒВО ҚИЛИШИ ҲАҚИДА

Аллоҳ таоло Одам (алайҳиссалом) ва унинг жуфтига жаннатни маскан тутишни амр қилди, ва у ердаги барча мевалардан ейишга рухсат берди, илло биргина дарахтни уларга ман қилди. Лекин шайтон уларни ўз васвасаси билан алдаб, ўша ман қилинган дарахт мевасини ейишга ундади. Улар ундан едилар ва бу нарса уларнинг жаннатдан чиқарилишларига сабаб бўлди.

Бу ҳақда Бақара сурасида⁶ бундай дейилади:

Ва, айтдик: “Эй Одам, сиз жуфтингиз билан жаннатни маскан тутинг ва ундан хоҳлаган жойларингизда бемалол таом-ланинглар. Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангларки, у ҳолда золимлардан бўлиб қоласизлар”.

Яъни, Биз фаришталарни Одамга сажда қилишга буюрганимиздан сўнг уларнинг барчаси амримизга бўйсундилар, илло иблисдан ташқари, сўнгра Биз Одамга ҳурмат-эҳтиром билан: **“Эй Одам, сиз ўз жуфтингиз билан жаннатни маскан тутинг”**, дедик.

Жумхур уламоларнинг фикрича, бу ердаги жаннатдан мурод **“Дорус-савоб”** (“Мукофотлар диёри”)дир, уни Аллоҳ таоло Қиёмат кунида мўминлар киришлари учун тайёрлаб қўйган. Бошқа бир уламолар у ердаги жаннатдан мурод, ердан баланд жойдаги боғ-роғлар бўлиб, Аллоҳ уни Одам ва унинг жуфти учун яратган, деб айтадилар.

Аллоҳ таолонинг **“Ундан хоҳлаган жойларингизда бемалол таомланинглар”** деган сўзи унинг фазлу карамидан бир нишондир. Сўнгра Аллоҳ уларни муайян бир дарахтни ейишдан қайтарганлигини баён қилади:

⁶ Бақара сураси, 35–38-оятлар.

“Фақатгина мана бу дарахтга яқинлашманглар, у ҳолда золимлардан бўлиб қоласизлар”.

Яъни, сизлар жаннатдаги мевалардан хоҳлаганча енглар, лекин мана бу Биз сизларга чеклаган дарахтдан эҳтиёт бўлинглар. Агар Бизнинг амримизга хилоф иш қилиб ундан есанглар, ўз наф-сига зулм қилувчи бандалардан бўлиб қоласизлар. Муфассирлар ушбу ейишдан ман қилинган дархтнинг исми ва нави тўғрисида бир неча фикрларни айтиб ўтганлар. Айтиладики: у анжир эди ёки узум. Лекин Қуръони каримда унинг қайси дарахт эканлиги зикр қилинмаган.

Имом ибн Жарир ушбу маъно ҳақида жуда яхши фикрлардан бирини айтиб ўтган: “Бу борада энг яхши йўл: Аллоҳ таоло Одам ва унинг жуфтани жаннат дарахтларидан бирини ейишни ман қилган, дейишдир, чунки у қайси дарахт эканлиги тўғрисида бизда бирон аниқ илм йўқдир. У Қуръони карим ва саҳиҳ ҳадисларда ҳам зикр қилинмаган. Айтиладики, у буғдой эди, у узум эди... Бу шундай илмки, уни билгувчи бирон манфаат кўрмайди, уни билмай қолган одамга эса ҳеч қандай зарар бўлмайди”⁷.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло Одамнинг хато қилганини баён қилади:

“Бас, уларни шайтон йўлдан оздирди”.

Яъни, шайтон уларни адаштирди, улар ҳам унинг васвасасига кулоқ осдилар ва Раббиларининг амрини унутдилар, натижада Аллоҳ уларни мева ва турли нозу неъматларга тўла бўлган жаннатдан чиқарди. Сўнгра Аллоҳ таоло уларга қарата бундай деди: **“Бир-бирларингизга душман бўлиб, (ерга) тушингиз! Маълум вақтгача сизлар учун ерда барқарорлик ва (ундан) фойдаланиш бордир”.** Бу хитоб Одам, Ҳавво ва иблисга қаратилган эди.

Яъни, Биз Одам, Ҳавво ва иблисга: “Бир-бирларингизга ғазаб, нафрат қилган холингизда ерга тушинг, сизлар учун у ерда манзил, жой ва қароргоҳ бор ҳамда сизларга ўлим келгунча у ердан фойдаланинглар”.

Сўнгра Одам Раббисидан афв ва мағфират сўрашга шошилди.

“Одам ўз Парвардигоридан бир неча сўзларни қабул қи-либ олганидан сўнг (Аллоҳ) унинг тавбасини қабул қилди. Албатта, У тавбаларни қабул қилгувчи меҳрибон Зотдир”.

Энг ишончли қавлларга кўра ушбу калималарни Аллоҳ таоло Аъроф сурасида зикр қилиб ўтгандир. Яъни,

Ўқилиши: Роббана золаманна анфусана ва иллам тағфир лана ва тархамна ланакунанна минал-хосирийн.

Таржимаси: **“Парвардигоро, бизлар ўз жонимизга зулм қилдик. Агар Ўзинг бизларни мағфират қилмасанг ва биз-ларга раҳм-шафқат кўрсатмасанг шубҳасиз, зиён кўргув-чилар-дан бўлиб колурмиз”** (*Аъроф, 23*).

Яъни, Одам Раббисидан бир неча ҳикматли калималарни ўр-ганиб, ундан тавбасини қабул қилишини сўради. Аллоҳ уни қабул қилди. Зеро, У бандаларига раҳмати кенг бўлган ва тавба қилгувчиларнинг тавбаларини кўплаб қабул қилувчи Зотдир.

Аллоҳ таоло Одам (алайҳиссалом)нинг тавбасини қабул қилгач, У Ҳавво ва иблисни ерга тушишга амр қилади:

⁷ «Тафсиру Ибн Жарир Табарий». 1-жилд, 561-бет.

“У жойдан ҳаммангиз тушингиз”, дедик. “Бас сизларга Мен тарафдан ҳидоят келганда, кимлар Менинг ҳидоятимга эргашса, ана ўшаларга ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар”.

Яъни, Жаннатдан барчангиз тушинглар. Сизларга Мен тарафимдан пайғамбарларим орқали Ҳақ ва тўғри йўлга бошловчи бир ҳидоят келади. Бас, кимки пайғамбарларим Менинг ҳузуримдан олиб келган нарсага эргашса, унга бирон мусибат етмас, унга келажак (охират)да бирон кўрқинч ҳам бўлмас ва у ўтган ишларига ҳам хафа бўлмайди.

Худди шунга ўхшаш оят, яъни Одамнинг жаннатни маскан тутиши, шайтон иғвоси ва шу билан боғлиқ воқеалар Аъроф сурасида⁸ ҳам келтириб ўтилган:

“Эй Одам, сен жуфтинг билан жаннатни маскан тутиб, хоҳлаган жойингиздан таомланинг. Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангки, у ҳолда золимлардан бўлиб қолурсиз. Сўнг шайтон уларга ўзларидан ҳам беркитилган авратларини очиб юбориш учун васвасага солди”.

Яъни, иблис Одам ва унинг жуфти Ҳаввога васваса қилди. Васваса инсонни яхшиликдан ёмонлик томон олиб борувчи бир шайтоний овоздир. Шайтон ушбу васвасани бекилиб турган авратларидаги нарсани очиб юбориш учун амалга оширди. Иблис ушбу ёмон васваса билан чекланмай, балки уларга шундай деди: **“Парвардигорингиз фақат фаришталарга айланмаслигингиз ёки абадий яшаб қолмаслиқларингиз учунгина сизларни бу дарахтдан қайтарди”.**

Яъни, иблис ёлғон ва алдов билан айтдики: Раббингиз сизларни бу дарахтни ейишдан фақатгина фаришта бўлиб қолмаслигингиз ёки жаннатда абадий яшаб зинҳор ўлмаслигингизни хоҳламагани учунгина қайтарди.

Шайтон бу билан чекланмади, унга қўшимча қилиб, **Ва уларга: “Албатта мен сизларга холисларданман”, деб қасам ичди.**

Яъни иблис: “Қасам ичаманки, мен фақат сизларнинг манфаатингизни кўзловчи холис насихатгўйларданман”, деди.

“Бас, (шайтон) алдов билан уларни тушириб қўйди”.

Яъни, шайтон уларни тоатдан маъсият рутбасига туширди. Ноҳақ қасам ичиб, уларни ғурурга солди.

Сўнгра ушбу алдовнинг ёмон оқибати айтиб ўтилади:

“Ўша дарахтдан тотиб кўришган эди, авратлари очилиб қолди ва ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар”.

Яъни, улар ман қилинган дарахт мевасини еб кўришганда устиларидаги либослари тушиб кетиб, таналари кўриниб қолди, авратлари очилиб кетди ва ўз авратларини тўсиш учун жаннат япроқларидан олдилар. Шунда уларга Аллоҳ таоло шундай нидо қилди:

“Мен сизларни бу дарахтдан қайтармаганмидим ва албатта шайтон сизларнинг очик душманингиз демаганмидим?!”

Яъни, Аллоҳ таоло уларга танбеҳ оҳангида: “Мен сизларни бу дарахт мевасини ейишдан ман қилмаганмидим? Лекин сизлар бунга қулоқ осмадинглар, Раббингизнинг амрини унутдинглар. Шундан сўнг Одам ва Ҳавво Аллоҳдан мағфират сўрай бошладилар: **“Парвардигоро, бизлар ўз жонимизга зулм қилдик.**

⁸ Аъроф сураси, 19–25-оятлар.

Агар Ўзинг бизларни мағфират қилмасанг ва бизларга раҳм-шафқат кўрсатмасанг, шубҳасиз, зиён кўргувчилардан бўлиб қолурмиз”.

Аллоҳ таоло уларга жавоб тариқасида шундай деди:

“Бир-бирингизга душман бўлган холингизда тушингиз! Энди сизлар учун маълум бир вақтгача ерда қарор топиб ўрнашиш ва фойдаланиш бор. Сизлар унда яшайсизлар ва унда ўлурсизлар ва ундан чиқарилурсизлар”.

Яъни, сизлар жаннатдан ерга тушинглар. Эй Одам, сенинг зурриётинг ва иблис хамда унинг зурриёти ўртасидаги адоват Қиёматгача давом этади. Сизлар учун ерда қароргоҳ ва ҳаётдан фойдаланиш бор. Сизлар унда яшайсизлар, унда вафот этасизлар ва Охират куни ҳисоб-китоб қилиниб жазо ёки мукофот олиш учун ундан чиқариласизлар.

Тоҳа сурасида⁹ ҳам ушбу қисса ўта ҳикматли суратда ҳикоя қилинади:

Дарҳақиқат, Биз илгари Одамга буюрган эдик, у унутди ва Биз унинг учун қасд-собитқадамликни кўрмадик. Эсланг, Биз фаришталарга: “Одамга сажда қилинглар”, дейишимиз билан улар саждага эгилдилар, фақат иблис бош тортди. Бас, Биз айтдик: “Эй Одам, албатта бу сенга ҳам, хотинингга ҳам душмандир. Бас, у икковингизни жаннатдан чиқариб, бахтсиз бўлиб қолмагин. Шубҳасиз, сен у жойда оч-яланғоч қолмайсан. Ва у жойда ташна ҳам бўлмайсан, иссиқда ҳам қолмайсан”. Сўнг шайтон унга васваса қилиб: “Эй одам, мен сенга абадият дарахтини ва йўқ бўлмас мулку давлатни кўрсатайми?”, деди. Бас, улар едилару, ўша онда уларнинг авратлари очилиб қолди ва ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар. Одам Парвардигорига осий бўлиб, йўлдан озди. Сўнгра Парвардигори уни Ўзига яқин қилиб, тавбасини қабул этди ва тўғри йўлга ҳидоят қилди. (Аллоҳ) айтди: “Ундан ҳар иккингиз тушингиз. Айрим (зурриётларингиз) айримларига душмандир. Бас, сизларга Мен тарафдан тўғри йўл келганида ким Менинг тўғри йўлимга эргашса, у йўлдан озмас ва бахтсиз бўлмас”.

Энди буларни оятма-оят кўриб чиқамиз.

“Дарҳақиқат, Биз илгари Одамга буюрган эдик, у унутди ва Биз унинг учун қасд-собитқадамликни кўрмадик”.

Яъни, Биз сенга, эй Муҳаммад, ушбу қиссани хабар қилишимиздан олдин, Одамни муайян дарахт мевасини ейишдан ман қилган эдик, у Биздан олган аҳдини унутди. Биз уни буюрган ва қайтарган нарсаларимизда собитқадам бўлганини кўрмадик.

Сўнгра Аллоҳ таоло инсонни унутишга, унинг саботини заифлашишига сабаб бўлган нарсани баён қилади:

Бас, Биз айтдик: “Эй Одам, албатта, бу сенга ҳам, хотинингга ҳам душмандир. Бас, у икковингизни жаннатдан чиқариб, бахтсиз бўлиб қолмагин”.

Яъни, иблис ҳасад қилгани боис сизларга душман бўлди. Унга эргашшишдан эҳтиёт бўлинглар, акс ҳолда жаннатдан чиқарилиб, бахтсизлардан бўлиб қоласизлар, сизларни ғам-ташвиш чулғаб олади.

Келаси оятда Аллоҳ жаннатдаги неъматарни санаб ўтади:

⁹ Тоҳа сураси, 115–123-оятлар.

“Шубҳасиз, сен у жойда оч-яланғоч қолмайсан. Ва у жойда ташна ҳам бўлмайсан, иссиқда ҳам қолмайсан”.

Яъни, эй Одам, сенга жаннатда истаган нарсанг мухайёдир, у ерда сенинг қорнинг очмас, кийимсиз яланғоч ҳам қолмайсан, иссиқда ҳам қийналмайсан ва қуёш иссиғида озор ҳам чекмайсан.

Сўнгра Аллоҳ таоло Одам (алайҳиссалом)га ушбу неъматлар-ни эслатиб ўтса-да, у Раббисининг амрини унутгани ва шайтон ундан ғолиб келгани айтиб ўтилади:

Сўнг шайтон унга васваса қилиб: “Эй одам, мен сенга абадият дарахтини ва йўқ бўлмас мулку давлатни кўрсатайми?”, деди.

Яъни, эй Одам, деди шайтон алдов ва фитна йўли билан, мен сенга бир дарахтни кўрсатайми, агар ундан есанг мангу яшайсан, сенга ҳеч қачон ўлим етмайди ва битмас-туганмас бойлик соҳиби бўласан.

Одам шайтоннинг васвасаси ва алдови гирдобига тушиб, ўзи ва жуфти ўша ман қилинган дарахтдан еб кўрдилар. Лекин шу онда **“Уларнинг авратлари очилиб қолди ва ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар. Одам Парвардигорига осий бўлиб, йўлдан озди”.**

Яъни, Одам ўша дарахтдан узоқлашмай, Раббисининг амрига хилоф иш қилди, У тўғри йўлдан адашди, чунки у Аллоҳга эмас, ўз душмани бўлмиш шайтонга итоат этган эди. Сўнгра Аллоҳ таоло фазлу карамини баён қилади:

“Сўнгра Парвардигори уни Ўзига яқин қилиб, тавбасини қабул этди ва Тўғри йўлга ҳидоят қилди”.

Яъни, Одам ман қилинган дарахтдан егач, у ва жуфти қилган ишларига пушаймон бўлдилар, шу сабабли Аллоҳ уни ўзига танлаб олиб, тавбасини қабул қилди ва собитқадамлик йўлига ҳидоят қилди (йўллади).

Шундан кейин Аллоҳ таоло бу қиссани ушбу оятлар билан яқунлайди:

(Аллоҳ) айтди: **“Ундан ҳар иккинги тушингиз. Айрим (зурриётларингиз) айримларига душмандир. Бас, сизларга Мен тарафдан келганида ким Менинг тўғри йўлимга эргашса, у йўлдан озмас ва бахтсиз бўлмас”.**

Яъни, барчангиз жам бўлиб жаннатдан ерга тушинглар. Ўрталарингизда низо, адоват, дунёнинг ўткинчи матоҳини талашини бўлганлиги учун сизлар бир-бирингизга душмансизлар. Кимки Мендан пайғамбарларим орқали ҳидоят келганда, уларга имон келтириб, уларнинг йўлига эргашса, дунёда ҳам, Охиратда ҳам тўғри йўлдан адашмайди ва бахтсизлардан ҳам бўлмайди.

Одам (алайҳиссалом) қиссасидан олинадиган баъзи ибратлар ва фойдалар:

Одам (алайҳиссалом) қиссаси нафсларни залолатдан уйғо-тув-чи, қалбларни яхшиликка бошловчи кўплаб ҳикматли панд-насихат ва ибратларни ўзида мужассам этган, у ақлларни тадаббур, тафаккур қилишга ундайди. Ушбу қиссадан олинадиган энг муҳим фойда ва ибратлар куйидагилардир:

1. Инсонни турли хил моддалар унсуридан яратилиши Аллоҳ таоло қудратининг мукамаллиги, махлуқотларини яратишининг гўзаллиги ва ҳикматининг юксаклигига далилдир. Ва У бошқа бир хусусият билан инсонни мукаррам қилди. Аллоҳ таоло айтади: **«Бас, қачонки, уни ростлаб, унга руҳимдан пуфлаганимдан сўнг, ...» (Сод, 72).**

Инсонга хос қилинган бу хусусият ҳаётдаги бошқа тирик мавжудотлардан уни бутунлай ажратиб туради.

Шунингдек, ушбу қиссадан жинлар инсондан аввал яратилганини билиб олишимиз мумкин. Бунга далил сифатида қуйидаги оятни келтириб ўтамиз, **«Маълумки, Биз инсонни қора ботқоқдан (олиб одам сурати берилгач), қуритилган лойдан яратганмиз. Жинни эса (Одамдан) илгари оловдан яратган эдик»** (*Ҳижр, 26–27*).

2. Аллоҳ таолонинг иродаси Одам (алайҳиссалом)нинг ер юзига халифа бўлишини тақозо қилди ва уни фаришталарга хабар қилди, бу, албатта, маслаҳат маъносида эмас эди, У Аллоҳ қилаётган ишидан сўралмайди, балки ушбу оят орқали ўз бандаларини бирон ишни амалга оширмасдан олдин оқил кишиларнинг маслаҳатларини олишга чақиради.

Аллоҳ таоло ўз суюкли ҳабиби Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни ҳам саҳобалар билан кенгашиб иш қилишга буюради.

«(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), ишлари-нгизда уларга маслаҳат солинг» (*Оли Имрон, 159*). Шунингдек, Аллоҳ таоло ўз бандалари орасидаги яхши кишиларни бир-бирлари билан кенгашишлари ва ўзаро насиҳат қилиш хусусияти билан васф қилади:

«Улар Парвардигорларига ижобат-итоат этган ва намозни тўқис адо қилган зотлардир. Уларнинг ишлари ўзаро маслаҳат (билан) бўлур ва Биз уларни ризқлантирган нарсалардан инфоқ-эхсон қилурлар. Улар ўзларига зулм етган вақтда (унга қарши курашиб) ғолиб бўладиган зотлардир» (*Шўро, 38*).

3. Бирор ишни қилгувчи кишидан ўша ишнинг сабаби ёки нима ҳикмат билан бу ишни қилаётганини сўрашнинг яхши эканлиги. Бунга далил сифатида Аллоҳ таоло ер юзида халифа қилмоқчи эканлигини фаришталарга хабар берганида улар бу ишнинг ҳикматини, сабабини билиш учун шундай дедилар:

«У ерда бузғунчилик қиладиган, қонлар тўкадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиш билан Сени улуғлаймиз ва Сени(нг номинг мудом) пок тутамиз» (*Бақара, 30*).

Аллоҳ таоло уларнинг ажабланишларини кетказиш мақсади-да бундай деди: **«Мен сизлар билмаган нарсани биламан»**.

Аллоҳ ушбу ҳикматли қисса орқали раҳбар ўз қўл остидагиларга яхши муносабатда бўлиши, улар билан баҳс-тортишувларни тарк этиш ва бирон нарсанинг сабаби ёки ҳикматини мулоимлик ва сабр билан ифодалаш ёки тушунтириш каби хислатларни таълим бермоқда.

4. Тўғри йўлда юришнинг асосида илм ётиши ва илмнинг ибодатдан устун эканлиги. Чунки Аллоҳ таоло ўз даргоҳида ҳурматли бўлган, бирон амрига хилоф иш қилмайдиган муқарраб фаришталарни Одам (алайҳиссалом)га сажда қилишга буюрди. Аллоҳ таоло Одам (алайҳиссалом)га илм бериб, уни шу мартабага кўтарди. У фаришталарга Ўз илмидан бу даражада бермаган эди. Шу билан манфаатли илм энг катта фазилатлардан эканлиги собит бўлди. Илм ўз соҳибини юксак мартабаларга олиб чиқади. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг кўпгина оятларида илм ва уламоларни мақтаб, зикр қилган.

Аллоҳ ўз ваҳдониятига гувоҳлик беришда уламоларни фаришталар билан тенглаштиради:

«Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ, фақат унинг Ўзи борлигига гувоҳлик бердилар. У адолат билан тургувчи –

хукм қилгувчидир. **Хеч қандай тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи бор. У қудратли, хикмат эгасидир»** (*Оли Имрон, 18*).

Ҳақ таоло олимларни Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган даражага кўтариб қўйди:

«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтарур» (*Мужодала, 11*).

Бошқа бир оятда уламолар билан бошқалар тенг бўлмасликлари таъкидлаб ўтилади:

«Айтинг: «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурму?!» (*Зумар, 9*).

Яна бошқа бир оятда Аллоҳдан қўрқиш фақатгина аҳли илм, аҳли маърифатларга хослиги айтиб ўтилган:

«Аллоҳдан бандалари орасидаги олимларигина қўрқур. Албатта, Аллоҳ қудратли, мағфиратлидир» (*Фотир, 28*).

«Тоҳа» сурасида эса Аллоҳ таоло Ўз Набийи (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни манфаатли илмни кўпайтиришини сўрашга амр қилади:

«Ҳақ подшоҳ – Аллоҳ юксакдир. (Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сизга (Қуръон) ваҳийси битишидан илгари қироат қилишга шошилманг ва айтинг: «Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин» (*Тоҳа, 114*).

5. Агар ақл нафсга тобе бўлса, у очиқ-ойдин ҳужжат-далилларни кўра олмай қолади, яхшиликка унамайди ва ёмонликдан қайтмайди. Иблис ўз Раббисининг амрига хилоф иш тутди, у буни Одам (алайҳиссалом)га бўлган нафрати, яширин ҳасади кучли бўлгани учун шундай қилди ва фаришталар билан бирга сажда қилгувчилардан бўлмади. Қуръон бизга келаси оятда шайтоннинг Одам (алайҳиссалом)дан яхшироқ эканлигини даъво қилганлигини ҳикоя қилади:

«У (иблис) айтди: «Мен ундан яхшироқдирман. Сен мени оловдан яратгансан, уни эса лойдан яратдинг» (*Сод, 76*).

Баъзи ҳолларда шайтонни сажда қилишдан унинг такаббурлиги ва ғурури ман қилганлиги айтиб ўтилади: **«У (иблис) айтди: «Мен (асли) қора ботқоқдан (бўлиб одам сурати берилгач) қуритилган лойдан Сен яратган Одамга сажда қилгувчи эмасман»** (*Ҳижр, 33*).

Яна бошқа оятда такаббурлик билан: **«Сен лойдан яратган кимсага сажда қилурманми?»**, деди.

Иблис Аллоҳга осий бўлиш билан кифояланмади, балки мақтанчоқлик ва ғурур билан ўзини Одам (алайҳиссалом)дан афзал эканлигини таъкидлади ва шу сабабли Аллоҳ таолонинг лаънатига ва даргоҳидан қувилиб, раҳматидан узоқлашишга мустаҳиқ бўлди.

6. Иблис ва зурриёти билан Одам ва унинг зурриёти ўртасидаги адоват қадимий бўлиб, бу Қиёмат кунигача давом этиши.

Ушбу маънони Қуръони каримнинг кўпгина оятларида иблиснинг ўзи таъкидлаб ўтади:

– У айтди: «Қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли мудом Сенинг тўғри йўлинг устида улар (Одам болалари) ни кутиб ўтирарман. Сўнгра уларга олдиларидан ва ортларидан, ўнгу сўлларидан келиб (тўғри йўлдан оздирурман) ва (оқибатда) уларнинг кўпларини (берган неъматларингга) шукр қилган ҳолларида топмайман» (*Аъроф, 16 – 17*).

– «**Парвардигор, қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли албатта, мен уларга ердаги (барча гуноҳ ишларни) чиройли кўрсатиб кўюрман ва албатта, уларнинг хаммаларини йўлдан оздирурман. Магар уларнинг орасидаги покиза бандаларинггина (ҳақ йўлдан озмай қолурлар)**» (*Ҳижр, 39–40*).

– «**Менга хабар бергинки, мана шу кимсани мендан устун қилдингми? Қасамки, агар сен мени Қиёмат кунигача (тирик) қолдирсанг, албатта, мен уларнинг зурриётини қириб юборурман (яъни, ҳақ йўлдан оздириб, ҳалокат йўлда буриб юборурман), магар озгиналаригина (Ҳақ йўлда қолурлар)**» (*Исро, 62*).

– «**Энди сенинг қудратингга қасамки, албатта, уларнинг хаммасини йўлдан оздирурман. Магар уларнинг орасидаги (айрим) покиза бандаларинггина (Ҳақ йўлдан озмай қолурлар)**» (*Сод, 8–83*).

Юқорида келтириб ўтилган оятларда иблис Одам ва унинг зурриётларига ўз адоватини очиқ-ойдин эълон қилмоқда ва уларни, баъзи покиза ва ихлосли бандалардан ташқари, залолат йўлига киргизиб, бахтсизлардан қилиш учун ва бу йўлни зин-ҳор тарк этмаслигини қасам ичиб таъкидламоқда (*Бу ҳар биримизга катта ибрат бўлиши лозим, шайтон бизга ўз душманлигини эълон қилган экан, биз ҳам унга душман бўлайлик, унинг ҳар хил васваса, изволарига учиб унга дўст ёки малай бўлиб қолмайлик. Зеро, ўзини душман қўлига топширган инсоннинг соғ-омон қоли-ши мумкин эмас. – Тарж.*). Аллоҳ таоло кўпгина ўринлари Одам (алайҳиссалом) ва унинг зурриётини иблисга эргашишдан, унинг васвасасига кулоқ осидан қайтариб, бунинг ёмон оқибатларидан огоҳлантириб ўтади:

– «**Эй Одам болалари, шайтон оталарингизнинг авратларини ўзларига кўрсатиш (яъни, уятли аҳволга солиб қўйиш) учун уларнинг либосларини ечиб, жаннатдан чиқаргани каби сизларни ҳам алдаб қўймасин! Чунки у ва унинг малайлари сизларнинг ўзингиз билмайдиган тарафдан кўриб турадилар. Албатта, Биз шайтонни имонсиз кимсаларга дўст қилиб қўйганмиз**» (*Аъроф, 27*).

– «**Аниқки, шайтон сизларга душмандир, бас, уни душман тутинглар! Шак-шубҳасиз, у, ўз ҳизбини (яъни, ўзига эргашган кимсаларни) дўзах эгаларидан бўлишлари учун даъват қилур**» (*Фотир, 6*).

7. Аллоҳ таоло ўзининг кўплаб неъматлари билан сийлаб қўйган инсон Унга давомий тарзда шуқр қилиб туриши, Унинг амрига хилоф бўлган амалларни қилишдан сақланмоғи лозим, чунки бу кўпгина ҳолларда ана ўша неъматларнинг завол топишига олиб келади.

Аллоҳ таоло Одам (алайҳиссалом)га жаннатни маскан қилиб берди ва у ердаги барча неъматлардан фойдаланиб, тановул қи-лишга рухсат берди, илло уни бир муайян дарахтни ейишдан ман қилди. Лекин Одам Раббисининг амрини унутиб шайтон вас-васасига ва алдовига ишонди ҳамда ейишдан қайтарилган дарахтдан тотиб кўрди. Натижада Аллоҳ уларни жаннатдан чи-қарди. Қуйидаги оятда шу ҳақида ҳикоя қилинади:

«**Бас, уларни шайтон йўлдан оздириб, масканларидан чи-қарди ва айтдик: Тушингиз (жаннатдан ерга! Сизлар инсон ва шайтон) бир-бирингизга душмансиз. Энди маълум вақтгача (ажалларингиз етгунча) ерда маскан тутиб яшайсиз**».

Шунингдек, Аллоҳ таолога тоатда бардавом ва собиткадам туриш неъматларни давомий бўлиши гаровидир. Агар Аллоҳга тоат унутилса, унга гуноҳ-маъсият

қилиниб, амрларни бажарилмаса, бу неъматни завол топишига олиб келади. Шеърда айтиладики,

*Агар сен неъмат узра бўлсанг, уни сақлай бил,
Зеро, гуноҳлар неъматни завол топтиргусидир.
Уни Аллоҳга шуқр қилиш билан сақлагин доим,
Акс ҳолда, Аллоҳ жазоси тез бўлган Зотдир.*

8. Кучли имон соҳиби шайтоннинг макридан устун келади, Аллоҳ улардан рози ва улар ҳам Аллоҳдан рози бўладиган Раҳ-моннинг бандаларини иблис йўлдан уролмайди, ҳатто ўз таъсирини ҳам ўтказа олмайди. Иблиснинг ўзи буни эътироф этган ва бу ҳақида кўпгина ояти карималарда айтилган:

«(Иблис) айтди: **«Парвардигорим, қасамки, энди мени йўл-дан оздирганинг сабабли албатта, мен улар (Одам болалари)га ердаги (барча гуноҳ ишларни) чиройли кўрсатиб кўюрман ва албатта, уларнинг ҳаммаларини йўлдан оздирурман. Магар уларнинг орасидаги покиза бандаларинггина (Ҳақ йўлдан озмай қолурлар). (Аллоҳ) деди: Менинг зиммамдаги тўғри йўл будир: аниқки, Менинг бандаларим устида сен учун ҳеч қандай салтанат-ҳукмронлик йўқдир, магар сенга эргашган-адашган кимсаларнигина (бу тўғри йўлдан оздира олурсан)»** (*Ҳижр, 39–42*).

Аллоҳ таоло айтади:

«Менинг (имон-эътиқодли) бандаларим устида эса сен учун ҳеч қандай ҳукмронлик бўлмас. Парвардигорингизнинг Ўзи етарли вакил-сақловчидир» (*Исро, 65*).

9. Одам (алайҳиссалом) Аллоҳ таоло ейишдан ман қилган дарахтдан ўзини тийишда хатоликка йўл қўйди, лекин бу хато атайлаб ёки қасддан эмас, балки заифлик ва унутиш сабабли содир бўлди. Аллоҳ таоло бунга қуйидаги ояти каримасида ишора қилиб ўтади: **«Дарҳақиқат, Биз илгари Одамга (жаннатдаги бир дарахтга яқинлашмаслик ҳақида) буюрган эдик ва у (буйрукни) унутди ва Биз унинг учун қасд-собитқадамлик кўрмадик»** (*Тоҳа, 115*).

Ўша пайтда Одам (алайҳиссалом)га ўз Холиқининг амрларига бўйсуниб, қайтарган нарсаларидан узоқлашиш вожиб бўлган эди, Зеро, тақводор ва Аллоҳнинг суюкли бандалари ўзларини ушбу ҳолатда тутадилар ва нафсларини ўз ихтиёрига ташлаб қўймайдилар.

10. Шунингдек, ушбу қиссадан оладиган энг катта ибратимиздан бири шуки, Аллоҳ таоло раҳматининг бандалари учун очиклиги, фазлининг улуғлиги, карамининг кенглиги ва тавба қилувчиларнинг тавбаларини қабул қилишини англаб етишдир.

Аллоҳ таоло айтади: **«Сўнгра Парвардигори уни ўзига яқин қилиб, тавбасини қабул этди ва тўғри йўлга ҳидоят қилди»** (*Тоҳа, 122*).

Яъни, Одам ва унинг жуфти ман қилинган дарахт мевасидан ейиш-гач, улар қилган ишларига пушаймон бўлдилар, шу сабабли Аллоҳ уларни танлаб олиб, тавбаларини қабул қилди ва собит-қадамлик йўлига ҳидоят қилди. Улар ўз хатоларини тан олдилар ва шундай дедилар: **«Парвардигоро, бизлар ўз жонимизга зулм қилдик. Агар ўзинг бизларни мағфират қилмасанг ва бизларга раҳм-шафқат кўрсатмасанг, шубҳасиз, зиён кўр-гувчилардан бўлиб қолурмиз»** (*Аъроф, 23*).

Ушбу сидқидилдан қилинган пушаймон сабабли Аллоҳ таоло уларни ўз раҳматига дохил қилди, уларни Ўз фазлу карамини намоён этиб мағфират этди.

Юқорида айтиб ўтилганлар Қуръони каримда ҳикоя қилинган Одам (алайҳиссалом) қиссаси ва ундан олинадиган ибрат, эслатма ва фойдалар эди. Улар ҳар бир ақл ва салим (тоза) қалб эгасига кўпгина манфаатлар келтириши аниқ.

Тавфиқ ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзидандир.

ОДАМНИНГ ИККИ ЎҒЛИ (ҚОБИЛ ВА ҲОБИЛ) ҲАҚИДАГИ ҚИССА

Одам болалари қиссаси Қуръони каримнинг Моида сурасида келган. Унда Аллоҳ таоло айтади:

«(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), уларга Одамнинг икки ўғли ҳақидаги хабарни ҳақрост тиловат қилинг, ўшанда у иккови қурбонлик қилганларида бировларидан қабул қилинган, иккинчиларидан қабул қилинмаган эди. Шунда у: «Қасамки, сени ўлдирурман» деганида биродари айтди: «Аллоҳ фақат тақводорлардангина қабул қилур». Қасамки, агар сен мени ўлдириш учун қўл чўзсанг, мен сени ўлдириш учун қўл чўзгувчи эмасман. Чунки мен бутун оламлар Парвардигори бўлмиш Аллоҳ таолодан кўрқаман. Мен сени менинг гуноҳим ҳамда ўзингнинг гуноҳинг билан қайтиб, дўзах эгаларидан бўлиб қолишини истайман. Золимларнинг жазоси шудир. Бас, нафси унга биродарини ўлдиришни чиройли кўрсатиб (Қобил) уни ўлдирди ва зиён кўргувчилардан бўлиб қолди. Сўнгра Аллоҳ унга биродарининг мурдасини қандай кўмишни кўрсатиш учун ер титадиган бир қарға юборди. У (қарғанинг қилаётган ишини кўриб): «Менга ўлим бўлсин, мана шу қарғачалик бўла олмадимми – биродаримнинг мурдасини ўзим кўма олмадим-ми?!», деб надомат қилгувчилардан бўлиб қолди. Ана ўша (қотиллик) сабабли Биз бани Исроил зиммасига (шундай фармонни) битдик: Кимки бирон жонни (ўлдирмаган) ва ерда бузғунчилик қилиб юрмаган бир одамни ўлдирса, демак, у гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса, демак, у гўё барча одамларга ҳаёт берибди. Дарҳақиқат, Бизнинг пайғамбарларимиз уларга (бани Исроилга) мана шундай ҳужжатлар келтирдилар. Шундан кейин ҳам уларнинг кўплари ер юзида (қон тўкиш билан) ҳаддан ошиб юргувчидирлар» (*Моида*, 27–32).

Ушбу оятни карималар Мусо (алайҳиссалом) қавмининг разилликлари ҳақидаги узун ҳикоядан сўнг келтириб ўтилади. Қавм у кишига эргашмади, балки хилоф иш тутиб, манманлик ва одобсизлик билан «**Бас, боргин (Эй Мусо), сен ўзинг ва Парвардигоринг улар билан уришаверинглар. Биз эса мана шу ерда ўтириб (кутурмиз)**», дедилар (*Моида*, 24).

Ушбу оятни келтиришдан мақсад, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ўз қавмларидан етган жабр-зулм ва азиятларни енгиллатиш ва Пайғамбарга эргашмай, унга адоватда бўлиш, худди Қобилнинг ўз биродари Ҳобилга бўлган ҳасади ва душманлиги каби эканлигини баён қилиш эди.

Яъни, эй Муҳаммад, одамларга ҳақиқат билан ибрат ва насихат олишлари учун Одамнинг икки ўғли Қобил ва Ҳобил қиссасини тиловат қилинг. Улардан ҳар бири қурбонлик, яъни у билан Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш учун ўз молларидан садақа қилдилар. Аллоҳ Ҳобилнинг садақасини содиқ ва ихлосли бўлганлиги учун

қабул қилди. Қобилнинг садақаси эса унинг нияти ёмонлиги ва тақвоси йўқлиги сабабли қабул қилинмади. Шунда у ўз биродари Ҳобилга ҳасад ва зулм билан шундай деди: “Сенинг садақанг қабул қилиниб, меники рад этилганлиги сабабли, энди сени аниқ ўлдираман”.

Бунга жавобан тақво ва ихлос соҳиби бўлмиш Ҳобил золим ва ҳасадгўй Қобилга шундай жавоб берди: **«Аллоҳ фақат тақ-водорлардангина қабул қилур».**

Яъни, тоат-ибодат ва садақаларни Аллоҳ таоло фақатгина ундан ошкора ва махфий тарзда кўрқувчи муттақий бандаларидан қабул қилади, Аллоҳ берган неъматга ҳасад қилгувчи золим бандалардан эса қабул қилмас, сен ҳам Аллоҳ таоло садақангни қабул қилиши учун тақводорлардан бўл! Ҳобилнинг Қобилга берган жавоби энг юксак панд-насихат ва иршодлардан иборатдир. Яъники, у садақани қабул қилинишида тақво ва нафсини Аллоҳ таоло рози бўлмайдиган нарсалардан тийиб юриш васила эканлигини таъкидламоқда.

Сўнгра Ҳобил ваъз-насихат қилишдан, ўз қалбини поклиги ва сахий, бағрикенглигини намоён этувчи сўзларга ўтади: **«Қа-самки, агар сен мени ўлдириш учун қўл чўзсанг, мен сени ўлдириш учун қўл чўзгувчи эмасман. Чунки мен бутун оламлар Парвардигори бўлмиш Аллоҳдан кўрқаман».**

Яъни, Ҳобил Қобилга ўзаро биродарлик ҳақларини эслатиб шундай деди: “Агар сен мени зулм ва ҳасад қилиб ўлдирмоқчи бўлсанг, мен сени ўлдиришга қодир бўлсам-да, бундай қилмайман, чунки мен оламлар Раббиси бўлмиш Аллоҳ таолодан кўрқаман ва У мени сенга қарши қўл чўзганимни кўриб қолишидан чўчийман. Зеро, бировни ноҳақ ўлдириш катта гуноҳдир, хусусан агар бу икки ака-ука ўртасида содир бўлса...” Қобил: **«Сени ўлдирурман»**, дея қасам ичди ва Ҳобил ҳам бировни ўлдиришдан тийилиши учун қасам ичди. Шу ерда икки ака-ука ўртасида ахлоқ-одоб ва табиат жиҳатидан катта фарқ борлиги кўзга ташланади.

Шундан сўнг Ҳобил насихат қилишда бошқа услубга ўтди, яъни ноҳақ қотиллик қилгувчиларнинг тақдири ёмон бўлиши-ни айтиб ўтди: **«Мен сени менинг гуноҳим ҳамда ўзингнинг гуноҳинг билан қайтиб, дўзах эгаларидан бўлиб қолишингни истайман. Золимларнинг жазоси шудир».**

Яъни, Ҳобил Қобилга огоҳлантириб деди: Аллоҳ таоло сенга фақат тақводор бандаларидангина қабул қилишини баён қилди, сен улардан бўлгин, мен сенга биродарлик ҳақларини эслатдим, сени ўлдиришдан мени тўсаётган нарса Аллоҳ таолодан кўрку-вим эканлигини ҳам айтиб ўтдим. Охири сенга айтаманки: Мен сени Аллоҳ таолога зулм ва ҳасад туфайли қотиллик гуноҳингни кўтарган ҳолатингда Аллоҳ таолога қайтишингни хоҳлайман. Ва шу гуноҳинг туфайли охиратда жаҳаннам эгаларидан бўласан, бу адолатли ҳукм ҳамда ўз нафсларига ва ўзгаларга зулм қилгувчи кимсаларнинг жазосидир.

Ҳикоянинг шу еригача Ҳобил ўз акасига бир қанча ҳикматли насихатлар қилиб ўтди, баъзида тарғиб билан, баъзида эса тарҳиб (кўрқитиш) билан.

Лекин Қобил ушбу насихатларга қулоқ солмай, энг жирканч ва қабиҳ жинойтга қўл урди. Келаси оятда у ҳақида айтиб ўтилади: **«Бас, нафси унга ўз биродарини ўлдиришни чиройли кўр-са-тиб (Қобил) уни ўлдирди ва зиён кўргувчилардан бўлиб қолди».**

Қуртубий «**Бас, нафси унга чиройли кўрсатиб...**» жумласини куйидагича тафсир қиладилар: «Нафси бу ишни қилишга уни васваса қилди, руҳлантирди ва ўз биродарини ўлдиришни осон қилиб кўрсатди ва Қобил бу ишни қилди»¹⁰.

Яъни, Қобил эшитган насиҳатларни унутди, нафси унга ўша оғир жиноятни зийнатлаб қўйди, уни ўлдирди ҳамда дунё ва Охиратда ҳасрат қилгувчилардан, зиён кўргувчилардан бўлиб қолди. Унинг дунёда ҳасрат қилгувчилардан бўлиб қолишига сабаб, у ўз укасини ўлдирди, ака-ука бир-бирига суянчиқ, ёрдамчи, у ана ўша нарсадан айрилган эди. Охиратда ҳасрат қилгувчилардан бўлиб қолишига сабаб эса, у оғир жиноят, яъни одам ўлдиришдек манфур бир гуноҳ ишга қўл урганди.

Кейинги оятда ака ўз укасини ўлдирганидан сўнг нима содир бўлганлиги айтилади: «**Сўнгра Аллоҳ унга биродарининг мурдасини қандай кўмишни кўрсатиш учун ер титадиган бир қарға юборди. У (қарғанинг қилаётган ишини кўриб): «Менга ўлим бўлсин, мана шу қарғачалик бўла олмадимми – биродаримнинг мурдасини ўзим кўма олмадимми?!», деб надомат қилгувчилардан бўлиб қолди.**».

Яъни, Қобил энг жирканч жиноятни содир этгач, қаршисида бир мурда ётганини кўриб, уни нима қилиш ҳақида боши қотиб қолди – ҳайрон бўлди.

«**Сўнгра Аллоҳ унга ер титадиган бир қарға юборди**», Яъни, Аллоҳ таоло тумшуғи ва оёқлари билан ер ковлайдиган бир қарғани осмондан туширди, мақсад, ушбу қотилга мурдани қандай кўмишни ўргатиш эди.

Яъни, Қобил жасадининг хиди бузилмаслиги ёки ҳайвон ва қушларга емиш бўлмаслиги учун унинг жасадини тупроққа кўмиш кўрсатилди.

Шу ерда Қобил қилиб қўйган оғир гуноҳи учун ҳасрат ва на-доматлар айтади: «**Менга ўлим бўлсин, мана шу қарғачалик бўла олмадимми – биродаримнинг мурдасини ўзим кўма олмадимми?!**»

Яъни, менинг айёрлигим шу қарғачалик бўлиб, ўз укамнинг жасадини тупроққа кўмишимга қодир қилмадимми? У қушларнинг энг паст табақасидан, мен эса ақлли одамман-ку?! У ўзига ушбу саволларни бериб, ўша қарғачалик бўла олмагани учун «**Надомат қилгувчилардан бўлиб қолди.**».

Бу Қуръони каримда ҳикоя қилинган Одамнинг икки ўғли: Қобил ва Ҳобил қиссасидир. Тадаббур қилиб кўрган одам унда кўпгина ҳикмат ва ибратларни кўриши мумкин. Улардан энг асосийлари:

1. Ушбу қисса Қуръони карим Аллоҳ таолонинг даргоҳидан нозил қилинганига далиллардан бири, чунки бу ва шунга ўхшаш қиссаларни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аввал билмас эдилар, Аллоҳ таоло у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-га ўта балоғат, фасоҳат ва таъсирли услубда ҳикоя қилмоқда, токи ақл эгалари ундан ибрат олсинлар: «**Албатта, бу ҳақрост қиссадир. Ва ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Аллоҳнинг Ўзи бор. Ва албатта, Аллоҳнинг Ўзигина қудрат ва ҳикмат эгасидир**» (Оли Имрон, 62).

2. Аллоҳ таолога тақво қилиш, ихлосли ва яхши ниятли бўлиш ибодатларнинг кабул бўлиши учун васила эканлиги. Аллоҳ таоло айтади:

¹⁰ «Тафсирул Қуртубий», 6-жилд, 138-бет.

«Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишдан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда (риёкорлик билан) бирон кимсани (Унга) шерик қилмасин!» (*Қаҳф, 110*).

«Албатта, сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурмат-ли-ро-ғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билгувчи ва огоҳдир» (*Хужурот, 13*).

«Саҳиҳайн»да Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. Айтилдики: Эй Расулуллоҳ, инсонларнинг энг ҳур-матлиси ким? У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Тақводорроғингиздир».

Шунингдек, Аллоҳ таоло Ҳобил тилидан бизга ҳикоя қилади, у ўз акаси Қобилга насиҳат қилар экан, шундай деди: **«Аллоҳ фақат тақводорлардангина қабул қилур»**.

3. Ҳар бир замон ва маконда одамлар ичида Аллоҳ улардан рози ва улар ҳам Аллоҳдан рози бўладиган яхшилар ва тўғри йўлни кўрсалар, уни четлаб ўтувчи, залолат йўлини тутувчи ёмон тоифадаги кишиларнинг бўлиши. Яхши кишиларни Қуръон ҳикоя қилганидек Ҳобил мисолида кўришимиз мумкин. У ўз акасига ҳикматли насиҳатлар қилди. Аввало, амали қабул бўлиши учун Аллоҳга тақво қилишга чақирди, иккинчидан, биродарлик ҳақлари ва у тақозо этадиган нарсаларга риоя этишга ва учинчидан, одам ўлдиришдек бир манфур жиноятни содир этмасликка даъват қилди. Аммо ёмон тоифадаги кишиларни Қобил мисолида кўриш мумкин. У золим, ҳасадгўй, нафратчи инсон эди ва укасининг насиҳатларига қулоқ илмади, балки унда жоҳиллиги устун келиб, ўз ҳасади ва ғиллу ғашларини «йўқотиш» мақсадида уни ўлдирди.

4. Агар инсон ҳасад иллатига гирифтор бўлса, нафси уни ҳалокат сари етаклайди, адоват, гуноҳ, туғён ва залолатни унга зийнатлаб кўрсатади...

Ушбу қиссадан очиқ-ойдин кўришимиз мумкинки, Қобил-нинг Ҳобилга бўлган ҳасади, уни ўз укасини ўлдиришга ундаган энг асосий сабаблардан бири бўлди. Ушбу қотиллик ер юзидаги илк маротаба содир этилган жиноят эди. Алусий айтадилар: Имом Муслим ва Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: «(ер юзида) илк бор Одам фарзанди (Ҳобил) зулм билан ўлдирилди, шунинг учун бу нарса қотилликни бошлаб берди».

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қиладилар: «Биз (Қиёматда) Одам фарзанди, қотил бўлмиш (Қобил)ни жаҳаннам аҳлининг азоблари унга бўлиб берилаётганини кўрамиз, уларнинг ярим азоби унга бўй-лади» (*Байҳақий ва Ибн Жарир ривояти*)¹¹.

Ушбу қиссанинг сўнгида Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Ана ўша сабабли Биз бани Исроил зиммасига (шундай фармонни) битдик: Кимки бирон жонни (ўлдирмаган) ва ерда бузғунчилик қилиб юрмаган бир одамни ўлдирса, демак, у гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса, демак, у гўё барча одамларга ҳаёт берибди»**.

Яъни, Қобил укаси Ҳобилни зулм ва ҳасад билан ноҳақ ўл-диргани учун, Биз: «Ким одамлар орасидан бир жонни ноҳақ ўлдирса, гўё у барча инсонларни

¹¹ «Тафсирул Алусий», 6-жилд, 115-бет.

ўлдирибди, кимки уларни ўлимдан қутулишига сабаб бўлса, гўёки у барча инсонларни тирилтирибди (қутқарибди), деб ёзиб қўйдик.

5. Инсон бирон хато қилиб қўйгач, надомат, пушаймон қилиши ундан ўша гуноҳни кетказмайди, чунки бу ҳар бир одамга хос бўлган хислатдир, ҳар ким бир кабиҳ ишни қилиб қўйгач, сўнгра афсусланиши табиий. Лекин кимки бирон гуноҳ содир қилиб, ке-йин Аллоҳни эсласа, Унга чин дилдан – насух тавба қилса ва ўша гуноҳлардан қайтса, Аллоҳ у бандани кечиради. Бунинг учун, яна такрорлаб ўтамиз, чин қалбдан истиғфор ва тавба айтиш лозим.

ИДРИС (АЛАЙҲИССАЛОМ) ҚИССАСИ

Тарихчи олимларнинг китобларида Идрис (алайҳиссалом)нинг насаблари қуйидагича келтирилган: Идрис ибн Йорид ибн Маҳлойил ибн Қайнон ибн Ануш ибн Шис ибн Одам (алайҳис-салом).

Айтиладики: Унинг исми «Таврот» ва «Инжил»да «Хунух» тарзида келган. Арабчасига «Ахнух» шаклида бўлади. Қуръони каримда Идрис (алайҳиссалом) тўғрисида қисқа тарзда маълумот бериб ўтилади. Аллоҳ таоло айтади: **«Яна ушбу китобда Идрис (қиссаси)ни зикр қилинг! Дарҳақиқат, у жуда ростгўй Пайғамбар эди. Ва биз уни юксак мартабага кўтардик»** (Марям, 56–57).

Яъни, Эй Муҳаммад, Биз сизга нозил қилган бу Китобда Идрис (алайҳиссалом)нинг хабарини эсланг, зеро у содиқ ва Биз уни пайғамбарлик билан шарафлаган кимсалардан эди.

«Ва Биз уни юксак мартабага кўтардик» ояти у кишининг Аллоҳ таоло даргоҳида улуғ мақомга эга эканликларидан дарак беради.

Баъзи уламолар: «Ушбу оятдан мурод, олий макон бўлмиш жаннатдир, у киши ўша ерда маскан топганлар, зеро, бундан ҳам олийроқдир», деб айтишган.

Алусий (рахматуллоҳи алайҳ) айтадилар: «Идрис Нух (алайҳиссалом)дан олдинги пайғамбар эди, ораларида 100 йил ўтган».

У киши илк бор юлдузларни кузатиб, ҳисоб-китоб қилган инсон ва Одам (алайҳиссалом)дан сўнги энг биринчи расул (элчи)-лардан эдилар.

Идрис (алайҳиссалом) Исро ва Меърож кечалари Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) учратган пайғамбарлар орасида бор эдилар. «Саҳиҳайн»да Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилинади: «Мен Идрис (алайҳиссалом)ни олдига келиб, унга салом бердим. У эса: «Хуш келибсиз, биродар ва пай-ғамбар», деб жавоб берди».

Аллоҳ таолонинг Китоби ёки суннати набавийяда Идрис (алайҳиссалом) юборилган қавм ҳақида бирон хабар айтилмаган. Лекин тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, Идрис (алайҳиссалом) Ироқдаги Бобил шаҳрида туғилганлар. Аллоҳ таоло у кишини Бобил аҳлига юборган, сўнгра Мисрга ҳижрат қилганлар ва аҳлини Аллоҳ таоло учун холис ибодат қилишга чақирганлар. У кишига эргашган эргашди, юз ўгирган юз ўгирди, лекин Идрис (алайҳиссалом) токи Аллоҳ таоло билан учрашгунча одамларни ибодатга чақиришда давом этдилар.

НУХ (АЛАЙҲИССАЛОМ) ВА ҚАВМЛАРИ ҚИССАСИ

Ушбу қисса Қуръони каримнинг кўпгина сураларида келтириб ўтилган, жумладан, Аъроф, Юнус, Худ, Мўминун, Шуаро, Нух ва бошқа суралардир.

Нух (алайҳиссалом)нинг насаблари Одам (алайҳиссалом)га бориб тақалади. Зикр қилишларича, уларнинг орасидаги муддат тахминан 2000 йил бўлган. Қуръонда Нух (алайҳиссалом)нинг номлари қирқ уч жойда зикр қилиб ўтилган.

Нух (алайҳиссалом)нинг қавмлари бут-санамларга сиғинар эдилар. Шунда Аллоҳ таоло уларга Ўзигагина ибодат қилиш учун чақиришга ва Ундан ўзгага ибодат қилишдан қайтариш мақсадида Нух (алайҳиссалом)ни юборди.

Ибн Касир ўз тафсирида Ибн Аббос (розияллоҳу анху)-дан ривоят қиладилар: «Бир қавм ичида солиҳ кишилар бўлган эдилар, сўнгра улар вафот этишади, қавм улар учун масжидлар қуради. Уларга ўхшаш ниятида уларнинг суратларини ўша ерга чизиб қўядилар, орадан анча вақт ўтгач, ушбу суратларга шакл берилади, кейинчалик уларни ўзларига санам қилиб олиб, сиғинадилар ва бу санамларнинг номини ўша солиҳ кишилар номи билан атайдилар: Вуддо, Сувоъ, Яғус, Яъук, Насро. Ушбу ҳолат жиддий тус олгач, Аллоҳ таоло ёлғиз Ўзига ибодат қилишга чақириш учун Нух (алайҳиссалом)ни юборди»¹².

Нух (алайҳиссалом) ва у кишининг қавми ҳақида Аъроф сурасида бундай дейилади:

«Қасамки, Биз Нухни ўз қавмига пайғамбар қилдик. Бас, у: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқ. Албатта, мен сизларнинг буюк кун азоби(га гирифтор бўлишингиз) дан қўрқаман», деди. (Шунда) унинг қавмидан (зодагон) одамлар: «Биз сенинг очик залолатда эканлигингни кўрмоқдамиз», дейишди. У айтди: «Эй қавмим, мен мутлақо залолатда эмасман, балки мен барча оламларнинг Парвардигори тарафидан юборилган пай-ғамбарман! Мен сизларга Парвардигоримнинг вазифаларини етказурман ва сизларга насихат қилурман ҳамда мен Аллоҳ тарафидан сизлар билмайдиган нарсаларни билурман. Сизларни огоҳлантириш учун ва тақводор бўлишингиз ҳамда (Аллоҳнинг) раҳматига эришишингиз учун сизларга Парвардигорингиздан бўлган эслатма ўзингиздан бўлган бир киши зиммасида келганидан ажабланишингизми?» Бас, уни ёлғон-чи қилдилар. Шунда Биз уни ва у билан бирга бўлган зотларни кемада қутқардик ва Бизнинг оятларимизни ёлғон, деган кимсаларни ғарқ қилиб юбордик. Чунки улар кўр бўлган қавм эдилар» (Аъроф, 59–64).

Яъни, биз ўз бандамиз бўлмиш Нухни ўз қавмига улар бутларга сиғинишда ғулувга кетганлиги сабабли юбордик. У лутф ва одоб билан: “Эй қавмим, аҳлим, қариндошларим, Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига ибодат қилинглар, Унга бирон нарсани шерик қилманг-лар, агар ширк ва залолат йўлида давомий кетадиган бўлсангиз, мен сизларни Қиёмат кунида азобга гирифтор бўлишингиздан қўрқаман”, деди.

Нух (алайҳиссалом) шу тарзда ҳидоятга даъват қилдилар. Энди уларнинг жавоби қандай бўлди? Улар унга қабих сўзлар билан жавоб қайтардилар. Келаси оятда ушбу ҳикоя қилинади: «(Шунда) унинг қавмидан (зодагон) одамлар «Биз сенинг очик залолатда эканлигингни кўрмоқдамиз», дейишди».

¹² «Тафсиру Ибн Касир», 2- жилд, 232-бет.

Биз «зодагон одамлар» деб таржима қилган сўз арабча матн-да «малаъ» шаклида берилган, ва «тўлдирмоқ» феълидан ясалган, улар қавмининг ашроф ва машҳур кишилари эди. Баъзилар: «Улар ўз маҳобатлари билан одамларнинг кўзларини кўрқинчга тўлдирганлар. Шунинг учун «малаъ» (зодагон) деб аталганлар», дейишади.

Яъни, Нух (алайҳиссалом) қавмидан бой ва зодагон тоифа-даги кишилар унга жавоб сифатида шундай дейишди: “Эй Нух, сен бизларнинг илоҳларимизни ташлаб, бошқа илоҳга сиғи-нишга чақирмоқдасан, шу сабабли биз сени тўғри йўлдан озган деб биламиз”.

Ибн Касир (раҳматуллоҳи алайҳ) ушбу оятнинг тафсирида бундай дейдилар: «Фожир ва кофирларнинг басират кўзларига парда тортилгани сабаб, улар яхши кишиларни залолатда, деб ўйлайдилар». Аллоҳ таоло кофирлар ҳақида бундай дейди:

«Улар қачон (мўминларни) кўрсалар: “Ана улар шак-шуб-ҳасиз, йўлдан озгувчи кимсалардир”, дердилар» (*Мутаффифун*, 32).

Яъни, агар кофирлар мўминларни кўрсалар, улар ҳақида айтардилар: “Дарҳақиқат, мана бу мўминлар залолатдадирлар, чунки улар ота-боболари сиғиниб келган илоҳларни тарк қил-дилар”.

Шундан сўнг Нух (алайҳиссалом) ўзларига билдирилган бу тухмат ва бўҳтонларни ҳикматли тарзда, мулойимлик билан даф қилдилар: **«У айтди: “Эй қавмим, мен мутлақо залолатда эмасман, балки мен барча оламларнинг Парвардигори тарафидан юборилган Пайғамбарман! Мен сизларга Парвардигоримнинг вазифаларини етказурман ва сизларга насихат қилурман ҳамда мен Аллоҳ тарафидан сизлар билмайдиган нарсаларни билурман”»**.

Нух (алайҳиссалом) ўзларидан ботил тухматларни даф этдилар ва тўрт сифатга эга эканликларини таъкидлаб ўтдилар:

1. **«Балки мен барча оламларнинг Парвардигори томонидан юборилган Пайғамбарман!»**, яъни, менда залолат ёки адашиш йўқ, мен оламлар Раббиси томонидан сизларни Унинг ёлғиз Ўзига ибодат қилишга ва Ундан ўзгага сиғинишдан қайтариш учун юборилганман.

2. **«Мен сизларга Парвардигоримнинг вазифаларини етказурман»**, Яъни, амр-буйруқ, қайтариқ, панд-насихатлардан иборат бўлган ва мен Аллоҳ томонидан қилинган ваҳийни етказаман.

3. **«Сизларга насихат қилурман»**, яъни, сизларни камол топтирадиган, бахт-саодатга етказадиган насихатларни таълим бераман.

4. **«Мен Аллоҳ тарафидан сизлар билмайдиган нарсаларни билурман»**, яъни, Аллоҳ таоло ўз фазлу карами билан менга сизлар билмайдиган нарсаларни билдирди ва мен ўша илм билан сизларни огоҳлантираман.

Сўнгра Нух (алайҳиссалом) ўз қавмларига қарата шундай савол билан мурожаат қиладилар: **«Сизларни огоҳлантириш учун ва тақводор бўлишингиз ҳамда раҳматга эришингиз учун сизларга Парвардигорингиздан бўлган эслатма ўзингиздан бўлган бир киши зиммасида келганидан ажабландингизми?»**, яъни, мени ёлғончига чиқариб, менга «адашган», дея тухмат қиласизми? Ёки сизларга Раббингиздан эслатма, панд-насихатлар ўзларингизда бўлган, сизлар унинг тўғри сўзлигини биладиган киши тилидан эшитганингизга ажабландингизми? Ҳолбуки, у куфр-нинг ёлғон оқибатидан огоҳлантириб, сизларни Аллоҳ таолога тақво қилишга

буюрмоқда, агар ўз Холиқларингизга ихлос билан ибодат қилсангиз, У сизларга Аллоҳнинг раҳмати ва мағ-фирати бўлишининг башорат-хушхабарини бермоқда-ку!

Юқорида келтириб ўтилган мурожаат инкор ва уларнинг хо-лидан ажабланиш маъносидадир. Яъни, агар мен сизларни ислоҳ қиладиган, манфаат етказадиган нарсалардан хабардор қилса-му, сизлар уни инкор қилсангизлар, ўзларингиз ажабланишга муносиброқдирсизлар.

Лекин қавм ушбу даъватга ижобат қилмади, натижада Аллоҳ таоло уларни ғарқ қилди: **«Бас, уни ёлғончи қилдилар. Шунда Биз уни ва у билан бирга бўлган зотларни кемада кутқардик ва Бизнинг оятларимизни ёлғон, деган кимсаларни ғарқ қи-либ юбордик. Чунки улар кўр бўлган қавм эдилар».**

Яъни, мана шу қавм пайғамбарлари Нух (алайҳиссалом)ни ёлғончига чиқардилар, натижада Аллоҳ таоло Нух ва у киши би-лан бирга имон келтирган зотларни сақлаб қолиб, қавмнинг кофирларини ғарқ қилиб юборди, чунки уларнинг кўзлари ҳақи-қат ва имонни кўришдан кўр эди. Бу Аллоҳ таолонинг азалий суннатидир, яхши оқибат мўминларга, ёмон оқибат эса кофир қавмларга хос бўлади.

Юнус сурасида келтирилган ояти карималарда Нух (алай-ҳиссалом) қиссасининг бошқа жиҳатлари очилади:

«Уларга Нух ҳақидаги хабарни тиловат қилинг. У қавмига деган эди: «Эй қавмим, агар сизларга турганлигим ва Аллоҳ оятларини эслатишим оғирлик қилган бўлса, бас, мен Аллоҳнинг ўзига суяндим – таваккул қилдим. Энди бутларингиз билан бирга билган ишларингизни қилаверинглар. Кейин қилаётган ишларингиз ўзларингизга махфий бўлиб қолмасин. Сўнгра менга нисбатан ҳукмингизни ижро этаверинглар ва менга муҳлат ҳам берманглар. Бас, агар юз ўгирар экансизлар, мен сизлардан бирон ажр-ҳақ сўраганим йўқ. Менинг ажр-савобим фақат Аллоҳга ҳавола. Ва мен Унга бўйсунувчи – мусулмонлардан бўлишга амр этилганман». Сўнгра уни ёлғончи қилишгач, Биз унга ва у билан кемада бирга бўлган кишиларга нажот бердик ва уларни халифа қилдик. Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсаларни эса ғарқ қилдик. Мана, кўрқитилган кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг!» (Юнус, 71–73).

Яъни, эй Муҳаммад, қавмингиз орасидаги мушрикларга Нух (алайҳиссалом)нинг қиссасини тиловат қилинг! У сабот ва ишонч билан деди: “Эй қавмим, сизларнинг орангизда узоқ муддат қо-лишим ва Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига ва қудратига далолат қилувчи оятларни эслатишим сизларга оғирлик ёки қийинлик қилаётган бўлса, менга нисбатан хоҳлаган макр-ҳийлаларингизни ишга солингиз, ва бунда иштирок этиши учун ўз шерикларингизни чақиринг, сўнгра сизлар амалга ошираётган ишларингиз махфий бўлиб қолмасин ва менга огоҳлантирмай, муҳлат ҳам бермай азият беринглар ёки қатл этинглар, лекин мен сизларнинг таҳдидларингиздан кўркмайман”.

Шу ерда кўриш мумкинки, Нух (алайҳиссалом) ўз йўлларида, одамларни ҳидоятга чақиринишда бардавом бўлишларини, уларнинг ҳар хил гап-сўзлари ёки кўрқитишларига қарамай, қаттиқ туриб таъкидламоқдалар. **«Бас, агар юз ўгирар экансизлар...»** Яъни, менам ва мен сизларга қилаётган панд-насихат ва даъватлардан юз ўгирсангизлар **«Мен сизлардан бирон ажр сўраганим йўқ. Менинг ажр-савобим фақат Аллоҳга ҳавола. Ва мен Унга бўйсунувчи мусулмонлардан бўлишга амр этилганман».**

Яъни, мен сизларни ҳақ йўлга даъват қилганим учун ажр та-лаб қилмайман, балки унинг учун ажрни Аллоҳ таолодан сўрай-ман, У Зот менга мусулмонлардан бўлишимни амр этган.

Сўнгра Аллоҳ таоло Нух (алайҳиссалом)нинг чиройли оқибатини ва у кишини ёлғончига чиқарган кимсаларнинг ёмон оқи-батини баён қилади: **«Сўнгра уни ёлғончи қилишгач, Биз унга ва у билан кемада бирга бўлган кишиларга нажот бердик ва уларни халифа қилдик. Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсаларни эса ғарқ қилдик».**

Яъни, биз нажот берган кишиларни ғарқ бўлиб кетганларнинг ўрнига ерга халифа – ўринбосар қилдик. **«Кўринг»** Эй Муҳаммад ёки эй оқил инсон, **«Кўрқитилган кимсаларнинг оқибати қан-дай бўлганини».** Аллоҳ уларни кучли бир тўфон билан ғарқ қил-ди, Нух ва у киши билан бирга бўлган мўминларга нажот берди.

Худ сурасида ушбу қисса батафсил ёритилган. Унда Нух (алайҳиссалом)нинг ўз қавмларига даъватлари, у киши билан қавмлари ўртасида бўлиб ўтган баҳс-мунозара, Аллоҳ таолонинг кема яшаш тўғрисидаги амри, қавмнинг Нух (алайҳиссалом)ни мазах қилишлари ва ўғилларининг ҳам ғарқ бўлгувчилар билан чўкиб кетиши ҳақида айтиб ўтилади. Аллоҳ таоло айтади:

«Дарҳақиқат, Биз Нухни ўз қавмига юбордик. (У деди): «Албатта, мен сизларга очик огоҳлантиргувчиман. Сизлар ёлғиз Аллоҳга ибодат қилинглар, сизларнинг устингизга аламли азоб кунидан кўрқаман». Шунда унинг қавми орасидаги кофир бўлган кимсалар: **«Бизлар сени худди ўзимизга ўхша-ган одам, деб биламиз ва сенга фақат ичимиздаги пасткаш (ялангоёк) кимсалар ўйламасдан эргашганини кўрмоқдамиз. Бизнингча, сизларнинг биздан бирон ортиқчалик жойи-нгиз йўқ, балки биз сизларни ёлғончи, деб ўйламоқдамиз»**, дедилар. У деди: **«Эй қавмим, хабар берингизки, агар мен Парвардигорим томонидан аниқ ҳужжатга эга бўлсанг ва У зот менга ўз даргоҳидан раҳмат – пайғамбарликни ато этган бўлса-ю, аммо бу сизларга махфий бўлса, биз сизларни ўзингиз истамаган ҳолда мажбур қиламизми? Эй қавмим, мен сизлардан бу учун мол-дунё сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат Аллоҳнинг зиммасидадир. Ва мен имон келтирган кишиларни қувмайман ҳам. Чунки улар Парвардигорларига рўбарў бўлгувчилардир. Лекин мен сизларнинг нодон қавм эканлигингизни кўрмоқдаман. Эй қавмим, агар мен уларни хайдасам, ким менга Аллоҳдан ёрдам-нажот бе-рур? Ўйлаб кўрмайсизларми?! Мен сизларга: «Хузуримда Аллоҳнинг хазинаси бор», демайман. Ғайбни ҳам билмайман. «Мен фариштаман», ҳам демайман. Шунингдек, сизлар ўзингизча ҳақорат қилаётган кишилар ҳақида: «Аллоҳ уларга ҳеч қандай яхшилик бермайди», деб айтмайман. Уларнинг дилларидаги нарсани Аллоҳ жуда яхши билур. Акс ҳолда, мен албатта, золимлардан бўлиб қолурман».** Улар дедилар: **«Эй Нух, мана сен биз билан жанжаллашдинг, кўп баҳсу мужодала қилдинг. Энди агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтирчи».** (Нух) деди: **«Уни сизларга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи хоҳлаган пайтида келтирур ва сизлар ҳеч қаёққа қочиб қутула олмайсизлар. Агар Аллоҳ сизларни йўлдан оздиришни истаса, мен насихат қилишни истаганим билан насихатим сизларга фойда бермайди. Парвардигорингиз Унинг Ўзидир ва фақат Унгагина қайтарилурсизлар».** Ёки улар: **«Уни ўзи тўқиб олган», дейдиларми? (эй Муҳаммад), айтинг: «Агар уни мен тўқиб чиқарган бўлсам, гуноҳим ўз**

бўйнимда. Аммо мен сизларнинг қилаётган жиноятингиздан покман». Нухга ваҳий қилинди: «Қавмингдан имон келтирганларидан бошқа ҳеч ким имон келтирмас. Бас, уларнинг қилаётган ишлари сабабли ташвиш чекма! Бизнинг кўз ўнгимизда ва Бизнинг ваҳий таълимимиз билан бир кема ясагин ҳамда золим кимсалар ҳақида Менга хитоб-илтижо қилмагин. Улар шак-шубҳасиз, ғарқ қилингувчилардир». У кемани ясар экан, қачон олдидан ўз қавмининг (кофир) кимсалари ўтсалар, уни масхара қилиб кулдилар. У деди: «Агар сизлар биздан кулсангизлар, бас, яқинда худди сизлар кулганингиз каби биз ҳам сизлардан кулурмиз. Бас, яқинда кимга шарманда қилгувчи азоб келишини ва (кимнинг) устига мангу азоб тушишини билиб олажаксизлар». Энди қачон Бизнинг фармонимиз келиб, ердан фавворалар отилган вақт-да, (Нухга) дедик: «У кемага ҳар (жонивордан) бир жуфтдан ва аҳли оилангни чиқаргин. Лекин қайси кимсалар хусусида Бизнинг сўзимиз ўтган бўлса, (уларни тарк қилгин) яна имон келтирган кишиларнинг барчасини (кемага чиқаргин)!» (Нух) билан бирга (Аллоҳга) имон келтирган кишилар эса жуда оз эдилар. У деди: «Кемага мининглар! Унинг юриши ҳам, туриши ҳам Аллоҳнинг номи билан бўлур. Албатта, Парвардигорим мағфиратли, меҳрибондир». (Кема) уларни тоғлардек тўлқинлар орасида олиб кетар экан, Нух бир четда қолган ўғлига нидо қилди: «Эй ўғилчам, биз билан бирга мингин, кофирлар билан бирга қолмагин!». У (ўғли) деди: «Мен ўзимни сувдан сақлайдиган бирон тоғнинг устига чиқиб кетажакман». (Нух) айтди: «Бугун Аллоҳнинг амридан бирон сақлагувчи йўқдир, магар Ўзи раҳм қилган кишиларнигина (сақлар)». (Шу пайт) ўрталарини тўлқин тўсиб қўйди-да, (ўғил) ғарқ қилингувчилардан бўлиб қолди. (Сўнгра): «Эй ер, сувингни ютгин; эй само, ўзингни тутгин», дейилди. Сув қуриди, фармон бажарилди ва (кема) Жудий тоғи узра тўхтади ҳамда: «Золим қавмга ҳалокат бўлгай», дейилди. Нух Парвардигорига нидо қилиб, деди: «Парвардигорим, албатта, ўғлим менинг аҳли оиламдандир ва шубҳасиз, Сенинг ваъданг ҳақ ваъдадир. Сен энг адолатли ҳукм қилгувчисан». (Аллоҳ) айтди: «Эй Нух, у сенинг аҳлингдан эмас! Албатта у(нинг амали) ёмон амалдир. Бас, ўзинг яхши билмаган нарса ҳақида асло менадан сўрамагин! Албатта, Мен сенга жоҳил-нодонлардан бўлмасликни буюраман». (Нух) деди: «Парвардигорим, мен Сендан ўзим билмаган нарсани сўрашдан паноҳ тилайман! Энди агар мени мағфират қилиб, ўз раҳматингга олмасанг, зиён кўргувчилардан бўлиб қолурман». (Шунда) айтилди: «Эй Нух, Биз томонимиздан бўлган омонлик билан ўзингга ҳамда сен билан бирга бўлган умматларнинг зурриётларига бўладиган баракотлар билан тушгин. Яна бошқа (кофир) жамоалар ҳам (келурки), Биз уларни ҳам озгина фойдалантирурмиз, сўнгра эса уларни Биз томондан бўлган аламли азоб тутар» (Худ, 25–48).

Яъни, биз пайғамбаримиз Нухни ўз қавмига уларни Бизга ихлос билан ибодат қилишга чақириш ҳамда куфр ва залолатдан қайтариб, огоҳлантириш, тарғиб қилиш ва Бизга имон келтирмаган кимсаларга оғир азоб бўлиши ҳақида кўрkitиш учун юборган эдик.

Лекин қавмининг бой ва зодагон кишилари истехзо билан шундай дедилар: “Сен ўзимиз каби бир инсонсан, сенда пай-ғамбарларга хос бирон хислат йўқ экан”.

Улар ўз жоҳилликлари ва ақлсизликлари учун пайғамбарлар инсон зотидан чиқмайди, деб ўйлашарди, холбуки, Аллоҳ таолонинг ҳикмати пайғамбарларни

ўзларининг орасидан бўлиши-ни тақозо этди. Бизнинг орамиздан сенга эргашган кишилар энг фақир, обрў-эътибор жиҳатидан энг паст инсонлардир. Аслида, улар сенга ботиний эмас, зоҳирий эргашмоқдалар (*яъни, улар даъво қилдиларки, Нух (алайҳиссалом)га эргашган оз сонли кишилар чин дилдан, имон келтириб эмас, балки у кишининг пайғамбар эканлик-ларини эшитиб, эргашганлар, холос. – Тарж.*).

Сўнгра улар бошқа даъвога ўтдилар: Биз сени фаҳм-фаросат, ақл ва бошқа нарсаларда биздан устунлигини кўрмаймиз, балки сени ёлғончи деб, эътиқод қилмоқдамиз.

Шунда Нух (алайҳиссалом) уларнинг ботил даъволарини йўққа чиқаргувчи жавоб бериб ўтадилар: “Эй қавмим, мен Раббим томонидан ҳақни ботилдан ажратгувчи аниқ ҳужжатга эга бўлсам, Аллоҳ таоло ўз раҳматини кўрсатиб, мени пайғамбарлик билан тақдирлаган бўлса, сизлар учун ҳидоятдан баҳраманд бўлиш махфий қолмасин. Сизлар ўз сўзингизда қаттиқ туриб олсангизлар, мен сизларга ўз фикримни ўтказа олурманми ёки сизлар уни ёмон кўрсаларингиз ҳам ҳақ йўлга эргашингизга мажбур эманми?”

Шубҳасиз, бу нарса менинг кўлимдан келмас экан, демак мен сизларни мажбурловчи эмасман.

Сўнгра Нух (алайҳиссалом) қавмларига қарата иккинчи бор шундай нидо қиладилар: **«Эй қавмим, мен сизлардан бу учун мол-дунё сўрамайман»**. Яъни, сизларни Ҳақ, тўғри йўлга даъват қилганим учун бирон ҳақ сўрамайман, балки **«Менинг ажр-мукофотим фақат Аллоҳнинг зиммасидадир»**.

«Ва мен имон келтирган кишиларни қувмайман ҳам, чунки улар Парвардигорларига рўбарў бўлгувчилардир. Лекин мен, сизларнинг нодон қавм эканлигингизни кўрмоқдаман».

Яъни, мен ҳидоятга даъват қилганимда унга ижобат қилган-ларни ҳузуримдан ҳайдамайман. Улар камбағал ёки бой бўла-диларми фарқи йўқ, чунки Аллоҳ барчани амалига қараб ҳисоб қилади. Ва мен сизларни нодонлигингиз, ақлсизлигингиз ва идрокингизнинг пастлиги сабаб жоҳил кимсалардан, деб би-ламан.

«Эй қавмим, агар мен уларни ҳайдасам, ким менга Аллоҳдан ёрдам-нажот берур? Ўйлаб кўрмайсизларми?!»

Яъни, эй қавмим, Агар мен ушбу сизлар фақир-камбағал деб атаётган мўминларни мажлис (ҳузур)имдан ҳайдасам, ким мени Аллоҳ таолонинг азобидан кутқариб олади. Ахир, бу ҳикматли иршодларни ўйлаб кўрмайсизларми?!

«Мен сизларга: «Ҳузуримда Аллоҳнинг хазинаси бор», демайман. Ғайбни ҳам билмайман. «Мен фариштаман», ҳам демайман. Шунингдек, сизлар ўзингизча ҳақорат қилаётган кишилар ҳақида: «Аллоҳ уларга ҳеч қандай яхшилик бермайди», деб айтмайман. Уларнинг дилларидаги нарсани Аллоҳ жуда яхши билур. Акс ҳолда, мен албатта, золимлардан бўлиб қолурман».

Яъни, мен сизларга: “Ризқу рўз, бойлик хазиналарига эгаман, Аллоҳдан ўзга ҳеч зот билмайдиган ғайб илмларини биламан ёки мен «фаришталардан бириман» деб айтмайман, балки Аллоҳ таоло яратган сиз каби оддий бир инсонман, лекин У зот мени пайғамбарлик учун танлади”.

Шунингдек, мен сизлар уларни кимбағаллар, деб таҳқир-лаёт-ган кишиларга Аллоҳ ўз фазлу карамидан бермайди, деб айтмайман, зеро У ким яхши ва ким ёмон эканлигини жуда яхши билгувчидир. Агар сизларга ушбу сўзларни айтсам, аниқки, ўз нафсига зулм қилгувчилардан бўлиб қоламан. Нух (алайҳиссалом) шу тарзда

уларнинг шубҳаларини қайтариб, тухмат-бўхтонларини йўққа чиқардилар. Қачонки, ўша кофир қавмлар ҳужжатга ҳужжат усулида жавоб қайтаришдан ожиз қолганларида, уларнинг кибри бунга йўл қўймай, Нуҳ (алай-ҳиссалом)га қарата бундай дедилар: **«Эй Нуҳ, мана сен биз билан жанжаллашдинг, кўп баҳсу мужодала қилдинг. Энди агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтирчи».**

Яъни, кофир қавми Нуҳ (алайҳиссалом) очиқ-ойдин ҳужжат билан мағлуб қилганларидан сўнг, улар дедилар: “Сен биз билан ҳатто жавоб қайтаришга мажолимиз қолмагунча жанжаллашдинг, энди агар айтаётган гапларинг тўғри бўлса, сен ваъда қилаётган ўша азобни бизларга келтирчи?”

Жоҳил, нодон, кофир кимсаларнинг бўлгани шу, агар улар ҳақиқатга қарши ҳужжат топишдан ожиз қолсалар, одамларга қарата қилич кўтаришга тушадилар, лекин ўзларини ҳеч мағлуб ҳисобламайдилар.

Лекин Нуҳ (алайҳиссалом) бу қатъий мурожаат ва талабдан ўзларини йўқотиб қўймадилар, балки одоб билан шундай дедилар: **«Уни сизларга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи хоҳлаган пайтида келтирур ва сизлар ҳеч қаяққа қочиб қутула олмайсизлар. Агар Аллоҳ сизларни йўлдан оздиришни истаса, мен насиҳат қилишни истаганим билан насиҳатим сизларга фойда бермайди. Парвардигорингиз Унинг Ўзидир ва фақат унгагина қайтарилурсизлар».**

Яъни, эй қавмим, сизлар келишини истаётган азобни фақат Аллоҳ таоло хоҳлаган вақтида келтиради. Агар устингизга азоб туширилса, сизлар ундан қочиб кета олмайсизлар. Ва мен сизларни кўп усуллар билан ҳақиқат йўлига чақирдим, ундан бирон нарсани ноқис қилмадим. Агар сизлар ўз жоҳилликларини ва куфр келтирган ҳолингизда кетадиган бўлсаларингиз, насиҳатларим сизларга зинҳор қор қилмайди. Агар Аллоҳ (азза ва жалла) сизларни адаштиришни хоҳласа, менинг қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Сизларнинг ишларингиз ва ҳолатларингиз ҳам Унинг измидадир. У сизларнинг Раббингиз, Унга қайтариласизлар ва Аллоҳ амалларингизга қараб сизларни ҳисоб қилади.

Нуҳ (алайҳиссалом) ўз қавмларини Аллоҳга даъват қилишда энг самарали, ҳикматли услубларни қўлладилар, уларнинг жо-ҳиллик ва аҳмоқликларига чиройли сабр қилдилар.

Сўнгра Аллоҳ таоло Нуҳ (алайҳиссалом)га қавмларининг имонга келишларидан умид йўқ эканлигини билдиради: **«Қавминг-дан имон келтирганларидан бошқа ҳеч ким имон келтирмас. Бас, уларнинг қилаётган ишлари сабабли ташвиш чекмагин!»**

Яъни, Нуҳ (алайҳиссалом) қавмлари ўз туғёнларида қаттиқ туриб олгач, Аллоҳ таоло Пайғамбарига шундай ваҳий қилди: “Қавминг орасида имонга келиши кутилаётган бирон кимса қол-мади, шундай экан, сен уларнинг куфр йўлида давом этаётган-ликлари учун хафа бўлма!”

Сўнгра Аллоҳ таоло Нуҳ (алайҳиссалом)га кофир қавмлар фарқ қилинганда мўминлар нажот топишлари учун васила бўладиган бир катта кема ясашни буюради: **«Бизнинг кўз ўнгимизда ва Бизнинг ваҳий таълимимиз билан бир кема ясагин»,** яъни Бизнинг ғамхўрлигимиз остида ва Бизнинг қудратимиз билан. **«Ҳамда золим кимсалар ҳақида Менга хитоб-илтижо қилмагин. Улар шак-шубҳасиз, фарқ қилингувчилардир».**

Яъни, мендан ўша золимларга раҳм қилишимни сўраб ил-тижо қилма, уларни ғарқ қилиш ҳақида Менинг ҳукмим чиқди. Зеро, менинг ҳукмимни ҳеч ким қайтаролмас!

Сўнгра Нух (алайҳиссалом)нинг шаънларига қавмлари томонидан нималар дейилгани айтилади: **«У кемани ясар экан, қачон олдидан ўз қавмидан бўлган кимсалар ўтсалар, уни масхара қилиб кулдилар. У деди: «Агар сизлар биздан кулсангизлар, бас, яқинда худди сизлар кулганингиз каби биз ҳам сизлардан кулурмиз. Бас, яқинда кимга шарманда қилгувчи азоб бўлишини ва (кимнинг) устига мангу азоб тушишини билиб олажаксизлар».**

Яъни, Нух (алайҳиссалом) Аллоҳнинг амрига буйсуниб, кема ясашни бошладилар, қавмларидан бўлмиш кофир кимсалар олдиларидан ўтганда Нух (алайҳиссалом)нинг устиларидан кулиб, уларни истехзо қилдилар. Кейин Нух (алайҳиссалом) шундай жавоб бердилар: Агар, бугун бизларнинг устимиздан кулаётган бўлсангиз, яқин кунларда бизлар сизнинг устингиздан куламиз. Ким хору зор қилгувчи азобга мустаҳиқ эканлигини ўшанда билиб оласизлар.

Шундан сўнг, Нух (алайҳиссалом)нинг ҳар бир жонзотдан бир жуфт олиб ва мўминлар билан бирга кемага чиққанлари ай-тилади:

«Энди қачон Бизнинг фармонимиз келиб, ердан фавворалар отилган вақтда, (Нухга) дедик: «У кемага ҳар бир жуфтдан ва аҳли оилангни чиқаргин. Лекин қайси кимсалар хусусида Бизнинг сўзимиз ўтган бўлса, (уларни тарк қилгин). Яна имон келтирган кишиларнинг барчасини (кемага чиқаргин)!» (Нух) билан бирга имон келтирган кишилар эса жуда оз эдилар».

Яъни, Нух (алайҳиссалом) кемани ясаб бўлгач, кофирларга азоб тушиш вақти етиб келди, сўнгра бунга далолат қилувчи белгилар ҳам содир бўлди. Шунда Аллоҳ таоло бандаси Нух (алай-ҳиссалом)га деди: “Ушбу кемага ҳар бир махлуқотдан бир жуфт (эркак ва аёл)дан ва оилангдан имон келтирганларни ҳамда барча мўминларни чиқаргин”.

Келаси оятда Нух (алайҳиссалом) кемага чиқаётганда нима дейиш лозимлигини айтиб ўтадилар: **«(Аллоҳнинг номи билан) кемага мининглар! (Чунки) унинг юриши ҳам, туриши ҳам Аллоҳ номи билан бўлур. Албатта, Парвардигорим мағфиратли, меҳрибондир».** (Кема) уларни тоғлардек тўл-қин-лар орасида олиб кетар экан, Нух бир четда қолган ўғлига нидо қилди». Яъни, Нух (алайҳиссалом) мўминлар жамоасидан узоқда бўлган кофир ўғлига оталик меҳри билан шундай деди: **«Эй ўғилчам, биз билан бирга (кемага) мингин, кофирлар билан бирга қолмагин!»** У (ўғли) деди: **«Мен ўзимни сувдан сақлайдиган бирон тоғнинг устига чиқиб кетажакман».** Шунда Нух (алайҳиссалом) дедилар: **«Бугун Аллоҳнинг амридан бирон сақлагувчи йўқдир, магар Ўзи раҳм қилган кишилар-нигина (сақлар)».** (Шу пайт) ўрталарини тўлқин тўсиб қўйди-да, (ўғил) **ғарқ қилингувчилардан бўлиб қолди».**

Яъни, Нух (алайҳиссалом) ўз ўғилларига дедилар: “Бугун Аллоҳ таолонинг азобидан омонда қолгувчи бирон киши йўқ, илло кимгаки Аллоҳ ўз лутфи карами ила раҳм қилса, ўша соғ қолур. Шунда тўлқин ўзининг даҳшатли овози билан Нух ва ўғли ўртасини ажратди, натижада кофир ўғил ғарқ қилинганлардан бўлди”.

Ушбу ояти карималар бизга ота ва ўғил ўртасидаги суҳбат-дан ҳикоя қилади, ўша ҳаяжонли ва таъсирли лаҳзаларда Нух (алайҳиссалом) ҳар бир ота каби бор куч-

ғайратларини ишга солиб, ўғилларини нажотга ва аламли азобга дучор бўлмасликка чақирдилар.

Аллоҳ таоло кофирларни ғарқ қилиб мўминларга нажот бер-гач, ер билан осмонга бундай амр қилди: **«Эй ер, сувингни ютгил; эй само, ўзингни тутгил», дейилди.** Яъни, эй ер, сатҳинг-даги сувни ичгин; эй осмон, ёғишни бас қил. **«Сув қуриди, фармон бажарилди ва (кема) Жудий тоғи узра тўхтади ҳамда: «Золим қавмга ҳалокат бўлгай», дейилди».**

Яъни, ер сувни ичиб, у жой сувдан холи бўлди. Кофирларни ҳалок қилиш ва мўминларга нажот бериш амри бажарилди. Ва кема Ироқнинг шимолидаги Жудий тоғида қарор топди ва **«Золим қавмга ҳалокат, ҳасрат ва надомат бўлгай»,** дейилди.

Ушбу сурадаги қисса Нух (алайҳиссалом)нинг ўғиллари ҳа-қида қилган илтижолари билан яқунланади:

«Парвардигорим, албатта ўғлим менинг аҳли оиламдандир ва шубҳасиз, Сенинг ваъданг ҳақ ваъдадир. Сен энг адолатли ҳукм қилгувчисан».

Яъни, сенинг ўз бандаларингга бераётган ҳар бир ваъданг ҳақдир. Эй Раббим, сен менга аҳлингни кутқараман, уларга нажот бераман, деб ваъда бергансан, илло кимнинг устидан Сенинг сўзинг ўтган бўлса, у ҳалок бўлгай, лекин бу оғир ва қийин дамда Сендан ўғлимга раҳм қилишингни, уни кечиринингни сўрайман, эй Раббим, Сенинг ҳукмингни қайтаргувчи ва амрингга қаршилиқ қилгувчи бирон зот йўқ! Аллоҳ таоло бу илтижога шундай жавоб қилди: **«Эй Нух, у сенинг аҳлингдан эмасдир! Албатта, у(нинг амали) ёмон амалдир».**

Яъни, ўғлинг сенга эргашган мўминлардан эмас, мен фақат мўминларга нажот бериш учун ваъда берганман. Ўғлинг ушбу дун-ёда жуда ёмон амалларни қилди, улардан энг каттаси – куфрда давомий бўлди, имонга келмади.

«Бас, ўзинг яхши билмаган нарса ҳақида асло мендан сўрамагин! Албатта, Мен сенга жоҳил-нодонлардан бўлмас-ликни буюраман».

Яъни, бирон нарса тўғри ёки хато эканлигини аниқ билмагунингча Мендан у ҳақида сўрама. Балки сен олдин ўзинг талаб қилаётган нарсани текшириб, ўйлаб кўр. Мен сени кўп саволлар бериб, фитна чиқарувчи жоҳил қавмлардан бўлиб қолишдан қайтараман.

Шундан сўнг Нух (алайҳиссалом) Аллоҳдан афв ва мағфират сўрай бошладилар: **«Парвардигорим, мен Сендан ўзим бил-ма-ган нарсани сўрашдан паноҳ тилайман! Энди агар, мени мағ-фи-рат қилиб, ўз раҳматингга олмасанг, зиён кўргувчилардан бўлиб қоламан».**

Яъни, эй Раббим, мен бундан сўнг ўзимда аниқ ва тўғри илм бўлмаган нарсаларни сўрашдан паноҳ тилайман, агар сен мендан ўтган айб-камчиликларимни кечирмасанг ва кенг раҳматинг ила сийламасанг, мен аниқки, зиён кўргувчилардан бўлиб қоламан.

Қисса якунида Аллоҳ таоло Нух (алайҳиссалом)ни хурсанд қилувчи башоратни келтириб ўтади: **«Эй Нух, Биз томонимиздан бўлган омонлик билан ва ўзингга ҳамда сен билан бирга бўлган умматларнинг зурриётларига бўладиган баракотлар билан тушгин. Яна бошқа жамоалар ҳам (келурки), Биз уларни ҳам озгина фойдалантирурмиз, сўнгра эса уларни Биз томондан бўлган аламли азоб тутар».**

Яъни, эй Нух, кемадан Биз томондан бўлган омонлик, яхшилиқ ва неъматларга эришган ҳолда тушгин. Булар сенга, сенинг издош-ларинг ва барча мўминларга бўлур. Ва яна бошқа бир уммат борки, Биз уларга ўз неъматларимиз билан кўп

имкониятни мана шу дунёнинг ўзида берамиз, сўнгра Охират куни уларни аламли азоб тутар, чунки улар неъматларимга ношукрлик қилдилар, уларни нотўғри йўлларга сарфлаб, исроф ва куфр йўлини афзал билдилар.

Ушбу биз кўриб чиққан Худ сураси Нух (алайҳиссалом)нинг қавмлари билан бўлган қиссани энг батафсил ҳикоя қилувчи суралардан ҳисобланади.

Мўминун сурасида ҳам ушбу қиссанинг бошқа жиҳатлари ҳақида ҳикоя қилинади:

«У (Нух) фақат бир жинни бўлган одамдир. Бас, унга бир (оз) вақтгача кўз тутинглар», дедилар. (Нух) айтди: «Парвардигорим, улар мени ёлғончи қилганликлари сабабли Ўзинг менга ёрдам қилгин». Бас, Биз унга ваҳий қилдик – Бизнинг кўз ўнгимизда ва Бизнинг ваҳий-таълимимиз билан бир кема ясагин! Бас, қачон Бизнинг фармонимиз келиб, таннурдан фавворалар отилган вақтида у кемага ҳар жонивордан бир жуфтдан ва аҳли-оилангни солгин. Лекин қайси кимсалар устида Бизнинг сўзимиз ўтган бўлса ҳамда у золим кимсалар ҳақида менга хитоб-илтижо қилмагин. Улар шак-шубҳасиз, ғарқ қилингувчилардир. Энди қачон ўзинг ва сен билан бирга бўлган кишилар кема устида жойлашиб олгач, айтгин: «Бизларни золим қавмдан қутқарган Аллоҳга ҳамду сано бўлсин». Яна айт: «Парвардигорим, мени бир муборак манзилга туширгин. Сен ўзинг энг яхши туширгувчисан. Албатта, бунда оят-ибратлар бордир. Биз имтиҳон қилгувчидирмиз» (Мўминун, 25–30).

Яъни, Нух (алайҳиссалом) ўз қавмларини Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзига ибодат қилишга даъват эта туриб, бундай дедилар: “Аллоҳ таолодан бошқасига ибодат қилганларинг учун устиларингизга азоб тушишидан кўрқмайсизларми?!”

Келаси оятда қавм қандай жавоб бергани ҳикоя қилинади:

«(Шунда) унинг қавмидан кофир бўлган кимсалар: «Бу ҳам худди сизларга ўхшаган одам. (Фақат) у сизлардан устун бўлиб олмоқчи. Агар Аллоҳ хоҳласа эди, фариштани туширган бўлар эди. Бизлар буни аввалги ота-боболаримиздан эшитган эмасмиз. У фақат бир жинни бўлган одамдир. Бас, унга бир (оз) вақтгача кўз тутинглар», дедилар.

Яъни, Нух (алайҳиссалом) қавмининг кофир кимсалари ўз пайғамбарларидан панд-насихат ва ҳидоятга чақириқларни эшитганларидан сўнг, ўзларининг заиф тоифадаги кишиларига ҳазар маъносида шундай дедилар: “Нух сиз каби бир инсондир, лекин у сизлардан устун бўлиши учун ушбу янги динни ўзи ўй-лаб чиқарган. Агар Аллоҳ хоҳласа эди, фаришталардан бирини пайғамбар қилиб юборган бўларди. Ушбу Нухдан эшитиб турган нарсаларимизни аввалги ота-боболаримиздан эшитмаган эдик. Улар бутун умр ўз динларида содиқ қолишди. Шу сабабли Нухга аҳмоқлик ёки мажнунликдан бирор нарса теккан. У шифо топ-гунча ёки ўлгунича кутиб туринглар. Шунда ундан ҳам, даъватидан ҳам озод бўласизлар, ота-боболарингиз сиғинган бут-санамларга бемалол ибодат қиласизлар”.

Кўриш мумкинки, Нух (алайҳиссалом)нинг қавмлари у кишига энг тубан сўзлар билан мурожаат қилишди, ҳаттоки улар Нухнинг даъват қилишдан мақсади бизларга бошчилик қилиш, деб айтишди, у пайғамбар эмас дедилар, уларнинг даъволарига кў-ра, пайғамбарлар одам наслидан бўлиши мумкин эмас эди, Нух (алайҳиссалом) уларни ота-боболари қилаётган ишдан қайтар-дилар, қавмнинг кофирлари шундай одам эдиларки, ким уларнинг ота-боболарига хилоф иш тутса, уни эшитмас ва уни жиннига чиқаришар ва яқинда унга ўлим етади, деб эътиқод қилишарди.

Агар кимки, жоҳил-нодон, мағрур ва ношукр бўлса, ундай одамнинг фикрича, ислоҳ фасодга, Аллоҳ таолога бўлган ихлос одамлардан устун бўлишга, мақбул нарса номақбул нарсага, ақл камолоти жиннилик ва ноқисликка айланиб кетади.

Нух (алайҳиссалом) ўз қавмлари тарафидан шаънларига ай-тилган сўзларни эшитиб бўлгач, ўз Парвардигорига илтижо қи-либ, ундан бошларига тушган мусибатдан нажот беришини сў-райдилар: **«Парвардигорим, улар мени ёлғончи қилганлик-лари сабабли Ўзинг менга ёрдам қилгин»**, яъни, эй Раббим, улар мени ёлғончи қилганлари, менга душманлик қилганликлари, менинг устимдан кулганликлари ва куфрда қаттиқ туриб олганлик-лари сабабли уларнинг устидан менга нусрат бер ҳамда уларни ҳалок қил.

Сўнг Аллоҳ таоло Нух (алайҳиссалом)га шундай ижобат қилди:

«Бас, Биз унга ваҳий қилдик – Бизнинг кўз ўнгимизда ва Бизнинг ваҳий-таълимимиз билан бир кема ясагин!» яъни, Бизнинг ҳифзу ҳимоямиз ва ғамхўрлигимиз остида.

«Бас, қачон Бизнинг фармонимиз келиб, таннурдан фавворалар отилганда ...», яъни, Бизнинг уларга иқоб қилишимиз вақти яқинлашиб, аломат-белгилар зоҳир бўлгач (яъни, таннурдан олов ўрнига сув чиққач) **«У кемага ҳар (жонивордан) бир жуфтдан ва аҳли оилангни солгин. Лекин қайси кимсалар устида Бизнинг сўзимиз ўтган бўлса ҳамда у золим кимсалар ҳақида Менга хитоб-илтижо қилмагин. Улар шак-шубҳасиз, ғарқ қилингувчилардир»**.

Яъни, махлуқотлардан бир жуфтдан ўзингга керакли бўлган-ларини ва оиланг ҳамда қавмингдан имон келтирганларни ке-мага чиқаргин, Агар ким куфр йўлида қолса, уни тарк эт ва бирон кофир тўғрисида Менга илтижо қилмагин. Зеро, уларнинг барчаси ушбу азоб билан ҳалок қилинадилар.

Улар кема устида қарор топишгач, Аллоҳ таоло Нух (алай-ҳиссалом)га нима дейишни таълим беради: **«Энди қачон ўзинг ва сен билан бирга бўлган кишилар кема устида жойлашиб олгач, айтгин: «Бизларни золим қавмдан қутқарган Аллоҳга ҳамду сано бўлсин». Яна айт: «Парвардигорим, мени бир муборак манзилга туширгин. Сен ўзинг энг яхши туширгув-чисан»**.

Яъни, эй Нух, сен билан бирга имон келтирган кишилар кемага ўрнашганларингиздан сўнг, Аллоҳ таолога кўплаб ҳамдлар айтинг-лар, чунки У сизларни золим қавмдан, улар билан бирга сувга ғарқ бўлишдан сақлаб қолди. Ва сўнгра айтинглар: **“Эй Раббимиз, бизни баракотли, яхшилик ва неъматларга тўла бўлган бир маконга туширгин. Зеро, Сен, ўз фазлу караминг ила яхши жойларга туширгувчисан.**

«Шуаро» сурасида ҳам ушбу қисса бошқа услубда ҳикоя қи-линади. Унда Нух (алайҳиссалом)нинг ҳикматли кишилардан эканликларини, ўз қавмларига берган қатъий жавоблари, Аллоҳ таолонинг мўмин бандаларига нусрат беришига аниқ ишонишлари ва бошқа жиҳатларни кўришимиз мумкин. Ушбу ояти карималар қуйидагича бошланур:

«Нух қавми пайғамбарларини ёлғончи қилди. Ўшанда уларга биродарлари Нух айтган эди: «Кўркмайсизларми?! Албатта, мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат этинглар! Мен сизлардан бу учун ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофо-тим фақат барча оламларнинг Парвардигори Аллоҳнинг зиммасидадир. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат этинг-лар!» Улар дедилар: **«Сенга пасткаш**

кимсалар эргашган бўлса, бизлар сенга имон келтирурмизми?» (Нух) айтди: «Мен уларнинг нима амал қилгувчи эканликларини билмасман. Агар пайқай олмасангизлар, уларнинг ҳисоб-китоби ёлғиз Парвардигоримнинг зиммасидадир. Ва мен мўмин бўлган кишиларни қувмайман ҳам. Мен фақат очик огоҳлантирувчи-ман». Улар дедилар: «Қасамки, агар тўхтамасанг, эй Нух, албатта тошбўрон қилингувчилардан бўлурсан!» (Нух) айтди: «Парвардигорим, қавмим мени ёлғончи қилдилар. Энди сен Ўзинг мен билан уларнинг ўртасини очиб қўйгин ва менга ҳамда мен билан бирга бўлган мўмин кишиларга нажот бергин». Бас, Биз унга ва у билан бирга бўлган кишиларга лик тўла бўлган кемада нажот бердик. Сўнгра қолганларни ғарқ қилдик. Албатта, бунда оят-ибрат бордир. Кўплари имон келтирувчи бўлмадилар. Шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи ғолиб, меҳрибондир» (*Шуаро, 105–122*).

Яъни, Нух (алайҳиссалом)нинг қавми илгари Аллоҳ таоло то-монидан юборилган барча пайғамбарларни ёлғончи қилган-лик-лари каби, уни ҳам ёлғончи, дедилар.

Келаси оятда Нух (алайҳиссалом)нинг уларга айтган сўзлари келтирилиб ўтилади: «Қўрқмайсизларми?! Албатта, мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. Бас, Аллоҳдан қўр-қинглар ва менга итоат этинглар! Мен сизлардан бу учун ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори Аллоҳнинг зиммасидадир. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат этинглар!»

Яъни, Нух (алайҳиссалом) чин юракдан, содиқлик ила ўз қавм-ларига шундай дейдилар: “Эй қавмим, менинг амримга итоат этинглар, ўз Холиқингизга ихлос билан ибодат қилингиз, Ундан бошқасини тарк этинг ва мен сизлар учун юборилган ишончли пай-ғамбарман. Мен сизлардан даъватим учун ҳақ сўрамайман. -Уни Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзидан сўрайман. Шундай экан, менинг гап-ларимга қулоқ тутинг, насиҳатларимга эргашинг!”

Нух (алайҳиссалом) қавмларини Аллоҳ таолога даъват қилиш-да энг ҳикматли йўлни танладилар, уларни уч марта Аллоҳга тақ-во қилишга чақирдилар, ўзларини уларга яқин олдилар, ишонч-ли пайғамбарман дедилар ва сизларни Аллоҳ таолонинг тоатига чақирганим учун ҳеч қандай мол-дунё талаб қилмасликларини таъкидлаб ўтдилар. Хўш? Бунга насбатан қавмнинг жавоби қан-дай бўлди? Улар дедилар: «Сенга пасткаш кимсалар эргашган бўлса, бизлар сенга имон келтирурмизми?».

Яъни, улар аҳмоқлик ва ғурур билан: “Одамларнинг энг фа-қири, энг заиф ва пасткаш тоифаси сенга эргашган ҳолда ҳам биз сенга имон келтирамизми?”

Шунда Нух (алайҳиссалом) уларга қарши бир ҳикматли жавоб қайтариб ўтадилар: «Мен уларнинг нима амал қилгувчи эканликларини билмасман. Агар пайқай олмасангизлар, уларнинг ҳисоб-китоби ёлғиз Парвардигоримнинг зиммасидадир. Ва мен мўмин бўлган кишиларни қувмайман ҳам. Мен фақат очик огоҳлантирувчиман».

Яъни, Нух (алайҳиссалом) уларнинг сўзларини инкор этиш, уларга раддия бериш маъносида шундай дедилар: менга эргашган кимсаларнинг нима амал қилаётганларидан беҳабарман, унинг ҳақиқатини ёлғиз Аллоҳ таоло билади, аммо менинг вазифам амалларнинг зоҳирини тўғрилаб туриш ва ундан сўнг ҳисоб қилиш Аллоҳ таолонинг ўзига ҳавола. Айни пайтда менинг орқамдан эр-гашиб, имон келтирган кимсаларни, бой ёки кам-бағал бўладиларми, ўз ҳузуримдан ҳайдаб юбормайман.

Шу ерда кўриш мумкинки, Нух (алайҳиссалом) уларга қарата қатъий ва шижоат ҳамда жасурлик билан, уларнинг тилини тўх-татиб, оғзини ёпиб қўядиган жавоб қилдилар.

Шу сабабли, ноилож қолган кофир қавм таҳдид ва кўрқитиш йўлига ўтдилар: **«Қасамки, агар тўхтамасанг, эй Нух, албатта, тошбўрон қилингувчилардан бўлурсан!»**, яъни, агар даъват қилишдан тўхтамасанг, ўлгунингча сени тошбўрон қиламиз.

Шундан сўнг Нух (алайҳиссалом) Аллоҳ таолога илтижо қи-либ, ёрдам беришини сўрадилар: **«Парвардигорим, қавмим мени ёлғончи қилдилар. Энди сен Ўзинг мен билан уларнинг ўртасини очиб қўйгин ва менга ҳамда мен билан бирга бўлган мўмин кишиларга нажот бергин»**. Бас, Биз унга ва у билан бирга бўлган кишиларга лик тўла бўлган кемада нажот бердик. Сўнгра қолганларни ғарқ қилдик. Албатта, бунда оят-ибрат бордир. Кўплари имон келтирувчи бўлмадилар. **Шуб-ҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи ғолиб, меҳрибондир»**.

Яъни, “Эй Раббим, қавмим менинг даъватимни ёлғон, дедилар, бас, мени ва уларнинг ўртасида адолат билан ҳукм қил, мени ва менга эргашган мўминларни азобинг ва иқобингдан сақла!”

Аллоҳ таоло Нух (алайҳиссалом)нинг дуоларини ижобат қил-ди: Бас, Биз Нух ва у билан бирга имон келтирган кишиларни одамлар, хайвонлар билан лик тўла бўлган кемада қутқардик, сўнгра имонга келмай ўз куфрида қолган кимсаларни ғарқ қилиб юбордик.

Ушбу Биз сизга Нух (алайҳиссалом) қиссасида зикр қилиб ўт-ган нарсаларда, эй Муҳаммад, ибрат ва ваъз-насихатлар бордир. Лекин қавмининг кўпчилиги имон келтирмадилар, аксинча улар залолат ва куфр йўлини тутдилар ва дарҳақиқат, Раббингиз барчадан ғолиб ва мўмин бандаларига нисбатан меҳрибондир.

«Шуаро» сурасида Нух (алайҳиссалом) қиссалари орқали та-факкур қилувчилар учун оят-ибратлар бор. Қуръони каримда «Нух» деб аталувчи тўлиқ бир сура мавжуд. Унда Нух (алай-ҳиссалом) Аллоҳ таолога тазарру қилиб ўтадилар, қавмларини ҳақиқат йўлига чақи-ришда баъзан тарғиб-руҳлантириш баъзан тарҳиб-кўрқитиш йўлини тутадилар ва Аллоҳ таолонинг берган неъматлари ҳамда яратиб қўйган махлуқотлари ҳақида тааммул, тафаккур қилишга ундайдилар.

Бизга ҳикоя қилинишича, Нух (алайҳиссалом) ўз қавмлари орасида 950 йил турсалар ҳам улар билан жуда озчилик кишилар имон келтирадилар. Шунда у киши дуо қилиб, кофир қавмни таг-томири билан йўқ қилишни Аллоҳ таолодан сўрай-дилар. Аллоҳ Нух (алайҳиссалом)нинг дуоларини ижобат қилиб, Ўзининг барча душманларини сувга ғарқ қилади.

Сура Аллоҳ таолонинг қуйидаги калималари билан бошла-нади:

«Дарҳақиқат, Биз Нухни: «Қавмингни уларга аламли азоб келиб қолишидан илгари огоҳлантиргин», деб ўз қав-мига пайғамбар қилиб юбордик. У деди: **«Эй қавмим, албатта мен сизларга очик огоҳлантирувчиман. Аллоҳга ибодат қилинглр ва У Зотдан кўрқинглр ҳамда менга итоат этинглр. (Шунда Аллоҳ) сизларнинг гуноҳларингизни мағ-фират қилур ва сизларни белгиланган муддатгача (яъни, ажалларингиз битгунича тирик) қолдирур. Албатта, билгувчи бўлсангизлар, Аллоҳнинг муддати келган вақтда асло ортга сурилмас»**.

Сўнгра Нух (алайҳиссалом) Аллоҳга илтижо қилиб, ўз қавм-ларига насихат, ҳикматли ваъз-иршодларни тарғиб ва тарҳиб йўли билан қилганликларини айтиб

ўтадилар: **«Парвардигорим, албатта, мен қавмимни кечаю кундуз даъват этдим. Менинг даъватим уларга фақат қочишни зиёда қилди, холос. Дарвоқе, ҳар қачон мен уларни Сенинг мағфиратингга даъват қилсам, улар бармоқларини қулоқларига тиқиб, кийимларини ўраб-чирмаб олдилар ва оёқ тираб турдилар ҳамда кибр-ҳаво қилдилар».**

Яъни, Нух (алайҳиссалом) Аллоҳга тазарру қилиб дедилар: «Эй Раббим, Ўзингга аёнки, мен қавмимни Сенга ибодат қилишга даъват этишда бирон нарсани ноқис қилмадим, гоҳида кечалари гоҳида кундузи тинимсиз уларни ибодатга чақирдим. Лекин ушбу даъватим фақатгина уларнинг мендан қочишларини зиёда қилди.

Мен уларни Сенинг мағфиратингга ноил бўлиш учун даъват қилсам, улар менинг сўзларимни эшитмаслик учун бармоқ-ларини қулоқларига тикдилар ва мени кўрмаслик учун кийим-лари билан бош-кўзларини ёпиб олдилар». Аммо улар куфр ва ғурурларида қаттиқ туриб олдилар. Шундан сўнг ҳам Нух (алай-ҳиссалом) турли усуллар билан ҳидоятга чақиришда давом этдилар. Келаси оятда шу ҳақида ҳикоя қилинади: **«Сўнгра мен уларни ошқора даъват этдим. Сўнгра мен уларга очик эълон ҳам қилдим, пинҳона сир қилиб ҳам айтдим».**

Яъни, баъзида одамлар тўпланган жойларда, баъзида эса ҳар бир одамга яккама-якка даъват қилдим.

«Мен дедимки: «Парвардигорингиздан мағфират сўранг-лар, албатта, у ўта мағфиратли бўлган Зотдир. У зот устиларингизга осмондан ёмғир ёғдирур».

Яъни, Аллоҳга истиғфор айтишлар, шунда у устиларингизга сизлар учун лозим бўлган баракотли ва унумли ёмғирлар ёғди-рар. Шунингдек, **«Сизларга мол-дунё, бола-чақа билан мадад берур ҳамда сизларга боғу бўстонлар қилур ва сизларга оқар дарёлар қилур».**

Яъни, Аллоҳ сизларга кўплаб ўғил-қиз фарзандлар беради. Сизлар учун кўм-кўк боғу роғлар барпо қилади ва бу дарахтлар остидан оқиб тургувчи анҳорларни ато этади. Нух (алайҳисса-лом) Аллоҳ таолога ибодат ва бошқа яхшиликларга тарғиб қил-ганларидан ке-йин, куфр ва ношукрликда давомий кетишнинг ёмон оқибатларини эслатиб, тарҳиб-қўрқитиш йўли билан даъват қила бошлайдилар.

«Нега сизлар Аллоҳни улуғлашни ўйламайсизлар? Ҳол-буки, у зот сизларни босқичма-босқич яратди-ку!»

Яъни, эй қавм, сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг азамати ва буюклигидан кўрқмайсизлар, ваҳоланки, У сизларни бир неча босқич (нутфа-алоқа-музға... ..)да яратиб қўйди-ку?

Шундан сўнг, Нух (алайҳиссалом) уларнинг диққатини Аллоҳ таоло ўз қудрати ила яратиб қўйган нарсаларга қаратадилар: **«Аллоҳ етти осмонни қандай устма-уст қилиб яратганини ва ойни улардаги нур-ёруғлик қилиб қуёшни эса чирок қилиб қўйганини кўрмадингларми?!»**

Яъни, сиз билдингиз ва ўз кўзингиз билан гувоҳи бўлдингиз-ки, Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзи етти осмонни қатма-қат яратди, Ўз қудрати билан ойни, ер ва ундаги нарсаларга нур таратиб тур-гувчи ва Қуёшни зиё сочиб тургувчи бир чирок қилди.

Сўнгра Нух (алайҳиссалом) қавмларини ўзлари тўғрисида тааммул ва тафаккур қилишга чақирадилар: **«Аллоҳ сизларни ердан ундириб-ўстирди. Сўнгра у зот сизларни яна қайтарур ва Унинг Ўзи сизларни чиқариб олур!»**

Яъни, Аллоҳ таоло қудрати билан оталарингиз Одам (алай-ҳиссалом)ни тупрокдан яратди ва ундан сизларни бутун ер юзига тарқатди. Сўнгра сиз ушбу ерга, вафот этганларингиздан сўнг сизларга Қиёматга қадар макон – қабр бўлиши учун қайтариласизлар ва Қиёмат куни ҳисоб-китоб қилиб, жазо ёки мукофот бериш учун ундан яна сизларни чиқаради. Нух (алай-ҳиссалом) ўз насихат ва иршодларини инсонлар яшаётган ер неъматини эслатиш билан якунлайдилар: **«Аллоҳ ерни сизлар учун – сизлар ундаги кенг йўлларда юришларингиз учун ёйиқ – текис қилиб қўйди».**

Нух (алайҳиссалом) ўз қавмларини кечаю кундуз, махфий ва ошкора ҳолатда даъват қилдилар. Аллоҳ таолога итоат этиш мол-дунё, бола-чақанинг кўпайишига ва боғ ҳамда анҳорларнинг ато этилишига сабаб бўлишини баён қилдилар, Аллоҳ таолодан кўрқмасликнинг оқибати ёмон эканлигини эслатиб ўтдилар ва ҳоказо.

Шунингдек, Нух (алайҳиссалом) ушбу насихатлари қавмлари-нинг кулоқларига етиб бориб, ақл ва қалб пардаларини очишини хоҳлаган эдилар. Бунинг учун бир канча услубларни қўлладилар.

Лекин қавм ношукрлик, жаҳолат ва туғён йўлида давом этди. Шунинг учун Нух (алайҳиссалом) Аллоҳ таолога илтижо қилиб, уларнинг орасида ҳукм қилишни сўрайдилар: **«Нух айтди: «Парвардигорим, дарҳақиқат, улар менга итоатсизлик этдилар ҳамда мол-дунёси ва бола-чақаси ўзига фақат зиённи зиёда қилган кимсаларга эргашиб кетдилар». Жуда катта макр-хийлалар қилдилар. Ва: «Сизлар ҳаргиз ўз худоларингизни тарк қилманг! «Вад»ни ҳам, «Сувоъ»ни ҳам, «Яғус»ни ҳам, «Яъук»ни ва «Насро»ни ҳам ҳаргиз тарк қилманглар!», дедилар. «Дарҳақиқат, улар кўпни йўлдан оздирдилар. Бу золим кимсаларга фақат гумроҳликни зиёда қилгин» (деди Нух)».**

Яъни, эй Раббим, қавмим менга исён қилди, суҳбатимни инкор этишди ва мол-давлат ва кўплаб фарзандларга эга бўлган кимсаларга эргашидилар, улар неъматга ношукрлик қилдилар. Лекин улар бу билан кифояланмай менга ва мўминларга жуда кўп макрлар қилдилар, одоб доирасидан чиқиб, қабих ишларни қилишгача бордилар.

Кофир ва осий қавмнинг макрлари шундан иборат эдики, улар ўзларининг паст табақадаги кишиларига шундай дедилар: «Ота-ларингиз сиғиниб келган илоҳларга ибодат қилишни тарк этишдан эҳтиёт бўлинглар. Ушбу хос сифатларга эга бўлган бешта бут-санамларни ҳеч ҳам тарк этманг: Вад, Сувоъ, Яғус, Яъук ва Нас-ро». Улар бу макрлари билан чекланмадилар, балки Аллоҳга ибодат қилиб, итоат этганларга душманлик қилдилар, уларга куфр йўлини яхши кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

Нух (алайҳиссалом) айтдилар: “Эй Раббим, ушбу кофир ва фожир қавмлар учун залолат устига залолат, куфр устига куфрларини янада зиёда қилгин, зеро Сенинг қудратинг чексиз ва Сен барча кофирлардан ғолиб бўлган Зотдирсан”.

Аллоҳ таоло ўз элчиси бўлмиш Нух (алайҳиссалом)нинг дуоларини ижобат қилди: **«Улар ўз хато-гуноҳлари сабабли ғарқ қилиниб, дўзахга киритилдилар. Бас, ўзлари учун Аллоҳдан ўзга ёрдам бергувчиларни топмадилар».**

Яъни, ушбу манфур қилмишлари ва маъсиятга ботганлик-лари сабабли Аллоҳ таоло Нух (алайҳиссалом) қавмининг ко-фир-ла-рини сувга ғарқ қилди. Сўнг уларни жаҳаннамга кирит-ди, улар ўз қабрларида ҳисоб кунигача азобланадилар. Уларни Аллоҳ таолонинг азобидан ҳеч ким қутқара олмайди, ҳатто улар дунё-далиқ пайтларида сиғиниб юрган бут-санамлари ҳам!

Кейин Нух (алайҳиссалом) муножот қилиб, ўз Раббисидан куйидаги нарсаларни сўрайдилар: **«Парвардигорим, ер юзида кофирлардан бирон ҳовли-жой эгасини қолдирмагин. Чунки Сен агар уларни қолдирсанг, улар бандаларингни йўлдан оздирурлар ва фақат кўрнамак, нопок (кимсалар)ни туғиб кўпайтирурлар».**

Яъни, эй Раббим, ер юзида бу кофирлардан бирон кимсани соғ қолдирма, агар сен уларни тарк этсанг, улар мўмин бандала-рингни тўғри йўлдан адаштирадилар, айни пайтда фақат ўзла-рига ўхшаган фожирларнинг туғилишига сабаб бўлиб, ер юзида яна ёмон ишларни қилгувчи қавмлар уларнинг наслидан пайдо бўладилар.

Нух (алайҳиссалом) қавмлари орасида 950 йил яшаб, уларни ҳақиқат динига чақирганлари ва улар хидоятдан кўра залолатни афзал билганларидан кейингина ушбу дуони қилдилар.

Нух (алайҳиссалом) дуолари ва сураи карима ушбу чин дил-дан қилинган дуо билан якунланади: **«Парвардигорим, Ўзинг мени, ота-онамни, менинг уйимга мўмин ҳолда кирган кишиларни ва барча мўмину мўминаларни мағфират қилгин, золим кимсаларга эса фақат ҳалокатни зиёда қилгин!»**

Яъни, эй Раббим, менинг, ота-онамнинг, мўмин сифати билан менинг уйимга кирганларни ҳамда Қиёмат кунигача яшаб ўтадиган мўмин ва мўминаларнинг гуноҳларини кечиргин. Золим қавмларга эса ҳалокат, ютқазим ва тор-мор бўлишни зиёда қилгин!

Шундай қилиб, ушбу сура мўминларга раҳмат ва мағфират, кофирларга эса ҳалокат бўлишини сўраш билан ўз ниҳоясига етади.

*Нух (алайҳиссалом) қиссасидан олинадиган
ибрат ва фойдалар*

Юқорида айтиб ўтдикки, Нух (алайҳиссалом)нинг қавмлари билан бўлган қиссаси кўпгина сураларда турли, ўзига хос услубда ҳикоя қилинади, буларнинг барчаси юксак даражадаги, таъсири кучли бўлган қиссалар сирасига киради.

Бу ерда ушбу қиссадан олинадиган ўғит ва панд-насихатларни зикр қилиб ўтишни ирода қилдик:

1. Ушбу қиссадан оладиган энг катта фойдаларимиздан би-ри – сабрдир. Аллоҳ таоло буюрган амалларни бажаришда сабр қилиш, душман билан юзма-юз келганда сабр қилиш ва ҳоказо.

Кўриш мумкинки, Нух (алайҳиссалом) ўз қавмлари орасида қарийб 1000 йил яшадилар, уларни Аллоҳнинг ваҳдониятига, Унга ихлос билан ибодат қилишдан қайтардилар. Аллоҳ таоло айтади:

«Аниқки, Биз Нухни ўз қавмига пайғамбар қилдик. Бас, у уларнинг орасида эллик йили кам минг йил турди, бас, уларни золим-кофир бўлган ҳолларида тўфон тутди. Сўнг Биз (Нух)га ва кема(даги) ҳамроҳларига нажот бердик ва у (тўфон балоси)ни барча оламларга оят-ибрат қилиб қўйдик».¹³

Баъзи уламолар айтишади: Аллоҳ таоло Нух (алайҳиссалом)-ни қирқ ёшида пайғамбар қилиб юборди. У қавми орасида 950 йил туриб, уларни Аллоҳ таолони ёлғиз, деб тан олишга чақирди. Тўфондан сўнг олтмиш йил яшади. Аллоҳ таолонинг

¹³ Анкабут сураси, 14–15-оятлар.

Ўз китобида ушбу узун муддатни зикр қилишдан мақсад, Расулуллоҳ (соллал-лоҳу алайҳи ва саллам)га тасалли бериб, У зотнинг қалбларига ишонч бағишлаш.

Гўё Аллоҳ таоло Ўзининг набийи Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га шундай деяётгандек: Биродарингиз Нух уш-бу узоқ муддат ичида ўз қавми орасида яшади, лекин у билан бирга оз кишиларгина имон келтирдилар.

Айтиладики: ушбу узоқ муддат ичида имон келтирганларнинг сони 20 тага яқин бўлиб, улар орасида эркаклар ҳам, аёллар ҳам бор эди...

Сиз, Эй Расулуллоҳ, сабр қилишда ва ўз қавмингиз билан баҳслашишда биродарингиз Нухга эргашинг, Зеро, ҳар бир ҳолат ва маконда сабр қилиш лозимдир.

Аллоҳ таолога дуо қилгувчиларнинг энг яхшиси ушбу инсон (Нух)дир. У ҳаққа даъват қилишда чиройли сабр қилди, кофир қавмларнинг гуноҳ ва юз ўгиришларидан хафа бўлиб, умидсизланмади. Зеро, саҳиҳ ҳадислардан бирида айтилганидек, «Сабр – зиёдир».

2. Ушбу қиссадан ўзимиз учун оладиган энг аҳамиятли иб-ратлардан яна бири шуки, ақлли инсон ўзига билдирилган ҳар қандай шубҳа, тухмат ва ёлғонларни кенг қалб, салим ақл билан қабул қилиб, тинглаб, сўнгра уни ботил эканлигини исботлашга ўтади. Қавми Нух (алайҳиссалом)га энг ёмон ва куракда турмайдиган сўзлар билан, у кишига тухмат қилди ва ёмон сифатлар билан номлади, лекин Нух (алайҳиссалом) шунга қарамай буни сабр ва сабот билан қабул қилдилар. «Аъроф» сураси 60-оятда айтилганидек, **«Биз сени очик залолатда эканлигингни кўрмоқдамиз»**, дейишди улар.

Нух (алайҳиссалом) ўзларига қилинган тухматларни кетказиш учун уларга қатъий жавоб бериб ўтдилар, ва ўзларини тўрт сифат билан сифатладилар: **«Эй қавмим, мен мутлақо залолатда эмасман»**.

Яъни, менда адашишдан асар ҳам йўқ, лекин мен Аллоҳ тарафидан юборилган элчиман, сизларга Раббимнинг вазифа, амрларини етказаман, насиҳат-иршод қиламан ва мен Аллоҳ тарафидан сизлар билмаган нарсаларни биламан.

Худ сурасининг 27-оятда Нух (алайҳиссалом) қавмининг кофир кимсалари у кишига айтган гаплари келтириб ўтилади: **«Биз сени худди ўзимизга ўхшаган одам, деб биламиз ва сенга фақат ичимиздаги пасткаш кимсалар ўйламасдан эргашганини кўрмоқдамиз. Бизнингча, сизларнинг биздан бирон ортиқчалик жойингиз йўқ, балки биз сизларни ёлғончи, деб ўйламоқдамиз»**.

Ўша кофир қавм Нух (алайҳиссалом)га имон келтирмаганларини учта «далил» билан исботлашга ҳаракат қилишди. Биринчиси: Нух (алайҳиссалом) худди улар каби бир инсон эканликлари, уларнинг даъвосича, пайғамбар инсон зотидан бўлмас эди. Иккинчиси: Нух (алайҳиссалом)га эргашган кишиларнинг камбағал тоифасидаги одамлар эканлиги. Учинчиси: Нух (алайҳиссалом)-да ҳам, у кишига эргашган кишиларда ҳам бошқалардан ажралиб турадиган бирон хусусият йўқлиги, шунинг учун кофир кимсалар уларни ёлғончи, деб ўйлашди.

Шундан сўнг Нух (алайҳиссалом) уларнинг тилини лол, даъволарини ботил қиладиган жавобларни келтириб ўтдилар:

«Эй қавмим, хабар берингизки, агар мен Парвардигорим томонидан аниқ хужжатга эга бўлсам ва У зот менга ўз даргоҳидан раҳмат – пайғамбарликни это этган бўлса-ю, аммо бу сизларга махфий бўлса, биз сизларни ўзингиз истамаган ҳолда (имон келтиришга) мажбур қиламизми? Эй қавмим, мен сизлардан бу учун мол-дунё сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат Аллоҳнинг зиммасидадир.

Ва мен имон келтирган кишиларни (хузуримдан) қувмайман ҳам. Чунки улар Парвардигорларига рўбарў бўлгувчилардир. Эй қавмим, агар мен уларни хайдасам, ким менга Аллоҳ(нинг азоби)дан нажот берур? Ўйлаб кўрмайсизларми?! Мен сизларга: «Хузуримда Аллоҳнинг хазиналари бор», демайман, Ғайбни ҳам билмайман. «Мен фариштаман», ҳам демайман. Шунингдек, сизлар ўзингизча ҳақорат қилаётган кишилар ҳақида: «Аллоҳ уларга ҳеч қандай яхшилик бермайди», деб айтмайман. Уларнинг дилларидаги нарсани Аллоҳ жуда яхши билур. Акс ҳолда, мен албатта, золимлардан бўлиб қо-лурман» (Худ, 28–31).

3. Ақлли инсон, бошқаларга насиҳат ва иршод қилишда турли йўлларни кўллаиди, гоҳида тарғиб-тарҳиб билан, гоҳида коинотнинг ажойиботлари ҳақида фикр қилишга чақириш орқали, баъзан эса Аллоҳ таолонинг Ўз махлуқотлари-га бериб қўйган неъматларини эслатиш билан олиб боради. Нух (алайҳиссалом)га эътибор бер. У киши кечаю кундуз, махфий ва ошкора ҳолатда ўз қавмларини Аллоҳ таолога ихлос билан ибодат қилишга даъват этадилар.

У киши даъват қилишда биргина услубни танламадилар, балки «Нух» сурасида кўриб ўтганимиздек, уларни аввало ўз Раббиларига истиффор этишга, тоат қилишга, Ундан кўрқишга чақириб, санамларга ибодат қилишдан қайтариб, унинг ёмон оқибатларидан огоҳлантирадилар. Буларнинг барчаси уларнинг ерларига ёмғир ёғиб, атроф-муҳитни ям-яшил майса ва дарахтзорларга бурканишига, шунингдек, Аллоҳ таоло уларни дунё ҳаётининг икки зийнати – бойлик ва фарзандлар ато қилишига ва мевалар билан тўла боғу бўстонлар қилиб беришига сабаб бўлишини айтиб ўтдилар.

Нух (алайҳиссалом) уларни тарғиб йўли билан даъват қи-лишлари фойда бермагач, энди тарҳиб, кўрқитиш ва тергаш усулига ўтдилар, ушбу даъватларни қабул қилмаслик, уларни енгил санаш яхши эмаслигини тушунтирдилар.

Ушбу тарғиб ва тарҳиблардан сўнг Аллоҳ таоло яратиб, хил-қатини гўзал қилиб қўйган нарсаларни эслатишга ўтдилар. Сўнг-ра уларнинг диққатини осмонлар, ер, қуёш, ойнинг ярати-лиши-га қаратдилар, шунингдек, инсонларнинг ер жинсидан пайдо қили-ниб, яна у ерга қайтарилишини ва ҳисоб қилинишини зикр қилдилар.

Аллоҳ таолога даъват қилишнинг турли кўринишларини келаси ояти карималарда кўришимиз мумкин: **«Мен дедим: «Парвардигорингиз (Аллоҳ)дан мағфират сўранглар, албатта, У ўта мағфиратли бўлган Зотдир. (Шунда) У Зот устиларингизга осмондан ёмғир ёғдирур. Ва сизларга мол-дунё, бола-чақа билан мадад берур ҳамда сизларга боғу бўстонлар (ато) қилур ва сизларга оқар дарёлар қилур. Нега сизлар Аллоҳни улуғлаш-ни ўйламайсизлар?! Ҳолбуки, У Зот сизларни босқичма-бос-қич яратди-ку! Аллоҳ етти осмонни қандай устма-уст қилиб яратганини ва ойни улардаги нур-ёруғлик қилиб, қуёшни эса чирок қилиб қўйганини кўрмайсизларми. Аллоҳ сизларнинг (отангиз Одамни) ердан ундириб-ўстирди. Сўнг-ра У Зот сизларни яна (ерга) қайтарур ва (Қиёмат қоим бўлганида) Унинг Ўзи сизларни чиқариб олур! Аллоҳ ерни сизлар учун – сизлар ундаги кенг йўлларда юришингиз учун ёйиқ – текис қилиб қўйди» (Нух, 10–20).**

4. Нух (алайҳиссалом)нинг қиссаларидан олинадиган энг катта ибрат, у кишининг одамлар кўлидаги бойлик, мол-дунёдан бе-ҳожат эканликлари, дунёнинг ўткинчи матоҳларини паст санашлари, Аллоҳ таоло даргоҳидаги нарсани ундан устун қўйиш-лари, кофир кимсаларга қарата «Мен сизларни Ҳақ динга даъват

қилганим учун сизлардан бирон ажр-мукофот сўрамайман» деб таъкидлаганлари. Нух (алайҳиссалом) ушбу ҳақиқатни эслатишдан ҳеч чарчамайдилар. Лекин улар Нух (алайҳиссалом)-нинг бу даъватларини фақатгина бойлик, ҳурмат-эътибор ёки раҳбарликка эришиш учун қилмоқда, деб ўйладилар. Келаси оятда уларга қарши кучли раддиялар берилади: **«Бас, агар юз ўғирар экансизлар, мен сизлардан бирон ажр-ҳақ сўраганим йўқ. Менинг ажрим фақат Аллоҳга ҳавола. Ва мен Унга бўйсунувчи – мусулмонлардан бўлишга амр этилганман»** (Юнус, 72).

Яъни, эй инсонлар, менинг амримдан ва ҳақиқий ҳолатдан хабардор бўлганингиздан кейин ҳам, менинг гапларимдан ва эслатмаларимдан юз ўғирсангиз, бу ўзингизнинг ишингиз, мен сизларни яхшиликка ва ҳақиқат йўлига чақирганим учун сизлардан ҳақ талаб қилмайман, фақат Аллоҳнинг (субҳонаху ва таоло) Ўзидангина сўрайман. У менинг гапирган гапим ва қилган амалларим учун савоб беради ва мен Унинг амрига бўйсунувчилар-дан, ҳидоятга эргашувчилардан ҳамда қазо ва қадарга таслим бўлгувчилардан бўлишга амр этилдим.

Худ сурасида ҳам ушбу маъно таъкидлаб ўтилади: **«Эй қав-мим, мен сизлардан бу учун мол-дунё сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат Аллоҳнинг зиммасидадир. Ва мен имон келтирган кишиларни (ҳузуримдан) қувмайман ҳам. Чунки улар Парвардигорларига рўбарў бўлгувчилардир. Лекин мен сизларни нодон қавм эканлигингизни кўрмоқдаман»** (Худ, 29).

Яъни, Аллоҳ менга амр қилган нарсаларни сизларга етказганим учун бирон нарса сўрамайман. Зеро, менинг ажрим ва риз-қим Аллоҳ таолонинг зиммасидадир.

Шуаро сурасида ушбу маънони учинчи бор такрорлаб, таъкид-лаб ўтадилар: **«Мен сизлардан бу учун ажр-мукофот сўрамай-ман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори Аллоҳнинг зиммасидадир»** (Шуаро, 109).

Хулоса шуки, одамлар кўлидаги нарсалардан беҳожат бўлиш, ажр ва ризқ-рўзни фақат Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзидан сўраш Аллоҳ йўлида инсонларни яхшиликка даъват қилиш учун бир ибратдир.

ХУД (АЛАЙҲИССАЛОМ) ВА ҚАВМЛАРИ ҚИССАСИ

Худ (алайҳиссалом)нинг қиссаси Қуръони каримнинг кўп-гина сураларида келган, жумладан, Аъроф, Худ, Мўминун, Шуа-ро, Аҳқоф сураларида батафсилроқ, Фуссилат, Зориёт, Қамар, Ҳаққо ва Фажр сураларида эса қисқа тарзда келтириб ўтилади. Худ (алайҳиссалом)нинг насаби Нух (алайҳиссалом)га бориб та-қалади. Баъзи тарихчиларнинг айтишига кўра унинг шажараси қуйидагичадир: Худ ибн Абдуллоҳ ибн Рабоҳ ибн Халуд ибн Од ибн Авс ибн Ирам ибн Сом ибн Нух. Унинг қавми Од қабиласи эди, яъни қабила унинг бобоси исми билан аталарди.

Уларнинг турар жойлари Аҳқофда бўлган. Ушбу худуд ҳозир-да Арабистон яриморолининг жанубида жойлашган Рубъал Хо-ли худудига тўғри келади. «Аҳқоф» арабча «ҳиқф» сўзининг кўплик шакли бўлиб, луғавий маъноси «Қум билан лик тўла макон, жой»дир.

Худ (алайҳиссалом)нинг қавми бут-санамларга сиғинарди. Шунда Аллоҳ таоло уларни Аллоҳга ибодат қилишга буюриш ва бошқа нарсаларга сиғинишдан қайтариш учун Худ (алайҳисса-лом)ни пайғамбар қилиб юборди.

Айтиладики: Худ (алайҳиссалом)ни Аллоҳ таоло биринчи Од қабиласига, Солиҳ (алайҳиссалом)ни эса иккинчи Од қабиласига юборган. Ораларида тахминан юз йилча муддат ўтган.

Аъроф сурасида Худ (алайҳиссалом)нинг қавмларини даъват қилишлари, у киши ва қавми ўртасида бўлиб ўтган баҳс-му-нозаралар ва кофирларнинг ёмон оқибати ҳақида ҳикоя қилина-ди. Аллоҳ таоло айтади:

«Од қавмига ўз биродарлари Худни (пайғамбар қилдик). У айтди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Ахир кўркмайсизларми?!» (Шунда) унинг қавмидан кофир бўлган одамлар: «Биз сенинг нодон эканлигингни кўриб турибмиз ва албатта, биз се-ни ёлғончилардан, деб ўйламоқдамиз», дейишди. У айтди: «Эй қавмим, мен нодон эмасман, балки мен барча оламлар Парвардигори тарафидан пайғамбарман. Мен сизларга Парвардигоримнинг вазифаларини етказурман ва мен сизлар учун ишончли насихат қилгувчиман». Сизларга Парвардигори-нгиздан бўлган эслатма огоҳлантириш учун ўзларингиздан бўлган бир киши зиммасида келганидан ажабландингизми? (Аллоҳ) сизларни Нух қавмидан кейин халифа (ўринбосар) қилиб қўйганини ва куч-қувватингизни зиёда қилиб яратганини эслангиз! Бас, Аллоҳнинг неъматларини эслангиз, шояд нажот топурсиз. Улар: «Сен бизга, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишимиз ва ота-боболаримиз сиғиниб ўтган бутларни тарк қилишимиз учун келдингми? У ҳолда, агар ростгўй кишилардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтирчи?» дедилар. У айтди: «Энди устингизга Парвардигори-нгиз томонидан азоб ва ғазаб тушиши аниқ бўлди. Мен билан ўзингиз ва ота-боболарингиз қўйиб олган номлари ҳа-қида баҳслашмоқчимисизлар? Ахир Аллоҳ бирон ҳужжат туширмаган-ку?! Энди кўз тутаверинглар, мен ҳам сизлар билан бирга кутувчиларданман». Бас, унга ва у билан бирга бўлган зотларга ўз раҳмат-марҳаматингиз билан нажот бер-дик ва Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсаларнинг думларини қирқдик. Улар мўмин эмас эдилар» (Аъроф, 65–72).

Яъни, Биз Од қабиласига насаб жиҳатидан ўз биродари бўл-миш Худни пайғамбар қилиб юбордик. У ҳар бир пайғамбар ўз қавмига айтганидек, шундай деди: “Эй қавмим, Аллоҳ таолога холис ибодат қилинглар, бут-санамларга сиғинишни бас қилинг, Зеро, бу сизларни ҳалокат ёқасига олиб боради”.

Худ (алайҳиссалом)нинг Аллоҳ таолога ибодат қилишга ча-қириб, бут-санамларини инкор қилишлари ушбу исёнкор, кофир қавмларга оғир ботди ва шундай жавоб қилдилар: **«Биз сенинг нодон эканлигингни кўриб турибмиз...»**

Яъни, қавмнинг бой, шон-шухрат соҳиби бўлган кишилари Худга (алайҳиссалом) кибр ва одобсизлик билан дедилар: “Дар-ҳақиқат, эй Худ, биз сенинг ақлсиз, нодон эканлигингни кўриб турибмиз, чунки сен ота-боболаримиз сиғиниб келган илоҳлар-ни тарк этиб, янги бир динни келтирдинг, биз уни фақат инкор қиламиз, қабул қилмаймиз”.

Қавм Худ (алайҳиссалом)ни нодонлик ва ақли заифликда айб-лаш билан чекланмадилар, балки яна шундай дедилар: **«Албатта, биз сени ёлғончилардан деб ўйламоқдамиз».**

Ушбу қабиҳ ва тухматли жавобдан сўнг Худ (алайҳиссалом) уларнинг даъволарини йўққа чиқаришга ўтдилар. У айтди: **«Эй қавмим, мен нодон эмасман, балки мен барча оламлар Парвардигори тарафидан пайғамбарман.**

Мен сизларга Парвар-дигоримнинг вазифаларини етказурман ва мен сизлар учун ишончли насихат қилгувчиман». Очиқ-ойдин кўриниб ту-риб-дики, Худ (алайҳиссалом) ўз қавмларининг тухматларини ҳик-матли жавоблар билан қайтармоқдалар, у кишининг асл вазифалари Аллоҳ таолонинг амрини уларга етказиш эканлигини баён қилдилар. Уларни алдаш ёки хиёнат қилиш ақлли одамнинг иши эмаслиги ва ўзларининг ишончли бир маслаҳатгўй эканликлари ҳамда агар улар ўша маслаҳат, насихатларга кулоқ солсалар, улардан ёмонликларни кетказиб, ислоҳ қилишини таъкидламоқдалар.

Сўнгра Худ (алайҳиссалом)нинг уларга пайғамбар бўлган-ликлари учун ажабланишларини кетказиш мақсадида шундай дедилар: **«Сизларга Парвардигорингиздан бўлган эслатма огоҳлантириш учун ўзларингиздан бўлган бир киши зиммасига келганидан ажабланингизми?»**

Яъни, Аллоҳ таоло томонидан сизлар унинг ростгўйлиги ва насл-насабини жуда яхши биладиган бир киши зиммасида зикр ва панд-насихатлар келганидан ажабланиб, уни ёлғонга чи-қардингизми? Ушбу ажабланишингиз ноўриндир, чунки сизларга пайғамбарнинг юборилиши айна ҳикматнинг ўзгинасидир, (яъни, сизлар залолатга ботиб, ҳалокат ёқасида турганлари-нгизда Аллоҳ таоло бир пайғамбарни юбориб сизларни ислоҳ қи-лиши, Охират азобидан огоҳлантириши сизлар учун раҳмат ва меҳрибонликдан даракдир. – Тарж).

Сўнгра Аллоҳ таоло шукр қилишлари учун ўзлари яшаётган ту-рар жойларини эслатиб ўтадилар: **«(Аллоҳ) сизларни Нух қавми-дан кейин халифа қилиб қўйганини ва куч-қув-ватингизни зиёда қилиб яратганини эслангиз!»**

Яъни, Аллоҳ таолонинг сизларга нисбатан фазлу карамини эсланг, фикр қилинг. У Нух (алайҳиссалом) қавми куфр ва ношукрлик қилганлари учун тўфон билан ғарқ қилганидан сўнг, сизларни, ерда халифа – ўринбосар қилди ва сизларни неъматлар билан мўл-кўл таъминлаб куч-қувват ва мол-мулкда кенг қилиб қўйди. Бас, шундай экан **«Аллоҳнинг неъматларини эслангиз, шояд нажот топурсиз».**

Яъни, Аллоҳ таолонинг сизларга берган неъматларини эсланг ва унга шукр қилинг, шояд дунёда шукр қилувчи бандаларига бергани каби, сизларга ҳам зиёда қилса ва охиратда жаҳаннам ўтидан нажот топсангизлар. Шу ергача Худ (алайҳиссалом) қавмларига ҳикматли тарзда, улар қаноатланадиган даражада жавоб бердилар ва уларнинг бунга ижобий жавоб қайтаришлари кутилган эди. Хўш, уларнинг жавоби қандай бўлди?

Улар ниҳоятда ғурур, ношукрлик ва кибр-нодонлик билан шундай дедилар: **«Сен бизга, ёлғиз Аллоҳга ибодат қили-ши-миз ва ота-боболаримиз сиғиниб ўтган бутларни тарк қилишимиз учун келдингми? У ҳолда, агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтирчи?»**

Яъни, Худ (алайҳиссалом) қавми инкор ва истехзо билан деди: «Сен бизни Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзига ибодат қилиб, ота-боболаримиз бутун умр сиғиниб келган нарсаларини тарк этишимизга даъват қилиш учун келдингми? Бу ишни бизнинг орамиздан ҳеч ким зинҳор қилмайди. Агар «пайғамбарман», деган даъвоинг бўлса ва ростгўйлардан бўлсанг, «келиши эҳтимоли бор», деб бизни кўрқитаётган ўша азобни келтир-чи? Қани ... !!!»

Кофир қавм томонидан Худ (алайҳиссалом) ва у кишининг даъватларини очиқ хужум ва душманликдан сўнг, шижоат билан ва Аллоҳ таолонинг ёрдам беришига

тўлиқ ишонган ҳолда қатъий бир жавоб бердилар: **«Энди устингизга Парвардигорингиз томонидан азоб ва ғазаб тушиши аниқ бўлди».**

Яъни, сизлар куфр ва ношукрликда қаттиқ туриб олганларинг сабабли Раббингиз Аллоҳ таоло томонидан бўлган азоб ва ғазабга мустаҳиқ бўлдингиз.

«Мен билан ўзингиз ва ота-боболарингиз қўйиб олган номлари ҳақида баҳслашмоқчимисизлар? Ахир Аллоҳ бирон ҳужжат туширмаган-ку?! Энди кўз тутаверинглар, мен ҳам сизлар билан бирга кутувчиларданман».

Яъни, эй қавмим, сизлар мен билан ўзларингиз ва ота-боболарингиз исм қўйиб олган бут-санамлар ҳақида жанжаллаш-моқчимисизлар, сизлар уларга илоҳлик нисбатини бердинглар, ҳолбуки, бу даъволарни қувватловчи ҳеч бир ҳужжат-далилла-рингиз йўқ. Зеро, улар ботил санамлардир. Шундай экан, сизлар Аллоҳ таоло томонидан келадиган азобни кутинглар, мен ҳам кутувчиларданман.

Худ (алайҳиссалом) ва қавмнинг кутиш муддатлари кўпга чўзилмади, уларга ваъда қилинаётган азоб ҳам келди. Аллоҳ таоло айтади: **«Бас, унга ва у билан бирга бўлган зотларга ўз раҳматимиз билан нажот бердик ва Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсаларнинг думларини қирқдик. Улар мўмин эмас эдилар».**

Яъни, Биз Худ ва у билан бирга бўлган мўмин кишиларни қутқардик ҳамда куфрларида давом этиб имон келтирмаган, Бизнинг мўъжиза-оятларимизни ёлғонга чиқарган кимсаларни таг-туғи билан йўқ қилиб, ҳалок этдик.

Шундай қилиб, яна бир ёлғончи кофир қавмнинг ҳаёти са-ҳифаларига нуқта қўйилди. Худди Нуҳ (алайҳиссалом)нинг қав-ми каби уларга ҳам Аллоҳ таоло томонидан ҳалок қилувчи бир азоб келди.

Худ сурасида ушбу қисса чиройли суратда, ўзига хос тарзда келтириб ўтилади. Қуръонга кулоқ тут, у бизга шу ҳақида ҳикоя қилади:

«Од (қабиласи)га ўз биродари Худни (пайғамбар қилдик). У айтди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Сизлар (хилма-хил бутларни) ўзларингиз тўқиб олурсизлар, холос. Эй қавмим, мен сизлардан бу учун ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат мени яратган Зот зиммасидадир. Ахир ақл юритмайсизларми?! Эй қавмим, Парвардигорингиздан мағфират сўрангиз, сўнг Унга тавба-тазарру қилингиз, шунда У зот устингизга осмондан ёмғир қуйдираб ва куч-қувватингизга яна куч-қувват қўшар. Жинояткор-гуноҳкор бўл-ган ҳолингизда юз ўгириб кетмангиз!». Улар дедилар: **«Эй Худ, сен бизга бирон ҳужжат келтирмадинг. Биз сенинг гапинг билан ўз худоларимизни тарк қилувчи эмасмиз. Бизлар фақат: «Сени худоларимиздан бири, бир бало қилиб қўйган», деймиз, холос».** У деди: **«Албатта, мен Аллоҳни гувоҳ келтираман, яна ўзларингиз ҳам гувоҳ бўлингларки, мен сизларнинг Аллоҳни қўйиб, шерик қилишингиздан безорман. Ана энди барчангиз бир бўлиб, менга қарши билган хийлангиз-ни қилаверинглар. Кейин менга муҳлат ҳам бермай қўя қолинглар. Мен фақат менинг ҳам, сизнинг ҳам Парвардигорингиз бўлган Аллоҳга суяндим. Ўрмалаган нарса борки, У Зот унинг пешонасидан олгувчидир. Парвардигорим, шак-шубҳасиз, тўғри йўлдадир. Энди агар юз ўгирсаларингиз, бас, мен сизларга элчи қилиб юборилган динни етказдим. Парвардигорим, ўрнингизга бошқа қавмни келтирур ва сизлар У Зотга бирон зиён етказа олмасизлар. Албатта, Парвардигорим ҳамма нарсени кузатиб тургувчидир».** Қачонки Бизнинг фармонимиз келганида Худ ва у билан бирга имон келтирган

кишиларни Ўз раҳматимиз билан қутқардик ва уларга қаттиқ азобдан нажот бердик. Парвардигорларининг оятларини инкор қилган, Унинг пайғамбарига исён қилган ва барча қайсар, золимлар амру фармонига бўйсунувчи Од (қабиласи) ана ўшадир. Уларга бу дунёда ҳам, Қиёмат кунида ҳам лаънат айтилур. Огоҳ бўлингизким, албатта, Од қабиласи Парвардигорларига кофир бўлган эдилар. Огоҳ бўлингизким, Худнинг қавми бўлган Од ҳалокатга учради» (Худ, 50–60).

Кўриниб турибдики, Худ (алайҳиссалом) ўз қавмларини Ҳаққа даъват этишда энг ҳикматли ва тўғри йўллардан бирини тан-ладилар. Аввало, уларга Аллоҳ таолодан ўзга ибодатга мустаҳиқ ҳеч бир илоҳ йўқлигини, агар улар итоат этмасалар ёлғончи қавмлардан бўлиб қолишларини эслатиб ўтдилар.

Иккинчидан, қилган даъватлари ва панд-насихатлари учун ҳеч қандай ҳақ олмасликларини таъкидлаб ўтдилар. «Мен ажр-мукофотни ва ризқимни фақат Аллоҳ таолонинг ўзидан сўрай-ман» дедилар. Бу ақлли инсонлар учун очиқ ва равшан нарсадир.

Учинчидан, агар улар истиғфорни кўпайтирсалар, гуноҳ амалларни тарк этиб, сидқидилдан тавба қилсалар. Аллоҳ бойлик-ларига бойлик, куч-қувватларига яна зиёда куч-қувват ато этишини айтиб ўтадилар.

Сўнгра Аллоҳ таолонинг амрига хилоф иш тутиб, ношукр бў-лишдан ва туғёнга кетишдан огоҳлантирадилар: **«Жинояткор-гуноҳкор бўлган ҳолингизда (менинг даъватимдан) юз ўгириб кетмангиз!»** дедилар Худ (алайҳиссалом).

Лекин қавм бунга хилоф иш тутиб, кибр қилди, истехзо ва масхаралаш билан шундай деди: **«Эй Худ, сен бизга бирон ҳужжат келтирмадинг».**

Яъни, бизга пайғамбар эканлигини тасдиқловчи, нафсларимизни рози қилувчи бирон ишончли далил келтирмадинг. Сўнгра қуйидаги сўзларни қўшимча қилдилар: **«Бизлар сенинг гапинг билан ўз худоларимизни тарк қилгувчи эмасмиз».**

Яъни, биз сенинг ҳужжат-далилдан холи бўлган гапларинг сабабли ўз илоҳларимизга ибодат қилишдан тўхтамаймиз.

Сўнгра ўз куфрларида бардавом кетишларини таъкидлаб ўт-дилар: **«Бизлар сенга имон келтиргувчи эмасмиз».**

Яъни, сенга ижобат ҳам қилмаймиз, сен келтирган нарсаларингни тасдиқламаймиз ҳам.

Кейин шундай дедилар: **«Бизлар фақат: «Сени худоларимиздан бири, бир бало қилиб қўйган», деймиз, холос».**

Яъни, биз сенинг даъватингга эргашмаймиз, бизнинг ижобат қилишимиздан бутунлай умидингни уз. Биз ўз кўзимиз билан кўриб турган ҳолатинг шуки, баъзи худоларимиз сенга жинни-лик ёки бирон касалликни етказган бўлсалар ажаб эмас.

Улар: «Худоларимиз сенга бир бало қилган» демадилар, балки «Баъзи худоларимиз» дедилар. Бу Худ (алайҳиссалом)ни қўр-қитиш учун айтилган эди, худди, агар барча илоҳлари ҳужум қилга-нида Худ (алайҳиссалом)ни ҳалок қилиб ташлайдигандек.

Шундай қилиб, улар ўз пайғамбарлари ва йўлбошчиларига тўртта жавоб қайтардилар. Ушбу жавобларда уларнинг куфр ва туғёнда чуқурлашганликлари ва фиску фужур ва исёнда ҳаддан ошганларини кўриш мумкин.

Худ (алайҳиссалом) уларнинг қабих жавобларини эшитгач, қандай йўл тутдилар?

Худ (алайҳиссалом) уларнинг ширкидан безор эканликлари, туғёнларига қарши туришлари ва бунда ёлғиз Аллоҳ таолонинг ўзидан мадад сўрашларини уқтирдилар.

«У (Худ) айтди: «Албатта, мен Аллоҳни гувоҳ келтираман, яна ўзларингиз ҳам гувоҳ бўлингларки, мен сизларнинг Аллоҳни қўйиб, шерик қилишингиздан безорман. Ана энди барчангиз бир бўлиб, менга қарши билган хийлаларингиз-ни қилаверинглар. Кейин менга муҳлат ҳам бермай қўя қо-линглар. Мен фақат менинг ва сизларнинг Парвардигорин-гиз бўлган Аллоҳга суяндим. Ўрмалаган нарса борки, У зот унинг пешонасидан олгувчидир. Парвардигорим, шак-шубҳасиз, тўғри йўлдадир. Энди агар юз ўгирсаларингиз, бас, мен сизларга элчи қилиб юборилган Динни етказдим. Парвардигорим, ўрнингизга бошқа қавмни келтирур ва сизлар У зотга бирон зиён етказа олмассизлар. Албатта, Парвардигорим ҳамма нарсани кузатиб тургувчидир»

Яъни, Худ (алайҳиссалом) қавмининг туғён қилувчи кишиларига шундай дедилар: “Дарҳақиқат, мен Аллоҳдан ўзга бирон илоҳ йўқлигига гувоҳлик бераман. Ва яна Ундан бошқаси учун қилинган ибодатдан ҳам безорлигимга гувоҳлик бераман”. Сўнгра ишонч ва ҳеч қандай тараддудсиз шундай дедилар: “Мана мен, қаршингиздаман, сизлар даъво қилаётган худоларингизни чақиринг, барчаларингиз менга қарши жанг қилинглари, мен сизларга ҳам бут-санамларингизга ҳам парво қилмайман”.

Худ (алайҳиссалом)нинг кофир қавм ва уларнинг илоҳларини енгил олиб, уларга эътибор бермасликлари ер юзида ўрмалаган ҳар бир жонни ўз измида ушлаб, тасарруф қилиб тургувчи Зот Аллоҳ таолога таваккул қилганликлари боисидан эди.

Сўнгра Худ (алайҳиссалом) ўз қавмларини куфрда бардавом бўлишнинг ёмон оқибатларидан огоҳлантириб, бу уларни ҳало-кат ёқасига олиб келиши ва бошқа қавмнинг ўринбосар қили-ниши мумкинлигини айтиб ўтадилар. Улар ҳалокатга учраганлари билан бу коинот ва борлиқнинг низоми ўзгариб қолмайди.

Шу ергача Худ (алайҳиссалом)нинг қавмлари билан бўлган мунозара ва баҳслари ҳикоя қилинди. Бунинг натижаси нима билан якунланди?

Охир-оқибат Аллоҳ таоло Худ ва улар билан бўлган мўмин-лар-га нажот берди, кофир душманларини эса ҳалок қилди: **«Қа-чон-ки Бизнинг фармонимиз келганида Худ ва у билан бирга имон келтирган кишиларни Ўз раҳматимиз билан қутқар-дик ва уларга қаттиқ азобдан нажот бердик».**

Яъни, кофирларни азоблаш вақти келганида, уларни ҳалок қилиб, Худ ва мўмин кишиларни шиддатли ва даҳшатли азобдан қутқардик.

«Од ана ўшалардир», яъни, Од қабиласи ёки Од қабиласи-нинг ўз пайғамбари билан бўлган қисса ана ўшадир.

«Улар Парвардигорларининг оятларини инкор қилдилар, Унинг пайғамбарларига исён қилиб, барча қайсар, золимларнинг амру фармониغا бўйсундилар».

Яъни, уларнинг паст табақаси ва авом халқи золим ва мутакаббир бўлган бошлиқларига ҳеч бир фикр қилмай эргашиб кетавердилар.

Сўнгра Аллоҳ таоло ушбу қиссани қуйидаги оят билан якун-лайди: **«Уларга бу дунёда ҳам, Қиёмат кунини ҳам лаънат айтилур. Огоҳ бўлингизким, албатта, Од қабиласи Парварди-горига кофир бўлган эдилар. Огоҳ бўлингизким, Худнинг қавми бўлган Од ҳалокатга учради».**

Яъни, улар дунё ва Охиратда Аллоҳ таолонинг раҳматидан узоқлаштирилиб, лаънатга учрадилар. Од қабиласи уларга ато этилган неъматларга ношукр бўлмадиларми? Бас, уларга халокат ва ўлим бўлсин! Бу уларнинг Ҳақ йўлни инкор қилганлари, куфрда бардавом бўлганлари ҳамда рушду хидоятдан кўра залолат ва кўрликни афзал билганлари сабаблидир.

Шуаро сурасида ҳам ушбу қисса ўзига хос тарзда ҳикоя қилинади. Унда Ҳуд (алайҳиссалом) жидду жаҳд қилиб Аллоҳ таолонинг неъматларини эслатиб, уларни куфрони неъмат қилиш-дан огоҳлантирадилар:

«Ўшанда уларга биродарлари Ҳуд айтган эди: «(Аллоҳдан) кўркмайсизларми? Албатта, мен сизлар учун ишончли пайғамбарман. Бас, Аллоҳдан кўрқинглар ва менга итоат этинглар! Мен бу учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. Сизлар ҳар бир тепаликда ўйин-кулги учун бир белги – баланд бино қураверасизларми? Ва гўё мангу яшаб қоладигандек қаср-саройлар соласизларми?! Қачон ушласангизлар бераҳмларча ушлайсизлар. Бас, Аллоҳдан кўрқинглар ва менга итоат этинглар! Ва сизларни ўзларингиз биладиган (неъматлар) билан сийлаган Зотдан кўрқингиз! У сизларни чорва хайвонлари ва ўғиллар билан, боғлар ва булоқлар билан қўллади-ку! Албатта мен сизларнинг устингизда улуг куннинг азоби (тушиши)дан кўрқурман». Улар дедилар: «Сенинг ваъз-насихат қилишинг ёки ваъз қилгувчилардан бўлмаслигинг бизлар учун баробардир. Албатта, бу аввалгилардан қолган одатдир. Бизлар азоблангувчи эмасмиз». Бас улар (Ҳудни) ёлғончи қилишгач, Биз уларни халок этдик. Албатта, бунда оят-ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари имон келтирувчи бўлмадилар. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи (кофирлар устидан) ғолиб, (мўминларга) меҳрибондир» (Шуаро, 124–140).

Яъни, Од қабиласи пайғамбар ва расул бўлмиш Ҳуд (алайҳиссалом)ни ёлғончи қилди, шунингдек, улар бундан олдинги пайғамбарни ҳам ёлғончи қилган эдилар.

«Ўшанда Ҳуд айтган эди: «(Аллоҳдан) кўркмайсизларми? Албатта, мен сизлар учун ишончли пайғамбарман. Бас, Аллоҳдан кўрқинглар ва менга итоат этинглар! Мен бу учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир».

Ҳуд (алайҳиссалом) қавмларини ихлос билан Якка Аллоҳга ибодат қилишга чақирмоқдалар ва бу учун улардан бирон ҳақ ёки миннатдорчилик талаб қилмасликларини баён қилиб ўтдилар.

Сўнгра уларни туғёнга йўл қўйиб, исрофгарчилик қилишдан қайтардилар: **«Сизлар ҳар бир тепаликда ўйин-кулги учун бир белги – баланд бино қураверасизларми? Ва гўё мангу яшаб қоладигандек қаср-саройлар соласизлар?! Қачон ушласангизлар бераҳмларча ушлайсизлар. Бас, Аллоҳдан кўрқинглар ва менга итоат этинглар!»**

Яъни, ер юзидаги ҳар бир тепаликка сизларнинг ўйин-кулги қилиб, бекорчи нарсалар билан шуғулланишингизга, исрофгарчилик қилганингизга ва ғурурланганингизга далолат қилувчи биноларни қурасизми?!

Худди ўлмай мангу ва боқий қоладигандек катта ва ҳашамат-ли қасрларни бунёд этасизларми?

Агар ўзгаларга ҳужум ёки душманлик қиладиган бўлсангиз бераҳмларча, жабр-зулм билан уларга муомала қилдингиз, қалб-ларингизга бирон меҳрибонлик ёки

шафқат келмади. Агар сизлар шу ҳолда кетадиган бўлсангиз, мен сизларни ундан қайтараман, ушбу қилаётганингиз исроф, ғурур ва зулмнинг ёмон оқибатла-ри-дан огоҳлантираман, сизларни Аллоҳ таолога тақво қилишга, Ундан кўрқишга буюраман.

Худ (алайҳиссалом) уларни разил амаллардан қайтариб, тақ-во қилишга буюргач, уларга Аллоҳнинг неъматларини эсла-тишга ўтдилар: **«Ва сизларни ўзларингиз биладиган (неъматлар) билан сийлаган Зотдан кўрқингиз! У сизларни чорва ҳайвон-лари ва ўғиллар билан, боғлар ва булоқлар билан қўллади-ку! Албатта, мен сизларнинг устингизга улуғ Куннинг азоби (тушиши)дан кўрқурман».**

Яъни, сизларни беҳисоб ва мислсиз неъматлар билан сийлаган Аллоҳдан кўрқинглар, жумладан, У Зот (субҳонаҳу ва таоло) сизларни кўплаб чорвалар (туя, сигир, кўй...), сизларга қувват ва мадад бўлиши учун фарзандлар, ширин-шакар мевалар билан тў-либ-тошган боғлар, инсонларга фойдали бўлган чучук сув тўла булоқлар билан сийлади. Сўнг Худ (алайҳиссалом) ўз қавмларига фақат манфаат ва фойдани соғинаётганлари, агар улар бу даъватларга ижобат қилмасалар, уларнинг устига фарзандлари ва мол-дунёлари зинҳор фойда бермайдиган улуғ кун – Қиёматда катта ва шиддатли азоб тушишидан кўрқишларини баён қиладилар.

Лекин қавм ушбу ҳикматли насихатларни яхшилиқча қабул қилмадилар, балки шундай дедилар: **«Сенинг ваъз-насихат қи-лишинг ёки ваъз қилгувчилардан бўлмаслигинг бизлар учун баробардир».**

Яъни, улар одобсизлик билан дедилар: “Сен бизларга насихат қиласанми, йўқми, барибир, бизларнинг орамиздан сенинг ушбу гапларингга киргувчи топилмас”. Сўнгра бунга олдингисидан ҳеч қолишмайдиган бир гапни кўшимча қилдилар: **«Албатта, бу ав-валгилардан қолган одатдир. Бизлар азоблангувчи эмасмиз».**

Яъни, сен бизларни қайтараётган ишни аввалги ота-боболаримиз ҳам қилиб келишган ва биз уларнинг изидан борамиз ва ушбу қилаётган амалларимиз учун азобланмаймиз.

Улар куфрда қаттиқ туриб, пайғамбарларини ёлғонга чиқар-ганликлари сабабли Аллоҳ таоло уларга ҳалок қилгувчи азобни юборди: **«Бас улар (Худни) ёлғончи қилишгач, Биз уларни ҳалок этдик. Албатта, бунда оят-ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари имон келтирувчи бўлмадилар. Шак-шуб-ҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи (кофирлар устидан) ғолиб, (мўминларга) меҳрибондир».**

Аҳқоф сурасида ҳам Худ (алайҳиссалом) ва қавмлари ўр-таси-да бўлиб ўтган тортишув ва уларнинг охир-оқибат тор-мор этилиши ҳикоя қилинади:

«Од (қабиласи)нинг биродарини эсланг! Ўшанда у – дарво-қе, ундан илгари ҳам, ундан кейин ҳам огоҳлантирувчилар ўтгандир – ўзининг қумтепалардаги қавмини: «Сизлар ёл-ғиз Аллоҳгагина ибодат қилинглари! Мен ҳақиқатан, сизларнинг устингизда улуғ куннинг азобидан кўрқурман», деб огоҳ-лантирган эди. Улар: «Сен бизларни худоларимиздан буриш учун келдингми?! У ҳолда агар ростгўй кишилардан бўлсанг, бизларга ваъда қилаётган нарсангни келтир-чи?», дедилар. У айтди: «(Азоб келар вақтнинг) илми ёлғиз Аллоҳ хузуридадир. Мен сизларга ўзим элчи қилиб юборилган нарсани – динни етказурман. Лекин мен сизларнинг нодон қавм эканлиги-нгизни кўрмоқдаман». Бас, қачонки улар ўшани ўз водийларига қараб келаётган бир қора булут холида кўришгач: «Бу бизларга ёмғир келтирувчи булутдир», дедилар. (Худ айтди): «Йўқ, у ўзларингиз шошилтирган нарса – бир бўронки, унда аламли азоб бордир. У

Парвардигорининг амри билан барча нарсани вайрон қилур». Бас, тонг отганида, фақат уларнинг уй-жойларигина кўзга ташланар эди. Биз жиноятчи – осий қавми мана шундай жазолаймиз» (Аҳқоф, 21–25).

Яъни, эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қавмингизга ибрат ва насихат олишлари учун Худ (алайҳиссалом)нинг қис-сасини эслатгин! У баланд тепаликларда яшовчи қавмини огоҳ-лантирди ва ўзидан олдин ва кейинги барча пайғамбарларни Аллоҳ таоло уларни ҳидоятга, Аллоҳ таолога ибодат қилишга даъват этишлари учун юборишни айтиб ўтди.

Ушбу насихатларни такрор-такрор келтириб ўтишларидан мақсад, уларнинг Қиёмат кунида аламли ва даҳшатли азобга дучор бўлишларидан кўрқишлари эканлигини ҳам баён қилдилар.

Лекин қавм бунга итоат этмади, балки исён қилиб, шундай савол билан жавоб қайтариб кўя қолдилар: **«Сен бизларни худоларимиздан буриш учун келдингми?! У холда агар рост-гўйлар-дан бўлсанг, бизларга ваъда қилаётган нарсангни келтирчи?»**

Яъни, сен бизларни ушбу даъватларинг билан ибодатларига ошно тутинган худоларимиздан юз ўгиртирмоқчи ёки узоқ-лаштирмоқчимисан?

Сўнг улар ушбу инкор маъносидаги жавобларига, истехзо билан қуйидагиларни кўшимча қилдилар: “Агар айтаётганларинг рост бўлса, бизларга ваъда қилаётган азобни келтир!”

Лекин Худ (алайҳиссалом) бу жоҳилона жавобларни ҳилм ва сабр билан қайтардилар: **«(Азоб келар вақтнинг) илми ёлғиз Аллоҳ хузуридадир»**, Яъни, сизларга қачон азоб келишини Аллоҳ таолонинг Ўзи билади, менинг бунга ҳеч қандай дахлим йўқ.

Бунинг ортидан уларнинг жоҳил ва аҳмоқликларига далолат қилувчи жавобни бериб ўтдилар: **«Лекин мен сизларни нодон қавм эканлигингизни кўрмоқдаман»**.

Яъни, мен сизларни очик-ойдин жоҳил қавм эканлигингизни кўриб турибман, чунки сизлар Ҳақни инкор қилиб, ботил нарсаларга қаттиқ ёпишиб олгансизлар ва менинг кўлимдан келмайдиган ишни қилишимни талаб қилмоқдасиз.

«Бас, қачонки улар ўшани ўз водийларига қараб келаётган бир қора булут холида кўришгач: «Бу бизларга ёмғир кел-тирувчи булутдир», дедилар».

Яъни, Худ (алайҳиссалом) қавми шошилтирган азоб ҳам келди, улар уни ўз кўзлари билан бир булут холида кўришгач, хурсанд бўлиб, шундай дедилар: **«Бу булут бизнинг устимизга фойдали ёмғир бўлади, ерларимиз кўм-кўк майсалар билан бурканади!»**

Шунда уларга Худ (алайҳиссалом) тилидан Аллоҳнинг амри билан қатъий бир жавоб берилади: **«Йўқ, у ўзларингиз шошилтирган нарса – бир бўронки, унда аламли азоб бордир. У Парвардигорининг амри билан барча нарсани вайрон қилур»**.

Яъни, Худ (алайҳиссалом) уларга дедилар: “Бу кўринаётган булут сизлар ўйлаётганингиздай ёмғир ёғдирмайди, балки у сизлар талаб қилган, тушишини шошилтирган азобдир, у бир кучли бў-рон бўлиб, унда сизларни ҳалок қилувчи ва аламли азоб бор-дир. Уш-бу бўрон Аллоҳ таолонинг изни билан золим ва кофир қавм-ларга тегишли бўлган барча нарсани ҳалок қилади. **«Бас, тонг отганида, фақат уларнинг уй-жойларигина кўзга ташланар эди. Биз жиноятчи – осий қавми мана шундай жазолаймиз»**.

Яъни, Биз юборган кучли шамол уларни ҳалок қилди, улардан ном-нишон ҳам қолмади, илло бошқаларга ибрат бўлиши учун уларнинг уй-жойлари омон қолди. Ва Биз жиноятчи, туғёнга кетгувчи, золим қавмларни худди шундай жазолаймиз ва ҳалок қиламиз.

Од қавмининг ҳалок қилиниши тўғрисида бошқа сураларда ҳам ҳикоя қилинади, жумладан, Зориёт сурасида шундай дейилади:

«Од (қабиласининг қиссаси)да ҳам (ибрат бордир). Эсланг, Биз уларнинг устига туғмас бўронни юборган эдик. У ниманинг устидан ўтса, албатта, уни худди чириб битган суяклар каби қилиб қўяр эди» (Зориёт, 41–42).

Яъни, Биз Ҳуд (алайҳиссалом) қавмига бирон манфаат бўл-маган, ёмғирсиз булутлар орқали кучли шамолни юбордик. У бирор нарсанинг олдидан ўтса, чириб, бўлакларга бўлиниб кетган каби қилиб қўярди.

Фуссилат сурасида ҳам шу ҳақида оятлар келган:

«Энди Од (қабиласи)га келсак, улар ер юзида ноҳақ кибр-ҳаво қилдилар ва: «Куч-қувватда бизлардан зўрроқ ким бор?», дедилар. Ахир улар ўзларини яратган Зот – Аллоҳ куч-қув-ватда улардан зўрроқ эканини билмадиларми?! Ва улар Бизнинг оятларимизни инкор қилгувчи бўлдилар. Бас, Биз уларга мана шу ҳаёти дунёда хор-расво қилгувчи азобни тортдириб қўйиш учун наҳсли-шум кунларда устиларига бир даҳшатли бўрон юбордик. Охират азоби эса шак-шубҳасиз, янада хор қилгувчироқдир ва уларга (ўзлари сиғиниб ўтган бутлари томонидан ҳеч қандай) ёрдам берилмас» (Фуссилат, 15–16).

Қамар сурасида ушбу оятларни ўқишимиз мумкин:

«Од (қабиласи) ёлғончи қилди. Бас, Менинг азобим ва огоҳ-лантиришим қандоқ бўлди?! Дарвоқе, Биз уларнинг устига бир давомли наҳс куни (шумлиги ҳеч кетмайдиган кун)да бир даҳшатли бўронни юбордикки, у одамларни гўёки суғуриб олинган хурмо (дарахти)нинг таналаридек юлиб-учириб кетди. Бас, Менинг азобим ва огоҳлантиришим қандоқ бўлди?!» (Қамар, 18–21).

Яъни, Од қабиласи пайғамбари Ҳуд (алайҳиссалом)ни ёлғон-чига чиқарди, улар қандоқ ҳалок этилганини кўрмадингизми?! Биз уларнинг устига бир машъум – бахтсиз кунда совуқлиги ва қуввати кучли бўлган, кўрқинчли овозга эга бўронни юбордик. Ўша шамол исёнкор-жиноятчиларни ўз масканларидан суғуриб олди, худди илдизидан суғурилган хурмо дарахти каби ҳалок бўлдилар.

Шунга ўхшаш оятлар Ҳааққа сурасида ҳам келтирилган:

«Энди Од (қабиласига келсак), бас, улар бир даҳшатли, қу-турган бўрон билан ҳалок қилиндилар. У (бўронни Аллоҳ) уларнинг устига пайдар-пай етти кеча ва саккиз кундуз хо-ким қилиб қўйдикки, энди у жойдаги қавмни худди чириб, ичи бўшаб қолган хурмо дарахтининг танасидек қулаб-ҳа-лок бўлиб ётганини кўрурсиз. Бас, улардан бирон (омон) қол-гувчини кўрармисиз?» (Ҳааққа, 6–8).

Ушбу аламли азоб билан Ҳуд (алайҳиссалом) қавмларининг ҳаёт саҳифалари ёпилди. Аллоҳ зинҳор уларга зулм қилмади, балки улар ўзларига-ўзлари зулм қилгувчилардан бўлдилар.

Мана шулар Қуръони каримда келтириб ўтилган Ҳуд (алай-ҳиссалом)нинг қиссаси эди.

*Ҳуд (алайҳиссалом) қиссасидан олинадиган
ибрат ва фойдалар*

1. Ғурур, ношукрлик, ўз кучи билан мақтаниш ва бераҳмлиқ ёмон оқибатлар ҳамда кўнгилсиз натижаларга олиб келиши. Ушбу қиссада кўришимиз мумкинки, Ҳуд (алайҳиссалом) қавмлари ўз кучига ортикча баҳо бериб, кибр-манманлик қилар эдилар ва: **«Куч-қувватда бизлардан зўрроқ ким бор?»** дердилар (*Фуссилат, 15*). Ҳамда ўз пайғамбарларини инкор қилиб, манманлик билан: **«Сенинг ваъз-насихат қилишинг, ваъз қилгувчилардан бўлмаслигинг бизлар учун баробардир»** (*Шуаро, 136*), деб айттардилар.

Бу ғурур ва такаббурликнинг натижаси Аллоҳ таоло уларга кучли бўрон юбориб, халок қилиши билан яқунланди.

2. Аллоҳ таолонинг неъматларини бандаларига доимий тарзда эслатиб туриш ва Аллоҳга шукр қилиш, тоатда бардавом бўлиш билан бу неъматларнинг кўпайишини баён қилиш. Қулоқ тут, Ҳуд (алайҳиссалом) Аллоҳ берган неъматларни қавмларига эслатиб ўтадилар: **«Ва сизларни ўзларингиз биладиган (неъматлар) билан қўллаган-сийлаган Зот (Аллоҳ)дан қўрқингиз! У сизларни чорва ҳайвонлари ва ўғиллар билан, боғлар ва булоқлар билан қўллади-ку? Албатта, мен сизларнинг устингизга улуг кун (Қиёмат)нинг азоби (тушиши)дан қўрқурман»** (*Шуаро, 122–125*).

Ҳуд (алайҳиссалом) яна бундай дедилар: **«Эй қавмим Пар-вардигорингиздан мағфират сўрангиз, сўнг Унга тавба-тазарру қилингиз, шунда У Зот устингизга осмондан ёмғир қуйдирар ва куч-қувватингизга яна куч-қувват қўшар. Жи-нояткор-гуноҳкор бўлган холингизда (менинг даъватимдан) юз ўгириб кетмангиз!»** (*Ҳуд, 52*).

Шунингдек, Ҳуд (алайҳиссалом) қавмларига чиройли наси-ҳатлар қиладилар, баъзан тарғиб, баъзан эса тарҳиб йўли билан. У қавмларга Ҳақ йўлга эргашиш бойликлари, қувватлари, тинч-ликлари ва бахт-саодатларининг зиёда бўлишига олиб келиши, аксинча, Ҳақ йўлдан тойилиш ва юз ўгириш бахтсизлик, фақир-заифлик ва халокатга сабаб бўлишини баён қилиб ўтадилар.

СОЛИҲ (АЛАЙҲИССАЛОМ) ВА ҚАВМЛАРИ ҚИССАСИ

Солиҳ (алайҳиссалом)нинг қавмлари билан бўлган қиссаси Қуръони каримнинг кўпгина сураларида келган, жумладан, Аъроф, Ҳуд, Ҳижр, Исро, Шуаро, Намл, Фуссилат, Қамар...

Солиҳ (алайҳиссалом)нинг насаблари Нух (алайҳиссалом)га бориб, тақалади. Уни Ибн Касир қуйидагича келтирадилар: «Со-лиҳ ибн Абд, Ибн Мосих, Ибн Убайд, Ибн Ҳожар, Ибн Самуд, Ибн Обир, Ибн Ирам, Ибн Сом, Ибн Нух»¹⁴.

Аллоҳ таоло Солиҳ (алайҳиссалом)ни Самуд қабиласига юборган эди. Ушбу қабиланинг номи Солиҳ (алайҳиссалом)нинг бо-боси Самуд ибн Омур номи билан аталган.

Айтиладики: У ерда сув миқдорининг камлиги сабабли Самуд деб аталган. Араб тилида «самида» сўзи «камаймоқ», «куч-сизланмоқ» маъноларини англатади.

Самуд қабиласи Ҳижр ўлкасида истиқомат қилардилар. У Ҳижоз ва Шом ўлкасида жойлашган эди. Ҳозирги жойлашган ўрни, тахминан, Ҳижоз ва Иорданиянинг шарқий

¹⁴ «Ал-бидоя ван-ниҳоя», Ибн Касир, 1-жилд, 130-бет.

томонлари хи-собланади. Бу жойлар халигача «Солиҳ (алайҳиссалом)нинг ша-ҳарлари» деб юритилади.

Самуд қабиласи араб қабилаларидан биридир, улар Ҳуд (алай-ҳиссалом) қавмидан сўнг халифа (ўринбосар) бўлиб қолдилар. Шу сабабли Қуръони каримдаги кўп оятларда Ҳуд (алайҳиссалом)-дан сўнг Солиҳ (алайҳиссалом) қавмлари ҳақида хикоя қили-нади. Сўзимизга мисол тариқасида ушбу оятни келтирамыз.

Солиҳ (алайҳиссалом) ўз қавмларига шундай хитоб қилади-лар: **«Сизларнинг Од (қавми)дан кейин халифа қилиб қўй-га-нини ва сизларга ернинг текисликларида маскан берганини эсланг!»** (*Аъроф, 74*).

Аллоҳ таоло айтади: **«(Эй, Муҳаммад (соллаллоҳи алайҳи ва саллам), Парвардигорингиз (бошқа) юртларда ўхшаши яра-тилмаган, баланд устун(ли қаср)лар эгаси бўлган Ирам (шаҳридаги) Од (қабиласи)ни қандай (халокатга дучор) қилга-нини кўрмадингиз? (Қуро) водийсида харсанг тошларни кес (иб ўзларига уйлар солиб ол)ган кимсалар бўлмиш Самуд (қаби-ласини қандай халокатга дучор қилинганиничи)?»** (*Фажр, 6–9*).

Аллоҳ (азза ва жалла) яна шундай дейди: **«Сизларга илгари ўтган кишиларнинг – Нуҳ қавмининг, Од, Самуд (қаби-лаларининг) ва улардан кейин ўтган, (сон-санокларини) фақат Аллоҳгина биладиган қавмларнинг хабарлари келмадими? Уларга пайғамбарлари хужжат келтирганларида, улар қўл-лари билан (пайғамбарларининг) оғизларини тўсиб, дедилар: «Биз сизлар элчи қилиб юборилган нарса (дин)га кофир бўл-дик. Чунки биз сизлар даъват қилаётган динингиздан шак-шубҳададирмиз»** (*Иброҳим, 9*).

Солиҳ (алайҳиссалом)нинг қавми билан бўлган қиссаси Аъроф сурасида энг батафсил тарзда келган. Аллоҳ таоло айтади:

«Самудга ўз биродарлари Солиҳни (юбордик). У айтди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Сизларга Парвардигорингиз томонидан хужжат – мана бу Аллоҳ (юборган) туя сизлар учун оят-мўъжиза бўлиб келди. Бас, уни Аллоҳнинг ерида еб-ичиб юрган ҳолида қўйиб юборинглар ва унга бирон ёмонлик етказмангларки, у ҳолда сизларни аламли азоб ушлайди. Сизларни Од (қавми)дан кейин халифа қилиб қўйганини ва сизларга ернинг текисликларида қасрлар қуриб олишингиз учун мас-кан берганини эслангиз! Бас, Аллоҳнинг неъматларини эслангиз ва ерда бузғунчилик қилиб санғиб юрмангиз!» (Шунда) унинг қавмидан бўлган мутақаббир кимсалар бечоралар мўмин бўлган зотларга: **«Сизлар Солиҳни Парвардигор тарафидан юборилган пайғамбар деб билурмисизлар?»** дейишди. Улар айтдилар: **«Албатта, биз унинг воситасида юборилган нарсага имон келтиргувчимиз».** Мутақаббир кимсалар эса: **«Биз сизлар имон келтирган динга кофирмиз»**, дейиш-ди-да, туяни сўйиб юборишди ва Парвардигорларининг амридан юз ўгиришди ҳамда: **«Эй Солиҳ, агар сен ростдан ҳам пайғамбарлардан бўлсанг, бизга ваъда қилган нарсангни келтирчи?»** дейишди. Бас, уларни даҳшатли зилзила тутиб, турган жойларида тўкилдилар. Кейин (Солиҳ) улардан юз ўгириб (ўзича) деди: **«Эй қавмим, мана мен сизларга насихат қилдим. Лекин сизлар (холис) насихат қилгувчиларни севмайсизлар»** (*Аъроф, 73–79*).

Юқорида кўриб ўтган қисса Аллоҳ таолонинг қуйидаги каломи билан бошланади: **«Самудга ўз биродарлари Солиҳни (юбордик). У айтди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир».**

Яъни, Биз Самуд қабиласига ўз биродари Солиҳни пайғам-бар қилдик, уларнинг насаби, ўлкаси ва тили бир хил эди. Солиҳ уларга барча пайғамбарлар каби деди: “Эй қавмим, аҳли оилам, қариндошларим, Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига ибодат қилинглари, Сизлар учун Ундан бошқа бирон илоҳ йўқдир, бут-санамларга сиғи-нишни бас қилинглари!”

Солиҳ (алайҳиссалом) шундан кейин ўзларининг Аллоҳ таоло томонидан юборилган ростгўй пайғамбар эканликларини тасдиқловчи мўъжизани баён қилдилар: **«Сизларга Парвардигорингиз томонидан хужжат – мана бу Аллоҳ (юборган) туя сизлар учун оят-мўъжиза бўлиб келди. Бас, уни Аллоҳнинг ерида еб-ичиб юрган ҳолида қўйиб юборинглари ва унга бирон ёмонлик етказмангларики, у ҳолда сизларни аламли азоб ушлайди».**

Бу ердаги хужжатдан мурод, Солиҳ (алайҳиссалом)нинг Аллоҳ таоло томонидан юборилган пайғамбар эканликларини қув-ват-ловчи далил – мўъжизадир.

Яъни, эй инсонлар, сизларга Раббингиз томонидан мен етказаётган нарсаларимнинг ҳақлигини ва мен ростгўй пайғам-бар эканлигимни исботловчи очик-ойдин хужжат келди. Ушбу мўъжиза фақат Раббингиз Аллоҳ томонидан қилинди, мен тарафимдан эмас, бас, шундай экан, менинг даъватларимга ижобат қилинглари, Аллоҳга итоат этинглари. Сўнгра ушбу мўъжиза нима эканлиги баён қилинади: **«Мана бу Аллоҳ (юборган) туя сизлар учун оят-мўъжиза бўлиб келди».**

Солиҳ (алайҳиссалом)нинг қавми ундан ҳақ пайғамбар эканлигини тасдиқловчи бирон мўъжиза кўрсатишни сўраганлари-да, пайғамбар бир харсанг тошни Аллоҳнинг изни билан туяга айлантирадилар ва уни ўлдирмасдан, бирон ёмонлик етказмаслик-ларини буюриб, акс ҳолда уларнинг бошига бир мусибат бало келишидан огоҳлантирадилар.

Лекин баъзи муфассирлар шундай дейишади: «Ушбу қисса ҳақида ҳеч қандай нақл ёки ақл тасдиқламайдиган кўпгина муболағалар бор, шунинг учун биз уни зикр қилишдан чекланиб, Қуръони каримда ворид бўлган хабарлар билан кифояланамиз».

Кейин ушбу туяга қандай муносабатда бўлиш кераклигини айтиб ўтадилар: **«Бас, уни Аллоҳнинг ерида еб-ичиб юрган ҳолида қўйиб юборинглари ва унга бирон ёмонлик етказманг-ларики, у ҳолда сизларни аламли азоб ушлайди».**

Яъни, Солиҳ (алайҳиссалом) дедилар: “Эй қавмим ушбу туяни тинч қўйинглари, Аллоҳнинг ерида ўтлаб юрсин, аммо унга бирон зарар етказа кўрманг, шундай қилсанглари, сизларни ҳалокатга учратувчи ва таг-тугингиз билан йўқ қилувчи аламли азобга дучор бўласиз”.

Солиҳ (алайҳиссалом) уларга ушбу нарсаларни баён қилиб бўлганларидан сўнг, Аллоҳ таолонинг неъматларини эслатишга ўтдилар: **«Сизларни Од (қавми)дан кейин халифа қилиб қўй-ганини ва сизларга ернинг текисликларида қасрлар қу-риб олишингиз учун маскан берганини эслангиз!»**

Яъни, Солиҳ (алайҳиссалом) ўз қавмларига лутф ва одоб билан дедилар: “Эй қавмим, ибрат-насиҳат олишларингиз учун Аллоҳ таолонинг сизларга инъом этган неъматларини эсланг! У зот Од қабиласини туғёнга кетганликлари, ғурур ва ношукрлик қилганликлари сабабли ҳалок қилгач, сизларни ер юзида уларнинг ўрнига келтирди – халифа қилди”.

У Зот сизларга ерда текис ва қулай маскан қилиб қўйди. Бу ердаги «ер»дан мурод, Самуд қабиласи яшайдиган Ҳижр ўлкаси-дир. У Ҳижоз ва Шом оралиғида жойлашган.

Аллоҳ таоло сизларни ушбу ерга туширди ва текисликларда чиройли қасрлар, баланд деворлар қуришингизни ҳамда тоғларни йўниб, уни маскан тутишингизни осон қилиб қўйди. Айтиладики: Улар қиш фаслида тоғлардан йўниб ясалган уйларда яшардилар, чунки унга ёмғир, шамол-бўрон ёки совуқ таъсир қилмайди.

Баҳор ва ёз фаслларида эса текисликларга деҳқончилик ва бошқа ишлар билан шуғулланиш учун кўчиб ўтардилар.

Ушбу Қуръон оятларидан билиб олишимиз мумкинки, Аллоҳ таоло Солиҳ (алайҳиссалом) қавмига кўплаб неъматлар ва ер юзида кенг имкониятлар ато этган.

Шу сабабли у киши ўз қавмларини Аллоҳнинг неъматларига шукр қилишга чакирадилар: **«Бас, Аллоҳнинг неъматларини эслангиз ва ерда бузғунчилик қилиб санғиб юрмангиз!»**

Яъни, бас, шундай экан, Аллоҳ таолога унинг неъматларини эътироф этган ҳолингизда шукр қилинг, ер юзида фисқу фасод, бузғунчилик ишларини қилишдан эҳтиёт бўлинг!

Қиссанинг шу еригача Солиҳ (алайҳиссалом) қавмларига турли йўллар билан насиҳат қилиб келдилар. Энди, қавмнинг бунга нисбатан билдирган муносабати қандай бўлди?

Уларнинг берган жавоби қабиҳ, ғурур ва ношукрликда Нух ва Худ (алайҳиссалом) қавми берган жавобдан ҳеч ҳам қолишмади. Келаси оятда шу ҳақида айтилади: **«(Шунда) унинг қавмидан бўлган мутакаббир кимсалар бечоралар мўмин бўлган зотларга: "Сизлар Солиҳни Парвардигор тарафидан юборилган пайғамбар деб билурмисизлар?", дейишди».**

Яъни, Солиҳ (алайҳиссалом) қавмининг мутакаббир, золим ва исрофгар кишилари ҳақиқат йўлига эргашган оз сонли мўмин-ларга қарата шундай дедилар: Солиҳни Парвардигори ёлғиз Ўзига ибодат қилишга даъват қилиш учун пайғамбар қилиб юборилган деб биласизларми?

Бу саволнинг ортида ўша оз сонли мўминларни қўрқитиш, уларнинг юрагига ғулғула солиш ва уларнинг устидан кулиш маъноси бор эди, чунки ўша кишилар Солиҳ (алайҳиссалом)ни ўз Раббиси томонидан юборилган пайғамбар, деб тан олар эдилар. Шу сабабли кофирлар томонидан берилган саволга зоҳирий (очиқчасига) жавоб бермадилар, яъни «Ҳа, у Раббиси томонидан юбориладиган пайғамбардир», демадилар. Балки улар: **«Албатта, биз унинг воситасида юборилган нарса (дин)га имон келтиргувчимиз»** дейишди.

Бунда ҳақиқатни қарор топтириш, уларнинг даъволарини ботил эканлигини исботлаш, қалбларида мустаҳкам ўрнашган имонларини зоҳир қилиш, Аллоҳ таолонинг пайғамбар юбориш тўғрисидаги амри очиқ ва равшан эканлигини баён қилиш маъноси бор эди.

Мўминларнинг бу жавоби жисмлари заиф, ўзлари бечораҳол бўлсалар-да, уларнинг ҳақиқат йўлидаги шижоатлари, имонларининг қуввати ва саломат эканлиги ҳамда Аллоҳга аниқ ишонишларига далолат қилиб турибди. Бунга қарши мутакаббир кимсалар кибр ва ношукрлик билан шундай дедилар: **«Биз сизлар имон келтирган динга кофирмиз».**

Яъни, биз сизлар имон келтирган ва Солиҳ олиб келган динга ишонмаймиз, унга куфр келтирамиз.

Сўнгра «Туяни сўйиб юборишди».

Яъни, Аллоҳ таоло Солиҳ (алайҳиссалом)нинг чин пайғамбар эканлигига далолат қилувчи туяни сўйдилар. Ваҳоланки, Солиҳ (алайҳиссалом) уларга **«Унга бирон ёмонлик етказмангки, у ҳолда сизларни аламли азоб ушлайди»**, деб айтган эдилар.

Ушбу туяни бир киши сўйган эди, лекин Аллоҳ таоло **«сўй-дилар»**, деб айтмоқда. Чунки улар ҳам ўша ишни қилишга рози бўлиб турган эдилар. Бас, улар **«Парвардигорларининг амридан юз ўгиришди»**. Яъни, Аллоҳнинг амрига эргашмадилар, қайтарганидан қайтмадилар.

Улар ушбу қабих жинойт билан чекланмай, балки аҳмоқлик ва кибр билан шундай дедилар: **«Эй Солиҳ, агар сен ростдан ҳам пайғамбарлардан бўлсанг, бизга ваъда қилган нарсангни келтирчи»**.

Яъни, улар камситиш маъносида бундай дедилар: “Агар рост-гўйлардан бўлсанг бизларни огоҳлантираётган ва Раббингдан етказаётган нарсаларинг ҳақиқат бўлса, амрингга хилоф иш тутсак, келиши аниқ деяётганинг ўша азобни келтир. Мана биз сен-га қарши иш қилдик-ку?”

«Бас, уларни даҳшатли зилзила тутиб, турган жойларида тўкилдилар».

Яъни, бу мутақаббир қавмни кучли зилзила тутиб, дарҳол ҳалок қилди. Уларнинг баъзиси ер билан битта бўлдилар, баъзилари юзлари билан йиқилиб жон бердилар ва ҳаракатсиз бўлиб қолдилар. Буларнинг ҳолига бир назар солинг. Аллоҳ уларга зулм қилмади, балки ўзларига ўзлари зулм қилдилар.

Сўнгра Солиҳ (алайҳиссалом) бундай дедилар: **«(Солиҳ) улардан юз ўгириб (ўзича) деди: “Эй қавмим, мана мен сизларга насиҳат қилдим. Лекин сизлар (халис) насиҳат қилгувчилар-ни севмайсизлар”»**.

Яъни, Солиҳ (алайҳиссалом) улардан юз ўгирди, уларни ўз-лари талаб қилган нарсага қўйиб қўйди ва деди: **«Эй қавмим, мен Парвардигоримнинг амр-вазифаларини бирор нарсани камай-тирмай сизларга етказдим. Сизларни тарғиб-тарҳиб йўли билан динга даъват этдим, насиҳат қилдим, лекин сизлар насиҳат қил-гувчилардан нафратланиб, уларга адоват қилдингиз»**.

Шундай қилиб, яна бир кофир қавмнинг ҳаёт саҳифаларига нуқта қўйилди.

«Ҳижр» сурасида ушбу қисса ҳақида қисқача келтириб ўтилади:

«Аниқки, Ҳижр эгалари ҳам пайғамбарларни ёлғончи қилгандирлар. Биз уларга ўз оят-мўъжизаларимизни ато этган эдик. Улар бу оятлардан юз ўгирувчи бўлдилар. Улар тинч-омонликда тоғлардан уйлар йўниб юрганларида уларни тонг чоғида даҳшатли қичқирик тутди. Сўнгра уларга қилган нарсалари фойда бермади» (*Ҳижр*, 80–84).

Ҳижр эгалари: Солиҳ (алайҳиссалом)нинг қавмидир. Ҳижр Шом билан Мадинаи мунаввара ўртасидаги бир водий бўлган. Солиҳ (алайҳиссалом)нинг қавми ўша ерда истиқомат қилар-дилар.

«Ҳижр» аслида «тош билан ўралган жой» ёки «тошлоқ» маъноларини англатади.

Аллоҳ (субҳонаҳу ва таоло) айтади: **«Аниқки, Ҳижр ҳам пайғамбарларни ёлғончи қилгандилар»**.

Улар фақат Солиҳ (алайҳиссалом)ни инкор қилмадилар, балки барча пайғамбарларни ёлғончи қилдилар, ҳолбуки, уларнинг рисолати бир эди, барчалари Аллоҳ таолога ихлос билан ибодат қилишга, яхши хулқлар билан сифатланишга чақириб, разил-фасод ишлардан қайтарар эдилар.

«Биз уларга ўз оят-мўъжизаларимизни ато этган эдик. Улар бу оятлардан юз ўгирувчи бўлдилар».

Яъни, Биз Солиҳ (алайҳиссалом) қавмига унинг ростгўйлигига, Бизнинг хузуримиздан юборилган пайғамбар эканлигига далолат қилувчи мўъжизаларни берган эдик. Лекин улар бунга ҳам эътибор бермай, ундан юз ўгирдилар, фикр қилиб кўрмадилар. Шу сабабли Бизга осий бўлдилар ва азоб келтиришимизни шоширдилар.

Сўнгра Аллоҳ таоло Солиҳ (алайҳиссалом) қавмининг куч-қуввати ва маданиятига далолат қилувчи оятларни келтириб ўтади: **«Улар тинч-омонликда тоғлардан уйлар йўниб юрганларида ...»**

Яъни, улар куч-қувват ва кўплаб бойликларга эга бўлганлар, ҳатто тоғлар ичида ўзлари учун уйлар қуриб, шу билан бирга хотиржам, саломатликда яшар эдилар. Лекин бойликларга эга бўлиб, Аллоҳга шукр қилмасликларининг, куфрда қаттиқ туриб олиш, Аллоҳ таолонинг пайғамбарларини ёлғонга чиқариш ва ҳа-қиқатдан юз ўгиришнинг оқибати нима бўлди?!!

Келаси оятда шу ҳақида ҳикоя қилинади: **«Уларни тонг чо-ғида даҳшатли қичқирик тутди. Сўнгра уларга қилган нар-салари бирон фойда бермади».**

Яъни, Ҳижр эгаларининг Солиҳ (алайҳиссалом)ни ёлғончига чиқаришлари оқибатида Аллоҳ таоло уларни энди тонг ёришиб келаётган вақтда бир даҳшатли қичқирик билан ҳалок қилди. Уларга бутун умр йиғган мол-дунёлари ҳам, тоғлардан йўниб ясаган уйлари ҳам фойда бермади. Уларни бу азоблардан қутқариб ҳам қола олмади.

Бундан кўриниб турибдики, Аллоҳ таолонинг Ўзи кофир ва жиноятчи душманларига берган азоби олдида ҳар бир ҳимоя кўрғони барбод бўлади, тинч-омонлик хавотирга алмашади, ҳар бир мустаҳкам нарса тагидан зил кетади.

Худ сурасида ушбу қисса бошқа тафсилотлар билан, ўзига хос услубда ҳикоя қилинади. Ақл эгалари учун бунда кўпгина ибрат ва намуналар бор.

«Самудга ўз биродарлари Солиҳни (юбордик). У айтди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. У сизларни ердан пайдо қилиб, сизларга унда умр берди. Бас, Ундан мағфират сўранглар ва унга тавба-тазарру қилинглар! Албатта, Парвардигорим яқин ва ижобат қилгувчидир». Улар дедилар: «Эй Солиҳ, сен илгари бизнинг орамиздаги умидли киши эдинг-ку. Энди бизларни ота-боболаримиз сиғиниб келаётган бутларга сиғи-ни-шимиздан қайтарурмисан?! Албатта, бизлар сенинг даъват қилаётган динингдан шак-шубҳадамиз». У айтди: «Эй қав-мим, хабар берингизчи, агар мен Парвардигорим томонидан аниқ ҳужжатга эга бўлсам ва У Зот менга Ўзининг раҳмати-пайғамбарликни ато этган бўлса-ю, мен У зотга исён қилсам, у ҳолда Аллоҳдан мени ким қутқарур?! Бас, сизлар менга зиёндан ўзга нарса келтирмайсизлар. Эй қавмим, мана бу Аллоҳнинг (юборган) туяси сизлар учун оят-мўъжиза бўлиб келди. Бас, уни Аллоҳнинг ерида еб-ичиб юрган холида кўйиб юборинглар ва унга бирон ёмонлик етказманглар, акс ҳолда сизларни яқин азоб ушлар». Улар эса (туяни) сўйиб юбордилар. Шунда (Солиҳ) айтди: «Уй-жойларингиздан уч кун фойдаланиб қолинглар. Мана шу ёлғон бўлмаган ваъдадир». Энди қачон бизнинг фармонимиз келганида, Солиҳ ва у билан бирга имон келтирган кишиларга ўз раҳматимиз билан (у азобдан) ва ўша кундаги шармандалиқдан нажот бердик. Албатта, Парвардигорингиз ҳақиқий куч-қувват Эгасидир. Золим кимсаларни эса даҳшатли қичқирик тутиб, гўё у

ерда ҳеч қачон яшамагандек, турган жойларида тўкилдилар. Огоҳ бўлингизким, албатта Самуд (қабиласи) Парвардигорларига кофир бўлган эдилар. Огоҳ бўлингизким, Самуд (қабиласи) ҳалокатга учради» (Худ, 61–68).

Яъни, Биз Солиҳ (алайҳиссалом)ни Самуд қабиласига пай-ғамбар қилиб юбордик ва у деди: «Эй қавмим, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилинглар, у сизларни яратган ва ризқ бергувчи зотдир, Ундан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқдир».

Сўнгра Аллоҳ таолонинг қудратини, уларга берган неъматларини эслатиб ўтадилар: **«У сизларни ердан пайдо қилиб, сизларга унда умр берди».**

Яъни, У отангиз Одам (алайҳиссалом)ни тупроқдан яратди ва сиз унинг наслидансизлар. У зот сизларга ер юзида умр бериб қўйди, меваларга тўла бўлган боғ-роғлар ато этди. Шундай экан, **«Бас, Ундан мағфират сўранглар ва сўнгра унга тавба-тазарру қилинглар! Албатта, Парвардигорим яқин ва ижобат қилгувчидир».**

Яъни, Аллоҳ таолога ихлос билан ибодат қилинглар, неъматларига шуқр қилиб, ўтган гуноҳларингизни кечиритишни сўранглар ҳамда чин қалбдан тавба қилинглар, ўтмишда ширк ва куфр келтирганларингиз учун пушаймон бўлинглар. Зеро, Аллоҳ таолонинг муҳсин бандаларига раҳмати яқин, ихлос билан қилинган дуоларни ижобат этади ҳамда ибодат ва тоатларингизни қабул қилади. Сизлар фақат унинг раҳматидан ноумид бўлманглар!

Келаси оятда қавмининг Солиҳ (алайҳиссалом)га қилган жавоблари келтирилади: **«Эй Солиҳ, сен илгари бизнинг орамиздаги умидли киши эдинг-ку».**

Яъни, эй Солиҳ, аввал сен бизларнинг энг фозил ва ақлли одамимиз эдинг-ку, бу нарсаларни бизга айтмасингдан олдин сенинг илминг етук, ақлли ва ишончли инсон бўлганинг учун энг муҳим ишларни сенга топширар эдик. Лекин мана бу янги динни олиб келганингдан сўнг, сенга бўлган ишончимиз йўқолди, сен бизнинг кўз ўнгимизда ақли заиф, фикри бузилган одам бўлиб қолдинг.

«Энди бизларни ота-боболаримиз сиғиниб келаётган бутларга сиғинишимиздан қайтарурмисан?!»

Ушбу савол инкор ва ажабланиш маъносида берилмоқда.

Яъни, янги даъватинг билан бизларни илгари ота-боболаримиз сиғинган бут-санамларга ибодат қилишимиздан қайтарасанми? Йўқ, биз сенга ижобат қилмаймиз. Зеро, биз ота-боболаримизни шундай қилаётганларини кўрган эдик, биз ўша эътиқодга содиқ қолиб, уларнинг изидан борамиз.

Ва **«Албатта, бизлар сенинг даъват қилаётган динингдан шак-шубҳадамиз».**

Яъни, улар ўз ботил эътиқодларида қолишни қатъий таъкидлаб бундай дедилар: **«Биз ота-боболаримиз сиғиниб келган бут-санамларга ибодат қилишни зинҳор тарк қилмаймиз. Сен бизларни даъват қилаётган динингдан қаттиқ шубҳаланаяпмиз».**

Эътибор беринг, улар Ҳақиқат йўлига чорловни инкор этиб, ботил эътиқодларида қолишни таъкидлаптилар. (Ушбу қавм ўз-лари ҳеч ақл юритиб кўрмас, балки ота-боболарини тўғри йўл-да бўлган кишилар, деб ўйлашар эди. Шунинг учун бу йўлдан ҳеч қайтгилари келмасди. – тарж). Лекин Солиҳ (алайҳиссалом) уларнинг бу жавоб-ларидан умидсизланмадилар, балки ҳикматли услубда шундай дедилар: **«Эй қавмим, хабар берингизчи, агар мен Парвардигорим томонидан аниқ ҳужжатга эга бўлсам ва У Зот менга Ўзининг раҳмати-пайғамбарликни ато этган бўлса-ю, мен У зотга исён қилсам, у ҳолда Аллоҳдан мени ким қутқарур?! Бас, сизлар менга зиёндан ўзга нарса келтирмайсизлар».**

Яъни, эй қавмим, менга хабар берингларчи, агар мен Аллоҳ таоло томонидан очиқ-ойдин ҳужжатга эга бўлсам, У зот менга Ўзи-нинг улуғ раҳмати, яъни ер аҳлига амрларини ва даъватларини етказишим учун пайғамбар қилиб танлаб олган бўлса, агар мен унинг амрига хилоф иш тутсам ёки амр фармонларини етказишда бирон нарсани ноқис қилсам, ким мени унинг ғазаби ва азо-бидан қутқариб қолур?!

Солиҳ (алайҳиссалом)нинг **«Сизлар менга зиёндан ўзга нарса келтирмайсизлар»**, деб айтганлари Ҳақиқат йўли ҳеч қачон шубҳа-гумонларни қабул қилмаслиги ва ҳақиқатга қарши бориш ҳалокат ва ҳасрат-надоматга олиб боришини англатади.

Яъни, менинг сизларга итоат этишим Раббимга осий бўлиш-га, ҳалокатга учраб, Аллоҳ таолонинг азоби ва ғазабига гирифтор бўлишимга сабаб бўлади. Мен сизларни рози қилиш учун Раббимнинг амрига хилоф иш тутмайман.

Ушбу ояти карима Солиҳ (алайҳиссалом)нинг Аллоҳ таолога бўлган чексиз муҳаббатлари, кучли имонлари, Унинг тоатига ҳарисманд эканликлари ва ўз даъватларида сабот билан туришларини кўрсатмоқда.

Сўнгра бундай дедилар: **«Эй қавмим, мана бу Аллоҳнинг (юборган) туяси сизлар учун оят-мўъжиза бўлиб келди»**.

Бу ерда Солиҳ (алайҳиссалом)нинг рост пайғамбар эканлик-ларига далолат қилувчи мўъжиза ҳақида гапирилмоқда.

«Бас, уни Аллоҳнинг ерида еб-ичиб юрган ҳолида қўйиб юборинглар ва унга бирон ёмонлик етказманглар, акс ҳолда сизларни яқин азоб ушлар».

Яъни, Аллоҳ таолонинг туясини тинч қўйинглар. У бемалол ўтлаб юрсин, у сизлар минадиган, сўядиган ёки юкларингизни та-ший-диган оддий туя эмасдир, балки у Аллоҳнинг ўз пайғамба-ри Солиҳ (алайҳиссалом)га берган мўъжизасидир. Бас, уни еб-ичиши-дан ман қилманглар ва бирон зиён ҳам етказманглар, акс ҳолда сиз-лар-нинг устингизга Аллоҳ таоло тарафидан азоб юборилгайдир.

Қавм ушбу огоҳлантириш ва насиҳатларга кулоқ солдими? Йўқ, улар бунга ижобат қилмадилар, балки ўша туяни сўйиб юбор-дилар.

«Шунда (Солиҳ) айтди: «Уй-жойларингиздан уч кун фойдаланиб қолинглар. Мана шу ёлғон бўлмаган ваъдадир».

Яъни, қавм Аллоҳнинг амрига хилоф қилиб туяни сўйишгач, Солиҳ (алайҳиссалом) уларга бундай дедилар: “Уч кун ичида уш-бу масканларингизда яшаб, ундаги неъматлардан фойдаланиб қолинглар, сўнгра устингизга ҳеч кимни соғ қолдирмайдиган азоб келади. Бу Аллоҳ таолонинг ҳақ ваъдасидир, Зеро, Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмайди”.

«Энди қачон бизнинг фармонимиз келганида, Солиҳ ва у билан бирга имон келтирган кишиларга ўз раҳматимиз билан (у азобдан) ва ўша кундаги шармандаликдан нажот бердик».

Яъни, белгиланган вақтда уларга азоб тушиши ҳақида бизнинг амримиз келганида, Солиҳ ва у билан бирга бўлган мўмин-ларни ўз раҳматимиз билан ўша азобдан ва ўша даҳшатли кундаги бахтсизлик ва хору зор бўлишдан сақладик. Солиҳ (алай-ҳиссалом) қавми таг-туғи билан ҳалок этилди.

«Албатта, Парвардигорингиз ҳақиқий куч-қувват эгасидир».

Яъни, эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), дарҳақи-қат Раббингиз ҳеч нарсадан ожиз қолмайдиган, ўз душманлари устидан ғолиб келувчи Зот ва куч-қудрат соҳибидир.

Ушбу ояти карима Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва мўминларга мушрик қавмлардан етган азиятларга сабр қи-лишга чақириб, уларга тасалли бериш учун ворид бўлгандир.

Сўнгра ушбу золим ва кофир қавмининг ҳоли не кечганлигини кўриб, ундан ибрат олишга чақириш учун уларнинг оқибатлари келтириб ўтилади: **«Золим кимсаларни эса даҳшатли қичқи-рик тутиб, гўё у ерда ҳеч қачон яшамагандек, турган жойларида тўкилдилар. Огоҳ бўлингизким, албатта, Самуд (қабиласи) Парвардигорларига кофир бўлган эдилар. Огоҳ бўлингизким, Самуд (қабиласи) ҳалокатга учради».**

Яъни, Солиҳ (алайҳиссалом) қавмининг золим кимсаларини кучли ва даҳшатли қичқириқдан иборат бўлган азоб тутди. Натижада улар юзлари билан ерга йиқилиб, ҳеч бир ҳаракатсиз тарзда ҳалокатга учрадилар. Улар ушбу азобни кўришгач, худди узоқ муддат фаровон ва тўкин-сочин ҳаётда яшамагандек бўлдилар. Огоҳ бўлингларки, Самуд қабиласининг золим кишилари Аллоҳ таолонинг неъматларига ношукрлик қилиб куфр келтирдилар. Огоҳ бўлингларки, Самуд қабиласига шу сабабли фалокат ва ҳасрат-надомат бўлди!

Намл сурасида ҳам бошқа услубда ушбу қисса ҳикоя қилина-ди. Унда бир гуруҳ одамлар Солиҳ (алайҳиссалом)ни ўлдириш ҳақида келишиб олишлари ва Аллоҳ таолонинг уни ўша макр-дан сақлаб уларни ҳалок қилгани ҳақида айтилади.

«Қасамки, Биз Самудга биродарлари Солиҳни пайғамбар этиб юбордик. (У): «Аллоҳга ибодат қилингиз!» (деди). Бас, бехос улар келиша олмайдиган икки гуруҳга бўлиндилар. (Со-лиҳ) айтди: «Эй қавмим, нега сизлар азоб сўраш билан яхшилиқдан илгари ёмонликни шоширмақдасизлар?! Сизларга раҳм қилиниши учун Аллоҳдан мағфират сўрасангиз бўл-масмиди?!» Улар дедилар: «Биз сен ва сен билан бирга бўл-ган-лардан деб шумландик». (Солиҳ) айтди: «Сизларнинг ишингиз Аллоҳ ҳузуридадир. Аксинча, сизлар имтиҳон қи-линаётган қавмдирсизлар». У шаҳарда ислоҳ ўрнига ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган тўққиз нафар кимса бор эди. Ўшалар Аллоҳ номига қасам ичиб айтдилар: «Албатта, уни ва унинг аҳлини тунда ҳалок қилурмиз, сўнгра унинг ворисига: «Бизлар унинг аҳлини ҳалокатига гувоҳ бўлган эмасмиз. Албатта, бизлар ростгўй кишилардирмиз», деймиз». Улар макр қилдилар. Биз ҳам улар сезмаган ҳолларида «макр» қилдик. Бас, уларнинг қилган макрлари оқибати қандай бўлганини кўринг! Биз уларни ва қавмларининг барчасини тор-мор қилдик. Мана, зулм қилганлари сабабли уларнинг уйлари хувиллаб қолди! Албатта, бунда биладиган қавм учун ибрат бордир! Имон келтирган ва тақволи бўлган зотларга эса нажот бердик» (Намл, 45–53).

Яъни, Аллоҳга қасамки, Биз Самуд қабиласига биродарлари Солиҳ (алайҳиссалом)ни Бизга ихлос билан ибодат қилишга буюриш ва куфр, фисқ ҳамда исён йўлидан қайтариш учун пайғамбар қилиб бордик.

Лекин **«Улар келишолмайдиган икки гуруҳга бўлиндилар».**

Яъни, Биз Солиҳни уларга башорат бериш ва огоҳлантириш учун юборганимизда, тўсатдан улар бир-бири билан уришиб талашувчи икки гуруҳга бўлиниб олдилар: бири Солиҳ (алайҳиссалом) билан бирга имон келтирган кишилар, улар оз сонли эди; иккинчиси, Солиҳ (алайҳиссалом)га куфр келтирган кимсалар бўлиб, уларнинг миқдори кўп эди.

Бу икки гуруҳ ўртасидаги хусуматга Аллоҳ таоло бошқа бир суратда ишора қилган: «(Шунда) унинг қавмидан бўлган мутакаббир кимсалар бечоралар – уларнинг ораларидаги мў-мин бўлган зотларга: «Сизлар Солиҳни Парвардигор тарафидан юборилган пайғамбар деб билурмисизлар?» дейишди. Улар айтдилар: «Албатта, биз унинг воситасида юборилган нар-са (дин)га имон келтиргувчимиз». Мутакаббир кимсалар эса: «Биз сизлар имон келтирган динга кофирмиз», дейишди» (*Аъроф*, 75–76).

Сўнгра Солиҳ (алайҳиссалом)нинг ҳикматли насиҳатлари келтириб ўтилади: «Эй қавмим, нега сизлар азоб сўраш билан яхшиликдан олдин ёмонликни шоширмоқдасиз?! Сизларга раҳм қилиниши учун Аллоҳдан мағфират сўрасангизлар бўлмасмиди?!»

Яъни, Солиҳ (алайҳиссалом) ўз қавмларига қарата таъсирли услубда шундай дедилар: «Эй қавмим, нима учун ҳар сафар сизларни Ҳақ динга даъват қилсам, ундан юз ўгирасизлар, имондан куфрни устун биласизлар, сизларни огоҳлантириб ўтганим – Аллоҳнинг азоби келишини шошилтирасизлар. Бунинг ўрнига, Аллоҳга истиғфор-тавбалар қилиб, У Зотга ихлос билан ибодат қилмайсизларми?! Шояд, У сизларни афв этиб, ўз раҳматига олса».

Бунга жавобан у мутакаббир кимсалар бундай дедилар:

«Бизлар сен ва сен билан бирга бўлганлардан деб шумландик».

Яъни, эй Солиҳ, сен ва мўминларнинг орамизда бўлиши ва бизларни даъват қилишларингиз сабабли биз ёмонлик-бахтсиз-ликка, фаровон ҳаётдан қаҳатчиликка, енгилликдан қийинчи-ликка, бойликдан сўнг фақирликка дучор бўлдик.

Сўнгра Солиҳ (алайҳиссалом) уларга қарата шундай жавоб қилдилар: **«Сизларнинг ишингиз Аллоҳ ҳузуридадир. Аксинча, сизлар имтиҳон қилинаётган қавмдирсизлар».**

Яъни, сизлар даъво қилаётганингиздек, бизларнинг орангизда бўлишимиз ёмонликка йўлиқишингизга сабаб бўлмади, балки сизларнинг куфр-исёнларингиз туфайли шу қийинчиликларга гирифтор бўлдингиз. Аллоҳ таоло сизларни тавба қиласизларми, гуноҳлардан қайтасизларми, деб синамоқда.

Лекин мутакаббир қавм ичидан ушбу насиҳатларни эшитгувчи, унга амал қилгувчи топилмади, балки улар яна ўз куфр ва ношукр-ликларида давом этиб, Солиҳ (алайҳиссалом) ва унинг аҳлини ўлдиришга аҳд қилдилар. Келаси оятда шу ҳақида айтиб ўтилади: **«У шаҳарда ислоҳ ўрнига ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган тўққиз нафар кимса бор эди. Ўшалар Аллоҳ номига қасам ичиб айтдилар: «Албатта, уни ва унинг аҳлини тунда ҳалок қилурмиз, сўнгра унинг ворисига: «Бизлар унинг аҳлини ҳалокатига гувоҳ эмасмиз. Албатта, бизлар ростгўй кишилардирмиз», деймиз».**

Бу ерда зикр қилинган шаҳардан мурод Солиҳ (алайҳиссалом)-нинг шаҳарлари, яъни Ҳижр ўлкасидир.

Яъни, улар бир-бирларига шундай дедилар: «Аллоҳга қасамки, биз Солиҳни ва унинг аҳлини йўқ қилиб юборамиз». Улар кечаси ҳеч ким билмаслиги учун бирдан хужум уюштирмоқчи эдилар.

Оятда «ворис» деб келтирилганлардан мурод, Солиҳ (алай-ҳис-салом)нинг хунини талаб қилувчи қариндошларидир. Бундан кўринадики, ўша тўққиз нафар бузғунчилар Солиҳ (алай-ҳиссалом)нинг қариндошлари унга ёрдам беришидан кўрқиб, уни ошкора ўлдиришга ботина олмадилар.

Ушбу хиёнаткор, жинойтчи кимсаларнинг ажабланарли жойи шундаки, улар ўзаро амалга ошираётган қабих жинойтларига Аллоҳнинг номини ўртага қўйиб қасам ичдилар, яъни улар Аллоҳга қасам ичиб, ўша жинойтни қилмоқчи бўлдилар. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло улардан ва уларнинг макр-ҳийлаларидан пок ва бе-ҳожатдур. Лекин Аллоҳ таоло уларнинг ёмонликлари ва қабих ҳийлаларини ўзларига қайтариб уларни ҳалок қилди. Бас, **«Улар макр қилдилар. Биз ҳам «макр» қилдик».**

Яъни, ўша гуруҳ Солиҳ (алайҳиссалом) ва унинг аҳлини қатл этишга қасам ичиш билан қаттиқ макр қилдилар. Биз Солиҳ ва у билан имон келтирган кишиларга ҳикматли тадбир қилдик ва уларга хиёнаткор қавмнинг макрларидан нажот бердик.

«Улар сезмаган ҳолларида».

Яъни, бу хиёнаткор кишилар бизнинг ҳикматли тадбиримизни сезмай қолишди, солиҳ бандаларимизга ғамхўрлик ва раҳ-матимизни кўрсатиб, уларнинг макридан сақлаб қолганимизни билишмади ҳам.

Сўнгра ушбу макрнинг оқибати нима билан яқунланганига ишора қилиб ўтилади:

«Бас, уларнинг қилган макрлари оқибати қандай бўл-га-нини кўринг! Биз уларни ва қавмларининг барчасини тор-мор қилдик».

Яъни, эй оқил инсон, тафаккур қил ва ўзинг учун ушбу буз-ғун-чи қавмлар қиссасидан ибрат ол, Биз уларни ва улар билан бўл-ган-лар-ни ўз пайғамбаримиз Солиҳ (алайҳиссалом)ни инкор қилганликла-ри учун ҳалок қилдик, улардан ҳеч ким омон қолмади.

«Мана, зулм қилганлари сабабли уларнинг уйлари ҳу-виллаб қолди!»

Яъни, эй оқил инсон, агар сен уларни ҳалок қилганимизга ҳужжат-далил келтиришимизни хоҳласанг, мана сенга далил – уларнинг бўш ва устунлари кулаб тушган уйлари. Улар ўзларининг зулм, куфр, макрлари туфайли шундай аҳволга тушиб қоладилар.

«Албатта, бунда биладиган қавм учун ибрат бор».

Яъни, Биз уларни ҳалок ва тор-мор қилганлигимизда манфаатли илмга эга бўлиб, солиҳ амаллар қилгувчилар учун ибрат ва очик-ойдин ваъз-насихатлар бордир. Сўнгра Аллоҳ таоло Ўзининг ўзгармас қонуни ва тақдирини баён қилиш билан ушбу қиссани яқунлайди:

«Имон келтирган ва тақволи бўлган зотларга эса нажот бердик».

Яъни, биз ўз фазлу карамимиз билан пайғамбаримиз Солиҳ (алайҳиссалом)га имон келтирган ва Аллоҳ таолодан қўрқиб, ўз нафсларини У рози бўлмайдиган амаллардан сақлаб юрган кишиларга нажот бердик.

«Энди Самуд (қабиласи)га келсак, бас, Биз уларни ҳидоят қилган эдик, улар ҳидоятни қўйиб, кўрликни, залолатни ихтиёр қилдилар. Бас, ўзлари қилгувчи бўлган нарсалари сабабли уларни хор қилгувчи азоб чакмоғи урди. Ва Биз имон келтирган ҳамда тақводор зотларга нажот бердик» (Фуссилат, 17–18).

Яъни, Биз Самуд қабиласига пайғамбаримиз Солиҳ (алайҳис-салом)ни юбориб, уларга ҳидоят ва залолат йўлини баён қилдик. Бу ердаги ҳидоятдан мурод, яхшилик йўлини баён қилиб, унга йўллаб қўйишдир.

Аммо улар **«ҳидоятни қўйиб, кўрликни, залолатни ихтиёр қилдилар».** Бу ердаги кўрликдан мурод: куфр ва залолат; хи-доятдан мурод эса: тоат ва имондир.

Натижада **«Ўзлари қилгувчи бўлган нарсалари сабабли уларни хор қилгувчи азоб чакмоғи урди. Ва Биз имон келтир-ган ҳамда тақводор зотларга нажот бердик».**

Яъни, Солиҳ (алайҳиссалом) қавми куфр ва залолатда давом этиб, ўз пайғамбарларига хилоф иш қилганларининг натижаси Бизнинг уларга ҳалок қилгувчи азобни юборишимиз билан яқунланди.

Аmmo Солиҳ (алайҳиссалом)нинг даъватларига имон келтириб, буюрган нарсаларига эргашиб, қайтариқларидан қайтган зотларни тақволари ва Аллоҳ таолодан қўрқишлари сабабли азобдан қутқардик ва уларга нажот бердик.

«Шуаро» сурасида ҳам ушбу қисса баён қилинган, унда юқо-рида айтиб ўтилганларни тўлдириб келувчи баъзи бир қўшимча маълумотлар келтириб ўтилади:

«Самуд пайғамбарларини ёлғончи қилди. Ўшанда уларга биродарлари Солиҳ айтган эди: (Аллоҳдан) қўрқмайсизлар-ми?! Албатта, мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва менга итоат этинглар! Мен бу учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламлар Парвардигори зиммасидадир. Сизлар бу ердаги нарсаларда – боғлару булоқларда, экинлари ва мевалари ғарқ пишган хурмо дарахтлари ичида қўйиб қўйилурмисизлар. Яна моҳирлик билан тоғлардан уйлар йўнмоқдасизлар. Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва менга итоат этинглар! Ва ер юзида бузғунчилик қиладиган ва ўнглай олмайдиган ҳаддан ошувчи кимсаларнинг амрига итоат этманглар! Улар дедилар: «Ҳеч шак-шубҳасиз, сен сеҳрланган-ақлдан озган кимсалардандирсан. Сен ҳам худди бизларга ўхшаган одамдирсан. Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг бирон оят-мўъжиза келтир!» У айтди: «(Менинг мўъжизам) мана шу туядир. (Маълум бир кун сув) ичиш навбати уники, маълум бир кун эса сизларнинг ичиш навбатингиздир. Яна унга бирон ёмонлик етказмангларки, у ҳолда сизларни улуг куннинг азоби ушлар». Бас, улар (туяни) сўйдилару, надомат қилгувчиларга айландилар. Уларни азоб ушлади. Албатта, бунда оят-ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) қўплари имон келтирувчи бўлмадилар. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингиз Ўзи ғолиб ва меҳрибондир» (Шуаро, 142–159).

Ушбу ояти карималар Самуд қабиласининг Солиҳ (алайҳиссалом)га нисбатан қандай муносабатда бўлганлигини баён қилиш билан бошланади:

«Самуд пайғамбарларини ёлғончи қилди».

Яъни, Самуд қабиласи нафақат Солиҳ (алайҳиссалом)ни, балки уларни Аллоҳга ибодат қилиш учун чақирган, яхши хулқлар билан сифатланишга ундаган барча пайғамбарларни ёлғончига чиқардилар, ваҳоланки, уларнинг барчаси бир рисолат-вазифа билан келган эдилар...

Солиҳ (алайҳиссалом) қавмларини Аллоҳга тақво қилишга, Ундан қўрқишга даъват қилиб, сўнгра ўзларини ишончли пай-ғамбар эканликларини баён қилдилар. Шундан сўнг бу қилаётган даъватларига улардан ҳеч нарса талаб қилмасликлари, у кишининг ажр-мукофотларини ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзи беришини таъкидлайдилар. Шундан кейин ақлли кишиларни Аллоҳ таоло берган неъматларига шукр қилишга чорловчи насихатларни қилиб ўтадилар: **«Сизлар бу ердаги нарсаларда – боғлару бу-лоқларда, экинлари ва мевалари ғарқ пишган хурмо дарахтлари ичида қўйиб қўйилурмисиз?!»**

Бу ердаги **«Қўйиб қўйилурмисиз?!»** саволи инкорни билдиради, яъни «Йўқ, бундай эмас», дейилмоқчи.

Яъни, сизлар бу дунёда Аллоҳ таолонинг турли хил неъмат-ларига бурканиб, улардан баҳраманд бўлгач, Холиқингиз сизлардан булар ҳақида сўрамайди ёки Қиёмат кунида ҳисоб қилин-маймиз, деб ўйлайсизларми?

Агар шундай деб ўйлаётган бўлсангиз, вақтида кўзингизни очинг, сизлар ҳозир эришиб турган неъматлар завола топгувчи, Қиёматда Аллоҳ таоло қилиб ўтган амалларингиз ҳақида ҳисоб қилади. Бас, шундай экан, буюк Холиқингиздан кўплаб ажр-му-кофотга эришиш учун аввал имон келтиринг, сўнгра солиҳ амаллар қилинг!

Сўнгра уларга бошқа бир неъматни эслатиб, уларни яна бир бор Аллоҳ таолога тақво қилишга чақирадилар: **«Яна моҳирлик билан тоғлардан уйлар ҳам йўнмоқдасизлар?! Бас, Аллоҳдан кўрқинглар ва менга итоат этинглар!»**

Яъни, сизларни Қиёмат кунидаги ҳисоб-китобдан ғофил қо-лишдан ва дунёда ғурур-кибр қилишдан қайтарганим каби, тоғ-ларда тошларни йўниб уйлар қуриб олишга муккасидан кетишингиздан ҳам қайтараман, чунки бу қаср уйлар ношукрлик, ёмонлик ва ғурур белгиси, ислоҳ ёки шукр қилиш маъносида эмас. Солиҳ (алайҳиссалом) уларни тоғлардан йўниб уй қуришдан қайтаришларига сабаб шуки, қавм бу уйлари билан бошқаларга ўз куч-қувватини кўрсатмоқчи, улардан устун эканликларини исботламоқчи эдилар. Лекин агар ислоҳ қилиш маъносида бинолар қуриладиган бўлса, бу марғубдир.

Сўнгра уларни ер юзида фиску фасод ишларни қилувчи кимсаларга эргашишдан қайтарадилар: **«Ва ер юзида бузғунчилик қиладиган ва ўнглай олмайдиган хаддан ошувчи кимсаларнинг амрига итоат этманглар!»**

Яъни, ёлғиз Аллоҳ таолога итоат этинглар. Куфр ва гуноҳи-маъсиятларга қаттиқ туриб олгувчи ва ер юзида бузғунчилик қи-лувчи бошлиқларингизга итоат этишни тарк қилинг!

Аммо улар бу насиҳатларга қулоқ осмадилар, уларнинг кибри, ғурури, ақлсизлиги бунга йўл қўймади ва шундай раддия билдирдилар:

«Ҳеч шак-шубҳасиз, сен сеҳрланган-ақлдан озган кимсалардандирсан. Сен ҳам худди бизларга ўхшаган одамдирсан. Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг бирон оят-мўъжиза келтир!»

Яъни, улар одобсизлик ва аҳмоқлик билан дедилар: “Сен сеҳрланиб, сўнгра ақлдан озаётган бир кишисан. Ва сен худди бизга ўхшаш таом ейдиган, сув ичадиган бир инсонсан, холос. Агар ростдан ҳам пайғамбар бўлсанг, буни исботлайдиган бирон мўъжиза ёки далил келтир-чи?”

Улар жоҳилликлари туфайли пайғамбарлар инсон наслидан чиқмайди, деб ўйлар эдилар.

Шунда Солиҳ (алайҳиссалом) қавмларининг ҳидоятга киришига сабаб бўладиган бир мўъжиза ато қилишини сўрайдилар. Аллоҳ таоло у кишига бир туяни мўъжиза қилиб берди. Ва Со-лиҳ (алайҳиссалом) уларга қарата шундай дедилар: **«(Менинг мўъжизам) мана бу туядир. (Маълум бир кун сув) ичиш навбати униқидир. Маълум бир кун эса сизларнинг ичиш навбатингиздир. Яна унга бирон ёмонлик етказмангларки, у ҳолда сизларни улуғ куннинг азоби ушлар».**

Ушбу ояти карима ҳақида Ибн Касир шундай дейдилар: «Сўнг-ра улар Солиҳ (алайҳиссалом)нинг Раббисидан келтираётган нарсаларнинг ростлигига далолат қилувчи бир мўъжиза кўрсатишни, яъни бир харсанг тошдан фалон-фалон сифатларга эга бўлган, қорнида ўн ойлик боласи бор туяни чиқаришни талаб қилдилар. Солиҳ (алайҳиссалом) агар шу ишни қилсалар, улардан имон

келтиришлари ҳақида аҳд олдилар. Улар бунга рози бўлишди. Солиҳ (алайҳиссалом) туриб, намоз ўқидилар ва Аллоҳ таолога тазарру қилиб, улар талаб қилаётган мўъжизани ато этишини сўраб, дуо қилдилар. Шунда қавм кўрсатган тош бир туяга айланди. Сўнгра, баъзи кишилар Солиҳ (алайҳиссалом)га имон келтирди, лекин кўпчилик бунга ишонмай ўз аҳдларига вафо қилмадилар ва кофирликларича қолиб кетдилар».¹⁵

Яъни, Солиҳ (алайҳиссалом) Аллоҳ таоло томонидан уларнинг талаблари бажо келтирилгач, шундай дедилар: «Бу менинг рост пайғамбар эканлигимни исботловчи туядир. У маълум бир кун булоқдан сув ичса, сизлар бошқа бир кун ичасизлар. У туя сизлар ичадиган куни ўша сувдан ичмас. Унга бирон ёмонлик етказиб қўйманглар, у ҳолда сизларни буюк кун – Қиёматнинг азоби ушлайди. Лекин қавм аҳдларида турмай, туяни сўйиб юборишди. Бу ерда «сўйиш» кўплик сийғаси (шакли)да келмоқда, аслида уни бир киши қилган эди. Чунки улар бу қабих жиноятни қилиш учун уни ундаганлар ва шу ишга рози бўлганлар. Бунга Аллоҳ таолонинг қуйидаги каломи далолат қилади:

«Сўнг улар (Самуд қабиласи) ўзларининг бу шерикларини (туяни ўлдириш учун) чорлаган эдилар, у (келиб қиличини) олдида, (туяни) сўйиб юборди» (Қамар, 29).

Бунинг оқибатида улар **«Надомат қилувчиларга айландилар»**, яъни улар имонлари ва тақволари сабабли эмас, балки азобга йўлиқишдан қўрқиб, қилган ишларига пушаймон бўлдилар. Лекин бу ҳолат пушаймоннинг ўрни эмасди, энди ундан фойда йўқ эди.

Сўнгра **«Уларни азоб ушлади»**.

Яъни, аввалига ер силкиниши, кейин кучли кичкирик бўлиб, улар халокатга учрадилар.

«Албатта, бунда оят-ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари имон келтиргувчи бўлмадилар. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи ғолиб ва меҳрибондир».

Солиҳ (алайҳиссалом)нинг қиссаси бошқа сураларда қисқа тарзда келтириб ўтилади:

«Самуд қабиласига очиқ (мўъжиза бўлган) туяни ато этга-нимизда унга зулм қилдилар. Биз мўъжизаларни фақат кўр-қитиш учунгина юборурмиз» (Исро, 59).

Яъни, Биз Самуд қабиласининг ўз пайғамбарларидан талаб қилган нарсаларини, уларга мўъжиза сифатида бир туяни чиқа-риш билан ижобат қилдик. Ва уни очиқ-ойдин далолат қилиб қўйдик. Лекин улар ёлғон ва ношукрлик билан ўз аҳдларига хилоф иш тутдилар, ўз пайғамбарларига исён қилиш ва туяни сўйиш билан нафс-ларига зулм қилдилар. Биз пайғамбарларга мўъ-жи-заларни уларнинг ростгўйлигига далил келтириш ва қавмлари куфр ҳамда исён йўлини тутсалар, ёмон оқибатдан қўрқитиш-огоҳлантириш учун юборамиз.

Шамс сурасида ҳам ушбу қисса мўъжаз тарзда келтирилган:

«Самуд (қабиласи) ҳаддан ошганлари сабабли (ўз пайғам-барларини) ёлғончи қилишди. Эсланг, уларнинг орасидаги энг бадбахт кимса қўз-ғалганида,

¹⁵ "Тафсиру Ибн Касир", 6-жилд, 166-бет.

Аллоҳнинг пайғамбари уларга: «Аллоҳнинг туя-сидан ва уни суғоришдан (сақланинглари)!» деди. Бас, улар ёлғончи қилишиб, уни сўйиб юборган эдилар. Парвардигорлари уларнинг бу гуноҳлари сабабли устларига қирғин юбориб, уни баробар қилди. (Зотан, Аллоҳ таоло бу ишнинг) оқибати-дан кўркмас!» (Шамс, 11–15).

Яъни, Самуд қабиласи туғёнга кетганликлари сабабли биз-нинг пайғамбаримиз Солиҳ (алайҳиссалом)ни ёлғончи қилишди.

Ушбу қавмнинг энг бадбахт, энг золим кишиси бўлмиш Қад-дор ибн Солиф туяни ўлдиришга турганида Солиҳ (алайҳиссалом) уларга шундай дедилар: «Аллоҳ таоло менга мўъжиза қилиб берган бу туяни сўйишдан ва унинг белгиланган муддатда сув ичишига ҳалақит беришдан сақланинглари!»

Лекин улар Солиҳ (алайҳиссалом)нинг огоҳлантиришларига қарамай, у кишини ёлғончига чиқаришди ва туяни сўйиб юборишди. Натижада **«Парвардигорлари уларнинг бу гуноҳлари сабабли устларига қирғин юбориб, уни баробар қилди».**

Бас, огоҳ бўлингларки, **«(Аллоҳ таоло бу ишнинг) оқибатидан кўркмас!»**

Яъни, Аллоҳ таоло қилаётган ишининг оқибатидан кўркмай-ди, чунки Унинг барча иши ҳикматли, золимларга берган жазоси эса Унинг адолатидандир. У Зот қилаётган ишдан сўралмайди, чунки Ундан бошқа илоҳ ҳам, дунёни тасарруф этиб тургувчи ҳам йўқдир.

Баъзи уламолар: **«Оқибатидан кўркмас»** жумласини ўша бадбахт кимсага тегишли, деб айтганлар. Яъни, бу туяни ўлди-ришдан келадиган ёмон оқибатдан кўркмади, балки ўзининг жо-ҳиллиги, нодонлиги туфайли ушбу жиноятни амалга оширди.

Қамар сурасида Солиҳ (алайҳиссалом)нинг қиссалари таъсирли услубда хикоя қилинади. Аллоҳ таоло айтади:

«Самуд (қабиласи) огоҳлантиришларни ёлғон, деди. Бас, улар айтдилар: «Бизлар ўзимизнинг орамиздаги бир одамга эргашурмизми?! У ҳолда биз ҳақиқатан ҳам гумроҳлик ва аҳмоқлик-нодонликда бўлурмиз-ку? Бизларнинг орамиздан ана ўшанга эслатма ташланибдими?! Йўқ, у ҳаддан ошган ёлғончидир». Улар эртага ким ҳаддан ошган ёлғончи эканлигини билиб олажаклар. Албатта, Биз уларни имтиҳон қилиш учун бир туя юборгувчидирмиз. Бас, (Эй Солиҳ), сен кузатиб ва сабр қилиб туравергин! Ва сувнинг улар ўртасида тақсимлаб қўйилгани ва ҳар бир ичишга ҳозир бўлиши ҳақида уларга хабар бергин! Сўнг улар ўзларининг бир шерикларини чорлаган эдилар, у (қиличини) олдида, (туяни) сўйиб юборди. Бас, менинг азобим ва огоҳлантиришим қандок бўлди?! Дарвоқе, Биз уларнинг устига бир даҳшатли кичкирик юборган эдик, улар худди (қўйлар учун) қўра ясовчининг (қўрасидан тўкилган) хас-хашак каби бўлиб қолдилар. Дарҳақиқат, Биз Қуръонни зикр-эслатма олиш учун осон қилиб қўйдик. Бас, бирон эслатма-ибрат олгувчи борми?» (Қамар, 23–32).

«Самуд (қабиласи) огоҳлантиришларни ёлғон, деди».

Яъни, Самуд қабиласи Биз ўз пайғамбаримиз Солиҳ (алайҳиссалом) орқали уларни ёлғон оқибатдан, Қиёматда даҳшатли азобга йўлиқишдан огоҳлантирганимизда, улар имон келтирмай, ўша огоҳлантиришларни ёлғонга чиқаришди.

Келаси оятда қавм қандай ёлғонга чиқаргани ҳақида айтилади: **«Улар айтдилар: «Бизлар ўзимизнинг орамиздаги бир одамга эргашурмизми?!»**

Яъни, Солиҳ (алайҳиссалом) уларни Аллоҳ таолога ибодат қи-лишга буюриб, бут-санамларга сиғинишдан қайтарганларида, улар инкор ва ғурур билан дедилар: “Биз шу одам наслидан бўл-ган кишига эргашамизми, устига-устак у олиб келган янги дин ота-боболаримизнинг урф-одат ва эътиқодларига тескари-ку?”

Агар у келтирган нарсаларга эргашсак, **«У ҳолда биз ҳақиқа-тан ҳам гумроҳлик ва аҳмоқлик-нодонликда бўлурмиз-ку?»**

Яъни, «аҳмоқлик-нодонлик» деб таржима қилган сўз, Қуръон-нинг асл арабча матнида «суъур» шаклида берилган. Бу сўз «мажнунлик, телбалик» маъноларини англатади. Лекин кўпчилик бу-ни «қайнаб турган жаҳаннам олови» деб тушунтирадилар.

Сўнгра қавм Солиҳ (алайҳиссалом)нинг даъватлари нотўғри эканлигини исботламоқчи бўладилар: **«Бизларнинг орамиздан ана ўшанга эслатма ташланибдими?!»**

Яъни, Аллоҳ таоло бизларни четлаб ўтиб, фақат унга ваҳий нозил қилибдими? Йўқ, унга ҳеч қандай нарса тушмаган, балки **«У ҳаддан ошган ёлғончидир».**

Яъни, Солиҳ (алайҳиссалом) бизларни даъват қилаётганида ёлғон гапираяпти, у мутакаббир, бир ношукр бандадир, холос.

Солиҳ (алайҳиссалом) уларнинг назарича, ёлғончи, мағрур одам эдилар, шунинг учун у киши келтирган даъватларга бўй-сунишга ботина олмасдилар.

Аллоҳ таоло уларнинг бу даъватларига таҳдид маъносида шундай жавоб қилди: **«Улар эртага ким ҳаддан ошган ёлғончи эканлигини билиб олажаклар».**

Яъни, бу кофир ва ношукр бандалар яқин орада (ёки Қиёматда) ким ёлғончи, ким мағрур, кибрли эканлигини билиб оладилар. Солиҳ (алайҳиссалом)ми ёки уларми?

Сўнгра Аллоҳ таолонинг Солиҳ (алайҳиссалом)га нима амр қилганлиги ҳақида айтиб ўтилади:

«Албатта, Биз уларни имтиҳон қилиш учун бир туя юборгувчидирмиз. Бас, (Эй Солиҳ), сен кузатиб ва сабр қилиб ту-ра-вер-гин! Ва сувнинг улар ўртасида тақсимлаб қўйилгани ва ҳар бир ичишга ҳозир бўлиши ҳақида уларга хабар бергин!»

Яъни, қавм Солиҳ (алайҳиссалом)дан мўъжиза чиқаришини сўраганда, Биз унга шундай дедик: “Уларга хабар бергинки, дар-ҳақиқат, Биз уларга туяни юборгувчимиз, кўз ўнгиларида сенинг ростгўй пайғамбар эканлигингга далил сифатида уни чиқа-рурмиз, яна ушбу туяни юборишимиздан мақсад, уларни синовдан ўтказиш, танлаб олишдир. Шунда сен, улар имон келтирадиларми ёки ўз куфрларида қолиб кетадиларми, билиб оласан.

Ва яна уларга шуни хабар қилгинки, ушбу сув улар ва туя ўрта-сида тақсим қилинган. Маълум бир кун ундан туя ичади, бошқа бир кун эса қавминг ичади. Лекин улар бу тақсимотдан юз ўги-риб, уни қабул қилмадилар ва туяни ўлдириш фикрига тушдилар.

«Сўнг улар ўзларининг бир шерикларини чорлаган эдилар».

Яъни, Самуд қабиласи орасида энг золим, бадбахт ва му-такаб--бир кимса бўлган Қаддор ибн Солифни туяни ўлдиришга -чақир-дилар.

Бу ердаги «чорлов»дан мурод, Солиҳ (алайҳиссалом)га хилоф иш тутиш мақсадида туяни ўлдириш фикрини унга баён қилиш_дир. Бундан келиб чиқадики, туяни бир киши ўлдирган бўлса-да, бошқалар уни ўша ишга ундаб, қўллаб-қувватлаб турганлар.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло айтади: **«Бас, менинг азобим ва огоҳлантиришим қандоқ бўлди?!»**

Ушбу таъбир Самуд қабиласи Солиҳ (алайҳиссалом)ни ёлғон-чи қилгани ва туяни сўйиш билан Аллоҳнинг амрига хилоф иш қилгани сабабли уларнинг устига тушадиган азобнинг кучли ва даҳшатли эканлигига далолат қилади.

Яъни, қара ва эътибор бер, эй оқил инсон, Менинг ушбу қавм-га азоб беришим ва огоҳлантиришим қандоқ бўлди?

«Дарвоқе, Биз уларнинг устига бир даҳшатли қичқириқ юборган эдик, улар худди (қўйлар учун) қўра ясовчининг (қў-расидан тўкилган) хас-хашак каби бўлиб қолдилар».

Таржимада «хас-хашак» деб келтирилган сўз арабча матнда «хашим» тарзида ифодаланган. У қуриган дарахт ва ўт-май-са-лардан тўкилиб қолган хазон ёки хас маъносини билдиради.

«Қўра» сўзи «муҳтазир» шаклида келиб, ҳайвонларни чиқиб кетмаслиги учун ўраб қўйилган тўсиқ маъносини англатади.

Бу ўхшатишдан мақсад, Самуд қабиласининг устига юборилган азобнинг жуда даҳшатли бўлганлигидан дарак беради.

Самуд қабиласига юборилган азоб Худ сурасида даҳшатли қичқириқ эканлиги айтилган:

«Золим кимсаларни эса даҳшатли қичқириқ тутиб, гўёки у ерда ҳеч қачон яшамагандек, турган жойларида тўкилди-лар» (*Худ, 67*).

Бошқа бир сурада эса бу азоб зилзила эканлиги таъкидланган.

«Бас, уларни даҳшати зилзила тутиб, турган жойларида тўкилдилар» (*Аъроф, 78*).

Фуссилат сурасида бу азоб чакмоқдан иборат эканлиги ай-тилган:

«Бас, ўзлари қилгувчи бўлган нарсалари сабабли уларни хор қилгувчи азоб чакмоқ урди» (*Фуссилат, 17-оят*).

Бу таъбирлар бир-бирига зид эмас, балки маъноси яқин сўз-лардир, бу ҳам уларнинг мусибати оғир кечганлигига далолат қилади.

Гўё Аллоҳ (субҳонаҳу ва таоло) шундай деяётгандек: бу ёлғон-га чиқаргувчи қавмни аввал кучли қичқириқ тутди, у ўз қуввати билан ҳамма жойни ларзага келтирди, унинг кетидан чакмоқ чакди, улар қуриган хас-чўпга айланганларидан сўнг ер уларни ютиб ва улар азобга гирифтор бўлдилар. Сўнгра Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

«Дарҳақиқат, Биз Қуръонни зикр-эслатма олиш учун осон қилиб қўйдик. Бас, бирон эслатма-ибрат олгувчи борми?» (*Қамар, 32*).

Яъни, Биз Қуръонни зикр ва ёдлаш учун енгил қилиб қўй-дик, бас, унинг қиссалари, ваъдалари, ваъидлари, амр ва қайта-риқ-ларидан ибрат-насиҳат олгувчи борми? Бу оят-каримадан мурод: Қуръони каримни ёдлашга одамларни қизиқтириш, ундан ибрат-эслатма олишга ундаш ва унинг ҳикматли амр-лари, одоб-ахлоқлари ҳамда ҳидоятига амал қилишга даъват этишдир.

Юқорида ҳикоя қилиб ўтилганларнинг барчаси Қуръони каримда келган Солиҳ (алайҳиссалом) ва қавмларининг қиссала-ри эди.

*Солиҳ (алайҳиссалом) қиссасидан олинадиган
ибрат ва фойдалар*

Бу қиссани тааммул-тадаббур қилган одам ўзига кўплаб иб-рат ва насиҳатларни олиши мумкин. Уларнинг энг аҳамият-ли-ларини қуйида келтириб ўтаемиз:

1. Солиҳ (алайҳиссалом)нинг турли йўллар (тарғиб, тарҳиб) билан ўз қавмларини Аллоҳ таолога ибодат этишга даъват қилган-лари. У киши қавми азият етказиб, қаршилиқ кўрсатганида ҳам ҳеч ортга чекинмай, умидсизланмай ўз даъватларида давом этдилар. Аввало, Солиҳ (алайҳиссалом) уларга Аллоҳ таолонинг неъматларини эслатиб, шукр маъносида ихлос билан ибодат қилишга чақирдилар. Уни қуйидаги оятларда кўришимиз мумкин:

Солиҳ (алайҳиссалом) қавмига қарата айтадилар: **«Сизларни Од (қавми)дан кейин халифа қилиб қўйганини ва сизларга ернинг текисликларида қасрлар қуриб олишингиз, тоғлик жойларида бошпаналар йўниб олишингиз учун маскан берганини эслангиз! Бас, Аллоҳнинг неъматларини эслангиз ва ерда бузғунчилик қилиб санғиб юрмангиз!»** (*Аъроф, 74*).

Яна бошқа бир оятда шундай дейилади: **«Самуд (қабиласи)-га ўз биродарлари Солиҳни (пайғамбар қилдик). У айтди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. У сизларни ердан пайдо қилиб, сизларга унда умр берди. Бас, Ундан мағфират сўранглар ва Унга тавба-тазарру қилинглар! Албатта, Парвардигорим яқин ва (дуоларни) ижобат қилгувчидир»** (*Худ, 61*).

Учинчи бир ўринда Солиҳ (алайҳиссалом) шундай дейдилар: **«Эй қавмим, нега сизлар азоб сўраш билан яхшиликдан илга-ри ёмонликни шоширмоқдасиз?! Сизларга раҳм қилиниши учун Аллоҳдан мағфират сўрасангизлар бўлмасми?!»** (*Намл, 46*).

Аммо бу тарғиблар уларга фойда бермагач, энди Солиҳ (алай-ҳиссалом) тарҳиб йўлига, уларни агар куфр, исён ва хайратда кета-версалар ҳалокатга йўлиқишларидан огоҳлантиришга ўтади-лар: **«Ва ер юзида бузғунчилик қиладиган ва (ҳеч нарсани) ўнглай олмайдиган, ҳаддан ошувчи кимсаларнинг амрига итоат этманг!»** (*Шуаро, 151–152*).

Бошқа оятда шундай дейдилар: **«Яна у (туя)га бирон ёмонлик етказмангларки, у ҳолда сизларни улуғ куннинг азоби ушлар»** (*Шуаро, 156*).

ИБРОҲИМ (АЛАЙҲИССАЛОМ) ҚИССАСИ

Иброҳим (алайҳиссалом) тўғрисидаги қисса Қуръони каримнинг кўпгина сураларида, жумладан, Бақара, Оли Имрон, Анъом, Тавба, Худ, Иброҳим, Ҳижр, Наҳл, Марям, Анбиё, Ҳаж, Шуаро, Анкабут, Соффот, Зухруф, Зориёт ва бошқа сураларда ҳикоя қилинади.

Иброҳим (алайҳиссалом)нинг исмлари Қуръони каримнинг етмишга яқин жойида зикр қилинади.

Иброҳим (алайҳиссалом)нинг насаблари Нух (алайҳиссалом)га бориб тақалади. Ибн Касир «Ал-Бидоя ван-ниҳоя» номли китоб-ларининг биринчи жилди, 15-саҳифасида уни қуйидагича келтирадилар: Иброҳим ибн Тасаруҳ ибн Ноҳуд ибн Соруғ ибн Роъав ибн Фолиғ ибн Обир ... ибн Сом ибн Нух (алайҳиссалом).

Нух (алайҳиссалом) билан Иброҳим (алайҳиссалом) ўртала-ри-даги муддат 3000 йилдан зиёдрокни ташкил этади.

Иброҳим (алайҳиссалом) Ироқнинг Бобил ерида дунёга келганлар. Ибн Касир айтадилар: Ибн Асокир Икримадан ривоят қи-ладилар: Иброҳим (алайҳиссалом)нинг кунялари «Абу Зойфан» («Меҳмонлар отаси») эди.

Айтишадики: оталари Тасорухнинг ёши эллик еттига кирганда Иброҳим, Нохур ва Ҳорон исмли ўғил кўради. Буларнинг орасида Иброҳим (алайҳиссалом) ўртанчаси эдилар. Тасорухнинг Ҳорон исмли ўғлидан Лут (алайҳиссалом) дунёга келдилар. Ҳорон отаси ҳаётлик чоғида Калдон ерида вафот этади. Бу сийрат аҳ-ли ва та-рихчилар наздида энг машҳур, саҳиҳ хабар ҳисобланади. Баъзи манбаларда Иброҳим (алайҳиссалом) Дамашқнинг Ғута водийсида туғилганликлари айтилган. Сўнгра Иброҳим ўз ота-лари билан Калдондан Канъон¹⁶га ҳижрат қиладилар. Шундан кейин Ҳоронда кўним топадилар, у ерда Ҳорон подшоҳининг кизи Сорага уйла-надилар. Бу қавм юлдузларга сиғинар эди.

Иброҳим (алайҳиссалом) яна Бобил ерига бут-санамларга ибо-дат қилувчи қавмларини Аллоҳ таолога ихлос билан ибодат қи-лишга чақириб учун қайтиб келадилар. Бу ерда ўз қавмлари ва мағрур, ношукр подшоҳ билан баҳс-мунозаралар бўлиб ўтади.

Шундан сўнг укаларининг ўғли Лут (алайҳиссалом) билан Шом ўлкасига, у ерда курғоқчилик ва қаҳатчилик бошлангач, Мисрга рихлат қиладилар. Мисрда Иброҳим (алайҳиссалом) ўз аёллари билан Аллоҳ хоҳлаган муддатгача тургач, Фаластинга қайтиб кетадилар.

Ибн Касир айтадилар: «Сўнгра Иброҳим Халилуллоҳ (алайҳис-салом) Мисрдан Таймунга йўл оладилар. У ерда Иброҳим (алай-ҳиссалом)нинг чорва, қул-чўри ва кўпгина мол-давлати бор эди. Миср подшоҳи Сорага мисрлик қибтийя Ҳожарни ҳадя қилиб беради. Ҳожар уларга ҳамроҳ бўладилар. Иброҳим (алайҳиссалом) Ҳожарни ўз никоҳларига олиб, ундан Исмоил исмли ўғил фарзанд кўрадилар ва Иброҳим Ҳожар билан Маккаи мукаррамага ҳижрат қиладилар. Бир қанча вақт ўтгач, Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)га бир масжид куришни амр этади. Бу ишда ўғил-лари Исмоил ҳам қатнашади, Иброҳим (алайҳиссалом) Фаластиннинг «Ҳибрун» деган жойида вафот этадилар. Иброҳим (алай-ҳис-салом) ўғиллари Исҳоқ (алайҳиссалом) ва набиралари Якуб (алайҳиссаломлар)нинг қабри Ҳибрунда жойлашган бў-либ, ҳозирги кунда у «Ал-Халил» номи билан маълум. Бу ном умматдан-умматга, авлоддан-авлодга ўтиб, Бани Исроил замонидан бошлаб бизнинг давримизгача шундай аталиб келинади. Иброҳим (алайҳиссалом)нинг қабрлари Ҳибрунда эканлиги рост, лекин аниқ қаерда эканлиги ҳақида ҳеч қандай саҳиҳ хабар мавжуд эмас...».¹⁷

Юқорида келтириб ўтилганлар Иброҳим (алайҳиссалом) ҳаёт-ларининг бир томони, холос, уни тарихчилар ўз китобларида зикр қилиб ўтганлар, аммо Қуръони каримда бу ҳақида ўта ҳикматли ва муфассал тарзда ҳикоя қилинади. Аллоҳ таолонинг изни билан уни тафсир қилишга ўтамиз. Аввало, Анъом сурасида келтирилганлардан бошлаймиз. Аллоҳ таоло айтади:

¹⁶ (Канъон юрти Байтул Мақдис, Арабистон яриморли ва Шом (Сурия) мамлакатларини ўз ичига олган эди. – Таржимон).

¹⁷ «Ал-Бидоя ван-ниҳоя», 1-жилд, 152–190-бетлар.

«Эсланг, Иброҳим отаси Озарга: «Сен бутларни худо қилиб оласанми? Мен сени ва қавмингни очик залолатда деб биламан», деган эди. Шундай қилиб Биз Иброҳимга аниқ ишонувчилардан бўлиб қолиши учун осмонлар ва ер мамлакат-ларини кўрсатурмиз. Бас, қачонки уни тун ўраб олганида юлдузни кўриб: «Мана шу Парвардигорим», деди. У ботиб кетгач: «Ботиб кетгувчиларни суймайман», деди. Сўнг қачонки чиқаётган ойни кўргач: «Мана шу Парвардигорим», деди. У ҳам ботиб кетгач: «Қасамки, агар Парвардигоримнинг Ўзи мени ҳидоят қилмаса, йўлдан озган қавмдан бўлиб қолурман», деди. Сўнг қачонки чиқаётган қуёшни кўргач: «Мана шу Парвардигорим. Мана шу каттароқ-ку!», деди. У ҳам ботиб кетгач: «Эй қавмим, мен сизларнинг ширкингиздан покман. Мен Ҳақ йўлга мо-йил бўлган ҳолимда юзимни осмонлар ва ерни яратган Зотга қаратдим ва мен мушрик-лардан эмасман», деди. Қавми у билан тортишган эди: «Мен билан Аллоҳ хусусида тортишасизми?! Ахир Унинг Ўзи мени ҳидоят қилган-ку?! Мен сизлар Аллоҳга шерик қилган (бутларингиздан) кўркмайман. Магар Парвардигорим хоҳлаган нарсагина (бўлур). Парвардигорим барча нарсани Ўз илми билан қамраб олгандир. Эслатма-ибрат олмайсизларми?!», деди. «Сизларга бирон ҳужжат туширмаган ҳолда Аллоҳга шерик қилишдан кўркмайсиз-у, мен сизлар Аллоҳга шерик қилиб олган бутларингиздан қандай кўркай?! Агар билсаларингиз, қайси гуруҳ хотиржам бўлишга ҳақлироқ?». Имон келтирган ва ўз имонларини зулм билан аралаштирмаган зотлар – ана ўшалар учун хотиржамлик бордир ва ўшалар ҳидоят топ-гувчилардир» (*Анъом*, 74–82).

Маъноси: эй оқил, ўзингга ваъз-насиҳат олиш учун Иброҳим (алайҳиссалом) ўз отаси Озарни бут-санамларга ибодат қилишдан қайтариб: “Сени ва барча жонзотларни яратган Аллоҳни қўйиб шу бутларни ўзингга илоҳ қилиб, уларга сиғинасанми”, деганини эсла!

Мен сени ва сен каби бутларга ибодат қилаётган қавмингни очик залолатда ва тўғри йўлдан адашганларини кўрмоқдаман.

Алусий (раҳмутуллоҳи алайҳ) айтадилар: "Иброҳим (алай-ҳиссалом)нинг отаси Озар Куфа атрофидаги қишлоқларнинг бирида туғил-ган. «Озар» сўзи Иброҳим (алайҳиссалом) отаси-нинг лақаби бўлиб, ҳақиқий исми «Торух»дир. Айтиладики, у бобосининг исми, яна бошқа манбаларда амакисининг исми эканлиги таъкидланган".¹⁸

Аллоҳ (субҳонаҳу ва таоло) уларнинг залолатини очик, рав-шан, дея васф қилмоқда. Бундан мақсад – уларнинг ақлсизлиги жуда юқори даражада бўлганлигини ифодалаш эди. Улар сиғи-наётган бут-санамлар бекор-ботил нарса эканлиги тўғри-сида ўйлаб ҳам кўрмас эдилар, гарчи уларнинг ботил эканлигига ҳужжат-далиллар келтирилган бўлса ҳам.

Сўнгра Аллоҳ таоло ўз халили Иброҳим (алайҳиссалом)га баъзи бир зоҳирий неъматларни баён қилади:

«Шундай қилиб Биз Иброҳимга аниқ ишонувчилардан бўлиб қолиши учун осмонлар ва ер мамлакатларини кўрса-турмиз».

¹⁸ "Тафсирул Алусий", 7-жилд, 149-бет.

Яъни, биз отаси ва қавмини ботил эътиқодда эканлигини кўр-сатганимиз каби имони янада зиёда бўлишини, мукаммал олимлардан бўлишини, Ҳақ йўлда бирор шубҳага бормаслиги ва унинг хилофи ботил эканлигини билдириш учун Иброҳимга зоҳи-рий қудратимизни, осмонлар ва ерда аниқ кўзга ташланиб турган ҳа-қиқатларни кўрсатамиз.

Шундан сўнг бунинг натижаси баён қилинади: **«Бас, қачонки уни тун ўраб олганида юлдузни кўриб: «Мана шу Парвардигорим», деди. У ботиб кетгач: «Ботиб кетгувчиларни суй-майман», деди».**

Яъни, Иброҳим тун ўз зулмати ила ўраб олганида уфқдан бир юлдузни кўриб, юлдуз ва бут-санамларга сиғинаётган мушрик-ларнинг даъвосини синдириш мақсадида: «Бу юлдуз менинг Раббимдир», деди. Ўша юлдуз кўздан ғойиб бўлиб, ботиб кетгач: “Бир жойдан бошқа жойга ва ҳолатга ўзгарувчи парвардигорларга ибодат қилишни хоҳламайман”, деди. Чунки ботиш – ғойиб бўлиш ва узоклашиш эди, ҳақиқий илоҳ доим бандаларини кузатиб, уларнинг ишини тадбир қилиб туриши лозимдир. Сўнгра Иброҳим (алайҳиссалом)нинг Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига исбот сифа-тида келтирган иккинчи далиллари айтилади:

«Сўнг қачонки чиқаётган ойни кўргач: «Мана шу Парвар-дигорим», деди. У ҳам ботиб кетгач: «Қасамки, агар Парвар-дигоримнинг Ўзи мени ҳидоят қилмаса, йўлдан озган қавм-дан бўлиб қолурман», деди».

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом) чиқиб келаётган ойни кўриб, унинг нурлари уфқ орқасида таралгач: «Бу менинг Раббимдир», де-ди, қачонки ой худди юлдуз каби кўздан ғойиб бўлган-да, атрофи-даги одамлар ва қавмига эшиттириб шундай деди: “Агар Пар-вар-дигорим мени Ўзи рози бўладиган Ҳақиқат томон ҳидоят қил-маса, у холда тўғри йўлдан адашгувчи қавмдан бўлиб қолишим аниқ-дир, чунки бу кўздан йўқолган ой ҳам илоҳ бўлишга ярамайди”.

Иброҳим (алайҳиссалом)нинг ўз қавмларига қилган бу хитоби, ҳақиқий илоҳ Аллоҳ эканлигини билдириш ва ёлғиз, шериксиз эканлигини ҳамда юлдуз, ой илоҳ қилиб олишга муносиб эмаслигини таъкидлаш эди. Шу ҳолатда Иброҳим (алайҳиссалом) юлдуз ва ойдан бошқа ўзларининг ягона Парвардигорлари бор-лигини қаттиқ туриб уқтирдилар.

«Йўлдан озган қавмдан бўлиб қолурман», деб айтишлари қавмнинг залолатда эканлигига далолат қилади. Сўнгра учинчи ва охириги ҳолат баён қилинади, унда Иброҳим (алайҳиссалом) ширкнинг ботил эътиқод эканлигига далил келтириб ўтадилар:

«Сўнг қачонки чиқаётган қуёшни кўргач: «Мана шу Парвардигорим. Мана шу катгароқ-ку!», деди. У ҳам ботиб кетгач: «Эй қавмим, мен сизларнинг ширкингиздан покман», деди».

Яъни, Иброҳим қуёш чиқиб, унинг зиёси уфқ узра ёйилгач, унга ишора қилиб, «Мана шу Парвардигорим», деди, бу юлдузларнинг энг каттаси, зиёси ҳам кўп экан! У ҳам уфқ ортига чекингач, Иброҳим қавмига ўзи эришишни хоҳлаётган бир ҳолатни баён қилди, у ҳам бўлса Аллоҳ (азза ва жалла)дан бошқа барча ширк қилинаётган маъбудлардан пок эканлигини билдириш эди.

«Мен Ҳақ йўлга мойил бўлган ҳолимда юзимни осмон-лар ва ерни яратган Зотга қаратдим ва мен мушриклардан эмасман».

Яъни, мен юзимни ва қалбимни Аллоҳ таолонинг ибодати ва муҳаббатига қаратдим. У Зот бутун осмонлар ва ерни халқ қил-ди. У улуғликда ва буюкликда

тенгсиздир. Шу сабаб мен ботил эътиқодлардан юз ўгириб, Ҳақ динга мойил бўлдим ҳамда мен Аллоҳ таолога бошқа илоҳларни шерик қиладиганлардан эмасман!

Шундай қилиб, Иброҳим (алайҳиссалом) ёлғиз Аллоҳ таоло-нинг Ўзи ибодат қилишга мустаҳиқ эканлигига кучли ва рад қи-либ бўлмас бир далил келтирдилар.

Энди Иброҳим (алайҳиссалом) ва қавмлари ўртасида кечган баҳс-мунозара ҳақида баён қилинади:

«Қавм у билан тортишган эди: «Мен билан Аллоҳ хусусида тортишасизми?! Ахир Унинг Ўзи мени ҳидоят қилган-ку?! Мен сизлар Аллоҳга шерик қилган (бутларингиздан) кўркмайман. Магар Парвардигорим хоҳлаган нарсагина (бўлур). Парвардигорим барча нарсани Ўз илми билан қамраб олгандир. Эслатма-ибрат олмайсизларми?!», деди».

Маъноси: қавм Иброҳим (алайҳиссалом) билан баҳслашди, тортишди, баъзида фосид далиллар келтириш билан, баъзида эса кўрқитиш-тахдид билан мунозара қилди. Иброҳим (алайҳис-салом) эса, уларга бир савол билан жавоб қайтариб қўя қолдилар: **«Мен билан Аллоҳ хусусида тортишасизми?! Ахир Унинг Ўзи мени ҳидоят қилган-ку?!»**

Яъни, мен билан Аллоҳ таолонинг шаъни ҳақида мужодада қиласизми, ваҳоланки У мени Ҳақ динга ва Унинг Ўзи ибодатга мус-таҳиқ эканлигига далил келтиришим учун ҳидоят қилди-ку?

Бу савол қавмнинг ботил эътиқодини инкор қилиш ва маломат маъносида эди.

«Мен сизлар Аллоҳга шерик қилган (бутларингиздан) кўрк-майман. Магар Парвардигорим хоҳлаган нарсагина (бўлур). Парвардигорим барча нарсани Ўз илми билан қамраб олгандир. Эслатма-ибрат олмайсизларми?!»

Яъни, мен сизлар сиғинаётган маъбудларингиздан сира кўрк-майман, чунки улар оддий жонсиз нарсалар бўлиб, бирон зарар ёки манфаат етказа олмайдилар ҳамда ҳеч нарсани кўрмайди ва эшитмайди ҳам. Улар сизларга яқин ҳам бўлмайди ва ўз шафоатига ололмайди. Қавм Иброҳим (алайҳиссалом)га бут-санамларга тегишдан кўрқитиб, худди Од қабиласи Ҳуд (алайҳиссалом)га айтган қуйидаги сўзларни унга ҳам айтган бўлиши эҳтимолдан холи эмас:

«Бизлар фақат: «Сени худоларимиздан бири, бир бало қи-либ қўйган», деймиз, холос» (Ҳуд, 54).

Шундай қилиб, Иброҳим (алайҳиссалом) уларнинг «илоҳ»лари ботил эканлиги таъкидловчи кучли ҳужжатларни келтирдилар. Лекин **«Парвардигорим хоҳлаган нарсагина (бўлур)»**, дедилар. Бу аввалги гапга истисно сифатида келмоқда.

Яъни, мен сизларнинг маъбудларингиздан ҳар вақт чўчимай-ман, илло Парвардигорим улар томонидан бирон мусибат етишини хоҳласа, унда менга шикаст етар. Бу Раббимнинг қудрати ва иродасидир, сизларнинг бут-санамларингизнинг эмас.

Ушбу жумлалар Иброҳим (алайҳиссалом)нинг Ўз Раббиси билан ўта юқори одоб билан муомала қилишлари, Унинг иродаси олдида чиройли таслим бўлишларига далолат қилади. Ваҳолан-ки, у киши ўз Холиқларига ҳақиқий имон келтирувчи ва қавм «илоҳ» деб даъво қилаётган нарсаларга тўла куфр келтирувчи эдилар. Фақатгина Иброҳим (алайҳиссалом) ўзларининг барча ишларини Аллоҳ таолонинг иродасига ва Унинг келажакда нимани хоҳлашига ҳавола қилдилар, холос.

«Парвардигорим барча нарсани Ўз илми билан қамраб олгандир».

Яъни, мен Унинг бандасиман ва У хоҳлаган бандасига зарар ёки фойда етишини яхши билгувчидир. Бас, шундай экан, «**Эслатма – ибрат олмайсизларми?!**» Бу уларни фикр қилишга ундаш ва ғафлат ҳамда жаҳолатда эканликлари сабабли уларни маломат қилишдир.

Яъни, эй ғофиллар, сизларга Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзи ибодатга мустаҳиқ Зот эканлигига далил келгач ва сизлар ибодат қи-лаётган илоҳлар, ҳаттоки ўзларига ҳам зарар ва манфаат етказа олмаслиги равшан бўлгач ҳам зикр-эслатма олиб, булар ҳақида ўй-лаб кўришдан юз ўгирасизми?! Сўнгра Иброҳим (алайҳиссалом) қавмининг устидан истехзо қилиб, улардан ажаб-ланадилар, чунки улар Иброҳим (алайҳиссалом) ҳеч чўчимай-диган нарсалар билан у кишини кўрқитмоқчи эдилар: **«Сизларга бирон ҳужжат туширмаган ҳолда Аллоҳга шерик қилишдан кўркмайсиз-у, мен сизлар Аллоҳга шерик қилиб олган бутларингиздан қандай кўркай?!»**

Яъни, сизлар мени ботил маъбудларингиздан кўрқаяпти, деб ўйламанглар. Улар кўрқишга арзимаиди. Ўз навбатида сизлар Холиқингиз Аллоҳга ширк келтиришдан кўркмайсизлар, сизларда бунинг учун ақл ҳам тасдиқлайдиган ҳужжат-далил ҳам йўқ!

Иброҳим (алайҳиссалом) бу билан ўзларини тинч-хотиржам эканликлари ва қавмлари агар Аллоҳга куфр, ширк келтиришда давом этсалар муҳаққақ ҳалокатга дучор бўлишларини айтиб ўт-моқдалар. Сўнгра ушбу инкор маъносидаги гапнинг натижаси тилга олинади: **«Агар билсаларингиз, қайси гуруҳ хотиржам бўлишга ҳақлироқ?»**

Яъни, қайси гуруҳ хотиржамлик ва тинч-омонликка муно-сиброқ? Аллоҳ таолони ёлғиз, деб эътиқод қилув-чилар гуруҳи-ми ёки мушриклар гуруҳими? Агар билсаларингиз ва ақли салим ҳамда тўғри илмга эга бўлсаларингиз, менга шу ҳақида хабар беринг, сўнг уни далил ва ҳужжат билан исботланглар! Агар уларда ақл бўлганида ёки эшитиб фикр қилганларида ҳақиқатни тан олган ва бунга ижобат қилган бўлардилар.

Сўнгра Аллоҳ таолонинг Ўзи хотиржамликка қайси гуруҳ ҳақ-лироқ эканини баён қилади: **«Имон келтирган ва ўз имонларини зулм билан аралаштирмаган зотлар – ана ўшалар учун хотиржамлик бордир ва ўшалар ҳидоят топгувчилардир».**

Яъни, имон келтириб, сўнг мушриклар¹⁹ каби имонларига биронта ҳам ширкни аралаштирмаган зотлар ҳақиқий, содиқ мў-минлардир. Улар Холиқлари тарафидан бўладиган хотиржам-ликка лойиқдирлар ва Ҳақиқат йўлини топгувчилардир.

Ушбу оятда келган «зулм»дан мурод «ширк»дир. Бунга кўп-гина саҳиҳ ҳадисларда далиллар мавжуд. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтадилар: Ушбу оят нозил бўлганда саҳоба-лар: «Қайси биримиз ўз нафсига зулм қилмаганмиз?» дейишди. Шунда қуйидаги оят нозил бўлди:

«Ширк келтириш катта зулмдир» (Луқмон, 13) (Бухорий ва Муслим ривояти).

Шунингдек, Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: қачонки, **«Имон келтирган ва ўз имонларини зулм билан аралаштирмаган зотлар...»** ояти нозил бўлганда, бу одам-ларга оғирлик қилди ва: "Эй Расулуллоҳ, қайси биримиз ўз

¹⁹ Мушриклар бут-санамларга сиғинар, уларни ўзлари ва Холиқлари ўртасидаги восита деб, эътиқод қилардилар, бут-санамлар орқали биз Унга яқинлашамиз, дердилар.

нафсимизга зулм қилмаганмиз?", дедилар. Сўнгра Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Бу ердаги (зулм) сизлар тушунаётган маънода эмас, солиҳ банданима деганини эшитмаганмисизлар? **«Ширк келтириш катта зулмдир».** У ширкдир» (*Имом Аҳмад ривояти*).

Ушбу ояти карималарни тадаббур қилган одам Иброҳим (алайҳиссалом)нинг кучли имон соҳиби эканликларини, салим ақл эгаси бўлганликларини ва Аллоҳ таолонинг Ўзи ибодат қи-лишга лойиқ Зот эканлигига хужжат-далил келтиришдаги ма-ҳоратларини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Энди Марям сурасида келтирилган қиссани кўриб чиқамиз. Унда Иброҳим (алайҳиссалом) ўз оталарига даъват қилиб ўтади-лар. Қисса Аллоҳ таолонинг куйидаги каломи билан бошланади:

«Ушбу китобда Иброҳимни зикр қилинг. Дарҳақиқат, у жуда ростгўй пайғамбар эди. Эсланг, у отасига: «Эй ота, нега сен эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сенга бирон нарсада ас-қотмайдиган бутга ибодат қилурсан? Эй ота, дарҳақиқат, менга сенга келмаган илм-маърифат келди. Бас, сен менга эргашгин, сени Ҳақ йўлга ҳидоят қилурман. Эй ота, сен шайтонга ибодат қилмагин! Чунки шайтон Раҳмонга осий бўлгандир. Эй ота, ҳақиқатан мен Раҳмон томонидан азоб етиб, шайтонга дўст-яқин бўлиб қолишингдан кўрқурман», деганида, (ота-си) айтди: «Сен менинг худоларимдан юз ўгирувчимисан, эй Иброҳим?! Қасамки, агар сен тўхтамасанг, албатта, сени тошбўрон қилурман ва мени узоқ вақтга тарк эт!» (Иброҳим) деди: «Сенга омонлик бўлсин. Энди мен Парвардигоримдан сени мағфират қилишини сўрарман. Шак-шубҳасиз, У менга меҳрибон бўлган Зотдир. Мен сизлардан ҳам, сизлар Аллоҳни қўйиб илтижо қилаётганингиздан ҳам четланурман ва Парвардигоримга илтижо қилурман. Шояд Парвардигоримга ил-тижо қилганим шарофатидан бадбахт бўлиб қолмасман, деб умид қилурман». Бас, қачонки (Иброҳим) улардан ва улар Аллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларидан четлашгач, Биз унга Исҳоқ ва Яъқубни ҳадя этдик ва барчаларини пайғамбар қилдик. Шунингдек, уларга ўз фазлу марҳаматимиздан инъом этдик ва улар учун рост, юксак мақтовларни қилдик» (*Мар-ям, 41–50*).

Яъни, эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Иброҳим (алайҳиссалом) қиссасини унинг гўзал ахлоқи, кучли имони ва Аллоҳга аниқ ишониш каби фазилатларидан ўрнак олишлари учун одамларга эслатинг.

«Дарҳақиқат, у жуда ростгўй пайғамбар эди».

Бу Иброҳим (алайҳиссалом)нинг шаънларига айтилган сўз-дир. «Сиддик» лафзи «сидқ»нинг кучайтирув ва муболаға шакли ҳисобланади.

Яъни, у ҳар бир гапи ва амалида ростгўйлик билан иш ту-тувчи эди, шунингдек, у қатъиятли пайғамбарлардан ҳам эди. Уш-бу фазилат билан Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)ни бошқа пай-ғамбарлардан афзал қилиб қўйди.

Сўнгра Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)нинг Ҳақ йўлга даъват қилишдаги сидқ ва ихлосларини баён қилиб ўтади: **«Эй ота, нега сен эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сенга бирон нарсада асқотмайдиган бутга ибодат қилурсан?».**

Бу ерда Иброҳим (алайҳиссалом) ўз оталарига ҳурмат маъно-сида ва унинг қалбини Ҳаққа бир оз бўлса ҳам мойил қилиш мақ-садида унинг исмини зикр қилмай мурожаат қилмоқдалар.

Яъни, Иброҳим мулойимлик билан ўз оталарига шундай дедилар: “Эй ота, нега сен, агар чақирсанг эшитмайдиган, унинг ол-дида турсанг сени кўрмайдиган нарсага ибодат қиласан?”

«Эй ота, дарҳақиқат, менга сенга келмаган илм-маърифат келди. Бас, сен менга эргашгин, сени Ҳақ йўлга ҳидоят қи-лурман».

Яъни, эй ота, менга Аллоҳ таоло тарафидан сенга келмаган манфаатли илм келди. Бу Аллоҳнинг фазли бўлиб, уни хоҳлаган бандасига беради. Бас, сени даъват қилаётган нарсаларга эргашгин, шунда тўғри йўлда қоим бўласан.

Сўнгра уни шайтонга қуллик қилишдан қайтардилар. Чунки бу жоҳиллик белгисидир.

«Эй ота, сен шайтонга ибодат қилмагин».

Яъни, бу бут-санамларга ибодат қилишинг шайтонга тоат ва ибодат қилишинг, унга бўйин эгишингдир, ваҳоланки шайтон инсонга очиқ душмандир.

Шунингдек, **«шайтон Раҳмонга осий бўлгандир».**

Яъни, сени бу бутларга ибодат қилишга ундаш сабабли шайтон Аллоҳ таолога кўпгина исён қилди, шайтон ҳеч қачон инсонлар-ни яхшиликка чақирмаган, аксинча ёмонликка ундаб келгандир.

Ушбу мурожаат Иброҳим (алайҳиссалом)нинг ўз оталарига меҳр-шафқатлари кучли эканлигини англатувчи сўзлар билан яқунланади.

«Эй ота, ҳақиқатан, мен сенга Раҳмон томонидан азоб етиб, шайтонга дўст-яқин бўлиб қолишингдан қўрқурман».

Яъни, эй ота, Аллоҳ таолодан бошқага ибодат қилишни қаттиқ ушлаганинг сабабли Раҳмон томонидан азоб тушишидан ва жа-ҳаннамда шайтонга яқин дўст бўлиб қолишингдан қўрқаман. Лекин бу ҳикматли насиҳатларни отаси ижобий қабул қилмади, балки инкор ва таҳдид билан жавоб қайтарди. Кофир ота мўмин ўғлига деди: **«Сен менинг худоларимдан юз ўгирувчимисан, эй Иброҳим?!»**

Яъни, эй Иброҳим, сен менинг илоҳларимни тарк қиласанми, уларни ёмон кўрасанми ёки одамларни уларга ибодат қилишдан қайтарасанми?

Агар сен бу йўлингдан **«Тўхтамасанг, албатта, сени тошбў-рон қилурман ва мени узоқ вақтга тарк эт!»**

Яъни, менинг кўзимга узоқ вақт кўринма, чунки мен сени кў-ришни хоҳламайман.

Шундай қилиб, кофир ота ўз ўғлига кўполлик ва таҳдид ҳамда жаҳолат билан муносабатда бўлди, чунки куфр иллоти унинг қал-бини эгаллаб олиб, фасод қилган эди.

Лекин бунга жавобан Иброҳим (алайҳиссалом) қўрқитиш ёки ғазаб билан эмас, балки кенг қалб билан чиройли тарзда жавоб бердилар:

«Сенга омонлик бўлсин, энди мен Парвардигоримдан се-ни мағфират қилишини сўрайман. Шак-шубҳасиз, У менга меҳрибон бўлган Зотдир».

Яъни, эй ота, мендан сенга омонлик бўлсин, мен сенга ҳеч қан-дай шикаст етказмайман, жанжаллашиб ҳам ўтирмайман, сен менга ёмонлик қилсанг ҳам кечириб юбораман ва Раббимдан сенинг ҳақингга истиғфор сўрайман. Зеро, У менга меҳрибон Зотдир.

Иброҳим (алайҳиссалом) ушбу ваъдаларининг устидан чиқиб, ўз оталарининг ҳақиқа истиғфор сўрашда давом этдилар, қачонки оталари Озар Аллоҳ таолонинг душмани эканлиги ойдинлашгач, бу ишдан тўхтадилар. Бунга қуйидаги оят ҳам далолат қилади:

«Иброҳимнинг ўз отаси учун мағфират сўраши фақат унга берган ваъдаси сабабли эди. Энди қачонки унга (отаси) Аллоҳнинг душмани эканлиги аниқ-маълум бўлгач, ундан бутунлай тонди. Албатта, Иброҳим кўнгилчан ва ҳалимдир» (Тавба, 114).

Шундан кейин Иброҳим (алайҳиссалом) оталари ва қавми-нинг куфр ҳамда залолатда давом этишларини кўргач, улардан узоқ-лашишга қарор қилдилар.

«Мен сизлардан ҳам, сизлар Аллоҳни қўйиб илтижо қила-ётганингиздан ҳам четланурман ва Парвардигоримга илтижо қилурман. Шояд Парвардигорим илтижо қилганим шарофатидан бадбахт бўлиб қолмасман, деб умид қилурман».

Яъни, мен сени, қавмингни ва сизлар Аллоҳдан бошқага сиғи-наётган санамларингизни ҳам тарк этиб, Аллоҳнинг кенг ерига рихлат қиламан. Ва ўз Холиқимга ибодат, тоат ва дуода бардавом бўламан. Шояд У менинг дуо-тазарруларимни зое кетказмаса (қабул қилса).

Шундан сўнг ширк аҳлидан узоқлашишнинг натижаси айтилиб, унинг яхшилик ва баракага сабаб бўлгани баён қилинади. **«Бас, қачонки (Иброҳим) улардан ва улар Аллоҳни қўйиб сиғи-наётган бутларидан четлангач, Биз унга Исҳоқ ва Яъқубни ҳадя этдик ва барчаларини пайғамбар қилдик. Шунингдек, уларга ўз фазлу марҳаматимиздан инъом этдик ва улар учун рост, юксак мақтовларни қилдик».**

Ушбу оятда кўришимиз мумкинки, мушрикларнинг ширки ва фосиқларнинг фиску фужуридан узоқ бўлиш дунёю Охиратда бахт-саодат келтирар экан, чунки буни Аллоҳ (субҳонаҳу ва таоло)-нинг ҳикмати тақозо этади. У зот яхши амал қилгувчиларнинг ажрини зое қилмайди.

Ушбу маънони янада таъкидлаб, изоҳлаб келадиган ояти ка-рималарни Анбиё сурасида кўришимиз мумкин. Аллоҳ таоло ай-тади:

«Дарҳақиқат, Биз илгари Иброҳимга Ҳақ йўлини ато этдик. Биз уни билган эдик. Ўшанда (Иброҳим) отаси ва қавмига: «Сизлар доимо чўкинадиган бу хайкаллар нимадир?», деганида, Улар айтдилар: «Бизлар ота-боболаримизни ҳам уларга сиғинган ҳолда топганмиз». У деди: «Дарҳақиқат, сизлар ҳам, ота-боболарингиз ҳам очиқ залолатда экансизлар». Улар айтдилар: «Келтирганинг ростми ёки сен ҳазил қилувчиларданмисан?» У деди: «Йўқ, сизларнинг Парвар-дигори-нгиз осмонлар ва ернинг Парвардигорики, У зот уларни Ўзи яратгандир. Мен бунга гувоҳлик бергувчиларданман. Аллоҳ номига қасамки, сизлар кетганларингиздан кейин бутларингизни бир бало қилурман». Бас, у (бутларни) парча-парча қилди. Фақат, «Шояд каттасига қайтсалар» (деб), ўшанигина (қолдирди). Улар: «Бизнинг худоларимизни ким бундай қилди? Шубҳасиз, у золим кимсалардандир», дедилар. Улар айтишди: «(Худоларимизни) айблаб юрадиган Иброҳим деган бир йигитни эшитгандик». «Уни одамлар қошига келтирингиз! Улар гувоҳ бўлсинлар», дейишди. (Уни келтиришгач.): «Худоларимизни сен шу (ҳолга) солдингми, эй Иброҳим?», дейишди. (Иброҳим) айтди: «Йўқ, бу ишни уларнинг каттаси – мана бу қилди. Бас, сўранглар, агар гапира оладиган бўлсалар. Бас, (мушриклар) ўзларига келиб, (бир-бир-ларига): «Сизлар ўзингиз золимларсиз», дедилар. Сўнгра эса яна бошлари айланиб: «Сен уларнинг гапирмаслик-ларини яхши билардинг-ку?!», дейишди. (Иброҳим) айтди: «Ахир Аллоҳни қўйиб, сизларга бирон фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган нарсаларга сиғинасизларми?! Сизларга ҳам, Аллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларингизга ҳам суф! Ахир ақл юргизмайсизларми?!» (Шунда

мушриклар) дедилар: «Уни ёқиб юборинглар! Агар уддалай олсанглар ўз худоларингизга ёрдам қилинглар». Биз айтдик: «Эй олов, сен Иброҳим учун салқин ва омонлик бўл!» Улар макр қилмоқчи бўлдилар. Биз эса уларнинг ўзларини кўпроқ зиён кўргувчи қилиб қўйдик. Ва Биз унга ҳамда Лутга нажот бериб, (уларни) Ўзимиз барча оламлар учун муборак қилган заминга (юбордик). Биз Ис-ҳокни ҳадя этдик ва Яъқубни ҳам зиёда қилдик ҳамда (уларнинг) барчаларини солиҳ кишилар қилдик. Яна уларни Бизнинг амримиз билан ҳидоят этадиган пешволар қилдик ва уларга ях-ши амаллар қилишни, намозни тўқис адо этишни ва закотни адо этишни ваҳий қилдик. Улар ёлғиз Бизгагина ибодат қилгувчи бўлдилар» (*Анбиё, 51–73*).

Яъни, Биз Иброҳимни Ҳақиқат йўли ва Аллоҳ қайтарган гу-ноҳларни содир этишдан узоқлашишга ҳидоят қилдик. Бу ердаги «Илгари»дан мурод, у пайғамбар бўлмасидан олдин ёки Мусо ва Ҳорун (алайҳиссалом)дан олдин, деган маънони билдиришдир. Мусо ва Ҳорун (алайҳиссалом) тўғрисида ушбу сурада Иброҳим (алайҳиссалом) қиссаларидан олдин зикр қилинган. Аллоҳ таоло айтади: «Дарҳақиқат, Биз Мусо ва Ҳорунга тақводор кишилар учун (Ҳақ билан ботилни) ажратгувчи ва эслатма бўлган (Тавротни) ато этдик. У (тақводор)лар Парвардигорларидан кўрмай туриб, кўрқурлар. Улар (Қиёмат қоим бўладиган) соатдан хавфда тургувчилардир. Бу (Қуръон) ҳам Биз нозил қилган бир муборак эслатмадир. Ҳали сизлар уни инкор қилгувчимисизлар?!» (*Анбиё, 48–50*).

Аллоҳ таолонинг «Биз уни билган эдик», деб таъкидлаши у зотнинг илми чексизлиги ва У барча нарсани дақиқ жойларигача билишига далолат қилади.

Яъни, Биз Иброҳим (алайҳиссалом)нинг ҳолати ва ахволидан хабардор эдик. Зеро, Биздан бирон иш ёки нарса махфий қолмас.

Шундан сўнг, Иброҳим (алайҳиссалом) ва қавмлари ўртасида бўлиб ўтган тортишув ва мужодала ҳақида баён қилинади:

«Ўшанда (Иброҳим) отаси ва қавмига: «Сизлар доимо чў-қинадиган бу хайкаллар нимадир?» деди.

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом) инкор маъносида уларга шундай дедилар: “Сизлар юзланаётган ва тўхтовсиз равишда сиғи-наётган ушбу ботил хайкаллар нима ўзи?”

Иброҳим (алайҳиссалом)нинг бу саволлари қавми ва улар-нинг бутларини енгил санаш, уларнинг ботил эканлигини яна бир бор таъкидлаш маъносида эди, чунки Иброҳим (алайҳис-са-лом) бутларнинг ёғоч ёки шунга ўхшаш нарсалардан ясалганини жуда яхши билар эдилар. Бу уларнинг қилаётган иши, яъни ўзлари ясаб олган нарсаларга ибодат қилишлари фасод бир иш эканлигини эслатиб, танбеҳ беришдир.

Энди, Иброҳим (алайҳиссалом)га қавмлари қандай жавоб қил-гани келтириб ўтилади:

«Бизлар ота-боболаримизни ҳам уларга сиғинган ҳолда топганмиз».

Бу уларнинг ўз ақлларини ишлатмасликлари, қалб кўзлари-ни жаҳолат пардаси тўсиб қўйгани ва ота-боболарининг қилган ишига ҳеч фикр юритмай, ўйлаб ўтирмай, кўр-кўрона тақлид қил-ганликларини кўрсатади.

Яъни, улар ўз пайғамбарларига жавоб бера туриб, шундай дедилар: “Биз ота-боболаримизни ушбу ҳайкалларга сиғинаётган ҳолларида топганмиз, шу сабабли биз энди фақат уларнинг йў-лини тутмоқчимиз!”

Сўнгра Иброҳим (алайҳиссалом) шундай жавоб қилдилар: **«Дарҳақиқат, сизлар ҳам, ота-боболарингиз ҳам очик залолатда экансизлар».**

Яъни, сизлар ва уларни ушбу бутларга ибодат қилган ҳоллари-да топган ота-боболарингиз ҳам очик-ойдин адашишликда экансизлар, бунинг бир фасод амал эканлиги ҳар бир ақлли кишига маълумдир, чунки ақлли одам бу санамлар ибодатга ва унга чўқинишга лойиқ эмаслигини яхши билади. Ботил амал гарчи уни аввалги ота-боболарингиз қилиб ўтган бўлса ҳам, ҳақиқат бўлиб қолмайди! Қачонки, Иброҳим (алайҳиссалом) уларга бу қатъий ҳукми келтирганларида улар шундай дейишди: **«Келтирганинг ростми ёки сен ҳазил қилувчиларданмисан?»**

Яъни, улар ажабланиб сўрадилар: “Эй Иброҳим, сен олиб кел-ган ва биз эргашишимиз лозим, деяётган нарсанг ҳақми ёки ҳа-зил-мазах маъносида бу гапларингни айтяпсанми?”

Уларнинг бу саволи ўзларининг эътиқодидан иккиланиб, қила-ётган ботил ишларидан шубҳаланганларини кўрсата-ди. Шунда Иб-роҳим (алайҳиссалом) айтдилар: **«Йўк, сизларнинг Пар-вардиго-рингиз осмонлар ва ернинг Парвардигорики, У зот улар-ни Ўзи яратгандир. Мен бунга гувоҳлик бергувчилар-дан-дирман».**

Яъни, Аллоҳ таоло осмонлар ва ерни жуда гўзал ва такрорланмас қилиб яратган Зотдир. Ва мен Парвардигорингиз сизлар ва барча нарсаларнинг яратувчиси эканлигига шохидлик бераман.

«Аллоҳга қасамки, сизлар кетганларингиздан кейин бутларингизни бир бало қилурман».

Яъни, Аллоҳ номи билан таъкидлаб қасам ичаманки, сизлар улардан узоқлашиб, ортларингизга қараб кетганларингиздан сўнг бутларингизни синдириб-парчалашга жидду жаҳд қиламан. Иб-роҳим (алайҳиссалом) ўз ваъдалари ва ичган қасамларига содиқ қолиб, ўша ишни қилдилар. Келаси оятда шу ҳақида айтилади:

«Бас, у (бутларни) парча-парча қилди. Фақат, «Шояд каттасига қайтсалар» (деб), ўшанигина (қолдирди)».

Яъни, қавм ўз бутларини ёлғиз қолдирганларидан сўнг Иб-роҳим (алайҳиссалом) улар томон йўналдилар ва болталари билан у бутларни бўлакларга бўлиб ташладилар, илло бир катта бутга тегма-дилар, шояд қавм келиб ўша бутдан бу воқеа қандай содир бўлганини сўрасалар (агар гапирса!)

Иброҳим (алайҳиссалом) бу ишни бутлар ҳатто ўзларини ҳам ҳимоя қилишга қодир эмасликларини кўрсатиш учун қилган эдилар, шундай экан, энди улар қандай қилиб ибодат қилинишга муносиб бўлсинлар?!

Шу йўл билан Иброҳим (алайҳиссалом) уларни оламлар Раббиси бўлган Аллоҳ таолога ибодат қилиш ҳақида фикр юритиб кўришга ундамоқчи бўлган эдилар.

Қавм ўз маъбудларини ер билан битта бўлиб, синиб, чилпарчин ҳолида кўришгач, шундай дедилар:

«Бизнинг худоларимизни ким бундай қилди? Шубҳасиз, у золим кимсалардандир».

Яъни, қавм ўз байрамларидан қайтиб келиб, дарғазаб бў-либ дедилар: “Биз улуғлайдиган илоҳларимизни ким бу аҳволга солди, ким бу қабих ишни амалга

оширди? У бутларимизга кўп зулм қилгувчи бўлибди, шунингдек, у бизнинг жазоимизга дучор бўлиб, ўз нафсига зулм қилгувчилардандир”.

Сўнгра улар айтишди: «(Худоларимизни) **айблаб юрадиган Иброҳим деган йигитни эшитгандик**».

Яъни, улар бир-бирларига шундай дедилар: “Бир йигит илоҳ-ларимизни нуқсон, камчиликларини топиб, уларга зарар етказишни айтиб юрар эди, унинг исми Иброҳим. Балки бу ишни ўша йигит қилгандир”.

Шунда уларнинг катталари: «**Уни одамлар қошига келтирингиз! Улар гувоҳ бўлсинлар**», дейишди».

Яъни, улар бир қарорга келишгач, шундай дедилар: “Уни одамлар ҳузурига олиб келинглари, улар ҳукм қандай бўлишига гувоҳ бўлиб турсинлар...”

Ибн Касир айтадилар: «Бу Иброҳим (алайҳиссалом)нинг энг кат-та режалаштираётган ишларидан эди. У зот ўша мажлисга бориб, уларнинг жаҳолатига муккасидан кетганлари, ўзига фойда ёки за-рар етказолмайдиган бу санамларга ибодат қилиш очик ғофил-ликдан ўзга нарса эмаслигини уларга исботлаб бермоқчи эдилар».

Иброҳим (алайҳиссалом)ни олиб келишди ва унга таҳдид билан, «**Худоларимизни сен шу (ҳолга) солдингми, эй Ибро-хим?**», дейишди.

Яъни, биз ибодат қилаётган илоҳларимизни синдириб, пар-чалаган сенмисан, эй Иброҳим?

Шу ерда Иброҳим (алайҳиссалом) очик истехзо маъносида жавоб бердилар:

«**Йўқ, бу ишни уларнинг каттаси – мана бу қилди. Бас, сўранглари, агар гапира оладиган бўлсалар**». Яъни, сизларнинг бутларингизни синдирган мана бу – уларнинг каттасидир, агар сўзларимга ишонмасанглари, унда бу ишни ким қилганлигини улардан сўранглари, агар бутларингиз «фалончи» қилди, деб айтиб бера олсалар.

Иброҳим (алайҳиссалом) «бутларни каттаси қилди», дейиш билан уларга ўша ишни ким қилганлигини хабар беришни назарда тутмадилар, балки бу қавмнинг устидан ва уларнинг бо-тил фикр-ларидан истехзо қилиш мақсадида айтилган эди.

Гўё Иброҳим (алайҳиссалом) шундай деяётгандек: “Сизлар Аллоҳни қўйиб сиғинаётган бу ҳайкалларни синдирган менми ёки мана бу уларнинг каттасими, билмайди. Маълумки, мен сизларга «**Аллоҳга қасамки, сизлар кетганларингиздан кейин бутларингизни бир бало қилурман**», деган эдим. Шундай экан, ақл юритиб кўринглари, бу ишни ким қилган бўлиши мумкин? Иброҳим (алайҳиссалом) уларга ўз хужжатларини келтирганларидан сўнг, улар қандай жавоб қилганлари келтирилади:

Бас, (мушриклар) ўзларига келиб: «Сизлар ўзингиз зо-лимдирсизлар», дедилар. Сўнгра эса яна бошлари айланиб: «Сен уларнинг гапирмасликларини яхши билардинг-ку?!», де-йишди».

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом) уларни ғофиллик ва ақлсиз-лик-да айблаганларидан сўнг, улар фикр юритиб бир-бирларига дедилар: “Балки, эй қавм, сизлар ўзларингиз золимдирсиз, чунки ўзини ҳимоя қила олмайдиган нарсаларга ибодат қилиб, вақти келганда уларни қаровсиз қолдириб кетдинглар. Лекин уларнинг бу фикрлари узоққа чўзилмади, ношукрлик ва куфр илллати уларни яна жаҳолат сари торта бошлади ва таҳдид билан Иброҳим (алайҳиссалом)га шундай дедилар: Сен бу санамларни гапирмас-ликларини билар эдинг, нега энди, яна улардан сўрашимизни таъкидлаяпсан? Бу гапинг бизларнинг устимиздан кулаётганингга далилдир, биз буни қабул қила олмаймиз, энди сени муносиб бир жазо билан «сийлаймиз». Қурьони

каримда уларнинг яна ботил эътиқодларига қайтишлари «нуқисуу» сўзи билан ифодаланган. Бу сўзнинг таржимаси «боши оғиш», "ортга чекиниш", "касалнинг қайталаниши» маъноларини англатади. Яъни, уларнинг хаёлига яхши бир фикр келган эди, лекин куфр ва залолат бўрони уни ювиб кетди. Шу тарзда уларнинг эски касали – ширк-куфр яна қай-таланди. Шунингдек, «нуқисуу» сўзи «кетаётган одамнинг ўз йўлидан адашиб қолиши» маъносини ҳам ифодалайди. Унга хи-доят нури аниқ бўлгач яна жаҳолат зулматига қайтган кишини бундан ҳам моҳирона тасвирлаш мумкинми? *(Бу ҳам Қуръон Аллоҳ таолонинг даргоҳидан нозил қилинганига яққол далиллардан биридир. – Таржимон.)* Иброҳим (алайҳссалом) улар яна ўз куфрларига қайтгач, насиҳат қилиш билан кифояландилар. Улар бунга таҳдид, ваъид билан жавоб қилдилар. Лекин Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳссалом)ни уларнинг макрларидан омонда сақлади. Келаси оятларда шу ҳақида ҳикоя қилинади:

«Ахир Аллоҳни қўйиб, сизларга бирон фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган нарсаларга сиғинасизларми?! Сизларга ҳам, Аллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларингизга ҳам суф! Ахир ақл юргизмайсизларми?!» (Мушриклар) дедилар: **«Уни ёқиб юборинглар! Агар удалай олсанглар ўз худоларингизга ёрдам қилинглар». Биз айтдик: «Эй олов, сен Иброҳим учун салқин ва омонлик бўл!»** Улар макр қилмоқчи бўлдилар. Биз эса уларнинг ўзларини кўпроқ зиён кўргувчи қилиб қўйдик».

Яъни, Иброҳим (алайҳссалом) улар ҳужжат топишдан ожиз қолишгач, шундай дедилар: “Сизларни яратган Аллоҳга ибодат қилишни тарк этиб, бирон манфаат етказмайдиган мана шу бутларга сиғинасизларми? Сизларга вайл бўлсин. Сизлар буларни жаҳолат, ақлсизлик ва туғён қаърига ботиб кетганингиз сабабли қилмоқдасизлар!”

Бу инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат асосига қурилган гап-лар уларнинг иззат-нафсига тегиб кетди ва: “Уни оловда ёқинг-лар, агар илоҳларингизга ёрдам бермоқчи бўлсангизлар, шу иш-ни қи-линглар, дейишди”.

Қавм жуда кўп ўтин олиб келиб, катта гулхан ҳозирладилар ва Иброҳим (алайҳссалом)ни унга ташладилар. Бас, улар буни қи-лишгач, Биз оловга: “Эй олов, сен Иброҳимга Бизнинг амри-миз ва қудратимиз билан салқин ва саломатлик ҳамда омонлик жойи бўлгин!”, дедик.

Аллоҳ таолонинг амри бажарилди. Ўзининг тафти билан барча нарсани кул қилиб юборгувчи олов Иброҳим (алайҳссалом) учун салқин ва хотиржам бир маконга айланди. Кофирлар унга макр қилмоқчи эдилар. Лекин биз уларни ўзларини кўпроқ зарар кўргувчилардан қилиб қўйдик, яъни улар ўз мақсадларига эриша олмай, Аллоҳ уларнинг макрини ўз бўйниларига қайтарди.

Ушбу ояти кариманинг тафсирида муфассир олимлар бир қанча қавмларни айтиб ўтадилар. Улардан бирини келтирамиз: "Эй Раббимиз, ер юзида Иброҳимдан бошқа ҳеч ким сенга ибодат қилмайди. Ҳозир у оловга ташланмоқда, изн бер, биз унга ёрдам берайлик!”, дейишди.

Шунда Аллоҳ таоло айтди: “Агар у сизларнинг биронтангиздан ёрдам сўраса, бас унга ёрдам берсин. Агар у мендан бошқадан сўрамаса, мен унинг дўсти ва ёрдамчисиман, бас, Мен билан уни холи қолдиринглар...”

Шунда Жаброил (алайҳссалом) Иброҳим (алайҳссалом)нинг олдиларига келдилар ва «Бирор ҳожатинг борми?», деб сўрадилар.

Иброҳим (алайҳиссалом) «Сенга ҳеч қандай ҳожатим йўқ, ам-мо Аллоҳга бор», деб жавоб бердилар.

Жаброил (алайҳиссалом): «Нега Ундан ёрдам сўрамаяпсан?»

Шунда Иброҳим (алайҳиссалом): «У менинг ҳолатимдан хабар-дор, сўрашимга ҳожат йўқдир», деб жавоб қайтардилар.

Шуаро сурасида ҳам Иброҳим (алайҳиссалом) ва қавмлари ўр-тасида бўлган баҳс ва у кишининг Аллоҳ таолога қилган дуо-илтижолари келтириб ўтилган. Аллоҳ (азза ва жалла) айтади:

«Уларга Иброҳим хабарини тиловат қилинг! Ўшанда у ота-си ва қавмига: «Нимага ибодат қилмоқдасизлар» деганида, улар: «Бут-санамларга ибодат қилмоқдамиз. Бас, уларга со-диқлигимизча қолурмиз», дедилар. (Иброҳим) айтди: «Дуо-илтижо қилган пайтларингизда сизларни эшитадилар-ми ёки сизларга фойда зиён еткиза оладиларми?!» Улар дедилар: «Йўқ, бизлар ота-боболаримизнинг мана шундай қи-лишганини кўрганмиз». (Иброҳим) айтди: «Сизлар ўзингиз ҳам, қадим-қадим ота-боболарингиз ҳам ибодат қилгувчи бўлган бутларингиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингларми? Шак-шубҳасиз, улар мен учун душмандир, магар барча оламлар Парвардигоригагина (ибодат қилурман). У мени яратгандир, бас, Ўзи мени ҳидоят қилур. Унинг Ўзигина мени тўйдирур ва қондирур. Касал бўлган вақтимда Унинг Ўзи менга ши-фо берур. У мени ўлдирур, сўнгра тирилтирур. Жазо кунида менинг хато-гуноҳларимни Унинг Ўзи мағфират этишини умид қилурман. Парвардигорим, менга ҳикмат ато этгин ва мени солиҳлар қаторига қўшгин. Яна мен учун кейин келгувчи кишилар ўртасида рост мақтовлар қилгин. Яна ме-ни ноз-неъматлар боғининг ворисларидан қилгин. Отамни ҳам мағфират қил-гин. У шубҳасиз, адашганлардан бўлди. Ва қайта тириладиган кунда мени шарманда қилмагин. У кунда на молу давлат ва на бола-чақа фойда бермас. Магар Аллоҳ хузурига тоза қалб билан келган кишиларгагина (фойда берур)» (Шуаро, 69–89).

Маъноси: эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз қавмингизга Иброҳим (алайҳиссалом)нинг хабарини ўқиб, ет-казинг, зеро, улар ўзларини унинг наслидан деб, унинг диё-нати-эътиқодига эргашамиз, деб даъво қилмоқда. Иброҳим (алайҳис-салом) эса улардан ҳам, уларнинг ширкидан ҳам покдир.

«Ўшанда у отаси ва қавмига: «Нимага ибодат қилмоқ-да-сизлар», деган эди».

Яъни, Аллоҳ таолони қўйиб сиғинаётган бу нарсаларингиз ни-ма ўзи?

Улар жавоб бердилар: **«Бут-санамларга ибодат қилмоқда-миз. Бас, уларга содиқлигимизча қолурмиз».**

Яъни, биз тўхтовсиз уларга ибодат қилишда давом этамиз. Улар ушбу ботил бут-санамларга сиғинишлари билан мақтан-моқдалар. Шунингдек, агар инсоннинг фаҳм-фаросати, ақл-ид-роки сусайса, у лозим бўлмаган, хаттоки уни қилишдан хижо-лат чекиш керак бўлган нарсалар билан ҳам фахрланаверади.

Шунда Иброҳим (алайҳиссалом) агар ақл юритсалар, уларни жаҳолат уйқусидан уйғотадиган бир қанча саволлар билан мурожаат қиладилар, яъни айтадиларки: “Ушбу сизлар ибодат қи-лаёт-ган санамлар дуо қилсангиз эшитадими, агар ибодат қил-са-ларингиз, буни ҳис қила оладими ёки улар ўзига бирон наф ёки зиён келтира оладими?!”

Лекин қавм бунга жавоб беришдан ожиз эди ва ўзларини худ-ди ўтиб кетган ота-боболарига эргашаётгандай кўрсатдилар: **«Йўқ, бизлар ота-боболаримизнинг мана шундай қилиш-ла-рини кўр-ганмиз»**, дейишди.

Яъни, улар айтишди: “Ҳа, эй Иброҳим, айтганингдек, бу бут-санамлар дуо қилсак, эшитмайди, бизларга фойда ё зарар ҳам қилмайди, лекин биз ота-боболаримиз шуларга ибодат қилаёт-ганларини кўрганмиз, шундай экан, биз уларнинг йўлини давом эттираемиз”.

Бу кўр-кўрона тақлидни эшитиб, Иброҳим (алайҳиссалом) уларга, уларнинг ботил маъбудларига ўзларининг адоватларини эълон қилдилар.

«Сизлар ўзингиз ҳам, қадим-қадим ота-боболарингиз ҳам ибодат қилгувчи бўлган бутларингиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўр-дингларми? Шак-шубҳасиз, улар мен учун душмандир, магар барча оламлар Парвардигоригагина (ибодат қилурман)».

Яъни, сизлар ва қадимда ўтган ота-боболарингиз Аллоҳни қў-йиб ибодат қилаётганингиз ушбу бут-санамлар ҳақида ҳеч мушоҳада қилиб кўрдингизми? Дарҳақиқат, улар менга душмандир, чунки уларга ибодат қилиш ботил амалдир. Бироқ мен бутун оламлар Раббиси бўлган Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзинигина яхши кўраман, Унга ибодат қиламан. Унга итоат билан эътиқод қиламан. Сабаби, У Зот мени Ўз қудрати ила яратди ва турли хил неъматлари билан сийлаб қўйди. Соҳиб Кашшоф (розияллоҳу анҳу) айтадилар: Иброҳим (алайҳиссалом) **«Улар мен учун душмандир»**, дедилар, аксинча **«Улар сизларга душмандир»**, деб айтмоқдалар. Бундан мақсад аввал ўзига насихат қилиб, сўнгра бошқаларга уни таъкидлашдир. Бу нарса ўша қилинаётган даъватнинг таъсир кучини оширишга ёрдам беради. Гўёки Иброҳим (алайҳиссалом) шундай дедилар: “Мен ўйлаб кўриб, сизларнинг бут-санамларингизга ибодат қилиш, худди душманга ибодат қи-лиш эканлигини англаб етдим ва улардан узоқлашдим ва барча яхшиликлар Ундан бўлган Зотга ибодат қилишни афзал билдим”.

Имом Шофиъий (рахматуллоҳи алайҳ)дан ҳикоя қилинади: «Бир киши у зотга бир неча ёмон сўзлар билан тухмат-бўхтон қил-ди. Сўнгра Шофиъий (рахматуллоҳи алайҳ): “Агар сен айтаётгандек бўлса, одоб-ахлоққа муҳтож эканман”, дедилар».

Ҳакимлардан бири Ҳижр ўлкаси ҳақида тортишаётган одам-ларни учратиб қолдилар, улар ёлғон сўзлар ишлатиб, бир-бир-лари билан мунозара қилар эдилар. Шунда у киши уларга қарата: «Бу жой (яъни, Ҳижр) сизларнинг ҳам, менинг ҳам юртим эмас, (бас у ҳақида ўзларингиз билмаган нарсаларни гапиришдан ти-йилинг-лар)», дедилар²⁰.

Шундан сўнг Иброҳим (алайҳиссалом) Аллоҳ таолони бир не-ча сифатлар билан васф қилиб ўтадилар:

«У мени яратгандир, бас, Ўзи мени ҳидоят қилур».

Яъни, мен Ўз қудрати билан яратиб, тўғри йўлга ҳидоят қилган Зотга ибодат қиламан.

«Унинг Ўзигина мени тўйдирур ва қондирур».

Яъни, У Зот мени тириклик асоси, манбаи бўлган нарсалар билан таъминлайди.

«Касал бўлган вақтимда Унинг Ўзи менга шифо берур».

²⁰ Замахшарий. «Тафсирул Кашшоф», 3-жилд, 318-бет.

Яъни, барча нарса Аллохдандир, шунингдек, касал бўлгач, яна соғайиб кетишим ҳам Аллоҳ таолонинг менга бўлган марҳа-ма-тидандир. Бас, мен бу неъматларга шукр қилгувчидирман.

«У мени ўлдирур, сўнгра тирилтирур».

Бу ердаги «тирилтиришдан» мурод, Қиёмат куни ҳар бир маййитга жон киритилишини англатади.

Яъни, Мен ибодат қилаётган Раббимнинг сифатларидан яна бири, У менинг ажалим етгач, Ўз қудрати ила жонимни олади ва Ўз қудрати ила тирилиш ва ҳисоб куни яна мени ҳаётга қайтаради.

«Жазо кунида менинг хато-гуноҳларимни Унинг Ўзи мағ-фират этишини умид қилурман».

Яъни, одамлар ҳисоб қилиниб, жазо ёки мукофот оладиган кунда Раббимнинг мендан ўтган гуноҳларимни афв этишини ил-ти-жо қилиб сўрайман.

Ушбу ояти каримада Иброҳим (алайҳиссалом)нинг Аллоҳ таоло билан одобнинг энг юқори даражасида муносабатда бўл-ганлик-ларини кўрсатади. У киши ўзларидан кейин келадиган мусулмонлар умматига ўрнак бўлиши учун, Аллоҳ таолонинг мағфиратини сўрамоқдалар, гуноҳ-маъсиятларидан узоқ бўли-шини таъкидлаб, Аллоҳ таолога доимо ражо-умид билан дуо қи-лишни таълим бермоқдалар.

Иброҳим (алайҳиссалом) Аллоҳ таолонинг шаънига улуғ-мақтов, санолар айтгач, энди чин қалбдан, хушу билан дуо қи-лишга ўтадилар:

«Парвардигорим, менга ҳикмат ато этгин ва мени солиҳ-лар қаторига қўшгин».

Яъни, Эй Раббим, менга манфаатли амалга сабаб бўлгувчи кенг қамровли илм бергин ва мени Ўзинг рози бўладиган ва улар ҳам Сендан рози бўладиган бандаларинг қаторига қўшгин.

«Яна мен учун кейин келгувчи кишилар ўртасида рост мақтовлар қилгин».

Яъни, мендан кейин келадиган бошқа умматлар орасида ях-ши мақтов ва эслатма қилгин.

Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)нинг дуоларини ижо-бат қилди. Унинг зурриётидан кўплаб пайғамбар ва солиҳ кишиларни чиқарди. Уларнинг энг аввалида, шубҳасиз, жанобимиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) турадилар.

«Яна Мени ноз-неъматлар боғининг ворисларидан қил-гин».

Яъни, мени Охиратда жаннатингда мангу қолувчи бандаларингдан қилгин.

«Отамни ҳам мағфират қилгин. У шубҳасиз, (ҳақ йўлдан) адашганлардан бўлди».

Яъни, Эй Раббим, отамни ҳам мағфират қилгин, чунки мен унга, Парвардигоримдан сенинг учун истиғфор сўрайман, деб ваъда берган эдим.

Иброҳим (алайҳиссалом) оталари Аллоҳ таолонинг душма-ни эканлиги аниқ бўлгач, унинг ҳақиқа истиғфор сўрашдан тўх-тадилар.

«Ва қайта тириладиган кунда мени шарманда қилмагин».

Яъни, барча жонзотлар ҳисоб ва жазога қоим бўладиган кун-да мени хафа қилмагин, айб-камчиликларимни яширгин.

«У кунда на молу давлат ва на бола-чақа фойда бермас. Магар Аллоҳ хузурига тоза қалб билан келган кишиларгагина (фойда берур)».

Яъни, эй Раббим, одамларнинг бойлик ва фарзандлари уларга ҳеч наф бермайдиган кунда менинг айбимни беркитгин. Ил-ло кимки қалбдан, ихлос билан

Сенга ибодат қилиб, қалбини ширк, нифок, риё ва бошқа иллатлардан сақлаган ҳамда шаҳ-ватлар гирдобига тушиб қолиб, қабих амалларни қилишдан ўз-ларини эҳтиётлаб юрган кишиларгагина мол-дунёлари, фарзандлари фойда берур.

Соффот сурасида ҳам юқорида келтириб ўтилганлар бошқача услубда ҳикоя қилинади. Аллоҳ таоло айтади:

«Шак-шубҳасиз, Иброҳим ҳам унинг гуруҳидандир. Эсланг, у Парвардигорига тоза қалб билан келди. Ўшанда у отаси ва қавмига деган эди: «Нимага ибодат қилмоқдасиз-лар?! Аллоҳ-ни қўйиб, сохта худоларни истайсизларми?! У ҳолда барча оламларнинг Парвардигори ҳақида не гумонингиз бор?!» Сўнг у юлдузларга тикилиб туриб: «Аниқки мен касалман», деди. (Унинг қавми) дарҳол ундан юз ўгирган ҳолда кетдилар. Бас, (Иброҳим) аста-секин уларнинг бутлари олдига келиб: «Емайсизларми? Сизларга нима бўлдики, сўз-ламаяпсизлар?!», деди. Сўнг уларга яқин келиб ўнг қўлидаги болта билан урди. Бас, (қавм) унинг олдига шоша-пиша келишгач, деди: «Ўзларингиз йўниб-ясаб олган нарсаларга ибодат қилурмисизлар?! Ҳол-буки, сизларни ҳам, ясаб олган бутларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!» Улар дедилар: «Иброҳим учун бинолар қуриб, уни ўша оловга ташланглар». Бас, улар макр қилмоқчи бўлган эдилар. Биз уларни тубан-мағлуб қилдик» (Соффот, 83–98).

Маъноси: дарҳақиқат, Иброҳим (алайҳиссалом) Нух (алайҳиссалом)нинг гуруҳидандир, чунки уларнинг Ҳақ динга даъват қилишлари, Аллоҳ таолонинг сўзи устун бўлиши йўлида етган ҳар қандай азиятларга чиройли сабр қилишлари бир хил эди.

Шунингдек, барча пайғамбарлар (алайҳиссалом) ҳам ўзидан олдингисини қўллаб-қувватлаб келганлар, лекин уларда баъзи жузъий фарқ бўлса ҳам, уларни асли, манбаи бир бўлган. Нух ва Иброҳим (алайҳиссаломлар)нинг ораларида икки пайғамбар Ҳуд ва Солиҳ (алайҳиссаломлар) бўлишган.

«Эсланг, у Парвардигорига тоза қалб билан келди».

Яъни, эй оқил инсон, Иброҳим (алайҳиссалом) ўз Раббиси ҳу-зурига қалбини ширк ғиллу ғаш, ҳасад, алдов ва риёдан пок тутган ҳолда келганини эслагин!

«У Парвардигорига келди», дейиш билан Иброҳим (алайҳиссалом)нинг Аллоҳ таолога тўлиқ таслим бўлганликлари, Ҳақ-қа даъват қилишда ихлосли эканликлари ва ўз Холиқининг йўли-да барча нарсага тайёр эканликлари билдирилмоқчи.

«Ўшанда у отаси ва қавмига деган эди: "Нимага ибодат қилмоқдасизлар?!»

Ушбу хитоб билан Иброҳим (алайҳиссалом) ва қавмлари ўр-та-сида баҳс-мунозара бошланади.

Яъни, Аллоҳ таолодан бошқа яна қандай нарсага ибодат қил-моқдасизлар?

«Аллоҳни қўйиб, сохта худоларни истайсизларми?!»

Яъни, Аллоҳдан бошқага ибодат қилишингиз сохта худолар-ни хоҳлашингиз билан баробар. Агар шуни истасанглар, бас ҳар бир салим қалб эгаси буни қабул қила олмайди.

Сўнгра уларни ширк йўлида кетишдан огоҳлантириб ўта-ди-лар: **«У ҳолда барча оламлар Парвардигори ҳақида не гу-монингиз бор?!»**

Яъни, агар ундан бошқасига ибодат қилсангиз, сизларни яратиб, ризклантираётган Зот Аллоҳ таоло қандай жазо беради, деб ўйлайсизлар? Шубҳа йўқки, У сизларни қаттиқ ҳисоб қилиб, кейин аламли азоб билан азоблайди. Шундай экан, бу сохта илоҳларни тарк қилиб, Аллоҳ таолога ихлос билан ибодат қилинглари.

«Сўнг у юлдузларга тикилиб туриб: "Аниқки мен касалман", деди».

Айтишларича: Иброҳим (алайҳиссалом)нинг қавми бут-са-нам-ларга сиғиниш билан бирга юлдузларни ҳам улуғлаб, уларнинг оламга таъсири бор, деб эътиқод қилар эдилар. Қавмнинг байрамни нишонлаш вақти етгач, улар Иброҳим (алайҳиссалом)ни тарк этиб, шаҳар ташқарисига чиқиб кетдилар. Сўнгра Иброҳим (алай-ҳиссалом) якка ўзлари қолгач, нима қилганликлари айтилади:

«Бас, (Иброҳим) аста уларнинг бутлари олдига келиб: «Емайсизларми?», деди».

«Ўзла-рингиз йўниб-ясаб олган нарсаларга ибодат қилурми-сиз-лар?! Ҳол-буки, сизларни ҳам, ясаб олган бутларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!»

Яъни, сизлар ўзингиз қўлда тош ва ёғочлардан йўниб ясаб олган нарсаларга ибодат қиласизларми, ваҳоланки Аллоҳ таоло сизларни, бутларингизни ва барча нарсаларни яратган Зот-ку? Қавм бунга жавобан, таҳдид билан шундай дедилар: **«Иброҳим учун бинолар қуриб, уни ўша оловга ташланглар».**

Яъни, улар ўзаро бир-бирларига айтдилар: Иброҳим учун би-но қуриб, уни алангали олов билан тўлдилинг ва унга Иброҳимни ташланглар, токи куйиб, йўқ бўлиб кетсин!

Улар келишилган ишни амалга оширдилар, лекин Аллоҳ таоло ўз пайғамбари Иброҳим (алайҳиссалом)ни уларнинг макр-ҳий-ласидан сақлаб қолди.

«Бас, улар макр қилмоқчи бўлган эдилар. Биз уларни ту-бан-мағлуб қилдик».

Яъни, улар Иброҳимга макр қилмоқчи бўлганларида Биз уни бекор қилиб, ўзларини хору зор қилдик. Анкабут сурасида ушбу қисса янада батафсилроқ ёритилган. Аллоҳ таоло айтади:

«Иброҳимни (эсланг), у ўз қавмига деган эди: «Аллоҳга ибодат қилинглари ва Ундан кўрқинглари! Агар билгувчи бўл-сала-рингиз, мана шу сизлар учун яхшироқдир. Сизлар Аллоҳни қўйиб фақат бутларга ибодат қилмоқдасизлар ва ёлғон тўқи-моқдасизлар. Аниқки, сизлар Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган нарсалар сизларга ризқу рўз беришга қо-дир эмаслар. Бас, сизлар ризқу рўзни Аллоҳ даргоҳидан истанглари ва Унгагина ибодат қилинглари, Унгагина шукр қи-линглар, сизлар Унгагина қайтарилурсизлар. Агар сизлар ёл-ғончи қилсаларингизлар, бас, сизлардан аввалги умматлар ҳам ёлғончи қилгандирлар. Пайғамбар зиммасида эса фақат очик-равшан етказишгина бордир. Ахир улар даставвал Аллоҳ қандай қилиб яратишини кўрмадиларми?! Сўнгра У ўшани қайтарур. Албатта, бу Аллоҳга осондир. Айтинг: «Ерда айланиб даставвал қандай яратганини кўринглари. Сўнгра Аллоҳ иккинчи (марта) пайдо қилур. Албатта, Аллоҳ барча нарсага қодирдир. У Ўзи хоҳлаган кимсаларни азоблар ва Ўзи хоҳлаган кишиларга раҳм қилур. Унгагина қайтарилурсизлар. Сизлар на ерга ва на осмонга қочиб қутулувчи эмасдирсизлар. Ва сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст ва ёрдамчи йўқдир. Аллоҳнинг оятларини ва унга рўбарў бўлишни инкор қилган кимсалар – улар Менинг раҳматимдан ноумид бўлган кимсалардир ва улар учун аламли азоб бордир». Бас, (Иброҳимнинг даъватига) қавмининг жавоби фақат: **«Уни ўлдирилглари ёки ёқиб юборинглари»**, де-йишлари бўлди. Сўнг Аллоҳ унга оловдан нажот берди. Албатта бунда имон келтирган қавм учун оят-ибратлар бордир. (Иброҳим) айтди: **«Сизлар фақат ҳаёти дунёдаги ўзаро ошна-**

оғайничилигингизни кўзлаганингиз учун Аллоҳни қўйиб, бутларни ушладингиз. Ҳали Қиёмат кунида айримларингиз айримларингиздан тонур, айримларингиз айримларингизни лаънатлар. Сизларнинг борар жойингиз дўзахдир. (У жойда) сизлар учун ёрдамчи йўқдир» (Анкабут, 16–25).

Маъноси: эй оқил инсон, Иброҳим (алайҳиссалом) ўз қавмига: “ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилинглар, ўзингизни Унинг ғаза-би келадиган барча амаллардан сақланглар”, деб айтганини эсла!

«**Мана шу**», яъни, сизларни ибодат ва тақво қилишга буюришим агар фаҳм-фаросат ва илм эгаси бўлсанглар, ширкдан ҳам дун-ё-даги барча нарсалардан ҳам **«яхшироқдир»**.

Иброҳим (алайҳиссалом) ўз даъволарини аввало, Аллоҳ таолога ихлос билан ибодат қилиш ва Унинг жазоси-иқобидан қўр-қишга чақириш билан бошладилар, сўнгра уларнинг қалб-ларига ҳақиқат уруғларини сочиш мақсадида имон келтириш улар учун яхшилигини таъкидладилар.

Шундан сўнг улар қилаётган ишларининг ботил эканлигини айтиб ўтдилар: **«Сизлар Аллоҳни қўйиб фақат бутларга ибодат қилмоқдасизлар ва ёлғон тўқимоқдасизлар»**.

Яъни, ўз қўлларингиз билан ясаган бутларга ибодат қилмоқ-да-сизлар ва ушбу бутларни «илоҳлар» деб, ёлғон тўқимоқда-сизлар.

Ваҳоланки, **«Сизлар Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган нарсалар сизларга ризку рўз беришга қодир эмаслар»**.

Яъни, сизлар ибодат қилаётган бут-санамлар сизларга энг кам миқдордаги ризк (ҳатто бир бурда нон ёки бир қултум сув)ни ҳам топиб бера олмайдилар.

Шундай экан, сизлар ёлғиз Аллоҳ таолодангина ризк сўранг-лар, Унинг Ўзи сизлар Унга ибодат ва тоатда бўлсангизлар фазли ва карамидан мўл-кўл ризк ато қилади.

Сўнгра Иброҳим (алайҳиссалом) қавмларини Ҳақ динни ёлғон-га чиқаришдан огоҳлантириб, ҳисоб, жазо, савоб ва Қиёмат кунида тирилиш ҳақлигини айтиб ўтадилар. Ўтган қавмлардан ўзларига ибрат олишга чақириб, улар ҳам ўз пайғамбарларини ёлғончига чиқарганликлари сабаб Аллоҳ таоло уларга азоб юборганини эслатиб ўтадилар.

«Агар сизлар ёлғончи қилсаларингизлар, бас, сизлардан аввалги умматлар ҳам ёлғончи қилгандирлар. Пайғамбар зиммасида эса фақат очик-равшан етказишгина бордир. Ахир улар даставвал Аллоҳ қандай қилиб яратишини кўр-ма-диларми?! Сўнгра У ўшани қайтарур. Албатта, бу Аллоҳга осондир».

Яъни, эй одамлар, агар сизлар менга эргашсангиз нажот то-пасиз, агарда мен олиб келган нарсаларни ёлғонга чиқарсангиз, сизлар ўз пайғамбарини ёлғончига чиқараётганларнинг биринчиси эмассизлар. Сизлардан олдинги қавмлар жумладан, Нух, Од ва Самуд қавми ҳам пайғамбарларини ёлғончи қилган эдилар, натижада улар хасрат ва надоматга учраб, тор-мор бўлдилар.

«Пайғамбар зиммасида эса фақат очик-равшан етказишгина бордир».

Яъни, мен сизларга Раббимнинг рисолатини етказдим, сизларга кўплаб насиҳат қилдим, булар менга Парвардигорим топширган вазифаларим эди, лекин Қиёмат кунида ҳисоб ва жазони ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзи қилади.

Сўнгра Қиёмат кунида тирилтириш ҳақ эканлигини айтилиб, Аллоҳ таоло бу ишдан ожиз эмаслиги таъкидланади:

«Ахир улар даставвал Аллоҳ қандай қилиб яратишини кўрмадиларми?! Сўнгра У ўшани қайтарур. Албатта, бу Аллоҳ-га осондир».

Бу савол мушрикларнинг ушбу ҳақиқатни инкор қилишларига ва очик далилларни кўриб туриб ҳам имон келтирмаганлик-ларига жавобан берилмоқда.

Улар атроф-муҳитда Аллоҳнинг ваҳдониятига далолат қи-лувчи кўплаб далилларни шоҳиди бўлдилар. Бундан келиб чиқа-дики, шубҳасиз Аллоҳ таоло ягона ва У Қиёматда қабрдаги-лар-ни тирил-тиришга қодирдир. У йўқдан бор қилади, энди қандай қилиб, аввалида мавжуд бўлган нарсани қайтара олмасин?! Албатта, буниси осонроқ. Аллоҳ таолонинг **«Албатта, бу Аллоҳга осондир»** каломи икки маънони англатади: биринчиси, йўқдан бор қилиб, яратиш ва кейингиси Қиёмат куни уларни яна бир марта ҳаётга қайтаришдир.

Шундан сўнг, Аллоҳ (субҳонаҳу ва таоло) Пайғамбари (сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам)га қавмларини бу коинот, борлик, ат-роф-муҳит ҳақида фикр юритиб кўришга чақиришларини амр қилади, шояд улар бу билан Ҳақ динига мойил бўлсалар:

«Айтинг: «Ерда айланиб даставвал қандай яратганини кўринглар. Сўнгра Аллоҳ иккинчи (марта) пайдо қилур. Албатта, Аллоҳ барча нарсага қодирдир».

Яъни, эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиздан ил-гари Иброҳим (алайҳиссалом) қавмига айтгани каби сиз ҳам қав-мингизга айтинг: ер юзи бўйлаб кезиб, саёҳат қилинглари ва мах-луқотларнинг ҳолатини, Аллоҳ уларни аввалида қандай яратгани ҳақида тафаккур қилинглари. Сўнг уларга яна бундай денг: “Аллоҳ аввалда махлуқотларни бир-биридан фарқлаб, сизлар кўриб турган чиройли ва турли хил шакл ҳамда суратда яратиб қўйди. Сўнгра Аллоҳ ўз қудрати билан уларни яна ҳаётга қайтаради. Зеро, Аллоҳ барча нарсага қодирдир”. Шундан кейин жазо ва мукофот (савоб) Аллоҳ таолонинг иродасига боғлиқлиги айтиб ўтилади:

«У Ўзи хоҳлаган кимсаларни азоблар ва Ўзи хоҳлаган кишиларга раҳм қилур. Унгагина қайтарилурсизлар. Сизлар на ерга ва на осмонга қочиб қутулувчи эмасдирсизлар. Ва сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст ва ёрдамчи йўқдир».

Яъни, Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган бандаларини гуноҳлари ту-файли азоблайди ва кимга хоҳласа, ўз раҳматини ёғдиради. Сиз-лар унгагина қайтарилурсизлар ва У Зот амалларингизга қараб ҳи-соб-китоб қилади.

Эй инсонлар, Аллоҳга рўбарў бўлиш ва унга ҳисоб беришда қочиб қутула олмайсизлар. У Зот учун фарқи йўқ, ерда ёки осмонда бўласизларми, барибир Аллоҳга йўлиқасизлар. Сизларни Унинг ҳукми ва жазосидан қутқариб қолувчи бирор ёрдамчи топилмас!

Сўнгра, кофирларнинг тақдири қандай бўлиши айтилади:

«Аллоҳнинг оятларини ва унга рўбарў бўлишни инкор қилган кимсалар – улар Менинг раҳматимдан ноумид бўлган кимсалардир ва улар учун аламли азоб бордир».

Яъни, Аллоҳга рўбарў бўлиш ҳақлигига далолат қилувчи оят-белгиларни инкор қиладиган кимсалар, Менинг раҳматимдан буткул маҳрумдирлар ва уларга шиддатини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайдиган даражада аламли азоб бўлади.

«Бас, (Иброҳимнинг даъватига) қавмининг жавоби фақат: «Уни ўлдиришлар ёки ёкиб юборинглар», дейишлари бўлди».

Қавм орасида кимдир Иброҳим (алайҳиссалом)ни ўлдириш, яна кимдир ёкиб юбориш кераклигини айтди. Сўнгра улар бир фикрга келиб, Иброҳим

(алайҳиссалом)ни ёқиб юбормоқчи бўл-дилар. Бунга куйидаги оят ҳам далолат қилади: **«Уни ёқиб юборинглар! Агар уддалай олсанглар (мана шу билан) ўз худоларингизга ёрдам қилинглр»**, дедилар (*Анбиё, 68*).

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом) кўплаб очиқ-ойдин ҳужжат келтириб, уларга насиҳат қилишларига жавобан қавм шундай деди: “Уни қилич билан ўлдириш ёки оловга ташлаб ёқиб юборинглар. Шунда ўзларингиз ҳам қалбан роҳатланасизлар ва худоларингиз учун ҳам ўч олган бўласизлар”.

Уларнинг бу гаплари зулм, туғён ва жаҳолатда ҳаддан ош-ганлик-ларидан дарак беради.

Кейин Аллоҳ таолонинг ўз пайғамбари Иброҳим (алайҳиссалом)га фазлу қарамидан ато этганлиги ҳикоя қилинади:

«Сўнг Аллоҳ унга оловдан нажот берди. Албатта, бунда имон келтирган қавм учун оят-ибратлар бордир».

Яъни, улар Иброҳим (алайҳиссалом)ни ўтда ёқишга келишиб, ўтин йиғдилар ва тез суръатда унга ўт қўйдилар ва Иброҳимни ун-га ташладилар. Натижада Аллоҳ таоло унга нажот бериб, оловни салқин ва хотиржам бир жойга айлантириб қўйди.

Дарҳақиқат, Иброҳим (алайҳиссалом)ни оловдан соғ-саломат чиқариб олишимизда имон келтирувчи қавм учун Бизнинг қуд-ра-тимизга, Аллоҳ бутун оламлар Парвардигори эканлигига очиқ-равшан далиллар бордир.

Аллоҳ таоло ушбу ояти қаримада «оят-ибрат» сўзини кўплик шаклида келтирган, чунки ушбу тадбирда бир эмас, кўплаб оятлар мавжуд. Жумладан, У Зот Иброҳим (алайҳиссалом)га оловдан нажот бериб, уни бир омонлик маконига айлантиришини биринчи оят; мушрикларнинг ҳаммалари бир бўлиб ҳам у кишига зиғирча зарар етказма олмаганликлари иккинчи оят; қавмнинг кўплаб далилларни кўрсалар ҳам ўз куфрларида қолиб кетишлари учинчи оят ва ҳоказо...

Аллоҳ таоло ўз мўмин бандаларини ушбу оятлардан ибрат олиш-га чақирмоқда. Энди Иброҳим (алайҳиссалом)ни Аллоҳ таоло уларнинг макридан сақлаб қолгач, қавмга айтилган сўз-лар кел-тириб ўтилади. Иброҳим (алайҳиссалом) айтдилар: **«Сизлар фақат ҳаёти дунёдаги ўзаро ошна-оғайничилигингизни кўз-лаганингиз учун Аллоҳни қўйиб, бутларни ушладингиз. Ҳа-ли Қиёмат кунда айримларингиз айримларингиздан то-нур, айримларингиз айримларингизни лаънатлар. Сизлар-нинг борар жойингиз дўзахдир. (У жойда) сизлар учун ёрдамчи йўқдир».**

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом) қавмларига дедилар: “Эй қав-мим, сиз бу бут-санамларни уларга эътиқод қилиб, ҳақиқий ибодат қилиш учун танламадингиз, балки ўзларингизда меҳр-муҳаб-бат пайдо бўлиб, бир-бирларингизга яхши муомалада бўлиш учун улар-ни олдиларингиз. Бу нарса ушбу дунёдаги ўзингизнинг иши-нгиз, аммо Қиёмат қоим бўлганда, бу меҳр-оқибат ботил эканлиги ойдинлашади. Ўшанда баъзи бир кишилар баъзиларни инкор қилиб, уни лаънатлайди, яъни бошлиқ бўйсунувчини, бўйсунувчи бошлиқни, маъбуд ибодат қилгувчини, ибодат қилгувчи маъбудларни лаънатлайди. Сизларнинг ва ботил илоҳларингизнинг жо-йи, шубҳасиз, жаҳаннам бўлади. У ерда сизларга берилаётган азоб оғирлашса оғирлашадики, енгиллашмайди. Ва сизлар учун бу азоб-лардан қутқариб олгувчи бирон ёрдамчи ҳам топилмайди”.

Иброҳим (алайҳиссалом)нинг қавмлари билан бўлган баҳс-му-нозаралари асосан Анъом, Анбиё, Шуаро, Софот, Анкабут сураларида келтириб ўтилган.

Бақара сурасининг бир оятида Иброҳим (алайҳиссалом) ва салтанатини ғурур, ношукрлик, куфр ва зулм асосига қурган бир подшоҳ билан бўлиб ўтган тортишув ҳикоя қилинади. Аллоҳ таоло айтади:

«Сиз Аллоҳ подшоҳлик берганидан ҳовлиқиб Иброҳим билан Парвардигори ҳақида талашган кимсанинг ҳоли-хаба-рини билмадингизми? Ўшанда Иброҳим: «Парвардигорим тирилтириб, ўлдирадиган Зотдир», деганида, у: «Мен (ҳам) тирилтираман ва ўлдираман», деди. Иброҳим айтди: «Албатта, Аллоҳ қуёшни машиқдан чиқаради. Сен уни мағрибдан чиқаргин-чи?» Шунда у кофир довдираб қолди. Аллоҳ золим кимсаларни ҳидоят қилмайди» (*Бақара, 258*).

Бу ерда ўша мамлакатнинг кофир подшоҳи Иброҳим (алай-ҳиссалом) билан тортишмоқда. Бошқа ояти карималарда шу ҳа-қи-да келтириб ўтилади. Аллоҳ таоло айтади:

«Агар сиз билан (дин ҳақида) тортишсалар: «Мен ва менга тобе бўлган кишилар ўзимизни Аллоҳга топширдик – Унга бўйсундик», деб айтинг!» (*Оли Имрон, 20*).

«Қавми у (Иброҳим) билан тортишган эди: «Мен билан Аллоҳ хусусида тортишасизми. Ахир Унинг Ўзи мени ҳидоят қилди-ку?!» деди» (*Анъом, 80*).

Маъноси: эй оқил инсон, сен Иброҳим (алайҳиссалом) билан Холиқи тўғрисида тортишган кофир ва мутакаббир инсон ҳа-қида-ги қиссани билдинг. Кимки ундан беҳабар бўлса, Биз ушбу Китоб орқали унга хабар қиламиз.

Ибн Касир айтадилар: «Ушбу кофир подшоҳнинг исми – Нам-руд ибн Канъон эди. Ўша пайтда Бобил подшоҳи бўлган. У Иб-роҳим (алайҳиссалом)га кўплаб зулм-ситамлар қилган».

«Парвардигори» сўзи Иброҳим (алайҳиссалом)га тегишли, чунки Аллоҳ ўз бандасини қўллаб-қувватлаб, унга ёрдам беради. Баъзилар бу ердаги эгалик олмоши Намрудга тегишли, чунки у ҳақида сўз бормоқда, деб айтишган.

«Аллоҳ подшоҳлик берганидан...»

Яъни, ушбу баҳснинг сабаби Аллоҳ таолонинг Намрудга кўп-лаб мол-дунё бериб қўйгани ва унинг Ўз Холиқига шукр қилма-гани бўлди, балки у туғён, манманлик билан қаршилик кўрсат-ди, Аллоҳ-нинг неъматларини кераксиз жойга сарфлади.

«Ўшанда Иброҳим: «Парвардигорим тирилтириб, ўлдира-диган Зотдир», деганида...».

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом) унга қарата: Раббимнинг ёл-ғиз Ўзи барча нарсага ҳаёт беради ва вақти соати етгач уларни ҳаёт-дан маҳрум этади. Аллоҳ (азза ва жалла)дан бошқа бу ишни уддалай оладиган бирон Зот топилмайди. Сен эса бунинг ҳар куни гувоҳи бўласан, бас, шундай экан сен Аллоҳнинг ёлғиз Ўзи-га ибодат қилишинг, куфр, туғён ва залолатга барҳам беришинг лозим, дедилар.

Эҳтимол, Иброҳим (алайҳиссалом) ўша мутакаббир подшоҳ-ни Аллоҳга ибодат қилишга даъват қилганларида, у: «Мени ибодат қилишга чорлаётган ўша раббинг ким?» деб сўраган ва Ибро-ҳим (алайҳиссалом) ўшанда юқоридаги оятни ўқиган бў-лишлари мумкин.

Шундан сўнг Намруднинг жавоби келтирилади: **«Мен (ҳам) тирилтираман ва ўлдираман».**

Яъни, эй Иброҳим, агар сенинг Раббинг тирилтирса ва ўлдир-са, мен ҳам У каби тирилтириб, ўлдиришга қодирман. Шундай экан, мен илоҳликни даъво қилишга муносибман.

Айтиладики: у подшоҳ бир жиноят содир этган кишини ке-чириб юборишини – тирилтириш, бир бегуноҳ одамни ўлим жазосига ҳукм қилишини – ўлдириш, деб ҳисоблаган.

Шунда Иброҳим (алайҳиссалом) унга ақлини лол, ўзини ҳай-рон ва ожиз қолдирадиган бир шартни қўйдилар: **«Албатта, Аллоҳ куёшни машриқдан чиқаради. Сен уни мағрибдан чи-қаргин-чи?»**

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом) ўз душманларига дедилар: "Сен Аллоҳ таоло сингари тирилтириш ва ўлдиришга қодир-ман, деб даъво қилдинг. Агар ушбу даъвоинг рост бўлса, сизлар Аллоҳнинг са-ҳарда куёшни шарқ томондан чиқаришини кўрасизлар, бас сен уни ғарб тарафдан чиқариб кўр-чи?!" Ўша подшоҳнинг ҳолати ушбу ожиз қолдирувчи ҳужжат келтирган пайтда қандай бўлди? Натижада **«Бу кофир довдираб қолди»**.

Яъни, у мағлуб бўлди, ҳайрон қолиб, бирон гап айтишга мажоли ҳам қолмади, чунки ундан умуман қўлидан келмайдиган, унга қодир бўлмаган ишни қилиш талаб қилинганди.

Сўнгра Аллоҳ таоло ушбу оятни қуйидаги каломи билан яқунлайди: **«Аллоҳ золим кимсаларни ҳидоят қилмайди»**.

Яъни, Аллоҳ таолонинг ҳикмати Ҳақиқат йўлидан оғиб, ўз нафс-ларига зулм қилган кишиларни ҳидоят қилмаслик ва уларнинг туғён ва нодонликлари сабаб тўғри йўлга илҳом қилмаслик-ни та-қозо этади.

Ушбу оят ақл юритувчи қавмларга ибрат бўлиши учун Аллоҳ таолонинг ўз валий бандаларига ғамхўрлик қилиши ва душманла-рини қаровсиз ўз ҳолларига ташлаб қўйилиши айтиб ўтилмоқда.

Иброҳим (алайҳиссалом)нинг Раббиларига ҳижрат қилишлари ва Исмоил (алайҳис-салом)нинг туғилишлари башорати

Иброҳим (алайҳиссалом)нинг одамларни Аллоҳ таолонинг ваҳ-дониятига даъват қилиш учун бир жойдан бошқа ерга ҳиж-рат қилишлари ва уларга бир солиҳ фарзанд берилишини башорат қилиниши тўғрисида бир неча сураларда ҳикоя қилина-ди. Энди, Соффот сурасида келтирилганларни кўриб чиқамиз. Аллоҳ таоло айтади:

«(Иброҳим) деди: «Албатта, мен Парвардигоримга кетгувчиман. Унинг Ўзи мени ҳидоят қилур. Парвардигорим, Ўзинг менга солиҳлардан ҳадя этгин». Бас, Биз унга бир ҳалим ўғилнинг хушхабарини бердик. Энди қачонки у билан бирга юрадиган бўлгач, (Иброҳим): «Эй ўғилчам, мен тушимда сени сўяётганимни кўрмоқдаман. Энди сен ўзинг нима раъй-фикр қилишингни бир ўйлаб кўргин», деган эди. У айтди: «Эй ота-жон, сенга буюрилган ишни қилгин. Иншааллоҳ, мени сабр қилгувчилардан топурсан» (Соффот, 99–110).

Энди буларни оятма-оят кўриб чиқамиз.

«(Иброҳим) деди: «Албатта мен Парвардигоримга кетгувчиман. Унинг Ўзи мени ҳидоят қилур».

Иброҳим (алайҳиссалом)га Аллоҳ нажот бериб, уларнинг макрларидан сақлаб қолганидан сўнг айтган сўзларидир.

Сўнгра, ушбу ҳидоятга яна бир яхшилик-солиҳ фарзанд беришини Аллоҳ таолодан сўрамоқдалар: **«Парвардигорим, Ўзинг менга солиҳлардан ҳадя этгин».**

Яъни, эй Раббим, Сендан шунингдек, ҳидоят билан бирга мен-га солиҳ бир зурриёт беришингни сўрайман, токи у Сен рози бў-ладиган бандалардан бўлсин, менга Сенинг амрингни одамларга тарқатишда ва Сенинг каломинг-сўзингни барча нарсадан устун бўлишини таъминлашимда ёрдамчи бўлсин. Шунда Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)нинг дуоларини ижобат қилиб, шундай дейди: **«Бас, Биз унга бир ҳалим ўғилнинг хушхабарини бердик».**

Яъни, Биз Иброҳим (алайҳиссалом)нинг дуосини мустажоб қи-либ, Ўз фаришталаримиз орқали ҳилм ва чиройли хулқлар билан безанган бир ўғилнинг хушхабарини бердик.

У Исмоил (алайҳиссалом) эдилар.

«Энди қачонки у билан бирга юрадиган бўлгач...»

Яъни, Исмоил (алайҳиссалом) ўз оталари қарамоғида улғайиб, Иброҳим (алайҳиссалом)га баъзи бир ишларни қилишга ёрдамлашиш даражасига етганларида, Иброҳим (алайҳиссалом) **«Эй ўғилчам, мен тушимда сени сўяётганимни кўрмоқдаман. Энди сен ўзинг нима раъй-фикр қилишингни бир ўйлаб кўр-гин»**, дедилар.

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом) ўз ўғиллари Исмоил (алайҳис-салом)га дедилар: “Эй ўғилчам, мен тушимда сени қурбонлик қи-либ сўяётганимни кўрмоқдаман. Энди сен, бу ҳақида қандай фикр-дасан?”

«Энди сен ўзинг нима раъй-фикр қилишингни бир ўй-лаб кўргин». Бундан келиб чиқадики, Аллоҳ таолонинг ушбу амри ҳа-қида ота-бола ўзаро маслаҳатлашишади. Лекин Иброҳим (алай-ҳиссалом) ўғиллари рози бўладиларми, йўқми, барибир уни амалга оширар эдилар. Ушбу сўзларни ўз ўғилларига айтишларидан мақсад, ушбу оғир амрни сал бўлса-да енгиллатиш, Исмоил (алай-ҳиссалом)га сабот ва сабр тилаш эди.

Хўш, Исмоил (алайҳиссалом) бунга қандай жавоб қайтарди-лар: **«Эй отажон, сенга буюрилган ишни қилгин. Иншааллоҳ, мени сабр қилгувчилардан топурсан».**

Ушбу жавоб Исмоил (алайҳиссалом)нинг саботлари ва ҳар қан-дай мусибат-синовларни кўтара олишлари ва Аллоҳ таолонинг ам-ри ҳамда ҳукмига бўйин эгишларидан дарак беради.

Яъни, ўғил отасига деди: “Эй отажон, Аллоҳ таоло сенга амр қилган ишни қилгин, ва бунда зинҳор иккиланма, Аллоҳ хоҳласа мени Унинг ҳукм ва иродасига сабр қилгувчилардан бўлишимни кўрасан”.

Шунингдек, Аллоҳ таоло барча пайғамбарлар (алайҳиссалом)-га ҳаёт поғоналарида Ўзи илҳом бериб, энг юқори одоб-ахлоқ даражасига етишлари, қалбан имон келтиришлари ва бошқа кўплаб ишларда уларга сабр-матонат ато этган. Исмоил (алайҳиссалом) Аллоҳнинг иродасига рози бўлдилар, ундан кейин нима бўлди? **«Бас, иккиси ҳам бўйсуниб, пешонаси билан ётқизган эдики...».**

Яъни, ота ва ўғил Аллоҳ таолонинг амрига бўйин эгиб, ота ўз ўғли Исмоил (алайҳиссалом)ни пешонаси билан ерга ётқизиб, энди сўйишга ҳозирланганида ...

Ушбу ҳолат тўғрисида уламолар баъзи маълумотларни зикр қилиб ўтадилар: «Исмоил (алайҳиссалом)ни отаси қурбонлик қил-моқчи бўлганида, унга деди: «Эй отажон, мени маҳкам боғ-лаб қўй-гин, токи кимирлаб сенга халақит бермай, кийимингни қайи-риб ол, қоним кийимингга сачраб, онам уни кўриб қолса, мени эслаб, хафа бўлмасин, пичоқни яхшилаб ўткирлаб ол, токи мени сўяёт-ган-да осон бўлсин. Уйга қайтгач, онамга мендан салом айтгин!»

Сўнгра уларнинг бу таслим бўлишларига жавобан Аллоҳ таоло ўз фазлу карамини уларга ато этиб, бундай деди:

«Эй Иброҳим, дарҳақиқат, сен тушингни рост-бажо қил-динг». Албатта, Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлаймиз».

Яъни, улар Бизнинг амримизга таслим бўлиб, Иброҳим ўз ўғлини сўйиш учун ерга ётқизганида, Биз унга нидо қилдик: “Эй Иброҳим, сен Биз буюрган ишни қилдинг, тушингда кўрган нар-сани мукамал адо этдинг. Бу сенинг имонда содиқлигингга ва ихлосингнинг қувватли эканлигига далолат қилади”.

Биз Иброҳим ва Исмоил (алайҳиссаломлар)нинг бошига туш-ган мусибатдан фориғ қилдик, улардан ғам-ташвишларни кў-тариб, даражаларини янада юқори қилдик. Биз яхши амал қил-гувчиларни худди шундай мукофотлаймиз.

«Албатта, бу очик-ойдин имтиҳондир, холос».

Яъни, Бизнинг ушбу икки пайғамбарни синашимиз, очик-рав-шан имтиҳондир, унда кучли имон заифдан ажралади. Буни фа-қатгина сабр-тоқат, салим қалб соҳиблари ва оламлар Раббиси бўлган Аллоҳ таолога чин мухлис бандаларгина кўтара олулар.

Сўнгра **«Биз ўрнига катта бир сўйиш-қурбонликни эваз қилиб бердик».**

Яъни, Биз Исмоилнинг ўрнига Иброҳим учун катта бир қур-бонликни бердик.

Айтилишича, Аллоҳ таоло уларга оқ, шохдор ва вазни оғир бўлган бир қўчқорни эваз қилиб берган.

«Ва кейингилар орасида у ҳақида қолдирдик. Иброҳимга салом бўлгай! Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз».

Яъни, Биз пайғамбаримиз Иброҳим (алайҳиссалом)га Ўз фазлу эҳсонимиздан бир нишона сифатида унинг учун кейин келадиган умматлар орасида яхши хотира ва мақтовлар қилдик ва Биздан ҳамда мўминлардан жазо кунигача унга салом ёғилгай! Иброҳим (алайҳиссалом) ўз имонида содиқ тургувчи мўмин бандаларимиздандир. Биз чиройли амал қилгувчи бошқа мўмин бандаларимизни мана шундай мукофотлаймиз.

Исҳоқ (алайҳиссалом) туғилишининг башорат қилиниши

Иброҳим (алайҳиссалом)га Исҳоқ (алайҳиссалом)нинг дунёга келишлари учта – Ҳуд, Ҳижр ва Зориёт сураларида башорат қи-линади. Бу хушхабарни фаришталар Лут (алайҳиссалом)нинг қавмини ҳалок қилишга кета туриб Иброҳим (алайҳиссалом)га етказдилар. Энди, ушбу сураларда келган қиссаларни бирма-бир кўриб чиқамиз. Ҳуд сурасида келтирилган қисса қуйидаги оятлар билан бошланади.

«Дарҳақиқат, Бизнинг элчиларимиз Иброҳимга хушхабар билан келиб, салом бердилар. У ҳам: «Салом», деди-да, қараб турмай қовурилган бир бузукни келтирди. Энди қачон-ки у қўллари овқатга бормаётганини кўргач, уларни танимай қолди ва улардан хавфсирай бошлади. (Шунда) улар: «Кўрқ-магин, бизлар Лут қавмига юборилганмиз», дедилар. Хотини турган эди, кулди-хурсанд

бўлди. Шунда Биз у аёлга Исҳоқ ҳақида ва Исҳоқдан кейин Яъқуб ҳақида хушхабар бердик. У деди: «Вой ўлмасам, ўзим кампир, мана бу эрим эса қари чол бўлса ҳам туғавераманми? Бу жуда қизиқ иш-ку!». Улар айтдилар: «Аллоҳнинг амридан ажабланиаяпсанми? Эй хонадон эгалари, сизларга Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлмай. Албатта, У ҳамду сано эгаси ва буюқдир» (Худ, 69–73).

Аллоҳ таолонинг «Дарҳақиқат, Бизнинг элчиларимиз Иб-роҳимга хушхабар билан келиб...» оятидаги элчилардан мурод – Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)га ўғиллари Исҳоқнинг туғилиши башоратини бериш учун юборган бир гуруҳ фаришталардир. Ривоятларда уларнинг сони қанча бўлганлиги хусусида ихтилофлар бор. Ибн Аббос айтадилар: «Улар уч нафар бўлган: Жаб-роил, Микоил ва Исрофил».

Заҳҳок: «Уларнинг сони тўққизта» ва Судий эса: «Улар ўн бир фариштадан иборат бўлган», деган фикрларни айтиб ўтишган.

Ростини айтганда, уларнинг сони нечта бўлганлиги тўғри-сида бирон ишончли хабар йўқ. Шунинг учун уни Аллоҳ таолога ҳа-вола қиламиз.

«Башорат» сўзи «қувончли хабар» маъносини англатади. Башорат хабардан хосроқ, чунки унинг таъсири узоқ вақтгача сақ-ланиб қолади.

Ушбу жумлалар таъкидлаб айтилмоқда, мақсад Қурайш муш-рик-лари ва бошқаларга ушбу қиссалар ҳақ эканлигини англа-тишдир.

«(Улар) салом бердилар. У ҳам: «Салом», деди».

Бу нарса уларнинг ўртасида ўзаро салом-алик бўлиб ўтгани-дан дарак беради.

Шундан сўнг Иброҳим (алайҳиссалом) «Қараб турмай қову-рилган бир бузоқни келтирди».

Иброҳим (алайҳиссалом) ушбу элчиларга очиқ юз ва иззат-икром билан муносабатда бўлдилар.

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом)нинг ҳузурига ўша элчилар келиб, саломлашишгач, у киши тезда ўз аҳлининг олдига шошиб кет-дилар ва оловда пиширилган бир семиз бузоқни олиб келдилар.

Сўнгра Иброҳим (алайҳиссалом)нинг меҳмонларни овқат емаётганларини кўргач, юз берган ҳолат баён қилинади: «Қачонки у қўллари овқатга бормаётганини кўргач, уларни танимай қолди ва улардан хавфсирай бошлади».

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом) меҳмонларнинг ўз олдиларидаги нарсалардан емаётганларини кўргач, уларни танимай қолди ва қалбига кўрқув тушди, чунки меҳмонларнинг олдиларига тортилган нарсалардан емасликлари яхшилик белгиси эмасди. Шу сабаб фаришталар Иброҳим (алайҳиссалом)нинг қалбларини хо-тиржам қилиш мақсадида «Қўрқмагин, Бизлар Лут қавмига юборилганмиз», дедилар».

Яъни, эй Иброҳим, бизлардан зинҳор кўрқмагин, биз инсон наслдан бўлган меҳмонлар эмасмиз. Аллоҳ таоло бизни Лут-нинг қавмини ҳалок қилиш учун юборди.

Сўнгра Иброҳим (алайҳиссалом)нинг аёллари бу ҳодисага қан-дай муносабатда бўлганликлари ҳикоя қилинади: «Хотини турган эди, кулди-хурсанд бўлди. Шунда Биз у аёлга Исҳоқ ҳақида ва Исҳоқдан кейин Яъқуб ҳақида хушхабар бердик».

Қуртубийнинг таъкидлашича, у аёл Иброҳим (алайҳиссалом)-нинг рафиқаси Сора бўлиб, у ерда туришининг сабаби: баъзи бир ишларни бажариш ёки меҳмонларга хизмат қилиш эди.

Яъни, фаришталарнинг Иброҳим (алайҳиссалом)га айтган гап-ларини эшитган аёли ундан кўркувнинг кетгани сабабли хурсандчиликдан кулиб юборди. Шундан сўнг Биз ўша аёлга Исҳоқ ва унинг ортидан Яъқубларнинг хушхабарини бердик.

Бу иккинчи бор қилинаётган башорат эди. Биринчиси Исмоил (алайҳиссалом) тўғрилирида бўлган.

Ўша вақтда Сора фарзанд кўришдан умид қилиш ёшидан ўт-ганди, лекин ундан бирон зурриёт дунёга келмаган эди. Бу башоратни эшитиб, ажабланди ва ҳайрон бўлиб шундай деди: **«Вой ўлмасам, ўзим кампир, мана бу эрим эса қари чол бўл-са ҳам туғавераманми? Бу жуда қизик иш-ку!»**.

Яъни, жуда ажойиб иш бўлди-ку! Мен ўзим аллақачон фар-занд кўриш ёшидан ўтган бўлсам, ва эрим Иброҳим ҳам анча ёшга бориб қолган бўлса ҳам туғавераманми?! Ушбу менга келтирган башоратингиз, жуда қизик бўлди. Одатда бу ёшда аёллар фарзанд кўрмайди!

Бунга жавобан фаришталар дедилар: **«Аллоҳнинг амридан ажабланыяпсанми?»**

Яъни, ушбу ёшда сенга ва эрингга Аллоҳ таоло ўз қудрати билан фарзанд ато қилишидан шубҳаланыяпсанми? Йўқ, бу ўринсиз-дир, чунки Аллоҳ таолонинг қудрати чексиз. У ҳеч нарсадан ожиз қолмайди, балки ҳамма нарсага қодир Зотдир.

«Эй хонадон эгалари, сизларга Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлгай».

Яъни, фаришталар уларнинг хурсандчилигини янада зиёда қилиш учун дедилар: **«Эй муҳтарам хонадон эгалари, сизларга Аллоҳнинг кенг раҳмати, чексиз хайр-баракати бўлади. Зеро, Аллоҳ таоло «Ҳамду сано эгаси ва буюқдир».**

Яъни, Аллоҳ Ўзи берган неъматларга кўплаб ҳамду санолар, шукрлар айтишга мустаҳиқ ва бандаларига яхшиликларни дариг тутмайдиган Зотдир.

Ҳижр сурасида ҳам ушбу башорат таъсирли услубда ҳикоя қилинади. Аллоҳ таоло айтади:

«Бандаларимга ёлғиз Менинг Ўзимгина мағфиратли, меҳ-рибон эканлигимни ва Менинг азобим энг аламли азоб эканлигини хабар қилинг. Яна уларга Иброҳимнинг меҳмонлари ҳақида хабар беринг. Ўшанда улар унинг ҳузурига келиб: «Салом», деганларида, у: «Биз сизлардан кўрқмоқдамиз», деди. Улар дедилар: «Кўрқмагин, биз сенга бир билимдон ўғил хушхабарини етказурмиз». У деди: «Менга кексалик етган пайтида хушхабар келтирдингизми? Энди менга ниманинг ҳам хушхабарини етказар эдингиз». Улар айтдилар: «Биз сенга ростдан ҳам хушхабар келтирдик. Бас, сен ноумид кимсалардан бўлмагин!». У деди: «Парвардигоримнинг фазлу раҳ-матидан фақат адашган кимсаларгина ноумид бўлурлар» (Ҳижр, 49–56).

Яъни, эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), мўмин бандаларимга менинг гуноҳ қилгувчиларнинг мағфиратларини кўплаб қабул қилгувчи эканлигимни ва азобга муносиб бўлган осий бандалар учун Менинг азобим аламли ва шиддатли эканлигини айтинг!

Кўриниб турибдики, ушбу икки оятда Аллоҳ таоло мағфират-азоб, раҳмат-интиқом, ваъда-ваъид сўзларини жамлаб туриб, Ўз бандаларига хитоб қилмоқда. Бундан келиб чиқадики, мў-мин банда доим хавф ва ражо орасида бўлиши ва Аллоҳнинг раҳ-матидан зинҳор ноумид бўлмаслиги лозим. Бу ерда Аллоҳ-нинг мағфирати ва раҳмати Унинг азоби ва интиқомидан олдин зикр қилинмоқда. Бу нарсани Аллоҳ таолонинг иродаси тақозо этади, яъни У Зотнинг раҳмати ғазабидан, мағфирати интиқомидан устундир.

«Яна уларга Иброҳимнинг меҳмонлари ҳақида хабар беринг».

Яъни, бир нечта фаришталар Аллоҳ таолонинг изни билан одам суратида Иброҳим (алайҳиссалом) олдиларига тушиб, ун-га билимдон ўғилнинг башоратини берадилар.

«Ўшанда улар унинг хузурига келиб: «Салом», деганларида, у: «Биз сизлардан кўрқмоқдамиз», деди».

Иброҳим (алайҳиссалом) улардан кўрқишларига сабаб, аввало, улар у кишининг хузурларига рухсатсиз ва бемаҳал пайтда келган эдилар. Шунингдек, улар аввалдан Иброҳим (алайҳис-салом)га таниш эмасдилар, қолаверса, ўз олдиларига қўйилган таомдан ҳам емадилар. Сўнгра фаришталарнинг Иброҳим (алай-ҳиссалом)ни хотиржам қилиш мақсадида айтган гаплари келтирилади:

«Улар дедилар: «Кўрқмагин, биз сенга бир билимдон ўғил хушхабарини етказурмиз».

Яъни, сен бизлардан кўрқмагин, биз сенга кўп илм эгаси бўлган бир ўғилнинг хушхабарини етказиш учун келдик. Аллоҳ таоло Ҳуд сурасида ушбу башорат Иброҳим (алайҳиссалом)нинг аёл-ларига берилгани айтилган бўлса, мазкур сурада бевосита Иб-ро-ҳим (алайҳиссалом)га башорат берилмоқда. Эҳтимол, уларга бир вақт-нинг ўзида ёки турли вақтларда хушхабар берилгандир.

Яъни, аввал Иброҳим (алайҳиссалом)га сўнгра аёли келгач, ун-га ҳам хушхабар беришган. Бунга Аллоҳ таолонинг қуйидаги ка-ломи ҳам далолат қилади:

«(Иброҳимнинг) хотини турган эди. У кулди-хурсанд бўл-ди. Шунда Биз у аёлга Исҳоқ ҳақида ва Исҳоқдан кейин Яъқуб ҳақида хушхабар бердик» (Ҳуд, 71).

Кейин, фаришталар башорат бергач, Иброҳим (алайҳиссалом)-нинг уларга нима деганлари айтиб ўтилади: **«Менга кексалик етган пайтида хушхабар келтирдингизми? Энди менга ниманинг ҳам хушхабарини етказар эдингиз».**

Яъни, қарилик менга йўлиқиб, ёшим бир жойга бориб қол-ганидагина ўғил кўришим ҳақида хушхабар берасизларми?

Аслида Иброҳим (алайҳиссалом) Аллоҳ таолонинг қудрати чексизлиги ва унинг амрининг сўзсиз бажарилишидан таажжубга тушган эдилар.

Фаришталар унга дедилар: **«Биз сенга ростдан ҳам хушха-бар келтирдик. Бас, сен ноумид кимсалардан бўлмагин!»**

Яъни, эй Иброҳим, Биз сенга ҳақиқатан фарзанд кўришинг ҳақида хушхабар бердик. Сен ҳеч вақт Аллоҳ таолонинг раҳ-матида умидсизланмагин. Зеро, Унинг куч-қудрати чексиз ва У Зот ҳеч нарсадан ожиз қолмайди.

Сўнгра Иброҳим (алайҳиссалом) ўз камчиликларини ювиш, айбларини ёпиш мақсадида шундай дедилар: **«Парвардигоримнинг фазлу раҳматидан фақат адашган кимсаларгина но-умид бўлурлар».**

Яъни, Аллоҳ таолонинг раҳматидан ноумид эмасман, чунки фақат тўғри йўлдан адашганларгина Унинг раҳматидан умидсизланадилар.

Зориёт сурасида ҳам ушбу қисса ўзгача услубда ҳикоя қи-линади. Аллоҳ таоло айтади:

«Сизга Иброҳимнинг иззат-икромли меҳмонлари ҳақида-ги хабар келдими? Ўшанда улар унинг хузурига кириб, «Салом», дейишган эди, у ҳам: «Салом, (булар) нотаниш қавм-ку», деди. Сўнг аста оиласи олдига чиқиб, бир семиз бузукни кел-тирди-да, уни уларга яқин қилиб, «Емайсизларми?», деди. Улардан

хавфсирай бошлади. (Шунда) улар: **«Кўркмагин»**, дедилар ва унга бир доно ўғил хушxabарини бердилар. Шунда унинг хотини кичкирганча келди-да, ўзининг юзига уриб: **«(Ахир мен) туғмаган кампир(ман)ку!»**, деди. Улар айтдилар: **«Парвардигоринг мана шундай деди. Албатта, Унинг Ўзиги-на ҳикмат ва билим соҳибидир»** (*Зориёт, 24–30*).

Ушбу қисса унинг аҳамиятини ошириш мақсадида савол тар-зида келтириб ўтилмоқда. Зеро, у тўғрисидаги илм фақатгина ваҳий орқали амалга оширилади.

Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сизга Иброҳим (алайҳиссалом)нинг икромли меҳмонлари ҳақидаги хабар кел-мадими? Биз сизга тушираётган ушбу Қуръонда уларнинг ҳам қис-салари бор ва уни сизга рўйирост ҳикоя қилурмиз.

Аллоҳ таоло ушбу фаришталарни «икромли-ҳурматли» дея сифатламоқда, чунки улар Аллоҳга итоат этиш билан ҳурмат қо-зонганлар, шунингдек, Иброҳим (алайҳиссалом) ҳам уларни иззат-икром билан кутиб олдилар.

«Ўшанда улар унинг ҳузурига кириб, «Салом», дейишган эди, у ҳам: «Салом, (Булар) нотаниш қавм-ку», деди».

Сўнгра ушбу нотаниш кишиларга қандай муносабатда бўл-ганлари ҳикоя қилинади: **«Сўнг аста оиласи олдига чиқиб, бир семиз бузоқни келтирди-да, уни уларга яқин қилиб, «Емайсизларми?»**, деди».

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом) меҳмонларга билдирмай ўз аҳли аёллари олдига бордилар ва бир семиз бузоқни олиб келиб, уларга яқин қўйдилар, сўнгра лутф билан: “Таомдан емайсизларми?”, дедилар.

Лекин Иброҳим (алайҳиссалом) уларга иззат-икром билан му-омала қилсалар ҳам улар унинг даъватига жавоб қайтармай, тао-мидан бир лукма ҳам еб кўрмадилар. Шунинг учун Иброҳим (алайҳиссалом) **«Улардан хавфсирай бошлади»**.

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом)нинг таомлари ширин бўлса ҳам, уларнинг бундан юз ўгиришларини кўриб, нафсларида бир кўрқув пайдо бўлди.

Шунда фаришталар ўзларини танитиш мақсадида **«Кўрк-магин»**, биз Аллоҳнинг элчиларимиз дедилар ва **«Бир доно ўғил хушxabарини бердилар»**.

Сўнгра Иброҳим (алайҳиссалом)нинг аёллари ушбу башоратни эшитгач, қандай аҳволга тушгани ҳикоя қилинади: **«Шунда унинг хотини кичкирганча келди-да, ўзининг юзига уриб: «(Ахир мен) туғмаган кампир(ман)ку!»**, деди».

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом)нинг аёллари Сора бинти Хорон ушбу башоратни эшитгач, кичкирганча, таажжубланиб, қў-ли билан юзига урди ва: “Мен бир туғмас кампир бўлсам, қандай қилиб фарзанд кўришим мумкин?!” деди.

Шу ерда фаришталар унинг ажабланишини кетказиш мақса-дида жавоб бериб ўтадилар: **«Парвардигоринг мана шундай деди. Албатта, Унинг Ўзигина ҳикмат ва билим соҳибидир»**.

Яъни, фаришталар Иброҳим (алайҳиссалом)нинг аёлига дедилар: “Шу ёшингда фарзанд кўришингдан ажабланма. Бу ҳукм Раббингнинг ҳукмидир. Биз сенга етказган башорат Аллоҳ таолонинг сўзидир, уни қайтаргувчи йўқдир. У Аллоҳ ҳар бир ишни ҳикмат билан адо қилади ва у Зот махлуқотларининг ҳолидан доимо огоҳдир”.

Юқорида келтириб ўтилганлардан билиш мумкинки, Ибро-ҳим (алайҳиссалом)га ўғиллари Исҳоқ (алайҳиссалом)нинг башорат қи-линиши турли сураларда, турли хил услубда ҳикоя қи-линган, лекин уларнинг моҳияти бир, бириси иккинчисига зид эмас. Бу ҳам Қуръони карим Аллоҳ таолонинг даргоҳидан нозил бўлганлигига очиқ-ойдин ҳужжатдир. Аллоҳ таоло айтади:

«Агар у (Қуръон) Аллохдан ўзганинг хузуридан (келган) бўл-са эди, унда кўп ихтилофларни топган бўлур эдилар» (Ни-со, 82).

Иброҳим (алайҳиссалом)нинг Байтул Ҳаромни қуришлари ҳақидаги қисса

Қуръони каримнинг кўпгина оятларида Масжидул Ҳаром-нинг бино қилиниши, Аллоҳ таолонинг Иброҳим (алайҳиссалом)га шу ишни буюриши тўғрисида ҳикоя қилинади. Аввал, Ҳаж сура-сида келтириб ўтилганларни кўриб чиқамиз. Аллоҳ таоло айтади:

«Эсланг, Биз Иброҳимга Байтуллоҳнинг ўрнини белгилаб бериб, «Сен менга бирон нарсани шерик қилмагин ва менинг Байтим – Уйимни тавоф қилгувчилар киём, руку, сажда қилгув-чилар учун пок тутгин! Ва одамлар орасида ҳажга ча-қиргин, улар сенга яёв ҳолларида ва барча йироқ йўллардан келадиган ориқ-ҳолдан тойган туялар устида келурлар. Улар ўзлари учун бўлган манфаатларга шохид бўлиш учун ва маълум кунларда уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонлари устида Аллоҳ номини зикр қилиш учун (келурлар). Бас, ундан ўзларингиз ҳам еяверинглар, бечора камбағалларга ҳам едиринглар. Сўнгра улар кирларини кетказсинлар, назрларини тўла адо қилсинлар ва «Эски уй»ни тавоф қилсинлар!» (Ҳаж, 26–29).

Баъзи уламолар шундай дейишган: «Муфассирлар айтиша-дики, Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)га Байтуллоҳнинг ўр-нини аниқлаб, кўрсатиб берди. «Хужуж» номли кучли шамол натижасида у уйнинг асоси қулаб, харобага айланган эди. Сўнг-ра Иброҳим ва Исмоил (алайҳиссаломлар) уни бино қилишди. Бу жой аввал журҳумликларнинг қўйлари сақланадиган жой бўлган» (*Шу сабабли Аллоҳ таоло ушбу икки пайғамбарига у ерни поклашни амр этмоқда. – Тарж*).

Аллоҳ таолонинг **«Байтуллоҳнинг ўрнини»**, дейиши, у ерда аввал бир бино бўлганидан дарак беради.

Яъни, эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Биз Ибро-ҳим (алайҳиссалом)га Байтул Ҳаромнинг жойини аниқлаб бериб, Бизга ширк келтирмаслик ва ихлос билан ибодат қилишга буюрганимизни, шунингдек, ушбу маконни маънавий ва моддий но-пок-ликлар, жумладан, куфр, бидъат, залолат ва најосатлардан пок-лашни ва тавоф қилгувчилар, намоз ҳамда бошқа ибодатларни адо этгувчилар учун тоза тутишларини амр этганимизни эсланг.

Шу оятдан келиб чиқиб, уламолар шундай дейишади: «Байтул Ҳаромда бирон нопоклик ва најосат нарсаларни қолдириш жоиз эмас, бу ерда ҳеч ким Аллоҳ рози бўлмайдиган ишларни қил-май-ди ва ҳамма у ерни пок тутиши лозим». Сўнгра Аллоҳ таоло ўз пайғамбари Иброҳим (алайҳиссалом)га ўша ерни белгилаб бергач, нимага амр қилгани айтилади: **«Ва одамлар орасида ҳажга чақиргин, улар сенга яёв ҳолларида ва барча йироқ йўллар-дан келадиган ориқ-ҳолдан тойган туялар устида келурлар».**

Яъни, эй Иброҳим, одамларга Ҳажнинг фарз эканлигини эълон қилинг, улар сизнинг даъватингизга жавобан пиёда ва йўл узоқ-лиги сабаб ҳолдан тойган уловларида узоқ-узоқ жойлардан ҳам келурлар.

Ибн Касир айтадилар: «Яъни, эй Иброҳим, одамларни сенга уни бино қилишни буюрганимиз ушбу Уйни ҳаж қилишга ча-қиргин. Зикр қилинишича, у киши дедилар: Эй Аллоҳим, мен одам-ларга қандай қилиб етказаман, овозим уларгача етмайди-ку?»

Шунда айтилади: Сен уларни чақиравергин, етказиш эса Биздандир. Сўнгра Иброҳим (алайҳиссалом) бир тош устига (ёки Сафога) чиқиб дедилар: Эй одамлар, дарҳақиқат, Парвардигорингиз ушбу Уйни сизлар учун танлади. Бас, уни ҳаж қилинглар. Шунда, тоғлар паст бўлди ва унинг овози ер юзи бўйлаб тарқалди. Буни эшитган одамлар, унга ижобат қилиб, «Лаббайка Аллоҳумма лаббайка...», деб Байтул Ҳаром томон кела бошладилар»²¹.

(таржимаси: «Эй Парвардигор, мана биз Сенинг ҳузурингдамиз, даъватингга ижобат қиламиз».)

Сўнгра, Ҳаж ибодатини адо этишдан келадиган манфаат-лар эслатиб ўтилади: **«Улар ўзлари учун бўлган манфаатларга шоҳид бўлишлари учун...»**

Яъни, эй Иброҳим, одамлар узоқ жойлардан ўзлари учун ҳам дунёвий, ҳам ухровий фойда кўришлари учун келадилар.

Ухровий манфаатлар: гуноҳларининг кечирилиши, дуоларининг ижобат қилиниши ва Аллоҳнинг ризолигига эришишлари.

Дунёвий манфаатлар: одамлар ушбу пок маконда йиғилишиб, ўзаро бир-бирлари билан танишадилар, яхшилик ва такво йўлида ҳамкорлик қиладилар, савдо орқали бир-бирлари билан маҳсулот айрибошлайдилар ва Аллоҳ таоло ҳалол қилган бошқа амалларни бажарадилар.

«Маълум кунларда уларга ризқ қилиб берган чорва ҳай-вонлари устида Аллоҳ номини зикр қилиш учун...».

«Маълум кунлар»дан мурод, Зул-Ҳижжа ойининг биринчи ўн кунлиги, яъни Ташриқ кунларидир.

Қурбонлик қилинадиган чорва ҳайвонларига асосан, туя, сигир ва қўй киради.

Яъни, ушбу муборак кунларда Аллоҳ таолонинг зикрини кў-пайтириб, Унга тоат этишлари ва Унга шукроналик маъносида чорва ҳайвонларини Аллоҳ таолонинг йўлида қурбонлик қилиш-лари учун келурлар.

«Бас, ундан ўзларингиз ҳам еяверинглар, бечора камба-ғалларга ҳам едиринглар».

Яъни, ушбу чорва молларини қурбонлик қилгач, унинг гўш-ти-дан ўзларингизнинг ҳожатингиз учун ишлатинглар ва эҳтиёж-манд, фақир кишиларга унинг бир қисмини тарқатингизлар.

Сўнгра гуноҳлардан покланиб ва эҳромдан чиққанларидан сўнг нима қилишлари лозимлиги айтилади: **«Сўнгра улар кирларини кетказсинлар, назрларини тўла адо қилсинлар ва «Эски уй»ни тавоф қилсинлар!»**

Яъни, ўзларига фарз бўлган ибодатларни бажаргач, улар ҳар хил нопоклик ва кирликлардан тозалансинлар, Ҳажда Аллоҳ таоло йўлига қилган назрларини адо қилсинлар ва Биз бандамиз ва расулимиз Иброҳимга бино қилишни амр этган мана шу «Эски Уй»²²ни тавофул ифоза қилсинлар.

²¹ «Тафсиру Ибн Касир», 5-жилд, 410-бет.

²² (Ривоят қилинишича, Одам (алайҳиссалом) жаннатдан ерга тушганларида Аллоҳ таолонинг амри билан биринчи бино қилган уйлари Байтуллоҳ бўлган экан (шунинг учун бу уй «Эски уй», деб аталмоқда). Нуҳ (алайҳиссалом) замонларида бўлган тўфон балосида фаришталар Аллоҳ таолонинг амри билан у Уйни еттинчи осмонга олиб чиқиб кетган экан. Ҳадиси шарифда айтилишича, ўша даврдан буён самодаги Байтуллоҳни ҳар қуни етмиш минг фаришта тавоф қилар, аммо Аллоҳнинг лашқари бўлмиш фаришталарнинг саноғи шу қадар беадад эканки, ҳанузгача бир фаришта икки марта тавоф қилишга улгурмаган экан. Ана ўша самога олиб чиқиб

Бақара сурасида ҳам Байтул Ҳаромнинг бино қилиниш қис-саси ва бу жараёнда Иброҳим (алайҳиссалом)нинг Аллоҳ таолога қилган дуолари келтириб ўтилган. Аллоҳ таоло айтади:

«Эсланг, Байтуллоҳни одамлар учун зиёратгоҳ ва тинч жой қилдик ва Иброҳимнинг турган ўрнини намозгоҳ қилиб олинг, (дедик) ва Иброҳим ва Исмоилга: «Менинг Байтимни тавоф қилгувчилар, турувчилар, руку-сужуд эгалари учун пок тутинг», деб буюрдик. Эсланг, Иброҳим: «Эй Парвардигор, бу шаҳарни тинч шаҳар қилгин ва унинг аҳлларидан Аллоҳ ва Охират кунига ишонувчиларни турли мевалар билан ризқлантиргин», деганида, Аллоҳ таоло: «Қофирларни ҳам бир оз фойдалантириб, сўнгра дўзах азобига дучор қила-манки, бу энг ёмон оқибатдир», деди. Эсланг, Иброҳим Исмоил билан биргаликда Байтуллоҳнинг пойдеворини кўтариб (дедилар): «Парвардигоро биздан Ўзинг қабул айла. Шубҳасиз, Сен эшитгувчи, билгувчисан! Парвардигоро, бизни Ўзингга бўйсунувчилардан қилгин ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга итоат қиладиган кишиларни (чиқаргин). Ва бизга ибодатларимизни ўргатгин ҳамда тавба-тазарруларимизни қабул эт! Шубҳасиз, Сен тавбаларни қабул қилгувчи раҳмлидирсан. Парвардигоро, уларнинг орасига ўзларидан бўлган, уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, Китоб ва ҳикматни ўргатадиган ва уларни поклайдиган бир пайғамбарни юбор! Шубҳасиз, сен қудрат ва ҳикмат соҳибсан» (Бақара, 125–128).

Яъни, эсланг, эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёки эй оқил инсон, Биз Байтул Ҳаром ва Каъбаи шарифни одамларга бошпана ва улар бутун дунёдан келадиган ҳамда улар учун тинч-хотиржам, ҳар қандай хавф-хатардан холи бўлган бир макон қи-либ қўйдик. Аллоҳ таоло бошқа бир оятда бундай дейди:

«Шунингдек, унга кирган одам омон бўлур» (Оли-Имрон, 97).

«Ва Иброҳимнинг турган ўрнини намозгоҳ қилиб олинг, (дедик)».

Бу Иброҳим (алайҳиссалом) Масжидул Ҳаромни кураётган чоғ-ларида турган ерларини шарафлаш учун айтилмоқда.

(Бу ерда «Иброҳимнинг турган ўрни» деб таржима қилинган жумла одатда «Иброҳим мақоми», деб аталади. – Таржимон.)

Ояти каримада келтирилган Иброҳим мақомидан мурод: Иб-роҳим (алайҳиссалом) Каъбани кураётганларида унинг устида тур-ган тошдир. Ўша тош устида туриб Каъбани бино қилганлар. Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «Ра-сулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Каъбани етти марта тавоф қилиб, сўнгра (Иброҳим) мақоми орқасида икки ракат намоз ўқидилар» *(Имом Бухорий ривояти).*

Ибн Касир айтадилар: «Иброҳим мақоми» деб аталувчи бу тош қадимдан Каъба деворига ёпишиб туради, унинг ҳозирги жойи кираверишда, эшикнинг ўнг тарафидадир. Иброҳим (алай-ҳиссалом) Байтуллоҳни куриб бўлганларидан сўнг бу тошни Каъба деворига қўйдилар.

кетилган Байтуллоҳ (у «Байтул Маъмур», деб ҳам аталади)нинг ўрнини Ҳақ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)га билдириб, ўша жойга барча мусулмонлар учун қибла бўлган Байтуллоҳни бино қилишни буюрган. – Таржимон).

Уни Умар ибн Хаттоб (розияллоху анху) Каъба деворидан ҳо-зирги ўрнига олдирадилар. Бу ишни қилишдан у кишини са-ҳо-баларнинг ҳеч қайсиси қайтармаган²³.

«Ва Иброҳим ва Исмоилга: «Менинг Байтимни тавоф қил-гувчилар, турувчилар, руку-сужуд эгалари учун пок тутинг», деб буюрдик».

Яъни, Биз Иброҳим ва ўғли Исмоил (алайҳиссаломлар)га буюрдик ва ваҳий қилдик: Сизлар Байтул Ҳаромни Аллоҳ таолонинг Уйига муносиб бўлмаган ҳар қандай нопоклик ва бидъатлардан тозаланг. Уни тавоф қилиб, тоат-ибодат қилувчилар ва ичида намозни адо этувчилар учун бир макон қилинг, дедик.

Сўнгра Иброҳим (алайҳиссалом)нинг дуолари келтириб ўти-лади: **«Эсланг, Иброҳим: «Эй Парвардигор, бу шаҳарни тинч шаҳар қилгин ва унинг аҳлларида Аллоҳ ва охират кунига ишонувчиларни турли мевалар билан ризқлантиргин»**, деди.

Яъни, Эй Аллоҳ, Сендан дуо қилиб сўрайманки, ушбу Байтинг бўлмиш Маккани одамлар унда хотиржам бўладиган тинч шаҳар қилгин, шунингдек, эй Аллоҳим, бу шаҳар аҳли орасидан Сенга ва Қиёмат кунига имон келтирганларни турли-туман мевалар билан ризқлантиришингни сўрайман.

Шундан кейин Аллоҳ таоло кофирларнинг тақдирини баён қилади: **«Кофирларни ҳам бир оз фойдалантириб, сўнгра дўзах азобига дучор қиламанки, бу энг ёмон оқибатдир».**

Яъни, Аллоҳ деди: “Кимки Менга ва Охират кунига куфр келтириб имон келтириш лозим бўлган нарсаларга ишонмаса, уларни бир оз муддат дунё неъматлари билан озиклантираман, лекин Қиёмат куни уларнинг макони ўша ер бўлади, нақадар ёмон тақдир, бу!”

«Эсланг, Иброҳим Исмоил билан биргаликда Байтуллоҳ-нинг пойдеворини кўтариб (дедилар): «Парвардигоро, биздан Ўзинг қабул айла. Шубҳасиз, Сен эшитгувчи, билгувчисан!»

Яъни, эй оқил инсон, ушбу икки пайғамбар Байтуллоҳнинг асосини кўтараётиб: “Эй Парвардигор, бизлардан сўзимиз ва амал-ларимизни қабул қил. Зеро, Сен сўзларимизни эшитувчи ва ҳолимизни билиб турувчисан!», деганларини эслагин.

Шунингдек улар дедилар: “Эй Аллоҳ, бизларни амрингга қулоқ тутиб, бўйсунувчилардан қилгин ва зурриётимиздан ҳам сенга ихлосли кишиларни чиқаргин. Бизга динимиз қоидаларини, Ҳаж амалларини таълим бергин. Ва бизни тавбага юзлантиргин ҳа-м-да бизлардан қабул эт! Зеро, сен ҳоҷамизсан тавба қилувчилар-нинг чин қалбдан қилган тавбаларини қабул этгувчидирсан!”

*Иброҳим (алайҳиссалом) қиссасидан олинадиган
фойда ва ибратлар*

Қуръони каримни ўқиб, уни тафаккур қилган инсон ўзига кўп-лаб фазилат ва хислатларни олиши мумкин. Кўп ўринларда Аллоҳ таоло ўз пайғамбари Иброҳим (алайҳиссалом)ни мақтаб зикр қил-ган. Энди, у кишининг фазилатларини кўриб чиқамиз.

1. Иброҳим (алайҳиссалом)нинг одамларга имом (йўлбошчи) эканликлари.

²³ «Тафсиру Ибн Касир», 1-жилд, 170-бет.

Аллоҳ таоло айтади:

«Эсланг, Иброҳимни Парвардигори бир неча сўзлар билан имтиҳон қилганида, уларни бенуқсон ҳолда адо этди. Шунда (Аллоҳ таоло): «Албатта, Мен сени одамларга имом қил-гув-чиман», деди. «Зурриётимни ҳам-а?», деб сўради у. (Аллоҳ таоло) айтди: «Менинг бу аҳдим золим кимсаларга етмайди»».

Бу ердаги имтиҳондан мурод, Аллоҳ таолонинг Иброҳим (алай-ҳиссалом)га амр-таклиф ва наҳйи-қайтариқлар билан синаб кў-ришидир.

Аллоҳ таоло бандаларини сабр қилсинлар деб қийинчилик, машаққат билан, шуқр қилсинлар учун яхшилик ва неъмат бериб синайди. Бу икки ҳолатда ҳақиқий мўмин ким эканлиги аён бў-лади. Аллоҳ таоло айтади:

«Биз сизларни ёмонлик билан ҳам, яхшилик билан ҳам «алдаб» имтиҳон қилурмиз» (Анбиё, 35).

Муфассир олимлар ушбу сўзлардан мурод нима эканлиги ҳа-қида ихтилоф қилишган. Имом ибн Жарир Табарий ушбу оятнинг тафсирида қуйидагиларни айтадилар: «Бу сўзлардан мурод нима эканлиги тўғрисида бирон ишончли хабар йўқ, лекин бизнингча, энг тўғри фикр шуки: Аллоҳ таоло Иброҳим (алай-ҳиссалом)га кўпгина амр-топшириқларни буюрган ва у аъло даражада, мукамал бажарган».

Шу сабабли Аллоҳ таоло у кишини бир ояти каримада қуйи-да-ги сифат билан мактайди:

«Ёки вафодор зот – Иброҳимнинг (саҳифаларидаги хабар-ларидан) ҳамми?!» (Нажм, 37).

Иброҳим (алай-ҳиссалом) Аллоҳ таолонинг амрига бўйсунга-ни, ўз аҳдига ҳеч оғишмай вафо қилганлари сабаб шундай демоқ-да: **«Албатта, Мен сени одамларга имом қилгувчиман».**

Яъни, сени, эй Иброҳим (алай-ҳиссалом), одамларга имом қи-либ кўяман, улар сенинг сўзинг ва амалинга эргашиб, сени ўз-ларига ўрناق қилиб оладилар.

Шунда Иброҳим (алай-ҳиссалом) дедилар: **«Зурриётимни ҳам-а?»**

Яъни, эй Аллоҳим, мен Ўз фазли-караминг билан одамларга имом қилганинг каби, зурриётимдан ҳам шундайларни чиқар-гин, чунки мен авлодларимдан одамларга имомлик қиладиган кишиларнинг бўлишини хоҳлайман.

Бу нарса, Иброҳим (алай-ҳиссалом)нинг яхшиликни нафақат ўзларига, балки келажак зурриётларига ҳам раво кўришларидан дарак беради.

Бунга жавобан Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Менинг бу аҳ-дим золим кимсаларга етмайди».**

Яъни, Аллоҳ таоло ўз бандаси Иброҳим (алай-ҳиссалом)га де-ди: “Мен сенинг талабингни ижобат қиламан, фақат бу сенинг нас-лингдан бўлган солиҳ кишиларгагина тегишли, улар бошқалар-га имомлик қиладилар, лекин улардан кимки золим бўлса, унда одамларга имомлик қилишга лойиқ эмаслар”.

Бу оят Аллоҳ таоло Иброҳим (алай-ҳиссалом) зурриётининг баъ-зиларидан пайғамбар ва расуллар чиққанига далолатдир. Сў-зи-мизга исбот сифатида қуйидаги оятни келтириб ўта-миз:

«Биз (Иброҳимга ўғли) Исҳоқ ва (набираси) Яъқубни ҳадя этдик ҳамда пайғамбарликни ҳам, Китобларни ҳам унинг зурриётига (хос) қилдик ва унга шу дунёда ҳам ажр-му-ко-фотини бердик, албатта, у Охиратда ҳам солиҳ зотлардандир» (Анкабут, 27).

Қуйидаги оятда Иброҳим (алайҳиссалом)нинг наслидан ҳам муҳсин, ҳам золим кимсалар борлиги айтилади:

«Ва яна Биз унга – пайғамбар (ва) яхшилардан (бўлғуси) Ис-ҳокнинг хушхабарини бердик. Ва (Иброҳимга) ҳам, Исҳокқа ҳам (дину дунёларида) баракот бердик. Уларнинг зурриётла-ридан чиройли амал қилгувчи ҳам, ўз жонига очик жабр қил-гувчи ҳам бўлур» (Соффот, 112–113).

2. Аллоҳ таолонинг Иброҳим (алайҳиссалом)ни бу дунёда танлаб олиши.

Аллоҳ таолонинг ўз бандаси Иброҳим (алайҳиссалом)ни одамларга Ҳақ динга эргашишни даъват этиш учун танлаб олган-ли-ги тўғрисида кўпгина оятларда айтилган. Аллоҳ таоло айтади:

«Иброҳимнинг динидан фақат энгилтакларгина юз ўғи-радилар. Ҳақиқатан, Биз дунёда уни танлаб олдик ва у Охиратда шубҳасиз, солихлардандир. Эсланг, Парвардигори ун-га: «Бўйсун!» деганида: «Бутун оламлар эгасига бўйсундим», деди. Иброҳим, у билан бирга Яъқуб ҳам болаларига шу динни васият қилиб дедилар: «Ўғилларим, албатта, Аллоҳ сизлар учун шу динни танлади. Бас, мусулмон бўлган ҳолингизда дунё-дан ўтинг!». Ёки Яъқубга ўлим келгач, у ўғилларига: «Мендан ке-йин нимага ибодат қиласизлар?», деганида: «Сенинг Танг-рингга ва оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳокларнинг Танг-риси бўлмиш ягона Аллоҳга ибодат қиламиз ва бизлар фақат Унинг Ўзигагина бўйсунувчилармиз», деб жавоб қил-ганлари-га гувоҳ бўлганмисизлар?» (Бақара, 130–133).

Яъни, ҳеч ким Иброҳим динини ёмон кўриб ундан юз ўғирмай-ди ва Аллоҳга ширк келтирмайди, илло кимки ўз нафсига зулм қилса, тўғри йўлдан адашиб, залолатга кетса, шундай қилади.

«Ҳақиқатан, Биз дунёда уни танлаб олдик ва у охиратда шубҳасиз, солихлардандир».

Бу Аллоҳ таоло томонидан ўз бандаси Иброҳим (алайҳисса-лом)га бўлган юксак мадҳ, мақтовдир.

Яъни, Аллоҳга қасамки, Биз Иброҳимни амр-фармонлари-миз-ни ушбу дунёда одамларга етказиши ва уларни Ҳақ йўлга ҳидоят қилиши учун танлаб олдик. Шубҳасиз, у Охиратда тўғри йўлда мустақим боргувчи солихлардан ва Аллоҳнинг ризолиги, Унинг ажр-савоби ва жаннати насиб этадиган зотлардандир.

Сўнгра Аллоҳ таоло ушбу танлаб олишнинг сабабини келтириб ўтади: **«Эсланг, Парвардигори унга: «Бўйсун!» деганида: «Бутун оламлар эгасига бўйсундим», деди».**

Яъни, Раббиси Иброҳимни ушбу олий мақомга кўтаришига сабаб, у: «Менга бўйсун, ихлос билан ибодат қил» деганида, Иб-роҳим Аллоҳнинг амрига тезлик билан жавоб қилди ва деди: “Эй Раббим, мен Сенга ихлос билан ибодат қиламан, тоатингга бўйсунаман”.

Шунга ўхшаш ояти карима бошқа сурада ҳам келтирилган:

Иброҳим (алайҳиссалом) дедилар: **«Мен Ҳақ йўлга мойил бўлган ҳолимда юзимни осмонлар ва ерни яратган Зотга қа-ратдим ва мен мушриклардан эмасман» (Анъом, 79).**

Бошқа оятда Аллоҳ таоло айтади:

«Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам эмас, балки Ҳақ йўл-дан тоймаган холида (Аллоҳга) итоат қилгувчи киши бўл-ган. У мушриклардан ҳам бўлмаган» (Оли Имрон, 67).

Яна бир бошқа оятда Ҳақ таоло шундай дейди:

«Чиройли амал қилгувчи холида ўзини Аллоҳга топшир-ган ва Ҳақ йўлдан оғмаган Иброҳимнинг динига эргашган кишининг (яъни, чин мусулмоннинг) динидан ҳам гўзалроқ дин борми?! (Ахир) Иброҳимни Аллоҳ Ўзига дўст тутган» (Нисо, 125).

Сўнгра Иброҳим (алайҳиссалом)нинг ўз нафсларини камол топтириш билан чекланмай, уни бошқаларга ҳам даъват қилганлари айтилади:

«Иброҳим, у билан бирга Яъқуб ҳам болаларига шу динни васият қилиб дедилар: «Ўғилларим, албатта, Аллоҳ сизлар учун шу динни танлади. Бас, мусулмон бўлган холингизда дунё-дан ўтинг!»

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом) нафақат ўзлари Аллоҳга бўй-сундилар, балки фарзандларини ҳам Ҳақ динга итоат этишга ча-қирдилар, шунингдек, Яъқуб (алайҳиссалом) ҳам шундай қил-ди-лар. Уларнинг ҳар иккиси ўз ўғилларига деди: “Эй ўғилларим, дарҳақиқат, Аллоҳ таоло сизлар учун ушбу Ислом динини танлади. Аллоҳ бу диндан бошқасини қабул қилмас. Шундай экан, сизларга ўлим вақти келиб, ушбу дунёдан ўтгунингизгача бу динда собитқадам бўлинглар. Уни маҳкам ушланглар”.

3. Иброҳим (алайҳиссалом)нинг ўз аҳдларига вафо қилишлари

Ушбу сифат Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)ни васф қил-ган энг биринчи ва асосий сифатдандир. Бунга ушбу оят ҳам далолат қилади:

«Ёки унга Мусонинг ва (аҳдига) вафодор зот бўлган Ибро-ҳимнинг саҳифаларидаги сўзлар хабари берилмаганмиди?» (Нажм, 36–37).

Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)ни Аллоҳнинг ҳақлари-ни тўла адо этганликлари сабабли ушбу сифат билан мактамоқда.

Энди, буларга бир неча суралардан мисоллар келтирамиз.

Аллоҳ таоло у кишига: «Бўйсун», деганида, шундай жавоб қил-дилар: **«Бутун оламлар эгасига бўйсундим».**

Иброҳим (алайҳиссалом) умрларининг охиригача ушбу ваъ-даларига содиқ қолиб, ўз Холиқиға тоат-ибодат билан ҳаёт кечирдилар.

Аллоҳ таоло айтади:

«Эсланг, Иброҳим отасига ва қавмига деган эди: «Албатта, мен сизлар ибодат қилаётган бутлардан покдирман. Магар мени яратган Зотгагина (ибодат қилурман). Бас, албатта У мени (Ҳақ динга) ҳидоят қилажак. У (Иброҳим) ўшани (яъни, ўзининг Аллоҳ таолога ибодат қилиши ҳақидаги сўзни ўзидан ке-йин келадиган зурриёт-авлодлари ҳам унга) қайтишлари учун ўз ортида қолгувчи сўз қилди» (Зухруф, 26–28).

Аллоҳ таоло айтади:

«Аллоҳга қасамки, сизлар кетганларингиздан кейин бутларингизни бир бало қилурман», (деди). Бас, у (бутларни) парча-парча қилди. Фақат, «Шояд (мушриклар у бутларнинг) каттасига қайтсалар (ва бу айбни тўнкасалар» деб), ўшанигина (қол-дирди) (Анбиё, 57–58).

Шунингдек, Иброҳим (алайҳиссалом) ўз оталарига унинг ҳа-қи-га Аллоҳдан истиффор сўрашга ваъда берган эдилар:

«(Иброҳим) деди: «Сенга омонлик бўлсин. Энди мен Парвардигоримдан сени мағфират қилишини сўрайман. Шак-шуб-ҳасиз, У менга меҳрибон бўлган Зотдир» (Марям, 47).

Иброҳим (алайҳиссалом) ушбу истиғфор сўрашда токи оталари куфрда давомли кетиши аниқ бўлгунга қадар давом этдилар, буни англагач, ушбу ишни бас қилдилар:

«Иброҳимнинг ўз отаси учун мағфират сўраши фақат унга берган ваъдаси сабабли эди. Энди қачонки унга (отаси) Аллоҳ-нинг душмани эканлиги аниқ-маълум бўлгач, ундан бутунлай тонди. Албатта, Иброҳим кўнгилчан ва ҳалимдир» (Тавба, 114).

(Бу ерда «кўнгилчан» деб таржима қилинган сўз араб тилида «ав-воҳ», деб келтирилган. – Тарж.)

Абдуллоҳ ибн Шаддод (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: Бир киши келиб: «Эй Расулуллоҳ «аввоҳ» дегани нима?» деб сў-ради.

У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай жавоб бердилар: «Бу хушу-хузули ва (Аллоҳга) кўплаб дуо қилгувчи кишидир» (Ибн Жарир ва Ибн Абу Ҳотим ривояти).

Шунингдек, Иброҳим (алайҳиссалом) ўз ўғилларини тушла-рида сўяётганларини кўриб ҳам ушбу амрга вафо қилдилар. Ва-ҳоланки, Аллоҳ таоло у кишига ёшлари бир жойга бориб, кексайган пайтларидагина ўша ўғилни берган эди. Лекин Иброҳим (алайҳиссалом) ҳеч қандай тараддудсиз ушбу ишни амалга оширдилар. Аллоҳ таоло бунинг эвазига у кишига мукофот берди ва Исмоил (алайҳисса-лом)ни катта бир қурбонликка алмаштирди. Аллоҳ таоло айтади:

«Бас, Биз унга бир ҳалим ўғилнинг хушхабарини бердик. Энди қачонки у (бола катта бўлиб, отаси Иброҳим) билан бирга юрадиган бўлгач, (Иброҳим): «Эй ўғилчам, мен тушимда сени (қурбонлик учун) сўяётганимни кўрмоқдаман. Энди сен ўзинг нима раъй-фикр қилишингни бир ўйлаб кўргин», деган эди. У айтди: «Эй отажон, сенга (тушингда Парвардигоринг то-монидан) буюрилган ишни қилгин. Иншааллоҳ, мени сабр қилгувчилардан топурсан». Бас, қачонки иккиси ҳам (Аллоҳ-нинг ваҳийсига) бўйсуниб, (энди Иброҳим ўз ўғли Исмоилни қурбонлик қилиш учун) пешанаси билан ётқизилган эдики, Биз унга нидо қилдик: «Эй Иброҳим, дарҳақиқат, сен (кўрган) ту-шингни рост бажо қилдинг». Албатта, Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз. Албатта, бу очиқ-равшан имтиҳондир, холос. Биз (Исмоилнинг) ўрнига катта бир (кўчқор) сўйишни – қурбонликни эваз қилиб бердик» (Соффот, 101–107).

Шундай қилиб, Иброҳим (алайҳиссалом) қилиниши керак бўл-ган ишларни мукамал ҳолда амалга ошириб, берган ваъда-ларига доимо вафо қилдилар.

4. Иброҳим (алайҳиссалом)нинг кўнгина яхшиликларни ўзла-рида жамлаган эканликлари

Ушбу сифатни Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятида кўришимиз мумкин:

«Албатта, Иброҳим Аллоҳга итоат қилгувчи, Ҳақ йўлдан тойилмаган бир уммат эди. У мушриклардан эмас эди. У (Аллоҳ-нинг) неъматларига шукр қилгувчи эди. Биз унга бу дунёда эзгулик ато этдик. Албатта, у Охиратда ҳам солиҳ-лар-дандир. Сўнгра сизга Ҳақ йўлдан тойилмаган Ибро-ҳим-нинг динига эргашинг, у мушриклардан эмас эди, деб ваҳий юбордик» (Наҳл, 120–123).

Ушбу ояти карималарда Аллоҳ таоло Ўз Халили Иброҳим (алай-ҳиссалом)ни бир неча сифатлар ва мақтовлар билан васф қил-моқда. Улардан биринчиси, у кишининг

«бир уммат» эканлик-лари «уммат» сўзининг бир қанча маънолари бор, улардан бири «гуруҳ, жамоа» маъноси, Аллоҳ таоло айтади:

«Қачонки у Мадян сувига етиб келгач, у жойда бир тўп одамларнинг суғораётганларини кўрди...» (Қасас, 23).

Яъни, Мусо (алайҳиссалом) Мадян кудуғига келганларида ўз чорваларини суғораётган бир гуруҳ одамларни кўрдилар.

«Уммат» сўзининг иккинчи маъноси «дин ва миллат». Аллоҳ таоло айтади:

«Йўқ улар (шундай) дедилар: «Албатта, бизлар ота-боболаримизни бир дин устида топганмиз ва албатта, бизлар уларнинг изларидан бориб ҳидоят топгувчидирмиз» (Зухруф, 22).

Ушбу сўзнинг учинчи маъноси «вақт, замон, муддат»дир. Аллоҳ таоло айтади:

«Қасамки, агар Биз уларни азоблашни маълум муддатга кечиктирсак, албатта, улар: «У (азоб)ни нима тўсмоқда?», деб истехзо қиладилар. Огоҳ бўлсинларки, у (азоб) келар Кунда улардан қайтиб кетувчи бўлмас ва кулиб-истехзо қилиб юрган нарсалари уларни ўраб олур» (Худ, 8).

Иброҳим (алайҳиссалом)нинг «Бир уммат» эканликлари, у кишига жамланган яхшилик ва фазилатлар бир уммат-гуруҳ одамларникига тенг (ёки ортиқ)лигига ишорадир. Одамлар у кишига бар-ча ибодат, тоат, солиҳ амаллар ва яхшиликларда эргашар эдилар. Шунингдек, у зот Аллоҳнинг амрларига итоат қилувчи, амалларни ихлос билан бажарувчи ҳамда Ҳақ диндан ўзга ботил динларга мо-йиллиги бўлмаган Аллоҳнинг суюкли бандаларидан эдилар.

Аллоҳ у кишини тўртинчи бир сифат билан васф қилиб, «У мушриклардан эмас эди». Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом) Аллоҳ таолога ширк келтиришдан пок (йирок) эдилар.

«У (Аллоҳнинг) неъматларига шукр қилгувчи эди».

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом) Аллоҳ таолонинг берган неъматларига эътироф қилиб, унга шукр қилар ва ўша неъматларни Аллоҳ рози бўладиган жойларда ишлатар эдилар.

Шу сабабли Аллоҳ Иброҳим (алайҳиссалом)ни «(Пайғамбар-ликка) танлаб, тўғри йўлга ҳидоят қилди».

Сўнгра у кишининг дунё ва охиратда саодатманд кишилар-дан эканликлари айтилади: **«Биз унга бу дунёда эзгуликлар ато этдик. Албатта, у охиратда ҳам солиҳлардандир».**

Аллоҳ Иброҳим (алайҳиссалом)нинг шаънларига билдирилган мактовларни ўз пайғамбари Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни у кишига эргашишга чақириш билан яқунлайди:

«Сўнгра сизга ҳақ йўлдан тойилмаган Иброҳимнинг динига эргашинг, у мушриклардан эмас эди, деб ваҳий юбордик».

Бу ерда пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га оталари Иброҳим (алайҳиссалом)га эргашиш амр қилин-моқда. Уларнинг асли бир, лекин баъзи фарбий жиҳатдан бириси иккинчисидан фарқ қилади. Аллоҳ таоло айтади:

«Сизлардан ҳар бир миллат (яъни, дин) учун (алоҳида) шарият ва йўл қилиб қўйдик. Агар Аллоҳ хоҳласа эди, ҳаммала-рингизни бир миллат қилиб қўйган бўлур эди» (Моид, 48).

Аллоҳ таоло яна шундай марҳамат қилади:

«Аллоҳ (тоат йўли)да ҳаққоний жидду жаҳд қилингиз! Сизларни (шу дин учун) У танлади ва динда сизларга бирон ҳараж (қийинчилик) қилмади. Оталари Иброҳимнинг дини (Ислому)-ни (маҳкам ушлангиз)! (Аллоҳнинг) Ўзи сизларни илгари(ги му-қаддас Китобларида) ҳам мусулмонлар деб атади» (Ҳаж, 78).

Имом Қуртубий айтадилар: Аллоҳ таолонинг **«Сўнгра сизга ҳақ йўлдан тойилмаган Иброҳимнинг динига эргашинг, у мушриклардан эмас эди, деб ваҳий юбордик»** ояти олий ма-қомдаги киши яхшилик йўлида ўзидан куйроқ даражадагиларга эргашиши жоиз эканлигига далолат қилади. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Пайғамбарларнинг энг афзали ҳисобланадилар, шунга карамай, Аллоҳ таоло у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни Иброҳим (алайҳиссалом)га эргашишга амр этмоқда. Аллоҳ айтадики,

«Ана ўша зотлар Аллоҳ ҳидоят қилган кишилардир. Бас, (эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз ўшаларнинг йўлларигагина эргашинг» (Анъом, 90).

5. Иброҳим (алайҳиссалом) Аллоҳ таолога қилган дуоларининг ижобат қилингани

Иброҳим (алайҳиссалом) қиссасида энг диққатни тортувчи ва кишини ибрат-насихат олишга ундовчи нарса, шубҳасиз, у кишининг ихлос билан қилган дуоларидир. Қуръони каримда Иброҳим (алайҳиссалом) тилларидан ушбу дуолар келтириб ўтилган. Аллоҳ таоло айтади:

«Эсланг, Иброҳим: «Эй Парвардигор, бу шаҳарни тинч ша-ҳар қилгин (деди)».

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом) Аллоҳга илтижо қилиб, дедилар: “Эй Раббим, ушбу Макка шаҳрини ҳар қандай хавф-хатардан омонда қилгин, чунки у Сенинг Байтингдир. Сен уни одамларнинг кўнгли талпинадиган жой қилгайсан. Бу шаҳарни уларга, мол-дунёлари ва обрўлари учун хотиржам қилгин”.

Келаси дуони Иброҳим (алайҳиссалом) Макка аҳлининг ҳақ-қи-га қиладилар:

«Унинг аҳлларида Аллоҳ ва Охират кунига ишонувчи-ларни турли мевалар билан ризқлантиргин» (Бақара, 126).

Яъни, Сендан, эй Аллоҳим, бу шаҳарни тинч шаҳар қилишинг-ни сўраганим каби, унинг аҳлидан мўмин бўлган кишиларни улар-нинг ҳожатларини қондириб, эҳтиёжларини раво қиладиган кўплаб мевалар билан сийлашингни сўрайман.

Бундан кейинги дуо Байтул Ҳаром қурилиши даврида қи-линган:

«Эсланг, Иброҳим Исмоил билан биргаликда Байтуллоҳ-нинг пойдеворини кўтариб (дедилар): «Парвардигоро, биздан (ушбу қилган амалимизни) Ўзинг қабул айла. Шубҳасиз, Сен эшитгувчи, билгувчисан!» (Бақара, 127).

Яъни, эй оқил инсон, бу икки муҳтарам пайғамбар Каъбани қура туриб қилган дуоларини эслагин: “Эй Аллоҳ, биздан сў-зи-миз ва амалимизни қабул этгин. Зеро, Сен тилимиз айтаётган сўзларни эшитувчи, биз махфий ва ошкора қилган амалларимизни билув-чидирсан”.

«Парвардигоро, бизни Ўзингга бўйсунувчилардан қилгин ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга итоат қиладиган кишиларни (чиқаргин). Ва бизга ибодатларимизни ўргатгин».

Яъни, бизларни амрингга кулоқ тутиб, унга итоат этадиганлардан қилгин, зурриётларимиздан ҳам шундай кишиларни дунё-га келтиргин. Ва бизга динимиз шариат-қонунларини ҳам Ҳаж амалларини ўргатгин.

«Ва бизга ибодатларимизни ўргатгин ҳамда тавба-тазар-руларимизни қабул эт! Шубҳасиз, Сен тавбаларни қабул қил-гувчи раҳмлисан».

Сўнг улар дуоларини ушбу илтижо билан яқунлайдилар:

«Парвардигоро, уларнинг орасига ўзларидан бўлган, уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, Китоб ва ҳикматни ўргатадиган ва уларни поклайдиган бир пайғамбарни юбор! Шубҳасиз, сен қудрат ва ҳикмат соҳибсан» (*Бақара, 126–128*).

Яъни, эй Раббимиз, биз Сендан зурриётларимиз орасидан уларга Сенинг ваҳдониятингга далолат қилгувчи оятларингни тиловат қиладиган, Китобингни таълим берувчи, уларни адаб ва яхшилик-ларга йўлловчи ва ўз ҳадиси орқали уларни манфаатли илм олиб, амали солиҳ қилишга чақирадиган, уларни фисқу фужур ва исёндан поклайдиган бир пайғамбар юборишингни сў-раймиз. Зеро, Сен қудрат ва ҳикмат соҳибсан.

Аллоҳ таоло ушбу икки пайғамбар (алайҳиссалом)нинг дуо-ларини қабул қилиб, уларга зурриётларидан бўлган бир пайғамбар юборди. У зот – пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дирлар. Аллоҳ у киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни Ўз рисолати билан оламларга раҳмат қилиб юборди.

У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ўзлари бу ҳақда шундай дейдилар: «Мен Иброҳимнинг дуоси, Исонинг башорати ва онамининг тушидир...»

(Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг сифатларига эга бўлган бир пайғамбар дунёга келишини Аллоҳдан дуо қилиб сўраганлар. Исо (алайҳиссалом) ўз қавмларига ундан сўнг «Аҳмад» исмли пайғамбар келишини башорат берганлар. Ва Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг оналарига бир ўғил кўришлари тўғрисида тушларида хабар берилган. – Таржимон.)

Иброҳим сурасида²⁴ ҳам бошқа услубдаги дуо-илтижоларни кўришимиз мумкин. Аллоҳ таоло айтади:

«Эсланг, Иброҳим айтган эди: «Парвардигорим, бу шаҳар-ни тинч қилгин, мени ва болаларимни бутларга бандалик қилишдан йироқ қилгин».

Яъни, эй Аллоҳим, ушбу Маккани тинч шаҳар қил, мени ва зурриётимни бутларга ибодат қилишдан сақлагин»!

«Парвардигорим, у бутлар кўпдан-кўп одамларни йўлдан оздирдилар. Бас, ким менга эргашса, ана ўша менадир. Ким менга исён қилса, яна Ўзинг мағфиратли, меҳрибонсан».

Яъни, эй Аллоҳим, мен Сендан мени ва фарзандларимни бутларга сиғинишдан асрашингни сўраб илтижо қилдим, чунки улар кўпгина одамларни ҳақ йўлдан адаштирдилар. Бас, кимки менинг диним ва ақидамга эргашса, у Ислом динига эргашгандир. Ким менга тоат қилишдан бош тортса, унинг ишини Ўзингга топшираман. Сен мағфиратли ва меҳрибон Зотсан.

«Парвардигоро, албатта, мен зурриётимдан Сенинг хур-матли Байтинг хузуридаги экин ўсмайдиган бир водийга жойлаштирдим. Парвардигоро, (улар) намозни тўқис адо қил-синлар, деб (шундай қилдим). Бас, сен Ўзинг одамларнинг дилларини уларга мойил қилиб қўйгин ва уларни мевалардан баҳраманд этгин. Шояд шукр қилсалар».

²⁴ Иброҳим сураси, 35–41-оятлар.

Яъни, эй Раббим, мен баъзи зурриётим (Исмоил ва унинг фарзандлари)ни мухтарам Байтинг ёнидаги мана шу экин ўсмай-диган ерга жойлаштирдим, токи улар бу пок ерда фориг бўлиб, намозларини тўкис адо қилсинлар. Ва одамларнинг қалбини бу ерга талпинувчан қилиб кўйгин. Ва уларни турли-туман мевалар билан ризқлантиргин, шояд бу сабаб, улар Сенга шукрни кў-пайтирсалар, Сенга тоат-ибодат қилишга шошилсалар!

Бошқа сурада Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)нинг дуоларини ижобат этиб, уларни неъматлар ила сийлагани айтилган.

«Улар: «Агар бизлар сен билан бирга тўғри йўлга эргашсак, ўз еримиздан ажраламиз», дедилар. Ахир Биз уларга тинч-осойишта Ҳарамни макон қилиб бермадикми?! Барча нар-санинг мева-хосиллари Бизнинг даргоҳимиздан ризқу рўз бўлган ҳолда ўша жойга йиғилади-ку! Лекин уларнинг кўп-лари (буни) билмаслар» (Қасас, 57).

Иброҳим (алайҳиссалом) Аллоҳ таолога дуо қилишда давом этадилар.

«Парвардигоро, албатта, Сен бизлар яширадиган нарсани ҳам, ошкор қиладиган нарсани ҳам билурсан. Аллоҳ учун еру осмондаги бирон нима махфий эмасдир».

Сўнгра Иброҳим (алайҳиссалом) ўз Раббиси Аллоҳга шукро-налик келтириш оҳангида шундай дейдилар:

«Менга кексалик пайтимда Исмоил ва Исҳоқни ҳадя қил-ган Зот – Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Албатта, Парвардигорим (барча) дуоларни эшитгувчидир».

Ва Иброҳим (алайҳиссалом) ўз дуоларини қуйидаги илтижолар билан яқунлайдилар:

«Парвардигорим, мени ва зурриётимни намозни тўкис адо этгувчилардан қилгин. Парвардигоро, дуомни қабул айла».

Яъни, Мени намозни ўз вақтида ихлос ва хушу билан адо этгувчилардан қил ва бу ишда зурриётларимдан ҳам менга эргашадиганларни чиқаргин. Эй Аллоҳим, дуомни қабул эт, ражо-илтижоларимни зое кетказма!

«Парвардигоро, ҳисоб-китоб қилинадиган куни мени, ота-онамни ва мўминларни мағфират қилгил».

Яъни, эй Аллоҳим, одамлар ҳисоб-китоб қилиниб жазо ёки мукофот оладиган кунлари бўлмиш Қиёматда менинг ҳам, ота-онамнинг ҳам гуноҳларини, шунингдек, барча мўминларнинг хато-гу-ноҳларини кечиришингни сўрайман!

Олдин айтиб ўтганимиздек, Иброҳим (алайҳиссалом) ваъда-ларига содиқ қолиб оталари ҳақиқа истиғфор сўрадилар, лекин у имон келтирмай, кофирлигича вафот этгач, бу ишни бас қил-дилар. Иброҳим (алайҳиссалом)нинг оналари ҳақида баъзилар: «У аёл мўмина бўлганлар», деб айтишади.

Шуаро сурасида ҳам Иброҳим (алайҳиссалом)нинг дуолари келтириб ўтилган:

«Парвардигорим, менга ҳикмат ато этгин ва мени солиҳлар қаторига кўшгин. Яна мен учун кейин келгувчи кишилар ўр-та-сида рост мактовлар қилгин. Яна мени ноз-неъматлар бо-ғининг ворисларидан қилгин. Отамни ҳам мағфират қил-гин. У шубҳасиз, адашганлардан бўлди. Ва қайта тириладиган кунда мени шарманда қилмагин. У кунда на молу давлат ва на бола-чақа фойда бермас. Магар Аллоҳ ҳузурига тоза қалб билан келган кишиларгагина (фойда берур)» (Шуаро, 83–89).

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом) ўз Раббисига илтижо қилиб дедилар:

«Эй Аллоҳим, менга кенг-кўп илм бергин, натижада солиҳ амал-ларни қилай! Ва мени Ўзинг улардан, улар ҳам Сендан рози бўладиган бандаларинг қаторига кўшгин! Мендан кейин келадиган умматлар орасида мен учун яхши зикр ва мактовлар қол-диргин ва менинг номимни абадий қилгин!»

Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)нинг дуоларини ижобат қилиб, у кишининг зурриётидан кўплаб солиҳ пайғамбарлар-ни чи-қарди. Уларнинг энг аввалида, шубҳасиз, хотамул анбиё вал-мур-салийн бўлмиш Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) турадилар.

Шунингдек, эй Аллоҳим, мени охиратда жаннатингга дохил бўлгувчилардан қилишингни ва отамнинг гуноҳидан ўтишинг-ни сўрайман, чунки у Сенинг йўлингдан адашганлардан бўлди.

Яна сендан бирон инсонга моли ва фарзандлари ёрдам бера олмайдиган кун – Қиёматда маҳзун қилмаслигингни, менинг айб-ларимни очмаслигингни илтижо қиламан. У кунда одамларга фақат имонлари ва солиҳ амаллари фойда беради.

Ушбу дуоларда Иброҳим (алайҳиссалом) Аллоҳ таолонинг ажр-савоб беришини сўраб, Унинг иқобига йўлиқишдан паноҳ тила-моқдалар.

Соффот сурасида Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)ни кофирлар макри (оловда ёқишлари)дан сақлаб қолганидан сўнг қил-ган дуолар келтирилган, яъни у киши ўзларига солиҳ бир фарзанд сўрайдилар,

«Парвардигорим, Ўзинг менга солиҳлардан ҳадя этгин. Бас, Биз унга бир ҳалим ўғилнинг хушхабарини бердик» (Соффот, 100–101).

Иброҳим (алайҳиссалом)нинг кексалик чоғларида хушхабари берилган бу ўғил Исҳоқ (алайҳиссалом) эдилар.

Бошқа сураларда ҳам Иброҳим (алайҳиссалом)нинг дуо-илтижолари келтирилган, улардан ақл юритувчилар учун ибрат намуналари бор. Оқил инсон Иброҳим (алайҳиссалом)га эргашиб, чин дилдан, ихлос билан Аллоҳ таолога кўпдан-кўп дуо ки-лиши лозим. Ҳадиси шарифда айтилганидек, «Дуо-ибодатдир» (*Термизий ривояти*).

6. Иброҳим (алайҳиссалом)дан ибрат олишга чорлов

Қуръони каримнинг кўп оятларида Иброҳим (алайҳиссалом)га эргашиб у кишидан ўрнак олишга мўминларни даъват қилина-ди. Ундан Мумтаҳана сурасида келтирилганларни кўриб чиқамиз:

«Сизлар учун Иброҳим ва у билан бирга бўлган кишиларда гўзал намуна бордир. Эслангиз, у ўз қавмига: «Дарҳақиқат, бизлар сизлардан ва сизлар Аллоҳни қўйиб ибодат қилаёт-ган бутларингиздан безормиз. Бизлар сизларни инкор этдик. Токи сизлар ёлғиз Аллоҳга имон келтиргунларингизга, сизлар билан бизнинг ўртамизда адоват ва ёмон кўриш зоҳирдир», дедилар. Фақат Иброҳим ўз отасига: «Албатта, мен сен учун мағфират сўрайман, сўнгра Аллоҳ томонидан бўладиган бирон нарсага молик эмасман» (деди). «Парвардигоро, ёлғиз Ўзингга таваккул қилдик ва Ўзингга инобат-тавба қилдик, ёлғиз Сенгагина қайтишимиз бордир. Парвардигоро, бизларни бу кофир бўлган кимсаларга алдангувчи қилиб қўймагин, бизларни мағфират қилгин. Парвардигоро, албатта Сен Ўзинг қудрат ва хикмат соҳибидирсан». Дарҳақиқат, сизлар учун Аллоҳ ва Охират кунидан умидвор бўлган кишилар

учун уларда гўзал намуна бордир. Ким юз ўгириб кетса, у холда албатта Аллох беҳожат ва мақтовга лойиқ Зотдир» (Мумтаҳана, 4–6).

Мумтаҳана сурасининг аввалида қуйидаги оятлар келтирилган:

«Эй мўминлар, Менинг ҳам душманим, сизларнинг ҳам душманингизни дўст тутманглар! Сизлар уларга дўстлик (ҳа-қида хабар) юборурсизлар, ҳолбуки, улар сизларга келган Ҳақ (дин ва Қуръон)га кофир бўлгандирлар!»

Ушбу оятлардан сўнг мўминларни оталари Иброҳим (алайҳис-салом) ва у киши билан Аллоҳга имон келтирган кишиларга эргашишга чақирилади.

Яъни, эй мўминлар, Иброҳим ва унинг издошлари ўзлари-нинг кофир қавмига шижоат билан: “Биз сизлар ибодат қилаётган бутларингиздан безормиз. Биз сизларга ва илоҳларингизга куфр келтирдик ва мана шу тарзда давом этиб, ҳаттоки сизлар куфрни тарк қилиб, Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига имон келтирмагунларингча сизларга душман бўлиб қоламиз,” дедилар.

Иброҳим (алайҳиссалом) уларнинг бутларига бўлган нафрат-ларини ифодалаш билан чекланмай, балки уларни синдириб, ер билан битта қилиб ташладилар.

«Фақат Иброҳим ўз отасига: «Албатта, мен сен учун мағ-фират сўрайман, сўнгра Аллоҳ томонидан бўладиган бирон нарсага молик эмасман» (деди)».

Ушбу оят бундан олдинги оятга истисно тарзда келтирилмоқда.

Яъни, эй мўминлар, оталарингиз Иброҳим ва у билан бирга мўмин бўлган кишиларнинг мушриклар ва уларнинг ширкидан безорликлари сизлар учун ибрат, аммо Иброҳимнинг ўз кофир ота-си учун истиғфор сўраб дуо қилишига эргашманглар, чунки бу унга берган ваъдаси туфайли эди. Шундан кейин Иброҳим (алай-ҳиссалом)нинг Аллоҳ таолога қилган дуолари келтирилади:

«Парвардигоро, ёлғиз Ўзингга таваккул қилдик ва Ўзинг-га инобат-тавба қилдик, ёлғиз Сенгагина қайтишимиз бордир».

Яъни, эй Раббимиз, ёлғиз Сенга ишларимизни топширдик, тавбаларимизни қабул этиш Сенинг иродангга боғлиқ ва қай-тиши-миз, тақдиримиз Ўзингадир.

«Парвардигоро, бизларни бу кофир бўлган кимсаларга алданувчи (мафтун) қилиб қўймагин...»

«Фитна» сўзи луғатда «эритиш» маъносини англатади. Масалан, мисни эритмоқ. «Мафтун» сўзи «эритилган», «бирон нарсанинг таъ-сирига берилган» деган маъноларни билдиради.

Яъни, “Эй Аллоҳ, бизларни кофирлар қўлида алданиб, уларнинг азиятларига дучор бўлишимиздан асрагин! Бизларга ёрдам бер, бизнинг сўзимизни устун, уларникини паст қилгин”.

Ушбу оятда «фитна»дан мурод – мусулмонларнинг аҳволини ёмонлашиши, бошқа халқларга яхшилик ва ислоҳ йўлида ўртак бўлишдан ожиз қолишлари. Шундан келиб чиққанда, ушбу оятнинг мазмуни қуйидагича: “Эй Раббимиз, бизларнинг сўзимизни, ишимизни ва аҳволимизни Ўзинг ўнгла, бизлар Ҳақ устида қоим бўлиб турсак ҳам, бошқаларнинг биздан ва динимиздан юз ўгириб кетишларидан сақла. Бизларни ҳамма ишимизда салоҳиятли қил-гин, токи кофир қавмлар ушбу сифатлар (ихлос, сидқ, барча яхшилик йўлида тараққий этиш)ни кўриб, бизларга эргашсинлар”.

Шунингдек, эй Раббимиз, гуноҳларимизни кечиришингни, ёмон-ликларимизни ўчиришингни сўраймиз. Зеро Сен чексиз куч-қуд-рат соҳибсан ва барча ишларингни ҳикмат билан қилгайсан!

Сўнгра Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом) ва у кишига имон келтирганларга эргашишни яна бир бор таъкидлайди.

«Дарҳақиқат, сизлар учун Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган кишилар учун уларда гўзал намуна бордир. Ким юз ўгириб кетса, у ҳолда албатта, Аллоҳ беҳожат ва мактовга лойиқ Зотдир».

Яъни, сизлар учун эй мўминлар, оталарингиз Иброҳим (алай-ҳиссалом) ва унга имон келтирган кишиларда чиройли намуна бордир, фақат бундан Аллоҳ таолога рўбарў бўлишни, унинг розилигини топишни ҳамда ажр-савобга эришишни хоҳлаган одам-ларгина фойдаланадилар. Кимки бу эришишдан юз ўгирса, ўзи учун зиён, Аллоҳ таоло барча махлуқотларидан беҳожат ва ҳамду санога муносиб Зотдир.

Аллоҳ таоло нима учун Иброҳим (алайҳиссалом) ва у кишига имон келтирганларга эргашишни амр этмоқда? Чунки уларнинг имони қувватли, динда ғайратлари кучли, ўз эътиқодларини яхши кўрадилар ва мушрик ҳамда уларнинг ширкидан бе-зордирлар. Бу жиҳатлари сабаб Аллоҳ бизни уларга эргашишга буюрмоқда.

7. Иброҳим (алайҳиссалом)нинг заковат, фаҳм-фаросатлари

Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)га бошқа пайғамбарлар каби юксак ақл, ўткир зеҳн, очиқ қалб ва душманнинг пуч даъво-ларини йўққа чиқарувчи кучли хужжатни неъмат қилиб берган эди.

Иброҳим (алайҳиссалом)нинг бу хислатлари ўз қавмларини ёлғиз Аллоҳ таолога ибодат қилишга чақириб, бутларга сиғиниш-дан қайтаришларида ва бошқа ҳолларда яққол кўзга ташланади. У кишининг зийракликларига энг катта далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятидир:

«Сиз Аллоҳ подшоҳлик берганидан ховлиқиб Иброҳим билан Парвардигори ҳақида талашган кимсанинг холи-хабари-ни билмадингизми? Ўшанда Иброҳим: «Парвардигорим тирилтириб ўлдирадиган Зотдир», деганида, у: «Мен (ҳам) тирилтираман ва ўлдираман», деди. Иброҳим айтди: «Албатта, Аллоҳ қуёшни машрикдан чиқаради. Сен уни мағрибдан чиқаргин-чи?». Шунда у кофир довдираб қолди. Аллоҳ золим кимсаларни ҳидоят қилмайди» (Бақара, 258).

Бу ерда Иброҳим (алайҳиссалом) ва ўз мулк-салтанати билан ғурурга кетган, золим бир подшоҳ ўртасида бўлиб ўтган тортишув тасвирланмоқда.

Аввало, Иброҳим (алайҳиссалом) уни Аллоҳ таолога ибодатни холис қилишга ва У Зот тирилтириб, сўнгра ўлдирувчи эканлигига хужжат келтирадилар, **«Парвардигорим тирилтириб ўлди-радиган Зотдир».**

Яъни, менинг Парвардигорим ҳаётни яратади ва жонзотларни дунёга келтиради, сўнг уларнинг руҳини олади, вафот эттиради. Сен ва бошқалар буни очиқ-ойдин кўриб турибсизлар, уни ҳар қандай оқил одам инкор қила олмайди.

Лекин бу гаплар ва хужжатлар ношукр подшоҳга таъсир қил-мади ва кибр, ғурур билан деди: **«Мен (ҳам) тирилтираман ва ўлдираман».**

Яъни, мен ҳам ўлимга маҳкум қилинган бир одамни озод қи-лиш билан уни тирилтираман, яна бошқасини ўлимга амр этиш орқали ўлдира оламан.

Бу гапларни эшитгач, Иброҳим (алайҳиссалом) у подшоҳ билан тортишиб, хужжат талашиб ўтиришни ўзларига эп кўрмадилар, ва уни буткул ожиз қолдирувчи, айни пайтда ўзларининг оқил, до-но ва зийрак эканликларига далолат қилувчи бир талабни ўр-тага ташладилар, **«Аллоҳ қуёшни машрикдан чиқаради. Сен уни мағрибдан чиқаргин-чи?»**

Иброҳим (алайҳиссалом) ушбу кучли ҳужжат билан ўз душ-манларига қакшатқич зарба берган эдилар. Натижада **«Бу кофир довдираб қолди»**.

Яъни, мағлуб бўлди, ҳайрон қолди ва яна баҳслашишдан ожиз қолди.

Иброҳим (алайҳиссалом)га ақл-заковатни Аллоҳнинг Ўзи берган эди. Бу Аллоҳнинг фазли бўлиб, уни хоҳлаган бандасига бе-ради, зеро Аллоҳ улуғ фазлу марҳамат соҳибидир.

8. Иброҳим (алайҳиссалом)нинг сахийликлари

Иброҳим (алайҳиссалом) карамлари ва сахийликлари тўғри-сида Қуръоннинг турли жойларида оятлар мавжуд. Аллоҳ таоло айтади:

«Дарҳақиқат, Бизнинг элчиларимиз Иброҳимга хушхабар билан келиб, салом бердилар. У ҳам: «Салом», деди-да, қараб турмай қовурилган бир бузоқни келтирди» (Худ, 69).

Яъни, Бизнинг фаришталаримиз Иброҳим ва аёли Сорага Ис-ҳоқ исмли ўғил кўриш хушхабарини келтирди, лекин Иброҳим (алай-ҳиссалом) уларни танимаса ҳам, улар нима юмуш билан келганликларидан хабардор бўлмай туриб, уларга иззат-икром кўрсатди ва тезда уларнинг олдига оловда пиширилган, семиз бир бузоқни олиб келди.

Бу Иброҳим (алайҳиссалом)нинг сахийликлари, кенг қалб эгаси эканликларига далолат қилади. Меҳмон кутиш одоблари-дан бири – унга тезда ҳурмат кўрсатиб, дастурхон ёзишдир. Юқорида келтирилганларни тўлдириб келувчи оятлар Зориёт сурасида ҳам мавжуд. Аллоҳ таоло айтади:

«Сизга Иброҳимнинг иззат-икромли меҳмонлари ҳа-қи-даги хабар келдими? Ўшанда улар унинг хузурига кириб, «Салом», дейишган эди, у ҳам: «Салом, (булар) нотаниш қавм-ку», деди. Сўнг аста оиласи олдига чиқиб, бир семиз бузоқни келтирди-да, уни уларга яқин қилиб, «Емайсизларми?», деди. Улардан хавфсирай бошлади. (Шунда) улар: «Кўрқмагин», дедилар ва унга бир доно ўғил хушхабарини бердилар. Шунда унинг хотини қичқирганча келди-да, ўзининг юзига уриб: «(Ахир мен) туғмаган кампир(ман)ку!» деди. Улар айтдилар: «Парвардигоринг мана шундай деди. Албатта, Унинг Ўзигина ҳикмат ва билим соҳибидир» (Зориёт, 24–30).

Яъни, эй муҳтарам Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сизга Иброҳим хузурига меҳмонлар келгани ва уларни икром билан кутиб олгани тўғрисида бирон хабар келдими? Биз Сизга нозил қилаётган ушбу Қуръонда уларнинг хабарини ҳақиқат билан ҳикоя қиламиз. Улар Иброҳим олдига келиб салом беришгач, у ҳам сабот билан: «Мен сизларни танимасам ҳам, сизларга мен томондан салом бўлсин», деди. Сўнгра у ўз меҳмонларига бил-дирмай аҳли олдига кетди ва тез орада бир қовурилган, ёғли бузоқнинг гўш-тини олиб келиб, уни меҳмонлар олдига қўйди ва таомдан ейиш-га таклиф этди. Қачонки Иброҳим уларнинг таомдан емаётганларини кўргач, қалбида кўрқув пайдо бўлди. Шунда фаришталар уни тинчлантириш мақсадида: Кўрқмагин, дедилар ва кўп илм соҳиби бўлмиш ўғил – Исҳоқ (алайҳиссалом)нинг дунё-га келиш-лари ҳақида хушхабар бердилар.

Ибн Касир айтадилар: «Ушбу оятлар меҳмондўстлик одобларини ўзида жамлаган. Иброҳим (алайҳиссалом) ўз таомларини тезлик билан, махфий тарзда улар хузурига олиб келдилар, балки аввалда: “Ҳозир мен сизларга таом олиб келаман”, демадилар. Сўнгра ўзларида бор нарсаларнинг энг яхшиси – ёғли, семиз бузоқни олиб келиб, уларга яқин қилдилар ва одоб-лутф билан: “Таомимдан емайсизларми?”, дедилар».

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Иброҳим (алайҳиссалом) сахийлик, меҳмондўстликка ёрқин мисол бўла оладилар. Бу юксак фазилатни мўминлар ҳам ўзларига сингдиришлари лозим.

8. «Лекин қалбим таскин топиши учун»

Аллоҳ таоло ўз расули Иброҳим (алайҳиссалом)ни мақтаган фазилатлардан бири имонлари, саботлари ва яқин илмларини янада оширишга қаттиқ интилишларидир. Буни қуйида ояти карималарда ҳам кўришимиз мумкин.

«Эсланг, Иброҳим: «Парвардигорим, менга ўликларни қан-дай қилиб тирилтиришингни кўрсатгин», деганида, Аллоҳ: «Ишонмаганмидинг?», деди. Иброҳим айтди: «Йўқ лекин қал-бим (яна ҳам) таскин топиши учун». Аллоҳ айтди: «Тўрт-та қуш-ни олиб, уларни ўз олдинга тўплагин, кейин ҳар бир тоғ-нинг устига уларни бўлак-бўлак қилиб қўйгин ва шундан сўнг уларни чақиргин, сенинг олдинга чопиб келадилар! Билгилки, Аллоҳ шубҳасиз, қудратли ва ҳикматлидир» (Бақара, 260).

Муфассир олимлар Иброҳим (алайҳиссалом)нинг ушбу са-волларига сабаб бўлган воқеани қуйидагича келтирадилар: Иб-роҳим (алайҳиссалом) Намрудга **«Парвардигорим тирилтириб, ўлди-радиган Зотдир»**, деганларида, Намруд ҳам бунга жавобан, **«Мен (ҳам) тирилтираман ва ўлдираман»** деди. Шунда Ибро-ҳим (алай-ҳиссалом) Аллоҳнинг ўликларни қандай қилиб тирилтиришини кўрмоқчи бўлдилар.

«Парвардигорим, менга ўликларни қандай қилиб тирилтиришингни кўрсатгин».

Бу ерда Иброҳим (алайҳиссалом) Ўз Холиқига юксак одоб даражасида мурожаат қилмоқдалар. Унинг ҳақиқий илоҳлигини тан олиб, сўнгра Аллоҳ таолонинг қудратига шубҳа қилмаган ҳол-да У Зот ўликларни қай тарзда тирилтиришини кўрсатишини сў-рамоқдалар. Иброҳим (алайҳиссалом) ўзлари пайгамбар бўла туриб, бунга шубҳа қилишлари мумкин эмас, фақат у киши илмул яқиндан айнул яқин даражасига, далил ҳужжатдан кўз би-лан кўриб, аниқ ишониш поғонасига ўтмоқчи эдилар, чунки кўз билан кўриш қалбга юксак ва кучли имон уруғларини экиб, кишининг хотиржам бўлишини таъминлайди.

Яъни, эй оқил инсон, ўзинг ибрат олишинг учун Иброҳим ўз Раббисига: “Эй Аллоҳим, менинг кўзимга улар вафот этгач, ўлик-ларга қандай қилиб ҳаётни қайтаришингни кўрсатгин, деганини эсла”. Аллоҳ унга ижобат қилиб, шундай деди: “Сен Менинг қуд-ратимга шубҳа қилганинг учун шундай деяпсанми?” Шунда Иброҳим ўз қалбида Аллоҳ таолонинг қудратига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқлигини билдириш учун шундай деди: “Эй Аллоҳим, бундан Ўзинг асрагин, мен Сенинг ҳар бир нарсага қодир эканли-гинга имон келтираман, лекин мен буни кўнглим таскин топиши, нафсим хотиржам бўлиб, қалбимдаги имон янада зиёда бўлиши учун сўрадим”.

Имом Қуртубий ушбу оятнинг тафсирида қуйидагиларни айтиб ўтадилар: «Иброҳим (алайҳиссалом) зинҳор Аллоҳ таолонинг ўликларни тирилтира олишига шубҳа қилмаганлар, фақат кўз билан кўришни хоҳладилар, холос. Инсон бирон хабарни эшитса, дарров уни кўришга ошиқади, шу сабаб ҳадисда айтиладики, «(Қулоқ билан эшитилган) хабар кўз билан кўриш каби эмасдир»²⁵.

²⁵ «Тафсирул Қуртубий», 3-жилд, 297-бет.

Сўнгра Аллоҳ (субҳонаху ва таоло)нинг Иброҳим (алайҳис-салом)га қилган жавоби келтирилади: **«Тўртта қушни олиб, уларни ўз олдинга тўплагин, кейин ҳар бир тоғнинг устига уларни бў-лак-бўлак қилиб қўйгин ва шундан сўнг уларни чақиргин, сенинг олдинга чопиб келадилар!»**

Яъни, Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)га деди: “Агар сен сўраган нарсангни билмоқчи бўлсанг, тўртта қушни олиб, уларни бир жойга йиғ ва ҳар бирининг шаклини эслаб қол. Ке-йин уларни сўйиб, қисмларга ажрат ва қуш бўлакларини ҳар бир тепалик-ка қўйиб чиқ. Сўнгра уларни ўзинг томон чақир, сенга тирилиб, чопган ҳолларида келадилар”.

Имом Фахрур Розий тафсир китобларининг 7-жилд, 44-саҳи-фа-сида шундай дейилади: «Барча тафсир аҳли қушларни бўлак-ларга бўлишдан мурод қуйидаги эканлигини таъкидлашган: «Иб-роҳим (алайҳиссалом) ўша қушларнинг аъзолари, гўшт ва патларини бў-лакларга ажратиб, уларни бир-бирига аралаштириб юборадилар. Сўнгра Аллоҳ буюрган ишни қилиб, «Аллоҳнинг изни билан бу ер-га келинглари», дейдилар. Шунда қушлар ўз аслига қайтиб, унинг олдига учиб келадилар».

Сўнгра Аллоҳ таоло оятни ушбу сўзлар билан яқун-лайди:

«Билгилки, Аллоҳ шубҳасиз, қудратли ва ҳикматлидир».

Яъни, Аллоҳ таоло бандалари устидан ҳукмронлик қилув-чи, уларни ўз қабзаси (ҳукми, изми)да тутиб тургувчи ва ҳар бир ишида ҳикматли бўлган Зотдир.

9. Иброҳим (алайҳиссалом)нинг одамларни Ҳақ йўлга даъват этишидаги йўналишлари

Иброҳим (алайҳиссалом) инсонларни Аллоҳ таолога ихлос билан ибодат қилишга чақира туриб, уларни рушду ҳидоятга бошловчи энг самарали, ҳикматли усул ва воситаларни қўллайдилар. Ҳар бир кишига унинг ҳолатига қараб муомала қилар эдилар. Аввало, у киши ўз оталарини Аллоҳнинг ваҳдониятига даъват қилганларида энг нозик иборалар билан, таъсирли услубда ўз сўзларини ифодаладилар. Иброҳим (алайҳиссалом) айтадилар:

«Эй ота, нега сен эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сенга бирон нарсада асқотмайдиган бутга ибодат қилурсан? Эй ота, дарҳақиқат, менга сенга келмаган илм-маърифат келди. Бас, сен менга эргашгин, сени Ҳақ йўлга ҳидоят қилурман. Эй ота, сен шайтонга ибодат қилмагин! Чунки шайтон Раҳ-монга осий бўлгандир. Эй ота, ҳақиқатан мен Раҳмон томонидан азоб етиб, шайтонга дўст-яқин бўлиб қолишингдан кўркурман» (Марям, 42–45).

Соҳибул Кашшоф (розиаллоху анху) ушбу оятларнинг тафсирида қуйидагиларни айтиб ўтадилар: «Қара, Иброҳим ўз отасига чиройли одоб, мулойимлик, лутф ва хусни хулқ билан мурожаат қилмоқдалар. Аввало у киши унинг хатосини айтиб, бирон ҳис ёки сезиш хусусиятига эга бўлмаган нарсаларга нима учун ибодат қилаётганини сўрадилар. Шундан кейин, уни Ҳақ динга чақир-дилар. Иброҳим (алайҳиссалом) ўзларини етук олим ва ота-ларини нодон, жоҳил, деб сифатламадилар, балки: “Менга сенда йўқ бўл-ган илм келди”, деб айтдилар.

Сўнгра ботил нарсаларга ибодат қилишдан қайтардилар. Зе-ро, ҳар бир ақлли инсон буни инкор қилади.

Кейин агар шу йўлда кетадиган бўлса, ёмон оқибатга гирифтор бўлишини айтиб ўтдилар. Шунда ҳам одоб доирасидан чиқмадилар: “Сен азобга дучор бўласан, Аллоҳнинг ғазабига учрайсан”, дема-дилар, балки: «Раҳмон Зот бўлмиш Аллоҳнинг азоби сенга етишидан кўркаман», дедилар. Иброҳим (алайҳиссалом)-нинг ўз оталарига қилган ҳар бир насиҳатлари мулойимлик би-лан «Эй ота», деб мурожаат қилишдан бошланади».²⁶

Иброҳим (алайҳиссалом) ўз оталарини нотўғри йўлда эканли-гини кўриб туриб уни тарк қилмадилар, балки уни ботил эъти-қод-дан қайтардилар. Гарчи бу иш отани ғазаблантирса ҳам Аллоҳ розилигига эриштиради, Унинг ҳаққини адо этган бўлинади. Чунки Аллоҳ таолонинг ҳаққи отанинг ҳаққидан юқори ўринда туради. Инсон аввал ота-она, қариндошларни бошқалардан олдин яхши-лик ва бахт-саодат йўлига бошлаши лозим. Иброҳим (алайҳисса-лом) ўз қавмларини Аллоҳ таолога ибодат қилишга ча-қириш ва бутларга сиғинишдан қайтариш мобайнида ҳам турли хил усулларни қўлладилар:

1) уларни Аллоҳнинг ваҳдониятига секин-асталик билан ишонтириш ва Унга ибодат қилишга амр этиш. Буни қуйидагича амалга оширдилар. Тун киргач, Иброҳим (алайҳиссалом) бир юлдузни кўриб, «**Мана шу Парвардигорим**», дедилар, сўнг юлдуз кўздан ғойиб бўлгач, «**Ботиб кетгувчиларни суймайман**», дедилар.

Яъни, бир маҳал пайдо бўлиб, бошқа сафар ғойиб бўладиган илоҳга ибодат қилишни хоҳламайман, деб айтдилар. (Ўша пайтда Иброҳим (алайҳиссалом)нинг қавмлари юлдузларга ҳам сиғинар эди. – Тарж.)

«**Сўнг қачонки чиқаётган ойни кўргач: «Мана шу Парвардигорим**», деди. **У ҳам ботиб кетгач: «Қасамки, агар Парвардигоримнинг Ўзи мени ҳидоят қилмаса, йўлдан озган қавмдан бўлиб қолурман**», деди».

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом) қавмга эшиттириб, шундай дедилар: Агар Раббим мени Ҳақ йўлга ҳидоят қилмаса, баъзида нур сочиб, баъзида сўниб қоладиган нарсаларга ибодат қиладиган – адашган қавмлардан бўлиб қоламан.

«**Сўнг қачонки чиқаётган қуёшни кўргач: «Мана шу Парвардигорим. Мана шу каттароқ-ку!**», деди. **У ҳам ботиб кетгач: «Эй қавмим, мен сизларнинг ширкингиздан покман. Мен Ҳақ йўлга мойил бўлган ҳолимда юзимни осмонлар ва ерни яратган Зотга қаратдим ва мен мушриклардан эмасман**», деди» (*Анъом*, 78–79).

Иброҳим (алайҳиссалом) қавми улуғлаётган, юлдуз, ой, қуёш-нинг ибодат қилинишга муносиб эмаслигини исботлаб берди-лар, чунки булар баъзан пайдо бўлиб, баъзи ҳолларда ғойиб бўлади, устига-устак бу маъбудлар ўзларига зарар ёки фойда ҳам келтира олмайди ва ўзини бирон шикаст етишидан сақлаб ҳам қолиш имкониятига эга эмас. Шу сабабли Иброҳим (алай-ҳиссалом) уларга дедилар: “Мен ибодатда юзимни ёлғиз Аллоҳ таолога қаратдим. Мен бошқа илоҳларни Унга шерик қиладиган кимсалардан эмасман”;

2) Иброҳим (алайҳиссалом)нинг қавми ҳидоятга чақириш-да қўллаган иккинчи усуллари: уларнинг бутларини паст санаш, уларни ва унга ибодат қиладиганларни ҳақир билиш эди. Буни қуйи-даги оятларда кўришимиз мумкин.

²⁶ «Тафсирул Кашшоф», 3-жилд, 19-бет.

«Ўшанда (Иброҳим) отаси ва қавмига: «Сизлар доимо чў-қинадиган бу хайкаллар нимадир?», деган эди».

Иброҳим (алайҳиссалом) истехзо маъносида юқоридаги сўз-ларни айтдилар ва шундан сўнг:

«Дарҳақиқат, сизлар ҳам, ота-боболарингиз ҳам очиқ залолатда экансизлар».

Сўнгра бутларни тарк этиб, Аллоҳ таолога ибодат қилишга чақирдилар:

Парвардигорики, У зот уларни Ўзи яратгандир. Мен бун-га гувоҳлик бергувчиларданман».

Шуаро сурасида²⁷ ҳам Иброҳим (алайҳиссалом)нинг бут-ларни таҳқирлаш маъносида айтган гаплари келтирилган:

«(Иброҳим) айтди: «Дуо-илтижо қилган пайтларингизда сизларни эшитадиларми ёки сизларга фойда зиён етказа оладиларми?!»

Сўнгра Иброҳим (алайҳиссалом) уларнинг бутларига нисба-тан ўзларининг адоватларини эълон қиладилар.

«Шак-шубҳасиз, улар мен учун душмандир, магар барча оламлар Парвардигоригагина (ибодат қилурман). У мени ярат-гандир, бас, Ўзи мени ҳидоят қилур. Унинг Ўзигина ме-ни тўй-дирур ва қондирур. Касал бўлган вақтимда Унинг Ўзи менга шифо берур. У мени ўлдирур, сўнгра (Қиёмат кунида қайта) тирилтирур».

Соффот сурасида²⁸ Иброҳим (алайҳиссалом) уларнинг илоҳ-ларини сохта, ёлғон деб сифатлаб, уларга ибодат қилиш ботил бир эътиқод эканлигини айтиб ўтадилар.

«Ўшанда у отаси ва қавмига деган эди: «Нимага ибодат қилмоқдасизлар?! Аллоҳни қўйиб, сохта худоларни истайсизларми?! У ҳолда барча оламларнинг Парвардигори ҳақида не гумонингиз бор?!»

3) Иброҳим (алайҳиссалом)нинг қавмларини ҳидоятга чақи-ришда қўллаган усулларидан яна бири: кофир қавм ва уларнинг ботил маъбудларидан пок эканликлари ва уларга душман эканлик-ларини баён қилишлари эди, яна бу адоват токи қавм бутларни ташлаб, ўз Холиқларига ибодат қилишга қайтгунларигача давом этишини билдирдилар:

«Эсланг, Иброҳим отасига ва қавмига деган эди: «Албатта, мен сизлар ибодат қилаётган бутлардан покдирман. Магар мени яратган Зотгагина (ибодат қилурман). Бас, албатта У мени (Ҳақ Динга) ҳидоят қилажак» (Зухруф, 26–27).

Бошқа ўринда уларга шундай дейдилар:

«Дарҳақиқат, бизлар сизлардан ва сизлар Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган бутларингиздан безормиз. Бизлар сизларни инкор этдик. Токи сизлар ёлғиз Аллоҳга имон келтирмагунларингизгача сизлар билан бизнинг ўртамизда адоват ва ёмон кўриш зоҳирдир» (Мумтаҳана, 4).

Шундай қилиб, Иброҳим (алайҳиссалом) ўз даъватларида ота-си ва қавмининг ҳидоятга келиши мумкин бўлган барча усуллар-ни қўладилар. Ва бу жараёнда Иброҳим (алайҳиссалом)нинг ўткир зеҳн, кучли мантиқ, нодир фаҳм, чиройли сабр ва шижоат эгаси эканликларини кўришимиз мумкин.

²⁷ Шуаро сураси, 72–81-оятлар.

²⁸ Соффот сураси, 85–87-оятлар.

«Ана ўша (зотлар) Аллоҳ ҳидоят қилган кишилардир. Бас, сиз ўшаларнинг йўлларигагина эргашинг!» (*Анъом, 90*).

10. Иброҳим (алайҳиссалом)нинг ширк ва мушриклардан узоқлашишлари, натижада у кишига кўплаб неъматларнинг берилиши.

Аллоҳ таоло яхши амал қилгувчиларнинг ажр-мукофотлари-ни зое қилмайди. Ояти каримада айтиладики:

«Бас, ким (ҳаёти дунёлик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса, (Қиёмат кунида) ўшани кўрур. Ким зарра мис-қоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур!» (*Залзала, 7–8*).

Иброҳим (алайҳиссалом) Аллоҳ таоло буюрган барча амалларни қилиб, наҳйи қилганларидан қайтдилар ва Аллоҳнинг сў-зи устун бўлиши йўлида катта ғайрат кўрсатдилар, одамларга Аллоҳ кўрсатган барча нарсани етказдилар. Хўш, бу қандай натижа билан тугади? Натижада Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)нинг даражаларини юқори қилиб, улардан пайғамбарлар ва солиҳ кишилар чиқувчи яхши зурриёт билан сийлади, ҳамда У Зот Иб-роҳим (алайҳиссалом)нинг зикрини абадий қилди.

Қуръони каримда Иброҳим (алайҳиссалом)нинг ваъдаларига вафо қилганликлари, имонлари, шижоатлари, ширк ва мушрик-лардан узоқлашганлари сабабли Аллоҳ таоло тарафидан берил-ган неъматлар санаб ўтилади. Жумладан, Анъом сурасида шундай дейилади:

«Мана шулар Бизнинг Иброҳимга қавми устида берган ҳужжатларимиздир. Биз Ўзимиз хоҳлаган кишиларни дара-жаларга кўтарурмиз. Албатта, Парвардигорингиз ҳикмат эгаси ва билгувчидир. Биз унга Исҳоқ ва Яъқубни ҳадя этдик. Илгари Нухни ҳам Биз ҳидоят қилган эдик. Унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо ва Ҳорунни (ҳам Биз ҳидоят қилдик). Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлаймиз. Закариё, Яхё, Исо ва Илёсни (ҳам Биз ҳидоят қилдик). Барчалари солиҳ бандалардир. Исмоил, Ясаъ, Юнус ва Лутни (ҳам Биз ҳидоят қилдик) ва барчаларини бутун оламлардан афзал қилдик. Уларнинг ота-боболаридан, зурриётларидан ва биродарларидан ҳам (Ўзимиз хоҳлаган кишиларни Ҳақ йўлга ҳидоят қилдик). Биз уларни сайлаб, тўғри йўлга ҳидоят қилдик» (*Анъом, 83–87*).

Имом Розий ушбу оятларнинг тафсирида қуйидагиларни айтиб ўтадилар: «Аллоҳ таоло ушбу оятда Иброҳим (алайҳиссалом)-га берган неъматларини санаб ўтмоқда:

Биринчиси, **«Мана шулар Бизнинг Иброҳимга қавми устида берган ҳужжатларимиздир».**

Яъни, Биз унга ушбу ҳужжатларни бердик, ва унга ҳидоят қи-либ, унинг ақлини ўша ҳужжатларга мувофиқ қилдик;

Иккинчиси, Аллоҳ таоло у кишини юқори даражага кўтарди: **«Биз Ўзимиз хоҳлаган кишиларни даражаларга кўтарурмиз»;**

Учинчиси, Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)ни дунёда азиз-мукаррам қилиб, унинг насли ва зурриётидан инсонларнинг энг шарафлиси бўлмиш пайғамбар ва расулларни чиқарди ҳамда Қиёмат кунигача унинг наслида бу кароматни қолдирди. Кишига энг қувончли хабарлардан бири, унинг наслидан анбиё ва солиҳ кишиларнинг дунёга келишини билишидир»²⁹.

²⁹ «Тафсирул Фахр Розий», 4-жилд, 72-бет.

Жумхур муфассирлар «Унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо ва Хорунни (ҳам Биз ҳидоят қилдик)», оятидаги «Унинг зурриётидан» сўзини Иброҳим (алайҳиссалом)-га тегишли эканлигини айтишган, чунки бу ерда у кишига берилган неъматлар ҳақида сўз бормоқда.

Марям сурасида Иброҳим (алайҳиссалом)нинг отаси билан бўлган баҳсдан сўнг, куйидаги оятлар келтирилади. Иброҳим (алай-ҳиссалом) айтадилар:

«Мен сизлардан ҳам, сизлар Аллоҳни қўйиб илтижо қи-лаётганингиздан ҳам четланурман ва Парвардигоримга илтижо қилурман. Шояд Парвардигоримга илтижо қилга-ним шарофатидан бадбахт бўлиб қолмасман, деб умид қилур-ман». Бас, қачонки (Иброҳим) улардан ва улар Аллоҳни қў-йиб сиғинаётган бутларидан четлашгач, Биз унга Исҳоқ ва Яъқубдан ҳадя этдик ва барчаларини пайғамбар қилдик. Шунингдек, уларга ўз фазлу марҳаматимиздан инъом этдик ва улар учун рост, юксак мақтовларни қилдик» (Марям, 48–50).

Яъни, Иброҳим отасининг ўз куфрида қаттиқ туриб олганини кўргач, деди: “Мен сен учун истиффор айтаман, аммо сени, қав-мингни ва сизлар сиғинаётган бутларингизни тарк этиб, сизлардан узокроққа, Аллоҳнинг кенг ерига рихлат қиламан. Қачонки Иброҳим ўшани қилгач, Биз унга ўғли Исҳоқ ва набираси Яъқубни инъом этиб, у икковини ҳам пайғамбар қилдик”.

Демак, ширк ва мушриклардан ҳамда фикс ва фосиқлардан узоклашиш дунё ва Охиратда бахт-саодатга олиб келар экан. Анбиё сурасида ҳам ушбу маъно таъкидлаб ўтилади:

«Ва Биз унга ҳамда Лутга нажот бериб, (уларни) Ўзимиз барча оламлар учун муборак қилган заминга (юбордик). Биз Исҳоқни ҳадя этдик ва Яъқубни ҳам зиёда қилдик ҳамда (уларнинг) барчаларини солиҳ кишилар қилдик. Яна уларни Бизнинг амримиз билан ҳидоят этадиган пешволар қилдик ва уларга яхши амаллар қилишни, намозни тўқис адо этишни ва закотни ато этишни ваҳий қилдик. Улар ёлғиз Бизга-гина ибодат қилувчи бўлдилар» (Анбиё, 71–73).

Шундан сўнг Иброҳимга Исҳоқ ва Яъқубни ҳадя қилиб, Ўз фазлимиз ва раҳматимиз билан унинг зурриётидан пайғамбар-лар қил-дик, ва ўша пайғамбарларга Таврот, Инжил ва Қуръон каби самовий китобларни нозил қилдик. Иброҳимнинг яхши амали учун шу дунёда унга солиҳа аёл ва вафотидан сўнг яхши мақтов қол-ди-риш билан ажр-мукофотини бердик. Шубҳасиз, у Охиратда Аллоҳ улардан, улар ҳам Аллоҳдан рози бўладиган бандалардандир.

Юқорида зикр қилиб ўтилганлар Қуръони каримда келти-рил-ган Иброҳим (алайҳиссалом) қиссаси эди. Агар суннат (ҳадис) китоб-ларига назар соладиган бўлсак, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) томонларидан ўз боболари Иброҳим (алайҳиссалом) шаън-ларига айтилган сўзларни кўришимиз мумкин.

Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: Бир киши Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг олдига келиб: «Эй инсониятнинг энг яхшиси бўлган Зот!» деб мурожаат қилди. Шунда У Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Бу (яъни, инсониятнинг энг ях-шиси) – Иброҳим (алайҳиссалом)дир», дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Албатта, бу Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) томонларидан қилинган камтарлик бўлиб, ўз боболари Иброҳим (алайҳиссалом)га мақтов

йўлламоқдалар. Ҳолбуки, пайғамбар-лар-нинг афзали, махлуқотларнинг энг яхшиси – Расулуллоҳ (сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам)дирлар.

Имом Бухорий, Имом Муслим ва бошқалар ривоят қилган ҳа-дисда Исроъ ва Меърож кечаси ҳақида ривоят қиладилар. Расу-луллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: «У ерда Ибро-ҳимни кўрдим, унга яқинлашгач, худди соҳибингиз (яъни, мен)-га ўхшаш одамни кўрдим».

Аллоҳ таоло Қиёмат куни бизларни ҳам набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳ бандалар қаторида ҳашр қилишини сўрай-миз. Бу Аллоҳ тарафидан бўладиган бир фазлдир. Унинг Ўзи бизнинг барча дуо-илтижоларимизни билувчидир. Пайғамбаримиз Муҳам-мадга, у кишининг аҳли байтлари ва саҳобаларига салавот ва саломлар бўлсин!

ЛУТ (АЛАЙҲИССАЛОМ) ҚИССАСИ

Лут (алайҳиссалом) қиссаси Қуръони каримнинг турли ўрин-ларида, жумладан, Аъроф, Ҳуд, Ҳижр, Анбиё, Шуаро, Намл, Анкабут, Соффот ва Қамар сураларида келган.

Қуръони каримда Лут (алайҳиссалом) исми йигирма етти мартаба такрорланиб келган.

Аъроф сурасида Аллоҳ таоло айтади:

«(Эй Муҳаммад), эсланг, Лут ўз қавмига: “Шундай бузуқлик қиласизларми? Ахир сизлардан илгари бутун оламлардан бирон кимса бундай қилмаган эди-ку?! Сизлар хотинлари-нгизни қўйиб, шаҳват билан эркакларга борасизлар?! Йўқ, сизлар ҳаддан ошувчи қавмдирсизлар”, деган эди. Қавмининг жавоби эса фақат мана бундай дейишлари бўлди: “Уларни қишлоғингиздан чиқариб юборинглар! Чунки улар ҳаддан ортиқ покиза одамлар экан”. Бас, Биз унга ва аҳлига нажот бердик. Магар унинг хотини қолиб, ҳалок бўлгувчилардан эди. Биз уларнинг устига даҳшатли ёмғир ёғдирдик. Ана энди жиноятчи-осий қавмнинг оқибати қандай бўлганини кў-ринг”» (Аъроф, 80–84).

Ибн Касир айтади: “Лут – Ҳорон ибн Озарнинг ўғли, яъни Иб-роҳим (алайҳиссалом) укасининг ўғли бўлган. Лут Иброҳим (алай-ҳиссалом)га имон келтириб, у билан Шом юртига хижрат қилади. Аллоҳ уни Ўзига ибодат қилиш учун даъват этиш, яхши-ликка буюриб, қавмини ўзлари ўйлаб топган фахш, ҳаром ва гуноҳ ишлардан қайтариш учун Садум³⁰ ва ўша атрофдаги қиш-локларга пайғамбар қилиб юборади. Бу фахш ишларни улардан аввал ҳеч ким содир этмаган эди. У ҳам бўлса, эркакларнинг бир-бири билан жинсий алоқа қилиши бўлган. Улар аҳли Садум деб аталган. Садум Урдун (ҳозирги Иордания) водийсидаги бир қишлоқ номи бўлган”³¹.

Энди, юқорида келтирилган оятларни бирма-бир кўриб чи-камиз. Аллоҳ таоло Лутни пайғамбар қилиб юборганида у қав-мига хитобан:

– Шундай бузуқлик қиласизларми? Ахир сизлардан ил-гари бутун оламлардан бирон кимса бундай қилмаган эди-ку?! – деди.

³⁰ (Садум Ҳимсдаги шаҳар номидир. Айтилишича, қадимда Садум номли бир қози яшаб ўтган экан. Тарихчилар нақл қилишича, Садум подшоҳнинг исми бўлиб, кейинчалик у шаҳар номи сифатида қабул қилинган. – Таржимон.)

³¹ «Тафсиру Ибн Касир», 2-жилд, 230-бет.

Яъни, сизлар қабоҳат ва разолатнинг энг чўққиси саналган уш-бу жирканч ишни қиласизларми? Ҳаттоки уни сизлардан олдинги замонда яшаб ўтган бирон одам қилган эмас. Биринчи бор сизлар қилиб турибсизлар бу фаҳш ишни. Шу сабаб унинг ва унга амал қилганларнинг гуноҳлари то Қиёматга қадар сизларнинг зиммангизга ёзилиб боради!

Бу ердаги савол – танбеҳ, маломат ва инкор маъносидадир.

Умар ибн Динор айтади: “Лут қавмидан илгари бирон эркак бошқа бир эркак билан кўшилган эмас”.

Валид ибн Абдулмалик дейди: “Агар Аллоҳ бизларга Лут қавми ҳақида хабар қилмаганида, эркак билан эркак жинсий алоқа қи-лади, деб ўйламасдим”.

Шундан сўнг Лут (алайҳиссалом) қавмини тергашда давом этиб, бундан-да каттиқроқ танбеҳ билан: **“Сизлар хотинлари-нгизни қўйиб, шаҳват билан эркакларга борасизлар?! Йўқ, сизлар ҳаддан ошувчи қавмдирсизлар”**, – деди.

Яъни, сизлар соф табиатлари бузилган бир қавмсизлар. Аллоҳ эркакларни аёллар учун яратган бўлса-да, сизлар бунинг аксини қиляпсизлар. Бу ишга сизларни фақатгина нопок нафсингиз ва шаҳватингиз ундамоқда.

“Жумал” китобида бундай дейилади: “Лутнинг ўз қавмини ушбу жирканч қилмишда айблашига сабаб шуки, Аллоҳ таоло инсонни яратиб, унга никоҳланиш ва насл қолдириш рағбати-ни ато этди ва аёлларни эркаклар учун экинзор қилди. Агар эркаклар аёлларни қўйиб, ўз жинсларига мансуб бўлганлар билан эҳтиёжларини қондирсалар илоҳий низом бузилган, инсон ҳаддидан ошган ҳисобланади”.³²

“Йўқ, сизлар ҳаддан ошувчи қавмдирсизлар”. Бу гап қавм-нинг мазкур ишни содир этишларига сабаб бўлган нарсанинг баёнидир. Лут қавми ҳар соҳада, ҳар бир ишда ҳаддини билмаган, чегарадан чиққан бир жоҳил қавм эди. Яъни, эй қавмим, сизлар фаҳш ишларни қилиб, сўнгра уни бутунлай тарк этгач, Аллоҳга тавба қилмаяпсизлар. Балки ўз шаҳватларингизни нопок йўл билан қондириш ва бошқа ишларда исрофга йўл қўймоқдасизлар, мувозанатни эсдан чиқариб қўйдингиз!

Анкабут сурасида келтирилишича, Лут қавмига: **“Ҳақиқатан ҳам сизлар эркакларга борурмисизлар, йўлтўсарлик-қароқ-чилик қилурмисизлар, мажлисларингизда ёмон ишлар қи-лурмисизлар?”**, деган.

Шуаро сурасида айтилишича, **“Йўқ, сизлар ҳаддан ошувчи қавмдирсизлар”**. Яъни, шариат ва соф фитратни четлаб ўтув-чисизлар, деган.

Намл сурасида эса: **“Йўқ, сизлар жоҳил қавмдирсизлар!”**, деган.

Ушбу келтирилган оятлар шуни англатадики, Лут қавми ақли фасод, маънавий қашшоқлик дардига мубтало бўлган, одоб-аҳ-лоқда энг тубан, залолатга муккадан кетган, яхшиликка адо-ват-да бўлган бир қавм эди.

Қуръони карим уларнинг ўз пайғамбарлари Лут (алайҳисса-лом) насиҳатларига қилган ўзлари каби қабиҳ жавобларини шундай келтиради: **“Уларни қишлоғингиздан чиқариб юборинг-лар! Чунки улар ҳаддан ортиқ покиза одамлар экан”**.

Яъни, туғёнга кетган, Лут (алайҳиссалом)нинг фойдали ўғит-ларини такаббурлик билан рад этган ношуд қавмнинг жа-воби, Лут ва унга имон

³² “Ҳошиятул жумал ғалал Жалалайн”, 2-жилд, 162-бет.

келтирганларни ўзингиз яшаётган қишлоғи-н-гиздан чиқариб юборинглар, дейишларигина бўлди, холос.

Қавм нима сабабдан уларни қишлоқларидан ҳайдаб чиқа-риш пайига тушиб қолишди?

Қуръон бунинг асл сабабини уларнинг нопок тилидан баён қилади: **“Чунки улар ҳаддан ортиқ покиза одамлар экан”**. Яъни, Лут ва унга эргашганлар эркаклар билан жинсий алоқа қи-лиш-дан пок, бу ишни кўп ҳам хушламайдиган, уни ўзларига ра-во кўрмайдиган кишилар экан.

“Соҳибул Кашшоф” айтади: “Қавм Лут ва унга эргашганлар-нинг фаҳш ишлардан йироқ эканликларини айтиб, масхара қи-лишди. Ўзлари қилаётган нопок ва манфур қилмишлари билан фахрланишди. Солиҳ кишилар баъзи фосиқларнинг олдига ке-либ, насиҳат қилганида, улар: “Бу зоҳидни менинг олдидан ҳай-данг, шу билан менга ҳузур бахш этинг”, деган экан”³³.

Шу тарзда Лут қавми икки тоифага ажралди. Энди ҳар икки тоифанинг ҳоли не кечгани ҳақида айтиб ўтилади: **“Бас, Биз унга ва аҳлига нажот бердик”**. Яъни, Лут, унинг оиласи ва унга имон кел-тирганларни азобдан қутқардик.

Айтилишича, Лут (алайҳиссалом)га ўз оиласидан бошқа бирон киши имон келтирмаган. Чунки Аллоҳ таоло айтади: **“Бас, Биз у жойдаги мўминлардан бўлган кишиларни чиқариб юбордик. Лекин, у жойда бир хонадондан (яъни, Лут пайғамбар хонадо-нидан) ўзга мусулмонларни топмадик”** (*Зориёт, 35–36*).

Демак, Лут (алайҳиссалом) оиласи кулфатдан омонда қолган. **“Магар унинг хотини қолиб, ҳалок бўлгувчилардан эди”**. Бу ерда унинг оиласидан бир киши истисно қилинапти. У ҳам бўл-са Лутнинг нобакор хотини эди. Яъни, Биз Лут ва оиласига нажот бердик. Илло унинг хотинини нопоклиги ва имонсизлиги боис тарк этдик.

Ибн Касир айтади: “Лут (алайҳиссалом)нинг хотини унга имон келтирмаган, балки у ҳам қавмининг ботил динига мансуб бўлган. Хотини қавм билан келишиб олиб, Лутнинг олдига келаётган меҳмонлар ҳақида ва яна кўп махфий маълумотларни етказиб турарди. Аллоҳ таоло Лут аҳлини кечаси қишлоқдан олиб чиқаётганида хотинига билдирмасликка амр қилган. Баъзилар айтишича, “Аёли ҳам уларга эргашган, аммо азоб келиб уни ўз домига тортган”. Хулоса шуки, у юртидан чиқиб кета олмаган. Лут ҳам унга буни сездирмаган. Балки, қавми билан бирга қолиб кетган. Шу сабаб Аллоҳ таоло **“Магар унинг хотини қолиб, ҳалок бўлгувчилардан эди”**, деб айтмоқда”³⁴.

“Биз уларнинг устига даҳшатли ёмғир ёғдирдик”. Яъни, Биз бу нобакор қавм учун жазо сифатида уларнинг устига ўзи-га хос сифатга эга бўлган, бир ажиб ёмғирни ёғдирдик. Бунинг қан-дай ёмғир экани бошқа оятда келган: **“Бас, Биз у шаҳарни остин-устин қилиб юбордик ва уларнинг устига сополдан бўлган тош ёғдирдик”** (*Ҳижр, 74*).

Аъроф сурасида келган мухтасар қисса бандаларни ақл юри-тишга, тафаккур ва тадаббур қилишга ундаш билан яқунлана-ди: **“Ана энди жиноятчи-осий қавмининг оқибати қандай бўл-ганини кўринг”**.

³³ «Тафсирул Кашшоф», 2-жилд, 127-бет.

³⁴ «Тафсиру Ибн Касир», 2-жилд, 231-бет.

Худ сурасида ҳам Лут ва қавми ўртасида бўлиб ўтган қиз-гин ва мунозарага бой мунозара ҳақида ҳикоя қилинади. Аллоҳ тао-ло айтади:

«Қачонки элчиларимиз Лутнинг олдига келганларида, у бундан ёмон ҳолга тушди ва уларнинг келишидан юраги си-қилиб, деди: “Бу кун оғир кундир”. Қавми унинг олдига чопиб келишди. Улар илгаридан ёмон ишлар қилар эдилар. У айтди: “Эй қавмим, анави қизларим сизлар учун покроқ-ку?! Бас, Аллоҳдан кўрқинглар ва меҳмонларим олдида мени шарманда қилманглар. Орангизда тўғри йўлга юрувчи бирон киши йўқми?!” Улар дедилар: “Сен қизларингга мухтож эмаслигимизни аниқ биласан. Шунингдек, биз нима исташимизни ҳам жуда яхши биласан”. (Лут) деди: “Қани эди сизларга кучим етса ёки кучли бир таянчим бўлса эди”. (Шунда фаришталар) айтдилар: “Эй Лут, биз Парвардигорингнинг элчиларимиз. Улар сенга ҳаргиз тега олмаслар. Бас, сен кечанинг (қолган) қисмида аҳли оилангни олиб чиқиб кетгин ва сизларнинг ичингизда ҳеч ким атрофга алангламасин. Фақат хотининг... Зотан, унга ҳам уларга етган бало етувчидир. Уларга ваъда қилинган вақт субҳдир. Субҳ яқин эмасми?!” Энди қачонки Бизнинг фармонимиз келганида, у жойларни остин-устин қилиб юбордик ва уларнинг устига Парвардигорингиз даргоҳида белгилаб қўйилган сопол тошларни пайдар-пай ёғдирдик. У жойлар бу золимлардан йироқ эмасдир» (Худ, 77–83).

Аллоҳ таоло ушбу қиссани фаришталар Лутнинг ҳузурига келганларида, уни ғам-ғусса босганини айтиш билан бошлайди: **Қа-чонки элчиларимиз Лутнинг олдига келганларида, у бундан ёмон ҳолга тушди ва уларнинг келишидан юраги си-қилиб, деди: “Бу кун оғир кундир”.**

Яъни, Иброҳим (алайҳиссалом) ҳузурда меҳмон бўлиш-гач, Бизнинг элчиларимиз бўлмиш фаришталар Лутнинг олдига келдилар. Уларнинг бу ташрифи Лутга хуш ёқмади. Сабаби, Лут уларни танимас, қавми уларга бирон зарар етказишидан хавфсирар ва агар шундай бўлганда ҳам меҳмонларини ҳимоя қилишдан ожиз эди.

“Уларнинг келишидан юраги сиқилиб...”. Бу жумла Лут (алайҳиссалом) учун хийла-найранг, макр ишлатиш одати бутунлай ёт бўлганидан, унинг ташвишга тушгани ва меҳмонларини бундай қийин ҳолатдан чиқаришга имкон топа олмаслигидан дарак беради.

“Бу кун оғир кундир”. Яъни, Лут (алайҳиссалом) ачиниш ва қайғули оҳангда:

– Меҳмонлар келган бу кун мен учун оғир ва мусибатли кундир, – деди.

Бузуқ нафс эгалари бўлган қавм Лутнинг олдига меҳмонлар келганидан тезда хабар топдилар ва **“унинг олдига чопиб келишди. Улар илгаридан ёмон ишлар қилар эдилар”.**

Яъни, Лутнинг уйида нотаниш одамлар борлигини эшитган қавм жуда севишиб кетганларидан бир-бирларини дараклашиб, шошганларича унинг уйи томон ёпирилиб кела бошладилар. Бу фожир қавм бу ерга келмасидан аввал кўп ёмон ишларни содир қилар эди. Бунинг энг қабиҳи эркаклар билан жинсий алоқада бў-лиш, баччабозлик қилиш бўлган.

Уларнинг меҳмонлар олдига нима мақсад билан келганлари **“улар илгаридан ёмон ишлар қилар эдилар”** жумласи ор-қали ифодаланмоқда. Бесоқолбозлик қилишдек манфур бир иш улар-нинг одатий машғулоти бўлиб, улар бу сафар ҳам ўз эҳти-ёжларини қондириш ҳаракатида эдилар.

Қавмининг ўз уйи томон селдек оқиб келаётганини кўрган Лут (алайҳиссалом) уларни бу ишдан қайтармоқчи бўлиб: **“Эй қав-мим, анави қизларим сизлар учун покрок-ку?!”,** – деди.

Бу ердаги “қизлари”дан мурод шаҳардаги турмушга чиқишга яроқли бўлган ҳар бир аёл ёки қиздир. Лут (алайҳиссалом) ўша аёлларни ўзига нисбат берди. Чунки ҳар бир пайғамбар шафқат кўрсатиш, тарбия ва рушду ҳидоятга бошлашда ўз умматига ота ўрнидадир.

Ибн Касир айтади: Лут уларни шаҳардаги аёлларга йўлла-моқ-чи бўлди. Чунки пайғамбар умматига ота кабидир. У қав-мини ўзлари қилаётган ишдан анча манфаатлироқ бўлган нарсага тар-ғиб қилди. Бошқа бир оятда келтирилишича, у шундай деган: **“Сизлар бутун оламлардан (ажраб, ҳеч бир жонзот қилмаган ишни қилиб, аёлларга уйланиш ўрнига) эркакларга яқинлашур-мисизлар?! Ва Парвардигорингиз сизлар учун яратган жуфти ҳалолларингизни тарк қилурмисиз?! Йўқ, сизлар ҳаддан ошувчи қавмдирсизлар”** (Шуаро, 165–166).

Мужоҳид айтади: “Улар Лутнинг ўз қизлари эмасдилар, балки уммати орасидаги аёллар бўлишган. Зеро, пайғамбар умматининг отасидир”.

Саид ибн Жубайр шундай дейди: “Улар шаҳарнинг аёллари эди. Айти пайтда ўша аёллар Лутнинг қизлари ҳукмида бўлган”.³⁵

Баъзи тоифалар: “Бу ердаги “қизлари”дан мурод Лутнинг ўз сулбидан бўлган қизларидир. Лут уларни қавмига ҳавола қил-ган”, дейишган.

Бу энг заиф фикрдир. Чунки ривоятларда келишича, Лут (алай-ҳиссалом)нинг икки ёки учта қизи бўлиб, унинг уйига келган қавмининг сони улардан анча зиёд бўлган. Энди қандай қилиб ик-ки ёки учта қиз кўпчиликка кифоя қилсин?

Чамаси, биринчи фикр ҳақиқатга яқинроқ кўринади. Имом Розий уни куйидагича ифодалайди: “Менимча, мана шу фикр (яъни, биринчи фикр) тўғри. Чунки куйидаги оят унга далолат қилади. У **“Эй қавмим, анави қизларим сизлар учун покрок-ку”,** деди. Лутнинг сулбидан бўлган қизлари қавмининг барча аъзоларига кифоя қилмасди. Умматининг аёллари эса барчасига кифоя қилган. Баъзи ривоятларда келишича, Лутнинг икки – Зинта ва Заувро номли қизлари бўлган. Икки қизни кўпчиликка қаратиб “қизла-рим” деб аташ тўғри бўлмайди. Зеро, кўпликнинг энг кам миқдори учтадир”.³⁶

Юқорида келтирилган оятнинг маъноси бундай: Лут (алай-ҳиссалом) қавмининг ўз уйи томон ёпирилиб келаётганини кўр-гач, мулойимлик билан илтимос маъносида:

– Эй қавмим, менинг қизларим ҳукмида бўлган мана бу аёлларингиз сизлар учун ҳам нафсий, ҳам ҳиссий жиҳатдан покрокдир. Бас, сиз ҳожатларингизни улар билан қондиринг. Бесоқолбозлик каби нопок ишларга ҳаргиз қўл урманг! – , деди.

Сўнгра бу илтимосга қўшимча қилиб: **“Бас, Аллоҳдан кўр-қинглар ва меҳмонларим олдида мени шарманда қилманг-лар”,** деди.

Яъни, Лут уларни аёлларга йўллагач, Аллоҳга тақво қилишга чақириб, деди:

– Аллоҳдан кўрқинглар, жирканч қилиқларингизни содир этиш билан мени меҳмонларим олдида уятга қўйманглар, хи-жолат чектирманглар. Меҳмонга қилинган тажовуз худди мез-бон--га қилингандек бўлади.

³⁵ «Тафсиру Ибн Касир», 4-жилд, 268-бет.

³⁶ «Тафсиру Фахрив Розий» 18-жилд, 32-бет.

Чамаси, агар уларда заррача эркаклик ғурури бўлса, Лут (алай-ҳиссалом) уларнинг ўша ғурурини уйғотмоқчи эди. Лекин қаёқда дейсиз?! Уларнинг қалби ўлик, ўзлари эса фисқу фужур ишларга бўйинларигача ботиб кетган эдилар. Қавмнинг ўжар-лигини сезган Лут: **“Орангизда тўғри йўлга юрувчи бирон киши йўқми?!”**, – деди.

Яъни, эй қавмим, наҳотки ичингизда яхшилик ва одоб-ахлоқ-қа йўллаб, менинг ёнимни олиб, меҳмонларимни ҳимоя қила-диган ҳамда ботил, разил ишларга чек қўя оладиган тоза қалб ва имон соҳиби топилмаса?!

Лут (алайҳиссалом) қалб тўридан отилиб чиққан бу панд-на-сиҳатлар қавмнинг ўлик қалбига зиғирча ҳам таъсир қилмади. Аксинча, улар сурбетларча шундай жавоб қилдилар: **“Сен қиз-ларингга муҳтож эмаслигимизни аниқ биласан. Шунингдек, биз нима исташимизни ҳам жуда яхши биласан”**.

Яъни, эй Лут, сен шубҳасиз, яхши биласанки, аёлларга рағба-ти-миз йўқ. Шунингдек, муддаоимиз нималигидан ҳам хабар-дорсан. Яна нега бизларга бундоқ оҳангда мурожаат қилаяпсан?!

Уларнинг ушбу сўзи қавмнинг нопоклик ва қабоҳатнинг тубсиз жарига кулаганликларидан далолат қилади.

Шу сабаб Лут (алайҳиссалом) илтижо маъносида шундай де-ди: **“Қани эди сизларга кучим етса ёки кучли бир таянчим бўл-са эди”**.

Бу ерда “таянчим” деб берилган сўз арабий матнда “рукн” тарзида келтирилган. Бу сўз “уй ёки тоғнинг бир бўлаги, унинг асоси” маъноларини ифодалайди. Мазкур оятдаги рукн – таянчдан мурод куч-қувватга эга бўлган киши эди. Лут (алайҳиссалом) ундан ёрдам сўрашни орзу қилган.

Яъни, Лут (алайҳиссалом) қавмининг залолатда давом этаётганлигини кўриб ва уларни тарғиб-тарҳиб йўли билан ҳам бундан қайтаришга кучи етмагач:

– Агар менда куч-қувват бўлганида, сизларни нима қилишни ўзим яхши билардим! – деди.

Айтилишича, Лут (алайҳиссалом)нинг бундай дейишига сабаб – у бу ҳолда қавмининг олдида худди бир ғарибдек эди. Уларга нисбатан Лут (алайҳиссалом)нинг насл-насаби ҳам олий эмасди.

Лут (алайҳиссалом)нинг қайғу-ғамга тушганини кўрган фаришталар унга башорат бериш ва қалбига хотиржамлик солиш мақсадида дедилар:

– **Эй Лут, биз Парвардигорингнинг эличиларимиз. Улар сенга ҳаргиз тега олмаслар.** Яъни, биз Парвардигоринг томонидан сенга қавминг ҳалок қилиниши ҳақида хабар етказиш учун юборилган эличиларимиз. Бас, сен кўркма, тинчлан! Зеро, улар сенга зиғирча ҳам зарар етказа олмайдилар.

Баъзи ривоятларда келтирилишича, фаришталар Лут (алай-ҳис-салом)нинг улар сабабидан ташвиш чекканини сезишгач, шун-дай дейишган:

– Эй Лут, сенинг таянчинг кучлидир.

Сўнгра Жаброил (алайҳиссалом) уларни қаноти билан урга-нида шу заҳоти ҳаммаларининг кўзи кўрмас бўлиб қолади ва қавм ортига қайтиб кетади. Ушбу ривоятга Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти далолат қилади: **“Аниқки, улар (Лутнинг) меҳ-мон(лар)ини йўлдан урмоқчи бўлдилар. Бас, Биз уларнинг кўзларини кўр қилиб қўйдик. Энди Менинг азобим ва огоҳлантиришимни тотиб кўринглар!”** (*Қамар, 37*).

Фаришталар Лутга хитоб қилишда давом этиб дедилар: **“Бас, сен кечанинг (қолган) қисмида аҳли оилангни олиб чиқиб кетгин ва сизларнинг ичингизда ҳеч ким атрофга алангламасин”**.

Яъни, кечанинг бир қисмида оилангдан бўлган мўминларни олиб, бу қишлоқдан чиқиб кетинглар. Шунда бу осий қавм ва улар йўлиқадиган даҳшатли азобдан омон қоласизлар. Лекин сиз-лардан бирон киши ён атрофига ёки ортига назар солмасин. Акс ҳолда, у ҳам азобни кўриб қолиб, бу нарса унга ёмон таъсир қилиши мумкин. **“Фақат хотининг...”**. Яъни, эй Лут, уни тарк эт, ўзинг билан қишлоқдан олиб чиқа кўрма! Сабаби у кофир ва хоиндир. Шу боис қавмингга етган азоб унга ҳам етади ва улар билан бирга ҳалокатга учрайди.

Қатодадан ривоят қилинишича, аёли ҳам Лут билан бирга қиш-лоқдан чиққан. Аммо азоб келганидан сўнг ортига назар солиб: “Оҳ, қавмим”, деган. Шунда унга ҳам тош тегиб, ҳалок бўлган.

“Уларга ваъда қилинган вақт субҳдир. Субҳ яқин эмасми?!” Бу қавм устидан ғалаба қозонишни жуда хоҳлаётган Лут (алайҳиссалом)га башорат беришнинг бошқа бир кўриниши эди. Яъни, бу жинойткор қавмнинг ҳалок этилиш вақти тонг отиш пайтида бошланиб, қуёш чиққунча давом этади. Ахир, эй Лут, биз сенга гапириб турган вақтимизга нисбатан субҳ-тонг яқин эмас-ми?

Ҳижр сурасида Аллоҳ таоло айтади: **“Улар ўз масканларида тентираб юрган ҳолларида, (тўсатдан) тонг пайтида уларни даҳшатли қичқирик тутди”** (*Ҳижр*, 73).

“Уларга ваъда қилинган вақт субҳдир” жумласи Лут (алай-ҳиссалом)нинг ўз аҳли оиласини тезроқ қишлоқдан олиб чиқиб кетиши лозимлигига далолат қилади ёки ушбу осий қавмнинг ҳа-локатини истаётган Лут учун қувончли жавоб тарзида келган.

Алусий айтади: “Ривоят қилинишича, Лут (алайҳиссалом) фаришталардан қавмининг ҳалок этилиш вақтини сўраганида, улар: “Уларнинг ҳалокат вақти субҳдир”, деб жавоб беришган. Шунда Лут: “Бундан ҳам тезроқ бўлишини хоҳлайман”, деганида фаришталар: “Субҳ яқин эмасми?” дейишган.

Фикримча, Лут қавми ҳалок этилиш вақтининг тонг пайти қилиб белгиланганига сабаб – у пайтнинг сокинлик ва роҳат вақ-ти бўлганлиги учундир. Агарда азоб уларнинг устига шу маҳалда ке-ладиган бўлса, у ақл эгалари учун кўпроқ таъсир қилиб, ибрат олишга муносиброқ бўлади”.³⁷ Қисса сўнгида нобакор қавм-нинг аянчли оқибати шундай келтирилади: **“Энди қачонки Биз-нинг фармонимиз келганида, у жойларни остин-устин қилиб юбор-дик ва уларнинг устига Парвардигорингиз даргоҳида белгилаб қўйилган сопол тошларни пайдар-пай ёғдирдик. У жойлар бу золимлардан йироқ эмасдир”**.

Яъни, ушбу фосиқ қавми нобуд этиш ҳақида Бизнинг фармонимиз келганида, уйларининг тепасини пастига қилиб, уни устиларига ёмғир қилиб ёғдирдик. Бу Аллоҳнинг фитратини бузган, илк бора эркак билан эркаклар яқинлик қилишини жорий этган ва пок аёлларни тарк қилган ношуд қавмнинг муносиб жазосидир.

“Уларнинг устига Парвардигорингиз даргоҳида белгилаб қўйилган сопол тошларни пайдар-пай ёғдирдик”. Бу уларнинг жазоси янада зиёда қилинганидан

³⁷ «Тафсирул Алусий», 12-жилд, 101-бет.

дарак беради. Яъни, Биз уларнинг қишлоғини остин-устин қилиб, сўнгра тош ва лой аралашмасидан бўлган нарсаларни устиларига муттасил, тинимсиз тарзда ёғдирдик. Натижада улар даҳшатли ҳолга тушдилар. Ушбу тошлар Парвардигорингиз ҳузурда мазкур қавми ҳалок этиш учун тайёрлаб қўйилган эди.

“У жойлар бу золимлардан йироқ эмасдир”. Яъни, ҳалок қилинган қишлоқ Макка мушрикларидан йироқ эмас. Балки уларга қўшни бўлиб, Шомга қиладиган сафарларида улар ушбу қишлоқ орқали ўтиб кетардилар.

Соффот сурасида Аллоҳ таоло айтади: **“Аниқки, сизлар эр-таю кеч уларнинг устидан ўтиб турурсизлар. Ахир ақл юрит-майсизларми?!”** (Соффот, 137–138). Яъни, эй Макка аҳли, сизлар Лут қавмидан бўлган ушбу ҳалок қилинган кимсалар қишлоғи-дан тонгда, кундузи ва кечаси ҳам тинмай ўтиб турибсизлар. Ахир, улар-нинг оқибати нима билан яқун топгани ҳақида ўйлаб кўрмай-сиз-ларми? Ўзларингиз учун шундан ибрат олмайсизларми?

Оятда зикр қилинаётган “у” олмоши қавмнинг ҳалок қили-ни-шига сабаб бўлган тошларга тегишли бўлиши ҳам мумкин. У ҳолда оятнинг мазмуни қуйидагича бўлади: васф қилинган ушбу тошлар золим кимсалардан йироқ эмас. Балки Аллоҳнинг қудра-ти ила исёнкор қавми ҳалок этиш учун доимо тайёр ва шайдир.

Бу ердаги “золимлар”дан мурод – Лут қавми, Макка мушрик-лари ҳамда Аллоҳ белгилаб қўйган чегарани билмай, У Зотга осий-лик қилган, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олиб келган ҳидоятга эргашишдан бўйин товлаган кимсалардир.

Шундай қилиб Лут қавмининг ҳаёт саҳифалари худди Нух, Ҳуд ва Солиҳ (алайҳимуссалом) қавминики каби аянчли тарзда ёпилди.

Ушбу ояти каримадан олинадиган хулосалар шуки, мўмин ки-ши Ҳаққа даъват қилишда бирон кишидан ёрдам сўраши жоиз. Лут (алайҳиссалом) қавмининг нонкўрлиги ва залолатдан қайт-мас-лигини билгач, ўзи учун кучли таянч ва уларнинг ёмон-лик-лари-дан ҳимоя қилувчи бир киши бўлишини хоҳлади. Яхшилик йўлида одамлардан ёрдам сўрашнинг ҳеч бир зарари йўқ. Аллоҳ таоло айтади: **“Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмас экан, шубҳасиз, Ер фасодга дучор бўлади”** (Бақара, 251).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам Раббининг сўзларини одамларга етказишда ансорлардан кўмак сўраганлари ҳаммамизга маълум.

Ҳижр сурасида фаришталар ва Лут (алайҳиссалом) ўртаси-даги суҳбат, Лутнинг қавми билан қилган мунозара, тортишувлари ва қавмнинг ачинарли оқибати ҳақида ҳикоя қилинади. Аллоҳ таоло айтади:

Энди қачонки Лут хонадонига элчиларимиз келгач, у (Лут) деди: “Аниқки, сизлар нотаниш қавмсиз”. Улар дедилар: “Йўқ, биз сенга улар шак-шубҳа қилаётган нарсани келтирдик. Биз сенга ҳақни келтирдик. Биз, шак-шубҳасиз, ростгўйдирмиз. Энди сен кечанинг бир қисми (ўтгач), аҳли оиланг билан йўл-га туш ва ўзинг уларнинг ортидан кетгин. Сизлардан бирон киши атрофга алангламасин ва сизларга буюрилган тарафга қараб кетаверинглар”. Биз унга тонг пайтида ана унинг ду-ми қирқилиши ҳақида мана шу фармонни ваҳий қилдик. Шаҳар аҳолиси шод-хуррам бўлган ҳолларида келдилар. (Шунда Лут) деди: “Ахир, бу менинг меҳмонларим-ку. Мени шар-манда қилманглар. Аллоҳдан кўрқинглар! Мени уятга қўйманглар!” Улар айтдилар: “Биз сени барча оламлардан қайтармаганмидик?!” (Лут) деди: “Агар (шу ишни) қилгувчи бўлсангизлар, ана қизларим”. (Эй Мухаммад), ҳаётингизга қасамки, улар ўз

мастликларида тентираб юрган ҳолларида, (тўсатдан) тонг пайтида уларни даҳшатли қичқириқ тутди. Бас, Биз у шаҳарни остин-устин қилиб юбордик ва уларнинг устига сополдан бўлган тош ёғдирдик. Албатта, бунда фаросатли кишилар учун оят-ибратлар бордир” (*Ҳижр, 61–75*).

“Энди қачонки Лут хонадонига элчиларимиз келгач...”. Бу гуноҳкор қавмнинг ҳалок бўлиб, Лут оиласининг нажот топишининг бошланиши эди. Яъни, фаришталар Иброҳим (алай-ҳиссалом) ҳузурида бўлиб, унга ўғил фарзанд кўриши ҳақида башорат беришгач, Лут (алай-ҳиссалом) истиқомат қиладиган қишлоқ томон йўл олдилар. Улар Лут (алай-ҳиссалом) олдига кирганларида, у фаришталарга қарата:

– Сизлар мен учун нотаниш кишилардирсиз. Мен сизларни илгари ҳеч ҳам кўрмаганман, қайси қавм ёки қабилага мансуб эка-нингизни ҳам билмайман. Бу ерга келишдан мақсадларингиз нима, бундан ҳам хабардор эмасман. Шу сабаб, сизнинг уйимда бўлишингиз қалбимга хавотир ва ташвиш солмоқда, – деди.

Бу ерда фаришталарнинг ташрифи Лут (алай-ҳиссалом)га хосланса ҳам, лекин қавмининг мўмин кишиларига ҳурмат-эҳти-ром маъносида уларнинг ҳам номи зикр қилинмоқда. Балки фа-ришталар келганида хонадон аҳли ёки қавмининг мўминлари ҳам у ерда ҳозир бўлиб, Лут ва фаришталар ўртасидаги суҳбат гувоҳига ай-ланишгандир.

Фаришталар Лут қалбини сиқиб, хавотирга солаётган қайғу-ни аритиш учун: **“Йўқ, биз сенга улар шак-шубҳа қилаётган нар-сани келтирдик. Биз сенга ҳақни келтирдик. Биз, шак-шубҳасиз, ростгўйдирмиз”**, дедилар.

Яъни, эй Лут, биз сенинг ҳаловатингни кетказиш ёки бирон ёмонлик қилиш учун келганимиз йўқ, балки қавминг содир бў-ли-шидан шубҳа қилаётган нарса – сен уларни агар куфр, фисқу фужур ишларда давом этсалар келишидан огоҳлантирган азобни олиб келдик. Биз юз бериши муқаррар бўлган нарса билан келдик. Сен-га хабар бераётган нарсаларнинг бариси тўғри. Бас, энди сен хавотир олма, қавминг қилаётган ишлардан ташвиш ҳам чекма!

Қавм бошига тушиши кутилаётган азобни **“улар шак-шубҳа қилаётган нарса”** деб келтирилиши Лут (алай-ҳиссалом)га янада қувонч бағишлаш ва ўша азобнинг келиши муқаррарлигини баён қилиш эди.

“Биз сенга ҳақни келтирдик. Биз, шак-шубҳасиз, рост-гўй-дирмиз” дейилиши, таъкид устига таъкид ёки кучайтирма таъкиддир.

Ушбу такрор ва такрор келаётган таъкид маъносидаги гаплар шуни англатадики, Лут (алай-ҳиссалом) ўша вақтда жуда ҳам ғам-ташвишга тушиб, изтироб ичида қолган ва бунинг сабаби буз-ғун-чи қавмига фаришталарнинг бундоқ хушсурат қиёфада келиш-лари ҳамда Лутнинг уларни ҳимоя қилишга кўзи етмаганлиги эди.

Энди фаришталар Аллоҳ таолонинг амрини Лутга етказишга ўтадилар: **“Энди сен кечанинг бир қисми (ўтгач), аҳли оиланг билан йўлга туш ва ўзинг уларнинг ортидан кетгин. Сизлардан бирон киши атрофга алангласин ва сизларга буюрилган тарафга қараб кетаверинглар”**.

Бу ердаги “кечанинг бир қисми”дан мурод – кечанинг охирги қисми эди. Яъни, фаришталар Лут (алай-ҳиссалом) қалбидаги кўр-қув, изтиробни аритишгач, дедилар:

– Эй Лут, биз сенга Аллоҳ таолонинг изни билан кечанинг охирги қисмида ушбу қишлоқдан ўзинг ва сенга эргашган кишилар билан чиқиб кетишингни амр қиламиз.

“Ўзинг уларнинг ортидан кетгин”. Яъни, сен қавмингдан бўлган мўминлар ортидан юриб, уларнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб тургин.

Ибн Касир айтади: “Фаришталар Лут (алайҳиссалом)га кечанинг бир қисмида аҳлини қишлоқдан олиб чиқиб, ўзи ортидан юришини амр қилишига сабаб – Лут уларни ҳимоя қилиб кетиши учун эди. Шунингдек, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам ғазотга чиққанда кўшиннинг ортидан юриб, заиф ва яққаланиб қолган кишилар ҳолидан огоҳ бўлиб, уларга далда бериб кетардилар”.³⁸

“Сизлардан бирон киши атрофга алангласин”. Яъни, Лут қавмининг мўминларидан бирорта ҳам киши гуноҳкор-осий қавмга етадиган даҳшатли азобни кўрмаслиги учун зинҳор ор-тига ўгирилиб қарамасин.

Аллоҳ таоло уларни ортига назар солиб қарамасликка буюрди. Чунки одатда ўз ватанини ташлаб кетаётган киши ортига қа-раса, унинг яраси янгилашиши, ўша ерни ташлаб кетиш у учун янада қийин кечиши мумкин.

“Сизларга буюрилган тарафга қараб кетаверинглар”. Яъни, сизлар фақат Аллоҳ буюрган томонга қараб юринглар. Шунда у нобакор қавм ва уларга етадиган азобдан узоқлашиб, Аллоҳнинг ҳимояси ва паноҳига эришасизлар.

Айтилишича, улар Шом юртига, бошқа ривоятларда келтирилган маълумотларга қараганда, Урдун (ҳозирги Йордания)га, яна бошқа ривоятларда таъкидланишича, Мисрга қараб юришга амр қилинганлар.

Уларнинг қайси тарафга йўналгани ҳақида маълумот берувчи биронта ҳам саҳиҳ ҳадис ворид бўлмаган. Шу сабаб айтиш ло-зимки, улар ўз юртларидан Аллоҳ буюрган бошқа бир жойга кў-чиб ўтганлар.

“Биз унга тонг пайтида ана унинг думи қирқилиши ҳа-қида мана шу фармонни ваҳий қилдик”. Бу нарса Аллоҳ тао-лонинг Лут (алайҳиссалом)га кўрсатган ғамхўрлиги ва лутфу ка-рамининг бир кўринишидир. Оятдаги “думи қирқилиши” Лут (алайҳиссалом) қавмидан бўлган кофирларнинг ҳалок этилиши-ни англатади. Уларнинг азобланишини бундоқ тарзда келтирилишидан кофир қавмининг устига жуда қаттиқ ва даҳшатли азоб келганлигини билиб олиш мумкин. Ушбу азоб уларнинг ҳаммаларини битта кўймай ҳалок қилади. Каттасию кичиги, аввалгисию охиргиси ҳамма-ҳаммаси қилган нопок ишларига яраша шу дунёнинг ўзидаёқ муносиб жазоларини оладилар.

Лут (алайҳиссалом) уйида хушсурат, чиройли йигитлар меҳ-мон бўлиб турганидан хабар топган **“шаҳар аҳолиси шод-хур-рам бўлган ҳолларида келдилар”.** Бу ердаги шаҳар аҳолисидан мурод Лут ва қавми истиқомат қилаётган Садум шахрининг аҳо-лисидир. Ушбу ояти каримада келтириляётган хабарлар шуни кўрсатадики, Лут (алайҳиссалом) қавми ҳаёсизлик, беодобликда учига чиққан ва залолатнинг энг тубан қаърига ботиб кетгандилар. Зеро, улар ўша манфур қилиқларини бир ёки бир неча киши бўлиб эмас, балки бутун қавм билан бирга содир этиш учун Лутнинг уйига томон севинчлари ичга сиғмай шошила бошладилар. Яна очикчасига, ошкора тарзда қилдилар бу ишларини.

Лут (алайҳиссалом) қалби кўр, маънавияти ўта паст ва колоқ бўлган қавми олдида маъюс ҳолда туриб, меҳмонларини уларнинг ёмонликларидан қайтармоқчи бўлди ва

³⁸ “Тафсиру Ибн Касир”, 4-жилд, 459-бет.

уларнинг инсоний туйғуларини уйғотиш мақсадида: **“Ахир, бу менинг меҳмон-ларим-ку. Мени шарманда қилманглар”**, деди.

Яъни, эй қавмим, сизлар кўриб турган ушбу йигитлар менинг меҳмонларим. Шундай экан, мен уларни ҳимоя қилишим керак. Бас, сизлар бу ердан кетиб, уйлариңгизга боринглар. Улар билан ҳам фаҳш ишлар қилиб мени ташвишга солманглар!

Бу ерда Лут (алайҳиссалом) фаришталарни “меҳмонларим” деб атамоқда. Чунки Лут уларнинг фаришта эканини билмас-ди. Сабаби фаришталар унинг хузурига одам киёфасида келган эдилар.

Лут қавмига насиҳат қилишда давом этиб деди: **“Аллоҳдан кўрқинглар! Мени уятга қўйманглар!”** Яъни, Аллоҳдан кўр-қинглар, ўзингизни Унинг азоби ва ғазабига дучор бўлишдан сақ-лангиз ва меҳмонларим олдида мени ноқулай ҳолга солманглар!

Аммо Лут томонидан қилинган бу ҳикматли насиҳатларга қавм ичидан қулоқ тутувчи топилмади, балки ўзларининг исёнкор ва фожирликларини яна бир бор исботловчи жавоб қилдилар: **“Биз сени барча оламлардан қайтармаганмидик?!”** Бу ердаги савол инкор маъносини билдиради. “Оламлар”дан мурод – аёлларни қўйиб эркаклар билан яқинлик қиладиган кимсалар эди.

Яъни, Лут қавми шарм-ҳаёдан бенасиб эканликларини намо-йиш этиб дедилар:

– Эй Лут, биз сенга илгари эркаклар ичидан хоҳлаганимиз билан фаҳш ишларни қилаётганимизда бизга халақит бермагин, деб айтмаганмидик? Ахир, сени бундан қайтарганмиз-ку? Шундай экан, энди яна нега бизларни тергаяпсан, меҳмонларингдан бизни тўсиб қолмоқчисан. Биз нимани хоҳлаётганимизни биласан-ку?!

Лекин Лут (алайҳиссалом) қавми тарафидан айтилган қабих сўз ва таҳдидларга қарамай, меҳмонларини нима қилиб бўлса-да ҳимоя қилишга ҳаракат қиларди. Лут уларнинг сўзидан тушкунликка тушмади, балки қавмини соф инсон фитратига хос бўлган нарсага иршод қилди: **“Агар (шу ишни) қилгувчи бўлсангизлар, ана қизларим...”**.

Яъни, эй қавмим, анави менинг қизларим ўрнида бўлган аёл-ларингиз. Бас, ўз шаҳватингизни улар билан қондиринглар.

Лут (алайҳиссалом): **“Агар (шу ишни) қилгувчи бўлсангиз-лар”**, деди. Гўёки у қавмининг ўз талабига ижобат қилишларидан шубҳада эди. Яъни, агар шаҳватларингизни қондирмоқчи бўлса-ларингиз, уни фақат мен кўрсатган йўл билан амалга оширинг. Ам-мо мен сизларнинг табиати бузук эканингизни кўриб, айтган нарсаларимга қулоқ тутишингиздан гумон қилаяпман, деяётгандек.

“Эй Муҳаммад), ҳаётингизга қасамки, улар ўз мастликларида тентираб юрган ҳолларида...”. Кўпчилик муфассирларнинг айтишича, бу Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га қавмидан етган мусибатга сабр қилиш учун тасалли бериш маъносида айтилган.

Бу хитоб Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га қилиниб, У кишининг ҳаётлари билан қасам ичилмоқда.

(Ислом дини эътиқодига кўра, фақатгина Аллоҳ номи билан қасам ичилади. Лекин Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган киши ёки нарса билан қасамни ифодалаши мумкин. Бундай ҳолатда қасам Аллоҳ даргоҳида шаъни улуг, буюк ва қадрли нарсалар билан ичилади. Шу сабаб ҳам юқоридаги оятда Аллоҳ таоло Ўзининг суюкли бандаси, сўнгги

пай-гамбари Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муқаддас ҳаёт-ларини шарафлаб, у билан қасам ичмоқда. – Таржимон.)

Яъни, эй мухтарам пайғамбар, ҳаётингизга қасамки, Сизни ёл-ғончига чиқараётган анави қавмингиз худди аввалги ўтган Лут, Шуайб, Солиҳ ва ер юзида ноҳақ кибр қилиб юрган залолатдаги қавмлар каби ўз ғафлатлари ичра тентираб юрибдилар.

Энди, одатдагидек ўз нафсларига тобе бўлиб, Аллоҳ юборган пайғамбарларга кулоқ солмай, ўз билганларича иш тутган қавм-нинг аччиқ қисматидан хабар берилади: **“(Тўсатдан) тонг пайтида уларни даҳшатли қичқириқ тутди. Бас, Биз у шаҳарни остин-устин қилиб юбордик ва уларнинг устига сополдан бўлган тош ёғдирдик”**.

Яъни, Аллоҳ таоло Лут (алайҳиссалом)га қавми ҳалокатга дучор бўлишини хабар бергач, фаришталар орқали мўминларни олиб, шаҳардан ташқарига чиқиб кетишни амр қилди. Шундан сўнг осмондан даҳшатли, кулоқни қоматга келтириб, оқибат-да ҳа-лок қи-ладиган бир қичқириқ эшитилди ва қавмнинг барча аъзолари куёш чиқишига яқин ҳалок бўлдилар.

Бундан илгариги оятларнинг бирида **“Биз у (Лут)га тонг пайтида ана у (кофир қавм)нинг думи қирқилиши – ҳалок бўлиши ҳақидаги мана шу фармонни ваҳий қилдик”**, дейилган бўлса, бу оятда **“(Тўсатдан) тонг пайтида уларни даҳшат-ли қичқириқ тутди”**, деб айтилмоқда. Демак, уларга азоб тушиши тонг пайтида бошланиб, қавмнинг барча аъзоси куёш чиқиши пайтигача бут-кул маҳв этилган.

Шундай қилиб, Аллоҳ таоло бу осий, туғёнга тушган қавмдан қаттиқ ва шиддатли тарзда интиқом олди, уларни ўзларига му-носиб жазо билан “сийлади”.

Сура давомида ақл эгалари ушбу бўлиб ўтган воқеалардан ибрат олишга чақирилади: **“Албатта, бунда фаросатли кишилар учун оят-ибратлар бордир. Дарвоқе, у (шаҳар) доимий йўл устидадир. Албатта, бунда мўминлар учун оят-ибратлар бордир”**.

“Албатта, бунда фаросатли кишилар учун оят-ибратлар бордир” деб Иброҳим ва Лут (алайҳиссалом)лар қиссасидаги во-қеа-ҳодисалар ва улардан келиб чиқадиган ибрат, панд-насихат ва хулосалар назарда тутилмоқда.

(Биз бу ерда “фаросатли кишилар” деб келтирган сўз арабча матн-да “мутаваассимувн” тарзида ифодаланган. Унинг бирлик шакли “мутаваассим”дир. Мазкур сўз “бирон нарса, ҳодиса ҳақида фикр юритиб, унинг сабаб ва оқибатларини ҳисобга олувчи, келажакда қан-дай натижа чиқишини чамалаб кўрувчи киши” маъносини билдиради. Бу сўзни Мужоҳид “фаросатлилар”, Ибн Аббос ва Заҳҳок “теран нигоҳ ташлагувчилар”, Қатода эса “ибрат олувчилар” деб тафсир қилишган. – Таржимон.)

Яъни, Аллоҳ таоло айтади: Биз ҳикоя қилган Иброҳим ва Лут (алайҳиссалом)лар қиссасида соғлом фикр эгалари ва тадаббур со-ҳиблари учун Аллоҳнинг амрига итоат қилувчи мўминларнинг оқибати яхши бўлиши, шайтонга тобе бўлган исёнкор кимсаларнинг оқибати эса аянчли якун топишига далолат қилувчи оят-белгилар бордир.

Баъзи уламолар ушбу оят тафсирида қуйидагиларни келти-радилар: бу оят фаҳм-фаросат ҳақида нозил бўлган. Абу Саид Худ-рий (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва сал-лам)дан ривоят қилади: “Мўминнинг фаросатидан

кўрқинг-лар! Чун-ки у (ҳар бир нарсага) Аллоҳнинг нури билан қарайди”. Сўнгра У Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мазкур оятни тиловат қилдилар (*Имом Термизий ривояти*).

Ушбу оятда Аллоҳнинг ваҳдониятига ва Унинг чексиз куч-қуд-рат Соҳиби эканига ишора қилинмоқда. Аммо бандаларнинг аксарият қисми қалб кўзининг кўрлиги, хою ҳавасларининг устунлиги ва нафсларига муте бўлганликлари боис бунга безътибор бўладилар, ҳеч ўйлаб кўрмайдилар. Аллоҳ таоло айтади: **“Осмонлар ва ерда (Аллоҳнинг борлиги ва бирлигига далолат қилувчи) қанчадан-қанча оят-аломатлар бордир. (Лекин) улар бу оятлардан юз ўгирган ҳолларида ўтиб кетаверадилар. Уларнинг кўплари Аллоҳга фақат мушрик бўлган ҳолларидагина имон келтирадилар”** (*Юсуф, 105*).

“Дарвоқе, у (шаҳар) доимий йўл устидадир” деганда Лут (алайҳиссалом) қавми яшаб ўтган шаҳар ёки қишлоқ назарда тутилмоқда.

Яъни, ҳақиқатан, ушбу гуноҳкор қавм яшаб ўтган масканлар одамлар доим ўтиб турадиган жойдадир. Улар Хижоздан Шом юртига қиладиган сафарларида айнан мана шу ердан ўтадилар. Шу маънода Аллоҳ таоло айтади: **“(Эй Макка аҳли), аниқки, сизлар эртаю кеч уларнинг устидан ўтиб турурсизлар. Ахир ақл юргизмайсизларми?!”** (*Соффот, 137–138*).

Бу ерда мақсад – Қурайш кофирларига хитоб қилиб, золимларнинг оқибати қандай яқун топишини эслатиб қўйиш эди. То-ки улар куфр ва туғёнларидан холи бўлиб, вақтида имон йўлини тутсинлар.

“Албатта, бунда мўминлар учун оят-ибратлар бордир”. Бу умумий хитобдан сўнг фақат мўминларнинг ўзларигагина қи-линаётган хос мурожаат ҳисобланади.

Яъни, Биз ҳикоя қилган қиссаларда содиқ, ихлосли мўминлар учун яхши ёки ёмон оқибатга кимлар сазовор бўлишига далолат қилувчи оятлар бордир.

Ушбу оятда мўминларга Аллоҳ таоло томонидан мақтов ва олқишлар айтилмоқда.

Шуаро сурасида Лут (алайҳиссалом) қиссаси янада таъсирли услубда келтирилган. Аллоҳ таоло айтади:

Лут қавми пайғамбарларини ёлғончи қилди. Ўшанда улар-га биродарлари Лут айтган эди: **“(Аллоҳдан) кўрқмайсизлар-ми?! Албатта, мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. Бас, Аллоҳдан кўрқинглар ва менга итоат этинглар! Мен бу учун сизлардан ажру мукофот сўрамайман. Менинг ажру мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. Сизлар бутун оламлардан эркакларга яқинлашур-ми-сиз-лар?! Ва Парвардигорингиз сизлар учун яратган жуфту ҳа-лолларингизни тарк қилурмисиз?! Йўқ, сизлар ҳаддан ошувчи қавмдирсиз. Улар дедилар: “Қасамки, тўхтамасанг, эй Лут, албатта, сургун қилингувчилардан бўлурсан”. У айтди: “Албатта, мен сизларнинг ишингизни ёмон кўргувчилар-дан-ман. Парвардигорим, менга ва аҳлимга уларнинг қилаёт-ган амалларидан нажот бергин!” Бас, Биз унга ва унинг барча аҳли тобеларига нажот бердик. Магар қолгувчилардан бўл-ган бир кампирга (нажот бермадик). Сўнгра бошқаларни ҳам ҳалок қилдик. Ва уларнинг устига ёмғир ёғдирдик. Бас, огоҳ-лантирилган кимсаларнинг ёмғири нақадар ёмон бўл-ди. Албатта, бунда оят-ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўп-лари имон келтирувчи бўлмадилар. Шак-шубҳасиз, Парвар-дигорингизнинг Ўзи ғолиб, меҳрибондир”** (*Шуаро, 160–175*).

Ушбу оятда келтирилган Лут (алайҳиссалом)нинг қавмига қил-ган хитоби Аллоҳга тақво қилишга чақириб, у Аллоҳ тарафидан юборилган ишончли пайғамбар эканини маълум қилиш ва Ҳаққа, юксак одоб-ахлоққа даъват қилгани учун улардан бирон нарса тама қилмаслигини таъкидлаш билан бошлан-ди. Сўнг қавм орасида кенг ёйилган энг катта разолатдан қайта-риб, шундай деди: **“Сизлар бутун оламлардан эркакларга яқин-лашурмисизлар?! Ва Парвардигорингиз сизлар учун яратган жуфтгу ҳалолларингизни тарк қилурмисиз?! Йўқ, сизлар ҳаддан ошувчи қавмдирсиз”**.

Яъни, сизлар соф, табиий фитратни бузиб, Аллоҳ сизлар учун ҳалол қилган аёлларни кўйиб, эркаклар билан фаҳш ишларни қил-моқдасизлар! Бу қилмишингиз билан Аллоҳ белгилаб қўйган чегарадан ўтиб кетдинглар, ҳалоллик ҳудудидан ҳаром сари тажовуз қилдинглар!

Албатта, бу панд-насиҳатлар ақли шахватига буткул муте бўл-ган қавмга ёқмади ва улар таҳдиди ва кўрқитиш маъносида:

“Қасамки, тўхтамасанг, эй Лут, албатта, сургун қилин-гувчилардан бўлурсан”, дедилар.

Яъни, бизни қилаётган ишимиздан қайтаришни бас қилма-санг, сени кишлоғимиздан умрбод сургун қилиб юборамиз!

Қачонки инсон нафси разолат ботқоғига ботса, у ўзини яхшилик, поклик ва ҳаё-ибога чақирганларни хушламай, уларга қар-шилиқ билдиришга тушади.

Қавми Лут (алайҳиссалом)га ҳам шундай қаршилиқ қилиб, уни бу йўлдан тўсиб, қайтариб қолишга неча бор уриндилар. Лекин Лут бўш келмай, уларнинг одобсизликларига жавобан шундай деди:

“Албатта, мен сизларнинг ишингизни ёмон кўргувчи-ларданман”. Яъни, Лут уларга танбеҳ бериб, маломат оҳангида:

– Мен сизлар қилаётган ушбу қабих жиноятларингиздан ўта нафратланувчи ва унга тиш-тирноғим билан қаршилиқ билди-рувчилардандирман! – деди.

(Ушбу оятдан келиб чиқадикки, ҳақиқий мўмин бирон мункар ишни кўрганда, уни қўлидан келганича қайтаради. Энг охирги илож шуки, у ўша бўлаётган гуноҳ ишларни қайтаролмаган тақдирда ҳам ўзи у ишларга рози эмаслигини, ёмон кўришини маълум қилиб қўяди. Бу ҳам ёмонликка, қабохатга қарши курашишининг бир туридир. Лекин мўмин одам гуноҳ-маъсият ишларга индамай қараб туриши, улардан кўз юмиши мумкин эмас. Зеро, бу фосиқлик белгисидир. – Таржимон.)

Жасорат билан юқоридаги гапларни айтгач, энди Лут Аллоҳ таолога юзланиб, деди: **“Парвардигорим, менга ва аҳлимга уларнинг қилаётган амалларидан нажот бергин!”** Яъни, эй Раб-бим, мен ва мен билан имон келтирган мўминларга ушбу тоифа ким-салар қилаётган ишларининг оқибатидан нажот бергин!

Лут (алайҳиссалом)нинг ихлос билан қилган дуоси ижобатсиз қолмади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло айтади: **“Бас, Биз унга ва унинг барча аҳли тобеъларига нажот бердик. Магар қолгувчилардан бўлган бир кампирга (нажот бермадик)”**.

Бу ердаги кампирдан мурод Лутнинг хотини бўлиб, у кофир ва қавми қилаётган ишларга рози бўлиб турган.

“Магар бир кампирга...”. Бу Лут хонадонидан истисно қи-линмоқда. Яъни, Биз Лутнинг дуосига ижобат тариқасида у ва унга эргашган мўминларнинг барчасига нажот бердик. Илло унинг қари аёлини тарк этдик. У ҳалок бўлувчилар билан бирга қолиб кетди. Чунки у нопок ва имонсиз эди.

“Сўнгра бошқаларни ҳам ҳалок қилдик”. Яъни, сўнгра Лут қавмидан бўлган кимсаларни куфр ва эркаклар билан яқинлик қилишга муккадан кетганликлари сабаб қаттиқ азоб ила ҳалок қилдик. Қишлоқларини остин-устин қилиб, битта қўймай барчаларини нобуд этдик.

“Ва уларнинг устига ёмғир ёғдирдик”. Яъни, қавм ҳалок қилинган, устиларига тош ёмғир ёғдирдик.

“Бас, огоҳлантирилган кимсаларнинг ёмғири нақадар ёмон бўлди”. Бу қавм дучор бўлган ёмон оқибатнинг баёнидир.

Яъни, Биз Лут қавмини ҳалок қилиб, уларни янада хору зор қилиш ва таҳқирлаш учун тошлардан иборат бўлган ёмғир ёғдир-дик. Уларнинг оқибати қандоқ ҳам ёмон бўлди! Биз илгари уларни азоб келиши ҳақида огоҳлантирган эдик. Мана, энди ўша азоб келди. Бунга фақатгина ўзларининг қилмишлари сабаб бўлди.

Ушбу сурада келган Лут (алайҳиссалом) қиссаси ҳам худди бошқа суралардагидек яқунланади: **“Албатта, бунда оят-ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари имон келтирувчи бўл-мадилар. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи ғолиб, меҳрибондир”.**

(Яъни, Лут ва қавмининг қиссасида ақл эгалари учун оят-ибратлар талайгина. Лекин аксарият кишилар бу оятларни кўрсалар-да, Аллоҳга имон келтирмайдилар, гуноҳ ишлардан қайтмайдилар. Албатта, Аллоҳ исёнкор кофирлар устидан ғолиб ва мўмин бандаларига меҳрибон бўлган Зотдир. – Таржимон.)

Намл сурасида Лут (алайҳиссалом) қиссасининг баъзи жиҳат-лари ҳақида сўз боради. Аллоҳ таоло айтади:

Лутни (эсланг)! Ўшанда у қавмига айтган эди: “Сизлар кў-риб-билиб турган ҳолингизда бузуқлик қилурмисизлар?! Сизлар хотинларингизни қўйиб шахват билан эркакларга яқин-лашурмисизлар?! Йўқ, сизлар жоҳил қавмдирсизлар!” (Лут) қавмининг жавоби эса фақат: **“Лутнинг аҳли-тобеларини киш-лоғингиздан чиқарингиз! Дарҳақиқат, улар жуда покиза кишилардир”**, дейишлари бўлди. **Бас, Биз (Лутга) ва унинг аҳли-тобеларига нажот бердик. Магар унинг хотини (нажот топмади, чунки) Биз уни қолиб ҳалок бўлгувчилардан бў-ли-шини тақдир қилиб – белгилаб қўйдик. Ва уларнинг устига бир ёмғир ёғдирдик! Бас, огоҳлантирилгувчиларнинг ёмғири нақадар ёмон бўлди!”** (Намл, 54–58).

Лут (алайҳиссалом) ҳаёти ҳақида хабар берар экан, Аллоҳ тао-ло дейди:

– Эй оқил инсон, қавмини ҳидоятга чақириш учун Биз Лутни пайғамбар қилиб юборганимизни эслагин. У қавмига мурожаат қилиб, маломат ва дакки бериш маъносида деган эди:

– Сизлар Ер юзида ҳали биронта ҳам одам боласи қилиб кўр-маган фаҳш ишларни қиласизларми?! Ахир сизлар ўз кўзингиз билан кўриб, ақларингиз билан англаб турибсизларки, бу ишни қилиш эсли-хушли одамга ҳеч ҳам тўғри келмайди. Ҳатто тилсиз, забонсиз ҳайвонлар ҳам қилмайди бу ишни!

“Сизлар кўриб-билиб турган ҳолингизда бузуқлик қи-лур-мисизлар?!” Бу ҳолатнинг қандайлигидан хабар бериб, улар-ни янада тергаш учун айтилмоқда. Чунки улар ҳайвон-лар-нинг бун-дай ишларни қилмаслигини яхши билардилар. Шунингдек, бу манфур одатнинг натижаси, қолаверса, Аллоҳнинг пайғамбари айт-ган сўзларига хилоф иш тутиш ёмон оқибатлар-га олиб келишини ҳам жуда яхши тушуниб етардилар. Аммо...

“Сизлар хотинларингизни кўйиб шаҳват билан эркак-ларга яқинлашурмисизлар?! Йўқ, сизлар жоҳил қавмдирсиз-лар!” Бу аввалги инкорни янада таъкидлаш ва улар қилаётган ишлари нимадан иборат эканига ойдинлик киритиш мақсадида айтилмоқда.

Яъни, эй, ўз инсоний табиати ва соф фитратини топтаб, оёқ ости қилганлар! Аллоҳ шаҳватларингизни аёллар билан қонди-ришни жорий қилган бўлса-да, сизлар бунга қоникмай Аллоҳ белгилаб кўйган чегарадан чиқмоқдасизлар-а?!

“Йўқ, сизлар жоҳил қавмдирсизлар!” Бу қавм гирифтор бўлган маънавий кўрликнинг асл сабаби эди. Зеро, уларнинг кўп-худолик дини ҳам жаҳолат, разолат асосига бино қилинган эди.

Пайғамбарлик вазифаси ўлароқ Лут (алайҳиссалом) уларни нопок, чиркин ишлардан қайтариб, Аллоҳга ибодат қилишга ча-қир-ганида, қавм бу гапларни хушламади. Ақлларидан шаҳватла-ри устун бўлган бу жоҳил қавм таҳдид ва дўқ-пўписа билан деди:

“Лутнинг аҳли-тобеларини қишлоғингиздан чиқарингиз!”

Уларнинг “қишлоғингиздан” деб айтишларига қараганда, бу мутақаббир, мағрур қавм ўзлари яшаб турган Садум шаҳрини Лут ва мўминларга ҳеч қандай тегишли ери йўқ, деб даъво қилишарди. “У фақат бизнинг шаҳар, биз унда хоҳлаган ишимизни қиламиз. Бас, шундай экан, сизларга халақит бераётган Лут ва тобелари-ни қишлоғингиздан қувиб чиқаринг”, деган маъно келиб чиқади уларнинг бу сўзидан.

“Дарҳақиқат, улар жуда покиза кишилардир”. Қавмнинг Лут ва унга эргашганларни ўз масканларидан ҳайдамоқчи бў-лишлари-га ҳам шу нарса сабаб бўлганди.

Яъни, қавм деди:

– Уларни қишлоғингиздан чиқариб юборинг! Чунки улар биз қилаётган ишлардан пок одамлар экан. Устига-устак бизлар эркакларга яқинлик қилишни хоҳлаб турган бир пайтда улар буни инкор қилмоқдалар.

Қавмнинг бу гапларни айтишига сабаб уларнинг ақллари кўр, шайтон уларни тўлиқ измига олган ва нопок ишларни зийнат-лаб, чиройли кўрсатиб кўйган эди. Қавм ҳам ҳеч ақл юргизмай иб-лиснинг ёлғон ваъдаларига учиб кетдилар.

Қавм ҳидоятга келиб, ўзларини ўнглайвермагач, Аллоҳ таоло улар устидан қатъий ҳукм чиқарди: **“Бас, Биз (Лутга) ва унинг аҳли-тобеларига нажот бердик. Магар унинг хотини (нажот топмади, чунки) Биз уни қолиб ҳалок бўлгувчилардан бўли-ши-ни тақдир қилиб – белгилаб кўйдик. Ва уларнинг устига бир ёмғир ёғдирдик! Бас, огоҳлантирилгувчиларнинг ёмғи-ри на-қадар ёмон бўлди!”**

Шундай қилиб қавм куфру исён сабаб шундоқ сўнгсиз кулфатга мубтало бўлди. Шунингдек, ким имондан куфрни, юксак одоб-ахлоқдан разолатни устун кўяркан, унинг ҳам тақдир Лут (алайҳиссалом) қавминики каби яқун топади. *(Аллоҳ таоло барчаларимизни бундай оқибатдан Ўз паноҳида асрасин!)*

Энди Анкабут сурасида келтирилган Лут (алайҳиссалом) қис-саси билан танишамиз. Аллоҳ таоло айтади:

Лут ўз қавмига: “Албатта, сизлар шундай бузуқлик қил-моқ-дасизларки, сизлардан илгари бутун оламлардан бирон кимса бундай қилмаган эди. Ҳақиқатан ҳам сизлар эркак-ларга борурмисизлар, йўлтўсарлик қилурмисизлар, мажлисларингизда ёмон ишлар қилурмисизлар?”, деганини эсланг! Бас, (Лут) қавмининг жавоби фақат: “Агар сен ростгўй кишилардан

бўлсанг, бизларга Аллоҳнинг азобини келтирчи”, де-йишлари бўлди. (Шунда) у айтди: “**Парвардигорим, бу бузғунчи қавм устига Ўзинг мени ғолиб қил**”. Қачонки Бизнинг элчиларимиз Иброҳимга (фарзанд кўриши ҳақида) хушxabар келтиришгач, айтдилар: “**Албатта, биз мана шу қишлоқ аҳлини ҳалок қилгувчидирмиз. Чунки унинг аҳли золим-кофир бўлдилар**”. (Иброҳим): “**Ахир у жойда Лут бор-ку?**”, деди. Улар айтдилар: “**Бизлар у жойда ким борлигини яхшироқ билгувчидирмиз. Албатта, бизлар (Лутни) ва унинг аҳли-оиласини кутқарурмиз. Магар унинг хотини (нажот топмас, чунки у) қолиб, ҳалок бўл-гувчилардан эди**”. Қачонки элчиларимиз Лутнинг олдига келганларида, у бундан ёмон ҳолга тушди ва уларнинг келишларидан юраги сиқилди. Улар дедилар: “**Қўркма ва ғамгин бўлма. Албатта, бизлар сенга ва оиланга нажот бергувчилардирмиз. Магар хотининг (нажот топмас, чунки у) қолиб, ҳалок бўлгувчилардан эди**”. Шак-шубҳасиз, Биз фосиқ-итоатсиз бўлганликлари учун бу қишлоқ аҳли устига осмондан азоб – тош ёғдиргувчидирмиз. Аниқки, Биз ақл юргизадиган қавм учун у (қишлоқ)дан оят – нишона қолдиргувчидирмиз” (Анкабут, 28–35).

Лут (алайҳиссалом) қавмига мурожаат қилиб, фаҳш ишларни содир этишда уларнинг олдига тушадиган бирон қавм Ер юзида йўқлигини, уларнинг золим, осий ва бошқа мункар қилиқ-одат-ларини эслатиб, қавмини бу йўлдан қайтаришга ҳарчанд уринмасин, қавм барибир ўзларининг шайтоний йўллари афзал билардилар. Улар оқилона насихатларга жоҳилона жавоб қайтариб қўяқолдилар: “**Агар сен ростгўй кишилардан бўлсанг, бизларга Аллоҳнинг азобини келтирчи**”.

Яъни, агар мен пайғамбарман, деган даъвойнинг рост бўлса ва ўзимиз яхши кўрган бу ишларни қилаётганимиз сабаб устимизга Аллоҳнинг азоби тушади, деган огоҳлантиришинг ҳақ бўлса, қани, эй Лут, ана ўша айтаётган азобингни келтириб кўрчи?

Бундай пайтда Лут (алайҳиссалом)нинг ягона паноҳи Аллоҳ таоло эди. У дуо қилиб, У Зотдан ёрдам ва кўмак сўрай бошлади: “**Парвардигорим, бу бузғунчи қавм устига Ўзинг мени ғолиб қил**”. Яъни, эй Аллоҳим, бу кўрнамак қавмнинг устига азоб тушириш билан менга нусрат бергин! Улар ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган бузуқ ишларни қилиб, азобланишга муносиб кимсалардан бўлдилар.

Аллоҳ таоло Лут (алайҳиссалом) дуосини ижобат қилди: “**Қа-чонки Бизнинг элчиларимиз Иброҳимга (фарзанд кўри-ши ҳақида) хушxabар келтиришгач, айтдилар: “Албатта, биз мана шу қишлоқ аҳлини ҳалок қилгувчидирмиз”**”. Яъни, Бизнинг фаришталаримиз Иброҳимга ўғли Исҳоқнинг туғилиши башоратини беришга келишганида, дедилар:

– Эй Иброҳим, биз Раббинг томонидан Лут (алайҳиссалом) яшайдиган Садум шахрини ҳалок қилиш учун юборилдик. “**Чунки унинг аҳли золим-кофир бўлдилар**”. Яъни, ушбу қавм фаҳш ишлар содир этиш, қароқчилик қилиш, одамларнинг мол-дав-латларини ноҳақ ўзлаштириш, мажлисларида мункар ишларни қилиш билан золим кимсалардан бўлдилар.

Буни эшитган Иброҳим кўрқинч ва ҳаяжон билан: “**Ахир у жойда Лут бор-ку?**”, деди. Яъни, сизлар ҳалок қилмоқчи бўл-ган қишлоқда Лут ҳам истиқомат қилади. У Аллоҳнинг солиҳ пай-ғамбарларидан бири. Қандай қилиб қавмига кўшиб уни ҳам ҳалок қилмоқчисизлар?!

Фаришталар Иброҳим (алайҳиссалом) қалбидаги таҳликага барҳам бериш учун: **“Бизлар у жойда ким борлигини яхши-роқ билгувчидирмиз”**, дедилар. Яъни, биз бу қишлоқ аҳолиси ичидаги яхшиларини ҳам, ёмонларини ҳам, мўминларини ҳам, кофирларини ҳам биламиз.

“Албатта, бизлар (Лутни) ва унинг аҳли-оиласини қутқа-рурмиз. Магар унинг хотини (нажот топмас, чунки у) қолиб, ҳалок бўлгувчилардан эди”. Яъни, эй Иброҳим, тинчлан, сира қайғурма! Чунки Аллоҳ таоло бизларга Лут ва унинг мўмин бўлган аҳлларини бу фалокатдан қутқаришимизни амр қил-ган. Фақатгина Лутнинг хотини ҳалок бўлувчилар билан бирга қолади. Сабаби аёли улардан эди, улар қилаётган фаҳш ишларни тасдиқлар, қавмини бу нарсадан қайтармас эди. У Лутга муносиб солиҳа аёл бўла олмади.

Энди, фаришталар келишгач, Лут (алайҳиссалом)нинг қан-дай аҳволга тушгани ҳақида сўз юритилади: **“Қачонки элчи-ларимиз Лутнинг олдига келганларида, у бундан ёмон ҳолга тушди ва уларнинг келишларидан юраги сиқилди”**. Бунга асосий сабаб, аввал айтиб ўтганимиздек, қавми уларга бирон озор етказиб қўйишларидан хавфсираши ва бунинг олдини олишга қодир эмаслиги эди.

Лут (алайҳиссалом)нинг бу ҳолатини сезган фаришталар унга хушхабар бериш ва бир оз бўлса-да тинчлантириш мақсадида:

– **Қўрқма ва ғамгин бўлма. Албатта, бизлар сенга ва оиланг-га нажот бергувчилардирмиз. Магар хотининг (нажот топмас, чунки у) қолиб, ҳалок бўлгувчилардан эди, – дедилар.**

Яъни, эй Лут, биз ҳақимизда қайғуриб, ташвиш чекма. Сенинг олдинга келишимиздан хафа ҳам бўлма. Бу ерга келишимиздан мақсад – қавминг гирифтор бўладиган азоб-уқубатдан сени ва аҳлингдан имон келтирганларни қутқариш. Магар сенга хиёнат қилган хотининг қавм билан бирга азобга йўлиқади.

Сўнгра қавмга қандай азоб келишининг хабари берилади: **“Шак-шубҳасиз, Биз фосиқ-итоатсиз бўлганликлари учун бу қишлоқ аҳли устига осмондан азоб – тош ёғдиргувчидирмиз”**.

Яъни, биз Аллоҳ таолонинг амри ва иродаси билан Раббиларининг тоатидан чиқиб, фиску фужур ишлар қилган бу қавмнинг устига осмондан ёғилувчи шиддатли азобни туширурмиз. Улар бу азобни даф қилишга ҳам, ўзларини қутқариб қолишга ҳам имкон топа олмайдилар.

Сўнгра Аллоҳ таоло Ўз ҳикматини, яъни бошқаларга ибрат бў-лиши учун ўша золим қавмдан бирон белги қолганини таъкид-лаб, дейди: **“Аниқки, Биз ақл юргизадиган қавм учун у (қиш-лоқ)дан оят – нишона қолдиргувчидирмиз”**.

Яъни, мана шу қавм буткул ҳалок қилинган, уларнинг ҳалокатга учраганликларидан дарак бериб турувчи очиқ-ойдин аломат ва белгиларни қолдирдик. Токи ақл-фаросат ва тафаккур соҳиблари уларнинг қисматини ўйлаб, бундай ишларга яқин йўламасинлар.

Ибн Касир айтади: **“Жаброил (алайҳиссалом) Аллоҳнинг изни билан бу қавмнинг қишлоғини Ер юзидан бутунлай супуриб ташлади. Кейин уни осмонга кўтарди ва қавмнинг устига ағдарди. Шундан кейин Аллоҳ қавмнинг устига Ўзининг даргоҳидан белгилаб қўйилган тошларни муттасил тарзда сел каби ёғдирди. Уларнинг маконлари бадбўй, кичик бир кўлга айлантилди. Қиёматга қадар бу қавм бошқаларга ибрат бўлиши учун қолдирилди. Охиратда эса улар янада шиддатли қийноқлар билан азобланадилар”**.

Қамар сурасида Лут (алайҳиссалом) қиссасининг бошқа жи-ҳатлари хақида тўхталиб ўтилади:

Лут қавми (у келтирган) **огоҳлантиришларни ёлғон деди. Дарвоқе, Биз уларнинг устига (тош) бўрон юбордик. Магар Лут хонадонигагина тонг-сахарда нажот бердик.** (Бу нажот) **Бизнинг ҳузуримиздан бўлган бир неъматдир. Шукр қил-ган кишиларни Биз мана шундай мукофотлаймиз. Аниқки, (Лут) Бизнинг ушлашимиздан уларни огоҳлантирган эди. (Аммо) улар огоҳлантиришларидан шубҳаланиб, (ёлғон дедилар).** Аниқки, улар (Лутнинг) меҳмон(лар)ини йўлдан ур-моқчи бўлдилар. **Бас, Биз уларнинг кўзларини кўр қилиб қўйдик: “Энди Менинг азобим ва огоҳлантиришимни тотиб кўринглар!”.** Ҳақиқатан, эрта тонгда уларга барқарор-ман-гу азоб келди. Энди Менинг азобим ва огоҳлантиришимни тотиб кўринглар! Дарҳақиқат, Биз Қуръонни зикр-эслатма олиш учун осон қилиб қўйдик. Бас, бирон эслатма-ибрат олувчи борми?!” (Қамар, 33–40).

“**Лут қавми** (у келтирган) **огоҳлантиришларни ёлғон деди**”. Жоҳил қавм Лут (алайҳиссалом)нинг панд-насиҳатларига унамади. Огоҳлантириш ва кўрқитишларга қарамай, ҳеч нарсадан тап тортмай, яна ўзларининг жирканч одатларини қилишда давом этдилар. Бу қилмишларнинг оқибати қандай яқун топганини келаси оятда Аллоҳ таоло маълум қилади: “**Дарвоқе, Биз уларнинг устига (тош) бўрон юбордик. Магар Лут хонадонигагина тонг-сахарда нажот бердик**”. Яъни, қавм устига тош аралаш шиддат-ли бўрон юборилди ва улар битта қолмай ҳалок бўлдилар. Фақатги-на Лут ва қавми ичидан имон келтирганларгина омон қолдилар.

“(Бу нажот) **Бизнинг ҳузуримиздан бўлган бир неъматдир**”. Яъни, Биз ўзимизнинг очиқ-ойдин неъматларимиз ўлароқ Лут қавмини сўнгсиз кулфатдан омон сақлаб қолдик.

“**Шукр қилган кишиларни Биз мана шундай мукофот-лаймиз**”. Бу Лут (алайҳиссалом)га кўрсатилган нажот ва омонлик неъматининг асл сабаби эди.

Яъни, Лут ва у билан бўлган мўминларга улуғ мукофотларимизни кўрсатганимиз каби, Бизга шукр қилувчи, амр ва қайта-риқларимизга қулоқ осадиган ҳар қандай бандамизни ҳам буюк неъмат ва мукофотлар билан тақдирлагаймиз.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таолога тоат-ибодат қилишда янада бардавом бўлишлари учун шукрли мўмин кишиларга башо-рат берилмоқда. Аллоҳнинг неъматларига ношукр бўлиш-дан қай-та-рилиб, ундай кофир кимсаларнинг оқибати аянчли хотима топиши баён қилинмоқда.

Энди, Лут (алайҳиссалом) қавмини ҳалокат жарига етаклаган асосий сабаб зикр қилинади: “**Аниқки, (Лут) Бизнинг ушлашимиздан уларни огоҳлантирган эди. (Аммо) улар огоҳлан-тиришларидан шубҳаланиб, (ёлғон дедилар)**”.

(Бу ерда “*ушлашимиз*” деб таржима қилинган сўз араб тилида “*батшатун*” дейилади). Мазкур сўз “зулм ва куч-қудрат билан ўз қўлида ушлаб туриш”ни англатади. Ояти каримада эса ушбу сўз-дан мурод – қавмни аянчли аҳволда ҳалок қилишдир.

Яъни, Аллоҳга қасамки, Лут қавмини Бизнинг сўнгсиз азобимиздан огоҳлантирса ҳам, улар буни ёлғонга чиқариб, Лутнинг устидан истехзо қилдилар, таҳдид ва кўрқитишни енгил санадилар. Келаси оятда қавмга хос фужур ишларнинг бошқа кўриниши хақида билиб оламиз: **Аниқки, улар (Лутнинг) меҳ-мон(лар)ини**

йўлдан урмоқчи бўлдилар. Бас, Биз уларнинг кўзларини кўр қилиб қўйдик: “Энди Менинг азобим ва огоҳлантиришимни тотиб кўринглар!”

Бу кофир қавм Лут (алайҳиссалом) меҳмонлари билан ҳам фахш ишларни содир этишга уриниб кўрдилар. Қавмнинг бундан қабих ҳаракатларига муносиб жавоб сифатида **“Биз уларнинг кўзларини кўр қилиб қўйдик”**. Улар кўз нуридан айрилиб, олдиларидаги бирон нарсани кўра олмай қолдилар.

Қуртубий айтади: “Ривоят қилинишича, Жаброил (алайҳис-са-лом) уларни қаноти билан урганида, шу тобда кўзлари ожиз бў-либ қолади. Бошқа ривоятда: “Уларнинг кўзлари бошқаларники-дек бўлган. Аммо унда кўз тешиги бўлмаган”, дейилган. Айтиладики, Аллоҳ уларнинг кўзларини кўр қилиб қўйган. Бас, улар элчиларни кўра олмай қолганлар”.³⁹

“Энди Менинг азобим ва огоҳлантиришимни тотиб кў-ринглар!”

Яъни, Биз уларни кўришдан маҳрум этдик ва:

– Менинг Расулимни ёлғончи қилиб, уни паст санаганларнинг ва устидан кулганларнинг боис сизларга тушган аламли азобим-ни тотиб кўринглар! – дедик.

Бу ердаги буйруқдан мурод хабар беришдир. Яъни, улар пай-ғамбарлари Лут (алайҳиссалом) аввал уларни огоҳлантирган азобни тотиб кўрдилар.

“Ҳақиқатан, эрта тонгда уларга барқарор-мангу азоб келди”. *(Бу ҳақида юқоридаги оятларда танишиб ўтган эдик. – Тар-жимон.)*

Қамар сурасидаги Лут (алайҳиссалом) қиссаси қуйидаги оят билан яқунланади: **“Дарҳақиқат, Биз Қуръонни зикр-эслатма олиш учун осон қилиб қўйдик. Бас, бирон эслатма-ибрат олувчи борми?!”**.

“Кашшоф” муаллифи айтади: **“Энди Менинг азобим ва огоҳ-лантиришимни тотиб кўринглар!”** Ҳақиқатан, эрта тонгда уларга барқарор-мангу азоб келди. Энди Менинг азобим ва огоҳлантиришимни тотиб кўринглар!” жумласидаги қайта-қайта такрордан ҳикмат нима, деб сўралса, унга жавобимиз қу-йидагича: “Ўтган қавмларнинг хабарлари ва оқибатларини ҳар сафар эшитган кишида идрок, тафаккур этиш қобилияти пайдо бўлади. Аллоҳ таоло бу ерда бандалари хатога йўл қўймаслик-лари, ғафлатда қолмасликлари учун уни такрор-такрор қайтар-моқда. Бу Қуръони каримдаги такрорларнинг кўп учрашидан кўзланган мақсаддир. Раҳмон сурасида ҳам ҳар бир неъматнинг зикридан сўнг **“Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигори-нгизнинг қайси неъматини ёлғон дея олурсизлар?!”**, деб так-рор-такрор хитоб қилинган. Шунингдек, Мурсалот сурасидаги ҳар бир келтирилган хабардан сўнг ҳам **“У Кунда ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай!”**, деб такрорланган. Бундан ташқари қиссаларнинг ўзида ҳам зеҳнларга кучли ўрнашиши ва ҳар онда эслаб туриш учун хабарлар такрорланиб келади”.⁴⁰

Юқорида сизларга ҳикоя қилинганлар Лут (алайҳиссалом) ва нафслари турли маънавий касалликлар билан булганган, соф фит-ратлари айниган, илгари бирон одамзод қилиб кўрмаган фахш ишларни ўйлаб топган қавмнинг қиссаси эди. Мазкур қис-садан қуйидаги ибрат ва хулосаларни чиқариш мумкин:

Аллоҳ таолонинг пайғамбарлари одамларни куфр зулмати-дан имон нурига, разолатдан эзгулик сари, қабоҳатдан юксак одоб билан сифатланишга чақирishi

³⁹ “Тафсирул Қуртубий”, 17-жилд, 144-бет.

⁴⁰ “Тафсирул Кашшоф”, 4-жилд, 41-бет.

учун юборилганлар. Буни Лут (алайҳиссалом)нинг қавми билан бўлиб ўтган қиссасида яқ-қол кўришимиз мумкин. Лут қавмини, авваламбор, Аллоҳ таоло билан ибодат қилишга чақирди, сўнгра бир неча ҳик-матли йўллар орқали уларни фаҳш ишлардан қайтарди. Қавм шундай фаҳш ишларни содир этар эдики, ҳатто уни тил-забонсиз, онгсиз ҳайвонлар ҳам қилмаган эди;

агар нафс шаҳватга муте бўлиб, ақл фасод бўлса ва бунинг оқибатида кишининг фитрати бузилса, унинг учун разолат фа-зилатга, нажосат ва нопок ишлар эса одатий ҳолга айланиб қо-лади. Ушбу тоифа кимсалар учун ўша ишни қилмаётганлар ёмон саналади;

Лут (алайҳиссалом) қавмининг бир-бирларига айтаётган уш-бу гапларига эътибор беринг: **“Лутнинг аҳли-тобеларини қиш-ло-ғингиздан (кувиб) чиқарингиз! Дарҳақиқат, улар жуда покиза кишилардир”** (Намл, 56);

юксак имон соҳиблари, чиройли хулқ эгалари одамлар орасида покликнинг ёйилишига ҳарисманд бўлган кишилар доимо ўз динларининг софлигини таъминлашга, Аллоҳнинг амри ҳами-ша устун бўлишига жидду жаҳд қиладилар;

қавм ичидаги нобакорлар ўзларининг ушбу қабих ишларини уялиб ёки пинҳоналик билан эмас, балки очикчасига қилавер-дилар. Лут (алайҳиссалом) уларга қарата:

– **Эй қавмим, анави қизларим** (яъни, шаҳримиздаги қиз-лар) **сизлар учун покрок-ку?! – деса ҳам улар кўрслик билан одобсизларча:**

– **Сен қизларингга муҳтож эмаслигимизни аниқ биласан. Шунингдек, биз нимани исташимизни ҳам жуда яхши биласан,** – дедилар.

Бу гап қавмнинг ўтакетган нодон ва маънавий тубан бўлган-ликларидан дарак беради.

ИСМОИЛ, ИСҲОҚ ВА ЯЪҚУБ ҚИССАЛАРИ

Ушбу уч пайғамбар тўғрисидаги хабарлар кўп ўринларда ота-лари Иброҳим (алайҳиссалом) билан боғлиқ ҳолда ҳикоя қилинган. Уларнинг баъзиларини Иброҳим (алайҳиссалом) қиссасида айтиб ўтдик.

Энди бунга кўшимча тарзда ҳар бир пайғамбар ҳаётини қис-қача ёритиб ўтамыз. Мақсад – Аллоҳ таолонинг ризолигига ноил бўлган аҳли-хайр ва солиҳ кишилардан ўрнак олиш.

Исмоил (алайҳиссалом) ҳақида тўхталадиган бўлсак, у кишининг исмлари Қуръони каримнинг ўн бир жойида зикр қилинган. Аллоҳ таоло айтади:

«Иброҳим ва Исмоилга: «Менинг Байтимни тавоф қилгувчилар, (ўша ерда ибодат қилиб) турувчилар, руку-сужуд эгалари учун пок тутинг», деб буюрдик» (Бақара, 125).

«Эсланг, Иброҳим Исмоил билан биргаликда Байтуллоҳ-нинг пойдеворини кўтариб (дедилар): «Парвардигоро, биздан (ушбу қилган амалимизни) Ўзинг қабул айла. Шубҳасиз, Сен эшитгувчи, билгувчисан!» (Бақара, 127).

«Исмоилни, Идрисни ва Зул-кифлни (эсланг)! Барчалари сабр қилгувчи зотлардандир» (Анбиё, 85).

Марям сурасидаги икки оятда Исмоил (алайҳиссалом)га берилган неъматлар ва Аллоҳ у билан Ўз пайғамбарини мақтаган фазилатлар зикр қилинган. Аллоҳ таоло айтади:

«Ушбу Китобда Исмоил (қиссаси)ни зикр қилинг! Дар-ҳақиқат, у ваъдаси рост бўлган элчи-пайғамбар эди. У ўз аҳ-лини намоз ва рўзага буюрар эди. У Парвардигори наздида рози бўлинган киши эди» (Марям, 54–55).

Яъни, эй карим зот бўлган Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), қавмингизга бобонгиз Исмоил ибн Иброҳим (алай-ҳис-салом)нинг қиссасини унинг юксак сифатларидан ўрнак олиш-лари учун зикр қилинг, зеро, у ваъдасига содиқлардан эди.

Иброҳим (алайҳиссалом) ўз ўғилларини қурбонлик қилмоқчи бўлганларида Исмоил (алайҳиссалом) бунга эътироз билдирмай, сабр қилишларини айтдилар, сўнгра ваъдага хилоф иш қилмади-лар. Буни қуйидаги оятда кўришимиз мумкин:

«У (Исмоил) айтди: «Эй отажон, сенга буюрилган ишни қил-гин. Иншааллоҳ, мени сабр қилгувчилардан топурсан» (Соффот, 102).

Аллоҳ (субҳонаҳу ва таоло) Исмоил (алайҳиссалом)нинг ваъдасига содиқ эди, дея васф қилмоқда. Аслида барча пайғамбар-лар ҳам шундай бўлганлар, фақатгина бу ерда у кишининг шараф ва фазллари зоҳир қилиш учун эслатилмоқда. Исмоил (алай-ҳиссалом) бошқа фазилатлардан кўра шу хислат билан танилганлар. Ва, шунингдек, у **«Элчи-пайғамбар эди»**.

Яъни, у бизнинг шариатимизни одамларга етказиш учун юборилган элчи ва Биз уларнинг даражасини юқори қилган пайғам-барларимиздан эди.

Шундан сўнг учинчи сифат келтириб ўтилади: **«У ўз аҳлини намоз ва рўзага буюрар эди»**.

Яъни, Исмоил (алайҳиссалом) ўзлари ва аҳллари солиҳ амал қилишда бошқаларга ўрнак бўлишлари учун аҳлини ушбу икки фарз ибодатни тўқис адо этишга буюрар эдилар. Жанобимиз Ра-су-луллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қуйидаги ояти каримага эргашиб, шу йўлни тутганлар. Аллоҳ таоло айтади:

«Аҳлингизни намоз ўқишга буюринг ва ўзингиз ҳам (намоз ўқишда) чидамли бўлинг! Биз Сиздан ризқ сўрамаймиз, (билъакс) Ўзимиз Сизга ризқ берурмиз. Чиройли оқибат – жаннат (аҳли) тақвоникидир» (Тоҳа, 132).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қиладилар: «Кечаси туриб намоз ўқиган ва аёли-ни ҳам уйғотган кишига Аллоҳ раҳм қилсин. Агар (аёли) инкор қилса, юзига (майдалаб) сув сепади. Кечаси туриб намоз ўқиган ва эрини ҳам уйғотган аёлга Аллоҳ раҳм қилсин. Агар (эри) инкор қилса, юзига (майдалаб) сув сепади» (Абу Довуд ва Ибн Можса ри-вояти).

Яна бир бошқа ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алай-ҳи ва саллам) шундай марҳамат қиладилар: «Киши тунда уйғо-ниб ва аёлини ҳам уйғотса ва улар икки ракат намоз ўқисалар, (эри) Аллоҳни кўп зикр қилувчи кишилардан ва (аёли) Аллоҳни кўп зикр қилувчи аёллардан, деб ёзиладилар» (Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можса ривояти).

Сўнг Аллоҳ таоло Исмоил (алайҳиссалом) шаънларига келтирилган сифатларни қуйидаги оят билан яқунлайди: **«У Парвардигори наздида рози бўлинган киши эди»**.

Яъни, Исмоил (алайҳиссалом) сўз ва амалда мустақим (собит-қадам) бўлганликлари ва ўз аҳллари намоз ҳамда рўзага буюрганликлари сабаб Аллоҳ розилигига эришдилар. Кимда-ким ушбу сифат ва фазилатларни ўзида жамлай олса, Аллоҳ ҳам улардан рози бўлиши, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлишлари шубҳасиздир.

Муҳаддис олимлар ўз китобларида Иброҳим (алайҳиссалом)-нинг Ҳожар Умму Исмоилга уйланишлари тўғрисидаги қиссани кел-тириб ўтадилар. Жумладан, Имом Бухорий ўз «Саҳиҳ»ларида зикр қилишларича, Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Аёллар орасида энг биринчи минтоқ⁴¹ таққан Умму Исмоил (Ҳожар) бўлиб, у буни Иброҳим (алайҳиссалом)нинг аёли Сора туфайли қилган эди». Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Иброҳим (алайҳиссалом) Ҳожар ва ўғиллари Исмоил билан йўлга чиқади-лар. Уларга Сора ҳам ҳамроҳлик қилади. Иброҳим (алайҳиссалом) уларни Байтуллоҳда, масжид юқорисидаги Замзам дарахти олдида қолдирадилар. Ўша пайтда Маккада ҳеч ким йўқ ва устига-устак у ерда сув ҳам топилмасди. Иброҳим (алайҳиссалом) уларга хуржунда бир оз хурмо ва мешда сув қолдириб, ўзлари ортларига қайтиб кетадилар. Шунда Умму Исмоил (Ҳожар) деди: «Эй Иброҳим, қаерга кетаяпсан, кимсасиз ушбу водийда бизларни ташлаб кетасанми?» У бу сўзларни бир неча бор такрорлади, лекин Иброҳим (алайҳиссалом) эътибор бермадилар. Сўнгра деди: «Аллоҳ сени шунга буюрдими?» Иброҳим (алайҳиссалом): «Ҳа» деб жавоб бер-дилар. Шунда Ҳожар: «У ҳолда Аллоҳ бизни зое қилмайди (ўз ҳолимизга ташлаб қўймайди)», деди.

Шундан кейин у ортга қайтиб, Иброҳим (алайҳиссалом) йўлда давом этдилар. Қачонки Макка юқориси (Санийя) га етказганла-рида Байтуллоҳга юзланиб, ушбу дуо билан илтижо қилдилар:

«Парвардигоро, албатта мен зурриётимдан (бир қисмини) Сенинг ҳурматли Байтинг ҳузурдаги экин ўсмайдиган бир водийга жойлаштирдим. Парвардигоро, (улар) намозни тўқис адо қилсинлар, деб (шундай қилдим). Бас, Сен Ўзинг одамларнинг дилларини уларга мойил қилиб қўйгин ва уларни (бар-ча) мевалардан баҳраманд этгин. Шояд шукр қилсалар» (Иброҳим, 37).

Ибн Аббос айтадилар: «Сўнг Умму Исмоил ўша сувдан ичди ва боласини озиклантирди. Лекин мешдаги сув тугагач, у ҳам, ўғли ҳам ташналиқдан қийнала бошладилар. Шунда у ўғлига қаради, унинг сиёқидан чанқаганлиги шундоқ билиниб турар эди. Ҳожар бу ҳолатдан қутулиш учун тоғдаги бир қоя (Сафо)⁴² устига чикди ва бирон кимса кўринармикан, деб атрофга қаради. Аммо ҳеч ким кў-ринмади, у қоя (Сафо)дан тушиб, водий ўртасига етганида, қўли-ни юқори кўтарди ва паҳлавонларча юриб кетди (саъй қилди). Марвага етганда у ерда тўхтади. Шунда ҳам ҳеч кимни кўрмади. Ҳожар Умму Исмоил бу ҳаракат (саъй)ни етти марта амалга оширди».

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қиладилар: «Мана шу – одамларнинг у иккиси (яъни, Сафо ва Марва) оралиғида қиладиган саъйи⁴³ дир».

Ҳожар Марвага яқинлашгач, қандайдир овоз эшитилди, Зам зам ёнида (одам суратидаги) бир фариштани кўрди. Шунда бу-лоқдан сув чиқа бошлади ва Ҳожар

⁴¹ Минтоқ – одам қоқилиб кетмаслиги учун кийимни сиқиб, маҳкам ушлаб турадиган белбоғ, тасмадир. Уни арабларда аёллар ҳам, эркаклар ҳам тақади.

⁴² Жумлани бундай келтиришимизга сабаб, аслиятда «Сафога чикди», деб берилган. Араб тилида «Сафо» сўзи «қоятош» маъносини англатади. Кейинчалик бу сўз бир тепалик номи сифатида қабул қилинган.

⁴³ «Саъй» сўзи арабча бўлиб, ўзбек тилида «югуриш, чопиш» деган маънони билдиради. У ҳаж арконларидан бири ҳисобланиб, Сафо ва Марва оралиғида етти марта саъй қилиш ҳар бир ҳаж қилувчига вожибдир.

унинг атрофини казиб, фойдаланиш учун қулай қилиб қўйди, кейин ўзи сувдан ичиб, боласини ҳам ундан ичирди.

Фаришта унга деди: «Сен у (булоқ)ни йўқотишдан қўрқмагин, албатта, бу ерда Аллоҳнинг Уйи бўлиб, Уни мана бу бола (Исмоил) ва унинг отаси бино қилади. Дарҳақиқат, Аллоҳ унинг аҳлини зое қилмайди».

Ибн Аббос (розияллоху анху) айтадилар: «Ушбу Уй (яъни, Бай-туллох) ер сатҳидан анча юқори жойлашган, худди тепалик каби эди. У томонга ариқлар оқиб, ўнг ва чап тараф ирмоқларга бўли-нар эди. Кунларнинг бирида журҳум қабиласидан бўлган кишилар Унинг олдидан ўтиб қолдилар. Сўнг Маккага тушиб, бир топқир қуш⁴⁴ни кўрдилар. Сўнг дедилар: «Албатта, бу сув устида айланадиган қуш». Шунда улар бир-икки одамни ўша ерга юборган эдилар, айтишлари бор жойдан чиқдилар. У ерда Умму Исмоил (Ҳожар) ни топдилар ва: «Бу ерда туришимизга изн берасанми?», дейишди. Ҳожар: «Ҳа, лекин сизларнинг бу сувдан фойдаланишга ҳақларингиз йўқ», деди. Улар: «Ҳа, албатта», деб жавоб қайтаришди. Сўнг улар у ерда қўним топиб, ўз аҳллариини ҳам ўша жойга кўчириб келдилар. Исмоил (алайҳиссалом) вояга етиб, улардан араб тилини ўргандилар. Ва катта бўлиб улғайгач, уни ўша (Журҳум) қабиласидан бўлган аёлга уйлантиришди».

Умму Исмоил ёши тўқсонлардан ошганда вафот этади ва Ҳижрга дафн этилади. Сўнг Иброҳим (алайҳиссалом) Маккага қайтиб келиб, ўғиллари Исмоил (алайҳиссалом) билан учрашадилар. Орадан қанча муддат айрилиқ бўлганини фақат Аллоҳ таоло билади. Иброҳим (алайҳиссалом) дедилар: «Эй Исмоил, Аллоҳ мен-га шу ерда бир уй қуришимни амр қилди». Шунда Исмоил (алай-ҳиссалом) тош узатиб турдилар, Иброҳим (алайҳиссалом) эса Уйни қурдилар»⁴⁵.

Ибн Касир «Ал-Бидоя ва ан-Ниҳоя» китобининг 1-жилд, 209-саҳифасида қуйидагиларни келтириб ўтадилар: «Исмоил (алай-ҳиссалом) ушбу ноҳия ва унинг атрофидаги Журҳум, Амо-лийқ ва Аҳли Яман қабилаларига элчи қилинган эдилар. У киши ёшлари бир юз ўттиз еттига борганда вафот этдилар ва Ҳожар билан бир жойга дафн этилдилар».

Наслу насаб ва одамларнинг келиб чиқишини ўрганадиган олимлар шундай дейишган: «Исмоил (алайҳиссалом) энг биринчи от минган, илк бор фасоҳат билан араб тилида сўзлашган киши-лардан эди. У бу тилни Журҳум, Амолийқ ва Аҳли Яман қабилаларидан Маккага кўчиб келган асл араблардан ўрганди».

Исҳоқ (алайҳиссалом) тўғрисида Қуръони каримнинг ўн етти жойида зикр қилинади. Аксарият ҳолларда у киши тўғрисидаги маълумот оталари Иброҳим (алайҳиссалом) билан боғлиқ ҳолда келтирилади. Аллоҳ таоло айтади:

«(Эй мўминлар), айтингиз: «биз Аллоҳга ва бизга нозил қилинган Китобга ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва ўша уруғ-авлодга нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Исога берилган нарсаларга ва барча пайғамбарларга Парвардигорлари тарафидан берилган нарсаларга ишондик. Биз улардан биронтасини ажратиб қўймаймиз ва фақат У Зот (Аллоҳ таоло)га бўйсунувчилармиз» (Бақара, 136).

⁴⁴ Яъни, бирон нарсани топиб, унинг ўрнини аниқлаб берадиган қуш. Бу ерда сувнинг жойлашган ўрнини аниқлаб берадиган қуш ҳақида сўз бормоқда.

⁴⁵ «Саҳихул Бухорий», 3-жилд, 439-бет, «Китобул Ҳаж» боби.

«Биз унга (Иброҳим фарзандлари) Исҳоқ ва Яъқубни ҳадя этдик. Буларнинг барчаларини Биз ҳидоят қилдик» (Анъом, 64).

Яна бир бошқа оятда Иброҳим (алайҳиссалом) тилидан шундай дейилади:

«Менга кексалик пайтимда Исмоил ва Исҳоқни ҳадя қил-ган Зот (Аллоҳ)га ҳамду санолар бўлсин. Албатта, Парвардигорим (барча) дуоларни эшитгувчидир» (Иброҳим, 39).

Иброҳим (алайҳиссалом)га ўғиллари Исҳоқ тўғрисидаги ба-шорат бир қанча оятларда келтирилган. Аллоҳ таоло шундай мар-ҳамат қилади:

«Яна Биз унга пайғамбар (ва) яхшилардан (бўлғуси) Исҳоқ-нинг хушхабарини бердик. Ва (Иброҳимга) ҳам, Исҳоққа ҳам (дину дунёларида) баракот бердик. Уларнинг зурриётидан чи-ройли амал қилгувчи ҳам, ўз жонига очик жабр қилгувчи ҳам бўлур» (Соффот, 112–113).

Яъни, Биз пайғамбаримиз Иброҳим (алайҳиссалом)га Ўз фазлимиздан ёғдириб, Исмоилдан сўнг Исҳоқ исмли фарзанд кўри-ши хушхабарини бердик. Ва уни Бизнинг топшириқларимизни кў-тарадиган солиҳ пайғамбарлардан қилиб кўйдик. Ва Иброҳим-га ҳамда Исҳоққа уларнинг наслидан кўплаб пайғамбарларни чиқариш билан диний ва дунёвий баракотлар билан сийладик. Шунингдек, Бизнинг ҳикматимиз у иккисининг зурриётидан сўзи ва амалида яхши бўлган кишилар ҳамда ўз нафсига куфр, маъсият ва очик-ойдин зулм билан жабр қилган тоифаларнинг чиқишини тақозо қилди. Уларнинг ҳар бирини амалига яраша мукофотлаймиз. Яхши амал қилувчиларни савоб билан, ёмон амал қилувчиларни иқоб (жазо) билан «сийлаймиз».

Ибн Касир «Ал-Бидоя ва ан-Ниҳоя» китобининг 1-жилд, 175-сифҳасида куйидагиларни айтиб ўтганлар: «Иброҳим (алай-ҳиссалом) ва унинг аёли Сораларга Исҳоқ тўғрисидаги хушхабарни бир тоифа фаришталар етказдилар. Улар Лут қавмини куфр ва фисқу фужур ишларда ҳаддидан ошганликлари сабаб ҳалок қилиш учун кетаётган эдилар».

Худ сурасида Аллоҳ таоло айтади:

«Дарҳақиқат, Бизнинг элчиларимиз – фаришталар Ибро-ҳимга (Исҳоқ исмли фарзанд кўриши ҳақида) хушхабар билан келиб салом бердилар. У ҳам: «Салом», деди-да, қараб тур-май қовурилган бир бузоқни келтирди. Энди қачонки у (меҳмонларнинг) қўллари овқатга бормаётганини кўргач, уларни танимай қолди ва улардан хавфсирай бошлади. (Шунда) улар: «Кўркмагин, Бизлар Лут қавмига юборилганмиз», дедилар. (Парда ортида Иброҳимнинг) хотини турган эди, кулди-хурсанд бўлди. Шунда Биз у аёлга Исҳоқ ҳақида ва Исҳоқдан ке-йин Яъқуб ҳақида хушхабар бердик. У деди: «Вой ўлмасам, ўзим кампир, мана бу эрим эса қари чол бўлса ҳам туғаве-раманми? Бу жуда қизик иш-ку!». Улар айтдилар: «Аллоҳнинг амридан ажабланиаяпсанми? Эй хонадон эгалари, сизларга Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлгай. Албатта, У ҳамду сано эгаси ва буюқдир» (Худ, 69–73).

Ибн Касир айтадилар: «Исҳоқ акаси Исмоил туғилишидан ўн тўрт йил ўтиб, отаси Иброҳимнинг ёши юзларга яқинлашиб қол-ганда дунёга келди. Исҳоқнинг туғилиши ҳақида башорат бе-рилганда онаси Соранинг ёши тўқсонда эди».

Исҳоқ (алайҳиссалом) Канъон юртидаги Ҳибрун қишлоғида ва-фот этадилар. Исҳоқ (алайҳиссалом) оталари Иброҳим (алай-ҳиссалом) ҳам ушбу юртда яшаган эдилар. Исҳоқ (алайҳиссалом) оталари Иброҳим (алайҳиссалом) билан бирга

Фаластиндаги Ал-Халил деган жойга дафн этиладилар. Вафот этганларида ёшлари тахминан бир юз саксонларда бўлган.

Энди Яъқуб (алайҳиссалом) ҳақларида тўхталадиган бўлсак, у кишининг исмлари Қуръонда ўн олти бора такрорланиб келган. Шулардан баъзиларини келтириб ўтамиз. Аллоҳ таоло айтади:

«Иброҳим, у билан бирга Яъқуб ҳам болаларига шу динни васият қилиб дедилар: «Ўғилларим, албатта, Аллоҳ сизлар учун шу динни танлади. Бас, мусулмон бўлган ҳолингизда дунёдан ўтинг!» (Бақара, 152).

«(Эй яҳудийлар), ёки Яъқубга ўлим келгач, у ўғилларига: «Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?», деганида: «Сенинг Тангринг бўлмиш ягона Аллоҳга ибодат қиламиз ва бизлар фақат Унинг Ўзигагина буйсунувчилармиз», деб жавоб қилганларига гувоҳ бўлмаганмисизлар?» (Бақара, 133).

Яна бошқа бир сурада шундай дейилади:

«(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Сиз Бизнинг куч-қувват ва фаҳм-фаросат эгалари бўлган бандаларимиз – Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубларни эсланг!» (Сод, 45).

Шунингдек, Яъқуб (алайҳиссалом)нинг исмлари Қуръонда «Исроил» тарзида ҳам икки марта келган. Аллоҳ таоло айтади:

«Таврот туширилишидан илгари Исроил (Яъқуб) ўзига ҳаром қилган нарса (туянинг гўшти билан сути)дан бошқа барча таомлар Бани Исроил қавмига ҳалол эди. (Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), «Агар ростгўй бўлсаларингиз, Тавротни келтириб ўқиб кўринглар», деб айтинг»⁴⁶ (Оли Имрон, 93-оят).

Иккинчиси қуйидаги сурада келтирилган:

«(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), ана ўшалар (яъни, Биз Сизга қиссаларини сўйлаб бераётган кишилар) Одам зурриётидан бўлган (Идрис каби), Биз Нуҳ ила бирга (кемада) кўтариб (тўфон балосидан нажот берган) кишилардан бўлган (Иброҳим каби), Иброҳим зурриётидан бўлган (Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб каби), Исроил (Яъқуб зурриётидан бўлган Мусо, Ҳорун, Закариё, Яҳё ва Исо каби) пайғамбарлардан ва Биз хидоят қилган ва танлаб олган кишилардан иборат Аллоҳнинг инъомига сазовор бўлган зотлардир» (Марям, 58).

«Исроил» сўзи «Аллоҳнинг танлаб олган кули ёки Аллоҳнинг бандаси» деган маъноларни англатади.

Лекин Яъқуб (алайҳиссалом)нинг зурриётларига Аллоҳ таолонинг хитоби қирқтадан кўп ўринларда зикр қилинади. Аллоҳ таоло айтади:

«Эй Бани Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни эсланг ва менга берган ваъда-аҳдга вафо қилинг. Шунда Мен ҳам ўз аҳдимга вафо қиламан. Ва мендангина кўрқинглар» (Бақара, 40).

⁴⁶ (Яҳудийлар зулм ва тажовузкорлик йўлини тутганларидан кейин Аллоҳ таоло уларга бир неча хил ноз-неъматларни ҳаром қилди. Лекин улар бунга ҳам тан олмай, «Мазкур нарсалар асли Иброҳим замонидан ҳам ҳаром эди», дер эдилар. Шунинг учун мусулмонларга: «Ўзинглар Иброҳимнинг динидамиз дейсизлар-у, у ҳаром қилган туя гўштини истеъмол қиласизлар», деб таъна қилишганда, юқоридаги оят нозил бўлди. Шундан кейин биронта яҳудий Тавротни олиб келиб, ундан Иброҳим пайғамбарга туя гўшти ҳаром қилингани ҳақидаги оятни топиб бера олмаган. – Таржимон.)

«Биз Мусога Китоб (Таврот)ни ато этдик ва у (Китоб)ни Бани Исроил (қавми) учун ҳидоя қилиб (дедик): «Сизлар мендан ўзгани вакил қилиб олманглар!» (Исро, 2).

«Эй Бани Исроил, Биз сизларга душманингиздан нажот бердик ва сизларга (яъни, Мусога Таврот нозил қилиш учун) Тур (тоғи)нинг ўнг томонини ваъдалашдик ва сизларга ширинлик, беданалар ёғдирдик» (Тоҳа, 80).

«Эсланг, Исо бинни Марям: «Эй Бани Исроил, албатта, мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқловчи ва ўзимдан ке-йин келадиган Аҳмад исмли бир Пайғамбар ҳақида хушxabар бергувчи бўлган ҳолда (юборилдим)», деган эдим. Бас, қачонки (Исо) уларга (ўзининг ҳақ пайғамбар эканлигига) аниқ-равшан ҳужжат-мўъжизалар келтиргач, улар: «Бу очик сеҳр», дедилар» (Софф, б).

Ибн Касир айтадилар: «Аҳли Китоблар зикр қилишларича, Ис-ҳоқ (алайҳиссалом) қирқ ёшларида, оталари Иброҳим (алайҳисса-лом) ҳаётлик пайтларида уйланганлар. Исҳоқ (алайҳиссалом) Тавомийн исмли аёлидан Айс ва Яъқуб⁴⁷ дунёга келдилар. Яъқуб (алайҳиссалом) вояга етгач, уйландилар ва ўн икки нафар ўғил фарзанд кўрдилар. Булар, Лайа исмли аёлидан олтита фарзанд: Роавбийн, Шамъун, Лова, Яҳузо, Йисохур, Заблун.

Роҳайл исмли аёлидан иккита: Юсуф ва Бинёминлар дунёга келишди.

Зулфа исмли аёлидан ҳам иккита: Жод ва Ашийр туғилган.

Яна бир аёли Балҳодан ҳам иккита: Дон ва Нуфтолий исмли фарзандлар дунёга келдилар».

Куръони каримда Юсуф (алайҳиссалом)нинг оталари Яъқуб (алайҳиссалом) ва оға-иниларини Мисрга таклиф қилгани ҳақи-да ҳикоя қилинади. Улар бу таклифга ижобат қилиб, Фаластинни тарк этадилар ва Мисрга йўл оладилар. Аллоҳ таоло айтади:

«Энди қачонки (манзилга етиб келишиб) Юсуфнинг ҳузурига кирганларида, у ўзини ота-онасининг қучоғига отди ва «Ин-шааллоҳ, Мисрга тинч-омон киринглар», деди. (Кейин, Мисрга кириб Юсуф (алайҳиссалом)нинг саройига кирганларидан сўнг) у ота-онасини ўзининг тахтига чиқарди ва улар (яъни, ота-она ва оға-инилар Юсуф (алайҳиссалом)га сажда – таъзим қилган ҳолларида йиқилдилар. У деди: «Эй отажон, мана шу илгари кўрган тушимнинг таъбиридир. Парвардигорим уни рост қилди. Дарҳақиқат, У Зот менга (буюк) инъом қилди – мени зиндондан чиқарди, шайтон мен билан оға-иниларим орасини бузиб иғво қилганидан кейин, мана сизларни чўлу сахро-дан (Мисрга эсон-омон ҳолингизда) келтирди. Албатта, Парвардигорим Ўзи хоҳлаган нарсани сездирмай амалга оширгувчи Зотдир. Албатта, Унинг Ўзигина билим ва ҳикмат соҳибидир» (Юсуф, 99–100).

Зикр қилишларича, Яъқуб (алайҳиссалом) Мисрга кирганла-рида бир юз ўттиз ёш эдилар ва Мисрда яна ўн етти йил яшадилар. Яъқуб (алайҳиссалом) бир юз қирқ етти ёшларида Аллоҳ таоло ҳузурига риҳлат қилдилар. Юсуф (алайҳиссалом) Миср под-шоҳидан оталарини Фаластиндаги ўз аҳллари олдига дафн қилиш учун руҳсат

⁴⁷ Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Яъқуб (алайҳиссалом)нинг иккинчи номи Исроил бўлган, Бани Исроил қавми ўзларини у кишига нисбат берганлар.

сўрадилар. Подшоҳ бунга изн берди. Сўнгра Яъқуб (алайҳиссалом) Ҳибрун юртида (ҳозирда Ал-Халил деб юритилади), боболари Иброҳим (алайҳиссалом) ва оталари Исҳоқ (алай-ҳиссаломлар)нинг олдида дафн қилиндилар⁴⁸.

Юқорида зикр қилинганлар, Аллоҳ таолонинг уч нафар солиҳ пайғамбарлари – Исмоил, Исҳоқ ва Яъқуб (алайҳиссаломлар)нинг ҳаётига бир назар эди, холос. Унда биз асосан, ибратли, ҳикматли жойларини зикр қилдик. Уларни келтиришдан бирон наф бўлмаган кўплаб маълумотларни тарк этдик.

ЮСУФ (АЛАЙҲИССАЛОМ) ҚИССАСИ

Ушбу қисса Қуръони каримдаги Юсуф сурасида муфассал тарзда келтирилган. Мазкур сура Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ҳижратдан аввал нозил қилинган, яъни у маккий суралардан ҳисобланади.

Суранинг нозил бўлишига сабаб қилиб бир неча ривоятлар ворид бўлган. Саъд ибн Ваққос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Қуръон нозил бўлар ва у зот бир неча вақт давомида уни саҳобаларга тиловат қилиб турдилар. Шунда улар: “Эй Расулуллоҳ, бизларга бирон қисса сўзлаб беринг?”, дейишди. Шу зайл қиссаларнинг энг гўзали – Юсуф сураси нозил бўлди. Сурадаги оятлар сони бир юз ўн биттани ташкил қилади. Ушбу сура Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-га Исроъ ва Меърож воқеаларидан сўнг нозил қилингандир. Ўша пайтда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг амакилари Абу Толиб ва завжаи мутоҳҳаралари Ҳадича (розияллоҳу анҳо)нинг вафотидан сўнг мушрикларнинг у зотга етказаётган азиятлари янада кучайган бўлиб, сурада Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га жоҳил қавмдан етган жабр-зулмларга сабр қилишга чақи-риш ва тасалли берилиб, Юсуф (алайҳиссалом) оға-иниларининг кирдикорлари, буюк пайғамбарнинг турли хил фитна, иғволарга дуч келиши ва жабр-зулм кўриши илоҳий қалам билан ажойиб тарзда тасвирланган ва охир-оқибат сабр-тоқат туфайли яхшиликка эришилгани баён қилинган.

Юсуф сурасини тадаббур қилган киши ушбу суранинг жу-да қи-зиқарли ва ҳикматли услубда ёритилганининг гувоҳи бўла-ди. У киши нафсини разолатдан хидоят сари бошлайди, қалб кўзларини очади, фақат Аллоҳгагина маълум бўлган инсон табиатининг ўзи-га хос қирраларини, нозик жиҳатларини намоён этади. Айтиш жоизки, ушбу қиссани ўқиб инсон руҳияти, ҳа-ётнинг зиддиятли поғоналаридаги турли ҳолатларида инсон руҳиятининг қандай кўриниш касб этиши ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш мумкин.

Шунингдек, мазкур қиссада ҳикмат ва панд-насихатлар ҳам талайгина. Бу ерда сўзларнинг жойлашиш ўрни, баён қилиш услуби, воқеалар силсиласининг кетма-кетлиги ва жумлаларнинг аниқ-лиги киши диққатини ўзига жалб қилади. Сураи карима аввалида Юсуф (алайҳиссалом)нинг туш кўриши ва уни ота-сига сўзлаб бергач, Яъқуб (алайҳиссалом)нинг ўғлига қилган насиҳати ўрин олган. Кейин оға-инилар ўртасидаги тортишув ва мунозарага бой ўзаро суҳбатлари, уларнинг бир овоздан келишиб, Юсуфни қудуққа ташлаш режалари ва оталарини алдашга уринишлари таъсирли қилиб ёритилган. Юқорида келтирилган воқеалардан сўнг қисса Юсуфни қудуқдан тортиб олиш, уни арзон баҳога сотиш, Юсуфни сотиб ол-ган

⁴⁸ «Ал-Бидоя ва ан-Ниҳоя», 1-жилд, 238-бет.

кишининг ўз аёлига уни ҳурмат қилиш ҳақидаги топшириғи, аёлининг унга (яъни, Юсуфга) бўлган кучли муҳаббати ва ўша аёлнинг ўз мақсадига етиш йўлида ишлатган макр-ҳийлалари ҳақидаги ҳодисалар билан уланиб кетади. Сўнгра аёлнинг ўз ходими (Юсуф) билан қилган ишининг бутун мамлакат бўйлаб дув-дув гап бўлиб кетиши ва Юсуф (алайҳиссалом)нинг аёллар макридан Аллоҳнинг паноҳини сўрагани ҳикоя қилинади. Кейин Юсуф (алайҳиссалом)нинг зиндондаги мазлум ҳолати ва ўша ерда ҳам ҳеч нарса уни яккаю ягона Аллоҳ таолога ихлос билан ибодат қилишдан тўса олмагани айтилади. Сўнгра Миср подшоҳи кўрган кўрқинчли туш ҳодисаси, Юсуф (алайҳиссалом)нинг ўша тушни тўғри ва аниқ таъбир қилгани, охир-оқибат во-қеалар яхшилик билан ниҳоя топгани зикр қилинган. Ушбу гўзал қисса сўнгида узок айрилиқдан кейинги Юсуф ва оға-инилари ўртасидаги қизғин мулоқот ҳикоя қилинади. Оқибатда Юсуфнинг ота-онаси ва туғишган укаси ҳамда ўғай оға-иниларининг дий-дорига етишиши билан якун топади.

Юқорида биз Юсуф (алайҳиссалом) қиссасига умумий васф билан назар ташлаб олдик. Энди мазкур қиссани бир бошидан кўриб чиқишга ўтамиз. Қисса Аллоҳ таолонинг куйидаги ояти билан бошланади:

Алиф, Лом, Ро. Ушбу (оятлар) очик-равшан Китоб оятларидир. Дарҳақиқат, Биз уни сизлар ақллариингизни юргизиши-нғиз учун арабий Қуръон ҳолида нозил қилдик. (Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)), **Биз Сизга ушбу Қуръон (сураси)ни ваҳий қилиш билан қиссаларнинг энг гўзалини сўзлаб берурмиз. Ҳолбуки, ундан илгари, Сиз беҳабар кишилардан эдингиз! Эсланг, Юсуф отасига деган эди: “Эй отажон, мен тушимда ўн бир юлдузни, яна қуёш ва ойни кўрибман. Ҳаммалари менга сажда қилишаётган эмиш”. У (отаси) деди: “Эй ўғлим, бу тушингни оға-иниларингга ҳаргиз айта кўрма, токи улар сенга қарши бирон хийла қилмасинлар. Чунки шайтон инсон учун очик душмандир. Шунингдек, Парвардигоринг сени танлар ва сенга барча тушларнинг таъбирини билдирур ҳамда худди илгари аждодларинг Иброҳим ва Исҳоққа комил қилиб бергани каби, сенга ҳам ва Яъқубнинг (бошқа) фарзандларига ҳам Ўзининг неъматини комил қилиб берур. Албат-та, Парвардигоринг илм ва ҳикмат соҳибидир”** (Юсуф, 1–6).

“Алиф, Лом, Ро”. Бу ҳарфлар тафсир илмида ҳуруфи муқат-тоъа (кесилган ҳарфлар) дейилади. Қуръони каримдаги йигирма тўққиз сура шу ва шунга ўхшаш ҳарфлар билан бошланади. Уларнинг маънолари ҳақида турли фикрлар мавжуд. Энг тўғриси шуки, ушбу ҳарфлар баъзи сураларнинг илк оятида Қуръоннинг мўъжизавий Китоб эканлигини эслатиб, танбеҳ ва огоҳлантириш маъносида кел-тирилган. Гўёки Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг Ўз даргоҳи-дан нозил қилинганини инкор этувчи кимсаларга шундай деяётгандек: мана сизлар Қуръонни ўз кўзингиз билан кўриб турибсиз, ушбу Китоб сизлар жумлаларингизни тузаётган оддий ҳарфлардан иборат. Агар уни Аллоҳ даргоҳидан нозил қи-линганига зиғирча шубҳангиз бўлса, қани унда шунга ўхшаш бирон сура келтириб кўринглар-чи?!

Бас, улар ожиз қолдилар ва ўзларининг ҳеч нарсага ярамасликларига амин бўлдилар. Шу зайл Қуръоннинг Аллоҳ таоло ҳу-зуридан нозил қилинган илоҳий Китоб эканлиги аниқ ва очик-ойдин собит бўлди.

“Ушбу (оятлар) очик – равшан китоб оятларидир”.

Яъни, эй Муҳаммад, ушбу Биз сизга тиловат қилаётган оят-лар кишиларни ожиз қолдиришига шубҳа бўлмаган, амр-хукмлари тушунарли ва бирон чигаллиги йўқ китоб – Қуръон оятларидир.

Сўнгра Аллоҳ таоло ушбу Қуръон нима сабабдан араб тилида туширилганини баён қилади: **“Дарҳақиқат, Биз уни сизлар ақл-ларингизни юргизишингиз учун арабий Қуръон ҳолида нозил қилдик”.**

Яъни, биз ушбу Қуръони каримда мурсал пайғамбаримиз бўл-ган Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг қалбига очиқ ва тушунарли бўлган араб тилида нозил қилдик. Шоядки, сизлар, эй имон келтирган бандаларим, унинг маъноларини тадаббур қил-саларингиз, сўзларини тушуниб етиб, унинг раҳна-молиги ва хидо-яти билан кўпгина манфаатларга эришсангиз!

“Биз сизга ушбу Қуръонни ваҳий қилиш билан қиссалар-нинг энг гўзалини сўйлаб берурмиз. Ҳолбуки, ундан илгари сиз беҳабар кишилардан эдингиз!”

Яъни, эй муҳтарам Пайғамбар, Биз сизга баён услуби ўзига хос ва ажойиб бўлган қиссаларнинг энг яхшиси ва энг гўзалини хи-коя қиламиз. Зеро, сиз ушбу Қуръон нозил қилинмасидан аввал худди саводсиз, оми қавмингиз каби ушбу қиссаларнинг тафсилотлари, воқеаларнинг энг дақиқ ва нозик жиҳатларидан беҳабар эдингиз.

Ушбу маънода Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Булар Биз сизга ва-ҳий қилаётган ғайб хабарларидандир. Илгари буларни на сиз ва на қавмингиз билар эдингиз. Бас, сабр қилинг. Албатта, оқибат-натижа Аллоҳдан кўрқувчи кишиларникидир”** (Ҳуд, 49).

Умуман олганда, Қуръони карим энг чиройли ва гўзал қисса-ларни ўзида жамлаган, чунки улар энг ишончли ва тўғри хабарлар (хаёлий–тўқима эмас), ҳикоя қилиш услуби ҳам ўзига хос бир кўринишга эга – ўта фасоҳатли, қолаверса, қиссаларда ибрат, на-си-ҳатлар тушунарли тарзда баён қилинган.

Энди, энг чиройли қиссаларга мисол сифатида Юсуф (алай-ҳиссалом) қиссаси келтирилади. Аллоҳ таоло айтади: **Эсланг, Юсуф отасига деган эди: “Эй отажон, мен тушимда ўн бир юлдузни, яна қуёш ва ойни кўрибман. Ҳаммалари менга сажда қилишаётган эмиш”.**

Юсуф – Аллоҳнинг солиҳ пайғамбарларидан бири. Отасининг исми Яъқуб эди. Саҳиҳ ҳадисларнинг бирида Ибн Умар (рози-ял-лоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қи-лади: **“Дарҳақиқат, Карим ибн Карим ибн Карим ибн Карим, Юсуф ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳимдир. У (Юсуф (алай-ҳиссалом)) пайғамбар, отаси (Яъқуб) пайғамбар, бобоси (Исҳоқ) пайғамбар, отасининг бобоси (Иброҳим) пайғамбардир. Уларга Аллоҳнинг салавот ва саломлари ёғилсин!”**

Юқорида келтириб ўтилган оятнинг маъноси қуйидагича: **“Эй муҳтарам Пайғамбар, Сиз Юсуф отаси Яъқубга:**

– Эй отажон, мен тушимда ўн бир юлдузнинг менга сажда қилиб турганларини кўрдим. Шунингдек, қуёш ва ойни ҳам кўр-дим. У иккиси ҳам менга сажда (таъзим) қилиб турган эди, – деб айтганини эсланг”.

Ибн Касир (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: Муфассир олимлар мазкур тушни таъбир қилиб, шундай дейдилар: **“Ўн бир юлдуз Юсуф (алайҳиссалом)нинг оға-инилари, қуёш ва ой эса унинг ота-онасидир”.**

Ибн Аббос, Заҳҳок, Қатода, Суфён Саврий ва Абдураҳмон ибн Зайд айтадилар: **“Ушбу туш таъбирининг ҳақ экани қирқ йилдан сўнг маълум бўлди”.** Баъзилар: **“Саксон йилдан кейин”**, деб айтишган. Ўшанда Юсуф (алайҳиссалом) ота-онасини ўз

тахтига кў-таради ва оға-инилари ҳам унинг олдида ҳозир бўлишади. Уларнинг барчалари таъзим бажо келтириб, Юсуфга сажда қиладилар. Шунда Юсуф (алайҳиссалом):

– **Эй отажон, мана шу илгари кўрган тушимнинг таъбиридир. Парвардигорим уни рост қилди,** – деб айтади (*Юсуф, 100*).

Шундан сўнг Юсуф (алайҳиссалом) тушини отасига айтгач, унинг ўғлига қилган насиҳати келтирилади: **“Эй ўғилчам, бу тушингни оға-иниларингга ҳаргиз айта кўрма, токи улар сенга қарши бирон хийла қилмасинлар. Чунки шайтон инсон учун очик душмандир”**.

Яъни, ўғли Юсуфдан тушида кўрган нарсаларини эшитгач, Яъқуб (алайҳиссалом) оталик меҳри билан ўғлига деди:

Эй ўғлим, тушда кўрганларингни оға-иниларингга зинҳор ай-та кўрма. Агар шундай қилсанг, улар сени ҳалок қилиш учун махфий хийла ишлатадилар. Шунда уларга қаршилиқ кўрсатиш учун сен ҳам, мен ҳам қодир бўла олмай қоламиз!

Яъқуб (алайҳиссалом)ни бундай дейишига сабаб, мазкур туш келажақда Аллоҳ таолонинг Юсуф (алайҳиссалом)га буюк инъом – пайғамбарлик ва юқори мартаба – хукмронлик беришига далолат қиларди. Одатда киши бирон нарсага эришса, одамлар унга ҳасад қилиб, уни кўра олмайдилар. Яъқуб (алайҳиссалом) ҳам, агар ўғли тушини оға-иниларига айтса, уларнинг ҳасад қили-ши, охир-оқибат очикчасига душманликка ўтиб кетишларидан хавф-сирамоқда эди.

“Чунки шайтон инсон учун очик душмандир”. Ушбу жумла тушни нима сабабдан оға-иниларига айтмаслик лозимлигини баён қилмоқда.

Яъни, уларга тушингдаги воқеалар ҳақида зинҳор баён қила кўрма. Акс ҳолда улар сенинг зарарингга хийла ва ҳасад қила-дилар. Ушбу ҳасадни шайтон одамлар орасига адоват ва нафрат уруғла-рини сочиш учун уларнинг қалбига васваса қилади.

Ушбу оятдан уламолар бир неча ҳукмларни чиқарганлар:

– инсон одамларнинг ҳасад қилиши ва разил кишиларнинг адоватидан омон қолиш учун баъзи вақтларда Аллоҳ унга берган неъматларини яшириши, уни кўп кишиларга айтмаслиги жоиздир;

– рост туш Аллоҳ таолонинг баъзи бир ўз нафсларини поклаган бандаларига кўрсатадиган икромидир. Аллоҳ уларга бирон воқеанинг хабарини у содир бўлмасидан аввал маълум қилади.

Солиҳ, рост туш ҳақида ҳадисларда хабар қилинган. Набий (сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: **“Солиҳ кишининг кўр-ган солиҳ туши пайғамбарликнинг қирк олтидан бир қисми-дир”**.

Яна бошқа бир ҳадисда: **“Хушхабар бериладиган нарсалар-дан бошқа пайғамбарлик қолмади. У солиҳ киши кўрган солиҳ тушдир. У ўша тушни ўзи кўради ёки унга кўрсатилади”**.

Шунингдек, жумҳур уламолар ушбу оятдан хулоса чиқариб, **“Юсуф (алайҳиссалом)нинг оға-инилари пайғамбар бўлмаган-лар”**, – деган фикрни айтишган.

Алусий айтди: **“Шуниси маълумки, Юсуф (алайҳиссалом)нинг оға-инилари пайғамбар бўлишмаган. Бу фикрни салаф ва халаф уламоларнинг аксарият қисми тасдиқлашган”**. Салаф уламолар-дан бирон киши – саҳобийлар ҳам, тобеинлар ҳам уларнинг пай-ғамбар эканлиги ҳақида ҳеч нарса дейишмаган.

Сўнгра Яъқуб (алайҳиссалом) ўгли Юсуфга келажакда хайр-баракага сабаб бўладиган баъзи нарсаларни айтиб ўтади: **“Шунингдек, Парвардигоринг сени танлар ва сенга барча тушларнинг таъбирини билдирур ҳамда худди илгари ажодларинг Ибро-ҳим ва Исҳоққа комил қилиб бергани каби, сенга ва Яъқубнинг (бошқа) фарзандларига ҳам Ўзининг неъматини комил қилиб берур. Албатта, Парвардигоринг илм ва ҳикмат соҳибидур”**.

Яъни, Раббинг сени ушбу яхши, оқибати хайрли бўлган тушга танлаб олгани каби, келажакда сени масъулиятли, буюк вазифа – пайғамбарликка ҳам танлаб олади. У Зот сенга нарсаларнинг ички моҳиятини сезиш қобилиятини инъом этади, басийрат кўзининг ўткирлигини ҳада қилади. Шундан кейин нарсаларни асл-туб мо-ҳиятига тўғри тушуниб етасан, тушларни ҳеч бир хатосиз таъбир қиладиган кишилардан бўласан. Шунингдек, Аллоҳ сенга худди оталаринг Иброҳим ва Исҳоққа бергани каби пайғамбарлик, рисолат, подшоҳлик ва етакчилик неъматларини тўлиқ қилиб беради. Яъқубнинг оиласига ҳам ҳисобсиз неъматларни ато этади. Зеро, Парвардигоринг ҳар бир нарсанинг нозик томонларини билувчи ва қиладиган ҳар бир ишида ҳикматли бўлган Зотдир.

Юсуф оға-иниларининг ҳасад ва нафрати

Аввалги оятларда Яъқуб (алайҳиссалом)нинг Юсуфга қилган насиҳати келтирилган бўлса, энди оға-иниларининг ҳолати, бун-га билдирган фикрлари зикр қилинади. Улар ўзларича Юсуф (алай-ҳиссалом)га суиқасд ва фитна уюштириш пайдалар. Шу мақсадда улар оталари билан у ҳақида тортишадилар. Қисса ку-йидаги оят билан бошланади:

«Дарҳақиқат, Юсуф ва унинг оға-иниларида сўрагувчилар учун оят-ибрат бордир. Ўшанда улар айтган эдилар: “Гарчи биз бутун жамоат бўлсак-да, шак-шубҳасиз, Юсуф ва унинг биродари отамизга биздан кўра суюклироқдир. Дарҳақиқат, ота-миз очик залолатдадир. (Яна дедилар:) “Юсуфни ўлдиришлар ёки бирон жойга олиб бориб ташланглар, (шундагина) оталарингиз фақатгина сизга боқар. Кейин эса яхши қавм бўлиб олурсизлар. (Шунда) улардан бир сўзлагувчи деди: “Юсуфни ўлдирманглар, балки агар бирон иш қилмоқчи бўлсангиз-лар, уни қудуқ қаърига ташлаб юборинглар, йўловчи карвонлар олиб кетсин”. Улар дедилар: “Эй ота, не сабабдан Юсуфни бизга ишонмайсан? Ахир, биз уни, шак-шубҳасиз, холис (яхши кўрувчи)лармиз-ку. Уни эртага биз билан юборгин, ўй-наб-ёзилиб келсин. Албатта, биз уни кўриқлаб-муҳофаза қи-лувчилардирмиз”. (Яъқуб) деди: “Уни олиб кетишларингиз мени маҳзун қилур. Мен, сизлар ғафлатда қолиб, уни бўри еб кетишидан кўркурман”. Улар дедилар: “Қасамки, агар биз бутун бир жамоат бўлган ҳолимизда уни бўри еб кетса, демак, биз, шак-шубҳасиз, зиён кўргувчи – ҳалок бўлгувчилардир-миз”. Бас, қачонки уни олиб кетишиб, сўнгра қудуқ қаърига ташлашга қасд қилган вақтларида, Биз унга: “Сен албатта, бу қилмишлари ҳақида хабар берурсан. Улар ўшанда сезмайдилар ҳам”, деб ваҳий қилдик» (*Юсуф, 7–15*).

«Дарҳақиқат, Юсуф ва унинг оға-иниларидан сўрагувчи-лар учун оят-ибрат бордир”.

Яъни, Юсуф ва оға-инилари қиссасида уларнинг қиссаси ҳа-қи-да сўровчи, ушбу қиссадаги ҳукмлардан ўзи учун керакли хулоса чиқариб олувчи ақл соҳиблари учун ибрат ва панд-на-сиҳатлар бор.

Ушбу оят билан Юсуф (алайҳиссалом) қиссаси бошланади. Маз-кур оят бундан кейинги ҳодисаларга ўқувчи диққатини тортади. Воқеаларнинг кейинги ривожи ва тафсилотларидан хабардор бўлишга ундайди.

Ўшанда улар айтган эдилар: “Гарчи биз бутун жамоат бўл-сак-да, шакшубҳасиз, Юсуф ва унинг биродари отамизга биздан кўра суюклироқдир. Дарҳақиқат, отамиз очиқ залолат-дадир”.

Бу ердаги “унинг биродари”дан мурод Юсуф (алайҳиссалом)-нинг туғилган укаси Биняминдир. У Юсуфдан кичик бўлган. Қол-ган оға-инилари отасининг бошқа хотинларидан туғилган эдилар (*Бу ҳақда “Қуръони карим қиссалари” китобининг биринчи жуз, 186–187-бетларида тўхталиб ўтилган. – Таржимон.*)

Бу ердаги залолатдан мурод, ақида ва диндаги адашишлик эмас, балки фарзандларга нисбатан муносабат қилишдаги адашишлик, уларнинг мавқеини тўғри баҳоламасликдир.

Яъни, оға-инилар Юсуфга макр қилиш режасини туза туриб, шундай дедилар:

– Гарчи бизлар отамизнинг хизматига яроқли ва унга кўп манфаат берадиган бўлсак-да, Юсуф ва унинг укаси Бинямин ота-мизга биздан кўра севимлидир, отамиз у иккисини бизлардан устун қўймоқда! Албатта, отамиз ушбу қилмиши билан катта хато қиляпти. У биз турганда қаёқдаги икки ёш болани бизлардан афзал кўрмоқда!

Улар ушбу гаплари билан келажакда Юсуфга қиладиган макр-ларининг айбини оталарига юклаб, ўзларини оппоқ қилиб кўр-сатмоқчи эдилар. Бизларни Юсуф ва Биняминдан айри қилган, ораларимизга совуқчилик тушишига сабаб бўлган киши фақат-гина отамиз, демоқчи бўладилар. Оталарига нисбатан улар томо-нидан айтилган бу ҳукм ноўрин эди, чунки Юсуф (алайҳиссалом)-да афзал кўрилишга лойиқ бўладиган кўплаб фазилатлар бисёр ва жамулжам эди.

Алусий айтади: “Ривоят қилинишича, Юсуф (алайҳиссалом) қолган оға-иниларидан кўра отасига маҳбуброқ бўлган. Бунга сабаб унинг гўзал хулқи, одоб-ахлоқи эди. Қачонки, юқорида зикр қилинган тушни кўргач, Яъқубнинг ўғлига бўлган оталик муҳаббати янада зиёдалашди. Бу ерда Яъқуб (алайҳиссалом)ни маломат қи-лиш жоиз эмас, чунки муҳаббат қалбга инсон боласининг хоҳиш-иродасига қараб ёки бирон кишининг таъсири остида кирмайди”.⁴⁹

Шундан сўнг Юсуф (алайҳиссалом)ни нима қилиш тўғрисида қарор қилганликлари ҳақида айтилади: **“Юсуфни ўлдиришлар ёки бирон жойга олиб бориб ташланглар, (шундагина) оталарингиз фақатгина сизга боқар. Кейин эса яхши қавм бўлиб олурсизлар”.**

Яъни, оға-инилар пинҳона маслаҳатлаша туриб дедилар:

– Отамизга бизлар муносиб бўлсак-да, Юсуф ва унинг укасини бизлардан афзал кўриш билан жуда чегарадан чиқиб кетди. Ваҳоланки, шу ишида давом этар экан, бунинг ёлғиз чораси, Юсуфни ўлдириш ёки нотаниш-овлоқроқ бирон жойга гумдон қилиш-дир, токи у ўша ерларда сарсон-саргардон ҳолида ўлиб кетсин. Агар шундай қилсангизлар, бу кўргиликлардан халос бў-ласизлар ва шунда ўз-ўзидан отангиз сизларга муҳаббат кўяди. Бунда сизларга ҳеч ким шерик бўла олмайди. Илгари фақатгина Юсуф ва укасига эътибор берган бўлса, эндиликда бор диққат-эътибор сизларга қаратилади! Ҳозир сизлар Юсуфни ўлдириш ёки уни олисроқ бир жойга даф

⁴⁹ «Тафсирул Алусий», 12-жилд, 171-бет.

килиш билан ундан кутулаверинглар, кейин Аллоҳга тавба-истиғфорлар айтиб, солих, гуноҳлардан пок-ланган кишилардан бўлиб оласизлар. Албатта, Аллоҳ тавбалари-нгизни қабул қилади. Агар шундай қилсаларингиз нафақат дини-нгизда, балки дунёингизда ҳам солих кишилардан бўласизлар. Чунки Юсуфнинг ораларингизда мавжуд бўлиб туриши сизларни ташвишга келтирмоқда!

Юқорида кўриб ўтганимиздек, агар инсон нафсида нафрат ус-тунлик қилса ёки бошқа бировга нисбатан гина-кудурат бўлса, охир-оқибат унда энг разил ва чиркин иллат бўлмиш ҳасад пайдо бўлади. Шунда одам ҳар бир нарсага тўғри нуқтаи назардан ёндаша олмай қолади, энди у фақат ҳавойи нафси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлиб қолади. Уларнинг назарида кичик каттага, катта кичикка айланади. Юсуф оға-иниларининг назарича, оталарининг унга бўлган муҳаббати оғир бир жинойт эди. Айни пайтда эса ўзлари қотиллик каби энг оғир жинойтни енгил санамоқда эдилар, қилғиликни қилиб, сўнгра ўзларини Аллоҳ олдида, ота-лари ва бошқалар олдида пок, гуноҳлардан холи эканликларини исботламоқчи бўлаяптилар.

Оға-инилар шундай қабих ишни амалга ошириш арафасида турар эканлар, улар орасидан бирлари туриб деди: **“Юсуфни ўлдирманглар, балки агар бирон иш қилмоқчи бўлсангизлар, уни қудуқ қаърига ташлаб юборинглар, йўловчи карвонлар олиб кетсин”**.

Оятнинг маъноси қуйидагича: кичик укаларига нисбатан қи-лаётган бундай қабих бир ҳукмларини эшитиб ташвишга тушган оға-иниларидан бири шундай деди:

– Юсуфни ўлдирманглар! Зеро, қотиллик катта гуноҳдир! Унинг ўрнига Юсуфни қудуқнинг энг тубига ташлаб юбора қо-линглар. Шунда у дом-дараксиз йўқолади. Балки уни йўлов-чилар қудуқдан тортиб олишар ва у шунда сизлардан узоқ бўлган жойларга равона бўлар. Шу зайл қалбларингиз ором олади ва оталарингиз ҳам сизларга боқади!

Ушбу гаплар ака-укаларнинг қайси бири томонидан айтилгани Куръони каримда тилга олинмаган, чунки бундан бирон фойда йўқ. Лекин баъзи муфассирлар: “Сўзлагувчидан мурод, Яхузодир”, деб айтишган. Асосийси, у оға-инилар орасидаги бир киши эди ва улар Юсуфни то ажали етгунича ўлдирмасликка қа-рор қилдилар.

Айтишадик, ушбу таклифда ибрат, ҳикмат ва фикр соғлом-лиги бор. У оға-иниларини қасос олишда чегарадан чиқиб кетишдан қайтариб қолди ва уларга бошқа бир таклифни ўртага ташлади. У ҳам бўлса, Юсуфни отасининг кўзидан узоқлаштириб, қудуқ қаърига ташлаб юбориш эди. Оға-инилар шундай қарорга келишганидан сўнг, Яъқуб (алайҳиссалом) олдига келиб шундай дедилар: **“Эй ота, не сабадан Юсуфни бизга ишонмайсан? Ахир биз у учун холисларданмиз-ку. Уни эртага биз билан юборгин, ўйнаб ёзилиб келсин. Албатта, биз уни муҳофаза қилгувчилардирмиз”**.

Яъни, оға-инилар Юсуфни ўзлари билан сафарга олиб чиқиш учун оталарини кўндириш пайида:

– Эй ота, нега сен Юсуфни бизлар билан сайлга чиқишига кўп ҳам ишонмайсан? Ваҳоланки, биз уни жуда яхши кўрамыз. Ахир у кичик укамиз бўлса, биз унга фақат чин дилдан яхшилик қилишни хоҳлаймиз, унга нисбатан қалбимизда на бирон кек-адоват ва на бир ғаразимиз бор! – дедилар.

Сўнгра улар ўз талабларига қуйидаги жумлаларни ҳам зиёда қилдилар: **“Уни эртага биз билан юборгин, ўйнаб ёзилиб келсин”**.

Бу ердаги ўйиндан мурод, ҳордиқ чиқариш ва чарчоқбосди ўйинларни ўйнашдир. Яъни, эй ота, уни биз билан юборгин, турли хил мева-чева ва шунга ўхшаган нарсалардан истаганича есин. Сакраш, югуриш ва ҳар хил мусобақалар орқали ўзидаги чарчоқ-ни чиқарсин, кўнгли ёзилсин. Албатта, биз унга азият ёки бирон ёмон кор-ҳол бўлишига ҳам йўл қўймаймиз. Уни ҳар қандай фалокатдан кўз қорачиғимиздек асраймиз, ҳатто гард ҳам юқтирмаймиз!

Уларнинг бу гапидан ўзларининг ғаразли, манфур ниятлари-ни амалга ошириш учун оталарини кўндиришга қаттиқ бел боғ-лаганликларини тушуниш қийин эмас. Шундан сўнг оталари-нинг уларга қилган жавоби келтирилади: **“Уни олиб кетишларин-гиз мени маҳзун қилур. Мен, сизлар ғафлатда қолиб, уни бўри еб кетишидан кўрқурман”**.

Яъни, эй ўғилларим, Юсуфдан бир оз муддат бўлса-да айрилишим мен учун оғирдир. Бу нарса мени қаттиқ ғамга ботиради. Шунинг баробарида агар сизлар уни ўзларингиз билан сафарга олиб чиқадиган бўлсангиз, сизлар ўз ишингиз билан машғул ёки бе-эътибор бўлганингизда уни бўри еб кетишидан хавфсираяпман.

Шунда оға-инилар қатъий оҳангда шундай дедилар:

«Қасамки, агар биз бутун бир жамоат бўлган ҳолимизда уни бўри еб кетса, демак, биз шак-шубҳасиз, зиён кўргувчи – ҳалок бўлгувчилардирмиз».

Яъни, улар оталарининг қалбига хотиржамлик киритиб, қал-бидаги ғулғулани аритиш, ундан кўрқув ва маҳзунликни кетказиш мақсадида:

– Эй ота, Аллоҳга қасамки, Юсуф биз билан биргаликда, унинг хавфсизлиги ва саломатлигига ўта ҳарисманд бўлган ҳоли-мизда, агар уни бўри еб кетадиган бўлса, унда биз катта зиён кўр-гувчилардан, бирон нарсага салоҳиятсиз кишилардан ҳисоб-ланамиз, – дедилар.

Охир-оқибат, чорасиз қолган ота ўғилларининг ушбу талаб-ларига розилик беришга мажбур бўлди. Қуръон буни ўзининг ба-лоғат ва фасоҳатли услуби ила хикоя қилади: **“Бас, қачонки уни олиб кетишиб, сўнгра қудуқ қаърига ташлашга қасд қилган вақтларида, Биз унга: “Сен албатта, бу қилмишлари ҳақида хабар берурсан. Улар ўшанда сезмайдилар ҳам”, деб ваҳий қилдик”**.

Яъни, қачонки улар оталарини кўндиришгач, эртаси куни Юсуфни ўзлари хоҳлаган томонга олиб кетдилар. Ва уни қудуққа ташлашга келишиб, буни бажардилар ҳам. Улар ҳеч раҳм-шаф-қатсиз, тошбағирлик билан ушбу ишни амалга оширдилар. Биз Юсуф қудуққа ташланаётган пайтида қалбига илҳом солиш орқали (ёки Жаброил (алайҳиссалом) орқали) ваҳий қилдикки:

– “Эй Юсуф, вақти келиб Аллоҳ хоҳласа, улар сенга ёшлигингда нима ишлар қилганлари ва қандай озор берганликларини ўз-ларига хабар қиласан”.

Бу ердаги оға-иниларнинг қилмишларидан мурод, унга озор беришлари ва Юсуф (алайҳиссалом)ни қудуқнинг қаърига ташлаб юборишларидир.

“Улар ўшанда сезмайдилар ҳам”. Яъни, вақти-соати келиб, уларга қилиб ўтган ёмон ишлари ҳақида айтганингда, бу сен, яъни Юсуф эканингни сезмайдилар. Чунки орадан анча вақт ўтиб кет-гани сабаб улар сени ўлиб кетган, деб ҳисоблайдилар. Сен ўшанда бутун бир мамлакат хазинасига кўриқчи бўласан. Улар бўлса сендан мадад ва марҳамат сўраб ҳузурингга тиз чўкиб келадилар.

Аллоҳ таолонинг ушбу амри кўп ўтмай ўз тасдиғини топди. Оятда шундай дейилади: **“Энди қачонки (Мисрга етиб келиб Юсуф (алайҳиссалом))нинг**

хузурига киришгач, дедилар: “Эй улуг зот, бизни ва аҳли оиламизни очарчилик ушлади” (Юсуф, 88).

Ушбу ваҳий Юсуф (алайҳиссалом)га у балоғат ёшига етмаси-дан ёки пайғамбар бўлмасидан олдин қилинганди. Бундан кўз-лан-ган мақсад унинг қалбига хотиржамлик солиш, унга келажакда куч-қувват, мол-давлат ва ҳукмронлик насиб этиши ҳақида хушxabар бериш эди.

Оға-инилар ўз кирдикорларини амалга оширишгач, “**кечқурун оталари олдига йиғлаган ҳолларида келиб: “Эй ота, бизлар Юсуфни нарсаларимиз олдида қолдириб қувлашиб кетган эдик, уни бўри еб кетибди. Энди рост гапирсак ҳам сен бизларга асло ишонмайсан”, дедилар**”. Бу ердаги “йиғи”дан мурод, оталарини Юсуф ҳақини поймол қилмаганликларига ишонтириш учун қилинган сохта, ёлғон йиғилари эди. Мақолда айтиладики, “Фожирнинг кўз ёши қўлидадир” (яъни, у ёлғондакам йиғлаб, худди ёш чиқаётгандек қўли билан кўзини шиқалайди. – Таржимон.)

Яъни, улар дедилар:

– Эй ота, бизлар ўзаро мусобақалашиб, югуриб юрганимизда Юсуфни сафарда ўзимиз билан олиб чиққан нарсаларимиз (ки-йим-кечак, озиқ-овқат ва ҳоказолар) олдида қолдириб кетсак, ногаҳон уни бўри еб кетибди. Ундан ҳеч вақо қолмабди. Эй ота, биз сенга Юсуфни бўри еб кетди, – деб айтсак ҳам ишонмайсан. Тўғри сўзлагувчи бўлсак-да, бизларга ишонмаслигинга сабаб – биз-лар ҳақимиздаги ёмон гумонинг ва Юсуфга бўлган қаттиқ муҳаб-батингдир.

Юсуфнинг оға-инилари сохта йиғи билан чекланмай, балки унга яна бир ёлғонни ҳам қўшиб қўйдилар: “**Ва унинг кўйлагини ёлғон қонга бўяб келтирдилар**”.

Яъни, улар Юсуфни қудуққа ташлагач, кўйлагини ўзлари билан олиб қолдилар ва уни Юсуфга тегишли бўлмаган бошқа бир қон билан бўядилар. У қон кийик ёки бўри қони ҳам бўлиши мумкин.

Яъқуб (алайҳиссалом) уларнинг юз ифодалари, ҳолатлари ва маҳзун қалбининг нидоси орқали билдики, аслида Юсуфни бўри емаган, балки улар Юсуфга бирон макр-ҳийла қўллаган эдилар. Шу сабаб Яъқуб (алайҳиссалом) уларга қарата шундай деди: “**Йўқ, сизларга ҳавойи нафсларингиз бирон ишни чиройли қилиб кўрсатган**”.

Яъни, Яъқуб ўғилларига қайғули оҳангда деди:

– Сизлар даъво қилаётганингиздек, Юсуфни бўри еб кетмаган, балки нафрат ва адоватга тўла қалбингиз унга нисбатан бирон ёмонлик, қабих ишни содир этишни сизларга зийнатлаб кўрсатган. Келажакда, Аллоҳ хоҳласа, унинг асл ҳақиқати очилажак! Сизларнинг бу қилмишларингизга нисбатан эса, мен чиройли сабр қи-ламан. Раббимнинг Ўзи ҳақиқатларни юзага чиқарувчи, махфий нарсаларни ошкор қилгувчидир. Мавриди келиб, Унинг иродаси ила ўғлим билан, албатта, яна дийдор кўришамиз!

Алусий айтади: “Ибн Абу Ҳотим ва Абу Шайх Қатода (розиял-лоҳу анҳу)дан ривоят қиладилар: Юсуфнинг оға-инилари уни қу-дуққа ташлашгач, бир кийикни тутиб, уни сўйдилар ва қонига Юсуфнинг кўйлагини ботирдилар. Кўйлакни оталарига келтиришгач, у орқа олдини ўгириб кўриб: “Аллоҳга қасамки, ҳеч замонда бу кундагидек мулойим бўрини кўрмаганман! У ўғлимни ебди-ку, аммо кўйлагини

соғ қолдирибди-да”, – деган⁵⁰ (Бу ерда Яъқуб (алайҳиссалом) оға-иниларининг ёлгон гапирганликларини очиқ-ойдин, хужжат-далиллар билан исботлаб бермоқда. – Таржимон.)

Юсуфнинг қудуқдан тортиб олинishi ва арзон нарх – бир неча дирҳамга сотиб юборилиши

Энди сура бизларга Юсуф (алайҳиссалом) ҳаётининг яна бо-ш-қа босқичини ҳикоя қилишга ўтади. Аллоҳ таоло айтади:

“Бир карвон келиб, ўзларининг сув изловчиларини юборганларида, у челақни ташлаган эди, (шунда у): “Суюнчи бе-ринг-лар, бу бола-ку! деб юборди. Сўнг уни сотилади-ган нарсалари қатори яшириб қўйдилар. Аллоҳ уларнинг қи-ла-ётган амалларини билиб тургувчидир. (Кейин) уни арзон ба-хода – бир неча тангага сотиб юбордилар. (Чунки) улар қи-зиқмаган эдилар. Уни Мисрдан сотиб олган киши хотинига: “Уни яхшилаб жойлаштиргин. Шояд бизга бирон фойдаси тегиб қолса ёки ўзимизга бола қилиб олармиз”, деди. Мана шундай қилиб Биз Юсуфни – унга барча тушларнинг таъбирини билдириш учун, ўша ерга жойлаштириб қўйдик. Аллоҳ ўз ишида ғолибдир, лекин одамларнинг кўплари билмайдилар. Қачонки у вояга етгач, унга ҳикмат ва билим бердик. Биз чиройли амал қилгувчи зотларни мана шундай мукофотлаймиз” (Юсуф, 19–22).

“Бир карвон келиб, ўзларининг сув изловчиларини юборганларида, у челақни ташлаган эди...”

Яъни, Юсуфнинг оға-инилари уни қудуққа ташлаб юборишгач, ҳаммалари ўз ишлари билан овора бўлиб кетганларидан сўнг у ерга мусофирлар карвони келиб тўхтади ва бир кишини сув қидириш учун юбордилар. У ўша яқин атрофдан бир қудуқни излаб топиб, унга челагини ташлаган эди, Юсуф челаққа осилиб чиқди. Киши уни кўргач, хурсанд бўлиб:

– Эй хушхабар, бу бир бола-ку! – деб юборди.

Ўша кишининг баланд овоз билан “Эй хушхабар, суюнчи бе-ринг-лар”, деб нидо қилишига сабаб – Юсуф (алайҳиссалом)ни кў-риб ич-ичидан хурсанд бўлиб, севиниб кетганлиги эди. Чунки, Юсуф ташқи кўринишдан ҳам эс-хушли, ақлли ва соғлом болалардан экани шундоқ билиниб турарди.

“Сўнг уни сотиладиган нарсалари қатори яшириб қўй-дилар”.

Оятнинг маъноси куйидагича: мусофирлар жамоаси Юсуфнинг қудуқдан тортиб олингани хабарини бошқаларга айтишдан яширдилар, чунки улар қудуққа яқин жойда истиқомат қи-ладиган бирон киши уни сўраб келишидан хавфсирар эдилар. Шу сабаб уни худди сотиладиган бир буюм қаторида санадилар ва Юсуфнинг итоатгўй куллардан эканини айтиб, уни сотишларини ҳам даъво қилдилар. Балки Юсуф қудуқдан тортиб олингач, бошидан ўтган воқеаларни уларга сўзлаб бергандир, аммо йўловчилар Юсуфни сотиб пул қилиш, ундан бирон манфаат кўриш мақсадида бу гапларга унчалик эътибор бермагандирлар.

“Аллоҳ уларнинг қилаётган амалларини билиб тургув-чидир”.

⁵⁰ “Тафсирул Алусий”, 12-жилд, 179-бет.

Яъни, Аллоҳ таолодан бирон нарса махфий қолмас. У Зот йў-ловчиларнинг Юсуфга қилган ноўрин ҳаракатлари, қудукдан тортиб олиб, уни арзон баҳога – арзимас дирҳамга сотиб юборган-ларини ҳам билиб туради.

“(Кейин) уни арзон баҳога – бир неча тангага сотиб юбордилар. (Чунки) улар қизиқмаган эдилар”.

Яъни, ўша мусофирлар Юсуфни ўз манфаатлари йўлида ишлатдилар. Уни бозорга олиб боргач, арзимас нархга пулладилар. Чунки ўша савдогарлар Юсуфнинг ўзлари билан қолишига унчалик ҳам рағбат қилмас, иложи борича уни озроқ пулга сотиб бўлса ҳам Юсуфдан қутулиш пайида эдилар.

“Уни Мисрдан сотиб олган киши хотинига: “Уни яхшилаб жойлаштиргин. Шояд бизга бирон фойдаси тегиб қолса ёки ўзимизга бола қилиб олармиз”, деди”.

Бу ерда Аллоҳ таолонинг Юсуф (алайҳиссалом)га кўрсатган очиқ-ойдин марҳамати баён қилинмоқда.

Айтишларича, уни сотиб олган киши ўша пайтда Миср мам-лакатада миршаблар бошлиғи эди. (Баъзилар Миср ҳокимининг ўзи деб айтишган. Балки аввал миршаблар бошлиғи, кейинчалик эса Миср подшоҳи бўлгандир.)

Яъни, ўша киши Юсуфни сотиб олгач, хотинига тайинлади:

– Юсуфни яхши жойга жойлаштириб, уни ҳурмат-эҳтиром қилгин, ундан яхшилик ва марҳаматингни дариғ тутма!

“Шояд бизга бирон фойдаси тегиб қолса ёки ўзимизга бо-ла қилиб олармиз”.

Бу жумла нима учун унга икром кўрсатиш сабабини изоҳлаб келмоқда. Яъни, шояд ушбу бола бизга турли ишларимизда манфаат келтирадиган салоҳиятлилардан бўлса ёки боқиб катта қилгач, уни худди ўз фарзандимиздек ҳисобласак. Чунки мен ун-да яхшилик аломатини кўрмоқдаман. Насл-насаби ҳам тозага ўхшайди. Хулқ-одоби ҳам гўзал кўринади.

“Ўзимизга бола қилиб олармиз”, жумласи уларнинг фарзанди бўлмаганлигига далолат қилади.

Сўнгра Аллоҳ таолонинг Юсуф (алайҳиссалом)га кўрсатган бошқа бир неъматлари хусусида сўз юритилади.

“Биз Юсуфни – унга барча тушларнинг таъбирини билдириш учун, ўша ерга жойлаштириб қўйдик. Аллоҳ ўз ишида ғолибдир, лекин одамларнинг кўплари билмайдилар”.

Яъни, Бизнинг Юсуфга кўрсатган марҳаматимиз сифатида унга кўплаб имкониятлар бердик, уни Миср юртига жойлаштирдик. Бундан кўзланган асосий мақсад у ердаги одамларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш эди. Бу имкониятларни унга беришдан яна бир мақсад Юсуфга тушларнинг таъбирини англатиш, ақли етук, сўзларнинг маъносини тўғри англаб етадиган кишилардан қилиш эди. Зеро, Аллоҳ таоло Ўзи ирода қилган кишиларга неъматларни комил қилиб бергувчидир. Уни бирон киши тўсолмас. Аллоҳнинг хоҳишига ҳеч ким қарши бора олмайди. Лекин кўпчилик одамлар бунинг асл ҳақиқатини англаб етмайдилар.

“Лекин одамларнинг кўплари билмайдилар”, жумласи Аллоҳ таолонинг баъзи хос бандаларига Ўз фазлидан илм, фаҳм-фаросат, басийрат нури, ҳикмат ва шу каби неъматларни ато қилишига далолат қилади. Улар шу орқали оддий инсон тушунмайдиган ҳақиқат, оддий кўз билан пайқаб бўлмайдиган тилсимотларни англаб етадилар.

Сўнгра Юсуф (алайҳиссалом)га кўрсатилган бошқа неъматлар ҳақида ҳикоя қилинади: **“Қачонки у вояга етгач, унга ҳикмат ва билим бердик. Биз чиройли амал қилгувчи зотларни мана шундай мукофотлаймиз”**.

Яъни, Юсуф (алайҳиссалом) вояга етиб, куч-қувватга тўлгач, Биз унга Ўз фазлу марҳаматимиз билан унинг ҳар бир айтган сўзи ва қилган ишига ҳикмат бердик. Шунингдек, унга манфаатли илм, дунё ва Охират ишларида фойдаси бўлсин деб тўғри фаҳм-фа-росат ато этдик. Худди шунингдек, ушбу марҳаматимиз ва буюк неъматларимизни Аллоҳ таоло буюрган амалларни ихлос билан, сидқидилдан бажарадиган, сўзи ва амалида содиқ бўлган сиддиқ кишиларга, фақат яхшилик қилувчи зотларга ҳам инъом этамиз.

*Вояга етгач Юсуф (алайҳиссалом)нинг турли хил
фитналарга дучор бўлиши*

Сураинг аввалги оятларида Миср ҳокими Юсуфни сотиб олиши ва ўз аёлига уни ҳурматлашни таъкидлаб айтгани ҳикоя қилин-ган бўлса, келгуси оятларда эса Юсуф (алайҳиссалом) ҳаётининг энг нозик ва хатарли босқичи ҳақида айтиб ўтилади. У ҳам бўлса, Юсуф (алайҳиссалом) вояга етиб, Аллоҳ унга ҳикмат ва илм бергач, турли хил фитна ва иғволарга учрашидир. Юсуф (алайҳиссалом) ушбу фитналарга қарши ўзининг соғлом қалби, чиройли одоби ва сабр-тоқати билан муносиб жавоб қайтарди. Аллоҳ таоло унга нажот берди.

Сурага кулоқ тутайлик, у бизга Миср ҳокими аёлининг қил-мишлари ва нафсининг хоҳишларига эришиш учун нималар қил-гани ҳақида ҳикоя қилади:

У уйида бўлган аёл уни йўлдан урмоқчи бўлди. Эшикларни маҳкам беркитиб: **“Келақолгин”**, деганида, у айтди: **“Аллоҳ сақласин. Ахир у менга яхши жойлар берган хожам-ку! Албатта, золим кимсалар асло нажот топмаслар!”** Ҳақиқатан, (Зулайҳо) унга интилди. Агар Парвардигоринг очиқ-хуж-жат аломатларини кўрмаганида у ҳам (Зулайҳога) интилган бўлар эди. Ундан ёмонлик ва бузукликни четлатиш учун мана шундай қилдик. Зеро, у покиза бандаларимиздандир. Иккаласи ҳам эшик томонга чопишди ва унинг кўйлагини орқа томондан йиртиб юборди. Эшик олдида эса хожаси-эрига йўлиқиб қолишди. (Шунда Зулайҳо): **“Сенинг оилангга ёмонлик қилмоқчи бўлган кимсанинг жазоси ё зиндон ёки аламли азобдир”**, деди. (Юсуф (алайҳиссалом)) айтди: **“Унинг ўзи мени йўлдан урмоқчи бўлди. (Шунда унинг) уруғларидан би-ри гувоҳлик бериб (деди): “Агар унинг кўйлаги олд томондан йиртилган бўлса, у ҳолда (Зулайҳо)нинг гапи ростдир ва (Юсуф) ёлғончилардандир. Агар кўйлаги орқа томондан йиртилган бўлса, у ҳолда (Зулайҳонинг) гапи ёлғондир ва (Юсуф) ростгўйлардан бўлур. Энди қачонки унинг кўйлаги орқа томондан йиртилганини кўргач: “Албатта, бу сизларнинг макр-хийлаларингиздандир. Дарҳақиқат, сизларнинг макрлари-нгиз жуда зўрдир. Юсуф, сен буни унутгин, сен эса (Зулайҳо), қилган гуноҳингга истиғфор айт-тавба қил. Чунки сен адашган кимсалардан бўлдинг”**, деди (Юсуф, 23–29).

“У уйида бўлган аёл уни йўлдан урмоқчи бўлди”. Ушбу оят билан Миср ҳокимининг уйида Юсуфнинг бошидан ўтказган воқеаларни ҳикоя қилиш бошланмоқда. Юсуф билан ўша аёл (Зулайҳо) ўртасида бўлиб ўтган ходиса ва аёлнинг Юсуфга худди ўзининг шаръий ҳалол эрига назар солгани каби шаҳват билан қа-рагани айтиб ўтилмоқда. Ушбу оятдан билиш мумкинки, Миср ҳокимининг

аёли ўз мақсадига ғаразли йўл билан бўлса-да эришишга тайёр, бунинг учун у макр-хийла ва найранглардан фойдаланишдан ҳам тап тортмас эди. Юсуф (алайҳиссалом) эса Аллоҳ таолодан қўрққанлиги учун у аёл талаб қилаётган нарсадан ўзини тийиб қолди. Аллоҳ таоло қиссада аёлнинг исмини зикр қил-май, балки, **“У уйида бўлган аёл”**, деб атамоқда.

Бундан мақсад унинг номини кўпчиликка ошкор қилмаслик, уни яширишдир. Бу юксак одоблардан биридир. Қуръони каримда ҳам ушбу услуб етакчилик қилади. *(Яъни, Қуръони каримдаги сураларда аксарият ҳолатларда атоқли исмлар – шаҳар, мамлакат, тарихий шахслар номлари, тарихий сана, ой ёки кунлар зикр қилинмайди. Асосан келтириладиган хабарнинг мазмун-моҳиятига, ибратли, насиҳатли томонларига эътибор қаратилади. Масалан, Каҳф эгаларининг сони қанча бўлгани ва уларнинг исми, нима билан шуғулланганлари, ўша воқеалар қачон ва қаерда бўлиб ўтгани ҳақида Қуръонда аниқ айтилмаган. Биздан талаб қилинадиган нарса улардан ибрат олиш, холос. – Таржимон.)*

“Эшикларни маҳкам беркитиб: “Келақолгин”, деганида...”.

Яъни, Зулайҳо ўзи ва Юсуф турган хонага олиб кирувчи барча эшикларни маҳкам ёпиб қўйди. Шу йўл билан Юсуф (алайҳиссалом)-ни мажбурлаб бўлса-да, ўз истагига қўндирмоқчи эди. Сўнг-ра унинг олдига келиб, ҳаёсизларча: **“Келақолгин”**, деди. Яъни, мана мен, сен учун ўзимни бағишладим. Бас, мен томон кел!

Зулайҳо томонидан айтилган ушбу очикдан-очик даъват унинг ўз рағбатини ошкора изҳор этишда учига чиққанлигига далолат қилади ва унинг бу гапидан аёлларга хос бўлган ибто-ҳаё тушунчалари унга ёт эканини ҳам билиб оламиз. Одатда, аёллар толиба эмас, балки матлуба бўладилар, яъни уларга эркаклар томонидан хоҳиш билдирилади. Бу соҳада ташаббус аёллардан эмас, эркак-лардан чиқиши лозим. Зулайҳо Юсуф (алайҳиссалом)-ни фитна-лантира бошлагач, у қатъий оҳангда шундай деди: **“Аллоҳ сақласин. Ахир у менга яхши жойлар берган хожам-ку! Албатта, золим кимсалар асло нажот топмаслар”**.

(Эслатма: Бу ерда “хожам” деб ифодаланган сўз аслиятда “роббий” лафзи билан келтирилади. Ушбу сўзнинг “раб, парвардигор” ҳамда “хожа, хўжайин” маънолари мавжуд. Баъзи тафсири китоблари-да ушбу оятдаги “раб” сўзи Аллоҳ таолога тегишли экани айтилган. Тантовий ушбу сўзни Аллоҳга тегишлилигини айтган бўлса-лар, Алоуддин Мансур ўз таржимасида уни “Хожам (хўжайиним)”, деб келтирган. Балки ушбу оятдаги мазкур сўз иккала маънода ҳам қўл-ланилса бўлар, унинг асл ҳақиқати фақат Аллоҳгагина маълумдир. – Таржимон.)

Яъни, Юсуф унга жавоб бера туриб, шундай деди:

– Аллоҳнинг Ўзи мени Ўз паноҳида асрасин! Мен фаҳш ва мункар ишларни содир этишдан сақланишда У Зотдан мадад сўрайман. Раббим мени кудуқдан кутқариб, шаънимни улуғ-лади, оддий бир инсондан иззат-икром соҳибига айландим. Ваҳоланки, Аллоҳ менга шунча неъматларини муҳайё қилиб қўйган экан, нима учун энди Уни ғазаблантирадиган, У Зот ро-зи бўлмайдиган гуноҳларни содир этишим керак экан? Йўқ, зинҳор-базинҳор бу ишга қўл урмайман. Чунки кимки Аллоҳни ғазаблантирадиган бирон ишни қилса, батаҳқиқ, у зиён кўр-гувчилардан бўлиб қолади!

Баъзи тоифалар **“Ахир У менга яхши жойлар берган...”** жумласини Зулайҳонинг эрига тегишли, деб айтганлар. У ҳолда оятнинг маъноси қуйидагича

бўлади: “Мени ўз пулига сотиб олиб, иззат-икром қилган, менга шафқат кўрсатган эрингга хиёнат қи-лиш ва унинг обрўсини топташдан Аллоҳнинг Ўзи сақласин!”

Ушбу жумлаларда айтилишича, Юсуф (алайҳиссалом) Зулай-ҳо-га Аллоҳ таоло ва эрининг ҳақларини мулойимлик билан тушунтириб, уни ўзи хоҳлаб турган шаҳватлардан тийилишга чақириб, огоҳлик сари даъват қилган.

“Албатта, золим кимсалар асло нажот топмаслар”. Бу Юсуф (алайҳиссалом)ни ўша аёл билан мункар ишни содир этишдан қайтариб турган бошқа бир сабаб эди.

Яъни, Аллоҳ таоло қайтарган мункар ишларни содир этишнинг оқибати бахтсизлик, муваффақиятсизлик, дунё ва охиратда катта бир зиён кўришдан бошқа нарса эмас. *(Бу ердаги “золим кимсалар” жумласи “зинокорлар” маъносида ҳам келади.)* Ақл ва шаҳват ўр-тасидаги ушбу шиддатли ва аёвсиз курашда Юсуф (алайҳиссалом) иффат, ҳаё, шараф ва омонатни ўзига қурол қилиб олди. Аммо ақл ва иффат, шаҳват ва нафс ўртасида кураш ҳали интиҳо топганича йўқ. Қуръони карим бизга воқеаларнинг ке-йинги ривожини ҳақида шундай ҳикоя қилади:

“Ҳақиқатан, (Зулайҳо) унга интилди. Агар Парвардигоринг очик ҳужжат-аломатларини кўрмаганида...”.

Ушбу ояти карима ҳақида муфассир олимлар кўплаб саҳиҳ ва ғайри саҳиҳ (ишонарсиз) қавлларни келтирадilar. Биз бу ерда фа-катгина ишончли маълумотларни келтириш билан чекланамиз. Уламоларнинг таъкидлашича, интилиш, хоҳлаш *(араб тилида “ҳаммун” дейилади)* икки хил бўлади. Биринчиси: қатъий азму қа-рор ва розилик билан бирон нарсани хоҳлаши. Агар бунда киши гуноҳ ишларга мойиллик билдирса, унга маломат қилиниб, гуноҳ унинг бўйнига юкланади. Иккинчи турдаги интилиш, қалбга беихтиёр келган, нафс томонидан қатъий бўлмаган интилишдир. Бу ҳолда киши маломат қилинмайди, чунки қалбга келаётган васвасани инсон ўз ихтиёри билан қайтариб қолиш қудратига эга эмас. Агар киши ушбу ҳолатда қалбига келган ёмон фикр асосида иш тутмаса, у гуноҳкор бўлмайди. Имом Бухорий ва Имом Муслим Абу Ҳурайра (розияллоху анху)дан ривоят қиладилар: “Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам) шундай деганлар: “Умматимнинг хаёлидан бирон нарса ўтганда, токи уни гапирмасалар ёки амалга оширмасалар, Аллоҳ уларни кечириб юборади”.

Миср ҳокими аёлининг Юсуфга бўлган рағбати кучли азм ва қатъий ният билан амалга оширилгани учун ҳам унинг бу хоҳи-ши гуноҳ турига киради. Чунки Зулайҳо, авваламбор, эшикларни бер-китиб олиб, сўнгра Юсуфга қарата: **“Келақолгин”**, деб айтди.

Яна уламоларнинг таъкидлашларича, Юсуф (алайҳиссалом)нинг хоҳиши фаҳш ишлардан ҳисобланмайди. Унинг Зулайҳога билдирган рағбати инсон табиатига хос бўлган хусусиятлардан-дир. Шунингдек, у азму қарор билан бўлмаган. Бунда инсон ма-ломат остига олинмайди ва бундай қилиш пайғамбарлик ма-қомига лойик ҳам эмас. Юқорида келтирилганларни худди ушбу ҳодиса-га ўхшатиш мумкин. Фараз қилинг, бир киши қаттиқ жазирама кунларнинг бирида рўза тутди. Бир маҳал у муздек сувни кўриб қолиб, ундан ичгиси келди. Аммо шариат унга рўзадор ҳолатида сув ичишни ман қилган. Бу ерда ҳам мазкур рўзадор сув ичишга мойиллик билдиргани учун маломат қилинмайди.

Оятдаги **“Парвардигорининг очик ҳужжат-аломати”**дан мурод Юсуф (алайҳиссалом) қалбидаги манфаатли илм уруғи, кучли имон эди. Шу йўл билан у аёлнинг чақирғига раддия билдириб, ўзини тийиб тура олди ёки ушбу оятдан

мурод Имом Ибн Жарир Табарий айтганидек: “Фаҳш ишларни содир этган кимсаларнинг Аллоҳ даргоҳида қанчалар укубатларга дучор бў-лишини кўриши” эди.

Оятнинг маъноси куйидагича: Зулайҳо Юсуфни Аллоҳ қай-тарган ишга кўндириши учун турли усулларни қўллади. Юсуф ҳам инсонийлик табиатидан келиб чиқиб, унга мойиллик билдирди. Аммо у Аллоҳ таолонинг тавфиқи билан ушбу қийин вазиятдан омон чиқиб кета олди, шаҳватлар устидан ғолиб келди. Аллоҳдан кўрққани туфайли У Зот белгилаб қўйган чегарани ҳатлаб ўтмади.

Ўтмиш ва ҳозирги замон муфассирларининг таъкидлашларича, **“Парвардигорининг очик ҳужжат-аломатлари”**дан му-род Аллоҳ бандаларини доимо кузатиб турганини ҳис қилиш (му-роқаб), Ундан кўрқиш, ва Аллоҳнинг белгилаб қўйган чегарала-рини билишдир. Ўтмиш муфассирлардан бўлмиш «Кашшоф» муаллифи (Маҳмуд Замахшарий) ушбу оятни куйидагича тушунтиради: **“Ҳақиқатан, Зулайҳо унга интилди”**. Яъни, Юсуф билан алоқа қилишни хоҳлади. **“(Юсуф) ҳам унга интилди”**. Яъни, Зу-лайҳо билан алоқа қилишга рағбат билдирди. **“Агар Парвардигорининг очик ҳужжат-аломатларини кўрмаганида...”**. Яъни, агар шундай бўлмаганида Юсуф Зулайҳо билан муносабат қилган бўлар эди.

Агар айтилсаки, Юсуф (алайҳиссалом) Аллоҳнинг пайғамбари бўлса, қандай қилиб гуноҳ ишга рағбат билдириши мумкин? Ушбу саволнинг жавоби шуки, Юсуф фақатгина алоқа қилишга майл билдирди, холос. Ёшлик шаҳвати уни шу нарсага ундади. Юсуфнинг қилган рағбати Зулайҳоникидек эмасди, агар шундай бўлганида Аллоҳ таоло уни Ўзининг пок бандаларидан эканини айтиб, уни мадҳ қилмаган бўларди.⁵¹

Муфассир олимлардан ҳисобланмиш Алусий (раҳматуллоҳи алайҳ) шундай дейди: **“Агар Парвардигорининг очик ҳужжат-аломатларини кўрмаганида...”**. Яъни, агар Юсуф зинонинг энг қабих жиноятлардан ва энг манфур йўллардан эканини билма-ганида, ўша ишни амалга оширган бўлар эди. Бу ердаги “кў-риш”дан мурод Аллоҳга аниқ, ҳеч бир шак-шубҳасиз, худди кўзи билан кўриб тургандек яқин имон билан ишонишдир.⁵²

Қисса давомида Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Ундан ёмонлик ва бузукликни четлатиш учун мана шундай қилдик. Зеро, у покиза бандаларимиздандир”**.

Яъни, унга яна кўплаб нарсаларни кўрсатдик, уни собитка-дамлардан қилдик, токи Юсуф ёмонлик ва фаҳш ишлар гирдобига тушиб қолмаслиги учун шундай қилди. Чунки у динида ихлосли бўлган покиза бандаларимиздан эди.

Сўнгра Юсуф ва Миср ҳокими аёлининг қиссаси янада ёр-қинроқ тарзда ҳикоя қилинади: **“Иккаласи ҳам эшик томонга чопишди”**. Яъни, уйнинг ташқари эшигигача улар иккиси қувлашиб боришди. Бунга сабаб, аёл ундан фаҳш ишни талаб қилганида, Юсуфнинг ўзини олиб қочиши эди. Зулайҳо ҳам унинг кетидан эшик олди-гача чопиб борди ва **“унинг кўйлагини орқа томондан йиртиб юборди”**. Яъни, орқада келаётган Зу-лай-ҳо ўз олдидаги Юсуфга интилиши натижасида кўйлагини йиртиб юборган эди. **“Эшик олдида эса хожаси – эрига**

⁵¹ "Тафсирул Кашшоф", 2-жилд, 311-бет.

⁵² "Тафсирул Алусий", 12-жилд, 191-бет.

йўлиқиб қолишди”. Яъни, улар бир-бирини қувлаб, эшик томон чопиша-ётганда, тўсатдан Зулайхонинг эри уларга дуч келиб қолди. Шун-да ўша аёл эрига қараб:

– **Сенинг оилангга ёмонлик қилмоқчи бўлган кимсанинг жазоси ё зиндон ёки аламли азобдир,** – деди.

Яъни, сенинг аёлингга нисбатан фақш ишларни хоҳловчи кимсаларга адолатли ва муносиб жазо бермоқ лозим. Бу жазо уни зиндонга қамаш ёки оғриқли қийнов билан азоб бериш орқали амалга оширилсин!

Зулайҳо айтаётган бу сўзлар унинг ўта маккора ва ҳийлакор аёллар сирасидан бўлганига ва ўз навбатида ҳукм қилишда эридан устун бўлганига далолат қилади.

Алусий (рахматуллоҳи алайҳ) ушбу фикрларни кўшимча қи-лади: “Ушбу аёл ўз эри олдида ҳийла ишлатди ва ҳийласида икки хил мақсадни кўзлади:

1) бўлиб ўтган воқеалардан сўнг ўзини фариштадек оппоқ қи-либ кўрсатиш;

2) Юсуфнинг итоатсиз экани ва қалбига кўрқув солганини рўқач қилиб, эрига унинг айбсиз эмаслигини уқтириш эди. Аёл ўша жумлани айтар экан, фақатгина Юсуфга хослаб: “Сенинг аёлинг-га ёмонлик қилмоқчи бўлган Юсуфнинг жазоси мана бу”, деб айтмади, балки умумий тарзда, барчага тегишли қилиб гапирди. Токи бошқалар ҳам бундан ибрат олиб, сергак тортсин-лар. Гўёки бу ҳаммага тааллуқли бўлган қонун эди. Сўнгра Зулай-хонинг Юсуфга бўлган кучли муҳаббати, азобни бир оз бўлса-да ортга суриш мақсадида, зиндонни эсга олишга ундади. Зеро, ошиқ ҳеч вақт ўз маъшуқасига озор етказиш пайида бўлмайди. Балки ушбу зиндон жазосидан мурод бир ёки икки кунлик муддат ичидаги енгил жазо туридир...”⁵³

Юсуф (алайҳиссалом) ўзига билдирилган қуруқ, ҳеч бир асоссиз тухматларга қарши фақатгина **“Унинг ўзи мени йўлдан ур-моқчи бўлди”**, дейиш билан чекланди, холос. Яъни, Юсуф ўзи-га билдирилаётган ноҳақ айбловларга қарши шундай деди:

– У айтганидек, мен унга ёмонлик қилмадим, балки унинг ўзи мени иғво ва тарғиб қилиб, ёмон ишни содир этишимга ундади.

Шу пайт **“(Зулайхонинг) уруғларидан бири гувоҳлик бериб (деди): “Агар унинг кўйлаги олд томондан йиртилган бўлса, у ҳолда (Зулайхонинг) гапи рост ва у ёлғончилардандир. Агар кўйлаги орқа томондан йиртилган бўлса, у ҳолда унинг гапи ёлғон ва (Юсуф) ростгўйлардан бўлур”**.

Баъзи тоифаларнинг таъкидлашича, ушбу гувоҳлик берувчи Зулайхонинг тоғасининг ўғли ёки бешикдаги бир гўдак бўлган. Бу ҳақида асарларда ҳам ривоятлар бор. Ибн Жарир, Байҳақий ва Имом Аҳмадлар Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қи-лишларича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деганлар: “Тўрт киши бешикда, гўдаклигига қарамай тилга кирган: “Ибн Мошита бинти Фиръавн, Юсуфнинг гувоҳи, Журайж соҳиби ва Исо ибн Марям”.

Нима бўлганда ҳам, Аллоҳ таоло ушбу машаққатли лаҳ-залар-да Миср ҳокимининг олдида Юсуфни оқлаб олиш учун бир гувоҳлик берувчи бўлишини ҳамда барчага таъсирли бўли-ши ва одамларда Юсуф пок эканига ҳеч бир шубҳа қилмас-ликлари учун ушбу гувоҳлик берувчи одам Зулайхонинг ўз қа-риндошлари орасидан бўлишини ирода қилди.

⁵³ “Тафсирул Алусий”, 12-жилд, 195-бет.

Гувоҳлик берувчи ўз гувоҳлигида шундай деди: «Агар Юсуфнинг кўйлаги олд томондан йиртилган бўлса, Зулайҳонинг “Юсуф менга ёмонлик қилмоқчи бўлди”, деб айтгани ростдир. Чунки бу ҳолат Юсуфнинг унга тажовуз қилгани ва аёлнинг ўзини ҳимоя қилиш учун кийимларни йиртиб юборганига далолат қилади. Агар шундай бўлса Юсуф: “Унинг ўзи мени йўлдан урмоқчи бўлди”, – деб ёлғон айтибди».

Бордию, унинг кўйлаги орқа томондан йиртилган бўлса, Зулайҳонинг гапи ёлғондир, чунки бу унинг қочганига ва эшиккача келаётганларида, интилиб кўйлагининг орқа қисмини йиртиб юборганини билдиради.

“Энди қачонки унинг кўйлаги орқа томондан йиртилганини кўргач: “Албатта, бу сизларнинг макр-хийлаларингиз-дан-дир. Дарҳақиқат, сизларнинг макрларингиз жуда зўр-дир!”, деди.

Бу жумла ҳақиқат рўйирост очилгач, эрининг Зулайҳога айтган гапидир. Яъни, қачонки Миср ҳокими Юсуфнинг кўйлаги орқа тарафдан йиртилганини кўргач, хотинига қараб маломат оҳангида шундай деди:

– Юсуф беайб бўлатуриб, унга тухмат тошларини отишинг, сиз аёлларнинг макр хийлаларингиздан биридир. Зеро, сизларнинг макр-хийлаларингиз ўз бобида жуда улуғ ва кучлидир. Кўпгина эркаклар ундан ўзларини сақлаб қола олмайдилар!

Миср ҳокими аёлига маломат тарзида хитоб қилиб бўлгач, Юсуфга юзланиб, шундай деди:

– **Юсуф, сен буни унутгин.** Яъни, эй Юсуф, сен билан Зулайҳо ўртасида бўлган воқеаларни эсингдан чиқар, унга эътибор берма. Уни бирон кимсага айтиб ҳам қўйма, уни уятга қўймаслик учун бу хабарни яшир, менинг ҳурмат ва иззатим ҳақи шундай қил!

Шундан сўнг хотини Зулайҳога қараб:

– **Сен эса (эй Зулайҳо), қилган гуноҳингга истиғфор айт-тавба қил. Чунки сен адашган кимсалардан бўлдинг,** – деди.

Яъни, сен Аллоҳга қилган гуноҳларинг – Юсуфни ёмон ишга чорлаб, сўнгра у пок бўлса-да, тухмат тошларини отганинг боис Аллоҳга кўплаб истиғфор айтгин.

Юқорида келтирилган ояти карималардан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

Ислом шариати ман қилганидек, эркак ва аёлларнинг бир жойда узоқ вақт бирга қолиши фаҳш ишларни ёйилишига сабаб бўлади. Шунингдек, бу иллатни одоб-ахлоқ меъёрлари ҳам инкор этади. Юсуф (алайҳиссалом)нинг Миср ҳокими аёли билан бир хонада туриши ва Юсуфнинг куч-қувватга тўлиб, айна пайтда хушсурат йигит экани, аёлнинг уни фитна қилишига сабаб бўлди, ҳатто ҳаёсизларча, Юсуфга қарата: **“Келақолгин”** деб айтишгача борди. Шубҳасиз, Зулайҳонинг ушбу сўзни айтишига омил бўлган нарса уларнинг узоқ муддат бирга бўлишларидир. Шу сабаб, фитнага етакловчи эшикларни тўсиш ва фаҳш ишларга кириб қолмаслик мақсадида Ислом шариати эркак ва аёлга бегоналар билан ёлғиз қолишни қатъий ман қилган.

Шу хусусда бир неча ҳадислар ворид бўлган. Жумладан, Имом Бухорий ва Имом Муслим Уқба ибн Омир (розияллоҳу анху)-дан ривоят қиладилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деганлар: “Сизлар (бегона) аёллар олдига киришдан сақланинглар!” Шунда ансорлардан бир киши деди: “Эй Расулуллоҳ, агар у эрнинг яқин одамларидан бўлса-чи?” У Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эрнинг яқин одамлари – ўлик (ёки ўлим)дир”, дедилар.

Эрнинг яқин одамлари сирасига унинг биродари ёки амакисининг фарзандларини киритиш мумкин. Яъни, эрнинг яқин одамлари заруратсиз ўзларига шаръий номаҳрам бўлган аёлларнинг олдига киришлари фаҳш ишларга етаклайди. Ҳаттоки бу нарсанинг охири ўлим билан ҳам ниҳоя топиши мумкин.

Ҳикоя қилишларича, бир қабиланинг аёл бошлиғи фаҳш ишга қўл уради. Шундан ундан: “Сен ахир обрў-эътиборли инсон бўл-санг, сени бу манфур ишни қилишга нима ундади?”, деб сў-рашганида, аёл шундай жавоб берган экан: “Мени ушбу ишни қилишга ундаган бирдан-бир сабаб, севгилимга яқин эканим ва у билан кўп, узок гаплашганимдир”.

Агар киши бирор ёмон ишни хоҳласаку, аммо кейин Аллоҳ-дан кўрқиб бундан қайтса, бунинг учун гуноҳга ботмайди, балки унинг айби кечирилади. “Саҳиҳи Муслим”да Абу Ҳурайра (ро-зи-яллоҳу анҳу) Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилади: «Фаришталар айтишадики: “Эй Раббимиз, анави банданг бир ёмон ишни қилмоқчи”. Шунда Аллоҳ бандасини улардан ҳам яхшироқ кўриб турган ҳолатда: “Уни кузатиб турунг-лар, агарда у ўша ёмон ишни содир этса, битта ёмонлик ёзинг-лар, агар (мендан кўрқиб) тарк этадиган бўлса, битта ҳасана (савоб, ажр) қилиб ёзинглар”, деб марҳамат қилади»;

Яна бир саҳиҳ ҳадисда шундай дейилади: “Аллоҳ умматим-нинг хаёлидан ўтган нарсаларни, агар гапирмаса ёки амалга оширмаса, албатта, кечириб юборади”.

Агар мўмин одам бирор гуноҳ ишга даъват қилинса, у дарҳол Аллоҳдан паноҳ сўраши ва уни ёмонликка чакирувчи кишига мазкур ишнинг зарари ҳамда ёмон оқибатларини зикр қилиб, эслатиб қўйиши лозимдир. Бу соҳада ҳаммамиз учун Юсуф (алайҳиссалом) ёрқин намуна бўла олади. У Зулайҳонинг чорловига қарши: **“Аллоҳ сақласин. Ахир у менга яхши жой берган хожам-ку! Албатта, золим кимсалар асло нажот топмаслар”**, деб жавоб қайтарди;

Юсуф (алайҳиссалом) ўз обрўсини сақлаган ҳолда ўзига билдирилган тухматлардан чиқиб кетди. Унга Аллоҳ таоло ва унинг бандалари гувоҳлик беришди;

Имом Фахр Розий айтади: “Билгинки, ушбу воқеа билан боғлиқ бўлганлар – Юсуф (алайҳиссалом), Миср ҳокимининг аёли, Миср ҳокими ва Оламлар Рабби Аллоҳ таолодир. Буларнинг ҳаммаси Юсуфнинг айбдан пок эканига гувоҳлик бердилар. Юсуфнинг ўзи-ни оқлашини ушбу оятларда кўрамиз: **“Унинг ўзи мени йўлдан урмоқчи бўлди”**. Ва яна **“Парвардигорим, мен учун булар мени чорлаётган нарсадан кўра зиндон яхшироқдир”**, деди. Миср ҳокимининг аёли шундай деганди: **“Уни мен йўлдан урмоқчи бўлган эдим. У шак-шубҳасиз, ростгўй зотлардандир”** (Юсуф, 51). Унинг эри бўлса, унга гувоҳлик бериб, деди: **“(Эй аёллар), Албатта, бу (иш) сизларнинг макр-хийлаларингиздандир. Дар-ҳақиқат, сизларнинг макрларингиз жуда зўрдир”** (Юсуф, 28). Аллоҳ таолонинг Юсуф айбсиз эканига гувоҳ беришини ушбу оятда кўришимиз мумкин: **“Ундан ёмонлик ва бузукликни четла-тиш учун мана шундай қилдик. Зеро, у покиза бандалари-миз-дандир”** (Юсуф, 24).

Ушбу қиссадан яна билиб олишимиз мумкинки, Миср ҳоки-мининг ўз аёли олдидаги мавқеи жуда заиф ва таъсирсиз эди. Шу сабаб у эрини қўлида ўйинчок қилиб ўйнатарди. Мана шу нарса унинг уятсизларча ва мақтанчоқлик билан: **“Дарҳақиқат, мен уни йўлдан урмоқчи бўлгандим, у покдомонлик қилди –**

бўй-сунмади. Қасамки, агар менинг амримни бажармас экан, Албатта, зиндонга ташланур ва хор-зор қилинур” (Юсуф, 33) де-йишига сабаб бўлди;

Қуръони каримда Юсуф ва Зулайҳо ўртасидаги ишқ можароси ҳаётий қилиб, айна пайтда ўта ҳикматли тарзда ифода-лан-ган. Бу ерда жумлаларни қўллашда асло одоб доирасидан чи-қилма-ган, уни эшитган одамнинг эҳтирослари жунбушга ҳам кел-майди. Шунингдек, Юсуф (алайҳиссалом) қиссасининг маъноси ҳам унинг ҳажмига муносиб. Қиссадаги ҳар бир кўриниш ҳикмат ва ибратга тўла.

Юсуф (алайҳиссалом): “Парвардигорим, мен учун булар мени чорлаётган нарсадан кўра зиндон яхшироқдир”

Энди, Миср ҳокимининг аёли ва Юсуф ўртасидаги бўлиб ўт-ган воқеа теваарак-атрофга ёйилгач, баъзи аёлларнинг бунга қан-дай муносабат билдиргани, уларга нисбатан эса Зулайҳо қандай чора қўлагани, Юсуфнинг улар таҳдиди ва фитнасига қарши қанақа йўл тутгани ҳақида ҳикоя қилинади. Аллоҳ таоло айтади:

“Шаҳардаги аёллар: “Ҳокимнинг хотини ўз хизматкорини йўлдан урмоқчи бўлибди. Роса юрагидан урибди-да! Албатта, бизлар уни очик залолатда деб биламиз”, дедилар. Энди қачонки (Зулайҳо) уларнинг иғволарини эшитгач, уларга одам юборди ва (келганларидан кейин) суяниб ўтирадиган жой тайёрлади ҳамда (анвойи мева-чевалар билан дастурхонни тўлдириб) улардан ҳар бирига пичоқ бериб қўйди. Кейин (Юсуфга) уларнинг олдига чиққин, деди. Бас, қачонки уни кўришгач (улар беихтиёр уни) олқишладилар ва (ўзлари сезмаган ҳолларида, қўлларидаги пичоқлари билан) ўз қўлларини кеса бошладилар. Ҳамда: “Эй пок Аллоҳ, бу башар (фарзанди) эмас, бу асл фариштанинг ўзи-ку”, деб юбордилар. (Шунда Зулайҳо) деди: “Мана шу йигит ҳақида сизлар мени маломат қилган эдингиз. Дарҳақиқат, уни йўлдан урмоқчи бўлганимда, у покдомонлик қилди. Қасамки, агар менинг амримни бажармас экан, албатта, зиндонга ташланур ва хор-зор қилинур”. (Юсуф (алайҳиссалом)) деди: “Парвардигорим, мен учун булар мени чорлаётган нарсадан кўра зиндон яхшироқдир. Агар ўзинг мендан уларнинг макрларини нари қилмасанг, уларга кўнгил бериб нодон кимсалардан бўлиб қоламан”. Бас, Парвардигори (Юсуфнинг дуосини) ижобат қилиб, уларнинг макр-ларини ундан нари қилди. У Зот, шак-шубҳасиз, эшитувчи, билгувчидир” (Юсуф, 30-34).

Шаҳардаги аёллар: “Ҳокимнинг хотини ўз хизматкори-ни йўлдан урмоқчи бўлибди”, дедилар.

Бу Зулайҳонинг хабари бутун шаҳарга тарқалгач, аёлларнинг у ҳақда билдирган фикрларидир. Одатда аёллар бирон мажлис ёки йиғилишда тўплансалар, дарров шу каби мавзуларда суҳбатла-шишга ҳарисманд бўладилар. Бирон нарсани оқизмай-томизмай, ипидан игнасигача бутун тафсилотлари билан бошқаларга ҳам етказадилар. Айниқса, бундай воқеа қаҳрамони шаҳар ҳокимининг аёли каби юқори мартаба ва олий табақалардан бирига мансуб бўлса, овоза ва миш-миш гаплар янада тез тарқалиб кетади.

Юқорида келтирилган оятнинг маъноси қуйидагича: Миср шаҳрининг бир тоифа аёллари танқид ва таажжуб маъносида шундай дедилар:

– Ҳокимнинг хотини юксак мартабали, обрў-эътиборли бўла туриб, ҳавойи-нафсига бўйсунибди, иффат чегарасидан чиқиб, ўз хизматкорини йўлдан урибди, турли ҳийла ва воситалар билан ҳирсини қондирмоқчи бўлибди-я! Ажаб!

Қуръони каримда ўша аёлларнинг сони ва уларнинг хусусиятлари ҳақида бирон нарса дейилмаган. Чунки бу асосий мақсад эмас. Бу ерда мақсад шуки, Мисрдек бир улкан шаҳарда Юсуф ва Миср ҳокими аёлининг ўзига яраша обрў-эътибори, шухрати бор эди. Одатда юқори табақадагилар бошқаларнинг шундоққина кўз ўнгида бўлади, улар билан содир бўлган ҳар бир воқеа-ҳо-дисалар тўлиқ тафсилоти билан бир зумда турли томонларга тарқалади. Агар улар камчиликка йўл қўйган бўлса, турли таъна ва маломатлар остида қоладилар.

“Роса юрагидан урибди-да!”. Бу ҳокимнинг аёли Юсуфни қаттиқ севиб қолганига далолат қилади.

“Албатта, бизлар уни очик залолатда деб биламиз”, де-дилар.

Яъни, биз уни катта ва очик-ойдин хато қилган деб биламиз. Ҳар бир оқил киши буни яхши билади. Чунки у хизматкорини тўғ-ри йўлдан уриб, ўз ҳирсини қинғир йўл билан қондирмоқчи бўлди.

Мазкур аёллар ушбу гапни “албатта” деб таъкидлаб айтмоқ-далар. Уларнинг бу ҳукми шунчаки чиқарилмади, балки ўйлаб, фикр юритиб, сўнгра бир қарорга келдилар ва уни очик залолатда эканини тасдиқладилар.

“Соҳибул Манор” айтади: “Улар бу гапларини ёмонликни инкор қилиш, разолатни қоралаш, ёки яхшиликни даъват қилиш мақ-са-дида айтмадилар, балки уларнинг мақсади шу гаплари орқали Зулайҳонинг мажлисида бўлиш ва Юсуфни кўриш эди. Бу – фикр эмас, макр-дир”.⁵⁴

Лекин, ҳокимнинг аёли ҳам анойилардан эмасди, унинг мак-ри ўша аёлларнинг макридан ҳам ўтиб тушди.

“Энди қачонки (Зулайҳо) уларнинг иғволарини эшитгач, уларга одам юборди ва (келганларидан кейин) суяниб ўтира-диган жой тайёрлади...”

Яъни, Зулайҳо бир тоифа аёлларнинг ўзи ҳақида ёмон фикр-да эканликларини пайқагач, уларга одам юбориб, ўз ҳузурига ча-қирди, турли ноз-неъматлар билан дастурхон ясатди ва уларга суя-ниб ўтиришлари учун ёстик, кўрпачалар тайёрлаб қўйди. Чунки бу билан Зулайҳо уларни кўпроқ ўз ҳузурида ушлаб турмоқчи эди. Қачонки аёллар келишгач **“улардан ҳар бирига биттадан пичоқ бериб қўйди”**. Бундан мақсад, гўшт ва мева кабиларни кесаёт-ганда қўлларини кесиб олишлари эди.

Ушбу келтириб ўтилганлар, ўша вақтда Мисрда моддий ма-даният ниҳоятда юқори даражада ривожланганлигидан дарак беради.

Зулайҳо аёлларга пичоқ бергач, Юсуфга қарата:

– **Уларнинг олдига чиқ**, – деди. Яъни, бор, уларнинг олдига чиқ, улар еб-ичиб, кўрпачаларда суянган ҳолларида ўтирибдилар, меҳмонларимга кўриниш бер!

Юсуф унинг амрига бўйсунишга мажбур бўлди ва унинг олдига чиқди.

“Бас, қачонки уни кўришгач (улар беихтиёр уни) ол-қиш-ладилар ва (ўзлари сезмаган ҳолларида, қўлларидаги пи-чоқлари билан) ўз қўлларини кеса бошладилар. Ҳамда: “Эй пок Аллоҳ, бу башар (фарзанди) эмас, бу асл фариштанинг ўзи-ку”, деб юбордилар”.

⁵⁴ “Тафсирул Манор”, 12-жилд, 291-бет.

Яъни, Юсуф уларнинг олдига киргач, унинг гўзал жамолини, хушсурат чиройини кўрган аёллар довдираб, ўзларини йўқотиб қўйдилар, сезмаган холларида пичоқ билан кўлларини кесиб, жа-роҳатладилар. Ва таажжуб билан:

– Биз кўриб турган бу йигит бошқа одамларга ўхшамас экан. У ҳуснда тенгсиз экан, худди муқарраб фаришталардан бирига ўх-шайди, унинг кўрки ақлларни лол қилади!

Шу ерда ҳокимнинг аёли ўзини бир ютукқа эришгандек ҳис қилди ва фахрланиб ҳамда ҳаёсизларча:

– **Мана шу йигит ҳақида сизлар мени маломат қилган эдингиз, – деди.**

Яъни, шундай экан, эй аёллар, унга муҳаббат қўйганим учун мени маломат қилманглар. Энди, ҳаммасини билиб олдингиз, мен билан бўлган ҳодиса узрлидир...

Сўнгра Зулайҳо ҳаммасини олдида ўзининг махфий сирини ва айбини ошкор қилади: **“Дарҳақиқат, уни йўлдан урмоқчи бўл-ганимда, у покдомонлик қилди”.**

Яъни, мен уни турли усуллар билан ўз измимга солиш, рағ-батимни адо этиш учун ишлатмаган ҳийлам қолмади. Аммо у инкор қилди ва қаттиқ туриб қаршилиқ кўрсатди.

Кейин ҳаммага эшиттириб, мақтанчоқлик билан ва таҳдид оҳангида деди:

– **Қасамки, агар менинг амримни бажармас экан, албат-та, зиндонга ташланур ва хор-зор қилинур.**

Яъни, агар Юсуф менинг амримга бўйсуниб, истаган нарсамга ижобат қилмас экан, у ҳолда унинг борар жойи қоронғи зиндон-дир ва у ерда хор-зор бўлиб, таҳқирланади.

Ушбу таҳдидли гаплардан билинадикки, Зулайҳо эри бўлмиш Миср ҳокимидан ҳам ўзини устун кўяр, унга ўз ҳукмини ўтка-зишга ҳаракат қилар эди. Миср ҳокими ҳам унинг бирон амрига хилоф иш юрита билмас, чизган чизиғидан чиқолмасди. Бу ошқора таҳдидни эшитгач ва у аёлнинг ўз шаҳвоний нафсини қон-дириш йўлида яна ҳаракат қилишга бошлаганини сезгач, Юсуф Аллоҳ таолодан ёрдам сўраб У Зотга илтижо қилди, Ундан ҳимоя сўраб шундай деди:

“Парвардигорим, мен учун булар мени чорлаётган нарсдан кўра зиндон яхшироқдир. Агар ўзинг мендан уларнинг макрларини нари қилмасанг, уларга кўнгил бериб нодон кимсалардан бўлиб қоламан”.

Яъни, эй Раббим, ўша аёл ва у билан бирга бўлганлар мен учун тайёрлаб қўйган зиндон улар мени чорлаётган фаҳш ишлардан яхшироқдир.

Юсуф бу ерда “булар мени чорлаётган нарсдан кўра” деб кўп-лик шаклида айтди, балки “у мени чорлаётган” демади. Бу ўша аёллар бир бўлиб, уни бевосита ёки билвосита фаҳш ишларга жалб қилганликларидан дарак беради. Бу фитна аёллар Юсуфнинг шакли шамойили ва чиройини кўрганларидан сўнг бошланди.

Юсуф (алайҳиссалом) ўзининг инсон сифатида ожизлигини тан олиб шундай деди:

– Агар Сен, эй Раббим, мени уларнинг макр-ҳийла ва фит-на-ларидан омонда сақламасанг, уларга мойиллик билдириб, даъват-ларига ижобат қилиб қўйишим мумкин ва уларга эргашганим туфайли ўз шаҳватлари ва ҳавойи-нафсларига эргашувчи, қабих, разил, фаҳш ишларни содир этувчи жоҳил ва аҳмоқ кишилардан саналиб қоламан!

Аллоҳ таоло бандаси бўлмиш Юсуфнинг ихлос билан қилган дуосини ижобат қилиб, уларнинг макрларини узоқлаштирди.

“Бас, Парвардигори (Юсуфнинг дуосини) ижобат қилиб, уларнинг макрларини ундан нари қилди. У Зот шак-шубҳасиз эшитувчи, билгувчидир”.

Яъни, Аллоҳ таоло Ўз лутфу карами ва қудрати нишонаси сифатида Юсуфни ўша аёллар макридан сақлади. Аллоҳ ўша аёлларнинг қалбларига Юсуфнинг ижобатидан умидсизланиш фикрини солди, Юсуфнинг қадамини собит қилди, имонига зиёдалик ва қувват ато этди. Натижада у аёлларнинг макрига алданмади, уларнинг тарғиб ва таҳдидлари олдида ўзини йў-қотиб қўймади. Аллоҳ дуо қилгувчи бандаларининг дуосини Эшитгувчи, ихлосли кишиларнинг илтижоларини қабул қи-лувчи, қалбларнинг ҳолатидан, уларнинг яхши ёки ёмон ният қилганини мутлақ билувчи Зотдир.

Ибн Касир айтади: “Аллоҳ таолонинг Юсуф (алайҳиссалом)га нажот беришининг сабаби шуки, у ёш йигит, чиройли ва хушсу-рат бўла туриб бекаси, Миср ҳокимининг аёли лаззат олишга чақирганда буни инкор қилди, Аллоҳ таолодан кўрққан ва Унинг савоб беришидан умид қилган ҳолида зиндонни ихтиёр этди. Зеро, “Саҳиҳайн”да Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-дан ривоят қилинадики: “Етти тоифа кишиларни Аллоҳ таоло соя-сидан бошқа соя бўлмайдиган кунда Ўз соясига олади. Булар: одил имом, Раббига итоатда улғайган йигит, қалби масжид билан боғлиқ киши, мансаб ва чирой соҳиби бўлган аёл ундан (лаззат олишни) талаб қилганида, “Мен Аллоҳдан кўрқаман”, дея рад қилган инсон, махфий ҳолда садақа қиладиган, ҳатто ўнг қўли берганини чап қўли билмайдиган киши ҳамда ёлғиз қолганида Аллоҳдан кўрқиб, кўз ёш тўккан киши”.⁵⁵

Юсуф (алайҳиссалом) зиндонда ҳам Аллоҳ таоло учун ихлос билан ибодат қилишга чақиришдан тўхтамади. Бекасининг талабини рад этган Юсуф гуноҳсиз бўла туриб зиндонга ташланди. Шунда ҳам у одамларни Ёлғиз Аллоҳ таолога ибодат қилишга чақириб, Ундан ўзга сохта маъбудларни тарк қилишга даъват қилишда давом этди. Бунда ўзини қувватловчи бир неча далилларни ҳам келтириб ўтди ва зиндондаги икки ҳамроҳи кўрган тушини тўғри таъбир қилди.

Келинг Қуръони каримга қулоқ тутайлик. У бизга ўзининг бетак-роп ва таъсирли услуби билан мазкур воқеаларни ҳикоя қиладди:

“Сўнгра улар оят-аломатларни кўрганларидан сўнг, уни бир неча вақтгача зиндонбанд қилиб туриш маъқул кўринди. Зиндонга у билан бирга яна икки йигит тушган эди. Улардан бири: “Мен тушимда шароб тайёрлаётган эмишман”, деди. Бошқаси эса: “Мен бошим устида нон кўтариб турган-мишман, қушлар ундан еяётган эмишлар. Сен бизга шунинг таъбирини айтиб берсанг. Биз сени чиройли амаллар қилгувчи киши эканлигингни кўриб турибмиз” деди. (Юсуф (алайҳиссалом) айтди: “Мен сизларга ризқ бўладиган (хар қан-дай) таом олдингизга келишидан илгари унинг таъвилини айтиб бера оламан. Бу Парвардигорим менга билдирган нарсалардандир. Чунки мен Аллоҳга имон келтирмайдиган ва охиратни мутлақо инкор қилувчи қавмнинг динини тарк этган кишиман. Ва мен ота-боболарим Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубларнинг динига эргашаман. Биз (яъни пайғамбарлар) учун Аллоҳга бирон нарсани шерик қилиш жоиз эмасдир. Бу Аллоҳнинг биз – пайғамбарларга ва барча одамларга қил-ган фазл-марҳаматларидандир. Лекин одамларнинг кўпла-ри шукр қилмайдилар.

⁵⁵ “Тафсиру Ибн Касир”, 4-жилд, 313-бет.

Эй ҳамзиндон дўстларим, турли туман “худолар” яхшироқми ёки ягона ва ғолиб Аллоҳми? Сизлар эса, У Зотни кўйиб, ўзларингиз ва ота-боболарингиз атаб олган номлар-бутларгагина ибодат қи-ласизлар. Ахир Аллоҳ уларга бирон хужжат туширмаган-ку? Ҳукм-ҳокимлик фақат Аллоҳникидир. У Зот сизларни фа-қат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин одамларнинг кўплари буни билмайдилар. Эй ҳамзиндон дўстларим, энди сизларнинг биринчингизни айтсак, бас, у яна ҳожасига соқийлик қилур. Аммо иккинчингиз эса дорга осилиб, қушлар унинг бошидан чўқирлар. Сизлар таъбир сў-раётган иш битди. (Юсуф (алайҳиссалом)) у икковининг ичидан қутулиб кетади, деб ўйлаган кишига: “**Ҳожамнинг олдида мен ҳақимда зикр қилгин**”, деди. (Лекин) шайтон ҳожасига зикр қилишни унинг ёдидан чиқариб, у бир неча йил зиндонда қолиб кетди” (Юсуф, 35–42).

“Сўнгра улар оят-аломатларни кўрганларидан кейин, уни бир неча вақтгача зиндонбанд қилиш маъқул кўринди”.

Бу Юсуфнинг бегуноҳ экани маълум бўлгач, Миср ҳокими ва аъёнларининг Юсуф устидан чиқарган ҳукмлари эди.

Бу ердаги “оят-аломатлардан” мурод – Юсуфнинг айбсиз эканини тасдиқловчи далиллардир. Масалан, кўйлагини орқадан йиртилгани, ҳокимнинг аёли: **“Дарҳақиқат, мен уни йўлдан урмоқчи бўлдим”** дегани, бир гувоҳнинг Юсуф ростгўй ва аёли ёлғончилиги ҳақида шаҳодат берганлиги ва бошқа далиллар.

Оятнинг маъноси қуйидагича: Миср ҳокими ва аъёнлари Юсуфнинг беайб эканини исботловчи хужжат-далилларни ўз кўз-лари билан кўришгач, у тўғрисидаги фикрлари ўзгарди ва маълум муддатгача зиндонбанд қилишга қарор қилдилар. Уларнинг бундай қарор қилишларида Зулайҳонинг ҳам сезиларли таъсири бўлди. Бунда Миср ҳокими аёлининг измига тўлиқ бўйсунди. Ҳолбуки, асосий ва адолатли ҳукми Миср хо-кимининг ёлғиз ўзи чиқариши лозим эди.

“Соҳибул Кашшоф” айтади: “Миср ҳокими аёлига тўлиқ итоаткор эди. У гўёки ўз соҳибига исён қилмайдиган, ювош туя бў-либ, унинг тизгини аёлининг қўлида бўлган. У Юсуфнинг беайб эканини кўра-била туриб, одил ҳукм чиқаришдан ожиз қол-ди. Аёлининг ихтиёрига биноан Юсуфни зиндонбанд қилди. Аёл бу билан Юсуфни ўз талабига кўндирмоқчи, уни бир жазолаб кўр-моқчи ва ўзига бўйсундирмоқчи эди”.⁵⁶

Шундан сўнг Аллоҳ таоло Юсуфнинг зиндондаги аҳволини баён қилади: **“Зиндонга у билан бирга яна икки йигит тушган эди”.** Айтилишича, бу икки йигитнинг биринчиси подшоҳнинг новвойи ва иккинчиси соқийси бўлган. Улар подшоҳга хиёнат қилганликда айбланиб, зиндонбанд этилгандилар.

Яъни, Миср ҳокими ва аъёнлари Юсуфни зиндонбанд қилиш-га ҳукм қилишди ва у билан зиндонга аввал подшоҳ хизмат-кор-ларидан бўлган яна икки йигит ҳам ташланди. Уларнинг бирин-чиси подшоҳнинг соқийси бўлиб, у Юсуф (алайҳиссалом)га шундай деди: **“Мен тушимда шароб тайёрлаётган эмишман”.** Уларнинг иккинчиси, подшоҳнинг новвойи бўлиб, у деди: **“Мен ту-шимда кўрдимки, бошим устида нон солинган бир саватни ушлаб турганмишман, у нондан қушлар еяётганмиш”.**

⁵⁶ “Тафсирул Кашшоф”, 2-жилд, 319-бет.

Яъни, эй Юсуф, биз кўрган ушбу тушни таъбир қилиб бер, чунки биз сени тушларнинг таъбирини яхши биладиган кишилардан деб ўйламоқдамиз. Шунингдек, зиндондаги бошқа одамларга яхши-лик қилишингни кўриб, сени солихлардан деб гумон қилмоқдамиз.

Юсуф (алайҳиссалом) уларнинг тушини таъбир қилишдан аввал ўзини ва динини таништирди ҳамда у иккисини Аллоҳ таолога ибодат қилишга чақирди. Аллоҳнинг ёлғиз Ўзи ибодат қилишга муносиб эканини тасдиқловчи кўплаб далилларни кел-тирди. Бу ўз ақидаси ва динига содиқ қолувчи, уни одамлар орасида ёйилишига харисманд бўлган ҳар бир солих, ақлли, мухлис банданинг тутган йўлидир. Зеро, улар ҳикматли сўзлари билан ўзгаларни Аллоҳга имон келтириш ва У Зот буюрган амрлар бўйича ҳаёт кечиришга чақирадилар ҳамда улар ҳам бундай кишиларнинг даъватларига жавоб қиладилар.

Шундан сўнг Юсуф (алайҳиссалом) у иккисининг саволига жавоб беришни бошлади:

“Мен сизларга ризқ бўладиган (ҳар қандай) таом олдингизга келишидан илгари унинг таъвилини айтиб бера оламан”. Яъни, тушларнинг таъбирини сўраган зиндондаги икки ҳамроҳига қарата Юсуф шундай деди:

– Зиндонда ўтирган ҳолингизда сизларга ризқингиз қандай келмасин, мен унинг асл моҳияти, кайфияти ва бошқа жиҳатла-ри-дан хабар бераман.

Бу сўзларни Юсуф у иккисини ўзига ишонтириш, Ҳақ йўлга қилган даъватини қабул қилишлари учун айтган эди.

“Бу Парвардигорим менга билдирган нарсалардандир”. Юсуф (алайҳиссалом)нинг бу гапнинг айтишдан мақсади – уларнинг фикрига, бу айтаётгани коҳинлик, мунажжимлик ёки шу каби Дин тасдиқламайдиган нарса бўлиши мумкин, деган ҳаёл келишининг олдини олиш эди.

Сўнг қуйидагиларни кўшимча қилди: **“Мен Аллоҳга имон келтирмайдиган ва Охиратни мутлақо инкор қилувчи қавм-нинг динини тарк этган кишиман”.**

Яъни, мен бандаларини яратиб, уларни ризқлантирувчи ёлғиз Аллоҳга ибодат қилмайдиган, Охиратда бандалар ҳисоб-ки-тоб қилинган, савоб ва иқоб берилишига ишонмайдиган ва имон келтириш лозим бўлган нарсаларни инкор қилувчи бўлган бир кофир қавм динини тарк қилдим.

Ушбу жумлаларда Миср ҳокими ва унинг қавми ширк ва куфр ичида бўлганлари яққол акс этиб турибди. Юсуф (алайҳисса-лом) ушбу икки йигитни “сизлар ҳам ўша қавмнинг динидасизлар”, деб юзларини шувут қилмай, балки Ҳақ динга мойиллик билдиришлари эҳтимоли бўлгани учун уларнинг ҳолини умумий тарзда гапириб ўтди.

Ҳа, ақлли даъватчилар шундай йўл тутадилар. Улар Аллоҳ-нинг йўлига қўрқитиш ёки мажбурлаш билан эмас, балки ҳикмат ва чиройли панд-насихатлар билан одамларни даъват қиладилар.

Юсуф (алайҳиссалом) кофир қавмнинг динини тарк этди ва шундан сўнг ўзи қайси динга мансублигини айтиб ўтади: **“Ва мен ота-боболарим Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубларнинг динига эргашаман”.**

Юсуф (алайҳиссалом) уларни оталарим, деб айтмоқда (*Аслиятда шундай берилган. – Таржумон.*) Чунки боболар ҳам ота ўрни-дадилар. У аввало энг катта бобосини, сўнг унинг ўғлини, сўнг-ра ўз отасини зикр қилди. Сабаби Иброҳим (алайҳиссалом) ушбу миллатнинг бош бўғини ҳисобланиб, ундан Исҳоқ

(алайҳисса-лом), Исҳоқ (алайҳиссалом)дан эса, Яъқуб (алайҳиссалом)лар уш-бу дин таълимотларини қабул қилиб олганлар.

“Биз учун Аллоҳга бирон нарсани шерик қилиш жоиз эмасдир”. Бу ширкдан бутунлай ўзини йироқ тутишдир. Яъни, бизларга хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик бўлсин, Аллоҳга ибодат қилишда бирон нарсани шерик қилиш дуруст эмас. Чунки биз пайғамбарлар силсиласиданмиз, Аллоҳ бизларга бундай иллатдан паноҳ берган.

“Бу Аллоҳнинг биз – пайғамбарларга ва барча одамлар-га қилган фазл-марҳаматларидандир”. Бу Юсуф (алайҳисса-лом)-нинг ўзи ва ота-боболарига Аллоҳ кўрсатган ғамхўрлигининг эътирофи ҳисобланади. Яъни, Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзига ихлос билан ибодат қилишдек неъматни Аллоҳ биз пайғамбарларга ва Ҳақ Йўлга ҳидоят қилинган кишиларга ато этди. Бироқ одамларнинг кўпчилик қисми Аллоҳнинг буюк инъомлари ва беҳисоб неъмат-ларига шукр тариқасида Унга ибодат қилмайдилар.

Юсуф (алайҳиссалом) зиндондаги икки суҳбатдошига ўзи, ди-ни ва ота-боболари ҳақида хабар бергач, энди эътиқод қила-ётган ақиданинг энг тўғри ақида эканлигини исботловчи далиллар келтиришга ўтади.

“Эй ҳамзиндон дўстларим, турли-туман “худолар” яхши-роқ-ми ёки ягона ва ғолиб Аллоҳми?”

Яъни, эй зиндондаги менинг икки дўстим, айтингларчи, ўз зоти ва сифати турлича ва ихтилофли бўлган сохта “худо”ларга ибодат қилиш яхшими ёки Ўз зоти ва сифатида яккаю ёлғиз, барча ишларда ғолиб бўлган Аллоҳ таолога ибодат қилишми? Шубҳа-сиз, сизларни яратиб, ризқлантирувчи Аллоҳга ибодат қилишингиз энг тўғри йўлдир. Зеро, сизларнинг яратилишингиздан мақсад ҳам Ўзига ибодат қилишларингиздир.

Шундан сўнг Юсуф (алайҳиссалом) уларнинг ботил ақида-сини қоралаб, танқид қилишга ўтади: **“Сизлар эса У Зотни қў-йиб, ўз-ларингиз ва ота-боболарингиз атаб олган номлар-бутларгагина ибодат қиласизлар”.**

Яъни, сизлар Аллоҳга ибодат қилиш ўрнига, қаёқдаги ўзла-рингиз ва аввалги ота-боболарингиз турли номлар билан атаб олган сохта илоҳларга сиғинасизлар. Аслида, уларнинг маъбуд-лиги ҳақиқатдан буткул йироқ, улар ризқлантирувчи эмас, ўз-лари ризқлантирилгувчи, яратувчи эмас, ўзлари бошқалар томонидан яратилгувчидир. *(Бу ерда бут-санамларни одамлар ўз қўллари билан тош ёки ёғочлардан ясаб, йўниб олишлари назарда тутилмоқда. – Таржимон.)*

“Ахир Аллоҳ уларга бирон хужжат туширмаган-ку”? Яъни, Аллоҳ сизларга уларни турли ном билан атаб, ибодат қилиш-ларингиз лозимлиги ҳақида бирон далил-хужжат ёки кўр-сатма туширмаган-ку!

“Ҳукм-ҳокимлик фақат Аллоҳникидир. У Зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир. Энг тўғри дин мана шудир”. Мазкур сўзларни айтиш билан Аллоҳнинг ваҳ-дониятига далолат қилувчи далилларни келтиргач, Унинг Ўзи-гагина ихлос билан ибодат қилишга чақирилмоқда.

“Лекин одамларнинг кўплари буни билмайдилар”. Яъни, одамларнинг кўплари шахватларига эргашганлари ва нафсларига муте бўлганликлари боис, Аллоҳнинг Ёлғиз Ўзига ибодат қилиш лозимлигини билмайдилар, билсалар ҳам бўйинлари ибодат қилишга ёр бермайди. Юсуф (алайҳиссалом) Аллоҳнинг йўлига даъват қилгач, энди туш таъбирини айтишга ўтади:

“Эй ҳамзидон дўстларим, энди сизларнинг биринчи-н-гизни айтсак...” Бу подшоҳнинг соқийси бўлиб, туш таъбирига кўра, оқланиб зиндондан чиққач, яна подшоҳга соқийлик қили-ши керак эди.

Иккинчиси, подшоҳнинг новвойи бўлиб, у қатл қилиниб, ўл-га-нидан сўнг кушлар бошидан чўқишлари айтилди.

“Сизлар таъбир сўраётган иш битди”. Яъни, сизлар мендан тушларингизни тўғри таъбир қилиб беришни сўраган эдингиз. Мен Аллоҳ билдирганини сизларга маълум қилдим.

“(Юсуф (алайҳиссалом) у икковининг ичидан қутулиб кетади, деб ўйлаган кишига: “Хожамнинг олдида мен ҳақимда зикр қилгин”, деди. (Лекин) шайтон хожасига зикр қилишни унинг ёдидан чиқариб, у бир неча йил зиндонда қолиб кетди”).

Яъни, Юсуф у иккиси ичидан қутулиб, озодликка чиқади, деб ўйлаган подшоҳнинг соқийсига:

– Эй соқий, зиндондан чиқиб, аввалги лавозимингга қайтга-нингда, подшоҳнинг олдида мени эсла ва менинг бегуноҳ, мазлум эканимни унга етказ! – деб тайинлади.

Лекин, соқий аввалги ишига қайтгач, ўзига юклатилган вазифани бажармади. Чунки шайтон унга Юсуф айтган сўзларни унуттирган эди. Натижада Юсуф зиндонда бир неча йил қолиб кетди.

(Биз “бир неча йил” деб келтирилган жумла арабий матнда “бизъун”, тарзида берилган. Бу учдан еттигача бўлган миқдорни англатади. – Таржимон.)

Айтилишича, соқий зиндондан озод бўлгач, Юсуф у ерда яна етти йил қолиб кетган.

Шу ергача, Қуръони карим бизларга Юсуфнинг зиндондаги ҳаётини қизиқарли тарзда ҳикоя қилди. Хўш, воқеалар ривожини қандай бўлади?

Подшоҳнинг туш кўриши ва Юсуф (алайҳиссалом)нинг уни қандай таъбир қилгани

Қуйидаги ояти карималар бизга, Аллоҳ таолонинг Юсуф (алайҳиссалом)га енгиллик бергани, бунга сабаб подшоҳнинг уйқусида кўрқинчли туш кўргани, уни ҳеч ким тўғри таъбир қила олмагач, охири бу ишга Юсуф (алайҳиссалом)ни чорлаганлари ҳақида ҳикоя қилади:

“(Кунларнинг бирида Миср мамлакатининг) шоҳи:⁵⁷ “Мен тушимда еттита ориқ сигир еттита семиз сигирни еяётганини ва еттита яшил бошоқ билан бирга бошқа қуриган (еттита бошоқ)ни кўрдим. Агар тушларнинг таъбирини айта олувчи бўлсангизлар, бу тушимнинг таъбирини айтинглар-чи”, деди. Улар дедилар: “Бу алоқ-чалок тушлар экан, биз бундай тушларнинг таъбирини билгувчи эмасмиз”. (Шунда) ҳалиги икки (маҳбус)нинг зиндондан қутулиб чиққани, шунча муддат ўт-гач, энди ёдига тушиб, деди: “Унинг таъбирини сизларга мен айтиб берурман, фақат мени унинг олдида олиб боринглар”. (Унга рухсат берилгач, зиндондаги Юсуфнинг олдида кириб, айтди): “Юсуф, эй ростгўй зот, сен бизга еттита ориқ сигир еттита семиз сигирни еяётгани ҳақида ҳамда еттита яшил бошоқ билан бирга турган бошқа қуриган (етти бошоқ) ҳақидаги

⁵⁷ (Баъзи ривоятларда унинг исми Райён ибн Валид деб келтирилади. – Таржимон.)

(туш) таъбирини айтиб бергин. Шояд мен одамлар олдига қайтиб боргач, улар хам билиб олишса”. (Юсуф (алайҳиссалом)) деди: “Сизлар пайдар-пай етти йил (дон) экасишлар. Кейин ўриб олган ҳосилингизни ўз бошоғида қолдиринглар, магар ейдиган озгина озуқаларингизнигина (янчиб оласизлар). Сўнгра ўшандан кейин етти йил қаҳатчилик бўлиб, ўша (йиллар) учун тайёрлаб-асраб қўйган бор ҳосилингизни еб кетар. Магар озгина (уруғлик учун) асраб қўйган донларингизгина қолур. Сўнгра ўшандан кейин бир йил келурки, унда одамлар ёғингарчилик остида қолурлар ва (турли мевалардан) шароблар тайёрлаб олурлар” (Юсуф, 43–49).

Ибн Касир айтади: “Подшоҳ кўрган мазкур туш – Аллоҳ тао-лонинг Юсуфни зиндондан чиқариш учун қилган тадбири эди. У тушидаги воқеалардан жуда кўрқиб кетди ва мамлакатнинг энг кўз-га кўринган коҳинлари, юртнинг доврўгли кишиларини хузурига чорлаб, уларга кўрган тушини ҳикоя қилиб бериб, туш таъбирини сўраганида бирон киши унга жавоб қайтара олмади”.⁵⁸

Қулоқ солинг, подшоҳ ўз тушини кўрқинч ва ҳаяжон билан сўзлаб беради: “**Мен тушимда еттита ориқ сигир еттита семиз сигирни еяётганини ва еттита яшил бошоқ билан бирга бошқа қуриган (еттита бошоқ)ни кўрдим**”.

Яъни, эй ашрофларим, уламолар! Менга ушбу тушимни таъбир қилиб беринглар, у нимадан далолат беришини менга хабарини беринг. Агар тушларнинг таъбирини тўғри айтиш қо-би-лиятига эга бўлсангизлар, бас, шу ишни қилинг!

Араб тилидаги “таъбир” сўзи “ъабаро (йаъбуру)” ўзагидан олинган бўлиб, у “йўл ёки дарёнинг бир тарафидан иккинчи тарафига ўтиш” маъносини англатади. Тушнинг ҳақиқатини айтиб берувчи кишиларнинг таъбирини, деб аталишига сабаб, у тушнинг таъбирини тахмин қилиб, мавҳумликдан бир оз бўлса-да, аниқлик томонга ўтади. Бу худди йўл ёки дарёни кесиб ўтувчи кишига ўхшайди.

Қуръони каримда Миср ҳокими “малик”, яъни “подшоҳ” деб келтирилмоқда, балки фиръавн эмас. Чунки у Мисрнинг қибтий шоҳлари бўлмиш фиръавнлардан бўлмаган, у Мисрни амолик-лардан бўлмиш сулола Гексос ҳукмронлигидан олдин бошқарган. Гексослар сулоласи Мисрда тахминан милоддан аввалги 1900 –1525 йиллар ичида ҳукмронлик қилишган.

Афтидан, ўша даврда баъзилар тушларни таъбир қилиш билан шуғулланиб, бу соҳада донг таратган кўринади. Бу нарса ҳар бир ки-ши ҳаётида муҳим аҳамият касб этган бўлса керак. Зеро, биз Юсуф-нинг тушидан, зиндондаги икки соҳибининг туш кўриб, унинг таъ-бири билан қизиқишганидан хабаримиз бор. Энди подшоҳ-нинг туши келтирилмоқда. Бу нарса шуни анг-ла-тадики, Юсуф (алайҳиссалом)нинг тушларни тўғри таъбир қилиш қобилиятига эга бўлиши Аллоҳ таолонинг унга берган пайғамбарлик мўъжизаси эди.

Подшоҳнинг тушини эшитгач, коҳин ва унинг аъёнлари ўзла-рининг ожизликларини эътироф қилиб: “**Бу алоқ-чалок тушлар экан, биз бундай тушларнинг таъбирини билгувчи эмасмиз**”, дедилар. Яъни, аъёнлар подшоҳга қарата шундай дедилар:

⁵⁸ “Тафсиру Ибн Касир”, 4-жилд, 217-бет.

– Сиз, эй подшоҳим, уйқуда кўрган тушингиз алоқ-чалок туш экан, биз бу турга мансуб тушларни таъбир қила олмаймиз, биз фақатгина очиқ-ойдин тушларни таъбир қиламиз, холос.

Чамаси подшоҳнинг ўзи ҳам улардан шундай салбий жавоб бўлишини кутган бўлса керак. Шунинг учун **“Агар тушларнинг таъбирини айта олувчи бўлсангизлар”**, демоқда. Бу уларнинг туш таъбирини айтиб беришларидан шубҳаланганлигини анг-латади.

Энди, улар туш таъбирини айтишдан ожиз қолганларидан сўнги воқеалар силсиласи ҳикоя қилинади: **“(Шунда) ҳалиги ик-ки (махбус)нинг зиндондан қутулиб чиққани, шунча муддат ўтгач, (Юсуфнинг сўзлари) ёдига тушиб, деди: “Унинг таъби-рини сизларга мен айтиб берурман, фақат мени юборинг-лар”**, деди.

Бу гапларни айтган киши Юсуф билан зиндонга туширилган икки кишининг бири бўлиб, у оқланиб зиндондан чиқарилган яна подшоҳнинг соқийси бўлган эди. Ўша соқий Юсуф ҳақида, унинг берган васиятини эслаб, подшоҳ ва унинг аъёнларига шундай деди:

– Мен подшоҳ кўрган тушнинг тўғри таъбирини айтиб бера оламан. Бунинг учун мени тушларга тўғри таъбир бериш бўйича илмга эга бўлган кишининг олдига юборинглар.

Соқий уларга ўша киши Юсуф эканини айтмади. Чунки у бу билан тасодифий ва кутилмаган бир ҳолатни юзага келтирмоқчи эди. Мақсад – уларнинг қалбларига таъсир ўтказиш ва Юсуфнинг шаънини улуғлаш бўлган.

“Юсуф, эй ростгўй зот...”

Яъни, улар соқийни Юсуфнинг олдига юбордилар. У етиб боргач:

– Эй ўта ростгўй бўлган зот Юсуф, сен аввал биз иккимиз-нинг тушимизни тўғри таъбир қилиб берган эдинг. Энди, подшоҳ-нинг ҳам тушини таъбир қилиб берсанг. Одамлар унинг маъно-моҳи-ятини англашдан ожиз қолдилар. **“Сен бизга еттита ориқ сигир еттита семиз сигирни еяётгани ҳақида ҳамда еттита яшил бошоқ билан бирга турган бошоққа қуриган (етти бошоқ) ҳақидаги (туш) таъбирини айтиб бергин. Шояд мен одамлар олдига қайтиб боргач, улар ҳам билиб олишса”**. Яъни, шояд улар тушнинг тўғри таъбирини билиб, ундан манфаат олсалар ва сенинг ҳам мартабанг улар наздида юқори кўтарилса.

Юсуф (алайҳиссалом) мазкур тушнинг таъбирини оддийгина ва қуруқ қилиб айтиб қўя қолмади, балки қийин ҳолатларда нима қилиш лозимлигини ҳам кўшиб, уларга фойдали маслаҳатлар берди: **“Сизлар пайдар-пай етти йил дон экасишлар”**.

Яъни, Юсуф соқийга деди:

– Сен ҳозир қавминг олдига бориб Юсуф одатларингизга кў-ра, ўз ерларингизга етти йил муттасил тарзда дон экинлар, дея амр қилди, деб айт. **“Кейин ўриб олган ҳосилингизни ўз бошоғида қолдиринглар, магар ейдиган озгина озуқалари-н-гизни-гина (янчиб оласизлар)”**.

Яъни, ҳар йили олган ҳосилингизни ўз бошоғида қолдиринглар, токи зараркунанда ҳашарот ва шунга ўхшаш нарсалар сабабидан унга бирон фалокат етмасин. Фақатгина ҳаётий эҳтиёжингиз учун керак бўладиган миқдорнигина янчиб, уни истеъмол қилинлар.

Бу жумлада уларнинг озиқ-овқат борасида тежамкорлик билан иш тутишлари тавсия қилинмоқда. Зеро, ҳар бир соҳада тежамкорликсиз бирон-бир муваффақиятга эришиш амри маҳол.

“Сўнгра ўшандан кейин етти йил қаҳатчилик бўлиб, ўша (йиллар) учун тайёрлаб-асраб қўйган бор ҳосилингизни еб кетар”.

Яъни, сизлар етти йил дон экиб, мўл ҳосил олганингиздан сўнг, унинг кетидан қаҳатчилик, курғоқчиликдан иборат етти йил келади. Ушбу сермашаққат йиллар сизларнинг етти йил тер тў-киб йиғган донларингизни еб кетади. **“Магар озгина (уруғлик учун) асраб қўйган донларингизгина қолур”.** Яъни, ушбу етти йил қаҳатчилик давомида сизлар йиғиб қўйган барча дон-дун-ларингизни еб бўласизлар, фақатгина уруғлик учун сақлаб қўй-ган донлар захира сифатида қолади.

Бу ерда Юсуф еттита семиз сигир ва етти яшил бошоқни сер-ҳосил етти йил, деб, етти ориқ сигир ва етти қуриган бошоқни эса унинг кетидан келадиган қаҳатчилик йили, деб таъбир қилди.

“Сўнгра ўшандан кейин бир йил келурки, унда одамлар ёғингарчилик остида қолурлар ва (турли мевалардан) шароб-лар тайёрлаб олурлар”.

Бу уларга ушбу қийин ва машаққатли йиллардан сўнг яна тўкин-сочинлик йили келиши ҳақидаги башорат эди. Аллоҳ тао-лонинг тақдири шуни тақозо этади. Албатта, бир қийинчилик икки енгиллик орасидадир.

Юқоридаги оятнинг маъноси қуйидагича: етти йил қаҳат-чилик бўлгач, Аллоҳ таоло сизларга баракали ёмғир юборади, у сизларнинг қайғу-ғамларингизни аришига сабаб бўлади. Ерларингиз ям-яшил ўсимлик ва дарахтлар билан бурканади ва сизлар турли мева маҳсулотларидан ўзларингиз учун хуштаъм шарбат ҳамда ичимликлар тайёрлаб оласизлар.

Юсуф (алайҳиссалом)нинг етти йил қаҳатчиликдан сўнг сер-ҳосил мавсумнинг келишини айтиши подшоҳнинг тушига тес-кари эмас, балки бу гап ўша тушдан келиб чиқиб айтилганди. Мақсад – подшоҳ ва одамларга хушxabар бериш, бу илм Аллоҳ-нинг ваҳийси билан бўлаётганини уларга билдириш ва уларни Аллоҳга ибодат қилиб, Унга бўйсунушга чақириш эди.

Қиссининг шу еригача Юсуф (алайҳиссалом)нинг подшоҳ кўр-ган тушни тўғри таъбир қилиб, уларга хушxabар бериб, қалб-ларига сурур ва хотиржамлик солганини билиб олдик. Хўш, шу воқеалар-дан сўнг подшоҳ Юсуфга қандоқ муносабатда бўлди.

Юсуф (алайҳиссалом) Миср подшоҳи ҳузурида

Энди, Миср подшоҳининг Юсуфдан нимани талаб қилгани ва Юсуф (алайҳиссалом)нинг бунга жавоби, бир тоифа аёллар ва Зу-лайҳонинг Юсуф ҳақида айтган гаплари ҳақида танишамиз.

“Подшоҳ деди: “Уни менинг олдимга келтиринг!” Қа-чонки (Юсуфнинг олдига) шоҳ элчиси келгач, у: “Хожангнинг ёнига қайтиб бориб (аввал) ундан ўз қўлларини кесган аёллар нима бўлганини сўра! Албатта, Парвардигорим улар-нинг макрларини билгувчидир”, деди. (Шунда подшоҳ у аёлларни тўплаб) деди: “Юсуфни йўлдан урмоқчи бўлган вақ-тингизда нима бўлган эди?” (Аёллар) айтдилар: “Аллоҳ сақласин! Бизлар ундан бирон ёмонликни сезмаганмиз”. (Миср шаҳри) ҳокимининг хотини (Зулайҳо) деди: “Мана энди

хақиқат тантана қилди. Уни мен йўлдан урмоқчи бўлган эдим. У шак-шубҳасиз, ростгўй зотлардандир”. Буни (яъни, ўзимнинг бегуноҳлигимни исботлаш талабини) мен (шаҳар хо-кими) унга хиёнат қилмаганимни ва Аллоҳ ҳеч қачон хоинларнинг ишини ўнгламаслигини (мамлакат шоҳи) билиши учун (қилдим). Мен нафсимни оқламайман. Чунки нафс агар Парвардигоримнинг Ўзи раҳм қилмаса, албатта, ёмонликка буюргувчидир. Дарҳақиқат, Парвардигорим мағфиратли, меҳрибондир”. Подшоҳ айтди: “Уни хузуримга келтири-нгиз, ўзимнинг хос кишиларимдан қилиб олай”. Бас, қачонки (Юсуф (алайҳиссалом)) у билан сўзлашгач, “Сен бу кун бизнинг даргоҳимизда мартабали, ишончли кишидирсан”, деди. (Юсуф (алайҳиссалом)) деди: “Мени шу ернинг хазиналари устига қўйгин. Чунки мен (уларни) тўла-тўқис сақлагувчи ва (тўғри тасарруф қилишни) билгувчи кишиман”. Шундай қи-либ, биз Юсуфни (Миср) заминидан ўзи хоҳлаган жойда манзил-макон тутиб яшайдиган мақомга эриштирдик. Биз фазлу марҳаматимизни Ўзимиз хоҳлаган кишиларга етказурмиз ва чиройли амал қилгувчи зотларнинг ажру мукофотини зое қилмасмиз. Албатта, имон келтирган ва тақво эгалари бўлган зотлар учун Охиратда ажр мукофот янада яхшироқ бўлур” (Юсуф, 50-57).

“Подшоҳ деди: “Уни менинг олдимга келтирингиз!”

Яъни, ўз соқийсидан Юсуф ҳақида, унинг тушларни тўғри таъбир қила олишини эшитган подшоҳ:

– Зудлик билан Юсуфни хузуримга чорланг! Мен унинг илмидан фойдаланиб, тушимнинг таъбирини ўз қулоғим билан эшитмоқчиман! – деди.

Имом Розий ўз тафсирида ёзади: “Бу нарса илмнинг фазилатли эканлигидандир. Аллоҳ таоло Юсуфга манфаатли илм бериб, у илм билан дунёвий машаққатлардан чиқиб кетишини таъмин-лади. Энди, қандай қилиб илм охиратда банданинг азоб-укубатлар, машаққатлардан халос бўлишига сабабчи бўлмасин!”⁵⁹

“Қачонки (Юсуфнинг олдига) шоҳ элчиси келгач, у: “Хожангнинг ёнига қайтиб бор”, деди. Яъни, подшоҳ элчиси ке-либ, Юсуф билан кўришмоқчи эканини айтгач, Юсуф сабр ва му-лойимлик билан унга қарата:

– Ҳозир сен подшоҳнинг олдига бориб, ўз қўлларини беихтиёр кесиб олган аёллар ҳақида сўра, менинг зиндонга тушмасим-дан аввалги ҳолатим ва у билан мен ўртамда юз берган воқеалар-нинг асл ҳақиқати билан ҳам қизиқиб кўр, – деди.

Юсуф (алайҳиссалом) аёллар билан бўлган ҳодисани ўзи айтишни эп кўрмади, балки гуноҳкор бўлган ва унинг зиндонга тушишига сабабчи бўлган аёлларнинг ўзларидан эшитмоқчи эди бунинг асл ҳақиқатини.

Юсуф (алайҳиссалом) келган элчига аёлларнинг макр-ҳийла ва фитналарини очикдан-очик фош қилиб ўзини оқласа, бўларди. Аммо у бундай қилмади, балки элчини ушбу ишга тарғиб қилиш билан кифояланди, ўша аёлларнинг ишини эса Аллоҳга ҳавола қилди ва:

– Албатта, Парвардигорим уларнинг макрларини билгувчидир, – деди.

Яъни, Раббимнинг ёлғиз Ўзи у аёлларнинг макрларини бил-гувчи, хийла-найрангларида хабардордир ва У Зот Қиёмат кунида уларни шунга яраша ҳисоб қилади.

⁵⁹ “Тафсиру Фахр Розий”, 18-жилд, 151-бет.

Шубҳасиз, Юсуф (алайҳиссалом)нинг подшоҳ таклифига ижобат қилишдан тийилиши унинг ўта сабрли ҳамда журъатли, азму қарор соҳиби эканига далолат қилади.

Ибн Касир ўз китобининг ушбу оятлар тафсирида Юсуф (алай-ҳиссалом)нинг фазилат соҳиби эканига далолат қилувчи бир неча ҳадисларни ривоят қилади: “Суннат китобларда Юсуф (алайҳис-салом)нинг мадҳи келтирилган. “Саҳиҳайн”да Абу Ҳурайра (ро-зияллоху анху) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар: Биз Иброҳимнинг “Эй Раббим, менга ўликларни қандай тирилтиришингни кўрсатгин?”, деганидан шубҳаланишга ҳақлимиз. Аллоҳ айтди: “Сен ишонмадингми?” У: “Йўқ (ишондим), аммо қалбим таскин топиши учун (сўрамоқдаман)”, деди. Аллоҳ Лутга раҳм қилсин, у кучли асосга таянган эди. Агар мен Юсуфчалик зиндонда қолиб кетганимда, албатта, даъватчининг (яъни подшоҳ элчисининг) таклифига рози бўлардим”.

Яна Абу Ҳурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: Ра-сулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) шундай дедилар: “Агар мен Юсуфнинг ўрнида бўлганимда, ҳеч бир тараддудсиз (зиндондан чиқиш таклифига) ижобат қилган бўлардим” (*Имом Аҳмад ривояти*). Абдураззоқ Икримадан ривоят қилади: Расулуллоҳ (сол-лаллоху алайҳи ва саллам) дедилар: “ Мен Юсуфнинг сабр-тоқати ва бағрикенглигидан ҳайрон қолдим. Аллоҳ уни мағфират қилсин, у ориқ ва семиз сигирлар ҳақида сўралди (ва унга жавоб берди). Агар унинг ўрнида бўлганимда аввал мени (зиндондан) чиқариш ҳақида шартлашиб олмагунимча жавоб бермаган бўлардим. Мен Юсуфнинг сабр-тоқати ва бағрикенглигидан ажабландим. Аллоҳ уни мағфират қилсин, (подшоҳ) элчиси унинг олдига келди, агар унинг ўрнида бўлганимда зиндондан чиқишга шошилган бўлар-дим, аммо у ўзини айбсиз эканини тан олишларини хоҳлади”.⁶⁰

Ибн Касир келтириб ўтган юқоридаги ҳадислар Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам)нинг камтарликларига ёрқин бир мисолдир. Зеро, у зот пайғамбарларнинг энг кучли азму қарор эгаси, мартабаси энг юқориси ва энг кучли сабр эгаси бўлган зот эдилар.

Элчи Юсуфнинг сўзларини подшоҳга етказгач, у аёлларнинг барчасини ўз хузурига тўплаб шундай деди:

– **Юсуфни йўлдан урмоқчи бўлган вақтингизда нима бўл-ган эди?**

Яъни, Юсуфни йўлдан уришингизга сабаб бўлган асосий нар-са нима? У ҳам сизларга майл билдирганмиди, йўқми?

Подшоҳнинг бу саволи олдида аёллар ёлғон гапиришдан ожиз қолдилар ва бир овоздан:

– **Аллоҳ сақласин! Биз ундан бирон ёмонликни сезмаганмиз,** – деб юбордилар. Яъни, бундай бўлишидан Аллоҳ асрасин! Биз унда ёмонликдан асар ҳам кўрмадик, балки у ҳар қандай ёмонликдан узоқ юришга ҳаракат қилувчи покиза бир инсон экан.

Ушбу мажлисда ҳозир бўлиб турган Миср ҳокимининг аёли Зулайҳо ва ниҳоят:

– **Мана энди ҳақиқат тантана қилди,** – деб ўз айбини тан олди. Сўнгра “**Уни мен йўлдан урмоқчи бўлган эдим**”, – деб қўшимча қилди. Яъни, мен унга макр ишлатиб, ундан лаззат олишни талаб қилган эдим. “**У шак-шубҳасиз, ростгўй зотлар-дандир**”. Яъни, у ҳеч қачон ёлғон гапирган эмас, доимо рост сўз-лайди.

⁶⁰ “Тафсиру Ибн Касир”, 4-жилд, 31-бет.

Шунингдек, аввал “Унинг ўзи мени йўлдан урмоқчи бўлди” (Юсуф, 26) деб ҳам тўғри гапирган эди.

Ҳа, Аллоҳ таоло Юсуф (алайҳиссалом)нинг бегуноҳ, айбсиз эканини шунча гувоҳлар ҳозирлигида, яна ўша ишни қил-ган одам-ларнинг ўзлари томонидан айтилишини хоҳлаган эди. Бу мажлисда ҳозир бўлган подшоҳ шундан сўнг Юсуф (алай-ҳиссалом)га бош-қача кўз билан қарай бошлади.

Сўнгра ҳокимнинг аёли ўз сўзини давом эттириб деди:

– **Буни мен (шаҳар ҳокими) йўқлигида унга хиёнат қилма-ганимни ва Аллоҳ ҳеч қачон хоинларни ишини ўнгла-мас-лигини (мамлакат шоҳи) билиши учун (қилдим). Мен наф-симни оқламайман. Чунки нафс, агар Парвардигоримнинг Ўзи раҳм қилмаса, албатта, ёмонликка буюргувчидир. Дар-ҳақиқат, Парвардигорим мағфиратли, меҳрибондир.**

Яъни, Юсуфни мен йўлдан урмоқчи бўлган эдим, деб ўзим-нинг зараримга бўлса ҳам айтишни тан олишимдан мақсад – шаҳар ҳокими йўқлигида мен унга хиёнат қилмаганимни ва унга бирон ножўя сўз айтмаганимни билдириш эди. Зеро, Аллоҳ таоло махфий ва ошқора нарсаларнинг асл моҳиятини билиб тургувчи Зотдир ва гарчи кейинроқ бўлса-да, У хиёнатчиларнинг кирдикорларини фош қилади. Шунингдек, мен нафсимни енгил-елпи нарсаларга мойил эмас, деб уни оқлай олмайман. Чунки инсон нафси ёмонликка буюргувчи, ҳавойи нафс ва шахватларга мойилдир. Магар, Аллоҳ раҳм қилиб, хато ва камчиликлардан сақлаган нафс-гина бундан мустаснодир. Зеро, Аллоҳ хоҳлаган бандасига раҳм-шафқат қилувчи ва хоҳлаган бандасини кўплаб мағфират этувчи меҳрибон Зотдир.

Қуръони каримда келтирилган ушбу ҳикояларни ўқир экансиз, Миср ҳокими аёлининг Юсуф (алайҳиссалом)га бўлган кучли ҳурмат-эҳтиромини сезасиз. Тахминимизча, яна Аллоҳ билгув-чи-роқдир, Зулайҳо бу сўзларни Юсуф (алайҳиссалом) эътиқод қилган ақидага ишонганидан, Юсуф (алайҳиссалом)да юксак инсоний сифатларни кўрганидан сўнгина айтган, ўз айбини тан олган бўлса керак.

Қиссанинг шу еригача Юсуф (алайҳиссалом) ҳаётининг бир қисми, унинг турли хил машаққат ва синовларга дуч келиши ҳа-қида ҳикоя қилинди. Энди, ҳаётининг иккинчи даври, яхшилик, ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлиши ва унга Аллоҳ таоло неъмат-ларининг ёғилиши ҳақидаги ҳикоя бошланади. Аллоҳ таоло Ўз каломида қисса давомини шундай келтиради:

Подшоҳ айтди: “Уни ҳузуримга келтирингиз, ўзимнинг хос кишиларимдан қилиб олай”.

Яъни, Миср ҳукмдори Юсуфнинг пок қалб соҳиби, ҳаёли эканини ўз аъёнларидан эшитгач, унга шундай амр қилди:

– Уни менинг ҳузуримга олиб келинглар, мен уни ишларни тасарруф қилиш, баъзи махфий сирларимни сақлаш, мамлакатда адолат билан ҳукм юритиш борасида ўзимнинг хос ва ишончли кишиларимдан қилиб олурман.

Улар Юсуфни тезда подшоҳ ҳузурига олиб келдилар. Подшоҳ ҳам уни кўрди ва бир оз суҳбатлашгач, таърифи тилларда дoston бўлган Юсуфнинг ҳақиқатда ҳам шундай эканига иқрор бўлиб:

– **Сен бу кун бизнинг даргоҳимизда мартабали, ишончли кишидирсан, –** деб айтди.

Яъни, эй Юсуф, албатта, сен ушбу кундан бошлаб саройимизда юксак мартаба соҳибидирсан. Сенинг ҳар бир соҳада айтган сўзинг инобатга олинади.

Шунда Юсуф (алайҳиссалом) уни ўзи яхши биладиган бир ва-зифага тайинлашларини илтимос қилиб сўради:

– **Мени шу ернинг хазиналари устига қўйгин. Чунки мен (уларни) тўла-тўқис сақлагувчи ва (тўғри тасарруф қилишни) билгувчи кишиман.**

Яъни, эй подшоҳ, ваҳоланки сен мени масъулиятли бир вазифага тайинламоқчи экансан, у ҳолда мени Миср юрти хазина-ларини бош тасарруф қилгувчи этиб тайинлагин. Чунки мен уни яхши ҳимоя қилувчи, фойдали ва манфаатли жойларга тасарруф қилишни билгувчидирман.

Кўриниб турибдики, Юсуф (алайҳиссалом) бу ерда ўз манфа-ати-ни эмас, балки халқ ва раъийят манфаатини ўйлаб, ўзи моҳир бўл-ган бир вазифани яхши адо эта олишини айтмоқда. Юсуфнинг мақ-сади – тезроқ ишларни ривожлантириб, юрт учун керак бўладиган захира миқдорини йиғиб олиш эди. Чунки яқин йиллар ичида юрт бошига қийин кунлар, қурғоқчилик мавсуми ва қаҳат-чилик даври келишини яхши англаб етар эди Юсуф (алай-ҳиссалом).

Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Юсуф (алайҳиссалом) ушбу масъулиятли мансабни фақатгина унинг уддасидан чиқа олишини билгани учун подшоҳдан сўради.

Қуртубий айтади: “Ушбу оят, агар кишининг бирон соҳада малакаси бор ва ўша соҳанинг устаси бўлса, у ўша амални талаб қи-лиши, сўраши жоиз эканига далолат қилади”.

Агар “Бу гап Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ворид бўлган амирлик мансабини талаб қилишдан қайтариш ҳа-қи-даги саҳиҳ ҳадисларга зид-ку?”, дейиладиган бўлса, унга жаво-бимиз қуйидагича:

Биринчидан, Юсуф (алайҳиссалом) адолатда бирон киши унинг ўрнини боса олмаслигини, кишилар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаб бера олмаслигини билгач, ўша мансабни сўради. Юсуф ҳолатдан келиб чиқиб, мазкур вазифада хизмат қилиш ўзи учун лозим эканини англаб етган.

Иккинчидан, Юсуф (алайҳиссалом): “Мени Миср хазиналарини тасарруф этувчи қилиб қўйгин, чунки мен насл-насаби улуғ, чиройли кишиман”, демади, балки уларни мукамал равишда сақлаб, тўғри тасарруф қилишни яхши билувчиман, деб айтди. *(Бу ерда унинг нияти фақат юртни ислоҳ қилиш, кишиларни Аллоҳ Динига даъват қилиб, шаръий жамият қуриш бўлган, холос. – Таржимон.)*

Учинчидан, Юсуф (алайҳиссалом): “Мен тўла-тўқис сақлагув-чи ва билгувчи кишиман”, деб ҳали нотаниш кишига ўзини тани-тиш учун айтди бу сўзларни. Бу нарса қуйидаги оятнинг ҳукмидан истиснодир. Аллоҳ таоло айтади: **“Бас, сизлар ўзла-рингизни пок-ламай қўя қолинглар!”** *(Нажм, 32).*⁶¹

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Юсуф (алайҳиссалом)нинг подшоҳга ўз сифатини айтиши ва мазкур мансабни сўрашига сабаб – у айна пайтда ва шароитда Миср юртида бирон киши ўша хизматни адолат билан юрита олмаслигини билган ва шунинг ор-қасидан Аллоҳ йўлида оддий халқ учун, уларнинг манфаатларини кўзлаб хизмат қилишни мақсад қилган бўлса ажаб эмас.

⁶¹ “Тафсирул Қуртубий”, 9-жилд, 216-бет.

Шунингдек, Юсуф (алайҳиссалом)нинг ўз сифатини подшоҳга айтиши ўзини кўкларга кўтариш ёки мақташ эмас, балки Аллоҳ таоло тарафидан берилган юксак сифат ва олий хулқ-атвор каби неъматларни эътироф этиши эди.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло Ўз бандаларига қилган тақдири-дан хабар беради:

“Шундай қилиб, биз Юсуфни (Миср) заминидан ўзи хоҳ-лаган жойда манзил-макон тутиб яшайдиган мақомга эриштирдик. Биз фазлу марҳаматимизни Ўзимиз хоҳлаган кишиларга етказурмиз ва чиройли амал қилгувчи зотларнинг ажру мукофотини зое қилмасмиз. Албатта, имон келтирган ва тақво эгалари бўлган зотлар учун охиратда ажр-мукофот янада яхшироқ бўлур”.

Хуллас, Юсуф (алайҳиссалом) сабр-тоқат, тақво ва яхшилик со-ҳиби бўлгани сабаб Аллоҳ таоло уни дунёю охиратда саодатга эришишдек улуғ неъмат билан мукофотлади.

Юсуф ва оға-инилари ўртасидаги илк учрашув

(Мамлакат шоҳи Райён ибн Валид Юсуф (алайҳиссалом)нинг ақлу заковати, ҳалоллиги, билимдон эканини кўриб Миср шаҳрининг ҳокими Қитфийрнинг ўрнига ҳоким этиб тайинлади ва Қитфийр вафот қилганидан кейин, Юсуфни унинг беваси Зулайҳога уйлантириб қўйди. Шундай қилиб Юсуф (алайҳиссалом) Миср заминининг ҳукмдорига айланиб қолди. Илгари Юсуфнинг ўзи шоҳга башиорат қилган мўлкўлчилик йилларида кўп дон ҳосили йигиб олиниб, омборларга гамлаб қўйилди. Кейинги етти йил эса, Юсуф таъбир қилганидек, қаҳатчилик йиллари бўлди. Бу йилларда бутун атрофдаги юртларда қаттиқ очарчилик бўлиб, кўп жойлардан Мисрга озиқ-овқат излаб одамлар кела бошладилар. Миср мамлакатада озиқ-овқат сероблиги ҳақидаги хабар Канъон заминига ҳам этиб боргач, Яъқуб (алайҳиссалом) ўғилларини ўша тарафга юборади. Қўйидаги оятларда шу ҳақида сўз боради. – Таржимон.)

Шу пайтгача қиссада Юсуф (алайҳиссалом)нинг туш кўри-ши, оға-иниларининг уни кудукқа ташлаб юборишлари, кейин бир тўда савдогарлар уни кудукдан тортиб олиб, арзимас баҳога пуллаб юборганлари, Миср ҳокими аёли билан бўлган ходиса-лар, Юсуфнинг зиндонда бир неча йил ётгани, зиндондан чиққач, Аллоҳ Юсуфга Ўз неъматларини зиёда қилгани ҳақида ҳикоя қилиб ўтилди.

Энди эса, Юсуфнинг ўз оға-инилари билан учрашиб, улар ўртасидаги суҳбат ва Юсуфнинг оға-иниларига кўрсатган ғам-хўрлиги тўғрисида ҳикоя қилинади. Аллоҳ таоло айтади:

Юсуфнинг оға-инилари (Мисрга) келишиб, унинг ҳузурига кирганларида, уларни таниди. Улар эса уни танимаган эдилар. Қачонки уларнинг хожатларини раво қилгач, (Юсуф (алайҳиссалом) деди: “Ўша ота бир бўлган иниларингизни менинг ҳузуримга келтиринглар! Ахир, мен сизларга энг яхши мезбон бўлиб, (дон-дунларни) тўла қилиб ўлчаб бе-раётганим-ни кўрмаяпсизларми? Энди агар уни менинг ҳу-зуримга олиб келмасангизлар, у холда менинг даргоҳимда сизлар учун бир қадок ҳам нарса йўқ, менинг олдимга яқин келмай қўя қо-линглар”. Улар: **“Отасидан у ҳақида ўтиниб сў-раймиз. Албатта, бизлар (шундай) қилгувчимиз”**, дедилар. (Юсуф (алайҳиссалом) йигитларига буюрди: **“Уларнинг нарсаларини юкларининг ичига (қайтариб) солиб қўйинглар. Шояд уйларига қайтган вақтларида, у нарсаларни таниб қолиб яна қайтиб келсалар, ажаб эмас”** (Юсуф, 58–62).

Имом Фахр Розий юқоридаги оятларни тафсир қила туриб шундай дейди: “Миср ва унинг атрофидаги ерларда қаҳатчилик кенг ёйилиб, бу нарса Яъқуб (алайҳиссалом) яшайдиган Шом-нинг Фаластин юртигача етиб борди. Яшаш кундан-кунга оғирлашиб бораверди ва ниҳоят Яъқуб (алайҳиссалом) ўз ўғил-ларига шундай дейишга мажбур бўлди:

– Мисрда бир солиҳ ва сахий киши бўлиб, у одамларга озиқ-овқат ва яна керакли ашёларни улашаётган эмиш. Бас, сизлар унинг олдига бориб, дирҳам бериб бўлса ҳам, ундан таом ва егулик бирон нарса олиб келинглар.

Шундан сўнг улар тезда йўлга отланишди. Ҳаммаси бўлиб ўн киши сафарга чиқиб, фақатгина кичик Бинямин отаси Яъқуб билан қолди. Улар Мисрга етиб боргач, Юсуф (алайҳиссалом) ҳузу-ри-га кирдилар ва шу зайл воқеалар ривожланиб борди”.

Энди, юқоридаги оятларни бирма-бир кўриб чиқамиз.

Юсуф (алайҳиссалом)нинг оға-инилари Шом юртидан Миср томон бирон нарса – озиқ-овқат олиб келиш ниятида кела бошла-дилар. **“Унинг ҳузурига кирганларида...”**. Яъни, оға-инилар Мисрга етиб келишлари билан Юсуфнинг ҳузурига киришга шошилдилар. Юсуф уларни бир кўришдаёқ таниди, аммо улар танимадилар. Чунки орадан узоқ йиллар ўтган, қудуққа ташлаб юборганларидан кейин улар бу Юсуф эканини хаёлларига ҳам келтирмас ҳамда Юсуф бундай олий мартабага эришади, деб ўйламаган ҳам эдилар.

Чамаси етти йиллик оғир очарчилик Мисрга чегарадош бўл-ган Фаластин ва Шом юртида ҳам кенг ёйилган бўлса керак. Миср шоҳи Юсуф (алайҳиссалом) ақлли ва доно бўлгани, адолатли сиё-сати туфайли бошқа юртларнинг назарига тушган эди.

Юсуф (алайҳиссалом) ўз оға-инилари сўраган барча нарсаларни бериб, сўнг шундай деди:

– **Ўша ота бир бўлган иниларингизни менинг ҳузуримга келтиринглар! Ахир, мен сизларга энг яхши мезбон бўлиб, (дон-дунларни) тўла қилиб ўлчаб бераётганимни кўрмаяп-сизларми? Энди агар уни менинг ҳузуримга олиб келмаса-н-гизлар, у ҳолда менинг даргоҳимда сизлар учун бир қадок ҳам нарса йўқ, менинг олдимга яқин келмай қўя қолинглар.**

Яъни, Мисрга келаси сафар келишингизда ўзларингиз билан оталарингиздан бўлган кичик уқангизни ҳам қўшиб менинг ҳу-зуримга олиб келинглар. Мен уни кўрмоқчиман. **“Ахир, мен сизларга энг яхши мезбон бўлиб, (дон-дунларни) тўла қилиб ўл-чаб бераётганимни кўрмаяпсизларми?”**

Бу гап улар учун Биняминни Юсуф (алайҳиссалом) ҳузурига келтириш учун янада кучлироқ тарғиб эди.

Яъни, ахир мен сизларга иззат-икром кўрсатиб, сўраган нарсаларингизни ошиғи билан бердим-ку. Шундай экан, сизларга бўлган ҳурматим ва саховатим яна зиёда бўлишини истасангиз, келгуси сафар оталарингиздан бўлган уқангизни ҳам, албатта, олиб келинглар.

Юсуф (алайҳиссалом) сўнгра қуйидагиларни кўшимча қилиб ўтди: **“Энди агар уни менинг ҳузуримга олиб келмасангизлар, у ҳолда менинг даргоҳимда сизлар учун бир қадок ҳам нарса йўқ, менинг олдимга яқин келмай қўя қолинглар”**.

Яъни, агар уни менинг хузуримга олиб келмас экансиз, мен энди бошқа сизларнинг хожатларингизни раво қилмайман. У ҳолда менинг юртимга кириш у ёқда турсин, унга яқинлаша кўр-манглар!

Бу гаплардан маълум бўладики, оға-инилар Юсуфга Миср заминига яна келишларини айтганлар. Чунки улар олиб кетаётган озиқ-овқат фақат маълум муддатга етарди, холос.

Юсуф (алайҳиссалом)нинг қаттиқ туриб қилган талабига жа-вобан оға-инилар ҳам:

– **Отасидан у ҳақида ўтиниб сўраймиз. Албатта, бизлар (шундай) қилгувчимиз,** – дедилар.

Яъни, биз кичик укамиз Биняминни ўзимиз билан олиб келишга отамизни кўндириш учун мулойимлик ва усталик билан иш тутамиз, бор имкониятимизни ишга солиб бўлса ҳам шу ишнинг уддасидан чиқишга жидду жаҳд қиламиз. Чунки сен бизларга кўп яхшилик қилдинг. Сенинг бизлар устимизда ҳақнинг бор.

Бундан кўринадики, Юсуф (алайҳиссалом)нинг туғишган укаси Биняминни унинг хузурига олиб келиш осон иш эмас, отасини кўндириш анча мушкул эди. Чунки Бинямин Яъқуб (алайҳисса-лом)нинг Юсуфдан сўнг энг яхши кўрган, севимли жигаргўшаси, кўзининг оқу қораси эди.

Энди, Аллоҳ таоло Юсуф (алайҳиссалом) оға-инилари ўз юртларига қайтиб кетмасларидан олдин нима тадбир қилгани ҳақи-да хабар беради: (Юсуф (алайҳиссалом)) **йигитларига буюрди: “Уларнинг нарсаларини юкларининг ичига (қайтариб) солиб қўйинглар. Шояд уйларига қайтган вақтларида, у нарсаларни таниб қолиб яна қайтиб келсалар, ажаб эмас”.**

Бу ердаги “йигитлар”дан мурод Юсуф (алайҳиссалом)нинг хизматларини қилиб, унинг баъзи ишларида ёрдамлашадиганлардир.

Яъни, Юсуф (алайҳиссалом) ҳар бир амрига мунтазир бўлиб турадиган йигитларига қараб:

– Бизлардан таом олганлари эвазига тўламоқчи бўлган пул-ларини юкларининг ичига қайтариб солиб қўйинглар. Сизлар шундай иш тутингларки, улар буни пайқаб қолишмасин. Шояд улар юртларига қайтиб, юкларини очганларида, пулларининг ўз-ларига қайтарилганини кўриб, яна бизнинг олдимизга ўша пулларни тўлаш учун қайтиб келсалар.

Юсуф (алайҳиссалом)нинг бу ишни қилишидан мақсад – оға-иниларининг укалари Биняминни олиб яна Мисрга келишлари эди. Зеро, инсон нафси яхшилик қилган одамга яхшилик билан жавоб қайтаришга мойилдир.

Юсуф (алайҳиссалом) оға-иниларига Биняминни олиб ке-лиш-ларини, акс ҳолда улар учун унинг хузуридан бирон нарса бе-рил-маслигини таъкидлаб айтди. Оға-инилар ҳам оталарини кўн-диришга бел боғлаган ҳолда Фаластинга қараб йўл олдилар. Хўш, қисса қандай воқеалар билан давом этар экан? Буни келаси бўлимда билиб оламиз.

Юсуф (алайҳиссалом) оға-иниларининг Миср сафарига Биняминни ҳам олиб бориш учун оталарини кўндиришлари

Энди, оға-инилар Мисрдан қайтиб келгач, оталари билан кечган қизғин суҳбат ва ўзига хос тортишув ҳақида ҳикоя қилинади. Аллоҳ таоло айтади:

Қачонки улар оталарининг олдига қайтиб келишгач, дедилар: “Эй ота, (бундан кейин) бизларга бир қадоқ ҳам (озик-овқат) берилмайдиган бўлди. Фақат биз билан бирга инимизни юборсангина озик-овқат ола биламиз. Бизлар, албатта, уни муҳофаза қилгувчимиз”. (Яъқуб) деди: “Мен уни сизларга ишонмайман. Магар илгари унинг биродарини ишонга-нимдек ишонаман. Зотан, Аллоҳ энг яхши сақлагувчи ва У Зот меҳрибонларнинг меҳрибонроғидир”. Қачонки улар (олиб келган) юкларини очиб кўришгач, нарсаларини ўзлари-га қай-тарилганини кўриб, дедилар: “Эй ота, мана, нарсала-римиз ўзимизга қайтарилибди. Яна нимани истаймиз? (Энди сен бизларга инимизни ҳам кўшиб юборсанг), яна оиламизга озик-овқат келтирурмиз, инимизни муҳофаза қилиб (бориб келурмиз) ва (инимиз учун ҳам) бир туя юкни ортиқроқ олурмиз. Бу озгина нарсадир”. (Яъқуб) деди: “Агар мағлуб бўлиб, ҳалокатга учрамасангизлар, албатта, уни менинг олдимга келтиришингиз ҳақида Аллоҳдан васийқа келтирмаса-нгизлар, уни ҳаргиз сизлар билан бирга юбормасман”. Энди, қачонки унга ўз аҳд-паймонларини беришгач, (Яъқуб): “Бу айтаётган гапларимизга Аллоҳ вакил – гувоҳдир”, деди. (Сўнг) айтди: “Эй ўғилларим, бир дарвозадан кирманглар, бал-ки бошқа-бошқа дарвозалардан киришлар. Мен сизлардан Аллоҳнинг бирон ҳукмини қайтара олмайман. Ҳукм ёлғиз Аллоҳнинг измидадир. Мен фақат У Зотнинг Ўзига таваккул қилганман. Барча таваккул қилгувчилар Унинг Ўзига таваккул қилсинлар!” Улар оталари буюрган тарафдан киришлари улардан Аллоҳнинг бирон ҳукмини қайтаргувчи эмасдир. (Бу) фақат Яъқубнинг дилидаги бир эҳтиёж эдики, у ўзининг (шу эҳтиёжини) қондирган эди, холос. Зотан, у Биз берган таълимимиз сабабли чуқур билим эгасидир. Лекин одамларнинг кўпи (буни) билмайдилар” (Юсуф, 63–68).

“Қачонки улар оталарининг олдига қайтиб келишгач, дедилар: “Эй ота, (бундан кейин) бизларга бир қадоқ ҳам (озик-овқат) берилмайдиган бўлди”.

Улар оталарининг олдига етиб келишлари билан илк айтган сўзлари шу бўлди. Яъни, эй ота, Миср подшоҳи, агар келаси сафар Биняминни ҳам бирга олиб бормасак, бизларга ҳеч нарса бер-маслигини айтиб шундай деди:

– Энди агар уни менинг ҳузуримга олиб келмасангизлар, у ҳолда менинг даргоҳимда сизлар учун бир қадоқ ҳам нарса йўқдир. Менинг олдимга яқин келмай кўяқолинглар.

Сенга маълумки, бир оз фурсат ўтгач, биз яна озик-овқат излаб, у ерга қайтиб боришга мажбурмиз. Сендан ўтиниб сўраймиз, Бинямин биз билан бирга боришига рухсат бер, биз уни ҳар қан-дай кўнгилсизликлардан кўз қорачиғимиздек асраб-авайлаймиз!

Оға-инилар ҳали юкларини очиб кўрмаёқ ушбу талабни ўр-тага ташладилар. Мақсад – Биняминни Мисрга олиб бориш муҳим бир вазифа эканини оталарига тушунтириш эди. Уларнинг бу гапи Яъқуб (алайҳиссалом) қалбида ётган эски алам ва қайғуларини кўзгатиб юборди. Чунки улар аввал Юсуф ҳа-қида ҳам “Уни эртага биз билан (айланишга) юборгин, ўй-наб-ёзилиб келсин. Албатта, биз уни қўриқлаб-муҳофаза қил-гувчилардирмиз”, де-йишган эди.

Шу сабаб Яъқуб (алайҳиссалом) ўғилларига инкор маъносида жавоб қайтарди:

– Мен уни сизларга ишонмайман. Магар илгари унинг биродарини ишонганимдек ишонаман.

Яъни, мен сизларга Биняминни илгари унинг туғишган биродари Юсуфни ишонганим каби топширишимни хоҳлайсизлар-ми? Ахир, бунинг натижаси Юсуф ва менинг Аллоҳга маълум бўл-ган муддатгача айрилиқда яшашимизга сабаб бўлди-ку! Йўқ, асло сизларга Биняминни ишониб топширолмайман. Мен фақатги-на Аллоҳ таолонинг ҳифзу ҳимояси ва ғамхўрлигига ишонаман. Зеро, У Зот Ўзи хоҳлаган бандаларини турли машаққат ва балолардан сақлагувчидир. Аллоҳ сақлаган банда, албатта, саломат бў-лади, сақламаса, унинг ҳаёти хавф остидадир. Шунингдек, У Зот махлуқотларига меҳрибондир. Мен Унинг раҳматига дохил бў-лишдан умидворман. Аллоҳ хоҳласа, Юсуфда бўлгани каби Бин-яминда ҳам ғам-ташвиш ва машаққат ичра қолмасман.

Оға-инилар оталарининг бу жавобидан Биняминни Мисрга юбора олмаслигини сезишди ва у билан кўп тортишиб ўтирмай, Мисрдан олиб келган юкларини очишди ва кутилмаган бир ҳоди-са юз берди. Қуръони карим бу қизиқарли воқеани куйидагича ҳикоя қилади: **“Қачонки улар (олиб келган) юкларини очиб кўриш-гач, нарсаларини ўзларига қайтарилганини кўриб...”**

Яъни, улар Миср ҳукмдоридан “сотиб” олган юкларини очиб кўришганда, ушбу таомларнинг пули ўзларига қайтарилгани-ни, уларга сездирмай бу иш амалга оширилганини билиб, ҳайрон бў-либ, ёқаларини ушладилар. Сўнгра таажжубланиб оталарига қарата:

– **Эй ота, мана, нарсаларимиз ўзимизга қайтарилибди. Яна нимани истаймиз?** – дедилар.

Яъни, улар ҳаяжон ичида дедилар:

– Эй ота, Миср ҳукмдоридан бундан ортиқ яна қандай инфоқ-эҳсон ва саховат кутиш мумкин. У биз сўраган нарсаларни бериб, тўлаган пулларимизни сездирмай, яна ўзимизга қайтариб юбор-ганини қаранг!

“*(Энди сен бизларга инимизни ҳам кўшиб юборсанг), яна оила-мизга озиқ-овқат келтирурмиз, инимизни муҳофаза қи-либ (бориб келурмиз) ва (инимиз учун ҳам) бир туя юкни ор-тиқроқ олурмиз*”.

Яъни, агар шунга кўнсанг, биз яна Мисрдан оиламизга керакли бўлган озиқ-овқатларни олиб келардик. Шунинг баробарида Биняминни сафар чоғида ҳар қандай фалокатлардан омонда сақлаймиз, Миср ҳукмдоридан уни ўзимиз билан олиб келганимиз сабаб яна бир туя юкни зиёда қилиб оламиз.

Чунки **“Бу озгина нарсадир”**. Яъни, Миср ҳукмдори бизларга берган таом жуда оз, у кам муддатга етади, биз Мисрга бориб, яна кўпроқ озиқ-овқат олиб келишимиз керак!

“*Бу озгина нарсадир*” жумласининг иккинчи маъноси: Миср ҳокими жуда сахий ва бой. Бизлар олиб келган нарсалар унинг наздида ҳеч нарса эмас. У бизларга бундан ҳам кўп миқдорда озуқа ва керакли нарсаларни беришга қодир, деганидир. – Таржимон.)

Юқорида келтирилган сўзларнинг барчаси оталаридан Биняминни ҳам Мисрга юбориш учун рухсат олишга қаратилган эди. Уларнинг ушбу сўзларидан Миср подшоҳини жуда мақтаганлари, кичик укалари Биняминни сафар чоғида ҳимоя қила олишлари ва Фаластин юртида қаҳатчилик кенг тарқалгани сабаб кўпроқ озиқ-овқат олиб келишларини таъкидлаб айтганлари яққол кўз-га ташланиб турибди. Ўғилларининг шунча туриб қилган талабла-ри ва ўжарликларидан сўнг Яъкуб

(алайҳиссалом) розилик бериш-га мажбур бўлди. Шунда ҳам уларга куйидаги шартни қўйди:

“Агар мағлуб бўлиб, ҳалокатга учрамасангизлар, албатта, уни менинг олдимга келтиришингиз ҳақида Аллоҳдан васи-қа келтирмасангизлар, уни ҳаргиз сизлар билан бирга юбор-масман”.

Яъни, Аллоҳга қасамки, токи сизлар Аллоҳнинг номи билан қа-сам ичиб, уни соғ-омон қайтариб олиб келишга, агар барчаларингиз бирданига бирон фалокатга учрамасангиз ёки ожизлик билан душманга мағлуб бўлмаган тақдирда, қасам ичмагу-нингизча мен Биняминни сизлар билан Мисрга ҳаргиз юбора ол-майман!

“Энди, қачонки унга ўз аҳд-паймонларини беришгач, (Яъқуб): “Бу айтаётган гапларимизга Аллоҳ вакил – гувоҳдир”, деди.

Яъни, ўғиллари Биняминни Мисрдан соғ-омон қайтариб олиб келишга Аллоҳ номи билан қасам ичганларидан сўнг Яъқуб (алайҳиссалом) таъкид маъносида, аҳдга вафо қилишга тарғиб қила туриб деди:

– Аллоҳ таоло биз айни пайтда айтаётган гапларимизни эшитиб, билиб турибди. У Зот ваъдасига вафо қилувчиларни яхшилик билан мукофотлаб, ваъдага хилоф иш тутувчиларни эса ўз қилмишлари боис жазолагувчи адолатли Зотдир.

Орада ўзаро аҳдлашув ниҳоясига етгач, Яъқуб (алайҳиссалом) ўғилларига насиҳат қилиб шундай деди:

– Эй ўғилларим, бир дарвозадан кирманглар, балки бош-қа-бошқа дарвозалардан киринглар!

Яъни, Яъқуб ўғилларини сафарга кузатаркан, уларга қарата:

– Эй ўғилларим, Миср юртига етиб боргач, барчаларингиз ўн бир киши бўлиб, бир эшикдан кирманглар, балки турли эшиклардан киринглар ёки уч-тўрт киши бир эшикдан киринглар! – деди.

Айтилишича, ўша даврда Миср мамлакатига олиб кирувчи эшиклар тўртта бўлган.

Муфассирлар ўз китобларида Яъқуб (алайҳиссалом) ўғилла-рига нима сабаб бундай насиҳат қилгани борасида турли фикр-ларни билдирганлар. Бу фикрларнинг энг яхшиси Алусий айтган сўзлардир: “Яъқуб (алайҳиссалом)нинг ўғилларини бир эшик орқали киришларидан қайтарганига сабаб – уларга кўз тегиб қолиши, одамлар уларга ҳасад қилиб, бирон азият етказиб қў-йиш-ларидан хавфсираши эди. Зеро, улар чиройли, кўркем ва хушсурат йигитлар бўлишган”.

Алусий яна айтади: “Кўз тегиши ҳақиқатдир. Бу Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан саҳиҳ ҳадис ворид бўлган: “Агар бирон нарса қадар (тақдир)дан устун бўлганида, албатта, кўз тегиши устун келарди”. Бошқа ривоятда шундай дейилган: “Албатта, кўз тегиши кишини қабрга киритса, туяни қозонга туширади”.⁶² (Яъни, ҳасад, кўра олмаслик, бошқаларнинг ютуқ-муваффақият-ларига ёмон кўз билан қараш ҳалокатга сабаб бўлади. – Таржимон.)

Айтиладики: “Яъқуб (алайҳиссалом)нинг ўғилларига бундай амр қилишига сабаб, агар улар бир эшикдан кирсалар, Миср шаҳри кўриқчиларининг диққатини тортишларидан кўрқиши эди. Чунки шаҳар посбонлари уларни жосус ёки шу каби

⁶² “Тафсирул Алусий”, 13-жилд, 115-бет.

ёмон нарсаларда гумон қилиб, зиндонбанд қилишлари ва уларни Юсуф (алайҳиссалом)нинг олдига етиб боришларига тўсқинлик қилишлари мумкин эди”.

“Мен сизлардан Аллоҳнинг бирон ҳукмини қайтара олмайман”. Бу гап уларнинг турли эшиклардан кириши ҳам Аллоҳ таолонинг уларга ёзиб қўйган тақдирига тўсқинлик қила олмаслигини билдиради. Яъни, мен сизларга айтаётган ушбу сўзим, насихатим билан Аллоҳ сизларга ёзиб қўйган нарсани қайтара олмайман. **“Ҳукм ёлғиз Аллоҳнинг измидадир. Мен фақат У Зотнинг Ўзига таваккул қилганман”.** Махлуқотлари устидан ҳукм чиқаришда ҳеч ким Унга шерик эмас ва Унинг ҳукмини бирон киши қайтара олмас. Шу сабаб мен барча ишларимни У Зотнинг Ўзига топширдим. **“Барча таваккул қилгувчилар Унинг Ўзига таваккул қилсинлар!”** Яъни, ҳақиқий таваккул қилувчилар сабабларини унутмаган ҳолларида⁶³ Аллоҳ таолога таваккул қилсинлар. Зеро, барча ишларда бандадан таваккул ва сабабларини амалга ошириш талаб этилади. Ақлли киши аввало, сабабларини амалга оширган ҳолида, доимо ҳақиқий ҳукм чиқариш Аллоҳгагина хос эканини яхши билади. Ишларнинг сабаби – бу ҳаракатлардан иборат. Аллоҳ хоҳласа, уни рўёбга чиқаради, хоҳламаса ўша иш зинҳор-базинҳор амалга ошмай қолаверади. Чунки Аллоҳ хоҳлаган ишини қилувчи адолатли ва ҳикматли Зотдир.

Яъқуб (алайҳиссалом) бу ерда ўғилларига зоҳирий сабабларни амалга ошириб, сўнгра Аллоҳ таолонинг Ўзига боғланиб, таваккул қилишларини таълим бермоқда. Ўғиллар ҳам отанинг бу на-сиҳатига қулоқ осдилар. **“Улар оталари буюрган тарафдан киришлари улардан Аллоҳнинг бирон ҳукмини қайтаргувчи эмасдир. (Бу) фақат Яъқубнинг дилидаги бир эҳтиёж эдики, у ўзининг (шу эҳтиёжини) қондирган эди, холос”.**

Бу ердаги “эҳтиёж”дан мурод – Яъқуб (алайҳиссалом)нинг одамлар ҳасадидан кўрқиб, ўғилларига Миср шаҳрининг турли эшикларидан кириш ҳақида қилган насихати эди. “Қондирди” дегани “уни ошкор қилди, ичида сақлаб тура олмади, уларга айтди” каби маъноларни англатади.

Яъни, оға-иниларнинг оталари амр қилган ҳолда шаҳарга киришлари Аллоҳ таолонинг уларга азалда ёзиб қўйган тақдирини қайтаролмас эди. Яъқуб эса кўнглида бир хавотир сезгани сабаб ўғилларига шундай насихат қилди. Уларга бўлган кучли оталик муҳаббати туфайли ўзи билган нарсаларни улардан яшириб тура олмади.

“Зотан, у Биз берган таълимимиз сабабли чуқур билим эгасидир. Лекин, одамларнинг кўплари (буни) билмайдилар”. Бу Яъқуб (алайҳиссалом) илм соҳиби ва ишларни чиройли тадбир қила олиш малакасига эга бўлгани сабаб Аллоҳ тарафидан унинг шаънига айтилаётган мақтовдир.

Яъни, Биз ваҳий йўли орқали Яъқуб (алайҳиссалом)га кўплаб манфаатли илмларни бердик, у Аллоҳ хоҳлагандан бошқа нарсаларни зинҳор унутмас. Лекин одамларнинг аксарият қисми Биз пайғамбарларимизга илм-маърифат ҳамда чиройли сабр эта олиш хислатини берганимизни билмайдилар.

Ушбу бўлимда сиз Юсуф (алайҳиссалом) оға-иниларининг кичик укалари Биняминни Мисрга ўзлари билан олиб кетиш учун оталарини кўндиришлари

⁶³ (Бу ерда Аллоҳга таваккул қилган киши ўзи ҳам ҳаракат қилиб, ишларни амалга ошиш сабабларини қилиши, унинг ривожини эса Аллоҳга ҳавола этиши лозимлиги назарда тутилмоқда. – Таржимон.)

ҳақидаги қиссадан боҳабар бўлдингиз. Энди, қуйида воқеалар ривожини қандай давом этишини кўриб чиқамиз.

Юсуф (алайҳиссалом) ва оға-инилари (улар билан Биньямин ҳам бирга) ўртасидаги иккинчи учрашув

Юсуфнинг талабига кўра, оға-инилар Биньяминни ҳам олиб Мисрга келишди ва у билан учрашишди. Уларнинг бу суҳбати киши диққатини ўзига жалб қилади. Мазкур учрашув кўп қутилмаган воқеа ва тасодифларга бой бўлди. Ҳикоя Аллоҳ таолонинг қуйида оятлари билан бошланади:

Қачонки улар Юсуфнинг ҳузурига кирганларида, у инисини ўзига тортиб: “Мен сенинг оғанман. Энди улар қилгучи бўлган нарсдан ташвиш қилмагин”, деди. Бас, қачонки уларнинг ҳожатларини раво қилгач, инисининг юки орасига (билдирмай) бир қадахни солиб қўйди. Сўнгра эса жарчи: “Эй карвон эгалари, сизлар ўғридирсизлар”, деб жар солди. Улар (жарчилар) олдига келишгач: “Нима йўқотдингиз?”, дедилар. (Жарчилардан бири) айтди: “Подшоҳнинг қадахини йўқотдик. Уни топиб келтирган кишига бир туя юк (мукофотдир). Мен шунга вакилман”. Улар дедилар: “Аллоҳга қасамки, (бизлар ўғри эмасмиз). Ахир, бизлар бу ерга бузғунчилик учун келмаганимизни биласизлар-ку! Бизлар ўғри эмасмиз”. “Агар ёлғон айтган бўлсангизлар, (ўғрининг) жазоси нима бўлур?”, сўрашди (жарчилар). Улар дедилар: “Унинг жазоси кимнинг юки орасидан топилса, ўша кимса жазоланур – қул қилинур. Бизлар зулм қилган кимсаларни мана шундай жазолаймиз. Бас, (Юсуф (алайҳиссалом)нинг хизматкорлари ахтаришни) биродарининг идишидан илгари уларнинг (яъни, бошқа оға-иниларининг) идишларидан бошладилар. Сўнгра уни биродари идишидан “топиб” олди. Биз Юсуфга мана шундай ҳийла-тадбирни билдирдик. (Чунки Миср) подшоҳининг динида у биродарини олиб қола олмас эди. Магар Аллоҳнинг хоҳиши билан (олиб қолди). Биз ўзимиз хоҳлаган кишиларни юксак даражаларга кўтарурмиз. Ҳар бир илм соҳибининг устида (ундан устунроқ) билимдон бордир. Улар: “Агар бу ўғрилиқ қилган бўлса, илгари унинг биродари ҳам ўғрилиқ қилган эди”, дедилар. Бас, Юсуф бу гапни ичига солиб, уларга билдирмади. Ва (ўзича): “Сизлар энг ёмон-тубан мартабадирсизлар. Аллоҳ сизларнинг тўқиб чиқараётган гапларингизни жуда яхши билгучидир”, деди. Сўнг улар дедилар: “Эй улуғ зот, унинг бир кекса отаси бор. Сен унинг ўрнига бизлардан биримизни олиб қолгин. Зотан, бизлар сенинг чиройли амалларни қилгучи зотлардан эканингни кўрмоқдамиз”. (Юсуф (алайҳиссалом)) айтди: “Нарсамизни идишидан топиб олган кимсадан ўзгани олиб қолишдан Аллоҳ сақласин. Акс ҳолда, шак-шубҳасиз, золим кимсалардан бўлиб қолурмиз”. Энди қачонки ундан умидлари узилгач, (оға-инилар) бир четга чиқиб, хуфёна мас-лаҳатлашдилар. Уларнинг каттала-ри айтди: “Оталарингиз сизларнинг устингиздан васиқа олиб қолганини унутдингизми?! Илгари Юсуф тўғрисида ҳам шундай сусткашлиқ қилган эдинглар. Бас, то отам менга изн бермагунича ёки Аллоҳ менинг фойдамга ҳукм қил-магунича мана шу ердан ҳаргиз жилмайман. У Зот ҳукм қилгучиларнинг яхшироғидир. Сизлар оталарингиз олдига қайтиб, айтинглар: “Эй ота, дар-ҳақиқат, ўғлинг ўғрилиқ қилди. Бизлар фақат кўрган-бил-ган нарсамизга

гувоҳлик бермоқдамиз. (Олдин) ғайбни билмаган эдик. Биз бўлиб қайтган шаҳардан ва биз бирга келган карвондан сўраб-су-риштиргин. Албатта, бизлар ростгўй сўзлагувчилармиз” (Юсуф, 69–82).

“Қачонки улар Юсуфнинг хузурига кирганларида, у ини-сини ўзига тортиб: “Мен сенинг оғангман. Энди улар қилгув-чи бўлган нарсадан ташвиш қилмагин”, – деди.

Юсуфнинг оға-инилари унинг хузурига киришгач, уларнинг орасида турган туғишган укаси Биняминни кўриб, уни кучоқ очиб кутиб олди ва бағрига босди. Сўнгра укасини юпатиш, қалбига хотиржамлик киритиш мақсадида:

– Мен сенинг туғишган акангман. Энди сен ўгай оға-инила-ри-миз қилаётган ҳасад, нафрат, адоват ва азиятлардан кўркма! Зеро, Аллоҳ таоло бизга сабр қилганимиз туфайли кўпгина яхшиликлар ато этди.

Шундан кейин Юсуф (алайҳиссалом) Биняминни ўзи билан олиб қолиш учун қандай чора қўллагани айтилади: “**Бас, қачонки уларнинг хожатларини раво қилгач, инисининг юки орасига (билдирмай) бир қадахни солиб қўйди**”. Бу ердаги “қадах” под-шоҳ ичимлик ичадиган махсус идиш бўлиб, одатда у нафис маъдандан ишланар эди. Ўша даврда Юсуф (алайҳиссалом) у билан нарсаларни ўлчаган бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

Яъни, Юсуф оға-иниларининг хожатларига яраша озиқ-овқат бергач, хизматкор йигитларига укаси Биняминнинг юкига бир қадахни сездирмай солиб қўйишларини топширди. Сўнгра эса жарчи: “**Эй карвон эгалари, сизлар ўғридирсизлар**”, деб жар солди. Яъни, оға-инилар энди ўз юртларига қайтиб кетиш учун отланаётган чоғда бир нидо қилувчи:⁶⁴

– Эй карвон эгалари, сизлар ўғрилик содир этдингиз, ишингиз бир ёқлик бўлгунига қадар сабр қилиб туринглар, – деди.

Ўзларини ўғриликда айбланаётганларидан ҳайрон бўлган оға-инилар жарчининг олдига келиб: “**Нима йўқотдингиз?**”, деб сў-радилар. Яъни, эй одамлар, сизлар йўқотган нарса нима эди. Сизлар нима сабаб бизларни ўғриликда айблаяпсизлар?!

Шунда жарчилардан бири: “**Подшоҳнинг қадахини йўқот-дик. Уни топиб келтирган кишига бир туя юк (мукофотдир). Мен шунга вакилман**”, – деди. Яъни, биз подшоҳ ичимлик ичадиган, хожат тушганда баъзи нарсаларни ўлчайдиган идишни йўқотиб қўйдик. Кимки шу идишни топиб берса ёки ўғри кимлигини айтса, унга мукофот тариқасида яна бир туя юк озиқ-овқат қўшиб берилади. Мен подшоҳнинг идишини келтирган одамга ушбу мукофот берилишига кафилман.

Бунга жавобан, Юсуф (алайҳиссалом) оға-инилари ўзларига билдирилаётган айбловлар ноҳақ тухмат эканини таъкидлаб шундай дедилар: “**Аллоҳга қасамки, (бизлар ўғри эмасмиз). Ахир, бизлар бу ерга бузғунчилик учун келмаганимизни биласиз-лар-ку! Бизлар ўғри эмасмиз**”.

Яъни, Аллоҳ номи билан қасам ичамизки, сизлар бизнинг ҳолатимиз, юриш-туришимиздан кўриб турибсизлар, сизнинг юртингизга фасод ёки нолайиқ ишларни қилиш учун келганимиз йўқ! Ахир, юртингизда неча кун турган бўлсак, шу вақтгача бирон марта ножўя бирон иш содир этмадик-ку? Зеро, бундай қилиш бизларга

⁶⁴ Бу ердаги нидо қилувчидан мурод – саройда бўлаётган воқеа-ҳодиса ва янгилик-ларни одамларга етказувчи киши.

зиғирча ҳам манфаат олиб келмайди. Аксинча, фақат зиён келтиради, холос. Биз сизлардан бор йўғи озиқ-ов-қат сўрамоқдамиз. Агар шунча пайтгача ўғрилиқ билан шуғул-лан-ганимизда, сизлар аллақачон бизларни ўз ерингиздан ҳайдаб чиқарган бўлардингиз!

Бу гапларни эшитиб, Юсуф (алайҳиссалом) топшириғи билан иш кўраётган жарчилар уларга қарата дедилар:

– **Агар ёлғон айтган бўлсангизлар, жазоси нима бўлур?**

Яъни, агар подшоҳнинг қадаҳи сизлардан топилиб, “биз ўғри эмасмиз” деган даъвойингиз нотўғри бўлиб чиқса, у ҳолда сизнинг динингизда бунинг жазоси қандай бўлади?

Юсуф (алайҳиссалом) оға-инилари ўз динларида ўғриларга қандай жазо тури берилишини айтиб дедилар: **“Унинг жазоси кимнинг юки орасидан топилса, ўша кимса жазоланур – қул қилинур. Бизлар зулм қилган кимсаларни мана шундай жазолаймиз”**.

Яъни, подшоҳ қадаҳи кимнинг юки орасидан чиқса, унинг жазоси бир йил муддат ичида қул бўлишдир. Бизнинг динимизда ўғриларга шундай жазо белгиланади. *(Зеро, ўғрилиқ қилиб, бошқа одамларга зиён етказган кимсаларнинг жазоси шу! – Таржимон.)*

“Бас, (Юсуф (алайҳиссалом)нинг хизматкорлари ахтаришни) биродарининг идишидан илгари уларнинг идишларидан бошладилар. Сўнгра уни биродари идишидан “топиб” олди”.

Яъни, Юсуфнинг оға-инилари ва уларни ўғирликда айблаёт-ганлар ўртасида узок ва қизгин тортишув бўлиб ўтди. Охири улар Юсуфнинг қадаҳини оға-иниларининг юкларидан кидириб кў-ришга келишиб олишди. Улар Биняминнинг юкидан аввал бош-қа оға-иниларининг юкларини текшириб, ундан бирон нарса топа олмадилар. Охири Биняминнинг юки очиб кўрилганда, қадаҳ шу ердан чиқди ва у ҳаммага кўрсатилди.

Ҳа, бу манзара ва баҳсларда Юсуф (алайҳиссалом) ҳам шахсан ўзи қатнашган ҳамда бевосита унинг йўл-йўриқларига биноан уюштирилган эди бу ишларнинг ҳаммаси.

Сўнгра Аллоҳ таоло пайғамбари Юсуф (алайҳиссалом)га ил-ҳом қилган тадбиридан кўзланган ҳикмат баён қилинади: **“Биз Юсуфга мана шундай ҳийла-тадбирни билдирдик”**.

Оятнинг маъноси қуйидагича: Биз Юсуфга ўз мақсадига – укаси Биняминни ўзи билан олиб қолишга эришиши учун унга Биня-миннинг юклари орасига қадаҳни солиб қўйиш ва оға-инилари-нинг динида ўғрилиқ қилганларнинг жазоси қандай бў-лишини сўраш каби ишларни илҳом қилдик. Бу Бизнинг ҳик-матли тадбиримиз эди.

“(Чунки Миср) подшоҳининг динида у биродарини олиб қола олмас эди. Магар Аллоҳнинг хоҳиши билан (олиб қолди)”.

Яъни, Аллоҳ таоло Юсуф (алайҳиссалом)га илҳом қилган тадбир ҳикматини баён қилиб дейди: Чунки Миср подшоҳи-нинг динига кўра, ўғрилиқ қилганлар учун бир йил озодликдан маҳрум қилиш мумкин эмас эди. Бу фақатгина Яъқуб (алай-ҳиссалом) ва унинг ўғиллари динида эди. Миср подшоҳи-нинг динига кўра, ўғ-рилиқ қилган кимса калтакланиб, ўғирлаган нарсаси қийматини эгасига тўлаб бериши лозим эди. **“Магар Аллоҳнинг хоҳиши билан (олиб қолди)”**. Бу Аллоҳ

таолонинг Юсуф (алайҳиссалом)га кўрсатган фазли, марҳаматидан далолатдир. Яъни, агар Аллоҳ Юсуфга шу тадбирни билдирмаганида, у укаси Биняминни ўзи билан олиб қолишнинг уддасидан чиқа олмаган бўларди. Аллоҳ изни ва иродаси билан ушбу иш содир бўлди. Барча нарса Аллоҳнинг иродасига боғлиқ.

“Биз Ўзимиз хоҳлаган кишиларни юксак даражаларга кў-тарурмиз”. Яъни, Аллоҳ хоҳлаган бандасининг даражасини кў-тариб, хоҳлаганини туширади.

“Ҳар бир илм соҳибининг устида (ундан устунроқ) билимдон бордир”. Яъни, Аллоҳ даражаларини кўтарган зотлар ичида, Аллоҳнинг даргоҳида илм ва мартаба жиҳатидан бир-биридан устун бўлган кишилар бор.

Ўғрилиқ содир этган Бинямин эканини билишган, Юсуфнинг оға-инилари:

– **Агар бу ўғрилиқ қилган бўлса, илгари унинг биродари ҳам ўғрилиқ қилган эди,** – дедилар.

Яъни, танг вазиятда, қийин аҳволда қолган Юсуфнинг оға-инилари дедилар:

– Бинямин подшоҳнинг махсус идишини ўғирлаган бўлса, илгари унинг биродари Юсуф ҳам шунга ўхшаш нарса билан ўғир-лик содир этган эди.

Юсуф (алайҳиссалом) биродарлари айтаётган ушбу сўздан ни-ма кўзлангани борасида муфассирлар турли ривоятларни келтирадилар. Улардан бирида айтилишича, Юсуф (алайҳиссалом) ёшлиқ чоғида олтин ва кумушдан ишланган бир бутни ўғирлаб, уни синдириб, майда-майда қилади ва кўчага улоқтиради. Бу ерда оға-инилар ана ўша воқеани назарда тутмоқдалар.

«Бас, Юсуф бу гапни ичига солиб, уларга билдирмади. Ва (ўзича): “Сизлар энг ёмон-тубан мартабададирсизлар. Аллоҳ сизларнинг тўқиб чиқараётган гапларингизни жуда яхши Билгувчидир”, деди».

Яъни, Юсуф (алайҳиссалом) ўзи ва туғишган укаси шаънига айтилаётган ушбу нолайиқ сўзларни эшитиб, ғазаби келди. Бу нарса Юсуфга хуш ёқмади. Аммо ўзини базўр тийиб турди, уларнинг гап-ларидан жунбушга келганини сездирмасликка ҳаракат қилди ва:

– Балки, эй оға-инилар, ўзларингиз мен ва укамдан ҳам кўра ёмонроқ ва бошқаларга кўпроқ озор берувчидирсизлар. Чунки сизлар оталарингизни алдадингиз. Мени қудуққа ташлаб, уни бўри еб кетди, деб ёлғон айтдингиз. Сиз айтаётган гапларнинг ноҳақ ва бўҳтон эканини Аллоҳ таоло мендан ҳам, сизлардан ҳам яхшироқ билувчи Зотдир, деб жавоб қайтарди.

Шунда Юсуфнинг оға-инилари илтижо ва ўтинч ила де-дилар:

– **Эй улуғ зот, унинг бир кекса отаси бор. Сен унинг ўрни-га бизлардан биримизни олиб қолгин.**

Яъни, эй мўътабар зот, сен бизларга кўпдан-кўп лутфу карам ва саховат кўрсатдинг. Сен бир йил муддатга ўзинг билан олиб қолмоқчи бўлган Бинямин укамизнинг ёши бир жойга бориб қар-тайиб қолган кекса отаси бор. У ўғлини жуда қаттиқ яхши кў-ради. Шу сабаб, уни уйга қайтариб олиб бормасак бўлмайди. Сен унинг ўрнига бизлардан биронтамизни олиб қолақол, токи биз отамизни яна ташвишга қўймайлик. Биз ушбу илтимосимизни фақат сени муҳсин кишилардан, одамларга яхшилик қиладиганлардан, деб билганимиз учунгина қиляпмиз. Сен шу сифатингга содиқ қолиб, Биняминни озод қил ва у биз билан юртига қайтиб кетсин!

Лекин Юсуф (алайҳиссалом) уларнинг бу талабига қатъий тарзда инкор жавобини берди: **“Нарсамизни идишидан топиб ол-ган кимсадан ўзгани олиб қолишдан Аллоҳ сақласин”.** Яъни, ўзларингиз айтдинглар, динингиз талабига кўра, ўғрилиқ

қил-ганлар бир йил муддат озодликдан маҳрум қилинади. Бас, биз ушбу ҳукми ҳаётга татбиқ қилмоқчимиз. Ҳақиқий айбдор қолиб, бошқа кишини олиб қолишдан Аллоҳ сақласин!

“Акс ҳолда, шак-шубҳасиз, золим кимсалардан бўлиб қо-лурмиз”. Яъни, нарсаларимизни юкидан топган Биняминдан ўзга кишини олиб қолсак, бу аниқ зулм қилиш бўлади. Бизнинг ҳам, сизларнинг ҳам динингизда зулм қораланади-ку, ахир! Бас, бизлар билан бу хусусда тортишишни бас қилинлар. Биз золим кимса-лардан бўлиб қолишни зинҳор истамаймиз!

Ушбу қатъий инкор жавобидан сўнг оға-иниларнинг Биня-минни ўзлари билан олиб кетишга бўлган умидлари буткул сўн-ди. Улар, энди юртларига қайтиб боргач, оталарига нима деб жавоб бериш, ўз айбларини қандай ювиш ҳақида бош қотира бошладилар.

Оға-иниларнинг умидлари пучга чиққач, бир четга чиқиб, махфий тарзда ўзаро маслаҳатлаша бошладилар. Уларнинг катталари айтди: **“Оталарингиз сизларнинг устингиздан васиқа олиб қолганини унутдингизми?! Илгари Юсуф тўғрисида ҳам шундай сусткашлик қилган эдинглар. Бас, то отам менга изн бермагунича ёки Аллоҳ менинг фойдамга ҳукм қилмагунича мана шу ердан ҳаргиз жилмайман. У Зот ҳукм қилгувчилар-нинг яхшироғидир”.**

Яъни, оға-инилар укалари Биняминни озод қилиш ёки унинг ўрнига бошқа бирларини қолдиришга Юсуфни ҳеч кўндира олишмагач, мақсадга етишишдан умидлари узилди. Сўнгра ўза-ро йи-ғилишиб, оталарининг олдига Биняминсиз қайтгач, қандай йўл тутиш борасида маслаҳатлашиб олмоқчи бўлдилар. Шу ерда уларнинг ёш жиҳатдан катталари Роавбин ёки ақл жиҳатдан етуқлари Йахузо⁶⁵ деди:

– Оталарингиз сизларга Аллоҳ номи билан қасам ичириб, Бин-яминни сафарда соғ-омон сақлаш ва уни яна ўз юртига эсон-омон қайтариб олиб келиш ҳақида аҳд-паймон олгани эсингиздан чиқдимми?! Аввал Юсуф ҳақида ҳам шундай эътиборсизлик қилган эдингиз. Уни сақлашга ваъда бериб, сўнгра кудуққа ташлаб юборгандинглар! Энди ҳаммаси ёдингизга тушди. Аллоҳ номи билан қасам ичаманки, отамга берилган аҳдни бузмаслик учун токи отам-нинг ўзи бу ердан чиқиб кетишга изн бермагунича ёки Аллоҳ чиқиб кетишни амр қилмагунича зинҳор Мисрни тарк этмайман. Зеро, Аллоҳ таоло ҳукм қилувчиларнинг энг адолат-лисидир. У Зот фақат ҳақ ила ҳукм қилур.

Сўнгра у сўзини давом эттириб деди: **Сизлар оталарингиз олдига қайтиб, айтинглар: “Эй ота, дарҳақиқат, ўғлинг ўғри-лик қилди. Бизлар фақат кўрган-билган нарсамизга гувоҳлик бермоқдамиз”.** Яъни, эй оға-иниларим, сизлар ҳозир отангиз Яъқубнинг олдига бориб, мулойимлик билан шундай денглар:

– Эй ота, ўғлинг Бинямин подшоҳнинг қадаҳини ўғирлади, қадаҳ унинг юклари орасидан топилди. Биз унинг ўғрилик қил-ганини аниқ билганимиз учун айтаяпмиз бу гапларни! **“(Олдин) Ғайбни билмаган эдик”.** Яъни, сенга уни соғ-омон сақлашимиз ҳақида ваъда бераётганимизда унинг келажакда ўғрилик содир этишини билмаган эдик. Агар биз айтаётган гаплардан шубҳада бўлсанг, хоҳлаган кишингни биз бўлиб қайтган шаҳарга жўнат ва улар бу ходисаларни жуда яхши биладилар. Ёки

⁶⁵ Қуръони каримда уларнинг каттаси ким экани зикр қилинмаган.

биз билан бориб, қайтган карвондаги одамлардан сўра бу ҳодисаларнинг асл ҳақиқатини. Улар сенга уни батафсил сўзлаб берадилар. Зеро, бизнинг ҳар бир айтаётган гапимиз ҳақиқатдир.

Бу бўлимда сизлар Юсуф (алайҳиссалом) оға-инилари ўз укалари Бинямин билан Мисрга иккинчи бор сафар қилганларида подшоҳ билан бўлиб ўтган воқеалардан хабардор бўлдингиз. Ай-ни чоғда Миср юртининг ҳукмдори – Юсуф укаси Биняминни ўзи билан олиб қолиш илинжида, оға-инилар бўлса, уни ўз юртларига соғ-омон олиб келишга қаттиқ ваъда берган эдилар. Хўш, оға-инилар бундай вазиятда қандай йўл тутдилар?

*Яъқуб (алайҳиссалом)нинг ўғилларини Юсуф ва укаси Биняминни қидиришига
ундаши*

“Ўғрилиқ” содир этган Бинямин Мисрда Юсуф (алайҳиссалом) билан қолгач, оға-инилар уни ташлаб юртларига қайтиб кетишга мажбур бўлдилар. Бу нарса Яъқуб (алайҳиссалом)нинг шундоқ ҳам эзилиб турган қалбига янада баттарроқ қайғу-алам кўшди. Лекин қалби шикаста бўлса-да, кучли имони сабаб Аллоҳнинг раҳ-матидан ноумид бўлмади. Келинг, яхшиси қиссанинг давоми билан Қуръони карим оятлари орқали танишиб чиқайлик:

(Яъқуб (алайҳиссалом) деди: **“Йўқ, сизларнинг ҳавойи нафс-ларингиз бирон нарсани чиройли қилиб кўрсатган. Энди (менинг ишим) чиройли сабр қилмоқдир. Шоядки, Аллоҳ уларнинг барчаларини бағримга қайтарса. Албатта, У Зот билим ва ҳикмат соҳибидир”**. Кейин улардан юз ўғи-риб, деди: **“Эй бечора Юсуф-а!”** Ғам-алам ютавериб у зотнинг кўзлари оқарди. (Шунда ўғиллари): **“Аллоҳ номига қасамки, сен то рамақижон⁶⁶ бўлиб қолгунингча ёки бир йўла ҳалок бўлгунингча Юсуфни эслайверадиған бўлдинг”**, дедилар. У айтди: **“Мен ғаму ташвишдан ёлғиз Аллоҳгагина шикоят қилиб (йиғламоқдаман) ва мен Аллоҳнинг (меҳрибон, раҳм-ли экани ҳақидаги) сизлар бил-майдиган нарсаларни билурман. Эй ўғилларим, боринглар, Юсуф ва унинг биродарини изланглар ва Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмгина ноумид бўлур”** (*Юсуф*, 83–87).

Оға-инилар Миср сафаридан қайтиб келиб, бўлиб ўтган во-қеалардан оталарини хабардор қилишгач, унинг ташвиши янада ортди ва:

– **Йўқ, сизларнинг ҳавойи нафсларингиз бирон нарсани чиройли қилиб кўрсатган. Энди (менинг ишим) чиройли сабр қилмоқдир**, – деди. Яъни, аслида ҳолат сизлар айтаётганчалик эмас, балки бузуқ нафсингиз сизларга яна бирон ёмон ишни зийнатлаб кўрсатган. Мен энди чиройли сабр қилишни ўзимга лозим тутаман.

Сўнгра, Яъқуб (алайҳиссалом) Аллоҳнинг раҳматидан умид қилган ва вақти келиб Аллоҳ таоло барча фарзандларини бағрига қайтаришига ишонган ҳолида деди: **“Шоядки, Аллоҳ уларнинг барчаларини бағримга қайтарса. Албатта, У Зот билим ва ҳикмат соҳибидир”**.

⁶⁶ (*Ўзбек тилидаги “рамақижон” сўзи аслида форс-тожик тилига мансуб бўлиб, у “ниҳоят даражада озган; ҳолдан тойган, эти бориб суякка тақалган” каби маъноларни ифодалайди. – Таржимон.*)

Яъни, шояд Аллоҳ таоло фарзандларим Юсуф, Бинямин ва Роавбинларни яна бағримга қайтарса. У менинг ҳолатимдан хабардор ва ҳар бир қилаётган иши ҳикматли бўлган Зотдир.

Яъкуб (алайҳиссалом) томонидан айтилаётган ушбу сўзлар унинг кучли имон соҳиби экани, Аллоҳ таолога қаттиқ боғланга-ни ва У Зотнинг карами, марҳаматидан умидвор эканига далолат қи-лади. Гўёки у мазкур сўзларни айтар экан, бошқалар оддий сезги аъзолари билан ҳис қила олмаган нарсаларни Яъкуб Аллоҳ қалбига солиб қўйган имон нури билан кўраётгандек эди.

Аввал Юсуфнинг ҳажрида изтироб чекаётган маҳзун ота, энди Биняминдан ҳам айрилгач, қалбини ўртаётган ғам-алам янада кучайиб, охири кўз нуридан ҳам айрилди: **“Кейин улардан юз ўгириб, деди: “Эй бечора Юсуф-а!” Ғам-алам ютавериб у зотнинг кўзлари оқарди”**.

Яъни, ўғилларидан ушбу сўзларни эшитган Яъкуб (алай-ҳис-са-лом) кўнглидаги эски яра янгиланди ва ота ўғилларидан юз ўгир-ди. Ўғлининг ҳажрида адо бўлган ота йиғлайверганидан кўз нуридан ҳам айрилди.

Оталарини бундай аянчли аҳволда кўрган ўғиллари дедилар: **“Аллоҳ номига қасамки, сен то рамақижон бўлиб қолгу-нингча ёки бир йўла ҳалок бўлгунингча Юсуфни эслайверадиган бўлдинг”**.

Яъни, Аллоҳга қасамки, эй ота, шундай қайғу-алам устига яна Юсуфни эслайвериб, ҳолдан тоясан ёки бу дунёни тарк этадиган ҳолга келиб қолсан, ахир!

Бунга жавобан оталари деди: **“Мен ғаму ташвишдан ёлғиз Аллоҳгагина шикоят қилиб (йиғламоқдаман) ва мен Аллоҳ-нинг (меҳрибон, раҳмли экани ҳақидаги) сизлар билмайдиган нарсаларни билурман”**.

Яъни, Юсуфнинг фироқида қилаётган бу ташвишларимдан фақатгина Аллоҳга шикоят қиламан, бошқасига эмас. Зеро, У Зот менинг ҳолатимдан хабардор ва мени бундай ташвишлардан чиқаришга қодир. Бас, сизлар мени ўз ҳолимга қўйинглар, чунки мен Аллоҳ таоло мусибатга сабр қилувчи кишиларга қандай савоб, яхшилик беришини сизлардан кўра яхшироқ биламан. У Зот фарзандларимни ёнимга қайтаришидан умидим узилмаган. Мен Аллоҳ ҳақида яхши гумондаман.

Шу сўзларни фарзандларига тушунтирган Яъкуб (алайҳис-са-лом) энди уларни Юсуф ва укаси Биняминни топиб келишга амр қил-ди ва Аллоҳнинг раҳматидан умидсизланмасликка ча-қириб деди:

– **Эй ўғилларим, боринглар, Юсуф ва унинг биродарини изланглар ва Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмгина ноумид бўлур.**

Яъни, эй ўғилларим, Мисрга ёки Юсуф ва укаси бор бўлиши мумкин бўлган жойга бориб, уларни қидиринглар. Аммо шуни унутмангларки, зинҳор Аллоҳнинг раҳматидан – ёрдами, мар-ҳамати кенглигидан шубҳада бўлманглар! Чунки Аллоҳнинг раҳ-матидан фақатгина У Зотнинг улуғлиги ва раҳматининг кенг-лигини билмайдиган, билсалар ҳам инкор қиладиган кофир қавмгина ноумид бўлади. Лекин мўминлар бундай қилмайдилар. Улар, ҳатто бошларига беҳисоб мусибат ёғилса ҳам, Аллоҳнинг лутфу карамидан умид қилиб, сабр билан олға борадилар!

Юсуф ва ога-инилари ўртасидаги учинчи учрашув

Ўғиллари оталарининг амрига кулоқ тутиб, Мисрга учинчи бор сафарга жўнаб кетдилар ва у ерга етиб бориб, Миср ҳукмдори Юсуф (алайҳиссалом) билан учрашдилар. Қисса қўйидагича бошланади:

Энди қачонки (Мисрга етиб келиб, Юсуф (алайҳиссалом)нинг) ҳузурига киришгач, дедилар: **“Эй улуғ зот, бизни ва аҳли оила-мизни очарчилик ушлади. Бизлар ўтмас матоларни олиб келдик. Бизларга етарли ўлчовда (озик-овқат) бергин ва бизларга хайр-садақа қилгин! Аллоҳ, шак-шубҳасиз, садақа бергувчи зотларга мукофотлар ато этур”**. (Юсуф (алайҳиссалом)) деди: **“Ёш-нодон пайтингизда Юсуф ва унинг биродарига нима ишлар қилганингизни эслайсизларми?”** Улар: **“Сен Юсуфмисан?”**, деб сўрадилар. **“Ҳа, мен Юсуфман, бу эса биродаримдир. Аллоҳ бизларга марҳамат кўргузди. Дарҳақиқат, кимдаким Аллоҳдан кўркиб, сабр-қаноат қилса, албатта, Аллоҳ бундай чиройли амаллар қилгувчи кишиларнинг аж-ру мукофотини зое қилмас”**, деди у. Улар дедилар: **“Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сени бизлардан афзал қилмишдир. Бизлар эса, шак-шубҳасиз, адашгувчилардан бўлдик”**. У деди: **“Бу кун сизлар айбланмайсиз. Аллоҳ сизларни мағфират қилгай. У Зот раҳм қилгувчиларнинг раҳмлироғидир. Сизлар мана бу қўйлагим-ни олиб бориб, отамнинг юзига ташласангиз, унинг кўзлари очилур. Сўнг барча аҳли оилаларингиз билан бирга менинг ол-димга келинглар!”** Карвон (Мисрдан) чиқиши биланок ота-лари (Яъқуб (алайҳиссалом)): **“Мен Юсуфнинг бўйини туй-моқдаман. Агар мени ақлдан озган де-масангизлар”**, деди. Улар айтдилар: **“Аллоҳга қасамки, сен ўша эски хатойингда турибсан”**. Энди қачонки хушxabарчи келиб, уни кўзига ташлагач, унинг кўзлари очилди. **“Сизларга мен Аллоҳнинг (Меҳрибон, Раҳмли эканлиги ҳақида) сизлар билмайдиган нарсаларни билурман, демаганмидим”**, деди у. Улар дедилар: **“Эй ота, (Аллоҳдан) бизларнинг гуноҳларимизни кечиршини сўрагин! Албатта, бизлар хато қилгувчилардан бўлдик”**. У айтди: **“Албатта, Парвардигоримдан сизларни мағфират қил-моғини сўрайман. Зотан, ёлғиз У Зотгина мағфират қил-гувчи, меҳрибондир”** (Юсуф, 88-98).

Оға-инилар оталарининг гапига кириб, ўзларида бўлган бор нарсаларни олиб, озиқ-овқатга алиштириш мақсадида Миср томон равона бўлдилар. Мисрга етиб келиб, Юсуф (алайҳиссалом)-нинг ҳузурига киришгач: **“Эй улуғ зот, бизни ва аҳли оиламизни очарчилик ушлади. Бизлар ўтмас матоларни олиб келдик”**, дедилар. Яъни, бизлар қашшоқлик ва қахатчиликка дучор бўлдик. Шу сабаб бу сафар юртимиздан энг сифатсиз, ўтмас молларни олиб келдик, уни кўрган ҳар қандай савдогар эътиборсизлик билан юз ўгириши тайин. Шундай бўлса-да, **“бизларга етарли ўлчовда (озик-овқат) бергин ва бизларга хайр-садақа қилгин!”** Яъни, биз ҳолимизни сенга арз қилдик. Шундай экан, сен бизларга ўзимиз учун етарли бўлган нарсаларни бериб, инфоқ-эхсон қилгин. Зеро, Аллоҳ таоло садақа қилувчи бандаларини бошқаларга нисбатан кўпроқ ажру мукофотлар билан сийлайди.

Уларнинг бу талабларига Юсуф (алайҳиссалом) шундай деди: **“Ёш-нодон пайтингизда Юсуф ва унинг биродарига ни-ма ишлар қилганингизни эслайсизларми?”** Яъни, Юсуф (алай-ҳиссалом) уларга танбех бериш ва бир пайтлар содир этган ха-то-ларини ёдларига солиб қўйиш мақсадида:

– Юсуф ва унинг биродарига зулм, азият етказиб, кўп адоват-да бўлганларингиз ёдингиздами, шундай ишларни қилганингизни биласизларми? Ўша пайтда сизлар бу қилмишларингиз оқибати ҳақида ҳеч ҳам ўйлаб кўрмаган эдингиз! – деди.

Юсуф (алайҳиссалом) айтаётган бу сўзлар унинг юксак одоб эгаси бўлганидан дарак беради. Зеро, у оға-иниларининг мазкур қилмишлари уларнинг ёшлик чоғларида ўйламай, нодонлик билан амалга оширилганини айтиб, ўзларини ўнглашга, хулқлари-ни ислоҳ қилишга чиройли йўл орқали чақирмоқда.

Шунда оға-инилар сергак тортиб, хаяжон билан: **“Сен Юсуфмисан?”**, деб сўрадилар. Яъни, шунча пайтдан бери бизларга яхшилик қилиб келаётган киши биродаримиз Юсуфмидинг?! Биз сендан ёшлигимизда айрилган эдик, деб юрсак, сен Мисрдек азим бир мамлакатга подшоҳ бўлибсан-а?!

Бунга жавобан Юсуф (алайҳиссалом) деди:

– **Ҳа, мен Юсуфман, бу эса биродаримдир. Аллоҳ бизларга марҳамат кўргузди.**

Яъни, ҳа, сизлар айтаётган ва бошига не кунларни солмаганингиз ўша Юсуф менман. Бу эса, менинг туғишган укам Бинямин. Аллоҳ илҳом қилиб, уни ўзим билан олиб қолишга муваф-фақ бўлдим, сизлар билан юртингизга жўнаб кетишига йўл қўй-ма-дим. Аллоҳ таоло бизларга фазлу марҳаматини кўрсатиб, узок айрилиқдан сўнг яна бир ерга жамлади, қийинчиликдан енгиллик, танглиқдан кенглик сари олиб чиқди.

Шу ерда Юсуф (алайҳиссалом) ўзи эришган ютуқ-муваф-фа-қиятлар сабабини айтиб ўтади: **“Дарҳақиқат, кимда-ким Аллоҳ-дан кўрқиб, сабр-қаноат қилса, албатта, Аллоҳ бундай чиройли амаллар қилгувчи кишиларнинг ажру мукофотини зое қилмас”**.

Яъни, Аллоҳ таолога тақво қилиб, ўзини У Зот рози бўлмай-ди-ган ишлардан сақлаб, қазои қадарида ёзилган барча нарсага сабр қилган бандаларига Ўз раҳмати ила раҳм қилади, лутфу карамини дариғ тутмайди. У Зот ихлос билан чиройли амал қилувчиларнинг амалларини зое қилмас. Бу Аллоҳнинг ўзгармас тақдиридир.

Ушбу гапларни эшитгач, Юсуф (алайҳиссалом) оға-инилари кўз ўнгида ўтмишда қилган манфур ишлари яққол гавдаланди ва бундан ўзларини ноқулай ҳис қилиб, Юсуф (алайҳиссалом) олдида хижолат торта бошладилар. Чунки улар Юсуфга шунча озор-ситама етказсалар-да, у бунга яхшилик билан жавоб қайтарган эди. Оға-инилар энди ўзларини паст олиб, мулойимлик билан:

– **Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сени бизлардан афзал қил-мишдир. Бизлар эса, шак-шубҳасиз, адашгувчилардан бўл-дик,** – дедилар.

Яъни, Аллоҳ номи билан қасам ичиб айтамызки, У Зот сени Ўзининг хос бандаларидан қилиб танлаб олди, сенинг бизлар-дан устунлигинг тақво, сабр ва яна кўпгина мақталган хислатлардадир. Аммо биз сенга зулм қилиб, хато қилдик. Сени Аллоҳ азизу мукаррам қилиб, бизларни эса хор қилди. Сени бой-ба-давлат, бизларни фақир этди. Энди биз сендан кечирим сўраб, гуноҳимиздан ўтишингни илтимос қиламиз!

Юсуф (алайҳиссалом) уларга бағрикенглик билан шундай деди:

– **Бу кун сизлар айбланмайсиз. Аллоҳ сизларни мағфират қилгай. У Зот раҳм қилгувчиларнинг раҳмлироғидир.**

Яъни, эй оға-иниларим, сиз бугун маломат қилинмайсиз-лар. Сизларнинг мен ва укамга қилган озорларингизни кечириб юбордим. Энди мен Аллоҳнинг сизлардан

ўтган гуноҳ ишларни мағфират этишини умид қиламан. Зеро, У бандаларига энг раҳм-ли бўлган Зотдир.

Юсуф (алайҳиссалом) сўзида давом эта туриб деди:

– Сизлар мана бу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига ташласангиз, унинг кўзлари очилур. Сўнг барча аҳли оила-ларингиз билан бирга менинг олдимга келинглар!

Яъни, эй оға-иниларим, менинг фироғим сабаб кўзлари ожиз бўлиб қолган отамнинг кўзига ушбу кўйлагимни олиб бориб ташланглар. Шунда унинг кўзи яна кўра бошлайди ва менинг олдимга оила аъзоларингизнинг барчаларини олиб келинглар!

Юсуф (алайҳиссалом)нинг бу сўзи Аллоҳ таолонинг ваҳийси билан айтилган эди. У Зот Юсуфга кўйлаги отасининг юзига ёпилса, кўзи очилишини билдирган. Бу нарса ушбу икки пайғамбарга тегишли мўъжизалардан биридир.

Оға-инилар Юсуфнинг талабини бажариш учун кўйлагини олиб, ватанларига қайтиб кетдилар. Қуръони карим қиссининг давомини қуйидагича келтиради: **«Карвон (Мисрдан) чиқиши биланоқ оталари (Яъқуб (алайҳиссалом): “Мен Юсуфнинг бўйини туймоқдаман. Агар мени ақлдан озган демасангизлар”, деди».**

Яъни, карвон Юсуф оға-иниларини олиб Мисрдан ўз юртлари томон жўнагач, Яъқуб (алайҳиссалом) ўзи билан бирга ўтирган кишиларга деди:

– Менга қулоқ солинглар! Мен Юсуфнинг ҳидини сезяпман. Бу яқин орада у билан учрашишимиздан дарак беради. Агар сиз-лар мени ақлдан озган демасангиз, айтаётган сўзларимни тас-диқла-ган бўлар эдингиз.

Аллоҳ таоло Яъқуб (алайҳиссалом)га бир кунлик масофадан ўғ-ли Юсуфнинг ҳидини сездирган эди. Бу очиқ-ойдин пайғам-барлик мўъжизасидир.

Имом Молик (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Аллоҳ таоло Яъқубга Юсуфнинг ҳидини етказди. Шунингдек, Сулаймонга Бил-қиснинг тахтини у кўрмасидан аввал кўрсатган эди”.

Лекин Яъқуб (алайҳиссалом) олдида ўтирганлар бирон нарсани сезмадилар. Шу сабаб **“Аллоҳга қасамки, сен ўша эски хато-йингда турибсан”,** – дедилар.

Яъни, Аллоҳ номига қасамки, сен ҳали ҳам аввалги хатойинг-дасан. У нарса сени ҳеч тарк этмаяпти. Сабаби – Юсуфни қаттиқ яхши кўришинг, уни бир кун келиб, албатта топаман, деб умид қилишинг ва у ҳақида кўп ўйлашингдир.

Йўқ, уларнинг гапи ёлғон бўлиб чиқди. Яъқуб (алайҳиссалом) тўғри айтган экан. **“Энди қачонки хушxabарчи келиб, уни кў-зи-га ташлагач, унинг кўзлари очилди. “Сизларга мен Аллоҳ-нинг (меҳрибон, раҳмли эканлиги ҳақида) сизлар билмай-диган нарсаларни билурман, демаганмидим”, деди”.**

Яъни, Яъқубнинг ўғиллари остонага яқинлашишгач, Юсуф-нинг кўйлагини кўтарган бир хушxabарчи Яъқубнинг олдига келиб, уни юзига ёпган ҳам эдики, худди аввал ҳеч нарса бўл-магандек Яъқубнинг кўзлари яна кўра бошлади. Бу Аллоҳ таолонинг Яъқуб (алайҳиссалом)га берган бошқа бир мўъжизаси эди. Юсуфнинг кўйлагини юзига ёпиши билан яна кўзлари очилиб, ёруғ оламини кўра бошлаши мўъжиза бўлмай яна нима бўлсин?!

Сўнгра Яъқуб (алайҳиссалом) **“Мен Юсуфнинг бўйини туй-моқдаман”,** деганида инкор қилиб, уни касаллик ёки кексалик-да айблаган кишиларга қарата деди:

– Мен сизларга Аллоҳ таоло раҳмат, фазл ва яхшилик соҳиби эканини биламан, деб айтмаганмидим?!

Бундай кутилмаган ва нокулай аҳволга тушиб қолган Яъқуб (алайҳиссалом) ўғиллари унга қарата:

– **Эй ота**, (Аллоҳдан) **бизларнинг гуноҳларимизни кечи-ришини сўрагин!** – деб илтимос қилдилар. Яъни, эй ота, сен Аллоҳга илтижо ва тазарру қилиб, бизлар сен, ўғилларинг – Юсуф ва Биняминнинг ҳақиқа хиёнат қилиб, сизларга кўп озор берганимиз учун бу гуноҳларимизни афв этишини сўрагин. Зеро, бизлар аниқ хато килувчи кимсалардан бўлдик!

Меҳрибон отанинг уларга қилган жавоби ҳам самимий бўлди. У деди:

– Мен Аллоҳга сизларнинг гуноҳларингизни кечирини сў-раб истиғфор айтаман. Чунки У хоҳлаган бандасини кечириб, хоҳ-лаган бандасига Ўз раҳматини ёғдирувчи Зотдир.

Юсуф (алайҳиссалом)нинг барча оила аъзолари билан учрашуви

Қиссанинг шу еригача Юсуф ва оға-инилари орасида бўлиб ўтган қизғин суҳбатлар, Яъқуб ва ўғиллари ўртасидаги мунозаралар ва шу каби қизиқарли воқеа-ходисалар ҳикоя қилин-ди. Лекин воқеалар шу билан тугагани йўқ, албатта. Энди Юсуф (алай-ҳиссалом) ёшлигида кўрган тушининг ва Яъқубнинг бу тушга айтган таъбирининг рост экани, Яъқубнинг ўғиллари, оила-си билан ўғли Юсуфни кўргани Мисрга сафар қилгани, бу ерда улар йиғилгани айтилади. Қуръонга кулоқ тутайлик. У ўзининг бало-ғатли услуби билан қисса сўнгини қуйидагича келтиради:

Энди қачонки (манзилга етиб келишиб), Юсуфнинг ҳузури-га кирганларида, у ўзини ота-онасининг қучоғига отди ва: “Иншааллоҳ, Мисрга тинч-омон киринглар”, деди. У ота-онасини ўзининг тахтига чиқарди ва улар сажда – таъзим қил-ган ҳолларида йиқилдилар. У деди: “Эй отажон, мана шу илгари кўрган тушимнинг таъбиридир. Парвардигорим уни рост қилди. Дарҳақиқат, У Зот менга инъом қилди – мени зиндондан чиқарди, шайтон мен билан оға-иниларим орасини бузиб, иғво қилганидан кейин, мана сизларни чўлу саҳродан келтирди. Албатта, Парвардигорим Ўзи хоҳла-ган нарсани сездирмай амалга оширгувчи Зотдир. Албатта, Унинг Ўзигина билим ва ҳикмат соҳибидир. Парвардигорим, менга подшоҳликни ато этдинг, яна тушларнинг таъбиридан таълим бердинг. Эй осмонлар ва Ерни яратган Зот, дунёю охиратда Ўзинг Хожамдирсан. Мусулмон ҳолимда жонимни олгин ва мени ҳам солиҳ бандаларинг қаторига қўшгин” (*Юсуф, 99–101*).

Энди қачонки (манзилга етиб келишиб), Юсуфнинг ҳузури-га кирганларида, у ўзини ота-онасининг қучоғига отди...”. Яъни, оға-инилар Юсуфнинг “Сизлар мана бу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига ташласангиз, унинг кўзлари очилур. Сўнг барча аҳли оилаларингиз билан бирга менинг олдимга келинглар!”, деган даъватига ижобат қилиб, барчалари Миср юртига ташриф буюрдилар ва Юсуфнинг ҳузурига киришгач, у ота-онасини қучоқ очиб кутиб олди, ўзини уларнинг қайноқ бағрига отди ҳамда барчаларига қарата:

– **Иншааллоҳ, Мисрга тинч-омон киринглар**, – деди. Яъни, Миср юртига ҳеч бир ташвишсиз, очлик ва хавф-хатардан холи бўлган тарзингизда киринглар!

Муфассир олимлар ёзишича, Яъқуб ҳамда оиласининг Мисрга келишашганидан хабар топган Юсуф ўз аъёнлари ва сарой амалдорлари билан уларнинг истиқболига

чиқади. Бу ерда “Мисрға кириш”дан мурод у ерда маскан ва кўним топиш, унинг турли жойларида истиқомат қилишдир.

Айтилишича, ўша пайтда Мисрға сафар қилган Яъқуб (алай-ҳиссалом) оила аъзоларининг умумий сони тахминан саксон-тўқ-сон нафар бўлган.

Сўнгра Юсуф ота-онасига ҳурмат бажо қилиб, уларни ўз тах-тига ўтказди ва улар **“сажда қилган ҳолларида йиқилдилар”**. Яъни, Яъқуб ва унинг оиласи Юсуфга сажда қилиб, таъзим қил-дилар. Бу уларнинг динида жоиз нарса бўлиб, ушбу сажда қилиш фақатгина ҳурмат, эҳтиром ва салом маъносини ифодалаган. Бу шаръий маънодаги сажда эмас, чунки Аллоҳдан ўзгага сажда қилиш жоиз бўлмайди.

Улар таъзим бажо келтиришгач, Юсуф Аллоҳ берган неъматларни эслай туриб, деди:

– Эй ота, ҳозир сизларнинг менга ҳурмат юзасидан сажда қилишларингиз – ёшлик чоғимда кўрган тушимнинг рост чи-қиши-дир. Раббим бу тушни ўнгидан келтирди, узоқ йиллар ўтиб, У Зот менга унинг таъбирини ўз кўзим билан кўришга му-ваффақ этди!

Айтилишича, Юсуф (алайҳиссалом)нинг туш кўриши ва унинг рост экани маълум бўлиши орасида қирқ йил муддат ўтган.

Муҳтарам ўқувчи, ёдингизда бўлса, сура аввалида Юсуф (алай-ҳиссалом)нинг туш кўриши ҳақида айтиб ўтилган эди. Ўшанда у отасига: **“Эй, отажон, мен тушимда ўн бир юлдузни, яна қуёш ва ойни кўрибман. Ҳаммалари менга сажда қилаётган эмишлар”**, деган эди.

Сўнгра Юсуф ўз сўзида давом этади: **“Дарҳақиқат, У Зот менга инъом қилди – мени зиндондан чиқарди”**. Яъни, мен бир неча йил зиндонда турганимдан сўнг У Зот мени у ердан чиқа-риб, кўп яхшиликлар қилди. Шунингдек, сизлар чўлу биёбонда, Фа-лас-тиннинг Канъон деган жойида турган ҳолларингизда бар-чаларингизни Мисрда жамлади. Шайтон мен ва оға-иниларим орасига адоват уруғларини сочиб, фасод қилгач, улар мени қу-дукқа ташлаб юборган эдилар. Шукрки, ҳозир Аллоҳ бизларнинг ораларимизни ислоҳ қилди!

“Албатта, Парвардигорим Ўзи хоҳлаган нарсани сездирмай амалга оширгувчи Зотдир. Албатта, Унинг Ўзигина билим ва ҳикмат соҳибидир”. Бу Юсуф (алайҳиссалом) томонидан Аллоҳ таолога айтилаётган ҳамду санолардир.

Яъни, Раббим Аллоҳ бандаларининг ишларини Ўзи хоҳлага-нича тадбир қилувчи, улар билмаган ҳолларида бандалари фойдасига иш кўрувчи Зотдир. У махлуқотларининг аҳволидан Хабардор, барча қилаётган тадбирларини ҳикмат билан амалга оширувчи Зотдир!

Шундан кейин Юсуф (алайҳиссалом) Аллоҳ таолога ҳамду сано айтишни ушбу умумий дуо билан яқунлайди: **“Парвардигорим, менга подшоҳликни ато этдинг, яна тушларнинг таъбиридан таълим бердинг”**. Яъни, эй Раббим, Сен менга фазлу караминг ила подшоҳлик ва ҳокимиятни бердинг, тавфиқинг билан тушларнинг тўғри таъбир қилиш илмини ҳам ато этдинг. **“Эй осмонлар ва Ерни яратган Зот, дунёю охиратда Ўзинг хожамдирсан. Мусулмон ҳолимда жонимни олгин ва мени ҳам солиҳ бандаларинг қаторига қўшгин!”**

Яъни, осмонлар ва Ерни бетакрор, мукамал қилиб яратган Зот, Сен дунёда ҳам, Охиратда ҳам менинг ёрдамчимсан. Вақти-соатим етиб, ажал эшик қоққанида, мени асл фитратим бўлмиш Исломда вафот эттиргин. Ҳаётлигимда ҳам мусулмон ҳолимда

яшашга муваффақ қилгин, мени қабримда ва Қиёмат кунида бандаларинг орасидаги солиҳ, итоатгўй ва тақводор кишиларнинг қаторига қўшгин!

Ўзида турли яхшилик ва хайр-баракани жамлаган ушбу дуо билан Қуръони каримда келган Юсуф (алайҳиссалом) қиссаси ўз ниҳоясига етди. Юсуф (алайҳиссалом) қалбидан отилиб чиқаётган ушбу холис дуолар обрў-эътибор, шухрат-мансаб ва ҳукмрон-лик уни Раббига итоат этишдан, Охират кунининг қоим бўлиши ва У кунда ҳисоб қилиниб, яхши бандаларга савоб, ёмон бандаларга эса жазо берилишини мудом эслаб туришдан тўсмагани ҳамда дунёвий, ўткинчи матоҳлар деб Аллоҳнинг йўлида юришдан машғул қилиб қўймаганидан дарак беради.

Юқорида келтирилганлар Қуръони каримдаги Юсуф (алай-ҳис-салом) қиссаси эди. У панд-насихат, ҳикмат, одоб-ахлоққа тўла бўлган қиссалардан биридир. Унда инсон нафсининг турли шароитлардаги ҳолати – севги ва ғазаби, қийинчилик ва енгил-ликка дуч келиши, яхшилиги ва ёмонлиги, сирли ва ошкора жи-ҳатлари, қайғу-алам, изтироблари ва севинчи кабилар муфассал баён қилиб ўтилди. Ушбу қиссадан эътибор қаратиш лозим бўлган қуйидаги хулосалар чиқади:

– Ҳасад разил иллат бўлиб, агар у нафсга ҳокимлик қилса, кишини рушду ҳидоят ва тўғри йўлдан оздиради ва ҳасадчи бундай ҳолатда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга соғлом ақл нуқтаи назари билан баҳо бера олмай қолади. Натижада ўзгаларнинг ютуқларини кўролмай, унинг завол топишини хоҳлайди.

Ҳа, ана ўша ҳасад туфайли Ер юзидаги илк қотиллик содир бўлганди. Қобил укаси Ҳобилни ўлдириб қўйган. Чунки Аллоҳ Ҳобил ихлосли бўлгани учун садақасини қабул қилиб, Қобилнинг ёмон нияти ва золимлиги сабаб қилган садақасини қабул этмаганди. Шунингдек, қалбларида мавж урган ҳасад туғғени сабаб оға-инилар Юсуфнинг бошига не кунларни солмадилар! Шаф-қатсизларча уни кудуққа ташлаб юбордилар!

Албатта, ҳасад ва унинг натижаси ёмондир. Шу сабаб Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳасад қи-лувчиларнинг ёмонлигидан паноҳ сўрашга амр қилган: (Эй Му-ҳаммад), **айтинг: “Мен тонг Парвардигоридан (менга) Ўзи яратган нарсаларнинг ёмонлигидан, зулмга чўмган кечанинг ёмонлигидан, тугунларга дам солувчи (жодугар)ларнинг ёмонлигидан ва ҳасад қилаётган ҳасадгўйнинг ёмонлиги-дан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман”** (Фалақ, 1–5).

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам бу разил иллатдан умматларини каттиқ наҳйи қилганлар. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қи-лади: “Ҳасаддан (буткул) сақланинглр. Зеро, худди олов ўтинни еб битиргани каби ҳасад ҳам ҳасанот (яхшилик, савоб)ларни адо қилади” (Абу Довуд ва Ибн Можса ривояти).

Зубайр ибн Аввом (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Сизларга аввалги умматлардан ҳасад ва бузғу адоват илллати ўтган. Бузғу адоват қирувчидир. Мен: “У сочларни қиради”, деб айтмайман, балки Динни қиради (яъни, ўзаро адоват кишини имонидан айиради)” (Имом Баззор ва Байҳақий ривояти).

– Юсуф оға-иниларининг барчаси унинг ҳақини поймол қилиб, хато-гуноҳ иш қилган бўлсалар-да, аммо уларнинг бу ҳолатдаги бир-бирларидан фарқлари катта эди. Улардан бири: **“Юсуфни ё ўлдиришлар ёки бирон ерга олиб бориб ташланглр, (шундагина) оталарингиз фақат сизларга боқар. Кейин эса** (тавба-тазарру қилиб)

яхши қавм бўлиб олурсизлар”, деган бўлса, яна бошқаси: **“Юсуфни ўлдирманглар, балки агар (ундан қутулиш учун) бирон иш қилмоқчи бўлсангизлар, уни қудуқ қаърига ташлаб юборинглар, йўловчи карвонлар олиб кетсин”,** – деб маслаҳат солади.

Улар ушбу охирги фикрни маъкул топиб, қатъий бир қарорга келдилар. Оғанилар орасидан мазкур фикрни билдиргани бир оз бўлса-да ақл-идрок соҳиби бўлган. Чунки у Юсуфни ўлдириб юбориш ёки кимсасиз, одам оёғи етмайдиган жойга олиб бориб ташлашдан кўра қудуққа ташлашни афзал кўрди ва ушбу чорани қўллаш билан бошқа оғаниларининг қалблари таскин топишини билар эди. Хуллас, Аллоҳ таолонинг тадбири билан Юсуф (алайҳиссалом) оғаниларининг бундай кучли адоватидан омон қолди.

– Юксак истеъдод, соғлом фикр эгаси бўлган киши, агар ишларни тўғри тадбир қила олса, холис хизмат қилиш шарти билан бирон мансабни талаб қилса зарари йўқ.

Миср подшоҳи Юсуфдаги ростгўйлик, илм, етук ақл ва нодир истеъдодни кўриб, унга: **“Сен бу кун бизнинг даргоҳимизда мартабали, ишончли кишидирсан”,** деди. Бунга жавобан Юсуф (алайҳиссалом) ҳам қуйидаги талабни ўртага қўйди: **“Мени шу ернинг хазиналари устига қўйгин. Чунки мен (уларни) тўла-тўқис сақлагувчи ва (тўғри тасарруф қилишни) билгувчи кишиман”.**

Юсуф (алайҳиссалом) бу юқори мансабни нафсининг ҳою ҳа-васига учиб эмас, балки халқ манфаатларини ўйлаб, уларнинг бошига тушадиган оғир қурғоқчилик йилларида қўлидан кел-ганича уларга бирон наф етказиш учунгина талаб қилган эди.

– Фарзандларнинг ёшлик ёки нодонлик билан қилиб қўйган баъзи хатокамчиликлари ақлли оталарни уларга муҳаббат қўйиш, асраб-авайлашдан тўсиб қўймайди. Яъқуб (алайҳиссалом)га эътибор беринг. Юсуфнинг оғанилари уни қудуққа ташлаб, сўнг йиғлаган ҳолларида келиб: **“Уни бўри еб кетди”,** десалар ҳамда Юсуфнинг укаси Биняминни ўзлари билан сафарга олиб кетиш учун қаттиқ туриб ўжарлик қилсалар ҳам, Яъқуб (алайҳиссалом) одамлар ҳасад қилишидан кўрқиб, оталик меҳри билан уларга Мисрга етиб боргач қандай йўл тутиш борасида насиҳат қилди.

– Аллоҳ басийрат кўзини чароғон этган пок нафс соҳиби, кучли имон, мустаҳкам ирода ва юксак одоб эгаси бўлган киши, гарчи у оғир мусибатлар домида қолган бўлса ҳам, Аллоҳнинг раҳ-матидан ноумид бўлмайди. Яна Яъқуб (алайҳиссалом)га эъти-бор беринг. Ўғиллари Мисрдан Биняминсиз қайтиб келиб: **“Эй ота, дарҳақиқат, ўғлинг ўғрилиқ қилди. Бизлар фақат кўрган-бил-ган нарсамизга гувоҳлик бермоқдамиз. (Олдин) ғайбни билмас эдик”,** деганларида, унинг қайғусига қайғу, дардига дард қўшилди. Аммо зинҳор ўғилларини яна кўришдан умидини узмади. Ўғилларини Аллоҳнинг раҳматидан умид қилишга чорлар экан деди: **“Эй ўғилларим, боринглар, Юсуф ва унинг биродарини изланглар ва Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўл-манг-лар. Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмги-на ноумид бўлур”.**

Аллоҳ таоло бандаси Яъқуб (алайҳиссалом)ни фазлу марҳа-мати билан ниятига эриштирди, уларнинг барчаларини яна бағ-рига қайтарди.

– Қуръони каримда ҳикоя қилинаётган Юсуф (алайҳиссалом) ҳаётининг турли поғона ва босқичлари ҳақида ўйлаб кўрган киши ушбу илоҳий Китоб Аллоҳ таоло томонидан нозил қи-лин-ганига яна бир бор амин бўлади, имон ва эътиқоди мус-тах-камланади. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) Юсуф ва бошқа

пай-ғам-барлар билан замондош бўлмаганлар, шунга қа-рамай Қуръони каримда пайғамбарлар қиссаси моҳирона услубда ҳикоя қилинган. Зеро, Аллоҳ таоло айтадики: **“Ахир, улар Қуръон ҳақида фикр юритмайдиларми?! Агар у Аллоҳдан бошқа биров томонидан бўлса эди, унда кўп қарама-қар-шиликларни топган бўлар эдилар-ку?!”** (Нисо, 82).

Юсуф (алайҳиссалом) қиссаси Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўз-лари билан ниҳояланади: **“(Эй Муҳаммад), бу Биз Сизга ва-ҳий қилаётган ғайб хабарларидандир. (Чунки Сиз Юсуфнинг оға-инилари) макр-ҳийла билан ўзларининг режаларини тузиб иттифоқ қилишаётган пайтларида уларнинг ёнларида ҳозир эмасдингиз”**.

Юқорида санаб ўтилганлар мазкур қиссадан олинадиган панд-насихат ва фойдалар эди. Аллоҳ таолодан Қуръонни бизлар учун кўнглимиз баҳори ва қалбимиз шифоси қилишини сў-раймиз. Жанобимиз Муҳаммадга, У кишининг аҳли оилалари ва саҳобаларига салавот ва саломлар бўлсин!

МУСО ВА ҲОРУН (АЛАЙҲИМУССАЛОМ) ҚИССАСИ

Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссаломлар) ва қавм ўртасидаги во-қеалар, Бани Исроил билан бўлган ҳодисалар Қуръони каримдаги йигирмадан ортиқ сурада баён қилиб ўтилган. Баъзи сураларда қисқа, мухтасар тарзда, баъзиларида эса батафсил сўз юритилган. Бақара, Аъроф, Тоҳа, Шуаро ва Қасас сураларида мазкур қисса бутун тафсилоти билан ҳикоя қилинади.

Мусо (алайҳиссалом)нинг насаби Иброҳим (алайҳиссалом)-га бориб тақалади. Насабининг шажараси қуйидагича: Мусо ибн Имрон ибн Йасхар ибн Моҳайс Бани Лова ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим.

Мусо (алайҳиссалом) тахминан милоддан аввалги XIII ёки XIV асрларда туғилган. У даврда Миср мамлакати бўйлаб фиръавнлар ҳукмронлик қилар, ҳар бир ўғил чақалоқ туғилганда уни қатл қилишга буюрар, қиз болаларни эса тирик қолдирар эдилар. Чунки ривоят қилинишича, бир киши Фиръавнга Бани Исроил қавмидан бир киши чиқиб, уни ўз қўли билан ўлдирар эмиш, деган гап таркатади.

Тарихчилар хабар беришича, Мусо (алайҳиссалом) Миср фиръавнларидан бўлмиш Менфтоҳ ибн Рамзес II нинг даврида яшаб ўтган. У подшоҳ Бани Исроилга кўплаб зулм-ситамлار ўтказган. Рамзес II⁶⁷ Мисрга Кичик Осиёдан бостириб кирган гиксосларни⁶⁸ кўллаб-қувватлаб, уларга ёрдам беради. Ушбу сулола беш юз йилга яқин ҳукмронлик қилади. Уларнинг даврида Миср аҳолиси оғир қийинчиликларни бошдан кечирадилар. Қачонки Аҳмас⁶⁹ Миср подшоҳи бўлгач, у гиксосларга қарши кураш бошлаб, уларни мамлакатдан қувиб чиқаради. Унинг ҳукмронлиги ва ундан кейинги даврда Юсуф (алайҳиссалом) замонидан бери Мисрда яшаб келаётган Бани

⁶⁷ (Сети вафотидан сўнг тахтга унинг ўғли Рамзес II (мил.авв.1301–1235) ўтирган. У Мисрда 66 йил подшоҳлик қилган. – Таржимон.)

⁶⁸ (Синай, Арабистон яриморли ва Фаластин жанубида яшаган жанговар гиксос қабилалари милоддан аввалги XVIII асрнинг иккинчи ярмида шимолий Мисрга бостириб кириб, уни эгаллаганлар. Улар дельтада Аварис деган янги шаҳар барпо этиб, уни ўзларининг пойтахтларига айлантирганлар. – Таржимон.)

⁶⁹ (Бошқа манбаларда унинг номи Яҳмос I деб келтирилади. – Таржимон.)

Исроилни хўрлаш, оёқ ости қилиш бошланади. Зеро, улар Мисрга бостириб кирган келгинди қабилаларга қилинган ҳар бир курашда фаол иштирок этар эдилар.

Мусо (алайҳиссалом)нинг номи Қуръони каримда юз марта-дан кўп такрорланиб келган. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га қавм томонидан жабр-зулм кучайганда, У Зот: “Аллоҳ биродарим Мусога раҳм қилсин. У мендан кўра шиддатлироқ озорларга учраса-да, лекин бунга сабр қилди”, деганлар.

Мусо (алайҳиссалом) вафоти Бани Исроилнинг Синода залолатга кетган бир пайтига тўғри келади. Ўшанда у Аллоҳ таолога дуо қилиб, ўзини муқаддас ер – Байтул-Макдисга бориш учун муваффақ этишини сўраган эди. Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)нинг дуосини қабул қилди.

“Саҳиҳайн”да Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилади: “Мусо вафоти яқин-лашганини сезгач, Аллоҳ таолога дуо қилиб, ўзини муқаддас Ерга яқинлаштиришини сўрайди. Аллоҳ таоло унинг дуосини ижобат қилди. Агар мен ҳам у ерда бўлганимда, унинг қабрини қизил кумтепалик остидаги мана бу йўл томонга деб кўрсатган бўлар эдим”.

Ҳорун (алайҳиссалом) эса Мусо (алайҳиссалом)нинг акаси бўлган. У Мусо учун энг яхши ёрдамчи эди. Унинг вафоти Мусо (алайҳиссалом)никидан бир оз олдинроқ бўлган.

Қасас сурасида Мусо (алайҳиссалом) дунёга келган пайтда Миср юртидаги шарт-шароит, у туғилгач онасининг нима ишлар қилгани, балоғатга етгач, Мусо (алайҳиссалом) ҳаёти, Мадян юртига ҳижрат қилиши, пайғамбарликка мушарраф этилиши, Фиръавн ва қавмини ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилишга чақириши баён қилинган. Қисса Аллоҳнинг қуйидаги оятлари билан бошланади:

“Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), имон келтирадиган қавм учун Сизга Мусо ва Фиръавн хабаридан ҳақ-рост тиловат қилиб берурмиз. Дарҳақиқат, Фиръавн (Миср) ерида туғёнга тушиб, унинг аҳолисини бўлак-бўлак қилди. У улардан бир тоифани хорлаб, ўғилларини сўяр, аёлларини тирик қолдирар эдилар. Албатта, у бузғунчи кимсалардан бўл-ди. Биз эса у ерда хорланган кишиларга марҳамат қилиш-ни, уларни пешво зотларга айлантиришни ва уларни ворислари қилишни истаймиз. Яна Биз уларни ўша ерда барқарор қилиб, Фиръавн ва Ҳомонга ҳамда икковининг лашкарларига (Бани Исроил) томонидан ўзлари кўрқувчи бўлган нарсани кўрсатиб қўйишни (истаймиз)” (Қасас, 3–6).

“Фиръавн” қадимда Миср подшоҳларига қўйиладиган исм ҳи-собланади. Шунингдек, Рум подшоҳлари “Қайсар”, Яман подшоҳ-лари “Туббаъ”, Форс подшоҳлари эса “Кисро” деб аталар эди. Фиръавннинг исми Қуръони каримда етмиш тўрт марта такрорланган.

Юқоридаги илк оятларнинг маъноси қуйидагича: “Эй мухта-рам пайғамбар, Биз сизга Мусо ва Фиръавн қиссалари билан боғ-лиқ бўлган ажойиб ва муҳим хабарни сидқ ила тиловат қилиб, сўйлаб берурмиз”.

“Имон келтирадиган қавм учун...”. Яъни, сизга ушбу оят-ларни унга имон келтириб, ундаги ҳидоят, ибрат ва панд-наси-хатлардан ўзларига фойда оладиган кишилар учун тиловат қилиб берамиз.

“Дарҳақиқат, Фиръавн (Миср) ерида туғёнга тушиб, унинг аҳолисини бўлак-бўлак қилди”.

Фиръавн ҳукмронлиги даврида Миср ва унга чегарадош бўл-ган юртларда кибр ва исёнга йўл қўйди, ўзини барчадан ус-тун, деб билди. Зулм ва адолатда ҳаддидан ошди ҳамда қўл остида-ги аҳолини ўзига тўлиқ бўйсундирди, уларни бир неча тоифа-ларга ажратди. Ўша тоифаларнинг ҳаммаси давлат ишлари билан боғлиқ юмушларни бажарар эдилар. Баъзилар қурилишга, баъ-зилар сеҳр-жоду билан шуғулланишга, яна баъзи тоифалар эса Фиръавннинг аъёнлари сифатида кечаю кундуз унга ҳамроҳ бўлар ёки хизматларини қилиб юришарди.

“У улардан бир тоифани хорлаб, ўғилларини сўяр, аёлларини тирик қолдирар эдилар”. Бу ердаги бир тоифадан мурод – Бани Исроил эди.

Яъни, Фиръавн мамлакат аҳолисини турли табақаларга аж-ратгач, уларнинг бир тоифасига хорлик, жабр-зулм ва қаҳр кўр-сата бошлади. У Бани Исроил қавмидан бир ўғил чақалоқ дунёга келиши заҳотиёқ уларни сўйдирар, қиз чақалоқларни эса тирик қолдирар эди.

Имом Розий айтади: “Ўғил болаларни сўйдириб, қизларни тирик қолдиришда Бани Исроилга бир неча томондан зарар етказиш кўзланган эди:

– ўғил болаларни ўлдириш наслнинг узилишига сабаб бўлади. (*яъни, Фиръавн Бани Исроил наслини таг-туғи билан йўқ қилиш на-йида бўлган. – Таржимон.*);

– эркакларнинг ҳалок бўлиши ҳаётининг шароитининг бузилиши ёки оғирлашишига олиб келади;

– эркакларни қаттиқ қийноқ азоби остида ўлдириш энг оғир зулмлардан биридир;

– аёлларнинг ўз яқинларисиз, ҳимоячисиз қолишлари уларнинг душман қўлида ўйинчоқ бўлишларига олиб келарди. Бун-дан ҳам ортиқ хорлик бўлиши мумкинми?!”⁷⁰

Айтилишича, коҳинлар Бани Исроил қавмидан бир бола ту-ғилиб, подшоҳ Фиръавнни ўз қўли билан ўлдиради, деб хабар беришади. Шу сабаб ҳам у ўғил болаларни ўлдириб, қизларни ти-рик қолдиришга амр қилади.

“Албатта, у бузғунчи кимсалардан бўлди”. Бу Фиръавн-нинг нима сабабдан кибр ва туғёнга тушганининг баёнидир.

Яъни, Фиръавн фасод ишларни содир этишда учига чиққан эди. Шу сабаб кўнгли тусаган одамига ҳеч тортинмай зулм қи-лаверар-ди. Фиръавннинг такаббурлиги уни: **“Мен сизларнинг энг юксак парвардигорингиздирман”**,⁷¹ дейишига сабаб бўлди.

Сўнгра Аллоҳ таолонинг ҳикмати ва иродаси тақозо этган нарса баёнига ўтилади. У ҳам бўлса, золим подшоҳнинг қонли қили-чи остида эзилган мазлум халқни озодликка чиқариш, уларнинг кўксига шамол тегиши эди. **“Биз эса у ерда хорланган кишиларга марҳамат қилишни, уларни пешво зотларга айлантиришни ва уларни ворислари қилишни истаймиз. Яна Биз уларни ўша ерда барқарор қилиб, Фиръавн ва Ҳомонга ҳамда икковининг лашкарларига (Бани Исроил) томонидан ўзла-ри кўрқувчи бўлган нарсани кўрсатиб қўйишни (истаймиз)”**.

Яъни, Биз Ўз хоҳишимиз ва қудратимиз билан Бани Исроил-ни зулмдан озод этиб, уларни иззат-икромга сазовор қилишни, агар улар имон келтириб, ўзларини ислоҳ қиладиган бўлсалар, Биз уларни муқаддас Ерга ворис қилишни истаймиз.

⁷⁰ “Тафсиру Фахр Розий”, 1-жилд, 358-бет.

⁷¹ Нозиот сураси, 24-оят.

Шу маънода бошқа оятда шундай дейилади: “(Миср ва Шомдаги) **Ўзимиз баракотли қилган ернинг машрик ва мағриб-ла-рига бу бечора қавми** (яъни, Бани Исроилни) **ворис қи-либ қўй-дик.** (Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сабр-то-қат қилганлари сабаб **Бани Исроилга Парвардигорингизнинг** (“Бу ердаги бечора бўлган зотларга инъом қилишни ва уларни одамларга етакчи қилиб қўйишни истаймиз”, деган) **гўзал сўз-лари тўла-тўкис бўлди. Фиръавн ва қавми ясаб-қуриб олган иморатларни ва баланд қилиб кўтарган қасрларни эса вайрон қилдик”** (*Аъроф, 137*).

“**Биз эса у ерда хорланган кишиларга марҳамат қилиш-ни...**”. Яъни, золим қавмлардан сўнг Биз уларнинг қадамларини собит, ўзларини бақувват, кучли қилишни ирода этдик.

“**Яна Биз уларни ўша ерда барқарор қилиб, Фиръавн ва Ҳомонга ҳамда икковининг лашкарларига** (Бани Исроил) **томонидан ўзлари кўрқувчи бўлган нарсани кўрсатиб қўйиш-ни** (истаймиз)”.

Ҳомон Фиръавннинг вазири бўлган.

Яъни, Биз Фиръавн ва Ҳомонга Миср ерида мазлум бўлган Ба-ни Исроил қавми томонидан ўзлари ҳадиксираб турган нарса – мансаб ва шуҳратнинг қўлдан кетиши ва унинг Бани Исроил тасар-руфига ўтишини уларга кўрсатишни хоҳлаймиз.

Ибн Касир айтади: “Фиръавн ўз ҳаракати билан Мусодан қу-тулишни хоҳлади. Ваҳоланки, Аллоҳ таолонинг ҳукми унинг хо-ҳи-шидан мутлақ устун келди. Фиръавннинг ўлими Мусонинг қўлида бўлди. Эй Фиръавн, омон қолиш ниятида неча минглаб бегуноҳ чақалоқлар умрига зомин бўлдинг, аммо сенинг ўли-мингга сабаб бўлувчи киши эса айнан сенинг уйингда, сенинг хонадонингда ўсиб-унди ва оқибатда сен ва бутун бошли лашкар-ларинг ўлимига сабабчи бўлди. Бу барча нарса, агар Буюк Аллоҳ нимани хоҳласа, у албатта бўлишини, нимани хоҳламаса, ўша нарса абадул-абад юз бермаслигини билишинг учун эди”.⁷²

Шундай қилиб, Фиръавн ва унинг қўшини ўзларини қанчалик авайлаб-асрамасинлар, Аллоҳ таоло ирода қилган нарса уларнинг кўз ўнгларида барибир бўлиши аниқ эди. Зеро, У Зот айтадики: “**Аллоҳ Ўз ишида ғолиб** (яъни, Унинг Ўзи хоҳлаган ишни қилиш-дан ҳеч ким ман қила олмайди). **Лекин одамларнинг кўплари** (буни) **билмайдилар”** (*Юсуф, 21*).

Энди қиссанинг давомига кулоқ тутайлик. У бизга ўзининг таъсирли ва ажойиб услуби ила воқеаларни бутун тафсилоти билан ҳикоя қилади:

Биз Мусонинг онасига ваҳий қилдикки: “Уни эмизавергин. Бас, қачон кўрқсанг, уни дарёга ташлагин ва кўрқмагин ҳам, қайғурмагин ҳам. Зеро, Биз уни сенга қайтаргувчидирмиз ва уни пайғамбарлардан қилгувчидирмиз”. Бас, уни Фиръавн хонадони ўзларига душман ва ғам-ташвиш бўлиши учун тутиб олдилар. Албатта, Фиръавн, Ҳомон ва унинг лашкарлари хато қилгувчи бўлдилар. Фиръавннинг хотини: “**Мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўлдирманглар. Шоядки, унинг бизларга нафи тегса ёки уни бола қилиб олсак**”, деди. Улар сезмаган ҳолларида (уни бола қилиб олдилар). Мусо онасининг қалби бўм-бўш бўлиб қолди. Агар Биз имон келтиргувчилардан бўлиши учун унинг кўнглини хотиржам қилмаганимизда, албатта, уни ошкор қилиб қўйган

⁷² “Тафсиру Ибн Касир”, 6-жилд, 231-бет.

бўлур эди. Ва унинг опасига: “Унинг ортидан тушгин”, деди. Бас, у сезмаган холларида (Мусони) узоқдан кузатиб турди. Биз ав-вал эмизувчи аёлларни харом қилдик. Шунда (унинг опаси келиб): “Мен сизларга унга кафил бўладиган ва унга холис бир оилани кўрсатайми?”, деди. Шундай қилиб Биз кўзлари шодланиши ва ғам чекмаслиги учун ҳамда Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини билиши учун уни онасига қайтардик. Лекин кўп (одамлар) билмайдилар” (*Қасас*, 7–13).

Имом Розий айтади: Аллоҳ таоло “Биз эса у ерда хорланган кишиларга марҳамат қилишни истаймиз”, дея Бани Исроилга берилган неъматларини зикр қилишни бошлаган эди. Бу ерда эса “Биз Мусонинг онасига: “Уни эмизавергин”, деб ваҳий қилдик”, демоқда.⁷³

Мусо (алайҳиссалом)нинг онасига қилинган ваҳий илҳом қи-лиш йўли билан амалга оширилган бўлиши мумкин. Бу ҳақида Наҳл сурасининг 68-оятда шундай дейилади: “(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Парвардигорингиз асаларига ваҳий қилди**”. Ёки бу нарса ваҳий орқали ё бўлмаса бир фариштани юбориб, у воситасида хабар бериш билан амалга оширилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Алусий айтади: “Унга фаришта орқали ваҳий қилинган. Бу унинг пайғамбар бўлганидан далолат бермайди. Маълумки, пай-ғамбар бўлмаган кишиларга ҳам фаришталар юборилиши мумкин. Бу ваҳий Мусо (алайҳиссалом) туғилгандан кейин қилинган. Баъзи ривоятларда: “Туғилишидан илгари”, деб келтирилган”.⁷⁴

Хуллас, Мусо (алайҳиссалом) онасининг кўзи ёриган бир паллада золим Фиръавн ўғил болаларни қатл қилиб, қизларни тирик қолдирар эди. Шу сабаб ҳам у хомиладорлик пайтида буни ҳеч кимга сездирмай, яшириб юрди ва Мусо (алайҳиссалом) дунё-га келгач, меҳрибон она ўғлининг келажак тақдирини ўйлаб, қал-бига ғулгула тушди. Шу нарса ҳақида фикр юритган сари ғам-ташвиши кун сайин ортаверди. Шунда Аллоҳ таоло қудрати ва иродаси билан унинг қалбига Мусони яширинча эмизаверишни ваҳий қилди. Агар Фиръавн ва унинг ҳамтовоқлари ўғлингга худди Бани Исроил қавмининг болалари бошига солаётган оғир мусибатларни солишларидан кўрқсанг, уни дарёга ташлагин, деб амр қилинди.

Бу ердаги дарёдан мурод Нил дарёсидир. У энига кенг бўл-га-ни учун ҳам аслиятда “денгиз” деб аталмоқда. (*Аслиятда дарё маъноси “йаммун” сўзи билан ифодаланган. – Таржимон.*)

“Кўрқмагин ҳам, қайғурмагин ҳам”. Яъни, эй Мусонинг онаси, ўғлингга бирон кор-ҳол бўлишидан кўрқма! Ундан айрила-ётганинг учун хафа ҳам бўлма! Чунки у Бизнинг ҳимоямиз остидадир. Кимни Аллоҳ таоло Ўз ҳимоясига олар экан, унинг учун ҳеч қандай хавф-хатар дахл қила олмас!

“Зеро, Биз уни сенга қайтаргувчидирмиз ва уни пайғам-барлардан қилгувчидирмиз”. Бу ерда Мусо (алайҳиссалом) онасини “хафа бўлмагин” деб амр қилиниш сабаби баён қилиниб, ўғли унинг бағрига бир куни соғ-омон қайтиши ва келажакда Аллоҳ-нинг Расули бўлиши ҳақида хушхабар берилмоқда.

⁷³ “Тафсиру Фахр Розий”, 6-жилд, 426-бет.

⁷⁴ “Тафсирул Алусий”, 20-жилд, 45-бет.

“Бас, уни Фиръавн хонадони ўзларига душман ва ғам-ташвиш бўлиши учун тутиб олдилар”.

Фиръавннинг хизматкорлари дарёда оқиб келаётган бир сан-диққа кўзлари тушди. Уни олиб, дарров Фиръавннинг хузурига келтирдилар. Аслида Фиръавн хонадони бу билан ўзларига ғам-ташвиш орттираётган эдилар. Аммо улар буни сезмадилар.

“Албатта, Фиръавн, Ҳомон ва унинг лашкарлари хато қилгувчи бўлдилар”. Ушбу оят ўзидан олдинги ояти кариманинг натижасини баён қилмоқда. Яъни, Биз Мусони Фиръавн ва унинг оиласига душман ва ташвиш қилиб қўйдик. Чунки Фиръавн ва унинг маккор вазири Ҳомон ҳар бир хатти-ҳаракатларидан оғир жинойатларни содир этар эдилар. Буларнинг энг каттаси ўғил бо-лаларни ўлдириб, кизларни тирик қолдириш бўлган.

Фиръавннинг хотини: “Мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўлдирманглар. Шоядки, унинг бизларга на-фи тегса ёки уни бола қилиб олсак”, деди. Аллоҳнинг қудрати ва ҳикмати билан Фиръавннинг аёли Мусо (алайҳиссалом)ни ҳимоя қила бошлади. “Ҳошийятул жумал”да шундай дейилади: “Фиръавннинг аёли Осиё бинти Маҳозим бўлиб, у аёлларнинг энг афзали эди. Осиё бева-бечораларга худди ўз онасидек меҳрибонлик қилар, уларнинг бошини силар, раҳм-шафқат кўрсатар ва уларга кўплаб инфоқ-эҳсон қилар эди”.⁷⁵

Аллоҳ таоло у аёлни шундай мадҳ қилган: **“Аллоҳ имон келтирган зотлар (ва улар ўзлари мўмин бўлсалар, яқин одамларининг кофир бўлиши уларга зиён қилмаслиги) ҳақида Фиръавн-нинг аёлини мисол келтирди. Ўшанда (яъни, Фиръавн у аёлнинг Мусо пайғамбарга имон келтирганини билиб қолгач, азоб-лаган чоғида) у: “Парвардигорим, Ўзинг мен учун ҳузурингда – жаннатда бир уй бино қилгин, менга Фиръавн ва унинг қилмишидан нажот бергин ва менга бу золим қавмдан нажот бергин”, деди”** (*Таҳрим, 11*).

Юқоридаги оятнинг маъноси қуйидагича: Мусо сандиқдан олингач, Фиръавннинг хотини унга қарата:

– Бу бола мен учун ҳам, сен учун ҳам кўзимизнинг қувончи-га айланади, у бизга шодлик бахш этади, – деди.

Сўнгра Фиръавн ва унинг лашкарларига ҳам хитоб қила туриб:

– **Уни ўлдирманглар!** – деб қўшимча қилди. Унинг кетидан ўлдирмасликнинг сабабини ҳам айтиб ўтди:

– **Шоядки, унинг бизларга нафи тегса ёки уни бола қилиб олсак.**

Яъни, бу болани ўлдирманглар! Чунки у келажакда бизларга бирон фойда келтириши аниқ, унинг орқасидан кўпгина яхши-ликларга эришсак ажаб эмас! Ёки уни ўзимизга фарзанд қилиб оламиз. Шакли-шамойили ва суратидан бу бола насли насаби тоза ҳамда келажаги порлоқ кўринади.

Шундай қилиб, Фиръавннинг хотини Аллоҳнинг иродаси билан Мусо (алайҳиссалом)нинг ўлимдан қутулиб, Фиръавннинг уйида яшашига сабабчи бўлди.

“Улар сезмаган ҳолларида (уни бола қилиб олдилар)”.

⁷⁵ “Ҳошийятул жумал ғалал жалалайн”, 3-жилд, 337-бет.

Улар Мусо (алайҳиссалом)ни бола қилиб олдилар. Аммо улар келажакда Фиръавннинг ўлими ва лашкарларининг ҳалокати-га айнан шу гўдак бола сабабчи бўлишини билмасдилар (яъни, қаёқдан ҳам билсинлар?!).

Энди Мусо (алайҳиссалом) онасининг маҳзун ҳолати тасвир-ланади:

“Мусо онасининг қалби бўм-бўш бўлиб қолди. Агар Биз имон келтиргувчилардан бўлиши учун унинг кўнглини хотиржам қилмаганимизда, албатта, уни ошкор қилиб қўйган бўлур эди”.

Яъни, онаси Мусони дарёга ташлагач, Фиръавн хонадони уни тутиб олганини билди. Ўғлидан айрилганидан сўнг, энди у ушбу ҳаётдаги бирон нарса ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасди, кўнгли фикр-хаёлот олаmidан буткул айро бўлди. Унинг ўйлагани фақатгина бир нарса – ўғли Мусонинг тақдири эди.

Онаси Фиръавн ва лашкарларидан кўрқиб, улар дарёдан тутиб олган бола унинг ўғли эканини айтиб қўйишига бир баҳя қол-ди. Агар Аллоҳ қудрати ила унинг қалбини мустаҳкам ва қувватли қилмаганида эди, у одамларга ўзи пинҳон сақлаб юрган нарсани айтиб қўйган бўларди.

“Имон келтиргувчилардан бўлиши учун...”. Яъни, ўғли Мусо бир куни келиб онасининг бағрига қайтиши ва уни кўриб кўзи қу-вониши, ғам-аламдан фориг бўлиши ҳақидаги Аллоҳнинг ваъдасига тўлиқ ишониши учун Биз унинг қалбини мустаҳкам қилдик.

Ўғли ҳақидаги ўй-фикр ва хавотирлар онани ҳаракат қилишга чорларди. **Ва унинг опасига: “Унинг ортидан тушгин”, деди.**

Мусо (алайҳиссалом)нинг онаси ўғли Фиръавн хонадони то-монидан бола қилиб олинганини билгач, қизига қарата:

– Унинг кетидан туш, у ҳақида менга бирон хабар олиб кел! – деди.

“Бас, у сезмаган ҳолларида (Мусони) узоқдан кузатиб турди”. Яъни, Мусонинг опаси унинг кетидан тушиб, охири қидириб топди ва бирон киши сезиб қолмаслиги учун укасини узоқдан кузатиб турди ёки укасини ахтариб юрганини билиб қолмаслик-лари учун ўзини Фиръавн хонадони аъзоларидан яшириб турди.

Қуйида Мусо (алайҳиссалом)нинг онаси билан дийдор кўри-шиши учун Аллоҳ таоло томонидан қилинган ҳикматли тадбир ҳақида сўз боради: **“Биз аввал эмизувчи аёлларни ҳаром қилдик”**. Бу ердаги “ҳаром қилиш”дан мурод “ман этиш”дир.

Яъни, Биз Мусонинг онаси ва опаси унинг хабарини эшитмасларидан олдин ҳикматимиз ва қудратимиз билан унга онасидан ўзга аёлларни эмишни ман қилдик. Бас, у биронта ҳам аёлнинг кўкрагини тутгани йўқ. Буни билган Мусо (алайҳиссалом)нинг опаси Фиръавн ва аъёнларига қарата:

– **Мен сизларга унга кафил бўладиган ва унга холис бир оилани кўрсатайми?** – деди. Яъни, мен бу болани эмизиб, унга яхши таълим-тарбия берадиган бир оилани кўрсатайми? Улар кам-кўстсиз уни боқиб-тарбиялайдилар, унга фақат яхшилик ва офиятни раво кўрадилар.

“Шундай қилиб Биз кўзлари шодланиши ва ғам чекмаслиги учун ҳамда Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини билиши учун уни онасига қайтардик”. Яъни, улар ўша қизининг гапларини эшитдилар ва у ўз онасини Фиръавннинг хизматкорларига кўрсатди. Биз буни Мусо онасининг қалби хотиржам бўлиши, ўғли яна бағрига эсон-омон қайтганидан кўзи қувончга тўлиши, айрилиқдан ташвиш чекмаслиги учун ҳамда Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ, унинг содир бўлишига бирон шубҳа

йўқлигини билиши учун қилдик. **“Лекин кўп (одамлар) билмайдилар”**. Яъни, аксарият одамлар Аллоҳнинг бандаларига берган ҳақ ваъдасига ишонмайдилар ёки билмайдилар. Шу сабаб ҳам ҳаётда кўп ҳолларда шошма-шошарликка йўл қўядилар. Аллоҳнинг қилган ҳикматли тад-бири ортида нима тургани ҳақида фикр юритмайдилар.

Юқорида биз Мусо (алайҳиссалом)нинг гўдаклик пайтидаги ҳаёти ва Аллоҳ таолонинг унга кўрсатган марҳаматларидан воқиф бўлдик. Қиссанинг давоми Мусо (алайҳиссалом)нинг балоғатга етганидан сўнг содир бўлган воқеа ва ҳодисалар билан боғланиб кетади. Аллоҳ таоло айтади:

Қачонки у вояга етиб, (ақли) тўлғач, Биз унга ҳикмат ва билим ато этдик. Биз чиройли амал қилгувчи кишиларни мана шундай мукофотлаймиз. (Кунларнинг бирида Мусо) **шаҳар-га унинг аҳолиси ғафлатда бўлган пайтда кирган эди, унда икки киши уришаётганини кўрди.** (Улардан) **бири ўзининг жамоатидан ва бири душманидан эди. Жамоатидан бўлган киши душман томондан бўлган кимсага қарши ундан ёрдам сўради. Шунда Мусо бир мушт уриб, уни ўлдириб қўйди.** (Сўнг) **деди: “Бу шайтоннинг ишидандир. Албатта, у йўлдан оздиргувчи очик душмандир.** (Кейин) **деди: “Парвардигорим, дарҳақиқат, мен ўз жонимга жабр қилиб қўйдим. Энди Ўзинг мени мағфират қилгин”.** Бас, Аллоҳ уни мағфират қилди. Албатта, **Унинг Ўзигина мағфират қилувчи, меҳрибондир. У (яна) деди: “Парвардигорим, Сен менга қилган инъоминг ҳақ-қи-хурмати энди ҳаргиз жиноятчи кимсаларга ёрдам қил-гувчи бўлмасман”.** Бас, у эрта тонгда шаҳарда кўрқувга тушиб, кўз тутган ҳолда кетаётган эди. Баногоҳ кеча ундан ёрдам сўраган кимса яна уни ёрдамга чақираётганини (кўрди). Мусо унга деди: **“Дарҳақиқат, сен аниқ гумроҳдирсан”.** Энди у ўзларига душман бўлган кимсани ушламоқчи бўлган эди: **“Эй Мусо, кеча бир жонни ўлдирганинг каби (бугун) мени ҳам ўлдирмоқчимисан?! Сен фақат Ер юзида жабр-зулм қилувчи бўлмоқчисан. Сен ислоҳ қилгувчилардан бўлишни истамайсан”,** деди. **Шаҳарнинг нариги тарафидан бир киши шошганча келиб: “Эй Мусо, (Фиръавн) одамлари сени ўлдириш учун тил бириктирмоқдалар. Бас, сен чиқиб кетгин. Албатта, мен сенга холис бўлган кишилардандирман”,** деди. Бас, кўрқувга тушиб, кўз тутган ҳолда у ердан чиқиб деди: **“Парвардигорим, Ўзинг менга бу золим қавмдан нажот бергин”** (*Қасас, 14–21*).

Мусо (алайҳиссалом)нинг билаги кучга тўлиб, ақли камол топгач (баъзи ривоятларда унинг ўша пайтдаги ёши 30–40 лар орасида бўлган, деб келтирилади), Аллоҳ унга фазли марҳамати билан ҳикмат ⁷⁶ ва илм ⁷⁷ берди.

“Биз чиройли амал қилгувчи кишиларни мана шундай мукофотлаймиз”. Бу Аллоҳ таолонинг ўзгармас қонунидир.

Яъни, Биз Мусо ва онасига иззат-икром кўрсатганимиз, буюк ажр-мукофотлар билан сийлаганимиз каби Аллоҳнинг буйруқ-ларини сидқидилдан тўлиқ бажарувчи,

⁷⁶ Ҳикмат – сўз ва амалда мўлжални аниқ олиш маъносини ифодалайди. Баъзилар: “Бу ердаги ҳикматдан мурод пайғамбарликдир”, деб айтишган.

⁷⁷ Яъни, динда фақиҳ бўлиш, ишларнинг асл ҳақиқатини идрок этиш, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни тўғри баҳолай олиш қобилияти.

сўз ва амалда содиқ бўл-ган мўмин кишиларни ҳам юксак даражот ва савоблар билан тақдирлаймиз.

Энди ўша даврда Мусо (алайҳиссалом) бошидан кечирган баъзи воқеалар батафсил тарзда ёритиб ўтилади:

“(Кунларнинг бирида Мусо) шаҳарга унинг аҳолиси ғафлат-да бўлган пайтда кирган эди”. Бу ердаги шаҳардан мурод Миср ёки унинг яқинидаги Айнуш шамс, Манаф (қадимги Мемфис) шаҳарларидан биридир.

Мусо (алайҳиссалом) шаҳарга яширинча тарзда киришга мажбур бўлди. Айтилишича, бунга сабаб Фиръавн ва қавми Мусо-нинг ёмон кўришлари ва душманлик қилиш хавфи борлиги эди. Шу туфайли Мусо (алайҳиссалом) ўзини эҳтиётлаб, у ерга бирон ки-шига сездирмай киради.⁷⁸

Ривоят қилинишича, Мусо (алайҳиссалом) шаҳарга одамлар айна ҳордик чиқараётган қоқ пешин пайтида ёки шунга ўхшаш вақтлардан бирида кирган.

У шаҳарга кирар экан **“унда икки киши уришаётганини кўрди. (Улардан) бири ўзининг жамоатидан ва бири душ-ма-нидан эди. Яъни, Мусо (алайҳиссалом) шаҳарга кирса, икки киши бир масалани келиша олмай жанжаллашиб, ўзаро жикқа-мушт бўлиб туришган экан. Улардан бири Мусо (алайҳиссалом)-нинг қабиласи Бани Исроил қавмидан, иккинчиси эса Бани Исроилга оғир азоб ва қийноқлар бераётган қибтий қавмидан эди. Шу маҳал “жамоатидан бўлган киши душман томондан бўлган кимсага қарши ундан ёрдам сўради. Шунда Мусо бир мушт уриб, уни ўлдириб қўйди”.**

Бани Исроил қавмидан бўлган киши қибтийга қарши Мусо (алайҳиссалом)дан ёрдам сўраган эди, у ҳам қараб турмай ўша жамоадошига ижобий жавоб берди ва душманининг кўкрагига бир зарба бериб уни шу заҳоти жон таслим қилдирди. Аслида Мусо уни ўлдирмоқчимасди. Фақат бани исроиллик кишига ёрдам бериб, ундан зулмни даф қилмоқчи эди, холос.

“Шунда Мусо бир мушт уриб, уни ўлдириб қўйди” жумласи Мусо (алайҳиссалом)нинг кучли, бақувват ва олийҳиммат бўлганидан дарак беради. Зеро, у киши шубҳа ва иккиланишсиз дарров мазлум кишига ёрдам беришга чоғланди. Лекин нияти яхшилик қилиш бўлган Мусо қаршисида қибтийнинг ўлик жаса-дини кўргач, афсус-надомат билан: **“Бу шайтоннинг ишидандир. Албатта, у йўлдан оздиргувчи очик душмандир”**, деди.

Яъни, қибтийни ўлдиришга мени шайтон ундади. У васваса қилиб уни менга зийнатлаб кўрсатди. Зеро, шайтон инсон учун тўғри йўлдан оздирувчи очик душмандир. Унинг адоватида ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Шундан сўнг Мусо (алайҳиссалом) Аллохдан истиффор сўрай бошлади: **“Парвардигорим, дарҳақиқат, мен ўз жонимга жабр қилиб қўйдим. Энди Ўзинг мени мағфират қилгин”.** Бас, Аллох уни мағфират қилди. Албатта, Унинг Ўзигина мағ-фи-рат қилувчи, меҳрибондир”.

Кейин Мусо (алайҳиссалом) яна бир бор Раббига тавба қилиб, берган неъматларига шуқр сифатида деди: **“Парвардигорим, Сен менга қилган инъоминг ҳаққи-ҳурмати энди ҳаргиз жино-ятчи кимсаларга ёрдам қилгувчи бўлмасман”.**

⁷⁸ “Тафсирул Алусий”, 20-жилд, 52-бет.

Яъни, менга берган беҳисоб неъматларингга шукур сифатида ваъда бераманки, энди зинҳор-базинҳор гуноҳкор, осий ва жи-ноятчи кимсаларга ёрдам қўлини чўзмайман, уларни ҳимоя қил-майман ҳам!

Энди Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)нинг ҳолидан хабар қилади: **“Бас, у эрта тонгда шахарда қўрқувга тушиб, кўз тутган ҳолда кетаётган эди...”**.

Кечаги кун бир қибтийни ногаҳон ўлдириб қўйгач, Мусо ҳали хануз қўрқув ва ҳадик ичида эди. У ўзига тухмат ва маломат тошлари отилишини, бошига турлитуман кўргилик ва кулфатлар тушишига кўз тикиб турган ҳолида тонг оттирди.

Афтидан ўша пайтда Мусо (алайҳиссалом)нинг Фиръавн ва аъёнлари билан алоқаси йўқ бўлган кўринади. Акс ҳолда, улар Мусони ҳимоя қилган ёки ишини бир оз бўлса-да енгиллаштирган бўлардилар.

Мусо (алайҳиссалом) юқорида тасвирланган ҳолатда кетаётганида **“баногоҳ кеча ундан ёрдам сўраган кимса яна уни ёрдамга чақираётганини (кўрди)”**.

Яъни, Мусо қалби қўрқув ва ғамга тўла ҳолда кетаётса, кеча ундан ёрдам сўраган бани исроиллик киши бошқа бир қибтий билан жанжаллашиб турган экан. У Мусони кўрдию, яна ундан кўмак сўрай бошлади. Мўмин чуқурга бир марта йиқилади, деганларидек, Мусо (алайҳиссалом) бу сафар унга бошқачароқ жавоб қилди: **“Дарҳақиқат, сен аниқ гумроҳдирсан”**.

Яъни, унинг бу илтимосидан Мусо (алайҳиссалом)нинг ғаза-би қайнаб, диққати ошди ва:

– Сен залолат ботқоғига ботган, жаҳолат остида қолган бир кимса экансан. Чунки сен кеча бир одамни ўлдириб қўйишимга сабабчи бўлгандинг. Бугун мендан яна ўша манфур ишни такрор қилишимни сўраяпсанми?! Шунингдек, сенинг жоҳил, нодонли-гинг шундаки, сен кучинг етмайдиган одамга бас келмоқчи бўл-япсан! деди.

“Энди у ўзларига душман бўлган кимсани ушламоқчи бўл-ган эди...” Яъни, Мусо (алайҳиссалом) ўзи ва Бани Исроил қавмидан бўлганлар учун ашаддий душман саналмиш қибтийни урмоқчи эди, у: **“Эй Мусо, кеча бир жонни ўлдирганинг каби (бугун) мени ҳам ўлдирмоқчимисан?! Сен фақат Ер юзида жабр-зулм қилувчи бўлмоқчисан. Сен ислоҳ қилгувчилардан бўлишни истамайсан”**, деди.

Баъзи муфассирларнинг айтишича, Мусо (алайҳиссалом)га уш-бу сўзларни айтган киши кеча ундан қибтийга қарши ёрдам сўраган бани исроиллик кимса эди. Чунки у Мусо қибтийни эмас, мени уради, деб ўйлаган. Бундан олдинроқ Мусо (алайҳиссалом) Бани Исроил қавмидан бўлган кимсага: **“Дарҳақиқат, сен гум-роҳдирсан”**, деб айтгани ёдингизда бўлса керак.

Ояти кариманинг маъноси қуйидагича: бани исроиллик киши Мусога қўрқув ва ҳадиксираш билан:

– Эй Мусо, кеча бир қибтийни ўлдиришинг етмаганидек, бугун менинг ҳам умримга зомин бўлмоқчимисан?! Бу қилми-шинг билан сен фақат Ер юзида одамларни ўлдириб, жабр-зулм қилмоқчисан, уларни яхшиликча яраштириб, ораларини ислоҳ қилишни хоҳламайсан?! – деди.

Яна баъзилар: “Мусо (алайҳиссалом)га ушбу сўзларни айтган қибтий бўлган. Чунки у Мусонинг исроилликка айтган **“Дарҳа-қиқат, сен гумроҳдирсан”**, деган сўзларидан кеча қибтийни айнан Мусо ўлдирганини сезиб қолади, деб айтишган”.

Имом Розий ушбу икки фикрни маъқуллаб, шундай деган: “Оятнинг зоҳирий маъноси ҳам мазкур фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Аллоҳ таоло айтадики: **“Энди у ўзларига душман бўлган кимсани (яъни, қибтийни) ушламоқчи бўлган**

эди: “Эй Мусо...”, деди”. Бу сўзлар, албатта, бошқаси тарафидан эмас, ай-нан қибтий тарафидан айтилган. Шунингдек, у: **“Сен фақат Ер юзида жабру зулм қилувчи бўлмоқчисан”**, деди. Бу сингари сўзларни айтиш фақат кофирларга хосдир, у ҳам бўлса қибтийдир.

Гарчи аксарият муфассирлар биринчи фикрни маъқуллаган бўлсалар-да, биз имом Розий айтган сўзларни рост деб биламиз. Сабаби сураи каримада ҳам айтиб ўтилдики, Фиръавн ва унинг аъёнлари Бани Исроил қавмига ашаддий зулм ва ситамлар етказардилар ва шунинг баробарида зулм кўраётган бечораларга ёр-дам беришни ўзларига нисбатан қилинган зулм, деб ҳисобларди-лар. Шу сабаб ҳам Мусо (алайҳиссалом)га мазкур сўзларни айтган қиб-тий бўлган десак, хато қилмаган бўламиз. Аллоҳ таоло бун-дан кўз-ланган асл мақсадни аниқ билувчидир!

Мусо (алайҳиссалом), исроиллик ва қибтий шу алфозда тур-ганларида **“шаҳарнинг нариги тарафидан бир киши шошганча келиб: “Эй Мусо, (Фиръавн) одамлари сени ўлдириш учун тил бириктирмоқдалар. Бас, сен чиқиб кетгин. Албатта, мен сенга холис бўлган кишилардандирман”**, деди.

Яъни, Мусо кеча бир қибтийни ўлдириб қўйгани ҳақидаги хабар тез орада бутун мамлакат бўйлаб тарқалди. Фиръавн ва қавми Мусодан интиқом олиш учун уни қидира бошладилар. Шунда бир киши (айтилишича, у Фиръавн оиласидан бўлган бир мўмин эди) шаҳарнинг бир чеккасидан Мусо (алайҳиссалом)-нинг олдига югурганича келиб:

– Эй Мусо, Фиръавннинг аъёнлари сени ўлдириш ҳақида бир-бирлари билан келишиб олмоқдалар. Шу сабаб сен тезда шаҳарни тарк эт, ўз жонингни хатарга қўйма! Мен сенинг фойдангни кўзловчи, холис насиҳат қилувчиман! Бўлақол тезроқ, токи улар сени ўлдиришга муваффақ бўлолмасинлар! – деди куюнчаклик билан.

Мусо (алайҳиссалом) ушбу солиҳ кишининг маслаҳатларига қулоқ солиб, **қўрқувга тушиб, кўз тутган ҳолда у ердан чиқиб деди: “Парвардигорим, Ўзинг менга бу золим қавмдан нажот бергин”**.

Яъни, Мусо золимлар жабридан қўрқиб, улар томонидан би-рон ёмонлик етиб қолмасмикан, деган ҳадикда, ўзини уларнинг на-зари тушиб қолишидан эҳтиёт қилган ҳолида шаҳардан чиқиб кетди ва Раббига дуо-илтижо қилиб деди:

– Эй Раббим, Ўз қудратинг ва фазлу марҳаматинг ила мени золим кимсалар макридан омон сақлагин, уларнинг зулм ва кирдикорларини мендан даф эт!

Қиссанинг шу еригача Мусо (алайҳиссалом) ҳаётининг бир қис-ми – балоғатга етгач бошидан кечирган ходисалар, унинг ғайрати, ҳиммати, шунингдек, золимлар зулмидан омон қолиш мақсадида шаҳарни ташлаб чиқиб кетгани ҳақида сўз юритилди. Сураи кариманинг давомида эса Мусо (алайҳиссалом)нинг Мад-ян шаҳри томон йўл олгани ва у ерда бошидан кечирган во-қеа-лар ҳикоя қилинади. Аллоҳ таоло айтади:

“Ва қачонки Мадян томон юзлангач, деди: “Шояд Парвардигорим мени тўғри йўлга ҳидоят қилса”. Қачонки у Мадяннинг суви – қудуғига етиб келгач, у жойда бир тўда одамлар (чорваларини) суғораётганларини кўрди ва улардан қуйроқда икки аёл (ўз қўйларини сувдан) тўсиб турганларини кўриб: “Сизларга не бўлди?”, деди. Улар: “Биз то подачилар (молларини) қайтармагунларича суғора олмаймиз, ота-миз эса қари чол”, дедилар. Шунда (Мусо) уларга (қўйларини) суғориб берди. Сўнгра (дарахт) соясига бориб, деди:

“Парвар-дигорим, мен Ўзинг мен учун нима яхшилик туширсанг, ўшанга мухтожман”. Бас, улардан бири ҳаё билан юриб келиб: “Отам сени бизларга (қўйларимизни) суғориб берганинг ҳақини бериш учун чақирмоқда”, деди. Бас, қачонки (Мусо) келиб, унга ўз қиссасини сўйлаб бергач, у: “Қўркмагин! Сен у золим қавмдан нажот топдинг”, деди. (Қизлардан) бири: “Эй ота, уни ёллагин. Зеро, сен ёллаган энг яхши киши кучли, ишончли кишидир”, деди. Айтди: “(Эй Мусо), менга саккиз йил ишлаб беришинг бадалига мен сенга мана шу икки қи-зимдан бирини никоҳлаб бермоқчиман. Энди агар ўн йилни тўлатсанг, сен томонингдан (бизга марҳамат бўлур). Мен сени қийнашни истамайман. Иншааллоҳ, сен менинг солиҳ кишилардан эканимни кўрурсан”. (Мусо) деди: “Мана шу сен билан менинг ўртамиздаги (битимдир). Икки муддатдан қай бирини адо қилсам, бас, менга зўрлик қилинмас. Аллоҳ айтаётган сўзимизга вакил – гувоҳдир” (*Қасас*, 22–28).

“Мадян” Шуайб (алайҳиссалом) қабиласи ёки у яшаган қиш-лоқнинг номидир. Мазкур ном Мадян ибн Иброҳим (алай-ҳис-салом)га нисбат берилади.

Мадян шаҳри Фиръавннинг ҳукми остида эмасди. Шу туфайли Мусо (алайҳиссалом) мазкур томонга қараб йўл олишга аҳд қилган.

Яъни, Мусо Мисрдан кўрққан, бирон ёмонлик етишига кўз тиккан ҳолида чиқиб, Мадян қишлоғи тарафга йўналди. Мадян шимол томондан Шом (Сурия) ва жануб томондан Ҳижоз билан чегарадош бўлган.

Мусо ўша томонга қараб кетар экан, ўз ишини Раббига топ-шириб, таваккул қилган ҳолида, илтижо қилиб, деди: “Шояд Пар-вардигорим мени тўғри йўлга хидоят қилса!”.

Яъни, Мусо Аллоҳ таолонинг фазли марҳаматидан умид қилиб:

– Мени қудрати билан яратиб, Ўз паноҳида ҳимоя қилувчи Зот бўлган Раббим, шояд, золим қавмдан қутулишимга сабаб бўлади-ган энг тўғри йўлга бошласа! – деди.

Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом) дуосини қабул қилди ва узоқ, машаққатли ва ҳолдан тойдирувчи сафардан сўнг ниҳоят Мадян юртига етиб келишга муваффақ бўлди.

Қуръони карим бизларга Мусо (алайҳиссалом) у ерга етиб боргач, қандай ишлар содир бўлганини қуйидагича тасвирлайди: “**Қачонки у Мадяннинг суви – қудуғига етиб келгач, у жойда бир тўда одамлар (чорваларини) суғораётганларини кўрди ва улардан қуйироқда икки аёл (ўз қўйларини сувдан) тўсиб турганларини кўриб...**”.

Мусо (алайҳиссалом) Мадян аҳолиси фойдаланадиган қудуқ олдига келиб, у ерда кўпгина одамлар туя, қўй ва шу каби чорва ҳайвонларини суғориб турганликларини кўрди. Уларнинг ёнида ёки улардан бошқа тарафда икки аёл қўйларини сув ичишдан тўсиб турардилар. Ўша икки аёл бегона эркаклар орасига киришдан ҳаё қилиб, улар суғориб бўлишгач, кейин қўйларини су-ғоришмоқчи эди. Бир четдан кузатиб турган улуғ ҳиммат, юксак мурувват ва тоза қалб соҳиби бўлган Мусо (алайҳиссалом) уларга ёрдам бериш учун:

– **Сизларга не бўлди?** – деди. Яъни, сизларга нима бўлди? Нима сабаб бошқалар каби қўйларингизни суғормаяпсизлар? Бунинг учун сизларга нима монелик қилмоқда?

У икки аёл бунинг сабабини тушунтира туриб, дедилар:

– **Биз то подачилар (молларини) қайтармагунларича су-ғо-ра олмаймиз, отамиз эса қари чол.**

Яъни, одатга кўра, аввал чўпонлар ўз чорваларини суғориб бўлмагунларича биз кўйларимизни суғора олмаймиз. Улар кетишгандан сўнггина қиламиз бу ишни. Чунки биз бир гуруҳ эр-каклар ичига кириб кета олмаймиз. Оиламизда бу ишни бажарувчи бирон эркак ҳам йўқ. Отамизнинг эса ёши анча кексайиб қолган. Унинг ҳам бу ишга қудрати етмайди.

Бу жавобни эшитгач, Мусо (алайҳиссалом) тезда уларга ёрдам кўлини чўзди. Қуръони карим бу жараёни куйидагича ифодалайди: **Шунда (Мусо) уларга (кўйларини) суғориб берди. Сўнгра (дарахт) соясига бориб, деди: “Парвардигорим, мен Ўзинг мен учун нима яхшилик туширсанг, ўшангга мухтожман”.**

Яъни, Мусо (алайҳиссалом) икки аёлни қийинчиликка кўй-май, дарров хожатларини раво қилгач, бир четдаги дарахт соя-си-га (бошқа ривоятларда “девор сояси” деб келтирилган) бориб ўтир-ди ва Раббига тазарруъ қилиб шундай деди:

– Эй Раббим, мен Сен Ўз даргоҳингдан туширадиган яхши-лик, ризқ-рўзга мухтожман!

Мусо (алайҳиссалом)нинг ихлос билан дуога кўтарилган кўли бу сафар ҳам бўш қайтмади. Аллоҳ таоло унинг бошига тушган оғирликни тез фурсатда бартараф этди. Аллоҳ таолонинг Мусо (алайҳиссалом) дуосига ижобати қандай бўлганини куйидаги оятда кўриб ўтамиз: **Бас, улардан бири ҳаё билан юриб келиб: “Отам сени бизларга (кўйларимизни) суғориб берганинг ҳақини бериш учун чақирмоқда”, деди.**

Ибн Касир айтади: “Икки аёл кўйларини суғориб, оталарининг олдига қайтишгач, у бундан ажабланади ва сабабини сўраган-да, улар Мусо (алайҳиссалом) уларга ёрдам берганини айтишади. Шунда отаси икки қизидан бирига Мусони унинг хузурига чақириб келиш учун юборади”.

Яна Ибн Касир шундай дейди: “Муфассирлар ушбу икки қиз-нинг отаси ким экани борасида ихтилоф қилишган. Баъзилар: “У Шуайб (алайҳиссалом) эди”, дейишган. Бу қавл кўпчилик орасида машҳур. Мазкур фикрни Ҳасан Басрий ва бошқалар айтиш-ган. Уни Ибн Абу Ҳотим ривоят қилган.

Имом Табароний ривоят қилади: “Маслама ибн Саъд Анзий Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хузурларига юбо-рил-ганида, У Зот унга қарата: “Хуш келибсан, эй Шуайб қавми”, – деб айтганлар”.

Бошқа муфассирлар: “У Шуайбнинг жияни бўлган”, – де-йишган.

Айтилишича, у Шуайб хонадонидан бир мўмин киши эди.

Шундан сўнг Ибн Касир хулоса ўрнида дейди: “У Шуайб эмас. Агар ҳақиқатан у Шуайб бўлганида исми Қуръонда келтирилган бўлар эди. Баъзи ҳадисларда Мусо ва Шуайб (алайҳиссалом)лар қис-саси ривоят қилинган. Лекин уларнинг санади саҳиҳ эмас”.⁷⁹

Юқоридаги оятнинг мазмуни куйидагича: Мусо (алайҳиссалом)нинг Аллоҳ таолодан сўраган яхшиликларга эришиши узоқ-қа чўзилмади. Кўйларини суғориб

⁷⁹ “Тафсиру Ибн Касир”, 6-жилд, 238-бет.

берган икки аёлдан бири фа-зилат соҳиби бўлган аёлларга хос иффат ва уятчанлик билан келиб, қисқа ва лўнда, балоғатли услубда:

– Отам сени бизларга қўйларимизни суғориб берганинг учун тақдирламок ниятида ҳузурига чақирмоқда, – деди.

“Бас, қачонки (Мусо) келиб, унга ўз қиссасини сўйлаб бергач...”

Мусо (алайҳиссалом) қизнинг чақириғига жавобан кекса ота-лари билан учрашиш учун уларнинг уйи томон йўл олди. Етиб келгач, бошидан ўтказган ҳодисотларни бир бошидан, ипидан игнасиғача сўзлаб берди.

Буни эшитган кекса: **“Қўркмагин! Сен у золим қавмдан нажот топдинг”**, деди.

Яъни, эй Мусо, ташвишланма! Хотиржам бўл! Сен Фиръавн ва унинг қавмидан кутулдинг. Аллоҳ таоло сенга золимлар зулмидан нажот берди.

Қария кишининг бу сўзлари Мусо (алайҳиссалом)га ўз пайти ва мавридида айтилганди. Зеро, ўша шароитда Мисрдан хавф-хатар ичида, золимлар зулмидан кўрқиб чиқиб кетган Мусонинг кўнглини кўтариш, қалбига бир оз бўлса-да, таскин бериш учун бу каби юпанч сўзлар керак ҳам эди.

Энди икки қиздан бири отасига нима дегани айтилади: **“Эй ота, уни ёллагин. Зеро, сен ёллаган энг яхши киши кучли, ишончли кишидир”**.

Бу сўзлар Мусо (алайҳиссалом) олдига ҳаё билан келиб: **“Отам сени бизларга (қўйларимизни) суғориб берганинг ҳа-қини бериш учун чақирмоқда”**, деган қиз томонидан айтилган бўлса керак.

Яъни, у отасига дадиллик билан:

– Эй ота, уни биз учун қийин бўлган чорваларни боқишдек бир ишга ҳамда уй ташқарисидаги оғир юмушларни бажаришга та-йинла! Чунки у бу ишга муносиб, кучли, ҳам ишончлидир. У ўзида куч-қувват ва ишончни жамлаган ҳамда ҳар қандай иш-ни эплаб кета олади, одамларнинг молларини ва обрўларини сақлашда жонбозлик кўрсатади, – деди.

Кекса ота қизидаги пок ният, соғлом ақл ва кучли ишончни кўриб, у билдирган таклифни инкор эта олмади ва Мусога қарата:

– (Эй Мусо), **мен сенга мана шу икки қизимдан бирини никоҳлаб бермоқчиман**, – деб айтди.

Кекса ота бу сўзи билан икки қизидан орасидан **“Эй ота, уни ёллагин”**, – деб айтганини ирода қилган бўлса ажаб эмас. Меҳ-рибон, қизининг бахт-саодатини кўзловчи ота қизидаги юксак фазилат ва Мусо (алайҳиссалом)даги куч-қудрат ва ишончни кў-рибгина шундай қарорга келди.

Ушбу оятларда солиҳа аёлни солиҳ кишига никоҳлашга тар-ғиб қилинмоқда. Бу ақлли ва доно оталар тутадиган йўлдир. Шавканий айтади: **“Ушбу оятда қизнинг валийси уни бирон эркакка бағишлаши шариатга мос экани ифодаланмоқда. Масалан, Умар (розияллоҳу анҳу) қизи Ҳафсани Абу Бакр ва Усмон (розияллоҳу анҳу)ларга таклиф қилган. Шунингдек, баъзи аёллар ўзларини Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га бағишлаганлари ҳам маълум”**.⁸⁰

Кекса ота қизини Мусо (алайҳиссалом)га никоҳлаб бериш так-лифини ўртага ташлади. Лекин унинг бир шарти бор: **“Менга саккиз йил ишлаб беришинг бадалига...”**.

⁸⁰ Шавканий. “Тафсиру Фатҳил Қодир”, 4-жилд, 169-бет.

У киши Мусо (алайҳиссалом)га кўйларини саккиз йил боқиб бериш шартини кўйди.

“Энди агар ўн йилни тўлатсанг, сен томонингдан (бизга марҳамат бўлур)”. Яъни, агар ўн йил кўйларимни боқиб, ижарада ишлаб берсанг, бу сен томондан бизларга кўрсатилган ғамхўрлик ва саховатдир. Мен сенга саккиз йилдан зиёд ишлаш шартини кўймайман. Шунингдек, **“мен сени қийнашни истамайман. Иншааллох, сен менинг солиҳ кишилардан эканимни кў-рурсан”.** Яъни, мен сени ушбу йиллар давомида қийноққа солиш-ни, оғир юмушлар билан толиқтириб кўйишни хохламайман. Балки, Аллоҳ таоло ирода этса, мени солиҳлардан эканимни сенга яхши муомала қилиш, мулойимлик йўлини тутиш ва аҳдга вафо қилишим мисолида кўрасан.

Қариянинг “иншааллох” деб айтиши унинг мўмин бўлга-нидан дарак беради. Зеро, фақат мўминларгина барча ишларини Аллоҳ таолога ҳавола қилиб, У Зотнинг тавфиқ ва мададини сўрайдилар, ҳамма нарсани Унинг иродасига боғлиқ эканини яхши биладилар.

Бу шартга жавобан Мусо (алайҳиссалом) деди:

– Мана шу сен билан менинг ўртамиздаги (битимдир). Икки муддатдан қай бирини адо қилсам, бас, менга зўрлик қилинмас. Аллоҳ айтаётган сўзимизга вакил – гувоҳдир.

Яъни, сен менга айтган ва шарт кўйган нарсалар иккимиз орамиздаги аҳдномадир. Унга сен ҳам, мен ҳам вафо қилишга келишдик! Мен саккиз ёки ўн йилни ўтайманми, фарқи йўқ, менга зиғир-ча зулм қилинмайди. Аллоҳ таоло ўртамизда тузилаётган мана шу шартномага Гувоҳдир. Унинг гувоҳлиги энг яхши гу-воҳликдир.

Ибн Касирнинг келтиришича, Мусо (алайҳиссалом) икки муд-датдан энг узоғини (яъни, ўн йилни) адо этган. Ибн Аббос (рози-яллоҳу анҳу) Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилади: “Мен Жаброил (алайҳиссалом)дан: “Мусо икки муддатдан қай бирини бажарган?”, деб сўрадим. У: “Энг мукаммали ва тўлиғини (бошқа ривоятда келишича “энг яхшиси ва комилини”), деб жавоб берган”.⁸¹

Ушбу ояти карималар ҳақида фикр юритиб кўрган киши Мусо (алайҳиссалом)нинг ҳаёт поғоналаридаги турли оғир кунларда қандай чиройли сабр қилгани, унинг олий ҳиммати, муруввати, нафсидаги ижобий хислатлари, ҳар қандай шароитда Аллоҳни эслаб, Унга дуо билан тазарру, илтижо қилишларини яққол кўриши мумкин. Шунингдек, бу ерда соғлом фитратга хос сифатлар, тўғ-рисўзлик, ҳаё, иффат, очиккўнгиллик каби мақталган сифатларни ҳам кўрамиз. Бундан ташқари, кекса қариянинг етук ақли, ҳикматли ва ширин сўзларидан, кўркув ва ҳадик ичида турган одамга хотиржамлик бахш этадиган сўзларидан унинг қизларига меҳрибон ва яхшилиқни соғинувчи ота ҳамда Аллоҳнинг амрига биноан иш тутадиган бир солиҳ мўмин эканини билиб оламиз.

Мана, вақт ўтиб Мусо (алайҳиссалом) кекса чол билан Мад-янда аҳдлашган йиллар ҳам ўз ниҳоясига етди. У иккови нимага ваъдалашган бўлсалар, ўшанга вафо қилдилар. Мусо (алай-ҳиссалом) қариянинг икки қизидан бирига уйланди. Энди Мусо аҳли билан Мисрга қайтиш вақти ҳам етиб келганди. Қиссанинг

⁸¹ “Тафсиру Ибн Касир”, 6-жилд, 240-бет.

давомида Мисрга қайтиш чоғида қандай ҳодисалар юз бергани ҳақида ҳикоя қилинади:

Энди қачонки Мусо муддатни ўтаб, аҳли-оиласи билан (Миср томон) йўлга тушгач, Тур тарафдан бир оловни кўриб қолди. У аҳли-оиласига: “Сизлар кутиб туринглар. Аниқки, мен бир оловни кўрдим. Шояд сизларга ундан бир хабар ёки исиниб олишларингиз учун у оловдан чўғ олиб келсам”, деди. Энди қачонки унинг олдига етиб келгач, у мубо-рак жойдаги водийнинг ўнг тарафидан – дарахтдан унга нидо қилинди: “Эй Мусо, албатта, Мен барча оламларнинг Парвардигори Аллоҳдирман. Асойингни (ерга) ташлагин!”. Бас, қачонки унинг илондек қимирлаётганини кўргач, ортига қарамай қочди. “Эй Мусо, кел, кўркмагин. Зеро, сен омонда бўлгувчи кишилардандирсан. Қўлингни чўнтагингга сол-гин, бирон зиёнсиз оппоқ бўлиб чиқур ва қанотингни кўр-қувдан қисиб олгин. Бас, шу иккиси Парвардигоринг томонидан Фиръавн ва унинг одамларига икки хужжатдир. Дар-ҳақиқат, улар фосиқ қавм бўлдилар”. (Мусо) деди: “Парварди-горим, мен улардан бир жонни ўлдириб қўйганман. Бас, улар мени ўлдиришларидан кўрқурман. Оғам Ҳорун мендан кўра тили бурророқдир. Бас, уни ҳам мен билан бирга мени тасдиқлайдиган ёрдамчи қилиб юборгин. Чунки улар мени ёлғончи қилишларидан кўрқурман”. (Аллоҳ) айтди: “Биз сени оғанг билан қувватлантирурмиз ва иккинги учун салтанат қилурмиз. Бас, улар сизларга (бирон зиён) етказа олмаслар. Бизнинг оят-мўъжизаларимиз билан сизлар ҳам, сизларга эргашган кишилар ҳам ғолиб бўлгувчидирлар” (*Қасас, 29–35*).

“Энди қачонки Мусо муддатни ўтаб...” оятидаги “муддат”-дан мурод Мусо (алайҳиссалом)нинг Мадянда кекса чол хузури-да ўтаган муддатидир.

Яъни, Мусо Мадянда ўн йил турди. У белгиланган фурсатни тўлиқ адо этгач, ваъдаги мувофиқ кекса чолнинг икки қизидан бирига уйланди ва ундан рухсат олиб, аёли билан қариндошлари, яқинларини кўриш учун Миср томон (бошқа ривоятда айтили-шича, Байтул Мақдис)га йўл оладилар.

“Тур тарафдан бир оловни кўриб қолди”. Яъни, у Миср томонга кетар экан, Тур тоғи тарафда катта бир олов ёнаётганини аниқ ва равшан кўрди. Шундан сўнг у аҳли оиласига: “Сизлар кутиб туринглар. Аниқки, мен бир оловни кўрдим. Шояд сизларга ундан бир хабар ёки исиниб олишларингиз учун у оловдан чўғ олиб келсам”, деди.

Яъни, токи мен қайтиб келгунимча сизлар жойингиздан қимирламанглар. Мен бир оловни кўрдим. Ҳозир у ерга бор-моқ-чиман. Шояд мен у ердан сафаримизда бизга фойда келтирадиган бирон хабар ёки совуқдан исиниб олишларингиз учун бир парча чўғ олиб келсам.

Ибн Касир айтади: “Бу ҳодиса Мусо ўзи ва қайнотаси ўр-таси-да тузилган кўйларни боқиб бериш ҳақидаги шартномани адо қилганидан кейин юз берган. Мисрни ўн йилдан зиёдроқ вақт ичида кўрмаган Мусо аёли билан Мисрга қараб кетаётган эди. Улар тўсатдан йўлдан адашиб қолишди. Ўша маҳал киш тунлари-дан бири, совуқ, шамол, қоп-қора булутлар ва туман атрофни зимистонга айлантирган эди. Улар шунда бир дарада кўним топдилар. Мусо одатга кўра чакмоқтош билан уриб, ўт ёкишга ҳаракат қилди. Лекин ҳарчанд уринмасин, бунинг уддасидан чи-қа

олмади. Хаттоки биргина учкун ҳам чиқара олмади. У шундай ҳолда тур-ганида Тур тоғи тарафда бир оловни кўриб қолди”.⁸²

Энди қачонки унинг олдига етиб келгач, у муборак жойдаги водийнинг ўнг тарафидан – дарахтдан унга нидо қи-линди: “Эй Мусо, албатта, Мен барча оламларнинг Парвардигори Аллоҳдирман”. Мусо (алайҳиссалом) узоқдан кўринган олов олдига келганида ўзининг ўнг тарафидан бир нидо эши-тилди. Ушбу овоз ўша пок жойдан, дарахт жойлашган муборак бир макондан келаётганди. Чамаси ўша ерда биттагина дарахт бўлган кўринади.

Мусо (алайҳиссалом)га эшитилган нидо қуйидагича эди: “Эй Мусо, албатта, Мен барча оламларнинг Парвардигори Аллоҳ-дирман”. Яъни, эй Мусо, огоҳ бўлки, Мен бутун оламлар Рабби Аллоҳдирман.

Ибн Касир ушбу оятни қуйидагича тафсир қилган: “Эй Мусо, сенга хитоб қилаётган ва сен билан гаплашаётган Зот оламлар Раббидир. У хоҳлаган ишини қилади. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У буюк, зоти ва сўзида махлуқотларига ўхшашдан покдир”.⁸³

“Асойингни (ерга) ташлагин!” Бу аввалги нидонинг давомидир.

Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳнинг амрига итоат қилиб, асойини ерга ташлади. **“Бас, қачонки унинг илондек қимирлаётга-нини кўргач, ортига қарамай қочди.** Яъни, Мусо асойини ерга ташлагач, унинг қимирлаганини кўрди. У тез қимирлаши ва ҳа-ракатга келишидан худди илонни эслатарди. Бу воқеаларни ўз кўзи билан кўриб турган Мусо ундан кўркиб, бошқа бу ерга қай-тиб келишни ўйламай, орқасига қарамасдан қоча бошлади. Шунда Аллоҳ таоло тарафдан бошқа бир нидо келди: **“Эй Мусо, кел, кўркмагин. Зеро, сен омонда бўлгувчи кишилардандирсан”.**

Яъни, эй Мусо, сен аввал турган жойингга қараб кел, кўрган нарсангдан кўркма! Зеро, сен Бизнинг даргоҳимизда хавф-ха-тардан омонда бўлган ва Рисолатимизни одамларга етказиш учун танлаб олинган бандаларимиздандирсан!

Сўнгра Аллоҳ унга шундай амр қилди: **“Қўлингни чўнта-гинг-га солгин, бирон зиёнсиз оппоқ бўлиб чиқур”.** Яъни, эй Мусо, қўлингни чўнтагингга сол, у бирон касаллик ва айб-нуқ-сондан хо-ли бўлган тарзда оппоқ бўлиб чиқар **“ва қанотингни кўрқувдан қисиб олгин”.** Бу ердаги “қанот”дан мурод қўлдир. Ушбу оятда Мусо (алайҳиссалом) қалбига хотиржамлик кири-тиб, ундан кўрқувни бартараф этиш йўллари кўрсатилмоқда.

Оятнинг маъноси қуйидагича: эй Мусо, Биз сенга амр қилган ишларни бажар. Агар қўлингнинг оппоқлиги ва чароғонлиги сени ташвишга солса, уни чўнтагингга тиксанг, яна аввалги ҳолига қайтади. Илонни кўрганингда сени кўрқув босса, қўлингни кўк-рагингга сурт, шунда кўрқувдан фориғ бўласан.

“Бас, шу иккиси Парвардигоринг томонидан Фиръавн ва унинг одамларига икки хужжатдир”. Бу ердаги “икки хуж-жат”дан мурод асо ва қўл мўъжизаларидир.

(Таржимада “хужжат” деб ифодаланган сўз оятда “бурҳан” тарзида келтирилган. – Таржимон.)

⁸² “Тафсиру Ибн Касир”, 5-жилд, 270-бет.

⁸³ “Тафсиру Ибн Касир”, 6-жилд, 244-бет.

“Бурхан” сўзи очиқ-ойдин, душман тарафни ожиз қолдириб, унга қаршилиқ кўрсатишга қодир бўла олмайдиган даражада ишончли ва кучли ҳужжат маъносини ифодалайди.

Яъни, эй Мусо, Биз сенга ато этган ушбу икки мўъжиза – асо ва қўл Раббинг тарафидан қилинганга шубҳа йўқ. Энди сени ушбу икки мўъжиза билан Фиръавн ва аъёнлари олдига бориб, уларга Бизнинг рисолатимизни етказ, уларни фақат ва фақат Менгагина ихлос билан ибодат қилишга чақир!

“Дарҳақиқат, улар фосиқ қавм бўлдилар”. Яъни, Фиръавн ва унинг қўл остидагилар тоатдан маъсиятга, Ҳақдан ботилга қа-раб кетдилар.

Қиссанинг шу ерида Мусо (алайҳиссалом) ўзи ва Фиръавн ҳамда унинг қавми ўртасидаги адоватга сабаб бўлиб келаётган нарса ҳақида хитоб қилади: **“Парвардигорим, мен улардан бир жонни ўлдириб қўйганман. Бас, улар мени ўлдиришларидан кўрқурман”.** Яъни, ушбу оятлар билан борсам, улар менга қасд қилиб ўлдириб қўйишларидан чўчиюпман. Чунки мен илгари билмаган ҳолимда улардан бир кишини ўлдириб қўйган эдим!

Мусо (алайҳиссалом) бу билан Аллоҳ таолонинг рисолатини одамларга етказишдан асло ўзини олиб қочаётгани йўқ, балки ўша фосиқ, нодон қавм олдига борганида ўзига бирон кор-ҳол етиб қолишидан хавотирланиб, Раббининг паноҳ беришини, У Зотнинг ҳимоясини сўрамоқда, холос.

Сўнгра Мусо (алайҳиссалом) қуйидагиларни қўшимча қилди: **“Оғам Ҳорун мендан кўра тили бурророкдир. Бас, уни ҳам мен билан бирга мени тасдиқлайдиган ёрдамчи қилиб юборгин. Чунки улар мени ёлғончи қилишларидан кўрқурман”.**

Яъни, эй Раббим, ушбу қавм олдига борганимда мен билан биродарим Ҳорунни ҳам юборгин. Чунки унинг тили бурро ва фа-соҳатли. Ҳорун ҳақни ҳимоя қилиб, даъват қилишга мендан кўра қобилиятлироқ. Шунингдек, у менга рисолатингни етказишимда кўмакчи бўлади, мен тарғиб қилаётган нарсаларнинг ҳақ эканини тасдиқлаб туради, агар менга бирон нарса бўладиган ҳолда у менинг ўрнимни эгаллайди. Агар шундай қилмасанг, Фиръавн ва қавми мени ёлғончига чиқариб қўйишларидан, менга зиён-заҳмат етказишларидан кўрқаман.

Мусо (алайҳиссалом) тилидан айтилаётган ушбу сўзлар унинг Рабби рисолатини бошқаларга ҳам етказишдаги жонбозли-ги, унинг яхши натижа беришига ўта ҳарисмандлигидан дарак беради.

Меҳрибон Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)нинг илтижола-рини қабул қилиб, шундай деди: **“Биз сени оғанг билан қув-ватлантирурмиз ва иккинги учун салтанат қилурмиз. Бас, улар сизларга (бирон зиён) етказа олмаслар”.**

Яъни, эй Мусо, Биз сенга сўраган нарсаларни ато этамиз, се-ни биродаринг Ҳорун билан қувватлантирамиз ва ёрдам берамиз ҳамда қудратимиз, иродамиз билан сиз икковингизга кучли ҳужжат, куч-қувват ва ғалаба ато этамиз. У сизларни золимлар хуружидан омонда сақлайди. Сизлар ҳеч хавотир олманглар, Фиръавн ва қавми зиғирча ҳам зарар етказа олмаслар!

“Бизнинг оят-мўъжизаларимиз билан сизлар ҳам, сизлар-га эргашган кишилар ҳам ғолиб бўлгувчидирлар”. Ушбу сўз-лар Мусо ва Ҳорун (алайҳиссалом)ларга янада далда ва ғайрат бағишлаш мақсадида айтилмоқда.

Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом)лар Улуғ Аллоҳнинг амрига бўйсуниб Фиръавннинг олдида уни Ҳаққа даъват қилиш, Аллоҳ таолога ихлос билан ибодат қилишга ундаш учун йўл олдилар.

Қиссининг давомида Мусо (алайҳиссалом) ва исёнкор Фиръавн ўртасида бўлиб ўтган қизғин ва баҳс-мунозарага бой суҳбат ҳақида ҳикоя қилинади:

Энди қачонки Мусо уларга Бизнинг аниқ-равшан оят-мўъжизаларимизни келтиргач, улар: “Бу ҳеч нарса эмас, ма-гар уйдирма-сеҳрдир. Бизлар бу нарсани ўтган ота-бобола-римиз (замони)да ҳам эшитган эмасмиз”, дедилар. Мусо айтди: “Парвардигорим ким Ўзининг ҳузуридан ҳидоят келтирга-нини ҳам, (охират) диёридаги оқибат кимнинг фойдасига бўлишини ҳам жуда яхши билгувчидир. Албатта, золим кимсалар нажот топмас”. Фиръавн: “Эй одамлар, мен сизлар учун ўзимдан бошқа бирон илоҳ борлигини билган эмасман. Бас, сен, эй Ҳомон, лойни пишириб, мен учун бир қаср бино қил, шоядки мен Мусонинг худосини кўрсам. Албатта, мен уни ёлғончи кимсалардан деб ўйламоқдаман”, деди. У (Фиръавн) ҳам, унинг лашкарлари ҳам Ер юзида ноҳақ кибру ҳаво қилдилар ва ўзларини Бизларга қайтарилмайдилар, деб гумон қилдилар. Бас, Биз уни ва лашкарларини ушладик-да, денгизга ташладик – ғарқ қилиб юбордик. (Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), энди Сиз у золим кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг. Ва уларни дўзахга чорлаб турадиган пешволар қилиб қўйдик. Қиёмат кунида ҳам уларга ёрдам берилмас. Биз бу дунёда ҳам уларга лаънатни эргаштирдик. Қиёмат кунида ҳам улар йироқ қилинувчи кимсалардандирлар. Аниқки, Биз аввалги аср-авлодлар-ни ҳалок қилганимиздан кейин Мусога одамлар учун нур, ҳидоят ва раҳмат бўлган Китоб ато этдик. Шояд улар эслатма-ибрат олсалар” (*Қасас, 36–43*).

Мусо (алайҳиссалом) Фиръавн ва қавми олдида уларни залолатдан ҳидоятга чиқариш, ибодат қилишга ёлғиз муносиб бўл-ган Зот – Аллоҳ таолога бўйсунушга даъват қилганида, улар: **“Бу ҳеч нарса эмас, магар уйдирма-сеҳрдир”**, дедилар. Яъни, эй Мусо, сен олиб келган бу нарса сеҳрдан бошқа нарса эмас. Буларни ўзинг тўқиб чиқаргансан!

Сўнгра улар ўзларининг ботил сўзларига ундан ҳам ўтиб тушадиган ўзга бир сўзни кўшимча қилдилар: **“Бизлар бу нарсани ўтган ота-боболаримиз (замони)да ҳам эшитган эмасмиз”**.

Яъни, эй Мусо, сен келтирган нарсани – Аллоҳнинг ёлғиз ўзига ибодат қилиш лозимлиги ва сенинг пайғамбарлигининг аввалги аждодларимиз даврида ҳам эшитмаганмиз.

Қавм оғзидан чиқаётган ушбу куфр сўзлари уларнинг Ҳақдан юз ўгиришларига, ўзлари ўрганиб қолган нарсага ҳеч бир фикр юритмай муккадан кетганларига ишорат қилади.

Мусо (алайҳиссалом) уларга мантиқий ва ҳикматли услубда куйидагича жавоб қилди: **“Парвардигорим ким Ўзининг ҳузу-ридан ҳидоят келтирганини ҳам, (охират) диёридаги оқибат кимнинг фойдасига бўлишини ҳам жуда яхши билгувчидир”**.

Яъни, Мусо (алайҳиссалом) Фиръавн ва аъёнларига жавобан деди:

– Мени ва сизларни яратган Раббим ким Ўз ҳузуридан ҳидоят ва Ҳақ ила келганини ҳаммадан кўра яхшироқ билади. Шунинг-дек, Аллоҳ Қиёматда кимга чиройли оқибат, гўзал ниҳоя насиб эти-шини ҳам яхши билувчидир.

“Албатта, золим кимсалар нажот топмас”. Бу Аллоҳ таоло аввалдан белгилаб қўйган тақдири азалийсидир. Яъни, золим кимсалар, имон-эътиқоддан йироқ бўлганлар зинҳор муваффа-қият қозонмайдилар. Балки Раббимиз Аллоҳ дея Унинг амрига биноан ҳаёт кечирадиган итоатгўй мўминларгагина хосдир нажот топиш!

Мусо (алайҳиссалом) томонидан мулойимлик билан айтилган ушбу сўзлар қалбини ғурур ва такаббурлик илллати буткул эгал-лаб олган Фиръавнга зиғирча ҳам таъсир қилгани йўқ. У ни-ма қилиб бўлса ҳам – ёлғон даъволар қилиб, ўзини улуғлашни хоҳлар эди. Шу мақсадда қавмига деди:

– Эй одамлар, мен сизлар учун ўзимдан бошқа бирон илоҳ борлигини билган эмасман.

Фиръавннинг ушбу манфур гапи унинг учига чиққан тоғий ва исёнкор бўлганлигини кўрсатмоқда.

Нодон қавм ҳам ушбу сафсата ва уйдирмаларни худди кўрқоқ кишилардек жимгина қабул қилиб қўя қолди. Аллоҳ таоло буни шундай ифодалайди: **“Бас, у ўз қавмини тезлатган эди, улар унга итоат этдилар. Дарҳақиқат, улар фосиқ қавм эдилар”** (*Зухруф, 54*).

Сўнгра Фиръавн ўзининг даъвоси тўғрилигини исботламоқ-чи бўлиб, вазири Ҳомонга: **“Бас, сен, эй Ҳомон, лойни пишириб, мен учун бир қаср бино қил, шоядки мен Мусонинг худосини кўрсам”**, деди.

Яъни, эй вазим Ҳомон, сен лойдан пишиқ ғишт тайёрлаб, сўнгра мен учун баланд, осмонўпар бир бино қургин. Шояд мен у ерга чиқиб, Мусонинг худосини кўрсам. Чунки **“Албатта, мен уни ёлғончи кимсалардан деб ўйламоқдаман”**. Бу ердаги **“... деб ўйламоқдаман”** тарзида гумон маъносида айтилган сўз **“аниқ ишонч”**ни инглатади.

Яъни, ишончим комилки, Мусонинг мен – Фиръавндан бош-қа илоҳ бор, деб қилаётган даъвоси ғирт ёлғоннинг ўзгинаси!

Шундай қилиб, Фиръавн қандай бўлмасин, нодон ва жоҳил қавмига ўзидан бошқа илоҳ йўқлигини уқтириб, Мусо айтаётган гаплар ёлғонлигига ишонтириши керак эди.

Ушбу маъно бошқа оятларда ҳам таъкидланган: **“Фиръавн деди: “Эй Ҳомон, мен учун бир (баланд) қаср қургин, шоядки, мен (у қасрнинг устига чиқиб) йўлларга – осмонларнинг йўлларига етиб, Мусонинг илоҳини кўрсам. Дарҳақиқат, мен уни ёлғончи деб гумон қилмоқдаман”.** Фиръавнга ўзининг ёмон амали мана шундай чиройли кўринди ва у (тўғри) йўл-дан тўсилди. **Фиръавннинг барча макру хийласи, албатта, зиён-дир-халокатдир”** (*Ғофир, 36–37*).

Фиръавнни куракда турмайдиган ушбу сўзларни айтишга нима ундади? Бунинг сабаби қуйидаги оятда келади: **“У (Фиръавн) ҳам, унинг лашкарлари ҳам Ер юзида ноҳақ кибру ҳаво қилдилар ва ўзларини Бизларга қайтарилмайдилар, деб гумон қилдилар”.**

Яъни, Фиръавн ва унинг қўшини Биз улар учун яратиб, неъмат қилиб берган Ер юзида ноҳақ, жоҳилларча ғурур ва мутакаббирлик қилдилар ҳамда ўзларини қиёмат куни ҳисоб-китоб қилиниб, жазо олишлари учун Бизнинг хузуримизга қайтарил-майдилар, деб эътиқод қилдилар.

Бундай такаббурлик, ғурур ва қиёматда қайта тирилиб, ҳисоб беришни инкор қилишнинг оқибати нима бўлди?

“Бас, Биз уни ва лашкарларини ушладик-да, денгизга ташладик – ғарк қилиб юбордик”.

(Таржимада “ташладик” деб келтирилган сўз аслиятда “набаза” феъли орқали ифодаланган.)

“Набаза” сўзи “бирон нарсани ҳақоратлаб, уни паст санаб ташлаб юбориш, улоқтириш” каби маъноларни билдиради.

Яъни, Биз Фиръавн ва лашкарларини аламли азоб билан жазоладик, уларни худди бир кераксиз данак ёки хас-чўп каби денгизга улоқтирдик.

“(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), энди Сиз у золим кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг”. Яъни, уларнинг оқибати ҳақида фикр юритинглар, улар тутган йўлдан узоқроқ юринглар!

(Ушбу оятда Аллоҳ таоло Ўз суюкли Пайғамбари (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва жамики мўминларни кофир қавм изидан бормасликка, уларнинг ҳоли не кечганидан хабардор бўлиб, доим огоҳ ва сергак ҳолда ҳаёт кечиришига амр қилмоқда. – Таржимон.)

“Ва уларни дўзахга чорлаб турадиган пешволар қилиб қўйдик. Қиёмат кунда ҳам уларга ёрдам берилмас”. Яъни, Биз Фиръавн ва қўшинини куфр, фисқу фужур ва исён ишлари сабабли жаҳаннамга чорлаб турадиган, ушбу золим қавмнинг йў-лини тутганларнинг ҳам у ерга тушишларига сабабчи бўла-диганлар-дан қилиб қўйдик. Қиёмат кунда улар ўзларидан азобни қайтариб, химоя қилувчи бирон киши ёки нарсани топа олмаслар.

“Биз бу дунёда ҳам уларга лаънатни эргаштирдик. Қиё-мат кунда ҳам улар йироқ қилинувчи кимсалардандир-лар”. Яъни, улар куфр ва залолатда ҳаёт кечирганлари боис Биз улар-ни ушбу дунёда раҳматимиздан маҳрум этдик. Қиёмат кунда ҳам улар раҳматимиздан узоқлаштириладилар.

Аллоҳ таоло Қасас сурасида келган Мусо (алайҳиссалом) қис-сасини шундай ниҳоялайди: **“Аниқки, Биз аввалги аср-авлод-ларни ҳалок қилганимиздан кейин Мусога одамлар учун нур, хидоят ва раҳмат бўлган Китоб ато этдик. Шояд улар эслатма-ибрат олсалар”.**

Яъни, Биз аввалги асрлар мобайнида Нух, Худ, Солиҳ қавми каби ношукр, кофир кимсаларни ҳалок қилганимиздан сўнг Мусога одамлар тўғри йўлни топишлари, қалб кўзлари очилиши ва азобдан қутқарувчи раҳмат сифатида Тавротни нозил қилдик.

“Шояд улар эслатма-ибрат олсалар” оятида уларга Китоб ато этилиши сабаби келтирилиб, уларни бунинг учун шукр қи-лишга тарғиб қилинмоқда. Яъни, Биз сизларга Ҳақни ботилдан аж-рата билишларингиз учун Китобни нозил қилдик. Бас, энди сиз-лар унда келган буйруқларга оғишмай амал қилинглари ҳамда Бизнинг неъматларимизни эслаб, доимо Бизга шукр қилинглари.

Қасас сурасида Мусо (алайҳиссалом) ҳаётининг энг узун даври – гўдаклигидан то пайғамбар бўлгунгача бўлган давр ҳақида ҳикоя қилинди.

Намл сурасида эса ушбу қисса ўзгача услуб ва кўринишда ёритилади. Аллоҳ таоло айтади:

“Мусо аҳли оиласига: “Мен олов кўриб қолдим. Сизларга ундан бирон хабар келтирурман ёки сизларга исиниб оли-шингиз учун бир ўт-чўғ келтирурман”, деганини эсланг! Эн-ди қачонки у (оловнинг олдига) келгач, унга нидо қилинди: “Олов олдидаги кишига ва унинг атрофидаги зотларга хайру баракот бўлсин. Барча оламларнинг Парвардигори – Аллоҳ (айбу нуксондан) Покдир. Эй Мусо,

шак-шубҳасиз, Мен ғолиб ва ҳикмат соҳиби – Аллоҳдирман. Асойингни ташлагин!”. Бас, қачонки (Мусо) унинг илондек қимирлаётганини кўргач, ор-тига қарамай қочди. “Эй Мусо, қўрқмагин! Зеро, Менинг ху-зуримда пайғамбарларим қўрқмаслар. Лекин ким зулм қил-саю, сўнгра ёмонликдан кейин уни чиройли (амал)га алмаштирса, бас, албатта, Мен мағфиратли, меҳрибондирман. Қўлингни чўнтагингга солгин, у ҳеч қандай дардсиз оппоқ бўлиб чиқур. (Бу мўъжиза сен) Фиръавн ва унинг қавмига (олиб борадиган) тўққиз оят-мўъжиза ичида (бордир). Дарҳақиқат, улар итоатсиз қавм бўлдилар. Бас, қачонки уларга Бизнинг оят-мўъжизаларимиз равшан ҳолда етиб келгач, улар: “Бу очик сеҳрдир”, дедилар. Ва ўзлари аниқ билган ҳолларида зулм ва кибр қилиб, уни инкор этдилар. Энди у бузғунчи кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг” (Намл, 7–14).

Оятнинг аввалида Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам)га хитоб қилиб демоқда: эй муҳтарам Пайғам-бар, Мусо Мадяндан Миср томон кетаётиб:

– Мен бир оловни кўриб қолдим, сизлар жойларингизда қи-мирламай туринглар! Мен у ердан хурсандчилик бирон хабар олиб келсам ёки совуқдан исиниб олишларингиз учун бирон чўғ олиб келсам, – деганини эсланг ва ибрат олишлари учун Сизга эргаш-ган кишиларга ҳам зикр қилинг.

Энди Аллоҳ таоло оловнинг олдига яқин келган Мусо қан-дай воқеалар гувоҳи бўлганидан хабар қилади: Энди қачонки у (оловнинг олдига) келгач, унга нидо қилинди: “Олов олдидаги кишига ва унинг атрофидаги зотларга хайру баракот бўлсин”.

“Олов олдидаги киши”дан мурод Мусо (алайҳиссалом), “унинг атрофидаги зотлар”дан мурод эса ерда ҳозир бўлиб турган яқин атрофдаги фаришталардир.

Яъни, Мусо (алайҳиссалом) олов турган жойга яқин келганида Аллоҳ азза ва жалла тарафидан ҳурмат-эҳтиром ва салом маъносида Мусога:

– Олов яқинидаги киши – Мусо ва унинг атрофидаги зотлар – фаришталарга яхшилик бўлсин, Мусонинг рисолатни етказиш учун пайғамбар қилиб танлаб олингани муборак бўлсин, – деб нидо қилинди.

“Барча оламларнинг Парвардигори – Аллоҳ (айбу нуқсон-дан) Покдир”. Бу Аллоҳ таолонинг Мусога Ўзи ҳақида бераётган хабаридир. Токи у Аллоҳнинг Каломини эшитиб, у одамнинг сў-зига ўхшар экан, деган хаёлга бормаслиги учун У Зот махлуқотла-рига ўхшашдан пок, айбу нуқсон ва қусурлардан саломат эканини Ўз Пайғамбарига таълим бермоқда.

“Эй Мусо, шак-шубҳасиз, Мен ғолиб ва ҳикмат соҳиби – Аллоҳдирман”. Бу ерда Аллоҳ азза ва жалла бандаси Мусога у билан гаплашаётган Зот барча нарсдан ғолиб, бандалари усти-дан мутлақ ҳоким бўлган Аллоҳ таоло эканини баён қилмоқда.

Яъни, эй Мусо, айна пайтда сен билан гаплашаётган Мен – Аллоҳман. Бас, нимага буюрсам сен ўшанга кулоқ тут ва айтганларимни, сенга топширган вазифаларимни бажо эт!

“Асойингни ташлагин!” Бу ўзидан аввалги нидонинг узвий давоми ҳисобланади. Яъни, олов олдидаги кишига ва унинг атрофидаги зотларга хайру барака бўлсин, қўлингдаги асойингни ерга ташлагин, деб нидо қилинди.

“Бас, қачонки (Мусо) унинг илондек қимирлаётганини кўр-гач, ортига қарамай қочди”.

Яъни, Мусо (алайҳиссалом) Раббининг амрига лаббай, деб жа-воб қилиб, кўлидаги асони ерга ташлаган ҳам эдики, у тезда ҳа-ракатлана бошлади. Унинг шиддат билан ҳаракатланаётганини кўрган Мусо “илон” деб ўйлаб, кўрқувдан ортига қарамай у ер-дан қоча бошлади.

Мусонинг бу тарзда қочишига сабаб шуки, у қимирлаётган нарса бир оз олдин кўлида турган асои эканини умуман ҳаёлига келмагани эди. Инсон табиатига ҳос нарса шуки, у кўрқув ва са-росимага тушса, ўзини йўқотиб қўяди ва фикрлашга кодир бўл-май қолади.

Мусо (алайҳиссалом) шундан бир кўрқув ҳолатида турганида Аллоҳ таоло унинг калбига хотиржамлик солиш мақсадида:

– **Эй Мусо, кўрқмагин!** – деди.

Яъни, Мен сенинг олдинда эканман сен кўрган нарсангдан кўрқмагин ва бошқа нарсаларнинг зарар беришидан зинҳор кўрқувга тушма!

“Зеро, Менинг ҳузуримда пайғамбарларим кўрқмаслар”. Бу кўрқувга тушишдан нима учун қайтарилаётганининг саба-бидир. Яъни, Мен кимни рисолатимни ўз зиммасига олиб, амримни одамларга етказиш учун танлаб олган бўлсам, ўша бандалар Менинг даргоҳимда ҳаргиз кўрқмайдилар.

“Лекин ким зулм қилсаю, сўнгра ёмонликдан кейин уни чиройли (амал)га алмаштирса, бас, албатта, Мен мағфират-ли, меҳрибондирман”.

Яъни, эй Мусо, Менинг ҳузуримда пайғамбарларим кўрқмай-дилар. Лекин кимки нафсига зулм қилиб, бирон ёмон ишни содир этадиган бўлса, сўнгра зулмдан адолатга, ёмонликдан яхшиликка қайтиб, гуноҳ-маъсиятдан тоат йўлига юриб, чин калбдан тавба қилса, Мен у бандадан ўтган барча гуноҳларини кечириб юбораман. Зеро, ёлғиз Менгина раҳмат ва мағфирати кенг бўлган Зотдирман.

Шундан кейин Мусо (алайҳиссалом)нинг ростгўйлардан эка-нини исботловчи бошқа мўъжизалар ҳақида айтиб ўтилади:

“Қўлингни чўнтагингга солгин, у ҳеч қандай дардсиз оп-поқ бўлиб чиқур”. Яъни, эй Мусо, ўнг қўлингни чўнтагингга тик, сўнгра уни чиқар. Қўлинг ҳеч бир касалсиз (яъни, мохов касалисиз) оппоқ ва нурли бўлиб чиқади. Унинг саломат ҳолида бундоқ чароғон бўлиши Аллоҳ таолонинг қудрати ва иродаси билангина юз берди.

“*(Бу мўъжизалар сен) Фиръавн ва унинг қавмига (олиб борадиган) тўққиз оят-мўъжиза ичида (бордир)*”.

Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)га ато этган ушбу тўққиз мўъжиза куйидагилар эди: асо, қўл, қаҳатчилик йиллари, дарё, тўфон, чигиртка, бит, қурбақа ва қон. Буни Ибн Аббос, Мужоҳид, Қатода ва бошқалар ривоят қилишган.

Мўъжизаларнинг тўққизта деб чекланиши Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)га бундан бошқа мўъжиза бермаган, деган фикр-ни келтириб чиқармаслиги лозим. Усул илми уламолари таъкидлашларича, бирон нарсани аниқ бир миқдор билан чегаралаб ифодалаш унинг ўша сондан зиёда бўлиши эҳтимолини инкор қилмайди.

(Бу нарсани Қуръони каримнинг бошқа оятлари ва Пайғамбари-миз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳадиси шарифларида ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, етти тоифа кишиларни Аллоҳ таоло Ўзининг соясидан бошқа соя бўлмайдиган (қиёмат кунда) ўз соясига олади” деган ҳадис мавжуд. Бу дегани Қиёмат кунда

мазкур тоифа вакилларида бошқалар Аллоҳнинг раҳматидан бебаҳра қоладилар дегани эмас. Бу ердаги “етти тоифа” деб чегаралаш фақатгина одамнинг диққатини ўзига қаратиши, эътиборни жамлаш ва уларни ўша хайрли ишларга осон йўл билан тарғиб этиши мақсадида айтилган. Шунингдек, ҳадисларнинг бирида “уч тоифа кимсалар жаннатга кирмайди. Булар: муттасил тарзда хамр ичувчи, ота-онасига оқ бўлган ва етимнинг молини ноҳақ егувчилар”. Ушбу маънодаги бошқаривоятда ўша уч тоифага даюслар (аҳли аёли – онаси, сингил, онаси, жуфти ҳалолани ўзгалардан – номаҳрамлардан қизганмайдиган эркалар), ўзини эркаларга ўхшатувчи аёллар, рибохўрлар ҳам киритилган. Шундан ҳам билиб оламизки, бирон нарсани маълум бир миқдор билан чегаралаш ўша нарсанинг мазкур чегараланган миқдордан ортиқ бўлишига ҳеч бир монелик қилмайди. – Таржимон.)

Ояти кариманинг давомида Фиръавн ва унинг атрофидаги кишилар ҳақида шундай дейлади: **“Дарҳақиқат, улар итоат-сиз қавм бўлдилар”**. Бу Мусо (алайҳиссалом)нинг ушбу қавм-га нима сабабдан юборилишининг асл сабабидир. Яъни, эй Мусо, Биз сени ўша тўққиз мўъжиза билан Фиръавн ва қавмига юбор-моқдамиз. Сабаби улар Бизнинг тоатимиздан чиқиб, фосиқлик йўлига кирдилар ва Мендан ўзга махлуқотларга ибодат қилдилар.

Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳнинг амрига “лаббай” деб жавоб бериб, қавмини хидоятга чиқариши мақсадида йўлга отланди.

“Бас, қачонки уларга Бизнинг оят-мўъжизаларимиз равшан ҳолда етиб келгач, улар: “Бу очик сеҳрдир”, дедилар. Ва ўзлари аниқ билган ҳолларида зулм ва кибр қилиб, уни инкор этдилар. Энди у бузғунчи кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг”.

Яъни, Мусо (алайҳиссалом) ўзининг чин пайғамбарлигини тас-диқловчи илоҳий мўъжизалар билан қуролланган ҳолда Фиръавн ва қавми олдида уларни Аллоҳ учун ихлос билан ибодат қилишга чақирганида, улар ношукрлик, кибр ва ғурур билан:

– Эй Мусо, биз сенда кўриб турган бу нарса очик-ойдин сеҳр-нинг ўзгинаси-ку, – дедилар.

Йўқ, аслида Фиръавн ва қавми ушбу мўъжизалар Мусо (алайҳиссалом)га Рабби томонидан нозил қилинганини яхши билардилар. Аммо билганларига хилоф иш тутдилар, унга имон келти-ришга бўйинлари ёр бермади, балки кибрлари устунлик қилди.

Эй оқил инсон, уларнинг оқибати қандай якун топганига бир назар сол! Улар кофир бўлганликлари, золим ва ношукрликлари ҳамда Ер юзида бузғунчилик қилиб юрганликлари боис Аллоҳ барчаларини сувга ғарқ қилди.

“Энди у бузғунчи кимсаларнинг оқибати қандай бўлгани-ни кўринг” оятида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-га кофир қавмдан етган жабр-зулмни енгиллатиш учун тасалли бериш маъноси бор. Қурайш кофирларининг Ҳакни била туриб, Ра-сулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олиб келган нарсаларни инкор қилишлари худди Фиръавн ва қавми тутган йўлга ўхшайди. Уларнинг қалбига имон киришига жуда кўп нарсалар монелик қиларди. Бунинг энг аввалида ношукрлик, ҳасад, ота-боболари қилиб келган нарсаларга кўр-кўрона қаттиқ ёпишиб олиш, вазиятни бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўзгартиришни нафслари хоҳ-ламаслиги ва бу иш шаҳватлари томонидан уларга зийнатлаб кўрсатилгани турарди.

Тоҳа сурасида ҳам Мусо (алайҳиссалом)га Аллоҳ томонидан юклатилган вазифалар, биродари Ҳорун билан Фиръавн олдиға боришлари ҳақида ҳикоя қилинади:

“(Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Сизға Мусо ҳақида хабар келдими? Эсланг, бир оловни кўриб аҳли оила-сига: “(Сизлар шу ерда) турунлар, мен бир олов кўриб қол-дим, шоядқи сизларға ундан бир чўғ олиб келсам ёки шу ўт олдидан бирон йўл (кўрсатувчи) топсам”, деди. Бас, қачонқи у (оловнинг яқинига) келгач: “Эй Мусо”, деган нидо эшитилди. “(Эй Мусо), Мен сенинг Парвардигорингман. Энди кавушларингни ечгин. Чунки сен муқаддас Туво водийсидасан. Мен сени танладим. Бас, юборилган ваҳийға қулоқ тут! Дарҳақиқат, Мен Аллоҳдирман. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Мен бордирман. Бас, сен Менгагина ибодат қил ва Мени зикр қилиш учун намозни тўқис адо қил! Токи ҳар бир жон қиладиган саъй-ҳаракати сабабли жазоланиши учун (қиёмат) соати албатта, келгувчидир. (Лекин) Мен уни яширишни истайман. Бас, сени ишонмайдиган ва ҳавойи нафсига эргашган кимсалар ундан тўсмасинлар, у ҳолда ҳалок бўлурсан” (Тоҳа, 9–16).

Юқорида келтирилган илк оятларнинг маъноси куйида-гича: эй муҳтарам Пайғамбар! Шубҳасиз Сизға биродарингиз Мусо-нинг Мадяндан Миср томон кетаётиб, бир оловни кўриб қолгач, ўз оиласига:

– Сизлар жойларингизда турунлар, ҳеч қаёққа қимирла-манглар. Шояд мен у ердан бирон чўғ олиб келсам ёки сафаримиз-да ёрдам берадиган йўл кўрсатувчи топсам, – дегани ҳақида хабар келди.

Ўшанда Мусо (алайҳиссалом) олов ёнига яқинлашганида Аллоҳ тарафидан:

– Эй Мусо, Мен сенинг Раббингман. Бас, сен энди Бизнинг амримизға таъзим бажо қилиб, даргоҳимизда турганинг хурма-ти-дан оёқ кийимингни ечгин, – деган нидо келди.

“**Чунки сен муқаддас Туво водийсидасан**”. Бу амр нима сабабдан пойафзални ечиш лозимлигини баён қилмоқда. Яъни, сен ҳозир иккала оёғингдаги кавушингни ечгин. Чунки сен Туво деб аталган муқаддас, муборақ бир водийда турибсан.

“**Мен сени танладим. Бас, юборилган ваҳийға қулоқ тут!**”

Яъни, Мен сени қавминг орасидан рисолатимни зиммангга олишинг ва даъватимни бошқа бандаларимға етказишинг учун пайғамбар сифатида танлаб олдим. Энди сен Мен тарафимдан ва-ҳий қилинаётган нарсаларға қулоқ сол ва сенга амр қилинаётган ишларни бекаму кўст адо эт!

“**Дарҳақиқат, Мен Аллоҳдирман. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Мен бордирман. Бас, сен Менгагина ибодат қил**”. Яъни, ибодат қилиш, итоат этиш ва кўрқиш учун Мендан кўра муносиб-роқ бирон илоҳ йўқ! Шу сабаб сен Менинг розилигим учун холис ибодат қил ва “**Мени зикр қилиш учун намозни тўқис адо қил!**”

Яъни, намоз энг буюк ибодат ва энг афзал тоатдир. Бас, сен Мени доим эслаб туришинг ва Менга кучлироқ боғланишинг учун намозни хушу ва ихлос ила адо эт! Шунингдек, намоз ўзида кўп-лаб зикрларни жамлаган. Унда Менинг зотим ва сифатимни мадҳ этувчи ҳамду санолар бор.

Ёки ушбу оятнинг мазмуни куйидагича: хусусан Мени зикр қи-лиш, розилигимни олиш учун риё қилмаган ҳолда намозни адо эт!

“Токи ҳар бир жон қиладиган саъй-ҳаракати сабабли жазоланиши учун (қиёмат) соати албатта, келгувчидир. (Лекин) Мен уни яширишни истайман”.

Яъни, қайта тирилиш, ҳисоб-китоб, савоб ёки жазо олиш куни бўлган қиёматнинг келишида ҳеч қандай шубҳа йўқ. Мен унинг қачон эканини яширишни ирода қилдим. Фақатгина, унинг келиш вақтини баъзи аломат ва белгилар орқали билдираман.

Қиёмат соати шубҳасиз келади. У кунда ҳар бир жон дунёда қилган яхши ва ёмон ишларига яраша савоб ёки жазо олади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бошқа ояти карималарда шундай дейди:

“Ким охиратни истаса ва мўмин бўлган ҳолида (охиратга лойиқ) саъй-ҳаракат қилса, бас, ундай зотларнинг саъйлари (Аллоҳ наздида) мақбул бўлур” (Исро, 19).

“Бас, ким (хаёти дунёдалиқ пайтида) зарра мисқолчалиқ яхшилиқ қилса, (қиёмат кунида) ўшани кўрур. Ким зарра мис-қолчалиқ ёмонлиқ қилса, уни ҳам кўрур!” (Залзала, 7–8).

Сўнгра Аллоҳ таоло қиёмат кунига тайёргарлик кўрмаслик ва у ҳақида гумон-шубҳага боришдан қайтариб дейди: **“Бас, сени ишонмайдиган ва ҳавойи нафсига эргашган кимсалар ун-дан тўсмасинлар, у ҳолда ҳалок бўлурсан”.**

Яъни, қиёмат кунида савоб ва иқоб берилишини инкор қи-лувчи кофир-фосиқ кимсалар сени Қиёматга имон келтириш-дан ҳамда ўша куни сенга манфаат келтирадиган солиҳ амалларни қилишдан зинҳор тўсиб қўймасинлар! Акс ҳолда, агар сен уларга бўйин эгсанг, аниқки, ҳалокат жарига қулайсан!

Ушбу оятда, аввал қиёмат соати куни келиб, албатта, юз бериши айтилиб, сўнгра унинг қоим бўлишини инкор қиладиган, у кунга тайёргарлик кўришдан бош тортадиган кимсаларга итоат эт-маслик қаттиқ таъкидланмоқда.

Аллоҳ таоло айтади: **“Бунга сабаб, Аллоҳ ҳақ экани ва Унинг Ўзи ўликларга ҳаёт бериши ҳамда У ҳамма нарсага қодир эканлигидир. Яна аниқки, (қиёмат) соати, шак-шубҳасиз, келгувчидир ва албатта, Аллоҳ қабрдаги бор жонзотни тирилтирур” (Ҳаж, 6–7).**

Қисса давомида Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Мусо (алай-ҳиссалом)га буюрган баъзи амрлари ва Мусонинг Раббидан сў-раган нарсалари ҳақида хабар қилинади:

“Ана у – қўлингдаги нима, эй Мусо?!” (Мусо) деди: “У асо-йим, унга таянурман ва у билан қўйларимга (барг) қоқиб берурман. Яна унда бошқа ишларим ҳам бор”. (Аллоҳ) айтди: **“Уни ташлагин, эй Мусо!”** Бас, Мусо уни ташлаган эди, ба-ногоҳ, у юрадиган – жонли илон бўлиб қолди. (Аллоҳ) деди: **“Уни ушла! Қўркмагин, Биз уни аввалги холига қайтарурмиз. Қўлингни қанотингга тикқин, у ҳеч қандай зиён-заҳмат-сиз оппоқ-нурли бўлиб чиқур. (Бу) иккинчи мўъжиза (бўлур). Биз сенга буюк мўъжизаларимизни кўрсатиш учун (шундай қилдик. Энди) сен Фиръавннинг олдига боргин! Чунки у ҳад-дан ошди”.** (Мусо) деди: **“Парвардигорим, Ўзинг қалбимни кенг қилгин, ишимни осон қилгин, тилимдаги тугунни – дудуқликни ечиб юборгин, сўзимни англасинлар. Менга ўз аҳлимдан бўлган Ҳорун оғамни вазир қилгин. У билан белимни бақувват қилгин. Ва уни ишимда шерик қилгин. Токи биз Сенга кўпроқ тасбеҳ айтиб, Сени кўпроқ зикр қилайлик. Албатта, Сен бизни кўрувчи бўлган Зотсан”** (Тоҳа, 17–35).

“Ана у – қўлингдаги нима, эй Мусо?!” оятидаги савол эътироф учун берилмоқда. Зеро, Аллоҳ таоло Мусонинг қўлида нима борлигини жуда яхши билар эди. Бу ерда Мусо (алайхиссалом)-нинг ўз тилидан қўлидаги нарса “Асойим” деб

айтилиши керак эди. Чунки бир оздан сўнг у асо Аллоҳ таолонинг қудрати билан илонга айланиши лозим эди.

Аллоҳ таоло ушбу саволига Мусо кутилганидек: **“У асойим”**, деб жавоб берди. Мусо (алайҳиссалом) ўнг қўлидаги асо эканини айтиб, у ўзига тегишли эканини ҳам билдириб қўйди.

Шундан сўнг асойининг вазифаларини санай бошлади: **“Ун-га таянурман ва у билан қўйларимга (барг) қоқиб берурман. Яна унда бошқа ишларим ҳам бор”**.

Яъни, мен юрганимда ёрдам бўлиши учун асойимга суянаман ва қуриган дарахт баргларини қўйларимга қоқиб бераман. Шунингдек, бу асойимда мен айтмаган бошқа хожатларим ҳам бор. Унинг менга кўп манфаати етади.

Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳ таолонинг саволига **“У менинг асойим”**, деб қисқа жавоб берса ҳам бўларди. Лекин у қўшимча қи-либ, унга суянишини ва асойи ёрдамида қўйларига барг қоқиб беришини ҳам айтиб ўтди. Зеро, бу ҳолат банданинг Ҳолиқи билан таклийми (суҳбати) бўлиб, бундай ҳолатда бандадан мукамал ва тўлиқ жавоб бериш талаб қилинарди.

“Яна унда бошқа ишларим ҳам бор” деб Мусо (алайҳиссалом)дан мужмал тарзда – умумий қилиб жавоб қайтарилиши-га сабаб сўзни чўзиб юборишдан ҳаё қилгани ёки аксинча Аллоҳ билан бўлган суҳбатни узунроқ давом этишини хоҳлаганидир.

Қуртубий айтади: “Ушбу оятда саволга ундан афзалроқ қилиб жавоб қайтариш жоизлигига далил бор. Чунки Аллоҳ таоло: **“Ана у қўлингдаги нимадир, эй Мусо?!”** деб сўраганида, у асойининг тўртта вазифасини санаб ўтди.

(Аллоҳ) **айтди: “Уни ташлагин, эй Мусо!”** Яъни, эй Мусо, ўнг қўлингдаги ушбу асони ерга ташла, кейин нима бўлишини кў-расан. **“Бас, Мусо уни ташлаган эди, баногоҳ, у юрадиган – жонли илон бўлиб қолди”**.

Яъни, Мусо Раббининг амрига бўйсуниб, асойини ерга ташла-ган ҳам эдики, у Аллоҳ таолонинг қудрати билан тирик илонга айланиб, тез-тез ҳаракат қила бошлади. Буни кўрган Мусо кўрқиб, ортига қарамай қочди. Лекин Аллоҳ таоло унинг қалби-ни мустаҳкам қилиб, нафсига хотиржамлик солиш мақсадида:

– **Уни ушла! Қўрқмагин,** – деди. Яъни, бир оз аввал қўлингда турган асодан илонга айланган нарсани ушла, ундан кўрқма! Чунки **“Биз уни аввалги ҳолига қайтарурмиз”**. Яъни, Биз ушбу ўрмалаб юрган илонни қудратимиз ила яна аввалги асо ҳолига қайтарамиз.

Айтилишича, Аллоҳ таолонинг ушбу ҳолатда Мусо (алайҳиссалом) асойини илонга айлантиришдан кўзланган ҳикмат – унинг қалбини мустаҳкамлаш, келгусида Фиръавн ва қавми олдида қў-лидаги асонинг бундан ҳам каттароқ илонга айланган ҳолда кўр-ганида кўрқмаслиги учун замин тайёрлашдан иборат эди.

Инсон руҳиятига хос бўлган жиҳатлардан бири шуки, киши бирон нарсани, гарчи у қанчалик ажойиб ва ҳаяжонга солувчи бўл-масин, иккинчи кўришда ундаги аввалги ҳаяжон ва кўрқинч ҳисси бир оз бўлса ҳам йўқолади.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)га бошқа нарсаларни амр қилади: **“Қўлингни қанотингга тикқин, у ҳеч қан-дай зиён-заҳматсиз оппоқ-нурли бўлиб чиқур. (Бу) иккинчи мўъжиза (бўлур)”**. Яъни, эй Мусо, ўнг қўлингни чап қўлтиғингга тикқин, сўнгра чиқар. У бирон касалсиз оппоқ, нурли ва чаро-фон бўлиб чиқар. Бу сенга Биз ато этган асодан бошқа иккинчи мўъжизадир.

“Биз сенга буюк мўъжизаларимизни кўрсатиш учун (шун-дай қилдик)”. Яъни, Биз сенга асо ва қўл мўъжизаларини бе-риш-дан мақсад – Бизнинг улуғ қудратимизга, Аллоҳнинг Якка Ўзи илоҳ-ликка муносиб эканига далолат қилувчи катта мўъжи-заларнинг баъзиларини кўрсатиш эди.

Мусо (алайҳиссалом)га мазкур икки мўъжизани беришдан кўз-ланган ҳикмат нима эди?

“Сен Фиръавннинг олдига боргин! Чунки у ҳаддан ошди”. Яъни, эй Мусо, ушбу икки мўъжиза билан қуролланган ҳолда Фиръавннинг олдига бор! Уни Менинг ёлғиз Ўзимга ибодат қи-лиш учун даъват эт! Унга шуни айтгинки, Бани Исроилга яхшилик қил-син, уларни ноҳақ азобламасин! Шунингдек, уни зулм ва кибрдан қайтар. Чунки у ҳақиқат ва адолат мезонидан чиқиб, ҳаддини билмай қолди. Ҳатто одамларга: **“Мен сизларнинг буюк раббингизман”**, деб даъво қилмоқда.

Мусо (алайҳиссалом) Раббидан ушбу топшириқларни қабул қилиб олар экан, ўз навбатида, ишининг енгил кечиши учун дуо қи-либ қуйидагиларни сўради:

“Парвардигорим, Ўзинг қалбимни кенг қилгин”. Яъни, эй Раббим, қалбимни имон нури ва пайғамбарлик неъматини ила кенг қилгин, токи Сен менга юклаётган вазифаларни хурсандлик ила қабул қилиб, мукамал тарзда адо этай.

“Ишимни осон қилгин”. Яъни, Ўзинг менга амр қилган ишларни бажаришимда мададкор бўлгин. Уларни мен учун енгил ва осон қилгин. Акс ҳолда, мен ушбу Рисолатнинг оғир юқини кў-таришга тоқат қила олмайман!

“Тилимдаги тугунни – дудуқликни ечиб юборгин, сў-зимни англасинлар”. Яъни, тилимдаги камчилик бўлмиш ду-дудуқликни бартараф эт, токи одамлар айтаётган гапларимни яхши англаб, менга эргашсинлар!

Ривоят қилинишича, Мусо (алайҳиссалом)нинг тилида дудуқ-лик бўлган эди. Шу нарса Мусо (алайҳиссалом) бошини ўзгалар олдида ҳам қиларди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бошқа бир оятда Мусо (алайҳиссалом) тилидан шундай хабар беради: **“Оғам Ҳорун мендан кўра тили бурророқдир. Бас, уни ҳам мен билан бирга мени тасдиқлайдиган ёрдамчи қилиб юборгин. Чунки улар мени ёлғончи қилишларидан кўрқурман”** (*Қасос, 34*).

Мусо (алайҳиссалом) ихлос билан дуо қилишда давом эта туриб деди:

– Менга ўз аҳлимдан бўлган Ҳорун оғамни вазир қилгин. У билан белимни бақувват қилгин. Ва уни ишимда шерик қилгин.

Мусо (алайҳиссалом) аввал бошида қалби ва тилига боғлиқ нар-саларни сўраган бўлса, энди эса ўзига боғлиқ бўлмаган нарсаларни ўтинч билан Раббидан сўрамоқда. Яъни, эй Раббим, ил-тижо қилиб сўрайманки, Сенинг Рисолатингни етказишимда аҳлим-дан бўлган Ҳорун биродаримни менга ёрдамчи қил, у би-лан белимни қувватлантир, Рисолатингни етказишда уни ҳам менга шерик қил, токи Сенинг амрингни комил даражада адо этайлик!

Мусо (алайҳиссалом) ўз нафсида тез ғазабланиш, қизиққон-лик-ни кўриб, бирон хатоликка йўл қўймаслик мақсадида Раббидан шу нарсаларни сўрамоқда. Мақсад – аҳамияти катта бўл-ган ишларни у билан бирга маслаҳатлашиб амалга ошириш, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш эди.

“Токи биз Сенга кўпроқ тасбеҳ айтиб, Сени кўпроқ зикр қилайлик. Албатта, Сен бизни кўрувчи бўлган Зотсан”. Бу Мусо (алайҳиссалом)нинг Раббига қилган холис дуоларининг сабабидир.

Яъни, биз Сенга кўпроқ тасбеҳ айтиб, кўпроқ зикр қилиши-миз учун дуойимизни ижобат эт! Зеро, Сен доимо бизни кўриб, кузатиб турасан. Бизнинг ва бошқа махлуқотларинг ишидан бирон нарса Сен учун махфий эмас. Сен бизнинг ҳолимизни ва ожизлигимизни яхши биласан ҳамда Сенинг ёрдаминг ва па-ноҳингга мухтож эканимиздан ҳам мутлақ хабардорсан!

Ушбу дуолар билан Мусо (алайҳиссалом) ўз Раббига узоқ ил-тижо қилди, ўзининг бор эҳтиёж ва талабларни баён этди. Хўш, натижа нима билан яқунланди?

Аллоҳ унинг дуосини қабул қилиб, сўраган нарсаларини берди. Аллоҳ таоло айтади: **“Сўраган нарсаларинг сенга ато этилди, эй Мусо!”** Яъни, эй Мусо, Биз дуойингни ижобат этдик, Ўз фазлу ка-рамимиз ила сенга барча сўраган нарсаларингни ато этдик.

Мусо (алайҳиссалом) билан Фиръавн ўртасидаги мунозара ва қизгин тортишувлар

Ҳақ ва ботил орасидаги ушбу мурасасиз тортишувлар Қуръо-ни каримнинг бир неча сураларида баён қилинган. Унда Мусо (алайҳиссалом) томонидан кучли мантиққа асосланган фикрлар, очиқ-ойдин хужжат ва юксак шижоат хислатлари, Фиръавн томонидан эса, очиқ таҳдид, дўқ-пўписа, жаҳолат, куч-қувват билан мақтаниш каби мазаммат қилинган сифатлар кўзга ташланади.

Ҳозир Тоҳа сурасида келтирилган ушбу мунозараларни кўриб чиқамиз. Аллоҳ таоло айтади:

(Эй Мусо), сен ўзинг ва оғанг (Ҳорун) Менинг мўъжизала-рим-ни олиб боринглар ва Мени зикр қилиб – ёдингизда тутишда сусткашлик қилманглар! Сизлар Фиръавннинг олдига боринг-лар, чунки у хаддидан ошди. Бас, унга юмшоқ сўз сўзланглар! Шояд панд-насихат олса ёки кўрқса. Улар дедилар: **“Парвардигоро, дарҳақиқат, биз у шошқалоқлик қилишидан ёки бадтар туғёнга тушишидан хавфдамиз. (Аллоҳ) айтди: “Кўрқманглар! Шак-шубҳасиз, Мен сизлар билан биргаман – эшитиб, кўриб тураман. Бас, сизлар унинг олдига бориб айтинглар: “Биз Парвардигорингнинг элчиларимиз. Сен Бани Исроил (қавми)ни биз билан бирга қўйиб юборгин, уларни азобламагин. Биз сенга Парвардигоринг томонидан оят-мўъ-жиза келтирдик. Ҳидоятга эргашган кишиларга тинчлик-омонлик бўлур. Бизга ваҳий қилиндики, ёлғончи қилган ва юз ўгирган кимсаларга азоб бўлур”** (Тоҳа, 42–48).

Юқоридаги илк оятларнинг маъноси куйидагича: эй Мусо, сен биродаринг Ҳорун икковингиз Менинг мўъжизаларим билан қуролланган, ҳимояланган ҳолингизда Мен буюрган тарафга боринглар! Мени зикр қилиш ва тасбеҳ айтишда зинҳор ожизлик қила кўрманглар! Зеро, Мени зикр қилишингиз ҳар қандай ша-роитда сизларга қурол ва кучли асос бўлади.

Ушбу ояти каримада Мусо ва Ҳорун алайҳимус саломларга, шунингдек барча мўминларга ҳар қандай замон ва маконда Аллоҳ таолонинг зикрида бардавом ва собитқадам бўлишга, бу ишда сусткашликка йўл қўймасликка кучли даъват қилинмоқда.

Аллоҳ таоло ҳар қандай шароитда Ўзига тасбеҳ, таҳмид ва кўплаб зикрлар аytувчи бандаларини мақтаб, шундай дейди: **“Албатта, осмонлар ва Ернинг яратилишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашилиб туришида ақл эгалари учун**

оят-аломатлар бордир. Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар” (Оли Имрон, 190–191).

Ибн Касир айтади: **“Мени зикр қилиб – ёдингизда тутишда сусткашлик қилманглар!”** оятидан мурод шуки, у иккиси Аллоҳни зикр қилишни ҳеч ёдларидан чиқармаганлар. Фақат бу ерда Фиръавн билан юзма-юз келганда, ўзларига қувват ва ёрдам бўлиши учун Аллоҳни зикр қилиш, бу ишда заифликка йўл қўймаслик яна бир бор таъкидланмоқда.⁸⁴

“Сизлар Фиръавннинг олдига боринглар, чунки у хадди-дан ошди”.

Яъни, сиз иккинги даъватимни етказиш ва уни ибодатга чақириш учун Фиръавннинг олдига боринглар. Чунки у исён қилиб, хаддидан ошди, Ер юзида кўп бузғунчиликлар қилди, ҳатто қавмига:

– Мен сизларнинг буюк раббингизман ва мен сизлар учун ўзимдан бошқа илоҳ борлигини билмайман, – деб даъво қилди.

“Бас, унга юмшоқ сўз сўзланглар! Шояд панд-насихат олса ёки қўрқса”. Ушбу оятда Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом)-ларга Фиръавн билан бўладиган мунозара чоғида қандай йўл тутиш лозимлиги таълим берилмоқда.

Яъни, унинг олдига бориб, куфр ва туғъндан воз кечишга даъват этинглар! Аммо унга мулойимлик ва юмшоқлик билан муомалада бўлинглар. Зеро, бу нарса ғазабни кетказиб, қалбни зикрга, куфр ва нобакорликнинг ёмон оқибатларидан қўрқиш-га ундайди.

Ушбу мулойим сўзнинг қандайлиги бошқа оят орқали тафсир қилинган. Аллоҳ таоло айтади: **“(Эй Мусо), сен Фиръавннинг олдига боргин. Чунки у (куфру исён билан) хаддидан ошди. Бас (унга) айтгин: “Сенинг (куфр иллатидан) покланиш-га рағ-бат – хоҳишинг борми? Мен сени Парвардигоринг (йўли)га хидоят қилсам, бас, сен (У Зотдан) қўрқсанг”** (Нозиот, 17–190).

Ибн Касир айтади: **“Бас, унга юмшоқ сўз сўзланглар!”** оятида улуғ бир ибрат бор. Фиръавн ўта мутакаббир ва итоат-сиз эди. Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳнинг пайғамбари бўла туриб, У Зот Мусога Фиръавн билан муомалада мулойим бўлишга амр қилмоқда. Чунки ширин сўз нафсга кучли таъсир қилиб, қалбни юмшатади. Аллоҳ таоло айтади: **“Парвардигорингиз йўлига – динига донолик ва чиройли панд-насихат билан даъват қилинг! Улар билан энг гўзал йўлда мужодала-мунозара қилинг”** (Наҳл, 125).⁸⁵

Аллоҳ Мусо ва Ҳорунга Фиръавннинг олдига бориб нима де-йишларини таълим бергач, улар дедилар: **“Парвардигоро, дар-ҳа-қиқат, биз у шошқалоқлик қилишидан ёки бадтар туғънга тушишидан хавфдамиз”.**

Яъни, эй Раббимиз, биз сўзимизни тугатгач, Фиръавн бизга азоб-уқубат ва озор беришидан ҳамда унинг туғъени янада ошиб кетишидан, Сенинг шаънингга биз эшитишни хоҳламаган гап-ларни айтишидан қўрқмоқдамиз, дедилар.

Аллоҳ таоло уларга жавобан деди: **“Қўрқманглар! Шак-шуб-ҳасиз, Мен сизлар билан биргаман – эшитиб, кўриб тураман”.**

Яъни, сизлар Фиръавн зулмидан ҳеч ҳам чўчиманглар! Чунки Мен Ўз қувватим, кудратим ва паноҳим ила сизлар билан бир-гадирман. Мен сизларнинг сўзларингизни

⁸⁴ “Тафсиру Ибн Касир”, 3-жилд, 287-бет.

⁸⁵ “Тафсиру Ибн Касир”, 3-жилд, 288-бет.

эшитиб, қилаётган ҳар бир ҳаракатингиздан хабардор бўлиб тураман. Сизларнинг хо-латингиздан бирон нарса Мен учун махфий бўлиб қолмас. Хо-тиржам бўлинглар! Бу исёнкор банданинг ихтиёри Менинг қў-лимда, у фақат Менинг измим билангина ҳаракат қила олади.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло уларга қай тарзда даъват қилиш усулини таълим беради: **Бас, сизлар унинг олдига бориб ай-тинглар: “Биз Парвардигорингнинг элчиларимиз”**. Яъни, Фиръавннинг олдига бориб, ҳеч бир тараддудсиз, кўркмасдан:

– Биз сени яратиб, инсон шаклига келтирган Раббинг элчи-ларимиз, – деб айтинглар.

Фиръавнга айтиладиган илк сўзларнинг шу қабилда бошлашдан мақсад – Рисолатнинг асосини унга тушунтириш, у иккиси Оламлар Раббиси томонидан юборилганларини уқтириш эди.

“Сен Бани Исроил (қавми)ни биз билан бирга қўйиб юборгин, уларни азобламагин”. Яъни, Бани Исроилни ўз ҳолига қўй! Улар сенинг давлатингда эмин-эркин, озод ҳолларида яшасинлар. Ўғил болаларни ўлдириб, киз чақалоқларни тирик қолдириш билан уларга зулм ва қаҳрингни ўтказма!

“Биз сенга Парвардигоринг томонидан оят-мўъжиза келтирдик”. Бу ердаги мўъжизадан мурод: асо, қўл ва Аллоҳ таоло тарафидан Мусо (алайҳиссалом)га берилган бошқа мўъжиза-лардир. Яъни, биз сенга ростгўй эканимизни тасдиқловчи, даъватларимиз ҳақлигини қувватловчи ҳамда бизни Аллоҳ таоло сени ҳидоятга чақиришимиз учун юборганини исботловчи мўъжизаларни келтирдик.

“Ҳидоятга эргашган кишиларга тинчлик-омонлик бўлур”. Яъни, икки дунёда азоб-укубатлардан омонда бўлиш, Аллоҳга, фаришталарга, Унинг Китобларига, пайғамбарлари ҳамда Охират кунига ишониб, ҳақиқий чин имон келтириб, ҳидоятга эргашган кишиларгагина хосдир.

Ушбу жумлаларда одамларни Ҳақ Динга киришлари учун кучли тарғиб бор. Шу сабаб, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўп мактубларида мазкур жумлаларни ишлатар эдилар. Жумладан, Рум подшоҳи Ҳирақлга ёзган мактубларида шундай дейилган: “Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман. Аллоҳ Эл-чиси Муҳаммаддан Рум подшоҳи Ҳирақлга, ҳидоятга эргашганларга салом бўлсин!”

Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом)лар Фиръавнга хитоб қилиш-да давом эта туриб, шундай дедилар: **“Бизга ваҳий қилиндики, ёл-ғончи қилган ва юз ўгирган кимсаларга азоб бўлур”**.

Яъни, бизга Раббимиз ва Холиқимиз томонидан ваҳий қи-лин-дики, Аллоҳ таолонинг мўъжиза ва ҳужжатларини кўриб-била туриб, уларни ёлғон деган, унга ижобат этишдан бош тортган кимсаларга дунёю охиратда қаттиқ азоб ва сўнгсиз хорлик бўлади.

Юқорида келтирилган ояти карималар Ҳақ динга тарғиб этишнинг энг мукаммал усули саналади. Улар, аввало самовий Рисо-латнинг асоси саналмиш ақида масаласидан сўз очиб, сўнг-ра ўз-ларининг ростгўй эканликларига исбот-далиллар келтирдилар. Кейин эса, Фиръавн ва қавмини ҳидоят йўли сари чорладилар. Ҳидоятдан юз ўгириш яхши эмаслигини тушунтириб, уларни кофирликнинг ёмон оқибатларидан огоҳлантирдилар.

Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом)лар Фиръавнга юқоридаги сўз-ларни айтишгач, улар ўртасида баҳс-мунозара бошланиб кетди. Аллоҳ таоло буни қуйидагича ҳикоя қилади:

“(Фиръавн) деди: **“Сизларнинг Парвардигорингиз ким, эй Мусо?”** (Мусо) айтди: **“Парвардигоримиз барча нарсага ўз хил-қатини ато этиб, сўнгра тўғри йўлга солиб қўйган Зотдир”**. (Фиръавн) деди: **“У ҳолда аввалги авлодларнинг ҳоли недир?”** (Мусо) айтди: **“Улар ҳақидаги билим Парвардигорим ху-зу-ридаги Китобдадир. Парвардигорим адашмас ва унутмас”**. У Зот Ерни сизлар учун бешик – қароргоҳ қилиб қўйди ва унда йўллар пайдо қилди ҳамда осмондан сув ёғдирди. Бас, Биз у (сув) ёрдамида турли наботот навларини ундириб чиқардик. Сизлар (улардан) енглар, чорваларингни боқинглар. Албатта, бунда ақл эгалари учун оят-ибратлар бордир. Биз сизларни (Ердан) яратдик, яна унга қайтарурмиз ва сизларни яна бир бор ундан чиқарурмиз. Дарҳақиқат, Биз унга (яъни, Фиръавнга) бор оят – мўъжизаларимизни кўрсатдик. Бас, у ёлғон деб, юз ўгирди. У деди: **“Сен ўз сеҳринг билан бизларни еримиздан чиқариш учун келдингми, эй Мусо! У ҳолда бизлар ҳам сенга худди ўшандай сеҳр келтирурмиз. Бас, сен ўзинг билан бизларнинг ўртамазда бир ваъдагоҳ қилгинки, у бизлар ҳам, сен ҳам қаршилиқ қилмайдиган ўрта жой бўлсин”**. (Мусо) айтди: **“Ваъда байрам кунидир. Одамлар чошгоҳда тўпланур-лар”**. Бас, Фиръавн бориб, ўзининг макр-найрангини йиғди. **Сўнг-ра келди”** (Тоҳа, 49–60).

Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом)лар Аллоҳнинг амрига кўра бориб, Фиръавнни ҳақ динга чақирганларида, Фиръавн уларга қарата:

– **Сизларнинг Парвардигорингиз ким, эй Мусо?** – деди.

Яъни, сиз иккингишни менинг олдимга юборган ўша Рабби-нғиз ким ўзи, эй Мусо? – деб сўради.

Гўёки Фиръавн туғён ва фужурга ғарқ бўлгани сабаб Мусо ва Ҳорунларнинг Рабби унинг ҳам Рабби эканини тан олишни истамаётгандек эди.

Бу ерда Фиръавннинг “Эй Мусо” деб фақатгина у кишини хослаб нидо қилишига сабаб – аслида Рисолат Мусо (алайҳиссалом)-га юборилган, Ҳорун эса унинг ёрдамчиси деб ўйлагани ёки Му-со (алайҳиссалом)нинг тилида дудуқлик борлигини билиб, уни ноқулай бир аҳволга солишни хоҳлагани эди.

Фиръавннинг саволига Мусо (алайҳиссалом) қатъият ва дадиллик билан:

– **Парвардигоримиз барча нарсага ўз хилқатини ато этиб, сўнгра тўғри йўлга солиб қўйган Зотдир**, – деб жавоб қайтарди.

Яъни, эй Фиръавн, бизнинг ҳам, сенинг ҳам Раббинг Яккаю Ёлғиз, Ҳожатбарор бўлган Аллоҳдир. У Зот махлуқотларига, қо-лаверса барча нарсага чиройли шакл берувчидир. Сўнгра улар-ни нима учун яратган бўлса, ўша вазифаларини тўғри ва бекаму кўст бажаришлари учун тўғри йўлга бошлайди.

Бу жавобни эшитгач, Фиръавн яна деди: **“У ҳолда аввалги авлодларнинг ҳоли недир?”**

Яъни, эй Мусо, ундай бўлса пайғамбарларни ёлғонга чиқариб, Аллоҳдан ўзгага ибодат қилган Нух, Од ва Самуд қабилаларининг ҳоли не кечади?

Фиръавннинг ушбу саволи унинг ўта нопок ва маккор бўл-ганидан дарак беради. У аввалги саволига Мусо (алайҳиссалом)-дан қониқарли ва эътироз қилиб бўлмайдиган даражада жавоб олгач, энди гапни бошқа томонга – Мусо (алайҳиссалом)нинг Ри-солати-га боғлиқ бўлмаган мавзуга бурмоқчи.

Мусо (алайҳиссалом) унга куйидагича жавоб қилди: **“Улар ҳақидаги билим Парвардигорим ҳузуридаги Китобдадир. Пар-вардигорим адашмас ва унутмас”**. Яъни, мазкур қавмлар ҳақидаги илм Раббимнинг даргоҳидаги Китоб – Лавҳул маҳфузда сақланади. Уларнинг аҳволидан бирон нарса Раббим учун махфий эмас. У Зот қиёмат кунида улар қилиб ўтган амалларига яраша мукофот ёки жазо беради.

“Парвардигорим адашмас ва унутмас” жумласи ўзидан аввалги оятни таъкидлаб келмоқда. Яъни, Раббим бирон ишида хатоликка йўл қўймайди, билган нарсаларини унутиб ҳам қўй-майди. Чунки У Зот бундай камчилик ва нуқсонлардан покдир.

Шундан сўнг Аллоҳ таолонинг чексиз илми ва қудратига далолат қилувчи баъзи нарсалар баён қилинади: **“У Зот Ерни сизлар учун бешик – қароргоҳ қилиб қўйди”**. Яъни, У Зот сизлар Ернинг неъматлари ва ундаги яхшиликлардан фойдаланиши-н-гиз мақсадида сизлар учун уни худди тўшак қилиб қўйди.

“Ва унда йўллар пайдо қилди”. Яъни, сизлар ишларингизни амалга ошириш, хожатларингизни раво қилишингиз учун бир жойдан бошқа бир жойга, бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатга бориб-келишингиз осон бўлсин деб турли йўлларни пайдо қилди.

“Ҳамда осмондан сув ёғдирди. Бас, Биз у (сув) ёрдамида турли наботот навларини ундириб чиқардик”.

Яъни, У Зот субҳанаҳу ва таоло қудрати билан осмондан кўп миқдорда фойдали ва баракотли ёмғирлар ёғдирди ва Биз бу сув ёрдамида ердан турли хил ўсимликлар, сизлар учун озиқ-овқат бўладиган дон-дунлар ва турфа ранг гулларни чиқардик.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло бандаларига инъом қилган тўрт неъмат: ернинг тўшак каби қулай қилиниши; у ерда йўлларнинг пайдо қилиниши; осмондан ёмғир туширилиши ва ердан турли нав-даги ўсимликларнинг туширилиши баён қилинмоқда. Мазкур неъматлар бутун ер юзи бўйлаб зоҳир бўлса-да, хусусан Фиръавн истиқомат қиладиган Миср замини, Нил дарёсининг икки қирғоғи ўзига хос кўринишга ва қулай шарт-шароитга эга эди. Фиръавн бу неъматларга шукроналик сифатида оламлар Рабби Аллоҳга ихлос билан ибодат қилиш ўрнига, аксинча теварак-атрофидаги ноз-неъматлар ҳақида ҳеч ақл юритмай, ўзига берилаётган бу инъомлар қаердан келаётгани хусусида ўйлаб ҳам кўрмасди.

Оятнинг давомида Аллоҳ лутфу карамининг нишонаси сифатида шундай дейди: **“Сизлар (улардан) энглар, чорваларингизни боқинглар”**.

Яъни, ушбу ер, ундаги кенг ва равон йўллар, турли-туман ўсим-ликлар фақат сизларнинг манфаатингиз учунгина чиқа-рилган. Бас, эй инсонлар, сизлар мазкур мевалардан энглар, туя, сигир ва қўйлардан иборат бўлган чорваларингизни боқинглар ҳамда бу неъматлар янада зиёда бўлиши учун Аллоҳ таолога шукр сифатида ихлос билан ибодат қилинглар!

“Албатта, бунда ақл эгалари учун оят-ибратлар бордир”. Бу ердаги кўрсатиш олмоши бўлган “бунда” сўзи юқорида зикр қилинган неъматларга тегишлидир.

(Таржимада “ақл эгалари” деб келтирилган сўз арабча матнда “улун нуҳа” тарзида ифодаланган. Яъни, “ақл” маъносидаги сўз “нуҳа” орқали берилган. Мазкур сўз “наҳаа-йанҳаа” яъни, “ман қилмоқ, тўс-моқ” феълдан ясалган. – Таржимон.)

“Нуҳа” сўзи “нуҳйатун”нинг кўплик шакли бўлиб, “ақл” маъносини англатади. Чунки ақл ўз соҳибини нолайиқ ишларни содир этишдан қайтариб туради.

Оятнинг маъноси куйидагича: албатта, ернинг сизлар учун қароргоҳ қилиниши, унда йўллар барпо этилиши, осмондан ём-ғир туширилиб, у ёрдамида ўсимликлар чиқарилишида тўғри фикр ва соғлом ақл эгалари учун ибрат ва насиҳатлар бордир.

“Биз сизларни (ердан) яратдик, яна унга қайтарурмиз ва сизларни яна бир бор ундан чиқарурмиз”.

Яъни, Биз оталарингиз Одамни ер жинсидан бўлган тупроқ-дан яратдик. Сизлар унинг авлодларидирсиз.

Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Албатта, Исонинг (отасиз туғилишининг) мисоли Аллоҳ наздида худди Одамнинг мисоли кабидирки, уни тупроқдан яратиб, сўнгра “Бўл”, деди. Бас, у (жонли одам) бўлди”** (*Оли Имрон, 59*).

“Яна унга қайтарурмиз”. Яъни, сизларнинг ажалингиз етиб, вафот этганингизда дафн жойингиз ва жасадларингиз қарор то-падиган макон бўлиши учун Биз сизларни яна ерга қайтарамиз.

“Сизларни яна бир бор ундан чиқарурмиз”. Яъни, Қиёмат кунида ҳисоб қилиниб, мукофот ёки жазо олишингиз учун Биз сизларни ердан тирик ҳолда чиқарамиз.

“Дарҳақиқат, Биз унга (яъни, Фиръавнга) бор оят – мўъ-жизаларимизни кўрсатдик. Бас, у ёлғон деб, юз ўгирди”. Бу Фиръавннинг Мусо (алайҳиссалом) келтирган мўъжизаларга қан-доқ муносабатда бўлганининг баёнидир.

Яъни, Биз Фиръавнга ваҳдониятимга, қудратимга ҳамда Мусонинг ростгўйлигига далолат қилувчи жамики мўъжизалар-ни кўрсатдик, аммо Фиръавн уларнинг барчасини ёлғонга чиқарди, Ҳақни қабул қилишдан бош тортди.

У деди: “Сен ўз сеҳринг билан бизларни еримиздан чи-қариш учун келдингми, эй Мусо!” Яъни, Фиръавн Мусога қара-та таҳдид ва дўк-пўписа билан:

– Эй Мусо, сен аввал қочиб кетган ерингдан келиб, биз кўрган сеҳр ва усталик билан қилинган мўъжизаларни намойиш этиш орқали бизларни айни пайтда истиқомат қилиб турган юрти-миз Мисрдан ҳайдаб чиқармоқчимисан?!

Бу ерда Фиръавн Мусо (алайҳиссалом) келтирган мўъжизалар-ларни сеҳр деб атамоқда. Мақсад – бундоқ ажойиб мўъжизаларни кўриб, унинг таъсирига тушиб қолган қавмидан унинг таъсир кучини кетказиш эди.

Фиръавннинг **“Еримиздан чиқариш учун...”** деб айтишидан кўзланган мақсад эса, ўз аёнларини Мусога қарши гижгиж-лаш, унга қарши оёққа турғазини, Мусо ерларимизни эгаллаб, бой-лик-ларимизни тортиб олиб, ҳокимиятни ўз қўлига олмақчи деган ваҳимали хаёлларни уларнинг онгига сингдириш эди.

Фиръавн таҳдид қилишда давом эта туриб, шундай деди: **“У ҳолда бизлар ҳам сенга худди ўшандай сеҳр келтирурмиз. Бас, сен ўзинг билан бизларнинг ўртамизда бир ваъдагоҳ қилгинки, у бизлар ҳам, сен ҳам қаршилиқ қилмайдиган ўр-та жой бўлсин”.**

Яъни, эй Мусо, сен ўз сеҳринг билан бизни еримиздан чиқариб юбормоқчимисан?! У ҳолда бизлар ҳам худди сен каби бир сеҳр қиламиз. Бас, мусобақа ва беллашув учун бир жой танла. Бу вақтга сен ҳам, мен ҳам хилоф қилмайлик. Мусобақа ўтказиладиган ер бутун аҳоли келиб, қатнашиши учун шаҳарнинг ўртасида бўлсин!

Фиръавннинг Мусога айтаётган ушбу сўзларидан ҳам билиш мумкинки, у ўзини аниқ ғалабага эришаман, деб ўйлаган ва за-фар қуши нақд менинг қўлимда, деб

хомхаёл қилган. Буни Фиръ-авн-нинг қасам ичиб, “сеҳр келтирурмиз” деб айтишидан, мусо-бақа кунини белгилашни Мусонинг ихтиёрига қолдиришидан, ваъдага хилоф қилинмаслигини шарт қилиб қўйишидан ҳамда одамлар кўришлари учун мусобақани шаҳар ўртасида ташкил этишни талаб қилишидан ҳам билиб олиш қийин эмас.

Мусо (алайҳиссалом) Фиръавннинг бу чақириғини қабул қил-ди ва унга қарата: **“Ваъда байрам кунидир. Одамлар чошгоҳда тўпланурлар”**, деб жавоб қилди.

Яъни, мен сенинг барча шартларингга розиман. Энди менинг ҳам бир шартим бор. Мен ва сизларнинг ўртангизда бўлиб ўта-диган мусобақа байрам кунингиз бўлсин. Ўша куни чошгоҳ пайтида барча одамлар белгиланган жойга тўплансинлар. Улар, эй Фиръавн, мен ва сеҳргарларинг ўртасида кечадиган беллашувга ўз кўзлари билан гувоҳ бўлиб турадилар!

Шуаро сурасида ҳам Мусо (алайҳиссалом) ва Фиръавн ўрта-сида содир бўлган баҳс-мунозаранинг бошқа жиҳатлари ҳақи-да ҳикоя қилинади. Аллоҳ таоло айтади:

(Эй Мухаммад), эсланг, **Парвардигорингиз Мусога нидо қилиб: “У золим қавмга – Фиръавн қавмига боргин, улар кўрқ-май-диларми?!”** (деган эди), Мусо айтди: **“Парвардигорим, улар мени ёлғончи қилишларидан кўрқурман. Ва дилим сиқи-лур, тилим бурро эмасдир, бас, Ҳорунга (ҳам) пайғамбарлик юборсанг. Яна уларнинг наздида мен гуноҳкорман. Бас, ме-ни ўл-дириб қўйишларидан кўрқурман”**. (Аллоҳ) деди: **“Йўқ. Бас, Бизнинг оят-мўъжизаларимиз билан боринглар! Албатта, Биз сизлар билан бирга эшитиб тургувчидирмиз. Энди Фиръавнга бориб айтинглар: “Ҳақиқатан, биз барча оламлар Парвардигорининг элчиларидирмиз. Бани Исроил (қавми)ни бизга қўшиб жўнатгин!”** (Шуаро, 10–17).

Юқоридаги ояти карималарда келтирилишича, Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)га шундай амр қилган: Аллоҳдан ўзгага ибодат қилиш билан ўз нафсларига жафо қилган золим Фиръавн қавмига бориб, уларга Менинг рисолатимни етказинглар. Менга ихлос билан ибодат қилишга буюринглар!

“Улар кўрқмайдиларми?!” Бу Фиръавн ва қавмининг аҳво-лидан ажабланиш маъносини англатади.

Яъни, эй Мусо, уларнинг олдига бориб, шундай дегин:

– Сизлар Аллоҳдан, Унинг жазоси ва ғазабидан кўрқиб куфр ва зулм йўлини тарк этмайсизларми?!

Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳнинг ушбу амрига жавобан шундай деди: **“Парвардигорим, улар мени ёлғончи қилишлари-дан кўрқурман”**.

Яъни, эй Раббим, бу қавмнинг қандайлигини яхши биламан. Улар зулм ва туғёнга фарқ бўлишган. Шу сабаб мен Сенинг ва-ҳийингни етказгани борганимда, улар мени ёлғончига чиқариш-ларидан кўрқиб турибман **“ва дилим сиқилур”**. Яъни, улар мени ёлғончига чиқарганлари боис қалбим ғам-ташвишга тўлади. **“Тилим бурро эмасдир”**. Яъни, менинг тилим фасоҳатли, бурро эмас, уларнинг ботил эътиқод ва ёмон амалларини ўзларига исботлаб бера олмайман. Айниқса, ғазабланганимда жуда қи-йин аҳволга тушиб қоламан. **“Бас, Ҳорунга (ҳам) пайғамбарлик юборсанг”**. Яъни, шу сабаб, биродарим Ҳорунга ҳам ваҳий нозил қил. У менга Рисолатингни етказишимда кўмакчи бўлсин!

“Яна уларнинг наздида мен гуноҳкорман. Бас, мени ўл-дириб қўйишларидан кўрқурман”. Яъни, илгари мен уларнинг жамоасидан бўлган бир қибтийни бехос

ўлдириб қўйгандим. Шунинг учун, уларнинг олдига борганимда мендан интиқом олиб, ўлдиришларидан қўрқяпман.

Кўриниб турибдики, Мусо (алайҳиссалом) бу ерда улар ёлғон-чи қилишларидан қўрқиши, исёнларидан қалби сиқилиши, тилида камчилик борлиги, олдиларига борганида, ўлдиришларидан қўр-қишини айтиб, Раббига шикоят қилмоқда. Бу нарса Рисолатни адо этишдан бош тортиш ёки Аллоҳнинг амрини уларга ет-казишдан юз ўгириш эмас, балки Мусо (алайҳиссалом) ушбу сўзлари билан Аллоҳ азза ва жалланинг ёрдами ва кўмагига мухтож эканини изҳор қилмоқда.

Аллоҳ таоло пайғамбари Мусо (алайҳиссалом) қалбидаги кўр-қув ва ташвишни кетказиш учун шундай деди: **“Йўқ. Бас, Бизнинг оят-мўъжизаларимиз билан боринглар! Албатта, Биз сизлар билан бирга эшитиб тургувчидирмиз”**.

Яъни, Аллоҳ таоло Мусога йўл кўрсатиш ва таълим бериш учун:

– Йўқ, сен улар ёлғончи қилишларидан, қалбинг сиқилишидан, тилинг бурро эмаслиги ҳамда сени ўлдиришларидан қўрқма! Улар сенга зинҳор озор бера олмайдилар. Мен Ўз пано-ҳим ва кўмагим ила сиз иккинги олдингизда бўламан. Шундай экан, икковингиз Бизнинг мўъжизаларимиз билан Фиръавн ва қав-мининг олдига боринглар. Зеро, Биз сиз уларга, улар сизларга айтаётган ҳар бир сўзни эшитиб турурмиз, – деди.

Энди Фиръавнга бориб айтинглар: “Ҳақиқатан, биз барча оламлар Парвардигорининг элчиларидирмиз. Бани Исроил (қавми)ни бизга қўшиб жўнатгин!”

Яъни, Фиръавннинг олдига кўрқмасдан бориб:

– Биз барча оламлар Рабби томонидан юборилган элчилармиз. Аллоҳ бизни Бани Исроилни зулмдан озод қилиб, Аллоҳ-нинг кенг ерига қўйиб юборишинг учун жўнатди, токи улар Аллоҳ тао-лонинг ёлғиз Ўзига бемалол ибодат қилсинлар! – деб айтинглар.

Энди, Мусо ва исёнкор Фиръавн ўртасида бўлиб ўтган мунозара ҳақида ҳикоя қилинади:

“(Фиръавн) деди: “Биз сени болалик чоғингда ўз ичимизда тарбияламаганмидик, умрингнинг бир неча йилида орамизда турган эдинг-ку! Кейин нонкўрлардан бўлиб, қилган қилмишингни – қилган эдинг-ку!” (Мусо) айтди: “Ўшанда мен у ишни билмаган ҳолда қилган эдим. Сўнг сизлардан кўр-қиб қочиб кетдим. Кейин Парвардигорим менга ҳикмат – илм ҳадя этди ва мени пайғамбарлардан қилди. Ўша сен менга миннат қилаётган неъмат (аслида) сен Бани Исроилни қул қилиб олишингдир”. (Фиръавн) деди: “Барча оламлар-нинг Парвардигори (деганинг) нимаси яна?” (Мусо) айтди: “Агар ишонадиган бўлсанглар, (Аллоҳ) осмонлар ва Ернинг ҳамда уларнинг орасидаги барча нарсаларнинг Парвардигоридир”. (Фиръавн) атрофидаги (аён)ларига: “Қулоқ солмайсизларми”, деб (масхара қилди. Мусо) айтди: (Аллоҳ) сизларнинг ҳам, ўтган ота-бобларингизнинг ҳам Парвардигоридир”. (Фиръавн) деди: “Сизларга элчи қилиб юборилган бу пайғамбарингиз, шак-шубҳасиз, жиннидир”. (Мусо) айтди: “Агар ақл юргизувчи бўлсангизлар, (Аллоҳ) Машриқ ва Мағ-риб ҳамда уларнинг ўртасидаги барча нарсаларнинг Парвардигоридир”. (Фиръавн) деди: “Қасамки, сен мендан ўзгани илоҳ қилиб оладиган бўлсанг, албатта, мен сени зиндонбанд кимсалардан қилиб қўюрман!” (Мусо) айтди: “Агар мен сенга очиқ нарса келтирсам ҳам-а?” (Фиръавн) деди: “Бас, агар

ростгўйлардан бўлсанг ўшани келтирчи?!” Шунда Мусо асо-йини ташлаган эди, баногоҳ у ростакам аждарга айланди. Кейин кўлини чиқарган эди, баногоҳ у қараб турганларга оқ бўлиб кўринди” (Шуаро, 18–33).

Фиръавн Мусони танигач ҳамда у Бани Исроилни озод этиш-ни талаб қилгач, деди:

– Ахир, сен бизнинг уйда, саройимизда яшаган эдинг-ку! Ўзи-миз сени ёшлигингдан боқиб катта қилганмиз. Хотиним сенга раҳм қилиб: **“Уни ўлдирманглар! Шоядки, унинг бизларга на-фи тегса ёки уни ўзимизга бола қилиб олсак”**, деганди ўшан-да. Мен ҳам бунга рози бўлган эдим ва сен хонадонимизда умрингнинг бир қисмини ўтказдинг.

“Кейин нонкўрлардан бўлиб, қилган қилмишингни – қил-ган эдинг-ку!”

Яъни, сен қабиламиздан бир кишини ўлдирдинг. Бу билан сенга кўрсатган ғамхўрлигим, чақалоклик, болалик ва йигит-ли-гинг чоғида қилган яхшиликларимга нонкўрлик-ношукрлик қил-динг. Тузимни ичиб, тузлуғимга тупурдинг! Яна устига-устак би-родаринг иккинги динимизга хилоф бўлган янги бир динни тарғиб қиляпсиз, Бани Исроилни озод этишимни сўраяпсизлар-а!

Фиръавнинг Мусо (алайҳиссалом)га бераётган ушбу саволи у келтирган нарсаларни инкор қилганини англатади.

Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)нинг аввал қилган дуосини ижобат этиб, тилидаги дудуқликни кетказди. Шу сабаб, у қатъи-ят билан шундай деди: **“Ўшанда мен у ишни билмаган ҳолда қилган эдим”**.

Яъни, сен таъкидлаётганингдек, ҳақиқатан ҳам мен илгари шу ишни қилгандим, лекин уни билмаган ҳолда, тасодифан қилиб кўйгандим. Ўша пайтда ҳали Аллоҳ менга ваҳий туширмаган, зиммамга Рисолат масъулиятини юкламаган эди. Шунингдек, бераётган зарба таъсирида қабиладан бўлмиш ўша киши ўлиб қола-ди деб ўйламаган эдим. Менинг бундан кўзлаган мақсадим уни ўлдириш эмас, балки ўзгаларга зулм ўтказишдан қайтариш, одоб-ахлоққа чақириш эди.

“Сўнг сизлардан кўрқиб қочиб кетдим”.

Яъни, ногаҳон ўша ишни қилиб кўйгач, сизлардан бирон ёмонлик етишидан хавфсираб, ноилож юртингизни тарк этдим. На-тижада **“Парвардигорим менга хикмат-илм ҳадя этди ва мени пайғамбарлардан қилди”**.

Мусо (алайҳиссалом) Фиръавнга қоникарли ва асосли жавоб қайтарар экан, яна куйидагиларни кўшимча қилди: **“Ўша сен менга миннат қилаётган неъмат (аслида) сен Бани Исроилни қул қилиб олишингдир”**.

Мусо (алайҳиссалом) тарафидан айтилаётган ушбу сўзларни уламолар икки хил изоҳлашган. Улардан баъзилари: «Бу Мусонинг Фиръавн қилган яхшиликларини эътироф этишидир. Гўёки у: “Эй Фиръавн, сен айтаётган нарсалар сен томонингдан менга қилинган катта яхшиликлардан, лекин бу нарса сенга Расул эканимни, куфр ва ширкдан бутунлай фориг бўлишинг ло-зимлиги-ни ҳамда Бани Исроилни мен билан бирга кўйиб юборишингга монелик қилмайди, деган”, деб айтишган».

Яна баъзилар: «Мусо (алайҳиссалом) бу сўзларни уни тергаш ва қилган яхшиликларини инкор қилиш маъносида айтган. Гўёки у: “Сен даъво қилаётган “яхшилик”лар замирида аслида жабр-зулм ётибди. Сен қавмингни қул қилиб олдинг. Ўлдиришингдан кўрқ-қан бечора онам мени дарёга ташлашга мажбур бўлган. Сенинг хонадонингда тарбияланишимга шулар сабаб бўлди. (Агар Бани Исроилга зулм

қилмаганинда сенинг оиланга келиб қолмас, балки ўз ота-онам қарамогиди боқиб катта қилинган бўлардим. Энди, шу иш-ларингни айтиб, “яхшилик”ларингни миннат қиляпсанми?! – Таржимон.), деяётгандек”, деган фикрни билдиришган».

Бизнингча, ушбу иккинчи фикр ҳақиқатга тўғри келса керак. Чунки қиссанинг бориши, воқеалар ривожини шу маънога мос тушади.

Мусо (алайҳиссалом)нинг ушбу асосли жавобига қарши Фиръавн лом-мим деёлмади ва мавзуни бошқа томонга буришга уриниб: **“Барча оламларнинг Парвардигори (деганинг) нимаси яна?”** деди.

Яъни, эй Мусо, сен ва биродаринг айтаётган оламлар Парвар-дигори ким ўзи? Унинг сифати қандай?

Фиръавннинг бу саволи унинг туғён ва ғурур ботқоғига ботиб кетганидан дарак бериб турибди. Рисолатнинг асоси саналмиш ақида масаласида сўз юритиб, савол билан Мусо (алайҳиссалом)-ни инкор қиляпти. Бунга жавобан Мусо деди: **“Агар ишонадиган бўлсанглар, (Аллоҳ) осмонлар ва Ернинг ҳамда уларнинг орасидаги барча нарсаларнинг Парвардигоридир”**.

Яъни, эй Фиръавн, Раббим Аллоҳ осмонлар ва Ернинг ҳамда уларнинг орасидаги нарсаларнинг Парвардигоридир. Агар шу-ларга ишонсангиз, ушбу буюк Холиққа имон келтириб, ихлос билан ибодат қилишингиз бошқа ҳар қандай эътиқод ва амаллардан яхшидир.

Мусо (алайҳиссалом)нинг ушбу сўзларида Фиръавнни таҳқир-лаш, унинг даъвоси пуч эканини исботлашга ҳаракат қилиш маъноси бор. Гўёки у шундай деяётгандек: бизнинг Раббимиз мана шу бутун коинот, Еру осмоннинг Парвардигори, аммо сенинг “пар-вардигор”лигинг фақат маълум жой ва тоифаларгагина тегишли. Сен уларни алдаб, илоҳликни даъво қиляпсан. Улар ҳам жоҳилликлари боис сенга кўр-кўрона итоат этмоқдалар.

Маккор Фиръавн шу ерда ҳам усталик қилишга уриниб кўр-ди. У ўз атрофидаги кишиларга мурожаат қилиб, уларни Мусо айтган сўзлардан ажабланишга ва унинг таъсирига берилмасликка чақирмоқда: **“Қулоқ солмайсизларми”**. Яъни, эй аъёнларим! Мусонинг ғалати гапларини эшитдингизми? У билан орамизда ҳеч қандай аҳд йўқ. Биз уни барибир қабул қилмаймиз ва унинг сўзларга чидаб ҳам туrolмаймиз.

Мусо Фиръавн аъёнлари бирон фикр билдиришларини кутиб ўтирмай: **“(Аллоҳ) сизларнинг ҳам, ўтган ота-боболарингизнинг ҳам Парвардигоридир”**, деди.

Яъни, барчаларингизнинг Раббингиз Аллоҳдир! У Зот сизлардан аввалги умматлар ва аждодларнинг ҳам Раббисидир. Энди сизлар Унга ибодат қилиш қолиб, бандаларидан бири бўлган мана шу Фиръавнга топинаяпсизларми?!

Шундан сўнг Фиръавн деди: **“Сизларга элчи қилиб юборилган бу пайғамбарингиз, шак-шубҳасиз, жиннидир”**. Бу жавоб Фиръавннинг мағлуб бўлгани ва ожиз қолганидан дарак беради.

Яъни, Фиръавн Мусони масхара қила туриб, қавмининг киборларига:

– Сизларга юборилганман деб даъво қилаётган мана бу “пай-ғамбар”ингиз, ҳақиқатан жинни экан. Чунки у ақлларингиз қабул қилмай, қулоқларимиз тасдиқламайдиган қаёқдаги гапларни айт-моқда, – деди.

Фиръавн бу ерда Мусо (алайҳиссалом)ни истехзо қилиш мақ-садида “пайғамбар” деб атамоқда. Рисолатни эса ўзига эмас, қав-мига нисбат бермоқда.

Лекин Мусо (алайҳиссалом) Фиръавннинг сўзларидан таъсирланиб, ўзини йўқотиб қўйгани йўқ, балки шижоат ва қатъият билан: **“Агар ақл юргизувчи бўлсангизлар, (Аллоҳ) Машриқ ва Мағриб ҳамда уларнинг ўртасидаги барча нарсаларнинг Парвардигоридир”**, деди.

Мусо (алайҳиссалом) бу ерда Машриқ ва Мағрибни хослаб зикр қилишига сабаб шуки, бу иккиси Аллоҳ таолонинг ваҳ-дониятига далолат қиладиган энг катта мўъжизалардан саналади. Шунингдек, Фиръавн ва унинг сафдошлари бундай мисолларни келти-ришга ожиз эдилар.

Иброҳим (алайҳиссалом) ҳам Аллоҳ таоло хусусида мунозара қилган кимсага қарата: **“Албатта, Аллоҳ Қуёшни Машриқ-дан чиқаради. Сен уни Мағрибдан чиқаргин-чи?”**, деб шарт қўйганида, у довдираб-эсанкираб қолганди.

“Агар ақл юргизувчи бўлсангизлар...”. Бу гап қавми тафаккур ва тадаббур қилишга ундаб, уларни куфр ва ношукрликдан қайтариш учун айтилмоқда.

Шу зайл Мусо (алайҳиссалом) қавми Ҳакни қабул қилишлари учун даъвати давомида бир далилдан бошқа бир далилга, бир ҳужжатдан бошқа ҳужжатга ва бир услубдан яна бошқа бир услубга ўтди ҳамда уларни нима қилиб бўлса ҳам имонга мушарраф қилишга ҳаракат қилди. Бунинг натижасида ҳужжат-далил билан буткул мағлуб этилган Фиръавн, энди баҳс-мунозарадан очиқ-часига таҳдид ва дўқ-пўписа қилишга ўтди:

“Қасамки, сен мендан ўзгани илоҳ қилиб оладиган бўл-санг, албатта, мен сени зиндонбанд кимсалардан қилиб қў-юрман!”

Яъни, мағлубиятга чидай олмай, ғазаб отига минган Фиръавн Мусога деди:

– Эй Мусо, агар мендан бошқасини илоҳ деб тан олар экансан, аниқки, сени зиндонбанд маҳбуслардан бири қилиб қўяман. Менга бандалик қилишдан бош тортувчи ва амримга хилоф иш тутган кимсаларнинг ҳам бошига шу кунни соламан!

Фиръавннинг бу кўрқитиши Мусо (алайҳиссалом)га зиғирча ҳам таъсир қилгани йўқ, балки у: **“Агар мен сенга очиқ нарса келтирсам ҳам-а?”**, деди. Бу ерда келтирилган савол инкор маъносини англатади.

Яъни, эй Фиръавн, мен сенга пайғамбар эканимни исботлов-чи кўплаб далилларни келтирганимдан сўнг ҳам мени инкор қи-либ, зиндонбанд қилмоқчимисан?!

Бунга жавобан Фиръавн: **“Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг ўшани келтирчи?!”,** деди. Яъни, айтган гапларинг тўғри бўлса, ўша аниқ нарсани бир кўрсат-чи?!

Шундан сўнг Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳ таоло томонидан ўзига ато этилган мўъжизаларни кўрсата бошлади: **“Мусо асо-йини ташлаган эди, баногоҳ у рostaкам аждарга айланди”**. Мусо бу билан чекланмай, яна бир мўъжизани кўрсатди: **“Кейин қўлини чиқарган эди, баногоҳ у қараб турганларга оқ бўлиб кўринди”**.

Кўз ўнгида содир бўлаётган ажойиб мўъжизаларни кўраёт-ган Фиръавн қалбига гулгула тушди. Гўёки унинг даъволари аслида ёлғон экани ошкор бўлиб, қўл остидаги кишилар Мусога имон келтириб, унинг итоатидан чиқиб кетишарди. Лекин илоннинг ёғини ялаган Фиръавн, худди сувдан қуруқ чиққандек, бу ҳолатдан ҳам қутулиб кетиш пайида эди. Воқеалар ривожини ку-йида келтирилади.

(Фиръавн) атрофидаги одамларга: **“Шубҳасиз, бу ўткир сеҳргардир. У ўз сеҳри билан сизларни ўз ерларингиздан чи-қармоқчи, нима дейсизлар”**, деди. Улар

айтишди: “Уни ва акасини қўйиб тургинда, ҳамма шаҳарга йиғиб келадиган кишиларни жўнатгин, улар сенга жами ўткир сеҳргарларни келтирсинлар”. Бас, сеҳргарлар маълум кунда белгиланган жойга тўпландилар ва одамларга: “Сизлар ҳам тўпланиб бўл-дингларми? Агар сеҳргарлар ғолиб бўлиб чиқсалар, эҳти-мол бизлар ўшаларга эргашурмиз”, дейилди. Энди қачон-ки, сеҳр-гарлар келишгач, Фиръавнга: “Агар биз ғолиб бўлсак, бизлар учун аниқ мукофот бўлурми?”, дейишди. У: “Ҳа, у ҳолда, албатта, сизлар яқинларимдан бўлурсизлар”, деди (Шуаро, 34–42).

Фиръавн Мусо кўрсатган мўъжизалардан даҳшатга тушди, аммо ўзини йўқотиб қўймай, вазиятни қўлга олиш ва ўзига руҳ бағишлаш учун: “Шубҳасиз, бу ўткир сеҳргардир, деди. Яъни, бу Мусо деганлари сеҳр-жоду бобида устаси фаранг экан-ку!

Бу ерда Фиръавн Мусо (алайҳиссалом) келтирган нарсани тан олса-да, барибир уни сеҳр деб атамоқда.

Фиръавн сўзида давом этиб деди: “У ўз сеҳри билан сизларни ўз ерларингиздан чиқармоқчи, нима дейсизлар”. Яъни, бу сеҳргар сиз ўсиб-унган, айна пайтда истиқомат қилаётган жой-ларингиздан чиқариб юбориш пайида. Бунга сизлар нима фикр билдирасизлар? Унга нисбатан қандай чора кўрамиз? Аъёнларим ва ишонган кишилар сифатида бирон нима денглар, ахир!

Ушбу ояти карималар орқали Фиръавн нафсига оид энг нозик ва дақиқ жиҳатлар очиб берилмоқда. Бир неча дақиқа олдин ҳаддидан ошаётган, туғён, исёнга тушиб, қавмига қараб: мен сизларнинг улуғ раббингизман! деб жар солаётган нобакор Фиръавндан нишон ҳам қолмаган, Мусо (алайҳиссалом) ўз мўъжизаси билан келгач, энди унинг қалбига ғулғула тушиб қолганди. Энди эса бир оз олдин каттиққўллик қилиб, ситам ўтказаетган кишиларига қараб, илтимос маъносида: “Нима дейсизлар?”, демоқда.

Ҳа, ўзи нобакор, исёнкор кимсалар бирон мусибат чоғида ўз-ларини паст олиб, йиғи-сиғи билан бўлса-да ишларини битириб олиб, бироз енгил тортишгач, яна эски одатларига қайтиб, зуғум ўтказишда, ҳақни тан олмасликда давом этаверадилар.

Фиръавннинг ушбу илтимосига қавмнинг ашрофлари: “Уни ва акасини қўйиб тургинда, ҳамма шаҳарга йиғиб кела-ди-ган кишиларни жўнатгин, улар сенга жами ўткир сеҳр-гарларни келтирсинлар”, деб таклиф билдирдилар.

Яъни, эй Фиръавн, сен Мусо ва биродари Ҳоруннинг ишини бир четга суриб, кечиктириб тур-да, ҳозир биринчи галда пос-бонларингдан бир қанчасини тасарруфингдаги мамлакатларга жўнат. Улар жамики энг моҳир сеҳргарларни тўплаб, ҳузурингга олиб келсинлар. Ўшанда сен улар ичидан энг сарасини танлаб олиб, Мусога қарши мусобақага қўясан.

Маслаҳатгўйларнинг бу таклифи иложсизликка тушиб қол-ган Фиръавнга жуда ёқиб тушди ва мамлакатнинг турли шаҳарла-ри-га ўзининг хос одамларини юборди.

“Бас, сеҳргарлар маълум кунда белгиланган жойга тўп-ландилар”. Яъни, ўша моҳир сеҳргарлар Мусо билан беллашиш учун бир жойда йиғилдилар.

Тўпланиш куни байрам куни эди. Бу ҳақида бошқа бир оятда шундай дейилади: (Мусо) айтди: “Ваъда байрам куни (тўп-ла-надиган жой)дир. Одамлар чошгоҳда тўпланурлар” (Тоҳа, 59).

Фиръавннинг ёрдамчилари ушбу мусобақага кўпроқ одам-ларни жалб қилиш учун: “Сизлар ҳам тўпланиб бўлдинг-ларми?”, дейишди. Бу ердаги савол амр

маъносини англатади. Шунингдек, улар: **“Агар сеҳргарлар ғолиб бўлиб чиксалар, эҳтимол бизлар ўшаларга эргашурмиз”**, деб кўшимча қил-дилар. Улар бу гапни Мусо устидан ғалаба қозониш учун сеҳр-гарларни бор кучлари билан ҳаракат қилишга чорлаш мақсадида айтмоқдалар. Гўёки улар шундай деяётгандек: сизлар, эй сеҳргарлар, ушбу жиддий жангга яхшилаб тайёргарлик кў-ринглар, нима қилиб бўлса ҳам ғалаба қозонинглар. Биз сизлар тарафдамиз. Агар муваффақият қозонадиган бўлсаларингиз, биз Мусога эмас, фақат ва фақат сизларгагина эргашамиз.

“Энди қачонки, сеҳргарлар келишгач, Фиръавнга: “Агар биз ғолиб бўлсак, бизлар учун аниқ мукофот бўлурми?”, де-йишди.

Яъни, Фиръавн ва унинг аъёнлари улар қозонадиган ғалаба-дан ўта манфаатдор эканини сезган сеҳргарлар:

– Эй Фиръавн, агар биз Мусо устидан ғалаба қозонсак, бизларга бирон мукофот берасанми? – дейишди.

Уларнинг бу талабига жавобан Фиръавн: **“Ҳа, у ҳолда, албатта, сизлар яқинларимдан бўлурсизлар”**, деди.

Яъни, ҳа, албатта! Агар сизлар зафар қозонар экансизлар, у ҳолда мен тарафдан сиз рози бўладиган даражада катта мукофот берилади. Шунингдек, сизларни ўзимга яқин кишилардан, мас-лаҳатгўйларимдан қилиб оламан ҳамда доимо менинг ҳимоям ва паноҳимда бўласизлар.

Шундай қилиб, Фиръавн уларга ваъда бериб, сеҳргарлар кўй-нини пуч ёнғоққа тўлдириб ташлади. Бу шайтоннинг ёлғон ваъдасидан зигирча ҳам фарқ қилмайди. Оятда айтилганидек: **“(Шайтон) уларга ваъдалар берур, хомхаёлларга мубтало қи-лур. Охир-оқибатда шайтон берган ваъдалар фақат ёлғон-сароб бўлиб чиқар”** (*Нусо, 120*).

Аъроф сураси, 104–112-оятларида ҳам шу воқеалар ҳақида айтиб ўтилган.

Юнус сурасида эса Мусо (алайҳиссалом) ва Фиръавн ҳамда унинг одамлари ўртасидаги шиддатли тортишувнинг бошқа жи-ҳати ёритилган. Аллоҳ таоло айтади:

Сўнгра уларнинг ортидан Мусо билан Ҳорунни Ўз оят-мўъ-жизаларимиз билан Фиръавн ва унинг одамларига юборган эдик. Улар кибру ҳаво қилдилар ва жинойтчи-гуноҳкор қавм бўлдилар. Бас, қачонки уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақи-қат келганида, улар: “Бу очик сеҳр”, дедилар. Мусо деди: “Сизларга ҳақиқат келган вақтида (“Бу сеҳр”), дейсизларми? Сеҳрми шу? Ахир сеҳргарлар нажот топмайдилар-ку?!” Улар дедилар: **“Сен бизларни ота-боболаримизни топган (динимиз)дан буриш учун ва икковингиз орамизга эга бўлиб олиш учун келдингми?! Биз сизларга имон келтиргувчи эмасмиз!”** (*Юнус, 75–78*).

Яъни, Биз аввал ўтган мухтарам пайғамбарлардан сўнг Мусо ва Ҳорунни ваҳдониятимиз ҳамда қудратимизга далолат қилувчи мўъжизаларимиз билан қавмига: мен сизларнинг улуғ Раббингизман, деб айтган Фиръавн ва унинг аъёнларига уларни тўғри йўлга даъват қилиш учун юборган эдик, лекин улар **“кибру ҳаво қилдилар ва жинойтчи-гуноҳкор қавм бўлдилар”**.

Яъни, улар Бизларга тоат этишдан бўйин товлаб, мутакаббирлик қилдилар, ўзларига-ўзлари махлиё бўлиб қолдилар. Шунингдек, уларнинг одати энг катта маъсиятларни содир этиш ва фиску фужур қилиш эди.

Шу сабаб “қачонки уларга Бизнинг хузуримиздан ҳақиқат келганида, улар: **“Бу очик сеҳр”, дедилар**”.

Яъни, Мусо (алайҳиссалом) ҳақ мўъжизаларни келтирганида, улар ношудларча:

– Эй Мусо, сен келтирган нарсалар сеҳр экани шубҳасиз. Шу сабаб сен кўрсатаётган бу нарсалар ҳақида ўйлаб кўришга ҳожат ҳам йўқ, – дедилар.

Агар қалб қотиб, нафс бузилса, унинг наздида ҳақиқат ботил ва ёлғон нарсаларга айланиб қолади.

Мусо (алайҳиссалом) уларнинг уйдирма, бўҳтонларига жа-вобан деди: **“Сизларга ҳақиқат келган вақтида (“Бу сеҳр”), дейсизларми? Сеҳрми шу? Ахир сеҳргарлар нажот топмайди-лар-ку?!”**

Яъни, сиз кўриб турган нарса сеҳрдан йироқ, сизлар у ҳақида “Бу очик сеҳр”, дейсизларми?! Сизларда ақл борми ўзи?! Қаранг-лар, фикр юритинглар, кўзингиз билан кўриб турган ва таъсирига берилиб, хавфга тушган нарсангиз – шу сеҳрми?! Ундай бўлса сеҳргар кишиларни яхшилик ва тўғри йўлга чақиришдаги бирон ҳаракатларида зафарга эриша олмаслар!

Уларнинг ҳақиқатни сеҳр, деб даъво қилишларига асл сабаб нима эди?

Буни қуйидаги оятлардан билиб оламиз:

Улар дедилар: “Сен бизларни ота-боболаримизни топган (динимиз)дан буриш учун ва икковингиз орамизга эга бў-либ олиш учун келдингми?! Биз сизларга имон келтиргувчи эмасмиз!”

Яъни, уларга очик-ойдин ҳақиқат келгач, Фиръавн ва аъёнлари Мусога дедилар:

– Сен олиб келган нарсанг билан бизларни неча асрлардан бери ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган диндан қайтармоқчи-мисан. Аканг Ҳорун икковингиз Миср ерига эгалик қилиб, ҳоки-мият, устунлик ва дунёда бахт-саодатга эришмоқчимисизлар?! Кўп хомтама бўлмайд кўяқол, биз барибир сенга ишонмаймиз. Агар шундай қилсак, асрлар оша сиғиниб келинаётган динни оёқости қилган бўламиз, устига-устак мол-мулкимиз, мансабларимиздан ҳам ажраймиз. Нима кераги бор бизга бундай нарсани? Йўқ, биз зинҳор бундай қилмаймиз!

Қавм томонидан айтилаётган куракда турмайдиган бу гаплар янги эмасди, бу гаплар биринчи бор айтилаётгани йўқ. Ил-гари Нух (алайҳиссалом) қавми ҳам унга шу маънода хитоб қилиш-ганди. Аллоҳ таоло айтади: **Дарҳақиқат, Биз Нухни ўз қав-ми-га пайғамбар қилдик. Бас, у: “Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қи-линглар! Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Ахир қўрқ-майсизларми”, деди. (Шунда) унинг қавмидан кофир бўлган кимсалар: “Бу ҳам худди сизларга ўхшаш одам. (Фақат) сизлардан устун бўлиб олмоқчи. Агар Аллоҳ (пайғамбар юборишни) хоҳласа эди, фаришталарни туширган бўлур эди”, дейишган эди (Мўминун, 23–24).**

Исро сурасида ушбу баҳс-мунозараларнинг бошқа қирралари ҳақида сўз кетади. Аллоҳ таоло айтади:

Аниқки, Биз Мусога тўққиз очик оят-мўъжиза ато этдик. Сўнг у келган пайтида, (унга): “Бани Исроилни сўрагин”, (деб амр этдик). Шунда Фиръавн унга: “Эй Мусо, ҳеч шубҳа йўқки, мен сени сеҳр-жодуга чалинган, деб ўйламоқдаман”, деди. (Мусо) деди: “Сен анави очик-равшан (мўъжизалар)ни фақат осмонлар ва Ернинг Парвардигоригина ҳужжат қилиб нозил қилганини аниқ билурсан. Ҳеч шубҳа йўқки, эй Фиръавн, мен сени ҳалок қилингувчи, деб ўйламоқдаман”. Шунда еридан қувиб чиқармоқчи бўлганида, Биз уни ва у

билан бирга бўлган кишиларнинг барчаларини ғарқ қилдик. Сўнг Бани Исроилга: “Мана шу ерни маскан тутинглар! Энди қачон ваъда қилинган охират келганида сизларнинг барчангизни келтирурмиз”, дедик (*Исро, 101–104*).

“Аниқки, Биз Мусога тўққиз очик оят-мўъжиза ато этдик” жумласидаги тўққиз оятдан мурод: асо, қўл, қурғоқчилик йиллари, денгиз, тўфон, чигиртка, бит, қурбақа (балоси) ва қондир. Бу фикр-ларни Ибн Аббос, Мужоҳид, Қатода ва бошқалар айтиб ўтишган.

Оятнинг маъноси қуйидагича: эй муҳтарам пайғамбар, қав-мингиз сиздан талаб қилган мўъжизаларни келтирганингиздан сўнг ушбу мушрикларнинг имонга келишидан умид қилманг. Зеро, мўъжиза қанчалик кучли бўлмасин, қалбида куфр ва ҳасад ил-лати қаттиқ ўрнашиб олган кимсалар ҳаргиз имонга мушарраф бўлмаслар. Биз илгари биродарингиз Мусога унинг ҳақиқий пайғамбар эканини тасдиқлайдиган тўққиз мўъжизани берган эдик, лекин бу нарса фақатгина уларнинг куфрига куфр, но-поклик-ларига нопоклик қўшди, холос. Бас, шундай экан, илгари ўтган азму қарор эгалари бўлган пайғамбарлар каби Сиз ҳам қавмингиз ўжарлик ва дилозорларига сабр қилинг!

“**Бани Исроилни сўрагин**” оятидаги хитоб Набий (соллал-лоҳу алайҳи ва саллам), Бани Исроил қавмидан бўлган Абдуллоҳ ибн Салом каби мўминлар ва бошқаларга қилинмоқда.

Яъни, Аллоҳ таоло Мусони Фиръавн ва қавмига юбораётган чоғида унга тўққиз илоҳий мўъжизани ҳам инъом этди. Эй муҳ-тарам пайғамбар, Бани Исроил қавмидан бўлган мўминлардан шу ҳақида сўранг. Улар Тавротни ўқишган. Шундай қилсангиз, Мусо ва душманлари ўртасида кечган мунозаралардан хабардор бўласиз.

Бу ерда савол беришдан мақсад – қалбларини мустаҳкамлаш-дир, чунки далил-исботлар қанча кўпайса, даъват қилинаётган нарсанинг қиймати ҳам шунча ошади.

(“**Бани Исроилни сўрагин**” ояти муфассирлар томонидан турлича тафсир қилинган. Шу сабаб Алоуддин Мансур таржимасида бу сўзлар Мусо (алайҳиссалом)га қилинган ваҳий эди, деб келтирилган бўлса, Муҳаммад Тантовий бу хитоб Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га қилинганини айтиб ўтган. – Таржимон.)

Фиръавн унга: “Эй Мусо, ҳеч шубҳа йўқки, мен сени сеҳр-жодуга чалинган, деб ўйламоқдаман”, деди. Яъни, Мусо амримизга бўйин эгиб, мўъжизаларни кўрсатгач, Фиръавндан Бани Исроилни ўзи билан қўйиб юборишни сўради. Шунда Фиръавн мутақаббирлик билан Мусо (алайҳиссалом) шаънини ерга уриш мақсадида:

– Эй Мусо, мен сени сеҳрланиб, ақл-ҳушдан айрилган деб ўй-ламоқдаман, чунки сен қилаётган иш соғлом ақлга зид, қаёқ-даги даъволаринг билан келиб, мени ўз измингга қаратмоқчи бўляп-сан, – деди.

Ҳар бир замон ва маконда тоғий, исёнкорларнинг тутган йўли шу ўзи. Қачонки улар Ҳақни кўрсалар уни залолат ва ёлғон, деб даъво қилиб, унинг аҳлига бўҳтон ва маломат тошларини ёғдирадилар.

Фиръавннинг бу тухматига қарши Мусо (алайҳиссалом) деди:

“Сен анави очик-равшан (мўъжизалар)ни фақат осмонлар ва Ернинг Парвардигоригина ҳужжат қилиб нозил қилгани-ни аниқ билурсан”. Бу оятлар Фиръавнга қилинган дақкилардан иборат. Зеро, у Мусо (алайҳиссалом)нинг сеҳргар ёки сеҳрга чалин-маганини яхши биларди. Шунингдек, унга берилган тўққиз мўъжиза Аллоҳ таоло даргоҳиданлигидан ҳам хабардор эди.

“**Ҳеч шубҳа йўқки, эй Фиръавн, мен сени ҳалок қилингув-чи, деб ўйламоқдаман**”. Бу Фиръавнга қилинган маломатнинг бошқа бир кўриниши эди. Фиръавнни қанча маломат қилинса, арзирди, чунки у Аллоҳ пайғамбарларидан бирини “**сеҳр-жодуга чалинган**” деб сифатлади. Оятдаги “**деб ўйламоқдаман**” сўзи аниқ ишонччи билдиради.

Яъни, эй Фиръавн, мен Раббимдан сенга аниқ мўъжизаларни олиб келганимдан сўнг ҳам уларни рад этиб, куфрда қаттиқ туриб олганинг боис сенинг тақдиринг ҳалокат ва аянчли фожа билан ниҳояланиши шубҳасиз. Мен бунга аниқ ишонаман.

Шу тариқа Мусо (алайҳиссалом) Фиръавн оғзини ҳужжат-да-лиллар билан ёпиб кўяқолди.

“Шунда еридан қувиб чиқармоқчи бўлганида...”

Яъни, мағлубият аламига чидаёлмай Фиръавн энди куч ишлатишга ўтди. У Мусо ва қавмини Миср юртидан бадарға қилиб, уларни буткул йўқ қилишга чоғланди.

Бу ҳақда бошқа оятда шундай дейилади: Фиръавн қавмидан бўлган одамлар: “(Эй Фиръавн), **Мусо ва қавмининг Ерда буз-ғунчилик қилиб юришига ҳамда сени ва худоларингни тарк этишига қўйиб берасанми?**” дейишганида, у деди: **“Уларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдиражакмиз. Албатта, биз уларнинг устида ғолибдирмиз”** (*Аъроф, 127*).

Фиръавн ўзича хом режалар тузиб, уларни ҳалок қилмоқчи, аммо ўзининг тақдири не кечишидан беҳабар.

“Биз уни ва у билан бирга бўлган кишиларнинг барчаларини ғарқ қилдик. Сўнг Бани Исроилга: “Мана шу ерни мас-кан тутинглар! Энди қачон ваъда қилинган охират келганида сизларнинг барчангизни келтиурмиз”, дедик.

Яъни, Фиръавн қалбига қабих бир ниятни тугганида, Биз бу-нинг муқобилида, уни, кўшини ва унга эргашганларнинг ҳамма-сини битта қўймай денгизга чўктириб юбордик. Улар ҳалок қи-лингач, Мусо (алайҳиссалом) тилидан Бани Исроилга:

– Фиръавн сизларни қувиб чиқармоқчи бўлган мана шу Миср диёрини ўзларингиз учун маскан қилиб олинглар! – дедик.

Ибн Касир (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Ушбу оятда Мухам-мад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Макканинг фатҳ этилиши ҳақида башорат берилмоқда. Шу нарса бўлди ҳам. Макка аҳли Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни у ердан чиқариб юбор-моқчи бўлдилар. Аллоҳ таоло айтади: **“Улар Сизни бу Ердан (яъни, Маккадан) чиқариб юбориш учун (турли макр-хийлалар билан) қўзғотиб юборишларига оз қолди. У ҳолда, уларнинг ўзлари ҳам Сиздан кейин озгина (муддат) тура оладилар, холос”** (*Исро, 76*).

Худди, Бани Исроил қавмидан бўлган заиф, бечораҳол кишиларни Фиръавн юртига меросхўр қилгани каби Аллоҳ тао-ло суюкли Расулини Маккага кириш, у ерда кўним топишга му-ваффақ қилди”.⁸⁶

Аллоҳ таоло қиссани кўйидаги жумлалар билан яқунлайди: **“Энди қачон ваъда қилинган охират келганида сизларнинг барчангизни келтиурмиз, дедик”**.

Яъни, Аллоҳ таоло белгилаб қўйган қиёмат соати келганида, барчаларингизни тирилтирамиз. Шунда сизлар ва Фиръавн, унинг қавми – жамики инсоният Бизнинг хузуримизга келасизлар ва Биз ораларингизда адолат ила ҳукм қиламиз.

⁸⁶ “Тафсиру Ибн Касир”, 5-жилд, 124-бет.

Мусо (алайҳиссалом) билан сеҳргарлар ўртасидаги қизгин кураш ва тортишувлар
Ушбу мунозаралар Қуръони каримнинг кўп ўринларида келган. Аввало, Аъроф сурасидаги ояти карималар билан танишиб чиқамиз. Аллоҳ таоло айтади:

Сеҳргарлар Фиръавн олдига келишиб: “Агар биз ғолиб бўлсак, албатта, мукофот (берурсан)”, дейишди. У: “Ҳа, албатта, сизлар менинг яқинларимдан бўлурсизлар”, деди. Улар айтдилар: “Эй Мусо, ё сен ташла ёки биз ташлаймиз”. (Мусо): “Сизлар ташланглар”, деди. Бас, улар ташлаган эдилар, одамларнинг кўзларини бўяб даҳшатга солиб қўйдилар ва зўр сеҳр кўрсатдилар. Биз Мусога: “Асойингни ташлагин”, деб ваҳий юбордик. Баногоҳ у уларнинг “уйдирма”ларини юта бошлади. Бас, ҳақиқат тушди, уларнинг қилган ҳаракатлари эса ботил бўлди. Бас, у ерда мағлуб бўлишиб, беобрў бўлган ҳолларида қайтдилар. (Шу пайт) у сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида ерга ташланиб: “Бизлар барча оламларнинг Парвардигорига – Мусо ва Ҳоруннинг Парвардигорига имон келтирдик”, дедилар. Фиръавн айтди: “Мен сизларга изн бермай туриб унга имон келтирдингизми?! Шубҳасиз, бу қилган найрангингиз ушбу шаҳардан унинг аҳолисини чиқариш учун қилган макрингиздир. Энди яқинда билурсизлар, албатта, мен оёқ-қўлларингизни қарама-қаршисига кесурман, сўнгра сизларнинг барчаларингизни дорга осурман”. Улар дедилар: “Албатта, бизлар Парвардигоримизга қайтгувчимиз. Сен биздан фақат Парвардигоримизнинг оятлари келганда унга имон келтирганимиз учунгина ўч олмоқчисан. Парвардигоро, устимиздан сабру тоқатни ёғдиргайсан ва бизларни фақат мусулмон бўлган ҳолимизда ўлдиргайсан!” (*Аъроф, 113–126*).

Фиръавннинг таклифига биноан, сеҳргарлар унинг саройига йи-ғилишди ва бош мақсадлари бирон нарсага эга бўлиб қолиш бўлган сеҳр усталари унга қарата:

– Эй Фиръавн, агар биз мана шу моҳир сеҳргар устидан ғалаба қозонсак, бизга катта мукофот берасанми? – дедилар. Бунга жавобан Фиръавн:

– Ҳа, агар ростдан ҳам зафар қучсангиз сизларни жуда ҳам кўп миқдорда моддий мукофотлар билан тақдирлайман. Бундан ташқари сизлар менинг энг яқин кишиларимдан бўлиб қоласизлар, – деди.

Муфассирлар сеҳргарларнинг сони борасида турли фикрларни билдиришган. Баъзилар: “Улар етмиш иккита бўлган”, деса, бошқа тоифа вакиллари: “Уларнинг сони бундан ҳам зиёдароқ эди”, дейишган.

Мукофот олишдан қалблари тинчиган сеҳргарлар энди бутун хаёлларини нима қилиб бўлса ҳам жангда ғалаба қозонишга қаратдилар ва ўз душманларига қарата:

– **Эй Мусо, ё сен ташла ёки биз ташлаймиз**, – дедилар.

Яъни, эй Мусо, сенда танлаш имконияти бор. Хоҳла қўлинг-даги асони аввал сен ташла ёки биз аввал ташлайлик.

Гўёки сеҳргарлар ўз сўзлари билан шундай деяётганларидек: ушбу икки ҳолатда ҳам барибир ғалаба биз томонда. Бас, эй Мусо, олдиндан бизларга таслим бўлиб қўяқол!

Тоҳа сурасида келтирилишича, Мусо (алайҳиссалом) ўртала-рида беллашув бошланмасидан олдин сеҳргарларга қарата шундай деган: **“Ҳолингларга вой! Сизлар Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиманглар, у ҳолда (Аллоҳ) сизларни азоб билан ҳалок қилур! Ёлғон тўқиган кимсалар ноумид бўлишлари аниқдир”** (*Тоҳа, 61*).

Лекин Мусо (алайҳиссалом) улардан аввал ўзлари ташлашларини талаб қилди. Мақсад уларнинг таҳдид ва вазоҳатларидан чўчимаганини билдириш бўлган, чунки Мусо суянган асос жуда кучлидир.

“(Мусо): “Сизлар ташланглар”, деди. Бас, улар ташлаган эдилар, одамларнинг кўзларини бўяб даҳшатга солиб қўй-дилар ва зўр сеҳр кўрсатдилар”.

Яъни, улар қўлларида арқон ва асоларини ташлаб, одамлар кўзини сеҳрлаб қўйдилар. Аслида, бу нарса фақат макр ва ҳий-ладангина иборат эди. Улар ўз сеҳрлари билан одамларни кўрки-тиб юбордилар ва сеҳр бобида ажойиб бир намоиш кўрсатдилар. Улар ташлаган асо одамлар ва томошабинлар кўзига илон бўлиб кўринди.

Ривоят қилинишича, сеҳргарлар қалин арқон ва узун-узун ёғочларни ташлаганларида бутун бошли водийни тўлдирадиган даражада ҳамма ёқни илон босиб кетган экан. Бошқа ривоятларда: “Улар арқон ва чўпларини турли рангга бўяб, худди ҳаракат қи-лаётганга ўхшатиб қўйганлар”, дейилган.

Сеҳргарларнинг бу “қойилмақом” ҳунарлари ва унинг таъсири узоққа бормади. Буюк Холиқнинг энг кучли мўъжизаси билан қуролланган Мусо (алайҳиссалом) кўрсатган намоиш олдида ҳат-то сеҳргарларнинг ўзлари ҳам бўйин эгишга мажбур бўлдилар:

«Биз Мусога: “Асойингни ташлагин”, деб ваҳий юбордик. Баногоҳ у уларнинг “уйдирма”ларини юта бошлади. Бас, ҳақиқат тушди, уларнинг қилган ҳаракатлари эса ботил бўлди. Бас, у ерда мағлуб бўлишиб, беобрў бўлган ҳолларида қайтдилар».

Яъни, Мусо сеҳргарлар томонидан кўрсатилган нарсалардан кўрқач, Биз:

– Эй Мусо, қўлингдаги асони ташла! Албатта, сен улардан устундирсан, – деб ваҳий қилдик. Қачонки у буюрилган ишни қилган эди, Мусо ташлаган нарса сеҳргарларнинг ёлғон ва тў-қималарини ютиб юборди. Шу билан ҳақиқат қарор топди, анави сеҳргарлар қилаётган ҳийла ва макрлар эса ботил бўлди, одамлар шуурида унинг таъсири барҳам топди. Шундай қилиб, Фиръавн, аъёнлари ва сеҳргарлар ҳамма тўпланган жойда байрам ку-ни мағлубият ала-мини тотиб кўрдилар. Ўз уйларига хору зор, беобрў ва бошлари эгик ҳолда қайтиб кетдилар.

Энди Мусо (алайҳиссалом) қилган ишларни кўриб, унинг сеҳр эмаслигига аниқ ишонган сеҳргарлар унга нисбатан қандай му-носабатда бўлганликлари ҳақида ҳикоя қилинади:

“(Шу пайт) у сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида ерга ташланиб...”

Мусо (алайҳиссалом) Ҳақ устида экани ва ўзларининг сеҳр-лари ботил бўлганлиги уларнинг қалбларида имон нурларини ёқди ва улар тезлик билан Аллоҳга таслим бўлганлик белгиси сифатида сажда қилишга тушдилар.

Сеҳргарлар сажда қилар эканлар, дедилар: **“Бизлар барча оламларнинг Парвардигорига – Мусо ва Ҳоруннинг Парвардигорига имон келтирдик”.**

Ҳақиқат нури уйғоқ қалб соҳибларининг қалб ойнасида ўзи-нинг ижобий аксини кўрсатди. Ҳа, сеҳргарлар аввал имон келтириб, ҳеч бир тараддудсиз Фиръавн ва аъёнлари олдида бу нарсани баралла эълон қилдилар, чунки улар Мусо (алайҳиссалом) келтирган нарса сеҳр эмаслигини бошқалардан кўра яхшироқ билар ва бунга аниқ ишонар эдилар. Зеро, бирон-бир соҳада мутахассис

бўлган киши ўша соҳага тегишли бўлган нарсаларнинг ҳақиқийсини ёлғонидан яхши ажрата билади.

Кўз ўнгида юз бераётган ушбу ҳаяжонли ҳодисалар қалб кўзи сўқир бўлган Фиръавнга зиғирча ҳам таъсир қилгани йўқ, балки дағдаға билан уларга қаттиқ интиқом олишини айтиб ўтди: **“Мен сизларга изн бермай туриб унга имон келтирдингизми?!”**

Яъни, Фиръавн сеҳргарларнинг имон келтирганини танқид қила туриб деди:

– Сизлар мен рухсат бермай ва бу ишга амр қилмай туриб Му-со ва Ҳоруннинг раббига имон келтирдингларми?!

Фиръавн ғурур ва жаҳолат ботқоғига ботиб кетгани боис Ҳаққа имон келтиришдан аввал унинг рухсатини олиш лозим, деб ҳисобларди.

Фиръавн уларни айблашда давом этаркан, сеҳргарлар имони ҳақиқий эмаслигини даъво қилади: **“Шубҳасиз, бу қилган найрангингиз ушбу шаҳардан унинг аҳолисини чиқариш учун қилган макрингиздир”**.

Яъни, сизлар Мусо ва Ҳоруннинг парвардигорига қалбла-ри-нгиздан ихлосан имон келтирмадинглар, балки асоларингиз-ни ташлашдан олдин сизлар Мусо билан келишиб, бу ерлар сиз ва Бани Исроилга бўлиши учун Мисрдан унинг қонуний аҳолисини чиқариб юбормоқчисизлар.

Фиръавн бу сўзларни айтишгандан мақсади қибтийларга сеҳргарлар имони Мусо билан келишилган ҳолда амалга оширилганини сингдириш, улар бунинг ортидан кўзлаган мақсадлари юртларидан сургун қилиш эканини англатиш бўлган. Қибтий-лар эса ўз динларида содиқ қолиб, Мусо, сеҳргарлар ва Бани Исроилга адо-ват қилиб, уларга қаршилик кўрсатишлари керак эди Фиръавн-нинг режасига кўра. Шунингдек, Фиръавн бу ерда макр қўллаб одамлар-ни Мусо (алайҳиссалом)га имон келтиришдан тўсиб қолмоқчи.

Тухмат ва ноҳақ айбловларида давом этиб, Фиръавн энди бундан ҳам оғирроқ ваъидни қилди: **“Энди яқинда билурсизлар.Албатта, мен оёқ-қўлларингизни қарама-қаршисига кесурман, сўнгра сизларнинг барчаларингизни дорга осурман”**.

Яъни, сизлар яқин кунларда қилган ишингиз нима оқибатга олиб келганини билиб оласизлар. Қасам ичиб айтаманки, тана аъзоларингизни қарама-қаршисига – ўнг қўл ва чап оёгингизни кес-тираман ҳамда хору зор бўлишингиз учун шу кўйингизда дорга остираман! Токи бу бошқаларга ҳам ибрат бўлсин!

Фиръавн сеҳргарларга қаттиқ кўрқитиш, дўқ-пўписа билан муомала қилиб, уларга азобли қийноқлар бўлишини айтса ҳам улар бу йўлдан қайтмадилар, балки чиройли сабр ва кучли имон билан Фиръавн ҳамда аъёнларининг қаҳри, ғазабини паст санаб, хотиржамлик билан: **“Албатта, бизлар Парвардигоримизга қайтгувчимиз. Сен биздан фақат Парвардигоримизнинг оятлари келганда унга имон келтирганимиз учунгина ўч олмоқчисан”**, дедилар.

Яъни, эй Фиръавн! Сен бизни ўлим билан кўрқитмай кўяқол. Куни келиб, бизлар Раббимиз ҳузурига, албатта, қайтиб борамиз. Сен фақатгина Аллоҳга имон келтирганимиз учун бизларни хушламай, қасос олиш пайида бўлаяпсан. Ўша сенга ёқмай турган нарса бизнинг энг гўзал хислатимиздир. Зеро, Аллоҳга ҳақиқий имон келтириш амалларнинг энг яхшисидир. Биз энди сени рози қилиш учун бу йўлдан қайтмаймиз! Фақат Раббимиз розилигини тилаймиз!

Аввал сеҳр билан шуғулланиб, сўнгра имонга мушарраф бўл-ган зотларнинг Фиръавн билан қилган тортишувлари қуйидаги илтижолар билан якун топади. Улар дедилар:

“Парвардигоро, устимиздан сабру тоқатни ёғдиргайсан ва бизларни фақат мусулмон бўлган ҳолимизда ўлдиргайсан!”

Яъни, эй Раббимиз, Сенинг динингда собитқадам бўлиши-миз учун бизларга кўп ва чиройли сабр ато эт! Бизларни амр ва қай-тариқларингга бўйин эгган ва қазоингга тўлиқ таслим бўлувчи мусулмон бўлган ҳолимизда вафот эттир!

Қатода (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Улар кун бошида кофир сеҳргарлар бўлишган бўлса, куннинг охирида юксак мартабадаги шаҳидлар мақомига эришишди. Аллоҳ таоло улардан рози бўлсин ва қиёматда бизларни уларнинг гуруҳида (яъни, набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан) ҳашр қилсин!”

Тоҳа сурасида ушбу мужодала ва тортишувлар қуйидагича тасвирланган. Аллоҳ таоло айтади:

Мусо уларга деди: **“Ҳолингларга вой! Сизлар Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиманглар, у ҳолда (Аллоҳ) сизларни азоб билан ҳалок қилур!”** деди. Ёлғон тўқиган кимсалар ноумид бўлишлари аниқдир”. Бас, улар ишларини ўзаро талашиб-тортишиб аста шивирлаша бошладилар. (Сўнг бир-бирларига) айтдилар: **“Албатта, бу иккови ўз сеҳрлари билан сизларни ерингиздан чиқармоқчи ва юксак йўлингизни йўқотмоқчи истайдиган сеҳргарлардир. Бас, макр-хийлангизни йиғингиз, сўнг бир саф бўлиб келингиз. Бугун устун бўлган кишилар нажот топурлар”**. Улар дедилар: **“Эй Мусо, сен ташлайсанми ёки бизлар биринчи ташловчи бўлайликми?”** (Мусо) айтди: **“Йўқ, сизлар ташланглар”**. Баногоҳ иплари ва асолари сеҳр қил-ганлари сабабли юриб кетаётгандек туюлди. Бас, Мусо ичида бир кўрқувни ҳис қилган эди, Биз айтдик: **“Кўрқмагин! Албатта, сен ўзинг ғолиб бўлгувчисан. Қўлингидаги нарсани ташлагин, улар ясаган нарсаларни ютиб юборур. Уларнинг ясаган нарсалари фақат бир сеҳргарнинг макри-хийласи, холос. Сеҳргар эса қаерда бўлмасин зафар топмас”**. Бас, сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида ташланиб: **“Биз Ҳорун ва Мусонинг Парвардигорига имон келтирдик”**, дедилар (Тоҳа, 61–70).

Сеҳргарлар Фиръавн ҳузурига тўпланишгач, Мусо уларга на-сихат қилиш ва огоҳлантириш маъносида: **“Ҳолингларга вой! Сизлар Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиманглар, у ҳолда (Аллоҳ) сизларни азоб билан ҳалок қилур!”**, деди.

Яъни, эҳ сизларга вайл ва ҳалокат бўлсин! Мен олиб келган нарсаларни сеҳр деб, Аллоҳ шаънига ёлғон ва тухмат қилманглар. Агар шундай қилсангиз, У Зот сизларни Ўз даргоҳидан бўлган оғир азоб билан ҳалокатга учратади!

“Ёлғон тўқиган кимсалар ноумид бўлишлари аниқдир”. Яъни, Аллоҳ номига куракда турмайдиган нолойиқ, ботил сўзлар-ни айтувчиларнинг ҳалокатга йўлиқишларига шубҳа йўқ! Билинг-ларки, Фиръавн ботил ишлар қилувчи, ёлғон тўқиган ва оқиба-ти ҳалокат билан тугагувчи кимсалардандир. Эҳтиёт бўлинглар! Зин-ҳор унинг аравасига минманглар, унга бўйсунманглар ҳам!

Чамаси, Мусо (алайҳиссалом) қалбидан отилиб чиққан ва куюнчаклик ила қилинган ушбу насихатлар баъзи сеҳргарларга ижобий таъсир қилган кўринади:

“Бас, улар ишларини ўзаро талашиб-тортишиб аста шивирлаша бошладилар”.

Яъни, Мусо (алайҳиссалом)дан кофир қавмлар ҳалокатга йў-лиқишини эшитган сеҳргарлар, залолатдан қайтиш йўлига тушдилар. Улар орасида турли фикр ва қарашлар пайдо бўлди. Мусо ва биродарига билдирмай, ўзаро пинҳона маслаҳатлаша бошладилар.

Қатода раҳматуллоҳи алайҳ: “Улар орасидан баъзилар: “Агар Мусо олиб келган нарса сеҳр бўлса, у ҳолда ғалаба биз томонда. Акс ҳолда у Аллоҳ даргоҳидан бўлса, мағлубиятга учрашимиз аниқ”, деб айтишган”, деган.

Яна уларнинг баъзилари: “Мусо айтаётган нарсалар сеҳргар-нинг гапи эмас”, деган.

Сеҳргарларнинг баъзилари эса, Мусо (алайҳиссалом)га қар-шилиқ билдириб, у ғалаба қозониб, биз эришмоқчи бўлган юксак мартаба ва катта мукофотни қўлга киритмоқчи, деб ҳамроҳлари-ни ҳам унга қарши чиқишга гижгижлаган.

Ояти каримадан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ушбу охирги тоифа вакиллари сеҳргарлар орасида кўпчиликни ташкил қилган, чунки улар: **“Албатта, бу иккови ўз сеҳрлари билан сизларни ерингиздан чиқармоқчи ва юксак йўлингизни йўқотмоқни истайдиган сеҳргарлардир. Бас, макр-ҳийла--н-гизни йиғингиз, сўнг бир саф бўлиб келингиз. Бугун устун бўлган кишилар нажот топурақ”**, деб айтмоқдалар.

Ушбу икки оятга кўра, сеҳргарлар Мусо ва Ҳорун (алайҳимус-салом)лардан кўрқишган ва шон-шухрат ҳамда моддий манфаатдан қуруқ қолмаслик учун бор кучларини сарфлаб, бир сафга туриб, бир-бирларини руҳлантириб, ғалабани қўлдан бой бермасликка жидду-жаҳд қилганлар.

Яъни, сеҳргарлар ошқора ва очикдан-очик ўз шерикларига дедилар:

– Мусо ва Ҳорун – буларнинг иккиси сеҳргарлар бўлиб, улар шу сеҳр йўли билан бизларни Миср заминидан қувиб чиқариб, уни ўзлариники қилиб олишмоқчи! Устига-устак улар сизларни тўғри йўлингиз – энг тўғри ва афзал динингиздан чиқармоқчи! Ваҳо-ланки шундай экан, **“бас, макр-ҳийлангизни йиғингиз”**. Яъни, Мусо ва Ҳорун сизларни ерингиздан чиқариб юбориш па-йида экан, бас, сизлар ҳам сеҳр-макрингизни ишга солиб, уларга қарши сабот билан турунглар, токи улар ғолиб бўлолмасинлар!

“Сўнг бир саф бўлиб келингиз”. Яъни, сўнгра барчаларингиз бир сафга тизилиб турунглар. Шунда сизлар кишиларга ҳайбатли ва кучли бўлиб кўринасизлар ҳамда бу нарса сизларни сабот ва матонатга ундайди.

“Бугун устун бўлган кишилар нажот топурақ”.

Яъни, бугунги беллашувда устунлик тарафдори ва шу йўлда ҳаракат қилганларгина ғалабага эришади. Келинг, душман устидан зафар кучишга бор кучимизни сарфлайлик. Агар Мусо устидан ғалаба қозонсак, бизларни улуғ мукофот ва олий мартабалар кутиб турибди. Акс ҳолда мағлуб бўлсак, ҳозирги ҳолатимиздан-да тубанроқ бир поғонага тушиб қоламиз!

Мана, узоқ ва сабрсизлик билан кутилган мусобақа куни ҳам етиб келди. Ғолиб бўлишга ўта ҳарисманд бўлган сеҳргарлар вақтни чўзиб ўтирмай, Мусо (алайҳиссалом)га юзланиб:

– **Эй Мусо, сен ташлайсанми ёки бизлар биринчи ташловчи бўлайликми?** – дедилар.

Яъни, сеҳргарлар Мусо (алайҳиссалом)га танлаш имконини бер-дилар. Бундан очик кибр ва мутақаббирлик иси келиб турарди. Улар дедилар:

– Эй Мусо, асойингни сен аввал ташлайсанми ёки биринчи бўлиб биз ташлайликми?

Мусо (алайҳиссалом) мусобақани бошлаб беришни ўзига лозим деб топмади.

(Мусо) айтди: **“Йўқ, сизлар ташланглар”. Баногоҳ иплари ва асолари сеҳр қилганлари сабабли юриб кетаётгандек туюлди”.**

Яъни, Мусо (алайҳиссалом) аввал улар ташлашларини айтди. Сеҳргарлар унинг таклифини қабул қилиб, қўлларидаги нарсаларини ташлаган ҳам эдиларки, Мусо каттиқ кўрққани ва ҳая-жонланганидан иплари ва асолари унга қорни билан ўрмалаб кетаётган илонлардек бўлиб туюлди.

Сеҳргарлар қилган хунарларининг Мусо (алайҳиссалом)га таъсир қилганини куйидаги оятдан ҳам билиб олиш мумкин: **“Бас, Мусо ичида бир кўрқувни ҳис қилган эди”.**

Яъни, сеҳргарлар ташлаган нарсаларнинг ҳаракатланаётганини кўрган Мусо кўрқувга тушди. Албатта, бу кўрқув инсоний табиатга хос бўлган ҳислат туфайли юз берганди.

Шунда Аллоҳ таоло унинг қалбига қувват бағишлаш ва собит-қадам қилиш учун шундай ваҳий қилди: **“Кўрқмагин! Албат-та, сен ўзинг ғолиб бўлгувчисан”.**

Яъни, эй Мусо, сен улар қилаётган ишларидан кўрқмагин! Зе-ро, ғалаба ва зафар сен тарафда, сен устунсан. Чунки сен келтир-ган ҳужжат Ҳақ, уларники эса ботилдир.

“Қўлингдаги нарсани ташлагин, улар ясаган нарсаларни ютиб юборур”. Бу билан Мусо (алайҳиссалом)га яна шижоат ва руҳ бағишланди.

Яъни, эй Мусо, ўнг қўлингдаги нарсани ташлагин. Шунда у сеҳр-гарлар томонидан қилинган ва одамларга ҳаракатлана-ёт-гандек кўринган, аслида ботил, ёлғон ва сохта уйдирмалардан иборат бўлган нарсаларни битта қўймай ютиб юборади.

Ибн Касир айтади: “Сеҳргарлар ташлаган нарса катта-катта кўз ва оёқлари, узун бўйни ва ўткир тишлари бор бир аждарга айланади. Мусо ташлаган нарса эса, уларнинг ҳаммасини ютиб юбо-ради. Бу нарса барча одамлар ва сеҳргарлар кўз ўнгида содир бўлади. Шундай қилиб, илоҳий мўъжиза ғолиб келди ва сеҳргар-лар қилаётган нарсаларнинг ботил экани маълум бўлди”.⁸⁷

“Уларнинг ясаган нарсалари фақат бир сеҳргарнинг мак-ри-ҳийласи, холос”. Бу ўзидан олдинги оятни изоҳлаб келмоқ-да. Яъни, эй Мусо, улар қилган нарса сеҳргарлар макридан бир макр эди.

“Сеҳргар эса қаерда бўлмасин зафар топмас”. Яъни, инсон-лар орасидаги мана шу тоифага мансуб бўлганлар – сеҳргар-лар қаерда бўлмасинлар, қаерга бормасинлар, барибир ғолиб бў-лол-майдилар. Чунки улар қилаётган нарсалар ҳийла, ёлғон ва сохтакорликка асослангани вақти келиб маълум бўлади.

Ҳали юқорида буюк бир ҳодиса – сеҳргарларнинг имонга мушарраф бўлишлари бор. Аллоҳ таоло айтади: **“Бас, сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида ташланиб: “Биз Ҳорун ва Мусонинг Парвардигорига имон келтирдик”, дедилар”.**

⁸⁷ “Тафсиру Ибн Касир”, 5-жилд, 296-бет.

Яъни, кўркуви барҳам топиб, Мусо кўлидаги нарчасини ерга ташлаганида, у сеҳргарларнинг арқон ва асоларини ютиб юборди. Бунинг мўъжиза эканини аниқ билган сеҳргарлар:

– Биз Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом)лар Раббисига имон келтирдик деб, юзлари билан Аллоҳга сажда қилдилар.

“Сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида ташланиб...” жумласи улар кўрган хужжат ва далилларнинг кучли бўлганлигидан дало-лат қилади.

Ҳа, пок нафс эгалари қачон ҳақни кўрсалар, ҳеч бир тарад-дудсиз уни қабул қиладилар. Кирахий айтади: “Улар Аллоҳга сажда қилган ҳолларида йиқилдилар, чунки улар сеҳр усталари бўлиб, Мусо қилган иш ўз сеҳрларидан мутлақ устун ва бу сеҳр эмаслигини аниқ билардилар”.⁸⁸

«Кашшоф» муаллифи айтади: “Уларнинг ҳолатига эътибор беринг. Нақадар ажойиб! Бир оз аввал улар арқонларини куфр ва исён йўлида ташлаган бўлсалар, энди шукр ва сажда маъносида ўзларини ерга ташладилар (яъни, сажда қилдилар). Бу икки “ташлаш” орасида қанчалик катта фарқ бор-а!”⁸⁹

Энди, Фиръавннинг собиқ сеҳргарларга қилган таҳдиди ва уларнинг бунга нисбатан қандоқ муносабат билдирганлари ҳикоя қилинади. Аллоҳ таоло айтади:

(Фиръавн) айтди: **“Унга мен сизларга изн бермай туриб имон келтирдингизми? Шак-шубҳасиз, у сизларга сеҳр ўргатган каттангиздир. Бас, энди мен, албатта, оёқ-қўллари-нгизни қарама-қаршисига кесурман ва сизларни хурмо шохларига осурман, (ана ўшанда) қайсимизнинг азоби қат-тиқроқ ва да-вомлироқ эканини билиб олурсизлар”**. Улар дедилар: **“Бизлар ҳаргиз ўзимизга келган очиқ хужжат-мўъжизаларни ва бизларни яратган Зотни қўйиб, сени танламаймиз. Бас, қи-ладиган ҳукмингни қилавер. Сен фақат мана шу ҳаёти дунёдагина ҳукм қилурсан. Бизлар эса хатоларимизни ва сен бизларни мажбур қилган сеҳргарликдан иборат (гуноҳимиз)ни мағфират қилиши учун Парвардигоримизга имон келтирдик. Аллоҳ яхшироқ ва давомлироқ-дир”**. Ҳеч шубҳа йўқки, кимда-ким Парвардигорига жиноятчи-кофир бўлган ҳолида келса, у ҳолда, албатта, унинг учун жаҳаннам бордирки, у жойда на ўла олур ва на яшай олур. Ким У Зотга яхши амаллар қилган мўмин ҳолида келса, бас, у ҳолда ана ўша учун юксак даражалар – остидан дарёлар оқадиган, улар абадий қоладиган мангу жаннатлар бўлур. Бу пок бўлган кишиларнинг мукофотидир” (Тоҳа, 71–76).

Фиръавн сеҳргарларнинг Аллоҳ таолога сажда қилганларини кўриб, деди:

– **Унга мен сизларга изн бермай туриб имон келтирди-нгизми?** Бу савол таҳдид ва маломат маъносида берилмоқда.

Яъни, менинг рухсатимсиз Мусога имон келтириб, унинг даъватини тасдиқладингизми?!

“Шак-шубҳасиз, у сизларга сеҳр ўргатган каттангиздир”.

Яъни, сизлар бўйин эгган Мусо, аслида, сизларга таълим берган устозингиздир. Сиз у билан аввалдан келишиб, тил бириктириб олгансиз. Унинг шериги бўлишингиз учун ҳам унга имон келтирдингиз!

⁸⁸ “Ҳошиатул жумал ғалал Жалолайн”, 3-жуз, 101-бет.

⁸⁹ “Тафсирул Кашшоф”, 3-жилд, 75-бет.

Фиръавннинг бу каби гапларни айтишдан мақсади одамларни унга эргашиб, сеҳргарлар сингари имон келтиришларидан қай-та-риб қолиш, қавми олдида ўзини саботли ва жасур қилиб кўрса-тиб, уларнинг қалбидаги кўркув ва хавотирни чиқариб ташлаш эди.

Сўнгра у аввалгисидан ҳам таҳдидлироқ сўзларни кўшимча қилди:

“Бас, энди мен, албатта, оёқ-қўлларингизни қарама-қар-шисига кесурман ва сизларни хурмо шохларига осурман”. Яъни, қасам ичиб айтаманки, сизларнинг ўнг қўлларингиз ва чап оёқларингизни кесиб, кейин хурмо шохларига осиб қўяман, токи бошқаларга ибрат бўлинглар! Кимки сизларнинг қилмишингиз-ни такрорлар экан, унинг ҳам бошига айнан шу кунни соламан!

“Қарама-қаршисига” жумласидан мурод, масалан, ўнг қўли ва чап оёғини кесиш ёки аксинча. Бу нарса инсоннинг бир тараф аъзосини тўлиқ кесишдан ҳам оғирроқдир. Агар фақат бир томон кесилса, иккинчиси омон қолади. Аъзоларни қарама-қаршиси-га кесиш эса, иккала томонни ҳам фаолиятдан тўхтатиб, кишига аламли азоб беради.

Шунингдек, Фиръавн уларни хурмо дарахтига осилганини ихтиёр этди, чунки унинг шохлари бошқа дарахтларникига нисбатан анча дағал бўлиб, унга осилиш кишига жуда қаттиқ оғриқ ва азоб беради. Ҳа, Фиръавн ўта исёнкор ва маккор бўлгани учун куфр йўлини четлаб, имон йўлини танлаган ҳақиқий мўминларни шу алфозда жазолашни лозим кўрди.

Фиръавн сўзида давом этиб деди: **“(Ана ўшанда) қайсимиз-нинг азоби қаттиқроқ ва давомлироқ эканини билиб олурсизлар”.** Бу энди таҳдид устига таҳдид, ваийд устига ваийддир.

Яъни, эй сеҳргарлар, яқинда кимнинг азоби қаттиқ ва ҳалок қилувчилигини билиб оласизлар. Меникими ёки Мусоникими ёки бўлмаса унинг раббисиникими?!

Фиръавн бу сўзлари билан, худди дунёда ундан кучли ва қуд-ратли бирон куч йўқдек, ўзини барчадан устун қўяётган эди.

Хўш, бу таҳдид ва дўқ-пўписалар олдида сеҳргарлар ўзларини қандай тутдилар?

Улар имон нури қалбларига мустаҳкам ўрнашгани боис бундай таҳдидларга беписандлик билан, ҳеч кўркмай туриб:

– **Бизлар ҳаргиз ўзимизга келган очиқ ҳужжат-мўъжи-заларни ва бизларни яратган Зотни қўйиб, сени танламаймиз. Бас, қиладиган ҳукмингни қилавер, –** дедилар.

Яъни, эй Фиръавн, биз сенинг тоифанга қўшилишга рози эмасмиз, сени парвардигор деб тан олмаймиз ҳам! Ўз тинчлигимизни азобингдан устун қўймаймиз, балки бизларга Мусо тарафидан Аллоҳнинг мўъжизалари зоҳир бўлди. Энди биз фақат ўшанга эргашамиз.

“Ва бизларни яратган Зотни...” жумласидаги “вов” вовул-қасам бўлиб, унинг жавоби (жавобуш-шарт) тушиб қолган. У ҳол-да ояти кариманинг маъноси қуйидагича бўлади: бизларни яратган Зотга қасамки, биз сени ўзимизга келган мўъжизалардан кўра устун деб билмаймиз.

“Бас, қиладиган ҳукмингни қилавер”. Сеҳргарларнинг бу сўзлари Фиръавннинг шунча қилган таҳдид ва ҳаракатлари ҳа-вога кетганидан, бу нарса уларга зиғирчалик таъсир қилма-ганидан дарак беради. Ушбу жумла Фиръавннинг: **“Бас, энди мен, албатта, оёқ-қўлларингизни қарама-қаршисига кесурман ва**

сизларни хурмо шохларига осурман” деган тахдидига қилинган муносиб жавоб эди.

Яъни, бизга Ҳақ аниқ бўлгач, энди сени устун деб билмаймиз, балки Раббимизни ихтиёр этамиз. Сен аъзойи баданларимизга қиладиган ишингни қилавер, хоҳлаганча азобла бизларни, аммо қалбимиз имонга мушарраф бўлган ва у Раббимиз муҳаббати билан лиммо-лим. Сен энди унга эгалик қилишга зинҳор кодир бўла олмайсан!

“Сен фақат мана шу ҳаёти дунёдагина ҳукм қилурсан. Бизлар эса хатоларимизни ва сен бизларни мажбур қилган сеҳргарликдан иборат (гуноҳимиз)ни мағфират қилиши учун Парвардигоримизга имон келтирдик”. Бу жумлалар сеҳр-гар-ларнинг Фиръавн тахдидига нима сабаб безътибор эканлик-ла-рининг асл сабаби эди.

Яъни, эй Фиръавн, жасадларимизга қиладиган ҳар қандай ишингни қилавер, қай турда жазо берасан, бу сенинг ишинг. Зеро, сен қилаётган нарсалар фақатгина мана шу ўткинчи дунё би-лан боғлиқ. Охират азоби эса, ундан минг чандон қаттиқроқдир!

“Ва сен бизларни мажбур қилган сеҳргарликдан иборат (гуноҳимиз)ни...”

Яъни, сен бизларни Мусога қарши чиқишга мажбур қилган эдинг. Ўшанда бизнинг қулолимиз ботил, уники эса ҳақ эди. Лекин ўша вақтда амрингни четлаб ўта олмасдик, сенга бўйсунушга мажбур эдик. Энди Аллоҳ таоло ана ўша хатоларимизни ҳам кечиришидан умидвормиз!

Улар бу ерда гуноҳ ишларга аралашиб қолишларига асосий сабаб қилиб сеҳрни айтмоқдалар. Бу нарса улар имонга мушарраф бўлганларидан сўнг, аввал қилган ишларидан, яъни сеҳрдан қанчалик нафратланганликларини билдиради.

“Аллоҳ яхшироқ ва давомлироқдир”. Бу Фиръавннинг: **“(Ана ўшанда) қайсимизнинг азоби қаттиқроқ ва давомлироқ эканини билиб олурсизлар”** деган сўзига жавоб сифатида ай-тилмоқда.

Яъни, Аллоҳ таолонинг ажр-мукофоти, эй Фиръавн, сеникидан яхшироқ ва давомлироқдир. Зеро, Унинг мукофотлари зин-хор камаймас, берадиган савобларининг эса чеки йўқдир!

“Ҳеч шубҳа йўқки, кимда-ким Парвардигорига жиноят-чи-кофир бўлган ҳолида келса...”. Бу жумлалар Аллоҳ таоло тарафидан гуноҳкорларнинг ёмон оқибати ва мўминларнинг чи-рой-ли оқибат топишлари ҳақида келган хабари ёки сеҳргарлар Фиръавнга қилган жавобларининг давоми бўлиши мумкин.

Оятнинг маъноси қуйидагича: кимки Қиёмат кунида Рабби ҳузурига куфр ва ширк иллатлари билан йўлиқса, **“у ҳолда, албатта, унинг учун жаҳаннам бордирки, у жойда на ўла олур ва на яшай олур”.** Яъни, ана ўша гуноҳкор кимса у ерда қаттиқ азобланади. У азобнинг кўринишларидан бири шуки, кофир у ерда истироҳат ҳам олмай, роҳатбахш ҳаётни ҳам топа олмайди.

Оят давомида мўминларга чиройли оқибат топиш ҳақида башорат берилади: **“Ким У Зотга яхши амаллар қилган мўмин ҳолида келса, бас, у ҳолда ана ўша учун юксак даражалар – остидан дарёлар оқадиган, улар абадий қоладиган мангу жаннатлар бўлур”.**

Яъни, кимки Аллоҳга чин имон келтирса ва ана ўша имони тақозоси ила солиҳ амалларни ихлос билан бажарса, бундай кишиларга имон ва солиҳ амаллари сабабли юксак даражалар, олий мартабалар – дарахт ва меваларининг остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларда боқий қолиш насиб бўлур!

“Бу пок бўлган кишиларнинг мукофотидир”. Яъни, юқорида санаб ўтилган мукофот ва даражаларни куфр, ширк ва гуноҳ-маъсият иллатларидан пок бўлган зотларгина қўлга киритадилар.

Шундай қилиб, имон ва куфр ўртасида бўлиб ўтган шиддатли жанг Ҳақнинг ғалабаси ва ботилнинг мағлубияти билан яқун топди. Шуаро сурасида ҳам Ҳақ ва ботил ўртасидаги кураш бошқа услубда тасвирланган. Аллоҳ таоло айтади:

Мусо уларга: “Ташлайдиган нарсаларингизни ташланг-лар”, деди. Бас, улар арқон ва асоларини ташладилар ва: “Фиръавннинг қудратига қасамки, албатта, бизларгина ғолиб бўлгувчидирмиз”, дедилар. Сўнг Мусо асоини ташлаган эди, баногоҳ у уларнинг “уйдирма”ларини юта бошлади. Шунда у сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида ерга ташланиб: “Барча оламларнинг Парвардигорига – Мусо ва Ҳоруннинг Парвардигорига имон келтирдик”, дедилар. (Фиръавн) айтди: “Мен сизларга изн бермай туриб унга имон келтирдингизми?! Албатта, у сизларга сеҳр ўргатган каттангиздир. Энди яқинда билурсизлар, албатта, мен оёқ-қўлларингизни қарама-қар-шисига кесурман ва сизларнинг барчаларингизни осурман”. Улар дедилар: “Зарари йўқ. Зеро бизлар Парвардигоримизга қайтгувчидирмиз. Албатта, бизлар биринчи имон келтирган кишилар бўлганимиз сабабли Парвардигоримиз бизларнинг хато-гуноҳларимизни мағфират этишини умид қилурмиз!” (Шуаро, 43–51).

Сеҳргарлар курашга ҳозир бўлишгач, Мусо (алайҳиссалом) уларга қарата:

– **Ташлайдиган нарсаларингизни ташланглар,** – деди. Яъни, қани бир сеҳрингизни ишга солиб кўрингларчи, ҳали бу ку-раши-н-гиз нима натижа билан тугашини билиб оласиз!

Ояти каримадан маълум бўладики, Мусо (алайҳиссалом) шунча одам тўпланиб туришига қарамай, ҳеч нарсага парво қилмаган ҳолда, фақатгина Аллоҳ таолонинг нусратига ишониб иш тутган.

“Бас, улар арқон ва асоларини ташладилар ва: “Фиръавн-нинг қудратига қасамки, албатта, бизларгина ғолиб бўл-гув-чидирмиз”, дедилар”.

Яъни, улар сеҳр қилмасларидан олдин Фиръавннинг “куч-қудрати” билан қасам ичиб, Мусо (алайҳиссалом) эмас, балки айнан ўзларининг аниқ ғалаба қозонишларини олдиндан таъкид-ладилар.

Бунга жавобан **“Мусо асоини ташлаган эди, баногоҳ у уларнинг “уйдирма”ларини юта бошлади”.**

Яъни, Мусо ташлаган асо уларнинг макр-ҳийлаларини барбод қилиб, йўққа чиқарди. Сеҳргарлар эса бунга диққат билан назар солиб, бу нарса сеҳр эмас, балки инсон қудратидан юқори нарса эканини пайқадилар. Агар Мусо (алайҳиссалом) кўрсатган мўъ-жиза сеҳр бўлганида сеҳргарлик бобида донг таратган мана шу энг моҳир сеҳргарлар билмасдиларми уни?! Бас улар ҳақни тан олдилар ва **“сажда қилган ҳолларида ерга ташланиб: “Барча оламларнинг Парвардигорига – Мусо ва Ҳоруннинг Парвар-дигорига имон келтирдик”, дедилар”.**

Сеҳргарлар кўз ўнгларида содир бўлиб турган ҳақиқатни инкор қила олмай қолдилар ва кўпчилик шоҳидлигида имон калимасини баралла айтдилар. Озгина вақт ичида Фиръавндан ўт-кинчи дунё матоҳини таъма қилиб турган қавм, дунё ва унинг зийнатларига бепарво, Ҳақ олдида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, таҳдид ва ваийдларни енгил санайдиган ихлосли мўмин қавмга айландилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳар бир қалб Раҳ-мон бармоқларидан икки бармоқ орасидадир. Хоҳласа, уни мус-тахкам (ёки тўғри) қилади, хоҳласа (тўғри йўлдан) оздиради”, деб нақадар рост айтганлар (*Муттафақун алайҳ*).

Энди Фиръавннинг ғазабнок ҳолати қуйидагича ифодаланади: “(Фиръавн) айтди: **“Мен сизларга изн бермай туриб унга имон келтирдингизми?! Албатта, у сизларга сеҳр ўргатган каттангиздир”**. Яъни, Фиръавн сеҳргарларга маломат оҳангида:

– Сизлар мен рухсат бермай туриб унга имон келтирдинг-лар-а?! Шубҳасиз, сизларга сеҳрни мана шу Мусо ўргатган. Сизлар ҳаммангиз келишиб олиб, бу нарсани режалаштиргансиз! – деди.

“Энди яқинда билурсизлар – албатта, мен оёқ-қўлла-ри-н-гизни қарама-қаршисига кесурман ва сизларнинг барчаларингизни осурман”.

Яъни, яқин орада сизлар қандай азобга гирифтор қилини-шингизни билиб оласизлар. Албатта, мен ҳар бирингизнинг аъзо-йингизни қарама-қаршисига – ўнг қўл ва чап оёғингизни (ёки аксинча) кесурман ва сўнгра янада қаттиқрок қийналишингиз учун таналарингизни хурмо шохларига осурман!

Фиръавн қанча таҳдид ўтказмасин ва дўқ-пўписа қилмасин сеҳргарлар энди ҳақ йўлдан қайтмасликка, қайта залолат бот-қоғига ботмасликка аҳд қилдилар. Улар ҳеч иккиланмай туриб, сабот билан унга қарата:

– **Зарари йўқ. Зеро, бизлар Парвардигоримизга қайт-гув-чидирмиз**, – дедилар.

Яъни, сен бизларга дўқ-пўписаларинг билан ҳеч ҳам зарар етказа олмайсан. Биз Ҳақ учун ҳар қандай машаққат ва укубатлар-га сабр қилишга тайёрмиз! Биз, шубҳасиз, мўминлармиз ва куни келиб Раббимиз Аллоҳ таоло хузурига, албатта, қайтиб борамиз. У Зот бизлар сабр қилганимиз боис Ўзининг чексиз фазли билан бизларни мукофотлағай!

Шунингдек, **“бизлар биринчи имон келтирган кишилар бўл-ганимиз сабабли Парвардигоримиз бизларнинг хато-гу-ноҳларимизни мағфират этишини умид қилурмиз!”**

Яъни, биз аввал залолатда эдик. Фиръавнга ибодат қилар ва сеҳр билан шуғулланардик. Ҳақ келгач, унга имон келтирганларнинг энг аввалида биз бўлдик. Шу сабаб мағфирати кенг бўлган Зот – Раббимиз бизлардан ўтган гуноҳларни мағфират этишидан умидвормиз!

Юнус сурасининг тўрт оятида (79–82) Фиръавннинг аёнларига амр қилган фармони, Мусо (алайҳиссалом)нинг сеҳргарларга қандай насиҳат қилгани ва Аллоҳ таолонинг тақдири азалийси – муттақий бандаларга хайрли оқибат бўлиши ҳақида сўз юритилади. Аллоҳ таоло айтади:

Фиръавн ўз одамларига: “Барча билимдон сеҳргарларни келтирингиз!” деди. **Бас, қачонки сеҳргарлар келганларида, Мусо уларга: “Ташламоқчи бўлган нарсангизни ташлангиз”**, деди. **Қачонки улар ташлаганларида Мусо деди: “(Мана шу) сизлар қилган иш сеҳрдир. Албатта, Аллоҳ уни ботил қилур. Зеро, Аллоҳ бузғунчи кимсаларнинг ишини ўнгламайди ва гарчи жиноятчи кимсалар истамасалар-да, Аллоҳ Ўз сўзлари билан ҳақиқатни рўёбга чиқаради”** (*Юнус, 79–82*).

Мусо (алайҳиссалом) Фиръавн ва қавмини ёлғиз Аллоҳ таолога ибодат қилишга чақиришдан тўхтамагач ва кўз ўнгида у ташлаган оддий бир асо илонга айланганини

кўргач, энди Фиръавн бир иложини қилиб, ундан устун келиш ҳаракатида эди. Шу мақсадда ўзининг хос хизматкорларига қарата:

– Тасарруфимдаги барча минтақалардан энг мохир ва уста сеҳргарларни олиб келинглар, – деб амр қилди.

“Бас, қачонки сеҳргарлар келганларида...”. Яъни, хизматкор Фиръавннинг буйруғини бажариш учун бутун мамлакатдаги энг кўзга кўринган сеҳр усталарини тезлик билан унинг ҳу-зурига бошлаб келдилар. Улар Мусо (алайҳиссалом) билан учрашишгач, ўзларининг ғалаба қозонишларига кўзлари етганидан Мусога ташлаш имконини бериб: **“Эй Мусо, сен (қўлингдаги асоингни аввал) ташлайсанми ёки бизлар биринчи ташловчи бўлайликми?”** (*Тоҳа, 65*), дейишганида, Мусо уларга: **“Таш-ламоқчи бўлган нарсангизни ташлангиз”**, деди.

Яъни, қани сеҳрингизни намоёйиш этинг, токи одамлар ҳақи-қатни англаб, Ҳақ билан ботил орасини ажрата олсинлар!

“Қачонки улар ташлаганларида Мусо деди: “(Мана шу) сизлар қилган иш сеҳрдир. Албатта, Аллоҳ уни ботил қилур. Зе-ро, Аллоҳ бузғунчи кимсаларнинг ишини ўнгламайди”, деди”.

Яъни, Мусо сеҳргарларга қилган ишларини истехзо қилиш маъносиди:

– Эй сеҳргарлар, сизлар қилган ҳунар – бу сеҳрнинг айнан ўзи, мен олиб келган нарса эса, анави Фиръавн ва унинг издошлари айтаётганидек, “аниқ сеҳр” эмас. Ҳозир сизлар қилган сеҳрнинг таъсирини Аллоҳ таоло йўқ қилади ва унинг асарини одамлар қал-бидан буткул ўчиради. Зеро, ер юзида фасод ишлар қилувчи, ислоҳ қилишни хушламайдиган кимсаларнинг қилмишлари Аллоҳ тарафидан барбод қилингусидир!

“Ва гарчи жиноятчи кимсалар истамасалар-да, Аллоҳ Ўз сўзлари билан ҳақиқатни рўёбга чиқаради”. Ушбу оят ҳақ ва ботил, ислоҳ ва фасод ўртасидаги жангда Аллоҳ таоло қандай тақдир қилишини таъкидламоқда.

Яъни, Аллоҳ таолонинг тақдири азалийси шуни тақозо этадики, У Зот бузғунчи-муфсидларнинг қилаётган ишларини ўнгла-майди, балки уларни ботил қилиб, бекор кетказди. Аксинча, Аллоҳ ҳақни рўёбга чиқаради, уни қувватлайди ва собитқадам қилади. Осий-гуноҳкор кимсалар хоҳламаганлари билан Аллоҳ таолонинг иродаси ва хоҳиши амалга ошмай қолмайди. У Зот: **“Бўл!”**, деган нарса, албатта, бўлади.

Шундай қилиб, Мусо (алайҳиссалом) ва сеҳргарлар ўртасида кечган кураш Ҳақнинг ғалабаси ва ботилнинг мағлубияти ҳамда сеҳргарларнинг ҳақиқий имон неъматига мушарраф бўлишлари билан ниҳоя топди.

Мусо (алайҳиссалом)нинг сеҳргарлар устидан зафар қучиб, улар ҳам имонга дохил бўлишгач, Фиръавн ва аъёнларининг Бани Исроил қавмига нисбатан жабр-зулмларининг кучайиши

Лаънати Фиръавннинг Мусо (алайҳиссалом) ва Бани Исроил қавмига қилган таҳдидлари Қуръони каримнинг бир неча сурасида келтирилган. Жумладан, Аъроф сурасида Аллоҳ таоло шундай хабар қилади:

Фиръавн қавмидан бўлган одамлар: “(Эй Фиръавн), Мусо ва қавмининг Ерда бузғунчилик қилиб юришига ҳамда сени ва худоларингни тарк этишига қўйиб берасанми?!” дейиш-ганида, у деди: **“Уларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдирамиз. Албатта, биз уларнинг устидан ғолибдир-миз”**. Мусо қавмига деди: **“Аллоҳдан мадад тилаб, сабр-то-қат қилингиз! Бу ер, шак-**

шубҳасиз, Аллоҳникидир. Уни Ўзи хоҳ-лаган бандаларига мерос қилиб берур. Оқибат-натижа эса тақводорларники бўлур”. Улар айтдилар: “Сен бизга келишингдан илгари ҳам, сен келганингдан кейин ҳам озор кўрдик”. У (Мусо) деди: “Шояд Парвардигорингиз душманларингизни ҳалок этиб, сизларни бу ерга халифа қилса ва қандай амаллар қилишингизни кўрса” (*Аъроф*, 127–129).

Туғён ва имон ўртасидаги жангда ўзининг ботил эътиқоди ва амаллари билан мағлубият аламини тотиб кўрган Фиръавн қав-мининг кибор ва шарафли кишилари уни оёққа турғазиш ва сергак тортириш мақсадида:

– Сен Мусо ва қавмини мамлакатингда эмин-эркин юриб, одамларни ўз динларига ва қўл остиларига киргазишларига жим қараб тураверасанми? Бундай кетишда улар сендан ўзиб кетиб, сени ҳокимиятдан ҳам маҳрум қиладилар-ку! – дейишди.

Ривоят қилинишича, сеҳргарлар мусулмон бўлишгач, уларга эргашиб яна кўплаб одамлар ҳам имонга мушарраф бўладилар. Шунда Фиръавн қавмидан бўлган зодагонлар уни юқоридаги сўзлар билан маломат қиладилар.

“Сени ва худоларингни тарк этишига...” Яъни, уларни Мусо ва Ҳоруннинг раббисига ибодат қилиб, сени в сенга ибодат қи-лишни тарк этсалар ҳам индамай қараб тураверасанми? Агар иш шу йўсинда давом этадиган бўлса, шубҳасиз, тез орада одамлар сени ожиз ва нотавон деб тан оладилар ҳамда унда бутун бошли салтанатинг ҳам тагидан зил кетади!

Суддий айтади: “Фиръавн қавми ибодат қилишлари учун ки-чик ҳажмдаги бут-санамларни ясаб олиб, ўзини эса “энг олий пар-вардигор” деб атаган эди”.

Улар Фиръавнга юқоридаги сўзлар билан хитоб қилиб, унга ҳокимият, мулк ва шарафдан маҳрум бўлиши эҳтимоли борлигини айтиб, огоҳлантиришгач, Фиръавн уларга қарата деди: **“Уларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдирамиз. Албатта, биз уларнинг устидан ғолибдирмиз”**.

Яъни, эй аъёнларим, сиз Мусо қавмидан кўркманглар! Чунки уларга бас келиш мен учун иш эмас! Уларнинг бошларига яна ав-валги кунларини соламиз – ўғил болаларини ўлдириб, қиз-ларни тирик қолдирамиз! Биз ҳали-ҳануз ўша-ўшамиз, зиғирча ўзгарганимиз йўқ, уларнинг устидан мутлақ ғолибмиз. Улар кучсиз, биз эса кучлимиз, улар хор, биз эса азизмиз!

Фиръавн қавмидан бўлган одамлар айтаётган сўзлар туғён-нинг энг чўққисига чиққан кимсалардангина чиқадиغان манфур бир сўздир. Уларнинг фикрича, ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қи-лишга чақириш ер юзида бузғунчилик қилиш саналарди. Чунки айнан Мусо даъват қилаётган диндаги эътиқод бўйича, улар мол-мулк-лари ва сохта хурмат-эътиборларидан маҳрум бўлар, одамларнинг эса озод ва хур яшашлари таъминланар, мана бу фосиқлар кўрқаётганларидек одамлар Ҳақни ботилдан ажрата олишлари учун маърифат кўзлари очилар эди. Шу сабаб ҳам улар Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом)ларнинг даъватларини хушла-мадилар ва уни бузғунчилик қилиш дея талқин қилдилар.

Фиръавн оғзидан чиқаётган сўзлар эса энг исёнкор, кофир ва мутакаббир кимсаларнинг сўзларидир. Аъёнлар унинг моддий қувватига, зулм-ситам ва шахсий манфаат асосига қурилган сал-танатига ишониб, ўзларини бу “кулфат”лардан омонда сақла-моқчи эдилар.

Золим Фиръавн томонидан қилинган таҳдидлар кўп ўтмай Мусо ва қавмининг кулоғига ҳам етиб бориб, улар кўркув ва саросима ичида қолдилар, кўз ўнгиларида ўтмишда содир бўлган оғир зулм ва ситамлар гавдаланди.

Хўш, қавмининг йўлбошчиси бўлган Мусо (алайҳиссалом) қав-мини бундай оғир ахволдан чиқариш учун нима қила олди? У, аввало, бу таҳдидларга эътибор бермади. Гўёки бу таҳдидларни бўш идиш ичидан чиқаётган овозга ўхшатиб, ўз ишида давом этди. Мусо қавмини сабр қилишга чақириб, кунни келиб, албатта, ғалаба байроғини кўтаришларини айтиб ўтди:

“Аллоҳдан мадад тилаб, сабр-тоқат қилингиз! Бу ер, шак-шубҳасиз, Аллоҳникидир. Уни Ўзи хоҳлаган бандаларига ме-рос қилиб берур. Оқибат-натижа эса тақводорларники бўлур”.

Яъни, эй қавмим, ҳар бир ҳолатда Аллоҳдан ёрдам сўранглар ва бошингизга ёғилажак кулфат-балоларга сабр қилинглар! Зе-ро, мана шу ер Фиръавники ҳам, унинг одамлариники ҳам эмас, бал-ки оламлар Рабби Аллоҳнинг мулкидир ва У Зот бан-дала-ридан кимга хоҳласа, уни ўша бандасига беради. Чиройли ниҳоя топиш ва хайрли оқибат фақат Аллоҳдан кўрқиб, қалбида Ундан ўзгадан зиғирча кўрқув ҳисси бўлмаган тақводор бандаларгагина хосдир!

Мусо (алайҳиссалом) қавми Бани Исроилга пайғамбарларга хос услубда, таъсирли қилиб, ҳикматли панд-насихатлар билан ваъз қилди. Хўш, улар бу даъватларга қандай жавоб қилдилар? Қавмининг жавоби уларнинг ҳали-ҳануз жоҳил эканликларидан далолат қилиб турибди: **Улар айтдилар: “Сен бизга келишингдан илгари ҳам, сен келганингдан кейин ҳам озор кўрдик”.**

Яъни, эй Мусо, сен пайғамбар бўлиб келмасингдан олдин ҳам Фиръавн томонидан бизларга кўп жабр-ситама етган. Бу золим қанчадан-қанча гўдак ва навқирон ўғил болаларимизнинг умрига зомин бўлди ва яна турфа зулмлар билан бизларга озор берди. Сен пайғамбар бўлиб келганингдан кейин ҳам, ўзинг кўриб турганингдек, ахволимиз ёмонлашса ёмонлашдики, яхшиланганича йўқ! Биз сенинг пайғамбарлигингдан бирон наф кўрмадик. Қачонгача бу бефойда насихатларингни эшитиб кун кечирамиз?!

Қавмининг бу жоҳилона сўзларига жавобан Мусо (алайҳисса-лом) деди: **“Шояд Парвардигорингиз душманларингизни ҳа-лок этиб, сизларни бу ерга халифа қилса...”.**

Яъни, умид қиламанки, сизлар учун ашаддий рақиб бўлган, сизларга нисбатан хоҳлаган ишини қилиб, кун бермаётган Фиръавни Аллоҳ таоло ҳалок қилади ва унинг ўлимидан кейин сиз-лар мана шу ерга ўринбосар бўлиб қоласизлар!

“...ва қандай амаллар қилишингизни кўрса”. Яъни, Аллоҳ таоло сизлар қилаётган ҳар бир амални – яхшисини ҳам, ёмонини ҳам кўриб туради ва шунга яраша сизларни қиёмат кунинда ҳисоб қилади. Бу ер сизларга шунчаликка эмас, балки синов ва имтиҳон учун берилади. Агар яхши амал қилиб, шукр қилсангиз, Аллоҳ Ўз фазлидан яна зиёда қилади. Агар гуноҳ-маъсиятга ботсангиз, у ҳолда тақдирингиз душманларингиз тақдиридан ҳеч ҳам қолишмас!

Ояти каримада келаётган “шояд” сўзи Мусо (алайҳиссалом)-нинг Аллоҳ таоло билан жуда юксак одобда муомала қилганидан дарак беради. Бу билан у, шунингдек, қавмига Раббилари билан қандоқ тарзда муомала қилиш лозимлигини ҳам таълим бер-моқда. Қолаверса, уларни ўзига ишонишга ундаб, солих амалларни тарк этишдан қайтармоқда. Акс ҳолда, агар Мусо уларга ваъда қилинган нарсаларни аниқ келишини айтадиган бўлса, улар фақат шу нарсагагина суяниб қолиб, солих амал ва яхшилик-ларни қилмай қўйишлари ёки сусткашликка йўл қўйишлари мумкин эди.

Баъзилар: “Мусонинг ушбу сўзларни “умид, тилак” маъносида айтишига сабаб қавм узоқ муддат Фиръавннинг қўл остида бўлиб, уни ва салтанатини эъзозлашлари, Мусо айтаётган сўзларни эса эришиш мушкул бўлган хомхаёл, деб уни ёлғончига чиқаришлари эҳтимоли бўлгани эди. Чунки қавмнинг руҳий ва имоний ҳолати ҳам кучсиз эди,” деб айтишган.

Ғофир сурасида Фиръавн ва аъёнларининг Мусо (алайҳис-салом) ва қавмидан бўлган мўминларга қилган қуруқ тухмат-лари ва заҳархандалик билан қилган таҳдидлари келтирилган. Шунингдек, бу ердан Мусо (алайҳиссалом)нинг Рабби азза ва жал-лага хушу билан қилган дуоси ҳам ўрин олган. Қисса Аллоҳ тао-лонинг куйидаги ояти билан бошланади:

Аниқки, Биз Мусони Ўз оят-мўъжизаларимиз ва очик ҳужжат билан Фиръавн, Ҳомон ва Қорунга юборганимизда, улар: “(Бу Мусо) ёлғончи сеҳргардир”, дедилар. Энди қачонки уларга Бизнинг хузуримиздан ҳақ билан келганида, улар: “У билан бирга бўлган мўминларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдиригиз!”, дедилар. (Лекин) кофирлар-нинг макр-хийлалари, албатта, залолатдадир. Фиръавн деди: “Мени қўйинглар, Мусони ўлдирай. (Қани) у парвардигорига дуо-илтижо қилсин-чи. Дарҳақиқат, мен (Мусо) сизлар-нинг динингизни ўзгартириб юборишидан ёки ер юзида буз-ғун-чилик авж олдиришидан қўрқмоқдаман”. Мусо айтди: “Албатта, мен Парвардигорим ва Парвардигорингиздан ҳи-соб-китоб кунига имон келтирмайдиган барча мутақаббирдан паноҳ сўраганман” (*Ғофир, 23–27*).

Бу ердаги “очик ҳужжат”дан мурод Фиръавн билан бўладиган аёвсиз жангда Мусо (алайҳиссалом)га қўл келадиган, ғолиб бўли-шига ёрдам берадиган кучли, айни пайтда асосли далил ва ҳуж-жатлар эди.

Яъни, Биз Мусога фазли карамимиз ва қудратимиз билан очик мўъжизаларни бердик. Шунингдек, унга дин душманларини барбод қилиб, ҳалок этиши учун кучли ҳужжатларни ато этдик.

“Фиръавн, Ҳомон ва Қорунга...”. Бу Аллоҳ таоло Мусо (алай-ҳиссалом)ни кимларга юборганини баён қилиб келмоқда.

“Фиръавн” қадимда Миср подшоҳларининг номи бўлган. Бу ердаги Фиръавндан мурод Мусо (алайҳиссалом) замонида яшаб ўтган, ўта золим подшоҳ сифатида танилган Менфтоҳ ибн Рам-зес II дир.

“Ҳомон” Фиръавннинг вазири бўлган.

“Қорун” эса Мусо (алайҳиссалом) қавмидан бўлган бир бадавлат киши эди. Аллоҳ таоло унга жуда кўп миқдорда бойлик ва мол-мулк ато этганди, аммо у ношукр ва исёнкор бўлгани боис ўзини ва бутун бошли мол-дунёси ҳамда уй-жойларини ер ютади. (*Қорун қиссаси Қуръони каримнинг Қасас сураси, 76–82 оятларидан келтирилган. – Таржимон.*)

Аллоҳ таоло юқоридаги уч кишини хослаб зикр қилишига сабаб шуки, улар қавмнинг йўлбошчиси ва қавм наздида улуғ киши-лар эдилар. Шу билан бирга, улар тинмай Мусо (алай-ҳис-салом)га қарши турли-туман бўҳтон, тухмат, айблов ва макр-ҳийла-ларни ўйлаб топаверар ва уни амалга оширардилар. Қавм ҳам, худди ювош қўйлар каби ҳеч бир ақл юритмай уларга эргашиб кетаверарди.

“Улар: “(Бу Мусо) ёлғончи сеҳргардир”, дедилар”. Ушбу ояти каримада Мусо (алайҳиссалом) қавм тарафидан қандоқ васф қилингани айтилмоқда. Яъни, Биз

Мусони ростгўйлигимизга далолат қилувчи хужжатлар билан анави исёнкор кимсаларга юборганимизда, улар Мусо ҳақида:

– Албатта, у сеҳри билан одамларни алдамоқда, унинг: **“Мен оламлар Рабби томонидан юборилган пайғамбардирман”**, деган даъвоси ҳам ғирт ёлғон! – дедилар.

Шундай қилиб, имон ва куфр ўртасидаги биринчи тўқнашув-даёқ нодон қавм Аллоҳнинг мўъжизалари билан қуроқланган Мусо (алайҳиссалом)ни сеҳргар ва ёлғончига чиқаришди. Улар буни фақат бузғу адоват, ҳасад балосига гирифтор бўлганлик-лари ва дунёнинг бир озлик ўткинчи матоҳига ўта ташна бўлган-ликлари учунгина қилдилар. *(Яъни, улар, агар Мусо (алай-ҳиссалом)-га эргаишсалар, у биздан устун бўлиб олади, шунингдек, унинг динига кирсак, мол-дунёларимиздан ҳам айриламиз, деб ўйлашган. – Таржумон.)*

Мазкур нодон кимсалар Мусо (алайҳиссалом)ни “сеҳргар, ёлғончи” дейиш билан чекланиб қолмадилар. Ҳали уларнинг айнаган мияларида яна аллақандай бузуқ фикр ва режалар, маккорона ҳийлалар бор эди. Энди улар зулмнинг иккинчи босқичига ўтишди. Бу эса, аввалгисидан ҳам ашаддийроқ эди:

“Энди қачонки уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақ билан келганида, улар: “У билан бирга бўлган мўминларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдиришгиз!”, де-дилар”.

Яъни, Мусо (алайҳиссалом) уларнинг олдиларига бориб, Аллоҳ таоло буюрган нарсаларни айтиб, даъват қилганида, улар жоҳи-лона таҳдид билан:

– Мусо билан бирга имон келтирган, унинг динига кирган киши борки, ҳаммасининг ўғил чақалоқларини битта қўймай ўлдиришлар! Илло, қиз болаларни тирик қолдиришлар. Улар катта бўлишгач, сизларга оқсоч чўри бўладилар. Улар учун бундан ҳам улкан хорлик бўлмаса керак! – дедилар.

“Энди қачонки уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақ билан келганида...” ояти ушбу золимларнинг ҳар бирига даъват ва хитоблар етиб келганидан дарак беради. Улар ўзлари ҳақни талаб қилмадилар, балки Аллоҳ таоло раҳмати нишонаси сифатида пайғамбари Мусо (алайҳиссалом) орқали уларга Ҳақни юборди.

“У билан бирга бўлган мўминларнинг ўғилларини ўлди-риб, аёлларини тирик қолдиришгиз!” деб айтганлар Фиръавн қавмининг ашроф кишилари бўлишган. Уларнинг Мусо (алай-ҳиссалом) ва мўминларни кўришга кўзлари йўқ, жинлари суймас, аксинча, уларга қарши ҳар хил макр-ҳийлалар қилишарди. Улар Фиръавнга зулм қилиш ва адоват ўтказишни зийнатлаб кўр-сатишган.

Имом Розий айтади: “Бу қирғин Мусо (алайҳиссалом) туғилган вақтда амалга оширилган қирғин эмасди. Аввалги ўлди-ришга Фиръавнга мунажжимлар томонидан Бани Исроилдан бир бола чиқиб, уни ўлдириши ҳақида маълумот берилгани сабаб бўлган. Бу сафарги ўлдиришга сабаб шу эдики, Мусо (алай-ҳиссалом) уларга мўъжиза ва ҳақ калималар билан келиб, уларни Аллоҳ таолога имон келтиришга даъват қилади. Сўнгра Фиръавн, Мусо (алайҳиссалом) динига қираётганлар сони кў-паймаслиги ва кейинчалик улар кучайиб кетмасликлари учун имон келтирганларнинг чақалоқлари-ни ўлдиришга буюрган. Ўз-ўзидан маълумки, бирон-бир жамоанинг жисмоний ва ру-ҳий тарафдан

кучайишига аёллар эмас, балки айнан эркаклар сабабчи бўладилар. Фиръавннинг ўғил болаларни ўлдиришга қарор қилганининг сабаби ҳам шу эди аслида”.⁹⁰

“(Лекин) **кофирларнинг макр-хийлалари, албатта, залолатдадир**”. Бу жумлалар ҳар бир замон ва макондаги кофирлар шаънини пастга уриш, мўминлар қалбига, улар ҳақ йўлда сабот билан олға боришлари учун руҳ бағишлаш ва охиروқибат ғалаба фақат ва фақат мўминларгагина насиб бўлишини анг-латиш учун айтилган.

Яъни, кофирларнинг макр ва хийлалари узоққа бормайди. Улар мўминларга зиғирча ҳам зарар келтира олмаслар. Балки уларнинг йўллари залолат ва ботилдир.

Энди Фиръавн қалбини буткул маҳв этган кибр ва манманликнинг бошқа тарафи ҳақида ҳикоя қилинади: **Фиръавн деди: “Мени қўйинглар, Мусони ўлдирай”**.

Яъни, Фиръавн ўзининг аъёнлари ва маслаҳатгўй хос киши-ларига қарата:

– Мусони мен билан бирга-бир қўйиб беринглар! Мен уни бир ёқлик қилай! Шунда унинг бузғунчи ва зарарли сўзларидан мен ҳам, сизлар ҳам халос бўламиз.

Ояти кариманинг маъносига қараганда, Фиръавннинг Мусо (алайҳиссалом)га шитоб билан қарши чиқишига аъёнлари томонидан монелик бўлган. Чунки Фиръавн атрофидаги одамлар Мусони ўлдириш билан иш битмаслиги, бу нарса уларнинг ғам-ташвиш ва кулфатдан халос бўлиб, беҳавотир ҳаёт кечириш-ла-рини таъминлай олмаслигини билар эдилар. Сабаби уларнинг аксарият қисми Мусо (алайҳиссалом) ҳақ устида эканини яхши тушуниб етган ёки улар Мусо (алайҳиссалом)ни ўлдириш сабабли бошларига сўнгсиз кулфатлар ёғилишини билишган ёки бўл-маса улар Мусо (алайҳиссалом) ҳақ эканини била туриб, Фиръавндан кўрққанлари боис буни очик изҳор эта олмаганлар.

“(Қани) **у парвардигорига дуо-илтижо қилсин-чи**”. Бу Фиръавн Мусо (алайҳиссалом)ни ўлдиришдан умуман чўчима-ганли-гини англатади. Чунки у кофир эди ва Мусога ҳам, унинг Раббига ҳам эътибор бермасди, ўзича.

Ояти каримадан Фиръавннинг фожирлик, мутакаббирлик ва истехзо билан ҳақ устидан кулганини англаб оламиз. Гўёки у:

– Аниқки, мен Мусони ўлдираман! Қани раббига дуо қилиб, менинг азобимдан кутула олармикан, – деяётгандек.

Сўнгра Фиръавн Мусони ўлдиришидан мақсад фақат одам-лар ва аъёнларининг манфаатлари ҳақида қайғураётгани эканини айтиб, шундай дейди:

“**Дарҳақиқат, мен (Мусо) сизларнинг динингизни ўзгарти-риб юборишидан ёки ер юзида бузғунчилик авж олдиришидан кўрқмоқдаман**”.

Яъни, мени ўз ҳолимга қўйинглар, Мусони ўлдирай! Агар ҳо-зир уни бир ёқлик қилмасам, аниқки у сизлар неча асрлардан бери сиғиниб келаётган динингизни ўзга бир динга алмаштиради ёки сизлар яшаб келаётган Ерда фитна оловини ёқиб, одамлар орасида адоват уруғини сочиш ва дин ҳамда дунёларингиз учун зарарли бўлган ишларни қилиш орқали фасод ишларни амалга оширади.

Дунё яратилибдики, ҳар бир замон ва макондаги исёнкор, маккор, кофир кимсаларнинг тутган йўли шу. Улар ўзларининг ботил куроллари билан ҳақни уриб енгмоқчи бўладилар. Сўнгра кўпчиликка баралла “бу ишларни фақат сизларнинг манфаати-нгиз учун қилмоқдамиз” деб жар соладилар.

⁹⁰ “Тафсиру Фахр Розий”, 7-жуз, 302-бет.

Имом ар-Розий айтади: “Фиръавннинг бу сўзларни айтишидан мақсад, Мусо (алайҳиссалом)ни нима сабабдан ўлдиришга қа-рор қилганини билдириш эди. У ҳам бўлса, Мусо (алайҳис-салом)нинг ораларида мавжуд бўлиши дин ва дунёларига зарар келтириши эҳтимоли борлиги эди. Динга зарари шуки, ушбу жоҳил қавм эътиқодича, фақат ўзлари сиғиниб келаётган дингина ҳақ, бош-қаси ботил эди. Қачонки Мусо (алайҳиссалом) уларнинг бузуқ эътиқодларини тузатиб, ваҳдониятга – Якка Аллоҳнигина тан олиб, чин имон келтириб, фақат У Зотгагина ибодат қилишга даъват қилганида, улар “Мусо бизнинг ҳақ динни бузмокчи бўлаяпти”, деб ваҳима тарқатдилар.

Дунёларига келтирадиган зарари шундан иборат эдики, улар агар Мусо (алайҳиссалом)нинг йўриғига юрадиган бўлишса, у ҳолда барча тоифалар бир киши кўл остида бирлашиши, жамоат бўлиб бир илоҳга ибодат қилишлари лозим эди. Аммо бу нарса, улар-нинг эътиқодича, хусуматнинг келиб чиқиши ва кишилар орасида фитна оралашига сабаб бўлар эди”.

Фиръавн қавми мол-дунёларидан ҳам кўра ўзларининг ботил эътиқодларига содик эдилар. Шунинг учун у, аввал динни зикр қилди: “**Дарҳақиқат, мен (Мусо) сизларнинг динингизни ўзгартириб юборишидан...**”, сўнгра дунёларига етадиган зиённи эслатиб ўтди: “**... ёки ер юзида бузғунчилик авж олдиришидан кўркмокдаман**”.⁹¹

Мусо (алайҳиссалом) Фиръавннинг куракда турмайдиган сўз-лар билан қилган тухмат ва дўқ-пўписаларини мўминларга хос ҳалимлик ва одоб билан эшитиб, сўнгра шундай деди: “**Албатта, мен Парвардигорим ва Парвардигорингиздан ҳисоб-китоб кунига имон келтирмайдиган барча мутакаббирдан паноҳ сўраганман**”.

Яъни, Мусо (алайҳиссалом) қавмини ҳақ йўлда ҳар қандай азият ва жоҳил кишиларнинг озорларига сабр қилишга чақириб, собитқадам бўлишга ундаб деди:

– Эй қавмим, мен Раббим ва Раббингиздан имон келтиришдан кибр қилган, қиёмат кунига – у кунда яхши амаллар қилганлар-га мукофот ва гуноҳ-маъсият эгаларига жазо берилишига ишон-майдиган кофир кимсаларнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман!

Мусо (алайҳиссалом) томонидан айтилаётган ушбу жўшқин сўзларда унинг имони кучлилиги, чин ишончи, Аллоҳ таолонинг ёрдамига таяниши, қавмининг манфаати ва имонга келишига ўта ташналиги кўриниб турибди. Шунингдек, мазкур оятлардан Ҳақ-дан юз ўгириш, қиёмат кунига ишонмай кўнгли тусаган ишни қилиб кетавериш қалбнинг моғор босиб, бора-бора қотиб қолиши ва инсон руҳиятининг хасталанишига сабаб бўладиган асосий ва бош омиллардан эканини билиб оламиз.

Фиръавн ва қавмининг турли мусибат ва кулфатларга дучор бўлиши ҳамда Мусо (алайҳиссалом)дан ўзларини бу қийинчиликдан чиқаришини сўраб Раббига дуо қилишини талаб этишлари

Аввалги бўлимда айтиб ўтилганидек, Мусо (алайҳиссалом) даъватига тиш-тирноғи билан қаршилиқ қилаётган қавм энди тузган манфур режаларини амалга ошира бошладилар – Бани Исроил қавмида туғилган ўғил чақалоқларни ўлдириб,

⁹¹ “Тафсиру Фахр Розий”, 7-жуз, 303-бет.

қиз болаларни тирик қолдирдилар ва яна турли-туман азият-зулмлар билан бечора қавм бошига не кунларни солмадилар. Бундай чексиз ва аёвсиз жабр-зулмларнинг охири кўринмагач, Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳ таолога дуо қилиб, Фиръавн ва қавмини муносиб жазолашини сўрайди. Аллоҳ таоло унинг дуосини ижобат қилиб, Фиръавн ва қавмини қаттиқ қийинчилик ва машақ-қатларга гирифтор қилади.

Бу ҳақда Аъроф сурасида қуйидаги хабарлар келган:

“Дарҳақиқат, Биз Фиръавн одамларини панд-насиҳат олишлари учун (қаҳатчилик) йиллари билан ва мева-чевалар-нинг ҳосилини камайтириш билан ушладик. Шундан кейин ҳам қачон уларга яхшилик келса, улар: “Бунга ўзимиз ҳақ-дормиз”, дейишди. Агар уларга бирон ёмонлик етиб қолса, Мусо ва у билан бирга бўлган кишилардан бадгумон бўлди-лар. Огоҳ бўлсинларки, албатта, уларнинг кўргуликлари фа-қат Аллоҳнинг ҳузуридандир. Лекин уларнинг кўплари (буни) билмайдилар. Улар (Мусога): “Сен бизларни сеҳрлаш учун қандай оят-мўъжиза келтирсанг ҳам биз сенга ҳаргиз имон келтиргувчи эмасмиз”, дедилар. Бас, Биз уларнинг устларига тўфон, чигиртка, бит, бақа ва қонни очик оят-мўъжизалар қилиб юбордик. (Лекин) улар кибру ҳаво қилдилар ва жинойтчи-осий қавм бўлдилар. Қачонки уларнинг устига бу азоб тушгач, улар: “Эй Мусо, Парвардигорингга, сенга берган ваъдаси ҳаққи ҳурмати, дуо қил! Қасамки, агар сен бизлардан шу азобни кўтарсанг, албатта, сенга имон келтирурмиз ва Бани Исроилни сен билан бирга жўнатурмиз”, дедилар. Энди Биз улардан бу азобимизни ўзлари етиб боргувчи бўлган муддатгача кўтарганимизда эса, баногоҳ бузиб турибдилар. Бас, Биз улардан интиқом олдик – оятларимизни ёлғон деганлари ва ундан ғофил бўлиб олганликлари сабабли Биз уларни де-нгизга ғарқ қилдик. Ўзимиз барокатли қилган ернинг Маш-риқ ва Мағрибларига бу бечора қавмни ворис қилиб қўйдик. (Эй Муҳаммад), сабр-тоқат қилганлари сабабли Бани Исро-илга Парвардигорингизнинг гўзал сўзлари тўла-тўқис бўлди. Фиръавн ва қавми ясаб-қуриб олган иморатларни ва баланд қилиб кўтарган қасрларни эса вайрон қилдик” (*Аъроф, 130—137*).

Яъни, Биз Фиръавн қавмини шояд ҳидоят топсалар, Аллоҳ олдида ўзларини ожиз бир банда эканликларини ҳис қилсалар, куфру исён зулматидан қайтиб, имон нури сари юрсалар, деб қа-ҳатчилик, қурғоқчилик ва меваларни камайтириш билан синаб кўрдик. Зеро, мусибат ва қийинчиликлар қалбни юмшатади, нафс-ни жиловлайди, Аллоҳга дуо қилишга ундайди, ҳушёрлик, тафаккур ва ўзини тергашга ундайди.

Лекин... қалби кўр, кўзини зулмат пардаси босган бу қавмга бундай мусибатлар ҳам кор қилмади. Улар отдан тушсалар ҳам, эгардан тушмас эдилар. Балки куфрларига яна куфр зиёда бўлди:

“Шундан кейин ҳам қачон уларга яхшилик келса, улар: “Бунга ўзимиз ҳақдормиз”, дейишди”.

Яъни, агар уларга бирон яхшилик, неъмат, фаровонлик ва кенг-лик етса, улар гурур ва мақтанчоқлик билан:

– Бу яхшиликлар бизларга ўзимиз туфайли етди. Бас, бу нарсалар бизники ва биз уларга бошқалардан кўра ҳақдормиз. Чун-ки биз бу ердан оғир меҳнат қилиб, кучимизни сарфлаганмиз, – дедилар.

Бирок бу ношукр кимсалар ўзларига келаётган энг кичик бир неъмат ҳам Аллоҳ таоло даргоҳидан экани ва У Зотнинг фазлу марҳамати сифатида уларга берилганини билишмас ва шу сабаб инъом этилган неъматларга шукр қилишмасди.

“Агар уларга бирон ёмонлик етиб қолса, Мусо ва у билан бирга бўлган кишилардан бадгумон бўлдилар”.

Яъни, агар уларнинг аҳволлари оғирлашса, қаҳатчиликка ду-чор бўлсалар ёки жонлари ва молларига талафот етса Мусо ва у билан бирга имон келтирган кишилардан шумландилар ва:

– Шулар туфайли бошимизга балолар ёғилмоқда. Агар улар бўлмаганида, бундай кийинчиликлар қайда эди?! – дейишди.

“Огоҳ бўлсинларки, албатта, уларнинг кўргуликлари фа-қат Аллоҳнинг хузуридандир”.

Бу қавмнинг хурофот ва ботил эътиқодларига берилган қат-тиқ зарба бўлиб, уларни огоҳ бўлишга, бундай бузуқ ақида ва бидъатлардан узоқ юришга чақирилмоқда.

Яъни, уларнинг шумланишларига сабаб Аллоҳ даргоҳида ёзиб қўйилган ёмон амаллари эди. Ана шу нарса уларнинг бошига бало ёғилишига сабаб бўлди. Балки бунга, улар даъво қи-лаётганларидек, Мусо ва атрофидаги мўминлар сабабчи бўл-ган-лари йўқ. Аммо уларнинг кўплари бу ҳақиқатни билмайдилар, улар фақат ҳавойи нафс-лари измига кириб, ҳар қандай шум ва гумон сўзларни айтдилар.

Куйида келтириладиган сўзлар ҳам улар ҳали-ҳамон ўз залолатларида тентираб, зулмат аро кезиб юрганликларидан далолат қилади: **Улар (Мусога): “Сен бизларни сеҳрлаш учун қандай оят-мўъжиза келтирсанг ҳам биз сенга ҳаргиз имон келтиргувчи эмасмиз”, дедилар.**

Яъни, Фиръавн қавмидан бўлган ашроф кишилар Мусо (алай-ҳиссалом)нинг ҳақ пайғамбар эканини кўришгач, дедилар:

– Эй Мусо, сен бизларни динимиздан чиқариш учун қандай мўъжиза келтирма, биз барибир сенга имон келтирмаймиз ва рисолатингга эргашмаймиз! Бизнинг мўмин бўлишимиздан умидингни уз! Имонга мушарраф бўлишимиздан ҳеч ҳам хомтаъма бўлмай кўяқол!

Қавм айтаётган ушбу сўзлардан уларнинг қанчалик ўжар, мутақаббир ва кофир эканликларини билиб оламиз. Улар оёқ тираб олиб, ўзларининг ботил эътиқодларига содиқ қолишмоқчи ва Мусо (алайҳиссалом) бундан минг даража кучли хужжат келтирса ҳам, унга имон келтирмоқчи эмаслар. Бундан ҳам бадтар жо-ҳиллик, нодонлик бўладими?! Ушбу кимсаларнинг қалб-лари тошдек қаттиқ, руҳий оламлари бузилган ва шуурлари ўтмас-лашиб қолганди. Улар тафаккур қилиш ва ақл юритишдек улуғ неъматдан бебаҳра қолган бечоралар бўлиб, ўзларига бегона кў-ринган нимаики бўлса, у ҳақми ёки ботилми, ҳеч бир иккиланмай ўша заҳотиёқ инкор қилиб юбораверардилар.

Аммо уларнинг бу қилмишлари ўз ҳолича қолгани йўқ. Адолатли бўлган Зот Аллоҳ таоло уларга муносиб жазоларини бер-ди: **“Бас, Биз уларнинг устларига тўфон, чигиртка, бит, бақа ва қонни очиқ оят-мўъжизалар қилиб юбордик. (Лекин) улар киб-ру ҳа-во қилдилар ва жинойтчи-осий қавм бўлдилар”.**

Яъни, Биз бу кофир кимсаларнинг устларига тўфон ва селни юбордик ҳамда у барча экинзору боғ-роғларни барбод қилди.

Уларнинг устларига чигиртка юбордик. У экин, мева ва ўсим-ликларни еб битирди, қуруқ даланинг ўзи қолди.

Уларнинг устига битни ҳам юбордик. У қавмга кўп озор ва заҳ-мат етказди. Шунингдек, уларнинг устига қурбақани ҳам юбордик. Улар анҳор ва кўллардан қуруқликка кўтарилиб, уларнинг ер майдонларини босиб кетди, уйларию ўрин-тўшақлари қур-бақалар билан тўлди.

Бундан ташқари уларга қонни юбордик. Дарёларида сув би-лан кўшилиб қон окди ва натижада кўплаб балиқлар нобуд бўлди.

Баъзилар: “Бу ердаги “қон”дан мурод уларнинг бурунларидан оққан қон”, деб айтишган.

Бу азобу уқубатларнинг тушиши бежиз эмасди, балки Аллоҳ таоло ўша нобакор кимсаларнинг фисқу фужурлари, Раббиларига исёнлари ва У Зотнинг пайғамбарини ёлғончи қилганлари боис шундай кулфатларга йўлиққан эдилар.

Бундай азобни кўтара олмаган қавм мунофиқларча Мусо (алай-ҳиссалом) олдига шошилдилар ва ундан мадад кутдилар. Бу ҳақда шундай дейилади: **“Қачонки уларнинг устига бу азоб туш-гач, улар: “Эй Мусо, Парвардигорингга, сенга берган ваъдаси ҳаққи ҳурмати, дуо қил! Қасамки, агар сен бизлардан шу азоб-ни кўтарсанг, албатта, сенга имон келтирурмиз ва Бани Исроилни сен билан бирга жўнатурмиз”, дедилар”**.

Қавм бошига тушган қаттиқ кулфат уларнинг асл қиёфасини очиб берди. Уларнинг мунофиқликларини тушунтиришга ҳожат бўлмаса керак!

Сўнгра кофир кимсаларга хос бўлган маккорлик ва исён ҳа-қи-да айтиб ўтилади: **“Энди Биз улардан бу азобимизни ўзла-ри етиб боргувчи бўлган муддатгача кўтарганимизда эса, баногоҳ бузиб турибдилар”**.

Яъни, Биз улардан маълум муддатгача – денгизда ғарқ бўл-гунларигача ажалларини кечиктириб, улардан азобни даф қилга-нимизда, улар берган ваъдаларини бузиб, яна ўзларининг исён ва шаккоклик йўлларида давом этдилар. Натижада ботил йўлнинг “содик қурбон”ларига айландилар.

(Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон Зот, тавба қилсалар кечиради. Аммо... тавба юзаки бўлса, бирон манфаат ёки моддиятга суянган бўлса, ундай тавба инобатга олинмайди ва Аллоҳ таоло энди ўша бандани ҳам олдинги гуноҳи, ҳам кейин қилган маъсиятлари учун азоблайди. – Таржимон.)

Энди уларнинг ҳаёт чироқларини ўчишига сабаб бўладиган мусибат тушди. Бунга берган ваъдаларини бузишлари, Аллоҳ-нинг оятларини ёлғонга чиқаришлари ва куфру исёнлари сабаб бўлди. Уларнинг дунёдаги сўнгги азоблари қандай бўлганини келаси оятдан билиб оламиз: **“Бас, Биз улардан интиқом ол-дик – оятларимизни ёлғон деганлари ва ундан ғофил бўлиб ол-ганликлари сабабли Биз уларни денгизга ғарқ қилдик”**.

Яъни, улар Аллоҳнинг мўъжизалари ҳақида ўйлаб кўрмас, ундан ўзлари учун панд-насихат олмасдилар. Улар ғофил ҳолда бўлдилар. Шу сабаб Биз уларни денгизга ғарқ қилдик.

Қуръони карим бу ерда Фиръавн ва жамоасининг ғарқ қили-нишини умумий ва қисқа тарзда келтирмоқда. Бошқа ўринларда у батафсил ёритилган. Қиссанинг шу ерида нима сабабдан ғарқ қилиниш қисқа берилганининг сабабини айтадиган бўлсак, мазкур оятда узоқ муддат имконият берилган кофир қавмлардан интиқом олиниши аянчли суратда баён қилинмоқда. Бундай хо-латда узундан-узун маълумотларга

хожат йўқ, балки қисқа ва аниқ иборалар билан уларнинг бошларига қандай азоб тушгани айтилмоқда. Айнан шундай усул қўлланилса, қиссанинг кишиларга таъсири кўпроқ бўлади ва улар ўзларига тегишли хулосалар чиқариб оладилар.

Аввал баён қилганимиздек, мана шундай усул, айниқса Аъроф сурасида устунлик қилади. Мазкур сурада исёнкорлар қал-бини ларзага келтирадиган, киши нафсида Аллоҳдан кўр-қиш хиссини уйғотадиган хабарлар ўрин олган.

Фиръавн ва у билан бирга ҳамтовоқлик қилганлар ҳаётига сўнгги нуқта қўйилди. Энди Аллоҳ тарафидан Бани Исроилга кўр-сатилган фазлу карам ҳақида айтилади: **“Ўзимиз баракотли қилган ернинг Машриқ ва Мағрибларига бу бечора қавми ворис қилиб қўйдик”**.

Яъни, Мисрда Фиръавн ва унинг одамларидан зулм кўрган, ўғил чақалоқлари ўлдирилган, яна кўп турдаги қийноқларни бошидан кечирган бу мазлум қавмга, улар тўғри йўлдан тойиб, адашиб кетмасларидан илгари, Биз фаровонлик ва тўқинчилик билан муборак қилган Шом ерларининг шарқ ва ғарб томонларини ато этдик. Бу ерда кўп пайғамбарлар ва солиҳ кишилар яшаб ўтган эдилар. Биз Бани Исроилга ушбу неъматларни фақат уларни синаш, имтиҳон қилиш учунгина бердик.

“Эй Муҳаммад), сабр-тоқат қилганлари сабабли Бани Ис-роилга Парвардигорингизнинг гўзал сўзлари тўла-тўқис бўл-ди”. Яъни, Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг ваъдаси тўлиқ бажа-рилди, Бани Исроилга душманлари устидан ғалаба қозониш насиб етди, Фиръавн одамларининг зулм-ситамларига сабр қилган-лари боис уларга Шом ерлари мулк қилиб берилди.

Ояти карима қуйидаги жумлалар билан ниҳоясига етади:

“Фиръавн ва қавми ясаб-қуриб олган иморатларни ва баланд қилиб кўтарган қасрларни эса вайрон қилдик”.

Яъни, улар қурган ҳашаматли, пойдевори мустаҳкам бўлган қаср ва баланд биноларни, барпо этган боғу роғларининг барча-сини вайрон қилдик.

Зухруф сурасида ҳам Мусо (алайҳиссалом), Фиръавн ва одам-ларининг қиссаси ҳикоя қилиниб, шундай дейилади:

“Аниқки, Биз Мусони Ўз оят-мўъжизаларимиз билан Фиръавн ва унинг одамларига юбордик. Бас, у: “Албатта, мен барча оламлар Парвардигорининг пайғамбаридирман”, деди. Энди қачонки у Бизнинг оят-мўъжизаларимизни унга келтиргач, баногоҳ улар устидан кула бошладилар. Биз уларга бирон оят кўрсатсак, албатта, у шеригидан улуғроқ-даҳшатлироқ бўлур эди. Шояд қайтсалар деб Биз уларни азоб билан ушладик. Улар: “Эй сеҳргар, сенга берган ваъдаси ҳаққи-хурмати Парвардигорингга бизлар учун дуо қил, албатта, бизлар хидоят топгувчилармиз”, дедилар. Энди қа-чонки Биз улардан азобни аритсак, баногоҳ улар буза бошладилар. Ва Фиръавн ўз қавмига жар солиб, деди: “Эй қавмим, Миср подшоҳлиги ва мана бу остимдан оқиб турган дарёлар менинг (мулким) эмасми?! Ахир кўрмаяпсизларми?! Балки мен мана бу хор бўлган ва очик баён қила олмайдиган кимсадан яхшироқдирман?! Бас, унга олтиндан бўлган билаг-узуклар ташланганида эди ёки у билан бирга фаришталар ҳамроҳ бўлиб келганида эди...?! Бас, у ўз қавмини тезлатган эди, улар унга итоат этдилар. Дарҳақиқат, улар фосиқ қавм эдилар. Энди қачонки улар Бизни дарғазаб қилишгач, Биз улардан интиқом олдик – уларнинг барчаларини ғарқ қилиб юбордик. Бас, уларни кейингилар учун ўтмиш-ибрат ва мисол қилиб қўйдик” (Зухруф, 46–56).

Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳ таоло тарафидан Фиръавн ва қав-мига илоҳий мўъжизалар билан у қавмни фақат Аллоҳгагина ибодат қилиб, куфр ва ширк иллатларидан тозалаш учун юборилди.

“Энди қачонки у Бизнинг оят-мўъжизаларимизни унга келтиргач, баногоҳ улар устидан кула бошладилар”. Яъни, Мусо (алайҳиссалом) уларга Аллоҳнинг чексиз қудратига далолат қилувчи мўъжизаларни олиб келганида, улар ҳеч фикр юритмай, нодонларча уни мазах қилиб, устидан кулдилар.

“Биз уларга бирон оят кўрсатсак, албатта, у шеригидан улўғроқ-дахшатлироқ бўлур эди”. Бу уларнинг қалби тошдек қотиб кетгани ва илоҳий мўъжизалардан зиғирча таъсир-лан-ма-ган-ларидан дарак беради.

Ушбу ояти каримадан билиш мумкинки, Мусо (алайҳиссалом)-га Рабби томонидан бир эмас, бир нечта мўъжизалар берилган (*Мақсад қавмни ҳидоят йўлига жалб қилиш ва уларни жаҳолат зулматидан олиб чиқиш эди. Лекин улар ақл юритиб имон келтириш ўр-нига, ўз ҳавоий нафсларига эргашиб кофир бўлдилар, мўъжизаларни масхара қилиб, камситдилар. – Таржимон.*)

“Шояд қайтсалар деб Биз уларни азоб билан ушладик”.

Яъни, улар куфр ва гуноҳ ишларда қаттиқ туриб олганлик-ла-ри учун шояд шу йўлдан қайтсалар деб, Биз уларни қаттиқ дунё-вий азоб билан жазоладик. Лекин улар шунда ҳам қайтмадилар.

Бу ердаги “азоб”дан мурод мана шу ўтқинчи дунёдаги қи-йинчилик ва машаққатлардир. Бунга бошқа оятда ҳам ишора қилинган: **“Бас, Биз уларнинг устларига тўфон, чигиртка, бит, бақа ва қонни очик оят-мўъжизалар қилиб юбордик.** (Лекин) улар кибру ҳаво қилдилар ва жиноятчи-осий қавм бўлдилар” (*Аъроф, 133*).

Фиръавн қавмининг устига оғир азоб ва қийинчиликлар тушди. Улар не қиларларини билмай, ахири Мусо (алайҳиссалом)га ялина бошладилар: **“Эй сеҳргар, сенга берган ваъдаси ҳаққи-ҳурмати Парвардигорингга бизлар учун дуо қил, албатта, бизлар ҳидоят топгувчидирмиз”**, дедилар.

Яъни, улар Мусо (алайҳиссалом)га ўтиниб, ўзларини бечора-ҳол кўрсатиб, маккорлик ва сохта ҳурмат кўрсатгандек қилиб, дедилар:

– Ўз сеҳри ва илми билан бизлардан устун келган эй моҳир сеҳргар, пайғамбарлик билан сенга берган ваъдаси ҳурмати бизлар учун дуо қилиб, раббингдан сўрагинки, у бизлардан ушбу азобни бутунлай аритсин! Шунда биз сенга имон келтирамиз, айтганларингни қилиб, қайтарган ишларингдан четланамиз!

Қавмининг имонга келиши учун ўта ҳарисманд бўлган Мусо (алайҳиссалом) улардан бу сўзларни эшитиб, қалби қувонч-га тўлди ва Аллоҳ таолога дуо қилиб, улардан бу азоблар-ни кетка-зиши-ни сўради. Ихлос ила пайғамбари томонидан қилин-ган дуо Аллоҳ таоло тарафидан беижобат қолдирилмади. Лекин натижада нима бўлди? Аравалари лойдан ўтгач, қавмининг яна эски ўжарлиги тутиб қолди – улар аввалги кофирликларида давом этдилар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло айтади: **“Энди қачонки Биз улардан азобни аритсак, баногоҳ улар буза бошладилар”.**

Яъни, Биз улар бошига тушган қийинчиликларни кетказганимиздан сўнг, **“албатта, бизлар ҳидоят топгувчидирмиз”** деган ваъдаларини буздилар, имон келтирмадилар.

Юқоридаги ояти каримадан қавмга хос бўлган разил бир одат намоён бўлмоқда. Улар: **“Раббингга бизлар учун дуо қил”**, дедилар. Гўё Аллоҳ таоло уларнинг эмас, фақат ёлғиз Мусо (алай-ҳиссалом)нинг Раббисидек.

“Ва Фиръавн ўз қавмига жар солиб...” Яъни, Фиръавн қав-мининг кибор ва ашрофларини ҳузурига чорлаб, уларга деди:

“Эй қавмим, Миср подшоҳлиги ва мана бу остимдан оқиб турган дарёлар менинг (мулким) эмасми?! Ахир кўр-ма-япсизларми?!”

Яъни, Миср подшоҳлиги фақат менга тегишли, уни ҳеч ким мендан тортиб ололмайди, бирон кимса менинг амримга хилоф иш тутолмайди. Бундан ташқари, сизлар кўриб турган Нил дарёсидан келаётган мана шу дарёлар қасрим тагидан тинмай оқиб турибди. **“Ахир кўрмайсизларми?!”** Яъни, менинг куч-қудратим, салтанатимнинг кенглиги ва шаънимнинг улуғлиги-га далолат қилувчи белгиларни кўрмайяпсизларми, ахир?!

“Балки мен мана бу хор бўлган ва очиқ баён қила олмайдиган кимсадан яхшироқдирман?!” Бу ерда Фиръавн “мана бу” деганда Мусо (алайҳиссалом)ни назарда тутмоқда.

Яъни, устига-устак мен бу фақир, куч-қувват ва бойлик соҳиби бўлмаган, айна пайтда бир сўзни эплаб гапиролмайдиган, ичидагини тўғри тушунтириб беролмайдиган мана шу кимсадан яхшироқдирман!

“Бас, унга олтиндан бўлган билагузуклар ташланганида эди ёки у билан бирга фаришталар ҳамроҳ бўлиб келганида эди...?!”

Яъни, ҳақиқатан Мусо пайғамбар бўлганида ўзини олтиндан бўлган билагузуклар билан беагаган ёки бизларнинг олдимизга келганида унинг атрофини фаришталар ўраб олишар ва ўша фаришталар Мусо ростгўй пайғамбар экани тўғрисида гувоҳлик берган бўларди!

Фиръавн айтаётган бу сўзлар унинг ўта кетган тоғий, мағрур кимса бўлганидан, қавми эса заифлик ва нодонлик иллатига гирифтор эканлигидан дарак беради.

Ибн Касир (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Фиръавн (Аллоҳ-нинг лаънати бўлсин унга!) айтаётган ёлғон ва тухматдан иборат бўл-ган сўзларни айтишга уни фақатгина куфр ва нонкўрлик ундади. У Мусо (алайҳиссалом)га куфр кўзойнаги билан қараб, унда баъзи нуқсон ва камчиликларни кўрди. Ваҳоланки, Мусо ақл эгалари наздида ҳурматли, азиз ва хушсурат киши эди”.⁹²

“Бас, у ўз қавмини тезлатган эди, улар унга итоат этдилар”.

Яъни, Фиръавн Мусо (алайҳиссалом)га айтадиганини айтиб бўлгач, энди қавмига юзланиб, уларни ўзига ижобат қилишга ундади. Маънан сўқир бўлган ушбу қавм Фиръавн талабига “лаббай” деб жавоб қилишди. Ваҳоланки, улар Аллоҳнинг тоатидан чиққан фосиқ, ҳидоятдан залолатни устун кўювчи эдилар.

(Уларнинг гофилликлари, дунё ҳаётини Охиратдан афзал билишлари, гуноҳ-маъсиятга ботишлари изсиз кетгани йўқ, балки Аллоҳ таоло улардан ўз адли билан муносиб интиқом олди. – Таржимон.)

“Энди қачонки улар Бизни дарғазаб қилишгач, Биз улардан интиқом олдик – уларнинг барчаларини ғарқ қилиб юбордик. Бас, уларни кейингилар учун ўтмиш-ибрат ва мисол қилиб қўйдик”.

⁹² Қаранг, “Тафсиру Ибн Касир”, 7-жилд, 218-бет.

Яъни, Фиръавн ва қавми куфру исёнда оёқ тираб, қаттиқ туриб олишлари билан бизнинг ғазабимизга муносиб бўлдилар. Шунда Биз улардан қаттиқ қасос олдик – уларнинг барчаларини денгизга ғарқ қилдик. Сўнгра уларни бошқаларга, яна куфр ва ёмон амалларни қилмасликлари мақсадида ибрат-намуна қилиб қўйдик.

Юнус сурасида ушбу қиссанинг бошқа жиҳатлари ҳақида сўз юритилади. Аллоҳ таоло айтади:

“Шунда Мусога унинг қавмидан фақат бир тоифа одам Фиръавн ва унинг одамларининг фитна-фасодларидан кўрққан ҳолларида имон келтирадидилар, холос. Чунки Фиръавн у ерда ғолиб (эди) ва у, шубҳасиз, ҳаддан ошувчи кимсалардандир. Мусо деди: “Эй қавмим, агар Аллоҳга имон келтирар экансизлар, демак, мусулмон бўлгансизлар, Унинг Ўзигаги-на суянинглар – таваккул қилинглари!” Бас, улар айтдилар: “Аллоҳнинг Ўзигагина таваккул қилдик. Парвардигоро, бизларни бу золим қавмга мафтун – алдангувчи қилиб қўйма! Ва Ўзинг раҳм айлаб, бизларни бу кофир қавмдан қутқар!” Биз Мусо ва унинг биродарига: “Қавмларингиз учун Мисрда уйлар тайёрланглари ва бу уйларингизни қибла қилиб, намозни тўқис адо қилинглари! (Эй Мусо), имон келтирган зотларга хушхабар бергин”, деб ваҳий юбордик” (Юнус, 83–87).

Бу ердаги “бир тоифа одам” (арабий матнда “зуррийатун” деб берилган)дан мурод оталари ва бой кишилар имондан бош тортишгач, Мусо (алайҳиссалом)га имон келтирган оз сонли ғариб ёш йигитлардир.

Оятнинг маъноси қуйидагича: Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳ-нинг ваҳдониятига даъват қилганида, Мисрда истиқомат қилувчи Бани Исроил қавмидан бўлган оз сонли ёш йигитлардан бошқа би-рон киши унга ижобат қилмади. Уларнинг оталари ва мансабдор кишилар Фиръавндан бирон нарса таъма қилиб ёки қаҳри-дан кўрққанлари учун имон келтирмадилар, абадий саодатдан кўз юмиб, ўткинчи дунёнинг арзимас матоҳини афзал билдилар.

“Фиръавн ва унинг одамларининг фитна-фасодларидан кўрққан ҳолларида имон келтирадидилар, холос”.

Яъни, имонга мушарраф бўлган ўша йигитлар Фиръавн ва қавмининг фожир кишилари уларни қийноқ остига олиб, Мусога эргашмасликка мажбур қилишларидан кўрқар эди.

“Чунки Фиръавн у ерда ғолиб (эди) ва у, шубҳасиз, ҳаддан ошувчи кимсалардандир”.

Ҳа, Фиръавн Миср юртида қилмаган жабру зулми, озор бер-маган кишиси қолмаган, ҳамма унинг қонли қиличидан дод, дерди. Яна у ўзида яхши хислат ва улўхият аломатлари борлигини даъво қилиб, бутун оламга жар соларди.

Имон келтирган кишиларнинг сонлари кам бўлсалар-да, Мусо (алайҳиссалом) уларни сабр-бардошли бўлишга чақирар ва уларга сабот тиларди: **“Эй қавмим, агар Аллоҳга имон келтирар экансизлар, демак, мусулмон бўлгансизлар, Унинг Ўзигагина суянинглар – таваккул қилинглари!”**

Яъни, Мусо (алайҳиссалом) ўзига эргашган кишиларнинг Фиръавндан кўрқиб турганларини кўриб, қалбларига хотиржамлик киритиш мақсадида:

– Эй қавмим, агар Аллоҳга ҳақиқий имон келтирган бўлса-нгиз, Унинг Ўзигагина боғланиб, У Зотга таваккул қилинглари! Зеро, кимки Аллоҳга таваккул қилар экан, Аллоҳ у бандани нусрати ва мадади билан қўллаиди! – деди.

Мусонинг насиҳатини жон кулоқлари билан эшитган мў-мин-лар бунга жавобан дедилар: **“Аллоҳнинг Ўзигагина таваккул қилдик. Парвардигоро, бизларни бу золим қавмга мафтун – алданувчи қилиб қўйма!”** Бу жавоб уларнинг имонлари ҳақиқий чин имон эканидан дарак беради.

Яъни, улар Мусо (алайҳиссалом)га жавобан:

– Аллоҳнинг Ёлғиз Ўзига боғландик ва ишларимизни У Зотга ҳавола қилдик. Бошқа бирон нарса ва кимсани Унга шерик қил-маймиз. Эй Раббимиз, бизларни мана шу золим ва нодон қавмга хор қилдириб қўйма! Улар устимиздан ғолиб келиб, хоҳлаган қий-ноқлари билан бизни азобламасинлар. Бизларни Ўзинг қўлла! – дедилар.

Улар дуо қилишда давом этиб, яна шундай дедилар: **“Ва Ўзинг раҳм айлаб, бизларни бу кофир қавмдан қутқар!”**

Яъни, биз Сенинг нажот беришинга муҳтожмиз. Худди маш-риқ ва мағрибни бир-биридан узоқлаштирганинг каби биз ва уларнинг орасини ҳам шундай узоқлаштир!

Мўминларнинг қалбдан, ихлос билан қилган дуоларига ижобат тарзида Аллоҳ таоло Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом)ларга шундай дейди: **“Қавмларингиз учун Мисрда уйлар тайёрланг-лар ва бу уйлариингизни қибла қилиб, намозни тўқис адо қилинглари!”**

Яъни, Фиръавн ўз туғёнида ва мўмин бандаларимизга азоб беришда давом этавергач, Биз Мусо ва биродари Ҳорунга:

– Қавмингиздан мўмин бўлганлар учун Мисрда махсус уйлар қуришлар, улар у ерда жойлашиб қарор топсинлар, токи Аллоҳ тақдир қилган иш содир бўлгунича шу зайл Фиръавн ва қўши-ни-нинг озорларидан узоқ бўлсинлар! – деб ваҳий қилдик.

“Уйлариингизни қибла қилиб, намозни тўқис адо қи-линглар!”

Яъни, ўзлариингиз жойлашган ўша манзилни намоз ўқиш ва ибодат қилиш учун маскан қилиб олинглар. Зеро, аввал Фиръавн сизларга бемалол ибодат қилишга қўймасди, энди хотиржамлик билан риёзат қилинглари! Ибодатлариинг энг афзали бўлган намозни ўз вақтида хушу-хузу ва ихлос билан адо этинглари! Зеро, бундай суратда ўқилган намоз сизларни дунё ва Охират ташвишларидан қутқаради.

“(Эй Мусо), имон келтирган зотларга хушхабар бергин”.

Яъни, мўминларга дунёда нусрат ва муваффақият бўлиши, Охиратда буюк ажр-савоб ва мукофотлар насиб этиши ҳақида хушхабар беринг!

Мўминларга хушхабар берилиб, уларнинг қалблари хотиржамлик ила масрур бўлди. Аммо Мусо (алайҳиссалом) ҳали ҳам ташвишда эди. Фиръавн ва ҳамтовоқлариинг кофирликлари унинг пок қалбини сиқмоқда эди. Шу боис у ёлғиз паноҳи Аллоҳ таолога қарата шундай деди:

Ва Мусо деди: “Парвардигоро, дарҳақиқат, Сен Фиръавн ва унинг одамларига ҳаёти дунёда зеб-зийнатлар ва мол-дунё ато этдинг. Парвардигоро, улар Сенинг йўлингдан озди-ришлари учун... Парвардигоро, уларнинг мол-дунёларини йўқ қилгин, кўнгиллариини қаттиқ қилгин, токи улар аламли азобни кўрмагунларича имон келтирмасинлар. (Аллоҳ) деди: “Икковингизнинг дуолариингиз ижобат бўлди. Энди тўғри йўлда собит бўлинглар ва ҳаргиз билмайдиган кимсалариинг йўлига эргашманглари!” (Юнус, 88–89).

Мусо (алайҳиссалом) қавми ҳидоятга келиши учун ўта ҳарис-манд бўлиши билан бирга, шу йўлда бор куч-қувватини сарфлаб, уларни Аллоҳга даъват этди.

Аммо улар насихатларга кулоқ осмадилар. Қавмининг бошлиғи Фиръавн ва унинг маслакдошлари имонга келавермагач, Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳ таолога хито-бан деди:

– Эй Раббим, Сен Фиръавн ва қавмининг кибор кишиларига шу дунёда зоҳирий зийнат, бойлик ва фаровонлик ато этгансан. Ана шу улкан бойликлар уларнинг имонларини заифлаштириб, фитнага солмоқда, улар ўз нафсларидан ажабланиб, кибру ҳаво қилмоқдалар. Ва бошқаларга зулму ситам ўтказмоқдалар. **“Парвардигоро, улар Сенинг йўлингдан оздиришлари учун...”**.

Яъни, Сен берган молу давлат ва неъматлар эвазига улар ёлғиз Сен учун ихлос билан ибодат қилиб, бунинг шукрини адо этишлари лозим эди. Аммо бундай бўлмади. Улар бунга тескари иш бажариб, ношукрлик ва нотавонлик қилдилар. Аниқки, уларнинг оқибатлари хусрон ва ютқазидан бошқаси бўлмайди. Бас, эй Парвардигорим, Сен уларнинг неъматларини завол топтиргин!

“Парвардигоро, уларнинг мол-дунёларини йўқ қилгин, кўнгилларини қаттиқ қилгин, токи улар аламли азобни кўр-магунларича имон келтирмасинлар”. Қавм куфр ва исён йўлида оёқ тираб, қаттиқ туриб олгач, Мусо (алайҳиссалом) уларга қарши шу тарзда дуойибад қилишга мажбур бўлди.

Яъни, эй Раббим, улар берган неъматларингга шукр қилма-ган-ликлари сабаб, уларни бу фаровонликдан маҳрум эт! Қалб-лари тошдек қотиб қолган, уни янада қаттиқлаштиргин, куфр-ларига куфр қўшгин, токи улар оғриқли азоб-уқубатларни кўр-магун-лари-ча имон келтирмайдилар!

Ибн Касир айтади: “Мусо (алайҳиссалом) томонидан ушбу дуо Фиръавн ва одамлари Аллоҳ таолони ғазаблантирганлари ва Унинг динини масхара қилганлари боис қилинган эди. Зеро, бу пайтда Мусо (алайҳиссалом)га қавмида яхшилик ва хайр йўқ-лиги маълум бўлганди. Худди шунингдек, Нух (алайҳиссалом) ҳам қавмига қарши: **“Парвардигорим, ер юзида кофирлардан бирон ховли-жой эгасини қолдирмагин!”** (Нух, 26), деб дуо қилган эди. Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)нинг улар ҳақида қилган дуосини ижобат этди”.⁹³

“(Аллоҳ) деди: “Икковингизнинг дуоларингиз ижобат бўл-ди. Энди тўғри йўлда собит бўлинглар ва ҳаргиз билмайдиган кимсаларнинг йўлига эргашманглар!”

Яъни, Аллоҳ таоло Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом)ларга деди:

– Сизларга хушхабар бўлсин! Фиръавн ва одамлари ҳақида қилган дуоларингиз қабул қилинди. Бас, энди сизлар Менинг амримга итоат этишда мустаҳкам бўлинглар ва одамларни Ҳақ-қа даъват қилишда давом этинглар! Ва яхши билан ёмонни бир-биридан ажрата олмайдиган нодон кимсаларга ҳаргиз эргашманглар!

Юқоридаги икки оятдан қуйидаги хулоса чиқади: ҳақиқий имон соҳиби бўлган мўмин доимо Аллоҳ таолонинг динини соф ҳолда сақлаш ҳаракатида бўлади. Шунингдек, бундай киши Аллоҳ таолога дуо қилиб, фосиқ, ношукр ва кофир кимсалар тасарру-фидаги бойлик ва куч-қудратнинг завол топишини сўрайди. Зе-ро, бундай кимсалар кўлидаги бойлик фақатгина разолат, фисқу фужур ва мўминларга азият-зулм қилиш йўлида сарфланади.

⁹³ “Тафсиру Ибн Касир”, 4-жилд, 228-бет.

Мазкур ояти каримадан яна шу нарсани билиб оламизки, кимда-ким Аллоҳ таолога салим қалб ва сидқидилдан дуо қилса, унинг дуоси У Зот даргоҳида мақбул бўлишига умид қилинади.

БАНИ ИСРОИЛ ҚАВМИНИНГ МИСРДАН ЧИҚИБ КЕТИШИ, ФИРЪАВННИНГ УЛАР ОРТИДАН ТАЪҚИБ ҚИЛИШИ ВА КЎЗ ЎНГИЛАРИДА СУВГА ҒАРҚ БЎЛИШИ

Юқорида айтиб ўтилганидек, Мусо (алайҳиссалом) Мисрда бир қанча вақт яшаб, Фиръавн ва қавмини Аллоҳ азза ва жалланинг ваҳдониятига даъват қилди, аммо улар ўз йўлларида қайтмай, Мусо ва Бани Исроилга зуғум қилишда давом этдилар. Вазият оғирлашгач, Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)ни Фиръавн зулмидан озод бўлиш учун Мисрдан чиқиб кетишга амр қилди.

Бани Исроилнинг Мисрдан чиқиб кетиши ҳақидаги қисса Қуръ-они каримнинг турли сураларида келтириб ўтилган. Аввал Шуаро сурасидаги хабарлар билан танишиб чиқамиз. Аллоҳ таоло айтади:

“Биз Мусога: “Бандаларим билан тунда йўлга чиққин! Албатта, сизларнинг изингизга тушилур”, деб ваҳий юбордик. Бас, Фиръавн барча шаҳарларга йиғувчиларини жўнатди (ва деди): “Аниқки, улар бир ховуч ялангоёқлардир. Дарҳақи-қат, улар бизларни ғазаблантирдилар. Шубҳасиз, бизлар барчамиз эҳтиёт чораларини кўриб турувчи қавмдирмиз”. Бас, мана шундай қилиб Биз уларни боғлар ва булоқлардан, хазиналар ва улуг-гўзал масканлардан айирдик ва мана шундай қилиб, Биз уларга Бани Исроилни ворис қилдик. Бас, тонг пайтида уларни қувиб етдилар. Энди қачонки икки жамоат бир-бирларини кўришгач, Мусонинг ҳамроҳлари: “Бизлар аниқ тутилдик”, дедилар. (Мусо) айтди: “Йўқ, аниқки, мен билан бирга Парвардигорим бор. Албатта, У мени йўлига бошлар”. Бас, Биз Мусога: “Асойинг билан денгизни ургин”, деб ваҳий юбордик. Бас, бўлиниб ҳар бир бўлак (сув) баланд тоғ каби бўлди. Ва кейингиларни ўша (йўлга) яқин қилдик. Мусо ҳамда у билан бирга бўлган кишиларнинг барчаларига нажот бердик. Сўнгра кейингиларни ғарқ қилиб юбордик. Албатта, бунда оят-ибрат бордир. Кўплари имон келтиргувчи бўлмадилар. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингиз Ўзи ғолиб, меҳрибондир” (Шуаро, 52–68).

“Биз Мусога: “Бандаларим билан тунда йўлга чиққин!...”, деб ваҳий юбордик”.

Яъни, Бани Исроил билан тунда денгиз томон юринглар!

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бу ерда Бани Исроилни “банда-ла-рим” деб лутф билан тилга олмоқда. Чунки улар узоқ муддат Фиръавн зулми ва қонли қиличи остида кўп ситамлар кўрган эдилар.

“Албатта, сизларнинг изингизга тушилур”. Бу нима сабабдан тунда шаҳарни ташлаб, чиқиб кетиш лозимлигининг асл са-баби эди.

Яъни, эй Мусо, қавминг билан денгиз томон юринглар. Чунки тез орада Фиръавн кўшини билан ортингиздан таъқиб қила-ди. Мен эса, вақти келиб, у ва лашкарларининг қисматиға ёзилган ишни қиламан.

“Бас, Фиръавн барча шаҳарларга йиғувчиларини жў-нат-ди”. Бу ердаги йиғувчилардан мурод одамларни маълум жойга, му-ҳим ишларни бажариш учун тўпловчи кишилардир. Улар дедилар:

– Подшоҳингиз Фиръавн учун юз мингдан иборат катта бир кўшин тўпланг!

Яъни, Фиръавн Мусо (алайҳиссалом) ва Бани Исроил шаҳар-дан бош олиб чиқиб кетганларидан хабар топгач, мамлакатдаги турли шаҳарларга одамларни сафарбар қилиш учун ўз аскарла-рини жўнатди.

Улар сони тўлгач, Фиръавн уларга руҳ ва шижоат бағишлаш мақсадида: **“Аниқки, улар бир ҳовуч ялангоёқлардир”**, деди.

(Таржимада “бир ҳовуч ялангоёқлардир” деб ифодаланган бирикма аслиятда “ширзиматун қолийлувн” деб берилган. – Таржимон.)

“Ширзиматун” сўзи озчиликдан иборат бир тоифани англа-тади.

Яъни, Фиръавн лашкарларига қарата деди:

– Бизларнинг рухсатимизсиз шаҳардан чиқиб кетган бу нобакорлар бизлар учун ҳеч нарса эмас. Улар биз учун кул ёки хиз-маткор ўрнидадир!

“Дарҳақиқат, улар бизларни ғазаблантирдилар”.

Яъни, камчилик бўлишларига қарамай рухсатсиз чиқиб кетишлари, айтган сўзлари ва қилган қилмишлари билан улар бизни дарғазаб қилдилар. Буларнинг энг оғири динимизни тарк этишга ундашлари бўлди!

“Шубҳасиз, бизлар барчамиз эҳтиёт чораларини кўриб турувчи қавмдирмиз”.

Яъни, улар қанчалик макр-ҳийла қилмасинлар, биз доимо сергак турамиз, хийлаларидан хабардормиз, алдовларига лаққа тушмаймиз, бас, улар бизга зиғирча ҳам таҳдид қила олмайдилар.

Фиръавннинг юқоридаги сўзлари замирида, аслида унинг Му-со (алайҳиссалом)дан кўрққани, хавфсирагани кўзга ташланади. Фақатгина у ўзини шундай баландпарвоз гаплар ва асоссиз мақ-товлар билан овутмоқда ва қавмини ҳам уларнинг кетидан қувиб етишга чақирмоқда, иложи борича ўзидаги ҳадикни билдирмасликка ҳаракат қилмоқда.

Энди Аллоҳ таоло Фиръавн ва қавмини қандай кўйга солиш-ни ирода қилгани айтилади:

“Бас, мана шундай қилиб Биз уларни боғлар ва булоқлар-дан, хазиналар ва улуғ-гўзал масканлардан айирдик”.

Яъни, Биз уларни ўзлари яшаб турган боғу бўстон, ичиб турган чучук ва лаззатли сувлар, қўл остларидаги молу давлатлар, гўзал ва қулай бўлган масканлардан чиқардик. Токи улар куфрлари ва туғёнга кетишлари сабабли бошларига битилган аянчли оқибат – фарқ қилинишга дучор бўлишлари учун шундай қилдик.

“Мана шундай қилиб, Биз уларга Бани Исроилни ворис қилдик”.

Яъни, мана шу боғу бўстонлар, чашмалар, хазинаю чиройли турар жойларни Бани Исроил қавмига мерос қилиб бердик.

Баъзи муфассир уламолар таъкидлашларича, Бани Исроил қавми Фиръавн ва лашкарлари ҳалокатидан сўнг Мисрга қайтиб келишмаган, “Уни мерос қилдик” жумласидаги “уни” сўзи боғ-булоқларга тегишли эмас. Шу сабаб муфассирлар “Бани Исроил худди Фиръавн ва аёнларида бўлгани каби неъматларга эришган. Уларнинг боғлари каби боғу бўстон, ширин булоқлар, бойлик ва покиза масканларга эга бўлган”, деб айтишган.

Фикримизча, Аллоҳ таолонинг “Уни мерос қилдик” оятидаги “уни” олмоши боғ, булоқ ва хазиналарга тегишлидир. Мусо (алай-ҳиссалом) ва қавми Фиръавн ҳалокатидан сўнг маълум муддат ўтгач, Мисрга қайтиб келишган. Кейин Мусо

(алайҳиссалом) буюрган томон – муқаддас ерга қараб йўл оладилар. Сўзимизни қуйидаги оят ҳам қувватлайди:

“(Миср ва Шомдаги) Ўзимиз баракотли қилган ернинг Маш-риқ ва Мағрибларига бу бечора қавми (яъни, Бани Исроилни) ворис қилдик. (Эй Муҳаммад), сабр-тоқат қилганлари сабабли Бани Исроилга Парвардигорнинг (“Бу ердаги бечора бўлган зотларга инъом қилишни ва уларни одамларга етакчи қилиб қўйишни истаймиз”, деган) гўзал сўзлари тўла-тўқис бўл-ди. Фиръавн ва қавми ясаб-қуриб олган иморатларни ва баланд қилиб кўтарган қасрларни эса вайрон қилдик” (*Аъроф, 137*).

Энди Фиръавн қавми қилган ишлар ҳақида ҳикоя қилинади: **“Бас, тонг пайтида уларни қувиб етдилар”**.

Яъни, Биз Фиръавн ва қавмини ўз бойликлари ва маконла-ридан чиқардик. Улар Мусонинг ортидан тезлик билан қувиб бориб, охири қуёш чиқиш пайтида уларга етиб олдилар.

“Энди қачонки икки жамоат бир-бирларини кўришгач, Му-сонинг ҳамроҳлари: “Бизлар аниқ тутилдик”, дедилар”.

Яъни, ҳар бир гуруҳ душманини аниқ кўра олдадиган даражада бир-бирларига яқин келганларида, Бани Исроил Мусо (алайҳиссалом)га қўрқув ва ҳадик ичида:

– Биз қўлга тушдик, кўп ўтмай Фиръавн ва лашкарлари биз-га етиб оладилар, биз улар билан курашишга қодир эмасмиз! – де-дилар.

(Мусо) айтди: **“Йўқ, аниқки, мен билан бирга Парвардигорим бор. Албатта, У мени йўлига бошлар”**.

Яъни, Мусо (алайҳиссалом) қавми саросимага тушганини кўргач, ишонч ва сабот билан:

– Йўқ, ундоқ эмас, улар бизга зинҳор ета олмайдилар. Бас, сизлар собитқадам бўлинглар, ҳаргиз қўрқманглар! Зеро, мен билан Раббим биргадир. У Зот мени ҳидоят ва нажот йўлига бошлайди! – деди.

Мусо (алайҳиссалом)нинг Аллоҳ таоло нусратини кутиши узоқ-қа чўзилмади, балки бундай қийин вазиятда меҳрибон Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарига тезлик билан ижобат қилди: **“Бас, Биз Мусога: “Асойинг билан денгизни ургин”, деб ваҳий юбор-дик. Бас, бўлиниб ҳар бир бўлак (сув) баланд тоғ каби бўлди”**.

Яъни, Биз Мусога Қизил денгизга асойингни ургин, деб ваҳий қилдик. У амримизга қулоқ осиб, уни денгизга урган эди, денгиз икки йўлга бўлинди ва икки тарафдаги ҳар бир бўлак сув худди улкан тоғ каби бўлиб қолди.

Ривоятларга қараганда, Фиръавн ғарқ бўлган денгиз ўша пайтда “Қулзум” деб аталган. (*“Қулзум” сўзи “қолзаматун”дан ясалган бўлиб, у “ютиб юбормоқ” маъносини англатади. Чунки Қулзум денгизига тушган одам у томонидан ютиб юборилар ёки чўкиб кетар эди. Ибн Холавайҳ айтади: “Қулзум аслида “Зулқум” шаклига эга бўлиб, ушбу сўздаги ҳарфлар ўрни алмашиб, шундай ҳолатга келиб қолган”* (Ибн Манзур, *“Лисанул ароб”, 5-жуз, 3719-бет*). – *Таржимон.*)

Аллоҳ таолонинг қудрати билан Мусо (алайҳиссалом) ва у билан бирга бўлган кишилар денгиз тўлқинлари аро очилган йўл орқали нариги томонга эсон-омон ўтиб олдилар.

“Ва кейингиларни ўша (йўлга) яқин қилдик”.

Яъни, Биз қудратимиз ва ҳикматимиз билан Фиръавн, унинг қўшинини Мусо (алайҳиссалом) ва қавмига яқинлаштирдик. Бас, улар ҳам Бани Исроил каби денгиз

ўртасидан очилган куруқ йўл орқали юра бошлаганларида, денгиз ўз тўлкинлари билан улар-ни қарши олди. Хўш, натижа нима билан тугади?

Натижада Мусо (алайҳиссалом) ва издошлари саломат қир-ғоқ-қа чиқиб олдилар, Фиръавн лашкарлари билан денгизга ғарқ бўл-ди, изсиз йўқолди.

Ушбу қисса бошқалари каби бандаларни ақл юритишга ундаш билан ниҳоя топади:

“Албатта, бунда оят-ибрат бордир. Кўплари имон келтиргувчи бўлмадилар. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингиз Ўзи ғолиб, меҳрибондир”.

Яъни, эй мухтарам пайғамбар, Биз Сизга сўзлаб берган қис-сада ихлос билан ибодат қилиш ва Бизга тоат этиш лозимлигига ундовчи улуғ оят-белгилар бор. Лекин пайғамбаримиз Мусога фақат оз кишиларгина имон келтирдилар. Уларнинг душманлари эса яксон қилинди. Шундай экан, Аллоҳ таоло душманлари ус-тидан ғолиб, улардан муносиб интиқом олувчи, Ўзининг валий бандаларига меҳрибон Зотдир.

Духон сурасида Бани Исроилнинг Мисрдан чиқиши, Мусо (алай-ҳиссалом)нинг даъвати, куфр ва исёнлари сабаб Фиръавн гу-руҳининг ғарқ бўлиши ҳақида ҳикоя қилинади. Қисса Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти билан бошланади:

“Аниқки Биз улардан илгари Фиръавн қавмини ҳам имтиҳон қилганмиз ва уларга бир улуғ пайғамбар келганди. У (Мусо) деди: “Сизлар менга Аллоҳнинг бандаларини топширинглар! Албатта, мен сизлар учун ишончли пайғам-бардирман. Ва Аллоҳга кибру ҳаво қилманглар! Албатта, мен сизларга очиқ-равшан ҳужжат келтирурман. Албатта, мен Парварди-горим ва Парвардигорингиздан сизлар мени тош-бўрон қилишларингиздан паноҳ сўрайман. Агар менга имон келтирмасангизлар, у ҳолда мени холи кўйинглар!” Бас, у Парвардигорига: “Дарҳақиқат, улар жинойтчи қавмдир”, деб дуо қилди. Бас, (Аллоҳ Мусога ваҳий юбордики:) “Бандаларим билан бирга тунда йўлга чиқкин! Албатта, сизларнинг изи-нгизга тушилур. Ва денгизни сокин кўявергин. Шак-шубҳасиз, улар ғарқ қилингувчи кўшиндир”. Улар қанча-дан-қанча боғ-ларни, чашмаларни, экинзорлар ва улуғ-гўзал жойларни қол-дириб кетдилар. Ва ўзлари вақтичоғлик қил-ган неъматларни (қолдириб кетдилар!). Шундай қилиб Биз уни бошқа бир қавмга мерос қилиб бердик! Бас, уларга осмон ҳам, ер ҳам йиғлагани йўқ ва уларга муҳлат ҳам берилмади!” (Духон, 17–29).

Мусо (алайҳиссалом) Фиръавнни Аллоҳ йўлига даъват қилгач, Бани Исроилни озод қилиш мақсадида:

– Бани Исроилни менга топширинглар, уларни куллик ва хору зорликдан озод қилинглр. Улар ушбу дунёда эмин-эркин, озод ва хур бўлиб яшасинлар! – деб таъкидлади.

Бу ердаги “Аллоҳнинг бандалари”дан мурод, аввало, Бани Исроил ва куллик азобидан қийналаётган бошқа қавмлардир.

“Албатта, мен сизлар учун ишончли пайғамбардир-ман”. Яъни, менинг даъватимга ижобат қилинглр, амримга итоат этинг-лар! Зеро, мен Аллоҳ таоло тарафидан сизларга юборилган ҳақ пайғамбардирман!

“Ва Аллоҳга кибру ҳаво қилманглар!” Яъни, Аллоҳ таолога такаббурлик қилиб, Унинг ваҳий ва амрларини паст санаш ҳамда Расулидан юз ўгириб кетишдан эҳтиёт бўлинглр. Бунинг оқибати яхши эмас!

“Албатта, мен сизларга очик-равшан хужжат келтирурман”.

Яъни, мен сизларга Раббим ҳузуридан ростгўйлигимни тас-дикловчи очик-ойдин, инкор қилиб бўлмайдиган мўъжиза ва далилларни келтираман.

“Албатта, мен Парвардигорим ва Парвардигорингиздан сизлар мени тошбўрон қилишларингиздан паноҳ сўрайман”.

Яъни, мен Раббимдан сизлар мени тош билан уриб, майиб қи-лишингиз ва бирон озор беришларингиздан паноҳ сўрайман. Бас, шундай экан, мен сизлар қилаётган макр-ҳийлаларнинг биронтасидан ҳам чўчимайман, Раббимнинг даъватини бекаму кўст етказишда давом этавераман!

“Агар менга имон келтирмасангизлар, у ҳолда мени холи қўйинглар!”

Яъни, Мусо (алайҳиссалом) насиҳати сўнгида уларга деди:

– Гарчи сизлар менга тиш-тирноғингиз билан қаршилик кўрсатсангиз ҳам, сизларни тўғри йўлга даъват қилишдан тўх-тамайман! Сизлар менга имон келтиришингиз лозим. Агар имон келтирмасангизлар, у ҳолда мени ўз ҳолимга қўйинглар, мен бош-қаларни даъват қиламан. Сизлар куфр йўлида оёқ тираб қат-тик туриб олар экансизлар, у ҳолда бу мен учун зиғирча ҳам зиён келтира олмайди.

Мусо (алайҳиссалом) жон куйдириб, қавмим ҳидоятга келармикан деб насиҳат қилса-да, аммо унинг гапига қулоқ солувчи топилмади.

Бундоқ исёнкор, мутакаббир нодонларга бас келиб бўларми-ди. Шу сабаб Мусо (алайҳиссалом) Раббига дуо қилиб деди: **“Дар-ҳақиқат, улар жиноятчи қавмдир”.**

Яъни, эй Раббим, мен Фиръавн ва қавмини Сенинг йўлингга чақирдим, аммо улар яхшилик томон юрмадилар, улар куфр ва гуноҳ ишларда давом этувчидирлар. Эй Парвардигор, Ўзинг уларга муносиб жазоларини бергин!

Бундан кейинги ояти карималардан Аллоҳ таоло Мусо (алай-ҳиссалом) дуосини ижобат қилганини билиб оламиз: **Бас,** (Аллоҳ Мусога ваҳий юбордики:) **“Бандаларим билан бирга тунда йўлга чиққин! Албатта, сизларнинг изингизга тушилур”.**

Яъни, эй Мусо, сен Бани Исроил ва қибтийлар орасидан имон келтирган бандаларимни олиб, туннинг бир қисмида йўлга тушгин, чунки Фиръавн сизлар шаҳардан чиқиб кетганингиздан ха-бар топиб, ортингиздан қувиб келади.

“Ва денгизни сокин қўявергин”. Яъни, Қизил денгизга етиб борганингдан сўнг унга асойинг билан ургин, шунда у Аллоҳ-нинг изни билан ёрилади ва ўзинг билан бирга бўлганларни нариги томонга ўтказгин. Аммо денгизни ўша ҳолича – очик турган хо-лича қўй. Ортингиздан қувиб келаётган Фиръавн ва лашкарларига эътибор берма. Биз уларнинг барчаларини сувга ғарқ қиламиз.

(Ҳаёти давомида ўйин-кулги ва маишат билан умргузаронлик қилган бу кимсаларнинг оқибатлари ёмон бўлди. Ўзлари сувга ғарқ қилиндилар, мол-мулклари, ер-сувлари эса шундоқ қолиб кетди. – Таржимон.)

Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Улар қанчадан-қанча боғларни, чашмаларни, экинзорлар ва улуғ-гўзал жойларни қолдириб кетдилар. Ва ўзлари вақтичоғлик қилган неъматларни (қолдириб кетдилар!)”.**

Яъни, сувга ғарқ бўлиб ном-нишонсиз кетган бу кимсалар ортларидан сўлим боғларни, чучук сувларга бой булоқларни, турли-туман ҳосилдор экинзорлар ва зеб-зийнатлар, ҳашаматга бурканган турар жойларни қолдириб кетдилар. Аввал улар ушбу неъматлар билан ҳузурланар, дунёнинг ўткинчи ҳавасларига қул бўлиб, ҳаётларини фақат лаззатланиш билан ўтказиб, Аллоҳга ибодат қилишни хаёлларига

хам келтирмасдилар. Оқибатда улар ўтиб кетдилар. Энди улар, аввал қабрларида, сўнгра охиратда даҳшатли ва мангу азоб-уқубатларга дучор бўладилар!

Фиръавн ва лашкарлари ҳалокатига бирон нарса ёки кимса қайғургани йўқ. Бу Аллоҳ таоло томонидан таъсирли қилиб ифодаланган: **“Бас, уларга осмон ҳам, ер ҳам йиғлагани йўқ ва уларга муҳлат ҳам берилмади!”**

Яъни, бошқаларни зулми билан қийнаган бу тоғий, золим ва мутақаббир кимсаларга еру осмон аҳлидан бўлган бирон нарса ёки киши хафа бўлиб, аза тутгани йўқ, балки кечиктирилмаган ҳолда уларга, авваламбор ғарқ қилиниш азоби тушди. Бу улар кў-радиган азобнинг илк босқичидир.

Тоҳа сурасида ҳам Бани Исроилнинг Мисрдан чиқиб кетиши, улар шукр қилишлари учун Аллоҳ таоло томонидан берилган неъматлар эслатиб ўтилади. Қисса куйидаги оятлар билан бошланади:

“Дарҳақиқат, Биз Мусога: “Сен бандаларимни тунда олиб кетиб, улар учун қуриган денгизни йўл қилгин. Улар етиб олишларидан хавф қилма ва кўрқма!”, деб ваҳий юбордик. Бас, Фиръавн уларнинг ортидан ўз лашкарлари билан қувган эди, уларни денгиз ўраганча-ўраб олди. Фиръавн қавмини тўғ-ри йўлга бошламади, оздирди. Эй Бани Исроил, Биз сизларга душманингиздан нажот бердик ва сизларга Турнинг ўнг томонини ваъдалашдик ва сизларга ширинлик, беданалар ёғдириб, (дедик:) **“Биз сизларни баҳраманд қилган пок ризқ-ларимиздан енглар ва хаддан ошмангларки, у ҳолда ус-тингизга Менинг ғазабим тушар. Менинг ғазабим кимнинг устига тушар экан, у муҳаққак, ҳалок бўлур. Ва Мен тавба қилган ҳамда имон келтириб, яхши амаллар қилган, сўнгра тўғри йўлга юрган кишиларни мағфират қилгувчидирман”** (Тоҳа, 77–82).

Аллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом)га:

– Бани Исроил қавмидан бўлган бандаларимни туннинг аввалида Мисрдан Қизил денгизга қараб олиб бор. У ерга етгани-нгизда **“улар учун қуриган денгизни йўл қилгин”**, деб ваҳий қилди.

Яъни, улар учун денгизда қуруқ йўл қил!

Бу ердаги йўлдан мурод ҳақиқий маънодаги йўлдир. Мусо (алайҳиссалом) денгизга етиб боргач, Аллоҳнинг амри билан унга урганида, денгиз ёрилиб, Бани Исроил авлодларининг сонига қа-раб ўн иккита йўлга бўлинди.

“Улар етиб олишларидан хавф қилма ва кўрқма!” Бу сўз-лар Мусо (алайҳиссалом) қалбига хотиржамлик киритиш учун айтилмоқда.

Яъни, улар учун денгизда қуруқ йўл қилгин, аммо Фиръавн ва лашкарлари сизларга етиб олишларидан кўрқма ва олдингиз-дан денгиз сизларни ғарқ қилишидан ҳам хавфсирама!

“Бас, Фиръавн уларнинг ортидан ўз лашкарлари билан қувган эди, уларни денгиз ўраганча-ўраб олди”.

Фиръавн Мусо (алайҳиссалом) ва у кишига эргашган киши-ларни тутиб олиб, жазоламоқчи, ҳақ йўлга талпинганлари учун додларини бериб қўймоқчи эди. Лекин у манфур ниятига эри-шолмади. У ўзича кимгадир чоҳ қазир экан, ўзига аллақачон ун-дан-да чуқурроқ бўлган бир чоҳ қазиб қўйилганини билмасди.

“Уларни денгиз ўраганча-ўраб олди” жумласи Фиръавн ва лашкарларининг ҳалокати даҳшатли суратда кечганидан далолат қилади. Улар тоғдек улкан сув тўлқинлари остида қолиб кетдилар ва аянчли тарзда жон таслим қилдилар.

“Фиръавн қавмини тўғри йўлга бошламади, оздирди”. Бу ғарк қилинмасларидан аввал Фиръавннинг қавмига бўлган му-носабатининг оқибатини очик ифодаламоқда.

Яъни, Фиръавн ҳаётлик чоғида ўз қавмини ҳақ йўлга бошламади, балки ботил йўлга киритди. Оқибатда йўлбошчи ҳам, унга кўр-кўрона бўйсунган ақлсиз кимсалар ҳам тағ-туғлари билан йўқ қилинди.

Буларнинг ҳаммаси Бани Исроил фойдасига бўлди. Аллоҳ тао-ло уларга шу ва шунга ўхшаш неъматларни ато этганини зикр қилиб дейди: **“Эй Бани Исроил, Биз сизларга душманингиздан нажот бердик”.**

Яъни, Фиръавн ва ҳамтовоқлари сизларга қаттиқ азоб-уку-бат-лар бериб келар эдилар. Сўнгра Биз сизларга раҳм қилиб, уларни кўз ўнгингизда сувга чўктирдик. Шу зайл асосий рақи-бингиздан халос бўлдингиз.

“Сизларга Турнинг ўнг томонини ваъдалашдик”. Яъни, сизларни ҳидоятга бошлаб, ҳолингизни ислоҳ қилувчи Китоб – Тавротни бериш учун пайғамбарингиз Мусо билан ушбу муқад-дас маконда ваъдалашдик.

Бу ҳақда бошқа ояти каримада шундай дейилади: **“Биз Мусо билан ўттиз кечага ваъдалашган эдик. Сўнгра уни яна ўн (кеча) билан тўлдирдик. Бас, Парвардигорининг (унинг учун белгиланган) вақти комил қирқ кеча бўлди”** (*Аъроф, 142*).

“Сизларга ширинлик, беданалар ёғдириб...”. Бу Бани Ис-роилга Аллоҳ таоло томонидан берилган учинчи неъматдир.

(*Таржимада “ширинлик” деб ифодаланган сўз аслиятда “маннун” сўзи билан берилган. – Таржимон.*)

“Маннун” асалга ўхшаш ёпишқоқ ширинлик тури бўлиб, субҳ-дан қуёш чиққунгача бўлган вақт мобайнида баъзи турга мансуб бўлган дарахтдан тушади.

Оятнинг маъноси қуйидагича: Биз Ўз фазлу карамимиз ила устингизга кўп неъмат ва яхшилиқлар туширдик. Сизлар эса улардан бирон қийинчиликсиз фойдаландинглар.

“Биз сизларни бахраманд қилган пок ризқларимиздан енг-лар”.

Яъни, уларга ўша ширинлик ва беданалардан енглар ҳамда Аллоҳ ҳалол қилган бошқа лазиз нарсалардан истеъмол қилинг-лар, деб айтдик.

“Ҳаддан ошмангларки, у ҳолда устингизга Менинг ғаза-бим тушар. Менинг ғазабим кимнинг устига тушар экан, у муҳаққақ, ҳалок бўлур”. Бу ерда Бани Исроил қавми қаттиқ огоҳлантирилиб, Аллоҳ белгилаб берган худудлардан тажовуз қилмаслик лозимлиги таъкидланмоқда.

Яъни, эй Бани Исроил, Аллоҳ ризқ қилиб берган покиза нарсалардан енглар, унга шукр қилинглар, аммо Биз белгилаб қўйган чегаралардан кесиб ўтманглар. Акс ҳолда сизлар Менинг ғазабим ва иқобимга учрайсизлар. Мен кимга ғазаб қилсам, шубҳасиз, у жаҳаннамни бўйлар!

Бу қаттиқ огоҳлантиришлардан сўнг Аллоҳ таоло Ўзининг раҳ-мат ва умид эшиклари доимо очик эканини таъкидлаб, шундай дейди: **“Ва Мен тавба қилган ҳамда имон келтириб, яхши амаллар қилган, сўнгра тўғри йўлга юрган кишиларни мағфират қилгувчидирман”.**

Яъни, албатта, Мен ширк ва гуноҳи-маъсиятдан қайтиб, тавба қилган, имон келтириш лозим бўлган барча нарсаларга чин қалбдан ишонган, Аллоҳ таоло рози бўладиган ишларни қилган ва бунда мустаҳкам бўлган, Аллоҳга рўбарў бўлгунича У

Зот учун ибодат қилишда давомли бўлган бандаларимнинг аввал содир этган барча гуноҳларни кечириб юборурман.

Юнус сурасида ҳам ушбу қисса мухтасар суратда келтирилган. Унда Фиръавннинг ўлим олдидан айтган сўзлари ва унга қайтарилган жавоб қандай бўлгани ҳақида айтиб ўтилган. Аллоҳ таоло айтади:

“Биз Бани Исроилни денгиздан ўтказганимиздан кейин уларга зулму зўравонлик қилиш учун Фиръавн ва лашкарлари қувиб етдилар. Энди унга ғарқ бўлиш (пайти) етганида эса, у деди: “Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Бани Исроил имон келтирган Зот – Аллоҳгина борлигига имон келтирдим. Мен мусулмонлардандирман – Аллоҳга бўйсунувчилардандирман”. Энди-я?! Ахир сен илгари итоатсизлик қилган ва бузғунчи кимсалардан бўлган эдинг-ку? Мана бугун ўзингдан кейинги кишиларга оят – ибрат бўлишинг учун Биз сенинг жасадингни қутқарурмиз. Дарҳақиқат, кўп одамлар Бизнинг оятларимиздан ғофилдирлар. Шубҳасиз, Биз Бани Исроилни гўзал манзилга жойлаштирдик ва уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик. Сўнгра улар то билим келгунича ихтилоф қилмадилар. Албатта, Парвардигорингиз Қиёмат кунида талашиб-тортишган нарсалари ҳақида улар ўртасида Ўзи ҳа-камлик қилур” (Юнус, 90–93).

Аллоҳ Ўз паноҳига олиб, Бани Исроилни денгиздан ўтказди – уларга денгиз ўртасидан қуруқ йўл қилди. Уларнинг барчалари эсон-омон нариги томонга ўтиб олдилар. Фиръавн ва лашкарлари ҳам улар ортидан эргашдилар, улар ҳидоят ва имон талабида эмас, балки зулм ва қасос умидида ортларидан қувиб келдилар.

Энди унга ғарқ бўлиш (пайти) етганида эса, у деди: **“Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Бани Исроил имон келтирган Зот – Аллоҳгина борлигига имон келтирдим. Мен мусулмонлардандирман – Аллоҳга бўйсунувчилардандирман”**.

Яъни, Бани Исроил денгиздан ўтиб олгач, у яна аввалги ҳолига қайтиб, ёпила бошлади. Сувга ғарқ бўлиш онлари етиб келгач, Фиръавннинг кўзига ўлимдан бошқа нарса кўринмай қолди ва ноилож деди:

– Бани Исроил имон келтирган Илоҳга мен ҳам имон кел-тир-дим, уни тасдиқладим. Ва мен Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига таслим бў-лув-чи, Унга ихлос билан ибодат қилувчи қавм билан биргадирман!

Бу сўзлар аввалроқ айтилиши керак эди. Ўлим чоғида иложсизликдан айтилган бу сўзлар энди бирон манфаат бермайди. Бемаврид қилинган иш ўз эгасига қайтарилди. Аллоҳ таоло унга жавобан деди:

– **Энди-я?! Ахир сен илгари итоатсизлик қилган ва буз-ғун-чи кимсалардан бўлган эдинг-ку?**

Яъни, мана шу пайтда, ҳаётдан умидинг узилиб, ўлим шарпаси кўринганда имонни даъво қилаяпсанми? Йўқ! Сен илгари ер юзида турли бузғунчилик, фасод ишларни қилиб, Мусо (алай-ҳиссалом) олиб келган Ҳақни ёлғонга чиқариб келгансан. Сенинг ҳозирги “имон”инг зинҳор қабул қилинмайди.

Ибн Касир айтади: “Фиръавн томонидан айтилаётган ушбу сўзлар ғайб сирларидандир. Аллоҳ таоло у ҳақида Ўз Расулига бил-дирган. Имом Аҳмад Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан риво-ят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Қачонки Фиръавн: **“Бани Исроил имон келтирган Зот – Аллоҳ-гина борлигига имон келтирдим”**, деганида Жаброил менга: “Эй Муҳаммад, агар менинг денгиз қора балчиғидан олиб, Фиръавнга (Аллоҳнинг) раҳмати етиб

қолишидан кўрқиб, уни оғзига билдирмай солиб кўйганимни кўрганигда эди”, деб айтди” (Имом Термизий, Ибн Жарир ва Ибн Ҳиббонлар тафсирида ривоят қилишган. Термизий ҳадис санадини ҳасан деган)”.⁹⁴

“Мана бугун ўзингдан кейинги кишиларга оят-ибрат бўлишинг учун Биз сенинг жасадингни қутқарурмиз”.

Яъни, айна пайтда имон ҳақида қилаётган даъвоинг рад этилади. Чунки энди вақт ўтди, сен кечикдинг. Биз эса сен вафот этгач, руҳинг баданингни тарк этганидан сўнг кейинги келадиган одамларга ибрат бўлиши учун жасадингни омон қолдирамиз. Улар сени кўриб, Ҳақни ёлғонга чиқарувчиларнинг оқибати қандай бўлишини, Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқлигини билиб оладилар.

“Дарҳақиқат, кўп одамлар Бизнинг оятларимиздан ғо-фил-дирлар”. Бу ерда жамаки одамларни Аллоҳнинг оятлари ва У Зотнинг қудратига далолат қилувчи зоҳирий белгилар ҳақида тааммул ва тадаббур қилишга ундалмоқда.

Ибн Касир айтади: “Фиръавннинг ҳалокати Ашуро куни юз берган. Имом Бухорий Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинага кирганларида яҳудийлар Ашуро куни рўза тутишар эди. Улар: “Бу кун Мусо (алайҳиссалом) Фиръавндан устун келган кун”, дейишди. Шунда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларига: “Сизлар улардан кўра Мусога ҳақлироқсизлар. Бас, (ушбу кун) рўзасини тутинглар”, дедилар”.⁹⁵

Энди Фиръавн вафотидан сўнг Бани Исроилга берилган неъматлар эслатиб ўтилади: **“Шубҳасиз, Биз Бани Исроилни гўзал манзилга жойлаштирдик ва уларга ҳалол-пок нарсалардан ризку рўз бердик”.**

Яъни, Бани Исроил учун ашаддий душман бўлган Фиръавн-ни ҳалок қилгач, Биз уларни қулай ва яхши манзилга туширдик. У ерда Бани Исроил учун тинчлик ва хотиржамликни таъминладик. Бундан ташқари уларга Ўзимиз ҳалол қилган турли хил озиқ-овқатлар ва ичимликларни ато этдик.

“Сўнгра улар то билим келгунича ихтилоф қилмади-лар”. Бу Аллоҳ таоло берган неъматларга ношукрлик қилганлари учун уларга қилинаётган маломатдир.

Яъни, улар то шубҳаларни қатъий ҳал қилувчи илм келгунича дин ва дунё ишларида турли гуруҳларга бўлинмаган эдилар. Аллоҳ Тавротни нозил қилиб, унда ўша Китобни ҳақиқий тиловат қилиш ва уни ботил-нотуғри маъноларга бурмасликка амр қилинган эди. Бани Исроилга илм келгач, улар уни Ҳақ ва яхшилик йўлида ишлатиб, кўп хайр-баракага эришишлари лозим эди. Ваҳоланки, улар бу илмни ихтилоф-тарафкашлик ва тўғри йўлдан тойилиш мақсадида суиистеъмол қилдилар.

“Албатта, Парвардигорингиз Қиёмат кунида талашиб-тортишган нарсалари ҳақида улар ўртасида Ўзи ҳакамлик қилур”.

Яъни, албатта, Раббинг ушбу ихтилоф қилаётганларнинг масалаларини ҳал қилади. Ҳақ тарафдорлари мукофот билан тақдирлансалар, ботил томон эгалари муносиб жазоларини оладилар.

Юқорида келтирилган ояти карималардан маълум бўладики, Бани Исроил қавмининг Мусо (алайҳиссалом) бошчилигида Мисрдан чиқиб кетишлари уларга

⁹⁴ “Тафсиру Ибн Касир”, 4-жилд, 227-бет.

⁹⁵ “Тафсиру Ибн Касир”, 4-жилд, 229-бет.

нисбатан бир неъмат – яхшилик эди. Фиръавн ва лашкарлари учун эса бир интиқом бўлди. Зеро “улар юртларида ҳадларидан ошиб, у жойларда бузғунчиликни кўпайтириб юборган эдилар. Бас, Парвардигорингиз уларнинг устига турли азоб-офатни ёғдирди! Шак-шубҳасиз, Парвардигорингиз (барча нарсани) кузатиб тургувчидир” (*Фажр, 11–14*).

ФИРЪАВН ВА ҚЎШИННИНГ ҲАЛОКАТИДАН СЎНГ БАНИ ИСРОИЛНИНГ МУСО АЛАЙҲИС САЛОМГА ҚИЛГАН МУНОСАБАТИ

Фиръавн қўшини билан батамом ҳалок қилинган, Мусо алайҳиссалом қавми Бани Исроилни ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга, одоб-ахлоққа ва Аллоҳнинг неъматларига шукр қилишга чақирди. Иброҳим сурасида бу даъватнинг бир қисми келтирилган. Аллоҳ таоло айтади:

“Ҳақиқатан, Биз Мусони Ўз оятларимиз билан юбориб, (унга дедик): “Қавмингни зулматлардан нурга олиб чиқ ва уларга Аллоҳнинг кунларини эслатгин! Албатта бунда ҳар бир сабр-қаноатли, шукр қилувчи киши учун оят-ибрат бордир”. Ўшанда Мусо қавмига айтди: “Аллоҳнинг сизларга берган неъматларини – сизларни оғир азоб билан қийнаётган, ўғилларингизни ўлдириб, қизларингизни тирик қолдираётган Фиръавн одамларидан қутқарганини эсланг. Ана ўша ишларда Парвардигорингиз томонидан буюк синов бордир. Яна Парвардигорингиз билдирган (бу сўзларни) эсланг: “Қасамки, агар сизлар шукр қилсангиз, албатта зиёда қиламан. Энди, агар куфрони (неъмат) қилсангиз, албатта азобим ҳам жуда қаттиқдир”. Мусо яна деди: “Агар сизлар ўзингиз ва ер юзидаги барча кишилар кофир бўлсангизлар ҳам (зиён етказа олмайсизлар). Зеро, Аллоҳ Беҳожат, ҳамду сано Эгасидир” (*Иброҳим сураси, 3-8-оятлар*).

Ушбу ояти карималарни ўқиб, мулоҳаза қилсак, Мусо алайҳиссалом қавмини энг олий, энг ҳикматли услуб билан ҳақ йўлга даъват қилганини билиб оламиз. Аввало, у зот якка-ю ягона Аллоҳга ибодат қилишга чақирдилар. Сўнгра Аллоҳнинг неъматларини эслатиб, Бани Исроилнинг Фиръавн ва аъёнлари зулмидан озод қилгани ҳам Аллоҳнинг улуғ марҳамати эканини айтмоқдалар. Ахир Фиръавн Бани Исроил қавми бошига не кунларни солмади! Ана ўша азобларнинг энг каттаси, эндигина туғилган ўғил болаларни ўлдириб, қиз чақалоқларни тирик қолдириши бўлди.

Шундан кейин Мусо алайҳиссалом қавмига Аллоҳга имон келтириб солих амаллар қилсалар, саодатга эришишилари, куфр йўлини танлаб, гуноҳга ботсалар, бадбахтлар қаторида бўлишларини эслатди. Аллоҳ шукр қилувчи бандаларига неъматларини зиёда қилиши, берилган тухфаларни инкор қилиб, нонкўрлик қилганлар эса аламли-шиддатли азобга гирифтор бўлиши айтилди. Оят давомида барча кофирларнинг куфри Аллоҳга зиғирча ҳам зарар еткза олмаслиги, Аллоҳ таоло оламлардан беҳожат ва ҳамду сано айтилишига энг муносиб зот экани таъкидланди.

Хуллас, Мусо алайҳиссалом жидду жаҳд қилиб, таъсирли ва ҳикматли насихатлар билан қавмни тўғри йўлга чорлади.

Афсуски, қавмнинг аксарияти ҳали ҳам эски дардларидан фориг бўлмаганди. Улар Мусо алайҳиссаломга исён қилар, унга ёмон муносабатда бўлар, Аллоҳга шерик қилиш борасида оёқ тираб туриб олишганди. Уларнинг жоҳиллиги ва аҳмоқликлари

шу даражага етдики, Мусо алайҳиссаломдан айрим қавмларники сингари бир нечта илоҳлар топиб беришини сўрадилар.

Аллоҳ таоло айтади: **“Ва Биз Бани Исроилни денгиздан ўтказдик. Шунда улар бутларга сиғиниб турган бир қавм олдидан ўтдилар ва: “Эй Мусо, бизларга ҳам уларнинг илоҳлари каби худо қилиб бер”, дедилар. У айтди: “Албатта сизлар билмайдиган қавмдирсиз. Ахир уларнинг (ибодат қилиб) турган нарсалари йўқ бўлувчи, қилиб турган амаллари ботил-ку?!”** (Мусо яна) деди: **“Мен сизларни бутун оламлардан афзал қилиб қўйган Аллоҳдан ўзгани сизларга худо қилиб бераманми?!”** (Эй Бани Исроил,) **сизларни ёмон азоб билан қийнаётган, ўғилларингизни ўлдириб, қизларингизни қолдираётган Фиръавн одамларидан қутқарганимизни эсланг! Бу ишларда Парвардигорингиз томонидан улуғ имтиҳон бордир”** (*Аъроф сураси, 138-141-оятлар*).

Аллоҳ таоло Фиръавн ва лашкарларини ҳалок қилгач, Бани Исроил денгизнинг нариги соҳилига эсон-омон ўтиб олди ва муқаддас замин томон йўлга тушдилар. Аммо улар йўлда бутларга сиғинаётган қавмни кўриб қолишди. Бу ҳолатни кўриб, эски дардлари кўзиб қолдилар. Будпарастликка мойил бўлган табиатлари уларни Мусо алайҳиссаломдан мана шу қавм ибодат қилаётган илоҳлар каби бир илоҳ ясаб беришини сўрашди.

Қавм бу талабни ўртага ташлаганида Мусо алайҳиссалом бундан қаттиқ ғазабланди. Уларни ҳақиқатни билмасликда, жоҳилликда айблаб, қилаётган ишлари аслида ботил экани, Аллоҳ уларга улуғ неъматлар бергани, бунинг эвазига эса улар Аллоҳга ихлос билан ибодат ва шукр қилишлари лозимлигини айтдилар.

Аллоҳ таолонинг “Ва Биз Бани Исроилни денгиздан ўтказдик”, деган қавли Аллоҳнинг уларга берган улуғ неъматлари тимсолидир. Ҳа, Бани Исроилнинг ашаддий душмани бўлган Фиръавн ўз қўшини билан Мусо алайҳиссалом ва у кишига эргашган кишиларни қувлаб, денгизгача етиб келди. Шунда Аллоҳ таоло тарафидан Мусо алайҳиссаломга асони денгизга уриш амр қилинди. Бу амр бажарилгач, денгиз иккига бўлиниб, ўртада йўл пайдо бўлди. Мусо ва издошлари эсон-омон дарёдан ўтишди. Улар нариги томонга ўтиб бўлишгач, Аллоҳ уларга лутф кўрсатди: душманларини кўз ўнгларида сувга ғарқ қилди.

Бу ўриндаги денгиз – “Қулзум” денгизи. Ҳозирда у “Қизил денгиз” дейилади.

“Шунда улар бутларга сиғиниб турган бир қавм олдидан ўтдилар”. Бу ерда улар денгизни кечиб ўтишгандан кейин кўрган баъзи нарсалари баён қилинмоқда. Яъни, улар мушрикларнинг ботил ибодатларини кўришлари билан кўнгилларида ширкка мойиллик пайдо бўлди.

Аслида улар бундан кейин ҳар қандай ботил ишни инкор қилишлари, ундан четроқ юриш ҳаракатида бўлишлари лозим эди. Чунки улар бутларга сиғинган Фиръавн ва унинг қавми қандай ҳалок бўлганини, бутларга ибодат қилмаганларнинг эса нажотга эришганини ўз кўзлари билан кўрган эдилар. Қолаверса, Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари Мусо алайҳиссалом уларни Аллоҳнинг фазлига эришишлари учун тавҳидига чақириб турарди. Лекин Бани Исроил аввалги бузуқ ақидасидан воз кечолмаётган эди. Шунинг учун ҳам улар бутларга сиғинаётган қавмни кўришлари билан шу жонсиз тошларга топингилари келиб қолди. Саркаш қавм бу ишга шу қадар мафтун бўлганидан ўзларини ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга чақириб турган Мусо алайҳиссаломдан бут ясаб беришини сўрадилар. Мусо алайҳиссаломга қарата:

– **Эй Мусо, бизларга ҳам уларнинг илоҳлари каби худо қилиб бер, дедилар**⁹⁶.

Ҳа, уларнинг қалбларига ҳали имон мустаҳкам ўрнашмаган эди. Фиръавн бошчилигида бут-санамларга сиғиниш одати қон-қонигача сингиб кетганди. Мана шу бузуқ ақида уларнинг ақлларида устун келар, нафслари эски одатларини қумсаб турарди.

Касаллик баданни шикастлагани каби қалбни ҳам жароҳатлайди. Бани Исроил қавми бир адашиб олмагунича ҳидоят топмас, бир пастга шўнғиб олмагунича юқорига кўтарилай демас, эски касаллик хуружини бошдан кечирмагунича тўғри йўлга юра олмасди.

Бани Исроилнинг Пайғамбарлари юзига тик боқиб: “Бизларга ҳам уларнинг илоҳлари каби худо қилиб бер”, дейишлари улар нақадар одобсиз ва ақлсиз бўлганларининг далилидир. Чунки улар ўша мушрик қавм сингари бутларга сиғиниш учун рухсат сўраганларида ҳам жоҳилликларини биров “енгилроқ” санаш мумкин бўларди. Лекин улар айнан Пайғамбарнинг ўзидан “бизларга илоҳ ясаб бер” деб сўрашди.

Мусо алайҳиссалом уларнинг бу талабини эшитиб, хафа бўлдилар.

– **Албатта сизлар билмайдиган қавмдирсизлар, деди.**

Яъни, айтдиларки: эй Бани Исроил, сизларнинг бу талабингиз қалбингиз жаҳолатга тўла эканидан, бу жаҳолат ақлларингизни эгаллаб олганидан дарак беради. Шу сабаб, сизлар ҳидоят билан залолатни, яккаю ягона Аллоҳ билан тошдан ясалган бутлар ўртасидаги фарқни билмаяпсизлар!

Сўнгра Мусо алайҳиссалом уларнинг сўраётган нарсаси ботил эканини, адашган қавмга кўр-кўрона тақлид қилиш ёмон оқибатларга олиб келишини уқтирдилар:

– **Ахир уларнинг (ибодат қилиб) турган нарсалари йўқ бўлувчи, қилиб турган амаллари ботил-ку?!**

Яъни, сиз тақлид қилишни истаётган бу қавмнинг эътиқоди, бут-санамларга топиниши йўқ бўлишга маҳкумдир. Ҳамма жойда Аллоҳнинг дини – тавҳид эътиқоди ғолибдир.

Мусо алайҳиссалом қавмга Аллоҳдан ўзгага ибодат қилиш ҳалокатга сабаб бўлишини англатиб, уларга дедиларки:

– **Мен сизларни бутун оламлардан афзал қилиб қўйган Аллоҳдан ўзгани сизларга худо қилиб бераманми?!**

Яъни, сизларнинг Аллоҳдан ўзгани илоҳ қилиб олишларингизга рози бўламанми? Ахир сизларни ўз даврингизда бутун оламлардан афзал қилиб қўйган-ку Аллоҳ! Шу сабабдан У зотга ихлос билан ибодат қилишингиз керак эмасми?

Мусо алайҳиссаломнинг бу саволи уларнинг истагини инкор қилиш ва Аллоҳдан ўзгага сиғинишга бўлган рағбатларидан ажабланиш маъносидадир.

Оятнинг давомида Аллоҳ таоло Бани Исроилни азобу уқубатдан, хорликдан қутқаргани эслатилади: “(Эй Бани Исроил,) **сизларни ёмон азоб билан қийнаётган, ўғилларингизни ўлдириб, қизларингизни қолдираётган Фиръавн одамларидан қутқарганимизни эсланг! Бу ишларда Парвардигорингиз томонидан улуғ имтиҳон бордир**”.

⁹⁶ Муфассирлар Бани Исроил кўрган, бут-санамларга ибодат қилаётган қавм ҳақида турли қавлларни айтишган. Баъзилар: “Улар Лахм араблари эди”, дейишса, бошқалар: “Улар Лахм ва Жизомдан эди”, дейишган. Яна бошқалар: “Улар Канъонийлардан эди. Мусо алайҳиссалом уларни ўлдиришга буюрган”, деб айтишган. “Улар Миср худудларига яқин жойда яшовчи араблар бўлган”, деганлар ҳам бор.

Яъни, эй Бани Исроил, сизлар ибрат олишингиз, Аллоҳнинг неъматларига шукр қилишингиз учун сизларни Фиръавннинг қаттиқ азобидан қутқарганимизни эсланг. Улар ўғил болаларингизни ўлдирар, хизмат қилдириш ва хорлаш учун қизларингизни тирик қолдирардилар. Мана бу азобда ва нажотда сизлар учун имтиҳон бордир.

Ушбу оятлар билан Бани Исроил талаб қилган нарса энг ҳикматли ва балоғатли услубда рад қилинмоқда. Бу ерда қавм фикр-мулоҳаза юритишдан йироқ, жаҳолат қаърига ботиб кетган, ўзларини ҳам, Аллоҳни ҳам танимайдиган кимсалар сифатида таърифланмоқда. Зеро, уларни ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга чақирган пайғамбар юзига тик боқиб, “Эй Мусо, бизларга ҳам мана шу қавмникига ўхшаш илоҳлар қилиб бер”, деб қилган талаблари шундан дарак беради.

Ояти карима давомида улар қилган талаб ботил, кўнгил истаклари оқибати аянчли экани, йўқ бўлишга маҳкумлиги баён қилинди. Шундан сўнг Аллоҳдан ўзгага ибодат қилиш ҳар қандай ҳолатда жоиз эмаслиги, сабаби, Аллоҳнинг Ўзи якка илоҳ экани таъкидланди. Кейин Аллоҳ Бани Исроилга берган турфа хил ноз-неъматлар зикр қилинди. Мақсад: улар пайғамбардан талаб қилган нарса шу неъматларга ношукрлик қилиш эканини билдириш ва уларни тафаккурга, Аллоҳга тавба қилишга чақиришдир.

Бани Исроилнинг Мусо алайҳиссаломга исён қилиши ва айтган гапларини назарга илмаслиги

Қуръони каримнинг кўп оятларида Бани Исроилнинг Мусо алайҳиссаломга қилган исёни ҳақида ҳикоя қилинган. Эътиборингизни Моида сурасидаги қуйидаги оятларга қаратамиз: “Эсланг, (эй Муҳаммад алайҳиссалом,) **Мусо қавмига:** “Эй қавмим, Аллоҳнинг сизларга берган неъматини – орангиздан пайғамбарлар чиқарганини, яна сизларни мулку давлат эгалари қилиб, барча оламлардан бирон кишига бермаган инъомларини сизларга ато этганини эсланглар! Эй қавмим, Аллоҳ сизлар учун ёзиб – тақдир қилиб қўйган бу муқаддас ерга дохил бўлинглар! Ортларингизга қайтиб кетмангиз, акс ҳолда зиён кўрувчиларга айланиб қоласиз”, деганида, улар: “Эй Мусо, у ерда зўравон одамлар бор. То улар чиқмагунларича биз у ерга зинҳор кира олмаймиз. Агар улар чиқиб кетсаларгина биз дохил бўламиз”, дедилар. (Шунда) Аллоҳдан кўрқадиган ва унинг инъом – марҳаматига муяссар бўлган икки киши: “Уларнинг устига дарвозадан тўсатдан кирингиз, агар унга кириб олсангиз, бас, шубҳасиз ғолиб бўласизлар. Агар мўмин бўлсангиз, Ёлғиз Аллоҳгагина суянинглар!” дедилар. (Қавм) айтди: “Эй Мусо, модомики, улар шу жойда экан, биз ҳеч қачон кира олмаймиз. Бас, бор, сен ўзинг ва Парвардигоринг улар билан урушаверинглар. Биз эса мана шу ерда ўтириб (кутамиз). (Мусо) айтди: “Парвардигорим, мен фақат ўзимга ва биродаримга эгаман, холос. Бас, Ўзинг биз билан бу итоатсиз қавмнинг орасини ажрат”. (Аллоҳ) деди: “Энди қирқ йил мобайнида бу ер улар учун ҳаромдир. Улар ерда адашиб – улоқиб юрадилар. Сен бу итоатсиз қавмдан маҳзун бўлма” (Моида суарси, 20-26-оятлар).

Бу оятлар бизга ўзининг балоғатли услуби билан узоқ тарихда бўлиб ўтган воқеаларни ҳикоя қилмоқда. Унда Бани Исроилнинг нақадар жоҳил экани, пайғамбарига исён қилгани, ўзининг ўткинчи лаззатларини ўйлаб, Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилишдан бош тортгани зикр қилинмоқда.

Мазкур қиссанинг қисқача баёни шундай: Аллоҳ таоло Бани Исроил кўз олдида Фиръавн ва қўшинини денгизга чўктириб юборганидан кейин Мусо алайҳиссалом қавми билан Шом диёри сари йўлга чикди. Шунда Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга ваҳий қилиб, қавмидан ўн икки нафар раҳбар танлаб олишни амр қилди. Шундан сўнг ўша раҳбарларни Канъонийлар юрти бўлган муқаддас заминга юборишни буюрди. Мақсад уларнинг яшаш тарзи ва аҳволларидан хабардор бўлиш эди.

Мусо алайҳиссалом Аллоҳ амр қилган ишни бажарди. У раҳбарларни муқаддас замин халқи ҳақида маълумот олиб келиш учун юборар экан: “Кўрган нарсаларингизни мендан бошқага айта кўрманг!” дедилар.

Раҳбарлар муқаддас заминга йўл олишди. У ерга бориб, одамларнинг аҳволини кўрдилар. Сўнгра ортига қайтиб, Мусо алайҳиссалом қошига келдилар.

– Эй Мусо, – дейишди раҳбарлар, – биз сен юборган юртга бордик. Уларда сут ва асал жуда сероб экан. Одамлари ниҳоятда бақувват, шаҳарлари жуда мустаҳкам экан. Биз улар билан уруш қилолмаймиз.

Уларнинг бу фикрига қавм аҳли ҳам қўшилишди. Бироқ бу раҳбарларнинг икки нафари бу фикрга қарши чикдилар.

– Биз Мусо алайҳиссаломга итоат қилишимиз керак. У бизларни Канъонийлар билан урушга чақирсалар, рози бўлишимиз даркор, – дейишди.

Аммо Бани Исроил бу икки раҳбарнинг ҳам гапига унамади. Бани Исроил урушдан бош тортиб, ҳамма ёқни бошига кўтариб:

– Эй қанийди, шаҳарда ёки одамлар ичида ўлиб кетсак эди, – деб йиғлай бошладилар.

Мусо алайҳиссалом уларни кўрқоқлик ва исёнкорликдан қайтариб, зўравон кимсаларга қарши курашишга чақирди. Аммо қавм кўзи кўр ва қулоғи қар ҳолида туғёнда давом этди.

Шунда Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга ваҳий юбориб, ўша муқаддас замин Бани Исроилга қирқ йил ҳаром қилингани, улар қилган исёнларига яраша жазо олишлари учун сарсон-саргардон ҳолларида ватангадо бўлиб, адашиб юришларини маълум қилди.

Бу қиссанинг қисқача изоҳи эди. Унинг тафсилотлари тафсир ва тарих китобларида келган. Баъзи муфассирлар ўша зўравон кимсаларнинг сифатларини кишини ажаблантирадиган тарзда муболаға билан келтирадилар. Шунинг учун ҳам бу маълумотларни Ибн Касир сингари дақиқ олимлар ишончсиз деганлар⁹⁷.

Энди юқорида келган оятлар изоҳини батафсилроқ келтираамиз.

“Эсланг, (эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Мусо қавмига: “Эй қавмим, Аллоҳнинг сизларга берган неъматини – орангиздан пайғамбарлар чиқарганини, яна сизларни мулку давлат эгалари қилиб, барча оламлардан бирон кишига бермаган инъомларини сизларга ато этганини эсланг!”

Бу ерда Бани Исроилдан аҳднома олингач, улар ваъдага вафо қилмаганлари зикр этилмоқда.

⁹⁷ Ўша сифатлардан бири шуки, улардан бўлган Иваж ибн Ункнинг бўйи 3 минг зирьо эмиш. Мусо алайҳиссалом қавмидан 70 киши улардан бир киши соясида қолиб кетармиш. Алусий шу каби маълумотларни зикр қила туриб: “Фикримча, бу ёлғон оивоятдир”, деган.

Яъни, эй Мухаммад, Сизга тиш-тирноғи билан қарши чиқаётган яхудийларга улар ота-боболарига Мусо томонидан қилинган хитобни эслатинг. Ўшанда Мусо уларга насиҳат қилиб:

– Эй қавмим, Аллоҳ сизларга берган неъматларини шукр ва итоат билан эсланглар! – деганди.

Ҳа, Мусо алайҳиссалом Бани Исроил Аллоҳнинг амрига итоат этиб, У зот берган неъматларга шукр қилиш билан янада кўпроқ инъомларга эришишини, илоҳий амрга бўйсунуш орқали абадий саодат топишини чин қалбдан истарди. Зеро, Бани Исроилнинг ҳидояти уни хурсанд қилар, итоатсизлиги эса ғам-андухга соларди.

“Орангиздан пайғамбарлар чиқарганини, яна сизларни мулку давлат эгалари қилиб, барча оламлардан бирон кишига бермаган инъомларини сизларга ато этганини эсланг!”

Бу оятда Аллоҳ таоло Бани Исроилга ато этган учта катта неъмат зикр қилинмоқда.

Биринчи неъмат: Бани Исроилдан Мусо, Ҳорун, Исҳоқ, Яъқуб ва Юсуф алайҳимуссалом каби пайғамбарлар чиқарилди. Аллоҳ таоло мазкур пайғамбарларни Бани Исроилни куфр, фисқу фужур ва исён зулматидан ҳидоят, тоат ва имон нурига чиқариш учун юборди.

Иккинчи неъмат: Бани Исроил мулку давлат эгалари қилиб қўйилди. Бани Исроил аввалда Фиръавн қўл остидаги қуллар бўлиб, турфа хил азобу қийноқларни бошларидан кечиришди. Аллоҳ уларни қулликдан озодликка, хорликдан азизликка олиб чиқди. Энди улар ўзлари хоҳлаган ишни амалга ошира оладилар, эрклари ўз қўлларида. Устига-устак бошқа мамлакатларни маскан тутишлари ва хизматкорлар ишлатишлари ҳам мумкин эди. Аввал улар бундай имкониятлардан махрум, ўзлари бировлар қўлида эртадан кечгача оғир меҳнат қилардилар.

Қулликдан кейинги озодлик, тангликдан кейинги фаровонлик каби улуғ неъматларни фақат покиза қалб эгаларигина эътироф этадилар ва уларни сақлашга ҳаракат қиладилар. Бу неъматларни сақлаб қолиш – зулм, адолатсизликдан тийилиш ва Аллоҳга шукр қилиш билан бўлади.

Учинчи неъмат: ўша замонда Бани Исроилдан бошқа бирон қавмга берилмаган улуғ неъматлар, кўрсатилган лутфу марҳаматлардир. Жумладан, устларига бедана ва ширинликлар ёғилиши, ўн икки қабилага етадиган булоқлар очилиши, денгизнинг иккига ажралиб, нариги тарафга эсон-омон ўтиб олишлари ва ортларидан келган Фиръавннинг сувга ғарқ бўлиши ва ҳоказо. Бани Исроил бундан бошқа яна қанча неъматлар билан сийланганди. Шунча яхшиликка эришган қавм бунинг эвазига Аллоҳнинг амрига сўзсиз итоат этишлари лозим эди. Аммо ундай бўлмади. Бани Исроилга берилган ҳисобсиз неъматлар эслатилгач:

– Эй қавмим, Аллоҳ сизлар учун ёзиб – тақдир қилиб қўйган бу муқаддас ерга дохил бўлинглар! Ортларингизга қайтиб кетмангиз, акс ҳолда зиён кўрувчиларга айланиб қоласиз, – дейилди.

“Муқаддас замин” дейилишига сабаб, у ерни пайғамбарлар маскан тутишган. “Муқаддас замин”дан яна бир мурод “Байтул макдис”дир. Баъзилар буни “Арийҳо”, бошқалар “Тур тоғи ва унинг атрофи”, дейишган.

“Аллоҳ сизларга ёзиб қўйган”, деганда, “сизларнинг яшашингизни тақдир қилган, сизлар пайғамбарга имон келтириб, унга итоат этганингизда, ўша ерларни сизларга

ваъда берган”, маъноси тушунилади. Ёки: “сизларга намоз ва закотни фарз қилганидек ўша ерга киришингизни фарз қилган” маъносида ҳам тушуниш мумкин.

“Ортларингизга қайтиб кетмангиз, акс ҳолда зиён кўргувчиларга айланиб қоласизлар” оятида уларни кўрқоқлик қилиб, душмандан қочиб кетишдан огоҳлантирилмоқда.

Яъни, эй қавмим, Аллоҳнинг амрига қулоқ тутинглар, менинг ортимдан душман сари олға қадам ташланглар. Зеро, Аллоҳ сизларни муқаддас заминга киришга буюрди. Бироқ ғанимдан чўчиб ортларингизга қараб қочманглар, менга итоат этишдан бўйин товланг! Акс ҳолда, дунё ва охиратда ғалабани қўлдан чиқарасизлар, афсус-надомат қилиб қоласизлар! Агар буюрилган жойга кирмасангиз, Аллоҳнинг яхшиликларидан маҳрум бўлиб қоласизлар!

Мусо алайҳиссалом қавмини турли йўллар билан илоҳий фармонга бўйсунтиришга, Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилишга чақирди. Инсофли, мулоҳазали кишилар турли-туман неъматларга буркаб қўйган марҳамати чексиз Зотнинг айтганларини сўзсиз бажаришлари лозим эди. Бироқ Бани Исроил – бу, Бани Исроил эди. Уларга мудом ваъз-насиҳат қилинса-да, лекин ғайратлари бўшлиғи, кучсиз иродалари, бузук табиатларидан воз кечгилари келмасди. Қилинган шунча ваъз-насиҳатлардан кейин ҳам улар пайғамбарга тик боқиб:

– **Эй Мусо, у ерда зўравон одамлар бор. То улар чиқмагунларича биз у ерга зинҳор кира олмаймиз. Агар улар чиқиб кетсаларгина биз дохил бўламиз, – дейишди.**

Яъни, эй Мусо, сен бизни киришга ундаётган жойда ғолиб кишилар бор. Улар ким билан жанг қилишса, албатта зафар кучишар экан. Биз улар билан курашишга қодир эмасмиз. Мана шу зўравон кимсалар муқаддас заминда эканлар, биз ҳеч қачон у ерга кира олмаймиз. Агар улар бирон сабаб билан чиқиб кетсалар, у ерга қийинчиликсиз кириб оламиз, дейишди.

Бани Исроил қавмининг бу гапи уларнинг нақадар кўрқоқ ва заиф бўлганликларидан дарак беради. Чунки улар ўз кучлари ва ақл-фаросатлари билан ғалабага эришишни истамаяптилар, балки кимларнингдир ўз ватанларидан чиқиб кетишлари ҳисобига ерларини эгаллаб олиш пайида бўлмоқлар. Булар фаровон ҳаётга муносиб эмаслар. Улар шундай ҳаётга эришиш учун бирон иш қилганлари ҳам йўқ.

Бани Исроил кўрқоқлик қилиб турган бир пайтда улар орасидан икки мўмин киши чиқиб, уларни Аллоҳ йўлида жанг қилишга, ғайрат кўрсатишга чақирди. Бу оятда шундай ифодаланган: **“(Шунда) Аллоҳдан кўрқадиган ва унинг инъом – марҳаматига муяссар бўлган икки киши: “Уларнинг устига дарвозадан тўсатдан кириш, агар унга кириб олсангиз, бас, шубҳасиз ғолиб бўласизлар. Агар мўмин бўлсангиз, ёлғиз Аллоҳгагина суянинглар!” дедилар”.**

Бу ердаги икки киши – Юшаъ ибн Нун ва Қолиб ибн Юқнодир. Улар ўн икки раҳбар ичида эдилар. Аллоҳ таоло уларни икки сифат билан васф қилди. Биринчиси, ёлғиз Аллоҳдан кўрқадиган, У зотга тақво қиладиган, Аллоҳдан ўзгадан кўрқмайдиган икки киши эди. Бу васфдан шу нарса маълум бўладики, Мусо алайҳиссалом ва ўша икки кишидан бошқалар Аллоҳдан эмас, кўпроқ душмандан кўрқишарди.

Иккинчи васф: “Унинг инъом – марҳаматига муяссар бўлган”дир. Яъни, фақат Аллоҳдан кўрқадиган, қалбларида У зотдан ўзгадан кўрқиш ҳиси бўлмаган,

Аллоҳнинг ваъдасига ишонган ва У зотнинг амрига итоат этишдек улуғ неъматлар ила сийлаган икки мўмин киши:

– Улар устига дарвозадан киришлар, – дедилар.

Улар бу билан қавмдаги кўрқув ва ваҳимани кетказиб, ғайрат ва жасорат ҳисини уйғотмоқчи бўлишди.

“Агар мўмин бўлсангиз, ёлғиз Аллоҳгагина суянинглар!”

Бу ерда Бани Исроилга ишларини Аллоҳга топширишга, душманлари устига тўсатдан бостириб киришга азм қилишга чақирилмоқда.

Бу ҳикматли насиҳатларни эшитиб, уларга “лаббай”, деб жавоб бериш учун Бани Исроилда эшитувчи кулоқ, англовчи қалб топилмади. Аксинча, қилинган шунча панд-насиҳатларга бош тортиш ила жавоб бериб қўяқолдилар:

– **Эй Мусо, модомики, улар шу жойда экан, биз ҳеч қачон кира олмаймиз.**

Улар насиҳатга парво қилмай, туғёнларида давом этиб:

– Эй Мусо, ўша зўравон ва қудратли одамлар у ерда экан, биз сен айтган заминга зинҳор кира олмаймиз. Сабаби, улар билан яккама-якка курашишга, юзма-юз олишишга қодир эмасмиз! – дейишди.

Қавм амр қилинган ишни бажара олмасликларини таъкидлаш учун “Ҳеч қачон” дея ўз қатъиятсизликларини ифодалади.

Бани Исроил муқаддас замин аҳолиси ҳаёт экан, у ерга кира олмасликларини баён қилгач, энди учига чиққан кўрқоқ ва беодобликларини исботладилар. Улар Мусо алайҳиссаломга қарата юзсизларча:

– **Бас, бор, сен ўзинг ва Парвардигоринг улар билан урушаверинглар. Биз эса мана шу ерда ўтириб (кутамиз), дедилар.**

Яъни, мана шу заминга кириш сен учун керак бўлса, ўзинг ва Парвардигоринг бориб, ўша қудратли кўшинга қарши жанг қилаверинглар ва уларни юртларидан чиқаринглар. Биз эса мана шу ерда ўтирамыз, олдинга бир қадам ҳам силжимаймиз.

Қавм саркашлиқда давом этгач, Мусо алайҳиссалом иложсиз қолди ва қўлини кўтариб Аллоҳга дуо қила бошлади:

– **Парвардигорим, мен фақат ўзимга ва биродаримга эгаман, холос. Бас, ўзинг биз билан бу итоатсиз қавмнинг орасини ажратгин!**

Яъни, Мусо алайҳиссалом барча ғам-ғусса ва шикоятларини Аллоҳга арз қилиб, қавмининг бош тортиши ва кўрқоқлигини айта туриб:

– Ё Раббим! Биласан, мен ўзим ва биродарим Ҳорунгагина эгаман. Бошқаларни бу ишга мажбурлай олмайман. Биздан бошқалар Сенга яхши ва ёмон кунларда итоат этишига ишончим комил эмас! Қавмим Сенга итоат этмади, фосиқлик кўчасига кирди. Шундай экан, ё Аллоҳ, улар билан бизнинг йўлимизни ажрат. Бизларга ўзимизга муносиб ҳукм қил, уларга ҳам ўзларига мос ҳукм қил. Зеро, Сен энг адолатли ва ҳикматли Зотдирсан! – дея илтижо қилди.

Аллоҳ Мусо алайҳиссалом дуосини қабул қилди. Бани Исроил маънавий залолат қаърига ботганлари етмагандек улар зоҳирий-моддий залолатга кетиши баён қилинди:

(Аллоҳ) деди: **“Энди қирқ йил мобайнида бу ер улар учун ҳаромдир. Улар ерда адашиб – улоқиб юрадилар. Сен бу итоатсиз қавмдан маҳзун бўлма”.**

Яъни, эй Мусо, муқаддас замин анави кўрқоқ ва осий кимсалар учун қирқ йил ҳаромдир. Шу муддат ичида улар саҳроларда сарсон-саргардон бўлиб тентираб юрадилар, зинҳор муқим бўлолмайдилар, бирон жойни макон туюлмайдилар.

Уларнинг бу азоб-укубатидан сен сира хафа бўлма! Тоатимиздан бўйин товлаганлари, душманлари билан жанг қилишдан кўрққанлари ва пайғамбарларига одобсизлик қилганлари сабаб, Биз уларни шундай жазолаймиз.

Мусо алайҳиссалом йўқлигида Бани Исроилнинг бузоққа сиғиниши

Тоҳа сурасидаги оятларда Бани Исроил бузоққа сиғинганлари айтилган. Бу уларнинг басират кўзлари кўр, маънавий сўқир бўлганларига далолат қилади.

“(Аллоҳ деди:) “Қавмдан мунчалар илгарилаб кетдинг, эй Мусо!” У айтди: “Улар ана – изимдан келурлар. Мен эса Сен рози бўлишинг учун олдинга шошилдим, Парвардигорим! (Аллоҳ) деди: “Ҳақиқатан, Биз Сенинг ортингдан қавмингни имтиҳон қилдик ва Сомирий уларни йўлдан оздирди”. Бас, Мусо қавмига ғазабланган ва ғамга ботган ҳолда қайтиб келиб деди: “Эй қавмим, Парвардигорингиз сизларга чиройли ваъда қилмаганмиди?! Сизларга (ўтган) вақт узун (кўришиб) кетдими ёки устингизга Парвардигорингиз томонидан ғазаб тушишини истаб менга берган ваъдангизни унутдингизми?! Улар айтдилар: “Бизлар сенга берган ваъдани ўз инон-ихтиёримиз билан бузганимиз йўқ. Лекин бизлар қавминг зиб-зийнатларидан иборат нарсаларни кўтариб чиққан эдик, бас, уларни оловга ташладик. Сўнг Сомирий ҳам ташлади. Сўнг уларга овози бор ҳайкал-бузоқ чиқариб берди. Сўнг дедилар: “Сизларнинг ҳам, Мусонинг ҳам илоҳи шу эди, (Мусо) унутди”. Ахир улар унинг ўзларига бирон сўз қайтара олмаётганини ва бирон зиён ҳам, фойда ҳам етказишга қодир эмаслигини кўрмайдиларми?!” (Тоҳа сураси, 83-89-оятлар).

Аллоҳ таоло Фиръавн ва унинг қўшинини ҳалок қилгач, Мусо алайҳиссалом Тур тоғи томон йўл олди. Қолганларга Ҳорун алайҳиссаломни раҳбар қилиб қолдириб, ўзи етмиш нафар киши билан Парвардигорига муножот қилишга кетди. Мусо алайҳиссалом Аллоҳ билан кўришиш шавқида ўзи билан бирга бўлганлардан илгарилаб кетади. Юқоридаги ояти карималарда Мусо алайҳиссалом йўқлигида Бани Исроил қандай қилмишларни ўйлаб топганлари баён қилинмоқда. Келинг, бу воқеаларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

“Қавмдан мунчалар илгарилаб кетдинг, эй Мусо!”

Яъни, эй Мусо, бу ерга келишда қавмингни ортда қолдириб, нима сабабдан улардан илгарилаб кетдинг? Ваҳоланки, қавм бошлиғи сафар чоғида орқада юриши, уларни ҳимоя қилиб, ҳолидан хабардор бўлиши керак эди?

“У айтди: “Улар ана – изимдан келурлар. Мен эса Сен рози бўлишинг учун олдинга шошилдим, Парвардигорим!”

Яъни, Мусо алайҳиссалом узрини қуйидагича баён қилди:

– Қавмим ортимдан келмоқда, ҳадемай менга етиб олишади. Эй Парвардигорим, Сен билан гаплашиш ва розилингни олиш мақсадида улардан олдинроқ келгандим!

“Ҳақиқатан, Биз Сенинг ортингдан қавмингни имтиҳон қилдик ва Сомирий уларни йўлдан оздирди”.

Бу ерда Мусо алайҳиссалом кетгач, Бани Исроил қилган ишлар ҳақида хабар берилмоқда.

“Сомирий” Бани Исроил залолатига сабаб бўлган одамнинг исми. Айтишларича, у Бани Исроил бошлиқларидан эди. Ўша киши “Сомира” номи билан танилган қабилага мансуб бўлган⁹⁸.

Оятнинг маъноси қуйидагича: Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга:

– Биз сен кетганингдан кейин қавмингни имтиҳон қилдик. Сомирий уларни бузоққа ибодат қилишга чақирди. Улар Сомирийнинг сўзини икки қилмадилар.

“Бас, Мусо қавмига ғазабланган ва ғамга ботган ҳолда қайтиб келди”.

Яъни, Мусо алайҳиссалом Парвардигорига муножот қилиб, Тавротни қабул қилганидан кейин қаттиқ ғазабланган ва ғам-ғуссага ботган ҳолда ортига қайтиб келди.

Мусо ғазабнок ҳолда келиб қавмига айтган гаплари қуйидаги оятда келтирилади:

“Эй қавмим, Парвардигорингиз сизларга чиройли ваъда қилмаганмиди?!”

Яъни, эй қавмим, Парвардигорингиз сизларга Таврот нозил қилиб, у билан сизларни ҳидоят ва саодатга бошлаш, душманларингизни кўз олдингизда ҳалок қилишини ваъда бермаганмиди?! Сизлар Унинг неъматларидан фойдалана туриб, яна нима сабабдан Унга ибодат қилиш ва итоат этишдан бош тортасизлар?!

“Сизларга (ўтган) вақт узун (кўриниб) кетдими ёки устингизга Парвардигорингиз томонидан ғазаб тушишини истаб менга берган ваъдангизни унутдингизми?!”

Яъни, мен кетганимдан бери ўтган вақт сизларга узунлик қилдими? Йўқ, аслида бу қисқа вақт эди. Бу муддат ичида сизларга амр қилинган нарсаларни унутиб юборган бўлишингиз мумкин эмас. Балки сизлар устингизга Аллоҳнинг ғазаби ёғилишини истайсизлар! Ҳа, сизлар менга берган ваъдангизга, ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилиш ҳақидаги аҳдномага хилоф иш қилдингиз!

Қисса давомида уларнинг асоссиз баҳоналари келтирилади. Бу Бани Исроил қавмининг ақлдан озгани, табиатлари нопок, шахсиятлари носоғлом эканига далолат қилади.

Улар айтдилар: “Бизлар сенга берган ваъдани ўз инон-ихтиёримиз билан бузганимиз йўқ”.

Яъни, биз сенга берган ваъдага хилоф қилиб, ўз хоҳиш-иродамиз билан бузоққа сиғинганимиз йўқ. Бунда ихтиёримиз ўз қўлимизда эмасди. Балки бизни Сомирий йўлдан оздирди.

“Лекин бизлар қавмининг зеб-зийнатларидан иборат нарсаларни кўтариб чиққан эдик, бас, уларни оловга ташладик. Сўнг Сомирий ҳам ташлади”.

Яъни, биз аҳдни ўз истагимиз билан бузмадик. Балки қибтийлардан ноҳақ йўл билан тортиб олинган зийнатларни Сомирийнинг буйруғига биноан оловга ташладик. Сомирий ҳам ўзида бор зеб-зийнатларни оловга ташлади.

Ибн Касир айтади: “Бу жоҳил қавм қибтийлар зийнатида “тақво” қилиб, уни оловга ташлади ва бузоққа сиғинди. Ҳа, улар кичик нарсадан четланиш учун катта бир жиноятга қўл урдилар⁹⁹”.

⁹⁸ Бошқа қавлга кўра, у бузоққа сиғинувчи қавмдан бўлган. Бу борада турли шубҳа-гумон аралашган, қатъий бўлмаган қавллар кўп.

⁹⁹ “Тафсиру ибни касир”, 5-жуз, 304-бет.

Шундан сўнг Сомирий ўша зийнатларни нима қилгани айтилади: **“Сўнг уларга овози бор хайкал-бузоқ чиқариб берди. Сўнг дедилар: “Сизларнинг ҳам, Мусонинг ҳам илоҳи шу эди, (Мусо) унутди”.**

Сомирий оловга ташланган зийнатлардан Бани Исроил учун худди сугир каби овоз чиқарадиган бир бузоқ ясаб берди. Шунда Бани Исроил:

– Мана шу сизларнинг Раббингиз. Мусонинг Раббиси ҳам шу. Бас, унга ибодат қилинглар! Мусо бу ердаги илоҳини унутиб, уни бошқа жойдан қидириб кетди, – дедилар.

Бани Исроил қавмининг бу гапи уларнинг тентак ва нодон, пайғамбарларига нисбатан нақадар одобсиз бўлганларини кўрсатиб турибди. Улар бузоққа сиғинишга ўтиб, уларни ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга чақирган пайғамбарни адашганга, бузоққа сиғинганга чиқариб қўйдилар.

“Ахир улар унинг ўзларига бирон сўз қайтара олмаётганини ва бирон зиён ҳам, фойда ҳам етказишга қодир эмаслигини кўрмайдиларми?!”

Яъни, уларнинг сўқирлиги шу даражага етдики, ўзлари илоҳ қилиб олган бузоқ сўрасалар ёки хитоб қилсалар, уларга ижобат қила олмаслиги, саволга жавоб беролмаслиги, бирон зиён ҳам, фойда ҳам келтира олмаслигини хаёлларига келтирмадилар.

Қисса давомида Ҳорун алайҳиссалом бузоққа топинган бу саркаш қавмга қандай муносабатда бўлгани баён қилинади:

“Ҳолбуки, илгари Ҳорун уларга: “Эй қавмим, сизлар бу билан фақат имтиҳон қилиндинглар, холос. Шак-шубҳа йўқки, сизларнинг Парвардигорингиз ёлғиз Раҳмон – марҳаматли Аллоҳдир. Бас, менга эргашиш ва амримга итоат этишлар!” деганда, улар: **“То бизларга Мусо қайтмагунича, унга ибодат қилиб – сиғинишдан ҳаргиз ажралмаймиз”,** деган эдилар” *(Тоҳа сураси, 90-91-оятлар)*.

Яъни, Аллоҳга қасамки, Мусо алайҳиссалом қайтиб келишидан олдин Ҳорун алайҳиссалом бузоққа сиғинаётганларга насиҳат қилиб:

– Эй қавмим, сизларнинг залолатга кетишингиз ва куфрони неъмат қилишингизга мана шу бузоқ сабабдир. Ваҳоланки, сизларнинг Парвардигорингиз Аллоҳ ибодат қилишингиз ва итоат этишингиз учун энг муносиб зотдир, – деди.

Бу ерда “Парвардигор” сўзига “Раҳмон” қўшилишидан мақсад, уларни ҳақ томон буриш, огоҳлантириш ва Аллоҳ меҳрибон зот экани, бандаси қачон тавба қилса, кечиришини эслатишдир.

“Бас, менга эргашиш ва амримга итоат этишлар!”

Яъни, шундай экан, ҳақ йўлда мустаҳкам туриш, бузоққа топинишдан воз кечиш ва Мусо алайҳиссалом билан аҳдлашилган нарсани сақлаш ила менга итоат этишлар!

Ҳорун алайҳиссалом куюнчаклик билан қилган насиҳати бесамар кетди. Бу ҳикматли сўзлар уларнинг қалбига етиб бормади. Пурҳикмат ваъзларни эшитувчи кулоқ топилмади. Бунинг ўрнига улар қуйидагича жавоб қайтаришди:

– **То бизларга Мусо қайтмагунича, унга ибодат қилиб – сиғинишдан ҳаргиз ажралмаймиз.**

Яъни, биз Мусо алайҳиссалом келгунича бузоққа сиғинишдан тўхтамаймиз. Кўрамиз, Мусо келганидан кейин нима бўлар экан!

Ҳорун алайҳиссалом қилган саъй-ҳаракати бирон натижа бермади. Бани Исроил уни насиҳатгўй сифатида тан олмадилар. Мусо алайҳиссаломни кутишларини маълум

килишди. Улар ўзларини гўё Мусо алайҳиссалом қайтиб келгач, унинг гапларини ерда қолдирмайдигандек тутаётган эдилар.

Шундан кейин қавмининг залолатга ботганини кўрган Мусо алайҳиссалом дарғазаб ҳолда биродари Ҳорунга қандай хитоб қилгани келтирилади:

“Эй Ҳорун, уларнинг йўлдан озганларини кўрган пайтингда менинг ортимдан боришингдан сени нима тўсди?! Менинг амримга итоатсизлик қилдингми?!” (Шунда Ҳорун): **“Эй онамнинг ўғли, сен менинг соч-соқолимдан тортмагин. Мен: “Менинг сўзимни кутмай, Бани Исроилни бўлиб юборибсан”, дейишингдан кўрқдим”**, деди (*Тоҳа сураси, 92-94-оятлар*).

Яъни, Мусо биродари Ҳорунга маломат оҳангида:

– Эй Ҳорун, улар бузоққа сиғинганларини кўрган вақтингда қаршилик қилишингга нима тўсиқ бўлди? Нима сабабдан бундай ишга рози бўлдинг? Ёки амримга итоатсизлик қилдингми?! Ваҳоланки мен сенга: “Менинг ўрнимга ўринбосар бўл ва уларни ислоҳ қил, лекин бу бузғунчиларнинг йўлига эргашма” демаганмидим? Улар Аллоҳдан ўзгага сиғнишса-да бунга индамай қараб турибсан-а! – деди.

Бу гаплардан Мусо Ҳорундан жоҳилларга нисбатан қаттиққўллик билан муносабатда бўлишни, бўш келмасликни талаб қилгани маълум бўлади.

Ўз навбатида Ҳорун алайҳиссалом биродари Мусо алайҳиссаломга мулойимлик билан қуйидагича жавоб қилди:

– **Эй онамнинг ўғли, сен менинг соч-соқолимдан тортмагин. Мен: “Менинг сўзимни кутмай, Бани Исроилни бўлиб юборибсан”, дейишингдан кўрқдим.**

Яъни, Ҳорун Мусонинг ғазабини босиб, қалбида меҳр ҳиссини уйғотиш учун:

– Эй биродарим, мени қаттиқ маломат қилма! Амрингга осийлик қилганим йўқ. Сенга итоат этишдан бош тортмадим. Улар бузоққа ибодат қилганларини кўрганимда, “Менинг буйруғимни кутмай, мен билан бўлган мўминларни талашиб-тортишадиган икки гуруҳга бўлиб юборибсан”, дейишингдан кўрқдим. Сенинг насиҳатингга амал қилдим, уларга қаттиққўллик қилмадим. Уларни огоҳлантириш билан чекландим, – деди.

Мусо алайҳиссалом биродари Ҳоруннинг узрини эшитгач, фитнанинг сабабчиси бўлган Сомирийга ғазаб билан мурожаат қилди. Аллоҳ таоло буни қуйидагича баён қилган:

“(Сўнгра Мусо Сомирийга қараб:) “Бу нима қилганинг, эй Сомирий?” деди. У айтди: “Мен улар кўрмаган нарсани кўрдим. Бас, элчи – Жаброилнинг босган изидан бир сиқим олиб, уни сочдим. Менга нафсим ана шундай қилишни чиройли кўрсатди”. (Мусо) деди: “Бас, йўқол! Энди сен учун ҳаётда “Тегингманглар” дейишгина бордир. Сен учун ҳаргиз хилоф қилинмайдиган бир ваъда – азоб бордир. Сен устидан жилмай ибодат қилган “илоҳинг”ни кўриб кўй! Биз, албатта, уни ёндириб, сўнгра денгизга сочиб юборамиз”. (Эй инсонлар,) илоҳингиз ёлғиз Аллоҳдир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У барча нарсани ўз илми билан қамраб олгандир” (*Тоҳа сураси, 95-98-оятлар*).

Ҳаммасига Сомирий айбдор эканини билган Мусо унга дарғазаб ҳолда:

– **Буни нима қилганинг, эй Сомирий?! – деди.**

Яъни, сени бундай қилишга нима ундади?

Шунда Сомирий қуйидагича жавоб қилди:

– **Мен улар кўрмаган нарсани кўрдим. Бас, элчи – Жаброилнинг босган изидан бир сиқим олиб, уни сочдим.**

Яъни, мен Бани Исроил билмаган нарсани билдим, улар илғамаган нарсани кўрдим.

Кўпчилик муфассирлар иттифоқига кўра, бу ердаги “расул”дан мурод Жаброил алайҳиссалом, “изидан” мурод эса Жаброил минган отнинг қадами теккан жойдир.

Ривоят қилинишича, Жаброил алайҳиссалом Мусо алайҳиссалом олдига келган. Шунда Мусо унинг ҳамроҳлигида Аллоҳдан Тавротни қабул қилиш учун кетган. Буни Мусо алайҳиссалом қавмидан ёлғиз Сомирий кўриб қолган. Сомирий қараса, Жаброил минган отнинг туёғи теккан ер яшил тусга кирар, бундаги тупроқ ўзгача кўриниш оларди. Шунда Сомирий Жаброил алайҳиссалом отининг туёғи теккан тупроқдан бир сиқим олиб, эриб турган зеб-зийнатлар устига ташлади ва худди тирик бузоқ каби овоз чиқарадиган ҳайкал пайдо бўлди.

“Менга нафсим ана шундай қилишни чиройли кўрсатди”.

Яъни, Сомирий қилмишига сабаб ахтарар экан, сўзида давом этди:

– Нафсим менга Бани Исроил Аллоҳни кўйиб, кўлларим билан ясаб берган бузоққа сиғинишларини чиройли қилиб кўрсатди.

Бунга жавобан Мусо алайҳиссалом шундай деди:

– **Бас, йўқол! Энди сен учун ҳаётда “Тегингманглар” дейишгина бордир.**

Яъни, эй Сомирий, шундай қилган экансан, бас, кет, қорангни кўрсатма! То тирик экансан, одамлар томонидан сенга маломат тошлари отилади. Бу иш шу даражага етадики, агар бирон киши сенга яқинлашса, “Менга тегингманглар, тинч кўйинглар!” деб ялинасан.

Айтилишича, бу оятда аҳли бидъат ва маъсият эгалари танқид остига олиниб, улардан узоқ юришга, уларни одамлардан айро қилишга далолат қилинмоқда.

Сомирий қилмишига яраша дунёда қандай жазога лойиқ кўрилгани айтилгач, энди охиратда қандай азобга гирифтор бўлиши баён қилинади:

“Сен учун ҳаргиз хилоф қилинмайдиган бир ваъда – азоб бордир”.

Яъни, эй Сомирий, сенга охиратда Аллоҳнинг шундай ваъдаси борки, Аллоҳ унга зинҳор хилоф қилмайди, уни албатта амалга оширади. Сен ўзинг нотўғри йўлга юрганнинг етмаганидай ўзгаларни ҳам залолатга бошлаганинг учун энг муносиб ва адолатга жазони оласан. Дунёда одамларнинг маломати ва нафратига йўлиқсанг, охиратда аламли азоб-уқубатларга дучор бўласан.

Сомирий устидан ҳукм чиқарилгач, энди одамларни адаштириш мақсадида ясалган сохта илоҳ – бузоқ Мусо алайҳиссалом томонидан қай кўйга солингани баён қилинади:

“Сен устидан жилмай ибодат қилган “илоҳинг”ни кўриб кўй! Биз, албатта, уни ёндириб, сўнгра денгизга сочиб юборамиз”.

Яъни, эй Сомирий, йўғимда сен ясаб олган, ўзинг ва манави жоҳиллар топинган бутнинг ҳолини кўриб кўй. Сизларнинг кўз олдингизда уни ўтда ёндириб, денгизга сочиб юборамиз. Ундан бирон зарра ҳам қолмайди.

Маънан сўқир жоҳиллардан устун келиш учун сохта илоҳ ёндирилиб, унинг кули денгизга сочиб юборилди. Ахир ожиз инсон кўли билан ясалган бузоқ ҳайкали қандай илоҳ бўлсин! Ёндириб, сочиб юборилса ҳам ўзини ҳимоя қилолмайдиган бир ашё эди, холос.

“(Эй инсонлар,) илоҳингиз ёлғиз Аллоҳдир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У барча нарсани ўз илми билан қамраб олгандир”.

Ибодат қилишга муносиб зот улуғ Аллоҳдир. У ҳамма нарсани Ўз илми билан камраб олган. Ерда ҳам, кўкда ҳам бирон нарса Унга махфий эмас, У зот барча нарсани билади.

Аъроф сурасидаги ояти карималарда Бани Исроилнинг бузоққа сиғиниши ҳақидаги қиссанинг бошқа жиҳатлари баён қилинган. Аллоҳ таоло айтади:

“Мусонинг қавми ундан кейин ўзларининг безак буюмларидан овоз чиқарадиган бир бузоқ шаклини (ясаб) олдилар. Ахир улар ўша (бузоқ) ўзларига сўзлай олмаслигини ва ҳидоят ҳам қила олмаслигини билмайдиларми?! Улар ўшани ушлаб, зулм қилувчилардан бўлдилар. Қачонки қўлга тушишгач ва ўзларининг йўлдан озганларини билишгач, айтдилар: “Қасамки, агар Парвардигоримиз бизга раҳм этмаса ва мағфират қилмаса, албатта зиён кўрувчилардан бўлиб қоламиз”. Қачонки Мусо қавмига ғазабланган ва хафа холида қайтгач: “Менинг ортимдан нақадар ёмон қолувчи бўлдингиз. Парвардигорингизнинг амр-фармони (етиб келгунича сабр қилмай) шошиб кетдингизми?” деб лавҳларни ташлаб юборди ва акасининг бошидан ушлаб ўзига торта бошлади. (Ҳорун) деди: “Эй онамнинг боласи, биродарим, бу қавм мени хўрлаб, ўлдиришларига оз қолди. Энди сен ҳам бу душманларни менинг устимдан кулдирма ва мени золим қавм билан бирга қилма!” (Мусо) деди: “Парвардигорим, мени ва биродаримни Ўзинг мағфират этгайсан ва бизни Ўз раҳматингга дохил қилгайсан, Ўзинг раҳм қилувчиларнинг раҳмлироғисан!” Шубҳасиз, бузоқни ушлаб олган кимсаларга Парвардигори тарафидан ғазаб ва дунё ҳаётида хор-зорлик етар. (Аллоҳ) шаънига ёлғон тўқувчиларни мана шундай жазолаймиз. Гуноҳ ишларни қилиб, кейин уларнинг ортидан тавба қилган ва имон келтирган кишилар учун эса, албатта Парвардигорингиз ўшандан кейин ҳам мағфират қилувчи, Мехрибондир” (Аъроф сураси, 148-153-оятлар).

Мусо алайҳиссалом Парвардигоридан Тавротни қабул қилиб олиш учун кетганида эски иллатларидан фориғ бўлиб ургурмаган Бани Исроил зийнатлардан ясалган бузоқ ҳайкалини ўзлари учун худо қилиб олдилар.

“Ахир улар ўша (бузоқ) ўзларига сўзлай олмаслигини ва ҳидоят ҳам қила олмаслигини билмайдиларми?!”

Улар ақлсиз ва жоҳил бўлмасалар, шундай қабих ишга қўл урармидилар! Бани Исроил қавми шу даражада жаҳолат қаърига ботган эдики, ўзлари сиғинаётган жонсиз бузоқ сўзлай олмаслиги, уларнинг хатосини тузатиб, тўғри йўлга бошлай олмаслигини ўйлаб ҳам кўрмас, жонсиз ҳайкал илоҳ бўлолмаслигини хаёлларига ҳам келтирмасдилар.

Сўзлай олмаслик ва ҳидоятга бошламаслик иллатига эга нарса қандай қилиб илоҳ бўлади? Ваҳоланки, илоҳликка энг муносиб зот бўлган Аллоҳ таоло пайғамбарларига сўзлайди, бандаларини тўғри йўлга бошлайди, уларни ёмонликдан қайтаради.

“Улар ўшани ушлаб, зулм қилувчилардан бўлдилар”.

Яъни, улар ўша бузоқнинг жонсиз ҳайкали бирон нарсага қодир эмаслигини била туриб уни илоҳ деб даъво қилдилар. Аллоҳдан ўзгага ибодат қилиш ва ботилни ҳақ деб даъво қилиш билан ўзларига зулм қилдилар.

Шундан сўнг Бани Исроил қилаётган бу ишлари залолат эканини сезиб қолишгани баён этилади:

“Қачонки қўлга тушишгач ва ўзларининг йўлдан озганларини билишгач, айтдилар: “Қасамки, агар Парвардигоримиз бизга раҳм этмаса ва мағфират қилмаса, албатта зиён кўрувчилардан бўлиб қоламиз”, дедилар.

Бани Исроил қавми бузоққа сиғиниш хато эканига амин бўлиб, қилган ишларига афсус чекишди ва ҳасрат-надомат ила:

– Агар Меҳрибон Аллоҳ бизга раҳм қилмаса, ҳолимизга вой! У ҳолда биз амали бекор бўладиган кимсалардан бўлиб қоламиз! – деб оху нола чекишди.

Бу пушаймонлик Мусо алайҳиссалом қайтиб келганидан кейин бўлган. Чунки Ҳорун алайҳиссалом гумроҳ қавмни бу ишдан қайтарганида, улар Мусо қайтиб келгунича бузоққа сиғинишни давом эттиришларини очикчасига эълон қилишганди.

Бани Исроилнинг қилмишига надомати Мусо алайҳиссалом келганидан кейин бўлганига яна бир далил, Пайғамбар мийқотдан қайтиб келгач, бузоққа сиғиниб турган қавмни қаттиқ танқид қилади, уларни бу ишдан қайтаради. Агар улар Мусо келмасидан олдин айбларига иқрор бўлиб, ширк амалдан воз кечганларида, Мусо алайҳиссаломнинг ғазабланишига ҳожат қолмасди.

“Қачонки, Мусо қавмига ғазабланган ва хафа ҳолида қайтгач: “Менинг ортимдан нақадар ёмон қолувчи бўлдингизлар”, деди.

Мусо алайҳиссалом Тур тоғидан қайтиб келгач, қавми бузоққа сиғинаётганини кўриб, Аллоҳдан ўзгани илоҳ қилиб олганлари сабаб қаттиқ ғазабланди, мана шу тил-забонсиз бузоқ туфайли фитнага тушганларидан хафа бўлиб:

– Мен Раббим билан муножот қилгани кетганимда ортимдан қандай ёмон ўринбосар бўлдингиз! Сизлардан Аллоҳга ихлос билан ибодат қилиш ва мен келтирган шариатга амал қилиш ҳақида олинган аҳднома ҳақида ўйлаб ҳам кўрмадингиз, – деди.

“Парвардигорингизнинг амр-фармони (етиб келгунича сабр қилмай) шошиб кетдингизми?”

Яъни, менга берган аҳдингизга турмай бузоққа сиғинишга шошилдингизми? Ўз динингизни ўзгартириб, мана шу ҳайкалга сиғиндингизми?!

Шундан сўнг Мусо алайҳиссалом нима қилгани баён этилади:

“(Мусо қўлидаги) лавҳаларни ташлаб юборди ва акасининг бошидан ушлаб ўзига торта бошлади”.

Қавми ширк томон қадам босгани сабаб, Мусо алайҳиссалом жунбушга келди ва қўлидаги лавҳаларни ташлаб юборди. Бу Аллоҳ учун қилинган ғазаб эди. Бу ўз дини учун қилинган ғазаб эди. Зеро, Мусо алайҳиссалом жон куйдириб қавмини яккаю ягона Аллоҳга ибодат қилишга чақирсаю, оз муддат йўқ бўлганида қавми бутга сиғинишга ўтиб кетса. Бу қилмишга соғлом фикр ва ақл соҳиби чидаб туролмасди.

Мусо дарғазаб ҳолда қўлидаги лавҳаларни ташлаб юборгач, биродари Ҳоруннинг сочидан торта бошлади. Сабаби, у қавмига насихат қилишда сускашликка йўл қўйган, улар бузоққа топинишларига рози бўлиб индамай ўтираверган, деб ўйлаганди.

Дакки эшитган Ҳорун Мусо алайҳиссалом қалбидаги ака-укалик меҳрини уйғотиш, унинг ғазабини босиш ва ўзининг айбсиз эканини ифодалаш мақсадида:

– Эй онамнинг боласи, биродарим, бу қавм мени хўрлаб, ўлдиришларига оз қолди. Энди сен ҳам бу душманларни менинг устимдан қулдирмагин ва мени золим қавм билан бирга қилма! деди.

Яъни, эй биродаримнинг ўғли, мени уларга қаршилик қилмаган, деб ўйлама. Уларга етарлича насиҳат қилдим. Аммо улар сўзимга кулоқ солмадилар. Айтганларимга парво қилмай, менинг айтган гапларимни назарга илишмади. Ширкдан қайтарганим учун мени ўлдиришларига оз қолди. Бас, шундай экан, мени бу қавм билан бир қаторда санама. Зеро, мен улардан айроман. Улар насиҳатни хушламадилар, ўз билганларидан қолмадилар!

Бу таъсирли сўзлардан кейин Мусо алайҳиссалом биродари айбсиз эканини англади ва:

– Парвардигорим, мени ва биродаримни Ўзинг мағфират қилгайсан ва бизни Ўз раҳматингга дохил қилгайсан, Ўзинг раҳм қилувчиларнинг раҳмлироғисан! деди.

Мусо биродари Ҳорунни ноҳақ айблаганини билгач:

– Парвардигоро, биродаримга кўполлик қилганим учун мени кечир! Шунингдек, биродаримни ҳам мағфират қил! Зеро, Сен уни мендан яхши биласан. Бизларни барча нарсадан кенг бўлган раҳматингга дохил қил. Зеро, Сен энг раҳмли зотсан, – деди.

Шу билан Ҳорун алайҳиссалом айбсиз экани исботланди. У Бани Исроилни бузоққа сиғинишдан қайтариш учун ўз обрўсини ўйламай, Аллоҳ розилиги учун ҳаракат қилгани маълум бўлди.

Қиссанинг давомини ўқиш орқали бузоққа сиғинган нодон қавмнинг тақдири қандай бўлганини билиб оламиз:

“Шубҳасиз, бузоқни ушлаб олган кимсаларга Парвардигори тарафидан ғазаб ва дунё ҳаётида хор-зорлик етар. (Аллоҳ) шаънига ёлғон тўқувчиларни мана шундай жазолаймиз”.

Яъни, бузоқни ўзларига худо қилиб олган, залолат йўлида бардавом бўлганлар Аллоҳнинг қаттиқ азобига гирифтор бўлажаклар. Уларга ушбу ўткинчи дунёда хорлик ва ҳақорат етади. Биз Аллоҳ шаънига ёлғон тўқувчиларни, Биз белгилаб берган чегарадан ўтувчиларни, Бизга итоат этишни хоҳламаганларни ҳар бир замон ва маконда мана шундай жазолаймиз!

Шундан сўнг ҳақиқий тавба қилувчилар учун мағфират эшиклари доим очик экани маълум қилинади:

“Гуноҳ ишларни қилиб, кейин уларнинг ортидан тавба қилган ва имон келтирган кишилар учун эса, албатта Парвардигорингиз ўшандан кейин ҳам мағфират қилувчи, Меҳрибондир”.

Яъни, гуноҳ ишларни содир этиб, кейин қилмишларига пушаймон бўлган, Аллоҳга қайтган бандалар гуноҳи кечирилади. Зеро, Аллоҳ ҳар қандай гуноҳни мағфират қилувчи ва меҳрибон зотдир.

Қисса давомида ғзаби босилган Мусо алайҳиссалом нима қилгани баёни келади:

“Қачонки Мусонинг ғзаби босилгач, ҳалиги лавҳаларни олди – унда “Парвардигоридан кўрқадиган кишилар учун ҳидоят ва раҳмат бўлади”, деб ёзилган эди” (*Аъроф, 154*).

Яъни, Ҳоруннинг айбсизлиги маълум бўлди. Қавм қилган ишидан тавба қилди. Мусо алайҳиссаломнинг ғзаби босилиб, бироз олдин ташлаб юборган лавҳаларни кўлига олди. Ўша нусхаларда Аллоҳ азза ва жалладан кўрқадиган бандалар учун тўғри йўлга бошловчи улуғ ҳидоят ва кенг раҳмат бўлиши ёзилган эди.

Шундан сўнг Мусо алайҳиссалом ўз қавмидан 70 кишини танлаб олгани ҳақида ҳикоя қилинади:

“Мусо Биз белгилаган вақтимиз учун ўз қавмидан етмиш кишини танлаб олди. Шу пайт уларни даҳшатли зилзила тутган эди, айтди: “Парвардигорим, агар хоҳласанг, уларни ҳам, мени ҳам илгари ҳалок қилсанг бўларди. Орамиздаги ақлсиз кимсалар қилмишлари сабабли бизларни ҳалок қиласанми? Ахир бу фақатгина Ўзинг хоҳлаган кишингни у сабабли адаштирадиган, хоҳлаган кишингни ҳидоят қиладиган бир имтиҳонинг эди-ку? Ўзинг Хожамизсан, бас, бизни мағфират қил, бизларга раҳм айла! Ўзинг мағфират қилувчиларнинг энг яхшисидирсан. Бизлар учун бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ёзгин. Ўзингга тавба қилдик”. (Аллоҳ) айтди: **“Азобимни Ўзим хоҳлаган кимсага етказаман. Раҳматим – меҳрибонлигим эса ҳамма нарсадан кенгдир. Мен уни тақво қиладиган, закотни берадиган зотларга ва Бизнинг оятларимизга имон келтирувчи кишиларга ёзаман”** (*Аъроф сураси, 155-156-оятлар*).

Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таоло белгилаган мийқотга бориш учун ўз қавмидан етмиш нафар кишини танлаб олди. Улар қавмнинг энг сара ва покдомон кишилари эди. Ояти каримада улар Бани Исроил қавмидан танлаб, саралаб олингани айтилмоқда. Гўё сон жиҳатидан кўпчиликни ташкил қилувчи Бани Исроил қавмида мана шу етмиш кишидан бўлак салоҳиятли одам йўқ эди.

Муҳаққиқ уламолар наздида, бу ерда зикр қилинган мийқот биринчи мийқот эмас. Биринчи мийқот Мусо алайҳиссалом йўқлигида Бани Исроил бузоққа сиғинганида бўлганди. Етмиш кишини танлаб олинган мийқот эса иккинчидир. Бу бузоққа сиғинишдан тавба қилгандан кейин содир бўлган. Зеро, айнан ўша ишдан сўнг Аллоҳга тавба қилиш учун етмиш кишини танлаб олиш амр қилинган.

Кўриниб турибдики, Бани Исроилдан саралаб олинган етмиш нафар киши пайғамбарлари Мусо алайҳиссаломдан ножоиз нарсани сўрашган ва шу сабаб улар қаттиқ зилзилага гирифтор бўлишган. Ёки Бани Исроил бузоққа сиғинганини кўра туриб уларни ёмонликдан қайтармаганлари, яхши ишларга буюрмаганлари сабаб шундай азобга йўлиқишган.

Кўйида қисса тафсилотларини кўриб чиқамиз.

“Мусо Биз белгилаган вақтимиз учун ўз қавмидан етмиш кишини танлаб олди. Шу пайт уларни даҳшатли зилзила тутган эди, айтди: “Парвардигорим, агар хоҳласанг, уларни ҳам, мени ҳам илгари ҳалок қилсанг бўларди”.

Мийқот учун саралаб олинган кишилар зилзилага гирифтор бўлганларида, Мусо алайҳиссалом:

– Ё Раббим, мен уларни бу ерга келмасларидан олдин ҳалок қилишингни ёки мени ҳам улар билан бирга ҳалок этишингни истардим. Акс ҳолда Бани Исроилнинг таъналарига қоламан. Улар менга: “Сен бизларнинг яхшиларимизни танлаб кимсасиз жойга олиб бориб ўлдириб юбориш учун танлаб олганмидинг?”, деб маломат қиладилар, – деб Парвардигорига илтижо қилди.

Баъзи муфассирларга кўра, етмиш нафар қавм аъзосини зилзила тутган ва чақмоқ уриб ҳалок қилган. Кейин Аллоҳ таоло уларнинг барчасини тирилтирган. Бошқа уламоларга кўра, улар аввалига ҳушларидан кетиб, сўнг ўзларига келишган.

Мусо алайҳиссалом бу мурожаати билан қавми содир этган жиноят учун авф сўрамоқда:

– Эй Парвардигор, Бани Исроил кўп гуноҳ қилганида Сен марҳаматинг ила уларни кечириб юборгансан. Ҳозир ҳам уларга раҳм қил, лутфу карамингни дариф тутма улардан!

“Орамиздаги ақлсиз кимсалар қилмишлари сабабли бизларни ҳалок қиласанми? Ахир бу фақатгина Ўзинг хоҳлаган кишингни у сабабли адаштирадиган, хоҳлаган кишингни ҳидоят қиладиган бир имтиҳонинг эди-ку? Ўзинг Хожамизсан, бас, бизни мағфират қил, бизларга раҳм айла. Ўзинг мағфират қилувчиларнинг энг яхшисидирсан”.

Яъни, Сен бизнинг барча ишимизни қоим қиласан. Бас, бизлардан ўтган гуноҳларни кечир. Кенг раҳматинг-ла бизларга раҳм айла! Сен мағфирати учун бирон нарса талаб қилмайдиган карами кенг зотсан, Аллоҳим!

Шундан сўнг бу дуоларга бошқа илтижолар уланади: **“Бизлар учун бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ёзгин”.**

Яъни, бизларга дунёда неъмат, тоат, офият ва тавфиқни, охиратда мағфират, раҳмат, осмонлар ва ерлардан кенг бўлган жаннатни насиб эт!

“Ўзингга тавба қилдик”.

Яъни, биз барча гуноҳлардан тавба қилдик, Ўзингга қайтдик! Бизларга икки дунёда яхшилик ёзгин, улуғ неъматларингдан маҳрум этма бизларни!

(Аллоҳ) айтди: **“Азобимни Ўзим хоҳлаган кимсага етказаман. Раҳматим – меҳрибонлигим эса ҳамма нарсадан кенгдир”.**

Яъни, шундан сўнг Аллоҳ таоло Мусонинг дуосига жавобан:

– Эй Мусо, сен қавминг йўлиқишидан қўрқаётган азобимни Ўзим хоҳлаган осий бандалар бошига ёғдираман. Бани Исроил тавба қилди. Уларнинг устига азобим тушмайди. Зеро, ҳикматим ёмонлик қилганларни жазолаш ва яхшилик қилганларни мукофотлашни тақозо этади. Менинг раҳматим барча нарсадан кенгдир. Сенинг қавминг ва бошқа бандаларим ичидан ким муносиб бўлса, ўшани раҳматимга дохил қиламан.

Шундай сўнг қандай зотлар буюк Аллоҳнинг раҳматига сазовор бўлиши айтилади:

“Мен уни тақво қиладиган, закотни берадиган зотларга ва Бизнинг оятларимизга имон келтирувчи бўлган кишиларга ёзаман”.

Яъни, нафсларини Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган ишлардан сақлайдиган ва молларидан закот чиқарадиган бандаларимга раҳматимни ёзаман.

Бу ерда тақводан кейин бевосита закот тилга олинишига сабаб, Бани Исроил мол-дунёга жуда ўч бўлганидан уларнинг закот бериши қийин эди. Молларидан маълум қисмни ажратиб, уни Аллоҳ йўлида садақа қилиш уларга оғир ботарди.

Бани Исроилнинг ўжарлик ила савол бериши ва Мусо алайҳиссаломга одобсизлик қилиши

Қуръони каримни ўқиб, унинг маъноларини тадаббур қилган киши турли ўринларда Бани Исроил қавмининг ўжарлиги, бирон нарсага осонликча кўнмаслиги, бир гапдан қолмаслиги ва Аллоҳ таоло тарафидан юборилган пайғамбарга нисбатан одобсизларча муносабатда бўлишини кўради.

Қуръони каримнинг Бақара сурасида шу хусусда ибратли қисса келтирилган. Аллоҳ таоло шундай деган:

“Эсланг, Мусо ўз қавмига: “Албатта Аллоҳ сизларга бир сигир сўйишингизни буюради”, деганида, улар: “Устимиздан куляпсанми?” дедилар. (Мусо) деди: “Ундай жоҳиллардан бўлиб қолишдан Аллоҳ паноҳ беришини сўрайман”. Улар дедилар: “Парвардигорингга дуо қил, бизга унинг қандайлигини баён қилсин”. (Мусо) деди: “У Зотнинг айтишича, у қари ҳам, ёш-ғўнажин ҳам бўлмаган ўрта бир сигирдир. Энди ўзларингизга буюрилган ишни адо этинглар”. Улар дедилар: “Парвардигорингга дуо қил, бизга унинг рангини баён қилсин”. (Мусо) айтди: “У Зотнинг айтишича, у очиқ-малларанг сигир бўлиб, кўрганларнинг кўнгли чоғ бўлади”. Улар айтдилар: “Парвардигорингга дуо қил, бизга унинг қандайлигини баён қилсин, бу мол бизга шубҳали бўлиб қолди. Иншааллоҳ, энди йўлимизни топиб оламиз”. (Мусо) айтди: “У Зотнинг айтишича, у шундай сигирки, хор бўлиб ер ҳайдамайди, у билан экин суғорилмайдилар, айбу нуқсонсиз, унда ўз рангидан бошқа ранг-бўёқ йўқ”. Улар: “Энди ҳақиқатни айтдинг”, дедилар-да, узоқ машаққат чекиб сўйдилар. Эсланг, (эй, Бани Исроил,) бир жонни ўлдириб қўйиб, унинг (қотили) ҳақида жанжаллашиб қолдингиз. Ҳолбуки, Аллоҳ яширган нарсаларингизни (юзага) чиқарувчидир. “Уни сўйилган сигирнинг бир бўлаги билан уринглар”, дедик. Аллоҳ ўликларни шу тариқа тирилтиради ва сизларга ақлларингизни ишлатишингиз учун ўз оятларини кўрсатади. Сўнгра кейин ҳам дилларингиз қотди. Бас, у тош кабидир ёки ундан-да қаттиқроқдир. Зеро, шундай тошлар борки, улардан дарё отилиб чиқади, яна шундайлари борки, ёрилиб ичидан сув чиқади. Яна шундайлари ҳам борки, Аллоҳдан кўрққанидан пастга қулайди. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ғофил эмас” (*Бақара сураси, 67-74-оятлар*).

Муфассирлар зикр қилишича, Бани Исроил қавмида бир бой одам бор эди. Унинг амакисининг ўғли камбағал бўлиб, ўша бойнинг ундан бўлак меросхўри йўқ эди. Бой одамнинг ўлими “чўзилиб” кетгач, амакиваччаси сабр қилмай уни ўлдириб, жасадини бошқа қишлоққа олиб бориб ташлайди. Тонг отганда ўзини ҳеч нарса билмагандек кўрсатиб, қариндоши қасосини олишни талаб қилади ва бир гуруҳ одамларни Мусо алайҳиссалом хузурига олиб боради. Шунда улар Мусо алайҳиссаломдан Аллоҳга дуо қилиб ҳақиқий қотил ким эканини маълум қилишини сўрашади. Мусо алайҳиссалом Аллоҳга дуо қилади ва Аллоҳ ваҳий қилиб, уларга бир сигир сўйишни буюради. Бас, Мусо алайҳиссалом уларга: “Албатта Аллоҳ сизларга бир сигир сўйишингизни буюради”, деганида, улар: “Устимиздан куляпсанми?” дедилар”.

Бани Исроил қавмида жиноят содир этилганида улар қотил кимлиги борасида ихтилофга тушдилар. Бу борада Мусо алайҳиссаломга мурожаат этиб, Аллоҳга дуо қилишини ва ҳақиқий қотил кимлигини билдиришин сўрашди. Шунда Аллоҳ уларга сигир сўйишни буюрди. Аммо Бани Исроил бу гапдан ҳайрон бўлиб, тап тортмасдан:

– Устимиздан куляпсанми, эй Мусо? – дейишди.

Жумҳур уламоларга кўра, сигир сўйиш ҳақидаги амр қотил ким экани хусусида мунозара қилинганидан кейин бўлган. Бу Бақара сурасининг 72-оятда, яъни қисса сўнггида зикр қилинган.

Аллоҳ таоло Бани Исроилга айнан сигир сўйишни амр қилди. Сабаби, улар унинг жинсидан бўлган бузоққа сиғинишарди. Бу билан улар улуғлаб, ибодат қиладиган бу ҳайвон арзимас нарса, хурматлашга, эъозлашга ярамаслигини билдириш мақсад қилинган бўлса ажаб эмас. Зеро, бу билан “Бу бузоқ ибодат қилиниш учун эмас,

балки дехқончилик ва шу каби ишларда хизмат қилиш, сўйилиш учун яратилган”, дейилаётгандек эди.

Бани Исроилнинг “Устимиздан куляпсанми?” деган гаплари уларнинг аҳмоқ, нодон, пайғамбарлари ҳақида ёмон гумонда бўлганлари, уни хурмат қилмаганлари, Аллоҳнинг улуғлигини тан олмаганларини кўрсатади. Аслида улар ўзларига буюрилган ишдан бўйин товламай амалга оширишлари керак эди. Агар ақлларини бироз ишлатганларида пайғамбардек улуғ зотнинг сўзини ҳеч икки қилмасдилар. Лекин қаёқда, дейсиз. Улар ақл юритишдан махрум эдилар.

Мусо алайҳиссалом уларга Аллоҳ буйруғини етказганида қавм бундан шубҳаланди. Мусони истехзо қилишда айблади. Шунда Мусо алайҳиссалом:

– **Ундай жоҳиллардан бўлиб қолишдан Аллоҳ паноҳ беришини сўрайман, деди.**

Яъни, мен сизларга Аллоҳ тарафидан деб ёлғон ва ботил нарсаларни етказадиган нодон кимсалардан бўлиб қолишдан паноҳ сўрайман!

Бу билан Мусо алайҳиссаломнинг гапи ҳазил-мазахдан пок экани маълум қилинмоқда. Зеро, бундай бекорчи ва ҳавойи ишлар, жиддий масалада мутойиба қилиш ақлли кишиларга, айниқса, пайғамбарларга тўғри келмайди.

Мусо алайҳиссаломнинг мана шу жавоби Бани Исроилга етарли бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига юришлари ва исталган бир сигирни топиб сўйишлари лозим эди. Аммо уларнинг тескари табиати яна савол беришга ундади:

Улар дедилар: “Парвардигорингга дуо қил, бизга унинг қандайлигини баён қилсин”.

Мусо алайҳиссалом жавобидан қониқмаган нодон қавм пайғамбарга одобсизларча муомала қилди:

– Эй Мусо, Парвардигорингга дуо қил, ўша сигирнинг ҳолати ва сифатларини бизга тўлиқ баён қилиб берсин!

Бу саволнинг юзага келишига сабаб шу эдики, улар ўз қўллари билан сўядиган бу сигирнинг гўшти ўлдирилган одамга жон ато қилиб, уни ҳаётга қайтаришига шубҳа билан қарадилар. Яна улар бундай сигир бошқаларидан кўра ўзгача кўриниш ва белгига эга бўлиши керак, деб ўйладилар.

Бани Исроилнинг “Парвардигорингга” деган сўзларида ҳам ўта одобсизликлари намоён бўлмоқда. Гўё Аллоҳ таоло фақат Мусо алайҳиссалом Парвардигори, уларники эмасдек! Гўё бу иш фақат Мусо ва Аллоҳга кераг-у, улар учун бу аҳамиятсиздек!

Мусо алайҳиссалом уларга жавобан шундай деди:

– **У Зотнинг айтишича, у қари ҳам, ёш-ғўнажин ҳам бўлмаган ўрта бир сигирдир. Энди ўзларингизга буюрилган ишни адо этинглар.**

Аллоҳ таоло сигирнинг сифати ҳақида хабар қилганидан кейин, Мусо алайҳиссалом қавмига юзланиб:

– Сизларга сўйиш буюрилган сигир қари ҳам, ёш ҳам бўлмасин. Бас, савол беришни тўхтатиб, буюрилган ишни бажаринглар. Ҳақиқий қотил кимлигини аниқланглар! Аллоҳ сизларга кенглик яратган экан, кўп савол бериш билан йўқ жойдан ўзларингизга қийинчилик туғдириб олманглар. Зеро, савол беришда ҳаддингиздан ошиш сизларга фақат зиён келтиради! – деди.

Бани Исроил қавми сўйилиши лозим бўлган сигирнинг ёшини билиб олдилар. Энди уларга унинг ранги қандай бўлишлиги қизиқ туюлиб қолди. Шуни билиш учун яна Мусо алайҳиссаломга юзландилар:

Улар дедилар: “Парвардигорингга дуо қил, бизга унинг рангини баён қилсин”. (Мусо) айтди: “У Зотнинг айтишича, у очиқ-малларанг сигир бўлиб, кўрганларнинг кўнгли чоғ бўлади.

Яъни, топиш осон бўлиши учун ўша сигирнинг ранги қандайлигини бизларга баён қилиши учун Парвардигорингга дуо қил, – дедилар улар. Бунга жавобан Мусо алайҳиссалом:

– Аллоҳ ўша сигир сариқ рангли, кўрган одам чиройидан ҳайратланидиган ва қалбида хурсандчилик пайдо бўладиган бир сигир бўлсин! – деди.

Бани Исроил сўйиладиган сигирнинг ёшини ҳам, рангини ҳам билиб олдилар. Шунинг ўзи уларга етарли бўлармикан? Йўқ! Улар савол бериш ўрни эмаслигини билиб турсалар-да, яна нималарнидир билиб олиш илинжида эдилар:

Улар айтдилар: “Парвардигорингга дуо қил, бизга унинг қандайлигини баён қилсин, бу мол бизга шубҳали бўлиб қолди. Иншааллоҳ, энди йўлимизни топиб оламиз”. (Мусо) айтди: “У Зотнинг айтишича, у шундай сигирки, хор бўлиб ер хайдамайди, у билан экин суғорилмайдилар, айбу нуқсонсиз, унда ўз рангидан бошқа ранг-бўёқ йўқ”. Улар: “Энди ҳақиқатни айтдинг”, дедилар-да, узок машаққат чекиб сўйдилар”.

Яъни, бизга ўша сигирнинг бошқа сифатларини ҳам тўлиқ айтсин. Сен васф қилган сигирлар кўп. Уларнинг қай бирини сўйишни билмай қолдик. Зора мана шу сафар тўғри йўлни топиб, буюрилган ишни бажарсак!

Мусо алайҳиссалом бунга жавобан:

– У шундай сигирки, бемалол ўтлаб юрган, оғир иш қилмаган, сув ташимаган, ҳар қандай нуқсондан холи, унда сариқ рангдан бошқа ранг йўқдир, – деди.

Мусо алайҳиссалом таърифини “мукамал” деб топган жоҳил қавм:

– Ана энди тўғри айтдинг, ҳаммаси тушунарли. Биз учун мавҳум нарса қолмади, – дедилар ва сигирни қидиришга тушдилар. Уни аранг топиб сўйдилар. Сал қолса сўёлмай қолишлари ҳеч гап эмасди.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло Бани Исроилни нима сабабдан сигир сўйишга буюргани баён қилинади: **“Эсланг, (эй Бани Исроил,) бир жонни ўлдириб қўйиб, унинг (қотили) ҳақида жанжаллашиб қолдингиз. Холбуки, Аллоҳ яширган нарсаларингизни (юзага) чиқарувчидир. “Уни сўйилган сигирнинг бир бўлаги билан уринглар”, дедик. Аллоҳ ўликларни шу тариқа тирилтиради ва сизларга ақлларингизни ишлатишингиз учун ўз оятларини кўрсатади”.**

Яъни, эй Бани Исроил, бир одамни ўлдириб қўйиб, у ҳақида мунозара қилганингизни, ҳар ким ўзини оппоқ қилиб кўрсатганини эсланг! Аллоҳ сиз беркитаётган нарсани ошкор қилади.

Аллоҳ бу ишни амалга оширди, пайғамбари Мусо алайҳиссалом тилидан: **“Ўликни сигирнинг баъзи аъзоси билан уринглар!”** деди. Бас, улар маййитни урган эдилар, Аллоҳнинг изни билан тирилиб, қотили кимлигини айтиб берди.

Сизлар ўлдирган мана шу маййитни Аллоҳ қандай тирилтирган бўлса, қиёмат куни ҳисоб-китоб қилиш учун ўликларни ҳам худди шундай тирилтиради. У Зот сизлар ақлларингизни ишлатарсизлар, деб Ўзининг ҳар нарсага қодирлигига далолат қилувчи мўъжизаларини кўрсатади.

Шундан сўнг қалбларга кучли таъсир қилувчи бу мўъжизани кўрган, ўлик одам Аллоҳ амри билан тирилганига шоҳид бўлган Бани Исроил қавми аъзолари бу воқеа олдида киприк қоқмай турганлари, таъсирланмаганлари баён қилинади:

“Сўнгра кейин ҳам дилларингиз қотди. Бас, у тош кабидир ёки ундан-да қаттиқроқдир. Зеро, шундай тошлар борки, улардан дарё отилиб чиқади, яна шундайлари борки, ёрилиб ичидан сув чиқади. Яна шундайлари ҳам борки, Аллоҳдан кўрққанидан пастга қулайди. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан гофил эмас”.

Яъни, эй Бани Исроил, кўз ўнгингизда ўликнинг тирилганини кўрганингиздан кейин қалбларингиз тошдек қотиб қолди. Ҳақиқатан, дилларингиз тошдек қаттиқдир. Балки тошдан ҳам қаттиқроқдир. Зеро, тошда тешик ва ёриқлар бўлиши, ундан сув чиқиши мумкин. Ҳа, қаттиқ тошлардан булоқ ва анҳорлар отилиб чиқади. Аммо сизларнинг қалбларингиз биронта ҳам мавъиза ва мўъжиза сабабидан юмшамайди, қотиб тураверади, яхшилик томон рағбат қилмайди. Ҳолбуки, Аллоҳ сизлар қилаётган ҳар бир амални билиб кузатиб туради.

Мана шу оятларда Бани Исроил қавмининг асл қиёфаси очиб берилмоқда. Уларга бағритошлик, сўқирлик, насиҳатни хушламаслик илллати хос экани маълум қилинмоқда.

Юқорида келтирилган қиссадан жуда кўп манфаат олиш мумкин. Жумладан:

1. Бани Исроил қавмининг пайғамбарлари билан одоб чегарасидан чиққан ҳолда муомала қилишлари, қалблари тошдек қаттиқ, кўпол кимсалар экани, савол беришда ўжарлик қилишлари, пайғамбарлари буюрган ишни бажаришни пайсалга солишлари, бир сўз билан айтганда, табиатлари қинғир, тўғри йўлдан юришни хушламасликлари.

2. Ушбу оятлар ила баён қилинган қисса Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Мусо алайҳиссалом Аллоҳнинг пайғамбарлари эканига далолат қилади.

3. Динда чуқур кетиш, кўп савол бериш илоҳий ҳукмларнинг оғирлашишига сабаб бўлади. Зеро, Бани Исроилга илк бор сигир сўйиш буюрилганидаёқ ўша ишни бажарганларида, ҳар қандай сигирни сўйишлари етарли бўларди. Аммо улар қайта-қайта савол беравериб, ўзларига қийин қилиб қўйишди, Аллоҳ уларга қийин қилишни лозим кўрди.

Ибн Жарир Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Агар қавм энг оддий сигирни сўйганларида, кифоя қиларди. Бироқ улар кўп савол беришди, чуқур кетишди. Натижада, Аллоҳ уларга қийин қилиб қўйди”.

Маълумки, Ислом шариатида кўп савол беришдан қайтарилган. Жумладан, Аллоҳ таоло шундай деган: **“Эй мўминлар, (Аллоҳ сизлардан кечиб юборган,) очилганда сизларни хафа қиладиган нарсалар ҳақида сўраманглар! Қуръон нозил бўлаётганида у ҳақида сўрасангиз, сизларга очиб берилади (яъни, зиммангизга юкланади). Ҳолбуки, Аллоҳ у нарсаларни кечиб юборган эди. Аллоҳ Мағфиратли, Ҳалимдир. У нарсалар ҳақида сизлардан олдинги қавм сўраган эди. Сўнгра эса у нарсаларни инкор қилувчиларга айландилар”** (*Моида сураси, 101-102-оятлар*).

Ҳадиси шарифда: “Мен сизларни тарк қилган (масала)да мени (тинч) қўйинглар! Зеро, сизлардан олдингилар кўп савол бериш ва пайғамбарларига хилоф қилишлари сабаб ҳалок бўлганлар. Мен сизларни бирон ишга буюрсам, уни бажаринглар. Агар бирон ишдан қайтарсам, имконингиз етганича ундан қайтинглар”, дейилган.

4. Аллоҳ таолонинг қудрати чексиз экани. Зеро, сўйилган сигирнинг бир бўлаги билан майитни уриш сабабидан ўлган одамнинг тирилиш мўъжизадир. Бу Аллоҳ мутлоқ қудрат Соҳиби эканидан дарак беради. Лекин сўқир қалб соҳиблари шундай мўъжизалардан ҳам таъсирланмай жаҳолат зулмати ичра шўнғишда давом этадилар.

Бани Исроилнинг Мусо алайҳиссаломга озор бериши

Қуръони карим оятларида Бани Исроил қавми кўп ҳолларда пайғамбарлари Мусо алайҳиссаломга озор бериб, унга исён қилгани, одобсизларча муомалада бўлгани хабар қилинади. Қуръонда уларнинг озорлари қисқа суратда шундай ифодаланган:

“Эй мўминлар, сизлар (ўз пайғамбарингиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан Бани Исроил қавмидан бўлган) Мусога озор берган кимсалар каби бўлмангизлар! Бас, Аллоҳ (Мусони) улар айтган айбдан поклади. У Аллоҳ наздида обрўли киши эди” (*Аҳзоб сураси, 69-оят*).

Оятдаги “озор берганлар”дан мурод Мусо алайҳиссалом қавм-қариндошларидир. Бухорий ва Термизий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан, у киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Мусо алайҳиссалом ўта ҳаёли, баданини беркитиб юрувчи киши эди. Унинг терисидан бирон қисми кўринмасди. Бани Исроил унга озор бериб: “Бу одамнинг терисида бирон камчилик, пес ёки бирон балоси бўлса керак. Шунинг учун танасини беркитиб юради”, дейишди. Аллоҳ Мусони улар айтган айбдан поклашни ирода қилди. Кунларнинг бирида Мусо бир ўзи қолиб, кийимларини тош устига қўйди ва чўмила бошлади. Чўмилиб бўлиб, кийимини олай, деса, тош устидаги кийимлари бирдан ғойиб бўлди. Мусо асоини олиб, тошдан талаб қила бошлади. Шу орада Бани Исроил қавмидан бир гуруҳ одамлар унинг олдидан чиқиб қолишди ва унинг танаси Аллоҳ яратган энг гўзал хилқат эканини кўришди. Шу билан Аллоҳ уни қавми айтаётган нуқсонлардан поклади”.

Қуръоннинг бошқа ўрнида келтирилишича, Мусо алайҳиссалом Бани Исроилнинг кўп озор беришидан ажабланади. Ваҳоланки, у қавмнинг пайғамбари, йўлбошчиси эди. Аллоҳ таоло айтади: **“Эсланг, Мусо ўз қавмига: “Эй қавмим, нега сизлар мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбари эканимни билган ҳолларингизда менга озор берасизлар?! деганди. Бас, қачонки, улар оғишгач, Аллоҳ уларнинг дилларини оғдириб қўйди. Аллоҳ фосиқ – итоатсиз қавмни ҳидоят қилмас”** (*Саф сураси, 5-оят*).

Яъни, эй қавму қариндошларим, мен Аллоҳнинг пайғамбари эканимни билсангиз ҳам нега менга озор берасизлар?! Ваҳоланки, сизларни ширк зулматидан имон нурига чақираман, Фиръавн зулмидан қутқараман! – деди. Бас, улар залолатда давом этишгач, Аллоҳ уларнинг қалбларини тўғри йўлдан оғдириб, ботил сари йўллаб қўйди. Зеро, Аллоҳнинг тақдири шуни тақозо этади: ҳақ йўлни хушламайдиган, куфр ва ношукрликда оёқ тираб олганларни ҳидоят йўлига бошламайди.

Мусо алайҳиссалом билан солиҳ банда учрашуви

Мусо алайҳиссалом илм-маърифатга муҳаббатли эди. Ҳа, у рисолат учун танлаб олинган соғлом ақл, манфаатли кўнгил ва ҳикмат соҳиби бўлган пайғамбар биродарлари йўлидан борарди.

Қуръони каримнинг Каҳф сурасида Мусо алайҳиссалом ва солиҳ банда учрашувчи ҳақида қисса келган. Қисса Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзлари билан бошланади:

“Мусо (ўзининг хизматкор) йигитига: “То икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунча ёки узоқ замонлар кезмагунча юришдан тўхтамайман”, деган пайтини эсланг. Энди қачонки, у иккиси (икки денгиз) қўшиладиган ерга етишгач, балиқларини унутдилар. Бас, у (балиққа жон кириб,) денгизга қараб йўл олди. Бас, қачонки, (у ердан) ўтишгач, (Мусо) йигитига: “Нонуштамизни келтир, ҳақиқатан, бу сафаримиздан жуда чарчадик”, деган эди, у (хизматкор): “Буни кўринг, биз (денгиз соҳилидаги) қояга борган пайтимизда, мен балиқни унутибман. (Буни) айтишни фақат шайтон ёдимдан чиқариб, у (балиқ) денгизга йўл олибди-я, ажабо”, деди. (Мусо) деди: “Мана шу биз истаган нарсадир”. Сўнг уни излаб ортларига қайтдилар. Бас, бандаларимиздан бир бандани топдиларки, Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат ато этган ва Ўз ҳузуримиздан илм берган эдик” (Каҳф сураси, 60-65-оятлар).

Оятдаги “икки денгиз қўшиладиган ер” Қизил денгиз ва Ўрта ер денгизи қўшиладиган жойдир.

Алусий икки денгиз Форс ва Рум денгизидир, деган. Айтилишича, икки денгиз Урдун (Иордания) ва Қулзум (Қизил) денгиздир¹⁰⁰.

Баъзи уламолар: “Энг тўғри қавл шуки, икки денгиз Рум ва Қулзум денгизидир”, дейишган. Валлоҳу аълам!

Юқорида келтирилган оятнинг маъноси: эй ҳурматли Пайғамбар, қавмингиз ибрат олиши учун биродарингиз Мусо алайҳиссалом хизматкори Юшаъ ибн Нунга:

– Менга сафарда ҳамроҳ бўл. Мен икки денгиз туташадиган жойга етмагунимча юришда давом этаман. Ана ўша ерда мен мақсадимга эришаман. Агар муродим ҳосил бўлмаса, ҳали узоқ йўл юрамиз, – деб айтганини эсланг, – дейди.

Ояти карима далолатига кўра, Мусо алайҳиссалом ҳар қанча машаққатга қарамай икки денгиз қўшиладиган жойга боришга қатъий қарор қилган.

Алусий Мусо алайҳиссаломнинг бу азму қарорига қуйидаги сабабни келтирган: “Мусо алайҳиссалом шижоатининг боиси Бухорий ва Муслим Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан нақл қилган ривоятда айтилган. Унга кўра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мусо алайҳиссалом Бани Исроилга ваъз-насиҳат қиларди. Бас, ундан: “Одамлар ичида энг билимдони ким?” деб сўралди. Мусо: “Мен”, деб жавоб берди. Бас, Аллоҳ илмни У зотга нисбат бермагани сабаб пайғамбарига танбеҳ берди. Кейин икки денгиз қўшиладиган жойда ундан ҳам олимроқ солиҳ банда борлигини маълум қилди”, дедилар. Бошқа ривоятда келишича, Мусо алайҳиссалом: “Ё Раббим, агар бандаларинг орасида мендан олимроғи бўлса, бас, мени унга йўлла”, деб дуо қилди. Аллоҳ: “Ҳа, бандаларим ичида сендан олимроғи бор”, деди ва унинг сифатларини айтиб, Мусога ўша солиҳ банда билан учрашишига рухсат берди¹⁰¹”.

Оят давомида воқеалар ривожини қуйидаги баён қилинган:

“Энди қачонки, у иккиси (икки денгиз) қўшиладиган ерга етишгач, балиқларини унутдилар. Бас, у (балиққа жон кириб,) денгизга қараб йўл олди”.

¹⁰⁰ “Лисонул араб”, 5-жузъ, 3718-бет.

¹⁰¹ “Тафсирул алусий”, 15-жуз, 313-бет.

Мусо хизматкор йигитга баъзи гапларни айтиб, икки денгиз туташадиган жойга етиб келганларида, улар балиқларини унутдилар, ундан беҳабар қолдилар. Балиққа жон кириб, денгизга тушиб сузиб кетди.

Ибн Касир айтади: “У тузланган (қовурилган) балиқ олишга буюрилган эди. Кейин: “Эй Мусо, балиқни йўқотган жойингда сендан олимроқ солих бандани топасан”, дейилди. Бас, улар юриб келиб, икки денгиз туташадиган жойга етишди. У ерда “хаёт булоғи” номли чашма бор эди. У иккиси ўша ерда ухлаб қолишди. Енгил шамол эсиб, балиқ сувга тушиб ҳаракатга келди. У Юшаънинг халтасида эди. Балиқ сувга тушганидан кейин Юшаъ уйқудан уйғонди ва балиққа жон кирганини кўрди.¹⁰²”

“Бас, қачонки, (у ердан) ўтишгач, (Мусо) йигитига: “Нонуштамизни келтир, ҳақиқатан, бу сафаримиздан жуда чарчадик”, деган эди, у (хизматкор): “Буни кўринг, биз (денгиз соҳилидаги) қояга борган пайтимизда, мен балиқни унутибман”.

Яъни, Мусо ва хизматкор йигит икки денгиз туташадиган жойдан ўтишгач, Мусо алайҳиссалом хизматкори Юшаъ ибн Нунга:

– Қовурилган балиқни олиб кел, йўл юриб жуда толиқдик, – деди.

Мусо алайҳиссалом гапини эшитган Юшаъ унга ажабланиш билан:

– Буни қаранг, икки денгиз қўшиладиган жойга борганимизда, ўзим кўрган ажиб бир ҳодисани сизга айтишни, балиққа жон кириб, сувга сакраганини айтишни ёдимдан чиқарибман! – деди.

Юшаъ ибн Нун балиққа жон кириб денгизда сузиб кетганини кўрган, бу воқеадан лол бўлиб қолган, аммо Мусо алайҳиссаломга айтмаганди.

“(Буни) айтишни фақат шайтон ёдимдан чиқариб, у (балиқ) денгизга йўл олибди-я, ажабо”, деди.

Бу ерда балиққа жон кириб денгизда сузиб кетганини вақтида айтмаганликка нима сабаб бўлгани келтирилмоқда.

Яъни, балиқ билан бўлган ҳодисани сизга айтишни шайтон ёдимдан чиқарди. Зеро, у инсонни васваса қилиб, хаёлини чалғитади, унга баъзи муҳим ишларни унуттиради.

Дарвоқе, балиқ тирилиб, сувга сакради ва ортидан из қолдириб, ажиб суратда сузиб кетди. Мен буни кўриб ҳайрон бўлиб қолдим!

Шундан сўнг Мусо алайҳиссалом Парвардигори белгилаган жойга етиб келганини билгани баён қилинади:

(Мусо) деди: “Мана шу биз истаган нарсадир”. Сўнг уни излаб ортларига қайтдилар”.

Яъни, Мусо алайҳиссалом хизматкорига:

– Сен унутган балиқнинг хабари биз истаган нарсадир. Зеро, балиққа жон кирган маконда қидираётганимиз солих банда бор, – деди ва балиқ йўқотилаган, икки денгиз туташадиган харсанг тош олдига қайтиб келдилар. Адашиб кетмаслик учун изма-из ортларига қайтдилар. Бошқа йўлдан юрганлари йўқ.

“Бас, бандаларимиздан бир бандани топдиларки, Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат ато этган ва Ўз хузуримиздан илм берган эдик”.

¹⁰² “Тафсиру ибни касир”, 5-жуз, 171-бет.

Улар балиқ денгизга тушиб сузиб кетган жойга қайтиб келишгач, Бизнинг солих бандаларимиздан бирини топдилар. Биз унга Ўз ҳузуримиздан улуғ раҳмат бергандик, уни танлаб олгандик.

Шунингдек, Биз унга ўз даргоҳимиздан хос илм бергандик. Биз уни фақат Ўзимиз хоҳлаган бандаларгагина берамиз.

Кўп саҳиҳ ҳадислар далолат қилишича, оятдаги солих бандадан мурод Хизр алайҳиссаломдир. Баъзи уламолар уни пайғамбар, деб билишса, бошқалар Хизрни Аллоҳ тарафидан илми ладуний берилган солих бандалардан биридир, дейишган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “У “Хизр” деб номланганига сабаб шуки, агар оқ (куруқ) ерда ўтирса, кўк рангга айланарди (ўша ерда ўсимлик ўсарди, дейилмоқчи)” (Бухорий ривояти).

Муҳаққиқ уламолар, жумладан, имом Бухорий, Ибн Қаййим ва бошқалар фикрича, Хизр ўзга инсонлар каби вафот этган. Бошқалар Хизр тирик экани, охири замонда вафот этишини айтишган. Ибн Қаййим айтади: “Хизрнинг тирик экани айтилган ҳадисларнинг барчаси ёлғондир. Бу борада биронта ҳам саҳиҳ ҳадис йўқ. Бу масалани ҳадис уламолари тўлиқ баён қилишган. Агар истасанг, уларнинг қавлларига мурожаат қил¹⁰³”.

Мусо хизматкори Юшаъ ибн Нун билан сафарга чиқиб, икки денгиз туташадиган жойда солих банда Хизр алайҳиссаломни учратгач, бўлиб ўтган суҳбат Каҳф сурасининг кейинги оятларида баён қилинган:

“Мусо унга: “Сенга билдирилган билимдан, менга ҳам тўғри йўлни таълим беришинг учун сенга эргашсам майлими?” деди. У (Хизр) айтди: “Аниқки, мен билан бирга сабр қилишга ҳаргиз тоқатинг етмас. Ўзинг эгаллаб олмаган – хабардор бўлмаган нарсага қандай сабр қиласан?!”. Мусо деди: “Иншааллоҳ, менинг сабр-тоқатли эканимни кўрасан. Мен бирон ишда сенга осийлик – итоатсизлик қилмайман”. У (Хизр) айтди: “Бас, агар эргашсанг, то ўзим сенга айтмагунимча бирон нарса ҳақида мendan сўрама!” (Каҳф сураси, 66-70-оятлар).

Мусо алайҳиссалом икки денгиз туташган жойда Хизрни учратгач, унга:

– Агар мумкин бўлса, мени ўзинга ҳамроҳ қиласанг, шояд Аллоҳ тарафидан сенга билдирилган илмдан мен ҳам баҳраманд бўлсам. Бу мен мен учун рушду ҳидоят бўлса, унинг сабабидан яхшилик қозонсам, – деди.

Кўриниб турибдики, Мусо алайҳиссалом бу ерда Хизр алайҳиссаломга пайғамбарларга хос одоб билан билан муомала қилмоқда. Чунончи, мулойимликка далолат қилувчи савол билан мурожаат қилиб, ўзини устоз олдидаги шогирд мақомида тутмоқда, ундан яхшилик йўлини ўрганиш учун ҳамроҳ бўлишга изн сўрамоқда.

Баъзи уламолар шундай дейишган: “Бу оятда, гарчи мартабалари фарқ қилса ҳам, илм олувчи олимга итоат қилишига далолат қилинмоқда. Мусонинг Хизрдан таълим олиши Хизрнинг Мусодан афзал эканини кўрсатмайди. Зеро, фозил фазилатда ўзидан пастроқ даражадаги одамдан ҳам таҳсил олиши мумкин. Демак, Аллоҳ у иккисидан бирини бошқалар билмайдиган илм билан сийлади. Мусо алайҳиссалом илми шариат аҳкомлари, зоҳирий ҳукмлар билан боғлиқ эди. Хизр алайҳиссалом илми эса баъзи ғайб нарсалар ва ботиний маърифат билан боғлиқ эди¹⁰⁴”.

¹⁰³ Ибн Касир, 5-жуз, 171-бет, Алусий, 15-жуз, 319-бет, Азвоул баён, 4-жуз, 157-бет.

¹⁰⁴ “Тафсиру фатҳил баён”, 5-жуз, 477-бет.

Шундан сўнг Хизр Мусога қандай жавоб қайтаргани келтирилади:

“Аниқки, мен билан бирга сабр қилишга ҳаргиз тоқатинг етмас”.

Яъни, эй Мусо, сен менга ҳамроҳ бўлолмайсан, чунки сенинг бунга тоқатинг етмайди.

Ибн Касир айтади: “Эй Мусо, агар менга ҳамроҳ бўлсанг, шариатингга хилоф келадиган ишларни кўриб, сабр қилиб туролмайсан. Менга Аллоҳ Ўзи илм берган. Бизлардан ҳар ким Аллоҳнинг ишларига мукаллафдир. Бас, мен билан ҳамроҳ бўлишга қодир эмассан¹⁰⁵”.

Ўзинг эгаллай олмаган – хабардор бўлмаган нарсага қандай сабр қиласан?!”

Бу ерда Мусо нима сабабдан Хизрга ҳамроҳ бўлолмаслиги баён қилинмоқда. Яъни, эй Мусо, менинг қилган ишларимни кўрганингда сабр қила қилолмайсан. Бу ишлар ташқи тарафдан мункар – ёмон ишга ўхшайди. Унинг қаршисида сукут сақлаб туриш амри маҳол. Аммо унинг ботиний жиҳатидан беҳабарсан. Аллоҳ сенга уни ошкор қилмаган!

Бироқ манфаатли илм олишга ўта иштиёқманд бўлган Мусо алайҳиссалом солиҳ кишига ҳамроҳ бўлиш истагидан воз кечмади. Балки одоб ва лутф билан:

– Иншааллоҳ, сен менинг сабр-тоқатли эканимни кўрасан. Мен бирон ишда сенга осийлик – итоатсизлик қилмайман, – деди.

Яъни, менинг сабрли эканимга амин бўласан, сенга эътироз билдирмайман, ўзимга буюрилган ишларда сенга осийлик қилмайман, деди Мусо алайҳиссалом.

Шунда Хизр у билан ҳамроҳ бўлиш учун қуйидаги шартни қўйди:

“Бас, агар эргашсанг, то ўзим сенга айтмагунимча бирон нарса ҳақида мендан сўрама!”

Хизр Мусо алайҳиссаломга таъкид билан:

– Агар мен билан бирга юрсанг, у ҳолда мендан содир бўлган ва сенга ёқмаган нарсаларни кўрсанг, эътироз билдирма, у ҳақида менга хитоб қилма. Мени ўз ҳолимга қўй. Мавриди келса, бу ишларни нима сабабдан қилганимни ўзим айтаман.

Сура давомида Хизрдан содир бўлган уч хил ҳаракат ва бунга Мусо қандай муносабат билдиргани баён қилинади:

“Бас, иккови йўлга тушдилар. То бориб бир кемага минишлари билан тешиб қўйди. (Мусо) айтди: “Уни одамларни ғарқ қилиш учун тешдингми? Жуда даҳшатли иш қилдингку?!” У (Хизр) деди: “Сен мен билан бирга сабр қилишга ҳаргиз тоқатинг етмас, демаганмидим?!” (Мусо) айтди: “Унутганим сабабли мени айблама ва бу ишим учун мени машаққатга дучор қилма”. Сўнгра яна йўлга тушдилар. То бориб бир болага рўбарў бўлганларида (Хизр) уни ўлдирди. (Буни кўрган Мусо) деди: “Бировни (ўлдирмаган) бир бегуноҳ жонни ноҳақ ўлдирдинг-а?! Дарҳақиқат, (сен) бузук иш қилдинг!” У (Хизр) деди: “Мен сенга, мен билан бирга сабр қилишга ҳаргиз тоқатинг етмас, демаганмидим?!” (Мусо) деди: “Агар бундан буён сендан бирон нарса ҳақида сўрасам, мени ўзингга ҳамроҳ қилма. Чунки мен томонимдан узрга етган бўласан”. Сўнг (улар) яна йўлга тушдилар. То бир шаҳар аҳлининг олдига келиб унинг аҳлидан таом сўраган эдилар, улар меҳмон қилишдан бош тортишди. Сўнг ўша жойда йиқилай деб турган бир деворни кўришгач, (Хизр) уни тиклаб қўйди. (Мусо) деди: “Агар хоҳласанг, бу ишинг учун ҳақ олишинг мумкин эди”. У (Хизр)

¹⁰⁵ “Тафсиру ибни касир”, 5-жуз, 178-бет.

айтди: “Мана шу сен билан менинг ажралишимиздир. Энди мен сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвилидан огоҳ қиламан. Кема хусусига келсак, у денгизда ишлайдиган мискин-бечораларники эди. Бас, мен уни айбли қилиб қўймоқчи бўлдим. (Чунки) уларнинг ортида барча кемаларни талон-тарож қилиб, тортиб олувчи бир подшоҳ бор эди. Ҳалиги боланинг эса ота-оналари мўмин кишилар эди. Бас, биз у (бола) туғён ва куфр билан уларни қийнаб қўйишидан қўрқдик. Шу сабабдан Парвардигорлари бу (бола)дан кўра покизароқ, ундан кўра меҳрибонроқ бадал-эваз қилиб беришини истадик. Энди девор эса шу шаҳардаги икки етим боланики бўлиб, унинг остида улар учун бир хазина бор эди. Уларнинг оталари жуда яхши киши эди. Бас, Парвардигоринг улар вояга етиб, Парвардигорнинг раҳмат-марҳамати бўлмиш хазиналарини чиқариб олишларини ирода қилди. Мана бу (ишларнинг биронтасини) ўзимча қилганим йўқ. Мана шу сен сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвилидир” (Каҳф сураси, 71-82-оятлар).

Ушбу оятларда Мусо ва Хизр ўртасидаги суҳбатдан сўнг содир бўлган воқеалар келтирилмоқда.

“Бас, иккови йўлга тушдилар. То бориб бир кемага минишлари билан кемани тешиб қўйди”.

Мусо ва Хизр денгиз соҳилига боришди. Улар билан Юшаъ ибн Нун ҳам бор эди. У оятда зикр қилинмаган. Сабаби, у Мусо билан бирга эди.

Аmmo айрим ривоятларга кўра, Мусо алайҳиссалом Хизр билан учрашганидан кейин Юшаъни ортига қайтариб юборган.

Бухорий ва Муслим Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилишича, улар йўлга тушиб, денгиз соҳилига етиб келишади. Шунда олдиларидан бир кема ўтади. Мусо алайҳиссалом билан Хизр алайҳиссалом улардан кемага чиқсак бўладитми, деб сўрашади. Кема эгалари Хизр алайҳиссаломни таниб, уларни кемага чиқаришади¹⁰⁶.

Мусо ва Хизр кемага чиқиб олишгач, Хизр кемани тешиб қўяди. Айтишларича, унинг тахталаридан бирини суғуриб олади. Шунда Мусо алайҳиссалом бу ишдан таажжубланади. Унинг қилган ишидан норози бўлиб:

– Уни одамларни ғарқ қилиш учун тешдингми? Жуда даҳшатли иш қилдинг-ку?! – деди.

Яъни, сен қилган иш кема аҳлининг сувга чўкиб ҳалок бўлишларига сабаб бўлади-ку, бу нима қилганинг?! Яхши иш қилмадинг, кемадагиларнинг ҳаётини хавф остига қўйдинг! – дедилар.

У (Хизр) деди: “Сен мен билан бирга сабр қилишга ҳаргиз тоқатинг етмас, демаганмидим?!”

Яъни, Мусо алайҳиссалом эътирозига жавобан Хизр шундай деди:

– Эй Мусо, мен сенга, ҳамроҳ бўлишга ҳаргиз қодир бўлолмайсан, ортида нима ҳикмат борлигини билмаганинг сабаб мендан содир бўлган баъзи ишларга сукут сақлаб туролмайсан, демаганмидим?

Шунда Мусо алайҳиссалом дарҳол узр сўради: **“Унутганим сабабли мени айблама ва бу ишим учун мени машаққатга дучор қилма”.**

¹⁰⁶ “Тафсирул алусий”, 15-жуз, 335-бет.

Яъни, эй солих банда, менга савол бермаслик ва эътироз билдирмаслик ҳақидаги насихатингни унутганим учун мени маломат қилма! Сен билан ҳамроҳ бўлиш йўлида мени машаққатга солма! – дедилар.

Бундай узр айтишга сабаб, Мусо алайҳиссалом Хизр билан ҳамроҳ бўлиш учун ортиқча савол ва эътироз бирдирмасликка ваъда берганди. Энди эса ўзи рози бўлмайдиган ҳолат кўз ўнгида содир бўлганидан кейин аввалги шартларни унутиб, инсонийлик табиатидан келиб чиқиб, зоҳиран ёмондек туюлган ишга қаршилик қилмоқда. Бу ҳар бир инсон табиатига хос хислатдир.

Мусо алайҳиссалом кўриб сабр қила олмаган иккинчи ҳодиса қуйида баён қилинади.

“Сўнгра яна йўлга тушдилар. То бориб бир болага рўбарў бўлганларида (Хизр) уни ўлдирди. (Буни кўрган Мусо) деди: “Бировни (ўлдирмаган) бир бегуноҳ жонни ноҳақ ўлдирдинг-а?! Дарҳақиқат, (сен) бузук иш қилдинг!” У (Хизр) деди: “Мен сенга, мен билан бирга сабр қилишга ҳаргиз тоқатинг етмас, демаганмидим?!” (Мусо) деди: “Агар бундан буён сендан бирон нарса ҳақида сўрасам, мени ўзингга ҳамроҳ қилма. Чунки мен томонимдан узрга етган бўласан”.

Хизр алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломнинг эътирозини қабул қилганидан сўнг йўлда давом этишди. Кетаётиб бир болани учратиб қолдилар. Бир пайт Хизр алайҳиссалом уни ўлдириб қўйди. Буни кўрган Мусо алайҳиссалом чидаб туролмади. У зот ғазаб билан:

– Сен бир бегуноҳ, айбсиз болани ўлдирдинг. У бола бирон жонни ўлдирмаган, қасос олинадиган ҳолат ҳам йўқ эди. Бас, сен уни ноҳақ қатл қилдинг! – дедилар.

Хизр алайҳиссалом эса иккинчи марта келишилган шартларни эслатиб:

– Эй Мусо, мен билан ҳамроҳ бўлишга зинҳор сабр қилолмайсан, демаганмидим? Сен мен қиладиган ишларнинг ҳикматини билмайсан, – дедилар.

Мусо алайҳиссалом иккинчи бор солих бандага узр айтди. Унга бошқа хилоф қилмасликни ваъда бериб:

– Эй солих банда, агар яна бир марта шундай қилсам, мени ўзингга сафардош қилмайсан, – дедилар. Мусо алайҳиссалом Хизр алайҳиссаломдан қаттиқ узр сўраб, қилган ишига пушаймон бўлди, хатосини тан олди.

Қуртубий ҳазратлари айтадилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бирон киши учун дуо қилсалар, аввал ўзларидан бошлардилар. У зот бир куни: “Бизларга ва Мусога Аллоҳнинг раҳмати бўлсин! Агар (Мусо) соҳибига сабр қилганида, ажиб нарсаларни кўрган бўларди. Аммо у: “Агар бундан буён сендан бирон нарса ҳақида сўрасам, мени ўзингга ҳамроҳ қилма”, деди”, деб айтганлар¹⁰⁷”.

Шундан сўнг ажойиботларга тўла қиссанинг учинчи қисми келтирилади:

“Сўнг (улар) яна йўлга тушдилар. То бир шаҳар аҳлининг олдига келиб унинг аҳлидан таом сўраган эдилар, улар меҳмон қилишдан бош тортишди. Сўнг ўша жойда йиқилай деб турган бир деворни кўришгач, (Хизр) уни тиклаб қўйди. (Мусо) деди: “Агар хоҳласанг, бу ишинг учун ҳақ олишинг мумкин эди”. У (Хизр) айтди: “Мана шу сен билан менинг ажралишимиздир. Энди мен сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвилидан огоҳ қиламан”.

¹⁰⁷ “Тафсирул куртубий”, 11-жуз, 23-бет.

Мусо алайҳиссалом ва Хизр алайҳиссалом юришда давом этишди. Йўлда кетаётганларида бир қишлоққа дуч келдилар. Улар ўша қишлоқ аҳлидан таом сўраганларида, одамлар буни рад қилишди. Чунки улар бахил эдилар.

Қишлоқдагилар Мусо алайҳиссалом билан Хизр алайҳиссаломни меҳмон қилишдан бош тортишгач, у иккиси кета туриб, бир жойда йиқилай-йиқилай деб турган бир деворни кўришди. Шунда Хизр алайҳиссалом ўша деворни тиклаб, тўғри қилиб қўйди.

Буни кўрган Мусо алайҳиссалом яна савол беришга мажбур бўлди. Чунки уларни меҳмон қилишдан бош тортган бу хасис қавм бундай яхшиликка номуносиб деб ўйлаганди.

Бир киши жидду жаҳд қилиб, қавмнинг йиқилай деб турган деворини тиклаб қўйса, бунинг эвазига улардан ҳақ олса, нима бўлибди? Устига-устак уларнинг бу қишлоқда бошпаналари ҳам йўқ!

Бас, Мусо алайҳиссалом Хизрга:

– Қилган бу ишинг учун манави зикна қавмдан ҳақ олсанг бўларди. Бу бизга сафаримизда асқотарди. Улар бизни меҳмон қилишни истамадилар-ку?! – дедилар.

Мусо алайҳиссаломнинг бу таклифи уларнинг сафарига яқун ясади. Хизр алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга:

– Сен айтган бу сўзлардан сўнг йўлларимиз айро-айро бўлади. Чунки сен: “Агар бундан буён сендан бирон нарса ҳақида сўрасам, мени ўзинга ҳамроҳ қилма”, деган эдинг. Ваҳоланки, мени қилган ишим учун ҳақ олишга ундаяпсан, – деди Хизр алайҳиссалом. – Эй Мусо, шундай бўлса-да, шошма, айрилишимиздан олдин сен сабр қила олмаган уч ҳодисанинг ҳикматидан бохабар қиламан. Чунки менга Аллоҳ билдирган ботиний сирларни сен билмайсан.

“Кема хусусига келсак, у денгизда ишлайдиган мискин-бечораларники эди. Бас, мен уни айбли қилиб қўймоқчи бўлдим. (Чунки) уларнинг ортида барча кемаларни талон-тарож қилиб, тортиб олувчи бир подшоҳ бор эди”.

Қилинган иш ҳикматидан хабар берар экан, Хизр алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга шундай деди:

– Сен бир кемани тешиб қўйганимда бундан рози бўлмагандинг. Ўша кема денгизда ишлайдиган заиф кишиларники эди. Уларнинг шу кемаларидан бўлак тирикчилик воситаси йўқ эди. Одамлар ундан фойдаланганлари учун ҳақ берардилар. Бас, мен ўша кемани нуқсонли қилиб қўйишни хоҳладим. Бундан, эй Мусо, сен ўйлаганингдек, ундаги одамларни чўктиришни зинҳор ирода қилганим йўқ. Балки ўша ерда бир золим подшоҳ бўлиб, барча яроқли кемаларни тортиб олаётганди. Ўша кема ўз эгаларида қолиши учун шундай қилдим.

Мен кемага етказган зарар ўзидан каттароқ бўлган зарарни даф қилиш учун эди. Зеро, агар ўша кема тузук бўлганида эгалари ундай айрилиб қолишарди.

Шундан сўнг Хизр алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга иккинчи воқеанинг жавобини баёни қилди:

“Ҳалиги боланинг эса ота-оналари мўмин кишилар эди. Бас, биз у (бола) туғён ва куфр билан уларни қийнаб қўйишидан қўрқдик. Шу сабабдан Парвардигорлари бу (бола)дан кўра покизароқ, ундан кўра меҳрибонроқ бадал-эваз қилиб беришини истадик”.

Яъни, эй Мусо, мен бир болани ўлдирганимда, эътироз билдиргандинг. Ўша боланинг ота-онаси мўмин эди. Аммо фарзанди бундай бўлмади. Аллоҳ менга

билдирдики, у келажакда куфр ахлидан бўлади. Биз бу бола тирик қолса, туғён ва куфр билан ота-онасини қийнаб, уларни машаққат ва маҳзунликка солишидан кўрқдик. Биз бу туғёнга тушган саркаш болани ўлдириш билан Аллоҳ ўша мўмин ота-онага аввалгисидан кўра покизароқ ва солиҳроқ, ота-онасига меҳрибон ва буйруқларига итоат этадиган фарзанд ато этишини ирода қилдик.

Мусо алайҳиссалом билан Хизр алайҳиссалом ўртасида бўлиб ўтган воқеа учинчи ҳодиса баёни билан якунига етади:

“Энди девор эса шу шаҳардаги икки етим боланики бўлиб, унинг остида улар учун бир хазина бор эди. Уларнинг оталари жуда яхши киши эди. Бас, Парвардигоринг улар вояга етиб, Парвардигорнинг раҳмат-марҳамати бўлмиш хазиналарини чиқариб олишларини ирода қилди. Бу (ишларнинг биронтасини) ўзимча қилганим йўқ. Мана шу сен сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвилидир”.

Яъни, мен тиклаб қўйган девор шаҳардаги икки етим болага тегишли эди. Уларнинг оталари вафот этганди. Ана ўша девор остида етим болаларнинг олтин ва кумушдан иборат хазиналари бор эди. Уни фарзандлари учун оталари кўмган бўлса, ажаб эмас. Етим болаларнинг оталари солиҳ ва тақводор эди. Шу сабаб, унинг фарзандларининг моллари ҳимояланди.

Аллоҳ ўша етим болалар вояга етиб, куч-қувватга тўлиб, ақлларини таниганларидан кейин девор остидаги хазиналарини чиқариб олишларини ирода қилди. Ўшанда улар молини сақлашга қодир бўладилар. Агар мен деворни тўғрилаб қўймаганимда, девор йиқилиб, бу етим болалар уни сақлаш ва тўғри тасарруф қилиш ёшига етгунларича хазинанинг қаердалиги маълум бўларди. Бу улар учун Аллоҳ тарафидан бир раҳматдир.

Шундан сўнг Хизр алайҳиссалом бу ишларни ўз иродаси билан қилмаётгани, балки Аллоҳ таолонинг амрига кўра бажарганини маълум қилади:

“Бу (ишларнинг биронтасини) ўзимча қилганим йўқ. Мана шу сен сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвилидир”.

Яъни, бу ишларни ўзим ижтиҳод қилиб ёки ўз фикримга суяниб қилганим йўқ. Балки буларни Парвардигорим амрига биноан амалга оширдим. Мен юқоридаги зикр қилган ишлар сен сабр қила олмаган, сукут сақлаб тура олмаган ҳодисалар таъвилидир. Аллоҳ мени улардан воқиф қилди.

Имом Бухорий ҳазратлари айтадилар: “Бизга Ҳумайдий Суфёндан, у Амр ибн Дийнордан, у Саид ибн Жубайрдан ривоят қиладилар: “Мен Ибн Аббосга: “Навф ал-Биколий даъво қилишича, Хизрнинг соҳиби Мусо Бани Исроил қавмининг Мусоси эмас экан”, дедим. Шунда Ибн Аббос: “Аллоҳнинг душмани ёлғон айтибди. Бизга Убай ибн Каъб ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Албатта, Мусо Бани Исроил орасида мавъиза қилиб турарди. Ундан: “Одамлар ичида энг билимдони ким?” деб сўралди. У: “Мен”, деди. Шунда илмни Аллоҳга ҳавола қилмагани учун унга танбех берди ва ваҳий қилиб: “Икки денгиз қўшиладиган жойда бир банда бор. У сендан илмироқ”, деди. Мусо: “Эй Парвардигорим, мен уни қандай танийман?” деди. Аллоҳ: “Ўзинг билан бир балиқ оласан, уни бир халтага соласан, балиқни йўқотган жойингда уни топасан”, деди. Бас, Мусо бир балиқ олиб, уни халтага солди-да, йўлга тушди. У билан бир хизматкор – Юшаъ ибн Нун ҳам бирга йўлга чиқди. Улар бир қоя тош олдига келиб, дам олишди. Қаттиқ чарчаганидан ухлаб қолдилар. Шунда балиқ халтада қимирлай бошлади. Кейин ундан

чикиб, денгизга тушиб, ортидан из қолдирганча сузиб кетди. Балиқнинг сувга тушиб кетганини Юшаъ ибн Нун кўрди, аммо бу ҳодисани Мусога айтишни унутди.

Улар йўл юришда давом этдилар. Эртаси куни Мусо хизматкорига: “Тушлигимизни олиб кел, бу сафардан жуда чарчадик”, деди. Хизматкори унга: “Буни қаранг, биз кеча дам олган қоя тош олдида балиқ сувга тушиб кетган эди. Мен буни сизга айтишни унутибман. Буни шайтон ёдимдан чиқарди шекилли”, деди.

Бас, улар зудлик билан ортга қайтдилар. Қоя тош олдига келганларида, бир кишини кўришди. Мусо унга салом берди. Хизр саломга алик олди. Хизр: “Сен Мусомисан?”, деди. У: “Ҳа, Бани Исроил қавмининг Мусосиман. Мен олдинга сендан илм ўрганиш учун келдим”, деди. Шунда Хизр: “Мен билан ҳамроҳ бўлишга тоқат қилолмайсан! Эй Мусо, мен Аллоҳ тало таълим берган илм соҳибиман. Сен уни билмайсан. Сенга ҳам Аллоҳ таоло билдирган илм бор. Аммо уни мен билмайман” деди. Мусо: “Иншааллоҳ, мени сабрлилардан эканимни кўрасан. Мен сенга исён қилмайман”, деди. Хизр: “Агар бирга ҳамроҳ бўлсанг, бас, у ҳолда ўзим хабар бермагунимча мендан бирон нарса ҳақида сўрама!” деди.

Шундай қилиб, улар йўлга тушиб, бир кемага рўбарў бўлдилар. Кемадагилар Хизрни танишди ва бирон ҳақ олмасдан уларни кемага чиқаришди. Ҳамроҳлар кемага чикиб олишгач, кутилмаганда Хизр болға билан кема тахталаридан бирини суғуриб олди. Шунда Мусо унга: “Улар сени бирон ҳақ олмасдан кемага чиқаришганди, сен бўлсанг уларга зарар келтирдинг, кемаларини тешиб қўйдинг. Мақсадинг уларни чўктиришми? Сен жуда ёмон иш қилдинг!” деди. Хизр унга: “Мен билан ҳамроҳ бўлишга тоқат қилолмайман, демаганмидим?!” деди. Мусо: “Узр, унутганим учун мени айблама ва мени машаққатга солма!” деди. Мусо ваъдасини унутиб қўйганди. Шу пайт бир чумчук келиб, кеманинг бир чеккасига кўниб, тумшуғини денгизга бир марта тикиб олди. Шунда Хизр Мусога: “Шу чумчук (тумшуғида сув олиб) денгиздан қанча камайтирган бўлса, менинг ва сенинг илминг Аллоҳнинг илми олдида худди шу кабидир”, деди. Сўнгра иккиси кемадан тушиб, соҳил бўйида кетаётганларида, Хизр болалар билан ўйнаб юрган бир болани кўриб қолди ва уни ўлдирди. Шунда Мусо унга: “Бир бегуноҳ жонни ноҳақ ўлдирдинг-а! Дарҳақиқат, сен ёмон иш қилдинг!” деди. Хизр Мусога: “Мен билан ҳамроҳ бўлишга зинҳор тоқат қилолмайсан, демаганмидим?!” деди. Бу аввалгисидан қаттиқроқ эди. Мусо деди: “Агар яна бир марта сўрасам, мени ўзингга ҳамроҳ қилма!” Улар яна йўлга тушдилар. Бир шаҳарга келиб, одамлардан таом сўрадилар. Шаҳар аҳли уларни меҳмон қилишдан бош тортишди. Сўнг улар ўша жойда йиқилай деб турган бир деворни кўриб қолишди. Хизр дарҳол уни тиклаб қўйди. Мусо деди: “Агар хоҳласанг, бу ишинг учун ҳақ олишинг мумкин эди”. Хизр айтди: “Мана шу сен билан менинг ажралишимиздир. Энди мен сени сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвилидан огоҳ қиламан”. Шундан сўнг Хизр қилган ишларининг таъвилини баён қилдилар. Биринчиси, кемани тешишга боис, ўша куни подшоҳнинг буйруғи чиққан эди. Буйруққа биноан ҳар бир бутун кемани давлат ихтиёрига олиниши лозим эди. Кемачининг эса шу кемадан бошқа ризку рўз топишга воситаси йўқ эди. Шунинг учун кемани тешиб, айбдор қилинди. Токи кема ўша камбағал одамнинг мулки бўлиб қолсин, подшоҳликка ўтмасин, тешик бўлса ҳам шу кемадан фойдаланиб бола-чақасини боқишга, оиласини тебратишга маблағ топиб турсин. Сиртдан қараганда зарарли нарса бўлиб кўринади, лекин аслида кемачи учун фойдали иш қилинган.

Ўлдирилган бола бўлса катта бўлганида кофир бўлиб, осий бўлиб, ота-онасига орномус келтирадиган, кулфат, мусибат келтирадиган бўлиши керак эди. Лекин Аллоҳ таоло уларга аҳли солиҳ бўлганлари учун бу келажақда безори бўладиган боланинг ўрнига яхши бола беришни ирода қилди ва бу болани кичиклигидаёқ ўлдириб қўйди. Кейин уларга яхши фарзандларни ато қилди.

Девор ҳодисасига келинганда эса деворнинг остида икки етим боланинг хазинаси кўмилган эди. Уларнинг отаси аҳли солиҳ бўлган эди. Шунинг ҳурматидан етим болалар вояга етгунича уларнинг хазинасига бегоналарнинг кўзи тушмаслигини ирода қилган Аллоҳ деворни бузиб, қайта уриб қўйишга амр қилди».

Уламолар бу қиссадан жуда кўп ҳукм ва одоб қоидаларини ўрганишган. Қуйида уларнинг айримларини санаб ўтамиз.

1. Инсон қанча кўп илмга эга бўлмасин, у янада кўпроқ илм олишга ҳаракат қилиши, ўз нафсидан ажабланиб қолмаслиги керак. Аллоҳ таоло бандаларга жуда кам илм берилганини айтган. Ўз навбатида, У зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга илм талаб қилишда камтар бўлиб, “Парвардигорим, менинг илмимни зиёда қилгин!” деб дуо қилишни ўргатган.

2. Илм талабида сафар қилиш оқиллар сифатларидандир. Мусо алайҳиссалом уллу азм пайғамбарлардан бўлишига қарамай, солиҳ банд билан учрашиш ва ундан илм олиш йўлида жуда кўп машаққат чекди. Илм олиш йўлидаги қатъиятини қуйидаги оят мисолида кўриш мумкин:

“Мусо хизматкорига: “То икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунча ёки узок замонлар кезмагунча юришдан тўхтамайман”, деган пайтини эсланг”.

Қуртубий ҳазратлари ушбу оят тафсирида шундай дейди: “Бу ерда олимнинг илмини зиёда қилиш йўлида сафар қилиши, бу йўлда хизматкор ва дўстдан ёрдам сўраш, гарчи узокда бўлсалар-да, фозиллар ва уламолар суҳбатини ғанимат билишга далолат қилинмоқда. Мана шу, салафи солиҳлар одати эди. Мана шу сабаб, илм йўлида сафар қилувчилар катта насибани қўлга киритишган, улкан муваффақият қозонишган. Улар илмда катта қадам ташлашган. Уларнинг мартабалари юксалган, ажр-мукофот қозонишган ва катта фазилат соҳибларига айланишган. Бухорийнинг айтишича, Жобир ибн Абдуллоҳ ҳадис эшитиш истагида Абдуллоҳ ибн Унайс олдига бир ой йўл юриб етиб борган¹⁰⁸”.

3. Инсон ўз табиати тақозо қилган нарсалар ҳақида, жумладан, очлик, чанқоқлик, чарчаш ва унутиш кабилар ҳақида хабар бериши жоизлиги. Мусо алайҳиссалом хизматкор йигитга: “Нонуштамизни олиб кел, бу сафаримиздан қаттиқ чарчадик”, деганди. Хизматкор йигит эса унга: “Буни кўринг, биз қояга борган пайтимизда, мен балиқ денгизга тушиб кетганди. Бу воқеани сизга айтишни фақат шайтон ёдимдан чиқарди”, деди.

Бу жавобда, гарчи барча нарса Аллоҳ таолонинг қазои қадари билан бўлса ҳам, унутиш сабаби шайтонга нисбат берилмоқда.

4. Илм икки хил бўлиши: биринчиси, инсон ўз ҳаракати ва таҳсили орқали эгаллайдиган илм (муктасаб илм). Иккинчиси, илми ладуний. Бу илмни Аллоҳ бандалари ичидан хоҳлаганига беради. Аллоҳ таоло Хизр ҳақида: “Биз унга Ўз даргоҳимиздан илм берган эдик”, деган. Илми ладуний хос илм бўлиб, Аллоҳ Ўзи истаган бандасига уни ато қилади, бу баъзи ғайб ишларни ўз ичига олади.

¹⁰⁸ “Тафсирул куртубий”, 11-жуз, 11-бет.

5. Илм толиби муаллимига камтарин муносабатда бўлиши, унга энг мулойим иборалар билан хитоб қилиши лозим.

6. Илм олувчи таълим жараёнида узрли ҳолатга тушиб қолса, олим буни тўғри қабул қилиши керак. Зеро, мутааллим билмагани сабаб, ҳақиқатга ва мантикқа зоҳиран тўғри келмайдигандек кўринган ишлар ортида нима ҳикмат борлигини билмайди. Ана шу нарсалар сабабини билиш мутааллимнинг сабрли бўлишга ёрдам беради.

Хизр Мусога: “Аниқки, мен билан бирга сабр қилишга ҳаргиз тоқат қилолмайсан. Зеро, ўзинг хабардор бўлмаган нарсага қандай сабр қиласан?” деди.

7. Инсон бирон амални қилишга киришишдан аввал уни Аллоҳнинг хоҳишига боғлаши, ўзига боғлиқ эмаслигини ифодалашни кучли имон белгисидир. Мусо алайҳиссалом Хизрга: “Иншааллоҳ, мени сабр қилувчилардан эканимни биласан ва сенинг амрингга осийлик қилмайман”, деди. Шундай деганига қарамай, Мусо Хизрнинг зоҳиран ҳақиқатга хилофдек кўринган ишларига гувоҳи бўлгач, сабр қилиб туролмади.

Олим таълимни бошлашидан олдин толиб учун муайян шартларни қўйиши жоиз. Хизр Мусога шундай деганди: “Бас, агар менга эргашсанг, то ўзим сенга айтмагунимча бирон нарса ҳақида сўрама!”

8. Зарари кичик ишларни қилиш билан ундан каттароқ зарарнинг олдини олиш жоизлиги. Кемани тешиб қўйиш, албатта зарарли иш. Лекин бу ўша юрт подшоси мискинлар кемаларини зулм билан тортиб олишидан кичикроқ зарардир. Бир ёш болани ўлдириш, албатта, ёмон иш. Аммо ўша бола тирик қоладиган бўлса, келажакда ундан ҳам хунукроқ ишлар содир бўлиши мумкин. Зеро, ўша бола ота-онасига зулм қилиб, уларни куфрга мажбурлаши эҳтимоли бор эди.

Шунингдек, бир инсон бошқа бир инсонга тегишли бўлган нарсаларни унинг изнисиз тасарруф этиши жоиз. Фақат шарт шуки, бу билан унга манфаат келтириш керак бўлади. Масалан, бир одам уйи ёнаётган бўлса, унинг изнисиз оловни ўчирилади. Бунда оловнинг зарари ундан кичикроқ бўлган зарар билан даф қилинади.

9. Ҳукмларда сабр қилиш, ишларда саботли бўлиш, воқеа-ҳодисалар сабабини билишга ҳаракат қилиш, буларнинг барчаси тўғри ҳукм чиқариш, тўғри сўзлаш ва амал қилишга ёрдам беради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ бизларга ва Мусога раҳм қилсин. Агар у сабр қилганида, ажойиб нарсаларни кўрарди”, деб нақадар рост айтганлар.

10. Оқил солиҳларнинг одати Аллоҳ билан одоб ила муомалада бўлишдир. Чунончи, Хизр кемани тешишни ўзига нисбат берганди. Яъни, “Мен уни айбли қилишни хоҳладим”, деганди. Аммо икки ёш бола манфаати йўлида қилинган хайрли тадбирни Аллоҳга нисбат берган: “Бас, Парвардигоринг улар вояга етиб, Парвардигорингнинг раҳмат-марҳамати бўлмиш хазиналарини чиқариб олишларини ирода қилди”.

11. Оталарнинг салоҳияти фарзандларга манфаат келтириши. Бунга Аллоҳ таолонинг: “Уларнинг оталари солиҳ эди...” деган сўзи далил бўлади.

Ибн Касир ушбу оят тафсирида шундай деган: “Бунда солиҳ кишининг зурриётлари ҳимоя қилиниши, унинг ибодати баракаси уларга дунё ва охиратда манфаат келтиришига, уларни шафоат қилишига, фарзандлари даражалари энг юксак поғоналарга кўтарилишини кўриб кўзи қувонишига далил бордир. Бу ҳақида Қуръон

ва суннатда хабарлар ворид бўлган. Саид ибн Жубайр Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилади: “У икки бола оталари салоҳияти сабабидан химояландилар¹⁰⁹”.

12. Киши ўз дўстига бирон ишни қилишга мажбур бўлганининг сабабини баён қилмагунча ажралмайди. Юқоридаги қиссада кўриб ўтдик, Хизр Мусо билан ажралишдан олдин ўзи қилган ишларнинг сабабларини санаб ўтди.

Бундан маълум бўладики, киши дўстига Аллоҳга маъсият бўлмайдиган ишларда хамроҳ бўлиши суҳбат давомий бўлишининг бош сабабидир. Бу билан уларнинг дўстлик ришталари кучли бўлади. Агар улар орасида тушунмовчилик, бир-бирига номувофиқлик бўлса, орадаги алоқа узоққа бормайди.

Агар мақсад ҳақни билиш бўлса, яхши ниятда қилинадиган муҳокама, мунозара, дўстлар орасидаги калин муносабатларга таъсир кўрсатмайди. Аксинча, уни янада қувватлантиради.

Аллоҳ таоло бизни пайғамбарлар хулқи ила хулқлантиришини, Қуръонни калбимиз қувончи қилишини сўраймиз.

Мусо алайҳиссаломнинг Парвардигорини кўришга бўлган шавқи ва у билан ўзига хос гаплашиши

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга берган улуғ сифатлар ва хусусиятлардан бири, у билан ўзига хос тарзда гаплашганидир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай дейди: “Айрим пайғамбарлар ҳақида Сизга илгари ҳикоя қилдик. Айрим пайғамбарларни эса Сизга ҳикоя қилганимиз йўқ. Мусо билан Аллоҳнинг Ўзи (бевосита) гаплашди” (Нисо сураси, 164-оят).

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло пайғамбари Мусо алайҳиссалом билан гаплашгани таъкидланмоқда. Бунинг қандай содир бўлганини Аллоҳ таолога ҳавола қиламиз.

Мусо алайҳиссалом Парвардигори билан гаплашишга, У зотни кўришга ўта мушфиқ эди. Қуръони карим бизга шу ҳақида қуйидагича ҳикоя қилади:

“Биз Мусо билан ўттиз кечага ваъдалашган эдик. Сўнгра уни яна ўн (кеча) билан тўлдирдик. Бас, Парвардигорининг (унинг учун белгилаган) вақти комил қирқ кеча бўлди. Мусо акаси Ҳорунга: “Қавмим устида менинг ўринбосарим бўл ва тузат. Бузғунчи кимсаларнинг йўлига эргашма”, деди. Қачонки Мусо ваъдалашган вақтимизда (Тур тоғига) келиб, Парвардигори унга сўзлагач, у: “Парвардигорим, менга (жамолингни) кўрсат. Сенга бир қарай”, деди. (Аллоҳ) айтди: “Сен Мени (бу дунёда) ҳаргиз кўролмайсан. Аммо мана бу тоққа қара. Бас, агар у (Мен кўринганимда) ўрнашган жойида тура олса, сен ҳам Мени кўрасан”. Қачонки Парвардигори у тоққа кўринган эди, уни майда-майда қилиб ташлади ва (бу ҳолни кўрган) Мусо хушсиз ҳолда йиқилди. Ўзига келганидан кейин эса: “Пок Парвардигор, Ўзингга тавба қилдим. Энди мен имон келтирувчиларнинг аввали – пешқадамиман”, деди. (Аллоҳ) айтди: “Эй Мусо, ҳақиқатан, Мен сени одамлар устида пайғамбарим бўлишга ва Каломимни

¹⁰⁹ “Тафсиру ибни касир”, 5-жуз, 183-бет.

эшитишга танлаб олдим. Бас, сенга ато этган нарсамни ол ва шукр қилувчилардан бўл!” (*Аъроф сураси, 142-144-оятлар*).

“Ал-кашшоф” муаллифи айтади: “Ривоят қилинишича, Мусо алайҳиссалом Мисрдалигида Бани Исроилга Аллоҳ уларнинг душманларини ҳалок қилса, Аллоҳ даргоҳидан бир Китоб келтиришни ваъда қилди. Фиръавн ҳалок бўлганида, Мусо Парвардигоридан Китобни сўради. Шунда Аллоҳ уни Зулқаъда ойида тўлиқ ўттиз кун рўза тутишга амр қилди. Мусо буюрилган ишни бажаргач, Аллоҳ унга Зулҳижжа ойдан яна ўн кун рўза тутишни, ўша ўн кунликда Аллоҳга яқинлаштирадиган амаллар қилишни буюрди. Шундан кейин Аллоҳ Зулҳижжанинг ўн кунида Тавротни нозил қилди ва у билан ўзига хос тарзда гаплашди¹¹⁰”.

Аллоҳ таоло пайғамбари Мусо алайҳиссалом Тавротни қабул қилишга тайёрланиши учун уни қирқ кеча Ўзига муножот қилишга буюрди.

Мусо биродари Ҳорунга шундай насиҳат қилди:

“Қавмим устида менинг ўринбосарим бўл ва тузат. Бузғунчи кимсаларнинг йўлига эргашма”.

Яъни, Мусо алайҳиссалом Парвардигорига муножот қилишга кетаётиб, ортида қолаётган биродари Ҳорунга юзланиб:

– Ортимдан қавмимга ўринбосар бўл. Уларни кузатиб, кўз-қулоқ бўлиб тур. Уларнинг имонлари заиф. Доим назорат қилиб турмаса бўлмайди. Нафслари ақлларидан устун келиши мумкин. Улар орасини ислоҳ қилиб, зинҳор бузғунчилар ортидан эргаша кўрма! – деди.

Мусо алайҳиссалом ваъдалашга жойга кетар экан, қавми бир қилиқни ўйлаб топишларини биларди. Шу сабаб, биродарига уларни назорат қилиб туришни тайинлади.

Мусо алайҳиссалом кутгани тўғри бўлиб чиқди. Саркаш қавм ундан кейин Ҳорун гапини писанд қилмай, Сомирий кўли билан ясаб берган, овоз чиқарадиган бир жонсиз ҳайкалга сиғинишни бошладилар.

Энди Мусо алайҳиссалом Тур тоғига етиб келганида бўлиб ўтган воқеа ҳикоя қилинади:

Қачонки Мусо ваъдалашган вақтимизда (Тур тоғига) келиб, Парвардигори унга сўзлагач, у: “Парвардигорим, менга (жамолингни) кўрсат. Сенга бир қарай”, деди.

Мусо алайҳиссалом белгиланган Тур тоғига етиб келганида Аллоҳнинг Ўзи у билан бевосита гаплашди. Мусо Аллоҳ билан гаплашиб, Унинг сўзини эшитганидан кейин:

– Ё Раббим, улуғ зотингни менга кўрсат, жамолингни бир кўрай! – деди.

Бунга жавобан Аллоҳ таоло шундай деди:

– **Сен Мени (бу дунёда) ҳаргиз кўролмайсан.**

Яъни, эй Мусо, сен шу ҳолингда Мени кўролмайсан, деди.

Аллоҳ таоло банда бу дунёда Уни кўролмаслигини таъкидлади. Аммо охиратда Аллоҳ таоло жамолини кўриш ҳақида саҳиҳ ҳадислар келган. Уларга кўра, мўминлар жаннат боғларида Парвардигорини кўрадилар.

Аллоҳ таоло яна шундай деди: **“Аммо мана бу тоққа қара. Бас, агар у (Мен кўринганимда) ўрнашган жойида тура олса, сен ҳам Мени кўрасан”.**

¹¹⁰ “Тафсирул кашшоф”, 2-жуз, 151-бет.

Яъни, эй Мусо, бу дунёда Мени зинҳор кўролмайсан. Бунга қудратинг етмайди. Сендан кучлироқ бўлган манави тоққа қара: Мен унга кўринаман. Агар тоғ ўз жойидан силжимай мустаҳкам турса, сен ҳам Мени кўра оласан. Акс ҳолда, бунга тоқатинг етмайди.

Бу билан Аллоҳ Мусо алайҳиссаломга лутф кўрсатяпти, унинг талабини буткул инкор қилмасдан, Аллоҳ таолони бу дунёда моддий кўз билан кўриб бўлмаслигини баён қилмоқда.

Аллоҳ тоққа тажаллий қилганида нима бўлгани қисса давомида айтилади:

“Қачонки Парвардигори у тоққа кўринган эди, уни майда-майда қилиб ташлади ва (бу ҳолни кўрган) Мусо ҳушсиз ҳолда йиқилди”.

Аллоҳ таолонинг нури У зотнинг улуғлигига мос ҳолда тоққа кўринганида, тоғ қанча қудратли ва салобатли бўлишига қарамай, парчаланиб кетди. Одамлар кўзига улкан ва пурвиқор кўринадиган тоғки шундай ҳолга тушган экан, ожиз инсон ҳоли қандай бўлади?

Тоғнинг қай ҳолга тушганини ўз кўзи билан кўрган Мусо кўрққанидан ҳушидан кетиб йиқилди.

Ўзига келганидан кейин эса: “Пок Парвардигор, Ўзингга тавба қилдим. Энди мен имон келтирувчиларнинг аввали – пешқадамиман”, деди.

Беҳуш ётган Мусо алайҳиссалом ўзига келгач, аввалги ҳолатига қайтди ва Аллоҳнинг улуғлигини ёд этиб:

– Ё Аллоҳ, Сен махлуқотларингга ўхшашдан поксан! Мен изнингсиз бирон нарсани сўрашдан тавба қилдим. Мен буюклигингга имон келтирадиганларнинг аввалгилариданман¹¹¹, – деди.

Аҳли сунна вал жамоа уламолари айтганларидек, Аллоҳ таолони охиратда кўриш мумкин. Бу ҳақида Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифлар келган. Бироқ уламолар Аллоҳни бу дунёда кўриш имкони йўқлигини айтишган. Бу ҳақида бирон ҳужжат-далил ҳам собит бўлмаган.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга ато этган баъзи неъматлар эслатилади: **“Эй Мусо, ҳақиқатан, Мен сени одамлар устида пайғамбарим бўлишга ва Каломимни эшитишга танлаб олдим”.**

Яъни, эй Мусо, Мен сени ўз замонингдаги одамлар устида пайғамбар бўлишинг учун танлаб олдим. Шунингдек, сен билан бевосита гаплашдим.

Бу жумлалар билан Мусо алайҳиссаломга тасалли берилмоқда. Сабаби, унинг Аллоҳни кўришга бўлган шавқи кучли эди. Гўё: “Мен сени зотимни кўришдан ман қилган бўлсам-да, лекин сенга турфа хил улуғ неъматларни ато қилдим. Бас, уларни фанимат бил ва Менга доим шукр қил!” дейилаётгандек.

“Бас, сенга ато этган нарсамни ол ва шукр қилувчилардан бўл!”

Яъни, эй Мусо, сенга ато этганим пайғамбарлик ва бошқаларни ол, берилган инъомларга мудом шукр қилувчилардан бўл. Зеро, сен ўзгаларга ибрат-намуна бўласан.

“Унинг учун лавҳаларга ҳамма нарсани – панд-насихат ва барча нарсаларнинг тафсилотини ёзиб қўйдик ва: “Уларни маҳкам ушла ҳамда қавмингни у панд-насихатларнинг энг гўзалларини олишларига буюр” (дедик).

¹¹¹ Ёки сени бандалардан биронтаси дунёда кўра олмаслигига имон келтирувчиларнинг аввалгисиман, деди.

Энди Мен сизларга итоатсиз кимсалар диёрини кўрсатаман” (*Аъроф сураси, 145-оят*).

Ибн Аббосга кўра, оятдаги “лавҳалар”дан мурод Таврот лавҳаларидир. Унинг адади борасида ихтилоф қилинган. Айтилишича, етти лавҳа бўлган. Бошқалар ўнта лавҳа, дейишган. Бундан кўп бўлган, деганлар ҳам бор.

Таврот лавҳалари нечта бўлганини Аллоҳга ҳавола қилиш тўғридир. Чунки бу ҳақида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ хабар ворид бўлмаган.

Оятнинг маъноси қуйидагича: Биз Мусо алайҳиссалом учун Таврот лавҳаларида уларга керак бўладиган барча нарсани – ҳалол ва ҳаром, яхшилик ва ёмонликни ёзиб қўйдик. Шояд улар бундан ўзлари учун панд-насиҳат олсалар, қалблари таъсирланиб, солиҳ амалларга шошилиб, гуноҳлардан ҳайиқсалар. Шунингдек, Биз бу лавҳаларга Мусо рисолати билан боғлиқ жамики нарсалар тафсилотини битдик.

Аллоҳ таоло “ёзиш”ни Ўзига нисбат беришининг сабаби, бу Унинг қудрати билан бўлган ёки У зотнинг амри билан Мусо ё бўлмаса, фаришталардан бири ёзган.

“Манор” муаллифи шундай ёзади: “Баъзи муфассирлар айтишича, лавҳалар Тавротни ўзида жамлайди. Уларнинг баъзилари: “Бу Тавротдан олдин бўлган”, дейишган. Рожих қавл шуки, бу лавҳалар Мусо алайҳиссаломга аввал берилган ва Тавротнинг асли ҳисобланади. Бошқа ҳукмлар ибодатлар, муомалалар, жазолар бўлган. Бунга ҳожат туғилган вақтда Аллоҳ уларни нозил қилган¹¹²”.

“Уларни маҳкам ушла”. Бу ерда “уларни” деганда “лавҳалар” назарда тутилмоқда.

Яъни, Биз лавҳаларда ҳар бир нарсани ёздик ва Мусога:

– **Ушбу лавҳаларни қаттиқ ушла, – дедик.**

Мусо алайҳиссалом узоқ йиллардан буён қулликда азоб чекаётган бир қавмга элчи қилиб юборилган эди. Бунда бошлиқ қаттиққўл ва сабр-бардошли бўлмаса, қўл остидагиларни тарбиялаш қийин кечар, Аллоҳ буюрган ишларни амалга ошириш амримаҳол бўларди.

“Энди Мен сизларга итоатсиз кимсалар диёрини кўрсатаман”.

Яъни, сизларга Менинг амримга хилоф қилганлар, тоатимдан бўйин товлаганлар оқибатини кўрсатаман. Улар қандай қилиб ҳалокат ёқасига бориб қолганини кўрасизлар.

Айтилишича, фосиқлар диёридан мурод Фиръавн ва қавмининг маскани Мисрдир. Яна айтиладики, бунда Од, Самуд ва куфр сабабидан ҳалокатга учраган қавмлар назарда тутилган. Бошқа бир қавлда, ундан мурод золим кишилар яшайдиган Шом еридир.

Бизнингча, аввалги қараш тўғрироқ бўлса керак. Сабаб, ояти каримада Аллоҳ махлуқотларига битиб қўйган суннатлардан бири эслатилмоқда. Бу суннат ҳар бир бузғунчи кимсанинг оқибати хорлик билан тугагини тақозо этади. Биринчи қараш тўғри эканини айтганимизнинг бошқа сабаби, ундан мурод Фаластин диёри эканини қувватловчи бирон саҳиҳ ҳадис нақл қилинмаган.

Мусо ва Ҳорун алайҳимуссалом қиссасидан олинадиган энг муҳим ибратлар

¹¹² “Тафсирул манор”, 9-жуз, 190-бет.

Қуръони каримда Мусо алайҳиссалом қиссаси бошқа пайғамбарларникига караганда батафсилроқ баён қилинган. Жумладан, Мусо алайҳиссаломнинг Фиръавн билан, Бани Исроил қавми билан қиссаси 20 дан ортиқ сурада тақрорланган.

Биз ушбу қиссани ўқир эканмиз, ўзимиз учун қуйидаги фойдаларни оламиз:

1. Аллоҳ таоло бирон ишни амалга ошишини ирода қилса, унинг сабабларини осон қилиб қўяди. Аллоҳ бир бандани ҳимоя қилишни хоҳласа, қанча макр-ҳийла ва алдовлар ишлатилишидан қатъи назар, ўша бандани ғанимлар хуружидан, уларнинг заҳарли тиғидан омонда сақлайди.

Сўзимизга мисол сифатида Мусо алайҳиссалом қиссасини эслаш кифоя: Мусо алайҳиссалом қайси вақтда, қандай шароитда дунёга келди? У зот туғилганида золим Фиръавн Бани Исроил қавмининг ўғил болаларини битта қўймай ўлдириб, қизларни тирик қолдираётганди. Аллоҳ таоло ана шундай таҳликали ҳолатда ҳам Мусо алайҳиссалом жонини омон сақлади, унинг тирик қолишини ирода қилди ва бунинг сабабларини осон қилиб қўйди. Яъни, Мусонинг онасига уни сандиққа солиб дарёга ташлаш билдирилди. Кейин эса чақалоқларни шафқатсизларча қатл қилаётган Фиръавннинг аёли қалбига бу гўдакка нисбатан меҳр ҳиссини пайдо қилди ва Мусо ўз душмани қарамоғида ўсиб, вояга етди. Аллоҳнинг ҳаким Зот эканини қаранг! Фиръавн айнан Мусодан ҳадиксираб минглаб болаларнинг умрига зомин бўлди. Ҳаким Зот Аллоҳ таоло айнан Фиръавн чўчиган болани унинг хонадонига келишини, шу жойда вояга етишини таъминлади. Шундай қилиб, Мусо келажакда ўзи учун ашаддий ғаним бўлувчи Фиръавн оиласида катта бўлди, туғён ва ёмонлик жамланган бир маконда эмин-эркин ўсиб-улғайди.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу: “Аллоҳ Мусо алайҳиссаломни яхши кўрган ва уни бошқаларга ҳам севимли қилиб қўйганди”, дейдилар.

Шу сабабдан Мусо Фиръавн кўз ўнгида омонликда юрди. Миср ҳукмдори “мана шу бола катта бўлиб, менинг душманим бўлади”, деб ўйламасди.

Хуллас, Аллоҳ нима ишни хоҳласа, у албатта бўлади. Аллоҳнинг хоҳишига қарши борувчи ва У Зотнинг амрини муҳокама қилувчи йўқ.

2. Яхши инсонлар, салоҳият эгалари доим ҳақни ҳимоя қиладилар ва мазлумлар сафида туриб, бечоралар ёнини оладилар, уларга ёрдам берадилар. Бу билан зулмга қарши чиқиб, бузғунчилик ва зўравонлик олди олинади. Муҳтож инсонларга ёрдам қўли чўзилади. Дунё обод бўлиши таъминланади.

Сўзимизнинг исботи сифатида Мусо алайҳиссаломнинг Мадян юртида икки аёлга чорваларини суғоришда ёрдам берганини келтириш ўринлидир. Мусо алайҳиссалом у икки аёл эркаклар ичига кира олмай, чорваларини суғоришдан ожиз қолаётганларини кўра туриб, индамай кета олмади. Ундаги мурувват, шижоат ва ғайрат бунга йўл қўймади. Икки ожизага берилган ёрдам қандай натижа билан тугагани юқоридаги ибратли қиссани ўқиш орқали билиб олдик.

Мусо алайҳиссалом пайғамбар бўлганидан кейин ҳам ҳақ йўлда шижоат кўрсатди ва зулмга қарши курашди. Аллоҳ таоло Мусо ва Ҳорун алайҳимуссаломни мақтаган. Сабаби, улар Яратган топшириғини гўзал суратда адо қилишди. Марям сурасида шундай дейилган:

“(Эй Муҳаммад,) ушбу Китобда Мусо (қиссаси)ни зикр қилинг! Дарҳақиқат, у танлаб олинган элчи-пайғамбар эди. Биз унга Тур (тоғининг) ўнг томонидан нидо қилдик ва уни муножот қилган ҳолида (Ўзимизга) яқин этдик. Биз (Мусога)

Ўз фазлу марҳаматимиз билан (унга ёрдамчи бўлсин, деб) пайғамбар бўлмиш оғаси Ҳорунни ҳадя этдик” (Марям сураси, 51-53-оятлар).

Яъни: эй карим сифатли Пайғамбар, одамларга биродарингиз Мусо алайҳиссалом қиссасини зикр қилинг! Биз уни рисолатимизни зиммасига олиш учун танлаб олгандик. Мусо Бизга чиройли итоат этди, гўзал суратда ибодат қилди. У Бизнинг ихлосли бандаларимиздан эди. Биз Мусога Тур тоғида нидо қилдик, унга ўз каломимизни эшиттирдик ва унинг мартабасини баланд қилдик. Рисолатни етказишда кўмакчи бўлсин, деб унга биродари Ҳорунни ато этдик.

3. Ҳақиқат тарафдорлари ҳамиша топилади. Гарчи зулм қилувчилар сони жуда ортиб кетса ҳам, адолатни ҳимоя қилишга ёрдамчи топилмай қолмайди.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссалом даъватига ижобат қилмаган Фиръавн оиласидан бир мўмин банда чиқишини ирода қилди. Ўша киши Фиръавн оиласи унга бирон зиён етказишидан кўрқиб мўминлигини беркитиб юрганди. Аммо қонхўр Фиръавн: “Менга қўйиб беринглар, Мусони ўлдираман!” деган гапини эшитиб, ўз қавмига карата:

– Парвардигорим Яккаю Ягона Аллоҳ, деган бир кишини ўлдирасизларми? Ваҳоланки, у сизларга инкор қилиб бўлмас аниқ хужжат-далиллар, ақлни лол қилувчи мўъжизалар келтирди-ку! Агар у ёлғончи бўлса, алдагани ўзига зиён, бундан фақат ўзи азият чекади. Бироқ, у ростгўй бўлса, у айтган баъзи нарсалар бошингизга тушади. Албатта, Аллоҳ исроф қилувчи, ҳаддидан ошувчи, Ўзи белгилаб берган чегарадан чиқувчи ва ёлғонга чақирувчи кимсаларни тўғри йўлга бошламайди.

Эй қавмим, бугун сизлар Миср диёрида буткул ҳукмронлик қиляпсизлар. Агар ношукрлигимиз ва туғёнга кетганимиз сабаб устимизга Аллоҳнинг азоби келса, бизларни ким қутқариб қолади?! – дея хитоб қилди.

Аллоҳ таолонинг ҳикматини қарангки, Мусога тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатаётган, “Мен худоман”, деб ўзига бино қўяётган Фиръавн оиласидан бир мўмин бандани чиқариб, Мусо алайҳиссалом тарафини олишни, ҳақни ҳимоя қилишини ирода қилди.

Фиръавн аҳлидан бўлган мўмин банданинг ҳикматли насиҳатлари, қалб тўридан отилиб чиққан энг таъсирли сўзлари ҳам Фиръавн қалбини юмшатмади. У ўзининг куфри ва залолатида давом этиб, яна бошқа чоралар излашга тушди. Мўмин банда эса уни огоҳлантириш ва насиҳат қилишда давом этди. Жумладан, Фиръавннинг: “Эй Ҳомон, мен учун бир баланд қаср қур! Шояд мен осмонлар йўлига чиқиб, Мусонинг Парвардигорини кўрсам. Чунки мен уни ёлғончи деб ўйлаяпман”, деган талабига мўмин банда қуйидаги насиҳатлари билан жавоб берди:

– Эй қавмим, менга итоат этинглар! Сизларни тўғри йўлга бошлайман. Эй қавмим, бу дунё ҳаёти ўткинчидир, охират эса абадий диёрдир. Ким бир ёмонлик қилса, фақат ўшанинг мислича жазоланади. Эркак ё аёлдан кимда-ким мўмин ҳолида бир солиҳ амал қилс, бас, ўшалар жаннатга кирадилар ва у ерда ҳисобсиз ризқлантириладилар. Эй қавмим, сизларга нима бўлди?! Мен сизларни нажотга чақирсам, сизлар мени жаҳаннам оловига чорламоқдасизлар! Сизлар мени Аллоҳга куфр келтиришга ва ўзим билмаган нарсани Аллоҳга шерик қилишга ундаяпсизлар. Мен сизларга Улуғ ва Мағфиратли Зот йўлига даъват қиляпман. Шубҳасиз, сизлар мени даъват қилаётган нарса дунёда ҳам, охиратда ҳам ҳеч қандай қийматга эга эмас. Албатта барчамиз Аллоҳга қайтамыз. Исроф қилувчилар жаҳаннам эгаларидир. Мен

айтаётган гапларни ҳали эслайсизлар. Бас, мен ишимни Аллоҳга ҳавола қилдим. Зеро, Аллоҳ бандаларини кўриб турувчи Зотдир.

Аллоҳ ўша мўмин бандани уларнинг макрларидан сақлади ва Фиръавн оиласи бошига қаттиқ азоб ёғилди. Қиёматда бундан ҳам оғирроқ қийноқларга гирифтор қилинадилар.

ШУАЙБ АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИССАСИ

Шуайб алайҳиссалом қиссаси турли сураларда ҳикоя қилинади. Жумладан, Аъроф сурасида шундай дейилган:

“Мадян қавмига ўз биродарлари Шуайбни (пайғамбар қилдик). У айтди: “Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг! Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Сизларга Парвардигорингиз томонидан очиқ ҳужжат келди. Бас, ўлчов ва тарозини тўла тортинг ва одамларнинг нарсаларидан уриб қолманг ҳамда Ер (пайғамбарлар юбориш билан) ўнглаб қўйилганидан кейин, унда бузғунчилик қилиб юрманглар! Агар мўмин бўлсаларингиз, мана шу ўзларингиз учун яхшироқдир. Ҳар кўчада (кишиларни) қўрқитиб ва Аллоҳга имон келтирган зотларни Унинг йўлидан тўсиб ҳамда у йўлни бузишга ҳаракат қилиб ўтирманг! Озчилик бўлган пайтингизда сизларни кўпайтирганини эсланг ва бузғунчи кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг. Агар сизлардан бир тоифа менга юборилган динга имон келтириб, бошқа бир тоифа эса имон келтирмаса, у ҳолда то Аллоҳ ўртамизда Ўз ҳукмини чиқармагунича сабр қилинг! У ҳукм қилувчиларнинг яхшироғидир” (Аъроф сураси, 85-87-оятлар).

Аллоҳ таоло Шуайб алайҳиссаломни Мадян аҳлига пайғамбар қилиб юборди. Мадян қабила номи бўлиб, у Мадян ибн Иброҳим алайҳиссаломга нисбат берилади. Мадян аҳли Ҳижоз ва Шом ҳудуди оралиғидаги “Маон” деб аталадиган минтақада истиқомат қилишарди. Аллоҳ таоло уларга Шуайб алайҳиссаломни пайғамбар қилиб юборди.

Шуайб, Ибн Майкийл ибн Яшжар ибн Мадян ибн Иброҳимдир. Шуайб Мадян аҳлининг насабдаги биродарлари саналади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Шуайб алайҳиссаломни зикр қилсалар: “У қавмига чиройли мурожаат қилгани ва ҳужжатининг кучлилиги сабаб анбиёлар хатибидир”, дердилар.

Мадян аҳли куфру исёнда эди. Хусусан, улар тарозидан уриб қолиш, бир-бирларининг ҳаққини ноҳақ йўллар билан ейиш сингари гуноҳларга мубтало бўлишган эди. Шуайб алайҳиссалом қавмини ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга даъват қилди. Уларни хиёнатдан ва ёмон хулқлардан қайтарди.

Суддий ва Икримадан ривоят қилинишича, Шуайб алайҳиссалом икки умматга юборилган. Биринчиси, Мадян аҳли. Улар кучли овоз билан ҳалок қилинганлар. Иккинчиси, Асҳобул айка. Уларни Аллоҳ соялар кунидаги азоб билан жазолаган. Шуайб алайҳиссаломдан бошқа бирон пайғамбар икки умматга юборилмаган.

Лекин муҳаққиқ уламоларга кўра, улар бир умматдир. Яъни, Мадян аҳли бу, Асҳобул айкадир. Улар қаттиқ зилзила, кучли овоз ва соялар кунидаги азоб билан жазоланганлар. Бу азоблар олдинма-кетин содир бўлган.

Шуайб қавмини Аллоҳнинг ваҳдониятига чақириб, уларга хитобан шундай деди:

– Сизларга Парвардигорингиз томонидан очиқ ҳужжат келди.

Яъни, мен сизларга пайғамбар эканимни тасдиқловчи очик мўъжизалар келтирдим. Бу сизларни мен келтирган нарсага ишонишга, буюрганларимни олиб, қайтарганларимдан қайтишга ундайди.

Шундан сўнг у Мадян қавмини ораларида кенг тарқалган бир иллатдан қайтарди:

“Бас, ўлчов ва тарозини тўла тортинг ва одамларнинг нарсаларидан уриб қолманг”.

Яъни, тарози ва ўлчовларни тўғри тортинглар, ҳақ эгаси ўз ҳақини тўлиқ олсин, бирон нарсани камайтирманглар, олаётган одам кўпайтириб ҳам олмасин! Адолатли бўлинглар! Ораларингиздаги ўзаро муомала вақтида одамлар ҳақидан уриб қолманглар!

Шундан сўнг Шуайб уларни умумий бузғунчиликдан қайтарди:

“Ер (пайғамбарлар юбориш билан) ўнглаб қўйилганидан кейин, унда бузғунчилик қилиб юрманглар!”

Яъни, ер юзида зулм ва босқинчилик қилиш билан, куфру исён билан фисқу фасод қилманглар! Ваҳоланки, ер юзи пайғамбарлар ва уларнинг солиҳ издошлари тарафидан ислоҳ қилинган, обод этилган. Сизлар обод маконни вайронага айлантирманглар!

Шундан кейин қавми қалбида имон келтириш туйғусини уйғотиш учун шундай мурожаат қилди:

– **Агар мўмин бўлсаларингиз, мана шу ўзларингиз учун яхшироқдир.**

Яъни, мен сизларга буюрган ва қайтарган нарсалар дунёю охиратингиз учун яхшидир. Бас, агар айтганларимни тасдиқласангиз, Аллоҳ тарафидан юборилган ҳукмларга амал қилсангиз, менга ижобат қилинган!

Шуайб шу гапларни айтганидан кейин қавмини ҳаётининг бир қисмига айланиб қолган бошқа разолатлардан қайтарди:

“Ҳар кўчада (кишиларни) кўрқитиб ва Аллоҳга имон келтирган зотларни Унинг йўлидан тўсиб ҳамда у йўлни бузишга ҳаракат қилиб ўтирманг!”

Яъни, одамлар ўтадиган ҳар бир йўл четига ўтириб олиб, менга имон келтирган кишиларни ўлдириш билан таҳдид қилманглар, одамларга озор берманглар! Менга имон келтириш умидида бўлганларни: “Шуайб ёлғончи. У сизларни тўғри йўлдан оздирмоқчи”, деб кишиларни ҳақ динни қабул қилишдан чалғитманглар! Уларнинг кўнглига турли шубҳа-гумонларни солманглар!

Кейин уларга Аллоҳнинг неъматлари эслатилди: **“Озчилик бўлган пайтингизда сизларни кўпайтирганини эсланг”.**

Яъни, авваллари сизлар камчилик эдингиз, Аллоҳ сизларнинг сонингизни кўпайтирди. Илгари молу давлатингиз оз эди. Аллоҳ сизларга кўп давлат ҳадя қилди. Бу неъматлар эвазига Аллоҳга имон келтириб, У Зотга шукр қилишингиз керак. Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиш ва Аллоҳ буюрган йўлдан юриш билан неъматлар шукри адо этилади.

“Ва бузғунчи кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг!”

Яъни, аввалда ўтган қавмлар ҳаётига бир назар ташланг, Лут, Солиҳ қавмининг бошига не кунлар тушганига ибрат кўзи билан боқинг! Улар ер юзида бузғунчилик қилганлари сабаб балога гирифтор бўлдилар, қилмишларига яраша жазосини олдилар.

Бас, шундай экан, Аллоҳга такво қилинглари ва менга итоат этинглари! Аввал ўтган ва туғенга кетган қавмлар йўлидан юрманг. Акс ҳолда ўша бузғунчи қавмлар каби ҳалок қилинасишлар!

Шундан кейин уларни адолат қилишга, бағрикенг бўлишга, ўзига итоат этганларни тинч қўйишга чақиради:

“Агар сизлардан бир тоифа менга юборилган динга имон келтириб, бошқа бир тоифа эса имон келтирмаса, у ҳолда то Аллоҳ ўртамазда Ўз ҳукмини чиқармагунича сабр қилинг! У ҳукм қилувчиларнинг яхшироғидир”.

Яъни, сизлардан баъзилар мен келтирган нарсаларни тасдиқлади. Баъзилар эса ўз куфрида оёқ тираб туриб олди. Бас, шундай экан, Аллоҳ икки тоифа ўртасида адолатли ҳукм чиқармагунича кутиб туринглари. Бу мўминларга нусрат бериш ва зolim кимсаларни ҳалокатга учратиш билан бўлади. Зеро, Аллоҳ энг адолатли ҳукм қилувчи Зотдир!

Шуайб алайҳиссалом даъват қилишда энг ҳикматли услубни қўлади. У киши залолатдаги қавмни биринчи навбатда Аллоҳга имон келтиришга, куфрдан, ширкдан бутунлай воз кечишга чақирди. Зеро, бу Ислом ақидасининг асоси, диннинг рукнидир. Ақида масалалари баён қилинган, Мадян қавми орасида жуда оммалашиб кетган ижтимоий иллатлар зикр қилиниб, уларни ўнглаш лозимлиги баён қилинди. Жумладан, ўзаро муомалада адолатли бўлиш, тарози ва ўлчовларни тўғри тортиш, одамлар ҳақидан уриб қолмаслик, ер юзида бузғунчилик қилмаслик лозимлиги, йўл четига ўтириб олиб, турли ёмон ишларни қилмаслик кераклиги ўқтирилди.

Шунча таъсирли ваъз-насихатларни эшитган қавм дарров имон келтириб, қилиб юрган разил ишларидан тийилишлари керак эди. Аммо қалби тошдан қаттиқ, маънан сўқир қавм учун бу насихатлар қумга сепилган сувдек бесамар кетди.

Қўйидаги оятларга қулоқ солайлик. Бунда қавмнинг Шуайб алайҳиссаломга қай тарзда муомала қилганлари келтирилади:

“(Шунда) унинг қавмидан бўлган мутакаббир кимсалар: “Эй Шуайб, ё сени ё сен билан бирга имон келтирган кишиларни қишлоғимиздан ҳайдаб чиқарамиз ёки сизлар бизнинг динимизга қайтасизлар”, дейишди. У айтди: “Агар (динингизни) ёмон кўрсак ҳам-а? Агар Аллоҳ бизга ўша динингиздан нажот берганидан кейин яна унга қайтсак, Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган бўламиз-ку? Биз учун у динга қайтиш жоиз эмас, магар Парвардигоримиз – Аллоҳ хоҳласагина (қайтишимиз мумкин). Парвардигоримиз илми ҳамма нарсани қамраб олгандир. Биз Аллоҳнинг Ўзига таваккул қилдик. Парвардигоро, биз билан қавмимиз ўртасида ҳақ билан ҳукм қилгайсан. Ўзинг ҳукм қилувчиларнинг яхшироғидирсан”. (Шунда) унинг қавмидан кофир бўлган кимсалар: **“Қасамки, агар Шуайбга эргашсанглари, албатта зиён кўрувчи бўласизлар”**, дейишди. Бас, уларни даҳшатли зилзила тутиб, турган жойларида тўкилдилар. Шуайбни ёлғончи қилган кимсалар гўё у ерда яшамагандек бўлиб қолдилар. Шуайбни ёлғончи қилган кимсаларнинг ўзлари зиён кўрувчи бўлдилар. Кейин (Шуайб) улардан юз ўгириб, деди: **“Эй қавмим, мана, мен Парвардигоримнинг вазифасини сизларга етказдим ва насихатлар қилдим. Энди кофир қавмга қандай қайғурай?!”** (*Аъроф сураси, 88-93-оятлар*).

Мадян аҳлининг мутакаббир ашрофлари Шуайб алайҳиссаломнинг таъсирли насихатларига жавобан:

– Қасамки, эй Шуайб, биз сени ва сен билан бирга бўлган одамларни кишлоғимиздан ҳайдаймиз. Сизларни ёмон кўрамыз. Кўргани кўзимиз йўқ. Шу йўл билан фитналарингиздан бошимиз тинчийди. Ёки сизларни ота-боболаримиздан мерос қолган динимизга қайтарамиз. Эй Шуайб, сизлар бу икки ишдан бирини танланглар: ё кишлоғимиздан чиқиб кетинглар, ё бўлмаса, бизнинг динимизга қайтасизлар! – деб дағдаға қилишди.

Молу давлати ва обрўсига ишониб ғурурга кетган кимсалар Шуайб алайҳиссалом ва у кишининг издошларига шундай таҳдид қилишди. Уларнинг қасам ичишлари ният қилган ишларини амалга оширишга қатъий ҳаракат қилганларини кўрсатади.

Уларнинг “динимизга қайтасизлар” деган гапи Шуайбга имон келтирган кишилар аввал қавмнинг динида бўлганлари, кейин ундан чиқиб, Аллоҳга имон келтирганларини билдиради. Шуайб алайҳиссалом эса пайғамбарликдан олдин ҳам, кейин ҳам ширкдан маъсум бўлган. Аллоҳ таоло у кишини катта гуноҳлардан сақлаган.

Бунга жавобан Шуайб:

– **Агар (динингизни) ёмон кўрсак ҳам-а? – деди.**

Яъни, биз сизлар кетаётган йўлдан юришни истамасак, буни ёмон кўрсак ҳам бизни ўз йўриғингизга солишга мажбур қиласизларми? Ишонамизки, сизларнинг динингиз ботил, соғлом ақлга, юксак хулқ-одобларга зиддир. Йўқ, сизларнинг ботил эътиқодингизга қайтмаймиз!

“Агар Аллоҳ бизга ўша динингиздан нажот берганидан кейин яна унга қайтсак, Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган бўламиз-ку?”

Яъни, Аллоҳ бизни ҳақ динга йўллаганидан кейин, бизларни ширк иллатидан халос этиганидан сўнг ҳам била туриб сизларнинг ботил динингизга қайтадиган бўлсак, у ҳолда Аллоҳ шаънига энг қабиҳ ёлғонни тўқиган, ҳақни инкор қилган бўламиз!

“Биз учун у динга қайтиш жоиз эмас, магар Парвардигоримиз – Аллоҳ хоҳласагина (қайтишимиз мумкин). Парвардигоримиз илми ҳамма нарсани қамраб олгандир”.

Яъни, биз ҳеч қачон сизлар эътиқод қилган нарсага ишонмаймиз. Магар Аллоҳ хоҳласагина, шундай бўлади. Зеро, барча нарса Аллоҳнинг иродасига боғлиқ. Аллоҳ ҳар нарсага қодир Зотдир. Сизлар ва бошқалар бизни мажбурлаб ўзга эътиқодга бўйсундиrolмайсизлар. Динингиз ботил, бизнинг ақидамиз ҳақ эканига ишончимиз комил. Ҳамма нарса ишларни тасарруф этувчи, илми барча нарсани тўлиқ қамраб олган Аллоҳнинг хоҳишига боғлиқдир.

Қуръони карим ҳикоя қилаётган юксак одоб намунасини қаранг: Шуайб алайҳиссалом куфр ва ширк иллатига зинҳор қайтмаслигини гўзал суратда, одоб билан билдирмоқда. Шу билан бирга қавмнинг ашрофлари тарафидан таҳдид бўлиб турган таҳликали пайтда ўзи ва бошқа мўминлар имон йўлидан зинҳор қайтмасликларини, ишларини Аллоҳга ҳавола қилишини билдирмоқда.

Шуайб алайҳиссалом қавмининг таҳдидига парво қилмай, Аллоҳга дуо қилишга чоғланди:

“Биз Аллоҳнинг Ўзига таваккул қилдик. Парвардигоро, биз билан қавмимиз ўртасида ҳақ билан ҳукм қилгайсан. Ўзинг ҳукм қилувчиларнинг яхшироғидирсан”.

Яъни, биз ёлғиз Аллоҳга таваккул қилдик, ишларимизни У Зотга топширдик. Сизларнинг дўқ-пўписаларингизга Аллоҳ кифоя қилувчидир. Ким Аллоҳга таваккул қилса, У Зот унга кифоя қилади. Ё Аллоҳ, биз билан зулм қилиш пайида турган қавмимиз орасида ҳақ ила ҳукм чиқар! Зеро, Сен ҳақ ила ҳукм чиқарувчиларнинг энг яхшисан. Сенинг ҳукминг жабру зулмдан холидир.

Мана шу ўринда ўзимиз учун оладиган бир қанча ибратлар бор. Жумладан, Шуайб алайҳиссалом мутакаббир қавм аъзоларига нисбатан ўта одоб билан муомалада бўлди. Уларнинг сўзларига ҳикмат билан жавоб қайтарди. Ортиқча тортишиш ва мужодаладан юз ўгириб, Аллоҳга юзланди ва улар ўртасида ҳақ ила ҳукм қилишни дуо қилиб сўради. Ҳа, бундай қийин вазиятда Шуайб алайҳиссалом фақат Аллоҳга суянди, бошқалардан умид қилмади.

Шуайб алайҳиссаломнинг бундай қатъиятини кўрган кофир қавм уларни ўз динларига қайтаришдан умидларини узишди ва Шуайбга эргашларни кўркита бошлади. Қуръони карим буни ўз ҳикматли услуби билан қуйидагича баён қилади:

(Шунда) унинг қавмидан кофир бўлган кимсалар: “Қасамки, агар Шуайбга эргашсанглар, албатта зиён кўрувчи бўласизлар”, дейишди.

Яъни, Шуайб қавмининг ашрофлари унга эргашаётганларга хитобан:

– Сизлар ота-бобонгиз эътиқод қилиб келган диндан юз ўгириб, Шуайбнинг йўлига кириб кетсангиз, моддий бойликлардан қуруқ қоласизлар, ҳолингиз чаток бўлади. Чунки у сизларни тарозидан уриб қолишдан қайтаради. Агар бунга кўнсангиз, сувдай оқиб келаётган даромаддан қуруқ қоласиз, – дейишди.

Золим кимсалар нима қилиб бўлса ҳам одамларни Шуайбга итоат этишдан тўсмоқчи бўлдилар. Қавмини ўзларининг азалий эътиқодларига содиқ қолишга чақирдилар. Улар ўзлари залолатга кетганлари етмаганидек бошқаларни ҳам жаҳолат қаъри томон судрамоқчи бўлдилар.

Шуайб ва у кишига қарши бўлганлар орасида кечган қизгин мужодаланинг оқибати нима билан тугагани қуйидагича зикр қилинади:

“Бас, уларни даҳшатли зилзила тутиб, турган жойларида тўкилдилар. Шуайбни ёлғончи қилган кимсалар гўё у ерда яшамагандек бўлиб қолдилар. Шуайбни ёлғончи қилган кимсаларнинг ўзлари зиён кўрувчи бўлдилар”.

Кечагина молу давлатига суяниб кўкрак кераётган золимлар қилмишларига яраша жазо олишди. Уларни қаттиқ зилзила тутиб, ер билан битта бўлдилар. Улар орасида қимирлаган жон топилмади.

Улар: “Шуайбга эргашгандар зиён кўради”, деб такрорлашдан чарчамаган эдилар. Уларни ўз динларига қайтаришга жуда кўп уриндилар. Бугун эса ўзлари зиён кўрувчи бўлдилар. Улар фаровон ҳаёт кечириб турган бир паллада устларига бало ёғилди ва олдинги турмуш тарзларидан асар ҳам қолмади. Худди аввал яшамагандек, дунё ҳаёти лаззатидан баҳраманд бўлмагандек бўлиб қолдилар. Шуайбни ёлғончига чиқариб, унинг даъватидан бўйин товлаган кимсалар дунё ва охиратда зиён кўрувчи бўлдилар. Улар айтганларидек, Шуайбга эргашганлар зарар кўрмади, балки уларнинг ўзлари зиён кўрдилар, қилиб юрган гуноҳлари бошларига етди.

Кейин (Шуайб) улардан юз ўгириб, деди: “Эй қавмим, мана, мен Парвардигоримнинг вазифасини сизларга етказдим ва насихатлар қилдим. Энди кофир қавмга қандай қайғурай?!”

Қавмнинг исёнкор ашрофлари бошига бало тушиб, буткул ҳалок бўлганларидан кейин Шуайб улардан юз ўгирди ва издошларини огоҳлантириб:

– Эй қавмим, мен сизларга Парвардигоримнинг рисолатини етказдим, ақида масалалирини тушунтирдим, ҳукмларни баён қилдим, ваъз-насихат қилдим. Сизларни ислоҳ қилиш йўлида саъй-ҳаракат қилдим. Шундай экан, мен кофир қавмнинг бошига келган фалокатдан маҳзун бўлмайман. Мен уларнинг ҳидоятга келишлари ва азобдан омон қолишлари учун бор кучимни сарфладим. Аммо улар насихатни хушламадилар, ҳидоят нуридан залолат зулматини афзал билдилар. Йўқ, мен уларга ачинмайман, улар ҳалокатга йўлиққанлари сабаб қайғурмайман. Чунки ўша золим кимсалар бунга муносиб эдилар.

Худ сурасида Шуайб алайҳиссалом ва қавм ўртасида кечган қизғин баҳс-мунозаранинг бошқа жиҳатлари ҳақида хабар берилган. Аллоҳ таоло айтади:

“Мадян қавмига ўз биродарлари Шуайбни (пайғамбар қилдик). У айтди: “Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Ва ўлчов ва тарозидан уринг қолманглар! Мен сизларнинг яхшиликда эканлигингизни кўриб турибман. Ва мен сизларнинг устингизга ўраб олувчи кун – қиёматнинг азоби тушишидан кўрқаман. Эй қавмим, ўлчов ва тарозини адолат билан тўла тортинглар! Одамларнинг нарсаларини уриб қолманглар ва ерда бузғунчилик қилиб санқиб юрманглар! Агар мўмин бўлсаларингиз, Аллоҳ қолдирган нарса сизлар учун яхшироқдир. Мен сизларнинг устингизда кўриқчи эмасман”. Улар дедилар: “Эй Шуайб, бизлар ота-боболаримиз ибодат қилиб келаётган бутларни тарк қилишимиз кераклигини ёки ўз мол-мулкимизни ўзимиз хоҳлагандек тасарруф қилмаслигимиз кераклигини сенга ўқиётган намозинг буюрмоқдами? Ҳақиқатан, сен жуда кўнгилчан – ҳалим ва рашид кишисан-да!” У айтди: “Эй қавмим, хабар беринг-чи, агар мен Парвардигорим томонидан аниқ ҳужжатга эга бўлсам ва У Зот мени Ўз томонидан гўзал ризқ билан ризқлантирган бўлса... Мен сизларга хилоф қилиб, сизларни қайтараётган нарсани ўзим қилишни истамайман. Мен фақат имконим борича ислоҳ қилишни истайман, холос. Ва Ёлғиз Аллоҳнинг ёрдами билангина муваффақ бўламан. Ўзига суяндим ва Ўзига илтижо қиламан. Эй қавмим, тағин менга бўйсунмаслигингиз сизларга ҳам Нуҳ қавмига ё Ҳуд қавмига ёки Солиҳ қавмига етган балолар етишига сабаб бўлмасин! Лут қавми ҳам сизлардан йироқ эмасдир. Парвардигорингиздан мағфират сўранглар, сўнг Унга тавба-тазарруъ қилинглар! Албатта Парвардигорим марҳамат қилувчи ва дўст тутувчидир”. Улар дедилар: “Эй Шуайб, сен айтаётган нарсаларнинг кўпини англаб етмаяпмиз ва сени орамизда ожиз бир кимса эканингни кўриб турибмиз. Агар қавму қариндошларинг бўлмаганида, албатта сени тошбўрон қилган бўлар эдик. Сен бизлар учун мўътабар киши эмассан”. У айтди: “Эй қавмим, менинг қавму қариндошларим сизлар учун Аллоҳдан ҳам азизроқмики, У Зотга орқа ўгириб олдингиз? Шубҳасиз, Парвардигорим қилаётган амалларингизни билиб турувчидир. Эй қавмим, ўзингиз билган ишни қилаверинг, мен ҳам (ўз ишимни) қилувчиман. Яқинда кимга шарманда қиладиган азоб келишини ва ким ёлғончи эканини билиб оласизлар. Кўз тутаверинглар, мен ҳам сизлар билан бирга кўз тутувчиман”. Қачонки Бизнинг фармонимиз келганида, Шуайбга ва у билан бирга имон келтирган кишиларга Ўз раҳматимиз билан нажот бердик. Золим кимсаларни эса даҳшатли қичқирик тутиб, гўё ҳеч қачон яшамагандек, ўз диёрларида тўкилиб қолдилар. Огоҳ бўлингларки, худди Самуд ҳалокатга учрагани каби Мадян қавми ҳам ҳалокатга учради” (Худ сураси, 84-95-оятлар).

Аллоҳ таоло Самуд қабиласига Солиҳ алайҳиссаломни юборгани каби Мадян аҳлига Шуайб алайҳиссаломни пайғамбар қилиб юборди. Шуайб ҳар бир пайғамбар ўз қавмига айтган гапларни Мадян аҳлига айтди:

– Эй қавмим, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилинглар. Ҳақиқатан сизлар учун Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир. Аллоҳ сизларни яратган, У Зот сизларни ризқлантиради ва фақат Унинг ҳузурига қайтиб борасизлар.

Аллоҳга ихлос билан ибодатга даъват қилинган, одамлар ҳақини уриб қолишдан қайтарилди:

– **Ва ўлчов ва тарозидан уринг қолманглар!**

Ўлчовдан уриб қолиш икки хил бўлади. Биринчиси, агар бирон нарса сотаётган бўлса, харидор ҳақидан уриб қолиш, уларга кам миқдорда тортиб бериш. Иккинчиси, бирон нарса сотиб олаётганда келишилган миқдордан кўпроқ қилиб олиш.

Шуайб алайҳиссалом ана шундан огоҳлантирди:

– Эй қавмим, сизлар олишда ҳам, сотишда ҳам ўзгалар ҳақини уриб қолманглар! Агар нарса сотсангиз харидор ҳақидан камайтирманглар. Агар ўзингиз бирон нарса сотиб олсангиз, ҳақингиздан зиёда қилиб олманглар!

Мана шу икки ишга қуйидаги оятларда ишора қилинган: “(Ўлчов ва тарозидан) уриб қолувчи кимсаларга ҳалокат бўлмай! Улар одамлардан (бирон нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир¹¹³”.

Шундан сўнг уларга нима сабабдан амру маъруф, нахий мункар қилинаётгани айтилади:

“Мен сизларнинг яхшиликда эканлигингизни кўриб турибман. Ва мен сизларнинг устингизга ўраб олувчи кун – қиёматнинг азоби тушишидан қўрқаман”.

Яъни, сизлар Аллоҳга холис ибодат қилинглар, ўзаро муомалангизда адолатли бўлинглар! Мен сизлар ўта фаровон ҳаёт кечираётганингизни кўряпман. Бундай кенг ризқ ва тўкин-сочин турмуш эвазига уни сизларга ато қилган Аллоҳга шукр қилишингиз лозим. Бунинг учун сизлар молу давлатингизни фақат Аллоҳ рози бўладиган йўлларда сарфланг ва ҳар бир ҳақдорга ўз ҳақини тўлиқ қилиб беринглар!

Агар сизлар мен буюрган ишларни қилмасдан, қайтариқларга қулоқ солмасангиз, устингизга қаттиқ азоб келишидан қўрқаман. У азобдан биронтангиз ҳам қочиб қутулолмайсизлар.

Шундан сўнг таъкид билан яна бир бор бировлар насибасини ноҳақ ейишдан қайтарди:

“Эй қавмим, ўлчов ва тарозини адолат билан тўла тортинглар! Одамларнинг нарсаларини уриб қолманглар”.

Яъни, муомалада адолатни лозим тутинг. Одамларнинг зиғирча ҳам ҳақиқага хиёнат қилманглар!

Айтилишича, Мадян қавмида тарози ва ўлчовлардан уриб қолиш авжига чиққан, бу иллат уларнинг қон-қонига сингиб кетганди. Шу сабаб Шуайб алайҳиссалом қавми такрор ва такрор ўлчовларда адолатли бўлишга чақирмоқда. Шундай

¹¹³ Мутаффифин сураси, 1-3-оятлар.

қилинса, айтилаётган гап одамлар зехнига яхши ўрганашади, бир марта айтилганда тушунилмаган жиҳатлари аниқ бўлади.

“Ва ерда бузғунчилик қилиб санқиб юрманглар!”

Яъни, ер юзида фиску фасод ишларни қилманглар, Аллоҳ берган ҳисобсиз неъматларга шукр қилиш ўрнига У Зотга осийлик қилманглар! Акс ҳолда, бу неъматлар сизлардан олиб қўйилади!

Шундан сўнг улар ҳаром йўл билан тўплаётган бойликларидан кўра Аллоҳ даргоҳидаги нарса яхшироқ ва боқийроқ экани таъкидланди:

“Агар мўмин бўлсаларингиз, Аллоҳ қолдирган нарса сизлар учун яхшироқдир. Мен сизларнинг устингизда қўриқчи эмасман”.

Яъни, Аллоҳ сизларга қолдирган ҳалол ризқ, хотиржамлик, яхшилик билан эсланиш, хайр-барака сизлар одамлар ҳақидан уриб қолиб йиғаётган ҳаром давлатингиздан яхшироқдир. Агар адолат ила иш тутсангиз, Аллоҳ сизларга ҳалол ва покиза ризқ ато этади.

Агар мўмин бўлсаларингиз, мен олиб келган нарсаларни тасдиқланг! Аллоҳ ато этадиган ҳалол ризқ сизлар учун яхшироқдир. Зеро, бу фақат мўминларгагина хосдир. Бас, дунё ва охиратда саодатманд бўлиш истагида бўлсангиз, менинг насиҳатларимга қулоқ тутинг, унга ижобат қилинг!

Эй қавмим, мен сизларга қўриқчи эмасман. Сизлар нима амал қилаётганингизни кузатиб, билиб туролмайман. Сизларни ҳисоб қилиш ҳам, унга мукофот ё жазо бериш ҳам менинг ишим эмас. Мен сизларга Парвардигорим буйруқларини етказувчи, сизларни огоҳлантирувчиман, холос. Сизларни кузатиш, ҳисоб қилиш ва муносиб тарзда мукофот ё жазо бериш Аллоҳнинг ишидир.

Мухтарам ўқувчилар, кўриб турганингиздек, Шуайб алайҳиссалом аввало, қавмининг ақидасини тўғрилаш учун ҳаракат қилди. Кейин уларнинг ижтимоий иллатларини ислоҳ қилиш учун уларни муомалада адолатли бўлишга чақирди. Бу насиҳатларга қулоқ тутиб, уларни амал қилган одамнинг саодат сари одимлаши шубҳасиз. Аммо Мадян қавми бу таъсирчан насиҳатларга беписандлик билан қараб, Шуайбни масҳара қилишди, унинг устидан кулиб шундай дейишди:

– Эй Шуайб, бизлар ота-боболаримиз ибодат қилиб келаётган бутларни тарк қилишимиз кераклигини ёки ўз мол-мулкимизни ўзимиз хоҳлагандек тасарруф қилмаслигимиз кераклигини сенга ўқиётган намозинг буюрмоқдами? Ҳақиқатан, сен жуда кўнгилчан – ҳалим ва рашид кишисан-да!

Улар Шуайб алайҳиссалом жон куйдириб қилган насиҳатларини енгил санашди ва:

– Парвардигоринг сенинг зимманга юклаган ва сен жуда кўп ўқиётган мана шу намозинг бизларнинг ота-бобларимиз сиғиниб келган бутларга ибодат қилишни тарк этишга чақирмоқдами?! Балки бизларни тарозидан уриб қолишдан қайтаришга ундаётган ҳам мана шу намозинг бўлса керак?! Агар ўқиётган намозинг сени шунга чақираётган бўлса, у ҳолда у ботил намоз экан. Унинг зиғирча ҳам қиймати йўқ. Биз буни сенинг мажнунлигиндан ва валдирашингдан бир кўриниш, деб ҳисоблаймиз.

Қавм бошқа ибодатлар орасидан айнан намозни хослашларига сабаб, Шуайб алайҳиссалом кўп намоз ўқир, золим кимсалар унинг намоз ўқиётганини кўрсалар, устидан кулишарди.

Уларнинг “Ҳақиқатан, сен жуда кўнгилчан – ҳалим ва рашид кишисан-да!” деган сўзлари Шуайб алайҳиссалом устидан баттар мазах қилишлари учун айтилган. Гўё улар:

– Эй Шуайб, сен бизларни бутларга сиғиниш ва тарозидан уриб қолмасликка қандай буюрмоқдасан? Зеро, ҳаётимиз мана шу икки муҳим омилга асосланганини биласан-ку! Сен ҳалим, мулойим ва тўғри йўлдан юрувчи одам бўлсанг, у ҳолда бизлар учун фойдали бўлган ишни қилишимизга қўйиб бер, – дейишаётгандек.

Қавм қанча жоҳиллик қилса-да, Шуайб алайҳиссалом метин ирода ва кучли сабр-тоқат билан уларнинг азиятларига бардош берди. Қавмдан содир бўлган бу муомалага эътибор бермади. Чунки уларнинг жоҳилликларини, илмсиз эканларини яхши биларди.

Шуайб қавмига шундай хитоб қилди:

– **Эй қавмим, хабар беринг-чи, агар мен Парвардигорим томонидан аниқ ҳужжатга эга бўлсам ва У Зот мени Ўз томонидан гўзал ризқ билан ризқлантирган бўлса...**

Яъни, менга айтинглари-чи, агар мен Парвардигорим томонидан берилган очиқ-ойдин ҳужжатга эга бўлсам ва Аллоҳ мени ҳалол ризқ билан таъминлаган, менга гўзал ва осуда ҳаёт ато этган бўлса, энди мен сизларнинг ҳойи ҳавасингиз деб Парвардигорим амрига зид иш қилишим тўғри бўладими?! Йўқ, мен таҳдидларингизга парво қилмасдан Парвардигорим менга юклаган вазифани адо этаман, Унинг буйруқларини одамларга етказаман!

“Мен сизларга хилоф қилиб, сизларни қайтараётган нарсани ўзим қилишни истамайман”.

Яъни, сизларни яккаю ягона Аллоҳга ихлос билан ибодат қилишга, одамлар ҳақидан уриб қолмасликка чақирдим. Энди мен дунёвий манфаат илинжида ўзим айтган гапларга хилоф иш қилишни, бир ишга буюриб туриб, уни қилмасликни, бирон нарсадан қайтариб туриб уни ўзим қилишни истамайман! Зеро, мен айтган сўзи қилган амалига мувофиқ келувчи бир инсонман. Мен ўзимга нимани раво кўрсам, сизларга ҳам шуни раво кўраман!

“Мен фақат имконим борича ислоҳ қилишни истайман, холос”.

Яъни, сизларни нимага буюрган ва қандай ишлардан қайтарган бўлсам, фақат оранангизни ислоҳ қилиш, бахту саодатга эришишингиз учун шундай қилдим. Имконим борича, Аллоҳ қодир қилганича ораларингиз ислоҳ бўлишига ҳаракат қиламан.

Шуайб алайҳиссалом шундай кейин барча ишларини Аллоҳга ҳавола қилади:

– **Ва Ёлғиз Аллоҳнинг ёрдами билангина муваффақ бўламан. Ўзига суяндим ва Ўзига илтижо қиламан.**

Яъни, сизларни яхшиликка буюришим ва ёмонликдан қайтаришим фақат Аллоҳнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлаши билан бўлади. Мен фақат Ёлғиз Аллоҳга таваккул қиламан, У Зотга суянаман.

Шуайб алайҳиссалом қавмига насиҳат қилишда давом этиб, аввалги ўтган қавмлар бошига тушган мусибатларни эслатди ва улар каби бўлиб қолишдан огоҳлантирди:

– **Эй қавмим, тагин менга бўйсунмаслигингиз сизларга ҳам Нух қавмига ё Ҳуд қавмига ёки Солиҳ қавмига етган балолар етишига сабаб бўлмасин!**

Яъни, эй қавмим, менга бўлган адоватингиз, мени ёлғончига чиқаришингиз, исён қилишингиз сизларни худди Нух, Ҳуд ва Солиҳ қавми бошига тушган мусибатларга мубтало қилмасин!

“Лут қавми ҳам сизлардан йироқ эмасдир”.

Агар сизлар Нух қавмининг сувга ғарқ қилинганидан, Ҳуд қавмининг кучли шамол сабабидан ҳалок бўлганидан, Солиҳ алайҳиссалом қавмининг кучли овоз туфайли маҳв этилганидан ўзларингиз учун ибрат олмасангиз, ҳеч бўлмаса, Лут қавми бошига тушган кўрғиликдан ибратланинг! Уларнинг ҳовли-жойлари остин-устин бўлиб кетганди. Лут қавми замон ва макон жиҳатидан сизлардан узоқ эмас, ахир.

Шундай сўнг Шуайб алайҳиссалом қавмини Аллоҳнинг раҳматидан умид қилиш сари ундаб, Аллоҳга тавба-тазарруъ қилишга чақиради:

“Парвардигорингиздан мағфират сўранглар, сўнг Унга тавба-тазарруъ қилинглар! Албатта Парвардигорим марҳамат қилувчи ва дўст тутувчидир”.

Яъни, сизлар барча қилган гуноҳларингиздан қайтиб, Аллоҳга чин дилдан тавба қилинглар. Зеро, Аллоҳ тавба қилувчи бандаларига меҳрибон ва Ўзига итоат этганларни дўст тутувчидир.

Шундай қилиб Шуайб алайҳиссалом турфа йўллар билан қавмини тўғри йўлга солишга ҳаракат қилди. Баъзида руҳлантириш, баъзида азобдан кўрқитиш орқали ҳақ динга киришларидан умид қилди. Аммо бузғунчиликка муккадан кетган, жаҳолат зулмати қаърига ботган қавм Шуайбнинг насиҳатларига куйидаги сўзлар билан жавоб қайтаришди:

– **Эй Шуайб, сен айтаётган нарсаларнинг кўпини англаб етмаяпмиз.**

Яъни, қавм Шуайб айтган гапларни енгил санаб, у айтаётган гапларни инкор қилиш учун:

– Эй Шуайб, айтаётган кўп гапларингни ҳеч тушуна олмаяпмиз. Чунки уни нафсимиз қабул қилмаяпти. Сен бизни Аллоҳга ибодат қилиш ва тарозидан уриб қолмасликка кўп даъват қилдинг. Сенинг даъватингдан зерикдик. Айтган гапларинг қулоғимизга ёқмаяпти. Ақлимиз уни тушунишдан ожиз қолмоқда, – дедилар.

Улар бу билан Шуайб алайҳиссалом гапларини менсимасликка олиб, уни инкор қилиш пайида бўлдилар. Худди бир одам ўзга кишининг гапига эътиборсиз оҳангда: “Гапингга тушунмадим”, деганидек улар ҳам Шуайб алайҳиссалом насиҳатларини эшитишни, тушунишни истамадилар.

“Ва сени орамизда ожиз бир кимса эканингни кўриб турибмиз. Агар қавму қариндошларинг бўлмаганида, албатта сени тошбўрон қилган бўлар эдик. Сен бизлар учун мўътабар киши эмассан”.

Яъни, сенинг куч-қувватинг йўқ, бир ожиз кишисан. Бизга қарши чиқишга мадоринг йўқ сенинг. Хоҳласак сени қишлоғимиздан бадарға қилиб юборамиз. Агар бизнинг динимизга мансуб яқин қариндошларинг бўлмаганида, ўлгунингча тошбўрон қилган бўлардик. Мана шу яқинларинг сабабли сенга омонлик беряпмиз! Эй Шуайб, сен биз учун муқаррам, маҳбуб эмасман. Биз сени ёмон кўраемиз. Бизлар учун сен ожиз бир одамсан, деб таҳқирлади нобакор қавм.

Ана энди Шуайб алайҳиссалом мулойимликдан қаттиққўлликка, лутф кўрсатишдан шиддат ила муомала қилишга ўтди:

– **Эй қавмим, менинг қавму қариндошларим сизлар учун Аллоҳдан ҳам азизроқмики, У Зотга орқа ўгириб олдингиз?**

Яъни, мени улар сабабидан тошбўрон қилмаяпсизми? Менинг қариндошларим сизлар учун Аллоҳдан кўра азизроқми?! Ваҳоланки, Аллоҳ сизларни яратган, ризқлантираётган, сизларни ўлдирувчи ва қайтар тирилтирувчи Зот-ку?!

Сизлар Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларини куфру исёнингиз сабаб бепарво ташлаб қўйдингиз, унга эътибор бермадингиз!

“Шубҳасиз, Парвардигорим қилаётган амалларингизни билиб турувчидир”.

Яъни, албатта Парвардигорим Ўз илми билан сизлар айтаётган гапларни, қилаётган қабих амалларингизни билиб туради ва шунга қараб сизларга муносиб жазо беради.

Шундай сўнг уларга таҳдид оҳангида шундай дейилди:

– Эй қавмим, ўзингиз билган ишни қилаверинг, мен ҳам (ўз ишимни) қилувчиман. Яқинда кимга шарманда қиладиган азоб келишини ва ким ёлғончи эканини билиб оласизлар. Кўз тутаверинглар, мен ҳам сизлар билан бирга кўз тутувчиман.

Яъни, сизлар менга нисбатан қўлингиздан келган ҳамма ишни қилинг, хоҳлаганингизча кўрқитинг, таҳдид қилинг, буларнинг ҳеч бири менга зарар келтиролмайди. Мен Аллоҳнинг мададига суянсам, сизлар қандай қилиб менга шикаст етказа олардинглар!

Мен сизларнинг бу қилмишларингга жавобан чиройли амал қиламан, одамларни ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга ва гўзал хулқ-одоб эгалари бўлишга чақираман.

Хоҳлаган ишингизни қилинг, ихтиёрингиз ўзингизда. Яқин орада орамиздан кимнинг бошига хор қилувчи азоб тушишини, ким ёлғончи эканини билиб оласизлар! Бас, ҳақиқатни инкор қилишингиз оқибати қандай бўлишини кутинглар! Мен ҳам Аллоҳ сизларга қандай ҳукм қилишини кутиб тураман!

Шуайб алайҳиссалом қавми қилаётган ишлари сабабидан не қўйга тушишларини кутиши узоққа чўзилмайди. Улар туғёнда давом этишгач, Аллоҳнинг жазоси уларнинг бошига жуда тез суръатда келди. Бу ҳақида Қуръони каримда шундай дейилган:

“Қачонки Бизнинг фармонимиз келганида, Шуайбга ва у билан бирга имон келтирган кишиларга Ўз раҳматимиз билан нажот бердик”.

Яъни, уларни азоблаш ҳақида амримиз келганида, Биз пайғамбаримиз Шуайб ва у билан бирга имонларида содиқ қолган мўминларни кутқардик. Бу Биз тарафимиздан улар учун раҳматдир.

“Золим кимсаларни эса даҳшатли қичқириқ тутиб, гўё ҳеч қачон яшамагандек, ўз диёрларида тўкилиб қолдилар”.

Яъни, Шуайб қавмидан золим бўлган кимсаларни кучли қичқириқ тутди ва уларни ҳалок қилди. Золимлар ўз масканларида ҳалок бўлдилар, ҳаракат қилувчи бирон тирик жон қолмади, пичирлаган овоз ҳам эшитилмади.

Шуайб алайҳиссалом қавми бу аянчли ҳалокатдан сўнг илгари ўз юртларида фаровон ҳаёт кечирмагандек, ҳеч ҳам хотиржамликда умргузаронлик қилмагандек бўлиб қолдилар.

“Огоҳ бўлингларки, худди Самуд ҳалокатга учрагани каби Мадян қавми ҳам ҳалокатга учради”.

Яъни, сизлар огоҳ бўлинглар! Илгари Самуд қабиласи қандай ҳалок қилинган бўлса, Мадян аҳли ҳам шундай ҳалок қилинди. Улар Аллоҳнинг раҳматидан маҳрум этилдилар, лаънатга гирифтор бўлдилар.

Шу зайл Мадян аҳлининг имондан бўйин товлаган мутакаббир кимсаларининг хаёт саҳифаси аянчли суратда ёпилди.

Шуаро сурасида Шуайб алайҳиссалом қиссасининг яна бошқа жиҳатлари ҳақида хабар берилган. Аллоҳ таоло айтади:

“Дарахтзор эгалари пайғамбарларини ёлғончи қилдилар. Ўшанда Шуайб уларга айтган эди: “Аллоҳдан кўркмайсизларми?! Албатта мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. Бас, Аллоҳдан кўркинлар ва менга итоат этинлар! Мен бу (даъватим) учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат оламлар Парвардигори зиммасидадир. Ўлчовни тўла ўлчанлар ва камайтириб (тортувчилардан) бўлманлар! Ва тўғри тарози билан тортинлар! Одамларга нарсаларини камайтириб берманлар ва ер юзида бузғунчилик қилиб санқиб юрманлар! Ҳамда сизларни ҳам, аввал яралган умматларни ҳам яратган Зот – Аллоҳдан кўркинлар!” Улар дедилар: “Ҳеч шак-шубҳасиз, сен сеҳрланган – ақлдан озган кимсалардандирсан. Сен ҳам худди бизларга ўхшаган одамсан. Албатта бизлар сени ёлғончи кимсалардан, деб гумон қиламиз. Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг, устимизга осмондан бир бўлагини ташлаб юбор!” У айтди: “Парвардигорим Ўзи сизларнинг қилаётган амалларингизни жуда яхши билувчидир”. Бас, улар (Шуайбни) ёлғончи қилишгач, уларни “соябон” кунининг азоби билан ушлади. Дарҳақиқат, у улуғ-дахшатли куннинг азоби эди. Албатта бунда оят-ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари имон келтирувчи бўлмадилар. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи Ғолиб, Мехрибондир” (Шуаро сураси, 176-191-оятлар).

Сурада “дарахтзор” деб айтилаётган минтақа дарахтлар билан тўла жой бўлиб, у Ҳижоз ва Фаластин ўртасида эди. У “Амон” деб аталадиган минтақа бўлса, ажаб эмас.

Ибн Касир айтишича, саҳиҳ қавлга кўра, “дарахтзор эгалари” Мадян аҳлидир. Аллоҳнинг пайғамбари Шуайб уларнинг ўзларидан эди. Аллоҳ бу ерда “биродарлари Шуайб” деб айтмади. Сабаби улар дарахтларга ибодат қилишарди. Шунинг учун “дарахтзор эгалари пайғамбарларни ёлғончи қилдилар” деганида, “уларга биродарлари Шуайб” эмас, балки “уларга Шуайб айтди”, деди. Шу билан улар орасидаги биродарлик кесилди. Гарчи Шуайб насаб жиҳатидан уларга биродар бўлса-да, аммо дин йўлида биродар эмас. Одамлардан баъзилар бу нуқтани яхши тушунмасдан дарахтзор эгалари (Асҳобул айка) Мадян аҳли эмас, деб айтишади. Уларнинг даъвосига кўра, Аллоҳ Шуайб алайҳиссаломни икки хил умматга юборган. Саҳиҳ қавл шуки, улар бир умматдир. Улар ҳар бир мақомда бирон нарса билан васф қилинганлар. Шу сабаб, худди Мадян қиссасида бўлгани каби уларни тарозидан уриб қолмасликка чақирган. Булар бир-бирига жуда ўхшаш¹¹⁴.

Шуайб алайҳиссалом қавмини Аллоҳга тақво қилишга буюриш, Аллоҳнинг буйруқларини етказиш учун ишончли пайғамбар эканини ва қилаётган насиҳатлари учун фақат Аллоҳдан мукофот умидида эканини таъкидлаш билан даъватини бошлади.

Шундай кейин Мадян аҳли орасида жуда кенг тарқалган ижтимоий иллат ислоҳи йўлида қуйидагиларни айтди:

¹¹⁴ “Тафсиру ибни касир”, 6-жуз, 168-бет.

– Ўлчовни тўла ўлчанглар ва камайтириб (тортувчилардан) бўлманглар! Ва тўғри тарози билан тортинглар! Одамларга нарсаларини камайтириб берманглар ва ер юзида бузғунчилик қилиб санқиб юрманглар! Ҳамда сизларни ҳам, аввал яралган умматларни ҳам яратган Зот – Аллоҳдан кўрқинглар!

Яъни, Шуайб алайҳиссалом қавмига насиҳат қилиб:

– Эй қавмим, ўлчовни тўғри қилинглари! Тарозидан уриш йўли билан одамлар ҳақини еманглар! Ўлчаш ва тарозида тортишда адолатли бўлинглар! Одамларнинг зиғирча ҳам ҳаққидан уриб қолманглар! Ер юзида қотиллик, йўлтўсарлик ва тинч аҳолига ваҳима солиш билан бузғунчилик қилманглар. Эй қавмим, сизларни ва сизлардан олдин ўтган куч-қувват соҳиблари бўлган кимсаларни бир томчи сувдан яратган Аллоҳдан кўрқинглар! Аввалда ўтган Ҳуд ва уларга ўхшаш қавмлар сизлардан куч-қувват ва молу давлатда устун эдилар. Шундай бўлса-да, Аллоҳ уларни куйи куфру исёнлари сабаб ҳалок қилди.

Қавм аъзолари Шуайб алайҳиссалом қалбидан отилиб чиққан насиҳатларни эшитди, аммо ундан таъсирланмадилар. Балки Шуайб алайҳиссаломга тик боқиб: “Ақлдан озгансан, сеҳрлангансан”, деб таъна тошларини отишди. Қуръони карим уларнинг бу бўҳтонларини ва ҳеч нарсадан тап тортмай бошларига азоб туширишни сўраганларини қуйидагича баён қилган:

Улар: “Ҳеч шак-шубҳасиз, сен сеҳрланган – ақлдан озган кимсалардандирсан. Сен ҳам худди бизларга ўхшаган одамсан. Албатта бизлар сени ёлғончи кимсалардан, деб гумон қиламиз. Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг, устимизга осмондан бир бўлагини ташлаб юбор!” дедилар.

Мадян аҳли ўзларига бино қўйиб, ғурур ва мақтанчоқлик билан:

– Эй Шуайб, сен сеҳрлангансан. Нима деётганингни билмаяпсан. Сен бизга ўхшаган одамсан, таом ейсан, ичимлик ичасан. Пайғамбарлар каби алоҳида ажралиб турадиган жиҳатинг йўқ сенинг. Шу сабаб, биз сен даъват қилаётган нарсалар ёлғон деб гумон қиляпмиз. Агар даъвоинг рост бўлса, бас, бошимизга осмондан азоб ёғдирчи! – дедилар.

Улар Шуайб алайҳиссаломни оддий одамлар каби ҳаёт кечиришини рўқач қилишди. Сеҳрланган мажнунсан, деб бўҳтон қилиб, унинг пайғамбарлигини тан олгилари келмади. Улар Шуайбга мана шу икки “иллат”ни хослаб, ўз ҳавойи нафслари истаган нарсада бардавом бўлдилар.

Шуайбни ёлғончига чиқаришлари етмаганидек, яна устиларига азоб туширишини ҳам талаб қилдилар. Худди улар ҳақлар-у, Шуайб пайғамбар ноҳақдек! Ҳа, қалб эшиги ёпиқ қавм аъзолари ўзларини осмонда деб билиб, Шуайбни масҳара қилишар, унинг қўлидан ҳеч нарса келмайди, деб ўйлашарди.

Бироқ, Шуайб алайҳиссалом бундай абадсизликларга қуйидаги сўзи билан муносабат билдирди:

– Парвардигорим Ўзи сизларнинг қилаётган амалларингизни жуда яхши билувчидир.

Яъни, Парвардигорим Аллоҳ сизлар қилаётган ҳар бир амал ва оғзингиздан чиқаётган ҳар бир сўзни билиб туради. Шунга қараб сизларни муносиб тарзда жазолайди.

Шундан сўнг пайғамбарларини хўрлаганлари, унга нисбатан ҳурматсизлик қилганлари сабаб, бошларига не азоблар тушгани баён қилинади:

“Бас, улар (Шуайбни) ёлғончи қилишгач, уларни “соябон” кунининг азоби билан ушлади. Дарҳақиқат, у улуг-дахшатли куннинг азоби эди”.

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Аллоҳ таоло уларнинг устига қаттиқ жазирамани юборди. Бу уларни қаттиқ қийнаб қўйди. Улар уйларининг энг ичкарасига кириб олдилар. Иссиқ ҳаво ўша ергача кириб борди. Улар уйларидан қочиб чиқиб кетдилар. Шунда Аллоҳ таоло Мадян қавми устига қуёш тифидан тўсиб турувчи бир булутни юборди. Улар ўша булут остида салқинлик ва роҳатни ҳис қилишди. Бир-бирларини чақириб, ҳаммалари булут остига тўпланишди. Шунда Аллоҳ таоло уларнинг устига олов туширди ва барчалари ҳалок бўлишди¹¹⁵.

Шундан сўнг Шуайб алайҳиссаломнинг қавми билан бўлган қиссасига яқун ясалади:

“Албатта бунда оят-ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари имон келтирувчи бўлмадилар. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи Ғолиб, Меҳрибондир”.

Пайғамбарларнинг ҳаммаси бир рисолат билан Аллоҳ таоло томонидан юборилганлар. Улар қавмларини аввало, Аллоҳ таолога ихлос билан ибодат қилишга чақириб, мақталган одоб-ахлоқлар билан хулқланишга чақиритган.

Шуайб алайҳиссалом қиссасидан олинадиган бу ибратлар ҳам ҳар бир ақл эгаси учун манфаатлидир.

ДОВУД ВА СУЛАЙМОН АЛАЙҲИМУССАЛОМ ҚИССАСИ

Довуд ва Сулаймон алайҳимуссалом қиссаси Қуръони каримнинг турли сураларида, жумладан, Анбиё, Намл, Сабаъ, Сод сураларида келган.

Довуд ва Сулаймон алайҳимуссалом икки ҳурматли пайғамбар, икки улуг подшоҳ бўлишган. Аллоҳ таоло иккисига пайғамбарлик ва подшоҳлик неъматини берган.

Довуд алайҳиссалом насаби Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссаломга тақалади. Довуд Исо алайҳиссалом туғилишидан тахминан 1000 йилча олдин Фаластин диёрида таваллуд топган. У зот алайҳиссаломнинг исмлари Қуръони каримнинг турли сураларда 10 марта такрорланган. Жумладан, Бақара сурасида шундай дейилади:

“Қачонки Жолут ва унинг лашкарлари кўринганида, айтдилар: “Парвардигоро, устимиздан сабру тоқат ёғдиргин, қадамларимизни собит қил ва Ўзинг бизни бу кофир қавм устига ғолиб қил!” Бас, Аллоҳнинг изни билан уларни енгдилар. Ва (Толутнинг аскарларидан бўлган) Довуд Жолутни ўлдирди. Ва Аллоҳ унга (Довудга) подшоҳлик, пайғамбарлик ато қилади ва Ўзи хоҳлаган нарсаларидан таълим берди. Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмас экан, шубҳасиз, ер фасодга дучор бўлади. Лекин Аллоҳ барча оламлар устида фазлу карам Соҳибидир” (Бақара сураси, 250-251-оятлар).

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам биродарлари Довуд алайҳиссалом ҳаққига жуда кўп мақтов айтганлар. Жумладан, “Саҳиҳу муслим”да Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Пайғамбар алайҳиссалом: “Аллоҳ таоло учун энг севимли рўза Довуднинг рўзасидир. У бир кун рўза тутар, бир кун оғзи очик бўларди. Аллоҳ учун энг афзал (тунги) намоз Довуднинг намозидир. У

¹¹⁵ Абд ибн Хумайд, Ибн Жарир, Ибн Мунзир ва Ибн Абу Ҳотим ривоят қилган.

ярим тунгача ухлаб, туннинг учдан бирида қоим бўлар, туннинг олтидан бирида ухлар эди”, деганлар.

Сулаймон ибн Довуд алайҳиссалом исми Қуръонда 17 марта такрорланган. Жумладан, Бақара сурасининг 102-оятда шундай дейилган: **“Ва Сулаймон подшоҳлигидаги шайтонлар (жинлар) айтган нарсаларга эргашдилар. Сулаймон кофир эмас эди, балки одамларга сеҳр ўргатадиган шайтонлар кофир эдилар”**.

Яъни, Бани Исроил қавмидан залолатга кетган кофир кимсалар Сулаймон алайҳиссалом подшоҳлигига қарши тўқиб чиқарган уйдирмаларга эргашдилар. Уларга кўра, Сулаймон подшоҳлиги сеҳр асосига қурилган экан. Ҳақиқат шуки, Сулаймон алайҳиссалом Аллоҳ азза ва жаллага ихлос билан ибодат қилган зотлардан эди. Лекин шайтонлар кофир бўлдилар. Улар бузғунчилик ва адаштириш учун сеҳрни ўрганиб, уни бошқаларга ўргатдилар.

Набавий ҳадисларда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам биродарлари Сулаймон алайҳиссаломни мақтаганлар. “Саҳихайн”да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, у зот шундай деганлар: “Жинлардан бўлган ифрит бугун эрта тонгда намозни бузиш учун менга дуч келди. Аллоҳ менга унинг устидан (ғолиб келишимга) имкон берди. Мен тонг отганида сизлар кўришингиз учун уни масжид устунларидан бирига боғлаб кўймоқчи эдим. Лекин биродарим Сулаймоннинг: “Парвардигорим, Ўзинг мени мағфират қилгин ва менга ўзимдан кейин биронтаси учун муяссар бўлмайдиган бир мулку давлат ҳадя этгин. Зеро, Ёлғиз Сенинг Ўзинггина ҳадя этувчисан”, деган гапини эслаб, бундай қилмадим”.

Довуд ва Сулаймон алайҳимуссалом даврида Бани Исроил тинчлик-хотиржамликда ва фаровонликда умргузаронлик қилишди. Тарихда энг тинч ҳаётлари айнан ўша даврларга тўғри келади.

Анбиё сурасида бу икки буюк пайғамбар ҳақида шундай дейилган:

“Довуд ва Сулаймоннинг экинзор хусусида ҳукм қилаётган пайтларини (эсланг!) Ўшанда унга қавмнинг кўйлари бўшалиб кириб (уни пайҳон қилиб юборган) эди. Биз улар (чиқарган) ҳукмга шохид эдик. Бас, Биз уни Сулаймонга англадик. Биз ҳар иккисига ҳукм – пайғамбарлик ва илм ато этдик. Тоғлар ва қушларни Довуд билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб бўйсундириб кўйдик. Биз шундай қила олувчидирмиз. Яна (Довудга) сизларга зиён етишидан сақлайдиган совут ясашни таълим бердик. Бас, сизлар, шукр қилувчимисиз? Сулаймонга эса бўронли шамолни (бўйсундириб,) унинг амри билан Биз муборак қилган заминга эсадиган (қилиб кўйдик). Биз барча нарсени Билувчимиз. Яна шайтон-жинлардан (Сулаймон) учун ғаввослик қиладиган ва бундан бошқа ишларни ҳам адо этадиган кимсаларни (яратдик). Ва Биз уларни кўриқлаб турувчи бўлдик” (Анбиё сураси, 78-83-оятлар).

Муфассирлар бу оятлар тафсирида турли ривоятларни келтирадилар. Қисқача қилиб айтганда, икки киши Довуд алайҳиссалом олдига келишди. Уларнинг бири экинзор эгаси, бошқаси эса кўйларнинг соҳиби эди. Экинзори бор одам Довуд алайҳиссаломга қараб:

– Эй, Аллоҳнинг пайғамбари! Манави одамнинг кўйлари экинзоримни пайҳон қилди, ундан ҳеч вақо қолмади! – деди.

Шунда Довуд алайҳиссалом зарарни қоплаш учун экинзор эгаси кўйларни олиши кераклиги ҳақида ҳукм чиқарди.

Улар Довуд алайҳиссалом ҳузуридан чиқиб кетаётганларида йўлда Сулаймон алайҳиссаломга дуч келишди ва отаси қандай ҳукм чиқарганини хабар беришди. Шунда Сулаймон алайҳиссалом отаси ҳузурига кириб:

– Эй, Аллоҳнинг пайғамбари! Бу ҳукм сиз чиқарган ҳукм эмас!

– Қандай қилиб?

– Қўйларни экинзор эгасига фойдаланиши учун беринг, экинзорни эса қўйлар эгасига топширинг. Токи у экинзорни аввалги ҳолига қайтарсин. Кейин иккиси бир-бирининг мулкларини қайтаради: экинзор эгаси ерини олади, қўйлар соҳиби эса қўйларини қайтариб олади, – деди Сулаймон алайҳиссалом.

– Ҳукм сен чиқарганинг каби бўлади, эй Сулаймон! – деди Довуд алайҳиссалом¹¹⁶.

Юқорида келтирилган оят маъноси қуйидагича: “Эй, карим сифатли Пайғамбар! Сиз Довуд ва Сулаймон алайҳимуссалом қўйлар пайҳон қилган экинзор хусусида ҳукм қилган вақтларини эсланг!

Имом Қуртубий айтади: “Оятда уларнинг ҳукм қилишгани бирга зикр қилинаётган бўлса-да, Довуд ва Сулаймон алайҳимуссалом алоҳида-алоҳида ҳолда ҳукм чиқаришган. Сулаймон алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг тавфиқи билан тушунувчирок эди¹¹⁷”.

“Биз улар (чиқарган) ҳукмга шоҳид эдик”.

Яъни, Довуд ва Сулаймон ҳукм чиқараётган нарсаларига гувоҳ эдик, ҳозир эдик. У иккиси айтган бирон нарса Биздан узоқ бўлмаган.

“Бас, Биз уни Сулаймонга англадик”.

Яъни, Биз икки киши мурожаат қилган муаммони ҳал қилишда Сулаймонга муносиб ҳукм чиқаришни тушунтирдик.

Уламоларнинг айтишларича, Довуд алайҳиссалом фақат экинзор эгасига эваз қайтариш билан ҳукм чиқарди. Бу ҳам адолатли ҳукм. Бироқ Сулаймон алайҳиссалом чиқарган ҳукм адолат билан бирга обод қилиш, бузилганнинг ўрнини тўлдиришни ҳам ўзида жамлаган эди. Бу ҳукмни Аллоҳ таоло унга илҳом қилди. Буни У зот Ўзи хоҳлаган бандасига беради.

“Биз ҳар иккисига ҳукм – пайғамбарлик ва илм ато этдик”.

Бу ерда Аллоҳ таоло тарафидан Довуд ва Сулаймон алайҳимуссаломга мақтов айтилмоқда. Бундан мақсад, Довуд алайҳиссалом ҳукмида тўғри йўл тутмади, деб ўйлаган баъзи кишилардан ёмон гумонларни аритишдир.

Яъни, Биз Довуд ва Сулаймон алайҳимуссаломга Ўз ҳузуримиздан нубувват, сўз ва амалда тўғри иш қилишлик, динда фақиҳлик ва ишларни тўғри англаб етиш салоҳиятини бердик.

“Экинзор ва қўй эгаси борасида Довуд ва Сулаймон алайҳимуссалом чиқарган ҳукм ваҳий орқали бўлганми ёки уларнинг ижтиҳодига асосан чиқарилганми?” деган масалада баъзи муфассирлар жуда кўп қавлларни келтиришган. Айрим муфассирлар рожих (тўғрироқ) санаган қавлга кўра, ўша ҳукм иккисининг ижтиҳоди билан бўлган. Бир гуруҳ уламолар: “Довуд ва Сулаймоннинг экинзор масаласида чиқарган ҳукмлари ваҳий орқали бўлган, фақат Сулаймон алайҳиссаломга ваҳий қилинган

¹¹⁶ “Тафсиру ибни жарир”, 17-жуз, 38-бет; “Тафсиру ибни касир”, 5-жуз, 349-бет.

¹¹⁷ “Тафсирул куртубий”, 11-жуз, 307-бет.

нарса Довуд алайҳиссаломга ваҳий қилинган ҳукми насх қилган (яъни, амалдан қолдирган)”, дейишган.

Оят маъносига кўра, уларнинг ҳукми ваҳий билан эмас, ижтиҳод билан бўлган. Бунда Сулаймон тўғри йўл тутган. Ижтиҳод қилгани ва масалани тўғри ечиб бергани учун Аллоҳ уни мақтаган. Довуд алайҳиссалом ҳукм қилишда ижтиҳод қилгани учун мақталган. Унга маломат ҳам, мазаммат ҳам қилинмаган. Аллоҳ таоло “Биз уни Сулаймонга англандик”, деб Сулаймон алайҳиссалом масалани тўғри ҳал қилгани учун унга мақтов айтмоқда. Кейин “Биз ҳар иккисига ҳукм ва илм ато этдик”, деб ота-бола пайғамбарлар – Довуд ва Сулаймон алайҳимуссаломларни мақтамоқда.

Икки пайғамбарнинг икки хил ҳукм чиқаргани ҳам бу ижтиҳод орқали қилинганини тасдиқлайди.

Экинзор ва қўй эгаси хусусидаги ҳукм зикр қилинганидан кейин, Аллоҳ таоло Ўз фазлу карами ила Довуд алайҳиссаломга ато этган неъматлар эслатилади:

“Тоғлар ва қушларни Довуд билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб бўйсундириб қўйдик. Биз шундай қила олувчидирмиз”.

Яъни, Биз тоғлар ва қушларни Довуд алайҳиссалом билан бирга тасбеҳ айтишлари учун бўйсундирдик.

Ибн Касир айтади: “Бу Довуд алайҳиссаломнинг овози чиройли ва Забурни хуш овозда ўқигани сабабидандир. Довуд Забурни тиловат қилса, осмонда учиб кетаётган қушлар жойида тўхтаб қолиб, унга ижобат қилар, тоғлар ҳам Довуд алайҳиссаломга ижобат қиларди. Шу сабабли ҳам Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳу кечаси Қуръон ўқиғаётганида Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг олдидан ўтганларида, жойларида бироз тўхтаб туриб, қироатга қулоқ тутар ва: “Бу кишига Довуд оиласининг найларидан (яъни, чиройли овозидан) берилган экан!” деб айтардилар¹¹⁸”.

“Кашшоф” муаллифи Маҳмуд Замахшарий айтади: “Нима сабабдан оятда аввал тоғлар, кейин қушлар зикр қилинган?” дейилса, мен айтаманки, тоғларнинг бўйсундирилиши ва тасбеҳ айтиши ажиброқдир, Аллоҳнинг кудратига далолат қилувчироқ ва мўъжиза бўлишига яқинроқдир. Тоғлар жонсиз нарса. Қушлар эса жонзотдир. Фақат уларда тил-забон йўқ. Ривоят қилинишича, Довуд алайҳиссалом тасбеҳ айтиб тоғлар олдидан ўтса, улар Довудга жавоб қайтаришар экан. Довуд қаерга борса, улар ҳам бирга юришар экан¹¹⁹”.

Тоғлар ва қушларнинг Довуд алайҳиссаломга қўшилиб тасбеҳ айтишлари ҳақиқий тасбеҳдир. Лекин бунинг қандай эканини фақат Аллоҳ билади. У Зот шундай деган: “Етти осмон, ер ва улардаги бор жонзотлар (Аллоҳга) тасбеҳ айтади. Мавжуд бўлган барча нарса (Аллоҳга) ҳамду сано айтиш билан У Зотни тасбеҳ айтади. Лекин сизлар (эй инсонлар,) уларнинг тасбеҳларини тушунмайсизлар” (Исроъ сураси, 44-оят).

Юқоридаги оят маъносига мувофиқ келадиган бошқа оятлар ҳам бор:

“Аниқки, Биз Довудга Ўз томонимиздан (улуғ) бир фазл-мартаба (пайғамбарлик) ато этдик ва дедик: “Эй тоғлар ва қушлар, (Довуд) билан бирга тасбеҳ айтинглар!” Ва Биз унинг учун темирни (хамирдек) юмшоқ қилиб қўйдик” (Сабаъ сураси, 10-оят).

“(Эй Муҳаммад,) Сиз улар айтаётган сўзларга сабр қилинг ва Бизнинг бандамиз – (тоат-ибодатда ва сабр-қаноатда) қувват соҳиби бўлган Довудни эсланг! Дарҳақиқат,

¹¹⁸ “Тафсиру ибни касир”, 5-жуз, 352-бет.

¹¹⁹ “Ал-кашшоф”, 3-жуз, 129-бет.

у (Аллоҳ рози бўладиган йўлга) қайтувчидир. Албатта Биз тоғларни кечки пайт ва эрталаб у билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб бўйсундириб қўйдик” (Сод сураси, 17-19-оятлар).

Довуд алайҳиссалом билан бирга тоғлар ва қушлар тасбеҳ айтиши зикр қилинганидан кейин инсониятга берилган бошқа неъмат эслатилади.

“Яна (Довудга) сизларга зиён етишидан сақлайдиган совут ясашни таълим бердик. Бас, сизлар, шукр қилувчимисиз?”

Яъни, Биз Довудга берган неъматларимиздан бири шуки, унга ўз даргоҳимиздан моҳирлик билан совут ясашни ўргатдик. Бу либослар сизларни жанг майдонида омон сақлайди, қилич зарбидан соҳиби саломат қолишига, камон ўқларидан омон чиқишига сабаб бўлади. Бас, шундай экан, сизлар бунинг учун Аллоҳга шукр қилинглари ва ўша неъматларни Унинг розилиги йўлида ишлатинглари!

Қуртубий ёзади: “Бу оятда саноат (касб-ҳунар) ва сабабларни қўллаш учун асос бор. Бу ақл-идрок эгаларининг гапидир. “Бу заифлар учун жорий қилинган”, деб айтадиган жоҳиллар гапи эмас. Сабабларни юзага келтиришни Аллоҳ махлуқотларига тақдир қилган. Ким бунга қарши чиқса, Китоб ва суннатга қарши чиққан бўлади. Аллоҳ таоло хабар беришича, Довуд алайҳиссалом совут ясар, ўз меҳнати орқасидан тирикчилик қиларди. Шунингдек, Одам алайҳиссалом деҳқон, Нух алайҳиссалом дурадгор, Лукмон тикувчи, Толут тери ошловчи эди. Касб-ҳунар сабабидан инсон ўзини одамлардан беҳожат қилади, ўзидан зарар ва шикастларни узоқ қилади. Ҳадисда айтилаганидек, Аллоҳ иффатини сақлайдиган меҳнаткаш мўмин бандани яхши кўради. Хиралик билан одамларни нарса сўрайдиган кимсани хушламайди¹²⁰”.

Шундай сўнг Сулаймон ибн Довуд алайҳиссаломга Аллоҳ таоло тарафидан инъом этилган неъматлар зикр қилинади:

“Сулаймонга эса бўронли шамолни (бўйсундириб,) унинг амри билан Биз муборак қилган заминга эсадиган (қилиб қўйдик)”.

Яъни, Сулаймон учун шамолни қаттиқ эсадиган қилиб қўйдик. Биз тоғлар ва қушлар унинг отаси билан тасбеҳ айтадиган қилиб қўйгандик.

Ўта кучли шамолни Сулаймоннинг амри билан Биз тарафдан муборак қилиб қўйилган Шом диёрига эсадиган қилиб қўйдик.

Бу оятда Сулаймон алайҳиссаломга бўйсундирилган шамол қаттиқ эсиши айтилмоқда. Сод сурасининг 36-оятида унинг майин эсиши айтилган. Балки Сулаймонга бўйсундирилган шамол Аллоҳ таолонинг ҳикмати билан баъзида қаттиқ, баъзида майин эсан бўлиши мумкин. Валлоҳу аълам!

“Биз барча нарсани Билувчимиз”.

Яъни, Биз борликда бўлаётган ҳар бир нарсани билиб турамыз. Бизнинг илмимиз махлуқотларимизникига ўхшамайди. Аллоҳнинг илми мутлоқдир. Махлуқотлар билган нарса чегараланган.

Ушбу жумлада Аллоҳ таоло Ўз илми билан ҳамма нарсани қамраб олгани айтилмоқда ва Сулаймон алайҳиссаломга берилган неъматлар ҳам Аллоҳнинг иродаси ва илми билан бўлгани таъкидланмоқда.

¹²⁰ “Тафсирул куртубий”, 11-жуз, 321-бет.

“Яна шайтон-жинлардан (Сулаймон) учун ғаввослик қиладиган ва бундан бошқа ишларни ҳам адо этадиган кимсаларни (яратдик). Ва Биз уларни кўриқлаб турувчи бўлдик”.

Яъни, Биз Сулаймонга сув остига тушиб, ундаги гавҳар, маржон ва дурларни олиб чиқадиغان жинларни яратдик. Улар бу ишни ўзларининг манфаатлари учун қилмасдилар. Балки фақат Сулаймон алайҳиссалом фойдасига хизмат қилардилар.

“Ва бундан бошқа ишларни ҳам адо этадиган кимсаларни (яратдик)”.

Сулаймон алайҳиссаломга бўйсундирилган жинларнинг вазифаси фақат сув остига шунғиб, қимматбаҳо тошларни олиб чиқиб бериш эмас эди. Улар Сулаймон амри билан бундан бошқа жуда кўп ишларни, жумладан, шаҳар ва қасрлар қуриш, ҳайкаллар ва меҳроблар яшаш билан ҳам машғул эдилар. Бу ҳақида бошқа оятда шундай дейилган: “Сулаймонга эрталаб бир ойлик, кечки пайт бир ойлик (масофани босиб ўтадиган) шамолни (бўйсундирдик) ва унинг учун мис булоғини оқизиб кўйдик. Яна жинлардан ҳам Парвардигорининг изни-иродаси билан унинг қўл остида ишлайдиган кимсаларни (бўйсундириб кўйганмиз). Улардан ким Бизнинг амримиздан тойилса, Биз унга ўт-олов азобидан тотдириб қўямиз. Улар (Сулаймонга мисдан) у хоҳлаган нарсаларни – ибодатхоналарни, ҳайкалларни, ҳовузлар каби (катта) лаганларни ва (ўчоқларга) ўрнашган (вазмин) қозонларни қилиб берадилар. (Эй) Довуд хонадони, (Аллоҳ сизларга ато этган бу неъматларнинг) шукронаси учун амал-ибодат қилинглари! Бандаларим орасида шукр қилувчи (зотлар жуда) оздир” (Сабаъ сураси, 12-13-оятлар).

Аллоҳ таоло ояти каримани куйидаги қавли билан тамомлайди:

“Ва Биз уларни кўриқлаб турувчи бўлдик”.

Яъни, Биз бу жинларни Сулаймон амридан чиқиб кетмасликлари, ўзларига буюрилган ишдан бош тортмасликлари учун кузатиб-кўриқлаб турувчи бўлдик.

Сабаъ сурасида Аллоҳ таоло Довуд ва Сулаймон алайҳимуссаломга берган бошқа неъматлари ҳақида сўз юритилган. Аллоҳ таоло айтади:

“Аниқки, Биз Довудга Ўз томонимиздан (улуғ) бир фазл-мартаба ато этдик ва дедик: “Эй тоғлар ва қушлар, (Довуд) билан бирга тасбеҳ айтинглар!” Ва Биз унинг учун темирни (хамирдек) юмшоқ қилиб кўйдик. (Ва унга дедик:) “Совутлар ясагин ва (уларни) тўқишда аниқ-пухта иш қилгин!” (Эй Довуд хонадони,) яхши амал қилинглари! Зеро, Мен қилаётган амалларингизни кўриб турувчиман”. Сулаймонга эрталаб бир ойлик, кечки пайт бир ойлик (масофани босиб ўтадиган) шамолни (бўйсундирдик) ва унинг учун мис булоғини оқизиб кўйдик. Яна жинлардан ҳам Парвардигорининг изни-иродаси билан унинг қўл остида ишлайдиган кимсаларни (бўйсундириб кўйганмиз). Улардан ким Бизнинг амримиздан тойилса, Биз унга ўт-олов азобидан тотдириб қўямиз. Улар (Сулаймонга мисдан) у хоҳлаган нарсаларни – ибодатхоналарни, ҳайкалларни, ҳовузлар каби (катта) лаганларни ва (ўчоқларга) ўрнашган (вазмин) қозонларни қилиб берадилар. (Эй) Довуд хонадони, (Аллоҳ сизларга ато этган бу неъматларнинг) шукронаси учун амал-ибодат қилинглари! Бандаларим орасида шукр қилувчи (зотлар жуда) оздир. Энди қачонки Биз (Сулаймонга) ўлимни ҳукм қилгач, унинг ўлимига фақат асосини еяётган ер жонивори (қурти) далолат қилди. Бас, қачонки у қулаб тушгач, жинларга аниқ бўлдики, агар улар ғайбни билувчи бўлганларида бу хор қилувчи азобда-меҳнатда қолмаган бўлардилар” (Сабаъ сураси, 10-14-оятлар).

Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга жуда кўп улуғ неъматларни: фазл, барака ва буюк салтанатни ато қилган эди.

Аниқки, Биз Довудга Ўз томонимиздан (улуғ) бир фазл-мартаба ато этдик ва дедик: “Эй тоғлар ва қушлар, (Довуд) билан бирга тасбеҳ айтинглар!”

Яъни, Биз Довудга улуғ марҳамат кўрсатдик ва:

– Эй тоғлар, Довуд билан бирга Бизга тасбеҳ айтинглар, Бизни пок деб ёд этинглар, Бизга мақтовлар айтинглар, – дедик.

Ибн Касирга кўра, Довуд алайҳиссалом тасбеҳ айтганида у билан бирга пурвиқор тоғлар, самода учиб юрган қушлар, турфа тилларда тасбеҳ айтарди¹²¹.

Маҳмуд Замахшарийга кўра, бу оятда тоғлар худди ақл соҳиблари сингари ўзларига амр қилинган буйруққа бўйсунувчи, эшитган нарсасига итоат этувчи ва ижобат қилувчи сифатида васф қилинмоқда. Бу шунга далолат қиладики, ҳайвонми, тоғу тошларми, гапирадими ёки йўқ, барчаси Аллоҳ таолонинг амрига бўйсунуши, Унинг иродасига қарши бора олмаслигига ишорадир¹²².

“Ва Биз унинг учун темирни (хамирдек) юмшоқ қилиб қўйдик”.

Яъни, Биз Довуд учун қаттиқ темирни хамирдек юмшоқ қилиб қўйдик. У темирни оловда қиздирмай туриб, болға билан урмасдан ҳам истаган шаклига кирита оларди.

(Ва унга дедик:) **“Совутлар ясагин ва (уларни) тўқишда аниқ-пухта иш қилгин!”**

Яъни, Биз Довуд учун темирни юмшоқ қилиб бердик ва унга:

– Эй Довуд, мустаҳкам ва пишиқ совутлар ясагин, уларга яхшилаб ишлов бер, кўриниши мукамал бўлсин! – дедик.

Ривоят қилинишича, Довуд алайҳиссаломгача бўлган даврда ясалган совутлар инсон танасини сиқиб кўяр, натижада жанг майдонида кўзланган мақсадга эришиб бўлмасди. Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга танани сиқиб қўймайдиган, ўқ ва қилич тешиб ўтолмайдиган мустаҳкам совут ясашни илҳом қилди.

Шундай кейин Довуд алайҳиссалом ва оиласи солиҳ амаллар қилишга буюрилади:

(Эй Довуд хонадони,) **яхши амал қилинглари! Зеро, Мен қилаётган амалларингизни кўриб турувчиман”.**

Яъни, сизлар Мени рози қиладиган солиҳ амалларни қилинглари. Зеро, Мен қилаётган ҳар бир амалингизни кўриб-билиб тураман. Қиёмат куни сизларни ҳисоб қиламан.

Қуртубий ёзади: “Ушбу оятда фазл аҳлининг касб-ҳунар ўрганиши яхши экани, бирон ҳунар билан шуғулланиш уларнинг шарафларини тушириб қўймаслигига далолат қилинган. Балки бу нарса уларнинг фазлларига фазл қўшади. Фазл аҳлининг қўл меҳнати билан шуғулланиши уларнинг камтарин ва одамлардан беҳожат бўлишларини таъминлайди. Ҳалол касб орқали топилган даромад миннатдан холидир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан нақл қилинишича, кишининг ўз қўл меҳнати билан топганидан ейиши энг яхшисидир Албатта Аллоҳнинг пайғамбари Довуд қўл меҳнати орқасидан кун кўрар эди¹²³”.

¹²¹ “Тафсиру ибни касир”, 6-жуз, 485-бет.

¹²² “Тафсирул кашшоф”, 3-жуз, 571-бет.

¹²³ “Тафсирул куртубий”, 14-жуз, 267-бет.

Аллоҳ Сулаймон ибн Довуд алайҳимуссаломга бошқа неъматларни ато қилган эди. Бу ҳақида шундай дейилган:

“Сулаймонга эрталаб бир ойлик, кечки пайт бир ойлик (масофани босиб ўтадиган) шамолни (бўйсундирдик)”.

Яъни, Биз Сулаймон алайҳиссаломга шамолни бўйсундириб қўйдик. Ўша шамол Сулаймон амри билан эрталаб бир ойлик, кечки пайт бир ойлик йўлни босиб ўтарди. Бу шамол шундай тез эсардики, одамлар бир ойда босиб ўтадиган йўлни бир зумда босиб ўтарди.

“Ва унинг учун мис булоғини оқизиб қўйдик”.

Яъни, Довудга темирни юмшоқ қилганимиз каби, Сулаймонга мисни эритиб бердик. У ўша мис булоғини ўз ҳожатларига ишлатарди. Бу Бизнинг фазлу марҳаматимиз ва қудратимиз нишонасидир.

“Яна жинлардан ҳам Парвардигорининг изни-иродаси билан унинг қўл остида ишлайдиган кимсаларни (бўйсундириб қўйганмиз). Улардан ким Бизнинг амримиздан тойилса, Биз унга ўт-олов азобидан тотдириб қўямиз”.

Яъни, Биз Сулаймонга жинларга бўйсундириб қўйдик. Улар Сулаймон хизматида эдилар. Агар улардан биронтаси Сулаймонга итоат этишдан бўйин товласа, Биз унинг бошига аламли азобни ёғдирамиз. Натижада у дунё ва охирада хор бўлади.

Шундай сўнг жинлар Сулаймон алайҳиссалом учун қандай ишларни бажаришлари келтирилади:

“Улар (Сулаймонга мисдан) у хоҳлаган нарсаларни – ибодатхоналарни, ҳайкалларни, ҳовузлар каби (катта) лаганларни ва (ўчоқларга) ўрнашган (вазмин) қозонларни қилиб берадилар”.

Қуртубийга кўра, ҳайкаллар ҳайвон ёки бошқа шаклларда ясалган. Улар ойна, мис ва мрамрдан бўлган. Зикр қилинишича, ўша пайғамбарлар ва уламолар ҳайкали бўлган. Одамлар кўриб, ибодат ва ихлослари зиёда бўлиши учун ҳайкаллар ясаиб масжидларга қўйилган. Бу шунга далолат қиладики, бу иш Сулаймон алайҳиссалом замонида мувоҳ (мумкин) бўлган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам шариятлари билан насх қилинган¹²⁴.

Юқорида келтирилган оят маъноси қуйидагича: жинлар Сулаймон алайҳиссалом хоҳишига кўра, масжидлар ва қасрлар, турли сурат ва ҳайкаллар, жуда катта ҳажмли лаганлар, оғирлигидан жойида мустаҳкам турувчи катта-катта қозонлар ясашарди.

“(Эй) Довуд хонадони, (Аллоҳ сизларга ато этган бу неъматларнинг) шукронаси учун амал-ибодат қилинглари! Бандаларим орасида шукр қилувчи (зотлар жуда) оздир”.

Яъни, Биз Сулаймон алайҳиссаломга мана шу неъматларни ато этдик. Кейин унга ва оиласига:

– Эй Довуд оиласи, сизларга қилинган яхшиликлар эвазига солиҳ амаллар қилинглари, Менга шукр қилинглари! – дедик.

Шукрнинг моҳияти бирон неъматни Аллоҳ берганини тан олиб, У Зотга ҳамду санолар айтиш ва Аллоҳ берган ўша неъматларни фақат Ўзи рози бўладиган жойларга ишлатишдир.

Шукрли банда Парвардигори неъматларини эътироф этиб, Холиқига туну кун мақтовлар айтади, қалби, тили ва тана аъзолари билан Аллоҳга шукр қилади.

¹²⁴ “Тафсирул куртубий”, 14-жуз, 282-бет.

Шундан кейин Сулаймон алайҳиссаломнинг вафоти билан боғлиқ бир воқеа ҳақида сўз юритилади:

“Энди қачонки Биз (Сулаймонга) ўлимни ҳукм қилгач, унинг ўлимига фақат асосини еяётган ер жонивори (курти) далолат қилди”.

Сулаймон алайҳиссалом хизматини бажариб турган жинлар унинг вафот этганини билишмади. Шу сабаб, машаққатли ишларида давом этишди. Қачонки ёғочларни кемирувчи курт Сулаймон алайҳиссалом суяниб турган асони еб битирганидан сўнг улуғ пайғамбар ерга қулаб тушди. Унинг ўлимига фақат ёғоч ейдиган курт далолат қилди. Унгача жинлар Сулаймон фоний дунёни тарк этганини билишмаганди.

“Бас, қачонки у қулаб тушгач, жинларга аниқ бўлдики, агар улар ғайбни билувчи бўлганларида, бу хор қилувчи азобда-меҳнатда қолмаган бўлардилар”.

Агар баъзи жинлар даъво қилганидек, улар ғайбдан воқиф бўлганларида, Сулаймон алайҳиссалом олдинроқ вафот этганини билар, у буюрган машаққатли хизматлардан озод этилган бўлишарди.

Ибн Касир айтади: “Аллоҳ таоло ушбу оятда Сулаймон алайҳиссаломнинг вафоти ва жинлар бундай беҳабар қолиб, анча вақтгача оғир меҳнатда қийналишганини хабар қилмоқда. Сулаймон вафотидан кейин тахминан бир йилгача ҳассасига суяниб турган. Ёғоч курти унинг ҳассасини еб битиргач, Сулаймон ерга қулаб тушган. Жинлар шундагина Сулаймон анча олдин вафот этганини билиб қолишган. Шундай кейин маълум бўлдики, жинлар ва инсонлар ўйлаганидек, жинлар ғайбни билишмас экан¹²⁵”.

Сод сурасида Довуд ва Сулаймон алайҳимуссалом ҳақида турфа хил маълумотлар келган. Аллоҳ таоло айтади:

“(Эй Муҳаммад,) Сиз улар айтаётган сўзларга сабр қилинг ва Бизнинг бандамиз – қувват соҳиби бўлган Довудни эсланг! Дарҳақиқат, у (Аллоҳ рози бўладиган йўлга) қайтувчидир. Албатта Биз тоғларни кечки пайт ва эрталаб у билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб бўйсундириб қўйдик. Ва тўпланувчи бўлган қушларни ҳам (тасбеҳ айтадиган қилиб қўйдик. Тоғлар ва қушларнинг) барчалари қайтувчидир. Яна Биз унинг мулку давлатини кучли қилдик ва унга ҳикмат ҳамда аниқ-равшан хитоб ато этдик. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Сизга жанжаллашувчи – даъволашувчи (икки жамоат) хабари келдими? Ўшанда улар меҳробга чиқишиб, Довуднинг олдига киришган эди, (Довуд) улардан қўрқиб кетди. Улар дедилар: “Қўрқмагин. (Бизлар) бир-биримизга зулм қилган икки даъволашувчимиз. Бас, сен бизларнинг ўртамизда ҳақ – адолат билан ҳукм қилгин ва жабр қилмагин ҳамда бизларни текис – тўғри йўлга бошлагин”. (Даъвогарлардан бири деди:) “Дарвоқеъ, мана бу менинг биродарим бўлиб, унинг тўқсон тўққиз совлиқ қўйи бор, менинг эса биргина совлиғим бордир. Бас, у: “Ўшани менга топширгин”, деди ва мени бу сўзда – жанжалда енгиб қўйди. (Довуд) деди: “Дарҳақиқат, у сенинг совлиғингни сўраб ўз совлиқларига (қўшиб олиш) билан сенга зулм қилибди. Дарвоқеъ, кўп ошна-оғайнилар бир-бирларига зулм қиладилар. Фақат имон келтирган ва яхши амаллар қилган кишиларгина (зулм қилмаслар. Аммо) улар жуда оздир”. Довуд Биз уни имтиҳон қилганимизни билди-да, Парвардигоридан мағфират қилишни сўради ва (саждага) эгилган ҳолида йиқилиб, тавба-тазарруъ қилди. Бас, Биз уни мағфират қилдик. Шак-

¹²⁵ “Тафсиру ибни касир”, 6-жуз, 489-бет.

шубҳасиз, унинг учун Бизнинг ҳузуримизда яқинлик ва гўзал оқибати бордир. Эй Довуд, дарҳақиқат, Биз сени ерда халифа қилдик. Бас, сен одамлар орасида ҳақ билан ҳукм қилгин ва хоҳишига эргашиб кетмагин! Акс ҳолда у сени Аллоҳнинг йўлидан оздиради. Албатта Аллоҳнинг йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб-китоб кунини унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир” (Сод сураси, 18-26-оятлар).

“Сиз улар айтаётган сўзларга сабр қилинг...” деб Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитоб қилинмоқда.

Яъни, эй карим сифатли Пайғамбар, сиз душманларингиз томонидан ўзингиз ва динингиз ҳақида айтилаётган турли гапларга сабрли бўлинг. Сизни “сеҳргар”, “мажнун”, “коҳин”, “шоир”, дедилар. Қуръони каримни “аввалгилардан қолган асотирлар”, дедилар. Сиз буларнинг барига сабрли бўлинг! Зеро, сабр ютуқ калитидир. Жоҳил қавмнинг қилиқларига сабр қилиш сиздан аввал ўтган пайғамбарлар шиори эди.

“Ва Бизнинг бандамиз – қувват соҳиби бўлган Довудни эсланг! Дарҳақиқат, у (Аллоҳ рози бўладиган йўлга) қайтувчидир”.

Яъни, эй мухтарам Пайғамбар, Аллоҳ ўрталарингизда ҳукм қилгунича қавмингиздан етган озорларга сабр қилинг ва собитқадам бўлишингиз учун бандамиз Довуд алайҳиссалом ҳолини эсланг. У Бизга ибодат қилишда, итоат этишда, Аллоҳнинг душманларидан ғолиб келишда қувватли эди. Довуд Бизни рози қиладиган амалларга қайтувчи эди.

“Албатта Биз тоғларни кечки пайт ва эрталаб у билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб бўйсундириб қўйдик”.

Яъни, Биз қудратимиз билан тоғларни Довудга бўйсундириб қўйдик. Улар кечки пайт ва эрталаб Довуд билан бирга тасбеҳ айтишар эди.

Оятда “у билан бирга” дейилишидан, тоғлар тасбеҳ айтишда Довуд алайҳиссаломга иқтидо қилишгани маълум бўлади. Довуд алайҳиссалом Аллоҳ таолога тасбеҳ айтганида тоғлар ҳам унинг ортидан тасбеҳни такрорлашган.

Тоғларнинг қандай тасбеҳ айтишини фақат Аллоҳ билади. Бандалар буни тасдиқлайдилар, холос. Бошқа бир оятда келтирилишича, етти осмон, ер ва улардаги нарсалар Аллоҳга эртаю кеч тасбеҳ айтиб туради. Аммо инсонлар уларнинг тасбеҳини тушунмайди¹²⁶.

Аллоҳ таоло тасбеҳ айтиш вақтини кечки пайт ва эрталаб билан хослашидан, бу вақтларда зикр қилиш фазилатли экани маълум бўлади.

“Ва тўпланувчи бўлган қушларни ҳам (тасбеҳ айтадиган қилиб қўйдик. Тоғлар ва қушларнинг) барчалари қайтувчидир”.

Яъни, Биз тоғларни Довуд алайҳиссалом билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб бўйсундирдик. Қушлар ҳам у билан қўшилиб тасбеҳ айтарди.

Оятда “тўпланувчи бўлган қушлар” дейилишидан маълум бўлмоқдаки, айрим турдаги қушлар Довуд алайҳиссалом билан тасбеҳ айтиш учун бир ерга тўпланганлар эканлар.

“Барчалари қайтувчилар” жумласи икки хил изоҳланган:

1. Тоғлар ҳам, қушлар ҳам Довуднинг тасбеҳи учун қайтувчи эдилар.

¹²⁶ Исроъ сураси, 44-оят.

2. Довуд алайҳиссалом, тоғлар ва қушлар – барчалари кўп тасбеҳ айтиш билан Аллоҳга қайтувчилар.

“Яна Биз унинг мулку давлатини кучли қилдик ва унга ҳикмат ҳамда аниқ-равшан хитоб ато этдик”.

Яъни, Биз Довудга пайғамбарлик, кенг илм, солиҳ амал ва чиройли мантиқ, ҳақ билан ботил орасини ажратувчи балоғатли нутқ ато этдик.

“(Эй Муҳаммад,) Сизга жанжаллашувчи – даъволашувчи (икки жамоат) хабари келдими? Ўшанда улар меҳробга чиқишиб, Довуднинг олдига киришган эди, (Довуд) улардан кўрқиб кетди”.

Бу ердаги савол таажжубланиш ва нафси ўзидан кейинги нарсани билишга қизиқтириш учундир.

“Меҳроб” Довуд алайҳиссалом Аллоҳга ибодат қилиш ва зикр тасбеҳ айтиш учун ўтирадиган жойдир.

Яъни, эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Сизга бир-бири билан даъволашувчи икки кишининг хабари келдими? Улар Довуд алайҳиссалом ибодат қилаётганида хонасига рухсатсиз киришдилар. Довуднинг улар келишидан хабари йўқ эди.

Эй Муҳаммад, агар сизга мазкур хабар келмаган бўлса, у холда Биз уни Сизга баён қиламиз.

“Ўшанда улар меҳробга чиқишиб, Довуднинг олдига киришган эди, (Довуд) улардан кўрқиб кетди”.

Яъни, ўша икки киши меҳробдан ошиб ўтиб, Довуд алайҳиссалом олдига киришгач, Довуд бундан кўрқиб кетди. Чунки улар эшикдан келмагандилар. Устига-устак одамлар билан учрашиш ва ҳукм қилиш учун белгиланган вақтда эмас, айнан ибодат соатларида келишганди.

Бундан ғайриоддий нарсани кўрган ҳар қандай одам кўрқиб кетиши табиий.

Шундай сўнг Довуд алайҳиссаломдаги кўрқув аломатини кўрган икки даъвогар унга айтган сўзлари келтирилади:

“Кўрқмагин. (Бизлар) бир-биримизга зулм қилган икки даъволашувчимиз. Бас, сен бизларнинг ўртамизда ҳақ – адолат билан ҳукм қилгин ва жабр қилмагин ҳамда бизларни текис – тўғри йўлга бошлагин”.

Яъни, Довуд алайҳиссалом олдига бевақт келган икки киши улуғ пайғамбарга юзланиб:

– Биздан кўрқма! Биз бир-бирига зулм қилган икки даъволашувчи кишимиз. Ўртамизда адолат билан ҳукм қил, биронтамизга ён босма. Бизни ҳақиқат ва адолат йўлига бошла! – деб илтимос қилдилар.

Шундан сўнг ўз муаммоларини айта кетдилар:

“(Даъвогарлардан бири деди:) “Дарвоқеъ, мана бу менинг биродарим бўлиб, унинг тўқсон тўққиз совлиқ қўйи бор, менинг эса биргина совлиғим бордир. Бас, у: “Ўшани менга топширгин”, деди ва мени бу сўзда – жанжалда енгиб кўйди”.

Бундаги “биродарлик”дан мурод диндаги ёки насабдаги биродарликдир.

Яъни, олдимда ўтирган манави менинг биродарим бўлади. Унинг тўқсон тўққизта қўйи бор. Менинг бир донагина қўйим бор. У менинг мана шу бир дона қўйимга ҳам таъма қилиб, “Уни менга топшир, менга мулк бўлсин”, деди ва баҳсда мендан ғолиб келди. Сабаби, у кучлироқ ва тили бурродир.

Довуд алайҳиссалом бунга жавобан шундай деди:

“Дарҳақиқат, у сенинг совлиғингни сўраб ўз совлиқларига (кўшиб олиш) билан сенга зулм қилибди”.

Яъни, Довуд алайҳиссалом даъвогарнинг сўзларини эшитгач ва гапи тўғрилигини тасдиқлангач:

– Аллоҳга қасамки, агар сен даъво қилаётган нарса ҳақ бўлса, у ҳолда биродаринг биргина кўйингни ўзининг кўйларига кўшиб олишни сўраш билан сенга зулм қилибди! – деди.

Биз айтамикки, Довуд алайҳиссалом икки тарафнинг сўзини эшитиб, даъвогарнинг гапи тўғрилиги ҳақида ҳукм чиқарди. Маълумки, қози баҳслашаётган томонлар гапини эшитганидан кейингина адолатли ҳукм чиқариши мумкин. Фақат бир тарафнинг даъвоси билан ҳукм қилиб бўлмаслиги маълум ва машҳурдир.

Қуръони каримда Довуд алайҳиссалом иккинчи тараф сўзини эшитгани айтилмаган. Сабаби, бу ҳамма шариатларда маълум бўлган нарса.

Шундан сўнг Довуд алайҳиссалом гапини давом эттириб деди:

– Дарвоқеъ, кўп ошна-оғайнилар бир-бирларига зулм қиладилар. Фақат имон келтирган ва яхши амаллар қилган кишиларгина (зулм қилмаслар. Аммо) улар жуда оздир.

Яъни, Довуд алайҳиссалом шикоят қилувчига тасалли бериш учун:

– Кўп шериклар бир-бирига зулм қиладилар, бир-бирининг молига кўз тикадилар. Фақат Аллоҳга имон келтирганлар бундай қилмайдилар. Чунки уларнинг имонлари бақувват. Улар Аллоҳ рози бўлмайдиган ҳар қандай ишдан узоқ юрадилар. Бирок шерикчиликда ва ҳукм қилишда адолат билан иш олиб борувчи мухлис мўмин бандалар сони жуда камдир.

Шу билан Довуд алайҳиссалом икки басҳлашувчи ўртасида адолат билан ҳукм қилди, ҳақни юзага чиқарди, ботилни инкор қилди.

Шундан кейин икки киши орасида ҳукм қилган Довуд алайҳиссалом хаёлига келган нарса ҳақида хабар берилади:

“Довуд Биз уни имтиҳон қилганимизни билди-да, Парвардигоридан мағфират қилишни сўради ва (саждага) эгилган ҳолида йиқилиб, тавба-тазарруъ қилди”.

Яъни, Довуд алайҳиссалом олдига кирган икки кишининг мақсади тажовуз қилиш деб ўйлади ва Аллоҳ уни имтиҳон қилаётганини билди. Кейин бу гумони тўғри эмаслигини билиб, Аллоҳга сажда қилган ҳолида йиқилди ва хушу билан Аллоҳга тавба-тазарру қилди.

“Бас, Биз уни мағфират қилдик. Шак-шубҳасиз, унинг учун Бизнинг ҳузуримизда яқинлик ва гўзал оқибати бордир”.

Абу Довуд алайҳиссалом ҳузурига келган икки кишини тажовуз қилиш ниятида келишган бўлса керак, деб ўйлади. Улар Довуд алайҳиссалом ўрталарида адолатли ҳукм чиқариши учун келганларини билганидан кейин Аллоҳга истиғфор айтиб, тавба қилди ва Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилди. Албатта, Довуд алайҳиссалом учун Аллоҳ даргоҳида улуғ мақом ва чиройли оқибат, жаннат бордир.

Қисса Аллоҳ таолонинг қўйидаги хитоби билан якунланади:

“Эй Довуд, дарҳақиқат, Биз сени ерда халифа қилдик”.

Яъни, Бизни сени Ўз фазлимиз билан одамларни ҳақ йўлга бошлашинг ва улар ўртасида адолат ўрнатишинг учун сени ер юзида ўринбосар қилдик.

“Бас, сен одамлар орасида ҳақ билан ҳукм қилгин ва хоҳишига эргашиб кетмагин!”

Яъни, шундай экан, одамлар ўртасида Аллоҳ сенга амр қилганидек ҳақ ила ҳукм қил. Ҳар қандай ҳолатда шундай йўл тут. Нафс шаҳватларига итоат этма. Зеро, нафс фақат ёмонликка буюради.

“Акс ҳолда у сени Аллоҳнинг йўлидан оздиради. Албатта Аллоҳнинг йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб-китоб кунини унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир”.

Ҳавойи нафсларига эргашиб одамларни ҳақ йўлдан адаштирадиган кимсалар учун қаттиқ азоб бордир. Унинг миқдорини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. Одамларни йўлдан оздирадиганлар ҳисоб кунини унутган ва ўша куни Аллоҳ бандаларига муносиб тарзда мукофот ё жазо беришини инкор қилувчи кишилардир.

Уламолар юқоридаги оятлардан кўплаб ҳукмлар ва хулосаларни чиқаришган. Жумладан:

1. Довуд алайҳиссаломнинг Аллоҳ даргоҳида улуғ мартаба соҳиби экани. Ушбу қисса аввалида Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга биродарлари Довуд алайҳиссалом қиссасини зикр қилишни амр қилган. Бундан мақсад, Муҳаммад алайҳиссаломни Қурайш қавмидан етган азиятларга сабр қилишга ундаш ва у зотга тасалли беришдир.

Кейин Довуд алайҳиссалом динда қувватли экани, Аллоҳ рози бўладиган ишларни қилишда ғайратли бўлгани айтилиб, унга берилган неъматлар санаб ўтилади.

Қисса сўнггида Довуд алайҳиссаломга мақтов айтилиб, у ер юзида ўринбосар экани, Аллоҳ даргоҳида мақоми баландлиги айтилади.

Бухорий “Тарих”да нақл қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Довуд алайҳиссаломни эслаган вақтларида: “У инсониятнинг энг обиди эди”, деб айтганлар.

2. Довуд алайҳиссалом олдида девор ошиб тушган икки даъвогар қиссаси ҳақиқийдир. Улар қўйлар борасида келишолмай қолишганди. Улар Довуд алайҳиссалом олдида эшикдан эмас, балки девор ошиб тушишди ва Довуд алайҳиссаломнинг улардан ҳадиксирашига сабаб бўлишди. Бу ҳолни кўрган Довуд улардан ёмон гумон қилди, тажовузкор одамлар деб ўйлади. Иккиси Довуддан ўрталарида адолатли ҳукм қилишини сўраб келишганини билгач, Довуд алайҳиссалом Аллоҳга истиғфор айтди ва Парвардигор уни мағфират қилди.

Баъзи муфассирлар Довуд алайҳиссалом меҳробига девор ошиб тушган икки киши ҳақидаги қиссада соғлом ақл қабул қилмайдиган мункар ривоятларни келтиришган. Жумладан, Табарий ва бошқалар нақл қилишича, Довуд алайҳиссалом меҳробда намоз ўқиётганида, деразадан ташқарига қараб, бир гўзал аёлни кўриб қолади. Ўша аёл олдида одам юбориб, уни хузурига келтиришади. Довуд ундан турмушга чиқишни сўрайди. Бироқ аёл унинг “Уриё” исмли эри борлиги, ҳозир душман билан жанг қилаётганини айтади. Довуд алайҳиссалом кўшин бошлиғига Уриё ғанимга нишон бўлиши учун уни олдинги қаторга ўтказишни буюради. У жангда ҳалок бўлганидан кейин Довуд ўша аёлга уйланади¹²⁷.

¹²⁷ Қаранг: “Тафсиру ибни касир”, 23-жуз, 93-бет; “Тафсирул куртубий”, 15-жуз, 161-бет.

“Ал-кашшоф” муаллифига кўра, Довуд алайҳиссалом Уриёни жангда олдинги каторда ўтказиш билан қатл қилишни буюрмаган. Балки ундан аёлидан воз кечишни сўраган. Бас, унинг аёли Уриёдан кўра Довудни афзал билган¹²⁸ ...

Кўриниб турибдики, бу гапларнинг барчаси ҳақиқатдан йироқдир. Уни нақл ҳам, ақл ҳам қабул қилмайди. Мўмин банда бундай хабарларни тасдиқлаши тўғри эмас.

Бу каби хабарларнинг биронтаси саҳиҳ йўл билан нақл қилинмаган. Балки ёлғон хабар экани собит бўлган.

Ибн Касир айтишича, бундай хабарларнинг кўпи исроилиётлардир ва барчасининг санади заиф¹²⁹.

Суютий айтади: “Довуд алайҳиссаломга ёқиб қолгани айтилаётган аёл ҳақидаги қиссани Ибн Абу Ҳотим Анасдан марфуъ тарзда ривоят қилган. Унинг санадида Ибн Лаҳийъа бор. Унинг ҳоли маълум. Ибн Лаҳийъа буни Ибн Сахордан, у Зайд Рикошийдан ривоят қилган. Зайд заиф ровийдир.

Биқоъий шундай деган: “Бу ва шунга ўхшаш қиссалар яҳудийларнинг ёлғон хабарларидир. Улардан мусулмон бўлганлари менга хабар қилдики, яҳудийлар Довуд алайҳиссалом шаънига атайлаб бўҳтон тўқийдилар. Сабаби, Исо алайҳиссалом унинг зурриётидир. Агар улар Довуд шаънини булғасалар, Исо алайҳиссаломга таъна қилишга йўл очилади¹³⁰”.

Демак, бундай қисса ва қавллар нақл жиҳатидан саҳиҳ эмас. Чунки уларнинг ровийлари заиф ва исроилиётлардан нақл қилинган.

Ривоят қилинишича, Али ибн Абу Толиб шундай деган: “Ким Довуд ҳақида қиссачилар айтаётган гапларни айтса, унга 160 дарра урдираман. Бу пайғамбарларга туҳмат қилишнинг жазосидир¹³¹”.

Довуд ҳақида келтирилган қисса ақл жиҳатидан ҳам тўғри эмас. Ахир Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломни Қуръонда мактаган. У зотга бўҳтон қиладиганлар гапига қараганда, Довуд бир аёлга ошиқ бўлиб, ҳийла йўли билан эрини ўлдириб юборган экан. Кейин уни ўз никоҳига олган эмиш!

Бундай ишдан пайғамбар бўлмаган оддий одамларнинг ҳам кўпи сақланадилар. Пайғамбардек шарафли зот бундай номаъқул ишни қилиши мумкинми?

3. Баъзи муфассирлар зикр қилишича, Довуд алайҳиссаломнинг истиғфориغا икки хусуматчидан бириниг гапини эшитиб ҳукм чиқаргани сабабдир. Бизнингча, бу гап ҳақиқатдан йироқ. Чунки бу Довуд алайҳиссалом мартабасига тўғри келмайди. Аллоҳ таоло унга ҳикмат ва балоғатли нутқ ато қилганди. Ҳукм қилиш бобида шу нарса маълум ва машҳурки, қози икки тарафнинг даъво ва шикоятларини эшитганидан кейингина ҳукм чиқаради. Довуд алайҳиссалом борасида бундай фикрларни айтиш тўғри эмас.

Бизнингча, девор ошиб тушган икки кишини тунаш ниятида деб ўйлаши Довуд алайҳиссаломнинг истиғфориغا сабаб бўлган. Довуд алайҳиссалом улар адолатли ҳукм талабида келганларини билгач, Аллоҳга истиғфор айтган.

* * *

¹²⁸ “Тафсирул кашшоф”, 4-жуз, 80-бет.

¹²⁹ “Тафсиру ибни касир”, 7-жуз, 51-бет.

¹³⁰ “Тафсирул қосимий”, 14-жуз, 5088-бет.

¹³¹ “Тафсирул кашшоф”, 4-жуз, 81-бет.

Сод сурасида Сулаймон алайҳиссаломга берилган неъматлар, унинг Аллоҳга илтижо қилиши, Парвардигоридан мағфират сўраши ҳақида баён қилинган. Аллоҳ таоло айтади:

“Биз Довудга Сулаймонни ҳадя этдик. (Сулаймон) нақадар яхши бандадир. Дарҳақиқат, у (Аллоҳ рози бўладиган йўлга) қайтувчидир. Эсланг, унга кечки пайт гижинглаб тутувчи учқур отлар рўбарў қилинган эди. Бас, у деди: “Дарҳақиқат, мен Парвардигоримни эслашдан бу суюкли отларни суюб-эркалашга берилиб кетибман! Ҳатто парда ортига беркинибди. У (от)ларни менга қайтаринглар-чи!” Бас, у оёқ ва бўйинларини силашга киришди. Дарҳақиқат, Биз Сулаймонни имтиҳон қилдик ва унинг тахти устига бир (жонсиз) жасадни ташладик. Сўнгра у тавба-тазарруъ қилиб деди: “Парвардигорим, Ўзинг мени мағфират қил ва менга ўзимдан кейин биронтаси учун муяссар бўлмайдиган бир мулку давлат ҳадя эт. Зеро, Ёлғиз Сенинг Ўзинггина ҳадя этувчисан”. Бас, Биз (Сулаймонга) унинг амри билан, у истаган томонга майин эсаверадиған шамолни бўйсундирдик. Яна барча бино қилувчи ва ғаввос шайтонларни (унга бўйсундирдик). Бошқаларни эса кишанлар билан боғланган ҳолга солдик (ва Сулаймонга дедик:) “Мана бу Бизнинг ато этган нарсаларимиз. Бас, сен бергин ёки бермагин, ҳисоб-китоб қилинмас”. Шакшубҳасиз, (Сулаймон) учун Бизнинг ҳузуримизда яқинлик ва гўзал оқибат бордир” (Сод сураси, 30-40-оятлар).

Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга Сулаймон алайҳиссаломни ато қилди. Сулаймон алайҳиссалом динида, хулку одобида ва Аллоҳга шукр қилишда ўрнадир. У қандай ҳам яхши банда?! Сулаймон Аллоҳни рози қилувчи амалларга қайтувчидир.

“Эсланг, унга кечки пайт гижинглаб тутувчи учқур отлар рўбарў қилинган эди”.

Яъни, эй оқил банда, Сулаймон алайҳиссаломга кечки пайт жуда чиройли ва учқур отлар кўрсатилганини эсла!

Бас, у: “Дарҳақиқат, мен Парвардигоримни эслашдан бу суюкли отларни суюб-эркалашга берилиб кетибман! Ҳатто парда ортига беркинибди”, деди.

Яъни, Сулаймон алайҳиссалом отларни кўздан кечирав экан:

– Мен Аллоҳга итоат этиб, динига нусрат бериш учун шу учқур отларни кўздан кечириб, уларни Аллоҳ йўлида жангга тайёрлашни хуш кўрибман. Ҳатто кеч кириб, куёш ботибди, деди.

“У (от)ларни менга қайтаринглар-чи!”, деди. Бас, у оёқ ва бўйинларини силашга киришди.

Яъни, Сулаймон аскарларига:

– Учқур отларни менга қайтаринглар! Уларни яна бир кўздан кечирай! – деди.

Сулаймон амри бажо келтирилгач, отларнинг оёқлари ва бўйинларини силай бошлади. Сулаймон Аллоҳ йўлида жанг қилишга шу отлар ёрдам бергани учун уларни яхши кўрди.

Мана шу, қалб таскин топадиган тафсирдир. Чунки бунда пайғамбарлар алайҳисмуассалом шаънига нолайиқ гаплар йўқ.

Аммо баъзи муфассирлар қуйидаги ривоятга суяниб, бошқача йўл тутишган. Айтишларича, Сулаймон алайҳиссалом отларини кўздан кечириб, куёш ботганини билмай қолган ва аср намозини ўқиёлмаган. Бундан қаттиқ қайғурган Сулаймон

ўзини Аллоҳнинг зикридан чалғитган отларнинг оёқлари ва бўйинларига қилич уриб, шу йўл билан Аллоҳга қурбат ҳосил қилган.

Ибн Аббос ва аксар муфассирларга кўра, Сулаймон алайҳиссалом отларнинг оёқлари ва бўйинларига қилич урган¹³².

Имом Фахриддин Розий оятни бундай тафсир қилишга рози бўлмаган. Унга кўра, “парда ортига беркинибди”, деган жумла “отлар”га тегишли. Сулаймон алайҳиссалом отларга қилич урмаган, балки уларни яхши кўриб, оёқлари ва бўйинларидан силаган.

Имом Розий шундай дейди: “Кўшинни жангга ҳозирлаш Сулаймон алайҳиссалом динида мандуб бўлган. Шунингдек, Исломда ҳам бу иш жорий қилинган. Сулаймон отларни жангга ҳозирлаган ва учқур отларни дунё учун эмас, фақат Аллоҳ амрини бажариш, динини қувватлаш учун учун яхши кўришини билдирган. Кейин отларни ҳозирлаш ва жиҳозлашга амр қилганида, отлар кўздан ғойиб бўлган. Сулаймон отларнинг мураббийларига уларни ўз ҳузурига олиб келишни амр қилган. Амри бажо келтирилгач, Сулаймон уларнинг оёғи ва бўйнидан силаган. Бундан мақсад душманни даф қилишда мана шу отлар асосий ёрдамчи эканини билдириш ва уларни эъзозлашдир. Бундан яна бир мақсад шуки, Сулаймон отлар ва уларнинг касалликларидан хабардор бўлган. У оёқлари ва бўйинларини силаб, ҳайвонларнинг қайси бирида касаллик борлигини аниқлаган¹³³”.

Баъзи уламолар Ибн Ҳазмдан нақл қилиб шундай дейишган: “Сулаймон алайҳиссалом уни намоздан чалғитгани учун отларни ўлдиргани тўқиб чиқарилган хурофотдир. Бу қавлда отларни сабабсиз ўлдириш, манфаат олинадиган молни бирон сабабсиз зое қилиш, пайғамбардек улуғ зотга намозни тарк қилиш айбини тақаш, ўз хатоси деб айбсиз отларни жазолаш камчилиги бор¹³⁴...”

Хулоса шуки, жумхур муфассирлар айтганидек, Сулаймон алайҳиссалом отларни деб аср намозидан чалғимаган, уларнинг оёқлари ва бўйинларига қилич урмаган. Бунинг бирон саҳиҳ далили ҳам йўқ, соғлом ақлга ҳам тўғри келмайди.

Имом Фахриддин Розий ва Ибн Ҳазм томонидан қилинган тафсир, бизнинг наздимизда, мақбулдир.

Шундан сўнг Сулаймон алайҳиссаломнинг имтиҳон қилиниши ҳақида сўз юритилади:

“Дарҳақиқат, Биз Сулаймонни имтиҳон қилдик ва унинг тахти устига бир (жонсиз) жасадни ташладик. Сўнгра у тавба-тазарруъ қилиб...”

Алусий айтишича, Сулаймон алайҳиссалом: “Мен бир кечада хотинларимдан етмиш нафари билан яқинлик қиламан. Улардан ҳар бири Аллоҳ йўлида ҳаракат қиладиган бир жангчини дунёга келтиради”, деб аҳд қилди, бироқ: “Иншааллоҳ”, демади. Бас, Сулаймон алайҳиссалом аёллари билан яқинлик қилди. Аммо бор-йўғи биргина аёли ундан ҳомиладор бўлди. Унинг ҳам боласи чала туғилди.

Буни икки шайх Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан марфуъ тарзда ривоят қилишган.

Оятда келтирилган “жасад”дан мурод, Сулаймон алайҳиссалом хотини тукқан чала боладир. Доя хотин уни олиб келиб, Сулаймон кўриши учун яримта болани унинг курсисига ташлайди¹³⁵.

¹³² Қаранг: “Ҳошиятул жамал алал жалолайн”, 3-жуз, 573-бет.

¹³³ Қаранг: “Тафсирул фахрив розий”, 7-жуз, 192-бет.

¹³⁴ Қаранг: “Тафсирул қосимий”, 14-жуз, 5101-бет.

¹³⁵ “Тафсирул алусий”, 23-жуз, 198-бет.

Зикр қилинишича, Сулаймон алайҳиссалом яхшилик умидида: “Хотинларимдан хар бири Аллоҳ йўлида ҳаракат қиладиган бир отлик аскарга ҳомиладор бўлади”, деб айтган ва солиҳ зурриёт илинжида ҳаракат қилган.

Бироқ Сулаймон алайҳиссалом тили билан “Иншааллоҳ”, яъни, “Агар Аллоҳ хоҳласа, шундай бўлади”, демади. Бу гапни унутди. Шу сабаб, Сулаймон алайҳиссалом унутишни истиғфор айтишга лойиқ деб билиб, Аллоҳ таолодан мағфират сўради.

Уламолар айтишича, Сулаймоннинг имтиҳон қилиниши ўзи истаган ишни Аллоҳнинг иродасига боғлашни тарк қилганидир. Бунинг “жазо”си ўлароқ, у ниятига ета олмади (яъни, етмиш нафар хотиндан Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилувчи фарзанд кўра олмади).

Фикримизча, оятни мана шундай тафсир қилиш тўғрироқдир. Чунки бу тафсир “Саҳихайн”да келган ҳадисга асосланган. Қолаверса, бу тафсир Сулаймон алайҳиссаломнинг унутиш ва хато қилиш камчилигидан холи эканига мувофиқдир. Аллоҳ пайғамбарлар зиммасига юклаган ишларни тарк қилишдан бошқа ўринларда у зотларнинг “унутиши” жоиздир.

Сулаймон алайҳиссаломнинг Аллоҳ тарафидан имтиҳон қилиниши ҳақида бошқа кавлларда ҳам айтилган. Аммо ҳақиқатдан йироқ, соғлом ақлга тўғри келмагани учун уларни зикр қилишдан тийилдик.

“Парвардигорим, Ўзинг мени мағфират қил ва менга ўзимдан кейин биронтаси учун муяссар бўлмайдиган бир мулку давлат ҳадя эт. Зеро, Ёлғиз Сенинг Ўзинггина ҳадя этувчисан”, деди.

Яъни, Сулаймон алайҳиссалом Аллоҳ тарафидан имтиҳон қилинган:

– Ё Парвардигор, менинг хатоларим ва гуноҳларимни кечир! Ва менга бошқаларга насиб қилмайдиган улуғ мулк бер. Зеро, Сенинг караминг кенг! Хоҳлаганингга ҳисобсиз неъматлар берасан! – дея илтижо қилди.

Сулаймон алайҳиссалом бу ерда аввал мағфиратни, кейин дунёга тегишли неъматни сўрамоқда. Бу, Сулаймон наздида Аллоҳнинг мағфирати мулку давлатдан муҳимроқ бўлганига далолат қилади.

Имом Розий айтади: “Бу оят далолатига кўра, динга оид муҳим ишларни дунё ишларидан олдин қўйиш керак. Сабаби, Сулаймон биринчи Аллоҳдан мағфират, кейин подшоҳликни сўради. Бу ерда Аллоҳдан мағфират сўраш дунёдаги неъматлар сари йўл очишига далолат қилинган. Чунки Сулаймон алайҳиссалом аввал Аллоҳ кечиришини сўраб, кейин бу мағфиратни мулку давлат талабида васила қилган”.

Дунёдаги барча нарса охират олдида ҳеч нарса бўлмаса-да, Сулаймон алайҳиссалом дунёдаги доимий неъматларни сўраб, Аллоҳга илтижо қилди. Сулаймон алайҳиссаломнинг мақсади Аллоҳнинг динига хизмат қилиш, ер юзида Аллоҳнинг амри устун бўлишини таъминлаш, одамлар ҳақ-ҳуқуқларини адо қилиш, улар орасида адолат ўрнатиш, мазлумга инсоф қилиш, муҳтожларга кўмак бериш, бир сўз билан айтганда, ер юзида Аллоҳнинг шариатини жорий қилиш бўлган.

Сулаймон алайҳиссалом ҳукмронликни жабру зулм ё зўравонлик қилиши учун эмас, балки ер юзини обод қилиш учун сўраган.

Имом Қуртубийга кўра, Сулаймон алайҳиссалом дунёнинг ўзини сўрамаган. Чунки пайғамбарлар дунё неъматларидан энг кўп зуҳд қилувчи зотлардир. Аввалда Нух алайҳиссалом Аллоҳ учун ер юзидаги бор нарсалар ҳалок қилинишини сўраганидек, Сулаймон Аллоҳ учун, ер юзини обод қилиш мақсадида мулку давлат

сўраган. Икки ҳолатда Нуҳ ва Сулаймон алайҳиссалом дуоסי мақтовга сазовор ва мустажоб дуолардандир¹³⁶.

“Бас, Биз (Сулаймонга) унинг амри билан, у истаган томонга майин эсаверадиган шамолни бўйсундирдик”.

Сулаймон алайҳиссалом ўзидан кейин бирон кишига насиб етмайдиган мулк беришини Аллоҳдан сўрагани. Аллоҳ унинг дуосини қабул этиб, унга амри билан истаган томонига майин эсадиган шамолни бўйсундирди.

“Яна барча бино қилувчи ва ғаввос шайтонларни (унга бўйсундирдик)”.

Яъни, Сулаймонга шайтонларни бўйсундирдик. Улар ичидан баъзилари Сулаймон амри билан улкан бинолар қуришар, баъзилар сув остига шўнғиб, Сулаймон учун қимматбаҳо тошлар, маржон, дуру марваридларни олиб чиқишарди.

“Бошқаларни эса кишанлар билан боғланган ҳолга солдик”.

Баъзи шайтонлар Сулаймон алайҳиссалом амри билан бинолар қуриб, сувдан қимматбаҳо тошларни олиб чиқарди. Аммо шундай шайтонлар ҳам бор эдики, уларнинг ёмонлиги ва итоатсизлиги сабаб уларга кишан солинганди.

Шундан кейин Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга ўз мулкида истаганича тасарруф қилиш имконини бергани айтилади:

“Мана бу Бизнинг ато этган нарсаларимиз. Бас, сен бергин ёки бермагин, ҳисоб-китоб қилинмас”. Шак-шубҳасиз, (Сулаймон) учун Бизнинг ҳузуримизда яқинлик ва гўзал оқибат бордир”.

Яъни, эй Сулаймон, мана шулар Биз сенга ато қилган неъматлардир. Ундан ўзинг истаганини одамга бер, истаганингни улардан маҳрум қил. Сен берганинг ё ман қилганинг учун ҳисоб қилинмайсан. Албатта Сулаймон учур охиратда бизга яқинлик ва чиройли оқибат бордир.

Намл сурасидаги узун қиссада Сулаймон алайҳиссалом ҳаётига оид бошқа жиҳатлар ҳақида маълумот берилган. Аллоҳ таоло айтади:

“Дарҳақиқат, Биз Довуд ва Сулаймонга (етук) билим ато этдик ва улар: “Бизларни кўп мўмин бандалардан афзал қилиб қўйган Зот – Аллоҳга ҳамду сано айтамыз”, дедилар. Сулаймон (пайғамбарлик ва илмда) Довудга ворис бўлди ва айтди: “Эй одамлар, бизга қушларнинг тили билдирилди ҳамда барча нарсалардан берилди. Албатта бу очик фазлу марҳаматнинг ўзидир. Сулаймоннинг (амри билан) унинг жин, инс ва қушлардан бўлган лашкарлари тўпланиб, тизилган ҳолларида турдилар. То улар чумолилар водийсига етган вақтларида, бир чумоли: “Эй чумолилар, уяларингизга киринглар, яна Сулаймон ва унинг лашкарлари ўзлари сезмаган ҳолларида сизларни босиб-янчиб кетмасинлар”, деган эди, (Сулаймон) унинг сўзидан қулиб-табассум қилди ва деди: “Парвардигорим, мени Сен менга ва ота-онамга инъом этган неъматларингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган яхши амалларни қилишга муваффақ эт ва мени ҳам Ўз фазлу раҳматинг билан солиҳ бандаларинг қаторига кирит!” (Намл сураси, 15-19-оятлар).

Аллоҳ таоло Довуд ва унинг ўғли Сулаймон алайҳимуссаломга Ўз даргоҳидан жуда кенг илм бергани. Улар Аллоҳнинг фазли ила дин ва дунё илмларини билишарди.

¹³⁶ “Тафсирул куртубий”, 15-жуз, 304-бет.

Довуд алайҳиссаломга Забур илми берилганди. У зот Забурни чиройли овозда ўқирди. Шунингдек, Довудга совет яшаш ўргатилганди.

Сулаймон алайҳиссаломга эса ўзидан кейин бирон кишига насиб етмайдиган мулку давлат, подшоҳлик берилган. Шунингдек, унга жинлар ва шамол бўйсундириб қўйилган.

Довуд ва Сулаймон алайҳиссалом бу неъматларни эътироф этиб, Аллоҳ таолога мақтовлар айтишди:

“Бизларни кўп мўмин бандалардан афзал қилиб қўйган Зот – Аллоҳга ҳамду сано айтамыз”, дедилар.

Яъни, Ўз фазлидан бизларни жуда кўп мўмин бандалардан афзал қилиб қўйган Аллоҳ мақтовга энг муносиб Зотдир. Унга ҳамду санолар айтамыз, дедилар.

“Ал-кашшоф” муаллифига кўра, бу оятда илмнинг шарафлилиги, аҳли илмлар бошқалардан кўра афзароқ эканига далолат қилинмоқда. Кимга илм берилган бўлса, у Аллоҳнинг бошқа бандаларидан кўра кўпроқ фазилатга лойиқ қўрилгандир.

Икки улуғ пайғамбарнинг **“кўп мўмин бандалардан”** дейишлари уларнинг одоблари ва камтарликларига ишора қилади. Зеро, улар “Аллоҳ бизни барча одамлардан афзал қилиб қўйган”, дейишмаяпти. Балки кўп мўминлар орасида афзал қилганини айтиб, Аллоҳга мақтов айтишмоқда.

“Сулаймон (пайғамбарлик ва илмда) Довудга ворис бўлди”.

Сулаймон алайҳиссалом илмда, пайғамбарлик ва подшоҳликда отаси Довуд алайҳиссаломга ворис бўлди.

Ибн Касир айтишича, Сулаймон отасига подшоҳлик ва пайғамбарликда ворис бўлган. Бу ерда мол-дунёга меросхўр бўлиш назарда тутилмаган. Агар шундай бўлганида, Сулаймоннинг ёлғиз ўзи Довуд фарзандлари ичидан хосланмаган бўларди. Балки бундан мурод, подшоҳлик ва нубувватдаги меросхўрликдир. Зеро, пайғамбарлар мол-дунёни мерос қолдиришмайди. Бу ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Биз пайғамбарлар жамоаси мерос қолдирмаймиз. Қолдирган нарсамиз садақадир”, деганлар¹³⁷.

Кейин Сулаймон алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг неъматларини зикр қилиб шундай дегани келтирилади:

“Эй одамлар, бизга қушларнинг тили билдирилди ҳамда барча нарсалардан берилди. Албатта бу очиқ фазлу марҳаматнинг ўзидир”.

Яъни, эй одамлар, Аллоҳ таоло бизга фазлу марҳамати билан ҳар бир қушнинг тилини билдирди. У Зот бизларга дунё ва охиратда бизлар учун манфаатли, бизга керакли ҳар бир нарсани ато этди! – деди.

Бу ерда қушлар тилининг ўргатилгани аввал зикр қилинмапти. Бу ишда Сулаймон алайҳиссаломга бирон киши шерик бўлолмайди. Қушлар ва бошқа жонзотлар тилини билиш Сулаймон алайҳиссаломнинг мўъжизаларидан биридир.

Сулаймон алайҳиссалом бу сўзларни зинҳор мақтаниш ё кибрланиш учун айтаётгани йўқ. Пайғамбарлар бундай иллатлардан покдирлар. Балки Сулаймон бу билан Аллоҳ уларга берган неъматларини зикр қилмоқда ва тил ила неъматлар шукрини адо этмоқда.

“Сулаймоннинг (амри билан) унинг жин, инс ва қушлардан бўлган лашкарлари тўпланиб, тизилган ҳолларида турдилар”.

¹³⁷ “Тафсиру ибни касир”, 6-жуз, 192-бет.

Сулаймон алайҳиссаломнинг жинлар, инсонлар ва қушлардан иборат қўшини унинг ҳузурида тўпланди. Улардан биронтаси ўз ўрнини тарқ қилиши, вазифасига масъулиятсиз қараши мумкин эмас. Барчаси кучли тартиб-интизомга риоя этишади. Демак, Сулаймон алайҳиссаломнинг аскарлари қанчалик кўп бўлмасин, улар орасида тартибсизлик, бошбошдоқлик бўлмаган.

Баъзи муфассирлар Сулаймон алайҳиссалом қўшини сони қанча бўлгани ҳақида турли маълумотларни келтиришган. Бироқ бу далиллар кучсиз бўлгани боис, эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топмадик. Аслида эса бу қўшиннинг аниқ сонини фақат Аллоҳ билади, дейиш тўғри бўлади. Қуръони каримда келтирилган юқоридаги оятга кўра, Сулаймон алайҳиссалом қўшини жуда кўп ва ўта тартибли бўлган. Шуниси маълум.

Қисса давомида интизомли улкан қўшинни кўрган чумоли ўз шерикларини огоҳлантиргани айтилади:

“То улар чумолилар водийсига етган вақтларида, бир чумоли: “Эй чумолилар, уяларингизга киришлар, яна Сулаймон ва унинг лашкарлари ўзлари сезмаган ҳолларида сизларни босиб-янчиб кетмасинлар”, деган эди”.

Сулаймон алайҳиссалом ҳузурига қўшини жамланди ва барчалари йўлга тушишди. Улар Сулаймон алайҳиссалом салтанатидаги чумолилар яшайдиган водийга етиб келишганида, бир чумоли уларни кўриб, қолган чумолиларни огоҳлантириш учун:

– Эй чумолилар, уяларингизга киришлар! Йўлдан қочинглар! Сулаймон алайҳиссалом ва унинг улкан қўшини билмаган ҳолларида сизларни босиб-янчиб кетмасинлар! – деди.

“(Сулаймон) унинг сўзидан кулиб-табассум қилди ва деди: “Парвардигорим, мени Сен менга ва ота-онамга инъом этган неъматларингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган яхши амалларни қилишга муваффақ эт ва мени ҳам Ўз фазлу раҳматинг билан солиҳ бандаларинг қаторига кирит!”

Яъни, Сулаймон алайҳиссалом ўша чумолининг гапини эшитиб, шерикларини огоҳлантиргани учун ёки ўзи ва қўшини ҳақида гапиргани сабаб табассум қилди ва:

– Раббим, мени Ўзингга шукр қилишга илҳомлантир, менга ва ота-онамга берган неъматларингга ношукрлик қилишдан сақла! Мени Ўзинг рози бўладиган солиҳ амаллар қилишга йўлла. Мени солиҳ бандаларинг қаторида қил! – деди.

Шундан сўнг Сулаймон алайҳиссалом ва худхуд ўртасида бўлган воқеа ҳақида сўз юритилади. Аллоҳ таоло айтади:

“У қушларни кўздан кечириб (улар орасида худхудга кўзи тушмагач:) “Нега мен худхудни кўрмайман, балки у ғойиб бўлувчилардандир. Албатта мен уни қаттиқ азоб билан азоблайман ё сўйиб юбораман ёки у менга (узрини баён қилиб) очиқ ҳужжат келтиради”, деди. Сўнг узокқа қолмай (худхуд келиб) деди: “Мен сен огоҳ бўлмаган нарсдан огоҳ бўлдим ва сенга (Яман мамлақатидаги) Сабаъ (шаҳри)дан аниқ бир хабар келтирдим. Дарҳақиқат, мен бир аёлни кўрдим. У (Сабаъ шаҳри аҳолисининг) маликаси экан. Унга барча нарсдан ато этилган бўлиб, унинг қатта тахти ҳам бордир. Мен у ва қавми Аллоҳни қўйиб қуёшга сиғинаётганларини кўрдим”. Шайтон уларга (қилаётган) амалларини чиройли кўрсатиб, уларни (ҳақ) йўлдан тўсиб қўйгандир. Бас, улар Аллоҳга сажда қилмагунларича ҳидоят топмаслар. (Аллоҳ) осмонлар ва ердаги барча сирларни ошкор қиладиган ҳамда сизлар яширадиган ва ошкор қиладиган барча

нарсаларни биладиган Зотдир. Аллоҳ – ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзигина бордир. (У Зот) улуғ Арш Эгасидир” (Намл сураси, 20-26-оятлар).

Сулаймон алайҳиссалом мамлакати аҳолиси ҳолидан хабар олиб, уларни кўздан кечирди. Қушларни бир-бир текширганидан кейин:

– Нега худхуд кўринмайди? У қаерга ғойиб бўлди? – деди.

Сулаймон алайҳиссалом шундан сўнг рухсатсиз кетиб қолгани учун худхуд устидан қуйидагича ҳукм чиқарди:

– **Албатта мен уни қаттиқ азоб билан азоблайман ё сўйиб юбораман ёки у менга (узрини баён қилиб) очик ҳужжат келтиради.**

Яъни, мен худхудни қаттиқ азоблайман ёки сўйиб юбораман. Ё менга кетиб қолиши сабабини изоҳлайдиган қоникарли бир ҳужжат-далил келтиради. Шунда мен уни азобламаслигим ё сўйиб юбормаслигим мумкин, – деди.

Сўнг узоққа қолмай (худхуд келиб) деди: **“Мен сен огоҳ бўлмаган нарсдан огоҳ бўлдим ва сенга (Яман мамлакатадаги) Сабаъ (шаҳри)дан аниқ бир хабар келтирдим”.**

Сулаймон таҳдидидан ҳеч қанча вақт ўтмасидан худхуд келди ва Сулаймонга:

– Мен сен билмаган нарсаларни билдим, – деди.

Худхуд сўзни бу тариқа бошлашига сабаб, Сулаймон алайҳиссалом диққатини тортиш ва ўзининг узрини қабул қилишга мойиллик туғдириш эди.

“Яман мамлакатадаги) Сабаъ (шаҳри)дан аниқ бир хабар келтирдим”.

“Сабаъ” шаҳар номи бўлиб, аслида Сабаъ ибн Яшжаб ибн Яъраб ибн Қаҳтоннинг исмидир. Сабаъ ўтганидан кейин унинг исми авлодлари яшайдиган қабилага ёки Ямандаги “Маъраб” шаҳрига ном бўлиб қолган. Сабаъ ва Санъо орасида 3 мил масофа бор.

Яъни, худхуд Сулаймон алайҳиссаломга хитобан:

– Мен сен билмаган нарсалардан воқиф бўлдим ва Сабаъ қабиласидан улуғ бир хабар келтирдим, – деди.

Худхуд шундай кейин кўрган-кечирганларини ҳикоя қилишга ўтди:

“Дарҳақиқат, мен бир аёлни кўрдим. У (Сабаъ шаҳри аҳолисининг) маликаси экан. Унга барча нарсдан ато этилган бўлиб, унинг катта тахти ҳам бордир”.

Оятда зикр қилинаётган аёл Билқис бинти Шароҳил ибн Молик ибн Райёндир. Подшоҳлик унга отасидан мерос қолганди.

Яъни, мен Сабаъ қабиласини бир аёл бошқараётганини кўрдим. Ўша аёл мамлакатни шундай идора қилар эдики, унинг ҳукмига бирон киши эътироз билдириб, қарорини муҳокама қилолмасди. Унинг тасарруфида мамлакатни бошқаришда керак бўладиган барча нарса бор экан. Бундан ташқари, ўша маликанинг жуда катта тахти бор экан. Бу ўша аёлнинг жуда бадавлат, мамлакати касб-хунарда илғор эканига далолат қилади.

“Мен у ва қавми Аллоҳни қўйиб қуёшга сиғинаётганларини кўрдим”.

Яъни, кўрган нарсаларим ичида энг ажабланарлиси, ўша аёл ва қавми Аллоҳ таолога ибодат қилиш ўрнига У Зот яратган нарсалардан бири – қуёшга сиғинишар экан.

“Шайтон уларга (қилаётган) амалларини чиройли кўрсатиб, уларни (ҳақ) йўлдан тўсиб қўйгандир”.

Шайтон уларга Аллоҳга осий бўлиб, У Зотга куфр келтириш, фисқу фужур ишларни зийнатлаб кўрсатган экан. Иблис уларни ҳақ йўлдан тўсиб қўйган экан.

“Бас, улар Аллоҳга сажда қилмагунларича хидоят топмаслар. (Аллоҳ) осмонлар ва ердаги барча сирларни ошкор қиладиган ҳамда сизлар яширадиган ва ошкор қиладиган барча нарсаларни биладиган Зотдир”.

Яъни, улар осмонлар ва ердаги барча нарсадан хабардор Зот – Аллоҳга сажда қилишни тарк этганлари сабаб шайтон уларга қуёшга сиғинишга чиройли қилиб кўрсатган эди.

“Аллоҳ – ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзигина бордир. (У Зот) улуғ Арш Эгасидир”.

Яъни, сизлар Ёлғиз Аллоҳга сажда қилинглар, Ундан ўзгасига қуллик қилманглар! Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Аллоҳдан ўзгаси ибодат қилишга муносиб эмас.

Воқеалар ривожи Намл сурасида қуйидагича баён қилинган. Аллоҳ таоло айтади:

“(Сулаймон) деди: “Сен рост сўзладингми ёки ёлғончилардан бўлдингми, кўрамиз. Мана бу мактубимни олиб бориб уларга ташла, сўнгра улардан четланиб кузатгин-чи, нима (жавоб) қайтарар эканлар”. (Қачонки худхуд Сулаймоннинг мактубини олиб келиб малика Билқиснинг олдига ташлагач,) у деди: **“Эй одамлар, ҳақиқатан, менга улуғ бир мактуб ташланди. Албатта у Сулаймондандир ва у (мактубда шундай битилгандир:) “Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан. Сизлар менга кибру ҳаво қилмай, ҳузуримга бўйсунган холингизда келинг!”** (Малика) айтди: **“Эй одамлар, менга бу ишда фатво-маслаҳат беринглар. Мен то сизлар гувоҳ бўлмагунингизча бирон иш ҳақида ҳукм қилувчи эмасман”.** Улар дедилар: **“Бизлар куч-қувват ва журъат-матонат эгаларимиз. (Қандай ишга) буюриш сенинг ўзингга ҳавола. Бас, нимага буюришни ўйлаб кўравер, (бизлар сенга итоат этамиз)”.** У айтди: **“Аниқки, подшоҳлар қачон бирон қишлоққа (бостириб) кирсалар уни вайрон этадилар, аҳолисининг обрў-эътиборлиларини хор-зор қиладилар. Уларнинг қилмиш-одатлари шудир. Мен уларга бир ҳадя юбориб кўрай-чи, элчиларим нима (хабар) билан қайтар эканлар”** (Намл сураси, 27-35-оятлар).

Сулаймон алайҳиссалом худхуд келтирган хабарга нисбатан муносабат билдирар экан шундай деди:

– Эй худхуд, гапингни текшириб кўрамиз. Сен рост гапирдингми ё алдадингми, билиб оламиз!

Сулаймон алайҳиссалом худхуд келтирган хабарни тасдиқлаш ё ёлғонга чиқаришга шошилмади. Балки аввал уни текшириб кўришни лозим топди. Аллоҳ таоло пайғамбарлик, подшоҳлик ва ҳикмат ато этган Сулаймон алайҳиссаломга лойиқ иш эди бу.

Айтган гапини текшириб кўришни билдирган Сулаймон алайҳиссалом худхудга шундай деди:

“Мана бу мактубимни олиб бориб уларга ташла, сўнгра улардан четланиб кузатгин-чи, нима (жавоб) қайтарар эканлар”.

Яъни, мен манави мактубимни Сабаъ аҳлига олиб бор, улар олдига ташла ва яқинроқдан кузатиб тур. Улар бир-бирларига нима жавоб қилишларига эътибор бер. Нима дейишганини келиб менга хабар қиласан, деди.

(Қачонки худхуд Сулаймоннинг мактубини олиб келиб малика Билқиснинг олдига ташлагач,) у деди: **“Эй одамлар, ҳақиқатан, менга улуғ бир мактуб ташланди. Албатта у Сулаймондандир ва у (мактубда шундай битилгандир:)**

“Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан. Сизлар менга кибру ҳаво қилмай, хузуримга бўйсунган ҳолингизда келинг!”

Сабаъ маликаси Билқис Сулаймон алайҳиссалом мактубини ўқиб, унда нима ёзилганини тушунгач, атрофидаги аъёнларига қараб:

– Эй, қавмининг ашрофлари! Менга ҳикматли, ажойиб услубди битилган бир мактуб келди. У Сулаймондандир. Унда “Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман). Такбаббурлик қилмасдан ҳақ динга киришлар. Менинг олдимга Аллоҳнинг ҳукмига бўйсунган ҳолда келишлар”, деб ёзилгандир, – деди.

Малика ашрофларини Сулаймон ёзган мактуб мазмуни билан таништиргач, уларга хитобан шундай деди:

– Эй одамлар, менга бу ишда фатво-маслаҳат беринглар. Мен то сизлар гувоҳ бўлмагунингизча бирон иш ҳақида ҳукм қилувчи эмасман”.

Яъни, эй, қавмининг ашрофлари! Сулаймон ёзган бу хатга қандай жавоб қайтарай, менга маслаҳат беринг! Унинг талабига нима деб жавоб қайтарамиз? Биласизларки, мен мамлакат ҳаёти билан боғлиқ ишларни фақат сизлар билан маслаҳатлашган ҳолда бажараман. Фикрингизни олмай туриб бирон қарорга келмайман.

Бу ҳолат Сабаъ маликасининг гўзал тадбири, ўткир фаҳму фаросатига далолат қилади. У бирон иш қилишдан олдин мамлакатнинг кўзга кўринган одамлари билан маслаҳатлашиб, кейин бир қарорга келарди. Маликанинг бу одати одамларнинг унга бўлган ишончини орттирар, мамлакат аҳолиси малика чиқарган ҳукмлардан рози бўлишарди.

Улар дедилар: “Бизлар куч-қувват ва журъат-матонат эгаларимиз. (Қандай ишга) буюриш сенинг ўзингга ҳавола. Бас, нимага буюришни ўйлаб кўравер, (бизлар сенга итоат этамиз)”.

Малика Билқис аъёнлари аскарлари бақувват ва кучли кўшинга эга эканларини айтиб, ҳар бир ишда унинг амрига итоат этишларини билдиришди.

Шунда малика теран фикр ва ақл-заковат билан шундай деди:

– Аниқки, подшоҳлар қачон бирон қишлоққа (бостириб) кирсалар уни вайрон этадилар, аҳолисининг обрў-эътиборлиларини хор-зор қиладилар. Уларнинг қилмиш-одатлари шудир”.

Яъни, агар подшоҳлар бирон юртни куч билан босиб олсалар, уни вайронага айлантирадилар, бошқаларга ибрат бўлиши учун юртнинг обрўли кишиларини хорлайдилар. Уларнинг қиладиган иши шу.

Малика бу билан қавмини урушишдан кўра тинчлик яхши эканига ишонтириб, Сулаймон алайҳиссалом билан яхшиликча муомалада бўлиш унга қарши чиқишдан афзалроқ эканини маълум қилмоқчи эди.

“Мен уларга бир ҳадя юбориб кўрай-чи, элчиларим нима (хабар) билан қайтар эканлар”.

Яъни, мен ўйлаб кўриб, Сулаймонга шоҳона бир тухфа жўнатишга қарор қилдим. Кўрамиз, Сулаймон юборган ҳадямни кўриб элчиларимга қандай жавоб қайтарар экан!

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, малика қавмига: “Агар у ҳадяни қабул қилса, бас, у подшоҳлардан бўлади, у билан урушаверасизлар. Агар юборган ҳадямни қабул қилмаса, бас, у пайғамбардир, унга итоат этасизлар”, деган.

Шундан сўнг Билқис томонидан юборилган ҳадяга Сулаймон алайҳиссалом қандай муносабат билдиргани айтилади:

“Бас, қачон (Билқиснинг элчилари унинг юборган ҳадясини олиб) Сулаймон (хузурига) келгач, у деди: “Сизлар менга мол-дунё билан мадад бермоқчимисиз?! У ҳолда (билингки,) Аллоҳ менга ато этган (пайғамбарлик ва мулку давлат) У Зот сизларга берган (мол-дунё)дан яхшироқдир. Балки сизлар ҳадяларингиз билан хурсанд бўларсизлар, (лекин менинг унга эҳтиёжим йўқ). Сен (қавмингга) қайтиб бориб (айтгин, агар хузуримга бўйсунган ҳолларида келмасалар,) албатта биз уларга шундай қўшин билан борамизки, улар унга асло бас келолмаслар ва албатта биз уларни (қишлоқларидан) мағлуб ҳолларида хор қилиб қувиб чиқарамиз” (Намл сураси, 36-37-оятлар).

Билқиснинг қимматбаҳо ҳадялари Сулаймон алайҳиссаломга кўрсатилгач, пайғамбар бунга шундай муносабат билдирди:

– Сизлар менга мол-дунё билан мадад бермоқчимисиз?! У ҳолда (билингки,) Аллоҳ менга ато этган (пайғамбарлик ва мулку давлат) У Зот сизларга берган (мол-дунё)дан яхшироқдир. Балки сизлар ҳадяларингиз билан хурсанд бўларсизлар, (лекин менинг унга эҳтиёжим йўқ).

Яъни, мен сизларни Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиш, ширк амаллардан қайтаришни бас қилишим учун мана шу арзимас совғаларни менга келтирдингизми! Йўқ! Мен бу ҳадяларингизга эътибор бермайман. Аллоҳ менга ато этган пайғамбарлик ва улуғ подшоҳлик сизлардаги бор молу давлатдан яхшироқдир!

Сулаймон алайҳиссалом шу зайл уларнинг ҳадяларини инкор қилиб, ўз вазифасини адо қилишини билдирди.

“Балки сизлар ҳадяларингиз билан хурсанд бўларсизлар, (лекин менинг унга эҳтиёжим йўқ)”.

Сабаъ юрти вакиллари олиб келган совғалари Сулаймон алайҳиссаломга маъкул келиб, уларни тинч қўйиши ҳақида ўйлаётгандилар. Бироқ Сулаймон алайҳиссалом келтирган тухфаларига парво ҳам қилмади.

– Эй элчилар! Сизларни хузуримга юборган одамга: “Аллоҳ Сулаймонга берган неъматлари сизлар берган нарсалардан яхшироқ экан. Тухфаларингиз ўзингизга буюрсин. Ундан ўзингиз фойдаланаверинглар ва бундан хурсанд бўлинглар. Зеро, сизлар фақат ўткинчи дунё матоҳлари учун севиначислар. Мен бундай нарсаларга эҳтиёжим йўқ. Сизлардан талабим Ёлғиз Аллоҳга имон келтиришингиздир”, деб айтинглар! – дея хитоб қилди.

“Сен (қавмингга) қайтиб бориб (айтгин, агар хузуримга бўйсунган ҳолларида келмасалар,) албатта биз уларга шундай қўшин билан борамизки, улар унга асло бас келолмаслар ва албатта биз уларни (қишлоқларидан) мағлуб ҳолларида хор қилиб қувиб чиқарамиз”.

Сулаймон алайҳиссалом Билқис юборган элчилардан бирига:

– Ҳадянгни олиб, ортингга қайтиб бор, уларни огоҳлантир! Агар сизлар бўйсунмасангиз, биз шундай бир кудратли қўшинни юборамизки, унга қарши туришга тоқатингиз етмайди. Кейин сизларни Сабаъ юртидан хору зор қилиб ҳайдаб чиқарамиз. Аввал иззат-хурматга лойиқ кўрилган бўлсангиз, энди обрў-эътиборингиздан маҳрум бўласизлар!

Билқис элчилари умидлари сўниб ортларига қайтиб кетишди.

Шундан кейин Сулаймон алайҳиссалом қўшинларидан талаб қилган нарса ҳақида зикр қилинади:

“Эй одамлар, улар менинг хузуримга бўйсунган ҳолларида келишларидан илгари қайси бирингиз менга унинг (яъни, Билқиснинг) тахтини келтира олади”, деди. (Шунда) жинлардан бир паҳлавони айтди: “Мен уни ўрнингдан туришингдан илгари сенга келтираман. Албатта мен бунга қодир ва ишончлиман”. Китобдан огоҳлиги бор бўлган зот эса: “Мен уни кўз очиб юмгунингча сенга келтираман”, деди. (Сулаймон тахтининг) ўз хузуридан турганини кўргач, деди: “Бу Парвардигоримнинг мен шукр қиламанми ёки куфрони неъмат қилманми, имтиҳон этиш учун берган фазлу марҳаматидандир. Ким шукр қилса, бас, албатта у фақат ўз (фойдаси) учун шукр қилади. Ким куфрони неъмат қилса, бас, албатта Парвардигорим беҳожат ва фазлу карам Эгасидир” (Намл сураси, 38-40-оятлар).

Билқиснинг элчилари унинг олдига ҳадя билан қайтиб бориб, Сулаймон алайҳиссаломнинг жавобини етказгач, у: “Бу оддий подшоҳ эмаслигини билган эдим”, деди ва Сулаймон пайғамбарга: “Мен сенинг қиличингни ва даъват қилаётган дининг қандай дин эканини билиш учун ўз аъёнларим билан хузурингга бормоқдаман”, деган хабар билан чопар юборди ва кетидан ўн икки минг одам билан йўлга тушди. Улар Сулаймон алайҳиссалом қароргоҳига етиб келишларига бир фарсах қолганида, у зот бундан хабар топиб, уларга ўзининг ҳақ пайғамбар эканини исботлайдиган бир мўъжиза кўрсатиш ва малика Билқиснинг фаҳму фаросатини синаш мақсадида қўл остидаги халойиққа қараб:

– **Эй одамлар, улар менинг хузуримга бўйсунган ҳолларида келишларидан илгари қайси бирингиз менга унинг (Билқиснинг) тахтини келтира олади”, деди.**

Яъни, сизлардан биронтангиз Сабаъ маликаси ўз қўшини билан хузуримга бўйсунган ҳолларида келишидан олдин унинг юртида қолган тахтини олиб кела оласизми? – деди.

Сулаймон алайҳиссалом Ямандан Байтул Мақдисга маликанинг тахтини келтиришни сўрашига сабаб, у Аллоҳ таоло берган улуғ пайғамбарлик ва мулку давлатни кўрсатиш, ўзидаги одатдан ташқари имкониятларни билдириш бўлган бўлса, ажаб эмас.

Сулаймоннинг талабига биринчи бўлиб жинлардан бўлган Ифрит жавоб берди:

(Шунда) жинлардан бир паҳлавони айтди: “Мен уни ўрнингдан туришингдан илгари сенга келтираман. Албатта мен бунга қодир ва ишончлиман”, деди.

Ифрит жинларнинг куч-қувватлиси бўлиб, Аллоҳ таоло уни Сулаймон алайҳиссаломга бўйсундирган эди. Ана ўша паҳлавон жин Сулаймон алайҳиссалом даъватига ижобат қилиб:

– Сен қавминг билан қурган масжилисинг тугагунича ўша маликанинг тахтини хузурингга олиб келаман. Шунча узоқ масофадаги оғир тахтни келтиришга қодирман. Мен ваъдамнинг устидан албатта чиқаман, деди.

Китобдан огоҳлиги бор бўлган зот эса: “Мен уни кўз очиб юмгунингча сенга келтираман”, деди.

Оятдаги “Китобдан огоҳлиги бор зот” Осиф ибн Бархиё эди. У Бани Исроил қавми ичидаги солиҳ кишилардан бўлган. Аллоҳ таоло унга Ўз хузуридан илм ато этганди. Осиф Сулаймон алайҳиссалом вазири бўлган.

Айтилишича, у Аллоҳнинг исми аъзамини биларди. Агар у билан дуо қилса, Аллоҳ дуосини ижобат этарди¹³⁸.

Яъни, Аллоҳ тарафидан илм берилган бир киши ўрнидан туриб:

– Эй Сулаймон, сен кўз очиб юмгунингча Билқиснинг улкан тахтини ҳузурингга келтираман, – деди.

Бу ўша ишнинг жуда тез суръатда бажарилишидан киноядир.

Шу зайл Билқиснинг Ямандаги тахти ақлбовар қилмас тезликда Байтул Макдисга олиб келинди.

(Сулаймон тахтнинг) ўз ҳузурда турганини кўргач, деди: **“Бу Парвардигоримнинг мен шукр қиламанми ёки куфрони неъмат қилманми, имтиҳон этиш учун берган фазлу марҳаматидандир”**.

Сулаймон Билқиснинг тахтини ўз ҳузурда кўриб, кибрга кетмади, ғурурланмади, балки:

– Тахтнинг бундай тез фурсатда олиб келиниши Парвардигорим менга берган фазли ва неъматидир. У зот бунга шукр қиламанми ё куфрони неъмат қиламанми, имтиҳон қилади, – деди.

“Ким шукр қилса, бас, албатта у фақат ўз (фойдаси) учун шукр қилади. Ким куфрони неъмат қилса, бас, албатта Парвардигорим беҳожат ва фазлу карам Эгасидир”.

Яъни, ким Аллоҳ берган неъматларга шукр қилса, Аллоҳ уларни янада кўпайтиради. Агар кимда-ким Парвардигори ато этган неъматларни инкор қилса, Аллоҳ махлуқотларидан беҳожат ва фазлу марҳамат соҳибидир.

Намл сурасида келган ушбу қизиқарли қисса қуйидаги воқеалар тафсилоти билан яқунланади. Аллоҳ таоло айтади:

“(Маликанинг келиши яқинлашиб қолгач, Сулаймон унинг фаҳм-фаросатини синаш учун) деди: “Унинг тахтини танимайдиган қилиб – ўзгартириб кўйинглар! У (ўз тахтини танишга) йўл топадими ёки йўл топа олмайдиган кимсалардан бўладими, кўрамиз”. Қачон у келгач: “Сенинг тахтинг шундайми?” дейилди. У (хайратга тушиб:) “Худди ўшанинг ўзи-ку”, деди. (Шунда Сулаймон алайҳиссалом айтди:) “Бизларга ундан илгари илм-маърифат берилиб, мусулмон бўлганмиз. Уни эса ўзи Аллоҳни кўйиб ибодат қилган нарса (Аллоҳга имон келтириб мусулмон бўлишдан) тўсган. Чунки у кофир қавмдан эди”. (Маликага:) “Саройга кир”, дейилди. Энди қачон (саройни) кўргач, уни сув (тўлқин) деб ўйлаб оёқларини очган эди, (Сулаймон:) “Бу ойнадан ясалган баланд қасрдир”, деди. (Шунда малика) айтди: “Парвардигорим, дарҳақиқат, мен (қуёшга сиғиниш билан) жонимга зулм қилибман. (Энди) Сулаймон билан бирга барча оламлар Парвардигори – Аллоҳга бўйсундим” (Намл сураси, 41-44-оятлар).

Билқис тахти Сулаймон ҳузурига келтирилгач, хизматкорларига:

– Маликанинг тахтини танимайдиган қилиб ўзгартиринглар. Кўрамиз, у ўз тахтини танирмикан ё беписандлик билан қарармикан! – деди.

Бундан мақсад малика Билқис ақлу заковатини синаш эди.

¹³⁸ Айтилишича, “Китобдан огоҳлиги бор зот”дан мурод Сулаймон алайҳиссаломнинг ўзидир. Бу ифритга хитобан айтилган. Ўё у тахтни келтиришни ваъда қилган вақт жуда секин бўлиб, уни енгил санаш маъносида: “Кўз очиб юмгунингча олдинга ўшу тахтни келтираман”, дейилаётгандек.

Бошқа қавлда, бундан мурод Жаброил алайҳиссалом дейилган. Аввалги қавл муфассирлар орасида машҳурдир.

Қачон у келгач: “Сенинг тахтинг шундаймиди?” дейилди. У (хайратга тушиб:) “Худди ўшанинг ўзи-ку”, деди.

Билқис Сулаймон алайҳиссалом хузурига етиб келгач, унга баъзи белгилари ўзгартирилган тахтини кўрсатди.

– Юртингда қолдириб келган тахтинг шундаймиди? – деди.

Фатонатли малика Сулаймон алайҳиссалом саволига шундай жавоб қилди:

– Бу худди менинг тахтимга ўхшар экан!

Билқис бунда тахтни ўзиники ё бошқа тахт эканини аниқ айтмади. Балки ўзининг тахтига ўхшашига шаъма қилди. Бу саволга муносиб жавоб эди.

(Шунда Сулаймон алайҳиссалом айтди:) **“Бизларга ундан илгари илм-маърифат берилиб, мусулмон бўлганмиз”.**

Баъзи муфассирларга кўра, бу Билқис сўзининг охиридир. Шунда унинг маъноси куйидагича бўлади: “Биз кўриб турган бу ҳолатдан олдин бизга Сулаймоннинг пайғамбарлиги ҳақида илм берилганди ва унинг амрига бўйсуниб мусулмон бўлган эдик”.

Баъзи муфассирлар фикрича, бу Сулаймон алайҳиссалом сўзидир. У ҳолда оятнинг маъноси шундай бўлади: “Билқис тўғри жавоб қилди. Ҳақни билди. Лекин Билқис Сабаъдан келишидан олдин бизга илм берилган эди ва биз Аллоҳга бўйсунган эдик”.

Бизнингча, бу Билқиснинг сўзидир. Сабаби, оятнинг сиёқидан малика айтган жумлага ўхшамокда.

“Уни эса ўзи Аллоҳни қўйиб ибодат қилган нарсаси (Аллоҳга имон келтириб мусулмон бўлишдан) тўсган. Чунки у кофир қавмдан эди”.

Бу ерда Билқисни Исломга киришдан тўсган нарса зикр қилинмоқда.

Яъни, маликани Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишдан қуёшга сиғиниши тўсиб турган эди. Бу аёл Аллоҳга куфр келтирувчи, Унинг неъматларига ношукрлик қилувчи қавмдан эди.

(Маликага:) **“Саройга кир”, дейилди. Энди қачон (саройни) кўргач, уни сув (тўлқин) деб ўйлаб оёқларини очган эди, (Сулаймон:) “Бу ойнадан ясалган баланд қасрдир”, деди.**

Сулаймон алайҳиссалом биллурга ўхшаш соф ойнадан улкан сарой қурдирган бўлиб, тагидан оқиб ўтаётган сув шундоқ кўриниб турарди.

Сулаймон Сабаъ маликаси Билқисга:

– Манави қасрга кир! – деди.

Малика саройнинг нақадар гўзаллиги ва улуғлигини кўриб, уни оқайтган дарё деб ўйлади ва этагим ҳўл бўлмасин, деб либосини кўтарди.

Сулаймон ундаги хайратни бироз босиш учун:

– Сен дарё деб ўйлаган нарса ойнадан барпо қилинган қасрдир. Бу остидаги сувни ўтказмайди.

(Шунда малика) айтди: **“Парвардигорим, дарҳақиқат, мен (қуёшга сиғиниш билан) жонимга зулм қилибман. (Энди) Сулаймон билан бирга барча оламлар Парвардигори – Аллоҳга бўйсундим”.**

Малика Билқис Аллоҳ таолонинг қудратига лол қолиб, шундай деди:

– Парвардигоро, мен шу вақтга қадар Сендан ўзгага ибодат қилиб нафсимга зулм қилдим. Энди Сулаймон билан оламлар Парвардигори Аллоҳ таолога бўйсундим!

Бу қисса ўзида жуда кўп ҳикмат ва ибратларни жамлаган. Қуйида уларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

1. Аллоҳ таоло Довуд ва Сулаймон алайҳимуссаломга пайғамбарлик, подшоҳлик ва кенг илм неъматларини ато этган. Улар бу неъматларга шукр қилиб, уларни яхшилик йўлида тасарруф қилишган.

2. Сулаймон алайҳиссалом давлати Аллоҳ таолога бўлган имон, илм ва кучли адолат асосига қурилган эди.

3. Сулаймон алайҳиссалом ер юзида Аллоҳга ибодат қилишни таъминлаш ва ширкдан поклаш учун юборилганди.

Худҳуд унга қуёшга сифинувчи қавм ҳақида хабар келтирганида, Сулаймон тезда уларга мактуб жўнатиб, Аллоҳгагина имон келтиришга, махлуқотларга сифинишдан воз кечишга чақирди.

4. Сулаймон алайҳиссалом қўл остидаги раиятини қаттиқ назорат қилиб турган, уларнинг ҳолидан хабардор бўлган, каттаю кичик ишларни бошқариб турган. Ҳатто минглаб қўшини орасидаги бир кичик қушнинг кўринмай қолганига эътибор қаратган.

5. Малика Билқис Сулаймон алайҳиссалом мактубини олганидан сўнг қавмининг ашрофларини бир жойга йиғиб, уларга маслаҳат солди. Улар малика Билқисга ишонишлари, бу борада ўзи билган ишни қилаверишни таъкидлашди.

6. Агар бир киши ҳадя берганда унинг мақсади ҳақни поймол қилиш ва ботилни юзага чиқариш бўлса, ундан ҳадяси қабул қилинмайди. Сулаймон алайҳиссалом Билқиснинг қимматбаҳо тухфасини ўзига қайтариб юборгани бунга мисолдир.

ЗАКАРИЁ ВА ЯҲЁ АЛАЙҲИМУССАЛОМ ҚИССАСИ

Закариё ва Яҳё алайҳисмусалом қиссаси Оли Имрон, Марям ва Анбиё сураларида келган. Закариё алайҳиссаломнинг исми Қуръони каримда етти марта, ўғли Яҳё алайҳиссаломники эса олти марта такрорланган.

Закариё алайҳиссалом Азан ибн Баркиёнинг ўғлидир. Унинг насл-насаби Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳимуссаломга бориб тақалади.

Закариё Исо ибн Марямга яқин бир даврда яшаган. Қуръони каримда айтилишича, Закариё Исо алайҳиссаломнинг онаси Марямнинг кафолатини олган. Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай деган: **“Бас, Парвардигори уни (яъни, Марямни) хуш қабул айлаб, чиройли парвариш этди ва унга Закариёни кафил қилди. Ҳар қачон Закариё (Марямнинг) олдига – хужрага кирганида унинг ҳузурида бир ризқ-рўз кўрди. У: “Эй Марям, бу нарсалар сенга қаёқдан келди?” деб сўраганида, (Марям:) “Булар Аллоҳ ҳузуридан дур. Албатта Аллоҳ Ўзи истаган кишиларга беҳисоб ризқ беради”, деб жавоб қилди”** (Оли Имрон сураси, 37-оят).

Ҳадиси шарифларда Закариё ва Яҳё алайҳимуссалом ҳақида қуйидагилар айтилган. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Закариё алайҳиссалом дурадгор эди” (Муслим ривояти).

Закариё алайҳиссалом қўл меҳнати билан тирикчилик қиларди. Одамлардан бирор нарса таъма қилмасди. Ҳадисда айтилганидек, бирон киши ўз меҳнати билан топган таомидан яхшироқ таомни емайди.

Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай деганлар: “Бирон киши: “Мен Яҳё ибн Закариё алайҳиссаломдан яхшироқман!” дейиши тўғри эмас, чунки у бирон марта ҳам гуноҳ қилиш ҳақида ўйламаган”.

Марям сурасининг илк оятларида Закариё алайҳиссалом ҳақида шундай дейилган:

“Эй Муҳаммад алайҳиссалом, ушбу қисса) Парвардигорингиз Ўз бандаси Закариёга қилган марҳаматининг зикри-қиссасидир. Эсланг, у Парвардигорига хуфёна дуо-илтижо қилиб, деган эди: “Парвардигорим, дарҳақиқат, менинг суякларим мўртлашди, кексаликдан сочим оқарди. Парвардигорим, Сенга дуо қилиб (ҳеч қачон) ноумид бўлган эмасман. Мен ортимда қоладиган қариндош-уруғларим (динимни зое қилиб юборишлари)дан хавфдаман. Хотиним туғмас бўлиб қолган. Энди Сен Ўз даргоҳингдан менга ва (бобом) Яъқуб хонадонига меросхўр (пайғамбар) бўладиган бир дўст (яъни, фарзанд) ҳадя эт ва уни (Ўз наздингда) рози бўлинадиган (солиҳ) кишилардан қил!” (Марям сураси, 2-6-оятлар).

Сураининг бошида Аллоҳ таоло Ўз суюкли Пайғамбарига хитоб қилиб:

– Эй Муҳаммад, Сизга зикр қилинаётган қисса Закариё алайҳиссаломга Аллоҳ тарафидан кўрсатилган марҳаматлардан бирининг баёнидир, – деган.

“Эсланг, у Парвардигорига хуфёна дуо-илтижо қилиб...”

Яъни, Закариё алайҳиссалом Биздан солиҳ зурриёт умидида махфий тарзда дуо-илтижо қилган вақтини эсланг.

Закариё алайҳиссалом дуони одамлардан яширинча қилганига сабаб, бу риёдан узоқ бўлиш учун яхши ва ихлосга яқиндир. Аллоҳ таоло Ўз Каломи мажидида махфий дуо қилишга амр қилган.

Кўринишидан, Закариё алайҳиссаломнинг бу дуоси Марям ҳузурида ризку рўзни кўрганидан кейин қилинган. Мана бу оят шунга далолат қилади: “Бас, Парвардигори уни (Марямни) хуш қабул айлаб, чиройли парвариш этди ва унга Закариёни кафил қилди. Ҳар қачон Закариё (Марямнинг) олдига – хужрага кирганида унинг ҳузурида бир ризқ-рўз кўрди. У: “Эй Марям, бу нарсалар сенга қаёқдан келди?” деб сўраганида, (Марям): “Булар Аллоҳ ҳузуридан дидир. Албатта Аллоҳ Ўзи истаган кишиларга беҳисоб ризқ беради”, деб жавоб қилди. Ўшанда Закариё Парвардигорига дуо қилиб: “Парвардигорим, менга ҳам Ўз ҳузурингдан покиза зурриёт – фарзанд ҳадя эт! Албатта Сен дуо-илтижоларни эшитувчисан”, деди” (Оли Имрон сураси, 37-38-оятлар).

Шундан кейин дуодан нима сўралгани айтилади:

“Парвардигорим, дарҳақиқат, менинг суякларим мўртлашди, кексаликдан сочим оқарди. Парвардигорим, Сенга дуо қилиб (ҳеч қачон) ноумид бўлган эмасман”.

Яъни, ё Аллоҳ! Мен қариб заифлашиб қолдим. Сочимга оқ оралади. Анча кексайиб қолдим. Умрим давомида Сенга дуо қилишдан умид узган эмасман. Сенинг раҳматингдан, дуоларимни ижобат қилишингдан умидворман! Ё Аллоҳ, аввалда дуоларимни қабул қилганингдек, илтижоларимни ижобат эт!

“Мен ортимда қоладиган қариндош-уруғларим (динимни зое қилиб юборишлари)дан хавфдаман. Хотиним туғмас бўлиб қолган. Энди Сен Ўз даргоҳингдан менга ва (бобом) Яъқуб хонадонига меросхўр (пайғамбар) бўладиган бир дўст (яъни, фарзанд) ҳадя эт ва уни (Ўз наздингда) рози бўлинадиган (солиҳ) кишилардан қил!”

Бу ерда “қариндош-уруғлари”дан мурод Закариё алайҳиссаломнинг амакиваччаларидир. Айнан улар Закариё вафотидан кейин ишини давом эттиришлари кутилаётганди. Аммо Закариё уларга ишонмас, ахлоқлари ёмонлиги сабабли, ўзидан кейин ҳолат қандай бўлишидан хавотирда эди.

Яъни, Закариё қалбидаги ғам-ташвишларини Аллоҳга арз қилиб, шундай деди:

– Ё Раббим! Ортимда қоладиган яқин қариндошларим мендан кейин дин ишларини зое қилишларидан, унинг ҳақларини адо қилолмасликларидан кўркаман. Хотиним эса бепушт. Бас, Ўз кудратинг-ла менга солиҳ фарзанд ато эт! У илм ва пайғамбарликда менга ва Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳимга гўзал сифатларда меросхўр бўлади. Парвардигоро, уни Ўз даргоҳингда рози бўлинадиган зотлардан қил!

Кўриниб турибдики, Закариё алайҳиссалом дунё истагида эмас, балки охират ғамида, дин ишларини давом эттириш ҳақида қайғуриб, Аллоҳ таолодан солиҳ фарзанд сўрамоқда.

Қуръони каримнинг бошқа бир сурасида келтирилишича, Аллоҳ таоло Закариё алайҳиссалом хотинидан бепуштлик дардини кетказиб, уни туғишга яроқли аёллардан қилиб қўяди. Аллоҳ шундай деган: “Закариёнинг: “Парвардигорим, мени ёлғиз ҳолда ташлаб қўйма, Ўзинг ворисларнинг энг яхшисан (яъни, ҳамманинг ортидан қолувчисан)”, деб нидо қилган пайтини (эсланг)! Бас, Биз унинг (дуосини) ижобат қилдик ва унга Яхёни ҳадя этдик ҳамда унинг учун жуфтини ўнглаб (туғмайдиган кампирни бола кўришга қодир қилиб) қўйдик. Дарҳақиқат, (мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат ва кўрқув билан дуо-илтижо қилардилар. Улар Бизга таъзим-итоат қилувчи эдилар” (Анбиё сураси, 89-90-оятлар).

Уламолар Яхё алайҳиссалом отаси Закариёга илм, пайғамбарлик ва Аллоҳ йўлига даъват ишларида меросхўр бўлганини таъкидлашган.

Қуйидаги оятларда Аллоҳ таоло Закариё алайҳиссалом дуосини ижобат қилиб, унга “Яхё” исмли ўғил башоратини бергани айтилади:

“(Аллоҳ айтди:) **“Эй Закариё, Биз сенга бир фарзанд хушхабарини берамизки, унинг исми “Яхё” бўлиб, Биз илгари унга бирон (кимсани) номдош қилган эмасмиз”.** (Закариё) деди: **“Парвардигорим, хотиним туғмас бўлиб қолган, ўзим эса кексаликнинг (умримнинг) ниҳоясига етиб қолган бўлсам, менда қандай фарзанд (бунёд) бўлсин?!”** (Аллоҳ) айтди: **“Шундай. Парвардигоринг айтадики, бу (иш) Менга осондир. (Ахир) Мен илгари ҳеч нарса бўлмаган пайтингда сени (ҳам) яратган эдим-ку!”.** **“Парвардигорим, мен учун бирон белги-аломат қилсанг”,** деди (Закариё). (Аллоҳ) айтди: **“Сенга белги шуки, соппа-соғ бўлган холингда уч кунгача одамларга гапира олмайсан”.** Бас, (Закариё) меҳробдан – ибодатхонадан ўз қавмининг олдига чиқиб, уларга эртаю кеч (Аллоҳга) тасбеҳ айтишни ишора қилди” (Марям сураси, 7-11-оятлар).

Аллоҳ таоло пайғамбари Закариё алайҳиссалом қалб тўридан отилиб чиққан дуосини қабул қилди ва унга ўғил фарзанд хушхабарини берди.

Бошқа оятда келишича, Закариё алайҳиссалом меҳробда намоз ўқиётганида фаришталар келиб, унга хушхабар беришган: “Сўнг меҳробда намоз ўқиб турган вақтида фаришталар унга нидо қилдилар: “(Эй Закариё,) Аллоҳ сенга Аллоҳнинг сўзини тасдиқ этадиган (ўз қавмига) хожа бўладиган, (ўзини шахватлардан) тиядиган

ва солих пайғамбарлардан бўладиган “Яҳё” исмли фарзанд хушхабарини беради” (Оли Имрон сураси, 39-оят).

“Биз сенга бир фарзанд хушхабарини берамизки, унинг исми “Яҳё” бўлиб, Биз илгари унга бирон (кимсани) номдош қилган эмасмиз”.

Яҳё алайҳиссаломдан олдин бирон киши бундай чиройли исм билан чақирилмаган эди. Инсоният тарихида илк бор Яҳё ибн Закариёга шу ном қўйилган.

(Закариё) деди: **“Парвардигорим, хотиним туғмас бўлиб қолган, ўзим эса кексаликнинг (умримнинг) ниҳоясига етиб қолган бўлсам, менда қандай фарзанд (бунёд) бўлсин?!”**

Қалбга сурур бағишловчи бу хушхабарни эшитган Закариё алайҳиссалом Аллоҳ таолога шундай хитоб қилди:

– Ё Раббим! Хотиним туғмас кампир бўлса, менинг ҳам ёшим ўтиб қолган. Қандай қилиб фарзандли бўламиз?!

“Закариё алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг ҳар нарсага қодирлигини била туриб нега бундай савол бермоқда?” деб сўраладиган бўлса, жавобимиз шу: Закариё буни ажабланиш маъносида айтмоқда. У киши қариган вақтида фарзанд хушхабаридан севинганидан шундай деган.

Нима бўлганда ҳам, Закариё алайҳиссалом Аллоҳнинг қудратига аниқ ишонган. Фақат ёши ўтиб қолгани ва аёлининг бепуштлигидан, фарзандли бўлиши ҳақидаги башоратни ҳайрат билан қабул қилган.

Аллоҳ таоло Закариё алайҳиссалом саволига қуйидагича жавоб берди:

“Шундай. Парвардигоринг айтадики, бу (иш) Менга осондир. (Ахир) Мен илгари ҳеч нарса бўлмаган пайтингда сени (ҳам) яратган эдим-ку!”

Яъни, аёлинг туғмас, ўзинг қариб қолган бўлсанг ҳам Менинг иродам такозо қилган ишнинг бўлишига ҳеч нарса тўсқинлик қилолмайди. Мен ҳар нарсага қодирман. Туғмас аёлдан фарзанд дунёга келтириш Бизга жуда осондир. Сени ҳам йўқдан бор қилган Мен эдим. Бас, сенга фарзанд беришга қодирман!

Бу ерда мантиқий далил келтирилиб, Аллоҳ қудрати чексиз эканига далолат қилинмоқда. Шу йўл билан Закариё алайҳиссалом кўнгли хотиржам қилиняпти.

Шунда Закариё алайҳиссалом Парвардигоридан қуйидаги нарсани сўради:

– **Парвардигорим, мен учун бирон белги-аломат қилсанг.**

Яъни, эй Раббим, менга башорат амалга ошишига далолат қилувчи бир аломатни кўрсат. Токи қалбим сурурга тўлсин, кўнглим хотиржам бўлсин. Хотиним бу болага ҳомиладор бўладиган вақтни билиб, Сенга кўпроқ шукр қилай, Сени тинимсиз зикр қилай.

(Аллоҳ) айтди: **“Сенга белги шуки, соппа-соғ бўлган ҳолингда уч кунгача одамларга гапира олмайсан”.**

Аллоҳ таоло Закариёга жавобан:

– Фарзанд берилиши аломати шуки, сен уч кеча-ю уч кундуз одамларга гапира олмайсан. Ваҳоланки, сенда соқовлик илллати бўлмайди. Фақат Бизнинг амримиз билан одатдан ташқари ҳолда маълум муддатга гапиришдан ожиз қоласан.

“Бас, (Закариё) меҳробдан – ибодатхонадан ўз қавмининг олдига чиқиб, уларга эртаю кеч (Аллоҳга) тасбеҳ айтишни ишора қилди”.

Бу ерда “меҳроб” деганда намоз ўқийдаган жой назарда тутилмоқда. Уларнинг масжидлари меҳроб дейилган. Сабаби, меҳробда шайтонлар билан жанг (ҳарб) қилинади.

Закариё алайҳиссалом намоз ўқиган жойидан чиқиб, одамларга:

– Туну кун Аллоҳга тасбеҳ айтинглар! – маъносида ишора қилди ёки ёзиб берди.

Марям сурасининг давомида Яҳё алайҳиссалом ҳақида ва унга берилган баъзи фазилатлар хусусида сўз боради. Аллоҳ таоло шундай дейди:

“*(Биз унга:) “Эй Яҳё, Китобни (яъни, Тавротни) маҳкам ушлагин”, (дедик) ва унга гўдаклик чоғидаёқ хикмат-маърифат ато этдик. Яна (унга) Ўз даргоҳимиздан меҳр ва (гуноҳлардан) поклик (ато этдик). У тақволи бўлди. У ота-онасига итоали – меҳрибон бўлиб, жабру ситам қилувчи, кулоксиз эмас эди. Унга туғилган кунда ҳам, вафот этадиган кунда ҳам, қайта тириладиган (қиёмат) кунда ҳам тинчлик-омонлик бўлади” (Марям сураси, 12-15-оятлар).*

Яҳё туғилиб, вояга етгач, Аллоҳ таоло унга ваҳий қилиб:

– Эй Яҳё, Тавротни маҳкам ушла! Унинг маъноларини тўғри тушун, ҳукмларига амал қил, одоблари билан зийнатлан! – деди.

Аллоҳ таоло Яҳёга болалигидаёқ Тавротни тушуниш ва унга амал қилиш салоҳиятини ато қилди.

Айтилишича, ўшанда Яҳё алайҳиссалом ўн етти ёшда бўлган.

Ривоят қилинишича, болалар Яҳё ибн Закариёга: “Юр, бирга ўйнаймиз”, дейишганида, Яҳё: “Биз ўйнаш учун яратилмаганмиз”, деб жавоб берган¹³⁹.

“Яна (унга) Ўз даргоҳимиздан меҳр ва (гуноҳлардан) поклик (ато этдик). У тақволи бўлди”.

Аллоҳ таоло Яҳё алайҳиссаломга шафқат, меҳр-мурувват, муҳаббат неъматини берганди. У инсонларга ғамхўр, яхшилик қилувчи эди. Яҳёнинг қалби покиза, Аллоҳ қайтарган ишларга хоҳиши йўқ, фитрати ўта пок инсон эди. Яҳё Аллоҳ амр қилган ва қайтарган ҳар бир ишда У Зотга итоат этувчи тақволи зотлардан бўлган.

“У ота-онасига итоали – меҳрибон бўлиб, жабру ситам қилувчи, кулоксиз эмас эди”.

Яҳё алайҳиссалом ота-онасига меҳрибон, уларга яхшилик қилувчи эди. У зинҳор мутакаббир, мақтанчоқ ва бебош бўлмаган.

Улуғ пайғамбар шаънига мақтовлар айтилганидан кейин унинг оқибати чиройли бўлиши хабар берилади:

“Унга туғилган кунда ҳам, вафот этадиган кунда ҳам, қайта тириладиган (қиёмат) кунда ҳам тинчлик-омонлик бўлади”.

Яъни, Яҳё алайҳиссаломга туғилган кунда, бу ўткинчи дунёни тарк этганида ва охиратда Аллоҳ тарафидан омонлик ва салом бўлади.

Бу уч вақтнинг зикр қилинишига сабаб, инсон мана шу уч даврда парваришга (яъни, кўмакка) муҳтож бўлади. Шу маънода Суфён ибн Уяйна шундай деганлар: “Киши уч хил ҳолатда жуда муҳтож бўлади:

1. Туғилган кунда. У аввал онаси қорнида эди, энди бўлса, у ерга тушиди.
2. Вафот этган кунда. У аввал кўрмаган одамларни кўради.
3. Қиёмат кунда. У ўзини улкан маҳшаргоҳда кўради”.

Оли Имрон сурасида Закариё ва Яҳё алайҳимуссалом ҳақида баъзи маълумотлар келтирилган. Аллоҳ таоло шундай дейди:

“Ўшанда Закариё Парвардигорига дуо қилиб деди: “Парвардигорим, менга ҳам Ўз ҳузурингдан покиза зурриёт – фарзанд ҳадя эт! Албатта Сен дуо-

¹³⁹ “Тафсиру ибни касир”, 3-жуз, 113-бет.

илтижоларимни Эшитувчисан”. Сўнг меҳробда намоз ўқиб турган вақтида унга фаришталар нидо қилдилар: “(Эй Закариё,) Аллоҳ сенга Аллоҳнинг Сўзини тасдиқлайдиган, (ўз қавмига) хожа бўладиган, (шаҳватлардан ўзини) тиядиган ва солиҳ пайғамбарлардан бўладиган Яхё исмли фарзанд хушxabарини беради”. “Парвардигорим, менга кексалик етган, хотиним туғмас бўлса, мендан қандай фарзанд бўлсин?!” деди (Закариё). (Аллоҳ) айтди: “Шундай, Аллоҳ истаган ишни қилади”. “Парвардигорим, мен учун (кампириим ҳомилали бўлганига) бирон белги – аломат қилсанг”, деди у. (Аллоҳ) айтди: “Сенга белги шуки, уч кун одамларга фақат имо-ишора билангина гапира оласан. Парвардигорингни мудом ёд қил ва туну кун У Зотга тасбеҳ айт!” (Оли Имрон сураси, 38-41-оятлар).

Закариё алайҳиссалом Марям билан учрашган покиза маконда ундаги фазилятлар ва ажойиб нарсаларни кўриб, Закариёнинг оталик меҳри жўшиб кетди. Ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да, кўлини самога кўтариб, солиҳ фарзанд сўраб Аллоҳга дуо-илтижо қилди.

Закариёнинг таъсирчан дуоси Қуръони каримда мана бундай келтирилган:

“Парвардигорим, менга ҳам Ўз хузурингдан покиза зурриёт – фарзанд хадя эт! Албатта Сен дуо-илтижоларимни Эшитувчисан”.

Яъни, Парвардигоро! Сен мени яратгансан, барча нарсага қодирсан. Менга кўзимни қувонтирадиган, ортимда қолиб ўрнимни эгаллайдиган солиҳ фарзанд бер! Ё Аллоҳ, дуойимни эшитувчисан, Ўзингга дуо қилувчиларга ижобат этувчисан. Ўз фазлинг билан дуойимни қабул эт, Парвардигорим!

Шундай қилиб Закариё алайҳиссалом Аллоҳдан умид қилиб, дунё ва охирада яхшилик келтирувчи солиҳ фарзанд сўради.

Имом Қуртубийга кўра, ушбу оят фарзанд сўрашга далолат қилади. Бу пайғамбарлар ва сиддиқлар суннатидир. Кўп ҳадисларда инсонга дунёда ва охирада манфаат келтирувчи фарзанд сўрашга даъват қилинган. Ҳадиси шарифларнинг бирида айтилишича, банда вафот этганида амали тўхтайди. Лекин уч тарафдан савоб келиб туради. Ана ўшалардан бири ҳақиқа дуо қиладиган солиҳ фарзанд экани айтилган¹⁴⁰.

Закариё алайҳиссалом хушу билан қилган дуоси натижаси қандай бўлди? Суранинг давомида шу ҳақида баён қилинган:

“Сўнг меҳробда намоз ўқиб турган вақтида унга фаришталар нидо қилдилар: “(Эй Закариё,) Аллоҳ сенга Аллоҳнинг Сўзини тасдиқлайдиган, (ўз қавмига) хожа бўладиган, (шаҳватлардан ўзини) тиядиган ва солиҳ пайғамбарлардан бўладиган Яхё исмли фарзанд хушxabарини беради”.

Закариё меҳробда Парвардигорига муножот қилаётганди. Шу пайт фаришталар келиб, Аллоҳ унга “Яхё” исмли ўғил фарзанд бериши ҳақидаги хушxabарни етказди.

Оятнинг арабий матнига эътибор берсак, Аллоҳ таоло Закариё алайҳиссалом дуосини жуда қисқа фурсатда ижобат қилгани маълум бўлади¹⁴¹.

Бир гуруҳ муфассирларга кўра, Закариё алайҳиссаломга башорат берган фаришта Жаброил алайҳиссаломдир. Лекин бошқалар оятнинг зоҳирий маъносидан келиб чиқиб, Закариё ва хотинига бир гуруҳ фаришталар томонидан хушxabар етказилганини таъкидлашган.

¹⁴⁰ “Тафсирул куртубий”, 4-жуз, 72-бет.

¹⁴¹ (Оятнинг арабча матнида “фанаадатху” деб келган. – таржимон).

Оятда Яхё алайҳиссалом сифати куйидагича келтирилган:

“Аллоҳнинг Сўзини тасдиқлайдиган, (ўз қавмига) хожа бўладиган, (шаҳватлардан ўзини) тиядиган ва солиҳ пайғамбарлардан бўладиган...”

Аллоҳнинг Сўзини тасдиқлаш Яхё алайҳиссаломнинг биринчи сифатидир. Уламолар буни тушунтиришда икки хил фикрдалар:

1. Жумхур уламоларга кўра, оятдаги “Аллоҳнинг Сўзи”дан мурод, Исо алайҳиссаломдир. Чунки Исо Аллоҳнинг Сўзи деб сифатланган. Закариё Исони тасдиқлаган ва у Аллоҳнинг пайғамбари эканига имон келтирган.

2. Бошқа уламоларга кўра, оятдаги “Аллоҳнинг Сўзи”дан мурод, У Зотнинг Китобидир.

Бизнингча, биринчи қавл тўғри бўлса керак. Сабаби, Қуръони каримнинг бир канча жойида Исо алайҳиссалом Аллоҳнинг сўзи деб васф қилинган. Аллоҳ таоло шундай деган: “Эй аҳли китоб, (Исони худо дейиш билан) динингизда ҳаддингиздан ошманг! Аллоҳ шаънига фақат ҳақ сўзни айтинг! Албатта Масиҳ Исо ибн Марям фақат Аллоҳнинг пайғамбари ва Унинг Марямга ташлаган Сўзи ҳамда Унинг томонидан бир руҳ (соҳибидир), холос. Бас, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарларига имон келтиринг!” (Нисо сураси, 171-оят).

Яхё алайҳиссаломнинг иккинчи сифати қавмига хожа бўлишидир. Бундан мурод, унинг шараф, тақво ва ифбатни сақлашда бошқалардан устунлиги. Яхё нафсига ҳоким бўлиш билан шундай мақомга эришган.

Яхё ибн Закариё алайҳиссаломнинг учинчи сифати шаҳватлардан ўзини сақловчи эканидир. Яъни, Яхё алайҳиссалом уйланишга қодир бўла туриб аёллардан узок юргани, иффатини сақлагани айтилган.

Қози Иёзга кўра, бу Яхё алайҳиссаломнинг гуноҳлардан масъум эканини, биронта ҳам гуноҳ иш қилмаганини билдиради.

Уламолар Яхё алайҳиссалом уйланишга қодир бўлгани, унда ҳеч қандай айб-нуқсон бўлмаганини таъкидлашган. Ёдингизда бўлса, Закариё алайҳиссалом Аллоҳдан солиҳ зурриёт, ишларини давом эттирувчи ўғил сўраган эди. Бу Закариё алайҳиссалом ҳақида айтилган ҳар қандай нолойиқ гапларни аритади ва унинг соғлом ва шаҳватлардан ўзини тийиб юрганини исботлайди.

Яхё алайҳиссаломнинг тўртинчи сифати солиҳлардан бўлган пайғамбарлигидир.

Закариё алайҳиссаломга келажакда солиҳ пайғамбарлардан бўладиган бир ўғил башорати берилди. Мана шу сифат энг улуғидир. Сабаби, пайғамбарлик мартабасига биронта фазилат тенг келолмайди.

Фаришталар Закариё алайҳиссаломга ўғил фарзанд башоратини етказганларида, пайғамбар шундай деди:

– Парвардигорим, менга кексалик етган, хотиним туғмас бўлса, мендан қандай фарзанд бўлсин?!

Яъни, эй Парвардигорим, мен қариб заифлашиб қолган бўлсам, устига-устак хотиним туғмас бўлса, қандай қилиб фарзандли бўламан?! – деди.

Закариё алайҳиссалом буни инкор қилиш маъносида айтмаган. Балки башоратдан таажжубга тушган. Пайғамбарлар Аллоҳнинг қудратига зинҳор шубҳа қилишмаган.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу шундай дейди: “Закариёга Яҳё ҳақида башорат берилганида унинг ёши бир юз йигирмага етганди. Хотини эса ўшанда тўксон саккиз ёшда бўлган¹⁴²”.

Аллоҳ тарафидан Закариё қалбига хотиржамлик соладиган жавоб қилинди:

“Шундай, Аллоҳ истаган ишни қилади”.

Яъни, Аллоҳ хоҳлаган ишини қилади. Хоҳласа, ёши ўтиб, фарзанд кўришдан умидини узганларга фарзанд беради. Зеро, Аллоҳ сабабларни яратади. Борлиқда бирон нарса Аллоҳни ожиз қолдиролмайди. У Зот ҳар нарсага қодирдир. Одамлар орасида одат бўлган нарсаларни ўзгартириш Аллоҳ учун қийин эмас.

Шунда Закариё алайҳиссалом башорат юзага чиқишига далолат қилувчи бирон белги кўрсатишни сўради:

“Парвардигорим, мен учун (кампириим ҳомилали бўлганига) бирон белги – аломат қилсанг”.

Яъни, Закариё Парвардигорига муножат қилиб:

– Раббим! Сендан хотиним ҳомиладор бўлганига далолат қилувчи бирон аломат кўрсатишингни сўрайман. Мақсадим менга берадиганинг улуғ неъматнинг шукрини адо этиш ва ҳақларини тўлиқ бажариш, – деди.

Аллоҳ таоло Закариё алайҳиссалом сўровига жавобан шундай марҳамат қилди:

“Сенга белги шуки, уч кун одамларга фақат имо-ишора билангина гапира оласан. Парвардигорингни мудом ёд қил ва туну кун У Зотга тасбеҳ айт!”

Яъни, эй Закариё, сенга аломат шуки, тилингда бирон камчилик бўлмаган ҳолда уч кун одамларга гапира олмайсан. Уларга имо-ишора билан фикрингни тушунтирасан. Эй Закариё, одамларга гапиришдан ожиз бўлганингда, сенга берилган ҳисобсиз неъматларга шукр сифатида Аллоҳга туну кун тасбеҳ айт!

Закариё алайҳиссаломга буюрилган мана шу иш ҳар бир оқил банда учун ҳам хосдир. У туну кун Аллоҳ таолони зикр қилиши, тасбеҳлар айтиши, тил шукрини адо этиши керак. Зеро, Аллоҳнинг зикри билан қалблар ором олади, диллар таскин топади. Парвардигорини эслаган одам хотиржам бўлади. Зикруллоҳ гуноҳ ва нуқсонларга каффорат бўлади.

Ривоят қилинишича, Закариё алайҳиссалом уч кун одамларга гапира олмаган. Унинг тили фақат Аллоҳни зикр қилиш, Унга тасбеҳ айтиш билан машғул бўлган.

“Ал-кашшоф”да келтирилишича, Закариё алайҳиссалом тили уч кун гапиришдан ман қилинишига сабаб, Закариё шукр қилиш учун Аллоҳдан аломат сўраганида, Аллоҳ унинг тилини фақат шукр билан ҳаракатланадиган қилиб қўйган¹⁴³.

Юқоридаги оятларда Закариё алайҳиссалом ҳаётининг бир қисми ҳақидаги қисса келтирилди. Бу қисса ибрат ва насиҳатларга тўла. Уни ўқиб, мушоҳада қилган банда ўзи учун кўп манфаатлар олади.

Анбиё сурасида Закариё алайҳиссалом Аллоҳ таолога қилган дуою илтижоси келтирилган. Аллоҳ таоло айтади:

“Закариёнинг: “Парвардигорим, мени ёлғиз ҳолда ташлаб қўйма. Ўзинг ворисларнинг яхшироғисан”, деб нидо қилган пайтини (эсланг)! Бас, Биз унинг (дуосини) мустажоб қилдик ва унга Яҳёни ҳадя этдик ҳамда унинг учун жуфтини ўнглаб қўйдик. Дарҳақиқат, улар (яъни, мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни

¹⁴² “Тафсирул фахрив розий”, 8-жуз, 42-бет.

¹⁴³ “Тафсирул кашшоф”, 1-жуз, 361-бет.

қилишга шошар ва Бизга умид ва кўрқув билан дуо-илтижо қилардилар. Улар Бизга таъзим-итоат қилувчи эдилар” (Анбиё сураси, 89-90-оятлар).

Яъни, эй банда, Закариё алайҳиссалом Парвардигорига нидо қилиб:

– Раббим! Мени зурриётсиз қолдирма! Сен энг яхши боқий қолувчисан, – деб дуо-илтижо қилган вақтини эсла!

Закариё алайҳиссаломнинг хулуси ният ва сидқидилдан самога кўтарилган кўли бўш қайтмади. Аллоҳ таоло унинг дуосини қабул қилди:

“Бас, Биз унинг (дуосини) мустажоб қилдик ва унга Яхёни ҳадя этдик ҳамда унинг учун жуфтгани ўнглаб кўйдик”.

Яъни, Биз Закариёнинг дуосини ижобат қилдик ва фазлу марҳаматимиз билан унга ўғли Яхё алайҳиссаломни ато этдик. Закариёнинг аёли туғмас эди. Биз уни фарзанд кўришга лаёқатли қилиб кўйдик. Бу уларга кўрсатган марҳаматимиздир.

“Дарҳақиқат, улар (яъни, мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга умид ва кўрқув билан дуо-илтижо қилардилар. Улар Бизга таъзим-итоат қилувчи эдилар”.

Бу ерда нима сабабдан марҳамат кўрсатилгани келтирилмоқда.

Яъни, Биз аввалги пайғамбарларга, жумладан, Закариё ва Яхё алайҳимуссаломга турфа неъматларни бердик. Чунки улар Бизни рози қиладиган яхшилиқларга шошилар, Биз буюрган ишларни қилишга жидду жаҳд қилишарди. Улар Бизга қалбдан дуо-илтижо қилишар, раҳматимиздан умид қилиб, азобимиздан кўрққан ҳолда Бизга юқинишарди. Улар ўзларини хокисор тутишарди. Зинҳор кибру ҳаво қилишмас эди.

Ўтмишда ўтган пайғамбарлар саналган мана шу сифатлар сабабидан Аллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлишди.

Куйида Закариё ва Яхё алайҳимуссалом қиссасидан олинадиган ибратли жиҳатларни қисқача баён қиламиз:

1. Ақлли кишилар Парвардигор азда ва жаллага дуо қилиб, рушду ҳидоятли, Аллоҳга ихлос билан ибодат қиладиган солиҳ фарзанд сўрайдилар.

Закариё алайҳиссалом Аллоҳга холис дуо қилиб, илм, фазилат ва пайғамбарликда ортидан ўринбосар бўлувчи солиҳ фарзанд ато этишини сўради. Сабаби, қариндошлари орасида ҳақдан тойилишни кўрган, улар Аллоҳ фарз қилган амалларни бажаришда сусткашликка йўл кўяётгандилар.

Эслатиб ўтиш лозимки, Закариё алайҳиссалом ўз нафси учун, мақтаниш, одамлар орасида ғурурланиш учун сўрамади фарзандни. Балки Аллоҳ дини йўлида хизмат қилиши, мақталган одоб-ахлоқни ҳимоя қилиб, одамлар орасини ислоҳ қилиш учун фарзанд талабида бўлди.

2. Аллоҳ таоло ҳар бир ишга қодирдир. Банда бўлиши мумкин эмас, деб ўйлаган ишларни-да қилишга қодирдир Аллоҳ. Мисол учун, Закариё алайҳиссалом ёши бир жойга бориб қолган, заифлашган, устига-устак хотини ҳам туғмас кампир ҳолида Аллоҳ уларга Яхё алайҳиссаломни берди. Бу башоратдан ҳайратга тушган пайғамбарга Аллоҳ Закариёни ҳам йўқдан бор қилгани, У Зот истаган ишини қила олишини билдирди.

3. Покиза қалбдан чиққан дуонинг ижобатидан умид қилинади. Буни Закариё алайҳиссалом мисолида кўриш мумкин. У зот тазарру билан кўлини кўкка кўтариб, Аллоҳ таоло раҳматидан умид қилган ҳолда Парвардигорига илтижо этди. Натижада, Аллоҳ пайғамбари дуосини ижобатсиз қолдирмади, уни ноумид қилмади. Ҳа, Закариё

алайҳиссалом ва ундан аввалги пайғамбарлар яхши амалларга шошилар, Парвардигорига умид ва қўрқув билан дуо қилардилар. Улар ибодатда хушу қилар эдилар, зинҳор кибрланмасдилар. Аллоҳ берган неъматлар шукрини адо қилишарди. Шу сабабли, Аллоҳ уларни ҳисобсиз неъматлар билан сийлаган.

АЙЮБ, ЮНУС, ИЛЁС, АЛ-ЯСАЪ ВА ЗУЛКИФЛ АЛАЙҲИМУССАЛОМ ҚИССАСИ

Қуръони каримда Нух, Иброҳим ва Мусо алайҳимуссалом қиссалари мукамал тарзда баён этилган. Илёс, Идрис, Ал-Ясаъ алайҳиссаломлар ҳақида эса қисқа маълумотлар келтирилган. Бунинг сабаби ва ҳикмати Аллоҳ таологагина аён. У Зот бизга манфаатли бўлган қиссаларни баён қилган. Бизнинг вазифамиз эса уларни ўқиб, ибрат олишдир.

Аллоҳ таоло хабар беришича, У Зот одамларни тўғри йўлга бошлаш учун жуда кўп пайғамбарларни ер юзига юборган. Улар ичидан баъзиларининг хабарини бизга маълум қилган. Баъзи пайғамбарлар ҳақида эса хабар бермаган.

Аввал Айюб алайҳиссалом қиссаси кўриб чиқамиз. Сод сурасида мазкур пайғамбар ҳаётининг бир жиҳати ҳақида сўз юритилган. Аллоҳ таоло айтади:

“(Эй Муҳаммад,) бандамиз Айюбнинг Парвардигорига нидо қилиб: “Дарҳақиқат, мени шайтон бало ва азоб билан ушлади”, деган пайтини эсланг! (Шунда унга айтилди:) “Оёғинг билан (остингдаги ерни) тепгин!” Мана шу чўмиладиган жой ва муздек сувдир. Ва Биз Ўз томонимиздан меҳрибонлик кўрсатиб ҳамда ақл эгалари учун эслатма-ибрат бўлсин деб, (Айюбга) аҳли оиласини ва улар билан қўшиб, яна ўшаларнинг мислича (бола-чақа) ҳадя этдик. (Яна Биз Айюбга айтдик:) “Қўлингга бир боғ (навдани) олиб, у билан (хотинингни) ур – қасамингни бузма”. Дарҳақиқат, Биз (Айюбни) сабр қилувчи ҳолда топдик. У нақадар яхши бандадир. Ҳақиқатан, у (Аллоҳ рози бўладиган йўлга) қайтувчидир” (Сод сураси, 41-44-оятлар).

Айюб алайҳиссалом, бу Ибн Амвас ибн Барзоҳдир. Унинг насл-насаби Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссаломга бориб тақалади. Рожих (энг афзал, энг тўғри) қавлга кўра, Айюб алайҳиссалом Мусо ва Юсуф алайҳимуссалом орасида пайғамбар қилиб юборилган.

Айюбнинг молу дунёси жуда кўп, ўзи эса серфарзанд киши бўлган. Аллоҳ таоло уни моли, фарзандлари ва танасида имтиҳон қилди. Айюб бу синовларга жуда чиройли сабр қилди. Аллоҳ унинг сабри эвазига Айюбни мукофотлади. Унинг дуосини қабул қилди ва аввалгидек молу давлат ва фарзандлар ато этди.

“(Эй Муҳаммад,) бандамиз Айюбнинг Парвардигорига нидо қилиб: “Дарҳақиқат, мени шайтон бало ва азоб билан ушлади”, деган пайтини эсланг!”

Яъни, эй мухтарам Пайғамбар, биродарингиз Айюб алайҳиссалом Парвардигори таолога дуо қилиб:

– Ё Раббим! Сенга маълумки, шайтон мени қаттиқ ғам-қайғу ва тинимсиз оғриқлар билан ушлади. Бунинг оқибатида танам касалликка чалинди, дармонсизланди! – деб тазарру қилган вақтини эсланг.

Айюб алайҳиссалом бу ерда бало ва азобни шайтонга нисбат бермоқда. Бу билан ёмонликларни Парвардигорига хосламасдан, барча яхшиликлар Аллоҳ таолодан эканига ишора қилмоқда.

Мана шу дуода жуда юксак одоб намунаси бор. Зеро, Айюб алайҳиссалом ҳолини биргина сўз билан баён қилмоқда. Бошқа нарсаларни айтиб шикоят қилмаяпти. Шу билан бирга Аллоҳ таолодан муайян бир нарсани талаб қилаётгани ҳам йўқ. Фақатгина ўзининг ҳолатини маълум қилмоқда, холос. Айюб алайҳиссалом шундай йўл тутмоқдаки, уни эшитганда Айюбга раҳм қилинади. Мана шу маънода бошқа оятда шундай дейилган: “Айюбнинг Парвардигорига нидо қилиб: “(Парвардигорим,) мени бало ушлади. Ўзинг раҳм-шафқат қилувчиларнинг раҳмлироғисан”, деб илтижо қилган пайтини (эсланг!)” (Анбиё сураси, 83-оят).

Баъзи муфассирлар зикр қилишича, Айюб алайҳиссалом узоқ вақт касал бўлиб ётади. Бутун танасини қуртлар илма-тешиқ қилиб ташлайди. Танасида биронта ҳам соғ жой қолмайди.

Лекин бу маълумотлар ҳақиқатдан йироқдир. Ҳаммаси беҳуда гаплар. Чунки Аллоҳ таоло пайғамбарларни одамлар жирканадиган касалликлардан пок қилган. Бу танадаги ё руҳий касалликлар бўлишининг фарқи йўқ. Анбиёлар бундай камчиликлардан саломатдирлар.

Биз шундай эътиқодда бўламиз, Аллоҳ таоло пайғамбари Айюб алайҳиссаломни баъзи касалликлар билан синаган. Аммо бу одамлар нафратланадиган дард бўлмаган. Бундай иллатлар пайғамбарлик мақомига умуман тўғри келмайди. Айюб алайҳиссалом Аллоҳнинг синовларига мардонавор сабр қилган ва сабр бобида зарбулмасал бўлган. Ирода кўрсатгани боис Аллоҳ пайғамбаридан балоларни кўтариб, унга яна аввалги мол-дунё ва фарзандларни ато этди. Сабр қилишнинг мукофоти мана шундай бўлади.

“(Шунда унга айтилди:) “Оёғинг билан (остингдаги ерни) тепгин! Мана шу чўмиладиган жой ва муздек сувдир”.

Айюб алайҳиссалом бошига мусибат тушганида, Аллоҳ таолога илтижо қилиб, раҳмат ва шифо сўради. Шунда Парвардигори унинг дуосини қабул қилди ва шифо бўладиган нарсага йўлланди:

– Оёғинг билан ерни тепгин! – дедик.

Айюб шундай қилган эди, оёғлари остидан чашма отилиб чиқди. Шунда Аллоҳ таоло унга:

– Мана шу булоқ сувида чўмилсанг ва сувидан ичсанг, дарддан фориғ бўласан, – деди.

Айюб Парвардигори амрини бажо қилганида барча иллатлардан саломат бўлди.

Аллоҳ таоло пайғамбарига кўрсатган марҳамати фақат унинг дардига даво бериш эмас, балки Аллоҳ унга аҳли оиласини ҳам ато этди:

“Ва Биз Ўз томонимиздан меҳрибонлик кўрсатиб ҳамда ақл эгалари учун эслатма-ибрат бўлсин деб, (Айюбга) аҳли оиласини ва улар билан қўшиб, яна ўшаларнинг мислича (бола-чақа) ҳадя этдик”.

Айюб оёғи остидан отилиб чиққан булоқ сувида чўмилгач соғайиб кетди. Кейин Аллоҳ унга аввалгидек фарзандлар ато этди. Балки уларнинг сони олдингисидан ҳам кўпайиб кетди.

Бу Аллоҳнинг марҳаматидир. Бунда ақл эгалари учун ибрат бор. Улар мусибат чоғида Айюбга каби сабр қилсалар, Аллоҳга дуою илтижолар қилсалар, У Зотнинг раҳматига, улуғ мукофотларга ноил бўладилар.

Жумхур уламоларга кўра, Аллоҳ таоло Айюб оиласидан вафот этганларни тирилтириб, касалларига шифо берган. Тарқалиб кетган бошқа фарзандларини жам қилган. Бу мукофотлар Айюб алайҳиссаломга мана шу дунёда берилган¹⁴⁴.

(Яна Биз Айюбга айтдик:) **“Қўлингга бир боғ (навдани) олиб, у билан (хотинингни) ур – қасамингни бузма”**.

Бу ҳақда кўп ривоятлар зикр қилинган. Улардан бирида айтилишича, Айюб алайҳиссалом хотинини юмуш билан бир жойга юборган. Хотини вақтида келмаган, анча кеч қолган. Шунда Айюб алайҳиссалом дарддан соғайиб кетса, хотинини юз дарра уришга қасам ичган. Айюб алайҳиссалом касалликдан фориғ бўлгач, Аллоҳ таоло унга юзта навдадан иборат бир қамчи олиб, хотинини бир марта енгил уришга рухсат берган. Шу билан Айюб ичган қасамига вафо қилган, касаллик чоғида қошида парвонадек хизмат қилган хотинига ҳам шафқат қилинган.

Уламолар бу рухсат ҳақида икки хил фикр билдирганлар. Баъзилар: “Агар бир киши фалончини юз марта ураман, деб қасам ичса, оятда айтилганидек йўл тутса бўлади. Сабаби бизлардан олдингилар шариати бизлар учун ҳам шариатдир”, дейишган. Қолганлар: “Бу рухсат фақат Айюб алайҳиссаломга тегишли. Бошқаларга унинг дахли йўқ. Сабаби бу ерда фақат Айюбга хитоб қилинмоқда. Аллоҳ бу оятда қандай қасам ичишни, кимни калтаклашни баён қилмаган”, деб айтишган¹⁴⁵.

Шундан сўнг Айюб алайҳиссалом сабр қилгани учун унга йўл очилгани, Аллоҳ рози бўладиган амалларни бажаргани туфайли нажот берилгани айтилади:

“Дарҳақиқат, Биз (Айюбни) сабр қилувчи ҳолда топдик. У нақадар яхши бандадир. Ҳақиқатан, у (Аллоҳ рози бўладиган йўлга) қайтувчидир”.

Яъни, Биз Айюб алайҳиссалом бошига тушган балоларни сабрли эканини кўрдик. У қандай ҳам яхши банда! Айюб ҳар қандай ҳолатда Бизга дуо-илтижо қилувчидир!

Анбиё сурасида Айюб алайҳиссалом ҳақида бошқа маълумотлар келтирилган. Аллоҳ таоло айтади:

“Айюбнинг¹⁴⁶ Парвардигорига нидо қилиб: “(Парвардигорим,) мени бало ушлади. Ўзинг раҳм-шафқат қилувчиларнинг раҳмлироғисан”, деб илтижо қилган пайгани (эсланг)! Бас, Биз унинг (дуосини) мустажоб қилиб, ундаги зиён-захматни кетказдик ҳамда Ўз ҳузуримиздан меҳрибонлик кўрсатиб ва барча ибодат қилувчиларга эслатма-ибрат бўлсин, деб (Айюбга) аҳли-оиласини ва улар билан қўшиб яна ўшаларнинг мислича (бола-чақа) ато этдик” (Анбиё сураси, 83-84-оятлар).

Аллома Ибн Касир бундай дейди: “Аллоҳ таоло Айюб алайҳиссалом бошига тушган мусибатлар, унинг моли, фарзандлари ва танасига етган шикастларни зикр қилмоқда. Айюб алайҳиссаломнинг жуда кўп чорвалари, мол-ҳоллари, деҳқончилик қиладиган ерлари бор эди. Фарзандлари ҳам кўп эди. Аллоҳ уни буларнинг барчасида

¹⁴⁴ “Тафсирул алусий”, 2-жуз, 207-бет.

¹⁴⁵ “Тафсирул куртубий”, 15-жуз, 212-бет.

¹⁴⁶ Айюб алайҳиссалом асли Рум мамлакатидан бўлиб, серфарзанд ва бой-бадавлат киши эди. Сўнгра бошига оғир кунлар тушиб, мол-дунёсидан ажралди, лекин қаноат қилди; болалари бирин-кетин ҳалок бўлишиб, улардан ҳам жудо бўлди, сабр қилди; саломатлигидан ажраб, оғир хасталикларга дучор бўлди, шикоят қилмади. Айрим кимсалар: “Бу энг ёмон гуноҳларни қилганки, Худо унга шундай балоларни юборган”, деганларини эшитгандан кейингина сабр косаси тўлиб, Аллоҳ таолога илтижо қилиб, ўз қолидан шикоят қилган ва Ҳақ таолога пайғамбарининг дуоларини ижобат қилиб, саломатлигини ҳам, мол-давлатини ҳам қайтариб берган. Ҳалок бўлган етти ўғил, етти қизларини ҳам ато этиб, яна етти ўғил ва етти қиз кўрган.

Мазкур оятдаги “барча ибодат қилувчиларга эслатма-ибрат бўлсин”, деб деган сўзларнинг маъноси шуки, бошларига бирон бало тушган кишилар Айюб алайҳиссалом каби сабр-қаноат қилсалар, албатта Аллоҳ таоло уларнинг балоларини кетказиб, аввалгидан ҳам зиёда неъматлар ато этади (Шайх Алоуддин Мансур, “Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”).

синади. Биронта ҳам молу мулки қолмади. Кейин Айюбнинг танасига ҳам мусибат юборди. Унинг хотинидан бошқа меҳрибон инсони қолмади. Аллоҳнинг пайғамбари Айюб сабр бобиди ибратдир. Унинг бардоши зарбулмасал бўлган¹⁴⁷”.

Алусийнинг айтишича, Айюб, бу Ибн Амвас ибн Барзоҳ ибн Ийс ибн Исҳоқ алайҳиссаломдир. Ибн Асокир ҳикоя қилишича, унинг онаси Лутнинг қизи бўлган. Отаси эса Иброҳим алайҳиссаломга имон келтирганлардан эди. Шундан маълум бўладики, Айюб Мусо ва Ҳорун алайҳимуссаломдан олдин пайғамбар қилиб юборилган¹⁴⁸.

Юқоридаги оятларда айтилишича, Айюб алайҳиссалом Аллоҳга илтижо қилиб, танасига етган озорлардан шикоят қилган ва Аллоҳнинг раҳматидан умид қилган.

Кўриниб турибдики, Айюб алайҳиссалом “(Парвардигорим,) мени бало ушлади. Ўзинг раҳм-шафқат қилувчиларнинг раҳмлироғисан”, дейишдан нарига ўтмаган ва Аллоҳни энг улуғ сифатлар билан васф қилган. Бу унинг одоби ва ихлосидан дарак беради.

Аллоҳ таоло пайғамбари Айюбнинг ихлос билан қилинган дуосини ижобат этди ва унинг танасидаги балоларни даф қилди. Айюб аввалгидек соғ-саломат ҳолига қайтди.

Устига-устак Аллоҳ унга аввалгидек молу давлат ва фарзандлар ҳам ато қилди. Айюб сабр қилгани учун Аллоҳ уни мукофотлади.

Ибн Мардавайҳ ва Ибн Асокир Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анҳудан нақл қилишича, Аллоҳ Айюб алайҳиссаломга хотинини қайтариб берди, хотини янада ёшариб кетди. Ҳатто унга йигирма олти нафар ўғли фарзанд туғиб берди.

Қатодадан ривоят қилинишича, Аллоҳ Айюбнинг мусибат чоғида ҳалок бўлган болаларини тирилтириб, дунёда уларнинг сонича яна фарзанд ато этган¹⁴⁹.

“Ўз ҳузуримиздан меҳрибонлик кўрсатиб ва барча ибодат қилувчиларга эслатма-ибрат бўлсин, деб...”

Яъни, Биз Айюбнинг дуосини қабул қилдик, унга кўп яхшиликлар ато этдик. Бу Бизнинг раҳматимиздир. Бунда ибодат қилувчи мўминлар учун ибратлар бордир. Улар ҳам мусибатларга Айюб сингари бардошли бўлсинлар, яхши ва ёмон кунларда Бизга шукр қилсинлар!

Аллоҳ таоло ибодат қилувчиларни хослаб зикр қилишига сабаб, одамлар ичида ибодатли мўминлар бошқалардан кўра синовларга кўпроқ учрайдилар. Ҳадиси шарифда айтилганидек: “Энг қаттиқ балога учрайдиганлар пайғамбарлар, кейин солиҳлар, ундан кейин шунга ўхшаш, шунга ўхшаш (кишилардир)”.

Юнус алайҳиссалом қиссаси турли оятларда келтирилган. Жумладан, Соффот сурасида шундай дейилади:

“Юнус ҳам шак-шубҳасиз, пайғамбарлардан эди. Эсланг, у тўла бўлган кемага қараб қочган эди. Бас, у (кемадагилар билан) қуръа ташлашиб мағлуб бўлгач, (уни денгизга улоқтирдилар). Бас, уни маломатга лойиқ бўлган ҳолида бир наҳанг балиқ ютиб юборди. Энди агар у (Аллоҳга доимо) тасбеҳ айтувчилардан бўлмаса эди, албатта (балиқ) қорнида то қайта тириладиган кунгача қолиб кетган бўлар эди. Бас, Биз уни хаста ҳолида қуруқликка отдик.

¹⁴⁷ “Тафсиру ибни касир”, 5-жуз, 354-бет.

¹⁴⁸ Айтилишича, Шуайбдан кейин, бошқа ривоятда, Сулаймондан кейин пайғамбар қилиб юборилган дейилган (“Тафсирул алусий”, 17-жуз, 80-бет).

¹⁴⁹ “Тафсирул алусий”, 17-жуз, 81-бет.

Ва унинг устида қовоқ дарахтини ўстириб қўйдик. Биз уни юз минг, балки ундан-да кўпроқ (одамга) пайғамбар қилдик. Бас, улар (Юнусга) имон келтирдилар. Сўнг Биз уларни бир муддатгача бахраманд этдик” (Соффот сураси, 139-148-оятлар).

Юнус ибн Матто алайҳиссалом ҳақида “Саҳиҳайн”да шундай ҳадис келган: “Бирон банда: “Мен Юнус ибн Маттодан яхшироқман”, дейиши тўғри эмас”.

Аллоҳ таоло Юнус алайҳиссаломни тахминан милоддан аввалги 8 асрда Ироқдаги Найнаво аҳлига пайғамбар қилиб юборган. Юнус қавмини Аллоҳга ихлос билан ибодат қилишга чақирган. Аммо улар пайғамбар гапига кулоқ солишмаган, унга осий бўлишган. Бундан Юнус алайҳиссалом жуда сиқилган ва қавмининг бошига уч кун ичида азоб ёғилишини хабар қилган. Учинчи кун келганда Юнус алайҳиссалом қишлоғидан бош олиб чиқиб кетган. Аллоҳ ҳали унга чиқишга рухсат бермаганди. Қавми унинг йўқолиб қолганини кўргач, тавба қилиб, имонга келишган. Шундан кейин Аллоҳ таолога илтижолар қилиб тушиши айтилган азобни даф қилишини сўрашган.

Юнус қавми бошига бирон кулфат ёғилмаганини кўриб, уларнинг олдига боришдан истиҳола қилди. Ўзига-ўзи: “Қавмининг олдига ёлғончи деган ном билан бораманми?!” деди. Кейин боши оққан тарафга қараб кетди. Бас, бир кемага минди. Бироқ кема ўрnidан қимирламай тураверди. Шунда кема эгаси: “Ораларингизда бир шумқадам одам бор. Шунинг учун жойимиздан қўзғалолмаяпмиз!” деди. Бас, улар қуръа ташлашиб, қуръа кимга тушса, уни денгизга улоқтирмоқчи бўлишди. Қуръа Юнусга тушди. Қайтадан ташлашди. Яна Юнусга тушди. Буни кўриб турган Юнус ўзини денгизга отди. Кейин уни катта бир балиқ ютиб юборди¹⁵⁰.

Юқори келтирилган оятлар маъноси қуйидагича: албатта Юнус алайҳиссалом Бизнинг пайғамбарларимиздан эди. Биз уни рисолатимизни одамларга етказиш учун танлаб олганмиз.

Юнус алайҳиссалом Парвардигори изнисиз қавмидан қочиб кетди ва одамлар билан лик тўла бир кемага чиқди. Кемадагилар қуръа ташладилар. Қуръа айнан Юнусга тушди. Буни кўрган Юнус ўзини сувга отди. Наҳанг балиқ Юнусни ютиб юборди. Балиқ ютаётган пайтда Юнус маломатга лойиқ эди. Чунки у Аллоҳнинг рухсатисиз қавмини ташлаб кетганди.

“Энди агар у (Аллоҳга доимо) тасбеҳ айтувчилардан бўлмаса эди, албатта (балиқ) қорнида то қайта тириладиган кунгача қолиб кетган бўлар эди”.

Агар Юнус алайҳиссалом балиқ қорнида туриб тасбеҳ айтмаганида, Аллоҳ таолони мудом зикр қилмаганида, қиёмат кунигача ўша ерга қолиб кетарди.

Мана шу оят ғам-ташвиш кўпайган вақтда Аллоҳ таолони кўп зикр қилиш муаммолар ечимига, қийинчиликлар аришига сабаб эканига далолат қилади. Бу, албатта, Аллоҳнинг изни ва раҳмати билан бўлади. Ҳадиси шарифда айтилади: “Фаровонлик пайтида Аллоҳни эсла, шунда қийинчилик вақтида Аллоҳ сени эслайди”.

Қуртубий раҳматуллоҳи алайҳ: “Аллоҳ азза ва жалла Юнус тасбеҳ айтувчилардан бўлган, унинг тасбеҳи нажот топишига сабаб бўлганини хабар қилмоқда. Шу сабаб айтиладики, солиҳ амал соҳиби қоқилганида уни юксалтиради.

¹⁵⁰ Қаранг: “Тафсирул алусий”, 23-жуз, 143-бет.

Ҳадиси шарифда шундай дейилган: “Сизлардан ким солиҳ амални заҳира қилиб қўйишга имкони бўлса, шундай қилсин!” дейилган. Бас, банда жудду жаҳд қилиб эзгу ишларни амалга ошириши керак. Парвардигорига ихлос билан ибодат қилсин. Муҳтож кунлари учун солиҳ амални заҳира қилиб қўйсин. Қилган амалини одамлардан яширсин, риё қилмасин. Куни келиб банда муҳтож ҳолга тушганида ана ўша қилган яхши амаллари унга асқотади¹⁵¹”.

“Бас, Биз уни хаста ҳолида қуруқликка отдик”.

Юнус алайҳиссаломни балиқ ютиб юборганидан кейин Аллоҳ таолога кўп тасбеҳлар айтди, У Зотга дуою илтижолар қилди. Унинг дуоси бесамар кетмади: Аллоҳ таоло балиққа уни қуруқликка чиқариб ташлашни амр қилди. Юнус ўша вақтда бетоб ва жуда хорғин эди.

“Ва унинг устида қовоқ дарахтини ўстириб қўйдик”.

Аллоҳ таоло Юнус алайҳиссаломга соя солиши ва уни иссиқдан сақлаши учун бир қовоқ дарахтини ўстирди.

“Биз уни юз минг, балки ундан-да кўпроқ (одамга) пайғамбар қилдик. Бас, улар (Юнусга) имон келтирдилар. Сўнг Биз уларни бир муддатгача баҳраманд этдик”.

Яъни, Биз Юнусни балиқ қорнидан чиқарганимиздан кейин уни Ўз ҳимоямизга олдик ва Юнусни юз минг ёки ундан ҳам кўпроқ одамга пайғамбар қилдик. Уларнинг барчаси унга имон келтирдилар. Биз маълум муддатгача ҳаётда ҳузурланишларига имкон бердик.

Ибн Касирга кўра, Юнусга имон келтирганлар аввалги уммати бўлиши мумкин. Бағавийнинг нақл қилишича, балиқ қорнидан чиқарилган Юнус алайҳиссалом бошқа умматга пайғамбар қилиб юборилган. Улар юз минг нафар ё ундан ҳам кўпроқ эди¹⁵².

Демак, Аллоҳнинг раҳмати яхшилик қилувчиларга яқиндир. Агар банда ҳақиқий тавба қилса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул этади. Тасбеҳ айтиш, Аллоҳни зикр қилиш ғам-ташвиш ва бошга тушган қийинчиликнинг аришига сабаб бўлади.

Анбиё сурасида Юнус алайҳиссалом ҳаётининг бошқа жиҳатлари ҳақида сўз юритилган. Аллоҳ таоло шундай деган:

“Зуннун (қавмидан) ғазабланган ҳолда (ўз қишлоғидан чиқиб) кетиб, Бизни унинг зиёнига ҳукм қилмайди, деб ўйлаган пайтини, сўнг (Биз уни балиқ қорнига ташлаганимиздан кейин) қоронғи зулматларда туриб: “Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Ўзинг борсан. Эй Пок Парвардигор! Албатта мен (ўз жонимга) жабр қилувчилардан бўлдим”, деб нидо қилган (пайтини эсланг)! Бас, Биз унинг (дуосини) мустажоб қилдик ва уни ғам-ғуссадан қутқардик. Биз мўминларга мана шундай нажот берамиз” (Анбиё сураси, 87-88-оятлар).

“Зуннун”дан мурод Юнус ибн Матто алайҳиссаломдир. “Нун” наҳанг – катта балиқ маъносини билдиради. Юнус балиқ томонидан ютиб юборилгани учун “Зуннун”, яъни, “балиқ эгаси”, дейилади.

Яъни, эй банда, ўзингга панд-насихат олишинг учун Юнус алайҳиссалом қавмидан ғазабланган ҳолида уларни ташлаб чиқиб кетган вақтини эсла! Сабаби, қавми унинг даъватига ижобат қилмаганди.

“Бизни унинг зиёнига ҳукм қилмайди, деб ўйлаган пайтини...”

¹⁵¹ “Тафсирул куртубий”, 15-жуз, 127-бет.

¹⁵² “Тафсиру ибни касир”, 7-жуз, 35-бет.

Бу ерда Юнус қавмидан дарғазаб ҳолида чиқиб кетаётганида нима ҳақида ўйлагани айтилмоқда.

Яъни, қавми ижобат қилмаганидан қаттиқ ғазабланган Юнус уларни тарк этди ва бу иши учун “Аллоҳ мени жазоламайди”, деб ўйлади.

“Сўнг (Биз уни балиқ қорнига ташлаганимиздан кейин) қоронғи зулматларда туриб: “Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Ўзинг борсан. Эй Пок Парвардигор! Албатта мен (ўз жонимга) жабр қилувчилардан бўлдим”, деб нидо қилди!”

Бу ердаги “зулматлар”дан мурод денгиз зулмати, балиқ қорни ва тун қоронғисидир.

Юнус алайҳиссалом Аллоҳнинг рухсатисиз қавмини ташлаб чиқиб кетганидан кейин уни балиқ ютиб юборди ва қоронғиликда туриб:

– Ё Аллоҳ! Сендан ўзга илоҳ йўқлигига гувоҳлик бераман. Сен Ёлғизсан! Менинг Парвардигоримсан! Ибодат қилишга фақат Сен муносибан. Сенга тасбеҳлар айтаман, нуқсонлардан поклигингни тасдиқлайман. Рухсатингсиз қавмимни ташлаб чиқиб ўзимга зулм қилдим. Хатойимни тан оламан. Ё Парвардигор! Тавбамни қабул эт! Гуноҳимни кечир! – деб Аллоҳга тавба-газарру қилди.

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “У билан дуо қилинса, ижобат этиладиган, у билан сўралса, бериладиган Аллоҳнинг исми (аъзами) Юнус ибн Маттонинг дуосидир”, деб айтганларини эшитдим ва: “Эй Расулуллоҳ, бу фақат Юнусга хосми ёки мусулмонлар жамоасига ҳам тегишлими?” деб сўрадим. Расули акрам: “У Юнусга ва (ўша калималар) билан дуо қилсалар, (қолган) мўминларга ҳам хосдир. Сен Аллоҳнинг “Худди шунингдек мўминларга ҳам нажот берамиз”, деганини эшитмаганмисан?” Бу Аллоҳга дуо қилганлар учун У Зот (тарафи)дан шартдир”, дедилар¹⁵³”.

Яна Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Расулуллоҳ алайҳиссалом: “Қайси бир мусулмон киши Зуннун¹⁵⁴ наҳанг қорнида туриб, “Лаа иллааҳа иллаа анта субҳаанака инний кунту миназ золимийн”, деб қилган дуоси билан илтижо қилса, Аллоҳ унга ижобат этади”, дедилар¹⁵⁵”.

Ривоят қилинишича, Расули акрам шундай марҳамат қилганлар: “Мен сизларни Аллоҳнинг исми аъзамига далолат қилайми? Бу Юнуснинг “Лаа иллааҳа иллаа анта субҳаанака инний кунту миназ золимийн”, деб қилган дуосидир. Қайси бир мусулмон (банда) ўша (дуо) билан касаллиги вақтида қирқ кун Парвардигорига дуо қилса, унга шаҳидлик ажри берилади. Агар тузалиб кетса, гуноҳлари мағфират қилинган ҳолида соғаяди¹⁵⁶”.

Шундан кейин Аллоҳ таоло Юнус алайҳиссалом дуосини ижобат қилгани айтилади:

“Бас, Биз унинг (дуосини) мустажоб қилдик ва уни ғам-ғуссадан қутқардик”.

Аллоҳ Юнуснинг илтижоларини қабул қилиб, уни ғам-ғуссадан қутқарди.

Бошқа оятда айтилишича, агар Юнус алайҳиссалом кўп тасбеҳ айтмаганида, балиқ қорнида қиёмат кунигача қолиб кетган бўларди.

¹⁵³ Ибн Жарир ривоят қилган.

¹⁵⁴ (“Нун” сўзи “балиқ” маъносини англатади. “Зуннун” исми “балиқ эгаси” маъносидадир. Бу Юнус алайҳиссаломнинг исми. Бир гуруҳ пайғамбарларнинг (алайҳимуссалом) икки хил исми бор. Масалан, Исо ва Масих, Иброҳим ва Халил, Муҳаммад ва Аҳмад. – таржумон)

¹⁵⁵ Термизий, Аҳмад, Ҳоким ва Байҳақий ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.

¹⁵⁶ Ҳоким ривоят қилган.

“Биз мўминларга мана шундай нажот берамиз”.

Хулуси ниятда, чин дилдан тавба қилиш ва хушу билан дуо қилишда Юнус алайҳиссаломга эргашадиган мўмин бандалар учун башорат берилмоқда бу оятда.

Юнус сурасида айтилишича, Юнус алайҳиссалом қавмининг тавбаси Аллоҳ томонидан қабул қилинган:

“Қани энди (Биз ҳалок қилган қишлоқлар ичида) бирон қишлоқ (аҳли ўз пайғамбарлари айтган азобни сезган вақтларида) имон келтирсалар эди, албатта имонлари фойда қилган (яъни, ҳалок бўлмаган) бўлар эдилар. Фақат Юнус қавмигина (шундай қилди). Имон келтиришгач, улардан ҳаёти дунёдаги расволик азобини кетказдик ва уларни маълум бир вақтгача (яъни, ўз ажаллари билан вафот этгунларича) фойдалантирдик” (Юнус сураси, 98-оят).

Имом Қуртубий айтишича, Юнус алайҳиссалом қавми Ироқнинг Найнаво деган жойида яшарди. Улар бут-санамларга сиғинарди. Бас, Аллоҳ уларга Юнус алайҳиссаломни юбориб, Ўзигагина ихлос билан ибодат қилишга чақирди. Аммо улар пайғамбар сўзини инобатга олишмади, ўз ишларида давом этишди. Айтилишича, Юнус қавмини тўққиз йил даъват қилган. Кейин уларнинг имон келтиришидан умидини узган. Шунда унга: “Қавмингга хабар қил, яқин уч кун ичида бошларига азоб тушади”, дейилди. Юнус уларни азоб ҳақида огоҳлантирди. Қавми: “Юнус алдоқчи эмас. Уни кузатинглар!” дейишди. Агар у ораларингизда яшаб турса, ҳечқиси йўқ. Агар бу ердан бош олиб кетса, демак, азоб тушишига шубҳа йўқ”, дейишди.

Кеч кирганида Юнус сафар учун керакли нарсаларни ҳозирлаб, қишлоғидан чиқиб кетди. Тонг отганда қавм Юнусни топа олмадилар. Шундан кейин унинг пайғамбар эканига имон келтириб, қилмишларига пушаймон бўлишди ва тавбага юзланишди. Улар Аллоҳга дуо-илтижолар қилишди. Жундан тикилган либос кийиб, одамлардан аёллар ва болалар ҳамда ҳайвонлар орасини ажратиб, зулмни қайтардилар.

Зажжожга кўра, Юнус алайҳиссалом қавми азобни эмас, унинг аломатини кўрган. Агар азобни кўрганида, имон келтирганлари фойда бермасди¹⁵⁷.

“Қани энди (Биз ҳалок қилган қишлоқлар ичида) бирон қишлоқ (аҳли ўз пайғамбарлари айтган азобни сезган вақтларида) имон келтирсалар эди, албатта имонлари фойда қилган (яъни, ҳалок бўлмаган) бўлар эдилар”.

Яъни, манави ёлғончилар пайғамбарлари олиб келган нарсани тасдиқлаб, ҳақиқатни қабул қилганларида, Аллоҳга имон келтирганларида, аламли азобдан қутулиб қолган бўлардилар. Худди Юнус алайҳиссалом қавми каби нажот топган бўлардилар. Юнус қавми пайғамбар уларни огоҳлантиргач, азоб келишининг аломатларини кўриб, тавба қилди ва имон келтирди. Шунда Аллоҳ улар бошига тушай деб турган азобни даф қилди ва ажаллари етгунича фурсат берди.

Бу оятда айтилишича, Юнус алайҳиссалом қавмидан бошқа барча қавмлар пайғамбарларини ёлғончига чиқаришган ва оқибатда бошларига турфа балолар ёғилган.

Саҳиҳ ҳадисда шундай дейилган: “Менга пайғамбарлар кўрсатилди. Бир пайғамбар жуда кам сонли одамлар билан ўтиб борарди. Яна бир пайғамбар бир

¹⁵⁷ “Тафсирул куртубий”, 8-жуз, 387-бет.

киши билан, яна бири икки киши билан, бошқа пайғамбар эса ёлғиз ўзи ўтиб борарди¹⁵⁸”.

Бу оятда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга тасалли берилмоқда. Чунки у зотнинг қавми ҳам Ҳақ таоло таълимотидан юз ўгиргандан ғам-ғуссага ботиб қолардилар. Бу билан Макка аҳли имонга чақирилиб, куфр ва нонкўрлик оқибати кўрсатилмоқда. Уларни худди Юнус алайҳиссалом қавмига ўхшашга даъват этилмоқда.

Илёс алайҳиссалом қиссаси Қуръони каримнинг Соффот сурасида келган. Аллоҳ таоло айтади:

“Илёс ҳам шак-шубҳасиз, пайғамбарлардандир. Эсланг, у ўз қавмига деган эди: “(Аллоҳдан) кўркмайсизларми?! Сизлар Баъл (номли олтиндан ясалган бут)га сиғиниб, сизларнинг ҳам, аввалги ота-боболарингизнинг ҳам Парвардигорини – энг гўзал-афзал Яратувчи Аллоҳни тарк қиласизларми?!” Бас, (қавми Илёсни) ёлғончи қилди. Энди, албатта улар (дўзах азобига) ҳозир қилинувчидирлар. Магар Аллоҳнинг покиза бандаларигина (азобга дучор бўлмаслар). Биз кейинги (авлод)лар орасида (Илёс) ҳақида (гўзал мактовлар-олқишлар) қолдирдик. Илёсга салом бўлмай! Албатта Биз чиройли амал қилувчиларни мана шундай мукофотлаймиз. Дарҳақиқат, у Бизнинг мўмин бандаларимиздандир” (Соффот сураси, 123-132-оятлар).

Илёс, бу Ибн Фанҳос ибн Ийзор ибн Ҳорун алайҳиссаломдир. Илёснинг ҳам насл-насаби Иброҳим алайҳиссаломга бориб тақалади.

Илёс алайҳиссалом исми исроилликлар китобида “Иля” шаклида келган. Аллоҳ таоло бу пайғамбарни “Баъл” номли бутга сиғинадиган қавмга юборган эди.

Айтилишича, Илёс алайҳиссалом пайғамбарлиги милоддан аввалги 10 асрларда ўтган Бани Исроил подшоҳларидан бир Охобнинг даврига тўғри келади.

“Илёс ҳам шак-шубҳасиз, пайғамбарлардандир. Эсланг, у ўз қавмига деган эди: “(Аллоҳдан) кўркмайсизларми?! Сизлар Баъл (номли олтиндан ясалган бут)га сиғиниб, сизларнинг ҳам, аввалги ота-боболарингизнинг ҳам Парвардигорини – энг гўзал-афзал Яратувчи Аллоҳни тарк қиласизларми?!”

Яъни, Илёс ҳам Биз одамларни куфр зулматидан имон нурига чиқариш учун юборган пайғамбарлардан бири эди. Бас, у қавмига насиҳат қилиб:

– Аллоҳдан кўркмайсизларми?! У Зотнинг азоби ва ғазабидан хавфда эмасмизми?! – деди.

Кейин уларни ширкдан қайтариб:

– Эй, сизлар! Зарар ҳам, фойда ҳам келтиролмайдиган мана шу жонсиз “Баъл” номли бутга топинасизларми?! Буни ўз қўлларингиз билан ясаб олган бўлсангиз. Илоҳликка энг муносиб Зот – Аллоҳга ибодат қилишни мана шу бут сабабидан тарк қиласизми?! Ваҳоланки, сизларни яратиб, ризқу рўз берадиган Зот Аллоҳ-ку! Аллоҳ нафақат сизларнинг, балки аввал ўтган ота-боболарингизнинг ҳам Парвардигоридир! – деди.

“Баъл” улар сиғинадиган бутнинг номидир. Айтилишича, мана шу бут номидан Шомдаги Баълабакка шаҳри номи келиб чиққан. Илёс алайҳиссалом қавми ўша шаҳарда яшарди. Бошқа қавлга кўра, “баъл” яманликлар тилида “Парвардигор” маъносини англатади.

¹⁵⁸ “Тафсирул қосимий”, 6-жуз, 3400-бет.

“Бас, (қавми Илёсни) ёлғончи қилди. Энди, албатта улар (дўзах азобига) ҳозир қилинувчидирлар”.

Илёс алайҳиссалом жон куйдириб қавмини Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга, бут-санамларга топинишдан воз кечишга чақирди. Аммо қавм ўз йўлини маъқул билди. Илёсни ёлғончига чиқариб, унинг даъватидан юз ўгирди. Уларнинг мана шу қилмиши сабабли вақти келиб улар жаҳаннам оловига улоқтириладилар.

“Магар Аллоҳнинг покиза бандаларигина (азобга дучор бўлмаслар)”.

Аллоҳнинг холис мўмин бандалари жаҳаннамдан узоқлаштирилади. Улар қиёмат куни жаннатга киритилиб, у еда иззат-хурмат топадилар.

“Биз кейинги (авлод)лар орасида (Илёс) ҳақида (гўзал мақтовлар-олқишлар) қолдирдик. Илёсга салом бўлгай!”

Яъни, Биз Илёс алайҳиссалом учун кейинги умматлар орасида омонлик ва салом қолдирдик.

Ал-Ясаъ алайҳиссалом, бу Ибн Шофотдир. Айтилишича, Илёс уни ўзидан кейин Бани Исроил қавмига ўринбосар қилиб қолдирган. Кейин Аллоҳ унга пайғамбарлик берган. Унинг вафоти тахминан милоддан аввалги 840 йилга тўғри келади. Ал-Ясаъ алайҳиссалом Сомирада дафн этилган.

“Ал-Ясаъ” исми Қуръони каримда икки марта келган. Аллоҳ таоло айтади: **“Закариё, Яҳё, Исо ва Илёсни (ҳам Биз ҳидоят қилдик). Барчалари солиҳ пайғамбарлардир. Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус ва Лутни (ҳам Биз ҳидоят қилдик) ва барчаларини бутун оламлардан афзал қилдик”** (*Анъом сураси, 85-86-оятлар*).

Аллоҳ таоло Сод сурасида шундай деган: **“Яна Исмоил, ал-Ясаъ ва Зул-кифлни эсланг! Барчалари яхши кишилардандир”** (*Сод сураси, 48-оят*).

Зулкифл ҳақида эса, “У Айюб алайҳиссаломнинг ўғлидир. Аллоҳ уни отасидан кейин пайғамбар қилган. У Шомда истиқомат қиларди”, дейилган. Жумҳур уламоларга кўра, Зулкифл пайғамбардир. Аллоҳ уни пайғамбарлар қаторида зикр қилган.

Зулкифлнинг исми ҳам Қуръони каримда икки марта келган. Биринчиси Анбиё сурасининг 85-оятида, иккинчиси Сод сурасининг 48-оятида.

Аллоҳ таоло бизларни солиҳ бандалар қаторида қилишини сўраймиз!

ИСО АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИССАСИ

Исо Масиҳ алайҳиссалом ва онаси Марям бинти Имрон қиссаси Қуръони каримнинг турли сураларида келтирилган. Яъни, Маккада ҳам, Мадинада ҳам нозил бўлган сураларда Исо алайҳиссалом ҳақида маълумотлар бор.

Марям бинти Имроннинг исми Қуръони каримда 34 марта, ўғли Исо алайҳиссаломнинг исми эса 25 марта такрорланган. Шунингдек, “Маборак” маъносини англатувчи Исо алайҳиссаломнинг шарафли лақаби бўлган “Масиҳ” сўзи 11 марта зикр қилинган.

Исо алайҳиссалом Фаластин диёридаги Қуддус шаҳрининг муборак ерларида туғилиб вояга етган.

Марям бинти Имрон фазилатлари ҳақида қуйидаги ривоят нақл қилинган. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ерга тўртта чизиқ чиздилар. Кейин: “Бу нима, биласизларми?” деб сўрадилар. Улар: “Аллоҳ ва Расули билувчирокдир”, дейишди. Шунда у зот: “Жаннат аҳлидан

бўлган аёлларнинг энг афзали тўрт нафардир: Хадижа бинти Хувайлид, Фотима бинти Муҳаммад, Осиё бинти Мазоҳим (фиръавнинг хотини) ва Марям бинти Имрондир”, дедилар”.

Исо алайҳиссалом фазилатлари ҳақида ҳам ҳадислар кўп. Жумладан, “Саҳихайн”да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий алайҳиссалом: “Туғиладиган ҳар бир болага шайтон тегади (зиён етказди). Шайтоннинг тегиши сабаб чақалоқ бақариб йиғлайди. Магар Ибн Марям ва унинг онаси бундан мустасно эди”, деганлар.

Яна Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: “Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Мен дунёда ҳам, охирада ҳам одамлар ичида Исога энг ҳақли кишиман”, деганлар. Шунда одамлар: “Қандай қилиб, ё Расулуллоҳ?” деб сўрашди. У зот: “Пайғамбарлар бир отадан тарқалганлар. Уларнинг оналари бошқа-бошқа. Аммо динлари бир. Мен билан (Исо) орасида биронта пайғамбар йўқ”, дедилар” (Бухорий ва Муслим ривоят қилган).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна шундай деганлар: “Исо алайҳиссалом ўғрилик қилаётган бир кишини кўриб қолди ва унга: “Ўғрилик қилдингми?” деди. Ўша киши: “Ўзидан бошқа илоҳ йўқ бўлган Зотга қасамки, ундай эмас”, деди. Шунда Исо алайҳиссалом: “Сен Аллоҳга имон келтирдинг, аммо мени алдадинг”, деди” (Муслим ривоят қилган).

Қуръони каримда Исонинг онаси Марянинг ҳаёти, унинг фазилати, покдомонлиги, ўша замон аёллари ичидан энг афзали, унга Аллоҳ тарафидан кўрсатилган фазлу марҳаматлар ҳақида баён қилинган. Жумладан, Оли Имрон сурасида Марям ҳаёти ҳақида қуйидаги маълумотлар келган. Аллоҳ таоло айтади:

“Албатта Аллоҳ Одам ва Нухни ҳамда Иброҳим хонадонини ва Имрон хонадонини бутун оламлар устида (пайғамбарлик учун) танлаб олди. Уларнинг бирлари бировларига зурриёт (эдилар). Аллоҳ Эшитувчи, Билувчидир. (Эй Муҳаммад,) Имроннинг хотини: “Парвардигорим, мен қорнимдаги нарсани (ҳомилани дунё ишларидан) озод этиб, Сенга назр қилдим. Бас, (бу назримни Ўз даргоҳингда) қабул айла! Албатта Сен Эшитувчи, Билувчисан”, деганини эсланг! Кўзи ёригач эса, бундай деди: “Парвардигор, мен қиз туғдим”. – Ҳолбуки, Аллоҳ унинг нима туққанини Билувчироқдир ва (ҳар қандай) ўғил бу қиз каби эмас. – “Ва мен унга Марям деб исм қўйдим. Мен бу қизга ва унинг зурриётига даргоҳингдан қувилган шайтоннинг (ёмонлигидан) паноҳ беришингни Сендан илтижо қиламан”. Бас, Парвардигори уни (яъни, Марямни) хуш қабул айлаб, чиройли парвариш этди ва унга Закариёни кафил қилди. Ҳар қачон Закариё (Марямнинг) олдига – ҳужрага кирганида унинг ҳузурда бир ризқ-насиба кўрди. У: “Эй Марям, бу нарсалар сенга қаяқдан келди?” деб сўраганида, (Марям) жавоб қилди: “Булар Аллоҳ ҳузуридандир. Албатта Аллоҳ Ўзи истаган кишиларга беҳисоб ризқ беради” (Оли Имрон сураси, 33-37-оятлар).

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни – одамзот отасини – ер юзида халифа бўлиши учун танлаб олди ва унга барча нарсаларнинг исмини ўргатди. Одамга фаришталар сажда қилишларини буюрди.

Шунингдек, Аллоҳ Нух алайҳиссаломни танлаб олди. Алусий айтишича, Нух алайҳиссалом “кичик Одам”, “инсониятнинг иккинчи отасидир”. Сабаби, ер юзидаги барча инсонлар Нух алайҳиссалом наслидан тарқалган.

Қолаверса, Аллоҳ субҳанаху ва таоло Иброҳим алайҳиссалом оиласини, жумладан Исмоил, Исҳоқ ва уларнинг наслидан бўлган пайғамбарларни, Имрон хонадонини танлаб олди. Унинг оиласидан Исо алайҳиссаломни пайғамбар қилди. Унга мўъжизалар ато этди ва руҳул кудс билан Исони қувватлади.

Бу ердаги “Имрон”дан мурод Марямнинг отасидир. Имрон Исо алайҳиссаломнинг бобоси саналади. У Имрон ибн Ёшам ибн Мийшо ибн Ҳазқиёдир. Имроннинг насл-насаби ҳам Иброҳим алайҳиссаломга бориб тақалади.

Мана шу пайғамбарлар силсиласидан маълум бўладики, Аллоҳ таоло инсониятни тўғри йўлга бошлаш учун пайғамбарларни юборган. Энг аввал Одам алайҳиссаломни яратиб, уни илк пайғамбар қилган. Одамдан кейин кўп авлодлар ўтдилар. Жумладан, Нух алайҳиссалом қавмини 950 йил (!) Аллоҳнинг йўлига даъват қилди. Шундан кейин Иброҳим алайҳиссалом келди. У ҳам инсонларни Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга чақирди. Унинг хонадони Аллоҳ тарафидан танлаб олинган эди. Иброҳим наслидан Исмоил алайҳиссалом дунёга келди. Самовий рисолат силсиласининг сўнгги вакили ҳабибимиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламдирлар.

Иброҳим алайҳиссаломнинг яна бир ўғли Исҳоқ алайҳиссаломдан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо, Ҳорун, Имрон оиласи, Закариё, Яҳё ва Исо алайҳиссаломлар тарқалган эди.

Бир сўз билан айтганда, Одам, Нух, Иброҳим ва Имрон хонадони бутун инсоният ичидан танлаб олинган. Барча пайғамбарлар уларнинг наслидан эди.

“Уларнинг бирлари бировларига зурриёт (эдилар). Аллоҳ Эшитувчи, Билувчидир”.

Юқорида зикр келган зотлар бир-бирининг наслидандир. Улар насабда бир-бирларига боғланганлар. Жумладан, Нух Одам зурриётидандир. Иброҳим Нух зурриётидандир. Имрон оиласи Иброҳим зурриётидандир.

Аллоҳ таоло барча нарсани эшитувчидир. Бандалар мана шу танлаб олинган зотлар ҳақида нима дейишларини ҳам эшитиб туради. Аллоҳ бандалари ҳолатини мукаммал билувчи Зотдир. Аллоҳдан бирон нарса махфий қолмайди. Ҳамма нарса У Зотга ошқордир.

Шундан кейин Имроннинг хотини ҳомиладорлик аломатларини сезганда айтган гаплари келтирилади:

“Имроннинг хотини: “Парвардигорим, мен қорнимдаги нарсани (ҳомилани дунё ишларидан) озод этиб, Сенга назр қилдим. Бас, (бу назримни Ўз даргоҳингда) қабул айла! Албатта Сен Эшитувчи, Билувчисан”, деганини эсланг!”

Имроннинг хотини исми Ҳунна бинти Фоқузо ибн Қунбулдир. У Марямнинг онаси, Исо алайҳиссаломга бувидир.

Юқоридаги оят маъноси қуйидагича: эй оқил банда, ўзингга панд-насихат олишинг учун Имроннинг хотини Парвардигорига тазарру қилиб:

– Ё Раббим! Мен байтингда хизмат қилиши учун ҳомиламни назр қилдим. Мендан ушбу холис назримни қабул айла! Зеро, Сен менинг ва барча махлуқотларинг гапини эшитувчи, менинг ниятим ва барча бандаларинг ниятини билувчи Зотсан! – деганини эсла!

Имрон хотинининг бу дуосида энг юксак одоб намунаси ва ихлос кўриниб турибди. У ўзи учун энг азиз нарсани – қорнидаги ҳомилани холис Аллоҳ учун бағишлаганини маълум қилиб, бу назрни хусни қабул қилишини ўтиниб сўрамоқда.

Баъзилар айтишича, бундай назр қилиш уларнинг шариатида лозим эди. Уларнинг одатича озод қилинган бола калисода (ибодатхонада) хизмат қилиши лозим бўлар, балоғатга етгунча у ерни ташлаб кетиши мумкин эмасди. Вояга етгач, унга ихтиёр бериларди: хоҳласа, истаган томонига кетади, хоҳласа, қолиб калисода хизмат қилади. Аммо ибодатхонада фақат ўғил болалар хизмат қиларди. Қизларда узрли ҳолатлар юз бергани учун Байтул Макдисда хизмат қилишга лойиқ кўрилмасди.

“Кўзи ёригач эса, бундай деди: “Парвардигор, мен қиз туғдим”.

Айтилишича, бу ерда хабар қилиш эмас, балки афсусланиш ва маҳзунликни ифодалаш мақсад қилинган. Чунки Имроннинг хотини қорнидаги ҳомила ўғил бўлишини кутганди. Фақат ўғил болалар Байтул макдисда хизмат қила оларди. Имроннинг аёли чақалоқ қиз эканини билгач, назрига вафо қила олмагани учун Парвардигорига юзланиб:

– Парвардигорим! Мен қиз туғдим. Аммо қиз бола мен назр қилган жойга тўғри келмайди. Ё Аллоҳ, Сен ҳар нарсага қодирсан. Қудратинг билан ўғил ва қиз чақалоқни яратишга қодирсан! – деди.

“Ҳолбуки, Аллоҳ унинг нима тукқанини билувчирокдир ва (ҳар қандай) ўғил бу қиз каби эмас”.

Аллоҳ таоло ўша аёл ўғил ё қиз тукқанини ҳаммадан яхшироқ билади. Ахир бу чақалоқни Унинг ўзи қиз қилиб яратган. Аллоҳ бу қизалоқ қандай фазилатларга эга эканини ҳам билади. Мана шу қиз чақалоқдан Исо алайҳиссалом дунёга келади ва Аллоҳнинг қудратига далолат қилувчи аломатлардан бири бўлади.

Имроннинг хотини талаб қилган ўғил у тукқан қиз сингари хайрли эмасди. Чунки туғилган қазалоқ ибодат ва мартабада ҳаммадан афзал бўлади.

“Ва мен унга Марям деб исм қўйдим. Мен бу қизга ва унинг зурриётига даргоҳингдан қувилган шайтоннинг (ёмонлигидан) паноҳ беришингни Сендан илтижо қиламан”.

Айтилишича, “Марям” исми “ибодат қилувчи аёл” маъносини англатади. Имроннинг хотини қизим Аллоҳга ибодат қилувчи бўлсин, исми жисмига монанд бўлсин, деб унга “Марям” исмини қўйди.

Марямнинг онаси Ҳунна Аллоҳ таолога илтижо қилиб:

– Ё Раббим! Мен бу чақалоқ Сенга хизмат қилиши учун ўғил бўлишини чин дилдан хоҳлагандим. Аммо Сен берган қиз фарзандга розиман. Мен унга “Марям” деб исм қўйдим. Мен унга ва зурриётларига даргоҳингдан қувилган, яхшиликдан узоқ бўлган шайтон васвасасидан паноҳ беришингни сўрайман!

“Саҳиҳи муслим”да Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “Туғиладиган ҳар бир болага шайтон тегади (зиён етказади). Шайтоннинг тегиши сабаб чақалоқ бақириб йиғлайди. Магар Ибн Марям ва унинг онаси бундан мустасно эди”, деганлар.

Шундан кейин Абу Ҳурайра: “Агар хоҳласангиз “Мен бу қизга ва унинг зурриётига даргоҳингдан қувилган шайтоннинг (ёмонлигидан) паноҳ беришингни Сендан илтижо қиламан” оятини ўқинглар!” деди.

Имроннинг аёли ҳомиладорлик вақтида ва кўзи ёриганидан кейин Аллоҳ таолога бутун вужуди билан дуо-илтижолар қилди, У Зотнинг марҳаматидан умид қилиб, қизи ва зурриётлари ҳақиқага дуойи хайрлар қилди. Бу дуолар қандай натижа бергани куйида баён қилинади:

“Бас, Парвардигори уни (Марямни) хуш қабул айлаб, чиройли парвариш этди”.

Аллоҳ таоло Марямни хусни қабул қилди. Бу билан қавмнинг одати бузилди. Аллоҳ Имроннинг қизи Марям худди ўғил болалар каби байтида хизмат қилишига рози бўлди. Имрон аёлининг илтижолари бесамар кетмади.

Аллоҳ таоло Марямни чиройли тарбия қилди, уни ҳар қандай ёмонликдан омон сақлади. Марям худди унумдор ердаги ўсимлик каби униб-ўсди.

Шундай қилиб, Аллоҳ таоло Марямга жуда кўп марҳамат кўрсатди: қиз бола бўлишига қарамай уни байтида хизмат қилиши учун қабул этди, турли озор ва ёмонликлардан ҳимоялаб чиройли тарбия қилди ва унга ўзи ўйламаган томондан ризқ келадиган воситаларни жорий қилди. Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай деган:

“Ва унга Закариёни кафил қилди. Ҳар қачон Закариё (Марямнинг) олдига – хужрага кирганида унинг хузурида бир ризқ-насиба кўрди. У: “Эй Марям, бу нарсалар сенга қаёқдан келди?” деб сўраганида, (Марям) жавоб қилди: “Булар Аллоҳ хузуридан дидир. Албатта Аллоҳ Ўзи истаган кишиларга беҳисоб ризқ беради”.

Аллоҳ таоло Марямга Закариёни кафил қилди. Закариё Бани Исроилдан чиққан пайғамбарлардан бири бўлиб, насл-насаби Сулаймон ибн Довуд алайҳиссаломга бориб тақалади. Закариё Марямнинг холасига уйланган эди¹⁵⁹.

Байтул мақдис хизматчилари ва Закариё ўртасида қуръа ташланганидан кейин Марямнинг кафолатини ким олиши маълум бўлган. Қуйидаги оят шунга далолат қилади: **“(Эй Муҳаммад,) бу ғайб хабарларидандирки, бу хабарни Сизга Биз ваҳий қилмоқдамиз. Ҳолбуки, Сиз улардан қайсилари Марямга кафил бўлиш(ни билиш) учун қаламларини (қуръа қилиб) ташлаганларида уларнинг олдидарида эмасдингиз ва талашиб-тортишганларида ҳам уларнинг олдида бўлмагансиз” (Оли Имрон сураси, 44-оят).**

Ривоят қилинишича, Имроннинг хотини Ҳунна Марям туғилганида уни бир матога ўраб, масжидга олиб борган ва Байтул мақдисдаги роҳиблар олдига қўйиб:

– Назр қилинган бу қизалоқни олинглар! – деган. Шунда ибодатхонадагилар бу борада тортишиб қолишган. Сабаби, Марям имомларининг қизи эди.

Шунда Закариё алайҳиссалом:

– Мен бу қизалоққа ҳақлироқман. Унинг холаси менинг хотиним, – деган. Роҳиблар эса:

– Йўқ, аввал қуръа ташлаймиз, – дейишган.

Бас, улар дарёга бориб, қаламларини сувга улоқтирдилар. Шунда Закариё алайҳиссаломнинг қалами сув юзасига қалқиб чиқди, бошқаларники эса чўкиб кетди. Шу зайл Закариё Марямнинг кафолатини олди¹⁶⁰.

Меҳроб Марям Аллоҳга ибодат қилиш учун танлаган масжиддаги бир хонадир. Унинг меҳроб дейилишига сабаб, унда шайтон ва нафсга қарши жанг қилинади (*“Меҳроб” сўзи “жанг қилинадиган жой” маъносини ифодалайди. – таржимон*).

Мана шу оят Аллоҳ таоло ҳар нарсага қодир эканига, Марямни ўз риоясига олганига, уни ризқу рўз билан таъминлаб турганига далолат қилади. Шунингдек, бу ерда авлиёларнинг каромати ҳақ эканига ҳам ишора бор.

¹⁵⁹ Айтилишича, Закариё Марямнинг опасига уйланган эди.

¹⁶⁰ “Тафсирул кашшоф”, 1-жуз, 357-бет.

Закариё алайҳиссалом Марям олдидаги ризқ қаердан келаётганини билмасди. Чунки Марямнинг хузурига ўзидан бошқа бирон киши кириб-чиқмасди. Шу сабаб, Закариё бу ҳолдан ажабланди. Қуръони карим унинг таажжубини қуйидагича ифодалайди:

“Эй Марям, бу нарсалар сенга қаёқдан келди?!”

Яъни, эй Марям, бу улуғ ризқ сенга қаердан келди? Бунинг сабабини билолмаяпман!

Шунда Марям қуйидагича жавоб қайтарди:

– Булар Аллоҳ хузуридан дир. Албатта Аллоҳ Ўзи истаган кишиларга беҳисоб ризқ беради.

Бу жавоб Марям имонининг кучли, қалбининг қордек мусаффо эканидан дарак беради.

Мана шу оятларни ўқир эканмиз, банда қалбида имон мустаҳкам ўрнашса, уни нақадар поклашига, бандага қуллик қилишдан кўра Аллоҳга ибодат қилиш билан инсон комил сифатларга эришишига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, бу қиссада Аллоҳ солиҳ бандалар дуосини сўзсиз қабул қилиши, суюкли бандаларини ҳимоясига олиб, уларга беҳисоб насиба ато этишини ҳам билиб оламиз.

ИСО АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ТУҒИЛИШИ

Қуръони каримдаги бир қанча сураларда Исо алайҳиссаломнинг туғилиши, вояга етиши, фазилати ва мўъжизалари ҳақида хабар қилинган. Жумладан, Марям сурасида шундай дейилган:

“Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) ушбу Китобда Марям (қиссаси)ни зикр қилинг. У ўз аҳли-оиласидан четга – кун чиқар томонга бориб, улардан парда ортига беркиниб олган пайтида Биз унга Ўз Рухимизни (яъни, Жаброилни) юбордик. Бас, у (Марямга) бус-бутун одам бўлиб кўринди. (Марям унга:) “Мен Раҳмонга сиғиниб сендан паноҳ беришини илтимос қиламан. Агар (Аллоҳдан) кўрқувчи бўлсанг, (менга зиён етказма”), деди. (Жаброил) айтди: “(Кўрқма!) Мен фақат сенга бир покиза ўғил ҳадя қилиш учун (келган) Парвардигорингнинг элчисиман, холос”. (Марям) деди: “Менга одамзот тегмаган бўлса, бузуқ аёл бўлмасам, менда қаёқдан фарзанд бўлсин?!” (Жаброил) айтди: “Шундай. Парвардигоринг айтадики: “Бу (иш) Менга осондир. Биз у (болани) одамлар учун оят-мўъжиза ва Ўз томонимиздан бўлган раҳмат-марҳамат қиламиз. Бу битган ишдир” (Марям сураси, 16-21-оятлар).

Аллоҳ таоло суюкли Пайғамбарига хитобан шундай демоқда:

– Эй Муҳаммад, Қуръони каримда Марям қиссасини зикр қилинг. Ўшанда у яшаб турган жойидан шарқ томонга қараб узоқлашиб кетган эди.

Марям оиласини ташлаб кетишига сабаб, холи қолиб Аллоҳга ибодат қилмоқчи, Парвардигорига яқинлаштирадиган солиҳ амалларни адо этмоқчи эди.

Имом Қуртубийга кўра, Марям нима сабабдан узоқлашгани ҳақида турли гаплар айтилган. Суддий: “Марям узрли ҳолатдан покланиш учун узоқлашган”, деган. Бошқаси: “Аллоҳга ибодат қилиш учун шундай йўл тутган”, деган. Шуниси маъқул. Унга кўра, Марям масжиднинг шарқ тарафидаги меҳробга кириб, холи тарзда ибодат қилган.

Оятда нега шарқ томон хосланмоқда, деб сўралса, чунки улар шарқ томонни улуғлашарди. Шарқ томондан нур таралади, деб жавоб берилади¹⁶¹.

“У ўз аҳли-оиласидан четга – кун чиқар томонга бориб, улардан парда ортига беркиниб олган пайтида Биз унга Ўз Рухимизни (яъни, Жаброилни) юбордик. Бас, у (Марямга) бус-бутун одам бўлиб кўринди”.

Марям Байтул макдиснинг шарқ томонидаги жойда ибодат билан машғул бўлиш мақсадида оиласидан узоқлашди. Кейин Аллоҳ унинг олдида Жаброил алайҳиссаломни юборди. Жаброил Марямга қадди-қомати расо ва чиройли бир инсон шаклида кўринди.

Жаброил шаъни улуғ эканини билдириш учун оятда “Рух” дейилмоқда. Мазкур фаришта ҳақиқий маънода руҳдир. Инсоният ҳаётининг асоси руҳ. Жаброил қалбларга руҳ бағишловчи рисолатни етказгани учун ҳам шундай аталади. Зеро, жисм Рух билан тирикдир.

Марям чўчимаслиги ва хотиржам гаплашиши учун Жаброил алайҳиссалом инсон суратида унга кўринган. Агар асл хилқатида кўринганида, Марям бундан кўрқиб кетиб, у билан гаплаша олмасди.

Шундан кейин Марям ва Жаброил ўртасидаги суҳбат баён қилинади:

(Марям унга:) **“Мен Раҳмонга сиғиниб сендан паноҳ беришини илтимос қиламан. Агар (Аллоҳдан) кўрқувчи бўлсанг, (менга зиён етказма”), деди.**

Марям хушсурат одам шаклида кўринган Жаброилга қарата:

– Мен Аллоҳдан сенинг зарар етказишингдан паноҳ тилайман! Агар қалбингда тақво бўлса, менга зиён етказма, мени холи қўй, Парвардигоримга ибодат қиламан! – дея таъкидлади.

Марям унинг қалбида Аллоҳдан кўрқиш ҳисини уйғотиш ва ёмонлик қилишдан қайтариш учун унга Аллоҳни эслатди.

Марям томонидан айтилаётган бу сўзлар унинг нақадар софдил, ифбатли ва Аллоҳга жуда яқин бўлганини кўрсатади.

Марямнинг талабига Жаброил алайҳиссалом шундай жавоб қилди:

– (Кўрқма!) **Мен фақат сенга бир покиза ўғил ҳадя қилиш учун (келган) Парвардигорингнинг элчисиман, холос.**

Яъни, Жаброил алайҳиссалом Марям қалбини хотиржам қилиш учун:

– Эй Марям, Сен паноҳ сўраётган Парвардигоринг элчисиман мен. Кўрқма! Аллоҳ мени Ўзининг изни ва қудрати билан сенга гуноҳ ва маъсиятдан пок, хайр-баракали ўғил фарзанд беришим учун юборди, – деди.

Бу гапдан Марямнинг хайрати ошди, таажжубдан ёқа ушлади ва:

– **Менга одамзот тегмаган бўлса, бузук аёл бўлмасам, менда қаёқдан фарзанд бўлсин?! деди.**

Яъни, қандай қилиб фарзандли бўламан! Ахир бирон эркак менга тегинмаган бўлса, ҳали оила қурмаган бўлсам! Мен эркаклар билан кўнгилхушлик қиладиган сууюқоёқ аёллардан ҳам эмасман-ку!

Оятда “тегиш” деганда шаръий никоҳ орқали эркак ва аёлнинг яқинлиги назарда тутилмоқда.

Бошқа ўринда Марямнинг ажабланиши қуйидагича ифодаланган: “Марям: “Парвардигорим, менга одамзот тегмаган бўлса, қаёқдан менда фарзанд бўлсин?!”

¹⁶¹ “Тафсирул куртубий”, 11-жуз, 90-бет.

деди. Аллоҳ айтди: “Шундай. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани (Ўзи хоҳлаган суратда) яратади. Қачон бирон ишни ирода қилса, унга: “Бўл!” дейди. Бас, у иш бўлади” (Оли Имрон сураси, 47-оят).

(Жаброил) айтди: **“Шундай. Парвардигоринг айтадики: “Бу (иш) Менга осондир”.**

Жаброил Марямнинг таажжубланишига жавобан:

– Айтганингдек, сенга биронта ҳам эркак тегмаган, бузук ишларни ҳам қилмагансан. Аммо Аллоҳ таоло мени сенга отасиз туғиладиган ўғил фарзанд бериш учун юборди. Бу иш Аллоҳ учун осондир. У Зот ҳар нарсага Қодир.

“Биз у (болани) одамлар учун оят-мўъжиза ва Ўз томонимиздан бўлган раҳмат-марҳамат қиламиз. Бу битган ишдир”.

Яъни, сендан отасиз туғиладиган бу болани қудратимизга далолат қилувчи улуғ мўъжизалардан қиламиз. Сенга ато этилажак бу болани имон келтирадиган ва даъватига ижобат қиладиганлар учун улуғ раҳмат қиламиз. Биз сенга бу болани шу ҳолатда ато қилишимиз Лавҳул Маҳфузда битилган ишдир. У шубҳасиз амалга ошиши лозим.

Шундан сўнг Марямни тўлғоқ тутганида бўлган ишлар баён қилинади. Аллоҳ таоло айтади:

“Бас, (Марям) унга ҳомиладор бўлиб, у билан бирга йироқ бир жойга кетди. Бас, тўлғоқ азоби уни бир хурмо дарахтининг шохига олиб борди (ва у шохга осилган ҳолда кўзи ёригач,) деди: “Қани, мана шу (кундан) илгари ўлиб кетсам-у, бутунлай унутилиб кетсам эди”. Шунда (хурмо дарахтининг) ортидан нидо қилди: “Ғамгин бўлма. Парвардигоринг (оёқ) остингдан бир ариқ оқизиб қўйди. (Мана бу қуриб қолган) хурмо шохини силкитгин, у сенга янги хурмо меваларини ташлар. Энди сен еб-ичгин, шод-хуррам бўлгин. Бас, агар одамзотдан биронтасини кўриб қолсанг (ва у сендан бу боланинг отаси ҳақида сўраса,) у холда: “Мен Раҳмон йўлида сукут сақлашни назр (аҳд) қилганман. Бас, бугун бирон инсонга сўзламайман”, дегин” (Марям сураси, 22-26-оятлар).

Салафи солиҳинлардан бир қанчаси зикр қилишича, бу ердаги фариштадан мурод Жаброил алайҳиссаломдир. У Марям кўйлагининг ёқасига пуфлаган. Бу пуфлаш раҳмига тушиб, Аллоҳ таолонинг изни билан болага ҳомиладор бўлган.

Жумҳур уламолардан нақл қилинган машҳур қавлга кўра, Марям тўққиз ой ҳомиладор бўлган¹⁶².

Оятнинг зоҳирига кўра, Марям оддий аёллар каби тўққиз ой ҳомиладор бўлган¹⁶³.

“Бас, (Марям) унга ҳомиладор бўлиб, у билан бирга йироқ бир жойга кетди”.

Жаброил Марямга: “Мен Парвардигоринг изни билан сенга покиза ўғил бериш учун юборилдим”, деб айтганидан кейин унинг либоси ёқасидан пуфлади ва Марям Исо алайҳиссаломга ҳомиладор бўлди. Оғироёқ Марям шу ҳолида ўзи яшаб турган жойдан узоқларга бош олиб кетди.

Жумҳур уламоларга кўра, Марям Фаластиндаги Байту Лаҳм деган жойга қараб йўл олган.

Ибн Аббос: “У Байту Лаҳм водийси томон кетган. Қавми уни никоҳсиз бола тукқанликда айбламасликлари учун улардан қочиб кетган”, деган.

¹⁶² Иқрима: “Саккиз ой”, деган.

¹⁶³ “Тафсиру ибни касир”, 3-жуз, 116-бет.

Шундан кейин Марям кўзи ёриш арафасида қандай ҳолатга тушгани баён қилинади:

“Бас, тўлғоқ азоби уни бир хурмо дарахтининг шохига олиб борди (ва у шохга осилган ҳолда кўзи ёригач,) деди: “Қани, мана шу (кундан) илгари ўлиб кетсам-у, бутунлай унутилиб кетсам эди”.

Марям Исога ҳомиладор бўлганидан кейин қавмидан узоқроқ жойга кетди. Унинг кўзи ёриш онлари яқинлашганида хурмо дарахти шохларига осилди. Ўша дамларда уни ғам-қайғу қуршаб олганди. Марям андуҳ ила:

– Кошки ҳомиладор бўлиш ва тўлғоқ азобига йўлиқишдан олдин ўлиб кетсам эди! Кошки бирон киши эсламайдиган, парво қилмайдиган бир нарса бўлиб қолсам эди! – деб фиғон чекди.

Имом Алусийга кўра, Марям Жаброил алайҳиссаломнинг ваъдасига ишонганди. Аммо одамлардан уялиб, уларнинг маломату дашномларидан кўрққани учун, ёки одамлар ўзи ҳақида нолойиқ гапларни тарқатиб гуноҳкор бўлиб қолишларидан хавфсирагани учун шундай сўзларни айтган.

“Саҳиҳ муслим”да мана бундай ҳадис ривоят қилинган: “Сизлардан бирон киши бошига тушган мусибат сабабидан ўзига ўлим тиламасин! Агар тилайдиган бўлса, бас: “Ё Аллоҳ, агар тириклик мен учун яхши бўлса, мени яшатгин! Агар вафот этиш мен учун хайрли бўлса, мени вафот эттир!” десин”.

Ким Марям оғрик зўрлиги сабабидан ўлимни орзу қилган, деса, хато ўйлабди¹⁶⁴.

Қисса давомида Аллоҳ таоло Марямга оғир дамларда қандай марҳамат кўрсатгани айтилади:

“Шунда (хурмо дарахтининг) ортидан нидо қилди: “Ғамгин бўлма. Парвардигоринг (оёқ) остингдан бир ариқ окизиб қўйди. (Мана бу қуриб қолган) хурмо шохини силкитгин, у сенга янги хурмо меваларини ташлар. Энди сен еб-ичгин, шод-хуррам бўлгин”.

Ибн Аббос розияллоҳу анху айтишича, оятда “ортидан” деганда Жаброил алайҳиссалом назарда тутилган. Исо онаси томонидан қавми олдига олиб борилмагунича гапирмаган. Бу Марям учун мазкур ишлар одатда ташқари эканига далолат қилувчи белгидир. Бунда Аллоҳ таолонинг улуғ муроди бор эди¹⁶⁵.

Баъзи муфассирлар фикрича, нидо қилувчи Исо алайҳиссаломдир. Шунда оятнинг маъноси: “Унинг ўғли Исо Марям ортидан нидо қилди. У тукқанида ўғли унинг ортида эди”, бўлади. Имом Ибн Жарир Табарий мана шу қавлни маъқуллаган.

Кўринишидан Ибн Жарирнинг айтган гапи ҳақиқатга яқинроққа ўхшайди. Чунки ўша онларда Исо онасига нидо қилган. Бундан мурод Марям қалбига хотиржамлик ва сакинат олиб кириш эди.

Шундан келиб чиқиб, оятнинг мазмуни қуйидагича бўлади: Марямнинг кўзи ёригач, унинг орқасидаги чақалоғи онасининг маҳзун қалбига хотиржамлик киритиш мақсадида:

– Эй онажон, хафа бўлманг! Ичиб, чанқоғингизни қондиришингиз учун Парвардигорингиз оёғингиз остидан бир жилғани окизиб қўйди. Мана бу хурмо шохларини силкитинг, шунда устингизга янги хурмо мевалари тўкилади. Сиз ўша

¹⁶⁴ “Тафсирул алузий”, 16-жуз, 82-бет.

¹⁶⁵ “Тафсирул куртубий”, 11-жуз, 92-бет.

меваларни енг, ариқдаги зилол сувдан ичинг. Мен ёнингиздаман, зинҳор ғамгин бўлманг. Ўзингиздан ташвишни аритинг! – деди.

Уламолар мана шу оятни далил қилиб, ризқ талабида сабабларни юзага келтириш вожиб эканини таъкидлашган. Бу нарса Аллоҳга таваккул қилишга зид эмас. Мўмин банда Парвардигори амрига бўйсуниб ризқ талабида ҳаракат қилади ва ризққа етишиш йўлида сабабларни восита қилади. Мўмин банда Аллоҳ таолонинг мулкида бирон нарса У Зотнинг изнисиз бўлмаслигига шубҳасиз ишонади.

Аслида Аллоҳ таоло суюкли бандаси Марям устига хурмоларни дарахтни силкитмасдан ҳам туширишга қодир эди. Аммо буни Исо алайҳиссалом тилидан унга амр қилди. Зеро, ризқ талабида ҳаракат қилиш У Зот белгилаб кўйган қонундир.

Шунингдек, бу оятдан келиб чиқиб, аёл кўзи ёриганидан кейин унинг учун ҳўл хурмо энг яхши озуқа экани ҳам зикр қилинган. Айтилишича, агар нифосдаги аёллар учун ҳўл хурмодан яхшироқ нарса бўлганида, Аллоҳ таоло Марямга ўшани ато этарди.

“Бас, агар одамзотдан биронтасини кўриб қолсанг (ва у сендан бу боланинг отаси ҳақида сўраса,) у ҳолда: “Мен Раҳмон йўлида сукут сақлашни назр (аҳд) қилганман. Бас, бугун бирон инсонга сўзламайман”, дегин”.

Бу Исо алайҳиссаломнинг онасига айтган сўзининг давомидир.

Яъни, Исо онаси Марямга:

– Эй онажон! Отасиз туғилганим учун ғам чекманг! Бунинг учун мамнун бўлинг! Агар мен ҳақимда сўрайдиган бирон кишига дуч келсангиз, бас, “Мен Аллоҳ йўлида гапирмасликка аҳд қилганман. Бас, бугун бу бола ҳақида бирон кишига сўз очмайман. Хабарини етказишни боламини ўзига қолдираман”, деб айтинг! – дея таъкидлади.

Айтишларича, Марям икки хил сабабга кўра гапиришдан қайтарилган:

биринчиси, онаси номидан Исо гапириши керак эди. Шунда онасига қилинадиган туҳматларни қайтариш учун кучли далил бўлади. Бунда сўзни энг муносиб одамга бериш кераклигига ишора бор.

Иккинчиси, жоҳиллар билан баҳслашиш карохатли экани. Жоҳиллар, эси паст кимсалар, талашиб-тортишганида уларга сукут қилиш вожибдир¹⁶⁶.

Қисса давомида Марям боласини олиб қавми олдига келганида, улар бунга қандай муносабат билдирганлари, Исо чақалоқ ҳолида уларга нима дегани баён қилинади. Аллоҳ таоло айтади:

“Сўнг (Марям боласини) кўтарган ҳолда ўз қавмига келганида улар: “Эй Марям, сен (ҳеч ким қилмаган) ажиб ишни қилдинг-ку! Эй Ҳоруннинг синглиси, сенинг отанг ёмон одам эмас эди-ку, онанг ҳам фоҳиша эмас эди-ку!” дедилар. Шунда (Марям оғиз очмасдан боласига ишора қилди). Улар айтдилар: “Бешикдаги гўдак билан қандай сўзлашамиз?!” (Шу пайт чақалоқ, яъни Исо тилга кириб) деди: “Мен Аллоҳнинг бандасиман. У Зот менга Китоб – Инжил ато этди ва мени пайғамбар қилди. Яна мени қаерда бўлсам ҳам хайру баракотли қилди ва модомики, ҳаёт эканман намозни (адо этишни) ва закотни (беришни) амр қилди. Шунингдек, (Аллоҳ) мени онамга итоатли – меҳрибон қилди ва мени ситамкор бадбахт қилмади. Менга туғилган кунимда ҳам, вафот этадиган кунимда ҳам,

¹⁶⁶ “Тафсирул фахрир розий”, 5-жуз, 535-бет.

қайта тириладиган кунимда ҳам тинчлик-омонлик бўлади” (Марям сураси, 27-34-оятлар).

Марям фарзанди Исонинг сўзларини эшитиб, қалбига хотиржамлик кирди, хурсанд бўлди ва ўғлини кўтариб қавми олдига борди.

Саид ибн Мансур, Ибн Асокир Ибн Аббосдан ривоят қилишича, Марям қирқ кунда нифосдан покланганидан кейин боласини қавми олдига олиб борган.

Оятнинг зоҳири ва хабарларга қараганда, Марям қавми талаб қилмасалар ҳам ўғлини улар олдига олиб борган¹⁶⁷.

Марям кўлидаги болани кўрган қавми унга қарата:

– **Эй Марям, сен** (ҳеч ким қилмаган) **ажиб ишни қилдинг-ку!** – дейишди.

Яъни, эй Марям, сен жуда ёмон иш қилдинг-ку! Биз сени оила қурганингни билмаган эдик. Энди бўлса, бир бола билан келибсан!

Улар Марям ношаръий йўл билан бола орттириб олган, деган маънода унга хитоб қилишди. Қуръони каримнинг бошқа оятида бу қуйидагича ифодаланган: “Яна кофирликлари ва Марям хусусида улуғ бўхтон қилганлари сабабли ҳамда Аллоҳнинг пайғамбари бўлган Масиҳ Исо ибни Марямни “Бизлар ўлдирганмиз”, деган сўзлари сабабли (Биз уларни лаънатладик)” (Нисо сураси, 156-оят).

Уларнинг манави сўзлари ҳам Марямни фаҳш ишда айблаганларига ишора қилади:

“Эй Ҳоруннинг синглиси, сенинг отанг ёмон одам эмас эди-ку, онанг ҳам фоҳиша эмас эди-ку!”

Яъни, эй Марям, отанг зино қиладиган ё бузуқ ишларни содир этадиган одам эмасди-ку. Онанг ҳам бундай ишларни қилмасди?!

Бу ерда “Ҳорун” деганда Мусо алайҳиссалом биродари назарда тутилмаган. Балки Бани Исроил қавмида Ҳорун исмли солиҳ ва тақводор инсон бўлган. Улар салоҳият ва тақвода Ҳоруннинг синглиси, деб мурожаат қилишган.

Оятда зикр қилинган Ҳорун Мусо ибн Имрон алайҳиссалом укаси эмаслигига қуйидаги ривоят ҳам далолат қилади.

Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени Нажронга юбордилар. Улар: “Сизлар “Эй Ҳоруннинг синглиси”, деб қироат қиласизлар, ваҳоланки, Мусо Исодан анча йил олдин ўтган”, дейишди. Бас, мен қайтиб келиб, буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга зикр қилганимда, у зот: “Улар ўзларидан олдин ўтган пайғамбарлар ва солиҳлар исмини (фарзандларига) қўйишларини айтмадингми?” дедилар” (Муслим, Термизий, Насоий, Аҳмад, Табароний ва Ибн Ҳиббон ривоят қилган).

Қатода шундай деган: “Ҳорун Бани Исроилдаги солиҳ кишидир. Сингил бу ерда ўхшашлик маъносидадир¹⁶⁸”.

Хуллас, Бани Исроил қавми Марямга катта бўхтон қилди. Покдомон бўлишига қарамай уни фаҳш ишда айблади.

Шунда Марям ўзини ҳимоя қилиш мақсадида “Манави болага мурожат қилинглр. У бор ҳақиқатни айтади”, дегандек чақалоғига ишора қилди. Аммо улар бу ишорадан қониқмадилар. Шунинг учун:

– **Бешикдаги гўдак билан қандай сўзлашамиз?! –** дея ажабландилар.

¹⁶⁷ “Тафсирул алусий”, 16-жуз, 87-бет.

¹⁶⁸ “Тафсирул алусий”, 16-жуз, 88-бет.

Яъни, улар Марямнинг гапидан таажжубланиб:

– Бешикдаги ёш бола билан қандай гаплашамиз! – дея эътироз билдиришди.

Бироқ Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломни гапиртириб кўйди ва у онасининг покдомон эканига ишора қилувчи куйидаги сўзларни айтди:

– **Мен Аллоҳнинг бандасиман. У Зот менга Китоб – Инжил ато этди ва мени пайғамбар қилди. Яна мени қаерда бўлсам ҳам хайру баракотли қилди.**

Яъни, мен Аллоҳнинг бандасиман. У Зот мени яратган. Сизлар ҳам Аллоҳга бандасизлар. Буюк Холиқ Аллоҳ менга Инжилни берди. Аллоҳ мени пайғамбарлардан қилади. Мен одамларни ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга чақираман. Қаерда бўлсам ҳам, Аллоҳ мен учун ўша ерда хайр ва баракани беради.

Исо бу сўзларни ўтган замонда ифодалаш келажакда унинг пайғамбар бўлиши, Инжил ато этиши аниқ эканига далолат қилади. Қуръони каримда кўп ўринларда келажакда бўладиган ишлар ўтган замон билан ифодаланган. Бу ҳам ўша айтилганлар шак-шубҳасиз содир бўлишини англатади¹⁶⁹.

Бешикдаги Исо сўзида давом этиб яна шундай деди:

– **Ва модомики, ҳаёт эканман намозни (адо этишни) ва закотни (беришни) амр қилди.**

Яъни, то ҳаёт эканман, намозни ўз вақтида ўқишни, закотни ҳақдорларга беришни буюрди Парвардигорим.

– **“Шунингдек, (Аллоҳ) мени онамга итоатли – меҳрибон қилди ва мени ситамкор бадбахт қилмади”.**

Яъни, Аллоҳ таоло мени онамга меҳрибон, итоатли қилди. Аллоҳ таоло мени раҳмати ила мутакаббир ва мақтанчоқ кимсалардан қилмади.

– **“Менга туғилган кунимда ҳам, вафот этадиган кунимда ҳам, қайта тириладиган кунимда ҳам тинчлик-омонлик бўлади”.**

Яъни, менга туғилган кунимда, дунёдан ўтганимда ва ҳисоб қилиниш учун қиёматда тирилтирилганимда саломат ва омонлик бўлгай.

Исо алайҳиссалом ўзини бир қанча сифатлар билан васф қилди. Энг биринчи навбатда Аллоҳнинг бандаси эканини таъкидлади. Бундан мурод одамларга асл ҳақиқатни билдириш, ширкдан узоқ бўлишга чақирди. “Исо Аллоҳнинг ўғли” ёки “Исо Аллоҳдир”, “Исога ҳам ибодат қилинади”, дейдиган кимсаларга раддия беришдир.

Исонинг сўзлари ҳаётининг ҳар лаҳзасида ва вафотидан кейин ҳам Аллоҳдан омонлик умидида эканини ифодалаш билан яқунланади.

Марям сурасида Исо ва онасига тухмат қиладиганлар оқибати ёмон бўлиши ҳақида огоҳлантирилган. Аллоҳ таоло айтади:

– **“Улар шак-шубҳа қилаётган Исо ибн Марям (ҳақидаги Аллоҳнинг) ҳақ сўзи мана шудир. Аллоҳ учун ҳеч қандай бола тутиш жоиз эмас – У Зот (бундай нуқсондан) Покдир. У бирон ишни қилишни истаса, фақат унга: “Бўл”, дейди. Бас, (ўша иш) бўлади. (Исо айтди:) “Албатта Аллоҳ Парвардигорим ва Парвардигорингиздир. Бас, Унга бандалик қилинг! Мана шу тўғри йўлдир”. Сўнг ҳизблар – тўдалар (Исо хусусида) ўзаро ихтилоф қилдилар. Бас, кофир бўлган кимсаларга улуғ кун – қиёматга гувоҳ-ҳозир бўлганларида ҳалокат бўлгай! Улар Бизга келадиган кунда жуда ҳам (аниқ) кўрадиган ва эшитадиган**

¹⁶⁹ Қаранг: Наҳл сураси, 1-оят; Зумар сураси, 68-оят.

бўлиб қоладилар. Лекин у золимлар бугун очик залолатдадирлар. (Эй Муҳаммад,) сиз уларни барча иш битирилиб, улар хасрат-надомат қилиб қоладиган кундан – қиёматдан кўрқитинг! (Бугун) улар ғафлатдадирлар. (Шу сабабдан) улар имон келтирмайдилар. Шак-шубҳасиз, Биз Ўзимиз бу ерга ва ундаги бор жонзотга меросхўр бўламиз ва фақат Бизга қайтариладилар” (Марям сураси, 34-40-оятлар).

Юқорида келтирилган Марям ва ўғли Исо алайҳиссалом ҳақидаги гаплар Аллоҳ таолонинг ҳақ сўзидир. Унга бирон ботил сўз аралашмаган. Энг ишончли ва рост гап шу Исо ҳақида. Аммо кофирлар ва залолатдаги кимсалар Исо ҳамда волидаси ҳақида турли шубҳа-гумонларни тарқатдилар, нолойиқ сўзларни айтдилар. Улар ўз залолатларида адашиб юраверадилар.

Шундан кейин Аллоҳ таоло ҳар қандай нуқсондан пок экани таъкидланади:

“Аллоҳ учун ҳеч қандай бола тутиш жоиз эмас – У Зот (бундай нуқсондан) Покдир”.

Бирон бандани Ўзига фарзанд тутиш Аллоҳ таолонинг улуғлигига тўғри келмайди. Бундай нарсани Аллоҳга хослаш тўғри эмас. Аллоҳ бундай камчиликдан покдир. Ўткинчи дунёда яшайдиган инсонлар наслни давом эттириш учун фарзанд кўрадилар. Заифлар белига қувват бўлсин деб фарзанд талаб қиладилар. Аллоҳ эса боқий ва ҳар нарсага Қодирдир. У Ўзи яратган нарсаларга муҳтож эмас.

Бошқа оятда шундай дейилган: “(Мушриклар:) “Раҳмоннинг боласи бор”, дедилар. (Эй мушриклар,) сизлар шундай оғир гап айтдингизки, унинг оғирлигидан – Раҳмоннинг боласи бор деган (гапнинг оғирлиги)дан осмонлар ёрилиб, ер бўлиниб, тоғлар парчаланиб кулаб кетишига яқин бўлади. Раҳмон учун бола тутиш лойиқ эмас (яъни, Аллоҳ болага муҳтож эмас)” (Марям сураси, 88-92-оятлар).

Қисса давомида Аллоҳ таоло фарзанд тутишдан беҳожат экани эслатилади:

“У бирон ишни қилишни истаса, фақат унга: “Бўл”, дейди. Бас, (ўша иш) бўлади”.

Аллоҳнинг бола тутишини тасаввурга қилиб бўлмайди. Чунки У Зот бунга муҳтож эмас. Аллоҳ бирон ишни қилишни хоҳласа, “Бўл!” дейди. Бас, ўша заҳоти иш бажарилади.

(Исо айтди:) **“Албатта Аллоҳ Парвардигорим ва Парвардигорингиздир. Бас, Унга бандалик қилинг! Мана шу тўри йўлдир”.**

Исо алайҳиссалом қавмига хитобан:

– Албатта Аллоҳ менинг ҳам, сизларнинг ҳам Парвардигорингиздир. Шундай экан, ёлғиз Аллоҳга ихлос билан ибодат қилинг, Унинг амрига итоат этинг. Мен сизларни чақираётган йўл энг тўғри йўлдир. Бу йўлдан юрган одам зинҳор адашмайди, – деди.

“Сўнг ҳизблар – тўдалар (Исо хусусида) ўзаро ихтилоф қилдилар. Бас, кофир бўлган кимсаларга улуғ кун – қиёматга гувоҳ-ҳозир бўлганларида ҳалокат бўлмай!”

Бу ердаги “ҳизблар”дан мурод, Исо алайҳиссалом ҳақида баҳслашган яҳудий ва насронийлар гуруҳидир.

Яъни, Исо алайҳиссалом қавмини ҳақ динга даъват қилди. Бироқ яҳудий ва насронийлар ичида залолатга кетган кимсалар у ҳақида катта ихтилоф чиқардилар, жуда қаттиқ адашдилар. Ўша гуруҳлар Исони лойиқ бўлмаган сифатлар билан васф қилдилар. Ваҳоланки, Исо улар айтаётган гаплардан покдир. Қиёмат куни ана ўша

кимсаларнинг ҳолига вой бўлади! Бўхтон ва ёлғонлари сабаб, Аллоҳ уларни жаҳаннамда қаттиқ азоблайди.

“Улар Бизга келадиган кунда жуда ҳам (аниқ) кўрадиган ва эшитадиган бўлиб қоладилар. Лекин у золимлар бугун очик залолатдадирлар”.

Яъни, бу кофирлар қиёмат кунида қандай қилиб кўрадиган ва эшитадиган бўлиб қолдилар. Ваҳоланки, дунёда пайғамбар олиб келган нарсаларни инкор қилишдан бошқа нарсани билмадилар-ку!?

Бу кимсаларнинг ҳоли жуда қизиқ: кўз ва кулоқлари ҳидоят сари бошлаши керак бўлганда, ҳаётлик чоғларида нажот йўлига юрмадилар. Энди эса уларнинг кўриши ва эшитиши азобланишларига восита бўлади (яъни, вақт ўтганидан кейин кўриш ва эшитишдан наф йўқ. Бу дунёда ҳидоят йўлида юриш керак эди).

“(Эй Муҳаммад,) сиз уларни барча иш битирилиб, улар ҳасрат-надомат қилиб қоладиган кундан – қиёматдан кўрқитинг!”

Яъни, эй мухтарам Пайғамбар! Сиз мушрикларни қиёмат кунидаги кўрқинчлардан огоҳлантиринг! Ўша куни золимлар Аллоҳга итоат этмаганлари учун қаттиқ надомат чекадилар. Бироқ бу пушаймон энди фойда бермайди. Сабаби, Аллоҳ улар устидан ҳукм чиқариб бўлди: мўминлар нажот топиши ва фосиқлар ҳалок бўлиши ҳақида ҳукм ўқилди. Ана энди жаннат аҳли жаннат сари йўл оладилар. Дўзахийлар эса жаҳаннам қаърига равона бўладилар.

“(Бугун) улар ғафлатдадирлар. (Шу сабабдан) улар имон келтирмайдилар”.

Яъни, эй Муҳаммад, уларни бугун огоҳлантиринг! Чунки улар мана шу кунда огоҳлантиришга муҳтожлар. Улар ғафлат уйқусидадирлар, имонсиз ҳолда яшамоқдалар.

“Шак-шубҳасиз, Биз Ўзимиз бу ерга ва ундаги бор жонзотга меросхўр бўламиз ва фақат Бизга қайтариладилар”.

Яъни, Биз ер юзидаги барча тирик жонзотларни вафот эттирамиз ва Биздан бошқа бирон зот қолмас. Махлуқотлар қиёмат куни хузуримизга қайтадилар. Биз уларнинг амалларига қараб ҳисоб қиламиз.

Оли Имрон сурасида Марям ва Исо алайҳиссаломга берилган фазилатлар, олий мақомлар ва инсонларни ожиз қолдирувчи мўъжизалар ҳақида хабар берилган. Аллоҳ таоло шундай деган:

“Фаришталар Марямга: “Эй Марям, албатта Аллоҳ сени (аёллар орасидан) танлаб олди ва (барча гуноҳлардан) поклади ҳамда сени бутун оламларнинг аёлларидан афзал қилди. Эй Марям, Парвардигорингга итоат қил ва руку қилувчилар билан бирга сажда ва руку (яъни, ибодат) қил!” деганларини эсланг! (Эй Муҳаммад,) бу ғайб хабарларидандир. Бу хабарни сизга Биз ваҳий қилмоқдамиз. Холбуки, сиз улардан қайсилари Марямга кафил бўлиши(ни билиш) учун қаламларини (куръа қилиб) ташлаганларида, уларнинг олдида эмасдингиз ва талашиб-тортишганларида ҳам уларнинг олдида эмасдингиз. Эсланг, фаришталар дедилар: “Эй Марям, албатта Аллоҳ Ўз томонидан бир сўз ҳақида хушхабар беради. Унинг исми Масих Исо ибн Марям бўлиб, дунёю охиратда обрўли ва (Аллоҳнинг) яқинларидандир. У одамларга гўдаклик пайтида ҳам вояга етган чоғидагидек гапиради. (У) солиҳлардандир”. Марям: “Парвардигорим, менга одамзот тегмаган бўлса, қаёқдан менда фарзанд бўлсин?” деди. Аллоҳ айтди: “Шундай, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсасини (Ўзи

истаган суратда) яратади. Қачон бирон ишни ирода қилса, унга: “Бўл!” дейди. **Бас, у иш бўлади”** (Оли Имрон сураси, 42-47-оятлар).

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга хитобан:

– Фаришталар Марямга: “Эй Марям, Аллоҳ мени ўзига итоат этиш ва байтида хизмат қилиш учун танлаб олди. Сени нопокликлардан, турли ёмон сифатлардан поклади. Исони отасиз дунёга келтириш ва уни оламларга аломат қилиш билан сени дунё аёлларидан афзал қилди”, деб нидо қилганларини эсланг! – демоқда.

Кўриниб турибдики, Аллоҳ таоло бу оятда Марямнинг танлаб олиниши, покланиши ва муҳаббатга сазовор қилиниши билан унинг шаънини юқори кўтариб, ҳақиқа мақтовлар айтмоқда.

Ҳадис китобларида Марямнинг фазилати ҳақида бир қанча ривоятлар келтирилган. Жумладан, Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “(Дунё) аёлларининг энг яхшиси Марям бинти Имрон ва Хадижа бинти Хувайлидир” (Бухорий ва Муслим ривоят қилган).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилган: “Сенга дунёдаги аёллардан Марям бинти Имрон, Хадижа бинти Хувайлид, Фотима бинти Муҳаммад ва фиръавннинг хотини Осиё бинти Мазоҳим кифоя қилади” (Термизий ривоят қилган).

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анху Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилади: “Эркақлар ичида жуда кўпчилик комил бўлдилар. Аммо аёллардан фақат фиръавннинг хотини Осиё, Марям бинти Мазоҳим комил бўлди. Оишанинг дунё аёлларидан афзаллиги сариднинг¹⁷⁰ бошқа таомлардан афзаллиги кабидир” (Бухорий ривоят қилган).

Жумхур уламоларга кўра, фаришталар Марямга мушофаха йўли билан, яъни, калом орқали нидо қилишган. Баъзилар бу илҳом ёки уйқудаги рост туш кўринишида бўлганини айтишган. Аввалги қавл кучли саналади. Чунки бошқа бир оятда келишича, Жаброил алайҳиссалом Марямга бир хушсурат киши шаклида кўринган ва у билан сўзлашган.

Шундан сўнг фаришталар Марямни Аллоҳга кўп ибодат қилиш, У Зотга муттасил итоат этишга чақирганлари баён қилинади:

“Эй Марям, Парвардигорингга итоат қил ва руку қилувчилар билан бирга сажда ва руку (яъни, ибодат) қил!”

Яъни, эй Марям, Аллоҳга ихлос билан ибодат қил, тоатларда бардавом бўл. Зеро, тоат-ибодатлар ва намоз неъматлар бардавомлигини таъминлайди ва инсонни Парвардигорига яқинлаштиради.

Бу оятда Марям ва бошқа барча инсонлар ибодатларда қоим бўлишга, жумладан, намозни жамоат билан ўқишга даъват қилинмоқда.

Мана шу оятлар Ислом ҳақ дин эканига далолат қилади. Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Марям хусусида ҳақ сўзни келтирдилар. Ваҳоланки, яҳудий ва насронийлар Марям ҳақида ихтилоф қилдилар ва бу нарса уларнинг залолатига сабаб бўлди.

“(Эй Муҳаммад,) бу ғайб хабарларидандир. Бу хабарни сизга Биз ваҳий қилмоқдамиз”.

¹⁷⁰ (Нон солинган гўштли шўрва “сарид” дейилади. – таржимон)

Яъни, эй мухтарам Пайғамбар, сизга ҳикоя қилаётганимиз бу қиссалар ғайб хабарларидандир. Уни Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмайди. Биз уни Сизнинг ростгўйлигингизга далолат қилиши ва ақлли кишилар учун ибрат бўлиши учун ваҳий қиляпмиз.

“Ҳолбуки, сиз улардан қайсилари Марямга кафил бўлиши(ни билиш) учун қаламларини (қуръа қилиб) ташлаганларида уларнинг олдида эмасдингиз ва талашиб-тортишганларида ҳам уларнинг олдида эмасдингиз”.

Яъни, эй Муҳаммад, улар Марям хусусида қандай тадбир қилганларини кўрмагансиз. Улардан қайси бири Марямга кафил бўлишини билиш учун қуръа ташлаганларида ва шу сабабдан ихтилоф қилганларида у ерда эмасдингиз.

Пайғамбар алайҳиссалом Марям ва Закариё алайҳиссалом билан замондош бўлмаганлар. Уларнинг хабарларини бирон китобдан ўқимаганлар. Шундай бўлса-да, у зот аҳли китобларга ҳақиқатни баён қилганлар. Бу Аллоҳ таолонинг ваҳийси билан бўлган.

Шундай кейин фаришталар Марямга етказган башоратлари келтирилади:

“Эсланг, фаришталар дедилар: “Эй Марям, албатта Аллоҳ Ўз томонидан бир сўз ҳақида хушxabар беради”.

Яъни, фаришталар Марямга:

– Эй Марям, албатта Аллоҳ ўз калимаси сабабидан вужудга келган бир ўғил фарзанд ҳақида сенга башорат беради, – деб хитоб қилган вақтини эсланг.

Исо алайҳиссаломнинг “сўз” дейилишига сабаб, у зот Аллоҳнинг “Бўл!” деган амри билан вужудга келди.

Одатда, инсон ота ва она сабабидан дунёга келади. Бу ҳам Аллоҳнинг қудрати билан бўлади. Бироқ Исо алайҳиссалом Аллоҳнинг биргина “”Бўл!” деган буйруғи билан яратилган. Ҳа, Исо отасиз дунёга келди. Бу ғайриоддий ҳолат Аллоҳ таолонинг чексиз қудрат Соҳиби эканини кўрсатади.

“Унинг исми Масих Исо ибн Марям бўлиб...”

“Масих” сиддиқ ва форуқ каби шарафли лақаблардандир. Асли ибронийча “маших”дир. Мазкур сўз “муборак” маъносини англатади. Баъзилар “масих” ибодат учун саёҳат қилувчи мазмунига эга эканини айтишган. Яна бир тоифа уламолар фикрича, “Масих” гуноҳлардан покланган маъносини билдиради.

“Исо” мазкур пайғамбар исми бўлиб, оқлик, сафо ва поклик мазмунига эга.

“Ибн Марям” Исо алайҳиссаломнинг куняси. Бу куня унинг насаби онасига тегишли экани, Аллоҳнинг ўғли эмаслигига далолат қилади.

Кўриниб турибдики, Аллоҳ таоло бу оятда Исо алайҳиссаломни уч хил сифат билан васф қилган. Буларнинг биронтасида Исо алайҳиссаломга ҳеч ким шерик бўлмайди.

Қуйидаги тўрт хил сифат ҳам Исо алайҳиссаломнинг мартабасининг улуғлигидан дарак беради:

“Дунёю охиратда обрўли ва (Аллоҳнинг) яқинларидандир. У одамларга гўдаклик пайтида ҳам вояга етган чоғидагидек гапиреди. (У) солихлардандир”.

Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломнинг дунё ва охиратдаги мақомини баланд қилди. Зеро, Исо одамларни тўғри йўлга бошлади, уларни залолатдан ҳидоят нурига чиқарди, гўзал хулқлар билан сифатланишга чақирди. Шунингдек, Исо алайҳиссалом Аллоҳ наздида муқарраб бандалардандир.

Исо алайҳиссалом ҳали тили чиқадиган ёшга етмасиданоқ одамлар билан гаплашган. У худди балоғатга етган йигит каби сўзларди. Исо бешикдалигида ҳам, вояга етганида ҳам пайғамбарларга хос тарзда мукамал суратда гапирган. Бу Исо алайҳиссаломнинг мўъжизаларидан биридир.

Исо алайҳиссаломнинг тўртинчи сифати унинг солиҳлардан эканидир. Мазкур пайғамбар рисолатни ўз зиммасига олиб, уни одамларга етказгани, ер юзини ислоҳ қилиб, Аллоҳга итоат этгани учун солиҳ бандалар қаторида зикр қилинган.

Айтишларича, банда учун солиҳликдан улуғроқ мартаба йўқ. Сабаби, барча яхши сифатларни ўзида жамлаган, қалб ва тана билан қилинадиган амалларда пешқадам бўлган зотларгина бу мақомга эришадилар. Намл сурасининг 19-оятда айтилишича, Сулаймон алайҳиссалом Аллоҳ рози бўладиган амалларга йўллаши ва солиҳ бандалардан қилишини сўраб Парвардигорига илтижо қилган.

Қуйида Исо алайҳиссалом туғилишини эшитган Марям бунга қандай муносабат билдиргани баён қилинади:

Марям: “Парвардигорим, менга одамзот тегмаган бўлса, қаёқдан менда фарзанд бўлсин?” деди.

Марям Исо ҳақидаги башоратни ажабланиш билан қарши олди. Одатда, фарзанд дунёга келиши учун унинг сабабларини вужудга келтириш талаб этилади. Марям назарида ана ўша иш бўлмагани учун ўғил кўриши ҳақидаги хабардан таажжубланди.

Марямнинг “Парвардигорим” деб нидо қилиш унинг Аллоҳ таолога ишончи кучли бўлганини, У Зотнинг қудратига зиғирча шубҳаланмаганини кўрсатади.

Оятдаги “тегиш” икки хил изоҳланган. Биринчиси, фарзанд дунёга келишига сабаб бўлувчи муносабат. Иккинчиси, Марямга маҳрамларидан бошқа бегона эркак кўлини ҳам текказмаганидир. Чунки у ўта ифбатли, маъсума аёл эди. Қолаверса, у масжидда ибодат билан машғул бўлган.

Марямнинг бу хушxabардан ажабланиши мана бу сўзлар билан кетказилди:

Шундай, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсасини (Ўзи истаган суратда) яратади. Қачон бирон ишни ирода қилса, унга: “Бўл!” дейди. Бас, у иш бўлади”.

Аллоҳ Марямга воситасиз ёки фаришталар орқали:

– Биз сен учун мана шу тарзда фарзанд ато этамиз. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани ҳеч қандай сабабсиз ҳам ярата олади. Унинг иродасига қарши чиқувчи йўқ. Аллоҳнинг ҳукмини ҳеч ким муҳокама қилмайди, – деди.

Аллоҳнинг қудрати чексиздир. Хоҳласа, инсонни Одам алайҳиссалом каби ота-онасиз дунёга келтиради. Хоҳласа, Закариё алайҳиссалом каби ёши ўтиб фарзанд кўришдан умидини узганларга ҳам фарзанд ато этади. Истаса, ҳали оила қурмаган бокира аёлдан ҳам фарзанд вужудга келтиради. Мана шу далилларнинг барчаси Аллоҳнинг қудрати чексиз эканига ишорадир. Ақл эгалари учун бунда катта ибрат бор.

Оли Имрон сурасида Исо алайҳиссалом ҳақида яна шундай дейилган:

“Ва унга (Исога) ёзиш ва ҳикмат – илмни, Тавротни ва Инжилни таълим беради. (Уни) Бани Исроил қавмига пайғамбар қилади. (Исо Бани Исроилга дейди:) “Мен сизларга Парвардигоримдан оят-далил келтирдим: мен сизларга лойдан қуш тимсолини ясайман, сўнг унга пуфласам, у Аллоҳнинг изни-иродаси билан ҳақиқий қуш бўлади. Ва яна кўр, пес касалларни тузата оламан ва Аллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман ҳамда сизларга ейдиган ва уйлариңгизда сақлайдиган нарсалариңгизни айтиб бера оламан. Агар мўмин

бўлсангизлар, албатта бу ишларда сизлар учун аниқ оят-далиллар бордир¹⁷¹. (Мен сизларга) ўзимдан олдинги Тавротнинг (ҳақ эканини) тасдиқловчи бўлган ҳолда ва сизлар учун ҳаром қилинган айрим нарсаларни ҳалол қилиш учун (келдим). Ва сизларга Парвардигорингиздан оят-далил келтирдим. Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва менга итоат қилинг! Албатта Аллоҳ Парвардигорим ва Парвардигорингиздир. Бас, Унга бандалик қилинг! Мана шу тўғри йўлдир!” (Оли Имрон сураси, 48-51-оятлар).

Бу оятларда Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломга берган пайғамбарлик мўъжизалари ҳақида сўз юритилган.

“Ва унга (Исога китоб¹⁷²) ёзиш ва ҳикмат – илмни, Тавротни ва Инжилни таълим беради. (Уни) Бани Исроил қавмига пайғамбар қилади”.

Исо алайҳиссалом илм-маърифат ривожланган бир умматга пайғамбар қилиб юборилганди. Аллоҳ таоло у зотни ҳар бир соҳада оддий одамлардан афзал қилиб кўйди.

Бу ерда Бани Исроил қавмининг хосланишига сабаб, Исо алайҳиссалом уларга юборилган, айнан Бани Исроил қавмидан чиққан эди. Бани Исроил бошқалардан кўра Исони кўпроқ тасдиқлашлари, унга эргашишлари лозим эди. Аммо ундай бўлмади. Қавм ичида кўпчилик Исони ёлғончига чиқаришди. Бу ҳам етмаганидек, ўзи ва онаси ҳақида нолайиқ гапларни тарқатишди.

Қуйида Исо алайҳиссалом қавмига айтган сўзлар келтирилади:

“Мен сизларга Парвардигоримдан оят-далил келтирдим...”

Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломга ёзишни, ҳикмат, Таврот ва Инжилни ўргатди ва Бани Исроил қавмига пайғамбар қилди. У қавмига нидо қилиб:

– Эй қавмим, мен сизларга ростгўйлигимга далолат қилувчи мўъжизалар келтирдим. Бу мўъжизалар Парвардигорим ҳузуридандир! – деди.

Шундан кейин бешта илоҳий мўъжиза зикр қилинади:

“Мен сизларга лойдан қуш тимсолини ясайман, сўнг унга пуфласам, у Аллоҳнинг изни-иродаси билан ҳақиқий қуш бўлади”.

Яъни, Аллоҳ менга берган мўъжизалардан бири шуки, лойдан бир қуш шаклини ясайман. Кейин унга пуфласам, Аллоҳнинг изни билан унга жон киради, ҳақиқий қушга айланади.

Бу мўъжизада уч хил жиҳат бор. Иккитаси Исо алайҳиссаломга хос: Исо лойдан қуш шаклини ясаган ва унга пуфлаган. Бироқ лойдан ясалган жонсиз ҳайкалга жон киритиш фақат Аллоҳнинг ишидир. Ундан ўзгаси бу ишга қодир эмас. Шу сабаб, оятда қушга жон кириши Аллоҳнинг изни-иродаси билан бўлишига алоҳида урғу берилмоқда.

¹⁷¹ Пайғамбарлар тарихидан шу нарса маълумки, ҳар бир пайғамбар ўзининг замонида ривожланиб, тараққий этган соҳада замондошларидан устун ва пешқадам бўлади. Масалан, Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида араб оламида адабиёт ниҳоят даражада ривожланган бўлиб, адиблар орасида тез-тез мусобақалар ўтказилиб турар ва голибларнинг асарларини Каъба деворларига осиб қўйишарди. Кунлардан бир кун саҳобалардан бири Қуръондаги энг кичик сура бўлган Кавсар сураси ёзилган арабча голиб асарлар ёнига илиб қўяди. Шунда бу сурани ўқиган ва ундаги илоҳий балогат ва фасоҳатдан лол қолган шоирлар бир овоздан: “Бу инсоннинг сўзи эмас!” деб гувоҳлик берадилар.

Исо алайҳиссалом даврида эса таъаббат илми шундай тараққий этган эди. Ўша вақтда дунёда давосиз дард йўқ, деб ҳисобланарди. Шунда Исо алайҳиссалом келди ва ҳеч бир табибнинг қўлидан келмайдиган ишни қилди – ўликларни тирилтирди! Шунинг учун ҳам Қуръони каримда у кишининг номига “Масих” – силовчи лақаби қўшилган. Яъни, у кишининг қўллари теккан, силаган ўликка жон кирар эди. Бундай мўъжизалар, табиийки, одамлар ўз пайғамбарларига имон келтиришларига сабаб бўлар эди (Шайх Алоуддин Мансур, “Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”).

¹⁷² Баъзилар оятдаги “китоб”дан мурод илоҳий китоблардир, дейишган.

“Ва яна кўр, пес касалларни тузата оламан ва Аллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман”.

Яъни, мен туғма кўрларни даволайман, пес касаллигига мубтало бўлганларга шифо бераман, ўликларни ҳаётга қайтараман. Буларнинг биронтасини мен ўз куч-қувватим ё илмим билан қилмайман. Балки Аллоҳнинг изни ва амри билан қила оламан!

Оятда туғма кўр ва мохов касалигининг зикр қилиниши Қуръони каримнинг ҳақ Калом эканига далолат қилади. Зеро, бу иккиси бедаво касалликлардан бўлиб, замонамий тиббиёт бунга ҳалигача мукамал шифо топа олгани йўқ.

Бу мўъжизалар Исо алайҳиссаломга Аллоҳ тарафидан берилганди. Булар ҳақида фикр қилган банда унинг ортида Улуғ ва Қудратли Яртатувчи бор эканига амин бўлади.

Ўликларни қайта тирилтириш инсон кўлидан келадиган иш эмас. Илм-фан қанча тараққий этмасин, бунинг иложи топилмайди. Ҳар бир инсон ажали етиб, ёруғ оламни тарк этган одамни тирилтириш амримаҳол эканини яхши билади. Одамлар бу ишга бўлиши мумкин эмас нарса, деб қарайдилар. Исо алайҳиссаломга берилган бу улуғ мўъжиза унинг ҳақиқий пайғамбар эканига ишора қилувчи энг катта ва таъсирли аломат эди.

Муфассирлар зикр қилишича, Исо алайҳиссаломнинг туғма кўр ва песларни даволаши, ўликларни тирилтириши дуо қилиш орқали бўлган. Исо алайҳиссалом: “Я хайю, я койюм!” деб дуо қилгани¹⁷³, аввал ўтганлардан Сом ибн Нухни тирилтиргани зикр қилинган¹⁷⁴.

Бешинчи мўъжиза ҳақида Қуръони каримда шундай дейилган:

“Ҳамда сизларга ейдиган ва уйлариңгизда сақлайдиган нарсалариңгизни айтиб бера оламан”.

Исо алайҳиссалом қавмига мурожаат қилиб:

– Сизларга етказаетганим Аллоҳ таолодан эканига, ростгўйлигимга далолат қилувчи мўъжизалардан яна бири, сизлар уйлариңгизда нима еётганиңгизни ва келажакда истеъмол қилиш учун қандай егуликларни заҳира қилиб олиб кўйганиңгизни айтаман.

Имом Қуртубий шундай деган: “Исо улар учун ўликларни тирилтирганда, яна бошқа мўъжиза талаб қилишди ва: “Уйимизда нима еётганимиз ва эртанги кунга нима олиб кўйганимизни айтиб бер!” дейишди. Бас, Исо алайҳиссалом уларга хабар қилди: эй фалончи, сен манави-манави нарсаларни ейсан, эй фалончи, сен эса мана бу нарсаларни истеъмол қиласан ва эртанги кунга бундай егуликларни олиб кўйгансан, деб айтди¹⁷⁵”.

Исо алайҳиссаломнинг ким уйида нима еётгани ва қандай нарсаларни олиб кўйганини хабар қилиши пайғамбар эканига етарли далилдир. Чунки муҳтарам пайғамбар ким нима қилаётганини кўзи билан кўрмаган. Барчаси Аллоҳ таолонинг ваҳийси билан бўлган. Инсон зоти ғайб илмини билмайди. Баъзи ғайб нарсаларни пайғамбарларга Аллоҳ билдиради.

¹⁷³ (Баъзилар “Я хайю, я койюм” исми аъзам эканини айтишиган. – таржимон).

¹⁷⁴ “Тафсирул алусий”, 3-жуз, 169-бет.

¹⁷⁵ “Тафсирул куртубий”, 4-жуз, 95-бет.

“Агар мўмин бўлсангиз, албатта бу ишларда сизлар учун аниқ оят-далиллар бордир”.

Яъни, эй Бани Исроил, агар Аллоҳнинг оятларига ишонсангиз, ҳаққа бўйин эгсангиз, Аллоҳ тарафидан берилган бу мўъжизалар ростгўй пайғамбарлигимга далолат қилади.

“(Мен сизларга) ўзимдан олдинги Тавротнинг (ҳақ эканини) тасдиқловчи бўлган ҳолда ва сизлар учун ҳаром қилинган айрим нарсаларни ҳалол қилиш учун (келдим)”.

Исо қавмига хитоб қилишда давом этиб:

– Аллоҳ сизларни тўғри йўлга бошлашим учун юборди. Сиз кўрган мана шу мўъжизалар ростгўйлигимга ишорадир. Мен ўзимдан олдинги Таврот китобини тасдиқловчи, унга имон келтирувчи ҳолимда келдим. Мусо алайҳиссалом шариатида сизлар учун ҳаром қилинган баъзи нарсаларни ҳалол қилиш учун Аллоҳ тарафидан юборилдим, – деди.

Исо алайҳиссалом шариати Мусо алайҳиссалом шариатини мукамал қилган ва баъзи ҳукмларни амалдан қолдирган. Зулм ва тажовузкорликлари сабаб, Бани Исроил қавмига баъзи покиза нарсалар ҳаром қилинганди. Бу ерда Исо ана ўша нарсаларни ҳалол қилиши ҳақида хабар берилмоқда.

Айтишларича, Исо алайҳиссалом ҳалол қилган нарсалар: туя гўшти ва ёғи, айрим балиқлар ва қушлардир¹⁷⁶.

“Ва сизларга Парвардигорингиздан оят-далил келтирдим. Бас, Аллоҳдан кўрқингиз ва менга итоат қилинг!”

Бу ерда Исо алайҳиссалом даъват қилаётган нарсага ижобат этишга тарғиб қилинмоқда.

Имом Фахриддин Розийга кўра, Исо алайҳиссалом мўъжиза олиб келганини яна такрорлашига сабаб, киши ўрганиб қолган нарсани бирдан тарк қилиш осон эмас. Агар унга бирон нарса такрор-такрор таъкидланса, айтилаётган гап қалбга таъсир қилади ва инсон табиатини яхши томонга ўзгартириши мумкин. Исо қавмини Аллоҳга тақво қилиш ва ўзига итоат этишга чақирди. Аллоҳга тақво қилган одам пайғамбарга бўйсунди. Иккиси бир-бирини тақозо этади.

“Албатта Аллоҳ Парвардигорим ва Парвардигорингиздир. Бас, Унга бандалик қилинг! Мана шу тўғри йўлдир!”

Яъни, Исо алайҳиссалом қавмини Аллоҳ йўлига даъват қилиб:

– Аллоҳ мени ҳам, сизларни ҳам яратган. У зот мени ва сизларни тарбият қилган. Шундай экан, сизлар ёлғиз Аллоҳга ибодат қилинглар. Зеро, Аллоҳга бўйсунинг, унга куллик қилиш, айтганини бажариш энг тўғри йўлдир.

Моида сурасида Исо алайҳиссаломга Аллоҳ тарафидан берилган мўъжизалар ва фазилатларнинг бошқа жиҳати ҳақида хабар қилинган. Аллоҳ таоло шундай деган:

“Эсланг, Аллоҳ: “Эй Исо ибн Марям, сенга ва волиданга берган неъматимни – сени Рухул қудус билан қувватлантирганимда одамларга бешикда ҳам балоғатга етган ҳолингдаги каби сўзлаганингни, сенга китоб – хат ва ҳикмат – илми, Таврот ва Инжилни билдирганимни ва Менинг изним-ихтиёрим билан лойдан қуш тимсолини ясаганингни, сўнгра унга пуфлаганингда изним-ихтиёрим билан рostaкам қушга айланганини, Менинг

¹⁷⁶ “Тафсирул алусий”, 3-жуз, 171-бет.

изним билан кўр ва пеларни тузатганигни ва изним билан ўликларни (тирилтириб қабрларидан) чиқарганигни эсла! Яна Бани Исроилга бу мўъжизаларни келтирган пайтингда уларни сени (халок қилишдан) тўсганимни эсла! Ўшанда уларнинг ораларидаги кофир бўлган кимсалар: “Бу очиқ-ойдин сеҳрдан ўзга нарса эмас”, дейишган эди” (*Моуда сураси, 110-оят*).

Яъни, эй банда, ибрат олишинг учун Аллоҳ таоло Исо ибн Марямга:

– Эй Марям, сенга ва онангга берган турфа неъматларимни ёдга ол! – деб хитоб қилганини эсла!

Оятда зикр қилинган хитоб Исо алайҳиссаломга қиёмат куни айтилади. “Аллоҳ айтди” деб ўтган замонда ифодаланишига сабаб, охиратда бунинг ҳеч қандай шакшубҳасиз содир бўлишига далолат қилади.

“Неъматлар”дан мурод, Исонинг онаси Марямни турли шубҳалардан поклагани ва уни бутун дунёдаги аёллар ичидан танлаб олганидир.

Оятда “Эй Исо ибн Марям” деб, Исо Марямнинг ўғли эканига ишора қилинган. У Марямнинг ўғлидир, бошқасининг эмас. Исо отасиз дунёга келди. Шундай бўлганидан кейин Исонинг илоҳ бўлиш мутлақо мумкин эмас. Зеро, Илоҳ туғилмайди, янги пайдо бўлган эмас. (*Аллоҳ бундай нуқсонлардан пок Зотдир. – таржимон*).

“Сени Рухул қудус билан қувватлантирганимда одамларга бешикда ҳам балоғатга етган ҳолингдаги каби сўзлаганигни...”

Бу ерда Исо алайҳиссаломга ато этилган неъматлар саналмоқда.

“Рухул қудус” Жаброил алайҳиссалом дейилган. Сабаби, Жаброил фаришта билан Аллоҳ пайғамбарларини қўллаган, илоҳий таълимот билан қувватлаган, мададга муҳтож паллада Жаброил алайҳиссалом воситасида пайғамбарларини собитқадам қилган¹⁷⁷.

Яъни, эй Исо, сени Рухул қудус – Жаброил алайҳиссалом билан қувватлаганимни, гўдаклик чоғингда худди вояга етган кишилардек бирон хатосиз гапирганигни эсла!

Бу хусусият Исо алайҳиссаломдан олдин ҳам, кейин ҳам бирон пайғамбарга берилмаган эди.

Ибн Касир ушбу оятни қуйидагича шарҳлаган: “Сени отасиз яратганимни, қудратим чексиз эканига далил-аломат қилганимни, золим ва жоҳиллар онангни ёмон ишларда айблаганларида унинг поклигига ишора қилувчи белгиларни қилганимни, сени Жаброил алайҳиссалом билан қўллаганимни, кичиклигингда ҳам, катта бўлганинга ҳам Аллоҳ йўлида даъват қилувчи пайғамбар қилганимни, бешикдалик чоғингда сени гапиртирганимни, менга бандаликни эътироф этганигни эсла¹⁷⁸”

“Сенга китоб – хат ва ҳикмат – илмни, Таврот ва Инжилни билдирганимни...”

“Китоб”дан мурод, китобат, яъни ёзишдир. Исо алайҳиссалом оми бўлмаган. Балки ўқиш ва ёзишни билган. Айтишларича, “Китоб”дан мурод, Довуд алайҳиссаломга туширилган Забур, Иброҳимнинг саҳифалари ва пайғамбарларнинг хабарларидир.

“Ҳикмат”дан мурод, ўткир фаҳм-фаросат, тушунган нарсасига амал қилиш ва билганини одамлар етказиш, уларни яхшиликка чақиришдир.

¹⁷⁷ Айтилишича, “Рухул қудус”дан мурод, Исо алайҳиссалом руҳидир. Аллоҳ уни покиза руҳоний табиат билан қувватлаган.

¹⁷⁸ “Тафсиру ибни касир”, 2-жуз, 115-бет.

Яъни, сенга ёзишни ва илмлар сир-асрорларини билишинг учун ҳикматни ато этганимизни, шунингдек, биродаринг Мусога берилган Таврот аҳкомларини таълим берганимизни ва сенга Инжилни нозил қилганимизни ёдга ол!

“Ва Менинг изним-ихтиёрим билан лойдан қуш тимсолини ясаганингни, сўнгра унга пуфлаганингда изним-ихтиёрим билан ростакам қушга айланганини...”

Яъни, менинг кудратим ва амрим билан қуш шаклини ясаб, унга пуфлаганингда тирик қушга айланганини эсла!

“Менинг изним билан кўр ва пеларни тузатганингни ва изним билан ўликларни (тирилтириб қабрларидан) чиқарганингни эсла!”

Бу ерда Исо алайҳиссалом давосиз дардларни тузатгани, қабрдаги маййитларни тирилтиргани эслатилмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг изни ва кудрати билан бўлган.

(“Менинг изним билан” деб такрор-такрор айтилиши бу борада эътиқодни тўғри қилиш лозимлигига ишорадир. – Таржимон).

Аллоҳ пайғамбарига ато этган мўъжизаларни зикр қилгач, уни турли зиёнлардан ҳимоя қилганини эслатади:

“Яна Бани Исроилга бу мўъжизаларни келтирган пайтингда уларни сени (ҳалок қилишдан) тўсганимни эсла! Ўшанда уларнинг ораларидаги кофир бўлган кимсалар: “Бу очик-ойдин сеҳрдан ўзга нарса эмас”, дейишган эди”.

Яъни, эй Исо, сен Бани Исроилга мўъжизалар кўрсатдинг, уларга башорат бердинг ва огоҳлантирдинг. Бироқ улар сенга азият беришга, сени қатл қилишга уриндилар. Мен эса уларнинг озорларидан асрадим сени. Бани Исроил қавми орасидаги кофир кимсалар сен келтирган мўъжизаларни тан олмадилар. Балки: “Эй Исо, келтирганингни бу мўъжизалар очик сеҳрдан бўлак ҳеч нарса эмас. Бу аниқ кўзбўямачилиқдир”, дедилар.

Исо алайҳиссалом кўрсатган илоҳий мўъжизалар кофирларнинг куфрини зиёда қилди, холос. Улар аниқ далиллардан кўз юмишди ва Исонинг пайғамбар эканини рад этишди.

ИСО АЛАЙҲИССАЛОМ ҲАҚИДА ЭНГ ТЎҒРИ ГАП

Қуръони каримда зикр қилинишича, Исо алайҳиссалом Аллоҳ таоло тарафидан Бани Исроилни тўғри йўлга даъват қилиш учун юборилган пайғамбарлардан биридир. Бу хусусда Оли Имрон сурасида шундай дейилган:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Сизга тиловат қилаётганимиз бу (қисса Аллоҳнинг) оятлари ва ҳикматли эслатмаларидандир. Албатта Исонинг (отасиз туғилишининг) мисоли Аллоҳ наздида худди Одамнинг мисоли кабидир. (Аллоҳ) уни тупроқдан яратиб, сўнгра “Бўл!” деди. Бас, у (жонли одам) бўлди. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом, бу) Парвардигорингиз томонидан бўлган ҳақ (сўздир). Бас, шубҳа қилувчилардан бўлманг! Энди Сизга келган (мана шу ҳақ) маълумотдан кейин (насронийлардан) кимда-ким Сиз билан талашиб-тортишмоқчи бўлса, (ундай кимсаларга) айтинг: “Келинлар, ўғилларимизни ва ўғилларингизни, аёлларимиз ва аёлларингизни, ўзларимизни ва ўзларингизни чорлаб-йиғайлик, сўнгра Аллоҳга тазарру билан илтижо қилайлик-да, ёлғончиларни Аллоҳ лаънатлашини сўрайлик”. Албатта бу ҳақ-рост қиссадир

(Яъни, Исо ҳеч қандай худо эмас, балки Аллоҳнинг бошқа пайғамбарлари каби оддий одам зотидандир). **Ва ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Аллоҳнинг Ўзи бор. Ва албатта Аллоҳнинг Ўзигина қудрат ва ҳикмат Эгасидир. Энди ҳам (ҳақиқатдан) юз ўғирсалар, бас, албатта Аллоҳ бузғунчиларни Билувчидир**” (Оли Имрон сураси, 59-63-оятлар).

Яъни, эй Муҳаммад, Биз Сизга келтираётган бу қиссалар ростгўй пайғамбар эканингизга далолат қилувчи ҳикматли панд-насихатлардандир, дея Аллоҳ таоло Ҳабибига хитоб қилмоқда.

Шундан сўнг Исони отасиз дунёга келтириш Аллоҳ учун қийин эмаслиги баён этилади:

“Албатта Исонинг (отасиз туғилишининг) мисоли Аллоҳ наздида худди Одамнинг мисоли кабидир”.

Одам ва Исо алайҳимуссаломни Аллоҳ таоло отасиз дунёга келтирган. Бу жиҳатдан улар бир-бирига ўхшаш. Бироқ Исодан фарқли ўлароқ Одам алайҳиссаломнинг ота-онасиз, тупроқдан яратди. Имом Замахшарийга кўра, улар бир тарафдан ўхшашдирлар.

Мана шу оятда Исо алайҳиссаломни илоҳ ё Аллоҳнинг ўғли дейдиганларга кучли мантикий раддия берилган.

Исо алайҳиссаломни илоҳ дейдиганларга қарата гўё:

– Агар Исонинг отасиз туғилгани уни илоҳ қилиб олишингизга сабаб бўлса, у холда Одам алайҳиссалом ундан кўра муносиброқдир. Чунки у ота-онасиз дунёга келган. Модомики, бирон киши Одам алайҳиссаломни илоҳ деб даъво қилмаган экан, сизларнинг Исони ўзингизга худо қилиб олишингиз ботил ишдир, – дейилаётгандек.

“(Аллоҳ) уни тупроқдан яратиб, сўнгра “Бўл!” деди. Бас, у (жонли одам) бўлди”.

Аллоҳ таоло Одамни тупроқдан яратишни ирода қилди. Унга лойдан шакл берди. Шундан кейин унга: “Инсон бўл!” деди. Бас, Одам танаси ва руҳи комил инсонга айланди.

Ояти карима Аллоҳ таолонинг амри сўзсиз бажо келтиришини ажойиб суратда тасвирламоқда. У Зот бирон ишни қилишни хоҳласа, “Бўл!” дейди, холос. Шу заҳоти Аллоҳ истаган иш содир бўлади.

Шундан кейин Аллоҳ бандаларига Исо алайҳиссалом хусусида хабар берган нарсалар ҳақиқат экани таъкидланади:

“(Эй Муҳаммад, бу) Парвардигорингиз томонидан бўлган ҳақ (сўздир). Бас, шубҳа қилувчилардан бўлманг!”

Шубҳа инсонни гумонларга асосланиб, бирон ҳужжати бўлмаган холда жанжаллашишга, ихтилоф чиқаришга сабаб бўлади.

Оят маъноси куйидагича: эй Муҳаммад, Биз Сизга Исо алайҳиссалом ҳақида етказган хабарлар ҳақдир, аниқ собит бўлгандир. Унга ҳеч қандай шубҳа-гумон аралашмаган. Шундай экан, ҳақ йўлда собитқадам бўлинг! Биз етказган хабарлардан шубҳаланманг!

Шундан кейин ботилни маҳкам ушлаб олиб беҳуда талашиб-тортишадиганларнинг овозини ўчирадиган таклиф ўртага ташланади:

“Энди Сизга келган (мана шу ҳақ) маълумотдан кейин (насронийлардан) кимда-ким Сиз билан талашиб-тортишмоқчи бўлса, (ундай кимсаларга) айтинг: “Келинлар, ўғилларимизни ва ўғилларингизни, аёлларимиз ва аёлларингизни,

Ўзларимизни ва ўзларингизни чорлаб-йиғайлик, сўнгра Аллоҳга тазарру билан илтижо қилайлик-да, ёлғончиларни Аллоҳ лаънатлашини сўрайлик”.

Яъни, эй Муҳаммад, ҳақиқатни баён қилганимиздан кейин ҳам аҳли китобдан кимда-ким Сиз билан Исо хусусида баҳслашадиган бўлса, уни илоҳ ё Аллоҳнинг ўғли деб даъво қиладиган бўлсалар, улар билан талашиб-тортишманг! Ахир улар инкор қилувчилардир. Ҳақиқат аниқ бўлса ҳам тан олмайдилар. Лекин ундай гумроҳларга қарата:

– Эй жанжалкашлар! Келинглари, барчамиз фарзандларимиз ва аёлларимизни бир жойга тўплаб, кейин бир бўлиб Аллоҳга илтижо қиламиз, сўнг ҳақни инкор қилаётганларга Аллоҳнинг лаънати бўлишини сўраймиз! – деб айтинг.

Агар аҳли китоблар даъвоси ҳақ бўлганида, ўзларига ишонганларида бу мубоҳалани (ёлғончиларга лаънат бўлишини сўрашни) қабул қилишарди. Аммо мазкур таклифдан кейин уларнинг овози чиқмай қолди. Шу билан аҳли китоблар Исо алайҳиссалом борасида айтаётган гаплари нотўғри экани яна бир бор тасдиқланди.

Мана шу оят “мубоҳала ояти” дейилади. Уламолар зикр қилишича, Нажрон насронийлари Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Исо алайҳиссалом хусусида баҳслашишганида уларга раддия сифатида мазкур оят нозил бўлган.

Ибн Касирга кўра, Нажрон насронийлари Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига келиб, у зот билан Исо алайҳиссалом ҳақида баҳслашишди, унга илоҳликни нисбат беришди. Бу оят уларга раддия тарзида нозил қилинди. Нажрон насронийлари олтмиш нафар эди. Уларнинг раҳбарлари уч киши бўлиб, амирлари Абдулмасих, Айҳам, олимлари Абу Ҳорис ибн Алқама эди. Пайғамбар алайҳиссаломга Аллоҳ таоло томонидан амр келганида, у зот насронийларни мубоҳалага чақирдилар. Шунда насронийлар: “Эй Абулқосим, шошмай тур, биз ўйлаб кўрайлик”, дейишди. Кейин раҳбарлари олдига бориб: “Эй Абдулмасих, нима дейсан?” деб сўрашди. У: “Аллоҳга қасамки, эй насронийлар жамоаси, сизлар Муҳаммад Аллоҳ тарафидан юборилган пайғамбар эканини биласизлар. У соҳибингиз ҳақида ҳақни ботилдан ажратувчи сўзни олиб келди. Биласизларки, бирон қавм пайғамбарни лаънатламаган. Агар шундай қилсангиз, ёшу қарини ҳалок қиласизлар”, деди. Улар Пайғамбар алайҳиссалом олдиларига боришганида уларни хирож беришга кўндирдилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Мени ҳақ билан юборган Зотга қасамки, агар улар билан лаънат айтишганимизда, бу водий (насронийлар) устига олов ёғдирилган бўларди¹⁷⁹”.

Фарзандлари ва аёлларини, жигарбандлари ҳаётини ўртага кўйиб, лаънат айтишишни таклиф этишлари Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳақ пайғамбар эканларига далолат қилувчи ҳужжатлардан биридир.

“Албатта бу ҳақ-рост қиссадир (Яъни, Исо ҳеч қандай худо эмас, балки Аллоҳнинг бошқа пайғамбарлари каби оддий одам зотидандир). Ва ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Аллоҳнинг Ўзи бор. Ва албатта Аллоҳнинг Ўзигина қудрат ва ҳикмат Эгасидир”.

Яъни, Биз Исо ҳақида келтирган қисса ҳақдир. Уни ҳеч ким инкор қилолмайди. Ёлғиз Аллоҳ илоҳликка муносибдир. Ундан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ. Албатта Аллоҳ қудратли, ғолиб ва ҳар бир ишини ҳикмат билан амалга оширувчи Зотдир.

¹⁷⁹ “Тафсиру ибни касир”, 1-жуз, 368-бет.

“Энди ҳам (ҳақиқатдан) юз ўғирсалар, бас, албатта Аллоҳ бузғунчиларни Билувчидир”.

Яъни, эй Муҳаммад, Биз очиқ-ойдин ҳужжатларни келтирганимиздан кейин ҳам Сизга итоат этмасалар, рост пайғамбарлигингизни тан олмасалар, бас, уларни хунук оқибатдан огоҳлантиринг! Аллоҳ улар ер юзида қандай бузуқ ишларни содир этаётганларини билади ва бунинг муносиб жазосини беради. Аллоҳ бузғунчи кимсаларни жазосиз қолдирмайди.

Мана шу оятларда Исо алайҳиссалом ҳақида тортишадиган, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган таълимотдан юз ўғирадиган ҳар бир кимса қаттиқ огоҳлантирилмоқда.

Шундай қилиб, Қуръони карим Исо алайҳиссалом ҳақида энг рост сўзни айтди. Бу далиллар қалбни тўғри йўлга бошлайди, ақллар ундан манфаат олади ва нафсларимиз хотиржам бўлади. Бу билан улуғ пайғамбарлардан бири Исо алайҳиссалом хусусида эътиқодимиз тўғриланади.

Моида сурасида Исо алайҳиссалом қиёмат куни Аллоҳга айтадиган сўзлари келтирилган. Аллоҳ таоло шундай хабар қилган:

“Эсланг, Аллоҳ: “Эй Исо ибн Марям, сен одамларга: “Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни худо қилиб олинглар”, деб айтганмидинг?” деганида, (Исо) айтди: “Эй Пок Парвардигор, ҳақим бўлмаган нарсани айтиш мен учун дуруст эмас-ку. Агар айтган бўлганимда, Сен албатта билар эдинг. Зотан, Сен дилимдаги бор нарсани биласан. Аммо мен ҳузурингдаги ҳеч нарсани билмайман. Фақат Сен Ўзинг ғайб илмларини Билувчисан. Мен уларга фақат Ўзинг менга амр қилган гапнигина айтдим: “Парвардигорим ва Парвардигорингиз бўлмиш Аллоҳга ибодат қилинг!” Ва ораларида бўлган муддатимда уларнинг устида гувоҳ бўлиб турдим. Мени Ўз ҳузурингга чорлаганингдан кейин эса Сен Ўзинг уларни кузатувчи бўлдинг. Сен ҳамма нарсага гувоҳдирсан. Агар уларни азобласанг, улар Сенинг (ожиз) бандаларинг. Агар уларни мағфират қилсанг, албатта Сен Ўзинг қудрат, ҳикмат Эгасисан” (Моида сураси, 116-118-оятлар).

Саҳиҳ қавлга кўра, бу хитоблар қиёмат куни қилинади.

Яъни, эй муҳтарам пайғамбар, Аллоҳ бандаси ва пайғамбари Исодан:

– Эй Исо, Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни ўзларингизга илоҳ қилиб олинглар! – деб одамларга сен айтганмидинг? – деб сўрайдиган вақтини эсла!

“Эй Исо ибн Марям” деб пайғамбарликни зикр қилмасдан нидо қилинишиги сабаб, Исонинг инсон фарзанди экани, илоҳ ё Аллоҳнинг фарзанди эмаслигига урғу беришдир. Исо алайҳиссаломда илоҳликка далолат қилувчи ҳеч қандай унсур мавжуд бўлмаган. Илоҳлик ва башарият бир-бирига зиддир. Инсон боласи илоҳ бўлолмайди. Аллоҳда эса инсонга хос нуқсонлар йўқ. Аллоҳ энг улуғ ва камчиликлардан пок Зотдир.

“Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни худо қилиб олинглар”, деб айтганмидинг?” дейиш билан Исо ва онасига илоҳликни нисбат берганлар қаттиқ танқид қилинмоқда. Шундай қийин кунда Аллоҳ таолонинг хитоби ва Исо алайҳиссаломнинг “Мен уларни Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиш учун чақирганман” дейиши кофир ва мушриклар ҳолини янада қийинлаштиради. Келтирилаётган мана шу далиллар Исо ҳеч қандай илоҳ эмаслигига очиқ-ойдин далолат қилади.

“Эй Пок Парвардигор, ҳақим бўлмаган нарсани айтиш мен учун дуруст эмас-ку”.

Яъни, Исо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг саволига:

– Ё Раббим, Сен барча нуқсонлардан поксан! Бундай дейишга менинг ҳам, бошқа одамларнинг ҳам ҳақи йўқ, деб жавоб қайтаради.

Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломни одамларни тўғри йўлга бошлаш учун юборганди. У зот Аллоҳнинг буйруғини бажарди. Мана шундай зот қавмига қарата: “Аллоҳга ибодат қилиш ўрнига мени ва онамни илоҳ қилиб олинглар!” дейиши мумкинми?!

“Агар айтган бўлганимда, Сен албатта билар эдинг. Зотан, Сен дилимдаги бор нарсани биласан. Аммо мен ҳузурингдаги ҳеч нарсани билмайман. Фақат Сен Ўзинг ғайб илмларини Билувчисан”.

Яъни, Ё Пок Парвардигор, агар “Мени ва онамни худо қилиб олинглар”, деб айтганимда, буни билган бўлардинг. Зеро, ҳеч нарса Сендан махфий қолмайди. Мендаги барча нарсаларни биласан. Аммо Сенинг зотингдаги нарсалардан беҳабарман. Ё Раббим! Сен ғайбларни билувчи Зотсан.

Шундан кейин Исо алайҳиссалом қавмига айтган сўзлари келтирилади:

“Мен уларга фақат Ўзинг менга амр қилган гапни айтдим: “Парвардигорим ва Парвардигорингиз бўлмиш Аллоҳга ибодат қилинг!” Ва ораларида бўлган муддатимда уларнинг устида гувоҳ бўлиб турдим”.

Яъни, мен зинҳор уларга онам иккимизни худо қилиб олишларини айтмаганман. Балки Сен нимага буюрган бўлсанг, шуни уларга маълум қилганман – Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишларини таъкидлаганман. Ё Аллоҳ, Сен барчамизнинг Парвардигоримизсан. Одамларни Ўзингга ибодат қилишга даъват қилдим. Бу йўлда камчиликка йўл қўймадим. Қавмим ичида бўлганимда уларни ихлос билан ибодат қилишга, шариат аҳкомларига амал қилишга чақириб келдим.

“Мени Ўз ҳузурингга чорлаганингдан кейин эса Сен Ўзинг уларни кузатувчи бўлдинг. Сен ҳамма нарсага гувоҳдирсан...”

Бу ерда Исо алайҳиссалом қавмини тарк этганидан кейин унинг вазифаси тугаганига ишора қилинмоқда.

Яъни, Парвардигорим, Ўзингга маълум, қавмим ичида бўлганимда уларни тўғри йўлга бошладим. Мени Ўз ҳузурингга тирик ҳолимда кўтарганингда, фақат Ўзинг улар нима амал қилаётганларини билувчи бўлдинг. Сен ҳамма нарсани билувчи Зотсан.

Исо алайҳиссалом Парвардигори саволига муносиб жавоб қайтаргач, энди қавмининг ҳолини Аллоҳга ҳавола қилади:

“Агар уларни азобласанг, улар Сенинг (ожиз) бандаларинг. Агар уларни мағфират қилсанг, албатта Сен Ўзинг қудрат, ҳикмат Эгасисан”.

Яъни, ё Парвардигорим, агар қавмимни азобласанг, Сен уларни ўзинг яратгансан. Уларга ўзинг эгалик қила оласан. Мулк эгаси тасарруфидагиларга қандай муомала қилишини ўзи билади. Агар уларни раҳматинг билан мағфират этсанг, гуноҳларини кечирсанг, бу қудрат Соҳибининг марҳаматидир. Сен барча нарсага қодирсан. Сен ҳар бир ишни ҳикмат билан қилувчи Зотсан!

Исо алайҳиссалом “уларни мағфират қилсанг...” деб хитоб қилипти. Ваҳоланки, “Аллоҳ ширкни кечирмайди-ку?” деб савол берилса, жавоб шундай бўлади: Исо бу сўзларни қавмига меҳр-шафқат маъносида айтмоқда. Исо Аллоҳ кофирнинг гуноҳини кечирмаслигини билган. “Агар уларни азобласанг...” деб қавми орасидан куфрда ўлиб

кетганларни, “агар уларни мағфират қилсанг...” деб эса, вафотидан олдин тавба қилганларни назарда тутмоқда¹⁸⁰.

Бу ерда Исо алайҳиссалом барча ишларни ва ҳукм қилишни ёлғиз Аллоҳ таолонинг иродасига ҳавола қиляпти. Зеро, Аллоҳ бандалари устидан истаган ҳукмини чиқаради. Аллоҳ қилаётган ишидан биров сўрамайди. Аммо У бандаларини ҳисоб қилади.

Ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Агар уларни азобласанг...” деб бошланувчи оятни тонггача такрор-такрор тиловат қилганлар.

Имом Аҳмад Абу Заррдан ривоят қилади: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам тунларнинг бирида намоз ўқидилар. Бир оятни тонггача қайтариб чиқдилар. Ўшани ўқиб, руку ва сажда қилдилар: “Агар уларни азобласанг, бас, улар Сенинг (ожиз) бандаларингдир”. Тонг отганида мен: “Эй Расулуллоҳ, бу оятни тонг отгунча такрорлаб, руку ва сажда қилдингизми?” деб сўрадим. Шунда у зот: “Мен Парвардигор азза ва жалладан умматим учун шафоат сўрадим. Бас, (Аллоҳ) менга уни берди. (Шафоат) умматга – Аллоҳга бирон нарсани шерик қилмаганларга насиб бўлади, иншааллоҳ”, дедилар”.

Қисса сўнггида ростгўйларга яхши оқибат бўлиши эслатилади:

“Аллоҳ айтди: “Бу кун (яъни, қиёмат куни) ҳаққи-рост имон келтирганларга рост сўзлари фойда берадиган кундир”. Улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатлар бордир. Улар унда абадий қоладилар. Улардан Аллоҳ рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар. Бу эса буюк саодатдир. Осмонлар ва ер ҳамда улардаги бор нарсалар Аллоҳнинг мулкидир. (Аллоҳ) ҳамма нарсага қодир” (Моида сураси, 119-120-оятлар).

Охират куни дунёда имон ва амалларида ростгўй бўлган мўминларга ростгўйликлари фойда беради. Дунёда бажарилган ишлар қиёмат куни ҳисоб қилинади, яхши амалларга мукофот берилади. Кофирлар азобни кўрганларида рост гапиришлари энди уларга зиғирча наф келтирмайди. Ахир улар дунёда имон йўлига юрмаган эдилар. Вақт ўтганидан кейинги ростгўйлик аҳамиятсиздир.

“Улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатлар бордир. Улар унда абадий қоладилар”.

Имонида содиқ бўлган мўминлар охиратда дарахтлари ва масканлари остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга эришадилар. Улар жаннатларда абадий қоладилар, унинг неъматлари ҳам абадийдир, ҳеч завола топмайди.

“Улардан Аллоҳ рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар. Бу эса буюк саодатдир”.

Аллоҳ мўмин бандаларидан рози бўлади, ҳақиқий имонлари ва солиҳ амаллари мукофотига ҳисобсиз неъматлар ато этади. Мўминлар Аллоҳнинг васфини келтиришга қалам ожиз бўлган мана шу неъматларидан рози бўлади.

Охиратда Аллоҳ розилигига эришиш ва жаннатга кириши улуғ саодатдир. Мана шу ҳақиқий бахтдир.

“Осмонлар ва ер ҳамда улардаги бор нарсалар Аллоҳнинг мулкидир. (Аллоҳ) ҳамма нарсага Қодир”.

Осмонлар ва ердаги ҳамма нарса Ёлғиз Аллоҳга тегишли. Барча нарса Аллоҳнинг мулкидир, Унинг ҳукми остидадир, Унинг иродасига боғлиқдир. Аллоҳ таоло ҳар

¹⁸⁰ “Тафсирул куртубий”, 6-жуз, 378-бет.

нарсага Қодир. Махлуқотларга берилган озгина қудрат Аллоҳнинг чексиз қудрати олдида ҳеч нарса эмас.

Энди ким Аллоҳнинг шериги бор деб даъво қилса, Исо ё унинг онасига илоҳликни нисбат берса, ёлғон айтибди, жаҳолат қаърига ботибди. Ким Аллоҳга бирон нарсани шерик қилса, дунёда хорлик ва охиратда азобга муносиб иш қилибди!

ҲАВОРИЙЛАРНИНГ ИСО АЛАЙҲИССАЛОМ ДАЪВАТИГА ИЖОБАТИ

Қуръони каримнинг бир қанча ўринларида ҳаворийлар Исо алайҳиссалом даъватига қандай муносабат билдирганлари ҳақида сўз юритилган. Жумладан, Оли Имрон сурасида Аллоҳ таоло шундай хабар қилган:

“Энди қачон Исо улар (яхудийлар) томондан куфрни кўргач: “Аллоҳнинг (диниға даъват қилишимда) ким менға ёрдамчи бўлади?” деди. Ҳаворийлар айтдилар: “Биз Аллоҳнинг (диниға) ёрдам берувчилармиз. Аллоҳға имон келтирдик. (Эй Исо,) гувоҳ бўлингки, биз Аллоҳға бўйинсунгувчилармиз. Парвардигоро, нозил қилган нарсангга ишондик, пайғамбарингга итоат этдик. Бас, бизни гувоҳлик берувчилар қаторига ёзгин!” (Яҳудийлар) макр қилдилар. Аллоҳ ҳам “макр” қилди. Аллоҳ “Маккорроқ”дир” (Оли Имрон сураси, 52-54-оятлар).

Исо алайҳиссалом ростгўй даъватчи эканиға ишора қилувчи ажиб мўъжизаларни олиб келди. Бироқ қавм орасида даъватни эшитувчи кулоқ топилмади. Мўъжизаларни кўзлари билан кўриб турсалар-да, шу заҳоти уни инкор қилиб кўя қолишди. Балки Исони ер юзидан йўқотиш ва йўлларида давом этиш пайида бўлдилар. Исо алайҳиссалом Бани Исроил қавмининг куфрини аниқ сезгач, ботил ақидаларига оёқ тираб туриб олаётганларини кўргач, ўзи учун ёрдамчи излаб:

– Аллоҳ йўлида ким менға ёрдам бера олади? Унинг кўмагида мен Парвардигорим буйруғини одамларға етказаман, уларни огоҳлантираман, – деб хитоб қилди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ҳижратдан олдин ҳаж мавсумида: “Менға Парвардигорим Каломини етказишида кўмак берадиган киши борми? Чунки Қурайш мени Раббим даъватини етказишимға тўсқинлик қилмоқда”, деганлар. Бас, Аллоҳ у зотға ёрдамчилар берди. Ана ўша ёрдамчилар Расули акрамни турли азиятлардан ҳимоя қилдилар¹⁸¹.

“Аллоҳнинг (диниға даъват қилишимда) ким менға ёрдамчи бўлади?” дейиш билан ҳаворийларни ҳаққа ёрдамчи бўлишға тарғиб этилмоқда. Исо уларни ўтқинчи хою ҳавас ё лаззатлар йўлида эмас, балки Аллоҳнинг дини учун ёрдамлашишға чақирди. Зеро, ким Аллоҳнинг диниға кўмакчи бўлса, ана ўша бандани Аллоҳ қўллаиди.

Ояти карима маъносидан кўриниб турибдики, Бани Исроил қавми орасида кофирлар кўп бўлган. Чунки куфр бутун бошли қавмға нисбат берилмоқда. Бани Исроил орасида кофирлар сероблигидан оз сонли мўминларнинг борлиги деярли билинмасди. Исо алайҳиссалом “Ким менға ёрдамчи бўлади?”, деб қавм ичидаги санокли мўминларни топишға ҳаракат қилган.

¹⁸¹ “Тафсиру ибни касир”, 1-жуз, 365-бет.

Қуръон хабар қилишича, Исо алайҳиссалом қалб тўридан отилиб чиққан нидога жуда озчилик бўлган мўминлар лаббай, деб жавоб бердилар. Келинг, мана бу оятларга кулоқ тутайлик:

Ҳаворийлар айтдилар: “Биз Аллоҳнинг (диниға) ёрдам берувчилармиз. Аллоҳға имон келтирдик. (Эй Исо,) гувоҳ бўлингки, биз Аллоҳға бўйинсунгувчилармиз”.

Ҳаворийлар Исо алайҳиссаломға имон келтириб, уни тасдиқлаган, даъват йўлида Исога холис кўмакчи бўлган мўмин зотлардир.

Айтилишича, “ҳаворий” сўзи “хос киши” мазмунини ифодалайди. Пайғамбар алайҳиссалом Зубайр ибн Аввом ҳақида: “Ҳар бир пайғамбарнинг ҳаворийси бўлади. Менинг ҳаворийим Зубайрдир”, деганлар.

“Хур” сўзи “оппоқ” маъносини англатади. Шу сабабли танаси оқ аёллар, хуснда пешқадамлар, хурлар, дейилади. Ҳаворийлар қалби тоза, ниятлари холис, қалблари нифоқ, алдов ва кўзбўямачилиқдан холи бўлгани учун ҳам Аллоҳ таоло уларни “ҳаворийлар” деб зикр қилган.

Юқоридаги оят маъноси қуйдагича: Исо алайҳиссалом Бани Исроилнинг куфрда қаттиқ туришини кўргач, қавмига нидо қилиб, “Менга кўмакчи бўладиганлар борми?” деди. Шунда ўзларини Аллоҳ йўлига бағишлаган ҳаворийлар:

– Сен излаётган одамлар бизмиз. Ҳақни ҳимоя қилишда сен тарафда турамыз. Биз Аллоҳға аниқ имон келтирдик. Парвардигоримиз ҳар нарсага қодир эканига шубҳасиз ишондик. Мана шу имонимизга сен ҳам гувоҳ бўлишингни истаймиз. Эй Исо, барча пайғамбарлар қавмлари имонига шоҳид бўлганларидек сен ҳам бизнинг мусулмон эканимизга гувоҳ бўлишингни хоҳлаймиз¹⁸²! – деб Исо алайҳиссалом даъватига ижобат қилдилар.

Оятдан кўриниб турибдики, Исо алайҳиссаломға ёрдамчи бўлиш ниятини билдирган бу зотлар имоннинг юқори даражасига чиққан, қалблари зилол сувдек мусаффо, табиатларида қинғирлик ва тойилиш бўлмаган.

Ҳа, ҳаворийлар маломатчининг маломатидан ҳайикмадилар, ёлғиз Аллоҳдан кўрқдилар. Шунинг учун ҳақ йўлида, эзгулик йўлида кўмакчи бўлишдек бахтга эришдилар.

“Парвардигоро, нозил қилган нарсангга ишондик, пайғамбарингга итоат этдик. Бас, бизни гувоҳлик берувчилар қаторига ёзгин!”

Яъни, ҳаворийлар сўзларида давом этиб:

– Ё Парвардигор! Биз пайғамбарларингга нозил қилинган китобларга имон келтирдик, Сен юборган пайғамбарга бўйсундик. Бас, раҳматинг ва фазлу караминг-ла бизни Яккаю ягоналигингни эътироф этган, солиҳ амалларни бажарадиган зотлар қаторига ёзгин! – деб дуою илтижолар қилдилар.

Баъзи уламолар айтишича, ҳаворийлар ўн икки киши бўлишгач, Исо алайҳиссаломға кўмаклашишни лозим тутиб, ҳақ йўлда қатта хизмат қилишган.

Шундан кейин Бани Исроил томонидан қилинган иш ҳақида хабар қилинади:

“(Яхудийлар) макр қилдилар. Аллоҳ ҳам “макр” қилди. Аллоҳ “Маккорроқ”дир”.

¹⁸² Ҳаворийлар Исо алайҳиссаломдан мўмин бўлганларига, холис Аллоҳ учун ибодат қилганларига қиёмат куни гувоҳ бўлишини сўрамоқдалар.

“Макр” сўзи тадбир қилиш ё ҳийла билан бошқа тарафга буриб юбориш каби маъноларни ифодалайди. Макрга икки хил қаралади: агар макр қилишдан мақсад ёмонлик ва қабиҳлик бўлса, у қораланади. Яҳудийлар Исо алайҳиссаломга қилган макри бунга мисолдир. Агар макр қилишдан мақсад яхшилик бўлса, у ҳолда бундай макр макталади.

Исо алайҳиссалом даъватини ёлғонга чиқарган яҳудийлар унга хиёнат қилдилар, ўлдирмоқчи бўлдилар уни. Қабиҳ ниятларини амалга ошириш учун не-не воситаларни ишга солмадилар. Бироқ ҳикматли ва қодир Зот – Аллоҳ таоло уларнинг макрларини бекор қилди, шунча чора-тадбирлари бесамар кетди. Аллоҳ пайғамбари Исо алайҳиссаломга уларнинг ёмонликларидан нажот берди. Аллоҳ “макр” жиҳатидан яҳудийлардан кучлироқ. У Зотнинг тадбири амалга ошувчидир. Аллоҳ жинойатчи кимсаларни кутмаган томонларидан жазолаб қўяди.

Моида сурасини ўқир эканмиз, бу ерда ҳаворийлар Исо алайҳиссаломга айтган гаплари, ундан нима талаб қилганларини билиб оламиз. Аллоҳ таоло шундай хабар қилган:

“Яна ҳаворийларга (сен орқали:) “Менга ва пайғамбаримга имон келтиринглар”, деб ваҳий юборганимда, улар: “Имон келтирдик. (Эй Парвардигор,) бизнинг бўйсунувчилар эканимизга Ўзинг шоҳид бўл”, деганларини эсла! Ҳаворийлар: “Эй Исо ибн Марям, Парвардигоринг бизга осмондан бир дастурхон нозил қилишга қодирми?” деган пайтларида, (Исо уларга:) “Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳдан кўрқинглар”, деб жавоб қилди. Улар дедилар: “Биз (фақатгина) у дастурхондан ейишни ва кўнгилларимиз таскин топишини ҳамда сенинг рост сўзлаганингни аниқ билиб, гувоҳ бўлувчилардан бўлишни истаймиз”. (Шунда) Исо ибн Марям: “Ё Аллоҳ, Парвардигоро, бизга осмондан бир дастурхон нозил қилгинки, у аввалу охиригимиз учун байрам ва Сенинг оят-мўъжизанг бўлиб қолгай. Бизни (шу неъматдан) баҳраманд қил. Ўзинг энг яхши ризқ берувчисан”, деганида, Аллоҳ айтди: “Мен уни сизларга туширувчиман. Аммо (шундан) кейин сизлардан кимда-ким кофир бўлса, уни шундай азобга гирифтор қиламанки, бутун оламлардан бирон одамни ундай азобламайман” (Моида сураси, 111-115-оятлар).

Исо алайҳиссаломга ҳаворийларнинг ёрдамчи қилиниши Аллоҳ таолонинг марҳаматидир. Ҳаворийларга қилинган ваҳий илҳомдир. Улар ўзларига илҳом қилинган нарсага бўйсунган. Бу жумҳур муфассирлар, жумладан, Ибн Касир фикридир. Баъзилар бу ердаги “ваҳий”ни буйруқ маъносида эканини ҳам айтишган.

Яъни, эй Исо, сенга берган неъматларимни, илҳом орқали ҳаворийларга ваҳий қилиб:

– Мен Ёлғиз Илоҳ эканимни, ибодатга муносиб Зот эканимни тасдиқланглар. Мен сизларни тўғри йўлга бошлаши учун юборган Исо ҳақ пайғамбар эканига имон келтиринглар! – деб хитоб қилганимни эсла!

Оятда “Менга ва пайғамбаримга” дейиш билан Исо фақат пайғамбарлардан бири эканига далолат қилинади.

“Имон келтирдик. (Эй Парвардигор,) бизнинг бўйсунувчилар эканимизга Ўзинг шоҳид бўл”, деганларини эсла!

Ҳаворийлар ҳақ динга чақирилганларида:

– Ибодатга энг муносиб Аллоҳ таолога имон келтирдик. Унинг ота-онаси ҳам, фарзандлари ҳам йўқлигига ишондик. Парвардигоро, қиёмат куни биз мўмин эканимизга, Сенга бутунлай таслим бўлганимизга гувоҳ бўл! – деб илтижо қилдилар.

Ҳаворийлар аввал имонни зикр қилдилар. Сабаби у қалб ишидир. Ундан кейин исломни зикр қилдилар. Зеро, таслим бўлиш вужуднинг амалидир. Улар гўё: “Имон қалбимизга мустаҳкам ўрнашган. Бунинг самараси ўлароқ Аллоҳ таоло Исо тилида бизга буюрган ҳар қандай амални қилишга танамиз бўйсунди”, демоқдалар.

Шундан кейин Исо ва ҳаворийлар ўртасида бўлиб ўтган суҳбат келтирилади:

Ҳаворийлар: “Эй Исо ибн Марям, Парвардигоринг бизга осмондан бир дастурхон нозил қилишга қодирми?” деган пайтларида...

Ҳаворийлар Исо алайҳиссаломга “Эй Исо ибн Марям” деб хитоб қилишлари уларнинг ақидаси тўғри бўлгани, Исони ёки унинг онасини худо деб эътиқод қилмаганларини кўрсатади.

Ҳаворийлар мўмин эдилар. Улар Аллоҳнинг қудратига шубҳаланишлари мумкин эмас эди. Бунда Аллоҳнинг қудратидан шак-шубҳа қилиш маъноси йўқ.

Яъни, ҳаворийлар Исо алайҳиссаломга юзланиб:

– Эй Исо, устимизга осмондан дастурхон туширишини Парвардигорингдан сўрай оласанми? – деб мурожаат қилдилар.

Ҳаворийларнинг бу талабига Исо алайҳиссалом шундай жавоб қайтарди:

– **Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳдан кўрқинглар.**

Яъни, Аллоҳга тақво қилинглар! У Зот белгилаб берган чегарадан ўтманглар! Агар ҳақиқий мўмин бўлсангиз, бундай талабларни ўртага ташламанг! Чин мўмин бандалар фитнага етакловчи бундай саволларни бермайди.

Шунда ҳаворийлар ўз талабларига қуйидагича изох беришди:

– **Биз (фақатгина) у дастурхондан ейишни ва кўнгилларимиз таскин топишини ҳамда сенинг рост сўзлаганингни аниқ билиб, гувоҳ бўлувчилардан бўлишни истаймиз.**

Яъни, ҳаворийлар Исо алайҳиссаломга қарата: биз қуйидаги сабабларга кўра осмондан дастурхон туширилишини истаймиз:

1. Баракага эришиш учун ўша дастурхондан ейишни хоҳлаймиз. Сенинг рисолатингга имон келтирмаган кимсалар адоват қилиб, тирикчилигимизни танг аҳволга солиб қўйди. Бас, биз ризқ-рўзга муҳтожмиз.

2. Бу дастурхон туширилиши билан сен чақираётган йўл ҳақ эканига қалбимиз таскин топиши, кўнглимиз хотиржам бўлишидан умидвормиз. Зеро, биз сени тасдиқлаймиз. Аммо бундай далиллар қалбимиздаги имонни янада мустаҳкам бўлишига сабабдир.

3. Кейин сенинг ҳақ пайғамбар эканингга янада кўпроқ ишонишни, буни аниқ билишни истаймиз. Сен бизга ерда мўъжиза кўрсатдинг. Энди осмондан дастурхон нозил бўлиши ҳақиқатан ростгўй эканингни кўрсатади.

4. Бани Исроил қавмидан бўлган кимсалар кўрмаган мўъжизаларни кўриб, уни тасдиқлашни, бунга гувоҳ бўлишни хоҳлаймиз. Бу билан имонлилар имони зиёда бўлади. Имонга мойил кишилар шубҳа-гумондан фориғ бўлади.

Мана шу жумлалар ҳаворийлар Аллоҳнинг қудратига, ё Исо алайҳиссаломнинг пайғамбар эканига шубҳа билан қарамаганларидан дарак беради. Осмондан дастурхон туширилишини сўрашдан улар бошқа нарсани мақсад қилишган.

Ҳаворийлар нима сабабдан осмондан дастурхон тушишини сўраётганларини эшитган Исо Аллоҳга юзланиб:

– **Ё Аллоҳ, Парвардигоро, бизга осмондан бир дастурхон нозил қилгинки, у аввалу охиригимиз учун байрам ва Сенинг оят-мўъжизанг бўлиб қолгай. Бизни (шу неъматдан) баҳраманд қил. Ўзинг энг яхши ризқ берувчисан, – деди.**

Яъни, Исо алайҳиссалом ёрдамчиларининг хужжат-далилларини эшитгач, Парвардигорига тазарру қилди:

– Ё Аллоҳ! Дуоларимизни қабул қилувчи Сенсан! Устимизга осмондан бир дастурхон туширишингни сўраймиз. Унда егулик ва таомлар бўлсин. Бу дастурхон тушган куни биз учун байрам ва хурсандчилик вақти бўлади. Биз бунинг эвазига Сенга кўп шукрлар қиламиз. Биздан кейингилар учун ҳам бу кун шодиёна куни бўлиб қолади. Самодан тушадиган бу дастурхон менинг ростгўй пайғамбарлигимни тасдиқловчи мўъжизалардан бири бўлади. Буни кўриб уларнинг имонлари зиёда бўлади, сенинг қудратингга аниқ ишонадилар!

“Бизни (шу неъматдан) баҳраманд қил. Ўзинг энг яхши ризқ берувчисан”.

Яъни, Парвардигоро, устимизга сўраганимизни нозил қил! Бизни ризқинг билан сийла! Зеро, Сен энг яхши ризқлантирувчи Зотсан. Сендан бошқаси берган нарсалар ўтқинчи ва завол топувчидир.

Исо алайҳиссалом бу таъсирчан дуода “Ё Аллоҳ” ва “Парвардигоро”ни жамлаган. Бу билан Аллоҳ таолога ўта хокисорлик изҳор қилинмоқда. Шундай қилинса, дуонинг ижобати яқинроқ бўлади.

Дастурхоннинг айнан осмондан туширилиши унинг ўта олий ва қадрли неъмат бўлиши, ҳиссий ва маънавий жиҳатдан юқори эканини кўрсатади. Ўз навбатида бу неъматнинг шукрини адо қилиш, Аллоҳга хушу-хузу билан муттасил ибодат қилиш лозим бўлади.

Фахриддин Розийга кўра, ҳаворийлар кўкдан дастурхон тушишини сўраганларида, аввал ейиш мақсадини баён қилдилар, кейин диний ва руҳоний мақсадларни келтирдилар. Исо алайҳиссалом эса биринчи диний мақсадларни зикр қилиб, кейин дуоси охирида дунёга тегишли нарсаларни эслади. Мана шу нарса бандалар орасида руҳий жиҳатдан ҳар кимнинг даражаси турлича бўлишини, баъзиларда руҳий жиҳатлар, айрим кишиларда эса жисмоний-моддий жиҳатлар устунлик қилишини кўрсатади.

Исо алайҳиссалом қалби софлигидан, комил имон эгаси бўлганидан ризқни эслаши билан кетидан ризқ берувчи Аллоҳни зикр қилган¹⁸³.

Аллоҳ айтди: “Мен уни сизларга туширувчиман. Аммо (шундан) кейин сизлардан кимда-ким кофир бўлса, уни шундай азобга гирифтор қиламанки, бутун оламлардан бирон одамни ундай азобламайман”.

Яъни, пайғамбарим Исо дуосини ижобат этаман, устингизга осмондан дастурхон тушираман. Мана шу дастурхон тушишини талаб қилганлар ичидан кимда-ким кофир бўлса, бас, Мен уни шундай азоблайманки, бундай қаттиқ азобни бирон киши тортмайди!

“Бутун оламлардан бирон кишини ундай азобламайман” дейилиши бу азобнинг жуда қаттиқ эканини билдиради.

Аллоҳнинг оятларини инкор қиладиганлар бу тахлит огоҳлантирилишига сабаб:

¹⁸³ “Тафсирул фахрив розий”, 2-жуз, 131-бет.

1. Ўзлари уни талаб қилиб, кейин инкор қилганлари.
2. Мўъжизаларни кўзлари билан кўра туриб очиқчасига ундан юз ўгирганлари.
3. Аллоҳнинг ёлғизлигига, Унинг қудратига ва Пайғамбарнинг ростгўйлигига далолат қилувчи белгиларнинг аниқ-равшан келтирилиши. Ақлли киши бундай оятларни инкор қилиши мумкин эмас.

Аллоҳнинг оятларини инкор қилишга сабаб онқўрлик, ўжарлик ва ҳасаддир. Ношукр ва ҳасадгўй кимсалар жуда қаттиқ азобга гирифтор бўлишга лойиқдирлар.

Мана шу оятлар билан боғлиқ икки масала борки, улар ҳақида имкон қадар тўхталиб ўтамыз.

Биринчи масала: ҳаворийларнинг мусулмон бўлгани ҳақида уламолар фикри.

Иккинчи масала: дастурхон тушиши ҳақида уламолар қараши.

Ҳаворийларнинг имони борасида турли фикрлар айтилишига сабаб, уларнинг Исо алайҳиссаломга қарата: “Эй Исо ибн Марям, Парвардигоринг бизга осмондан бир дастурхон нозил қилишга қодирми?” деган сўзларидир. Зеро, оятнинг зоҳирий маъносига кўра, ҳаворийлар Аллоҳ осмондан дастурхон туширишига шубҳа билан қарашган.

Баъзи уламоларга кўра, жумладан, имом Замахшарий наздида, ҳаворийлар мусулмон бўлишмаган. Улар шунчаки имон ва исломни даъво қилишган, қалбдан бўйсунмишмаган. Агар даъволари рост бўлганида, Исо алайҳиссаломга бу тарзда савол бермаган бўлардилар. Замахшарий ҳаворийлар шак қилишгани, Исо алайҳиссалом уларга: “Агар имон келтирдик, деган даъволарингиз тўғри бўлса, Аллоҳга такво қилинганлар, Унинг қудратига шубҳаланманганлар. Менга бундай саволларга берманганлар. Аллоҳнинг оятларини муҳокама қилманганлар!” деб хитоб қилган¹⁸⁴.

Жумҳур уламоларга кўра, ҳаворийлар Исога: “Парвардигоринг осмондан дастурхон тушира оладими?” дейишганида мўмин бўлишган. Уларга кўра, ҳаворийларнинг Исо алайҳиссаломга айтган гаплари Аллоҳнинг қудратидан шубҳаланиш маъносида эмас. Бу гап билан улар мўминлик мартабасидан тушмайдилар. Улар қалблари хотиржам бўлиши, эшитган нарсаларини кўриш орқали янада кучлироқ имон соҳиби бўлиш учун шундай савол берганлар. “Ундан ейишни ва унинг сабабидан қалбимиз таскин топишини истаймиз”, деган гаплари шунга далолат қилади.

Иброҳим алайҳиссалом ҳам шу каби савол билан Аллоҳга мурожаат қилган эди: “Эсланг, (эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Иброҳим: “Парвардигорим, менга ўликларни қандай қилиб тирилтиришингни кўрсатгин”, деганида, Аллоҳ: “Ишонмаганмидинг?” деди. Иброҳим: “Йўқ, (ишонаман-ку), лекин дилим (яна ҳам) таскин топиши учун”, деди” (Бақара сураси, 260-оят).

Жумҳур уламолар наздида, ҳаворийларнинг саволи феъл (ишни амалга ошириш) ҳақидадир, унга қодирлик борасида эмас.

Бизнингча, жумҳур уламолар фикри ва далиллари кучлидир. Сабаби, Аллоҳ таоло уларга илҳом қилиб имон неъматини билан сийлаганини зикр қилган. Агар ҳаворийлар мўмин бўлмаганларида, Аллоҳ буни баён қиларди. Одатда Аллоҳ таоло пайғамбарларини мунофиқлар макр-ҳийлаларидан огоҳлантирган. Агар ҳаворийлар мўмин бўлмаганларида, Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломга эргашганларни имон ва ихлосда уларга тенглаштирмаган бўларди. Аллоҳ таоло шундай деган: “Эй

¹⁸⁴ “Тафсирул кашшоф”, 1-жуз, 693-бет.

мўминлар, сизлар ҳам худди (ҳаворийлар каби) Аллоҳнинг ёрдамчилари бўлинг! Исо ибн Марям ҳаворийларга: “Аллоҳга (яъни, Унинг динига даъват қилишимда) ким менинг ёрдамчим бўлади?” деганида, ҳаворийлар: “Биз Аллоҳнинг (динига) ёрдам берувчилармиз”, дедилар” (Саф сураси, 14-оят).

Мана бу оятлар ҳам ҳаворийлар имон соҳиблари бўлганидан дарак беради: “Энди қачон Исо улар (яхудийлар) томондан куфрни кўргач: “Аллоҳнинг (динига даъват қилишимда) ким менга ёрдамчи бўлади?” деди. Ҳаворийлар айтдилар: “Биз Аллоҳнинг (динига) ёрдам берувчилармиз. Аллоҳга имон келтирдик. (Эй Исо,) гувоҳ бўлингки, биз Аллоҳга бўйинсунгувчилармиз. Парвардигоро, нозил қилган нарсангга ишондик, пайғамбарингга итоат этдик. Бас, бизни гувоҳ берувчилар қаторига ёзгин!” (Оли Имрон сураси, 52-53-оятлар).

Уламолар баҳс қилган иккинчи масала дастурхон тушиши билан боғлиқ. Жумҳур уламоларга кўра, дастурхон осмондан тушган. Ибн Жарир Табарий: “Бизнингча, гапнинг тўғриси шуки, Аллоҳ дастурхонни туширган. Чунки Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмайди. Аллоҳнинг хабарида хилоф бўлмайди. Парвардигоримиз Исо алайҳиссалом дуосига жавобан: “Мен уни тушираман”, деган. Аллоҳ устингизга дастурхон тушираман, деб кейин уни туширмаслиги мумкин эмас”, деган¹⁸⁵.

Ибн Касир Табарийнинг қавлини маъқуллаган ва салафлардан қилинган ривоятлар ва далиллар шунга ишора қилишини таъкидлаган.

Термизий Аммор ибн Ёсир розияллоху анҳудан ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Дастурхон осмонда тушди. Унда нон ва гўшт бор эди. Бас, улар хиёнат қилмаслик ва эртанги кун учун заҳира қилиб олиб қўймасликка буюрилди. Лекин улар хиёнатга қўл урдилар, (ўша таомлардан) эртанги кунга олиб қўйдилар. Бас, шунда маймун ва тўнғизларга айлантирилдилар”.

Ибн Абу Ҳотим Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилишича, улар Исо ибн Марямга: “Аллоҳга дуо қил, устимизга осмондан дастурхон туширсин!” дейишди. Шунда фаришталар дастурхонни кўтариб олиб тушишди. Унда етгита катта балиқ ва етгита нон бор эди. Аввалгилар ўша егуликлардан қандай еган бўлса, охиригиси ҳам шундай истеъмол қилди¹⁸⁶.

Баъзи муфассирлар осмондан тушган дастурхон устига қандай таомлар бўлгани, қаерга ва қандай қилиб тушгани, унинг очилиши ва ёпилиши ҳақида узундан-узоқ ривоятларни келтирадилар. Бизнингча, уларни четлаб ўтиш афзал. Чунки ўша ривоятларнинг санади заифдир.

Бу ўринда менга Ибн Жарирнинг сўзи маъқул келди. Тўғриси шуки, ўша дастурхон устида егуликлар бўлган. У балиқ, нон ё жаннат меваларидан бири бўлиши мумкин. Буни билишнинг фойдаси, билмай қолишнинг зарари йўқ. Оятни ўқиётган қори оятнинг зоҳирий маъносига иқроп бўлса кифоя¹⁸⁷.

Баъзи уламолар айтишича, ҳаворийлар сўраган дастурхон осмондан тушмаган. Уларга кўра, ҳаворийлар дастурхон тушиши шартини эшитганларидан кейин: “У ҳолда унинг тушишига ҳожатимиз йўқ”, дейишган ва шу зайл туширилмаган.

¹⁸⁵ “Тафсиру ибни жарир”, 7-жуз, 135-бет.

¹⁸⁶ “Тафсиру ибни касир”, 2-жуз, 116-бет.

¹⁸⁷ “Тафсиру ибни касир”, 7-жуз, 135-бет.

Бизнингча, жумхур уламолар фикри ҳақиқатга яқинроқдир. Оятнинг зоҳирий маъносига кўра, осмондан дастурхон тушган. Буни қувватловчи ривоятлар ҳам етарли.

Саф сурасининг охирги оятларида ҳаворийлар шаънига мақтовлар айтилган, мўминлар уларга ўхшашга чақирилган. Аллоҳ таоло шундай деган:

“Эй мўминлар, сизлар ҳам худди (ҳаворийлар каби) Аллоҳнинг ёрдамчилари бўлинг! Исо ибн Марям ҳаворийларга: “Аллоҳга (даъват қилишимда) ким менинг ёрдамчим бўлади?” деганида, ҳаворийлар: “Биз Аллоҳнинг (динида) ёрдам берувчилармиз”, дедилар. Бас, Бани Исроилдан бир тоифа (одамлар Исога) имон келтирди ва бир тоифа кофир бўлди. Бас, Биз имон келтирган зотларни душманларидан кучли қилиб, улар (кофирлар устига) ғолиб бўлиб қолдилар” (Саф сураси, 14-оят).

Яъни, эй, Аллоҳ таолога ҳақиқий имон келтирган мўминлар! Худди ҳаворийлар каби Аллоҳнинг динига доим кўмакчи бўлинглар! Исо уларни даъват қилганида, улар пайғамбарларига ёрдам бериб, унинг ёнида сабот билан турдилар.

Бу оятда мўмин бандалар қанча машаққат бўлишидан қатъи назар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёнларида туриб, ҳақиқат йўлида курашишга, суюкли Пайғамбарга ёрдамчи бўлишга чақирилмоқда.

Исо ибн Марям ҳаворийларга: “Аллоҳга (даъват қилишимда) ким менинг ёрдамчим бўлади?” деганида, ҳаворийлар: “Биз Аллоҳнинг (динида) ёрдам берувчилармиз”, дедилар.

Исо алайҳиссалом ҳаворийлар имони қай даражада қувватли эканини синаш учун уларга юзланиб:

– Аллоҳнинг динини етказишда, Унинг ўзига ибодат ва итоат этишда менга ким мадад бера олади?! – деб хитоб қилди. Ҳаворийлар Исонинг саволига жавобан:

– Мана биз ёрдамчи бўламиз Аллоҳнинг динига. Жонимиз ва молу давлатимизни бу йўлда аямаймиз. Бор кучимиз билан Аллоҳнинг сўз олий бўлиши учун ёрдам берамиз, – дедилар.

“Бас, Бани Исроилдан бир тоифа (одамлар Исога) имон келтирди ва бир тоифа кофир бўлди”.

Исо ҳаворийларни имонга, дин йўлида ёрдамчи бўлишга чақирганида, улар “лаббай” деб жавоб бердилар. Аммо Бани Исроил қавмидаги бошқа одамлар Исонинг пайғамбарлигини тан олишмади.

“Бас, Биз имон келтирган зотларни душманларидан кучли қилиб, улар (кофирлар устига) ғолиб бўлиб қолдилар”.

Бу ерда икки тоифанинг икки хил оқибати ҳақида маълумот берилмоқда.

Яъни, Исо алайҳиссалом қавми ичидан унга имон келтирганлар ҳам бўлди, унга кофир бўлганлар ҳам кўп эди. Аллоҳ имонлиларни қўллаб-қувватлади, уларга нусрат ато этди, мўминларни куфр келтирган кимсалар устидан ғолиб қилди. Мўминлар Аллоҳнинг фазли билан ғалабага эришдилар.

Бу оятда ҳар бир замон ва макондаги мўминларни имонга, солиҳ амалларга тарғиб қилинмоқда. Аллоҳнинг суннати (қонуни, тақдири) мўминларга чиройли оқибат бўлишини тақозо этади.

Юқорида келтирилган маълумотлар ҳаворийлар Исо алайҳиссалом даъватига чиройли жавоб қилганлари, унинг олдида елкадош бўлиб, дин хизматида бўлганларини кўрсатади.

ИСО АЛАЙҲИССАЛОМГА ЭРГАШЛАР КИШИЛАР ҲАҚИДА ҚУРЪОНДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

Исо алайҳиссалом Аллоҳ таоло томонидан Бани Исроил қавмига юборилганида, одамларни тавҳидга, Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга даъват қилди, уларни ширкдан қайтарди ва одоб-ахлоқли бўлишга чақирди. Қавм орасида баъзилар Исога имон келтирди, уни тасдиқлади. Баъзилар пайғамбарни инкор қилди, ҳақ йўлдан тойилди. Яна бир тоифа одамлар Исо алайҳиссалом буюрмаган амалларни ўзларига лозим тутиб, дунё лаззатларидан юз ўгирдилар, Аллоҳ рози бўлмайдиган тарзда таркидунёчиликни афзал билдилар.

Ҳадид сурасида Исо алайҳиссаломга эргашганлар орасида баъзилар динда янгилик яратиб, бидъатларга рағбат қилганлари, бошқалар эса ҳақ йўлдан борганлари айтилади. Аллоҳ таоло шундай деган:

“Ҳақиқатан, Биз Нух ва Иброҳимни пайғамбар қилиб бордик ҳамда пайғамбарлик ва Китобни (яъни, Таврот, Инжил, Забур ва Қуръонни) ҳам икковининг зурриётларига (ато) қилдик. Бас, уларнинг орасида ҳидоят топувчи (кишилар) ҳам бор, (аммо) кўплари фосиқ-итоатсиздирлар. Сўнгра уларнинг изларидан кетма-кет пайғамбарларимизни юбордик ва Исо ибн Марямни ҳам (уларнинг) ортидан юбордик ва унга Инжилни ато этдик ҳамда унга эргашган зотларнинг дилларида меҳрибонлик ва раҳм-шафқат (пайдо) қилдик. Роҳибликни эса ўзлари чиқариб олдилар. Биз уларга (роҳиб бўлишларини) ёзганимиз – буюрганимиз йўқ, лекин ўзлари Аллоҳнинг розилигини истаб (роҳибликни одат қилдилар-у), сўнг унга тўла риоя қила олмадилар. Бас, Биз улардан имон келтирган зотларга ажр-мукофотларини ато этдик. (Аммо) улар орасида кўплари фосиқ-итоатсиздирлар” (Ҳадид сураси, 26-27-оятлар).

Аллоҳ таоло одамларни тўғри йўлга бошлаш учун жуда кўп пайғамбарлар юборди. Жумладан, Нух ва Иброҳим алайҳимуссаломни юбориб, уларнинг зурриётларидан яна кўп анбиёларни чиқарди. Ўша пайғамбарларга Китобни туширди: Мусога Тавротни, Довудга Забурни нозил қилди.

Бу ерда Нух ва Иброҳим алайҳимуссаломнинг хосланишига сабаб, барча набийлар шу икки пайғамбар наслидан тарқалган.

“Бас, уларнинг орасида ҳидоят топувчи (кишилар) ҳам бор, (аммо) кўплари фосиқ-итоатсиздирлар”.

Ўша пайғамбарлар зурриётидан ҳақ йўлда юрган ва имон келтирган зотлар ҳам бор. Бироқ кўплари фосиқдирлар, ҳақ йўлдан оғиб куфр ва залолат йўлини ихтиёр қилганлар.

“Сўнгра уларнинг изларидан кетма-кет пайғамбарларимизни юбордик ва Исо ибн Марямни ҳам (уларнинг) ортидан юбордик”.

Яъни, Биз пайғамбарларни кетма-кет юбордик. Исо ибн Марямни ҳам пайғамбар қилдик, қавмини ҳидоятга йўллаш учун унга Инжилни ваҳий қилдик.

Исога берилган Китобнинг “Инжил” дейилишига сабаб, у кенглик, нур ва зиё эди. Исо қавмини тўғри йўлга чорлаш ва уларга башорат бериш учун Аллоҳ Инжилни унга туширган¹⁸⁸.

Шундан кейин Исо алайҳиссаломга эргашган кишиларга хос баъзи сифатлар зикр қилинади:

“Ҳамда унга эргашган зотларнинг дилларида меҳрибонлик ва раҳм-шафқат (пайдо) қилдик. Роҳибликни эса ўзлари чиқариб олдилар. Биз уларга (роҳиб бўлишларини) ёзганимиз – буюрганимиз йўқ, лекин ўзлари Аллоҳнинг розилигини истаб (роҳибликни одат қилдилар)”.

“Роҳиблик” насроний роҳиблари Аллоҳдан кўрқиш ва дунёдан юз ўгириш учун ўзлари ўйлаб топган нарсадир.

Оятнинг маъноси қуйидагича: Аллоҳ Бани Исроил қавмига пайғамбар қилиб юборилган Исо алайҳиссаломга имон келтирган ва эргашган кишилар қалбида меҳр-шафқат ва мулойимликни, меҳрибонликни пайдо қилди. Улар орасидаги бидъатчилар ўзлари учун таркидунёчиликни ўйлаб топдилар. Аллоҳ уларни бунга буюрмаган эди. Улар Аллоҳ розилигини қозониш учун шундай қилдилар.

“Сўнг унга тўла риоя қила олмадилар. Бас, Биз улардан имон келтирган зотларга ажр-мукофотларини ато этдик. (Аммо) улар орасида кўплари фосиқ-итоатсиздирлар”.

Лекин улардан кўпи роҳиблик тақозо этадиган зухд, тақво ва иффатни сақлашга тўлиқ риоя қилолмадилар. Уларнинг таркидунёчилиги тўғри ибодатдан холи расм-русумлардангина иборат бўлиб қолди. Насронийлар ўзлари ўйлаб чиқарган таркидунёчиликка жуда кам одамлар сабр қила олдилар. Аллоҳ Исога эргашган зотларга беҳисоб ажр-мукофотлар берди. Бироқ Исони инкор қилган ёки у келтирган нарсаларни ўзгартирган кимсалар муносиб жазоларини оладилар.

“(Аммо) улар орасида кўплари фосиқ-итоатсиздирлар” жумласи Исо алайҳиссаломни инкор қилган, Аллоҳнинг буйруқларидан бўйин товлаган кимсалар пайғамбарга эргашган кишилардан кўпроқ бўлганини билдиради.

Бу оятда Исога чиройли суратда эргашган, қалбларини нопокликлардан тозлаган ва дунёнинг ортиқча матоҳларидан четроқ бўлган кишилар шаънига мақтов айтилмоқда. Шунингдек, Исо алайҳиссалом олиб келган шариатни ўзгартириб юборган, Аллоҳнинг ғазабини кўзғатадиган гуноҳларни содир этган кимсалар қораланмоқда.

Моида сурасида Исо алайҳиссаломга эргашганлар орасида Аллоҳга ихлос билан ибодат қилган, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам даъватлари етиб келганида, унга эргашган кишилар мақталган. Аллоҳ таоло шундай деган:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Сиз мўминларга энг қаттиқ адоват қилувчи одамлар яҳудийлар ва мушриклар эканини кўрасиз. Мўминларга дўст бўлишга яқинроқ кишилар эса: “Биз насронийлармиз”, деган кишилар эканини кўрасиз. Бунга сабаб, уларнинг орасида олимлар ва роҳиблар бор экани ва уларнинг кибр-хаво қилмасликларидир. Улар Пайғамбарга нозил қилинган нарсани (Қуръонни) эшитган пайтларида унинг ҳақ эканини билганлари сабабли кўзларидан ёш қуйилаётганини кўрасиз. Улар дейдилар: “Парвардигоро, имон

¹⁸⁸ “Тафсирул фахрир розий”, 7-жуз, 171-бет.

келтирдик. Бас, бизни гувоҳлик берувчилар қаторига ёзгин¹⁸⁹. Бизга нима бўлдики, Аллоҳга ва бизга келган ҳақ динга ишонмаймиз-у, яна Парвардигоримиз бизни ҳам бу солиҳ қавм билан бирга (жаннатга) дохил қилишини тамаъ қиламиз?!” Бас, шу гаплари сабабли Аллоҳ уларни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий яшайдиган жаннатлар билан мукофотлади. Бу чиройли амал қилувчиларнинг мукофотидир. Кофир бўлган ва оятларимизни ёлғон, деган кимсалар эса жаҳаннам эгаларидир” (Моида сураси, 82-86-оятлар).

Саид ибн Жубайрдан ривоят қилинади: “Нажоший Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бир гуруҳ одамларини юборди. Бас, улар мусулмон бўлдилар. Аллоҳ улар ҳақида “(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Сиз мўминларга энг қаттиқ адоват қилувчи одамлар яҳудийлар ва мушриклар эканини кўрасиз” оятини нозил қилди. Улар Нажоший олдига қайтиб борганларида, унга Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабарларини етказдилар ва Нажоший ҳам мусулмон бўлди. Нажоший умрининг охиригача мусулмон бўлиб қолди (яъни, мусулмон ҳолида вафот этди). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Биродарингиз Нажоший вафот этди. Унга намоз ўқинглар”, дедилар. Шундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳабашистондаги Нажошийга Мадинада туриб (ғойибона) жаноза намозини ўқидилар” (Ибн Жарир ривоят қилган).

Ибн Жарир ушбу оятлар нозил бўлишига сабаб бир қанча ривоятларни келтиргач: “Менинг наздимда тўғри гап шуки, Аллоҳ “Биз насронийлармиз”, деган қавмнинг сифатларини келтирган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни имон аҳлига энг яқин ва муҳаббатли эканини кўрганлар. Бу ерда уларнинг исмлари келтирилмаган. Балки улар Нажошийнинг асҳобларидир. Балки Исо алайҳиссалом шариатига эргашган ва Ислом даъвати келганидан кейин мусулмон бўлган, Қуръон эшитиб, унинг ҳақ Калом эканини билган кишилардир¹⁹⁰”.

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Сиз мўминларга энг қаттиқ адоват қилувчи одамлар яҳудийлар ва мушриклар эканини кўрасиз”.

Яъни, эй Муҳаммад, Сиз одамларни ҳақ динга даъват қилиш чоғида Сизга ва даъват қилаётган йўлингизга эргашганларга энг қаттиқ душманлик қиладиганлар яҳудийлар ва мушриклар эканини кўрасиз. Уларнинг адоватига сабаб ҳасад, кўролмаслик, нонкўрлик ва ғурурдир. Мана шу разил иллатлар қалбга ўрнашса, уни хидоятдан, ҳаққа имон келтиришдан тўсиб қўяди.

“Мўминларга дўст бўлишга яқинроқ кишилар эса: “Биз насронийлармиз”, деган кишилар эканини кўрасиз”.

¹⁸⁹ Ушбу оятлар Ҳабаши давлатидаги насронийлар ҳақида нозил бўлган. Исломнинг илк даврларида Макка мушриклари Пайгамбар алайҳиссаломга имон келтирган саҳобаларга турли тазйиқлар ўтказиб, мусулмонлар учун Маккада яшаиш ниҳоятда қийинлашиб кетганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қанча саҳобага Ҳабаши юртига ҳижрат қилишни буюрдилар. У ерда насронийлар яшар эдилар. Мусулмонлар борганида Ҳабашистон подшоҳи Нажоший улардан ким эканларини ва қайси динга ишонишларини сўраб-суриштирди. Булар ўзларининг араб юртидан келганларини, динлари Ислом, пайгамбарлари Муҳаммад алайҳиссалом эканини айтдилар. “Нажоший: “Бу қандай дин ва қайси Китобга амал қилади, у қандай пайгамбар?!” деб сўраганида, мусулмонлар Пайгамбар алайҳиссалом ҳақларида маълумот бериб, Исломнинг моҳиятини сўзлаб бердилар ва Қуръон оятларидан тиловат қилдилар. Шунда Нажоший ва бошқа насроний уламолар ва роҳиблари Ислом ҳақ дин эканига, Қуръоннинг алоҳий Китоблигига тан бердилар ва бу Китоб оятларининг таъсиридан кўз ёшларини тўхтата олмай қолдилар. Нажоший эса: “Бу Китоб билан бизнинг Инжилимизнинг асли – манбаи биттадир”, деди ва мусулмонларга бу юрtdа бемалол яшаишлари учун сулайликлар ҳозирлаб беришни буюрди (Шайх Алоуддин Мансур, “Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”).

¹⁹⁰ “Тафсиру ибни жарир”, 7-жуз, 3-бет.

Яъни, эй Муҳаммад, яҳудийлар ва ширк келтирган кимсалар сизларга энг ашаддий душман бўлса, “Биз насронийлармиз”, дейдиганлар Сизга ва асҳобларингизга яқинроқ, мўминларни яхши кўрувчидирлар.

“Бунга сабаб, уларнинг орасида олимлар ва роҳиблар бор экани ва уларнинг кибр-хаво қилмасликларидир”.

Бунга сабаб, насронийлар ичида илм талабида ҳаракат қиладиган, ўзгаларни маърифатга бошлайдиган, Аллоҳга ибодат қилишга рағбат қилиб, дунёнинг ортиқча лаззатларидан тийиладиган кишилар борлигидир. Улар ҳаққа бўйин эгишдан ор қилмайдилар. Агар ҳақни тушунсалар, уни билсалар, камтарлик билан итоат этадилар, мағрурлик ва кибр кўчасини ҳатлаб ўтадилар.

Алусий шундай деган: “Ушбу оят тавозеъ, илм ва амалга юзланиш, шаҳватлардан тийилиш қаерда бўлса ҳам мақталган сифатлардан эканига далолат қилади”.

Шундан кейин насроний уламолари Қуръон эшитганда қандай ҳолатга туришлари тасвирланади:

“Улар Пайғамбарга нозил қилинган нарсани эшитган пайтларида унинг ҳақ эканини билганлари сабабли кўзларидан ёш қуйилаётганини кўрасиз”.

Бу ерда “Пайғамбар”дан мурод Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, “Пайғамбарга нозил қилинган нарса” эса Қуръони каримдир.

“Биз насронийлармиз”, дейдиган олим кишилар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган Қуръонни эшитсалар, тиловатдан қалблари таъсирланади, нафслари хотиржам бўлади. Бунинг натижасида кўзларидан дув-дув ёш тўкилади. Улар Қуръон эшитиб, аввал билмаган ҳақиқатларини англаганлари учун кўз ёшларини тийиб туrolмайдилар.

Мана шу оятда Қуръоннинг қалбга нақадар кучли таъсир қилиши, дил ҳақни қабул қилса, инсон кўзидан ёш тўкилиши таъкидланмоқда. Қуръон нури ва ҳидоят қалбга синганидан кейин қувонч ва муҳаббат кўз ёшлари дийдалардан сизиб чиқади.

Шундан сўнг улар ҳақни эшитиб нима дейишлари келтирилади:

Улар дейдилар: “Парвардигоро, имон келтирдик. Бас, бизни гувоҳлик берувчилар қаторига ёзгин”.

Яъни, Парвардигоро, биз эшитган нарсамизга тўлиқ имон келтирдик. Бас, бизни Муҳаммад алайҳиссаломга имон келтирган ва одамларни зулматдан ҳидоят нурига олиб чиққан жамики пайғамбарларни тасдиқлайдиган зотлар қаторига ёзгин!

“Бизга нима бўлдики, Аллоҳга ва бизга келган ҳақ динга ишонмаймиз-у, яна Парвардигоримиз бизни ҳам бу солиҳ қавм билан бирга (жаннатга) дохил қилишини тамаъ қиламиз?!”

Яъни, Яккаю Ёлғиз Аллоҳ таолога, Муҳаммад алайҳиссалом олиб келган, инсониятни бахту саодатга бошловчи Қуръонга имон келтиришимизга нима монелик қилади?! Парвардигоримиз бизларни имонимиз сабабидан солиҳ қавмлар қаторига киритишини умид қилаётган бўлсак, (яна нима тўсқинлик қилади мусулмон бўлишимизга)?!

Кўриниб турибдики, улар Қуръонни бутун вужудлари билан тинглаганларидан кейин тиловатдан қаттиқ таъсирландилар ва кўзларидан шашқатор ёш оқди. Шундан кейин Аллоҳ таолодан уларни мўминлар қаторига ёзишини сўраб илтижо қилдилар. Булар аввалда насроний бўлиб, кейин Исломни қабул қилган зотларнинг қалби қордек оппоқ, табиатлари ҳаққа мойил, ҳақ даъватни ҳеч қандай тараддудсиз қабул қилишга илҳақ бўлганларига далолат қилади.

У зотлар имонга мушарраф бўлиб, ўзлари учун чиройли оқибат нақд эканига ишониб қолмадилар, балки Аллоҳ таолога юзланиб, мағфиратидан, раҳматидан умидвор эканларини изҳор қилдилар. Имонида содиқ мўмин шундай бўлади. У савоб амалларни қанча кўп қилмасин, Аллоҳнинг фазли-марҳамати ва ҳисобсиз неъматлари олдида ўзи қилган нуқсонли амалларни кичик санайди, Аллоҳнинг азобидан кўрқади, У Зотнинг раҳматидан умид қилади.

Қалби пок, ҳақ йўлга мойил бўлган бу зотлар оқибатда Аллоҳнинг улуғ марҳаматига сазовор бўлдилар:

“Бас, шу гаплари сабабли Аллоҳ уларни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий яшайдиган жаннатлар билан мукофотлади. Бу чиройли амал қилувчиларнинг мукофотидир”.

Бу зотларнинг имон ва ихлос нафаси уфуриб турган покиза сўзлари сабабидан Аллоҳ уларни мукофотлайди, дарахтлари остидан дарёлар оқиб ўтадиган жаннатларга киритади. Улар жаннатда абадий қоладилар. Мана шу Аллоҳ ихлосли мўмин бандаларга амаллари ва чиройли сўзлари учун берган мукофотидир.

“Шу гаплари сабабли”, деганда “Парвардигоро, имон келтирдик. Бас, бизни гувоҳлик берувчилар қаторига ёзгин” деб қилган илтижоларини назарда тутилмоқда. Мана шу сўз уларнинг ихлосли эканига, қалбидаги имони ҳақиқий бўлганига далолат қилади. Аллоҳ айнан шу сўз туфайли уларни муносиб тақдирлади.

Бу оятдан кўриниб турибдики, Аллоҳ уларга сўраганларидан ҳам афзалини ато қилди (*Дуо қилиш бобида бу оятлар ҳар биримиз учун ибратдир. Зеро, қачон Аллоҳга ихлос билан юзлансак, Аллоҳ дилимиздаги тилакларни ортиги билан ато этади. У Зотнинг фазлу марҳамати чексиздир. – таржимон*).

Юқорида келтирилганлар пайғамбар сўзини тасдиқлаб, ҳақиқий мўмин бўлган зотларнинг мукофотидир. Бироқ имондан юз ўгирган, ҳақни қабул қилишдан бош тортган кимсаларнинг оқибати мана бу оятда баён қилинади:

“Кофир бўлган ва оятларимизни ёлғон, деган кимсалар эса жаҳаннам эгаларидир”.

Ҳақни инкор қилган, Аллоҳнинг ёлғизлигига далолат қилувчи оятларни ёлғончи чиқарган кимсалар жаҳаннамга кирадилар.

Куфр йўлини ихтиёр қилганлар оқибати бундай бошқача бўлмайди.

Кўриниб турибдики, Қуръони каримда “Биз насронийлармиз”, деб Қуръондан таъсирланган, ҳақ дин келганида уни зудлик билан қабул қилган ва имонга мушарраф бўлган зотлар шаънига мақтовлар айтилган. (*Насронийми, яҳудийми, қайси миллатга мансуб бўлса ҳам, кимда-ким Аллоҳга имон келтирса ва солиҳ амалларни ихлос билан бажарса, ана ўша банданинг оқибати чиройли бўлади. – таржимон*).

Куфр келтирганлар, Аллоҳнинг оятларини инкор қилганлар эса дўзах эгаларидир. Улар у ерда абадий қоладилар.

ҚУРАЙШ МУШРИКЛАРИНИНГ ИСО АЛАЙҲИССАЛОМГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИ

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аввалда ўтган пайғамбар биродарларига кўп мақтовлар айтганлар. Жумладан, Исо ибн Марямни мақтаб: “Мен дунёда ҳам, охиратда ҳам одамлар ичида Исо ибн Марямга энг ҳақлироқман. Иккимизнинг орамизда бирон пайғамбар йўқдир”, деганлар. Бироқ Қурайш қавмининг мушриклари

Исо ҳақида бутунлай ўзгача фикрда эдилар. Улар бу улуғ пайғамбарни инкор қилар, уни тан олгилари келмасди.

Уларнинг Исо алайҳиссаломга бўлган муносабатлари Қуръони каримда куйидагича ифодаланган. Аллоҳ таоло айтади:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) қачонки (Исо) ибн Марям мисол келтирилса, баногоҳ қавмингиз (бу мисолдан шодланиб) қичқира бошлайдилар. Улар: “Бизларнинг илоҳларимиз яхшироқми ёки уми (яъни, Исоми)?!” дедилар. Улар (бу мисолни) Сизга фақат талашиб-тортишиш учунгина келтирдилар. Ахир улар хусуматчи-урушқоқ қавмдирлар¹⁹¹! У фақатгина Биз (пайғамбарлик) инъом этган бир бандадир. Биз уни Бани Исроил учун бир мисол-ибрат қилдик. Агар хоҳлаганимизда, албатта сизларнинг ўрнингизга ерда халифа бўладиган фаришталарни (пайдо) қилган бўлар эдик. Албатта (Исо қиёмат) соати ҳақида билим-аломатдир. Бас, сизлар у ҳақида ҳаргиз шак-шубҳа қилмангиз! (Эй Муҳаммад алайҳиссалом, Макка аҳлига айтинг:) “Менга эргашишлар! Мана шу тўғри йўлдир. Сизларни шайтон ҳаргиз (Аллоҳнинг динидан) тўсмасин! Албатта у сизлар учун очик душмандир”. Қачонки Исо аниқ-равшан ҳужжат-мўъжизалар келтиргач, деди: “Мана, мен сизларга ҳикмат – Инжил билан, ўзларингиз ихтилоф қилаётган айрим нарсаларни баён қилиб бериш учун келдим. Бас, Аллоҳдан кўрқинг ва менга итоат этинг! Албатта менинг Парвардигорим ҳам, сизларнинг Парвардигорингиз ҳам Аллоҳнинг Ўзидир. (Ёлғиз) Унга ибодат қилинлар! Мана шу тўғри йўлдир”. Сўнг (насронийлар ичидан чиққан) фирқалар ўзаро ихтилоф қилдилар. Бас, у золим кимсаларга аламли куннинг азоби – ҳалокат бўлмай! Улар фақат ўзлари сезмаган ҳолларида (қиёмат) соати тўсатдан келиб қолишини кутмоқдалар, холос” (Зухруф сураси, 57-66-оятлар).

Муфассирлар нақл қилишича, “(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Биз Сиздан илгари юборган пайғамбарлардан сўраб (яъни, улар келтирган диний таълимотларни ўрганиб) боқинг-чи, Биз Раҳмондан ўзга ибодат қилинадиган “илоҳ”лар қилганмиканмиз?!” ояти нозил бўлганида, мушриклар Исо алайҳиссалом ҳақидаги масалани кўтариб: “Насронийлар Исони худо қилиб олганларидек Муҳаммад биздан уни илоҳ қилиб олишимизни хоҳлаяпти шекил!” дейишди. Шунда Аллоҳ таоло “Қачонки (Исо) ибн Марям мисол келтирилса, баногоҳ қавмингиз (бу мисолдан шодланиб) қичқира бошлайдилар” оятини нозил қилди.

Жумхур муфассирлар бу оят Ибн Забаъро мусулмон бўлишидан олдин талашиб-тортишган масала ҳақида нозил қилинганини айтишган. Унга кўра, “(Эй мушриклар,) сизлар ҳам, Аллоҳни кўйиб сиғинаётган бутларингиз ҳам жаҳаннам ўтинларидир” ояти (Анбиё сураси, 98-оят) нозил бўлганида, Ибн Забаъро:

¹⁹¹ Бу оятлар мушриклар Исо ибн Марямни мисол қилиб, Муҳаммад алайҳиссаломни мулзам этмоқчи бўлишгани ҳақидадир. Пайғамбар алайҳиссалом қурайшликларга: “(Эй мушриклар,) сизлар ҳам, Аллоҳни кўйиб сиғинаётган бутларингиз ҳам жаҳаннам ўтинларидир” оятини (Анбиё сураси, 98-оят) тиловат қилганларида, мушриклар газабга миниб: “Эй Муҳаммад, бу фақат бизларга тегишлими ёки барча миллатларгами?” деб сўрашади. Ҳазрат уларга: “Бу оят барча замонлардаги мушриклар ва улар сиғинадиган нарсаларга тегишлидир”, деб жавоб бергач, улардан бири бу жавобдан шодланиб: “Ахир сен Исо Аллоҳнинг пайғамбари деган дининг-ку! Ҳолбуки, насронийлар уни худо деб сиғинадилар. Бас, агар Исо насронийлар уни худо қилиб олганлари сабабли дўзахга тушадиган бўлса, бизлар ҳам ўз худоларимиз билан дўзахга тушишга розимиз. Энди бизларга айт-чи, бизнинг худоларимиз яхшироқми ёки Исоми?!” деб қичқиради. Шунда юқоридаги оятлар нозил бўлиб, Исо алайҳиссалом Аллоҳ таоло ҳузурига кўтарилганидан кейин насронийлар у зотни худо қилиб олишгани учун у киши айбдор эмасликлари, бу мушриклар эса фақат талашиб-тортишиш учунгина бундай беҳуда мисолларни келтиришлари баён этилади (Шайх Алоуддин Мансур, “Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”).

– Эй Муҳаммад, насронийлар Масихга, яҳудийлар Узайрга ва Бани Мулайх фаришталарга сиғинганлар-ку? Агар улар дўзахда бўлса, биз ҳам, илоҳларимиз ҳам дўзахда бўлишига розимиз! – деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– Қавминг тилини билмайсанми?! (Араб тилидаги) “маа” ҳарфи ақл юритмайдиган (ғайри оқил) нарсаларга ишлатилишини тушуниб етмадингми?! – дедилар. Бошқа ривоятда айтилишича, у зот: “Улар шайтонга сиғинишган”, деганлар. Шунда юқоридаги оятлар нозил қилинган¹⁹².

Яъни, Ибн Забаъро Исо ибн Марямни мисол келтириб, Сиз билан тортишганида, Қурайш кофирлари бақиришиб, шодланганларидан қичқириб юбордилар. Чунки Ибн Забаъронинг гапини эшитиб, “Биз Муҳаммадни жангда енгдик, мот қилдик уни деб ўйлагандилар.

Улар: “Бизларнинг илоҳларимиз яхшироқми ёки уми (яъни, Исоми)?!” дедилар.

Бу ерда савол беришдан мақсад Исо алайҳиссаломни ўз илоҳларидан афзал билишдир. Гўё мушриклар: “Сен Исо Аллоҳнинг пайғамбарларидан бири эканини, у илоҳларимиздан яхшироқ эканини айтган эдинг. Агар у қиёмат куни жаҳаннам оловида бўлса, биз ва сиғинаётганимиз илоҳлар ҳам жаҳаннамга тушишга розимиз”, дейишаётгандек.

Аллоҳ уларнинг даъвосини мана бу сўзи билан ботилга чиқарди:

– **Улар (бу мисолни) Сизга фақат талашиб-тортишиш учунгина келтирдилар.**

Яъни, эй мухтарам Пайғамбар, мушриклар оғзидан чиқаётган гапларга парво қилманг! Улар Исо ибн Марямни фақат Сиз билан тортишиш учун мисол қилиб келтирдилар. Уларнинг нияти ҳақиқат тагига етиш эмас.

“Ахир улар хусуматчи-урушқоқ қавмдирлар!”

Яъни, гапларига эътибор берманг, ботилни ушлаб олиб талашиб-тортишаверсинлар. Улар ўзлари жанжалга мойил хусуматчи кимсалардир. Ботил билан жанжаллашишни хуш кўрадилар.

Аслида Исо ибн Марям ҳақидаги мисолни Ибн Забаъронинг ўзи келтирганди. Лекин бу оятда “мисол келтирдилар” деб кўплик шаклида баён қилинмоқда. Сабаби Қурайш мушриклари Ибн Забаъронинг сўзини кўллаб-қувватлаб, қилаётган ишига рози бўлишган. Шунинг учун бир одам қилган иш бошқаларга ҳам нисбат берилмоқда.

Шундан кейин Исо алайҳиссалом ҳақида энг рост сўз айтилади:

“У фақатгина Биз (пайғамбарлик) инъом этган бир бандадир. Биз уни Бани Исроил учун бир мисол-ибрат қилдик”.

Исо алайҳиссалом Аллоҳнинг бандаларидан биридир. Унга пайғамбарлик неъмат ато этилган. Аллоҳ Исо алайҳиссаломни отасиз яратиб, унга очик-ойдин мўъжизаларни берди. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг Яккаю Ёлғизлигидан, қодир Зотлигидан, Аллоҳ истаган ишини қила олишидан дарак беради.

“Агар хоҳлаганимизда, албатта сизларнинг ўрнингизга ерда халифа бўладиган фаришталарни (пайдо) қилган бўлар эдик”.

Бу оятда ҳам Аллоҳ ҳеч нарсадан ожиз қолмаслиги, хоҳлаган нарсасини жорий қила олишини таъкидланмоқда.

Ушбу оят икки хил тафсир қилинган:

¹⁹² Қаранг: “Тафсиру ибни касир”, 7-жуз, 220-бет; Шавконий, 4-жуз, 561-бет; Алусий, 25-жуз, 94-бет.

1. Эй кофирлар, агар сизларни ҳалок қилишни истаганимизда, вафотингиздан кейин ўрнингизга фаришталарни ўринбосар қилган бўлардик. Бироқ Ўзимизгагина маълум ҳикматга кўра бундай қилмаймиз.

2. Эй Қурайш эркаклари, агар хоҳласак, сизлардан аёллар воситасисиз фаришталарни дунёга келтирган бўлардик. Бу Биз учун жуда осон ишдир.

“Албатта (Исо қиёмат) соати ҳақида билим-аломатдир. Бас, сизлар у ҳақида ҳаргиз шак-шубҳа қилмангиз!”

Оятда “у” дейилганда Исо алайҳиссалом назарда тутилмоқда. “Илм” эса аломат, белгидир.

Яъни, Исо алайҳиссаломнинг охири замонда осмонда тирик ҳолида тушиши қиёмат жуда яқин эканини, дунё охирлаб қолганини билдирувчи белгидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Исо алайҳиссалом қиёматдан олдин одил ҳакам бўлиб осмондан тушиши ҳақида хабар қилганлар. Бу ривоятлар мутавотир даражасига етган¹⁹³.

(Эй Муҳаммад алайҳиссалом, Макка аҳлига айтинг:) **“Менга эргашинглар! Мана шу тўғри йўлдир”**.

Яъни, эй одамлар мен олиб келган шариатга итоат этинглар. Мана шу тўғри йўлдир. Бу йўл сизларни дунёда ҳам, охиратда ҳам саодатга элтади.

“Сизларни шайтон ҳаргиз (Аллоҳнинг динидан) тўсмасин! Албатта у сизлар учун очик душмандир”.

Шайтон сизларни менга итоат этишдан зинҳор тўсиб қўймасин! Шайтоннинг сизларга душманлиги аниқ. Унинг макр-ҳийлалари очик-ойдиндир.

Шундан кейин Исо алайҳиссалом қавмига пайғамбар қилиб юборилганида, улар нима деганлари келтирилади:

“Қачонки Исо аниқ-равшан ҳужжат-мўъжизалар келтиргач, деди: “Мана, мен сизларга ҳикмат – Инжил билан, ўзларингиз ихтилоф қилаётган айрим нарсаларни баён қилиб бериш учун келдим”.

Оятдаги “ҳикмат”дан мурод, шариат ҳукмлари, буйруқлари, панд-насихатларни ўз ичига олган Инжил китобидир. Аллоҳ уни Исо алайҳиссаломга нозил қилган.

Аллоҳ таоло Исони қавмига пайғамбар қилганида, у одамларга насихат қилиб:

– Эй қавмим, сизларга менинг ростгўйлигимни тасдиқлайдиган мўъжизалар келтирдим. Шунингдек, одоб-ахлоқ, шариат ҳукмларидан иборат илоҳий ҳикматларни олиб келдим сизларга, – деди.

“Ўзларингиз ихтилоф қилаётган айрим нарсаларни баён қилиб бериш учун келдим”.

Яъни, сизлар ихтилоф қилаётган, талашиб-тортишаётган баъзи нарсаларни баён қилиш учун Инжилни олиб келдим.

“Бас, Аллоҳдан кўрқинг ва менга итоат этинг! Албатта менинг Парвардигорим ҳам, сизларнинг Парвардигорингиз ҳам Аллоҳнинг Ўзидир. (Ёлғиз) Унга ибодат қилинглари! Мана шу тўғри йўлдир”.

Яъни, шундай экан, Аллоҳга тақво қилинглари! У Зот ёмон кўрадиган ишлардан ўзларингизни тийинг. Мен нимага буюрсам, унга итоат этинг, нимадан қайтарсам, ўша нарсадан тийилинг! Менинг Парвардигорим, сизларнинг ҳам Парвардигорингиздир. Бас, Унга ихлос билан ибодат қилинглари, бўйин эгинглари У

¹⁹³ “Тафсиру ибни касир”, 7-жуз, 223-бет.

Зотга! Мана шу энг тўғри йўлдир. Бошқа эгри йўллар сизларни бахту саодатга олиб боролмайди.

Шундан сўнг аҳли китоб Исо алайҳиссалом даъватига қандай муносабатда бўлгани айтилади:

“Сўнг (насронийлар ичидан чиққан) фирқалар ўзаро ихтилоф қилдилар”.

Насронийлар Исо алайҳиссалом ҳақида ихтилоф қилдилар. Баъзилар: “Исо Аллоҳдир”, дейишди. Айримлар: “Исо Аллоҳнинг ўғлидир”, дедилар. Бошқалар: “Исо учта илоҳдан биридир”, деб даъво қилишди.

Алусийга кўра, насронийлар уч гуруҳга: малкония, мастурия ва яъқубияга ажралиб кетишди¹⁹⁴.

“Бас, у золим кимсаларга аламли куннинг азоби – ҳалокат бўлгай!”

Бу ерда ўзаро ихтилоф қилган, ҳадидан ошган ва Исо алайҳиссаломга тухмат тошларини отган кимсаларга қаттиқ азоблар бўлишидан огоҳлантирилмоқда.

“Улар фақат ўзлари сезмаган ҳолларида (қиёмат) соати тўсатдан келиб қолишини кутмоқдалар, холос”.

Бу ерда ҳаққа даъват қилинганида, ундан юз ўгирган Макка кофирларига хитоб қилинмоқда. Бу билан улар молу давлат ва бола-чақа наф беролмайдиган қиёмат кунидан олдин имон йўлига кириб, фойдали амалларни қилишга жалб этилмоқда.

Яъни, манави мушриклар фақат қиёмат вақтини кутяптилар, холос. Қиёмат уларнинг устига тўсатдан келади. Уларнинг биронтаси ҳам унинг келганини сезмай қолади. Ана ўшанда улар қилган ишлари учун қаттиқ надомат чекадилар. Бироқ ўша онларда афсусланишдан наф чиқмайди. Агар ақллари жойида бўлганида, улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган нарсаларга итоат этган бўлардилар.

ИСО АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ МУҲАММАД СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ҲАҚЛАРИДАГИ БАШОРАТИ

Саф сурасида Исо алайҳиссалом қавмига ўзидан кейин одамларни ҳидоят йўлига даъват қилиш учун бир Пайғамбар келишини башорат қилгани очиқ-ойдин баён этилган. Бу – Пайғамбар Саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам эдилар. Аллоҳ таоло шундай хабар қилади:

“Эсланг, Исо ибн Марям: “Эй Бани Исроил, албатта мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқловчи ва ўзимдан кейин келадиган “Аҳмад” исмли бир Пайғамбар ҳақида хушxabар берувчи бўлган ҳолда (юборилдим)”, деган эди. Бас, (Исо) уларга (ўзининг ҳақ пайғамбар эканига) аниқ-равшан ҳужжат-мўъжизалар келтиргач, улар: “Бу очик сеҳрдир”, дедилар” (Саф сураси, 6-оят).

Яъни, Исо ибн Марям қавмига юзланиб:

– Эй Бани Исроил, Аллоҳ сизларни куфр ва ширк зулматидан имон нури томон олиб чиқиши учун мени пайғамбар қилиб юборди! – деб айтган вақтини эсланг. – Аллоҳ менга Инжилни нозил қилди. Мен Мусога туширилган Тавротни тасдиқловчиман. Шундай экан, сизлар менга имон келтиринглар ва ортимдан

¹⁹⁴ “Тафсирул алусий”, 25-жуз, 97-бет.

эргашиглар! Мен Тавротга хилоф бўлган шариатни олиб келганим йўқ. Менинг келтирганларим ростдир. Шундай экан, қандай қилиб мендан юз ўгириб кетасизлар?!

“Ва ўзимдан кейин келадиган “Аҳмад” исмли бир Пайғамбар ҳақида хушxabар берувчи бўлган ҳолда (юборилдим)”.

Башорат қалбга хурсандчилик олиб кирувчи хабардир. “Башаро” инсон териси мазмунини ифодалайди. Башоратни эшитган одам терисида таъсирланиш бўлади. “Башорат” сўзи ҳам асли шундай олинган.

“Аҳмад” исми Пайғамбар алайҳиссалом исмларидан биридир. Бу исм Аллоҳ таолога бошқалардан кўра кўпроқ ҳамду сано айтувчи маъносини англатади. Бундан ташқари, “Аҳмад” исми, гўзал хулқи учун бошқалардан кўра кўпроқ мақталадиган инсон мазмунини ҳам ифодалайди. *(Ҳақиқатан, инсоният ичида энг кўп мақталадиган зот, шубҳасиз, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. – таржимон).*

Мана шу оят билан Исо алайҳиссалом Пайғамбар алайҳиссалом ҳақида берган башоратлари катъий собит бўлган. Инжилнинг баъзи нусхаларида бу башорат йўқ. Аҳли китоб олимлари Инжилни ўз раъйларига қараб ўзгартирганлар, ёқмаган жойларини олиб ташлаганлар.

Инжил китобининг айрим нусхаларида, жумладан, Юҳанно Инжилининг 14-бобида бу башорат келган. Унда: “Мен отамдан сизларга Форқлитни ато этишини талаб қиламан. У тоабд сизлар билан бирга бўлади”, дейилган. Форқлит – бу, ҳақиқат ва якийн руҳидир¹⁹⁵.

Айрим уламоларга кўра, “Форқлит” сўзи юнонча бўлиб, “Аҳмад” ёки “Муҳаммад” маъносини англатади¹⁹⁶.

Мана бу оят эса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сифатлари Таврот ва Инжилга келганини тасдиқлайди: “Улар шундай кишиларки, уммий (ўқиш ва ёзишни ўрганмаган) Пайғамбарга – номини ўз олдиларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолда топишадиган – элчимизга (яъни, Муҳаммад алайҳиссаломга) эргашадилар” (Аъроф сураси, 157-оят).

Қуйидаги оятларда Бани Исроил пайғамбарларни инкор этгани баён қилинади:

“Бас, (Исо) уларга (ўзининг ҳақ пайғамбар эканига) аниқ-равшан хужжат-мўъжизалар келтиргач, улар: “Бу очик сеҳрдир”, дедилар”.

Исо алайҳиссалом Бани Исроилга ўзининг ростгўйлигини исботловчи очик-ойдин мўъжизаларни келтирганида, улар:

– Бу аниқ сеҳр-ку. Унинг сеҳр экани ҳеч кимга сир эмас! – дедилар.

Маълумки, Бани Исроил Исо алайҳиссаломни ёлғончи, деб унга ва онасига тухмат қилишди. Қолаверса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган таълимотни ҳам рад этишди ва уни сеҳр дейишди. Аслида пайғамбарлар кўрсатган мўъжиза сеҳр эмаслигини яхши билишарди. Бироқ қалбларида куфр иллоти ҳақни айтишдан, ҳақиқат олдида бўйин эгишдан уларни ман қилган эди.

ИСО АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ОСМОНГА КЎТАРИЛИШИ

¹⁹⁵ Қаранг: “Тафсирул фахрир розий”, 8-жуз, 139-бет.

¹⁹⁶ Қаранг: “Тафсирул қосимий”, 16-жуз, 5788-бет.

Аллоҳ таоло пайғамбари Исо алайҳиссаломни самога кўтаргани Куръони карим оятларида баён қилинган. Хусусан, Оли Имрон сурасида шундай дейилган:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Аллоҳ айтган бу сўзларни эсланг: “Эй Исо, албатта Мен сени ердан бус-бутун (яъни, ҳеч қандай зарар етказмасдан) олувчи ва Ўз ҳузуримга кўтарувчиман. Ва сени кофирлардан халос қилувчиман ҳамда то қиёмат кунигача сенга эргашган зотларни кофирлардан юқори қўювчиман. Сўнгра менга қайтасизлар. Бас, Ўзим сизлар талашиб-тортишган нарсалар ҳақида ораларингизда ҳакамлик қиламан. Бас, кофир бўлган кимсаларга дунё ва охиратда қаттиқ азоб билан азоб бераман. Ва улар учун ҳеч қандай ёрдамчи бўлмайди. Имон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга эса (Аллоҳ) ажрларини комил суратда беради. Аллоҳ зулм қилувчиларни севмайди” (Оли Имрон сураси, 55-57-оятлар).

Уламолар Аллоҳ таолонинг “(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Аллоҳ айтган бу сўзларни эсланг: “Эй Исо, албатта Мен сени ердан бус-бутун олувчи ва Ўз ҳузуримга кўтарувчиман” деган сўзи ҳақида бир қанча фикрларни айтишган. Уларнинг ичида иккитаси жуда машҳурдир: биринчиси, жумхур уламоларга кўра, оятнинг маъноси куйидагича: эй Исо, Мен сени ердан олувчи, жасадинг ва руҳинг билан осмонга кўтарувчиман.

Бу фикр эгалари оятдаги “таваффий”ни (вафот эттиришни) жонини олиш деб изоҳлашмаган. Бу сўз бирон нарсани тўлиқ олиш мазмунини ифодалайди.

Ҳасан ва Ибн Журайж оятни “сени олувчиман ва тириклайин осмонга кўтарувчиман” деб тафсир қилишган¹⁹⁷.

Иккинчиси, айрим уламоларга кўра, оятнинг маъноси куйидагича: эй Исо, Мен сенинг жонингни олиб, мартабангни баланд қиламан, руҳингни ҳузуримга кўтараман.

Бу фикр соҳиблари “таваффий”ни жонни олиш, осмонга кўтаришни эса руҳнинг кўтарилиши деб изоҳлашган.

Қалб таскин топадигани биринчи фикрдир. Чунки Аллоҳ таоло Нисо сурасида: “Уни (яъни, Исони) ўлдирмаганлари аниқдир. Балки Аллоҳ уни Ўз ҳузурига кўтарган. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир” дейилган (157-158-оятлар).

Қолаверса, ҳадиси шарифларда қиёмат жуда яқин қолганида Исо алайҳиссалом осмондан тушиб, ер юзини адолатга тўлдириши ҳақида хабар берилган. Бу ривоятлар маънан мутавотир даражасига етган¹⁹⁸.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Исо ибн Марям ораларингизга одил ҳакам бўлиб тушишига оз қолди. У Дажжолни қатл қилади, тўнғизни ўлдиради, хочни синдиради, жизяни бекор қилади. (Ўша вақтда) бойлик кўпаяди, ҳатто уни бирон киши қабул қилмайди. Ҳатто бир марта сажда қилиш дунё ва ундаги нарсалардан яхшироқ бўлади” (Бухорий ривоят қилган).

Бу бобда келган саҳиҳ ҳадислардан хулоса қиладиган бўлсак, Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломни руҳи ва танаси билан осмонга қандай кўтарган бўлса, охири замонда худди шу ҳолатда ерга тушади.

“Ва сени кофирлардан халос қилувчиман ҳамда то қиёмат кунигача сенга эргашган зотларни кофирлардан юқори қўювчиман”.

¹⁹⁷ “Тафсирул куртубий”, 4-жуз, 100-бет.

¹⁹⁸ “Тафсиру ибни касир”, 1-жуз, 578-бет.

Исо алайҳиссаломга эргашганлардан мурод, Аллоҳга ихлос қилган, Унинг ягоналигини тан олган, Исони ҳақ пайғамбар билиб, “Исо Аллоҳдир” ёки “Аллоҳнинг ўғлидир”, деган нотўғри ақидадан узоқ бўлган зотлардир.

Юқори қўйилишдан мурод, уларнинг руҳий ва моддий жиҳатдан устунликлари, имон қувватлари, ҳис қилиш қобилиятлари, ақл-идрок ва шижоат бобида кофирлардан афзал эканликларидир.

Яъни, мен сени кофирлардан узоқ қиламан, уларнинг макрларидан асрайман, сен ва онанг ҳақида қилган тухматларидан поклайман. Сенга имон келтириб, тасдиқлаган, Аллоҳ юборган барча пайғамбарларга ишонган мўмин бандаларни хужжат-далиллар билан, тўғри ақидалари билан қиёмат кунигача сени инкор қилувчи кимсалардан афзал қиламан.

“Сўнгра менга қайтасизлар. Бас, Ўзим сизлар талашиб-тортишган нарсалар ҳақида ораларингизда ҳакамлик қиламан”.

Яъни, эй одамлар, сизлар кейин Аллоҳга қайтариласиз. У Зот ихтилоф қилаётган ишларингиз борасида адолатли ҳукм чиқаради.

“Бас, кофир бўлган кимсаларга дунё ва охиратда қаттиқ азоб билан азоб бераман. Ва улар учун ҳеч қандай ёрдамчи бўлмайди”.

Яъни, Аллоҳ кофир кимсаларни дунёда ораларига адоват солиш, уруш-жанжаллар, парчаланиш, турли хил касалликлар ва бахтсизлик билан, охиратда эса, жаҳаннам қийноғи билан қаттиқ азоблайди. Дўзахийларни азобдан ҳеч ким қутқариб қололмайди.

Мана шу кофирларнинг муносиб жазосидир. Мўмин бандаларнинг мукофоти эса қуйидагича баён қилинган:

“Имон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга эса (Аллоҳ) ажрларини комил суратда беради. Аллоҳ зулм қилувчиларни севмайди”.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларга имонлари ва дунёда қилган солиҳ амаллари сабабидан жуда кўп марҳамат кўрсатади, уларга ҳисобсиз мукофотлар беради. Жумладан, уларни остидан дарёлар оқиб ўтадиган жаннатларга киритади, покиза жуфтлар беради. Аллоҳнинг розилиги ва жамоли эса ҳаммасидан кўра улуғроқдир.

Мана шу оятда “Парвардигоримиз Аллоҳдир”, деб тўғри йўлда собитқадам бўлган мўминларга улуғ башорат берилмоқда. Шундан сўнг Парвардигори олам ишларни ўз ўрнига кўя олмайдиган жабру зулм аҳлини хуш кўрмаслиги таъкидланмоқда.

Нисо сурасида Бани Исроилнинг кирдикорлари, макру ҳийлалари ва пуч даъволари мана бундай баён қилинган. Аллоҳ таоло айтади:

“Яна кофирликлари ва Марям хусусида улуғ бўхтон қилганликлари сабабли ҳамда Аллоҳнинг пайғамбари Масих Исо ибн Марямни “Бизлар ўлдирганмиз”, деган сўзлари сабабли (Биз уларни лаънатладик). Ҳолбуки, улар (Исони) ўлдирганлари ҳам, осганлари ҳам йўқ. Фақат улар учун (бошқа биров Исога) ўхшатиб қўйилди, холос. Албатта (Исо) ҳақида талашиб-тортишган кимсалар унинг (ўлдирилган-ўлдирилмагани) ҳақида шубҳада қолганлар. У ҳақда ҳеч ҳам билимлари йўқ, фақат гумонларга бериладилар, холос. Уни ўлдирмаганлари аниқдир. Балки Уни Аллоҳ Ўз ҳузурига қўтарган. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир. Ҳар бир аҳли китоб ўлими олдидан унга (Исога) албатта имон келтиради. Қиёмат кунда эса буларнинг зарарига гувоҳ бўлади” (*Нисо сураси, 156-159-оятлар*).

“Яна кофирликлари” дейилганда, улар Исо алайҳиссаломни инкор қилишгани кўзда тутилмоқда. Бўхтон эса, ақл қабул қилмайдиган даражадаги ёлғон гапдир.

Яъни, ҳақ йўлга, ҳидоят йўлига бошлаш учун юборилган Исо алайҳиссаломни инкор қилишгани, Марям ҳақида нолайиқ гапларни тарқатишгани яҳудийларнинг лаънатланишига, хорликка юз тутишларига сабаб бўлди.

“Ҳамда Аллоҳнинг пайғамбари Масих Исо ибн Марямни “Бизлар ўлдирганмиз”, деган сўзлари сабабли (Биз уларни лаънатладик). Ҳолбуки, улар (Исони) ўлдирганлари ҳам, осганлари ҳам йўқ. Фақат улар учун (бошқа биров Исога) ўхшатиб қўйилди, холос”.

Яҳудийлар кўкрак кериб, ўзларича мақтаниб:

– Аллоҳнинг Пайғамбари Исо ибн Марямни биз ўлдирганмиз! – дедилар. Аллоҳ таоло қабих жиноятлари сабаб уларни лаънатлади. Улар ғазабга дучор бўлдилар. Улар улкан жиноятни содир этишгани етмаганидек, худди муҳим ишни қойиллатиб бажариб қўйгандек, мақтанишни ҳам ўрнига қўйдилар.

Яҳудийлар тилидан чиққан бу сўзлар ҳақиқатан Исо алайҳиссаломни ўлдирмоқчи бўлганликларига, Исони ёлғончи, фирибгар деб даъво қилганликлари далолат қилади. Улар Исони осийш учун душманларга топширмоқчи бўлишган. Гўёки уни тутиб, ниятларига етишди ҳам. Бироқ Аллоҳ таоло уларнинг саъй-ҳаракатларини бекор кетказди, макрлари бир пул бўлди. Яҳудийлар дилидаги ниятнинг акси содир бўлди. Аллоҳ Ўз пайғамбари Исо алайҳиссаломни уларнинг макр-хийлаларидан сақлаб, хузурига руҳи ва жасади билан кўтарди.

Имом Замахшарийнинг айтишларича, улар Исо алайҳиссаломни сеҳргар деб айблашган. Исони “Аллоҳнинг Пайғамбари” деб истехзо қилишган¹⁹⁹.

“Ҳолбуки, улар (Исони) ўлдирганлари ҳам, осганлари ҳам йўқ. Фақат улар учун (бошқа биров Исога) ўхшатиб қўйилди, холос”.

Бу ерда яҳудийлар мақтанаётган ишнинг асл моҳияти ҳақида хабар қилинмоқда. Яҳудийлар “Биз Исони ўлдирдик” деб ёлғон гапиряптилар. Бу уларнинг даъвоси. Улар Исони ўлдирганлари ҳам, осганлари ҳам йўқ. Аслида улар Исо алайҳиссаломга қуйиб қўйгандек ўхшаш бошқа кишини ўлдирганлар. Кейин Исони ўлдирдик, деб ўйлаганлар ва одамларга мақтанганлар.

Шайх Ҳасанайн Муҳаммад Махлуф шундай дейди: “Яҳудийларнинг кўпи “Масихни биз ўлдирдик, дорга осдик”, деб даъво қилдилар. Аллоҳ уларни ёлғончи қилди: бошқа бир кишини Исо алайҳиссаломга ўхшатиб қўйди. Улар Исони ўлдириш учун келганларида унинг киёфодошини кўрдилар ва ўлдирдилар. Улар Исога ўхшаш одамни пайғамбар деб ўйлагандилар. Аслида эса, Ибн Марямни ўлдирмагандилар. Аллоҳ Исони осмонга кўтарди ва уни душманлар ёмонлигидан сақлади²⁰⁰”.

Муфасирлар бошқа кишининг Исога ўхшатиб қўйилиши ҳақида бир қанча қавлларни келтирганлар. Уларнинг ичида энг мақбул саналган икки хил қарашни келтирамиз.

Биринчиси, Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломга хиёнат қилган ва уни қатл қилишда “ташаббус” кўрсатганлардан бирини унга ўхшатиб қўйган. Ўша киши Яҳузо Исхарбутийдир. У Исо алайҳиссалом кетидан юриб, душманлар фойдасига жосуслик қилган. Яҳузо Исо алайҳиссалом турган жойни душманларга кўрсатиб: “Олдингиздан

¹⁹⁹ “Тафсирул кашшоф”, 1-жуз, 587-бет.

²⁰⁰ Шайх Ҳасанайн Махлуф, “Тафсиру софватил баён”, 178-бет.

биринчи чиққан одам Масих бўлади. Уни ушлаб, қатл қилинлар!” деди. Бас, у Исо алайҳиссаломни кўрсатиш учун унинг уйига кирганида Аллоҳ Исога осмонга кўтарди. Ҳалиги мунофиқни Исо алайҳиссаломга ўхшатиб қўйди. Душманлар етиб келиб, Яҳузони Исо деб ўйлашди ва қатл қилишди.

Мана шу қавл Инжилнинг баъзи нусхаларида келтирилган. Алусий бунга қуйидаги сўзлари билан ишора қилган: “Ҳаворийлардан бир киши Исо алайҳиссаломга душманлик қилиб, кетидан пойлоқчилик қиларди. Душманлар Исога ўлдирмоқчи бўлганларида, у: “Мен кўрсатаман сизларга Исога”, деди. Бунинг эвазига 30 дирҳам пул ҳам олди. Шундай қилиб, ўша киши Исо алайҳиссалом уйига кирди. Аллоҳ пайғамбарини осмонга кўтарди ва иккиюзламачи кимсани Исога ўхшатиб қўйди. Душманлар хоинни Исо алайҳиссалом деб ўйлаб, қатл қилишди²⁰¹”.

Иккинчиси, яҳудийлар Исога қатл қилмоқчи бўлишганда, Аллоҳ таоло пайғамбарининг мухлис шогирдларидан бирини унга ўхшатиб қўйган. Исо шогирдларига хитоб қилиб: “Орангизда ким менга ўхшатилиб, кейин қатл қилинишни ва жаннатга киришни хоҳлайди?” деди. Шунда бир киши: “Мен”, деб розилик берди. Бас, Аллоҳ уни Исо алайҳиссалом суратига киргизди. Ғанимлар уни қатл қилдилар.

Ибн Касир мана шу қавлни қувватлайдиган бир қанча ривоятларни келтирган. Жумладан, Ибн Аббосдан ривоят қилинишича, Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломни осмонга кўтаришни ирода қилганида, у шогирдлари олдига чиқди. Уйда ҳаворийлардан ўн икки киши бор эди. Исо уларга қарата: “Орангизда мендан кейин имон келтирганидан сўнг ўн икки марта кофир бўладиганлар бор”, деди. Сўнгра: “Ичингизда қайси бирингиз менга ўхшатилиб, ўрнимга қатл қилинишни истайди? У жаннатда мен билан бирга бўлади”, деди. Шунда ораларида энг ёши кичиги ўрнидан турди. Исо унга: “Ўтир!” деди. Кейин ҳалиги савол билан яна мурожаат қилди. Яна ўша йигит ўрнидан турди. Исо яна: “Ўтир!” деб амр қилди. Аллоҳнинг пайғамбари учинчи марта мурожаат қилганида ҳам ўша йигит: “Мен розиман”, деди. Шунда Исо унга: “Сен ўшасан”, деди. Шунда ёш йигит Исо алайҳиссаломга ўхшатиб қўйилди. Исо алайҳиссалом эса осмонга кўтарилди. Яҳудийлар Исога қидириб келишди. Унинг қиёфадошини топиб, қатл қилишди. Ҳаворийлар ичидан баъзилар буни кўриб ўн икки марта кофир бўлди”.

Ибн Касир айтади: “Ибн Аббосдан нақл қилинган бу ривоят санади саҳиҳ. Уни Насоий Абу Курайбдан, у Абу Муовиядан ривоят қилган. Бир қанча салафларнинг айтишича, Исо ҳаворийларга: “Сизлардан қайси бирингиз менга ўхшатилиб, ўрнимга қатл қилинишни ва жаннатда мен билан бирга бўлишни истайди?” деган²⁰²”.

Биз Қуръони карим оятларига суянган ҳолда, Исо алайҳиссалом ўлдирилмаган, осилмаган, балки Аллоҳ уни ҳузурига кўтарган, яҳудийлар ўлдириб дорга осган Исо эмас, бошқа одам, деб эътиқод қилишимиз лозим.

“Албатта (Исо) ҳақида талашиб-тортишган кимсалар унинг (ўлдирилган-ўлдирилмагани) ҳақида шубҳада қолганлар. У ҳақда ҳеч ҳам билимлари йўқ, фақат гумонларга бериладилар, холос”.

²⁰¹ “Тафсирул алузий”, 6-жуз, 10-бет.

²⁰² “Тафсиру ибни касир”, 1-жуз.

Аҳли китоб Исо алайҳиссалом ҳақида ихтилоф қиладилар. Уларда Исо алайҳиссалом ҳақида қатъий илмнинг ўзи йўқ. Улар Исо ҳақида ҳужжат-далилсиз фақат гумонни гапирадилар.

Ҳақиқатан аҳли китоб вакиллари Исо алайҳиссалом ҳақида жуда кўп ихтилоф қилганлар. Баъзилари уни “Аллоҳнинг ўғли”, дейишган. Баъзилар “Исода инсоний унсур билан бирга илоҳий унсур ҳам мавжуд”, деб даъво қилишган.

Улар Исонинг қатл қилиниши ҳақида ҳам кўп талашиб-тортишишган. Баъзи яҳудийлар: “Исо ёлғончи эди. Биз уни ҳақиқатан ўлдирганмиз”, дейишган. Бошқалари бунга эътироз билдириб: “Агар Исо ўлдирилган бўлса, бизнинг соҳибларимиз қаерда? Агар соҳибларимиз ўлдирилган бўлса, у ҳолда Исо қаерда?” дейишган. Улар ичида: “Юз Исоники, бадан эса соҳибимизники”, деганлар ҳам бор. Хуллас, жуда кўп ихтилоф қилишган. Уларнинг биронтаси ҳам Исо ҳақида ҳақ гапни айтмаган²⁰³.

“Уни ўлдирмаганлари аниқдир. Балки Уни Аллоҳ Ўз ҳузурига кўтарган. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир”.

Бу ерда яҳудийлар даъвоси ёлғон экани, Исо алайҳиссаломга Аллоҳ нажот бергани таъкидланмоқда.

Яъни, яҳудийларнинг даъвоси ҳақиқатан анча йироқ. Аслида улар Исони ўлдирмаганлар. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Аллоҳ Исони осмонга кўтарди ва ёмонликлардан сақлади. Аллоҳ таоло қудратли ва ҳикматли Зотдир. Қайси банда Ундан паноҳ сўраса, Аллоҳ унга паноҳ беради, уни азиз қилади. Аллоҳ тақдир қилган ҳар бир ишда ҳикмат бордир.

Демак, жумҳур уламолар наздида, Аллоҳ Исо алайҳиссаломни фақат руҳи билан эмас, балки танаси ва руҳи билан осмонга кўтарган.

“Ҳар бир аҳли китоб ўлими олдидан унга, албатта имон келтиради. Қиёмат кунида эса буларнинг зарарига гувоҳ бўлади”.

Муфассирлар бу оятни икки хил тафсир қилишган:

Биринчиси, “Ўлими олдидан унга” деганда, Исо алайҳиссалом кўзда тутилган. У ҳолда оятнинг маъноси қуйидагича бўлади: аҳли китобдан бўлган ҳар бир одам Исо алайҳиссалом охири замонда осмондан тушганида унга аниқ имон келтиради. Қиёмат куни эса, Исо алайҳиссалом аҳли китобни Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга чақиргани, Унга бошқа нарсаларни шерик қилишдан қайтарганига гувоҳлик беради.

Мана шу қавлни кўпчилик муфассирлар маъқуллашган. Маъқуллаганларнинг аввалида муфассирлар устози Ибн Жарир Табарий туради. У киши турли қавлларни келтирганидан кейин: “Саҳиҳлик жиҳатидан энг афзал қавл шуки, аҳли китобдан бўлган ҳар бир киши Исо алайҳиссалом ўлимидан олдин Исога имон келтиради²⁰⁴”.

Ибн Касир Ибн Жарир афзал билган қавлни изоҳлаб шундай деган: “Ибн Жарир айтган гапнинг саҳиҳлигига шубҳа йўқ. Чунки оятнинг келтирилшидан мақсад яҳудийлар “Исони биз ўлдирганмиз” деган даъволарини бекор қилишдир. Аллоҳ хабар қилишича, асл ҳақиқат бундай эмас. Улар Исога ўхшаш одамни қатл қилганлар. Буни ўзлари аниқ билмайдилар. Шундан кейин Аллоҳ Исони ҳузурига кўтарди. Исо тирикдир, қиёматдан олдин ерга тушади”.

²⁰³ Бу масалада кўпроқ маълумот олмакчи бўлсангиз, у ҳолда “Тафсирул қосимий” (5-жуз, 1629-1716-бетлар) ва “Тафсирул манор” (6-жуз, 23-59-бетлар) китобларига мурожаат қилинг.

²⁰⁴ “Тафсиру ибни касир”, 2-жуз, 23-бет.

Шундан кейин Ибн Касир Исо алайҳиссалом замон охирлаганида осмондан ер юзига тушиши ҳақидаги ривоятларни бирма-бир келтирган²⁰⁵.

Иккинчи қавлга кўра, “Ўлими олдидан” деганда оятда ишора қилинган ҳар бир китобий – яҳудий ва насроний назарда тугилган. У ҳолда оятнинг маъноси куйидагича бўлади: ҳар бир китобий ўлимидан олдин Исо алайҳиссаломга имон келтиради. Сабаби, ўлим арафасида яҳудий ва насронийларга ҳақиқат ошкор бўлади. Улар инкор қилиб келган таълимотнинг ростлиги аён бўлади. Ана ўшанда ҳар бир яҳудий ва насроний Исо алайҳиссаломга имон келтиради. У Аллоҳнинг бандаси ва расули эканига, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига иқроор бўлади. Лекин бу вақтдаги имоннинг фойдаси йўқ. Ахир фурсат ўтиб бўлди. Жон чиқиш вақтидаги имон аҳамиятсиздир (*Фиръавн сувга зарқ бўлаётганида ўлими аниқ эканини билгач, “Аллоҳга ишондим, Мусонинг Парвардигорига ишондим!” деб айтган. Аммо Аллоҳ унинг жон чиқиш вақтидаги имонини қабул қилмаган. Демак, инсон ҳаётлик чоғини ганимат билиб, Аллоҳ буюрган йўлдан юриши керак, танадан руҳнинг олинishi вақтидаги имон ҳам, тавба ҳам аҳамиятсиздир. Таржимон*).

Бизнингча, иккала фикр ўртасида қарама-қаршилик йўқ, иккиси ҳам ҳақ. Зеро, ҳар бир китобий вафотидан олдин Исо алайҳиссалом ҳақ пайғамбар эканини билади ва унга имон келтиради. Шунингдек, ҳар бир китобий охири замонда Исо алайҳиссаломнинг тушишига гувоҳ бўлади. Унга имон келтириб, ортидан эрашади.

Биз юқорида Исо алайҳиссалом ва унинг онаси Марям ҳақидаги қиссаларни ўқидик. Бу қиссалар ўзида жуда кўп ҳикматларни, ваъз-насихатларни жамлаган. Қуйида уларни қисқа суратда келтирамиз:

1. Аллоҳ таоло Имроннинг қизи Марямнинг шарафини олий қилган, унга кўп марҳамат кўрсатган. Парвардигори олам Марям ҳақида шундай деган: “Яна (Аллоҳ имон келтирган зотлар ҳақида) ўз номусини сақлаган аёлни – Марям бинти Имронни (мисол келтирди). Бас, Биз Ўз тарафимиздан бўлган руҳни унга пуфладик (ва у Исога хомиладор бўлди). У Парвардигорининг сўзларини ва китобларини тасдиқ этди ҳамда (Аллоҳнинг амрига) итоат этувчилардан бўлди” (Таҳрим сураси, 12-оят).

2. Исо алайҳиссалом Аллоҳнинг солиҳ бандаларидан биридир. Аллоҳ унга жуда кўп каромат кўрсатди, рисолат ва нубувват билан унинг шарафини баланд қилди. Исо улул азм пайғамбарлардандир. У Парвардигорининг рисолатини одамларга етказди, уларни ихлосга, тоатга чақирди, ширкдан қайтарди. Исо ва онаси Марям Аллоҳ таолонинг кудратига далолат қилувчи аломатлардандир. Аллоҳ таоло шундай деган: “(Кейин) Биз Марямнинг ўғли (Исони отасиз дунёга келтириш билан) ва унинг онаси (Марямни эрсиз фарзандли қилиш билан кудратимизга далолат қиладиган) оят-аломат қилдик ва иккисини бир оқар сувли баланд-кўркам қароргоҳга жойладик” (Мўминун сураси, 50-оят).

Айтилишича, кўркам қароргоҳдан мурод, Фаластиндаги Байтул Макдисдир.

3. Исо алайҳиссалом ва онаси залолатдагилар, кофир ва мушриклар айтган ҳар қандай айблардан покдирлар. Улар иккиси ҳам Аллоҳнинг бандасидир.

4. Исо алайҳиссалом қавмида ҳам Аллоҳга ихлос билан ибодат қилган, Парвардигорга тўлиқ итоат этган содиқ мўминлар бор эди. Шунингдек, Исога имон келтириб, аммо динда бидъатларни – янги нарсаларни ўйлаб чиқарганлар ҳам бор эди. Ваҳоланки, Аллоҳ уларни бунга буюрмаганди. Исо алайҳиссалом қавми ичида,

²⁰⁵ Қаранг: “Тафсиру ибни касир”, 2-жуз, 577-бет.

шунингдек, ҳақ йўлдан оғиб, шайтонга малай бўлган фосиқ кимсалар ҳам мавжуд эди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай деган: “Сўнгра уларнинг изларидан кетма-кет пайғамбарларимизни юбордик ва Исо ибн Марямни ҳам (уларнинг) ортидан юбордик ва унга Инжилни ато этдик ҳамда унга эргашган зотларнинг дилларида меҳрибонлик ва раҳм-шафқат (пайдо) қилдик. Роҳибликни эса ўзлари чиқариб олдилар. Биз уларга (роҳиб бўлишларини) ёзганимиз – буюрганимиз йўқ, Лекин ўзлари Аллоҳнинг розигини истаб (роҳибликни одат қилдилар-у), сўнг унга тўла риоя қила олмадилар. Бас, Биз улардан имон келтирган зотларга ажр-мукофотларини ато этдик. (Аммо) улар орасида кўплари фосиқ-итоатсиздирлар” (Ҳадид сураси, 27-оят).

Парвардигоримиз Аллоҳ аза ва жалладан барчамизни тўғри йўлда бардавом қилишини сўраймиз!

ҚУРЪОНИ КАРИМ ҚИССАЛАРИДАН

АСҲОБУЛ КАҲФ ҚИССАСИ

Қуръони каримда муҳтарам пайғамбарларнинг қавмлари билан бўлган ходисаларни ёритувчи қиссалар билан бирга бошқа қавмлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Булар Қуръон ҳақ Калом эканига, Аллоҳнинг даргоҳидан нозил қилинганига далолат қилади. Зеро, уларда оқил кишилар учун ибрат ва панд-насихатлар бордир.

Аллоҳ таоло айтади: “Ҳақиқатан, уларнинг қиссаларида ақл эгалари учун ибрат бордир. (Ушбу Қуръон) тўқиб чиқарилган сўз эмас. Балки ўзидан аввалги нарсаларни (самовий китобларни) тасдиқловчи, (унга) имон келтирадиган қавм учун барча нарсаларни муфассал баён қилувчи ҳидоят ва раҳмат (бўлган бир Китоб)дир” (Юсуф сураси, 111-оят).

Қуръони каримда пайғамбарлар қиссасидан ташқари яна асҳобул қаҳф қиссаси, чоҳ эгалари қиссаси, боғ эгалари қиссаси, қишлоқ эгалари қиссаси, фил эгалари қиссаси, Зулқарнайн қиссаси, кучли сел ёпирилгани ҳақидаги қиссалар келтирилган. Ана шундай қиссалардан бири Асҳобул қаҳф воқеасидир.

Асҳобул қаҳф қиссаси Қуръони каримнинг Қаҳф сурасида келтирилган. Аллоҳ таоло шундай дейди:

“Балки Сиз қаҳф (ғор) ва битик эгалари (ҳақидаги ривоятдан воқиф бўлгач, бу) Бизнинг оятларимизнинг энг ажойиби деб ўйлагандирсиз²⁰⁶? Эсланг, ўшанда у

²⁰⁶ Муфассирлар ёзишича, асҳобул қаҳф – гор эгаларининг қиссаси бундай бўлган экан: Исо алайҳиссалом замонларидан кейин Рум давлатларининг бирида Дақёнус номли зolim шоҳ чиқиб, одамларни бутларга ибодат қилишга мажбур этар, амрига бўйсунмаган кишиларни эса ўлдирар экан. Кунлардан бирида, унга фуқароларидан бир неча йигит унинг фармонидан бош тортиб, бутларга сизгинаётганини етказибдилар. Подшоҳ уларни ўз саройига чақириб, бу хабарнинг рост-ёлгонлигини сўраганида, улар: “Бизлар Ёлғиз Аллоҳдан ўзга бирон кимса ёки нарсага сизинмаймиз”, деб жавоб қилдилар. Шунда шоҳ уларга: “Сенлар ёш, чиройли, бақувват йигитлар экансанлар, ўз жонларингга жабр қилманглар. Мен сенларни ўлдириб юборишга кўзим қиймаяпти. Яхшиси, эрталабгача ўйлаб кўриб, эртага менга жавобини айтинглар”, деб уларга руҳсат беради. Йигитлар ўзаро маслаҳатлашиб, “Аллоҳдан ўзгага бўйсунгандан кўра шу диёрни тарк этганимиз афзал”, дейишиб, тун қоронғусида шаҳарни тарк қилишади. Йўлда яйловдан ўтиб бораётганларида уларга ўша ерлик бир чўпоннинг ити ҳам эргашади. Тонга яқин бир тоққа етиб боришиб катта горга кириб яшириладилар. Эрталаб бу воқеадан хабар топган шоҳ ўз аскарлари билан уларнинг ортидан тушиб, ўша гор оғзига яқинлашгач, аскарлар унга киришга қўрқадилар. Шунда Дақёнус уларга гордаги йигитлар очлик ва ташналикдан қирилиб кетишлари учун гор оғзини беркитиб ташлашни буюради. Лекин Аллоҳ таоло Ўзининг садоқатли бандаларини ҳалок бўлишдан сақлайди – уларни узоқ уйқуга чўмдиради. Уйғонганларида орадан 300 йил ўтган эди. Бундан бехабар

(мўмин) йигитлар ғорга паноҳ истаб боришиб: “Парвардигоро, бизларга Ўз хузурингдан раҳмат – марҳамат ато эт ва бизларнинг ишимизни ўнгла”, дедилар. Бас, Биз ўша ғорда бир неча йил уларнинг қулоқларига уриб (ухлатиб) кўйдик. Сўнгра (уларнинг ичидаги қанча ухлаганлари ҳақида тортишадиган) икки гуруҳдан қайси бири турган муддатларини (тўғри) ҳисоблаганини билиш учун уларни уйғотдик” (*Каҳф сураси, 9-12-оятлар*).

Имом Розий шундай деган: “Билгинки, Қурайшдан бир гуруҳ одамлар асҳобул каҳф қиссасидан ажабландилар ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни имтиҳон қилиш учун улар ҳақида сўрадилар. Шунда Аллоҳ: “Балки Сиз каҳф (ғор) ва битик эгалари (ҳақидаги ривоятдан воқиф бўлгач, бу) Бизнинг оятларимизнинг энг ажойиби деб ўйлагандирсиз?” деди. Яъни, бундай ўйлама! Зеро, Бизнинг оятларимизнинг ҳаммаси ажойибдир. Осмонлар ва ерни яратишга, ерни ўсимликлар, ҳайвонлар ва маъданлар билан зийнатлашга, кейин куруқ ер қилиб кўйишга қодир бўлган Зотга одамлардан баъзи тоифаларни Ўз ҳимоясига олиш учун 300 йилдан зиёд ухлатиб кўйиш қийин эмас. Аллоҳ таоло ҳар нарсага қодирдир²⁰⁷”.

Муфассирлар Асҳобул каҳф қиссаси нозил бўлишига бир қанча сабабларни келтиришган. Қисқаси, Қурайш қавми Назр ибн Ҳорис ва Уқба ибн Абу Муайтни Мадинадаги яҳудий олимлари олдига юборишган. “Улардан Муҳаммад ҳақида сўранглар. Уларга сифатини айтиб беринглар. У нима деяётганини хабар қилинглар. Зеро, улар аввалги аҳли китоблардир. Улар пайғамбарлар ҳақида биз билмаган нарсаларни билишади”, дейишди.

Бас, иккиси йўлга тушиб, Мадинага етиб келишди ва яҳудий олимларидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида сўрашди ва ўз навбатида, у зотнинг сифатларини зикр қилишди. Яҳудий олимлари у иккисига: “Муҳаммаддан уч нарса ҳақида сўранглар. Агар у сизларга ўшалар ҳақида хабар берса, у ҳолда ҳақиқий пайғамбардир. Агар хабар қилолмаса, ёлғончи кишидир.

Аввало, сизлар бориб ундан “Ғор соҳиблари” хусусида сўранглар. Улар ҳақида хабар берсин. Бу борада ажойиб қисса бор. Кейин машриқ ва мағрибни айланган киши ҳақида хабар берсин. Сўнгра руҳ ҳақида сўранглар. Руҳ нима эканини айтиб берсин. Агар Муҳаммад сизларга шу нарсаларни айтиб берса, бас, у пайғамбардир. Унга итоат этинглар!” дейишди яҳудий олимлари.

Назр ва Уқба ортга қайтиб, қавми олдига келишди.

– Эй, Қурайш жамоаси! Яҳудий олимлари Муҳаммаддан баъзи нарсаларни сўрашимизни буюрди, – дейишди.

йигитлар бир ё ярим кун ухладик деб ўйлайдилар ва ораларидан битталарини яширинча шаҳарга егулик хариб қилиб келиш учун жўнатадилар. У йигит бозорга келиб таом сотиб олиб, ёнидаги тангани узатганида, сотувчи ҳайрон бўлиб: “Бу Дақёнусдан қолган танга-ку, бирон ердан хазина топиб олдингми?” деб сўрайди. Йигит ҳам ҳайрон бўлиб: “Ҳеч қандай хазина топиб олганим йўқ. Бу менинг қавмим ишлатадиган оддий танга”, деб жавоб қилиб, Дақёнусга нима бўлганини сўрайди. Бу орада тўпланиб кетган одамлар унинг аллақачон ўлиб кетганини айтишиб, йигитни подшоҳ олдига олиб боришади. Бу шоҳ мўмин, солиҳ киши эди. Йигитдан ўзи ва ўртоқлари бошидан кечган воқеаларни эшитгач, аскарлари ва шаҳар аҳли билан ўша гор оғзига борадилар. Ичкаридаги йигитлар Дақёнус олиб кетгани келди, деб ўйлашиб, ўлим олдидан сўнгги бор ибодат қилиб олишга тутинадилар. Подшоҳ ва унинг одамлари горга киришиб, уларни ибодат устига кўрадилар ва намозларини тугатганларидан сўнг подшоҳ йигитларнинг ҳар бири билан қучоқлашиб кўришиб, уларнинг бошларидан кечган саргузашт Аллоҳ таоло бандаларини қиёмат кунда ҳисоб-китоб қилиш учун қайта тирилтириши ҳақ эканига бир оят – аломат эканини айтади (Шайх Алоуддин Мансур, “Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”).

²⁰⁷ “Тафсирул фахрир розий”, 21-жуз, 82-бет.

Шундан сўнг улар Пайғамбар алайҳиссалом хузурларига келиб, яхудийлар ўргатган саволларни беришди. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сўраган нарсаларингиз ҳақида сизларга эртага хабар қиламан”, дедилар. Бироқ “Иншааллоҳ” (яъни, “Агар Аллоҳ хоҳласа”) демадилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ ваҳий туширишини ўн беш кун кутиб қолдилар. Жаброил алайҳиссалом у зот хузурларига келмади. Шунда Макка аҳли иғво тарқатиб: “Муҳаммад эртага хабар қилишни ваъда берганди. Бугун ўн бешинчи кун ҳам ўтятики, сўраган нарсамиз ҳақида бирон нарса дегани йўқ”, деб ичларидан севинишди. Пайғамбар алайҳиссалом ваҳий келмаётганидан ва Макка аҳлининг гапини эшитиб маҳзун бўлдилар. Ниҳоят, Жаброил алайҳиссалом Аллоҳдан Асҳобул қаҳф қиссасини олиб келди. Шунда у зот уларга мўмин йигитлар ва ер юзини айланиб чиққан киши ҳақида хабар бердилар. Руҳ ҳақидаги саволга Аллоҳ таоло шундай жавоб қилди: “(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Сиздан руҳ-жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Руҳ Ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир”. Сизларга жуда оз илм берилган²⁰⁸” (Исро сураси, 85-оят).

Асҳобул қаҳф қиссаси баёни мана бу жумлалар билан бошланади:

“Балки Сиз қаҳф (ғор) ва битик эгалари (ҳақидаги ривоятдан воқиф бўлгач, бу) Бизнинг оятларимизнинг энг ажойиби деб ўйлагандирсиз?”

“Қаҳф” сўзи ичи кенг ғор маъносини англатади. Бу ердаги ғордан мурод, мўмин йигитлар ўзлари учун макон тутган жойдир.

Кучли қавлга кўра, “битик”дан мурод, асҳобул қаҳф исмлари, насаблари ва қиссалари ёзилган лавҳ.

Яъни, эй муҳтарам пайғамбар, Биз сизга сўзлаб бераётган асҳобул қаҳф қиссаси қудратимизга далолат қилувчи оятларнинг энг ажойиби деб ўйлаётгандирсиз? Йўқ, бундай ўйламанг. Зеро, Бизнинг қудратимиз чексиздир. Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир.

Шундан кейин йигитлар ғорга жойлашганларидан кейин айтган сўзлари келтирилади:

Эсланг, ўшанда у (мўмин) йигитлар ғорга паноҳ истаб боришиб: “Парвардигоро, бизларга Ўз хузурингдан раҳмат – марҳамат ато эт ва бизларнинг ишимизни ўнгла”, дедилар.

Бу ердаги “раҳмат” манзилдаги омонлик, ризқнинг кенглиги ва гуноҳларнинг мағфират этилишини ўз ичига олади.

Яъни, ўша йигитлар эътиқодларини сақлаш учун ўз масканларини тарк этиб, ғордан паноҳ топиб, у ерни ўзлари учун қароргоҳ қилиб олгач:

– Ё Парвардигор! Бизлардан марҳаматингни дариф тутман. У билан қалбимиз таскин топсин, ишларимиз ўнглансин! Биз динимизни сақлаш, имонда мустаҳкам туриш ва тоатингда бардавом бўлиш йўлида ҳаракат қилмоқдамиз. Ўзинг ишимизни осон қил, бизларга тавфиқ бер! – дея илтижо қилган вақтларини эсла!

Имонини сақлаш учун йўлга чиққан йигитлар камчилик эди. Улар жуда ёш бўлишларига қарамай имонлари саломатлиги учун борларини беришга тайёр эдилар. Ояти карима сиёқидан кўриниб турибдики, улар йўлларида учраган ғорни ўзлари учун маскан қилиб олганлар. Ҳа, улар эътиқодларини асраш йўлида қулай ва шинам уй-жойларини ташлаб, ғорни маскан тутдилар. Ғорга кириб, жойлашгач, дарров Аллоҳга тазарру қилдилар, У Зотдан яхшилик умидида дуо қилдилар.

²⁰⁸ Қаранг: “Тафсиру ибни касир”, 5-жуз, 132-бет.

“Бас, Биз ўша ғорда бир неча йил уларнинг кулоқларига уриб (ухлатиб) қўйдик”.

Бу ерда “кулоққа уриш” деганда ғорга кириб паноҳ топган йигитларнинг узок муддатга ухлатиб қўйилиши назарда тутилмоқда. Кулоққа уриш билан улар атрофидаги нарсаларни ҳис қилмайди, эшитмайди.

Яъни, йигитлар ғорга кирганларидан кейин Аллоҳ таолога дуо-илтижолар қилганларида, Аллоҳ уларнинг кулоқларини эшитмайдиган қилиб парда билан тўсиб қўйди. Натижада, улар уйғотиб юбориши мумкин бўлган нарсаларни эшитмайдиган бўлиб қолдилар ва қаттиқ уйқуга кетдилар.

Бу ерда “бир неча йил” деб умумий тарзда айтиляпти. Аммо қисса сўнггида улар ғорда 300 йилдан кўпроқ ухлаганлари баён қилинган.

Ўша йигитлар ҳис қилиш аъзоларининг барчаси тўсилганига қарамай Аллоҳ бу ерда кулоқни хослашига сабаб, айнан кулоқ инсоннинг уйғонишига асосий омилдир. Кулоқнинг эшитиш вазифаси ишдан чиқса, одамнинг ухлаши қийин бўлмайди.

Ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эрта турмайдиган бир киши ҳақида: “Унинг кулоғига шайтон бавл қилибди”, деганлар. Яъни, ўша нарса уни қуёш чиқишидан олдин туришига моненьлик қилган.

Узок давом этган уйқудан кейин нима бўлгани қуйида баён қилинади:

“Сўнгра (уларнинг ичидаги қанча ухлаганлари ҳақида тортишадиган) икки гуруҳдан қайси бири турган муддатларини (тўғри) ҳисоблаганини билиш учун уларни уйғотдик”.

Кўпчилик муфассирлар наздида, икки гуруҳдан бири асҳобул қаҳф, иккинчиси шаҳар аҳлидир. Аллоҳ асҳобул қаҳфни шаҳар аҳлининг замонида (яъни, орадан уч юз йил ўтиб) уйқудан уйғотган эди. Улар мўмин йигитларнинг хабарларини билишарди.

Айтилишича, мўмин йигитларни уйғотган шаҳар аҳолиси икки тоифага: мўмин ва кофирга бўлинган. Улар ғорда қанча муддат турганлари ҳақида ихтилоф қилишган.

Қалб таскин топадиган қавл шуки, икки гуруҳ ҳам асҳобул қаҳфдан бўлган. Чунки Аллоҳ таоло “Ўзаро савол-жавоб қилишлари учун Биз уларни ана шундай уйғотдик”, деган.

Оятдаги “билиш”дан мурод, ҳақиқатни изҳор қилишдир. Балки қайси бир гуруҳ тўғрироқ ҳисоблашини билиш маъносида бўлиши ҳам мумкин.

Имонини саломат сақлаш мақсадида бўлган йигитларни Аллоҳ 300 йилдан ортик ухлатиб қўйиб, кейин бирон жойларини ўзгармаган ҳолда турғазини У Зотнинг қудратига, Унга ихлос билан ибодат қилиш лозимлигига, ўлгандан кейин тирилиш ҳақлигига далолат қилувчи аломатлардандир.

Юқорида асҳобул қаҳф қиссаси умумий тарзда келтирилди. Энди мазкур қисса мукамалроқ суратда баён қилинади. Аллоҳ таоло шундай дейди:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Биз Сизга уларнинг хабарларини рўй-рост сўйламоқдамиз. Ҳақиқатан, улар Парвардигорига имон келтирган ва Биз имонларини зиёда қилган йигитлардир. Биз уларнинг дилларини (имон билан) қувватладик. Ўшанда улар туриб дедилар: “Бизнинг Парвардигоримиз осмонлар ва ернинг Парвардигоридир. Бизлар Ундан ўзга “илоҳ”га ҳаргиз дуо-илтижо қилмаймиз. Акс ҳолда ноҳақ (сўзни) айтган бўламиз. Ана у қавмимиз эса Ундан ўзга “илоҳ”ларни (худо) қилиб олдилар. Улар ўзлари учун аниқ бир ҳужжат келтирсалар эди. Бас, Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! (Йигитлар!) Модомики, сизлар улардан ва Аллоҳдан ўзга –

улар сиғинаётган нарсалардан четланган – юз ўгирган экансизлар, энди ғорга паноҳ топиб боринг. Парвардигорингиз сизларга Ўз раҳмат-марҳаматини кенг қилади ва сизларнинг ишларингизни ўнглайди” (*Каҳф сураси, 13-16-оятлар*).

Яъни, эй Муҳаммад, Сизга ва умматингизга бу қиссани Биз сўзлаб берамиз. Бу қисса ердаги ва кўкдаги нарсалардан хабардор Парвардигорингиз томонидан нозил қилингандир. Унинг ростлигида шубҳа йўқ.

Аллоҳнинг: “Биз Сизга уларнинг хабарларини рўй-рост сўйламоқдамиз” дейишидан мўмин йигитлар ҳақидаги қисса баъзи одамларга маълум экани, аммо унга хурофот ва ботил нарсалар аралашиб кетганига ишора қилади.

“Ҳақиқатан, улар Парвардигорига имон келтирган ва Биз имонларини зиёда қилган йигитлардир”.

Ўша йигитлар Яратганга ихлос қилган, Парвардигорларига тўлиқ бўйин эгган, унинг ҳақлигига имон келтирган эдилар. Аллоҳ таоло уларнинг ихлосларини, ҳақ йўлда собитқадамликларини бардавом қилди. Ҳидоятларига ҳидоят, имонларига имонни зиёда қилди.

Ибн Касир шундай деган: “Аллоҳ таоло уларни йигитлар, демокда. Ёшлар кексалардан кўра ҳақни қабул қилишга мойил бўладилар. Сабаби, ёши қарилар бирон нарсани маҳкам ушлаб олсалар, ундан воз кечишлари қийин бўлади. Шу сабаб, Аллоҳ ва Расулига ижобат қилувчиларнинг кўпи ёш йигитлар бўлишган. Қурайш қабиласининг кексалари ўз эътиқодларидан (яъни, ширкдан) воз кечишмади. Жуда оз қисми имонга мушарраф бўлди.

Бир қанча имомлар, жумладан, Бухорий “Биз уларнинг имонларини зиёда қилдик” оятини имон зиёда бўлиши ва камайишига далил қилганлар²⁰⁹.

Биз уларнинг дилларини (имон билан) қувватладик. Ўшанда улар туриб дедилар: “Бизнинг Парвардигоримиз осмонлар ва ернинг Парвардигоридир. Бизлар Ундан ўзга “илоҳ”га ҳаргиз дуо-илтижо қилмаймиз”.

Оятдаги “қалбни қувватлаш”дан мурод, уларнинг қалбларини мустаҳкамлаш, ҳақ йўлда сабот билан туришга йўллаш ва тасалли беришдир.

Улар қавмлари қилаётган нотўғри ишларни тарк этиш ва имон йўлида ҳар қандай машаққатга чидашга аҳд қилаётганларида шундай сўзларни айтишган. Ёки подшоҳлари уларни бут-санамларга сиғинишга ундаганида, сабот билан туриб ширк ва залолат йўлига юрмасликларини баралла эълон қилишган²¹⁰.

Нима бўлганда ҳам, ғордан паноҳ топган мўмин йигитлар қалби мустаҳкам, ҳаққа бўйин эгган ва Аллоҳнинг зикри билан диллари хотиржам бўлган ёшлар эди. Аллоҳ таоло уларнинг имонларини зиёда қилган, қалбларини саботли, бардошли қилган, Ўз паноҳида асраган.

“Бизнинг Парвардигоримиз осмонлар ва ернинг Парвардигоридир. Бизлар Ундан ўзга “илоҳ”га ҳаргиз дуо-илтижо қилмаймиз”, дедилар.

Яъни, улар Аллоҳдан ўзга бирон нарсага ибодат қилмасликларини душманлари қаршисида туриб эълон қилдилар. Улар қатъият ва шижоат билан:

– Парвардигоримиз осмонлар ва ернинг Парвардигоридир. У барча нарсани яратган Зотдир. Биз Аллоҳдан ўзга “илоҳ”ларга ҳаргиз топинмаймиз! – дедилар.

²⁰⁹ “Тафсиру ибни касир”, 5-жуз, 139-бет.

²¹⁰ Имом Куртубий оятдаги “туриш” уч хил маънони ифодалашини айтган. Қаранг: “Тафсирул куртубий”, 10-жуз, 365-бет.

Алусийга кўра, мўмин йигитлар: “Парвардигоримиз осмонлар ва ернинг Парвардигоридир”, деб тавҳидур рубубияга, “Ундан ўзга “илоҳ”га ҳаргиз дуо-илтижо қилмаймиз”, деб тавҳидул улуҳияга ишора қилишган²¹¹.

“Акс ҳолда ноҳақ (сўзни) айтган бўламиз”.

Яъни, Биз Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмаймиз. Агар фаразан, Ундан ўзгасига дуо ва ибодат қилсак, у ҳолда ҳақиқат доирасидан узоқ гапни айтган бўламиз.

Бу оят ўша йигитлар имони қай даражада кучли бўлганини кўрсатади. Қайси банда ҳақ йўлда улар каби сабот билан тура олса, Аллоҳ таоло унинг қалбини қувватлантиради, қийинчилик ва машаққатларга сабрли қилади. Шунингдек, бу оят Аллоҳга ширк келтириш инсоннинг асл фитратига тескари эканига ҳам далолат қилади. Аллоҳнинг мана бу сўзлари нақадар ҳақ: “Ким Аллоҳга ширк келтирса, бас, у гўё осмондан қулагану, уни (бирон ваҳший) қуш (ўлжа қилиб) олиб кетган ёки (қаттиқ) шамол йироқ жойларга учириб кетган (кимса) кабидир” (Ҳаж сураси, 31-оят).

Йигитлар ўз имонларини ошкор қилиш билан бир қаторда қавмларининг ботил эътиқодини ҳам очиб ташладилар ва уларни инкор қилдилар:

“Ана у қавмимиз эса Ундан ўзга “илоҳ”ларни (худо) қилиб олдилар. Улар ўзлари учун аниқ бир ҳужжат келтирсалар эди”.

Маълумки, уларнинг қавми қилаётган ширк амалларига бирон нарсани далил қилиб келтиролмасдилар. Йигитлар бу ерда уларнинг ана ўша ожиз тарафларига урғу беришмоқда.

Яъни, ғайратли мўмин йигитлар Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга, ҳар қандай ширк амални тарк этишга аҳд қилишгач, қавмлари қилаётган нотўғри ишларин инкор қилиш мақсадида:

– Манави қавмимиз жаҳолат домига тушиб қолишган. Улар бут-санамларни Аллоҳга шерик қилишяпти. Улар мана шу бут-санамлар Аллоҳга шерик қилиши жоизлигини қувватлайдиган бирон ҳужжат келтира оладиларми?! Шубҳасиз, улар бундай қилишдан ожиздирлар! – дедилар.

Бу оят динда ҳар бир нарсанинг собит ҳужжати бўлиши кераклигини ҳам кўрсатади.

Мушрикларнинг нозик жойини ушлаб, уларни ожиз қолдирувчи оят Қуръони каримнинг бошқа ўрнидан ҳам келтирилган: “(Эй Мухаммад алайҳиссалом, мушрикларга) айтинг: “Сизлар Аллоҳни қўйиб дуо-илтижо қилаётган (бутларингиз) ҳақида хабар беринглар – менга кўрсатинглар-чи, улар ердан нимани яратганлар? Ёки улар учун осмонлар(ни яратиш)да шериклик борми?! Агар ростгўй бўлсангиз, менга ушбу (Қуръон)дан илгари (нозил бўлган ва сизларнинг бутларга сиғинишингизни тасдиқлайдиган) бирон китобни ёки бирон илмий асарни (яъни, аввалги уламолардан қолган бирон аниқ ҳужжатни) келтиринглар!” (Аҳқоф сураси, 4-оят).

Шундан сўнг мўмин йигитлар қавмларини зулмда айблаганлари баён қилинади:

“Бас, Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золироқ ким бор?!”

Аллоҳ номига ёлғон тўқиган, Унга ибодат қилиш ва итоат этишда шерик қилганлардан ҳам золироқ кимса йўқдир! Зеро, Аллоҳ шерикдан пок Зотдир!

(Йигитлар!) **Модомики, сизлар улардан ва Аллоҳдан ўзга – улар сиғинаётган нарсалардан четланган – юз ўгирган экансизлар, энди ғорга паноҳ топиб**

²¹¹ “Тафсирул алусий”, 15-жуз, 219-бет.

борингиз. Парвардигорингиз сизларга Ўз раҳмат-марҳаматини кенг қилади ва сизларнинг ишларингизни ўнглайди”.

Қисса давомида мўмин йигитлар ғордан паноҳ топиб, узоқ уйқуга кетганларидан кейинги ҳолатлари баён қилинади. Аллоҳ таоло шундай деган:

“Қуёш чиқишда уларнинг ғорларидан ўнг тарафда ўтиб кетганини, ботишда эса улардан сўл томонга ўтиб кетганини, улар (ғорнинг) тўрида эканларини кўрасан. Бу ҳам Аллоҳнинг оят-мўъжизаларидандир. Кимни Аллоҳ ҳидоят қилса, бас, ўшагина ҳидоят топувчидир. Кимни йўлдан оздирса, бас, унинг учун тўғри йўлга йўлловчи бирон дўст топа олмайсан. Уйқуда эканлар, сен уларни уйғоқ, деб ўйлайсан. Биз уларни ўнг томонга, сўл томонга айлантириб турамиз. Уларнинг итлари эса олди оёқларини остонага ёзиб ётади. Агар уларнинг устидан чиқиб қолсанг, (аҳволидан) даҳшатга тушиб юз ўгириб қочган бўлар эдинг” (*Каҳф сураси, 17-18-оятлар*).

Эй инсон, агар сен ғор эгаларини мана шу ҳолатда кўрсанг, қуёш машрикдан чиқиб, ғорларига нисбатан ўнг томонга ўтиб кетганини, ботишда уларнинг чап томонига ботганининг гувоҳи бўласан. Иккала ҳолатда ҳам қуёш зиёси уларга етиб бормади. Бу Аллоҳ таолонинг ҳимоясидир. Қуёш тафти уларга азият етказмаслиги, рангларини ўзгартириб, либосларини чиритиб юбормаслиги учун шундай қилинди.

“Улар (ғорнинг) тўрида эканларини кўрасан”.

Яъни, улар ғорнинг ўртасида, кенг жойда ухлаб ётганларининг гувоҳи бўласан.

Ушбу оят тафсирида уламолар икки хил фикрдалар. Имом Розий буни қисқача шундай ифодалаган: “Биринчи қавл шуки, ўша ғорнинг оғзи шимол томонга очилган эди. Агар қуёш чиқса, ғорнинг ўнг томонида бўларди. Қуёш ботаётганида ғорнинг чап томонида бўларди. Қуёш зиёси ғор ичига етиб бормаган. Лекин ёқимли шабада ва ҳаво ғорга кириб турган.

Иккинчи тоифа уламоларга кўра, қуёш чиққанида Аллоҳ таоло унинг зиёсини ғорга тушишдан тўсган. Қуёш ботаётганида ҳам худди шундай бўлган. Бу одатдан ташқари ҳолат бўлган. Аллоҳ асҳобул каҳфга хослаган улуғ кароматдир бу²¹²”.

Иккала фикрда ҳам жон бор. Аммо қалб иккинчи қавлга мойил бўлади. Чунки Аллоҳ таоло “улар (ғорнинг) тўридадирлар” деган сўзи улар ғор ўртасида ухлаб ётганларини кўрсатади. Шунга қарамай уларга қуёш зиёси етиб бормаган. Бу уларнинг ҳоли ажиб бўлганидан дарак беради.

“Бу ҳам Аллоҳнинг оят-мўъжизаларидандир”.

Мана шу оят ҳам ғорга кириб паноҳ топган мўмин йигитларнинг ҳоли оддий эмас, ғаройиб, одатдан ташқари бўлганига ишора қилади.

Яъни, Биз уларга кўрсатган марҳаматимиз чексиз қудратимизга далолат қилувчи, иродамизга бирон нарса тўсқинлик қилолмаслигига ишора қилувчи аломатлардандир.

Оят мана бу жумла билан тугайди:

“Кимни Аллоҳ ҳидоят қилса, бас, ўшагина ҳидоят топувчидир. Кимни йўлдан оздирса, бас, унинг учун тўғри йўлга йўлловчи бирон дўст топа олмайсан”.

Аллоҳ кимни ҳақ йўлга ҳидоят қилса, ана ўша инсон ҳидоят топибди. У икки дунё саодатини қўлга киритибди. Аллоҳ қайси бандани тўғри йўлдан оздириб қўйса, эй

²¹² “Тафсирул фахрир розий”, 21-жуз, 99-бет.

Муҳаммад алайҳиссалом, Сиз унинг учун ҳақ йўлга йўлловчи биронта ҳам йўлбошчини топа олмайсиз.

Шундан кейин ғор ўртасида ухлаб ётган йигитларнинг ғаройиб кўриниши тасвирланади:

“Уйқуда эканлар, сен уларни уйғоқ, деб ўйлайсан”.

Яъни, эй хитоб қилинаётган инсон, агар сен уларни кўришга қодир бўлганингда, ухлаб ётган бўлсалар ҳам уларни уйғоқ деб ўйлаган бўлардинг.

Бунга сабаб, уларнинг кўзлари очиқ ва дам-бадам у ёқдан-бу ёққа ўгирилиб олишлари эди:

“Биз уларни ўнг томонга, сўл томонга айлантириб турамиз”.

Яъни, ухлаётганларида уларни ўнг ва чап томонга ўгириб қўямиз. Бу таналарини химоя қилиш, кўп ухлаганлари сабаб ер жисмини чиритиб юбормаслиги учун қилинган эди.

Асҳобул каҳф уйқу ҳолатида неча марта ўнг ва чап томонга ўгириб қўйилганини фақат Аллоҳ билади. Муфассирлар бу борада биронта ҳам саҳиҳ ривоятни келтиришмаган. Шунинг учун бу масалани четлаб ўтаемиз.

Кейин ғор эгаларининг ити шундай тасвирланади:

“Уларнинг итлари эса олди оёқларини остонага ёзиб ётади”.

Асҳобул каҳфга сафарда ҳамроҳ бўлган ит ғор оғзида икки оёғини чўзиб ётарди. Гўё ит эгаларини химоя қилиб, уларнинг олдига биров киришига тўсқинлик қилиб тургандек.

“Агар уларнинг устидан чиқиб қолсанг, (ахволидан) даҳшатга тушиб юз ўгириб қочган бўлар эдинг”.

Яъни, агар сен уларни шу ҳолатда кўрганингда, кўркувдан ортингга қарамай қочган, қиёфаларидан даҳшатга тушган бўлардинг.

Уламолар бу оятдан бир қанча ҳукмларни чиқаришган. Жумладан, Ибн Касир шундай деган: “Ит, одатдагидек, эшик олдида ётган. Бу унинг одати ва табиатидир. Ит эшик олдида уларни кўриклаб турган. У уй ташқарисида эди. Саҳиҳ ҳадисда айтилганидек, ит бор уйга фаришталар кирмайди. Уларнинг итлари ғор эгалари баракасига шерик бўлди. Улар шу ҳолатда ухлаб қолишди. Бу яхши кишиларга суҳбатдош бўлишнинг фойдасидир. Мана шу сабаб ит зикр қилинган, у ҳақида хабар берилди²¹³”.

Ибн Атийя отасидан ривоят қилади: “Мен Абулфазл Жавҳарий ҳижрий 469 йилда Миср жоме масжидида ваъз қилиб: “Ким аҳли хайрни яхши кўрса, уларнинг баракасидан насибадор бўлади. Бир ит фазилат аҳлини яхши кўрди ва уларга ҳамроҳ бўлди. Шу сабабдан Аллоҳ ўша итни Каломининг муҳкам оятларида зикр қилди”, деганини эшитганман”.

Қуртубий айтмоқчики, баъзи итлар солиҳлар ва авлиёларга ҳамроҳ бўлиб шундай улуғ даражага эришган экан, у ҳолда мўмин бандаларнинг валий ва солиҳлар билан аралашиб юриши ҳақида нима деб ўйлайсиз? Бу ерда камолот даражасига чиқа олмаган, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда у зот оилаларини яхши кўрадиган мўминлар қалбига тасалли берилмоқда.

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади: “Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан масжиддан чиқдим. Масжид эшиги олдида бир кишини кўрдик. У: “Ё

²¹³ “Тафсиру ибни касир”, 5-жуз, 141-бет.

Расулуллоҳ, қиёмат қачон бўлади?” деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “У кунга нима тайёрлагансан?” дедилар. Бу саволдан ҳалиги киши хокисор бўлиб қолди (шашти тушиб кетди). Кейин: “Ё Расулуллоҳ, қиёмат кунига намоз, рўза ва садақа амалларидан кўпини ҳозирлай олмадим. Бироқ мен Аллоҳ ва Расулини яхши кўраман”, деди. Шунда у зот: “Бас, сен ўзинг яхши кўрганлар билан бирга бўласан”, дедилар” (Бухорий ривоят қилган).

Анас розияллоҳу анҳу шундай деган: “Бас, мен Аллоҳ ва Расулини, Абу Бакр ва Умарни яхши кўраман. Гарчи улар каби амал қилолмасам ҳам, (жаннатда) улар билан бирга бўлишдан умид қиламан²¹⁴”.

Қисса давомида уйқудан уйғонган йигитларнинг ҳолати ва ўрталарида бўлиб ўтган суҳбат ҳақида ҳикоя қилинади:

“Ўзаро савол-жавоб қилишлари учун Биз уларни ана шундай уйғотдик. Улардан бири деди: “Қанча (муддат ухлаган ҳолда) турдинглар?” Улар(нинг айримлари): “Бир куни ё ярим куни турдик”, дедилар. (Қолганлари эса:) “Қанча (ухлаб) турганингизни Ёлғиз Парвардигорингиз билади. Энди бир кишини мана бу пулингиз билан шаҳарга жўнатинглар, у энг сара, покиза таомларни танлаб, сизларга ундан ризқ – насиба олиб келсин. У эҳтиёт бўлсин ва сизларни бировга сездириб қўймасин. Чунки улар (яъни, шаҳар аҳли) сизлардан огоҳ бўлиб қолсалар, сизларни тошбўрон қиладилар ёки яна ўзларининг динларига қайтарадилар. У ҳолда, ҳеч қачон қутула олмайсизлар”, дейишди” (*Каҳф сураси, 19-20-оятлар*).

Аллоҳ таоло **“Ўзаро савол-жавоб қилишлари учун Биз уларни ана шундай уйғотдик”**, дейиш билан асҳобул каҳф узоқ давом этган уйқудан нима сабаб уйғотилганини баён қилмоқда. Уйқудан турғазининг бошқа сабаблари ҳам бор. Аммо бу ерда қисқа қилиб биргина сабаб зикр қилинмоқда.

Яъни, Биз мўмин йигитларни чуқур уйқуга кетказганимиздан кейин, улар бир-бирларидан сўрашлари учун уйқудан турғаздик.

Хўш, улар уйғониб, бир-бирларига қандай саволларни беришди?

Улардан бири деди: “Қанча (муддат ухлаган ҳолда) турдинглар?” Улар(нинг айримлари): “Бир куни ё ярим куни турдик”, дедилар”.

Йигитлардан бири:

– Бу ғорда қанча ухлаб ётдингиз? – деб сўради. Унинг саволига бошқалари:

– Бир кун ёки ярим кун ухлаган бўлсак керак. Қанча ухлаганимизни аниқ билмаймиз, – деб жавоб қайтарди.

Шундан кейин ғор эгаларидан баъзилар бунинг илмини Аллоҳга хослагани баён этилади:

(Қолганлари эса:) **“Қанча (ухлаб) турганингизни Ёлғиз Парвардигорингиз билади”, дейишди.**

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу мана шу оятни далил қилиб, асҳобул каҳф етти нафар бўлган, деб айтган. Чунки оятда “Улардан бири”, дейилмоқда. Бу бир киши. Унга берилган жавобда: “Бир ёки ярим кун турдик”, дейилмоқда. Бу кўпликдир. Унинг энг оз миқдори уч кишидир. Кейин “Қанча (ухлаб) турганингизни

²¹⁴ “Тафсирул куртубий”, 10-жуз, 372-бет.

Парвардигорингиз билади”, дейилмоқда. Бу бошқа бир жамоа (уч кишининг) гапидир. Шу билан улар етти киши бўлади²¹⁵.

“Энди бир кишини мана бу пулингиз билан шаҳарга жўнатинглар”.

Яъни, бу ерда қанча муддат турганингиз ҳақида баҳслашишни тўхтатинг! Буни фақат Аллоҳ билади. Сизларлар ҳозир ичингиздан бир кишини манави кумуш тангалар билан яқин атрофдаги шаҳарга юборинглар. Бирон егулик олиб келсин. Ҳозир таомга муҳтожмиз.

Айтилишича, оятдаги шаҳардан мурод, ғорга киргунларича ўзлари яшаган шаҳардир.

“У энг сара, покиза таомларни танлаб, сизларга ундан ризқ – насиба олиб келсин. У эҳтиёт бўлсин ва сизларни бировга сездириб қўймасин”.

Яъни, шаҳарга етиб борса, бозорни қидириб топиб, ундаги энг ҳалол, покиза, сифатли ва баракали таомлардан олиб келсин! Очликни қондирувчи энг сара егуликларни танласин. Шаҳарга киришда ва чиқишда эҳтиёт бўлсин. Уни биронтаси сезиб қолмасин! – деди.

“Чунки улар (яъни, шаҳар аҳли) сизлардан огоҳ бўлиб қолсалар, сизларни тошбўрон қиладилар ёки яна ўзларининг динларига қайтарадилар. У ҳолда, ҳеч қачон қутула олмайсизлар”, дейишди.

Шаҳарга сездирмай кириб-чиқиш сабаби баён қилинмоқда бу оятда.

Яъни, шаҳарга таом олишга борадиган киши энг тоза егуликлардан олсин ва сизларнинг хабарингизни бировга айта кўрмасин! Зеро, улар турган жойингизни билиб қолишса, тошбўрон қилишади ёки ўзларининг ботил динларига қайтаришга ҳаракат қилишади. Аллоҳ сизларга нажот берганидан кейин ўша нотўғри йўлларга кирсангиз, у ҳолда дунёда ҳам, охирада ҳам нажотга эришолмайсиз!

Ақидасини кўз қорачиғидай асраш пайида бўлган бу мўмин йигитлар орадан 300 йилдан зиёд вақт ўтиб кетганини, замон ўзгариб, авлодлар алмашганини, ўзлари яшаб келган шаҳарларининг ташқи кўриниши ҳам бутунлай ўзгариб кетганини билишмасди. Аслида уларни ширкка масжбурлаган кимсаларнинг даври даврони аллақачон ўтиб кетган эди.

Ушбу ибратли қисса қуйидагича давом эттирилади:

“Шундай қилиб, Аллоҳнинг (қайта тирилиш ҳақидаги) ваъдаси ҳақ эканини ва (қиёмат) соатининг (келиши) шак-шубҳасиз эканини билишлари учун (одамларни ғордаги йигитлар аҳволдан) огоҳ қилдик. Ўшанда (яъни, ғордаги йигитлар уйқудан уйғониб, одамлар бу мўъжизанинг гувоҳи бўлганларидан кейин, улар ажаллари етиб вафот этишгач,) ўзаро уларнинг ишлари ҳақида талашиб-тортиша бошладилар. Бас, (айрим кишилар:) “Уларнинг устига уйлар бино қилинлар. Парвардигори уларни жуда яхши Билувчидир”, дедилар. Уларнинг устида ҳукмрон бўлганлар: “Албатта биз улар устида бир масжид қуриб оламиз”, дейишди” (*Каҳф сураси, 21-оят*).

Аллоҳ таоло асҳобул каҳф хабарини одамларга маълум қилишининг ҳикмати мана шу оятда баён этилмоқда.

Яъни, одамлар Аллоҳ таолонинг қайта тирилиш ҳақидаги ваъдаси ҳақ эканини кўзлари билан кўришлари, қиёмат қоим бўлишига шубҳа йўқ эканини билишлари учун ғордаги йигитлар хабарини уларга маълум қилинди.

²¹⁵ “Тафсиру фатҳил баён”, 5-жуз, 534-бет.

Зеро, кимда-ким ғордаги йигитлар ҳолатини билса, узоқ муддат ухлаб ётиб кейин уйғонганларини кўрса, Аллоҳ таоло инсонларни қайта тирилтириб, қиёмат куни ҳисоб қилиш учун махшаргоҳга тўплашига кўзи билан кўриб тургандек аниқ ишонади.

Ривоят қилинишича, ғордаги мўмин йигитларнинг шериги таом сотиб олиш учун кумуш тангаларни олиб шаҳарга борганида, озиқ-овқат сотаётган бир киши олдига келиб, пулни унга берди. Сотувчи тангани кўриб, ҳайрон бўлди. Чунки ушбу танга анча йиллар олдин зарб қилинганди. Бундан бошқа савдогарлар ҳам хабар топишди ва унга: “Бу тангаларни қаердан олдинг?” дейишди. У: “Кеча шу тангага озроқ хурмо сотиб олгандим. Мен шаҳар аҳлиданман. Мушриклар тазйикидан кўркиб шерикларим билан ғордан паноҳ топганмиз”, деди. Бас, савдогарлар уни подшоҳ ҳузурига олиб боришди ва танга билан шаҳарга келган йигит қиссасини айтиб беришди. Подшоҳ бундан хурсанд бўлиб, бошқа шерикларини ҳам кўриш учун у билан ғорга келди. Асҳобул қаҳфни кўргач, уларга салом берди. Шундан кейин Аллоҳ таоло уларни вафот эттирди²¹⁶.

Асҳобул қаҳф вафотидан сўнг шаҳар аҳолиси нима қилгани куйида келтирилади:

“Ўшанда (яъни, ғордаги йигитлар уйқудан уйғониб, одамлар бу мўъжизанинг гувоҳи бўлганларидан кейин, улар ажаллари етиб вафот этишгач,) **ўзаро уларнинг ишлари ҳақида таллашиб-тортиша бошладилар”**.

Одамлар ғордан паноҳ топган йигитлар вафотидан кейин улар ҳақида ихтилоф қила бошладилар. Улардан баъзилар: “Улар фалон даврда яшаган”, деса, бошқалар: “Улар ғорда фалон йил туришган”, деб айтарди. “Уларнинг устига мана бундай бино курамиз”, деганлар ҳам бор эди улар орасида.

Таллашиб тортишганлар ичидан баъзилари мўмин, баъзилари кофир эди.

Бас, (айрим кишилар:) **“Уларнинг устига уйлар бино қилинлар. Парвардигори уларни жуда яхши Билувчидир”**, дедилар.

Ихтилоф қилаётганлар ичида айрим одамлар:

– Улар турган ғор оғзига бир уй қуришлар. То одамлар у ерга бориб, уларга азият етказмасин, – дедилар.

Улар ичидан баъзилари орадаги низога барҳам бериш, беҳуда тортишиш олдини олиш учун:

– Жанжални бас қилинг! Аллоҳ таоло уларнинг хабарларини билувчи Зотдир! – дедилар.

“Уларнинг устида ҳукмрон бўлганлар: “Албатта биз улар устида бир масжид қуриб оламиз”, дейишди”.

Шаҳардаги сўзи ўтадиган, гапи ерда қолмайдиган кишилар:

– Уларни табаррук қилиш учун устларига бир масжид – ибодат қиладиган жой курамиз, – дейишди.

Алусий шундай деган: “Бу оят солиҳлар қабри устига бино қуриш, у ерда масжид қуриш, намоз ўқиш жоизлигига далил қилинган. Жумладан, Шихоб Хафожий Байзовий тафсирига ёзган хошиясида буни зикр қилган. Бу ботил ва ўта нотўғри гапдир. Чунки Аҳмад, Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Ибн Можа Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда: “Аллоҳ қабрларни зиёрат қиладиган

²¹⁶ Қаранг: “Тафсиру ибни касир”, 5-жуз, 142-бет.

аёлларни ва унинг устига масжидлар ва ўриндиклар қилиб оладиганларни лаънатлаган”, дейилган.

Имом Муслим ривоятида шундай дейилган: “Огоҳ бўлингларки, сизлардан олдингилар пайғамбарлари қабри устида масжид (қуриб) олишган. Мен сизларни бу ишдан қайтараман”.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Аллоҳ пайғамбарларининг қабрларини масжид қилиб олган яҳудий ва насронийларни лаънатлаган” (Бухорий ва Муслим ривоят қилган).

Шундан сўнг асҳобул кафҳ неча киши бўлгани ҳақидаги низо ва унинг ечими келтирилади:

“Ҳали улар (яъни, Пайғамбар алайҳиссаломга замондош бўлган яҳудий ва насронийларнинг айримлари ўша асҳобул кафҳни:) **“Учтадир, тўртинчилари итларидир”**, десалар, айримлари: **“Улар бешта бўлиб олтинчилари итларидир”**, деб ғайбга тош отадилар. Яна: **“Улар еттитадир, саккизинчилари итларидир”**, ҳам дейдилар. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Сиз **“Уларнинг ададларини энг яхши биладиган Зот Парвардигоримдир. Уларни жуда оз киши биледи”**, денг! **Бас, улар хусусида фақат** (ўзингизга нозил бўлган ваҳий воситасида) **очик мужодала – мунозара қилинг ва** (асҳобул кафҳ) **ҳақида уларнинг биронтасидан фатво – савол сўраманг!”** (*Каҳф сураси, 22-оят*).

Яъни, эй муҳтарам Пайғамбар, одамлар асҳобул кафҳ ҳақида баҳслашадилар. Улардан баъзилар: “Улар учта бўлган. Тўртинчилари итларидир”, деса, бошқалар: “Улар бештадир. Олтинчилари итларидир”, деб аниқ билмаган нарсалари ҳақида гап сотадилар.

“Ғайбга тош отадилар” деб, “учтадир, тўртинчилари итлари”, “бештадир, олтинчилари итлари”, деб ихтилоф қилган кишиларга раддия берилмоқда.

“Ғайбга тош отиш”дан мурод, хужжат-далили бўлмаган ҳолда тахмин ва шубҳа-гумон билан гапириш, ўзи аниқ билмаган нарса ҳақида таллашиб-тортишишдир.

Шундан кейин ҳақиқатга яқинроқ бўлган қавл келтирилади:

Яна: “Улар еттитадир, саккизинчилари итларидир”, ҳам дейдилар.

Яъни, мўминлар: “Асҳобул кафҳ еттитадир, саккизинчилари итлари”, дейишади.

Ибн Касир шундай деган: “Аллоҳ таоло бу ерда асҳобул кафҳ ҳақида одамларнинг ихтилофини келтирган ва уч хил қавлни зикр қилган. Тўртинчи гапни ҳеч ким айтмаган. У Зот “Ғайбга тош отадилар”, деб аввалги икки гап заиф (аҳамиятсиз, нотўғри) эканига ишора қилган. Кейин “Улар еттитадир, саккизинчилари итларидир”, деб учинчи қавлни келтириб, сукут қилган ёки тасдиқлаган. Бу охиргиси тўғри экани, ҳақиқат айнан шундайлигига далолат қилади²¹⁷”.

Кейин Аллоҳ таоло Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга асҳобул кафҳ сони ҳақида тортишаётганларга қандай хитоб қилишни ўргатади:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Сиз “Уларнинг ададларини энг яхши биладиган Зот Парвардигоримдир. Уларни жуда оз киши биледи”, денг!”

Яъни, эй муҳтарам Пайғамбар, ғор эгалари сони ҳақида баҳслашаётганларга:

– Парвардигорим азза ва жалла ғор эгаларининг сонини сизлардан яхшироқ биледи. Сизлар эса фақат гумон қилмоқдасизлар. Парвардигоримнинг илми эса аниқ

²¹⁷ “Тафсиру ибни касир”, 5-жуз, 143-бет.

ва батафсилдир. Аллоҳ барча нарсани қамраб олган Зотдир. Асҳобул каҳф сони қанчалигини жуда ҳам оз одамлар билади, – деб айтинг.

Бу ерда имонларини сақлаш учун ғордан паноҳ топган мўмин йигитлар сони қанчалигини кам одамлар билиши таъкидланмоқда.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу: “Мен ана ўша камчилик одамларданман. Улар етти нафар бўлишган”, деган ва исмларини бирма-бир зикр қилган.

“Бас, улар хусусида фақат (ўзингизга нозил бўлган ваҳий воситасида) очик мужодала – мунозара қилинг ва (асҳобул каҳф) ҳақида уларнинг биронтасидан фатво – савол сўраманг!”

Яъни, шундай экан, ғор соҳиблари хусусида бирон киши билан баҳслаша кўрманг! Илло ўзингизга ваҳий қилинган нарсалардан четга чиқмаган ҳолда очик мунозара қилинг! Мўмин йигитлар ҳақида улардан сўраманг! Сабаби Сизга ваҳий қилинаётган қисса аҳли китобдан сўрашга ҳожат қолдирмайди.

Шундан кейин келажакда бирон ишни қилишдан олдин, албатта “Иншааллоҳ”, дейиш лозимлиги таъкидланади:

“Ва бирон нарса ҳақида: “Мен албатта бу ишни эртага қилувчиман”, дея кўрманг. Магар “Иншааллоҳ! – Аллоҳ хоҳласа”, (денг. Бу сўзни айтишни) унутиб қолдирган вақтингизда (ёдингизга тушиши билан) Парвардигорингизни зикр қилинг ва: “Шояд Парвардигорим мени бундан ҳам (яъни, асҳобул каҳф ҳақида хабар беришдан ҳам) яқинроқ (менинг ҳақ Пайғамбар эканимга яхшироқ далолат қиладиган) тўғри йўлга хидоят қилса”, денг²¹⁸!” (*Каҳф сураси, 23-24-оятлар*).

Имом Қуртубий шундай деган: “Кофирлар руҳ, мўмин йигитлар ва Зулқарнайн ҳақида сўрашганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Саволингизга эртага жавоб қайтараман”, деб “Иншааллоҳ”, демаганлари учун Аллоҳ Расулига танбех берган²¹⁹.

Яъни, эй Муҳаммад алайҳиссалом, бирон ишни келажакда бажаришга қарор қилсангиз, “Мен буни эртага қиламан!” деб айтманг. Балки ишингизни Аллоҳнинг изни-иродасига боғланг. “Мен бу ишни эртага Аллоҳнинг изни ва хоҳиши билан бажараман”, денг. Зеро, сиз ва бошқалар томонидан қилинадиган иш-ҳаракат Аллоҳнинг хоҳишига боғлиқдир. Бандалар қиладиган барча ишлар Аллоҳга аён. Агар У Зот хоҳласа, ўша иш содир бўлади, хоҳламаса, йўқ.

Бу ерда келажакка оид режа тузиш, эртанги қилинадиган ишларни ният қилишдан эмас, балки қиладиган иши ҳақида: “Мен буни шубҳасиз амалга ошира оламан”, деб аниқ ўзига ишонишдан қайтарилмоқда. Зеро, эртага нима бўлишини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди.

Оқил киши Аллоҳ жорий қилган сабабларни юзага келтиради. Кейин уни Аллоҳнинг иродасига боғлайди, “Эртага фалон ишларни аниқ бажараман”, деб айтмайди, балки “Агар Аллоҳ хоҳласа, мана бу ишларни қиламан”, деб барча нарсани Аллоҳга ҳавола қилади. Мўмин банда Аллоҳнинг хоҳиши ўзининг хоҳишидан устун

²¹⁸ Муфассирлар ривоят қилишича, бу икки оят нозил қилинишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган: яҳудийлар қурайшлик рабларга: “Бориб Муҳаммаддан сўранглар-чи, агар ҳақиқатан ҳам пайғамбар бўлса, сизларга руҳ – жсон ҳақида, асҳобул каҳф ва Зулқарнайн тўғрисида хабар берсин”, деган эканлар. Улар келиб Пайғамбар алайҳиссаломдан шу ҳақида сўраганларида, у зот: “Эртага келинглар, албатта сизларга жавоб қиламан”, дебдилар-у, “Иншааллоҳ” сўзини қўшмабдилар. Шунда бир қанча вақт ваҳий келиши тўхтаб, сўнгра Пайғамбар алайҳиссаломга танбех бўлиб юқоридаги оятлар нозил бўлган (Шайх Алоуддин Мансур, “Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”).

²¹⁹ “Тафсирул куртубий”, 10-жуз, 385-бет.

эканини, ожизона тадбиридан кўра Аллоҳнинг ҳикматли тадбири мутлоқ олий эканига аниқ имон келтиради.

Хаётда қанчадан-қанча инсонлар ўзларича бирон ишни қилмоқчи бўлиб, унга обдон тайёргарлик кўрадилар. Кейин Аллоҳнинг иродаси унинг ўйлаган режасини ўзгартириб юборади. Сабаби ўша одамлар ишни бошлашдан олдин Аллоҳнинг хоҳиши ўзларинкидан устун келишини хаёлларига келтирмагандилар. Аллоҳ ожиз банда ўрганиб қолган одатларни бузишга, кутилмаган ишларни қилишга қодирдир. Аллоҳ ҳикматли ва меҳрибон Зотдир.

“Бу сўзни айтишни) унутиб қолдирган вақтингизда (ёдингизга тушиши билан) Парвардигорингизни зикр қилинг”.

Яъни, бирон ишни қилишдан олдин “Иншааллоҳ”, деб айтинг. Агар ишларни Аллоҳнинг иродасига боғлаш ёдингиздан кўтарилса, эслашингиз билан айтинг.

Бу оятдан маълум бўладики, бирон ишни қилишдан олдин, албатта “Иншааллоҳ” – агар Аллоҳ хоҳласа қила оламан бу ишни, деб айтиш лозим. Агар унутиб қўйса, эслаган вақтида айтади. Шунда ишларни Аллоҳга ҳавола қилган, оятда айтилган кўрсатмани бажарган бўлади.

“Шояд Парвардигорим мени бундан ҳам яқинроқ тўғри йўлга ҳидоят қилса”, денг!

Яъни, эй муҳтарам Пайғамбар, бирон иш қилмоқчи бўлсангиз, Парвардигорингиз хоҳишини илгари қўйинг. Агар унутсангиз, эслаган вақтингизда айтинг ва шояд Парвардигорим менинг Пайғамбар эканимга далолат қилувчи асҳобул қаҳф қиссасидан ҳам яхшироқ ҳужжат-далилни берса, деб айтинг!

Аллоҳ таоло у зот алайҳиссалом сўраган нарсани ато қилди: Расули акрамга анбиёлар қиссаларини, ғайб хабарларини етказди.

Асҳобул қаҳф ҳақида одамлар томонидан қилинган баҳс-мунозара баёнидан кейин Аллоҳ таоло мўмин йигитлар ғорда қанча муддат турганларини очиқ-ойдин маълум қилган:

“Улар ғорларида уч юз йил турдилар ва яна тўққиз йилни зиёда ҳам қилдилар”²²⁰. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) айтинг: “Уларнинг қанча турганларини Аллоҳ яхшироқ билувчидир. Осмонлар ва ернинг сирлари Ёлғиз Уникидир. У Зот нақадар Кўрувчи, Эшитувчидир! Одамлар учун Ундан ўзга дўст-мадакор йўқдир. У Ўз ҳукмида ҳеч кимни шерик қилмайди” (Қаҳф сураси, 25-26-оятлар).

Йигитлар ғорда 300 йил ухладилар. Бунга яна тўққиз йилни зиёда қилишди.

Бу ерда Аллоҳ таоло мўмин йигитлар ғорда қанча муддат ухлаганлари ҳақида хабар қилмоқда. Буни Аллоҳдан ўзга ҳеч ким аниқ билмайди. Одамларнинг бу ҳақидаги гаплари тахмин, шубҳа-гумондан иборатдир.

Баъзилар айтишича, “улар ғорларида уч юз йил турдилар” жумласи аҳли китобга тегишлидир. Аллоҳ уларга раддия бериб, “Уларнинг қанча турганларини Аллоҳ яхшироқ билувчидир”, деган.

Имом Ибн Касир иккала қавлни келтириб, улардан аввалгисини тўғрироқ деб билган ва: “Бу билан Аллоҳ таоло Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламга асҳобул

²²⁰ Ушбу оят асҳобул қаҳф ўз ғорларида шамсий ҳисоб билан уч юз йил турганлари ҳақида хабар бермоқда. Кейинги тўққиз йил қўшилиши эса қамарий ҳисобидан келиб чиққан. Шамсий ҳисобдаги юз йил қамарий ҳисобда бир юз уч йилга тўғри келади (Шайх Алоуддин Мансур, “Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”).

кахф ғорда қанча муддат турганларини хабар қилмоқда. Улар қамарий йил ҳисобига кўра, 309 йил, шамсий йил ҳисобига кўра, 300 йил ухлашган. Қамарий ҳисоб ҳар 100 йилда шамсийдан 3 йилга фарқ қилади. Шу сабаб Аллоҳ уч юз йилдан кейин “яна тўққиз йилни зиёда қилдилар”, деган²²¹.”

“Осмонлар ва ернинг сирлари Ёлғиз Униқидир”.

Бу ерда йигитлар ғорда қанча турганларини фақат Аллоҳ аниқ билиши алоҳида таъкидланмоқда.

Яъни, осмонлар ва ердаги барча нарсани Аллоҳ билади. У Зотдан ҳеч нарса махфий қолиб кетмайди.

“У Зот нақадар Кўрувчи, Эшитувчидир!”

Аллоҳ ҳамма нарсани кўриб туради, барча нарсани эшитиб туради. Хоҳ катта, хоҳ кичик, хоҳ махфий, хоҳ ошқора бўлсин, бирон нарса Унинг назари ва эшитишидан четда қолмайди. *(Аллоҳнинг кўриши ва эшитиши одамларниқига умуман ўхшамайди. Аллоҳ таоло Ўзи яратган мавжудотларга ўхшашдан Пок Зотдир. – таржимон).*

Аллоҳ таоло оятни қуйидаги жумла билан тамомлайди:

“Одамлар учун Ундан ўзга дўст-мадакор йўқдир. У Ўз ҳукмида ҳеч кимни шерик қилмайди”.

Осмонлар ва ер аҳли орасида Аллоҳдан ўзга кўмакчи, мадад берувчи, ишларни тадбир қилувчи йўқдир. Аллоҳ таоло Ўз ҳукмида яратганларидан биронтасини шерик қилмайди.

Муфассирлар юқоридаги оятлар тафсирида қуйидаги масалаларни зикр қилишган:

Мўмин йигитлар кўним топган ғорнинг қаерда жойлашгани ва улар қайси замонда яшаб ўтишгани.

Уламолар асҳобул каҳф турган ғор қаердалиги ҳақида бир қанча фикрларни айтишган. Улар ичида энг машҳурига кўра, у ғор Эфес деб аталадиган шаҳар яқинидадир. Бу шаҳар ҳозир Туркия ҳудудида. Айтилишича, у Измир шаҳридан 40 мил масофа узоқликдадир. Ҳозир “Аёзбук” номи билан танилган.

Бошқа бир қавлга кўра, ғор “Абсус” дейиладиган мамлакатдадир.

Яна бир қавлга кўра, ўша ғор Ақаба кўрфази ва Фаластин оралиғидаги Петра номли мамлакатдадир. Бу ҳақида бошқа фикрлар ҳам айтилган. Аммо уларни зикр қилишдан бирон манфаат бўлмагани боис сўзни қисқароқ қилишни лозим топдик.

Жумхур муфассирларга кўра, мўмин йигитлар мелодий III асрда, Рим императори Дақёнус замонида яшаб ўтишган. Дақёнус одамларни бут-санамларга сиғинишга мажбур қилар, сўзига кирмаганларни каттиқ азобларди.

Қуйида асҳобул каҳф қиссасидан олинадиган энг муҳим фойдаларни қисқача зикр қиламиз:

1. Асҳобул каҳф қиссаси Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам Аллоҳдан етказган нарсаларнинг ҳақ эканига далолат қилади. Одамлар мўмин йигитлар ҳақидаги қисса борасида жуда кўп ихтилоф қилишди. Аллоҳ Ўз Расулига ваҳий қилиб, улар тортишаётган масалани очиқ-ойдин баён қилиб берди.

2. Имон қалбга маҳкам ўрнашса, банда учун ҳамма нарса осон бўлади.

3. Мўмин банда доим, айниқса, қийин дамларда, ғам-ташвишга ботганда Аллоҳ таолога дуо қилиши керак. Киши Аллоҳга тақво қилса, У Зотга итоат этса, Аллоҳ

²²¹ “Тафсиру ибни касир”, 5-жуз, 146-бет.

унга машаққатдан чиқар йўлни пайдо қилади, ғам-ташвишдан халос қилиб, уни ўйламаган томонидан ризқлантиради ва турли шикаст-балолардан сақлайди.

4. Холис ният ва тўғри фикр кишини ҳақиқат сари бошлайди. Покиза қалб соҳиблари яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қиладилар.

5. Шаръий сабабларни юзага келтириш Аллоҳга таваккул қилишга зид эмас. Йигитлар Аллоҳга таваккул қилиб йўлга чиқдилар ва ҳожат бўлганида ишлатиш учун пул ҳам олдилар. Демак, оқил мўминнинг Аллоҳга таваккули ва сабабларни юзага келтириши орасида зиддият пайдо бўлмайди.

6. Асҳобул қаҳф қиссаси Аллоҳ таоло Ўзи яратган мавжудотларни қайта тирилтиришга қодир эканига ишора қилади.

7. Мўмин киши бирон ишни қилишни қалбига тугса, албатта “Иншааллоҳ”, дейиши керак. Зеро, у барча нарса Аллоҳнинг хоҳишига боғлиқ эканига имон келтиради.

ИККИ БОҒ ЭГАЛАРИ ҚИССАСИ

Қуръони каримдаги бу қисса дунё зийнати билан мағрурланган, Аллоҳнинг неъматларига нонкўрлик қилган кимса ҳаётидан мисол қилиб келтирилган. Унда ношукрлик ҳамда камтарликнинг оқибати ҳақида ҳикоя қилинади. Бу албатта, қалб кўзи очиқ инсонлар учун улуғ ибратдир.

Икки боғ эгаларининг қиссаси Қаҳф сурасида келган. Аллоҳ таоло шундай дейди:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом, кофирларга) икки киши (ҳақидаги) масални келтиринг! Улардан бири учун Биз икки узумзор боғ қилиб, иккисини ҳам хурмолар билан ўраган ва ўрталарини экинзор қилган эдик. Ҳар икки боғ ҳосилларини бекаму кўст берар, Биз уларнинг ўртасидан бир анҳор ҳам ўтказган эдик. Яна (ўша кишининг) мол-давлати ҳам бор эди. Бас, у биродарига мақтаниб: “Менинг мол-дунёим сеникидан кўпроқ ва одамларим кучлироқ, қувватлироқ”, деди. Ва (кофирлик билан) ўзига зулм қилган ҳолда, боғига кирар экан, айтди: “Бу ҳеч қачон йўқ бўлмайди, деб ўйлайман. Ва (ҳеч қачон) қиёмат қоим бўлмайди, деб ўйлайман. Қасамки, агар Парвардигоримга қайтарилсам ҳам, албатта бундан-да яхшироқ оқибат – бахтни топаман” (Қаҳф сураси, 32-36-оятлар).

Яъни, эй муҳтарам Пайғамбар, Аллоҳга эртаю кеч дуо қиладиган, фақат Унинг розилигини истайдиган мўминларга, дунё ҳаёти билан ғурурга кетган кофирларга, икки киши ҳолатини мисол келтиринг.

Аллоҳ таоло ўша икки кишидан бирига, яъни, кофирга иккита узумзор боғни ато этганди. Боғнинг атрофи ҳимоя учун хурмолар билан ўралганди. Боғлар ўртасида экинзор ҳам бор эди. Бу ерда бошқа мевалар, озиқ-овқатлар етиштирилди.

“Ҳар икки боғ ҳосилларини бекаму кўст берар, Биз уларнинг ўртасидан бир анҳор ҳам ўтказган эдик”.

Ана ўша боғлар – узум, хурмо ва турфа хил меваларни бекаму кўст берарди. Бу баракали боғ ўртасидан бир анҳор ҳам оқиб ўтарди.

Аллоҳ таоло мана шу икки боғни жуда гўзал суратда тасвирламоқда. Ундаги меваларнинг турфа хиллиги, йил бўйи ҳосил бериши, боғнинг хурмо билан ўраб қўйилгани ва ўртасидан зилол сувларнинг оқизиб қўйилгани, барчаси унга берилган неъматларнинг улуғлигига далолат қилади.

“Яна (ўша кишининг) мол-давлати ҳам бор эди”.

Икки боғ эгасининг бундан бошқа олтин-кумуш, чорвалардан иборат молу давлати, ер-мулки ҳам бор эди.

“Бас, у биродарига мақтаниб: “Менинг мол-дунёим сеникидан кўпроқ ва одамларим кучлироқ, қувватлироқ”, деди.

Бу сўзлардан турфа неъматлар билан сийланган кофир кимсанинг ғурури ва нонкўрлиги яққол кўриниб турибди.

Яъни, икки боғ эгаси шукрли мўмин кишига:

– Бойлигим сеникидан кўпроқ. Бола-чақа, дўсту ёр ва ёрдамчилар борасида ҳам сендан устунман, – деб кўкрак керди.

Албатта, бундай гап қалб кўзи кўр кимсалардан чиқади. Улар дунё зийнатлари билан кўмилганлари сари ўзларини энг зўр ва кучли деб ўйлайдилар.

Шундан кейин бундан ҳам ёмонроқ сўзлари келтирилади:

“Ва (кофирлик билан) ўзига зулм қилган ҳолда, боғига кирар экан, айтди: “Бу ҳеч қачон йўқ бўлмайди, деб ўйлайман. Ва (ҳеч қачон) қиёмат қоим бўлмайди, деб ўйлайман. Қасамки, агар Парвардигоримга қайтарилсам ҳам, албатта бундан-да яхшироқ оқибат – бахтни топаман”.

Ўша кофир банда мўмин танишига мақтаниш билан чекланмади, у энди боғлари томон юрди. Боққа келиб:

– Менинг бу боғларим сира йўқ бўлмаслигига аниқ ишонаман. Қиёмат бўлмайди, деб биламан. Аллоҳга қасамки, фараз қилайлик, агар Парвардигоримга қайтсам, ҳозиргидан ҳам яхшироқ оқибатга эришаман, – деб ўзига юқори баҳо берди.

Ҳа, у охиратга ишонмасди, у боғи мангу ўзида қолади, ҳеч йўқ бўлмайди, бойликларим абадий, деб ўйларди. Кофирлиги сабабли шундай хаёллар уни чалғитиб кўйди.

Молу давлати билан ғурурга кетган кимсалар ҳақида Қуръони каримда яна шундай дейилган:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Бизнинг оятларимизга кофир бўлган ва: “Қасамки, албатта (охиратда ҳам) менга мол-мулк ва бола-чақа ато этилади”, деган кимсани кўрдингизми?” (Марям сураси, 77-оят).

“Яна улар: “Бизларнинг мол-дунё ва болаларимиз имон келтирганларникидан кўпроқ, (бинобарин бизлар Аллоҳ наздида улардан обрўлироқмиз ва) бизлар азобланувчи эмасмиз”, дедилар” (Сабаъ сураси, 35-оят).

Юқоридаги оятларни тафаккур қилсак, икки боғ эгаси афзаллик мезони бойлик ва бола-чақа деб билгани, у ҳаётини ғурур ва манманлик асосига қургани, дунё ҳаёти зийнатлари абадий қолади, деб нотўғри ўйлагани, охират кунига ишонмагани, ўша кунда ҳисоб қилиниб, мукофот ё жазо берилишини инкор этганини кўрамыз.

Шунингдек, ўша кофир кимса охиратда ҳам худди дунёдагидек улуғ неъматларга эришаман, деб хомхаёл қилган.

У орзуларининг кўплиги, ҳирсининг кучлилиги, ғафлат уйқусида экани, ғурур отига мингани учун ҳам боғим ҳеч қачон йўқ бўлмайди, деб ўйлаганди. Афсуски, мана шу иллат ўзини мусулмон санайдиган кишиларда ҳам бор. Буни тиллари билан очиқ айтмасалар-да, қилаётган ишлари шундан гувоҳлик беради.

Кейин кофир кимсага жавобан мўмин киши айтган сўзлар келтирилади. Аллоҳ таоло шундай деган:

“Биродари унга хитоб қилиб деди: “Сен ўзингни тупроқдан, сўнг нутфа – бир томчи сувдан яратиб, сўнгра инсон қилиб ростлаган Зот – Аллоҳга кофир бўлдингми?! Мен эса: “У – Аллоҳ Парвардигоримдир”, (дейман) ва Парвардигоримга ҳеч кимни шерик қилмайман. Сен боғингга кирган пайтингда: “Аллоҳ хоҳлаган нарсагина (бўлади). Бор куч-қувват Ёлғиз Аллоҳ биландир”, десанг эди! Агар сен мени мол-давлат ва бола-чақа жихатидан ўзингдан камроқ деб билсанг, шоядки, Парвардигорим менга сенинг боғингдан яхшироқ (бир боғ) ато этар, (сенинг боғингга эса) осмондан чакмоқлар юборади, бас, у сип-силлиқ ерга айланиб қолади. Ёки унинг суви (ер остига) сингиб кетиб, сен уни истаб ҳам топа олмай қоласан” (Каҳф сураси, 37-41-оятлар).

Камбағал мўмин мағрур ва ношукр кофир кимсага қарата:

– Эй сен! Отанг Одам алайҳиссаломни тупроқдан, сени бир томчи сувдан яратиб, комил инсон қилган, кўринишингни чиройли қилган Аллоҳни инкор қиласанми?! – деб хитоб қилди.

“Кофир бўлдингми?!” дейиш билан инсонни мукаммал суратда яратган зот – Аллоҳга имон келтириши, ихлос билан ибодат қилиш ва берган неъматларига шукр қилиш лозимлигини таъкидланмоқда.

Шундан кейин солиҳ киши ўз ҳолатини дадиллик билан шундай ифодалайди:

“Мен эса: “У – Аллоҳ Парвардигоримдир”, (дейман) ва Парвардигоримга ҳеч кимни шерик қилмайман”.

Яъни, агар сен Яратувчи Аллоҳни инкор қилсанг, мен ундай қилмайман. Мен мўминман. Аллоҳни Ягона Илоҳ деб эътироф этаман ва Унга ибодат қиламан. Ёлғиз Аллоҳ менинг Парвардигоримдир. Унга ҳеч нарса шерик қилмайман.

Сен боғингга кирган пайтингда: “Аллоҳ хоҳлаган нарсагина (бўлади). Бор куч-қувват Ёлғиз Аллоҳ биландир”, десанг эди!

Яъни, агар боғингга кирганингда, у ердаги дарахтлар ва мевалар кўзингни қувнатганида, Аллоҳ берган неъматлар учун, молу давлат ва фарзандлар учун У Зотга ҳамду сано айтсанг, Аллоҳ хоҳлаган нарса бўлади, куч-қувват Аллоҳгагина хосдир, деб айтсанг, мақсадга мувофиқ бўларди!

Баъзи салафлар: “Ким ўз моли, фарзандлари ёки бойлигидан кўзи қувонча, бас, “Маа шаа-аллоҳу лаа қуввата иллаа биллаах, деб айтсин”, дейишган. Бу айнан шу оятдан олинган. Бу ҳақида марфу ҳадис ҳам ворид бўлган. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Аллоҳ таоло бандасига неъмат берганида, у: “Маа шаа-аллоҳу лаа қуввата иллаа биллаах”, деб айтса, то умрининг охригача Аллоҳ таоло у бандадан ҳар қандай офатни даф қилади. Сўнгра “агар боғингга кирганингда...” оятини тиловат қилдилар” (Байҳақий, Абу Яъло, Ибн Мардавайҳ ривоят қилган).

Мўмин банда қаршисидаги нодон кимсани шукр қилишга чақирганидан кейин унинг мағрурлиги ва мақтанчоқлигини инкор қилади:

– Агар сен мени мол-давлат ва бола-чақа жихатидан ўзингдан камроқ деб билсанг, шоядки, Парвардигорим менга сенинг боғингдан яхшироқ (бир боғ) ато этар, (сенинг боғингга эса) осмондан чакмоқлар юборади, бас, у сип-силлиқ ерга айланиб қолади.

Яъни, эй мағрур одам! Агар мени бойлик ва фарзандлар бобида ўзингдан пастда деб билсанг, мен Қодир Аллоҳдан дунёда ва охиратда сенинг боғингдан кўра яхшироғини ато этишини, осмондан чакмоқ ёки кучли шамол келиб, боғингни

хонавайрон қилишини, ям-яшил боғу бўстониғ гиёҳсиз теп-текис ерга айланиб қолишини тилайман!

“Ёки унинг суви (ер остига) сингиб кетиб, сен уни истаб ҳам топа олмай қоласан”.

Яъни, ё бўлмаса, боғингдаги зилол сувлар тупроқ остига сингиб кетишини истайман. Ана ўшанда сен сувни талаб қилишга қодир бўлолмайсан. Чунки сувни чиқариш фақат Аллоҳнинг ишидир.

Мўмин киши кофир кимсани мана шу йўл билан куфрдан қайтарди, ношукрлик оқибати ёмон бўлишини маълум қилди.

Қисса сўнгида нонкўр кимсаниғ оқибати қандай бўлгани баён этилади:

“(Ҳақиқатан,) унинг мева-боғи ҳалок қилинди. Ўзи эса хувиллаб қолган ишқомларини (кўриб) ва уларга сарфлаган нарсаларни (ўйлаб,) чапак чалганича (афсус-надомат чекканича:) “Қани эди, мен ҳам Парвардигоримга ҳеч кимни шерик қилмаганимда!” деб қолаверди. Шунингдек, унинг учун Аллоҳдан ўзга на бир ёрдам берадиган жамоат бўлди ва на унинг ўзи (ўзига) ёрдам бера олувчи бўлди. У жойда салтанат ҳақ Аллоҳникидир. У энг яхши савоб – мукофот ато этувчи ва энг хайрли оқибатни берувчи Зотдир” (Каҳф сураси, 42-44-оятлар).

Кофир кимса Аллоҳнинг ҳисобсиз неъматларига ношукр бўлгани сабабли, молу давлати, боғлари ҳалок қилинди. Унинг ҳеч вақоси қолмади. Кечагина яшнаб турган боғу бўстон бугун шамоллар учуриб кетадиган хас-ҳашакка айланиб қолди. Нонкўр кимса икки кўлини бир-бирига уриб чапак чалганича бу боғни обод қилиш, уни зийнатлаш учун сарфлаган пулларига қаттиқ надомат чекиб қолаверди. У мана шу боғни кўз қувнатувчи қилиш учун озмунча сарф-харажат қилганмиди? Ҳазилакам уринганмиди унинг ободлиғи йўлида? Неъматлар қадрини билмаслик оқибатида ҳаммаси бекор бўлди.

“Қани эди, мен ҳам Парвардигоримга ҳеч кимни шерик қилмаганимда!” деб қолаверди.

Ўша кимса боғидан айрилгани, бор будидан маҳрум бўлгани учун афсус-надоматга қолди.

– Эҳ, дўстимнинг гапига кирсам бўларкан! Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмасам бўларкан! – деб армонда қолди.

Кўп одамларнинг ҳолати худди шундай: бошларига мусибат тушса, оғир жудоликка мубтало бўлсалар, Аллоҳни эслаб қоладилар. Ваҳоланки, ишлари юришиб, ошиғлари олчи бўлиб турганида Аллоҳга дуо қилиш хаёлларига ҳам келмайди.

Бу қиссадан яна шу нарса маълум бўладики, одам бошига катта бир мусибат кутилмаганда тушса, бирданига гапиролмайди, бирон гап айтишга ожиз қолади. Кейинроқ ўзига келгач, гапиришга чоғланади. Гувоҳи бўлганимиздек, кофир кимса боғидан айрилганида, унинг кули кўкка совурилганини кўрганида, ҳеч нарса демасдан чапак чалганича қолаверди. Кейинроқ ўзига келгач:

– Қани эди, мен ҳам Парвардигоримга ҳеч нимани шерик қилмаганимда! – деб оху нола чекди.

Инсон табиатига хос ўта нозик жиҳатларнинг тасвирланиши Қуръони карим оламлар Парвардигори Аллоҳ таоло томонидан нозил қилинганини исботлайдиган далиллардандир.

Икки боғ эгаси қиссаси Аллоҳнинг кудрати улуғлиги, амри сўзсиз бажо этилишининг баёни билан ниҳояланади:

“Шунингдек, унинг учун Аллоҳдан ўзга на бир ёрдам берадиган жамоат бўлди ва на унинг ўзи (ўзига) ёрдам бера олувчи бўлди. У жойда салтанат ҳақ Аллоҳникидир. У энг яхши савоб – мукофот ато этувчи ва энг хайрли оқибатни берувчи Зотдир”.

Бойлигига ишониб ўзига бино қўйган кимса бор-будидан айрилганида унга кўмак берадиган бирон киши – на оила аъзолари, на дўсту биродарлари топилди. Унинг бошидан балони тўсиб қолувчи бирон зот йўқ эди. Бу ишга фақат Аллоҳ қодирдир. Неъматлар қадрига етмаган у кимсага мадад берилмади. Чунки у имондан куфрни, шукрдан нонкўрликни афзал билиб, яхшилик йўлларини беркитиб қўйганди.

“У жойда салтанат ҳақ Аллоҳникидир” жумласи уч хил тушунтирилган:

1. Ана шу ҳолатда боғланиш ва ришта Ёлғиз Аллоҳга хосдир. Кофир азобни кўрганида, Аллоҳнинг ваҳдониятини эътироф этган. Бу ҳақида бошқа оятда шундай дейилган: “Энди қачонки улар Бизнинг азобимизни кўришгач, “Якка-ю Ягона Аллоҳга имон келтирдик ва (илгари Аллоҳга) шерик қилиб олганимиз бутларга кофир бўлдик”, дедилар. (Лекин) Бизнинг азобимизни кўрган вақтдаги имонлари уларга фойда берувчи бўлмади” (Ғофир сураси, 84-85-оятлар).

2. Ана ўшанда ҳақиқий салтанат оламлар Парвардигори Аллоҳ таолога хосдир. Бу ҳақида шундай дейилган: “Ўша кунда ҳақ – собит подшоҳлик (Ёлғиз) Раҳмон учун бўлади. У кун кофирларга анча қийин бўлади” (Фурқон сураси, 26-оят).

“У энг яхши савоб – мукофот ато этувчи ва энг хайрли оқибатни берувчи Зотдир”.

Яъни, Аллоҳ таоло Ўзининг валий бандаларига жуда кўп яхшиликлар ва мукофотлар беради, имон келтирган ва солиҳ амаллар қилган зотларнинг оқибатини чиройли қилади.

Биз бу қиссада мағрур ва ношукр кимсаларнинг оқибати нима билан тугашини, камтар, мўмин инсонлар қандай мақомларга эришишини, имон ва солиҳ амал банданинг нажот топиши учун васила бўлишини англадик.

Шунингдек, Аллоҳдан ўзга ҳукм қилувчи йўқ эканини, У Зот мутлоқ Қодирлигини, хоҳлаган ишини қилишини билиб, ундан етарлича ибрат олдик.

ЗУЛҚАРНАЙН ҚИССАСИ

Зулқарнайн – Аллоҳ таоло тарафидан кенг мулк ва куч-қувват ато этилган, неъматларга шукр қилган ва ер юзини ислоҳ қилиш йўлида жидду жаҳд қилган инсондир. У ҳақдаги қисса Каҳф сурасида келган. Аллоҳ таоло шундай дейди:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) яна Сиздан Зулқарнайн ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Энди мен сизларга у ҳақидаги хабарни тиловат қиламан”. Ҳақиқатан, Биз унга (Зулқарнайнга) бу ерда салтанат – ҳукмронлик бердик ва барча нарсасига йўл-имконият ато этдик. Бас, у (аввал ғарбга қараб) йўл олди. (Кетаётиб) кун ботадиган жойга етгач, (куёшнинг) бир лойқа булоққа ботаётганини кўрди ва (булоқ) олдида бир қавми учратди. Биз: “Эй Зулқарнайн, сен ё азобга дучор қиласан ёки уларга яхши муомалада бўласан”, дедик. У айтди: “Золим бўлган кимсани, албатта азоблаймиз. Сўнгра Парвардигорига қайтарилгач, У Зот уни яна даҳшатли азоб билан азоблайди.

Энди имон келтириб, яхши амал қилган зотга келсак, унинг учун гўзал оқибат – жаннат мукофот бўлади. Биз ҳам унга ишимиздан осон-енгилларини буюрамиз”. Сўнгра у (шарққа қараб) йўл олди. (Кетаётиб) кун чиқишига етиб боргач, (қуёшнинг) бир қавм устига чиқаётганини кўрдик, Биз у (қавм) учун қуёшдан (сақлайдиган) бирон парда қилмаган эдик. Худди илгаригидек бўлди. Аниқки, Биз унинг барча ишларидан хабардоримиз – (уни) ихота қилиб олгандиримиз. Сўнгра у яна йўл олди. (Кетаётиб) икки тоғ ўртасига етиб келгач, (тоғлар ортида) бирон гапни англай олмайдиган қавмни учратди. Улар: “Эй Зулқарнайн, шакшубҳасиз, Яъжуж ва Маъжуж (номли қавмлар) ер юзида бузғунчилик қилувчилардир. Бизлар сенга бир харажат – тўлов тўласак, биз билан уларнинг ўртасига бир тўғон қуриб берасанми?” дедилар. (Зулқарнайн) айтди: “Парвардигорим менга ато этган (салтанат сизлар берадиган мол-дунёдан) яхшироқдир. Бас, сизлар менга куч-қувват билан ёрдам беринглар, мен сизлар билан уларнинг ўртасига бир девор бино қилай. Менга темир парчаларини келтиринглар! (Темир парчалари) иккала тоғ билан биробар бўлгач, “Дам уринглар!” деди. Бас, қачонки, у ўт қилгач, деди: “Менга эритилган мис ҳам келтиринглар, у (темир парчаларининг) устидан қуяман. Энди улар (тўсиқ) устига чиқишга ҳам қодир эмаслар, уни тешиқ ўтишга ҳам қодир эмаслар. Бу Парвардигорим томонидан бўлган бир марҳаматдир. Энди қачон Парвардигорим ваъда қилган вақт келганида, ўзи у (тўсиқни) теп-текис қилиб кўяди. Парвардигоримнинг ваъдаси ҳақдир”, деди у” (*Каҳф сураси, 83-98-оятлар*).

Биқоий айтади: “Мусонинг Хизр билан қилган сафари илм талабида бўлганди. Зулқарнайннинг сафари эса Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилиш учун бўлди. Илм жидду жаҳднинг асоси бўлганидан, (Каҳф сурасида) аввал Мусо ва Хизр қиссаси, кейин Зулқарнайн қиссаси келтирилган²²²”.

Зулқарнайн ҳақида сўровчилар Қурайш кофирларидир. Асхобул каҳф қиссасида зикр қилинганидек, яҳудийлар қурайш вакилларига: “Муҳаммаддан уч нарса ҳақида: аввалда ўтган йигитлар, машриқ ва мағрибни айланиб чиққан киши ва руҳ ҳақида сўранглар”, дейишган.

Муфассирлар Зулқарнайн ҳақида жуда кўп қавлларни келтиришган. Улар ичида ҳақиқатга энг яқини Алусий айтган гаплар бўлса ажаб эмас: “Абу Райҳон Беруний “Ўтмиш қавмлардан қолган осори атиқалар” номли китобида зикр қилишича, Зулқарнайн – бу, Абу Қурайб Ҳимярийдир. У Яман подшоҳларидан бўлган. Яман ҳукмдорлари “Зу” лақаби билан чақирилган. Масалан, Зунаввос, Зуязин ва ҳоказо²²³”.

Қатъий айтиш мумкинки, Зулқарнайн Арастунинг шогирди Александр Македонский эмас. Чунки Александр бутларга сиғинувчи бўлган. Зулқарнайн эса Аллоҳга имон келтирган, қайта тирилиш ва ҳисоб қилишга ишонган мўмин бандалардан эди.

Рожих қарашга кўра, Зулқарнайн пайғамбар эмас, солих банда бўлган.

Баъзилар Зулқарнайн Мусо алайҳиссаломдан кейин яшаган, дейишади. Бирок бундан бошқача маълумотлар ҳам бор.

²²² “Назмуд дурад лилбиқоий”, 12-жуз, 128-бет.

²²³ “Тафсирул алусий”, 16-жуз, 27-бет.

Маълумки, Қуръони карим қиссаларни келтиришда қайси замон ёки маконда бўлганига эмас, асосий ибратли ва насихатли жиҳатларига эътиборни қаратади.

Фотиҳ ҳукмдорнинг “Зулқарнайн” деб аталишига сабаб, унинг машриқ ва мағрибни фатҳ қилганидир.

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) яна Сиздан Зулқарнайн ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Энди мен сизларга у ҳақидаги хабарни тиловат қиламан”.

Яъни, эй Муҳаммад, қавмингиз Сиздан Зулқарнайн ҳақида сўрайдилар. Уларга жавобан:

– Мен сизларга унинг хабарини етказаман. Аллоҳ менга буни ваҳий орқали билдиради, – деб айтинг.

Шундан кейин Зулқарнайнга берилган неъматлар санаб ўтилади:

“Ҳақиқатан, Биз унга (Зулқарнайнга) бу ерда салтанат – ҳукмронлик бердик ва барча нарсасига йўл-имконият ато этдик”.

Яъни, Биз Зулқарнайнга хоҳлаган ишини амалга ошира олиши учун кучли салтанат ато этдик. Яна мақсадига эришсин деб, истаган нарсани бердик.

Аллоҳ таоло Зулқарнайнга қандай неъматлар бергани ҳақида саҳиҳ ҳадис айтилмаган. Шунинг учун биз Аллоҳ Зулқарнайнга мулкини мустаҳкамлаши учун кўп неъматлар ато этганига имон келтирамиз. Баъзи муфассирлар келтирган заиф қавлларга эътибор бермаймиз.

“Бас, у (аввал ғарбга қараб) йўл олди. (Кетаётиб) кун ботадиган жойга етгач, (қуёшнинг) бир лойқа булоққа ботаётганини кўрди ва (булоқ) олдида бир қавмни учратди”.

Зулқарнайн салтанатини мустаҳкамлаш истагида қуёш ботадиган томонга йўл олди. У мағриб тарафдаги обод ерларнинг сўнгги чегарасига етиб боргач, қуёш гўё бир булоққа ботиб кетаётганини кўрди. Аслида эса бундай эмасди. Одатда, инсон билан қуёш уфқи орасида сув бўлса, қуёш худди сувдан чиқиб, сувга ботаётгандек туюлади. Шунингдек, теп-текис жойда инсон қуёшни ердан чиқиб, ерга ботаётганини кўради.

Оятнинг зоҳирига кўра, бу қавм Аллоҳни танмасди. Зулқарнайн уларни Аллоҳга ибодат қилишга чақирди. Улар ичида кимлардир имон келтирди, кимлардир кофир бўлди. Аллоҳ Зулқарнайнга ихтиёр берди:

Биз: “Эй Зулқарнайн, сен ё азобга дучор қиласан ёки уларга яхши муомалада бўласан”, дедик.

Аллоҳ таоло илҳом қилиш ёки фаришта орқали:

– Эй Зулқарнайн, бу кофир ва фосиқ қавмни қатл қилиш ё бошқа йўллар билан азоблайсан ёки уларга гўзал суратда муносабатда бўласан, – деди.

Мана бу жавоб Зулқарнайннинг фикри соғломлигидан дарак беради:

“Золим бўлган кимсани, албатта азоблаймиз. Сўнгра Парвардигорига қайтарилгач, У Зот уни яна даҳшатли азоб билан азоблайди. Энди имон келтириб, яхши амал қилган зотга келсак, унинг учун гўзал оқибат – жаннат мукофот бўлади. Биз ҳам унга ишимиздан осон-енгилларини буюрамиз”.

Зулқарнайн қавм иши борасида Аллоҳ берган ихтиёрга жавобан:

– Ё Раббим! Улардан ким куфрда, фосиқлик ва исенда оёқ тираб туриб олса, ўша кимсани биз дунёда турли йўллар билан азоблаймиз. Кейин у Парвардигорига қайтарилади ва У Зот охиратда жаҳаннамнинг қаттиқ азоби билан жазо беради. Бироқ ким имон келтириб, солиҳ амалларни қилса, унга икки дунёда чиройли оқибат, ажр-

мукофот ва жаннат бўлади. Биз имон келтирган ва солиҳ амалларни бажарган инсонларга енгиллик қиламиз, уларни зинҳор машаққатга қўймаймиз.

“Сўнгра у (шарққа қараб) йўл олди. (Кетаётиб) кун чиқишга етиб боргач, (куёшнинг) бир қавм устига чиқаётганини кўрдик, Биз у (қавм) учун қуёшдан (сақлайдиган) бирон парда қилмаган эдик”.

Зулқарнайн қуёш ботиш тарафда мақсад қилган ишларини амалга оширгач, энди машриққа – кун чиқиш томонга йўл олди. У машриқ томондаги обод ерларнинг сўнги чегарасига етиб боргач, қуёш бир қавм устидан чиқиб келаётганини кўрди. Уларни қуёшдан тўсиб турувчи либос ҳам, иморат ҳам йўқ эди. Бу қавм ер остида ва ёрларда яшарди.

“Худди илгаригидек бўлди”.

Аллоҳ Зулқарнайнга худди шундай амр қилди. У Зот Зулқарнайнга жуда кўп имкониятлар ато қилган эди. Унинг мулки машриқ ва мағрибгача етиб борганди.

“Аниқки, Биз унинг барча ишларидан хабардормиз – (уни) ихота қилиб олгандирмиз”.

Аллоҳ Зулқарнайн ишини тўлиқ қамраб олганди. Аллоҳдан бирон нарса махфий бўлиб қолмайди. Аллоҳ Зулқарнайннинг қанча қўшини борлиги, куч-қуввати ва аслаҳаларини, подшоҳлиги ва салтанати билан боғлиқ барча нарсаларни мукамал билади.

“Сўнгра у яна йўл олди. (Кетаётиб) икки тоғ ўртасига етиб келгач, (тоғлар ортида) бирон гапни англай олмайдиган қавмни учратди”.

Зулқарнайн мағриб ва машриқдан кейин улар ўртасидаги учинчи йўлга отланди. У икки тоғ орасига етиб келганида, у ерда тилини тушуниб бўлмайдиган бир қавмни учратди. Тилининг нотанишлиги, ақллари калталиги сабабли, уларнинг гапни тушуна олмасди.

Айтилишича, бу икки тоғ – Арманистон ва Озарбайжон тарафдаги икки тоғдир. Бу ҳақда бошқа қавллар ҳам бор.

Улар: “Эй Зулқарнайн, шак-шубҳасиз, Яъжуж ва Маъжуж (номли қавмлар) ер юзида бузғунчилик қилувчилардир”, дедилар.

Яъжуж ва Маъжуж насаби ҳақида ихтилоф қилинган. Айтилишича, улар Нухнинг ўғли Ёфас наслидандир. Турклар ҳам улардан саналади. Яна бошқалар, Яъжуж турклардан, Маъжуж дайламдандир, дейишган.

Яъни, бир гапни англаб ололмайдиган бу қавм Зулқарнайнда куч-қувват ва салоҳиятни кўргач:

– Эй Зулқарнайн! Яъжуж ва Маъжуж қабиласи ер юзида фисқу фасод, босқинчилик, товламачилиқдан иборат турли ёмон ишларни қиладилар, – дейишди.

“Саҳихайн”да Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юзлари қизарган ҳолда уйқудан уйғондилар ва: “Лаа илааҳа иллаллоҳ! Яқинлашган ёмонлик сабаб арабларнинг ҳолига вой бўлсин! Бугун Яъжуж ва Маъжуж деворидан мана шунчаси очилди”, деб қўлларини ҳалқа қилдилар. Мен: “Ичимизда солиҳ кишилар бўлса ҳам ҳалок қилинамизми?” деб сўрадим. Шунда у зот: “Ҳа, агар нопокликлар кўпайиб кетса”, дедилар”.

“Бизлар сенга бир харажат – тўлов тўласак, биз билан уларнинг ўртасига бир тўғон қуриб берасанми?” дедилар.

Икки тоғ ортида яшовчи қавм Зулқарнайнга ишонганларидан унга бир манфаатли ишни таклиф қилишди. Уларнинг саволидан, қавм ўз ишларини Зулқарнайнга топширишга рози эканликлари маълум бўлади.

Яъни, эй Зулқарнайн, сенга жуда катта миқдорда бойлик берсак, бизларни Яъжуж ва Маъжужнинг хуружидан сақлайдиган мустаҳкам бир тўсиқ қуриб бера оласанми?!

Зулқарнайн уларнинг таклифига қуйидагича жавоб қайтарди:

– **Парвардигорим менга ато этган (салтанат сизлар берадиган мол-дунёдан) яхшироқдир. Бас, сизлар менга куч-қувват билан ёрдам беринглар, мен сизлар билан уларнинг ўртасига бир девор бино қилай”.**

Яъни, Зулқарнайн бир гапни тушунмайдиган қавмнинг таклифига жавобан:

– Аллоҳ таоло менга берган кенг ризқ, бойлик ва куч-қувват сизлар бермоқчи бўлган ҳақдан кўра яхшироқдир! Бойлигингиз ўзингизга буюрсин! Унинг ўрнига мен тарафда туриб девор қуришда ёрдам беринглар. Шунда мен сизлар билан Яъжуж ва Маъжуж ўртасига мустаҳкам девор тиклайман, – деди.

“Менга темир парчаларини келтиринглар! (Темир парчалари) иккала тоғ билан биробар бўлгач, “Дам уринглар!” деди.

Яъни, менга катта-катта темир парчаларини олиб келинглар, – деди Зулқарнайн.

Бас, улар Зулқарнайн талаб қилган нарсани олиб келишди. Темир парчаларини иккала тоғ билан баробар бўлгач:

– Икки тоғ орасидаги темир парчалари устига олов пурканглар! – деб айтди.

Бас, қачонки, у ўт қилгач, деди: “Менга эритилган мис ҳам келтиринглар, у (темир парчаларининг) устидан қуяман”.

Темир парчалари қип-қизил олов каби бўлганида, Зулқарнайн:

– Менга эритилган мис олиб келинг! – деди.

Зулқарнайн аввалига темир парчалари олиб келишни буюрди. Қавм талабни бажо келтиришгач, устма-уст қилиб икки тоғ орасини темир парчалари билан тўлдирди. Тоғ бўйи баробарида темир бўлақларини тиклагач, “Олов ёқинглар, босқонлар билан пуфланглар!” деди. Улар Зулқарнайн айтганини қилишди. Тоғ орасига тиклаб қўйилган темир оловдек қизил тус олганида: “Менга эритилган мис олиб келинглар. Бу темирни янада мустаҳкам қиламан”, деди Зулқарнайн.

Зулқарнайн тоғ ортида яшовчи қавм таклифини лаббай, деб қабул қилди ва уларнинг талабини бажо келтирди: Яъжуж ва Маъжуж хуружидан сақлайдиган бир салобатли девор қад кўтарди.

Қуръони карим хабар беришича, бу бақувват тўсиқни ошиб ўтишга Яъжуж ва Маъжуж қабиласи қодир бўлмади:

Энди улар (тўсиқ) устига чиқишга ҳам қодир эмаслар, уни тешик ўтишга ҳам қодир эмаслар”.

Яъжуж ва Маъжуж энди тоғ устига чиқишга имкон топа олмайдилар, уни тешиб ўтишга ҳам қодир эмаслар.

Зулқарнайн бундай улкан ишни бажариб, ўзини катта олгани йўқ. Балки Парвардигорига шукр қилиб, Унинг қудрати олдида ожиз экани эътироф этди:

“Бу Парвардигорим томонидан бўлган бир марҳаматдир. Энди қачон Парвардигорим ваъда қилган вақт келганида, ўзи у (тўсиқни) теп-текис қилиб қўяди. Парвардигоримнинг ваъдаси ҳақдир”.

Яъни, икки тоғ орасига бино қилинган девор Парвардигорим Аллоҳ таолонинг марҳаматидир. У Зотнинг раҳмати ҳамма нарсадан кенгдир.

Дунё охирлаганда ёки Яъжуж ва Маъжуж чиқиш вақти келганида, бу девор теп-текис қилиб қўйилади. Аллоҳ таоло бандаларига савоб ва жазо бериш ҳақидаги ваъдаси ҳақдир, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

(Имонида содиқ, Парвардигорига хокисор ва шукрли бандалар шундай бўлади. Улар инсонлар нигоҳида қанча катта ишларни бажармасинлар, ўзларини кичик олиб, қилган ишлари Аллоҳ таолонинг марҳамати, фазлу карами сабабидан бўлганини эътироф этадилар ва бунинг учун Аллоҳга ҳамду санолар айтадилар. – таржимон).

Зулқарнай қиссасидан қуйидаги манфаатлар олинади:

1. Ер юзидаги имкониятни Аллоҳ хоҳлаган бандасига беради. Бу Аллоҳ тарафидан улуғ неъматдир.

2. Ҳақни юзага чиқариш, ботилни даф қилиш учун ер юзи бўйлаб саёҳат қилиш содиқ мўминлар сифатларидандир.

3. Адолатли раҳбар золимларни зулмдан қайтаради, адолатли кишиларга яхшилик қилади.

4. Муруватли инсонлар қўлидан келганича муҳтожларга ёрдам беради, зулм кўраётганлардан жабр-истибодни қайтаришга ҳаракат қилади.

5. Муҳтож инсонга яхшилик қилганда бунинг савобини Аллоҳдан умид қилиш ва муҳтожларни тоқатидан ортиқ нарсага ундамаслик фазл эгаларига хос хислатдир.

6. Содиқ мўминлар ҳар бир яхшиликни Аллоҳга нисбат берадилар ва У Зотга шукр қиладилар. Аллоҳ уларга фазлини зиёда қилгани сари улар ҳам Парвардигорларига ҳамду сано айтиб ва шукр қилишни кўпайтириб борадилар. Зулқарнай қиссаси қуйидаги жумла билан тамомлангани қандай гўзал: “Бу Парвардигорим томонидан бўлган бир марҳаматдир. Энди қачон Парвардигорим ваъда қилган вақт келганида, ўзи у (тўсиқни) теп-текис қилиб қўяди. Парвардигоримнинг ваъдаси ҳақдир”.

УЛКАН СЕЛ ҲАҚИДАГИ ҚИССА

Аллоҳ таоло Сабаъ қабиласига жуда кўп улуғ неъматларни ато этганди. Аммо улар ношукрлик қилиб, ўзларига юқори баҳо бердилар. Натижада, Аллоҳ улардан бу неъматларни олиб қўйди. Шу маънодаги қисса Сабаъ сурасида келтирилган. Қуръони карим оятларига кулоқ тутайлик:

“Аниқки, Сабаъ (қабиласи) учун ўз масканларида бир аломат бор эди – ўнг томон ҳам, сўл томон ҳам боғ-роғ бўлиб, (Биз уларга:) “Парвардигорингиз (берган) ризқу рўзидан баҳраманд бўлинглар ва У Зотга шукр қилинглар! (Шаҳрингиз) покиза шаҳардир, (Парвардигорингиз) мағфират қилувчи Парвардигордир”, (деган эдик). Бас, улар юз ўгиришгач, Биз устларига тўғон билан (тўсиб қўйилган) селни (очиб) юбордик ва уларнинг боғларини аччиқтахир мевали, юлғунзор ва яккам-дуккам бутазор “боғлар”га алмаштириб қўйдик. Кофир бўлганлари сабаб уларни мана шу (жазо билан) жазоладик. Биз фақат кофир бўлган кимсагагина жазо берамиз. Биз улар билан ўзимиз баракотли қилган қишлоқ-шаҳарларининг орасида кўриниб турадиган қишлоқларни барпо қилиб (қўйган) ва улар орасида юришни ҳам ўлчаб-белгилаб (уларга:) “Бу (қишлоқларда) кечалари ҳам, кундузлари ҳам тинч-омон юраверинглар”, (деган эдик). Улар эса (бу неъматларга ношукрлик қилиб:) “Парвардигоро, сафарларимиз орасидаги (масофани) йироқ қилгин”, дейишиб,

ўзларига зулм қилдилар. Бас, Биз уларни (одамлар гапириб юрадиган) чўпчак-хикояларга айлантириб қўйдик ва бўлак-бўлак қилиб (ҳар томонга тарқатиб юбордик). Албатта бунда ҳар бир сабр-қаноат қилувчи, шукр қилувчи учун оят-ибратлар бордир. Ҳақиқатан, иблис уларнинг устидаги гумонини рўёбга чиқарди. Бас, (Сабаъ қабиласи иблисга) эргашдилар. Фақат бир гуруҳ мўминларгина (унга эргашмадилар). (Иблиснинг) улар устидаги ҳукмронлиги – фақат Биз охиратга имон келтирадиган кишиларни, ундан шак-шубҳада турган кимсалардан билиб-ажратиб олишимиз учун бўлгандир. Парвардигорингиз барча нарсани кузатиб турувчидир” (Сабаъ сураси, 15-22-оятлар).

Сабаъ аслида одамнинг исмидир. Яъни, унинг насаби: Сабаъ ибн Яшжаб ибн Яъраб ибн Қахтон ибн Ҳуд. Сабаъ Яман подшоҳларининг аввалгисидир.

Бу ерда Сабаъдан мурод, унинг исми билан номланган тураржой ёки қабилла. Улар Ямандаги Маърабда истиқомат қилишарди. Уларнинг ери жуда унумдор, боғу роғлари бор, турли хил мевали дарахтларга бой эди. Тўғон қурганларидан кейин фаровонликлари янада зиёда бўлди. Улар ёмғир сувларини тўплаб, хожати тушганида ундан фойдаланишарди. Бу тўғон “Маъраб тўғони” номи билан машҳур бўлган. Бироқ Сабаъ қабиласи Аллоҳ таолонинг неъматларига шукр қилмади. Оқибатда, қўлларидаги улуғ неъматлардан айрилдилар.

Ибн Касир шундай деган: “Сабаъ Яман подшоҳлари ва аҳли эди. Табобилар (яъни, Яман ҳукмдорлари) улардан эди. Билқис ҳам улардан эди. Улар жуда фаровон ҳаёт кечирардилар. Аллоҳ таоло уларни Ўзи берган ризқларидан истеъмол қилиб, шукр қилиш, Ёлғиз Ўзига ибодат қилишга чақириш учун пайғамбарларни юборган эди. Бироқ улар пайғамбарлар гапига қулоқ солмадилар. Шунда сел юборилиши билан жазоландилар.

Имом Аҳмад Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилича, бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Сабаъ ҳақида “Ким у? Эркакми, аёлми ёки жой номими?” деб сўради. Шунда у зот: “У эркак кишидир. Унинг ўн нафар ўғли бор эди. Улардан олти нафари: Мазҳиж, Кинда, Азд, Ашъарий, Анмор, Ҳимяр Яманда яшаган. Қолган тўрт нафари: Лахм, Жузом, Омила ва Ғассон эса Шомда яшаган”, деди²²⁴”.

“Аниқки, Сабаъ (қабиласи) учун ўз масканларида бир аломат бор эди”.

Яъни, Аллоҳга қасамки, Сабаъ қабиласи учун ўзлари яшаб турган масканларида Аллоҳнинг қудратига, У Зотнинг бандаларига меҳрибонлиги ва Унга шукр қилиш вожиблигига, ношукр кимсалар бошига балолар тушишига далолат қилувчи белги-аломатлар бор эди.

“Ўнг томон ҳам, сўл томон ҳам боғ-роғ бўлиб...”

Сабаъ аҳли учун ўнг томонда ҳам, чап томонда ҳам боғу роғлар бор эди. Бу боғлар тотли мевалар билан тўлиб тошганди.

Хабарларда келишича, гар бир аёл бошига сават қўйиб ўша боғлардан ўтса, дарахтлардан тўкилган мевалар саватини тўлдириб қўяр экан.

(Биз уларга:) **“Парвардигорингиз (берган) ризқу рўзидан баҳраманд бўлинглар ва У Зотга шукр қилинглар! (Шаҳрингиз) покиза шаҳардир, (Парвардигорингиз) мағфират қилувчи Парвардигордир”**, (деган эдик).

Яъни, Биз уларга пайғамбарларимиз ва солиҳ бандаларимиз тилидан:

²²⁴ “Тафсиру ибни касир”, 6-жуз, 491-бет.

– Парвардигорингиз сизларга ато этган мана шу ризқ-рўзлардан енглар, мазали мевалардан баҳраманд бўлинглар! У Зотга шукр қилинглари! Агар шукр қилсангиз, Аллоҳ сизларга янада зиёда қилади. Бу неъматларни берган Парвардигорингиз Аллоҳ мағфирати ва раҳмати кенг бўлган Зотдир, – дедик.

Шундан сўнг уларнинг ношукрликлари сабаб бошларига ёғилган мусибат ҳақида хабар қилинади:

“Бас, улар юз ўгиришгач, Биз устларига тўғон билан (тўсиб қўйилган) селни (очиб) юбордик ва уларнинг боғларини аччиқ-тахир мевали, юлғунзор ва яккам-дуккам бутазор “боғлар”га алмаштириб қўйдик”.

Улар сувни тўсиш учун улкан бир тўғон барпо қилгандилар. Аллоҳга итоат этмаганликлари, неъматларга ношукрлик қилганларидан, қолаверса, тўғон ишига бепарво қараб, уни вақтида ислоҳ қилишни тарк этганликларидан сўнг тўғон бузилиб, катта миқдордаги сув ҳосилдор ерларини вайрон этиб, экинзору боғларини пайҳон қилди. Уларнинг уй-жойлари вайронага айланди. Ўзлари эса турли юртларга тарқалиб кетдилар. Уларнинг бу забун холи ҳатто зарбулмасал бўлиб кетди. Яъни, хотиржамликни йўқотган, беҳаловат одамларга нисбатан “Сабаъ қабиласи каби тарқалиб кетди” ибораси ишлатилади.

Нонкўрликлари учун ширин мевалари еб бўлмас, аччиқ ва тахир меваларга айланиб қолди.

Бу улкан мусибатдан кейин Сабаъ қабиласининг баъзи уруғлари, жумладан, Авс ва Хазраж Мадинаи мунавварага, Азд қабиласи Уммонга, Ғассон қабиласи эса Шомга кўчиб ўтди.

Мана шу оятда неъматларни қадрига етмаслик, уни Аллоҳ рози бўладиган йўлларга сарфламаслик, ўша неъматнинг завола топишига, унинг ўрнига азоб-уқубат келишига ишора қилади. Шу сабаб қисса давомида:

“Кофир бўлганлари сабаб уларни мана шу (жазо билан) жазоладик. Биз фақат кофир бўлган кимсагагина жазо берамиз”, дейилган.

Яъни, Аллоҳ Сабаъ қабиласини неъматларга ношукрлик қилгани учун жазолади. Бу адолатли жазо эди. Аллоҳ оятларини инкор қилган, неъматларига нонкўрлик қилган, ҳидоятдан залолатни, тоатдан исённи афзал билган кимсаларни мана шундай жазолайди.

Шундан кейин уларнинг жоҳилликлари ва аҳмоқликлари сабабли йўлиққан бошқа бир мусибат зикр қилинади:

“Биз улар билан ўзимиз баракотли қилган қишлоқ-шаҳарларининг орасида кўриниб турадиган қишлоқларни барпо қилиб (қўйган) ва улар орасида юришни ҳам ўлчаб-белгилаб (уларга:) “Бу (қишлоқларда) кечалари ҳам, кундузлари ҳам тинч-омон юраверинглари”, (деган эдик).

Яъни, Аллоҳ таоло қудрати ва раҳмати билан Сабаъ аҳли орасида бир-бирига яқин қишлоқларни барпо қилган эди. Бир қишлоқдан иккинчисига бориш вақти ҳам белгилаб қўйилганди. Бунинг учун ярим кун ёки ундан камроқ вақт кетарди.

Айтилишича, мусофир бир қишлоқдан йўлга чиқса, қош қорайгунича нариги қишлоққа етиб оларди.

“Бу (қишлоқларда) кечалари ҳам, кундузлари ҳам тинч-омон юраверинглари”, (деган эдик).

Яъни, Биз уларга:

– Яхшиликлар билан тўла мана шу қишлоқлар орасида кундузи ҳам, кечаси ҳам тинч-хотиржам юраверинглар. Сизлар учун ҳар қандай ҳолатда ҳам тинчлик таъминлангандир, – дедик.

Мана шу оятларда Аллоҳнинг Сабаъ аҳлига берган улуғ неъматларидан бири зикр қилинмоқда. Улар учун муборак қишлоқлар орасида сафар қилиш жуда осон қилиниб, сафар давомида тинчлик ва омонлик таъминланганди. Бунинг улуғлигини фақат сафар қилган, йўл машаққатларини бошидан ўтказган одамгина билади.

Лекин Сабаъ қабиласидагилар бу неъмат қадрига етмадилар. Балки жоҳиллик қилиб, Аллоҳ таолога қуйидагича дуо қилдилар:

– **Парвардигоро, сафарларимиз орасидаги (масофани) йироқ қилгин.**

Аллоҳ уларга фазлу марҳаматидан улуғ неъматларни берганди. Бироқ фикри тор, ақли калта, сўқир кимсалар бунинг қадрига етмасдан:

– Ё Парвардигор! Бу қишлоқлар ўртасида саҳроларни пайдо қил! Масофани узоқлаштир! – деб Аллоҳга ёлвордилар.

“Ал-кашшоф” муаллифи айтганидек, улар фаровонлик ва хотиржамлик қадрини билмадилар, фаровонликдан зерикдилар, офиятни хушламадилар. Ўзлари учун бахтсизлик ва машаққатни сотиб олдилар. Бани Исроил ширинлик ва бедана ўрнига пиёз билан саримсоқ сўраганидек улар ҳам ўзлари учун шуни афзал билишди”.

“Ўзларига зулм қилдилар”.

Улар мана шу ёмон сўзни айтиб ўзларига жабр қилдилар. Уларнинг дуолари қабул қилинди. Натижада, осонгина сафар қилиш имконидан маҳрум бўлиб, машаққат ва қийинчиликка дучор бўлдилар.

“Бас, Биз уларни (одамлар гапириб юрадиган) чўпчак-хикояларга айлантириб қўйдик ва бўлак-бўлак қилиб (ҳар томонга тарқатиб юбордик)”.

Яъни, уларнинг талабларини бажо келтирдик. Одамлар гапириб юрадиган, зарбулмасал қиладиган, хикоялар қилиб қўйдик ва турли юртларга тарқатиб юбордик. Улардан баъзилари Шомга, бошқалари эса Ироққа қўчиб ўтишди. Улар аввалда яқдил бир уммат эдилар. Юртлари фаровон, хотиржам ва баракали диёр эди. Молу давлатлари, обрў-эътиборлари ҳам бор эди. Лекин берилган имкониятни қўлдан чиқардилар.

“Албатта бунда ҳар бир сабр-қаноат қилувчи, шукр қилувчи учун оят-ибратлар бордир”.

Аллоҳ томонидан берилган неъматларнинг қадрига етмагани учун уларнинг бошига шундай кўргиликлар солинди. Бунда Аллоҳнинг тоатига сабр қилувчи, У Зотнинг неъматларига шукр қилувчи оқил бандалар учун очиқ-равшан аломатлар бордир.

Шундан кейин Сабаъ қабиласининг куфри ва ношукрлиги сабаби баён қилинади:

“Ҳақиқатан, иблис уларнинг устидаги гумонини рўёбга чиқарди. Бас, (Сабаъ қабиласи иблисга) эргашдилар. Фақат бир гуруҳ мўминларгина (унга эргашмадилар)”.

Шайтон уларни тўғри йўлдан оздирди, Аллоҳга итоат этишдан қайтарди. Улар Парвардигорларига шукр қилмадилар, шайтон макрига алдандилар. Фақат бир гуруҳ мўминлар Аллоҳга ихлос билан ибодат қилганликлари учун иблис уларни йўлдан уролмади. Улар мустаҳкам арқонни ушлаб, хидоят йўлида бардавом бўлдилар.

Сабаъ қабиласи мажбурлаб йўлдан оздирилмади, балки улар ўз ихтиёрлари билан исёнга қўл урдилар. Нопок нарсани покизадан ажратиш учун шундай қилинганди:

“(Иблисининг) улар устидаги хукмронлиги – фақат Биз охиратга имон келтирадиган кишиларни, ундан шак-шубҳада турган кимсалардан билиб-ажратиб олишимиз учун бўлгандир”.

Улар шайтонга мажбуран эргашганлари йўқ. Иблис васвасасини қайтариш имкони бор эди. Агар Аллоҳга мустаҳкам боғланганларида унинг васвасасидан сақланардилар. Аллоҳ қайси банда охиратга имон келтирувчи ва қайси бири охиратдан шубҳада эканини ажратиб олиш учун шайтонга одам боласини васваса қилиш имконини берган.

“Парвардигорингиз барча нарсани кузатиб турувчидир”.

Яъни, эй мухтарам Пайғамбар, Парвардигорингиз ҳар нарсани кузатиб, кўриб турувчидир. Бирон нарса У Зотнинг ҳифзи ҳимояси, кузатиши, илми ва қудратидан четга чиқолмайди.

ҚИШЛОҚ АҲЛИ ҚИССАСИ

Аллоҳ таоло Ўзигагина ихлос билан ибодат қилишга чақириш, мақталган хулқлар билан хулқланиш, ширк амаллардан қайтариш учун қишлоқ аҳлига пайғамбарларни юборганди. Бироқ жуда озчилик одамлар набийларга имон келтирдилар.

Қишлоқ аҳли ҳақидаги қисса Ёсин сурасида қуйидагича келтирилган:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Сиз уларга (Антокия) қишлоғининг аҳли – у жойга элчилар келган пайтини мисол келтиринг²²⁵! Ўшанда Биз уларга икки (элчини) юборганимизда у иккисини ёлғончи қилишгач, Биз (уларни) учинчи (элчи) билан қувватлантирдик. Бас, (уччала элчи:) “Ҳақиқатан, биз сизларга (юборилган) элчилармиз”, деган эдилар, улар: “Сизлар ҳам худди ўзимизга ўхшаган одамларсиз. Раҳмон (яъни, Аллоҳ) бирон нарса нозил қилгани йўқ. Сизлар фақат ёлғон сўзляяпсизлар”, дедилар. (Элчилар) айтдилар: Парвардигоримиз биладики, бизлар шак-шубҳасиз, сизларга (юборилган) элчилармиз. Ва бизларнинг зиммамизда фақат очиқ-равшан етказишгина бордир”. Улар дедилар: “Ҳақиқатан, биз сизлар ҳақингизда бадгумондамиз. Қасамки, агар тўхтамасангизлар, албатта сизларни тошбўрон қиламиз ва сизларга биз томондан бир аламли азоб етади”. (Элчилар) айтдилар: “Бадгумонингиз ўзларингиз биландир! Сизларга ваъз-насиҳат қилинса (қабул қилиш ўрнига бадгумонда бўлиб, дўқ-пўписа қиласизларми?!) Йўқ, сизлар ҳаддан ошган қавмдирсиз!” (Ёсин сураси, 13-19-оятлар).

Қуртубий шундай деганлар: “Жумхур уламоларга кўра, бу қишлоқ Антокиядир. Айтилишича, Исо алайҳиссалом Аллоҳга даъват қилиш учун Антокия шаҳрига ўз элчиларини юборган²²⁶”.

Қуртубий ва бошқа муфассирлар айтган гапни Ибн Касир маъқулламаган. Балки у киши: “Кўплаб салафлардан нақл қилинишича, бу қишлоқ Антокиядир. Элчилар эса Исо алайҳиссалом томонидан юборилган эканлар. Бир қанча сабабларга кўра, бундай мулоҳазалар бор:

²²⁵ Бу қисса орқали Қуръон Макка муширларини Муҳаммад Пайғамбар алайҳиссаломга имон келтирмасликнинг мудҳиш оқибатларидан огоҳлантиради (Шайх Алоуддин Мансур, “Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”).

²²⁶ Қаранг: “Тафсирул куртубий”, 15-жуз, 14-бет.

Биринчидан, оятнинг зоҳирига кўра, ўша элчилар Исо алайҳиссалом тарафидан эмас, Аллоҳ томонидан юборилган: “Ўшанда Биз уларга икки (элчини) юборганимизда у иккисини ёлғончи қилишгач, Биз (уларни) учинчи (элчи) билан қувватлантирдик”.

Иккинчидан, Антокия аҳли Исо алайҳиссалом элчиларига имон келтирган. Масих алайҳиссаломга илк имон келтирган шаҳар ҳам Антокиядир. Шу сабабли, насронийлар наздида масихий дин уламолари бор тўрт шаҳардан бири Антокиядир.

Учинчидан, Антокия аҳли билан Исо алайҳиссалом асҳоблари – ҳаворийлар қиссаси Таврот нозил қилинганидан кейин бўлган. Абу Саид Худрий ва бошқалар ривоят қилишича, Аллоҳ таоло Тавротни нозил қилганидан кейин бирон уммат бошига азоб туширмаган. Балки мўминларга мушрикларни қатл қилишга буюрган.

Шундан маълум бўладики, мазкур қишлоқ Антокия эмас. Чунки “Антокия” номи билан шуҳрат қозонган қишлоқ насроний замонида ҳам, бошқа даврларда ҳам ҳалок қилингани маълум эмас²²⁷.

Бизнингча, аллома Ибн Касирнинг гаплари ҳақиқатга яқинроқ. Сабаби, Қуръони каримда қишлоқ аҳли кимлар экани айтилмаган. Шу ва бошқа қиссаларда ундан олинадиган панд-насихат ва ибратларга эътибор қаратилади.

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Сиз уларга (Антокия) қишлоғининг аҳли – у жойга элчилар келган пайтини мисол келтиринг!”

Яъни, эй муҳтарам Пайғамбар, Макка мушрикларига куфр ва ўжарликда бардавом бўлган қишлоқ аҳлининг аҳволини мисол қилиб келтиринг! Уларнинг оқибати ҳам худди шу қишлоқ аҳлиники каби бўлишидан огоҳлантиринг!

Эй Муҳаммад алайҳиссалом, элчилар қишлоқ аҳлини тўғри йўлга бошлаш учун келгандилар. Макка мушриклари ҳам Сизга нисбатан худди улар каби муомала қилмоқдалар.

Ўшанда Биз уларга икки (элчини) юборганимизда у иккисини ёлғончи қилишгач, Биз (уларни) учинчи (элчи) билан қувватлантирдик. Бас, (уччала элчи:) “Ҳақиқатан, биз сизларга (юборилган) элчилармиз”, деган эдилар.

Яъни, Биз ўша қишлоққа икки нафар элчимизни юборгандик. Аммо улар икковини ёлғончига чиқариб, уларнинг даъватидан юз ўгиришди. Шунда Биз уларни учинчи элчи билан қувватлантирдик. Уччала элчи қишлоқ аҳлига қарата:

– Ҳақиқатан, биз сизларга юборилган Аллоҳнинг элчиларимиз. Бас, бизга итоат этинглар, Парвардигорингиз Аллоҳга чин ихлос ила ибодат қилинглар, бут-санамларга сиғинишни бас қилинглар! – дейишди.

Шундан кейин элчилар ва қишлоқ аҳли ўртасида кечган қизгин баҳс-мунозара ҳақида сўз юритилади:

Улар: “Сизлар ҳам худди ўзимизга ўхшаган одамларсиз. Раҳмон (яъни, Аллоҳ) бирон нарса нозил қилгани йўқ. Сизлар фақат ёлғон сўзляяпсизлар”, дедилар.

Қишлоқдагилар элчиларни инкор қилиб, уларга ҳурматсизлик кўрсатдилар.

– Сизлар худди биз каби оддий одамларсиз, биздан фарқли жиҳатингиз йўқ сизларнинг! – дедилар.

Уларнинг даъвосига кўра, пайғамбарлар оддий инсонлардан қандайдир жиҳатлари билан ажралиб туриши керак эди.

²²⁷ Қаранг: “Тафсиру ибни касир”, 6-жуз, 559-бет.

Улар сўзларига куйидагиларни кўшимча қилишди:

– Даъват қилаётган нарсаларингиздан Аллоҳ бирон нарсани нозил қилмаган. “Биз пайғамбарлармиз”, деб ёлғон айтяпсизлар, – дейишди.

Шундай қилиб, қишлоқ аҳли ўзларига юборилган элчиларни тан олишмади. Уларни ёлғончиликда айблашди. Лекин элчилар бу гапларга сабр-тоқат қилиб, қишлоқ аҳлига:

– **Парвардигоримиз биладик, бизлар шак-шубҳасиз, сизларга (юборилган) элчилармиз. Ва бизларнинг зиммамизда фақат очиқ-равшан етказишгина бордир,** – деб жавоб қайтаришди.

Яъни, улар ишонч ва одоб билан:

– Ёлғиз Парвардигоримиз сизларга пайғамбар эканимизни биледи. Унинг илми кифоя қилади. Зиммамизда сизларга Парвардигоримиз топшириғини етказиш бор, холос. Бунда ҳеч қандай ноаниқлик ва адашиш йўқдир, – дедилар.

Кўриниб турибдики, Аллоҳнинг элчилари қишлоқ аҳлига улар каби жоҳиллик билан жавоб қайтарганлари йўқ. Балки уларнинг жавобида кучли мантиқ бор эди. Ақл эгалари бу сўзларни эшитиб, уларнинг ҳақ элчилар эканини билиб оларди.

Бироқ қишлоқ аҳолиси соғлом мантиққа асосланган сўзларга эътибор қилмадилар. Уларга бу тарзда раддия бердилар:

– **Ҳақиқатан, биз сизлар ҳақингизда бадгумондамиз. Қасамки, агар тўхтамасангиз, албатта сизларни тошбўрон қиламиз ва сизларга биз томондан бир аламли азоб етади.**

Яъни, орамизда турганингиздан шумланиямиз. Бу ердалингизгизни хушламаямиз. Юзингизга қарашни ёқтирмаймиз. Қасамки, агар бу ердан қорангизни ўчирмасангиз ва бўлмағур гапларингизни бас қилмасангиз, сизларни тошбўрон қиламиз, қаттиқ азоблаймиз! – деб дағдаға қилишди.

Лекин элчилар ҳам бўш келмадилар, уларга сабот ва ҳикматли йўл билан куйидагича жавоб қайтаришди:

– **Бадгумонингиз ўзларингиз билан! Сизларга ваъз-насихат қилинса (қабул қилиш ўрнига бадгумонда бўлиб, дўқ-пўписа қиласизларми?!) Йўқ, сизлар ҳаддан ошган қавмдирсиз!**

Яъни, аслида шумланишингизга биз сабабчи бўлмадик, балки шумланиш ўзингиздандир. Куфрда оёқ тираб туриб олганингиз, ҳақдан юз ўгирганингиз учун шундай кўйга тушгансизлар! Сизлар маъсиятларга кўмилиб кетдингиз, ҳақдан ботилни афзал билдингиз, яхши гумондан кўра шумланишни устун қўйдингиз. Сизлар ҳаддан ошган бир қавмсиз! – деб жавоб қайтаришди элчилар.

Шундан кейин қишлоқ аҳли ва солиҳ бир инсон ўртасида бўлиб ўтган суҳбат келтирилади. Аллоҳ таоло шундай дейди:

“(Шу пайт) бир киши шаҳарнинг бир чеккасидан шошганча келиб деди: “Эй қавмим, бу элчиларга эргашинглар! Ўзлари ҳидоятда бўлган ва сизлардан бирон ажр-мукофот сўрамайдиган зотларга эргашинглар²²⁸!” (Бу сўзларни эшитган қавми: “Ҳали сен ҳам шуларнинг динидамисан?!” деганларида, у айтди:) “Нега мен ўзимни яратган Зотга ибодат қилмайин?! Сизлар ҳам Ёлғиз Унгагина

²²⁸ Ривоят қилинишича, бу киши шаҳар четида истиқомат қилувчи художўй ва саховатли бир одам бўлиб, исми Ҳабиб Наҷжор эди. У ҳамшаҳарлари ўзларини ҳақ йўлга даъват қилиш учун келган элчиларни ёлғончи қилишиб, ўлдиршимоқчи бўлиб турганларидан хабар топгач, шошганча уларнинг олдига келиб, мазкур оятлардаги сўзларни айтган (Шайх Алоуддин Мансур, “Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”).

қайтариласизлар. Мен У Зотни қўйиб (жонсиз бутларни) худо қилиб олайми?! (Ҳаргиз ундай қилмайман. Чунки) агар Раҳмон менга бирон зиён етказишни истаса, у (бут)ларнинг қўллаб-қувватлашлари мени бирон нарсадан беҳожат қила олмайди ва улар мени қутқара олмайдилар. У ҳолда мен шак-шубҳасиз, очиқ залолатда бўламан. Ҳақиқатан, мен Парвардигорингизга имон келтирганман. Бас, мени тингланг!” (Лекин жоҳил қавм Ҳабиб Нажжорнинг сўзларига кулоқ солмасдан қатл қилишгач, унга:) “Жаннатга кир”, дейилди. У айтди: “Қани эди қавмим ҳам мени Парвардигорим мағфират қилгани ва азиз-мукаррам кишилардан қилганини билсалар эди”. Биз кейин унинг қавми устига осмондан бирон қўшин туширмадик. Биз (ҳеч нарса) туширувчи бўлмадик. Фақат бирданига даҳшатли кичкириқ бўлди-ю, баногоҳ улар “ўчиб” қолдилар. Бандаларга ҳасрат-надомат бўлгай! Уларга бирон пайғамбар келмас, магар улар унинг устидан масхара қилиб кулувчи бўладилар. Ахир улар ўзларидан илгари ҳам Биз қанча асрларни (яъни, авлодларни) ҳалок қилганимизни – ўшалар уларнинг олдига қайтиб келмасликларини кўрмадиларми?! Ҳеч шак-шубҳасиз, барчалари Бизнинг даргоҳимизда ҳозир қилинувчилардир” (Ёсин сураси, 20-32-оятлар).

Пайғамбарлар келгани ҳақидаги хабар бутун қишлоққа овоза бўлди. Одамлар ичидан баъзилари уларга таҳдид қилишганини билиб, шаҳар чеккасида яшайдиган бир ақли соғлом киши қавмига насиҳат қилиш, пайғамбарларга азият етказишдан қайтариш учун қавми олдига ошиқди:

“(Шу пайт) бир киши шаҳарнинг бир чеккасидан шошганча келиб...”

Айтилишича, бу кишининг исми Ҳабиб Нажжордир. У дурадгорлик билан шуғулланган.

Баъзи муфассирлар унинг касби-кори ва ҳолати ҳақида зикр қилишган. Ўйлаймизки, буларни келтиришдан бирон наф йўқ. Чунки муфассирлар айтган гапларни тасдиқлайдиган битта ҳам саҳиҳ ривоят ворид бўлмаган.

Аллоҳ таоло у кишининг исми, касби ва ҳолатини зикр қилмаган. Парвардигори олам уни Қуръони каримда зикр қилишининг ўзи унинг учун улуғ фахрдир. Биздан талаб қилинадигани солиҳ кишиларга эргашиш ва имонда собитқадамлик билан улар ордидан юришдир.

Қисса аввалида пайғамбарлар юборилган жой қишлоқ дейилганди. Бу ерда эса шаҳар деб айтилмоқда. Бу, унинг худудлари жуда кенг бўлгани, элчилар ҳақидаги хабар бутун юрт бўйлаб дув-дув овоза бўлганидан дарак беради.

“Шошганча келиб...” дейишидани ўша мўмин кишининг нафси пок, қалби соғлом, ҳиммати баланд, қатъиятли эканини билиб оламиз. У пайғамбарлар ва қавми олдига келиб, ҳақ сўзни баралла айтишга шошилди. Кўпчилик каби жимгина ўтиравермади. Балки қавмини яхшиликка йўллаб, ёмонликдан қайтариш умидида улар томон шошилди.

“Эй қавмим, бу элчиларга эргашинглар!”

Бу ерда Ҳабиб Нажжор қавми олдига етиб борганида айтган сўзлари келтирилмоқда.

Яъни, у қавмига насиҳат қилиб:

– Эй қавмим! Сизларни энг тўғри йўлга бошлаш, очиқ залолатдан қутқариш учун келган пайғамбарларга эргашинг! – деб хитоб қилди.

“Ўзлари ҳидоятда бўлган ва сизлардан бирон ажр-мукофот сўрамайдиган зотларга эргашинглар!”

Яъни, Парвардигорингиз юборган бу зотлар ортидан юринг, насиҳатларини қабул қилинг. Улар ўзлари тўғри йўлдадилар, соғлом ақидаларида собитқадамлар, тўғри йўлга бошлаганлари учун сизлардан ҳақ талаб қилмайдилар. Агар бу элчиларга эргашсангиз, молингиз камайиб қолмайди. Балки дунёда ҳам, охиратда ҳам нажот топасизлар.

Бу сўзларни эшитган қавми: “Ҳали сен ҳам шуларнинг динидамисан?!” деганларида, у айтди:

– Нега мен ўзимни яратган Зотга ибодат қилмайин?! Сизлар ҳам Ёлғиз Унгагина қайтариласизлар. Мен У Зотни қўйиб (жонсиз бутларни) худо қилиб олайми?! (Ҳаргиз ундай қилмайман. Чунки) агар Раҳмон менга бирон зиён етказишни истаса, у (бут)ларнинг қўллаб-қувватлашлари мени бирон нарсадан беҳожат қила олмайди ва улар мени қутқара олмайдилар. У ҳолда мен шак-шубҳасиз, очик залолатда бўламан. Ҳақиқатан, мен Парвардигорингизга имон келтирганман. Бас, мени тингланг!

Яъни, солиҳ киши қавмига қарата:

– Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишдан мени нима тўсиб туради?! Мен аввалда ҳеч нарса эмасдим. У Зот йўқдан бор қилди мени. Вафот этганимиздан кейин яна Аллоҳга қайтамиз. Аллоҳ сизлар дунёда бажарган ишларингизни ҳисоб қилади. Шунга қараб, мукофот ёки жазо беради, – деб насиҳат қилди.

“Мен У Зотни қўйиб (жонсиз бутларни) худо қилиб олайми?!”

Бу ердаги савол инкор ва рад этиш маъносидадир.

Яъни, Аллоҳга ибодат қилишда бирон нарсани шерик қилиш жоиз эмас!

(Ҳаргиз ундай қилмайман. Чунки) агар Раҳмон менга бирон зиён етказишни истаса, у (бут)ларнинг қўллаб-қувватлашлари мени бирон нарсадан беҳожат қила олмайди ва улар мени қутқара олмайдилар”.

Яъни, агар Аллоҳ менга зарар етказишни истаса, ўша бутлар мендан бирон нарсани қайтаролмайди, мени қўллаб-қувватлашга ҳам қодир бўлмайди. Агар Парвардигорим бошимга бирон мусибат тушишини ирода қилса, бу жонсиз санамлар мендан азобни тўсиб қололмайдилар!

“У ҳолда мен шак-шубҳасиз, очик залолатда бўламан”.

Яъни, агар мен ибодатда Аллоҳга бошқа “илоҳлар”ни шерик қилсам, у ҳолда адашиб кетишим аниқ.

Шундан кейин шижоат билан ўз имонини эълон қилди:

– Ҳақиқатан, мен Парвардигорингизга имон келтирганман. Бас, мени тингланг!

Яъни, сизларни яратган ва ризқлантирувчи Парвардигорингизга имон келтирдим. Бас, мен айтаётган гапларга қулоқ солинг! Аллоҳга ишонганимга, манави бутларни инкор қилиб, Парвардигоримга бирон нарсани шерик қилмаслигимга гувоҳ бўлинг!

Қалбида имон мустаҳкам ўрнашган мўмин киши ҳақни муносиб тарзда ҳимоя қила олди. У маломатчининг таънаю дашномларидан ҳеч ҳам чўчимади. Қавмини турли йўллар билан тўғри йўлга бошлади, уларни ширк амаллардан қайтарди. Лекин жоҳил қавм Ҳабиб Нажжорнинг ҳикматли насиҳатларига кирмади. Оятнинг сиёкига кўра, қавм солиҳ кишини қатл қилишгач, унга:

– Жаннатга кир, – дейилди.

Солиҳ киши вафот этаётганида фаришталар унга башорат бериб:

– Имонинг ва эзгу амалинг сабаб жаннатга кир! – дейишди.

Бу ердаги буйруқдан мурод, жаннатга киришга изн берилишидир. Бу, қишлоқ аҳлига юборилган элчиларни тасдиқлаган солиҳ киши дунёдан ўтганига ишорадир. Ибн Масъуддан ривоят қилинишича, ўша киши айтадиган гапларини айтиб бўлганидан кейин қавм уни қатл қилган.

Айтилишича, бу ердаги буйруқ изн эмас, балки жаннатга кириш ҳақидаги башоратдир. Яъни, ўлим фаришталари унга аҳли жаннатдан эканини, қиёмат куни қайта тирилиб ҳисоб қилингандан кейин мўминлар билан бирга жаннатга киришини башорат беришган²²⁹.

У айтди: “Қани эди қавмим ҳам мени Парвардигорим мағфират қилгани ва азиз-мукаррам кишилардан қилганини билсалар эди”.

Бу ерда солиҳ кишининг башоратдан кейин айтган гаплари келтирилмоқда.

Яъни, солиҳ кишига: “Имонинг ва солиҳ амалларинг сабаб жаннатга кир!” дейилди. Шунда у:

– Мени қатл қилган, насихатларимга қулоқ солмаган қавмим Парвардигорим берган мукофотни, У Зот мени мағфират қилиб, фазлу карами ила мукаррам бандаларидан қилганини билишса эди! – деб айтди.

Ибн Касир шундай деган: “Агар қавм аъзолари солиҳ киши эришган савоб, неъматларни кўрганларида, албатта пайғамбарларга эргашган бўлардилар. Аллоҳ ўша солиҳ кишига раҳм қилсин, ундан рози бўлсин! У қавмининг ҳидоятга келишини жуда хоҳлаганди, уларнинг тўғри йўлга юришларидан умидвор бўлганди²³⁰”.

“Ал-кашшоф” муаллифи шундай деганлар: “Бу ерда жоҳилларга мулойим муомала қилиш, ғазабни босиш, ўзига ёмонлик қилганларга ҳам яхши муомала қилиш, уларга холислик қилиш, манфаати йўлида жонини фидо қилиш, уларни дуоибад қилмаслик лозимлигига ишора бордир. Ахир солиҳ киши ўзини қатл қилган, бут-санамларга сиғинган кофир кимсаларга яхшилиқни соғинганини кўрмайсанми²³¹?”

Шундан кейин қишлоқ аҳли бошига тушган кўргилик ҳақида хабар берилади:

“Биз кейин унинг қавми устига осмондан бирон қўшин туширмадик. Биз (ҳеч нарса) туширувчи бўлмадик”.

Яъни, Биз унинг ўлиmidан кейин қишлоқ аҳлини ҳалок қилиш учун осмондан азоб фаришталарини туширмадик. Чунки бирон нарса қилишимизга арзимас эдилар. Уларнинг шаъни пастлиги ва ҳоли хароб экани учун Биз осмондан бирон нарса туширувчи бўлмадик.

“Фақат бирданига даҳшатли қичқирик бўлди-ю, баногоҳ улар “ўчиб” қолдилар”.

Уларнинг бошига туширган уқубатимиз биргина қичқириқдан иборат бўлди. Жаброил Бизнинг амримиз билан қаттиқ қичқирди. Натижада, улар қимирлашга ҳам мажоллари келмайдиган маййитларга айландилар, барчалари, битта қолмай ҳалок бўлдилар. Улар аввал ловуллаб ёниб турган олов эдилар. Кейин эса бирдан ўчиб қолдилар.

²²⁹ “Тафсирул алусий”, 22-жуз, 228-бет.

²³⁰ “Тафсиру ибни касир”, 6-жуз, 558-бет.

²³¹ “Тафсирул кашшоф”, 4-жуз, 11-бет.

Элчиларни ёлғончига чиқариб, насиҳатини қабул қилмаган, солиҳ кишиларни қатл қилган кўрнамак кимсалар оқибати мана шундай бўлади.

Аллоҳ таоло ёлғончи кимсалар оқибатидан хабар бергач, барча инсонларни вақт борида панд-насиҳат олишга, тўғри йўлдан юришга амр қилади:

– Бандаларга ҳасрат-надомат бўлмай! Уларга бирон пайғамбар келмас, магар улар унинг устидан масхара қилиб қулувчи бўладилар.

Кўлдан чиқарилган имконият сабабидан қаттиқ ғамга ботиш, надомат чекиш “ҳасрат” дейилади.

Бу ердаги “бандалар”дан мурод, элчиларни инкор қилган кишилардир. Улар тўғри йўлдан кўра сўқирликни афзал билишди. Бу ерда, аввало, ана ўша кимсалар назарда тутилмоқда. Кофир кимсалар ҳолидан ажабланилмоқда. Уларнинг холи хайратланишга, ажабланишга ва ибрат олишга муносиб экани баён қилинмоқда. Ахир уларнинг бошига тушган мусибат ва кўргилик мана шунга далолат қилади.

Оятнинг маъноси қуйидагича: куфрлари сабаб ҳалок қилинган ўша бандаларга ҳасрат-надомат бўлсин! Улар ҳидоят элчилари бўлмиш пайғамбарлар устидан қулиб, масхара қилиб, уларни камситишди, даъватларига унашмади. Аслида ақллари ишлатганларида, анбиёлар даъватига лаббай деб ижобат қилган, Аллоҳга итоат этган бўлишарди.

Сўнгра ўзларидан олдин ўтган қавмлар қиссасидан ибрат олмайдиган Макка кофирлари танқид остига олинади:

“Ахир улар ўзларидан илгари ҳам Биз қанча асрларни (яъни, авлодларни) ҳалок қилганимизни – ўшалар уларнинг олдига қайтиб келмасликларини кўрмадиларми?!”

Яъни, Биз куфрда қаттиқ туриб олганлари, пайғамбарларини истехзо қилганлари туфайли олдин ўтган қанчадан-қанча умматларни ҳалок қилганимизни Макка кофирлари наҳотки билмасалар?! Ҳалок қилинган ўша қавмлар улар олдига келиб, бошларига тушган мусибат ҳақида асло хабар беролмайдилар. Улар бунга қодир эмаслар. Аллоҳ ирода қилган ҳикматга кўра шундай бўлади.

Бироқ улар қиёмат куни қабрларидан чиқиб, ҳисоб қилиниш учун У Зот ҳузурда тўпланадилар:

“Ҳеч шак-шубҳасиз, барчалари Бизнинг даргоҳимизда ҳозир қилинувчилардир”.

Макка аҳли ва бошқалар билдиларки, Биз аҳли золим бўлган жуда кўп қишлоқларни ҳалок қилдик. Ҳалок қилинган кимсалар дунёда Макка аҳли олдига қайтиб келганлари йўқ. Бироқ аввалги ва охириги авлодлар жамоаси қиёмат куни албатта Бизнинг ҳузуримизга қайтиб келадилар. Биз уларнинг амалларига мувофиқ ҳисоб қиламиз. Уларга мукофот ё жазо берамиз.

Бу ҳақида бошқа оятда шундай дейилган: “Қасамки, албатта барча (халойиққа) қилган амалларининг (жазосини) Парвардигорингиз комил қилиб беради. Албатта У Зот улар қилаётган амалларидан Хабардордир” (Ҳуд сураси, 111-оят).

Бу ҳикматли қиссадан қуйидаги хулосалар чиқади:

1. Аллоҳ таоло бандаларига марҳамати чексиздир. У Зот уларга бир эмас, бир қанча пайғамбарларни юборган.

2. Оқил кишилар жоҳиллар жаҳолатига, тентак кимсалар нодонлигига мулойимлик ва сабр-бардош билан жавоб қайтарадилар.

3. Ҳар қандай уммат ичида қалби пок, одоб-ахлоқ эгаси бўлган инсонлар топилади. Улар ҳақ тарафда туриб, адолатни ҳимоя қиладилар. Шаҳарнинг нариги четидан шошилганча келиб элчилар ҳимоясига ошиққан солиҳ киши Ҳабиб Нажжор бунга ёркин мисол бўлади.

4. Золим қавми ҳалок қилиш, ҳидоятдан кўра залолатни афзал билган жоҳилларни азоблаш Аллоҳнинг адолатидандир.

5. Ақлли кишилар ўзларидан аввал ўтган қавмлар қиссасидан ибрат оладилар, уларнинг хатоларини такрорламасликка ҳаракат қиладилар. Солиҳларга эргашиш ва бетавфиқлар даврасини тарк этиш фаросат соҳибларининг одатидир.

БОҒ ЭГАЛАРИ ҚИССАСИ

Боғ эгалари қиссасининг қисқача баёни шундай: бир солиҳ киши ўғилларига мевали боғини қолдириб кетади. Вафот этаётганида боғдаги меваларнинг бир қисмини камбағал ва мискинларга беришни васият қилади. Бироқ ота вафотидан кейин ўғиллар васиятни унутиб, бахиллик қилишиб, оқибатда, боғларидан айрилишади. Мевалар ҳақини адо қилмаганлари ва хасисликлари сабабидан мевали боғларига талафот етади.

Ана энди Қуръони каримга қулоқ тутамиз. Оятларда мазкур қисса ўта балоғатли ва таъсирли услубда баён қилинган. Аллоҳ таоло шундай дейди:

“Ҳақиқатан, Биз уларни (Макка аҳлини очарчилик ва қаҳатчилик билан) балолодик. Биз (илгари) боғ эгаларини ҳам худди шундай (маҳрумлик билан) балологан эдик. Ўшанда улар, албатта уни эрта тонгда (ҳақ-улуш) ажратмаган ҳолларида узиб олишга қасам ичган эдилар. Бас, улар уйқуда бўлган чоғларида унинг устида Парвардигорингиз томонидан бўлган айланувчи бир айланди-ю, узилгандек бўлиб қолди. Улар эса тонгда туришиб: “Агар (ҳосилни) узмоқчи бўлсангиз, зироатгоҳларингизга юра қолинглар”, (деб) бир-бирларини чақирдилар. Сўнг: “Бугун устларингизга бирон мискин кириб қолмасин-да”, (дейишиб) бир-бирларига пичирлашган ҳолларида жўнаб кетдилар. Улар ёмон ният билан қодир бўлган ҳолларида тонг-сахарлаб бордилар. Энди қачон уни кўришгач, (аввал): “Шак-шубҳасиз, биз йўлдан адашиб қолдик”, дедилар. (Сўнг бу ўзларининг боғлари эканини билишгач:) “Йўқ, бизлар (боғимиздан) маҳрум бўлибмиз”, дедилар. (Шунда) уларнинг инсофлироғи: “Мен сизларга (Аллоҳга) тасбеҳ айтиб – шукр қилмайсизларми, демаганмидим?” деган эди, улар (вақт ўтгач): “Парвардигоримизга тасбеҳ айтамиз. Ҳақиқатан, бизлар (ўзимизга) зулм қилувчи бўлдик”, дедилар. Сўнг бир-бирларига бокиб, маломат қилиша бошлашди. Улар дедилар: “Эй, ўлим бўлсин сизларга! Ҳақиқатан, бизлар хаддан ошувчи бўлдик. Шояд Парвардигоримиз бизларга ундан ҳам яхшироғини алмаштириб берса. Бизлар албатта Ёлғиз Парвардигоримизга рағбат-илтижо қилувчилармиз”. (Аллоҳнинг амридан четга чиққан кимсалар учун) мана шундай азоб бордир. Агар билсалар, охират азоби шак-шубҳасиз, янада каттароқдир. Албатта тақводор зотлар учун Парвардигори хузурида ноз-неъмат боғлари бордир” (Қалам сураси, 17-34-оятлар).

Ибн Касир шундай деганлар: “Аллоҳ таоло буни Қурайш кофирларига мисол қилиб келтирган. Аллоҳ уларга Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни юбориб улуғ марҳамат кўрсатган ва улкан неъматлар ато этганди. Бироқ улар мухтарам

Пайғамбарни тасдиқлаш ўрнига ёлғончига чиқаришди ва у зотга тиш-тирноқлари билан қаршилик қилишди.

Баъзи салафлар зикр қилишича, боғ эгалари Яман аҳлидан бўлишган. Улар “Заравон” дейиладиган қишлоқда яшаганлар. У Санъодан олти мил узоқликдадир. Ота болаларига бу боғни мерос қилиб қолдирганди. Улар аҳли китобдан эдилар. Оталари яхши хулқли инсон бўлган. Боғдаги меваларнинг керагини олиб, қолганини камбағалларга садақа қилиб юборарди.

Солиҳ ота вафот этгач, боғ ўғилларига мерос қолди. Улар: “Отамиз роса аҳмоқ одам бўлган. Бу боғнинг меваларидан бир қисмини камбағалларга улашган. Агар биз уларга улуш ажратмасак, молимиз янада кўпаяди!” дедилар. Улар шунга азму қарор қилишгач, ният қилган нарсаларининг тескариси содир бўлди. Уларнинг қўлидаги барча нарса ҳалок қилинди: сармоя ҳам, ундан келадиган фойда ҳам кетказилди. Қўлларида ҳеч вақоси қолмади. Бор-будидан айрилишди²³²”.

“Ҳақиқатан, Биз уларни (Макка аҳлини очарчилик ва қаҳатчилик билан) балолодик. Биз (илгари) боғ эгаларини ҳам худди шундай (маҳрумлик билан) балологан эдик”.

Бу ердаги “балолаш”дан мурод, имтиҳон қилиш, синашдир. Бу яхшилик билан ҳам, ёмонлик билан ҳам бўлиши мумкин. Бу хусусда Аллоҳ таоло шундай деган: “Ҳар бир жон ўлимни тотиб кўрувчидир. Биз сизларни (сабр-тоқатларингизни синаш учун) ёмонлик билан ҳам, (шукр қилишингизни билиш учун) яхшилик билан ҳам “алдаб” имтиҳон қиламиз. (Кейин барчаларингиз) фақат Бизгагина қайтариласизлар” (Анбиё сураси, 35-оят).

Бошқа ўринда эса бундай дейилади: “Биз уларни (яъни, яҳудийларни) бутун ер юзига жамоа-жамоа қилиш бўлиб юбордик. Уларнинг ораларида яхшилари (имон келтирганлари) ҳам, ундай эмаслари (имонсизлари) ҳам бор. Уларни (куфр ва исёндан) қайтишлари учун кўп яхшилик (неъматлар) ва ёмонлик (балолар) билан синаб кўрдик” (Аъроф сураси, 168-оят).

Юқоридаги оятнинг маъноси қуйидагича: Биз берган неъматларга нонкўрлик қилганлари, Расулимиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни инкор қилганлари боис Қурайш мушрикларини қаҳатчилик ва очарчилик билан имтиҳон қилдик. Ҳатто ўлимтикларни едилар. Бундан илгари боғ эгаларини ҳам худди шундай имтиҳон қилгандик. Бахилликлари ва Аллоҳнинг амридан бўйин товлаганлари учун уларнинг боғини буткул вайрон қилган эдик.

Демак, боғ эгаларининг қиссаси Макка аҳли учун маълум бўлган. Шу сабаб, ибрат олишлари учун Аллоҳ хасис ўғиллар ҳақидаги қиссани мисол қилиб келтирмоқда.

Макка аҳли ва боғ эгалари орасидаги ўхшашлик шуки, икки тоифага ҳам улуғ неъматлар ато этилганди. Иккови ҳам неъматлар қадрига етмади, унинг ҳақини адо қилмади. Бунинг оқибатида қўлларидаги молу давлатдан айрилишди.

“Ўшанда улар, албатта уни эрта тонгда (ҳақ-улуш) ажратмаган ҳолларида узиб олишга қасам ичган эдилар”.

Бу ерда “улар” деб боғни оталаридан қабул қилиб олган ўғилларнинг айримлари назарда тутилмоқда, ҳаммаси эмас. Зотан, ўғиллар орасида ақли расо ва Аллоҳнинг ҳақларини адо қилувчилари ҳам бўлган.

²³² “Тафсиру ибни касир”, 8-жуз, 223-бет.

Яъни, улар эрта тонгда боғдаги меваларни узиб олишга қасам ичишди. Бирок мевалардан муҳтож инсонларга зиғирча ҳам ҳақ ажратмадилар. Аллоҳ таоло уларга бу ишни вожиб қилганди. Лекин улар мискин ва камбағалларни маҳрум қилиб, меваларни тўлиқ ўзлари олмоқчи бўлишди.

Шундан кейин бу ёмон қасамларининг оқибати қандай натижа билан тугагани баён қилинади:

“Бас, улар уйқуда бўлган чоғларида унинг устида Парвардигорингиз томонидан бўлган айланувчи бир айланди-ю, узилгандек бўлиб қолди”.

Ўша бахил кимсалар боғнинг меваларидан биронта ҳам камбағалга бермасликка қасам ичишди. Шунда боғ устига бало ёғилди. Натижада, боғ ёниб, кули кўкка совурилди. Ундаги мевалар худди узиб олингандек бўлиб қолди. Боғда наф келтира оладиган ҳеч вақо қолмади.

Аллоҳ таоло боққа қандай бало юборилганини зикр қилмаган. Чунки қиссани келтиришдан мақсад балонинг қандайлигини баён қилиш эмас, балки инсонларни бу ходисадан ибрат олишга ундашдир.

Имом Қуртубий шундай деганлар: “Ушбу оят инсоннинг қатъий қарори – қалбидаги нияти учун ҳам жазоланиши мумкин эканига далолат қилади. Ахир боғ эгалари муҳтожларга улуш ажратмасдан меваларни узиб олишга аҳд қилишди. Ҳали ниятларини амалга оширмай туриб жазоланишди. Шу маънода Аллоҳ таоло: “Ким у жойда зулм-зўравонлик билан йўлдан чиқмоқчи бўлса, (буларнинг ҳар бирига) аламли азобдан тотдириб қўямиз²³³”, деган.

Ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Агар икки мусулмон банда қиличи билан учрашиб қолса (яъни, урушса), қотил ҳам, ўлдирилган ҳам жаҳаннамдадир”, дедилар. Шунда: “Эй Расулуллоҳ, қотил (жаҳаннамга тушиши маълум). Аммо нима сабабдан ўлдирилган (ҳам дўзахга киради)?” деб сўралди. Шунда у зот: “Чунки у ҳам шеригини ўлдиришга ташна (қаттиқ хоҳлаб турган) эди”, дедилар²³⁴.

Шундан кейин азму қарорларини амалга ошириш учун қандай ҳаракат қилганлари тасвирланади:

Улар эса тонгда туришиб: “Агар (ҳосилни) узмоқчи бўлсангиз, зироатгоҳларингизга юра қолинглар”, (деб) бир-бирларини чақирдилар”.

Улар биров кўриб қолмаслиги учун тонг саҳарлаб бир-бирларини чақирдишди:

– Юринглар, боғимизга бориб эрта тонгда меваларни тезроқ узиб олайлик! Биров кўриб қолмасин! – дея бир-бирларига хитоб қилишди.

Сўнг: “Бугун устларингизга бирон мискин кириб қолмасин-да”, (дейишиб) бир-бирларига пичирлашган ҳолларида жўнаб кетдилар.

Улар овозларини пасайтириб боғ томон шошилганча йўл олдилар ва бир-бирларига:

– Ҳазир бўлинглар, бугун боғингизга биронта мискин кириб олмасин! – деб пичирлашиб гапиришди.

“Улар ёмон ният билан қодир бўлган ҳолларида тонг-саҳарлаб бордилар”.

Боғ эгалари эрта тонгда кечаги қарорларини амалга ошириш учун боғ томонга йўл олишди. Айни пайтда уларни бу аҳдидан ҳеч ким қайтаролмасди. Чунки улар

²³³ Ҳаж сураси, 25-оят.

²³⁴ “Тафсирул куртубий”, 18-жуз, 241-бет.

мақсадига эришиш учун барча чораларни кўриб кўйишганди: меваларни узиб олишни сир тутишди, эрта тонгда боғ томон йўл олишди ва мискинлар кўзидан четроқ бўлиш учун бор кучларини сарфлашди.

Бироқ боққа бориб, не кўз билан кўрсинларки, боғлари ўзгариб қолибди. Уларнинг ўша вақтдаги ҳолатлари Қуръони каримда мана бундай тасвирланган:

Энди қачон уни кўришгач, (аввал): “Шак-шубҳасиз, биз йўлдан адашиб қолдик”, дедилар. (Сўнг бу ўзларининг боғлари эканини билишгач:) “Йўқ, бизлар (боғимиздан) маҳрум бўлибмиз”, дедилар.

Улар боғларини ғалати ҳолда кўришгач, аввалига:

– Ие! Адашиб бошқа йўлга кириб қолибмизми?! Бу бизнинг боғ эмас. Боғимиз кеча ғарқ пишган мевалар билан тўла эди-ку! – дейишди.

Бироқ кўз ўнгларидаги вайрона – “боғ” ўзлариники эканига иқроор бўлгач:

– Йўқ, адашмабмиз. Боғимиз шу экан. Аслида мискинлар ҳақини поймол қилганимиз учун Аллоҳ бизни боғимиздан маҳрум қилибди! – деб оху нола чекишди.

Шунда улар ичида ақл-заковат соҳиби бўлган бир ўғил:

– **Мен сизларга (Аллоҳга) тасбеҳ айтиб – шукр қилмайсизларми, демаганмидим? – деди.**

Бу ердаги “тасбеҳ” истиффор айтиш, тавба қилиш ва ҳар бир ҳақ эгасига ҳақини беришдир.

Яъни, ака-укалар ичидаги энг оқили, энг инсофлиси бўлиб ўтган воқеани ўз кўзи билан кўрганидан кейин биродарларига хитобан:

– Сизлар мискинларни боғдаги меваларнинг бир қисмидан маҳрум қилаётганингизда: “Аллоҳга тақво қилинглар, бундай қилманглар! Отангиз қилиб келган эзгу ишни давом эттиринглар! Мискинларга улуш ажратинглар!” демаганмидим. Лекин менинг гапимга кулоқ солмадинглар, ўз билганингиздан қолмадинглар. Гапимга кирмаганингиз оқибатида боғингиздан бутунлай ажраб қолдингиз! – деди.

Кўп одамлар неъмат қўлларидан кетганидан кейин унинг қадрини биладилар ва надомат чекадилар. Боғ эгалари ҳам оқил биродарларига хитобига жавобан:

– **Парвардигоримизга тасбеҳ айтамыз. Ҳақиқатан, бизлар (ўзимизга) зулм қилувчи бўлдик, – дедилар.**

Яъни, улар вақт ўтгандан кейин қилган гуноҳларини тан олиб, кеч бўлса ҳам:

– Парвардигоро! Биз Сенинг нуқсонлардан поклигингни эътироф этамыз. Сенга истиффор айтамыз. Қилган айбимизни кечир! Биз бандаларинг ҳақиқага тажовуз қилиш билан ўзимизга жабр қилдик, – деб илтижо қилдилар.

Шундан сўнг боғлари барбод бўлганига ишонч ҳосил қилганларидан кейин ўрталарида бўлиб ўтган воқеа баён қилинади:

“Сўнг бир-бирларига боқиб, маломат қилиша бошлашди”.

Улар шу кўйга тушганларидан кейин бир-бирларини маломат қила бошлашди. Ҳар бири айбни кимгадир ағдаришга уринди: “Сен туфайли шундай мусибатга учрадик!” деб бир-бирларига танбеҳ бера бошлашди.

Улар: “Эй, ўлим бўлсин сизларга! Ҳақиқатан, бизлар ҳаддан ошувчи бўлдик. Шояд Парвардигоримиз бизларга ундан ҳам яхшироғини алмаштириб берса. Бизлар албатта Ёлғиз Парвардигоримизга рағбат-илтижо қилувчилармиз”, дедилар.

Яъни, улар афсус-надомат билан:

– Э, воҳ! Ҳолимизга вой! Биз ҳадимиздан ошдик, Парвардигоримиз амридан бўйин товладик. У Зот бизга фазлу марҳаматини кенг қилган эди. Аммо биз зикналик қилдик. Энди Аллоҳ бизга бундан ҳам яхшироқ неъматларни ато этишидан умидвормиз! Биз Ёлғиз Аллоҳга тавба ва истиғфор билан тазарру қиламиз. Умидимиз яккаю Ягона Аллоҳдан! – дедилар.

“Аллоҳнинг амридан четга чиққан кимсалар учун) мана шундай азоб бордир”.

Аллоҳ амрига қарши чиққан Макка кофирларини ҳам, улардан бошқаларни ҳам худди боғ эгаларини ношукрликлари сабаб неъматдан айро қилгани каби азоблайди.

(Бу оятда эшитувчилар диққатини жалб қилиш учун аввал кесим (хабар), кейин эга (мубтадо) келмоқда. Буни тилимизга сўзма-сўз таржима қилинса: “Мана шундай бўлади азоб” тарзида ифодаланади. – таржимон).

“Агар билсалар, охират азоби шак-шубҳасиз, янада каттароқдир. Албатта тақводор зотлар учун Парвардигори хузурида ноз-неъмат боғлари бордир”.

Аллоҳ дунёда боғ эгаларини азоблагани каби Макка мушрикларини ҳам жазолади. Бироқ охиратдаги азоб дунёдагидан кўра оғирроқ, давомийроқ ва аламлироқдир. Агар илм ва фаҳм-фаросат эгалари билсалар, имон ва солиҳ амал билан эҳтиётларини қиладилар, уларнинг оқибатига йўлиқидан ҳазир бўладилар.

Мана шу қиссасини тафаккур қилган киши одамзот руҳиятига хос нозик жиҳатлардан хабардор бўлади: бой бўлганида ва камбағаллигида, неъматга эришиб турганида ва ундан ажраб қолганида қай кўйга тушишидан вофиқ бўлади.

Боғ эгалари қиссасидан олинадиган энг катта ибрат шуки, Аллоҳнинг неъматларини инкор қилган, қадрига етмаган ношукр бандалар оқибати яхши бўлмайди. Нонкўрлик неъматнинг заволига сабабдир.

ЧОҲ ЭГАЛАРИ ҚИССАСИ

Чоҳ эгалари қиссасини қисқача баён қиладиган бўлсак, бир гуруҳ содиқ мўминлар жамоаси имон ва ихлосда, Аллоҳга ибодат қилишда собитқадам бўлиб туришган. Натижада, уларнинг душманлари мўминларни қаттиқ азоблашган. Бир чоҳ (чуқур) казиб, унга олов ёқишган ва мўминларни ана ўша чуқурга ташлашган. Қуръони каримда бу қисса ажиб ва таъсирли услубда баён қилинган:

“Буржлар эгаси бўлмиш осмонга қасам. Ваъда қилинмиш кунга қасам. (Ўша кунда) гувоҳ бўлувчи ва гувоҳ бўлинувчига қасамки, чоҳ эгалари лаънатлангайлар! (У чоҳ) ўтинли оловдир! Ўшанда улар (чоҳнинг) устида ўтириб олган ва мўминларга қилаётган ишларига ўзлари гувоҳ бўлган эдилар²³⁵. Улар фақат (мўминлар) қудрат ва мақтов Эгаси бўлган Аллоҳга – осмонлар ва ернинг подшоҳлиги Ўзиники бўлган Зотга имон келтирганлари учунгина ўч олдилар! Аллоҳ барча нарсага гувоҳдир! Албатта мўминлар ва мўминаларни фитнага солиб, сўнгра (бу қилмишларидан) тавба қилмаган

²³⁵ Ушбу оятларда қадимда ўтган бир подшоҳ ва унинг малайлари мўминларни Аллоҳ таолога бўлган имон-эътиқодларидан қайтариш учун қўллаган мудҳиш чоралари ва оқибатда ўзлари қазиган чоҳга қулаб ҳалок бўлганлари ҳақида хабар берилди. Ўшанда улар мўминларни ташлаб ёқиш учун узун ва чуқур чоҳ қавлашиб, ҳар бир мўминни ўша чоҳ ёқасига келтиришигач, агар имонидан қайтмаса, мана шу ловуллаб ёниб турган чуқурга ташлашларини айтишиганида, бирон мўмин имонсиз яшашни имон билан шаҳид бўлишидан ортиқ билмаган экан. Лекин улар ўша чуқурга отилган пайтларида ҳали олов баданларига тегмасидан Аллоҳ таоло уларнинг жонларини Ўз хузури олийсига чорлаган, мўминларнинг жасадаларини куйдиришидан ор қилган олов эса юқорига кўтарилиб, чоҳ ёқасида томошабин бўлиб ўтирган кофирларни куйдириб ҳалок қилган экан (Шайх Алоуддин Мансур, “Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”).

кимсалар учун жаҳаннам азоби бор ва улар учун ўт азоби бордир! Албатта имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатлар бордир. Мана шу буюк саодатдир. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг ушлаши қаттиқдир. Албатта Унинг Ўзи бошлайди ва қайтаради. У Мағфиратли, Муҳаббатли Зотдир. (У) Арш Соҳиби бўлмиш Буюк Зотдир. (Аллоҳ) истаган нарсасини амалга оширувчидир. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Сизга кўшинларнинг – Фиръавн ҳамда Самуд (қабиласининг) хабари келдими? Йўқ, кофир бўлган кимсалар (ўзларидан аввал ўтган динсиз кимсалар йўлиққан азоб-ҳалокатлардан ибрат олмай, ҳали ҳам Қуръонни) ёлғон дейишда (оёқ тираб турибдилар)! Ҳолбуки, Аллоҳ уларнинг ортидан ихота қилиб турувчидир. Йўқ, (улар ёлғон дейишаётган нарса) Лавҳул маҳфуздаги (яъни, ҳар қандай бузилиш ва ўзгаришлардан ҳимояланган Лавҳдаги) буюк Қуръондир” (Буруж сураси, 1-22-оятлар).

“Бурж” сўзи луғатда “баланд қаср” мазмунини ифодалайди. Бу ерда “бурж”лардан мурод, юлдуз ва сайёралардир. Улар ўн иккитадир: ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула, мезон, акраб, қавс, жадий, далв ва хут.

Бурж деб аталишига сабаб, у осмон жисмларига нисбатан бир манзил-макон кабидир.

“Ваъда қилинган кун” қиёматдир. Чунки Аллоҳ таоло ушбу кунда бандалар қилган яхши амаллари учун мукофот, ёмонликлари учун жазо беришни ваъда қилган.

“Гувоҳ бўлувчи” қиёмат кунига шоҳид бўлиб, ундаги даҳшатли манзара ва ажойиботларни кўрувчидир.

“Гувоҳ бўлинувчи” эса, ёш болалар сочини оқартириб юборадиган кунда бўладиган воқеа-ходисалардир.

“Буржлар эгаси бўлмиш осмонга қасам. Ваъда қилинмиш кунга қасам. (Ўша кунда) гувоҳ бўлувчи ва гувоҳ бўлинувчига қасамки, чоҳ эгалари лаънатлангайлар!”

Яъни, қасамки, куфру исёнлари сабаб чоҳ эгалари лаънатлангандирлар, Аллоҳнинг раҳматидан узоқдирлар!

“Чоҳ” ердаги узун чуқурдир. У хандакқа ўхшайди.

“Чоҳ эгалари” – аввалда ўтган кофир қавм. Улар ерда катта бир чуқур кавлаб, ичида гуриллатиб олов ёқишган ва унга мўминларни ташлашган. Мўминлар Аллоҳга бўлган имонлари сабабли динсиз кимсалар томонидан шундай азобга гирифтор қилинган.

“(У чоҳ) ўтинли оловдир! Ўшанда улар (чоҳнинг) устида ўтириб олган ва мўминларга қилаётган ишларига ўзлари гувоҳ бўлган эдилар”.

Яъни, мўминларни азоблаш учун қаттиқ ёнувчи олов ёққан чоҳ эгалари Аллоҳнинг раҳматидан узоқдирлар! Улар мўминлар азобланишини томоша қилиш учун чоҳ атрофига терилиб ўтириб олишганди. Улар шу йўл билан имонли кишилардан ўч олмоқчи бўлишди.

Бу қилмишлари ўта ёвуз, золим бўлганларидан, қалбларида раҳм-шафқат ҳисси умуман бўлмаганидан дарак беради.

Шундан кейин бу золим кимсалар нима сабабдан мўминларни бундай аёвсиз тарзда қийноққа солганлари баён қилинади:

“Улар фақат (мўминлар) қудрат ва мақтов Эгаси бўлган Аллоҳга – осмонлар ва ернинг подшоҳлиги Ўзиники бўлган Зотга имон келтирганлари учунгина ўч олдилар! Аллоҳ барча нарсага гувоҳдир!”

Ўша динсизлар мўминларни биргина сабабдан ёмон кўрардилар: мўминлар мутлоқ улуғлик ва мақтовлар Соҳиби бўлган Аллоҳга ихлос билан ибодат қилишарди. Аллоҳ шундай Зотки, осмонлар ва ердаги жамики нарсалар Унга тегишли, барчаси Аллоҳнинг мулкидир. Аллоҳ барча нарсани кўриб, кузатиб туради. Бандалари қилаётган бирон ишни кўрмай қолмайди. У Зотдан ҳеч нарсани сир тутиб бўлмайди.

Бу оятларда мўминларга ноҳақ азоб берган кимсалар ҳолидан ажабланилмоқда. Зеро, улар фақат Аллоҳга ихлос ила ибодат қилганлари учун қийноққа маҳкум этилганди. Мазкур кофир кимсалар назарида, Аллоҳга имон келтириш оловда ёқишга муносиб жинойт эди.

Шайтон қўлида кўғирчоқ бўлган кимсалар, унинг ноғорасига ўйнаган одамлар назарида яхши хислатлар ҳам ёмондек туюлади. Аввалги қавмлар ҳаётига бир назар ташласак, шаҳват домига тушган кимсалар Лут алайҳиссаломга нисбатан: “Лутнинг аҳлини қишлоғингиздан (қувиб) чиқаринглар! Ҳақиқатан, улар жуда покиза кишилардир”, дейишганига гувоҳ бўламиз (Намл сураси, 56-оят).

Чоҳ эгалари мўминлардан фақат Аллоҳга бўлган имонлари сабабли ўч олишаётганди. Шунга ўхшаш оят бошқа ўринда ҳам келган: “(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) айтинг: “Эй аҳли китоб, сизлар биз томонимиздан ёмон кўрадиган нарсангиз фақат бизнинг Аллоҳга, ўзимизга нозил қилинган Китобга (яъни, Қуръонга) ва илгари нозил қилинган китобларга имон келтирганимиз, сизларнинг кўпчилигингиз эса итоатсиз эканликларингиздир” (Моида сураси, 59-оят).

Ибн Касир шундай деганлар: “Бу қиссада кимлар назарда тутилаётгани ҳақида турли қавллар айтилган. Али ибн Абу Толибдан ривоят қилинишича, улар Форс аҳлидир. Подшоҳлари маҳрамларни никоҳга олишни ҳалол қилишни хоҳлаганида, уламолари буни инкор қилишган. Шунда катта чуқур қазилиб, буни инкор қилган олимларни бирма-бир чоҳга ташлашган.

Яна у кишидан ривоят қилинишича, улар яманликлардир. Улар ичидаги мўминлар ва кофирлар жанг қилиб, мўминлар ғолиб чиқишган. Кейин кофирлар мўминларни мағлуб этган. Шунда бир чуқур кавлаб, уларни ўша ерда ёқишган²³⁶”.

Бу оятларда мўминларни имонда мустаҳкам туришга, ғанимлардан етган озорларга мардонавор чидашга тарғиб қилинмоқда. Шунингдек, аввалги ўтган мўмин инсонлар бошига бундан-да оғирроқ мусибатлар тушгани эълон қилиниб, солиҳ аждодлари каби сабрли бўлишга ундалмоқда. Зеро, чиройли оқибат тақводор инсонларга тегишли бўлади. Аллоҳнинг ўзгармас қонуни шуни тақозо этади.

Шундан кейин Қурайш кофирлари мўминларга азият етказишда давом этсалар, уларни аянчли оқибат кутиб тургани ҳақида огоҳлантирилади:

“Албатта мўминлар ва мўминаларни фитнага солиб, сўнгра (бу қилмишларидан) тавба қилмаган кимсалар учун жаҳаннам азоби бор ва улар учун ўт азоби бордир!”

Мўминлар ва мўминаларни қийнаб, уларга зулм ўтказган кимсалар гуноҳларидан тавба қилмасалар, Аллоҳга имон келтирган инсонларга жабр қилишни тўхтатмасалар,

²³⁶ Қаранг: “Тафсиру ибни касир”, 7-жуз, 387-бет.

улар учун охиратда жаҳаннам азоби бўлади! Уларга яна ёндириш билан ҳам азоб берилади!

Мўминлар ва мўминаларни фитнага солганлардан мурод, Абу Жаҳл, Умайя ибн Халаф ва шу каби Қурайш мушрикларидир. Улар Билолни, Аммор ибн Ёсирни, унинг ота-онасини қаттиқ азобларга гирифтор қилишганди.

(Шунингдек, бу оят замирига мўминларни азоблаган, уларни ноҳақ қийнаган ҳар қандай кимса киради. Агар улар вақтида тавба қилмасалар, имон йўлига тўғаноқ бўлишни тўхтатмасалар, оқибатлари чоғ эгалариники билан бир хил бўлади. – таржимон).

Бу ерда жаҳаннам азоби билан ўт азобининг жамланиши туғён ва ширк ботқоғига ботиб кетган кимсаларга жуда қаттиқ азоблар бўлишига ишорадир.

Имон йўлини танлаган инсонларга азият етказиш оқибатидан огоҳлантирилгач, энди мўминларга бериладиган мукофотлар зикр қилинади:

“Албатта имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатлар бордир. Мана шу буюк саодатдир”.

Имон келтирган ва эзгу ишларни қилган мўмин бандалар учун Парвардигорлари хузурида дарахтлари ва боғлари тагидан ариқлар оқиб ўтувчи жаннатлар бордир. Мана шу мукофотни қўлга киритиш энг катта бахтдир. Бундан улуғи бўлмайди. Ҳар қандай ютуқ Аллоҳ розилиги ва жаннатга эришиш олдида кичикдир.

Икки тоифа вакиллари оқибати қандай бўлиши баён этилгач, Аллоҳнинг қудрати чексиз эканига далолат қилувчи жумлалар келтирилади. Бу билан мўминлар қалби мустаҳкамланиб, янада сабрли бўлишга чақирилади:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг ушлаши қаттиқдир”.

Яъни, эй мухтарам Пайғамбар, албатта Парвардигорингиз Аллоҳнинг золим ва исёнкор бандаларни жазолаши жуда қаттиқдир. Бас, шундай экан, саҳобаларингизга буюринг, азиятларга сабр қилишсин! Зеро, охиратда чиройли оқибат уларники бўлади.

“Албатта Унинг Ўзи бошлайди ва қайтаради”.

Ёлғиз Аллоҳ дунёда махлуқотларни яратади. Кейин ҳисоб қилиш учун уларни қайта тирилтиради. Аллоҳнинг Ўзи дунёда кофирларни қаттиқ жазолайди. Сўнгра охиратда янада аламлироқ жазо беради уларга.

“У Мағфиратли, Муҳаббатли Зотдир. (У) Арш Соҳиби бўлмиш Буюк Зотдир. (Аллоҳ) истаган нарсасини амалга оширувчидир”.

Аллоҳнинг раҳмати кенг, мағфиратли Зотдир. Тавба қилган ва имон йўлидан юрган кишиларни албатта кечиради. Ўзига итоат этган ва ҳидоят йўлига кирган инсонларни яхши кўради Аллоҳ.

Аллоҳ улуғ Аршнинг Эгасидир. Аллоҳ Ўз зоти ва сифатларида ўта Буюкдир. У Зот истаган ишини амалга ошира олади. Биронтаси Унга эътироз билдиролмайди. Унинг амри бажо келтирилади, истак-хоҳиши сўзсиз амалга оширилади.

Шундан кейин Аллоҳнинг азоби қаттиқ ва амри шубҳасиз бажарилишига далолат қилувчи жумлалар келтирилади:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Сизга қўшинларнинг – Фиръавн ҳамда Самуд (қабиласининг) хабари келдими?”

Яъни, эй Муҳаммад алайҳиссалом, Сизга ҳадидан ошган ва исёнкор Фиръавннинг хабари етиб келдими? Солиҳ алайҳиссалом ҳақидаги хабар-чи? Улар

пайғамбарларини инкор қилиб, озор беришди, тегмаслик таъкидланган туяни сўйиб юборишди.

Аллоҳ таоло уларнинг куфри ва ҳадидан ошганлари сабаб қандай жазолаганини билдингизми?

Бу ерда Фиръавн ва Самуднинг алоҳида зикр қилинишига сабаб, улар бошқалардан кўра кўпроқ зулм қилишган, ўзгаларга қараганда тажовузкорроқ бўлишган. Шунингдек, Фиръавн ва Самуднинг қиссаси Макка аҳли орасида маълум эди.

“Йўқ, кофир бўлган кимсалар (ўзларидан аввал ўтган динсиз кимсалар йўлиққан азоб-ҳалокатлардан ибрат олмай, ҳали ҳам Қуръонни) ёлғон дейишда (оёқ тираб турибдилар)! Ҳолбуки, Аллоҳ уларнинг ортидан ихота қилиб турувчидир”.

Бу ерда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан замондош бўлган мушриклар ўтган қавмлар қиссасидан ибрат олмай, куфрда қаттиқ туриб олишгани назарда тутилмоқда.

Яъни, Фиръавн ва Самуд қабиласи кўшинининг оқибати ҳалокат билан тугади. Сабаби улар куфрда эдилар. Лекин, эй Муҳаммад, қавмингиз улардан ибрат олмаяптилар, Сизни ёлғончи қилишда давом этмоқдалар. Билингики, Аллоҳ уларни тўлиқ камраб олган. Аллоҳнинг жазосидан уларни биронта ҳам чора ёки хийла кутқариб қололмайди. Улар Аллоҳнинг ҳукми остидадирлар. Аллоҳ Ўзи истаган вақтда уларга муносиб жазо беради.

“Йўқ, (улар ёлғон дейишаётган нарса) Лавҳул маҳфуздаги (яъни, ҳар қандай бузилиш ва ўзгаришлардан ҳимояланган Лавҳдаги) буюк Қуръондир”.

Анави мушриклар айтаётганларидек, Қуръон аввалгилардан қолган афсоналар эмас. Балки У ҳақ Каломдир, Аллоҳ таолонинг буюк Каломидир.

Қуръон Лавҳул маҳфуздадир, ўзгартиришлардан сақланган, шайтонлар унга ета олмайдилар.

Биз мўминлар Қуръони карим Лавҳул маҳфузда эканига имон келтирамиз. Аммо бунинг ҳақиқатини, Лавҳул маҳфуз қандайлигини Аллоҳга ҳавола қиламиз, бу ҳақида баҳслашмаймиз. Сабаби бу ғайб илмидир. Уни фақат Аллоҳ билади. Лавҳул маҳфуз васфи ҳақида ишончли саҳиҳ ҳадис ворид бўлмаган.

Ушбу қиссадан олинадиган энг муҳим ибрат шуки, бу ўткинчи дунё ҳаётида икки тоифа – ҳақ ва ботил аҳли ўртасида аёвсиз жанг кетади. Бироқ Аллоҳнинг суннати (тақдири, қонуни) чиройли оқибат фақат мўмин бандаларники бўлишини тақозо этади.

ЮЗ ЙИЛДАН КЕЙИН ТИРИЛТИРИЛГАН КИШИ ҲАҚИДАГИ ҚИССА

Мана шу қисса Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига, қайта тирилиш, ҳисоб қилиниши, мукофот ва савоб, жазо ва азоб ҳақлигига ишора қилади.

Бу қисса Иброҳим алайҳиссалом билан тортишган подшоҳ зикридан кейин келтирилган. Саййидимиз Иброҳим алайҳиссалом унга шундай жавоб қилганлар: “Албатта Аллоҳ қуёшни машриқдан чиқаради. Сен уни мағрибдан чиқаргин-чи?!”

Шунда бу кофир довдираб қолди. Аллоҳ золим кимсаларни ҳидоят қилмайди²³⁷» (Бақара сураси, 258-оят).

Энди Аллоҳ тарафидан юз йилга ўлдирилиб, кейин қайта тирилган киши ҳақидаги қиссани кўриб чиқамиз. Парвардигоримиз шундай деган:

“Ёки бир зот ҳақидаги масални (билмадингизмики,) у зот томлари йиқилиб-хувиллаб қолган бир қишлоқдан ўтаркан: “Аллоҳ бу хароб бўлган (қишлоқни) қандай тирилтирар экан-а?” деди. Шунда Аллоҳ уни юз йил муддатга ўлдирди. Сўнгра тирилтириб деди: “Қанча муддат (ўлик ҳолда) турдинг?” “Бир кун ё ярим кун”, деди у. Аллоҳ деди: “Йўқ, юз йил турдинг. Таом ва ичимлигингга қара – бузилган эмас. Энди эшагингни (чириб, суяклари ажраб кетганини) кўргин. (Бу ҳодисани Аллоҳ кудратини кўрсатиш) ва сени одамлар учун оят – ибрат қилиш учун (келтирдик). Бу суякларни қандай тиклаб, сўнг уларни гўшт билан қоплаганимизни кўргин”. Қачонки унга бу нарсалар аниқ кўрингач: “Албатта Аллоҳ ҳамма нарсага қодир эканини биламан”, деди” (Бақара сураси, 259-оят).

Бу ерда зикр қилинаётган зотдан мурод, Узайр ибн Шархиёдор²³⁸.

Айтилишича, қишлоқдан мурод, Байтул мақдисдир. Уни Бобил ҳукмдори Бухтанаср харобага айлантирганди. Қуръони карим шахслар ва жой номларига эътибор қаратмайди. Балки ҳолатни баён қилиб, ундан олинадиган ибратларга аҳамият беради.

“Аллоҳ бу хароб бўлган (қишлоқни) қандай тирилтирар экан-а?” деди.

Бу ўша одам қишлоқнинг вайронага айланганини кўриб, ажабланганидан айтган гаплардир.

Яъни, хароба қишлоқдан ўтаётган киши ҳақидаги қиссага эътибор бер! У хайратдан ёқа ушлаб:

– Бу қишлоқ кули кўкка совурилганидан кейин Аллоҳ уни қандай ёки қачон обод қилар экан-а?! – деди.

Имом Қуртубийга кўра, ўша киши аввалда гуллаб-яшнаган шаҳарнинг барбод бўлганидан афсусланиб шундай деган²³⁹.

Бу савол вайронани қандай қилиб обод қилиш ҳақидадир, тирилтириш маъносида эмас. Чунки ўша киши қиёмат куни қайта тирилтиришга ишонган мўмин киши бўлган. У қишлоқни вайрона ҳолида кўргач, Аллоҳ уни қандай обод қилишини мулоҳаза қилиб, У Зотнинг кудратидан хайратланган. Шу билан бирга, шаҳар обод бўлишини истаган ва бунинг қандай рўй беришини билишга қизиққан.

Хўш, бу саволнинг натижаси қандай бўлди? Буни қуйидаги оятлардан билиб оламиз:

Шунда Аллоҳ уни юз йил муддатга ўлдирди. Сўнгра тирилтириб деди: “Қанча муддат (ўлик ҳолда) турдинг?” “Бир кун ё ярим кун”, деди у.

Узайр шундай деганидан кейин Аллоҳ уни юз йил муддатга ўлдирди. Қишлоқ обод бўлганидан кейин унинг руҳини танасига қайтарди. Сўнг:

– Қанча муддат ўлик ҳолда ётдинг? – деб сўради.

²³⁷ Подшоҳ Намруд Иброҳим алайҳиссаломга: “Сен бизларни даъват қилаётган илоҳинг қандай зот?” деганида, Иброҳим алайгамбар айтдилар: “Парвардигорим Ўз бандаларига жон бериб, жон олувчидир”. Шунда Намруд: “Бу менинг ҳам қўлимдан келади”, деб икки кишини келтирди-да, бирини ўлдириб, яна бирини қўйиб юборди. Иброҳим алайҳиссалом унинг аҳмоқлигини кўргач, дедилар: “Менинг Парвардигорим қўшини шарқдан чиқаради. Агар сен чиндан ҳам қудрат эгаси бўлсанг, уни гарбдан чиқаргин-чи?!” Ана шунда Намруд жавоб тополмай лол бўлиб қолди (Шайх Алоудин Мансур, “Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”).

²³⁸ Айтилишича, Ҳазқиёл ибн Бузодир. Бу хусусда бошқа қавллар ҳам келтирилган.

²³⁹ “Тафсирул куртубий”, 3-жуз, 299-бет.

Ҳалиги киши:

– Бир куни ё ярим кун шундай ётдим, – деди.

Бу оятда ўлим уйқуга, тирилиш эса уйқудан уйғонишга ўхшаши баён қилинмоқда. Бандалар ўлганларидан кейин уларни қайта тирилтириш Аллоҳ учун осондир. Бу ҳақида Парвардигори олам шундай дейди: “(Эй инсонлар,) сизларни (барчангизни аввал бошда) яратиш ҳам, (қиёмат кунида) қайта тирилтири ҳам худди бир жонни (яратиш ва қайта тирилтиришнинг) ўзгинасидир (яъни, шу қадар осондир). Зеро, Аллоҳ Эшитувчи, Кўрувчидир” (Лукмон сураси, 28-оят).

Ҳадиси шарифда шундай дейилган: “Аллоҳга қасамки, худди ухлаганингиз каби ўласизлар ва худди уйғонганингиз каби тирилтириласизлар. Кейин қилган амалларингиз бўйича ҳисоб берасизлар. Яхши амалларингиз учун мукофот, ёмон ишларингиз учун жазо оласизлар. Албатта жаннат абадийдир, дўзах ҳам абадийдир”.

Аллоҳ деди: “Йўқ, юз йил турдинг”.

Яъни, сен бир ё ярим кун эмас, балки юз йил ўлик ҳолда ётдинг.

Кейин қайта тирилиш ҳақлигига далолат қиладиган нарсаларга назар солишга ундайди:

“Таом ва ичимлигингга қара – бузилган эмас. Энди эшагингни (чириб, суяклари ажраб кетганини) кўргин”.

Яъни, сен юз йил шу ҳолда турдинг. Агар бундан шубҳанг бўлса, ана таоминг ва ичимлигингга қара. Шунча йиллар ўтса ҳам улар ўзгармаган, тароватини йўқотмаган. Шунча замонлар ўтса-да, ўз холича турибди. Ана энди эшагингнинг суяклари қандай қилиб чириб кетганига эътибор бер. Мана шу нарса орадан узоқ вақт ўтганини кўрсатади.

“(Бу ходисани Аллоҳ қудратини кўрсатиш) ва сени одамлар учун оят – ибрат қилиш учун (келтирдик). Бу суякларни қандай тиклаб, сўнг уларни гўшт билан қоплаганимизни кўргин”.

Бу иш қайта тирилтиришга Аллоҳ қодир эканини кўрсатиш учун қилинди. Ана энди манави суяклар ҳақида тафаккур қил, Биз уни қандай қилиб гўшт билан қоплаганимизга эътибор бер!

Суддийдан ривоят қилинишича, Узайр эшагининг суяклари ҳар тарафга сочилиб ётарди. Бас, Аллоҳ бир шамолни юбориб, кейин ҳар бир суякни ўз жойига қўйди ва уларни гўшт билан қоплади. Буларнинг ҳаммаси Узайр кўз ўнгида содир бўлди²⁴⁰.

Аллоҳ таоло оятни қуйидаги қавли билан тамомлаган:

Қачонки унга бу нарсалар аниқ кўрингач: “Албатта Аллоҳ ҳамма нарсага қодир эканини биламан”, деди.

Узайр Аллоҳ таоло ўликларни қайта тирилтиришига далолат қилувчи очиқ-ойдин ҳужжатларни кўзи билан кўриб, аъзолари билан ҳис қилганидан кейин:

– Аллоҳ таоло ҳар нарсага қодир эканига аниқ ишонаман, бунга ҳеч ҳам шубҳам йўқ! – деди.

Ушбу қисса Аллоҳ таолонинг Яккаю Ёлғиз эканига, У Зотнинг қудрати чексизлигига, шунингдек, ўлгандан кейин қайта тирилиш ҳақлигига далолат қилади.

ШАНБА КУНИ ҲАДИДАН ОШГАНЛАР ҚИССАСИ

²⁴⁰ “Тафсиру ибни касир”, 1-жуз, 314-бет.

Шанба куни ҳадидан ошган кимсалар қиссасининг қисқача баёни бундай: Бани Исроилдаги бир қавм шанба куни Аллоҳ таолога холис ибодат қилишга аҳд қилишган. Шунда уларга фақат шанба куни ов қилиш ман этилган. Аллоҳ уларнинг имонларини ва аҳдларига вафо қилишларини синаш учун айнан шанба куни денгиз соҳилига жуда кўп балиқлар юборган. Улар ибодат қилиш керак бўлган кунда балиқлар соҳил бўйида шундоққина кўриниб турган. Шунда ибодатга бел боғлаган қавмнинг иштаҳаси очилиб, шанба куни балиқ овлаш борасида бир ҳийла ўйлаб топадилар.

– Шанба куни балиқ билан лик тўладиган мана бу денгиз четига бир чуқур кавлаб кўямиз. Унга сув билан кўшилиб балиқлар ҳам киради. Шанба куни биз уларни овламаймиз, шунчаки ҳовузга қамаб кўямиз. Кейин бошқа кунларда бемалол тутаверамиз. Шу билан Парвардигоримизга берган ваъдамизга вафо қиламиз ва балиқ овидан ҳам қуруқ қолмаймиз! – дейишди.

Насихатгўй инсонлар уларни огоҳлантириб, бу иш Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларга нисбатан ҳийла экани, балиқларни ҳовузга қамаб кўйиш овлаш билан баробар эканини тушунтиришди. Бироқ нафслари ақлларида устун келгани боис, панд-насихатларга парво қилишмади, балки шайтоний ҳийлаларини амалга оширишди. Шунда Аллоҳ уларга ғазаб қилиб, уларни маймунларга айлантириб, ўзидан кейингиларга ибрат қилиб кўйди.

Ана энди Аъроф сурасига қулоқ тутамиз. Унда ўзига хос услубдаги ажойиб қисса келтирилади:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) улардан денгиз олдидаги қишлоқ ҳақида – шанба куни ҳаддан ошганлар ҳақида сўранг! Ўшанда шанбалик қилган кунларида балиқлар (сув юзида) очик келар эди. Шанбалик қилмаган кунларида эса келмасди. Уларни итоатсиз бўлганлари сабаб мана шундай имтиҳон қиламиз²⁴¹. Ўшанда улардан бир жамоат: “Нима сабабдан Аллоҳнинг Ўзи (бу дунёда) ҳалок этадиган ёки (охиратда) қаттиқ азоблайдиган қавмга панд-насихат қиласизлар?” деганларида, улар айтдилар: “Парвардигорингизга (қиёмат кунинда) узримизни айтиш учун ва шояд (улар Аллоҳдан) кўрқсалар, деб (насихат қилишимиз)”. Бас, қачон улар ўзларига эслатма қилиб берилган нарсани унутишгач, Биз бу гуноҳ ишдан қайтарган зотларга нажот бердик ва золим кимсаларни итоатсиз бўлганлари сабаб қаттиқ азоб билан ушладик. Энди қачонки ўзлари қайтарилган ишдан (қайтмасдан) кибру ҳаво қилганларидан кейин уларга: “Бадбахт маймунларга айланинг!” дедик” (Аъроф сураси, 163-166-оятлар).

Бу ерда Набий алайҳиссаломга хитоб қилиниб, замондош яҳудийлардан шанба куни ҳаддан ошган кимсалар ҳақида сўраш буюрилмоқда.

²⁴¹ Муфассирлардан Қуртубийнинг ёзишича, бу воқеа Довуд алайҳиссалом замонларида бўлган экан. Ўшанда шанба кунлари балиқлар сон-саноқсиз бўлиб сув юзида оқиб келар, эртасига эса дарёда биронта ҳам балиқ қолмас экан. Бу фурсатдан фойдаланган Иблис яҳудийларни васвасага солиб, улар дарё четларида саёз ҳовузлар кавлашиб, шанба кунлари балиқларни қамаб олишадиган, эртасига эса ўша ҳовузлардан тутиб кетадиган бўлган эдилар. Бу қилмишлари оқибатида улар Аллоҳ таолонинг имтиҳонидан ўта олмаган эканлар. Юқоридаги оятда итоатсиз кимсаларни Аллоҳ ўтиб бўлмайдиган бало-имтиҳонларга гирифтор қилишига ҳам ишора бордир. Ўшанда яҳудийлар уч тоифага бўлиниб қолган эканлар: бир тоифа юқорида айтилган шанда кунлари балиқ овлайверадиган итоатсизлар, иккинчи тоифа ўзларини бу жинойтдан сақлаб, ўзгаларни ҳам ундан қайтарганлар, учинчи тоифа эса ўзлари у кунда балиқ тутмай, ўзгаларни ҳам ундай қайтармайдиганлар эди (Шайх Алоуддин Мансур, “Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”).

Яъни, эй Муҳаммад, анави яҳудийлардан Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳалол қилиб олган аждодларининг ҳоли не кечгани ҳақида сўранг. Уларнинг хабари китобларида бор. Уни беркита олмайдилар.

Савол беришга ундашдан мақсад, уларни исён қилганликлари учун танқид остига олиш. Шояд тавба қилиб, ҳақ йўлга кирсалар, аввалги ўтганлар каби мусибатларга дучор бўлмасалар.

Яҳудийлар яхши биладиган бу қиссани Пайғамбар алайҳиссалом келтиришлари мўъжизадир. Ахир у зот яҳудийлар китобини ўқимаганлар. Балки Аллоҳ у зотга ваҳий орқали буни маълум қилган. Агар улар шу ҳақида фикр юритсалар, мўмин бўлардилар.

Жумҳур муфассирларга кўра, бу қишлоқ Мадян ва Тур орасида жойлашган “Айла” номли қишлоқдир²⁴².

“Шанба куни ҳаддан ошганлар ҳақида сўранг!”

Яъни, шанба куни ов қилиш билан Аллоҳ белгилаб берган чегарадан ўтган, ўзларига зулм қилган кимсалар ҳақида яҳудийлардан сўранг!

“Ўшанда шанбалик қилган кунларида балиқлар (сув юзида) очик келар эди. Шанбалик қилмаган кунларида эса келмасди”.

Яҳудийлар улуғлайдиган шанба куни катта-катта балиқлар сув юзасига қалқиб чиқиб, осонлик билан овлаш имкони туғиларди. Шанба куни ўтгач, балиқлар кўринмасди. Бу Аллоҳ таоло тарафидан синов бўлган эди.

Ибн Аббос розияллоҳу анху шундай деганлар: “Аслида яҳудийларга ҳам жума кунини мўътабар санаш амр қилинган эди. Бироқ улар жума кунини тарк этиб, шанбани танладилар. Шунда Аллоҳ таоло уларни имтиҳон қилди: ўша кунда ов қилишни ман этиб, шанбани улуғлашни буюрди. Шанба куни келганида улар денгиз бўйида балиқларни кўрардилар. Бошқа кунларда эса балиқлар кўринмас, фақат шанба куни қайтиб келарди. Аллоҳ уларни мана шундай имтиҳон қилган. Бу Аллоҳ таолонинг “Ўшанда шанбалик қилган кунларида балиқлар (сув юзида) очик келар эди. Шанбалик қилмаган кунларида эса келмасди”, деган сўзи маъносидир²⁴³”.

Имом Куртубий айтадилар: “Ривоят қилинишича, мазкур воқеа Довуд алайҳиссалом замонида бўлиб ўтган. Иблис уларга васваса қилиб: “Сизлар шанба куни балиқ овлашдан қайтарилдингиз. Шундай экан, денгиз четида сунъий ҳовузлар қавланг”, деди. Улар шанба куни ўша ҳовузга балиқларни ҳайдаб бориб қамаб қўйишарди. Сув камлиги сабаб балиқлар у ердан чиқиб кетолмасди. Якшанба куни эса бемалол балиқларни тутиб олишарди²⁴⁴”.

“Уларни итоатсиз бўлганлари сабаб мана шундай имтиҳон қиламиз”.

Аллоҳ шанба куни балиқларни сув юзасига чиқариш ва бошқа кунларда уларни кўрсатмаслик билан ҳаддан ошган кимсаларни имтиҳон қилади. Кимда-ким Аллоҳнинг чегараларини бузса, итоатсизлик қилса, шарият қонунлари доирасида ҳийла ишлатса, мана шундай синов билан жазоланади. Зеро, ким Аллоҳга итоат этса, У Зот дунё ишларини осон қилиб қўяди, охирада улуғ мукофотлар билан тақдирлайди. Ким итоатсизлик қилса, Адолатли ва Қодир Зот бўлмиш Аллоҳ ўша кимсани қаттиқ жазолайди.

²⁴² Бу қишлоқ Табария ёки Мадян эди, деган қавл ҳам бор.

²⁴³ “Тафсирул фахрир розий”, 4-жуз, 316-бет.

²⁴⁴ “Тафсирул куртубий”, 7-жуз, 306-бет.

Энди ўша қишлоқ аҳлидаги бир қанча тоифалар ва уларнинг ҳолати тўғрисида маълумот берилади:

“Ўшанда улардан бир жамоат: “Нима сабабдан Аллоҳнинг Ўзи (бу дунёда) ҳалок этадиган ёки (охиратда) қаттиқ азоблайдиган қавмга панд-насиҳат қиласизлар?” деганларида, улар айтдилар: “Парвардигорингизга (қиёмат кунда) узримизни айтиш учун ва шояд (улар Аллоҳдан) кўрқсалар, деб (насиҳат қиляпмиз)”.

Ушбу оятдан тушуниш мумкинки, қишлоқ аҳли уч тоифа бўлган:

1. Шанба куни ҳаддан ошганлар, исён ва туғёнга ботиб, Аллоҳ белгилаб берган чегарадан ўтганлар.

2. Уларни ёмон ишдан қайтарган кишилар.

3. Исёнкор кимсалар тузалишидан умидини узган ва насихатгўйларни маломат қилган кишилар.

Юқоридаги оятга кўра, шанба куни балиқ овлаб чегарадан чиққан одамларга насихат қилган зотларга:

– Буларга насихат қилишнинг фойдаси йўқ, огоҳлантирган билан таъсир қилмайди. Нега насихат қиласизлар?! Чунки Аллоҳ таоло уларни ҳалок қилишни тақдир этган ва ер юзини улардан тозалайди, ёмонликлари сабабли муносиб жазоларини беради, – дейилди.

Насихат қилувчилар бунга жавобан шундай дейишди:

– Амру маъруф ва наҳий мункар борасида камчиликка йўл қўймаслик ва уларнинг тўғри йўлга юришидан умид қилиб насихат қиляпмиз!

Аллоҳ шундан кейин исёнкор ва насихатгўй жамоанинг оқибати қандай бўлганини баён қилади:

“Бас, қачон улар ўзларига эслатма қилиб берилган нарсани унутишгач, Биз бу гуноҳ ишдан қайтарган зотларга нажот бердик ва золим кимсаларни итоатсиз бўлганлари сабаб қаттиқ азоб билан ушладик”.

Яъни, шанба куни ҳийла қилиб балиқ овлаган кимсалар кўр ва кар ҳолларида туғёнда давом этишиб, насихатни хушламаганларидан кейин ҳақ йўлга даъват қилганларга нажот бердик. Исёнкор кимсаларни эса қаттиқ азобладик.

Бу ерда балиқ овлаб ўзларини азобга гирифтор қилган кимсалар ва уларни бу кинғир йўлдан қайтарган кишилар оқибати ҳақида хабар қилинган. Бироқ насихатгўй инсонларни койиган кишилар ҳақида бирон нарса дейилмаган.

Баъзи муфассирлардан ривоят қилинишича, улар нажот топишмаган. Чунки ёмон ишдан қайтарганлари йўқ. Устига-устак улар панд-насиҳат қилганларни танқид қилишган.

Лекин жумҳур муфассирларга кўра, бу тоифа вакиллари ҳам нажот топган. Сабаби, улар шанба куни балиқ овлаган кимсалар қилаётган ишни ёқтиришмаган. Улар каби ман этилган ишни қилишмаган. Исёнкорларнинг инсофга келишидан умидларини узганлари боис насихат қилишни ўзларига эп кўришмаган.

Учинчи тоифа оқибати қандай бўлганини Аллоҳга ҳавола қиламиз. Чунки бу борада саҳиҳ матн ворид бўлмаган. Чунончи, Қуръонда насихатгўйлар ва ҳаддан ошганлар оқибати баён этилган. Лекин насихатгўйларни маломат қилганлар ҳақида бирон нарса айтилмаган.

Энди қачонки ўзлари қайтарилган ишдан (қайтмасдан) кибру ҳаво қилганларидан кейин уларга: “Бадбахт маймунларга айланинг!” дедик.

Яъни, уларга панд-насиҳат кор қилмагач, Аллоҳ таоло:

– Бадбахт ва хор маймунларга айландинг! – деди ва шундай бўлди.

Ушбу оят тафсирида айтилишича, Аллоҳ таоло ўша қавмни аввал бахтсизлик ва турмушдаги танглик азоби билан жазолаган. Улар шунда ҳам ақллари ишлатиб, тўғри йўлга юришмагач, уларнинг жисмлари маймунларга айлантириб қўйилган. Улар ҳақиқатан маймун бўлишган. Оятнинг зоҳири шуни кўрсатади. Жумҳур уламолар мана шу қавлни маъқуллашган.

Айтилишича, улар хулқ жиҳатидан маймунга айлантирилган, худди маймун каби ёмонлик ва бузғунчилик қиладиган кимсалар бўлиб қолишган. Бу Мужоҳиддан ривоят қилинган.

Маъсиятга ботганлари, насиҳатни хушламаганлари, нафсга қарши курашишда сусткашлик қилганлари боис улар мана шундай жазога дучор бўлдилар. Улар нафсга қул бўлиб, ўзларига хорлик сотиб олдилар.

Баъзи одамлар ўзининг қинғир мақсадларига етиш, нопон ниятини амалга ошириш учун ҳийлани восита қилиб олади. Уламолар мана шу оятлардан келиб чиқиб, қабих (ёмон) ҳийла жоиз эмаслигини таъкидлашган. “Саҳихайн”да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган мана бу ҳадис келтирилган: “Аллоҳ яҳудийларни ҳалок қилсин! Уларга (хайвон) ёғлари ҳаром қилинганди. Бироқ (яҳудийлар) уларни сотиб, пулини едилар”.

ФИЛ ЭГАЛАРИ ҚИССАСИ

Фил эгалари ҳақидаги қисса жуда машҳур саналади. Қисқача баён қиладиган бўлсак, ҳабаший Абраҳа Каъбани бузиш учун жуда катта қўшин тўплаб Макка сари отланади. Ниятини амалга оширмақчи бўлганида Аллоҳ таоло уни ва қўшинини ҳалок этади. Мана шу қисса Қуръони каримнинг Фил сурасида қисқа ва чиройли услубда баён қилинган. Аллоҳ таоло шундай хабар қилган:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Парвардигорингиз фил эгаларини қандай (ҳалок) қилганини кўрмадингизми? У Зот уларнинг ҳийла-найранггини барбод қилмадими? У Зот уларнинг устига сополдан бўлган тошларни отадиган тўп-тўп қушларни юбориб, уларни чайнаб ташланган сомон каби (илма-тешик) қилиб юборди!” (Фил сураси, 1-5-оятлар).

Фил воқеасини Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам, бошқалар ҳам жуда яхши билишарди. Ҳатто ўша ҳодиса билан тарих саналарини ҳисоблашни ҳам жорий қилишган: “Бу воқеа фил йили ёки ундан олдин ё кейин содир бўлган”, деб айтишарди.

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Парвардигорингиз фил эгаларини қандай (ҳалок) қилганини кўрмадингизми?”

Яъни, эй муҳтарам Пайғамбар, Парвардигорингиз фил эгаларини қандай ҳалок қилганини аниқ кўрдингиз, буни шубҳасиз биласиз. Улар Каъбаи муаззамани бузмақчи бўлдилар. Аммо Аллоҳ уларни аянчли ҳолатда мағлуб этди. Бунда оқиллар учун ибрат бордир. Мазкур ҳодиса Бизнинг қудратимизга ва Байтимизни ҳимоя қилишимизга далолат қилади.

“Парвардигорингиз қилганини” дейилиши фил эгалари билан содир бўлган воқеани юзага келтиришга фақат Аллоҳ қодир эканига ишорадир. Зеро, У Зот суюкли Пайғамбарини ҳимоя қилиш, унга душманлари устидан нажот беришни ваъда қилган.

Шунингдек, Макка аҳли ҳам Ҳабашистон кўшинлари хуружидан омон қолдирилди. Бу Аллоҳ таолонинг уларга кўрсатган марҳаматидир.

Оятда “фил эгалари” дейилишига сабаб, улар ўзлари билан улкан филлар олиб келиб, Каъбани бузиб ташламоқчи, Макка аҳлини хорламоқчи бўлишган.

“У Зот уларнинг хийла-найранггини барбод қилмадими?”

Аллоҳ таоло фил эгаларининг Каъбани бузиш ҳақидаги ниятларини барбод қилди. Уларнинг саъй-ҳаракатларини бекор кетказди. Аксинча, ўзларини буткул ҳалокатга дучор қилди.

“Хийла” (арабча матнда “кайд” сўзи билан келтирилган) махфий тарзда ўзга одамга зарар етказишни ният қилишдир. Улар кундуз куни очикчасига Макка томон кўшин билан бостириб келганларига қарамай, Аллоҳ таоло бу оятда Абраҳанинг қилган ишини “хийла” демоқда. Сабаби, улар дилида Макка аҳлига нисбатан ҳасад, бузғу адоватни яшириб келган. Ҳа, уларнинг кўпи қалбида Каъбатуллоҳ ва унинг атрофидаги яшовчи аҳолига нисбатан кек-адоват сақлаб юарди.

Аллоҳ таоло қалбда кек сақлаш ҳақида шундай деган: “Эй мўминлар, ўзларингиздан бошқаларни (яъни, ғайридинларни) сирдош – дўст тутманглар! Улар сизларга зарар етказишда кучларини аямайдилар ва сизларни қийинчилик-машаққатларга дуч келишингизни орзу қиладилар. Уларнинг сизларни ёмон кўришлари ўз оғизларидан ошкор бўлади. Дилларидаги (адоват) эса янада каттароқдир. Агар ақл юритсангиз сизлар учун оят-аломатларни аниқ-равшан қилиб бердик” (Оли Имрон сураси, 118-оят).

Шундан кейин Аллоҳ фил эгаларининг макрини қандай қилиб барбод қилганини баён этади:

“У Зот уларнинг устига сополдан бўлган тошларни отадиган тўп-тўп кушларни юбориб...”

Аллоҳ таоло ҳаддан ошган анави кимсалар макрини бекор кетказди: уларнинг устига гала-гала кушларни юборди. Ҳар тарафдан кушлар келиб ҳалокатига сабаб бўлди. Аллоҳ таоло: “Парвардигорингизнинг кўшинларини Ёлғиз Унинг Ўзигина билади”, деган (Муддасир сураси, 31-оят).

Баъзи уламоларнинг айтишича, гала-гала кушлар ён атрофдан учиб келиб, фил эгалари устига тошлар ёғдиришган.

Икримадан ривоят қилинади: “Кушлар уларнинг устига нўхатдек келадиган тошларни ташлаган. Агар улардан биронтасига тош тегадиган бўлса, унинг сабабидан чечак (касаллик) чиққан. Араб ерларида энг биринчи чечак ана ўша кунда пайдо бўлган”.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қилинган: “Агар ўша тош уларнинг бошига тушса, ғурра қилган (ёки ёндириб юборган). Бу аввалги чечак эди. Айтилишича, ўша йили араб ерларида қизамиқ ва чечак касали илк бор пайдо бўлган”.

Ибн Жузо “Тафсир”ида: “Танага теккан тош вужудни тешиб ўтиб кетган. Айримларида турли касалликлар пайдо қилган. Улар батамом ҳалок бўлганлар. Абраҳанинг танаси эса илма-тешик бўлиб кетган”, деган²⁴⁵.

“Уларни чайнаб ташланган сомон каби (илма-тешик) қилиб юборди!”

²⁴⁵ “Ҳасанайн Муҳаммад Махлуф, “Софватул баён”, 2-жуз, 569-бет.

Бу ерда Аллоҳ таолонинг изни билан гала-гала кушлар ташлаган тош оқибатида фил эгалари қандай аянчли ҳолатга келиб қолгани баён қилинмоқда.

Яъни, Қудратли Аллоҳ Каъбани бузмоқчи бўлганлар устига тош ёғдирувчи кушларни юборди. Оқибатда улар буткул маҳв этилди. Гўё шамол учуриб кетадиган япроқ ёки ҳайвонлар томонидан чайнаб ташланган сомон каби бўлиб қолдилар.

Мана шу қиссада Аллоҳ таоло нақадар Қодир Зот эканига далолат қилувчи мисоллар келтирилди. Уни ўқиган инсоннинг имони зиёда бўлади, саботи янада ортади. Залолатда юрган кимсалар бу қиссани ўқиб, ўзларига хулоса чиқаришади, куфр, ширк ва нифоқ иллатидан покланиб, тўғри йўлдан юра бошлайдилар.

ҚУРЪОНИ КАРИМДА ПАЙҒАМБАРИМИЗ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ҲАҚЛАРИДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

Қуръони каримни тадаббур билан ўқир эканмиз, у ерда хотамул анбиё Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида умумий тарзда маълумот берилганини кўрамиз.

Қуръонда у зот алайҳиссаломнинг башарий ва набавий хусусиятлари, ростгўйликлари, тўғри йўлга бошланишлари, шарафли ва мукаррам қилинишлари, ибрат олишга чақирилишлари баён этилган. Баъзи вақтларда у зотга тасалли берилган, тўғри йўлда собитқадам бўлишга ундалган. Айрим ҳолатда тўғри кўрсатмалар ва енгил танбеҳ берилган.

У зот ҳақларидаги хабарлар мўминлар имонини зиёда қилади, уларга башорат беради. Расули акрам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш энг ҳақ ва тўғри йўл экани, ким шу йўлдан юрса, саодатга эришиши таъкидланади.

Мен ҳеч қандай шубҳасиз айта оламанки, Қуръони карим саййидимиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шахсиятларини ўрганишда энг биринчи ва энг ишончли манбадир. Биз Қуръони каримда у зот ҳақида келтирилганларни қисқача баён этамиз. Пайғамбар алайҳиссаломнинг туғилишлари, вояга етишлари, йигитлик даврлари, пайғамбар бўлишлари, ҳижратлари, ғазотлари, мўъжизалари, тана тузилишлари, хулқлари ҳақида маълумот олмоқчи бўлганлар, сийрат китобларига ва Ислом тарихига мурожаат қилсинлар.

Қуръони каримда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам шахсиятлари ҳақида айтилган энг муҳим жиҳатларни қуйида зикр қиламиз.

У ЗОТ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ҲАҚИДА БАШОРАТ БЕРИЛИШИ

Қуръони каримнинг бир қанча ўринларида аввалги самовий китобларда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбарликлари ҳақида башорат берилгани айтилган. Жумладан, Аъроф сурасида шундай дейилади:

“Улар шундай кишиларки, уммий (саводсиз) Пайғамбарга – номини Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолида топадиган – элчимизга эргашадилар. У (Пайғамбар) уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни улар учун ҳалол қилади, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади ҳамда улардан юқларини ва устиларидаги кишанларини олиб ташлайди. Бас, унга имон келтирган, уни улуғлаб, унга ёрдам қилган ҳамда унинг (келиши) билан нозил

қилинган Нурга (яъни, Қуръонга) эргашиган зотлар – ана ўшаларгина нажот топувчилардир” (Аъроф сураси, 157-оят).

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни шундай улуғ сифатлар билан васф қилмоқда. Бу оят ақлли ва инсофли ҳар бир инсонни у зотга имон келтириш ва итоат этишга ундайди.

Биринчи сифати: у зотнинг барча инсониятга пайғамбар, башорат берувчи ва огоҳлантирувчи эканларидир.

Иккинчи сифати: Аллоҳ таоло у зотга қиёмат кунига қадар боқий қолувчи энг мукамал ва ҳамма соҳани қамраб олувчи шариатни бергани.

Учинчи сифати: у зотнинг уммий эканликлари. Ҳақиқатан, Пайғамбар алайҳиссалом ўқиш ва ёзишни билмаганлар. Бир устоз олдида ўтириб илм олган эмаслар. Балки Аллоҳ таоло у зотга Жаброил алайҳиссалом воситасида Қуръони каримни нозил қилди, Ўз даргоҳидан улуғ ва баракали илм берди. Пайғамбар алайҳиссалом ана ўша илм билан ўзларига нозил қилинган Қуръони карим ҳукмларини баён қилиб бердилар. Бу борада у зот барча файласуф, қонун чиқарувчи, тарихчи, табиий илмлар соҳибларини ортда қолдирдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг санаб ўтилган илмлардан беҳабар эканликлари у зот келтирган таълимот Аллоҳ таоло тарафидан ваҳий қилинганини исботлайди.

Аллоҳ таоло шундай дейди: “(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) шундай қилиб (худди аввалги пайғамбарларга ваҳий қилганимиздек) Биз Ўз амримиз билан Сизга Рухни – Қуръонни ваҳий қилдик. Сиз (Пайғамбар бўлишингиздан) илгари на Китобни – Қуръонни ва на имонни (яъни, унинг ҳақиқатини) билувчи эдингиз. Лекин Биз уни (Қуръонни) бир нур қилдикки, у билан бандаларимиздан Ўзимиз хоҳлаган кишиларни ҳидоят қиламиз. Албатта Сиз (ўзингизга тушган ваҳий ёрдамида) тўғри йўлга етаклайсиз” (Шўро сураси, 52-оят).

Яна бошқа ўринда шундай дейилган: “Сиз (ўзингизга Қуръон нозил қилинишидан) илгари бирон китобни тиловат қилувчи бўлган эмасдингиз ва ўз қўлингиз билан хат ҳам ёзган эмассиз. Акс ҳолда, бузғунчи кимсалар, албатта шубҳага тушган бўлар эдилар” (Анкабут сураси, 48-оят).

Тўртинчи сифати: “Номини Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолида топадиган...”

Аҳли китоблар мана бу уммий Пайғамбарнинг исми ва сифатини ҳузуридаги Таврот ва Инжилда ёзилганини кўрадилар. Бу эса уларни имонга чорловчи, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни тасдиқлашга ундовчи энг катта далилдир.

Аҳли китоблардан баъзилари Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар бўлиб келишларини башорат қиларди. Бу ҳақдаги маълумотларни китобларидан ўқирдилар. Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломни элчи қилиб юборганида қалблари ҳақни қабул қилган, Парвардигоридан қўрқиб, нафсларини тергаган зотлар Саййидимизга имон келтиришди. Бироқ кибр ва ҳасад ўтида ёнганлар у зотга берилган неъматларни кўра олмай, китобларида Пайғамбар алайҳиссалом ҳақида келган маълумотларни ўчириб ташладилар. Уни нотўғри тушунтирдилар ва бу ҳақиқатни оммадан беркитиб келдилар.

Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сифатларини беркитишга қанча уринмасинлар, ё уни нотўғри таъвил қилишмасин, Аллоҳ таоло Ўз нурини мукамал қилишни хоҳлади. Тавротда ҳам, Инжилда ҳам Набий алайҳиссалом ҳақидаги башоратлар, у зотнинг сифатлари қолди. Ҳатто Пайғамбар алайҳиссаломнинг исмлари ҳам очиқ-ойдин келтирилган.

Уламолар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам сифатлари аввалги самовий китобларда келгани ҳақида қуйидагиларни айтишган. Жумладан, Мовардий “Аълумун нубувва” китобида шундай деганлар: “Аввал ўтган пайғамбарлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбар бўлиши ҳақида башорат беришган. Бу уларнинг умматларига қарши ҳужжатдир, бошқалар олдида у зотнинг ростгўй эканликларини тасдиқлайди. Пайғамбарлар ичида кимдир у зотнинг исмларини аниқ айтиб кетган, кимдир сифатларини айтган. Яна кимдир у зотни қавмларига нисбат берган. Яна кимлардир юртларига нисбат берган. Аллоҳ таоло бу сифатларнинг барчасини амалга оширди²⁴⁶”.

“Мунятул азкиё фий қисосил анбиё” китобидан шундай дейилган: “Аввалги пайғамбарлар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида башорат бериб, унинг пайғамбарлиги рост эканига гувоҳлик беришган, уларнинг васфи ҳар қандай шубҳаларни бартараф этадилар. Улар у зотнинг исми, юрти ва сифатларини зикр қилишган. Шунга қарамай Аҳли китоблар у зотнинг исмларини охириги нусхаларидан ўчириб ташлашди. Лекин бу уриниш наф бергани йўқ. Пайғамбаримизнинг сифатлари самовий китобларда қолганига ҳар бир миллатдан бўлган тарихчилар иттифоқ қилишган. Лекин узоқ бўлмаган даврлардан бошлаб улар бу сифатларни ўзгартиришни бошладилар. Мақсад Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ростгўйликларини тасдиқламасликдир. Охириги нусхаларга эътибор берилса, бир-биридан фарқли эканини кўрамиз. Аммо бу нарса уларга фойда бермади”.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Тавротда келган сифатлари ҳақида Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қилинади: “Мен Тавротда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сифатлар ҳақида – Муҳаммад Расулуллоҳ Менинг бандам ва Расулимдир. Мен уни мутаваккил деб номладим. У қўпол эмас, кўрс ҳам эмас, бозорларда бақириб-чақириб юрмайди, ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтармайди. Балки авф қилади, кечиради. Эгри йўлдаги миллатлар “Лаа илааҳа иллаллоҳ”, деб тўғри йўлга кирмагунларича унинг жонини қабз қилмайман – дейилганини ўқиганман” (Бухорий ривоят қилган).

Юқорида келтириган оятдаги бешинчи сифат: “У (Пайғамбар) уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради”.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг Таврот ва Инжилда ёзилган сифатларидан яна бири, у зотнинг яхши ишларга – Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарлари ва охират кунига имон келтиришга, гўзал хулқ соҳиби бўлишга, ханиф шариатда мақталган барча эзгу амалларга чақиришлари, ёмон ишлардан – куфр, маъсият ва ахлоқсизликдан қайтаришларидир.

Шундан кейин олтинчи сифати зикр қилинган: “Пок нарсаларни улар учун ҳалол қилади, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади”.

Яъни, Пайғамбар алайҳиссалом зулм ва фосиқликлари сабабли Аллоҳ уларга жазо сифатида ҳаром қилган ҳайвон ёғлари ва шу каби нарсаларни ҳалол қиладилар. Шунингдек, аҳли китоблар Аллоҳнинг изнисиз ўзларига ҳаром қилиб олган туя гўшти ва сутларини ҳам ҳалол қиладилар. Қолаверса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга қон, ўлимтик гўшти, тўнғиз каби нопок нарсаларни, зино, одамлар молини ноҳақ йўл билан ейиш каби ишларни ҳаром қиладилар. Мана шуларда инсоният учун саодат ва муваффақият бордир.

²⁴⁶ Ўн бешинчи боб: “Пайғамбарларнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида айтган башоратлари” фасли.

Еттинчи сифати: “Ҳамда улардан юкларини ва устиларидаги кишанларини олиб ташлайди”.

“Юкларини ва устиларидаги кишанларини олиш” деганда аввалги шариатларда мавжуд бўлган оғир, машаққатли ибодатларни олиб ташлаб, уларнинг ўрнига осон ва енгилларини келтиришдир. Жумладан, аввалги қавмларда тавба қилиш учун ўзини ўлдириш шарт қилинган. *(Бизнинг шариатда эса қатъий азму қарор билан гуноҳни тарк этиш, бошқа такрорламаслик шартини ила тавба қабул қилинади. – таржимон).*

Яъни, уммий Пайғамбарнинг яна бир сифати, зулм қилганлари сабаб Аллоҳ томонидан юкланган оғир вазифаларни уларнинг гарданидан олиб, енгиллик ҳамда башорат беришдир. Пайғамбар алайҳиссалом насиҳатларидан бирида: “Башорат беринглар, бездириб қўйманглар! Енгиллаштиринглар, оғирлаштирманглар!” деганлар.

Аллома Ибн Касир шундай деган: “Бизлардан аввалги қавмлар шариатида танглик бор эди. Аллоҳ таоло бу уммат ишларини енгил қилди, уларга осонлик жорий этди. Шу сабаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар гапирмаса ёки амалга оширмаса, Аллоҳ таоло умматнинг хаёлига келган нарсаларни кечириб юборади”, деганлар. Бошқа ҳадисда: “Умматимдан хато қилиш, унутиш ва мажбурликдан (қилинган ишлар) кўтарилгандир (яъни, кечирилгандир)”, дейилган. Шу сабаб, Аллоҳ таоло бу умматни: “Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганлар бўйинларига қўйган экингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизларни авф эт, (гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг Хожамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил!” дейишга йўллаган. “Саҳиҳу муслим”да айтилишича, Аллоҳ таоло мана шу дуолардан кейин “Мана шундай қилдим, мана шундай қилдим”, деган²⁴⁷”.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам сифатларини баён қилинганидан кейин Аллоҳ таоло Пайғамбарини тасдиқлайдиган зотлар ҳолатини баён қилади:

“Бас, унга имон келтирган, уни улуғлаб, унга ёрдам қилган ҳамда унинг (келиши) билан нозил қилинган Нурга (яъни, Қуръонга) эргашган зотлар – ана ўшаларгина нажот топувчилардир”.

Мана шу уммий Пайғамбарга имон келтирган, унга душманлик қилганларга муносиб қаршилик кўрсатган, у зотни улуғлаган, ҳурмат қилган, турли воситалар ила кўмак берган инсонлар, Пайғамбар алайҳиссаломга нозил қилган Қуръонга эргашган зотлар Аллоҳнинг раҳматига эришадилар, У Зотнинг розилигини қўлга киритадилар.

Саф сурасидаги оятда таъкидланишича, Исо ибн Марям алайҳиссалом Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам исмларини айтиб, қавмига башорат берган. Аллоҳ таоло шундай деган:

“Эсланг, Исо ибн Марям: “Эй Бани Исроил, албатта мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбариман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқловчи ва ўзимдан кейин келадиган “Аҳмад” исмли бир Пайғамбар ҳақида хушхабар берувчи бўлган ҳолда (юборилдим)”, деган эди. Бас, қачонки (Исо) уларга аниқ-равшан ҳужжат-далил келтиргач, улар: “Бу очик сеҳр”, дедилар” (Саф сураси, 6-оят).

Мана шу оятда Исо алайҳиссалом Пайғамбар алайҳиссалом ҳақида хушбахабр бергани куёш зиёси янглиғ очик баён қилинмоқда.

²⁴⁷ “Тафсиру ибни касир”, 3-жуз, 254-бет.

Бақара сурасидаги бир оятда зикр қилинишича, аҳли китоб ичидан баъзилар ўзларидан бир Пайғамбар чиқишини айтиб мақтанар, ўзларига хилоф бўлганларга таҳдид қилиб, ўша Пайғамбарга имон келтиришларини, оқибатда улар устидан зафар кучишларини айтишарди. Келинг, ўша оятларга кулоқ тутайлик:

“Қачонки уларга Аллоҳнинг ҳузуридан ўзларида бор нарсани (Тавротни) тасдиқловчи Китоб келганида – ҳолбуки, илгари улар кофирларга қарши (ўша Пайғамбардан) ёрдам кутардилар – бас, уларга ўзлари билган нарса келганида, унга кофир бўлдилар. Кофирларга Аллоҳнинг лаънати бўлгай!” (Бақара сураси, 89-оят).

Осим ибн Амр ибн Қатодадан ривоят қилинишича, қавмидан бўлган бир неча кишилар шундай дейишган: “Бизни Исломга даъват қилган нарса қуйидагилардир: биз аввалда мушрик эдик. Бир қанча яҳудий кишилардан бир пайғамбарнинг келишини эшитардик. Улар аҳли китоб эдилар. Улар бизлардан кўра илмлироқ эдилар. Ўртамизда ёмонлик (уруш-жанжал, ихтилоф) ҳеч тўхтамасди. Агар уларга ёқмайдиган ишларни қилсак: “Пайғамбар келиши вақти яқинлашди. Биз унга эргашиб, сизларни худди Од ва Ирам каби қатл қиламиз”, дейишарди. Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар қилиб юборганида, у зот бизни Исломга даъват қилдилар. Биз ижобат этдик. Яҳудийлар бизга таҳдид қилаётган зот ўша киши эканликларини билдик ва улардан олдин отни қамчиладик. Ҳа, биз у зотга имон келтирдик, улар эса кофир бўлишди. Ана ўша яҳудийлар ҳақида Аллоҳ таолонинг “қачонки уларга Аллоҳнинг ҳузуридан бир китоб келганида...” ояти нозил бўлди²⁴⁸”.

Оятда келган “Китоб”дан мурод, Қуръони каримдир. Китобнинг Аллоҳ таоло тарафидан эканининг баён қилиниши уни қабул қилиш лозимлигини кўрсатади. Зеро, Қуръон Ҳикматли ва ҳар нарсадан Хабардор Зотнинг Каломидир. Яҳудийларда Таврот китоби бор эди. Қуръон Тавротни тасдиқлайди, ундаги дин асосларига мувофиқ келади, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар этиб юборилишлари ҳақидаги маълумотлар ҳам бир хилдир.

Қуръон яҳудийлар китобини тасдиқлаши уларнинг маломатга лойиқ иш қилганларини кўрсатади. Зеро, яҳудийлар Тавротга қарши бўлган китобни эмас, балки уни тасдиқлайдиган Китобни инкор этишди.

“Ҳолбуки, илгари улар кофирларга қарши (ўша Пайғамбардан) ёрдам кутардилар...”

Пайғамбар алайҳиссалом келишларидан олдин яҳудийлар ва уларга душман бўлганлар ўртасида бирон келишмовчилик чиқса, Расули акрамни ўртага қўйиб, у зот билан ғалаба қозонишларини таъкидлардилар: “Парвардигор! Биз Тавротда сифатини биладиган Пайғамбар билан бизларга нусрат бер!” деб илтижо қилишарди.

У зот келганларида ҳолат қандай бўлгани қуйида айтилади:

“Бас, уларга ўзлари билган нарса келганида, унга кофир бўлдилар. Кофирларга Аллоҳнинг лаънати бўлгай!”

Яҳудийлар душманларига таҳдид қиладиган зот келганларида, ҳаммадан биринчи бўлиб тасдиқлаш ўрнига у зотни инкор этишди.

Яҳудийлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам сифатларини жуда яхши билишарди. Тавротда келган эди у зотнинг исм ва сифатлари. Шунинг учун уларга

²⁴⁸ “Тафсиру ибни касир”, 1-жуз, 123-бет.

имон келтириш, у зотни тасдиқлаш ва итоат этиш вожиб эди. Бироқ, қалбидаги ҳасадлари сабабли, келиши ваъда қилинган Пайғамбар ўзларидан эмас, балки араблардан чиққанини кўра олмай, қалблари ҳасадга тўлди. Мана шу ҳасад олови уларни маърифатдан, ҳақни тан олишдан тўсди. Молу давлат ва раҳбарликка ўчликлари уларни ҳақни қабул қилишдан ман этди.

Яхудийларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳу уларни инкор этишдан қайтариб, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ваъда қилинган пайғамбар эканликларини, у зотга итоат этиш кераклигини бот-бот таъкидлади. Бироқ улар ҳақиқатни кўрмадилар, эшитмадилар, нуқсонга йўл қўйдилар. Шунинг учун, Аллоҳ таоло уларни лаънатлади, раҳматидан узоқлаштирди.

“Кофирларга лаънат бўлгай!” дейилиши, улар айнан куфр сабабидан лаънатга мубтало бўлганларини кўрсатади.

Юқорида келтирилганлардан маълум бўладики, Аллоҳ таоло пайғамбарларига нозил қилган аввалги китобларда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида башоратлар келган. Бани Исроил қавмидан чиққан сўнгги пайғамбар Исо ибн Марям алайҳиссалом бу башоратни очиқ-ойдин таъкидлаб ўтган.

Ўша вақтдаги инсониятнинг ҳолати Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам туғилишларини, нур бўлиб дунёга келишларини, одамларни зулматдан нур сари олиб чиқишларини тақозо этарди. Ўша даврда (яъни, жоҳилият замонида) бутун олам фитна-фасодга тўлиб-тошганди. Форслар ва румликлар ўртасида уруш-жанжаллар бўлар, эътиқодлар энг тубан ҳолатга келиб қолганди. Одамлар ақидасига шубҳа-гумон ва ўзгартиришлар аралашиб кетганди. Ахлоқ-одоб масаласида шахват, хойи-хавас, ҳасад, адоват, зулм ва исён биринчи ўринда турарди.

Арабистон ярим ороли аҳолиси, жумладан, Макка аҳли бошқалардан кўра яхшироқ ҳолатда эмасдилар. Арзимас сабаблар билан қабилалар ўртасида уруш очилиб, беҳуда қонлар тўкиларди. Улар ўзларига фойда ҳам, зарар ҳам етказолмайдиган жонсиз бут-санамларга сиғинишарди. Улар бу ишларига: “Бу илоҳларимиз Аллоҳ олдида бизларни шафоат қилади”, “Биз ота-боболаримизни шундай қилаётганларини кўрганмиз. Бас, уларнинг ортидан эргашамиз”, деб сабаб келтиришарди. Шундай бўлса-да, биров улардан “Сизларни ким яратган?” деб сўраса, “Албатта Аллоҳ яратган!” деб жавоб қайтаришарди.

Улар шахватларга бутунлай ботиб кетган, руҳий тарафдан ҳоллари танг эди. Урф-одатлари тагидан чириганди. Жоҳилият даври одамлари наслу насаблари билан мақтанар, бироқ эзгу хусусиятлар, одоб-ахлоқ масаласига парво ҳам қилишмасди. Уларнинг ҳукмлари адолатдан холи, йўллари эгри эди. Фақат жуда оз одамлар, жумладан, Зайд ибн Амр ибн Нуфайл, Қайс ибн Соида, Варақа ибн Навфал қабилар мушрикларнинг ширкидан ва уларнинг манфур ишларидан безор бўлиб, ўзларини покдомон сақлашган.

Бутун олам мана шундай зулмат остида қолганида нур бўлиб, ҳидоятга бошловчи бўлиб, бутун оламларга раҳмат ўлароқ сеvimли Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам дунёга келдилар.

АЛЛОҲ ТАОЛО ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМНИ ЮБОРИШ БИЛАН МЎМИНЛАРГА МАРҲАМАТ КЎРСАТГАНИ

Қуръони каримнинг бир қанча оятларида Аллоҳ таоло мўминларга, балки бутун инсониятга Расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни юбориш билан марҳамат кўрсатгани айтилган. Пайғамбар алайҳиссалом инсониятни куфр ва жаҳолат зулматидан имон нурига чиқариш, энг тўғри йўлга бошлаш, Аллоҳ рози бўладиган динга даъват қилиш учун юборилганлари таъкидланган. Жумладан, Оли Имрон сурасида Аллоҳ таоло шундай деган:

“Албатта Аллоҳ мўминларга буюк инъом қилди – уларга ўзларидан бўлган, уларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қиладиган, (гуноҳлардан) поклайдиган ҳамда Китоб ва ҳикматни ўргатадиган Пайғамбарни юборди. Зеро, улар (Муҳаммад алайҳиссалом келишидан) илгари очиқ залолатда эдилар” (Оли Имрон сураси, 164-оят).

Мана шу оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ато этган бир нечта улуғ сифатлар зикр қилинмоқда.

Аллоҳ таоло мўминларга қадри улуғ ва муҳтарам Пайғамбар юбориш билан улуғ марҳамат кўрсатди. У Пайғамбар ўзларидан, яъни араблардан эди. Улар Расулulloҳнинг насал-насабларини, шарафларини ва омонатдорликларини беш кўлдай билишарди.

“Уларга ўзларидан бўлган” деганда, араблардан бўлган назарда тutilмоқда. Шунда мўминлардан мурод, араб миллатига мансуб мўминлар бўлади. Аллоҳ таоло улар тушунишлари, хитоб қилишлари, савол-жавоб қилишлари, бирга ўтириб, суҳбатлашиб манфаат олишлари учун Пайғамбар алайҳиссаломни уларга араб тилида сўзловчи пайғамбар қилиб юборган.

“Ўзларингиздан” сўзини башарият наслидан, деган маънода ҳам тушуниш тўғридир. Зеро, Аллоҳ таоло арабми, ажамми, барча инсониятни ширк зулматидан имон нурига олиб чиқиш учун у зотга нубувват ва рисолатни берган. Пайғамбар алайҳиссаломнинг рисолатлари барча инсоният (ва жинларга) тааллуққидир. Бу ҳақида Аллоҳ таоло: “Биз Сизни (бутун) оламларга раҳмат қилиб юбордик”, деган.

“Уларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қиладиган, (гуноҳлардан) поклайдиган ҳамда Китоб ва ҳикматни ўргатадиган...”

“Тиловат” сўзи Қуръони каримни шошилмасдан, оятма-оят, дона-дона қилиб ўқишни билдиради.

Поклаш эса, гуноҳлардан, разолатдан, нотўғри эътиқоддан поклашдир.

Яъни, Аллоҳ таоло мўминларга ўзларидан бўлган бир Пайғамбар юбориб буюк неъматлар ато этди. Мазкур Пайғамбар уларнинг ҳидояти ва саодатига сабаб бўладиган оятларни тиловат қилади. Уларни куфр, гуноҳлардан поклаб, жоҳилият нопокликларидан, бузуқ эътиқодлардан тозалайдиган ишларга йўллайди.

Бу Пайғамбар, шунингдек, Аллоҳ таоло нозил қилган Қуръонни уларга ўргатади, ҳукмларини тушунтиради, лафз ва маъноларини тушунмай қолган бўлсалар, уларга тушунтириб, Қуръонни тафсир қилиб беради.

Қуръонни таълим бериш қироат қилишдан бошқа нарсадир. Зеро, уни тиловат қилиш тартил билан ўқишдир. Таълим эса, Қуръон аҳкомларини баён қилиш, шариат ҳукмлари ва одоб-ахлоқни ўргатишдир.

Мазкур Пайғамбар уларга ҳикматни – динда фақиҳликни, унинг сир-асрорларини, ҳикматларини ва мақсадларини ўргатади. Бу билан Қуръон мукамал ўрганилади.

Пайғамбар алайҳиссаломга хос сифатлар саналганидан кейин у зот келмасларидан олдин инсоният қай аҳволда бўлгани маълум қилинган:

“Зеро, улар (Муҳаммад алайҳиссалом келишидан) илгари очик залолатда эдилар”.

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар бўлиб келишларидан олдин бутун олам, хусусан, Арабистон ярим ороли жаҳолат қаърига ботганди, улар очик залолатда эдилар. Ақл эгалари буни бир кўришда пайқаб оларди.

Ҳақиқатан, Ислому нури чиқишидан илгари одамлар залолат зулмати ичра адашиб юргандилар. Ибодат бобида Аллоҳга бошқа “илоҳ”ларни шерик қилар, ахлоқ-одоб бобида жамиятда турли разолатлар урчиган, ҳатто энг пасткашликлар ҳам оддий ҳолатдек қабул қилинарди. Муомалалар бобида зулм ва ноҳақлик жуда авж олган, ҳақиқат ва адолат деган улуғ тушунчалар уларга буткул ёт эди. Мана шундай бир паллада Аллоҳ бутун оламларга раҳмат қилиб Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни юборди. Набий алайҳиссалом уларни куфр, фисқу фуҷур ва исёндан ҳидоят, собитқадамлик ва имон нури сари олиб чиқдилар. Бу Аллоҳ таолонинг инъомидир.

Шунга ўхшаш оятлар Жумъа сурасида ҳам келтирилган: **“У (Аллоҳ) омийлар (яъни, аҳли китоб бўлмаган илмсиз кишилар) орасига ўзларидан бўлган, уларга (Қуръон) оятларини тиловат қиладиган, уларни (ширк ва жаҳолатдан) поклайдиган ҳамда уларга Китоб – Қуръон ва ҳикмат – ҳадисни ўргатадиган бир Пайғамбарни (яъни, Муҳаммад алайҳиссаломни) юборган Зотдир. Шакшубҳасиз, улар (ўзларига Пайғамбар юборилишидан) илгари очик залолатда эдилар” (2-оят).**

Бу ерда “омийлар”дан мурод, араблардир. Сабаби, уларнинг кўпчилиги на ўқишни, на ёзишни биларди.

Ўқиш ва ёзишни билмайдиган одамни “оми” (арабча “уммий”) дейилишига сабаб, уларда омиликнинг кенг тарқалганидир. Уларнинг ёши катта бўлса ҳам, худди онасидан туғилган чақалоқдек ўқиш ва ёзишни билишмаган.

(Араб тилидаги “уммун” сўзи тилимизда “она” маъносини англатади. – таржимон)

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам улардан – араблардан, яъни, инсон наслидан эдилар. Уммийликда (ўқиш ва ёзишни билмасликда) уларга ўхшаш эдилар у зот.

Яъни, Аллоҳ таоло фазлу марҳамат кўрсатиб, уммий арабларга ўзларидан бўлган бир карамли Пайғамбарни юборди. У зот уларга Аллоҳнинг Каломини тиловат қилиб беради, уларни нопокликлардан тозалайди, Китоб ва ҳикматни ўргатади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам келмасидан олдин улар каттиқ адашган кимсалар эди. У марҳамат кўрсатиб, уларни ҳидоятга бошлайдиган бир Элчини юборди.

Бақара сурасидаги бир ояти каримада ота-бола Пайғамбарлар – Иброҳим ва Исмоил алайҳимуссалом Байтул Ҳаромни кураётганларида теварак атрофдаги умматга Пайғамбар юбориб, уларни тўғри йўлга бошлашини илтижо қилиб сўраганлари зикр этилган.

Мазкур икки Пайғамбар тилидан шундай дейилган: **“Парвардигоро, уларнинг орасига ўзларидан бўлган, уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, Китоб ва ҳикматни (Қуръон ва ҳадисни) ўргатадиган ва уларни поклайдиган бир пайғамбарни юбор! Шубҳасиз, Сен қудрат ва ҳикмат Соҳибсан!” (Бақара сураси, 129-оят).**

“Ўзларидан” деган сўздаги олмош зурриёт ёки мусулмон умматига тегишли.

Оят Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига, Пайғамбар етказаётган нарсалар ростлигига гувоҳлик берувчи мўъжизадир. Бу ерда “оят” деганда Қуръон оятлари назарда тутилган.

Китоб эса Қуръондир. Қуръонни ўргатиш унинг маъноларини баён қилиш, ҳукмларини тушунтириш билан бўлади.

Ҳикмат эса амал қилинувчи манфаатли илм. “Ҳикмат” сўзининг “Китоб” билан ёнма-ён келишидан мурод, суннати набавия эканини тасдиқлайди. Одамлар айнан Қуръон ва ҳадислар ёрдамида энг солиҳ амалларни билиб оладилар, Аллоҳнинг ҳукмларини, одоб-ахлоқли бўлишни ўрганадилар. Қуръон ва ҳадисни ўрганган одам учун динда фақиҳ бўлиш сари кенг йўл очилади.

Юқорида келтирилган икки улуғ Пайғамбар дуосининг маъноси қуйидагича: ё Парвардигор! Бу мусулмон умматга ёки зурриётларимизга Пайғамбар юборишингни сўраймиз! У Пайғамбар уларга Ёлғиз эканингга далолат қилувчи оятларингни ўқиб беради, Китобинг ҳукмларини уларга ўргатади, уларни одоб-ахлоққа чақиради. Шунингдек, уларга ҳадислар орқали шариат аҳкомларини таълим беради. Ё Аллоҳ! Сен Ўзинг Қудратли ва Ҳаким Зотсан!

Бу икки Пайғамбар дуоси натижаси ўлароқ Аллоҳ таоло уларнинг зурриётидан бир мухтарам Пайғамбарни чиқарди ва унинг сабабидан оламларга зиё тарқалди. Ҳа, бу севикли Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. У зот барча инсонларга башорат берувчи ва огоҳлантирувчидирлар.

Пайғамбар алайҳиссалом бир ҳадисларида боболари Иброҳим алайҳиссалом дуосини эслаб ўтганлар: “Мен отам (яъни, бобом) Иброҳимнинг дуосиман, Исонинг башоратиман, онам кўрган тушман. Мўминлар оналари ҳам худди шундай (туш) кўрадилар”.

(Имом Аҳмад Ирбоз ибн Сория ва Абу Умома розияллоҳу анҳумодан шу ҳақидаги ҳадисни ривоят қилган. Унинг мазмунига кўра, Иброҳим алайҳиссалом одамларни ҳидоятга бошловчи Пайғамбар чиқаришини сўраб Аллоҳга дуо қилганлар, Исо алайҳиссалом қавмига ўздан кейин “Аҳмад” исмли Пайғамбар келишини башорат берганлар. Пайғамбар алайҳиссалом оналари тушларида ўзларидан бир нур чиқиб, Шом қасрларини ёритиб юборганини кўрганлар. – таржимон)

Юқоридаги оятлар мазмуни қуйидаги оятда жам бўлган. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: “(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) **ҳақиқатан, Биз Сизни барча оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик**” *(Анбиё сураси, 107-оят).*

Яъни, эй мухтарам Пайғамбар, Биз Сизни мана шу ханиф (хакикий, тўғри) дин бўлмиш Ислом билан инсон ва жинлардан иборат оламларга раҳмат қилиб юбордик.

Агар улар Сизга эргашсалар, Сиз олиб келган нарсаларга итоат этсалар, нимага буюрсангиз, ўшани бажариб, қайтарганларингиздан қайтсалар, дунёда ҳам, охиратда ҳам, албатта бахтли бўладилар.

Расули акрам алайҳиссаломнинг пайғамбар бўлиб келишлари асли раҳматдир. Аммо бундан фақат даъватларига ижобат этган инсонларгина манфаат олади. Кимда-ким у зот кўрсатмаларидан юз ўгирса, ўзига зиён қилибди, қулай фурсатни, яхши имкониятни қўлдан чиқарибди!

Шубҳасиз, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг раҳмат ва ҳидоят чироғи бўлиб келишлари Аллоҳнинг бизлар учун улуғ неъматидир. Аллоҳ таоло Тавба сурасида шундай деган:

“(Эй инсонлар,) ахир сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларнинг кулфат-машаққат чекишингиздан қийналувчи, (тўғри динга киришингизга) ташна бўлган ва барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган бир Пайғамбар келди-ку! Ана энди ҳам юз ўгирсалар, у ҳолда (эй Муҳаммад алайҳиссалом:) “Менга Аллоҳнинг Ўзи етарлидир! Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир! (Мен Унинг) Ўзига суяндим. У Зот улуғ Аршнинг Соҳибидир”, деб айтинг!” (Тавба сураси, 128-129-оятлар).

Жумхур уламоларга кўра, бу ерда арабларга хитоб қилинмоқда.

Ъъни, эй араблар жамоаси, сизларга ўз жинсингиздан, насабингиздан бўлган, сизлар каби араб миллатига мансуб бир улуғ Пайғамбар келди. Шундай экан, унга имон келтириб, сўзларига қулоқ солинг!

Бу ерда араблар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга ишониш ва у зот ортларидан эргашишга чақирилмоқда. Зеро, арабларнинг шарафи у зотнинг шарафлари билан комил бўлди. Уларнинг фаҳри Пайғамбар алайҳиссалом билан тугал бўлди. Араблар у зот ёшлиқларида ҳам ёлғон сўзламаганларини, ростгўйлик, омонатдорлик, ифбатли ва насаблари пок эканида ҳеч қандай шубҳа йўқлигини, ўзлари ўта ахлоқли инсонликларини жуда яхши билишарди.

Куртубий шундай деган: “Аллоҳ “ўзларидан” деб Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам насабларини мақтамоқда. Зеро, у зот араблар ичида энг пок насабга эга инсон эдилар. “Саҳиҳу муслим”да Воила ибн Асқоъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Албатта Аллоҳ Исмоил болаларидан Кинонани танлаб олди. Кинонадан Қурайшни танлаб олди. Қурайшдан Бани Ҳошимни танлаб олди. Бани Ҳошимдан мени танлаб олди”, деб айтганларини эшитганман”. Бошқа ҳадисда: “Мен никоҳ билан (қурилган оилада) туғилганман. Никоҳсиз туғилган эмасман”, дейилган²⁴⁹”.

Зажжож шундан деган: “Бу ояти каримадаги хитоб барча инсонларга тегишли. Сабаби, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамма инсонларга пайғамбар қилиб юборилганлар. “Ўзларингиздан” дегани, башарият жинсидан мазмунидадир”.

Бизнингча, биринчи қавл ҳақиқатга яқинроқ. Чунки ўша оятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам барча оламларга пайғамбар эканлари эмас, балки айнан арабларга кўрсатилган фазлу марҳамат ҳақида сўз кетмоқда.

“Сизларнинг кулфат-машаққат чекишингиздан қийналувчи...”

Бу Пайғамбар сизлар машаққатга дуч келишингиз ва қийинчиликка тушиб қолишингиздан қийналувчи меҳрибон зотдир. У сизлар учун ёмон оқибатдан ва жазога муносиб иш қилиб қўйишингиздан хавотир чекади.

(Тўғри динга киришингизга) ташна бўлган ва барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган бир Пайғамбар келди-ку!

Мазкур Пайғамбар сизлар ҳидоят йўлига киришингиз, дунё ва охирада саодатга эришингизни жуда хоҳлайди, бунга ўта ҳарис бўлган инсондир.

Шунингдек, эй мўминлар, бу Пайғамбар сизлар учун ўта меҳрибон ва куюнчакдир. Улар сизлар яхшилик ва манфаатга эришиб, ёмонликдан узок бўлишингизни хоҳлайди.

(Оят таржимасида “марҳаматли, меҳрибон” деб ифодаланган бирикма арабча матнда “рауфур раҳим” шаклида келган. – таржимон)

²⁴⁹ “Тафсирул куртубий”, 8-жуз, 301-бет.

Баъзи уламолар: “Аллоҳ таоло Ўзининг исмларидан иккитасини Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бошқа биронта пайғамбарда жамламаган. У зот Расулини “марҳаматли, меҳрибон” деган. Бошқа ўринда Ўзи ҳақида: “Ҳақиқатан, Аллоҳ одамларга Марҳаматли, Меҳрибондир” (Ҳаж сураси, 65-оят) деган²⁵⁰”.

(Бу ерда “рауфур раҳим” сифати Аллоҳ тарафидан Ўзига ҳам, суюкли Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳам нисбат берилганига урғу берилмоқда. Бундан, “рауф” ва раҳим” сифатлари инсонларга ҳам ишлатилиши жоиз эканини билиб оламиз. – таржимон)

“Ана энди ҳам юз ўғирсалар, у ҳолда (эй Муҳаммад алайҳиссалом:) “Менга Аллоҳнинг Ўзи етарлидир! Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир! (Мен Унинг) Ўзига суяндим. У Зот улуғ Аршнинг Соҳибидир”, деб айтинг!”

Яъни, эй Муҳаммад, агар улар имондан юз ўгиришса, Сизга итоат этишмаса, хафа бўлманг, умидингизни узманг! Балки “Аллоҳнинг Ўзи Менга кифоя қилади, кўмак беради”, деб айтинг. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Аллоҳ улуғ Аршнинг Парвардигоридир. Аршнинг азамати қанчалик эканини фақат Аллоҳ билади.

Юқоридаги оятлардан маълум бўладики, Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламини пайғамбар этиб юбориб, инсон ва жинларга жуда катта марҳамат кўрсатган. Зеро, дунё ва охират рўшнолигига эришиш учун инсонлар ҳам, жинлар ҳам илоҳий кўсатмаларга муҳтождирлар. Ана ўша кўсатмаларни Расули акрам алайҳиссалом бизларга таълим берганлар. Аллоҳ таоло бизларни қиёмат куни у зот шафоатларига дохил қилишини сўраймиз *(Аллоҳумма солли ва саллим ва баарик алаа саййидинаа Муҳаммад, ва алаа аалиҳий ва соҳбиҳий ажмаъийн. – таржимон)*

ПАЙҒАМБАРИМИЗ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИНГ БОШҚА НАБИЙЛАРДАН АФЗАЛЛИКЛАРИ

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга Аллоҳ тарафидан берилган гўзал хислатлар, мақталган фазилатлар, улуғ даражалар Қуръони каримнинг бир қанча оятларида баён қилинган. Жумладан, Бақара сурасида шундай дейилган:

“Биз ўша пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик. Уларнинг орасида Аллоҳ (бевосита) сўзлаган зотлар бор. Ва (уларнинг) айримларини (Аллоҳ) юксак даражаларга кўтарди. Исо ибн Марямга ҳужжат бердик ва уни Рухул қудс (Жаброил) билан қувватлантирдик. Агар Аллоҳ хоҳлаганида у пайғамбарлардан кейин ўтган одамлар ўзларига очик ҳужжат келганидан кейин уришишмаган бўлардилар. Аммо улар ихтилоф қилдилар. Бас, уларнинг орасида мўминлар ҳам, кофирлар ҳам бор. Агар Аллоҳ хоҳлаганида уришмаган бўлардилар, лекин Аллоҳ ўзи хоҳлаган ишини қилади”
(Бақара сураси, 253-оят).

Аллоҳ таоло тарафидан одамларни ҳидоят қилиш учун юборилган пайғамбарлар мартаба ва фазилатда бир-биридан афзал қилинганлар.

Қуйида улар қайси жиҳатга кўра афзал эканлари айтилади:

“Уларнинг орасида Аллоҳ (бевосита) сўзлаган зотлар бор”.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломни Ўзи билан бевосита гаплашиш ила афзал қилди. Бу ҳақида бошқа оятларда маълум қилинган.

²⁵⁰ “Тафсирул куртубий”, 8-жуз, 302-бет.

“Ва (уларнинг) айримларини (Аллоҳ) юксак даражаларга кўтарди”.

Айрим пайғамбарлар юксак мартаба ва улуғ мақом бобида ўзга набийларда афзал қилинган. Масалан, Аллоҳ Иброҳим алайҳиссаломни ўзига дўст тутган, Идрис алайҳиссаломни олий мақомга кўтарган, Довуд алайҳиссаломга ҳам пайғамбарлик, ҳам подшоҳлик неъматини ато этган.

Муҳаққиқ уламолар ва муфассирлар “ва (уларнинг) айримларини (Аллоҳ) юксак даражаларга кўтарди” оятида Саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам назарда тутилганларини таъкидлашган. Зеро, у зот жуда улуғ мақом, юксак мартаба, қиёматгача боқий қоладиган мўъжиза ва барча рисолатларни амалдан қолдирувчи рисолат соҳибидирлар.

“Исо ибн Марямга хужжат бердик ва уни Рухул кудс билан қувватлантирдик”.

“Рухул кудс” Жаброил алайҳиссаломдир. “Рух” хос фаришта, “кудс” эса “поклик” мазмунини ифодалайди. Бу сўз маънавий поклик, холислик маъносидадир.

Яъни, Биз Исо ибн Марямга аниқ-равшан хужжат-далилларни бердик: у Бизнинг изнимиз билан пес ва соқовларни даволар, ўликларни тирилтирар ва одамлар тановул қилаётган ҳамда уйларида сақлаб қўйган нарсалари ҳақида хабар берарди. Бундан ташқари, Биз Исони Жаброил алайҳиссалом билан қувватлантирдик. Чунки у жуда зиддиятли даврда яшаган, унинг душманлари Исога қаттиқ адоват қилишган. Шундай бўлса-да, улар Исога азият етказолмадилар. Балки Биз пайғамбаримизни ҳимоямизга олдик.

Имом Куртубий шундай деганлар: “Бу оятдан анбиёлар орасида бир-биридан афзаллик борлиги маълум бўлади. Баъзи ҳадисларда: “Мени Мусодан афзал билманглар!”, “Набийлар орасини ажратманглар!”, яъни, “фалончи фалончидан яхшироқ”, деманглар, дейилган. Хўп, у ҳолда ояти карима ва ҳадислар орасини қандай жамлаш мумкин?

Жавоб шуки, ҳадисда айтилганлар Расулуллоҳга пайғамбарлар бир-биридан афзал экани ваҳий қилинишидан, у зот Одам боласининг энг афзали эканини билишларидан олдин бўлган. Мазкур оят нозил бўлиб, пайғамбарларни бир-биридан афзал билмаслик лозимлиги насх (бекор) қилинди. Ёки ҳадис камтарлик маъносида айтилган. Ё бўлмаса, одамлар пайғамбарлар хусусида талашиб-тортишиб, охири хусуматга сабаб бўлишидан қайтариш учун шундай қилинган. Бу нарса ўз-ўзидан бир пайғамбар шаънига нолайиқ гаплар айтилишига, уларга ҳурматсизлик қилинишига олиб боради. Бу бобда энг яхши гап шуки, пайғамбарлар нубувват жиҳатидан бир-биридан афзал эмас. Балки ҳолатлари, кароматлари, мўъжизалари жиҳатидан афзал бўлишлари мумкин. Мана шу тарафдан олсак, бу ҳақида айтилган ҳадислар ва мазкур ояти карима бир-бирига мос келади”.

“Агар Аллоҳ хоҳлаганида у пайғамбарлардан кейин ўтган одамлар ўзларига очик хужжат келганидан кейин уришмаган бўлардилар”.

Агар Аллоҳ истаганида, аввалда ўтган ҳар бир пайғамбардан кейин келган ва уларнинг мўъжизаларини кўрган одамлар бир-бирлари билан уришмаган бўларди. Бироқ У Зот буни хоҳламади. Сабаби, Аллоҳ одамларни турфа хил қилиб яратган. Ҳақиқатни қабул қилишда улар турлича йўл тутадилар. Шунинг учун ўз-ўзидан ораларида ихтилоф келиб чиқади. Қалби очик бўлганлар пайғамбарлар келтирган нарсаларни тасдиқлаб, мўмин бўлади. Ҳидоятдан залолатни афзал билган кимсалар куфр йўлини танлайдилар.

“Аммо улар ихтилоф қилдилар. Бас, уларнинг орасида мўминлар ҳам, кофирлар ҳам бор”.

Бу ерда ихтилоф чиқариш, фитна оловини ёқишдан қайтарилмоқда. Чунки орада ихтилоф чиқса, тарафкашлик ва низо кучайиб, бир-бирини ўлдиришгача етиб бориши мумкин.

Шунингдек, бу оятда Аллоҳ одамлар орасидаги ихтилофга барҳам беришга қодир эканига ҳам ишора қилинмоқда.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло оятни қуйидаги сўзи билан тамомлайди:

“Агар Аллоҳ хоҳлаганида уришмаган бўлардилар, лекин Аллоҳ ўзи хоҳлаган ишини қилади”.

Аллоҳ бирон сабабга кўра улар ўртасида уруш бўлишини истамаганида, албатта шундай бўларди. Аммо У Зот ҳикмати тақозо этган ҳар қандай ишни қилишга Қодирдир. У Ўзи истаган ишни қилади. Аллоҳ ўта Улуғ Зотдир. Ҳар бир нарса Аллоҳ наздида ўлчовлидир.

Бу ояти каримада пайғамбарлар фазилат бобида бир-бирларидан афзал эканларини баён қилиб, ҳар бир замон ва маконда ихтилоф чиқариш, низолашишдан қайтармоқда. Зеро, бу ёмон оқибатларга, кўнгилсиз натижаларга сабаб бўлади.

Ҳабибимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам фазилатлари ҳақида бир қанча ҳадислар айтилган. Жумладан, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Мен ва мендан аввалги ўтган пайғамбарлар худди бир бинони яхшилаб чиройли қилиб қурган кишига ўхшайди. (Ўша бинонинг) бурчагида бир ғишт ўрни қолдирилган. Одамлар уни айланиб кўриб, қойил қоладилар ва: “Мана шу ғишт ҳам қўйилса эди!” дейишади. Ана ўша ғишт менман. Мен пайғамбарлар(нинг) сўнгги вакилиман” (Бухорий ва Муслим ривоят қилган).

Муслим “Саҳиҳ”да ривоят қилинишича, Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай деганлар: “Мен қиёмат куни Одам боласининг Саййидиман. Энг биринчи қабри очиладиган (яъни, қайта тириладиган) менман. Мен илк бор шафоат қилувчи ва шафоати қабул қилинувчиман”.

Имом Термизий келтирган ривоятда: “Мен қиёмат куни Одам боласининг Саййидиман. Фахр эмас-ку, ҳамд байроғи қўлимда бўлади. Одамдан тортиб барча пайғамбарлар менинг байроғим остида бўлади. Агар қиёмат куни бўлса, мен набийлар имоми бўлади”, дейилган.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Фахр эмас-ку, мен Парвардигорим учун Одам боласининг энг ҳурматлисиман”, дейилган. Яна бир ҳадисда: “Фахр эмас-ку, мен аввалгилар ва охирилларнинг энг мукаррамиман”, деб айтилган.

Бу Пайғамбар алайҳиссалом фазилатлари ҳақида айтилган баъзи ҳадислар. Ким кўпроқ маълумот олмоқчи бўлса, сийрат китобларига мурожаат қилсин²⁵¹.

РАСУЛИ АКРАМ АЛАЙҲИССАЛОМГА ИТОАТ ЭТИШ ВА У ЗОТНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ ВОЖИБЛИГИ

²⁵¹ Масалан, Мансур Али Носиф раҳматуллоҳи алайҳнинг “Ат-тожул жомеъ лил усул фий аҳодисир расул” номли китобига (3-жуз, 228-бет) мурожаат қилсин.

Ислом шариатида таъкидланганидек, ҳар бир ишда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат этиш, у зот қайтарган нарсалардан қайтиш вожибдир. Пайғамбар алайҳиссаломга осий бўлиш, буйруқларидан бўйин товлаш диндин чиқишга, дунё ва охиратда ёмон оқибатларга йўлиқишга сабаб бўлади.

Нисо сурасида Расули акрам алайҳиссаломга итоат этишга амр қилиниб, шундай дейилган:

“Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилинг ва Пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (мусулмон) ҳокимларга бўйсунинг! Борди-ю бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, – агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз – у нарсани Аллоҳга ва Пайғамбарига қайтаринглар! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир” (Нисо сураси, 59-оят).

Аллоҳга маъсият бўлмайдиган ҳолатда мусулмон раҳбарларги итоат этилади. Агар улар Ислом шариатига зид бўлган ишларга буюришса, уларга бўйсунилмайди.

Аллоҳ таоло бизларни гуноҳ бўлмаган ишларда ишбошиларга итоат этишга буюрган. Сабаби, улар шариат таълимотларини амалга оширадилар. Умматнинг иши уларга ишониб топширилади. Улар раият манфаати учун ҳаракат қиладилар. Уларга итоатсизлик – мусулмон умматининг ҳолати ёмонлашиши, ораларида ихтилоф чиқишига сабаб бўлади.

Айтилишича, оятдаги “ишбошилар”дан мурод, диёнатли уламолардир. Улар одамларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтардилар²⁵².

“Ўзларингиздан” деганда, динингиздан бўлган, эътиқоди сизларники каби бўлган ишбошилар назарда тутилади.

“Борди-ю бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, – агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз – у нарсани Аллоҳга ва Пайғамбарига қайтаринглар!”

Агар мусулмонлар ўртасида, диний ишларда бирон ихтилоф келиб чиқса нима қилиш керак? Бу оятда ана шу саволнинг жавоби бор.

Яъни, эй мўминлар, агар сиз ва ишбошилар дин ишларида бирор ихтилофга борсангиз, у ҳолда ана ўша ишни Аллоҳнинг Китоби – Қуръонга ва Расулига қайтаринглар. Ҳаётлик чоғида унинг ўзидан сўранглар, вафот этганидан кейин суннатига мурожаат қилинглари²⁵³!

Мана шу оят Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларига амал қилиниши, ундаги кўрсатмаларга итоат этилиши кераклигига далилдир.

Ҳадиси шарифларнинг бирида у зот алайҳиссалом: “Сизларни бирон ишдан қайтарсам, ундан узоқлашинглар. Агар бирон ишга буюрсам, уни қодир бўлганингизча амалга оширинг. Сизлардан аввалгиларнинг ҳалок бўлишига кўп савол беришлари ва пайғамбарларига хилоф қилишлари сабаб бўлганди”, деганлар (Муслим ривоят қилган).

“Агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз...”

Яъни, агар имонингиз ҳақиқий бўлса, чин мўмин бўлсангиз, ораларингизда низо чиққан маҳал Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннатига мурожаат қилинглари.

“Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир”.

²⁵² “Тафсирул кашшоф”, 1-жуз, 524-бет.

²⁵³ Имом Куртубий: “Бу Мужоҳид, Аъмаш ва Қатоданинг қавлидир. Бу гап саҳиҳдир”, деган (“Тафсирул қуртубий”, 5-жуз, 261-бет).

Бирон масалада мусулмонлар орасида низо келиб чиққанда, Қуръон ва ҳадисга мурожаат қилиб, ундаги ҳукмларга эргашиш чиройли оқибатга сабаб бўлади, бу билан масала ўз ечимини топади. Бу ўша низони инсон ўз ақли билан “ҳал” қилишидан яхшироқдир.

Аллоҳ таоло бошқа оятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш Ўзига эргашиш эканини баён қилган: **“Ким Пайғамбарга итоат этса, демак, Аллоҳга итоат этибди. Ким юз ўгирса, (бунинг Сизга зарари йўқ, эй Муҳаммад алайҳиссалом. Зеро,) Биз Сизни уларнинг устига қўриқчи қилиб юборганимиз йўқ”** (*Нисо сураси, 80-оят*).

Яъни, қайси бир банда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам даъват қилаётган таълимотларга эргашса, демак, у Аллоҳга эргашган бўлади. Чунки Расулуллоҳ Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларини одамларга етказувчидирлар.

Оятнинг давомида Парвардигори олам Ўз Расулига:

– Эй Муҳаммад алайҳиссалом, ким сизга эргашмаса, айтанингизга кирмаса, у фақат ўз жонига жабр қилибди. Биз Сизни одамларга қўриқчи, ё пойлоқчи қилиб эмас, балки уларни огоҳлантирувчи ва топшириқларимизни етказувчи қилиб юборганимиз, – деган.

Қуръони каримни ўқиб тафаккур қилган киши бу хусусда келган ўнлаб оятлар борлигига гувоҳ бўлади. Жумладан, Аллоҳ шундай деган: “Айтинг: “Аллоҳга ва Пайғамбарга итоат қилинг!” Агар юз ўгирсалар, бас, албатта Аллоҳ кофирларни севмайди” (Оли Имрон сураси, 32-оят).

Яна бир оятда шундай дейилган: “Пайғамбар сизларга берган нарсани олинглар. У зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар ва Аллоҳдан қўрқинглар. Албатта Аллоҳнинг жазоси қаттиқдир” (*Ҳашр сураси, 7-оят*).

Мана бу оятда Аллоҳ ва Расулига итоат этиш нажотга элтиши маълум қилинган: “Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига ўрталарида ҳукм чиқариш учун чорланган вақтларида мўминларнинг сўзи “эшитдик ва бўйинсундик”, дейишдир. Ана ўшалар нажот топувчилардир” (*Нур сураси, 52-оят*).

Мана бу оятга ҳам эътибор қаратайлик: “Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари бир ишни ҳукм қилган – буюрган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўзлари хоҳлаган ишларини ихтиёр қилишлари жоиз эмасдир. Ким Аллоҳ ва Пайғамбарига осий бўлса, бас, у очик йўлдан озибди” (*Ахзоб сураси, 36-оят*).

Пайғамбар алайҳиссаломга итоат этиш вожиблиги ҳақида жуда кўп ҳадислар айтилган. Бу ерда имом Бухорий “Саҳиҳ”да ривоят қилган бир ҳадисни келтириш кифоя қилади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– Умматимдан ҳар бир инсон жаннатга киради. Фақат ёқтирмаганлар (ёки юз ўгирганлар кирмайди), – дедилар.

Шунда:

– Ё Расулуллоҳ! Ёқтирмаганлар кимлар? – деб сўралди.

У зот:

– Ким менга итоат этса, жаннатга киради. Менга осий бўлган (амримга бўйсунмаган) кимсалар ёқтирмаганлардир, – дедилар²⁵⁴.

²⁵⁴ Қаранг: Мансур Али Носиф, “Ат-тожул жомеъ лил усул фий аҳодисир расул”, 1-жуз, 42-бет.

Севимли Пайғамбар алайҳиссаломни хурмат қилиш, эъозлаш ҳақида куйидаги оятларни келтириш мумкин. Аллоҳ таоло шундай деган:

“Эй мўминлар, сизлар Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари олдида қадам босманглар! Аллоҳдан кўрқинглар! Албатта Аллоҳ Эшитувчи, Билувчидир. Эй мўминлар, амалларингиз ўзларингиз сезмаган ҳолда беҳуда-бефойда бўлиб қолмаслиги учун овозларингизни Пайғамбарнинг овозидан юқори кўтарманглар ва унга бир-бирларингизга очик (дағал сўз) қилгандек очик сўз қилманглар! Албатта Аллоҳнинг Пайғамбари ҳузурда овозларини паст қилган зотлар – ана ўшалар Аллоҳ дилларини тақво учун имтиҳон қилган зотлардир. Улар учун мағфират ва улуғ ажр-мукофот бордир. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) албатта ҳужралар ортидан туриб Сизни чақирадиган кимсаларнинг кўплари ақлсиз кимсалардир. Агар улар то Сиз ўзингиз уларнинг олдида чикқунингизча сабр қилганларида, албатта ўзлари учун яхшироқ бўлар эди. Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир” (*Ҳужурот сураси, 1-5-оятлар*).

Яъни, эй ҳақиқий имон келтирган мўминлар! Аллоҳ ва Расулининг ҳукмига суянмасдан туриб бирон сўз айтишдан ёки динга оид бирон иш қилишдан ҳазир бўлинг! Ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳга тақво қилинг! Зеро, Аллоҳ ҳар бир сўзингизни эшитиб, қилаётган амалларингизни билувчи Зотдир.

Ибн Касир шундай деганлар: “Аллоҳ таоло бу билан Ўзининг мўмин бандаларига одоб бермоқда, Пайғамбарлари билан қандай муомала қилиш, уни хурматлаш, эҳтиром кўрсатиш ва улуғлаш хусусида кўрсатмалар бермоқда: “Эй мўминлар, сизлар Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари олдида қадам босманглар!”

Яъни, бирон нарсани ундан олдин бошламанг, балки барча ишда унга эргашинг, ортидан юринг! Ҳатто бу шаръий одоб доирасига Муоз ибн Жабал розияллоҳу анхунинг ҳадиси ҳам киради. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муозни Яманга юбораётиб:

– Нима билан ҳукм қиласан? – деб сўрадилар.

У:

– Аллоҳнинг Китоби билан, – деб жавоб берди.

Расулуллоҳ:

– Агар топа олмасанг, нима қилсан? – дедилар.

Муоз:

– Унда Расулуллоҳнинг суннатлари билан ҳукм қиламан, – деди.

– Агар ундан ҳам топа олмасанг, қандай йўл тутасан? – деб сўраганларида, Муоз ибн Жабал розияллоҳу анху:

– Ўз раъим билан ижтиҳод қиламан, – деб жавоб берган.

Муоз бунда ўз раъи-қараши ва ижтиҳодини Қуръон ва ҳадисдан кейинги ўринга қўйган. Агар бу икки манбадан қидирмай туриб, ўз раъини афзал деб билганида, бу нарса Аллоҳ ва Расулининг олдида қадам босиш сирасига кирарди²⁵⁵.

Шундан кейин Аллоҳ таоло мўминларга қарата иккинчи марта нидо қилади ва Расулини хурмат қилиш вожиблигини таъкидлайди:

“Эй мўминлар, овозларингизни Пайғамбарнинг овозидан юқори кўтарманглар ва унга бир-бирларингизга очик (дағал сўз) қилгандек очик сўз қилманглар!”

²⁵⁵ “Тафсиру ибни касир”, 7-жуз, 345-бет.

Яъни, эй, Аллоҳга ва охират кунига ишонган кишилар! Пайғамбарингизни эҳтиром қилинглар, унга ҳурмат кўрсатинглар! Унга мурожаат қилганда, овозингизни унинг овозидан баланд кўтарманг! Унга хитобан: “Эй Муҳаммад!” деб эмас, балки “Ё Расулуллоҳ”, “Эй, Аллоҳнинг Пайғамбари!” деб хитоб қилинглар.

“Амалларингиз ўзларингиз сезмаган ҳолда беҳуда-бефойда бўлиб қолмаслиги учун...”

Бу ўринда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида овозни кўтариш қандай оқибат билан тугаши баён этилмоқда.

Яъни, Пайғамбар алайҳиссалом олдида овозингизни юқори кўтарманг, унинг исми билан чақирманг. Акс ҳолда ўзингиз сезмаган тарзда солиҳ амалларингиз савоби бекор бўлиб қолиши мумкин.

Ибн Касир айтишича, Расули акрам алайҳиссалом ҳаётликларида у зот олдиларида баланд овозда гапириш қандай макруҳ бўлган бўлса, қабрлари олдида ҳам юқори овозда гапириш макруҳдир. Сабаби, у зот тириклик чоғларида ҳам, қабрдалиқ вақтларида ҳам ҳурматга лойиқ инсондирлар²⁵⁶.

Саҳобалар (Аллоҳ улардан рози бўлсин!) бу кўрсатмаларга тўлиқ риоя қилишган. Ривоят қилинишича, мана шу оят нозил бўлганида Абу Бакр: “Эй Расулуллоҳ! Аллоҳга қасамки, мен сизга худди пичирлаб гапирадиган одам каби мурожаат қиламан”, деганлар.

Собит ибн Қайсининг овози жуда баланд эди. Юқоридаги оят нозил бўлганида, у: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга овозини баланд кўтарадиган мен эдим. Энди жаҳаннам аҳлиданман мен. Амалим бекор бўлди!” деди ва уйида маҳзун ҳолида ўтирди. Собит айтган гап Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга етиб борганида, у зот саҳобаларга қараб: “Йўқ, (Собит) жаннат аҳлидандир”, дедилар²⁵⁷.

Қуръони каримдаги оятлар далолатига кўра, Аллоҳ таоло Ўз Расулининг исми билан хитоб қилмаган, балки унинг ҳурматлаб: “Эй Набий!”, “Эй Пайғамбар!”, “Эй либосларга ўраниб олган Зот!” деб нидо қилган.

Бошқа пайғамбарларга эса уларнинг исми билан “Эй Одам”, “Эй Иброҳим”, деб нидо қилган.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг исмлари хитоб қилинганда эмас, балки бошқа ўринларда зикр қилинган.

Пайғамбар алайҳиссаломни ҳурматлаш ва у зот ҳузурларида овозни баланд кўтаришдан қайтарилгач, Расули акрам олдиларида оҳиста гапирадиган зотлар ҳақиқа мақтов айтилади:

“Албатта Аллоҳнинг Пайғамбари ҳузурларида овозларини паст қилган зотлар – ана ўшалар Аллоҳ дилларини тақво учун имтиҳон қилган зотлардир”.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитоб қилганда овозларини паст қиладиган зотлар қалбларини Аллоҳга бўлган тақво ва тоатга холис қилган инсонлардир.

“Улар учун мағфират ва улуғ ажр-мукофот бордир”.

Яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида паст овозда гапирадиган инсонларнинг гуноҳлари мағфират этилади ва уларга ҳисобини ёлғиз Аллоҳ биладиган даражада улуғ мукофотлар ато этилади.

²⁵⁶ “Тафсиру ибни касир”, 7-жуз, 348-бет.

²⁵⁷ Қаранг: “Тафсиру ибни касир”, 7-жуз, 347-бет; “Тафсирул куртубий”, 16-жуз, 304-бет.

Мана шу одобга барча мусулмонлар Расулуллоҳ ҳаётлик вақтларида ҳам, у зот ёруғ оламни тарк этганларидан кейин ҳам оғишмай амал қилиб келишган. Ривоят қилинишича, Умар ибн Хаттоб Масжидун набавийда бир киши овозини баланд кўтараётганини эшитиб қолди ва унга: “Ҳой, сен қаерликсан?” деди. “Тоифданман”, деди у. Шунда Умари одил: “Агар Мадина аҳлидан бўлганингда, уриб адабингни берардим”, дедилар.

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) албатта ҳужралар ортидан туриб Сизни чақирадиган кимсаларнинг кўплари ақлсиз кимсалардир”.

Ушбу икки оятнинг нозил бўлишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган. Бани Тамимдан бир гуруҳ одамлар ҳижрий тўққизинчи йилда Мадинага келиб, қайлула²⁵⁸ вақтида Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам яшайдиган уй олдига келиб: “Эй Муҳаммад, бизнинг олдимизга чиқ!” деб баланд овозда чақира бошлашди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг бу ишини хушламадилар.

“Ҳужралар”дан мурод, Пайғамбар алайҳиссалом аёллари яшайдиган ҳужралардир.

Яъни, эй муҳтарам Пайғамбар, аёлларингиз ҳужралари ортидан туриб сизни чақирадиган кишиларнинг кўпи тўғри ақл юритишдан, одоб-ахлоқдан, хурмат-эҳтиром кўрсатишдан бенасибдирлар. Улар одамларга одоб ила мурожаат қилмайдилар. Чунки улар аъробийлардир, тарбия кўрмаган, одамлар билан муомала қилишни билмайдиган одамлардир.

“Кўплари” дейилишига қараганда, уларнинг орасида оз бўлса-да, тарбия кўрганлари ҳам борлиги ойдинлашади.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло энг афзал йўлни кўрсатади:

“Агар улар то Сиз ўзингиз уларнинг олдига чиққунингизча сабр қилганларида, албатта ўзлари учун яхшироқ бўлар эди. Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир”.

Яъни, эй муҳтарам Пайғамбар, Сизга ҳужралар ортидан нидо қилган кишилар олдиларига чиққунингизча сабр қилиб, одобсизлик қилмаганларида, ўзлари учун яхши бўларди. Зеро, Аллоҳ таоло мағфирати ва раҳмати кенг Зотдир.

Ушбу оятларни тадаббур қилар эканмиз, мўминларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан қай тарзда муомала қилиш лозимлиги ўргатилаётганини кўрамиз. Шунингдек, бу оятларда мўминлар динларига оид бир сўз айтиш ё иш қилишдан аввал ана ўша сўз ёки иш шаръий ҳукмга асосланганини билишлари, Аллоҳ ва Расули жорий қилган қонунлар доирасида иш қилиш лозимлигига далолат қилади.

Қолаверса, бу оятларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида паст овозда сўзлайдиганлар мақталиб, у зотга одобсизларча мурожаат этадиган кимсалар танқид остига олинмоқда. Бу далиллар Расули акрам алайҳиссаломни хурмат қилишимиз, у зотни улуғлашимиз лозимлигини кўрсатади.

ПАЙҒАМБАРИМИЗ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ДАЪВАТЛАРИНИНГ УМУМИЙЛИГИ ВА РИСОЛАТЛАРИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЭКАНИ

²⁵⁸ (Пешин намозидан сўнг биров ухлаб дам олиш “қайлула”, дейилади. – таржимон)

Расулуллоҳ алайҳиссалом инсон ва жинларга пайғамбар этиб юборилганларига ва аввалда ўтган жамики пайғамбарлар алайҳимуссалом рисолатини яқунловчи, сўнгги пайғамбар эканликларига имон келтириш вожибдир. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

У зот алайҳиссалом барча инсонларга пайғамбар эканликлари Қуръони каримнинг бир қанча ўринларида зикр қилинган. Жумладан, Аъроф сурасида Аллоҳ таоло шундай деган:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) айтинг: “Эй инсонлар, албатта мен сизларнинг барчангизга (юборилган) Аллоҳнинг элчисиман. У шундай Зотки, осмонлар ва ер Унинг мулкидир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. Ҳаёт ва ўлим берадиган ҳам Унинг Ўзидир. Бас, Аллоҳга ва Унинг элчисига – Аллоҳга ва Унинг Сўзларига ишонадиган уммий Пайғамбарга имон келтиринг ва унга эргашинг – шояд нажот топарсиз” (Аъроф сураси, 158-оят).

Яъни, эй Муҳаммад, араб ва ажамлардан иборат барча инсонларга:

– Албатта, мен Аллоҳ сизларга юборган Элчиман. Насроний ва яҳудий орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Мен барча инсонларга пайғамбар этиб юборилдим, – деб айтинг.

Қуръони карим ва суннати набавияда у зотнинг рисолатлари умумийлигини қувватловчи бир қанча далиллар келган.

Қуръони каримда мана бу оятлар бор:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) ҳақиқатан, Биз Сизни барча оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик” (Анбиё сураси, 107-оят).

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Биз Сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга – (мўминларга жаннат ҳақида) хушхабар берувчи, (кофирларни эса дўзах азобидан) огоҳлантирувчи бўлган ҳолингизда, Пайғамбар қилиб юбордик. Лекин кўп одамлар билмайдилар” (Сабаъ сураси, 28-оят).

Пайғамбар алайҳиссалом Макка аҳлини, қолаверса, қиёматга қадар келадиган барча инсонларни огоҳлантириш учун юборилганлар. Бундан келиб чиқадики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам то қиёматгача инсонларга ҳам, жинларга ҳам Пайғамбардирлар. Ҳар икки тоифа Қуръон ҳукмларига амал қилишлари лозим.

Ҳадиси шарифларда ҳам бунга етарли мисоллар бор. Жумладан, имом Бухорий Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: **“Менга ўзимдан олдинги биронтасига берилмаган беш (хислат) ато этилди: бир ойлик масофадан (душманлар қалбига) кўрқув (солиш) билан нусрат берилди. Ер юзи мен учун ибодат қиладиган жой ва покловчи қилинди. Шундай экан, умматимдан қайси бир киши намоз вақти кирса, ўша (жойда) намоз ўқисин! Менга ўлжалар ҳалол қилинди. Мендан аввалги пайғамбарларга бу ҳалол қилинмаганди. Менга шафоат қилиш изни берилди. (Аввалги) набийлар фақат ўз қавмига юборилган. Мен эса барча одамларга (элчи қилиб) юборилдим²⁵⁹”.**

“Саҳиху муслим”да Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Жоним измида бўлган Зотга қасамки, бу умматдан бирон киши, у яҳудий ё насроний бўладими, эшитса ва менга имон келтирмаса, албатта дўзахга киради²⁶⁰”.

²⁵⁹ “Саҳихул бухорий”, “Таяммум” боби, 1-жуз, 17-бет.

²⁶⁰ “Саҳиху муслим”, “Масжидлар” китоби.

Ибн Касир айтади: “Бу ҳақида оятлар жуда кўп. Шунингдек, ҳадислар ҳам сон-саноксиздир бу борада. Шу нарсадан маълум бўладики, Расулуллоҳ барча инсонларга Пайғамбардирлар²⁶¹”.

(Юқорида келтирилган оятлар тафсирини давом эттирамиз) Шундан кейин Аллоҳ Ўз кудрати ва ваҳдонияти ҳақида хабар беради:

“У шундай Зотки, осмонлар ва ер Унинг мулкидир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. Ҳаёт ва ўлим берадиган ҳам Унинг Ўзидир”.

Яъни, эй Муҳаммад, одамларга:

– Мен сизларга Аллоҳ тарафидан юборилган Элчиман. Осмонлар ва ердаги барча тасарруф унинг измидадир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Тирилтириш ҳам, ўлдириш ҳам У Зотнинг қўлидадир. Мана шундай сифатга эга бўлган Ягона Илоҳга итоат этиш, қайтарган ишларидан қайтиш, Расулини тасдиқлаш вожибдир, – деб айтинг.

Шундан кейин имон келтиришга чақирилади:

“Бас, Аллоҳга ва Унинг элчисига – Аллоҳга ва Унинг Сўзларига ишонадиган уммий Пайғамбарга имон келтиринг ва унга эргашинг – шояд нажот топарсиз”.

Яъни, эй одамлар! Барчангиз Яккаю Ягона Аллоҳга имон келтиринг. Шунингдек, У Зотнинг Элчиси, Аллоҳга ишонадиган, ўзидан илгари ўтган пайғамбарлар китобини тасдиқлайдиган ва улар йўлидан юрадиган Муҳаммад алайҳиссаломга ҳам имон келтиринг, унинг изидан юринг. Агар Элчимиз буюрган ишларни бажариб, қайтарганларидан тийилсангиз, тўғри йўлда бардавом бўласиз.

Ушбу оятлар Пайғамбар алайҳиссалом жинларга ҳам Пайғамбар эканликларини тасдиқлайди: “(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) айтинг: “Менга ваҳий қилиндики, жинлардан бир гуруҳи (менинг Қуръон тиловат қилганимни) эшитиб, (ўз қавмларига қайтиб боришгач:) “Ҳақиқатан, биз ҳақ йўлга ҳидоят қиладиган бир ажиб Қуръонни эшитдик ва дарҳол унга имон келтирдик. Бизлар (энди) Парвардигоримизга ҳаргиз бирон кимсани шерик қилмаймиз”, дедилар” (Жин сураси, 1-2-оятлар).

Аҳқоф сурасида шундай дейилган: “(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) эсланг, **Биз Сизнинг олдингизга бир гуруҳ жинларни Қуръон тингласинлар, деб юборган эдик. Бас, улар (Қуръон тиловатига) ҳозир бўлишгач, (бир-бирларига): “Жим турунглар”, дедилар. (Тиловат) тугатилгач, ўз қавмларига огоҳлантирувчи бўлган холларида қайтиб кетдилар. Улар: “Эй қавмимиз, дарҳақиқат, бизлар Мусодан кейин нозил қилинган, ўзидан олдинги (Илоҳий Китоб)ларни тасдиқ қилувчи, Ҳақ (Дин)га ва тўғри йўлга ҳидоят қиладиган бир Китоб – Қуръонни тингладик. Эй қавмимиз, Аллоҳга даъват қилувчи (Муҳаммад даъвати)ни қабул қилинглар ва унга имон келтиринглар. (Шунда Аллоҳ) гуноҳларингизни мағфират қилади ва сизларга аламли азобдан паноҳ беради. Ким Аллоҳга даъват қилувчини қабул қилмаса, бас, у ер юзида (бирон жойга) қочиб қутулувчи эмас ва унинг учун (Аллоҳдан) ўзга дўстлар ҳам йўқдир. Ана ўшалар очик залолатдадирлар”, дедилар”** (Аҳқоф сураси, 29-32-оятлар).

Уламолар ушбу ояти карималардан қуйидаги ҳукмни олишган: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам рисолатлари инсон ва жинларга тегишлидир. Чунки бу ўринда баъзи жинларнинг у зот алайҳиссаломга имон келтиргани, ўз қавмидагиларни ҳам имонга даъват қилганлари айтилмоқда.

²⁶¹ “Тафсиру ибни касир”, 2-жуз, 255-бет.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг рисолатлари самовий рисолатнинг энг сўнггиси экани ҳақида бундай дейилган:

“(Эй мўминлар,) Муҳаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмас, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг сўнггисидир. Аллоҳ барча нарсани билувчи Зотдир” (Аҳзоб сураси, 40-оят).

Яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам орангизда бирон кишининг ҳақиқий отаси бўлмаган. Бироқ у сизларни куфр зулматидан имон нурига олиб чиқиш учун Аллоҳ тарафидан юборилган Пайғамбардир. Шунингдек, Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарларнинг энг сўнггисидир. Ундан кейин энди қиёмат кунигача пайғамбар келмайди.

Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳ шундай деганлар: “Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг инсонларга пайғамбар қилиб юбориши уларга нисбатан Аллоҳнинг раҳматидир. Кейин у зот билан набийлар ва пайғамбарлар силсиласини ниҳоялаш, ханиф динни комил қилиш билан Пайғамбар алайҳиссаломни шарафлади. Аллоҳ таоло Ўз Китобида ва Расули ҳадисларда хабар қилишича, Пайғамбар алайҳиссаломдан кейин ҳеч қандай пайғамбар келмайди. Бундан сўнг бу улуғ мақомни даъво қилган ҳар қандай кимса, гарчи одатдан ташқари нарсаларни кўрсатса ҳам, сеҳрнинг анвойи турларини намойиш қилса ҳам, барибир у каззоб, бўхтончи, дажжол, адашган ва адаштирувчидир²⁶²”.

РАСУЛУЛЛОҲ АЛАЙҲИССАЛОМ РОСТГҶЙЛИКЛАРИНИНГ ДАЛИЛЛАРИ

Саодат асри тарихига назар ташлар эканмиз, барча далиллар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг болаликдан ростгўй бўлганликларини тасдиқлайди. Зеро, у зот то пайғамбар бўлгунига қадар ҳам ҳаё, поклик, ақл-заковат ва сахийликда кишиларга намуна эдилар. Фикрининг теранлиги, зеҳнининг ўткирлиги, нутқининг фасоҳати ва омонатдорлиги билан бошқалардан ажралиб турардилар. У зот ҳар доим ва ҳар қандай шароитда адолат тарафида бўлардилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳам жисмоний, ҳам руҳий тарафдан мукаммал инсон эдилар. У зотдан олдин ҳам, кейин ҳам бундай улуғ хислатлар бирон кишига берилган эмас. Парвардигоримиз у зот ҳақларида: “Албатта, Сиз буюк хулқ соҳибидирсиз” дегани Расули акрам учун етарли мақтовдир.

Аллоҳ таоло у зотга бундай гўзал одоб ва хислатлардан ташқари пайғамбар эканликларини тасдиқлайдиган, улуғ мўъжизалар ато этганди. Бу мўъжизаларнинг энг аввалида, шубҳасиз, Қуръони карим туради. Бу илоҳий Каломга ботил яқин келолмайди. Қуръон ҳикматли ва мақтовга энг муносиб зот тарафидан туширилгандир.

Муҳтарам Пайғамбар алайҳиссалом одамларга қарата:

– Мен сизларга Аллоҳ тарафидан юборилган Пайғамбарман. Сизларни жаҳолат ва куфрдан илм ва имон нури сари олиб чиқиш учун келдим. Ростгўйлигимга далолат қилувчи хужжат, мана бу Қуръондир. Агар бундан зиғирча шубҳангиз бўлса, Қуръонга ўхшаш каломни келтиринг-чи! – деб хитоб қилдилар.

²⁶² Қаранг: “Тафсиру ибни касир”, 6-жуз, 424-бет.

Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай деган: “У ҳолда агар ростгўй бўлсалар, ўзлари ҳам ўша (Қуръон)га ўхшаган бирон сўз – китоб келтирсинлар-чи” (Тур сураси, 34-оят).

Шундан кейин Қуръон Аллоҳнинг Каломи эканини инкор қиладиганлардан ўнта сура келтириш талаб этилади:

“Ёки: “Уни (яъни, Қуръонни Муҳаммад) тўқиб чиқарган”, дейдиларми? Айтинг: “У ҳолда, агар ростгўй бўлсангиз, Аллоҳдан ўзга кучингиз етган барча бутларингизни (ёрдамга) чорлаб сизлар ҳам шунга ўхшаш ўнтагина тўқилган сура келтиринг!” (Худ сураси, 13-оят).

Сўнгра эса кофирларга яна енгиллик қилинди, Қуръони каримга ўхшаш бир донагина сура келтириш талаб қилинди. Каломуллоҳга қулоқ тутайлик, у бизга мана шу ҳақда маълумот беради:

“Агар Биз бандамизга туширган нарсдан (Қуръондан) шак-шубҳада бўлсангиз, у ҳолда шунга ўхшаш биргина сура келтиринглар ва Аллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринглар – агар ростгўй бўлсангиз. Энди агар бундай қилолмасангиз – ҳаргиз қилолмайсизлар ҳам – у ҳолда кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан қўрқингларки, унинг ўтини одамлар ва тошлардир” (Бақара сураси, 23-24-оятлар).

Яъни, эй мушриклар, Биз бандамиз Муҳаммадга нозил қилган Қуръондан шубҳада бўлсангиз, унга ўхшаш улуғ каломни келтиринглар-чи! Бунинг учун бутларингизни, яна сизларга кўмак бериши мумкин бўлганларнинг барчасини чақиринг. Агар Қуръонга бас келиш ҳақидаги даъвойингиз рост бўлса, шундай қилинглр!

“Шубҳада бўлсангиз” дейилишига сабаб шуки, Қуръони карим Аллоҳдан эканига ҳеч қандай шубҳа йўқлиги, фақат мушрикларгина бунга шубҳа билан қарашганига далолат қилади.

“Бандамизга” деганда, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам назарда тутилмоқдалар. Бандалиқнинг Аллоҳга нисбат берилиши у зотнинг Аллоҳ даргоҳидаги мартабаларига ишора қилади.

Шунингдек, бу билан умматларига Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг банда эканликлари эслатилмоқда. Токи улар пайғамбарни улуғлашда ҳаддан ошиб, унга илоҳлик нисбатини бермасинлар. Маълумки, аввалда ўтган айрим қавмлар пайғамбарларини жуда кўкларга кўтариб, уни ўзларига худо қилиб олишган. Бу билан улар қаттиқ адашишган.

“Унга ўхшаш” деганда, чиройли услуб, балоғат, фасоҳат ва ҳикматли сўзлар борасида Қуръонга ўхшаш сўз назарда тутилади. Қуръоннинг ҳар бир сураси ва оятида мана шу хусусият бордир. Бу жиҳатдан биронта сўз Қуръонга бас келолмайди.

“Аллоҳдан ўзга гувоҳлар”дан мурод, мушрикларнинг бут-санамларидир. Уларнинг даъвосига кўра, илоҳлари уларга қиёмат куни ёрдам қилиб, гувоҳлик берар экан. Чунки улар ўзларини ҳақ йўлда деб ҳисоблар эдилар.

Мушрикларга қаратилган бу чақириқ – жонсиз бутларни чақириш, ақлсиз ва гапира олмайдиган санамларни гувоҳликка чорлашга буюриш билан уларнинг устидан истехзо қилинмоқда. Шояд улар бу билан жаҳолатда эканликларини, жонсиз ва ҳеч қандай манфаат етказолмайдиган бутларга сиғиниб юрганларини тушуниб, залолатдан ҳидоят томон юрсалар.

“Агар ростгўй бўлсангиз...”

Агар “Қуръонга бас кела оламиз”, деган даъвойингиз рост бўлса, унда Қуръон сурасига ўхшаш бир сура келтиринг-чи! Бунинг учун илоҳларингизни, барча балоғат ва фасоҳат билимдонларини, жамики инсониятни чақиринг. Улар сизларга ёрдам беришади ва Қуръон каби бир сўз келтираётганингизга гувоҳ бўлиб туришади.

“Энди агар бундай қилолмасангиз – ҳаргиз қилолмайсизлар ҳам – у ҳолда кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан қўрқингларки, унинг ўтини одамлар ва тошлардир”.

Яъни, агар Қуръонга ўхшаш мўъжизали каломдан бир сурани ҳам келтиролмасангиз (сизларга таъкидлаб айтаманки, келажакда ҳам келтиролмайсизлар), у ҳолда Аллоҳ ҳозирлаб қўйган жаҳаннам оловидан қўрқинг! Унинг ўтини одамлар ва тошлардан бўлади.

“Тошлар” мушриклар сиғинадиган бут-санамлардир. Бошқа ўринда бу ҳақида шундай дейилган: “(Эй мушриклар,) сизлар ҳам, Аллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларингиз ҳам жаҳаннам ўтинларидир. Сизлар у (жаҳаннамга) тушувчисизлар” (Анбиё сураси, 98-оят).

Мушриклар ўзлари топинган тошлар билан бирга жаҳаннамга киритилишлари уларнинг азоби ва ҳасрату надомати оғир бўлишидан дарак беради.

Жаҳаннамга одамлар ва тошлар ёқилғи бўлишининг таъкидланиши дўзахда улардан бўлак нарсалар бўлмаслигини билдирмайди. Бошқа оятларда келишича, жинлар ва шайтонлар ҳам жаҳаннамга кирадилар.

“Кофирлар учун тайёрлаб қўйилган”.

Яъни, уларга шай қилиб қўйилган, фақат кофирлар кириб, унда абадий қоладиган жаҳаннамдир.

Аслида фосиқлар ҳам дўзахга киради. Бу ерда кофирларнинг хосланиши улар ўзлари учун тайёрланган маҳсус жойга тушишларига ишорадир.

Юқорида келтирилган оят келажакда содир бўладиган ишлардан хабар қилмоқда. Зеро, Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳаётлик чоғларида ҳам, у зотдан кейин ҳам, ҳатто ҳозирги кунимизда ҳам Қуръонга тенг келадиган бирон каломни бирон кимса келтиролгани йўқ.

Аслида бу илоҳий хитоблар ўша пайтларда ўзларини сўз устаси, назм арбоби деб билладиган одамларга қарата айтилган эди. Тўғри, уларнинг ичида ҳам балоғат ва ҳикматга йўғрилган сўзлар айтишга қодир кимсалар йўқ эмасди. Чунки ўша даврда адабиёт соҳасида арабларнинг олдига тушадигани халқ йўқ эди ҳисоб. Уларнинг табиатига мана шундай хислатлар сингдирилганди. Бироқ шунга қарамай Қуръонга ўхшаш каломни, ҳатто биргина сурани ҳам ижод қила олмадилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мушрикларга ҳужжат келтирдилар ва уларни илмий баҳс майдонига чорладилар. Бироқ улар ҳужжат ва илм тарафидан ожиз қолишгач, қилич билан таҳдид қилишга ўтишди. Улар мағлуб бўлишларини аниқ билганлари учун илмий баҳсга киришганлари йўқ. Мана шундан ҳам билиш мумкин, Аллоҳ таолонинг “Энди агар бундай қилолмасангиз – ҳаргиз қилолмайсизлар ҳам” деган каломи мўъжизадир! Зеро, Аллоҳ таъкидлаганидек, Қуръонга ўхшаш бир сура келтиришга мушрикларнинг қурби етмади.

Балоғат ва фасоҳатни сув қилиб ичиб юборган араблар бу ишни қилолмадиларми, демак, бошқалар унинг уддасидан чиқолмасликлари аниқ. Бу, ўз навбатида, Қуръон

инсон боласининг сўзи эмас, балки оламларни яратган Зот – Аллоҳ таолонинг Каломи эканини тасдиқлайдиган, инкор қилиб бўлмас ҳужжатлардан биридир²⁶³.

У ЗОТ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ШАРИАТЛАРИНИНГ ОЧИҚ-ОЙДИНЛИГИ

Аллоҳ таоло бандалари учун рози бўладиган Ислом дини ақидада, ибодатларда, муомалаларда, амр ва қайтариқларда очиқ-ойдинлиги билан ажралиб туради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Парвардигори оламдан етказган барча нарсаларда – шариат ҳукмлари ва одоб-ахлоқ масалаларида равшанлик, аниқлик бор (*Шариат кўрсатмаларида ноаниқ ва тушунарсиз жиҳатнинг ўзи йўқ. – таржимон*).

Зеро, Ислом инсоннинг асл фитратига мос энг тўғри диндир. Аллоҳ таоло шундай дейди: “Бас, (эй Муҳаммад алайҳиссалом,) ўзингизни доимо тўғри бўлган Динда (яъни, Исломда) тутинг! Аллоҳ инсонларни яратган табиий хилқатни (сақланг)! Аллоҳнинг яратиши ўзгартирилмайди. Энг тўғри Дин мана шудир. Лекин кўп одамлар билмайдилар” (Рум сураси, 30-оят).

Яъни, эй муҳтарам Пайғамбар, мана шу ҳақ динда собитқадам бўлинг! Унга бирон ботил нарса яқин келолмайди. Соғлом инсон табиати Ислом билан роҳатланади, қалби таскин топади. Зеро, бу Дин унга муносибдир. Инсон Ислом билан саодатга, хотиржамлик ва мазмунли ҳаётга эришади.

Ислом динида машаққат, қийинчилик, танглик, чигаллик, такаллуф ва сунъийлик, ҳукмларда бирон жумбоқлик, ечилмай қолган сирли тилсимлар йўқдир. Шариат аҳкомларининг барчаси кундай равшан, очиқ-ойдиндир.

Сўзимизни қуйидаги ояти карималар тасдиқлайди. Аллоҳ таоло шундай деган:

“Айтинг: “Келинлар, Парвардигорингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни тиловат қилиб берай: У Зотга бирон нарсани шерик қилмангиз; ота-онага яхшилик қилингиз; болаларингизни камбағалликдан (кўрқиб) ўлдирманг – сизларни ҳам, уларни ҳам Биз ризқлантирамиз – бузук ишларнинг ошкорасига ҳам, махфийсига ҳам яқинлашманг; Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган бирон жонни ўлдирманг, магар ҳақ билан (бўлса жоиз). Шояд ақл юритсангиз, деб (Аллоҳ) сизларни мана шу нарсаларга буюрди. Етимнинг молига то у вояга етгунича фақат энг чиройли йўллар билан яқинлашинг! Ўлчов ва тарозини адолат билан тўла тортинг! Биз ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмаймиз. Сўзлаганингизда, гарчи қардошингиз(га қарши) бўлса ҳам, адолат қилинг! Аллоҳга берган аҳдингизга вафо қилинг! Шояд эслатма (насиҳат) оласизлар, деб (Аллоҳ) сизларни мана шунга буюрди. Албатта мана шу Менинг тўғри йўлимдир. Бас, унга эргашинлар! (Бошқа) йўлларга эргашмангизки, улар сизларни йўлидан узиб қўяди. Шояд такво қилсангиз, деб (Аллоҳ) сизларни мана шу нарсаларга буюрди” (*Анъом сураси, 151-153-оятлар*).

Ушбу оятларни мушоҳада қилар эканмиз, унда инсоннинг Парвардигори билан, оиласи ва жамият аъзолари билан қандай муносабатда бўлиши лозимлигини билиб оламиз. Шунингдек, бу ерда мол ва обрўни оёқ ости қилувчи жиноятлар йўли тўсилганини ҳам кўриб турибмиз. Бу кўрсатмаларга оғишмай амал қилсак, албатта бахту саодатга эришамиз, улуғ мукофотларга сазовор бўламиз.

²⁶³ Қаранг: “Тафсирул қосимий”, 2-жуз, 77-бет.

Уламолар “(Аллоҳ) сизларни мана шу нарсаларга буюрди” деган қавлидан келиб чиқиб, бу оятларни “Ўнта васият (буюрук)” деб номлашган.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Аллоҳ таоло Пайғамбарига ўзини араб қабилаларига таништиришни буюрганида, у зот Минога чиқдилар. Ўшанда мен ва Абу Бакр билан ёнларида эдик. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қавм турадиган масканларга келиб, уларга салом бердилар. Улар саломга алик олишди. Қавм ичида Мафрук ибн Амр, Ҳонеъ ибн Қабийса, Мусанно ибн Ҳориса ва Нўъмон ибн Шарик бор эди. Мафрук ибн Амр қавмининг тили ўткир ва фасоҳат соҳиби эди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қараб: “Эй Қурайшлик биродар, нимага даъват қиляпсан?” деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мен сизларни Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Унинг шериги йўқ экани ва мен Аллоҳнинг Пайғамбари эканимга гувоҳлик беришга, менга ёрдам беришга, Аллоҳ буюрган вазифани адо этишимда кўмаклашишга даъват қиламан. Зеро, Қурайш Аллоҳнинг амрига қарши чиқиб, Унинг Расулини ёлғончига чиқарди, ботилни ушлаб олиб ҳақдан юз ўгирди. Аллоҳ махлуқотларидан Беҳожат ва мақтовга энг муносиб Зотдир”, дедилар. Шунда Мафрук у зотга: “Эй қурайшлик биродар, яна нимага даъват қиласан?” деб савол берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўлса: “Айтинг: “Келинглар, Парвардигорингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни тиловат қилиб берай...” деб бошланувчи оятни ўқидилар. Мафрук: “Эй қурайшлик биродар, яна нимага даъват қиласан? Аллоҳга қасамки, бу ер аҳлининг сўзи эмас. Агар шундай бўлганида, биз буни билардик” деди. Шунда Расулуллоҳ алайҳиссалом: “Албатта, Аллоҳ адолат ва эҳсонга амр қилади” оятини тиловат қилдилар. Мафрук бўлса: “Аллоҳга қасамки, сен энг гўзал одобларга, чиройли амалларга даъват қилдинг. Сени ёлғончи қилган ва қарши чиққан кимсалар тухмат қилишибди!” деди. Ҳонеъ ибн Қабийса: “Эй Муҳаммад, гапингни эшитдим, сўзингни маъқулладим. Айтган гапинг менга ёқди”, деди. Расулуллоҳ алайҳиссалом улар имон келтирсалар, Форс ерлари ва Кисро ариқлари мусулмонларники бўлиши ҳақида уларга башорат бердилар. Нўъмон бўлса: “Ё Аллоҳ! Эй қурайшлик биродар, улар сеники бўладими?!” деб ажабланди. Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Эй Пайғамбар (алайҳиссалом), ҳақиқатан, Биз Сизни (қиёмат кунида барча умматлар устида) гувоҳлик берувчи, (мўминларга жаннат ҳақида) хушxabар берувчи ва (кофирларни дўзах азобидан) огоҳлантирувчи ҳамда Аллоҳнинг изни-иродаси билан У Зотга даъват қилувчи қилиб ва (хақ йўлни кўрсатувчи) нурли чироқ қилиб юборганмиз²⁶⁴” оятини тиловат қилдилар” (Байҳақий ривоят қилган).

Бу мазкур уч оят фазилати ҳақида нақл қилинган ривоятлардан биридир. Унга кўра, бу оятлар арабларга қаттиқ таъсир қилган. Келинг, энди бир бошидан ўша оятларнинг мазмуни билан танишиб чиқамиз.

Айтинг: “Келинглар, Парвардигорингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни тиловат қилиб берай...”

Яъни, эй Муҳаммад, ўз ҳавойи нафсларига эргашиб ҳалол ё ҳаромни ўзларича белгилаб олган кимсаларга қарата:

– Олдимга келинглар, Парвардигорингиз сизларга нимани ҳаром қилганини тушунтириб бераман, Раббингиз сизларни нимага буюргани, нимадан қайтаргани

²⁶⁴ Аҳзоб сураси, 45-46-оятлар.

ҳақидаги оятларни ўқиб бераман. Агар менга итоат этсангиз, саодатга эришасиз! – деб айтинг.

“Айтинг” дейиш билан, бу Пайғамбар алайҳиссаломнинг эмас, балки Аллоҳнинг кўрсатмалари эканига алоҳида урғу берилмоқда. Расули акрам бу ерда етказувчилар, холос. Бандаларни бирон ишга буюриш ё қайтариш Аллоҳ тарафидан бўлади.

Ана энди, қуйида ўнта васиятни кўриб чиқамиз.

Биринчи васият: **“У Зотга бирон нарсани шерик қилманг”**.

Яъни, ибодатларда Аллоҳга бирон нарсани шерик қилманглар! Ёлғиз Унинг ўзига ибодат қилинганлар, итоат этинганлар. Зеро, Аллоҳ барча нарсани яратувчи Яккаю Ягона Илоҳдир.

Аллоҳ таоло ўнта васиятни ширкдан қайтариш билан бошламоқда. Сабаби, ширк энг оғир гуноҳ, инсон фитратини бузувчи энг хавфли иллатдир. Ширк Аллоҳ тарафидан кечирилмайдиган жуда оғир жиноятдир. Ширкдан ўзга гуноҳлар кечирилиши мумкин. Аллоҳ таоло шундай деган: “Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмайди. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган кишилар учун кечиради. Ким Аллоҳга (бирон кимса ёки нарсани) шерик қилса, бас, у буюк гуноҳни тўқиб чиқарибди” (Нисо сураси, 48-оят).

Қуръони каримдаги юзлаб оятларда Аллоҳга имон келтиришга чақирилган, ширкдан қайтарилган ва Аллоҳнинг ягоналигига далолат қилувчи ёрқин мисоллар ва кучли далиллар келтирилган.

Иккинчи васият: **“Ота-онага яхшилик қилинг”**.

Яъни, ота ва онага яхши муомалада бўлинг, уларга азият етказманг, дилларини оғритманг!

Аллоҳ таоло Ўзига ширк келтирмаслик ва ота-онага яхшилик қилиш ҳақидаги буйруқни ёнма-ён зикр қилмоқда. Бошқа оятларда ҳам шу тартибда келтирилган. Яъни, “Аллоҳга ширк келтирманг, ота-онага яхшилик қилинг!” деган маънода оятлар бор. Бу нарса ота-онага яхши муомалада бўлиш нақадар аҳамиятли эканини кўрсатади. Аллоҳ таоло яратувчи ва неъматлар ато этувчи Зотдир. Унга шукр қилиш вожиб. Ота-она эса инсон дунёга келишига сабабчи зотлар. Уларга ҳам яхшилик қилиш, ҳурмат кўрсатиш вожибдир.

Учинчи васият: **“Болаларингизни камбағалликдан (кўрқиб) ўлдирманг – сизларни ҳам, уларни ҳам Биз ризқлантирамиз”**.

Яъни, камбағал бўлиб қолишдан кўрқиб ёш болаларингизни ўлдирманг! Чунки сизларнинг ҳам, уларнинг ҳам ризқини етказиш Бизнинг зиммамизда. Барчангизни Биз ризқлантирамиз.

Ер юзида қимирлаган тирик жон борки, барчасига Аллоҳ ризқ беради.

Катталар яшашга қандай ҳақли бўлсалар, ёш болалар ҳам шундай ҳуқуққа эгалар. Уларнинг ҳақларини поймол қилиш аниқ зулмдир. Қашшоқлашиб қолишдан кўрқиб уларнинг ҳаётига қасд қилиш хиёнатдир. Ваҳоланки, сизларни ҳам, фарзандларингизни ҳам Аллоҳ ризқлантиради.

Қашшоқлик ёки уят сабабидан болаларни ўлдиришга рухсат бериладиган жамиятда ҳаёт пароканда бўлади. Ундаги одамлар фақат моддий манфаатни ўйлаб, худбинлик ва ўзини ўта яхши кўриш иллатидан қутулолмай юрадилар. Мана шундай номаъқул ишлар урчиган жамиятда яшайдиган одамлар шумланиш, руҳий безовталиқ, ёмон хаёллар ва тинчлик бермас ўйлар гирдобида қолиб кетади. Улар инсонларни Аллоҳ яратиб, ишларини тадбир қилиб туришини, ризқларини

етказишини билишмайди ёки ишонишмайди. Шунинг учун келиши кутилатган “муаммо”нинг олдини олиш мақсадида бегуноҳ жонларга жабр қилишади. Мана шу очик залолатдир.

(Бугун Фарб давлатларида мана шу нарсани кўриши мумкин. Улар ўз роҳатлари ва фаровонликларини ўйлаб, кўп фарзанд кўрмаслик учун одам шаклига келган ҳомиланида олдиришдан ҳайиқшишмайди, ёки фарзанд кўришини умуман исташмайди. Оқибатда руҳий тушкунлик, қариганда хорликка мубтало бўлишади. – таржимон).

Шу маънода Исро сурасида ҳам қайтариқ келган. Аллоҳ таоло шундай деган: “Камбағалликдан кўрқиб фарзандларингизни ўлдирманг. Уларни ҳам, сизларни ҳам Биз ризқлантирамиз”.

Ушбу икки оят ташқи кўринишдан ўхшаш бўлса ҳам ҳар бири муайян ҳолатни муолажа қилади.

Аллоҳ таоло камбағал бўлиб қолиш хавфи бўлганида жондек азиз фарзандларни ўлдиришдан қайтармоқда. Ўша болаларни ҳам, уларнинг ота-оналарини ҳам Аллоҳ ризқлантиришимни айтмоқда. Оятнинг фасоҳатига диққат қилинг: болалар биринчи зикр қилинмоқда. Сабаби ота айнан ўша боласи таомга шерик бўлишидан кўрқиб уни ҳалок қилиши мумкин. Аллоҳ болаларни ризқлантиришини биринчи зикр қилмоқда. Мақсад ана шундай ёмон ҳаёлга борадиган кишиларга уларни Аллоҳ ризқлантиришини уқтиришдир. Болалар фақат оталарига қараб қолмаганлар. Уларга меҳрибон Зот бор, Раззоқ Аллоҳ бор.

Ҳайвонларга эътибор берсак, улар боласи учун борини бериб, унинг тинчлиги йўлида ҳатто жонини фидо қилишга ҳам тайёр туради. *(Ақлли инсон ҳайвонлардан фарқли ўлароқ фарзандига меҳрибонроқ бўлиши, фақат бекаму кўст еб-ичириши эмас, балки уларни яхши тарбиялашга ҳам эътибор қаратиши лозим. – таржимон)*

Тўртинчи васият: **“Бузуқ ишларнинг ошкорасига ҳам, махфийсига ҳам яқинлашманг”.**

(Бузуқ иш араб тилида “фаҳш” дейилади) Сўз ё иш бўлсин, энг қабиҳ хатти-ҳаракатлар фаҳш, дейилади. Ўғрилиқ, зино, ғийбат, гап ташувчилик ва ёлғон гувоҳлик берувчи одам “фоҳиш”, яъни ўта қабиҳ жиноятларни содир этувчи кимсадир.

Оятнинг мазмуни қуйидагича: Мен сизларни хоҳ ошкора, хоҳ махфий бўлсин, энг қабиҳ жиноятлардан, ёмон сўз ва амаллардан қайтараман!

Энг ёмон жиноятлар олди олинадиган ва унга қарши кураш олиб бориладиган, яхши хислатлар ва гўзал одоблар қадрладиган жамият покиза ва фазилатли жамиятдир.

Фазилат ҳам, қабиҳлик ҳам тенг бўлган жамиятда яхши амалларни қилиш ва ёмонликлардан тийилиши орасида унчалик фарқ кўзга ташланмайди. Бундай макон тез орада таназзулга юз тутади, бахтсизлик ва хорликка учрайди.

Бу ерда фаҳш ишларга яқинлашмасликнинг таъкидланиши, унинг яқинига ҳам келмаслик лозимлигига далолат қилади. Зеро, ким унинг атрофида айланса, жиноят кўчасига кириб қолиши мумкин. Қабиҳликка яқин келмасликка ундаш ислоҳ қилишнинг бир кўринишидир. Ваҳоланки, фаҳш ишлар яқинига ҳам келмаслик таъкидланаётган экан, ўша ишнинг ўзини амалга оширишдан бундан ҳам қаттиқроқ қайтарилади.

Бешинчи васият: **“Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган бирон жонни ўлдирманг, магар ҳақ билан (бўлса жоиз)”.**

Яъни, Аллоҳ ўлдиришни ҳаром қилган, Ислом омонлик берган жонни ўлдирманг! Магар шариат рухсат берган ўринларда бўлса, жоиз.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлиги ва мен Аллоҳнинг Пайғамбари эканимга гувоҳлик берувчи мусулмон кишини қатл қилиш ҳалол эмас. Магар уч (тоифа): зино қилган оилали (эркак ё аёл), жонга жон (қасос олиш), динини тарк этган ва жамоатдан ажраган кимса (бундан мустасно)” (Бухорий ва Муслим ривоят қилган).

Ислом динида инсонга нисбатан Аллоҳ бино қилган иморат сифатида қаралади. Буни, рухсат этилган ўринларда ташқари, бирон киши бузишга ҳаққи йўқ. Шу сабаб, ҳар бир жон ҳимоялангани, бир инсонни ноҳақ ўлдирган кимса бутун инсониятнинг жонига қасд қилган билан баробар экани таъкидланади: “Ана ўша (қотиллик) сабабли Биз Бани Исроил зиммасига (шундай фармонни) битдик: кимки бирон жонни (ўлдирмаган) ва ерда бузғунчилик қилиб юрмаган бир одамни ўлдирса, демак, у гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса, (яъни, ўлдиришдан бош тортса ёки ўлимдан қутқарса,) демак, у гўё барча одамларга ҳаёт берибди” (Моида сураси, 32-оят).

Шундан сўнг Аллоҳнинг қуйидаги қавли билан оят яқунланади: **“Шояд ақл юритсангиз, деб (Аллоҳ) сизларни мана шу нарсаларга буюрди”**.

Яъни, сизлар ақллариңизни ишлатиб, қабихликка қўл уришдан сақланарсизлар, деб Аллоҳ улуғ насиҳатларни, ҳикматли топшириқларни зиммангизга юклади.

Олтинчи васият: **“Етимнинг молига то у вояга етгунича фақат энг чиройли йўллар билан яқинлашинг!”**

Яъни, меҳрибон отасини йўқотган етим боланинг молига яқин кела кўрманг, унинг ҳақиға тажовуз қилманг, мулкига кўз олайтирманг! Магар етимга ҳозир ҳам, келажакда ҳам манфаат етказадиган шаклда (масалан, уни тарбиялаш, ўқитиш, молини ҳимоя қилиш ва кўпайтириш мақсадида) бўлса, майли.

Демак, етимнинг молига фақат унга манфаатли бўлган йўллар билангина яқинлашилади. Унинг ҳақини поймол қилиш, етимнинг ҳақини ейиш, мутлақо жоиз эмас.

“То у вояга етгунча” бирикмаси, етим балоғатга етгунча молини сақланглар. Шундан кейин молини ўзига топширинглар, деган маънода тушунилади.

Еттинчи васият: **“Ўлчов ва тарозини адолат билан тўла тортинг!”**

Яъни, агар одамларга бирон нарсани ўлчаб берсангиз, адолат қилинг, тарозидан уриб қолманг! Ўзингиз учун бирон нарса тортиб олганда ҳам тўғри ўлчанг, бировнинг ҳақидан ҳазар қилинг!

Бу оятда Аллоҳ таоло ўзаро муомала қилганда адолатни жорий қилиш, ҳақдор ўз ҳақини камайтирмасдан тўлиқ олиши, олиши керак бўлган миқдордан кўпайтириши ҳам жоиз эмаслигини баён қилмоқда.

Мана бу васиятга амал қилиш инсонлар ўртасида адолат ва тенглик ўрнатилишига сабаб бўлади. Ҳар бир жамият бу қоидага муҳтождир. Бир-бировини алдамайдиган, ўзгалар ҳақини емайдиган инсонлар яшайдиган жамият энг тинч ва хотиржам жамиятдир. Шунингдек, бирон нарса ўлчаб олаётганда, ўз ҳақидан ортиқча олишга уринмайдиган, сотувчи ҳақидан эҳтиёт бўладиган инсонлар яшайдиган жамият ҳам энг фаровон ва сокин жамият саналади.

“Биз ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмаймиз”.

Аллоҳ бирон жонни тоқати етмайдиган ишга буюрмайди, унга машаққат туғдирмайди.

Бу жумланинг тарозини тўғри тортишдан кейин келиши, тижорий олди-бердида икки тараф тўлиқ адолат қилолмасликларини (граммигача, ёки миллиметригача тўғри тортиш имкони йўқлигини) кўрсатади. Зеро, ўзаро муомала вақтида кўз илғамас қисми у ёки бу тарафга ўтиб кетиши мумкин.

Саккизинчи васият: **“Сўзлаганингизда, гарчи қардошингиз(га қарши) бўлса ҳам, адолат қилинг!”**

Яъни, гарчи айтилаётган гап яқинларингиз учун зарар бўлса ҳам, ҳақ гапни айтинг, адолат тарафида туринг!

Адолат тўғри қарор чиқаришнинг асосидир.

Бу ўринда инсонларнинг адолат қилишга алоҳида буюрилишининг боиси, бу иш ҳаётда жуда кўп учрайди. Жумладан, гувоҳлик бериш ва ҳукм чиқаришда адолатли сўз айта олиш матлуб саналади.

“Гарчи қариндошингиз(га қарши) бўлса ҳам...” деб, инсонлар орасида кенг тарқалган бир иллат муолажа қилинмоқда. Кўп ҳолларда бирон қарор чиқаришда яқинларига, таниш-билишларига ён босиш ва гарчи ҳақ бўлсалар ҳам бегоналарга зулм қилиш кузатилади. Аллоҳ бундай номақбул ишдан бандаларини қайтармоқда.

Тўққизинчи васият: **“Аллоҳга берган аҳдингизга вафо қилинг!”**

Яъни, ибодатда ҳам, муомалада ҳам Аллоҳга берган аҳдингизга, У Зот буюрган нарсаларга вафо қилинг!

Вафодорлик шундай фазилатки, яхшилик ҳам, салоҳият ҳам айнан аҳдга вафо қилиш билан ҳосил бўлади. Одамларнинг ишлари вафодорлик асосига қурилса, жамиятда ривожланиш кузатилади.

“Шояд эслатма (насихат) оласизлар, деб (Аллоҳ) сизларни мана шунга буюрди”.

Яъни, сизларга бу Китобда тиловат қилинган васиятлар унинг буйруқлари ва қайтариқларидир. Сизлар ибрат олсангиз, тўғри йўлга кириб, Парвардигорингиз кўрсатмаларига амал қилсангиз, деб Аллоҳ сизларга буларни баён қилди.

Ўнинчи васият: **“Албатта мана шу Менинг тўғри йўлимдир. Бас, унга эргашинглар! (Бошқа) йўлларга эргашмангизки, улар сизларни йўлидан узиб кўяди”.**

Яъни, сизларга баён қилинган буйруқлар ва қайтариқлар Аллоҳнинг тўғри йўлидир. Унда бирон эгрилик йўқ. Шундай экан, сизлар ана ўша йўлдан юринг, Парвардигорингиз кўрсатмаларига риоя этинг! Ботил динларга, бидъат ва залолатга эргашманг. Акс ҳолда Аллоҳнинг тўғри йўлидан адашиб кетасиз. Аллоҳ сизлар учун Исломни дин қилиб танлади ва мусулмон бўлишингиздан рози бўлди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир тўғри чизиқ чиздиларда: “Мана шу Аллоҳнинг йўлидир”, дедилар. Кейин ўнг ва чап томонларига бир қанча чизиқларни чиздилар: “Мана бу (ботил) йўллардир. Бу йўлларнинг ҳар бири бошида шайтон туриб, ўша (йўлга) чақиради”, дедилар ва “Мана шу Менинг тўғрим йўлимдир” оятини қироат қилдилар” (Аҳмад ривоят қилган).

Аллоҳ таоло бу ерда тўғри йўлни бирликда, ботил йўлларни кўплик шаклида ифодаламақда. Чунки ҳақ йўл битта. Ботил йўллар эса жуда кўп. Бунга нотўғри

акидалар, ботил динлар, бидъатлар, шубҳа-гумонлар, залолатга кетган фиркалар ва хоказолар киради.

Аллоҳ таоло оятни мана бу қавли билан яқунлаган: **“Шояд тақво қилсангиз, деб (Аллоҳ) сизларни мана шу нарсаларга буюрди”**.

Яъни, шояд ҳақ динда бўлиб, нотўғри йўллардан сақлансангиз, деб Аллоҳ сизларни ботил эътиқодлардан ҳазир бўлишга буюрди.

Юқорида кўриб чиққанимиз ўнта васиятда, аввало, соғлом ақида – Аллоҳнинг ягоналиги барча нарсанинг асосини эканини билиб олдик. Қолаверса, бахтли оила ота-онага яхшилик қилиш ва фарзандларга ғамхўрлик қилишга асослангани, жамиятда хотиржамлик ва фаровонлик бўлиши учун қандай ишлар йўлга қўйилиши лозимлиги ҳақида ҳам маълумотга эга бўлдик. Мана шу васиятларнинг барчаси Аллоҳга тақво қилишга боғлиқ. Қалбда тақво бўлса, Аллоҳнинг амр ва қайтариқлари амалга оширилади.

Мана шу улуғ васиятларга амал қиладиган мусулмон қаерда? Агар улар Аллоҳнинг васиятларига, кўрсатмаларига амал қилолсалар, дунёда азизу мукаррам бўладилар, охиратда ҳам уларнинг ҳолига ҳавас қилинади. Қани, бу илоҳий кўрсатмаларга риоя этадиган кишилар борми?

Ё Парвардигор! Бизларни Ўзинг рози бўладиган йўлга бошла! Сен рози бўлмайдиган ишлардан узоқ қил бизларни!

Баъзи оқил кишилар Наҳл сурасидаги бир ояти каримага қулоқ тутиб, ундаги маънолари равшан ва ҳикматли кўрсатмалардан завқ олиб, беихтиёр: “Агар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Парвардигори ҳузуридан олиб келган таълимот дин бўлмаган тақдирда ҳам, бу одамлар урфида чиройли нарса, деб қабул қилинарди”, дейишган.

Уларни мутассир қилган оятр эса ушбудир: **“Албатта Аллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошларга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузуқлик, ёмон ишлар ва зўравонликлардан қайтаради. У Зот шояд ибрат-эслатма оларсизлар, деб сизларга панд-насихат қилади”** (Наҳл сураси, 90-оят).

Яъни, эй мусулмонлар, Парвардигорингиз Аллоҳ таоло сизларни доим сўзда ҳам, ишда ҳам адолатли ва инсофли бўлишга, ҳамиша ўзаро бағрикенг бўлиб, бир-бирингизни авф қилиш ва Аллоҳ кузатиб турганини ҳис қилиб яшашга буюради.

Шунингдек, Аллоҳ сизларни қариндош-уруғларингизга яхшилик қилиш, уларга имконингиз етганича кўмак беришга буюради. Мана шу фазилатлар орангизда ёйилса, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам бахтга эришасиз. Адолат ҳукм сурган жойда ҳар бир ҳақдор ўз ҳиссасини тўлиқ олади. Ўзаро яхшилик ва хайр-эҳсон тарқалган жамиятда инсонлар ўртасида меҳр-муҳаббат пайдо бўлади. Қариндошлар билан яхши муносабат ўрнатиш файз ва баракага, ҳамкорликнинг янада кучайишига туртки бўлади.

Аллоҳ таоло бандаларини энг гўзал фазилатларга ундагач, энди энг қабих иллатлардан қайтаради:

“Ҳамда бузуқлик, ёмон ишлар ва зўравонликлардан қайтаради”.

Яъни, Аллоҳ таоло сизларни адолатли бўлиш ва бир-бирингизга яхшилик қилишга, қариндошларга гўзал муносабатда бўлишга буюрганидек, ҳар қандай ёмон ва қабих ишлардан, тажовузкорликдан, Аллоҳ белгилаб берган чегарадан ташқарига чиқишдан қайтаради.

Мана шу разолат қайси жойда кенг тарқалса, ўша уммат таназзулга кетади, оқибати вой бўлади. Покиза инсон фитрати мазкур ёмонликларни қилиш у ёқда турсин, ҳатто яқинига ҳам боришдан ор қилади. Чунки бу иллатлар соғлом одам ақлига умуман ўрнашмайди, тўғри табиатли инсон боласи ундан ҳазар қилади.

Маълумки, соғлом инсон танасига бирон ёт нарса кирса, тананинг ўзи уни ташқарига чиқариб ташлайди. Худди шунга ўхшаб, соғлом қалб ва соғлом табиат соҳиби бўлган инсон мазкур разолатдан узоқ юради, агар нафсида улардан бирон нарсани сезса, зудлик билан бартараф этади.

Таъсирчан ва ҳикматли ояти карима мана бу қавл билан ниҳоясига етади: **“У Зот шояд ибрат-эслатма оларсизлар, деб сизларга панд-насихат қилади”**.

Яъни, Аллоҳ таоло, шояд ўзингиз учун эслатма олсангиз, Парвардигорингиз таълим берган йўлдан юрсангиз, деб сизларни огоҳлантиради.

Ҳофиз Абу Яъло “Маърифатус саҳоба” китобида ривоят қилишича, Аксам ибн Сойфийга Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабарлари етиб борди. Шунда у Расулulloҳ алайҳиссалом ҳузурларига боришга ошиқди. Аммо қавми бунга кўнмади. Шунда Аксам:

– У ҳолда унинг ҳузурига кимдир бориб, даъват қилаётган таълимотининг ҳикмати сўраб келсин! – деди. Шунда икки киши ўрнидан туриб Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига йўл олишди. Келиб:

– Биз Аксам ибн Сойфийнинг элчиларимиз. У сенинг кимлигинг ва нимага даъват қилаётганингни сўрамоқда, – дейишди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– Мен Муҳаммад ибн Абдуллоҳман. Аллоҳнинг бандаси ва Расулиман, – деб жавоб қайтардилар. Кейин уларга: “Албатта Аллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошларга яхшилик қилишга буюради” оятини ўқиб бердилар. Улар:

– Бу гапни қайтаргин, – дейишди. Шунда у зот ҳалиги оятни такрорладилар ва у иккиси уни ёдлаб олишди. Аксам олдига бориб:

– У бизга насабини айтишдан (ёки улуғлашдан) бош тортди. Унинг насл-насабини бошқалардан сўраб, энг покиза наслдан эканини билдик. У бизга бир қанча сўзларни айтди, уни эшитдик, – дедилар.

Аксам улар келтирган сўзларга қулоқ тутгач:

– У сизларни гўзал хулқларга буюриб, энг ярамас одатлардан қайтарибди. Мана шу ишда бош бўлинглар, орқада қолманглар! Муҳаммад Парвардигори ҳузуридан олиб келган нарса дин бўлмаган тақдирда ҳам, бу одамлар урфида чиройли нарса, деб қабул қилинади, – деди²⁶⁵.

Аъроф сурасидаги биргина оятда ҳам очик-ойдин кўрсатмалар келган, Аллоҳ таоло бандаларига рухсат берган покиза нарсалар ва ҳаром қилган нопокликлар баён этилган. Бу оятларни тафаккур билан тушуниб ўқиган ҳар бир инсон Пайғамбар алайҳиссалом Аллоҳдан етказган Ислом шариати соғлом ақлга жуда мос эканини, бу дин сабабидан қалблар қулфи очилиб, тўғри табиатга эга нафслар ундан ором олишига амин бўлади.

Аллоҳ таоло шундай деган: **“Эй Одам болалари, ҳар бир сажда чоғида зийнатланинг (яъни, тоза либосда бўлинг) ҳамда (хоҳлаганингизча) еб-**

²⁶⁵ Қаранг: “Тафсиру ибни касир”, 2-жуз, 583-бет.

ичаверинглар. Фақат исроф қилманглар. Зотан, (Аллоҳ) исроф қилувчиларни севмайди” (*Аъроф сураси, 31-оят*).

Яъни, ҳар сафар намоз ўқиганингизда ёки тавоф қилганингизда авратингизни ёпиб турадиган энг чиройли либосларни кийинг!

Солиҳ салафлар ибодатда, Аллоҳ олдида турганларида энг чиройли ва покиза кийимларини кийишарди. Масалан, имом Ҳасан ибн Али намоз ўқишга турса, энг яхши либосини кийиб оларди. Ундан: “Эй, Расулуллоҳнинг набираси, чиройли кийимингизни нега кийяпсиз?” деб сўралса, у: “Албатта Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни яхши кўради. Мен фақат Парвардигорим учун чиройли бўламан. Чунки У Зот: “Эй Одам болалари, ҳар бир сажда чоғида зийнатланинг” деган”, деб жавоб қайтарган экан²⁶⁶.

Шундан сўнг Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бандаларини исроф ва бахиллик қилмаган ҳолда неъматларидан баҳраманд бўлишга буюради:

“Ҳамда (хоҳлаганингизча) еб-ичаверинглар. Фақат исроф қилманглар. Зотан, (Аллоҳ) исроф қилувчиларни севмайди”.

Яъни, покиза егуликлардан истеъмол қилинг, ҳалол ичимликларни ичинг! Аммо зийнат бобида ҳам, таомланиш ва ичимлик ичишда ҳам исроф қила кўрманг. Чунки Аллоҳ исроф қиладиган кимсаларни ёмон кўради.

Ибн Касирга кўра, баъзи салафлар: “Аллоҳ оят ўртасида – “Еб-ичинг, фақат исроф қилманг” оятида тиббиётнинг ярмини жамлаган”, дейишган. Бухорий Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Хоҳлаганингизни е, истаганингизни кий, лекин икки нарсадан: исроф ва мактанчоқликдан сақлан²⁶⁷”.

Мана шу оятларда исроф ва ношукрлик қилмаган ҳолда Аллоҳ ҳалол қилган покиза нарсалардан баҳраманд бўлиш жоизлиги таъкидланмоқда. Сўнгра ўзларига кийин қилиб кўядиган, таркидунёчиликка муккадан кетадиган одамларга танбех берилади:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) айтинг: “Аллоҳ бандалари учун чиқарган безак (либосларни) ва ҳалол-пок ризқни ким ҳаром қилди?!” Айтинг: “Улар ҳаёти дунёда имон эгалари учун (бўлиб,) қиёмат кунида эса фақат (мўминларнинг) ўзларига хосдир”. Биз биладиган қавм учун оятларни мана шундай муфассал қиламиз” (*Аъроф сураси, 32-оят*).

Яъни, эй Муҳаммад, покиза неъматларни истеъмол қилишдан ўзларини тийиб турган кимсаларга:

– Сизлар Аллоҳ ҳалол қилган баъзи нарсаларни ўзингиз учун ҳаром қилдингиз! Бу ҳукмни қаердан олдингиз?! – деб айтинг.

Бу савол улар қилаётган ишга раддия сифатида берилмоқда.

Шундан сўнг Аллоҳ Расулига мана бундай жавоб қилишни буюради:

“Улар ҳаёти дунёда имон эгалари учун (бўлиб,) қиёмат кунида эса фақат (мўминларнинг) ўзларига хосдир”.

Яъни, эй Пайғамбар! Умматингизга:

– Бу зийнатлар ва покиза ризқлар мана шу ўтқинчи дунёда мўминларга берилади. Бунда уларга мушриклар ҳам шерик бўлишади. Бироқ охиратдаги неъматлар фақат

²⁶⁶ “Тафсирул алузий”, 8-жуз, 108-бет.

²⁶⁷ “Тафсиру ибни касир”, 2-жуз, 21-бет.

мўминларнинг ўзларига хос бўлади. Аллоҳдан ўзга нарсаларни Унга шерик қилган кимсалар охиратдаги насибадан маҳрум бўладилар, – деб айтинг.

“Биз биладиган қавм учун оятларни мана шундай муфассал қиламиз”.

Аллоҳ мана шу ҳукми баён қилгани каби, биладиган инсонлар учун юксак одоб-ахлоқ ва ҳикматли кўрсатмалардан иборат бўлган бошқа аҳкомларни ҳам баён қилади.

Шундай кейин Аллоҳ таоло бандалари учун ҳаром қилинган баъзи ишларни баён этади:

“Айтинг: “Парвардигорим фақатгина ошкор ва яширин бузукликларни, (барча) гуноҳ ишларни, ноҳақ зулм қилишни ва Аллоҳга (шерик эканлигига) ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарсаларни шерик қилиб олишингизни ҳамда Аллоҳ шаънига билмайдиган нарсаларни гапиришингизни ҳаром қилган, холос” (Аъроф сураси, 33-оят).

Яъни, эй Муҳаммад, Аллоҳ кенглик яратиб қўйганига қарамай ўзлари учун танглик-машаққат туғдириб олган кимсаларга:

– Аллоҳ Китобида ва Пайғамбарлари орқали ҳаром қилган нарса беш хилдир: хоҳ махфий, хоҳ ошкора бўлсин, энг қабиҳ сўзларни айтиш, гуноҳ ишларни қилиш, маъсиятга ботиш, одамларга зулм қилиш, уларни менсимаслик, ҳадидан ошиш, бирон ҳужжати бўлмаган ҳолда Аллоҳга шерик қилиш, шунингдек, ибодатлар, муомалалар ва ҳаром қилинган нарсалар бобида ҳужжат-далилсиз (илмсиз тарзда) бирон сўз айтишдан қайтарган, – деб айтинг.

Ушбу оятда мушриклар устидан истехзо қилинмоқда, қаттиқ танқид остига олинмоқда. Чунки улар Аллоҳга шерик қилаётган нарсалари ҳақида ҳеч қандай далиллари йўқ эди. Қилаётган ишлари ақлан ва нақлан ҳақиқатга тўғри келмасди.

“Ал-манор” муаллифи шундай деган: “Ким мана шу оятни яхшилаб тафаккур қилса, динда Аллоҳ ва Расули тарафидан баён қилинган очиқ-ойдин далили бўлмасдан туриб бандаларга бирон нарсани ҳаром қилмайди ёки вожиб этмайди. Балки ҳужжати бўлмай туриб: “Бу мандуб”, “Бу макрух”, дейишдан сақланади. Мана шу нарсани яхши тушуниб етмайдиган, фатво беришга журъат қиладиган ғофиллар қанча!²⁶⁸”

Юқорида келтирилган оятлар мисолида кўриш мумкинки, Расули акрам олиб келган Ислом шариати очиқ-ойдинлиги ва тушунарли экани билан ажралиб туради. Шариат ҳукмлари билан нафс хотиржам бўлади, соғлом ақл унга рағбат қилади, куфр, ҳасад ва жаҳолатдан холи қалб Аллоҳнинг кўрсатмалари билан таскин топади.

Шунингдек, Ислом шариати инсонлар манфаатини кўзлаши, бағрикенглиги, осонлиги, ҳикматли экани билан ҳам ажралиб туради. Шариатда ҳеч қандай машаққат йўқ. Аллоҳ биз мўмин бандаларидан қийинчиликларни кўтарган. У Зот шундай марҳамат қилади: “Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди” (Бақара сураси, 185-оят).

Бошқа ўринда шундай дейилган: “Унинг Ўзи сизларни (шу муқаддас дин учун) сайлади ва бу динда сизларга бирон ҳараж-танглик қилмади” (Ҳаж сураси, 78-оят).

Ҳа, булар Ислом шариатининг баъзи хусусиятлари, холос. Аллоҳ таоло ҳидоят йўлига бошлаган инсон доим Парвардигорини эслаб: “Бизларни бу (неъматларга)

²⁶⁸ “Тафсирул манор”, 8-жуз, 399-бет.

йўллаган Зот – Аллоҳга ҳамду санолар айтамыз. Агар бизни Аллоҳ ҳидоят қилмаганида, ҳаргиз йўл топа олмас эдик²⁶⁹”, деб шукр қилиши лозим.

ПАЙҒАМБАРИМИЗ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ РИСОЛАТЛАРИДАН ШУБҲАЛАРНИ АРИТИШ

Мушриклар ва қалбида касаллиги бор кимсалар Пайғамбар алайҳиссалом рисолатлари ҳақида турли-туман асоссиз гапларни, эътироз ва бўҳтонларни тарқатишди.

Қуръони каримда уларнинг бу гаплари, фитнаю бўҳтонларини очиқ-ойдин келтирилган ва уларга муносиб жавоблар берилган. Ана ўша оятлар мўминларнинг имонларини зиёда қилади, саботларига янада сабот қўшади.

Мушриклар тарқатган фитналар, ёлғон хабарларинг баъзиси Аллоҳнинг ваҳдонияти билан, баъзилари Ҳабибимиз алайҳиссалом шахсиятлари билан, қолганлари, охиратда ҳисоб қилиниш билан, Қуръони карим ва қазои қадар билан боғлиқдир.

Ана шундай оятлардан бири Сод сурасида келган. Аллоҳ таоло шундай деган:

“(Макка мушриклари) уларга ўзларидан (яъни, инсон авлодидан) бўлган бир оғоҳлантирувчи – Пайғамбар келганидан ажабландилар ва у кофирлар: “Бу бир ёлғончи сеҳргардир. (Шунча) худоларни битта худо қилиб олибдими?! Ҳақиқатан, бу жуда қизиқ нарса!” дедилар²⁷⁰. Улардан катталари (бир-бирларига шундай дея тарқалиб) кетдилар: “Юринглар ва ўз худоларингизга (сиғинишда) қаноат қилинглар! Албатта бу исталадиган нарсадир. Бизлар бу ҳақида сўнги миллат – динда(гилардан ҳам, яъни насроний динидаги одамлардан ҳам) эшитган эмасмиз. Бу фақат бир уйдирмадир, холос. Бизларнинг орамизда (шунча бой-зодагонлар туриб) ўша (Муҳаммад)га Эслатма – Қуръон нозил қилинган эканми?!” Балки улар Менинг Эслатмам – Қуръондан шак-шубҳадирлар, балки улар ҳали Менинг азобимни тотиб кўрганлари йўқ. Ёки Қудратли ва Саховатли Парвардигорингизнинг раҳмат хазиналари уларнинг олдиларидамикан-а?! Ёки осмонлар ва ернинг ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларнинг подшоҳлиги уларникимикан-а?! У ҳолда (уларни осмонларга элтадиган) нарвонларга чиқаверсинлар. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом, Макка мушриклари) ўша ернинг ўзида енгилиб битувчи фирқалардан бир тўдадир, холос!” (Сод сураси, 4-11-оятлар).

Муфассирлар бу оятлар нозил бўлишига қуйидаги воқеани сабаб қилиб келтиришган. Қурайш қабиласидаги бир гуруҳ одамлар оқсоқоллари олдида йиғилишиб, бир-бирларига:

– Абу Толибнинг олдида бориб, жияни ҳақида гаплашиб олайлик! – дейишди. Улар Абу Толибнинг уйига киришгач:

²⁶⁹ Аъроф сураси, 43-оят.

²⁷⁰ Макка мушриклари Пайғамбар алайҳиссаломнинг амакилари Абу Толибнинг олдида келиб: “Муҳаммадга айтгин, бизларнинг динимизни айблашни ва худоларимизни ҳақорат қилишни бас қилсин”, дейишиганида, уларнинг талабларидан хабардор бўлган Ҳазрат: “У ҳолда менинг биргина сўзимни қабул қилинларки, сизлар у сўз шарофатидан арабу ажсамга подшоҳ бўласизлар”, дедилар. Шунда мушриклар шодланиб: “У қандай сўз экан-а? Агар айтганларинг рост бўлса, бир эмас ўн сўзингни ҳам қабул қиламиз”, дейишиганида, Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: “У сўз – Лаа илааҳа иллаллоҳдир – яъни, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир”. Улар бу сўзни эшитишгач, даҳшатга тушидилар ва юқоридаги ояти каримада эслатилган сўзларни айтдилар ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг олдиларидан чиқиб кетдилар (Шайх Алоуддин Мансур, “Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”).

– Сен улуғимиз ва саййидимизсан. Шундай экан, жиянингни инсофга чақириб кўй! Илоҳларимизни ҳақорат қилишни бас қилсин, бизни ва илоҳларимизни ўз ҳолимизга кўйсин! – дейишди. Бас, Абу Толиб Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга:

– Эй жиян! Анави Қурайш оқсоқоллари уларнинг илоҳларини ҳақорат қилмаслигини, даъватингдан воз кечиб, илоҳларини ўз ҳолига кўйишини сўрашди, – деди. Шунда Жанобимиз алайҳиссалом:

– Эй амаки, ахир мен уларни ўзлари учун яхшироқ бўлган нарсага чақиряпман! – дедилар. Амакилари:

– Нимага чақиряпсан уларни? – деб савол берди. У зот бўлса:

– Мен уларни шундай сўзни айтишга чақиряпманки, агар менинг сўзларимни тасдиқласалар, араблар ичида юксалиб, ажамлар устидан ҳукмронлик қиладилар, – дедилар. Қавм орасидан Абу Жаҳл:

– У нима экан? – деб қизикди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом:

– Лаа илааҳа иллаллоҳ, деб гувоҳлик берасизлар, – дедилар. Абу Жаҳл бу гапни хушламади.

– Бундан бошқа нарсани сўра биздан! – деди. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– Агар кўлимга қуёшни олиб келиб кўйсангиз ҳам сизлардан бундан бошқасини сўрамайман! – дедилар. Улар дарғазаб ҳолда ўринларидан туриб кетишди.

– Аллоҳга қасамки, биз ўзингни ҳам, сени пайғамбар қилиб юборган илоҳингни ҳам ҳақорат қиламиз, – дейишди²⁷¹.

“(Макка мушриклари) уларга ўзларидан (яъни, инсон авлодидан) бўлган бир огоҳлантирувчи – Пайғамбар келганидан ажабландилар”.

Ширкнинг ёмон оқибатидан огоҳлантирувчи ва Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга чақирувчи бир Пайғамбар келганида кофирлар бундан ҳайрон бўлишди.

Ва у кофирлар: “Бу бир ёлғончи сеҳргардир”.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кофирларни ҳақ динга даъват қилган чоғларида, улар:

– Бу сеҳргар одам экан. Чунки биз билмаган қизик нарсаларни айтмоқда. “Мен Аллоҳ тарафидан юборилганман”, деб ёлғон айтяпти, – дейишди.

Ҳа, улар кофирликлари сабаб ҳақиқатни кўрмадилар, кўра олмадилар ва покиза инсонни сеҳргарлик ва ёлғончиликда айбладилар. Куфр уларнинг кўзларини кўр қилиб кўйганди.

Кейин ўзларининг ботил гапларига кўшимча қилиб:

“(Шунча) худоларни битта худо қилиб олибдими?! Ҳақиқатан, бу жуда қизик нарса!” – дейишди.

Бу савол инкор қилиш маъносида берилмоқда.

Яъни, Муҳаммад бир қанча илоҳларни битта худо қилиб олибдими?! Биздан ўша худога сиғиниш ва итоат этишни талаб қиляптими?! Биздан талаб қилинаётган бу иш жуда ажиб, бу ақлга сиғмайди!

Аллоҳ таоло уларнинг ҳолатини жуда аниқ ва тиниқ ифодаламақда: жаҳолат қаърига ботиб кетганлари ва куфр кўзларини кўр қилиб кўйгани учун энг ҳақ нарсани “жуда қизик иш-ку”, деб қабул қилмоқдалар.

²⁷¹ “Тафсиру ибни касир”, 7-бет, 46-бет.

Мушриклар ота-боболари давридан қолган ширк ақидасига зид бўлгани учун тавҳид эътиқодини ажиб нарса, дедилар. Улар ўзларини ҳақ деб билардилар. Аслида эса кўзлари ҳақиқатни кўришдан ожиз эди.

Шундан кейин уларнинг одамларни ҳақ диндан тўсиш йўлидан қилган саъй-ҳаракатлари ажойиб суратда тасвирланади:

“Улардан катталари (бир-бирларига шундай дея тарқалиб) кетдилар: “Юринглар ва ўз худоларингизга (сиғинишда) қаноат қилинглар!”

Қурайш қабиласининг раҳбарлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўзларини ғазаблантирадиган ва умидларини пуч чиқарган гапларни эшитишгач, Абу Толиб олдида тарқалишди ва кетиш олдида:

– Ота-бобонгиз қилиб келган ишни қилинг! Уларнинг йўлида юришда давом этинг! Муҳаммад илоҳларимизни енгил санаб, бизни бу ишдан қайтарса ҳам, сизлар ўз худоларингизга сиғинишда бардошли бўлинг! – деб “насихат” қилишди.

“Албатта бу исталадиган нарсадир”.

“Бу” деганда, Пайғамбар алайҳиссалом даъват қилаётган нарса – Ягона Аллоҳга ибодат қилиш назарда тутилмоқда.

Яъни, Муҳаммад бизлардан талаб қилаётган нарса, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишимиз ва илоҳларимизга сиғинишни бас қилишимиздир. У бизлардан мана шуни қаттиқ туриб талаб қилмоқда. Бизлар ҳам унга жавобан худоларимизга топинишда бардавом бўлайлик!

Шунингдек, “бу” мушриклар эътиқодини ҳам англатиши мумкин. У ҳолда оятнинг маъноси мана бундай бўлади: биз эътиқод қилиб келаётган динда собитқадам бўлиш биздан талаб қилинадиган нарсадир. Ота-боболаримиз ҳам шу йўлда бўлишган. Бас, Муҳаммад бизни ўз динига киргизишга харчанд уринмасин, барибир ўз йўлимиздан қайтмаймиз!

“Бизлар бу ҳақида сўнги миллат – динда(гилардан ҳам, яъни насроний динидаги одамлардан ҳам) эшитган эмасмиз”.

Яъни, Муҳаммад бизни даъват қилаётган динни ота-боболаримиз замондаги араблардан ҳам, охириги миллатлардан – Исо алайҳиссаломга эргашганлардан ҳам эшитмаганмиз. Насронийлар издошлари уч худолик эътиқодига чақиришади. Уларнинг айтишича, Исо уларни шунга буюрган экан.

“Бу фақат бир уйдирмадир, холос”.

Яъни, Муҳаммад айтаётган гапларнинг биронтасини ҳам илгари эшитганимиз йўқ. Бас, у бизларни алдаяпти, бу гапларни унинг ўзи тўқиб чиқарган, ундан олдин бирон киши бундай демаганди.

Шундан кейин мушрикларни имонга келишдан тўсиб турган энг асосий парда нима экани айтилади.

“Бизларнинг орамизда (шунча бой-зодагонлар туриб) ўша (Муҳаммад)га Эслатма – Қуръон нозил қилинган эканми?!”

Улар қалблари ҳасадга тўла бўлгани учун ҳам Пайғамбар алайҳиссалом пайғамбарликларини тан олишни истамадилар.

Бу ердаги савол инкор қилиш, тан олмаслик мазмунидадир.

Яъни, Қурайш зодагонлари ҳасад ва нафрат билан:

– Биз бой ва улуғ кишилар бўлсак, Муҳаммад қандай қилиб пайғамбарликни даъво қилмоқда, унга Қуръон туширилибдими?! Ахир у биздан молу давлат ва

мартабада пастроқда-ку! Биз орамиздан фақат унга пайғамбарлик берилганини инкор қиламиз, тан олмаймиз буни! – дейишди.

Қуръони каримда кўп ўринларда мушрикларнинг Расулуллоҳ алайҳиссаломга ҳасад қилганликлари айтилган. Жумладан, Анъом сурасида шундай дейилган: “Қачон уларга (Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбар экани ҳақида) бирон оят келса: “То бизга ҳам Аллоҳнинг пайғамбарларига берилган оятларга ўхшаш (оятлар) берилмагунича ҳаргиз имон келтирмаймиз”, дейдилар. Аллоҳ пайғамбарлик вазифасини қаерга қўйишни яхшироқ Билувчидир” (Анъом сураси, 124-оят).

Яна бошқа бир оятда: “Яна улар: “Бу Қуръон икки қишлоқ(нинг бири)дан бўлган улуғ одамга нозил қилинганида эди”, дедилар²⁷²” (Зухруф сураси, 31-оят).

Бир киши Абу Жаҳлга савол берганида у қалбидаги ҳасадни очикчасига баён қилган. Яъни, Абу Жаҳлдан:

– Муҳаммад ҳақида фикринг қандай? У тўғри йўлдами ёки залолатдами? – деб сўралганида, у:

– Албатта Муҳаммаднинг йўли ҳақ, бироқ биз қачон Бани Ҳошимга тобеъ бўлганмиз?! – деб жавоб берган.

Бошқа ривоятда айтилишича, Абу Жаҳл: “Биз Бани Абдуманоф билан доим шараф таллашиб келганмиз. Улар очларга таом беришган, биз ҳам берганмиз. Улар оғир вазифаларни зиммаларига олишган, биз ҳам шундай қилганмиз. Улар беришган, биз ҳам берганмиз. Бунда улар ҳам, биз ҳам бир хилмиз. Мана шундай бир пайтда Бани Ҳошим: “Орамизда пайғамбар бор. Унга осмондан ваҳий келади”, деб турибди. Биз бу борада уларга қачон етиб оламиз?! Аллоҳга қасамки, биз ўша пайғамбарга ишонмаймиз, уни зинҳор тасдиқламаймиз!” деган.

“Балки улар Менинг Эслатмам – Қуръондан шак-шубҳададирлар”.

Бу ерда мушриклар тазйиқидан азият чеккан ҳабибимиз Муҳаммад алайҳиссаломга тасалли берилмоқда.

Яъни, эй мухтарам Пайғамбар, улар Сизнинг шаънингизни булғаганлари йўқ. Улар ҳеч нарсага суянмаган ҳолда гапирмоқдалар. Улар Биз нозил қилган Қуръон ҳақида шубҳадалар. Шу сабабли, Сизни баъзида сеҳргар, баъзида коҳин, шоир, демоқдалар. Агар ақлларини ишлатганларида, инсоф қилганларида, Сизга ишониб, тасдиқлаган бўлардилар.

“Балки улар ҳали Менинг азобимни тотиб кўрганлари йўқ”.

Оятда “ҳали” дейилишидан мушриклар бошига тушажак азобнинг яқин экани маълум бўлади.

Яъни, эй Пайғамбар, уларнинг бундай нопок қилиқларидан, асоссиз гапларидан хафа бўлманг! Улар Менинг азобимни тотиб кўрганларича йўқ ҳали. Шу сабабдан бундай ишларни қилмоқдалар. Агар азобимни тотиб кўрганларида, ҳасадлари ва шубҳалари кетиб, Сиз ҳақиқатан пайғамбар эканингиз ва ўзлари эса ботил йўлдалиқларини аниқ билардилар.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло мушрикларнинг инкор қилишларига жавобан қуйидаги раддияни келтиради:

²⁷² Икки қишлоқдан мурод Макка ва Тоиф шаҳарларидир. Мушриклар назарида Макканинг улуғи ўша жойлик боёнлардан Валид ибн Муғийра бўлса, Тоифнинг улуғи Урва ибн Масъуд Сақафий номли бой эди. У мушриклар ҳам барча замонлардаги кимсалар каби улуғликни мол-давлат ва салтанат билан ўлчар эдилар. Шунинг учун улар: “Агар бу Қуръон ҳақ китоб бўлганида Муҳаммадга ўхшаган бир етим ва камбағалга эмас, балки Валид ва Урва каби улуғ зотларга тушган бўлар эди”, дедилар (Шайх Алоуддин Мансур, “Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”).

“Ёки Қудратли ва Саховатли Парвардигорингизнинг раҳмат хазиналари уларнинг олдиларидамикан-а?!”

Яъни, эй мухтарам Пайғамбар, улар Парвардигорингиз раҳмати хазиналарига эга эмаслар, хоҳлаганларига бериб, хоҳлаганларидан ман қилолмайдилар. Улар истаган арбобларига пайғамбарлик ато этиб, Сизни бу улуғ мақомдан маҳрум этолмайдилар. Бу ишларнинг барчаси Қудратли ва Саховатли Аллоҳ таолонинг измидадир.

Бу ерда Аллоҳ таолонинг “Саховатли (Ал-вахҳоб)” сифати келтиришига сабаб, пайғамбарлик Аллоҳ тарафидан берилган улуғ неъмат экани, У Зот бандалари орасидан кимга хоҳласа, ўша инсонга нубувват неъматини ато этишига ишора қилади.

“Ёки осмонлар ва ернинг ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларнинг подшоҳлиги уларникимикан-а?!”

Яъни, анави кофирларда Парвардигорингиз хазиналари йўқдир. Улар улвий (юқори) ва суфлий (пастки) оламда бирон нарсага молик эмаслар. Балки Аллоҳ яратган махлуқотлар ичидан бир кичик мавжудотдирлар, холос.

“У ҳолда (уларни осмонларга элтадиган) нарвонларга чиқаверсинлар”.

Мана шу ерда уларни ожиз қолдирадиган, устларидан истеҳзо қилиб, гаплари ва даъволарини йўққа чиқарадиган хабар келтирилмоқда.

Яъни, агар мушрикларда Аллоҳнинг раҳмат хазиналари бўлса, марҳамат, осмонларга олиб чиқадиган нарвонларига чиқаверсинлар! Шунда бу ишларни ўзлари тасарруф қилиб, ораларидан кимга хоҳласалар, ўшанга пайғамбарликни берадилар ва ваҳий нозил қиладилар!

(Мана шу оят мушриклар оғзини буткул ёпиб, овозлари чиқмайдиган қилиб кўяди. Чунки бу ерда ўртага ташланган таклиф ҳар қандай одамни мажolini кетказиб, даъвосидан воз кечишига ундайди. – таржимон)

Энди Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламга нусрат башоратини беради:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом, Макка мушриклари) ўша ернинг ўзида енгилиб битувчи фирқалардан бир тўдадир, холос!”

Бу оятда мушриклар Аллоҳнинг қудрати олдида ўта ҳақир ва ожиз эканликлари таъкидланмоқда. Шунингдек, мўминларга душманлари устидан зафар кучишлари ҳақида башорат берилмоқда.

Яъни, эй Муҳаммад алайҳиссалом, анави мушриклар қилаётган ишдан ғамга ботманг, уларнинг гуруҳ-гуруҳ эканидан қайғурманг! Улар кўп ё оз бўлишининг фарқи йўқ. Бизнинг қудратимиз олдида улар ҳеч қандай қийматга эга эмас. Қанча кўп кўшин тўплаб келмасинлар, барибир мағлуб бўладилар.

Бошқа ўринда мана бундай дейилган: “Балки, улар: “Биз ғолиб жамоатмиз”, дейишар?! Яқинда ўша жамоат енгилиб, ортларига қараб қочиб қоладилар²⁷³!” (Қамар сураси, 44-45-оятлар).

Бу оятларда кўрдикки, мушриклар пуч даъволарни илгари суриб, тахдид қилишди. Лекин уларнинг ботил гаплари асоссиз экани тасдиқланиб, мўминларга нусрат ҳақида хушхубар берилди.

²⁷³ Ушбу оят Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг чин пайғамбар эканлигига далолат қиладиган, келажакда содир бўладиган ҳодиса ҳақидаги хабарлардан биридир. Ҳақиқатан, мана шу оят нозил бўлганидан сўнг кўп вақт ўтмай, Бадр жангида ўша мағрур мушриклар енгилиб, ортларига қараб қочиб қолдилар (Шайх Алоуддин Мансур, “Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”).

Исро сурасида ҳам мушрикларнинг Аллоҳнинг ваҳдонияти борасидаги гумонлари хақида ҳикоя қилиниб, ундан кейин ботил гапларига муносиб раддия берилган. Аллоҳ таоло шундай деган:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) айтинг: “Агар улар айтганларидек, Аллоҳ билан бирга (бошқа) илоҳлар ҳам бўлса эди, у ҳолда ўша (илоҳлар) Арш Соҳибига қарши йўл излаган бўлар эдилар”. (Аллоҳ) улар айтган нарсадан Пок ва ниҳоят даражада Юксакдир. Етти осмон, ер ва улардаги бор жонзот (Аллоҳни) пок деб ёд этади. Мавжуд бўлган барча нарса (Аллоҳга) ҳамду сано айтиш билан У Зотнинг поклигини эътироф этади. Лекин сизлар (эй инсонлар,) уларнинг тасбеҳини англамайсизлар. Ҳақиқатан, Аллоҳ Ҳалим ва Мағфиратли Зотдир” (Исро сураси, 42-44-оятлар).

Яъни, эй Муҳаммад алайҳиссалом, мушрикларга хитобан:

– Агар даъво қилаётганингиздек, Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳлар ҳам бўлганида, унда ўша илоҳлар Арш Эгаси – Аллоҳ томонга йўл излаб, У билан подшоҳликни талашган бўлишарди.

Шу маъно бошқа оятларда ҳам таъкидланган: “Аллоҳнинг боласи йўқдир ва У Зот билан бирга бирон илоҳ йўқдир. Акс ҳолда албатта ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарса билан кетиб, бир-бирларидан устун бўлиб олар эдилар (яъни, ҳар бир “илоҳ” ўз ҳукмини ўтказишни истаб, натижада еру осмон бузилиб кетган бўлар эди). Аллоҳ улар айтаётган шериклардан Покдир” (Мўминун сураси, 91-оят).

Бошқа оятда шундай дейилган: “Агар (осмону заминда) Аллоҳдан ўзга худолар бўлганида (у худоларнинг ҳар бири ўз хоҳиш-иродасини амалга оширмақчи бўлар ва бунинг натижасида еру осмоннинг) ҳар иккиси бузилиб кетар эди. Бас, Арш Эгаси бўлмиш Аллоҳ улар сифатлаётган (шериклардан) Покдир” (Анбиё сураси, 22-оят).

Аллоҳ таоло мушриклар айтаётган нарсадан Покдир. Унинг шериги ҳам, фарзанди ва ота-онаси ҳам йўқ. Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ. Фақат Аллоҳнинг Ўзи бор. Аллоҳ Яккаю Ягонадир.

Шундай кейин коинотдаги барча нарсалар Аллоҳга тасбеҳ айтиши баён қилинади:

“Етти осмон, ер ва улардаги бор жонзот (Аллоҳни) пок деб ёд этади. Мавжуд бўлган барча нарса (Аллоҳга) ҳамду сано айтиш билан У Зотнинг поклигини эътироф этади. Лекин сизлар (эй инсонлар,) уларнинг тасбеҳини англамайсизлар”.

Етти осмон ва ердаги инсонлар, жинлар, фаришталар ва бошқа ҳисобсиз махлуқотлар Аллоҳга тасбеҳ айтиб, У Зотни мақтайди, улуғлигини эътироф этади. Лекин Одам болалари уларнинг тасбеҳларини тушунмайди. Чунки уларнинг тили ўзгачадир. Уни тушунишга инсоннинг фаҳми ожизлик қилади. Махлуқотлар айтадиган тасбеҳларни уларни яратган Зот – Аллоҳ таоло билади.

Мана шу оят қалбимизда Аллоҳдан кўрқув ҳисини пайдо қилади. Чунки бу ерда барча нарсалар – инсон, жин, ҳайвон, қушлар, ҳашаротлар, хуллас, борликдаги ҳамма нарса Аллоҳнинг борлигини тасдиқлаб, У Зотга тинмай тасбеҳ ва ҳамду санолар айтиб туриши таъкидланмоқда.

Ўз навбатида бу оят оқил инсонни Аллоҳга итоат этишга, Унга ихлос билан ибодат қилишга, доим Аллоҳни зикр қилишга ундайди. Токи махлуқотлар ичида энг ақлли ва шарафлиси бўлган инсон сусткашлик қилиб Аллоҳга бошқа махлуқотлардан камроқ итоат этувчи бўлиб қолмасин.

“Ҳақиқатан, Аллоҳ Ҳалим ва Мағфиратли Зотдир”.

Бу оятда бандалар У Зотни зикр қилиш ва тасбеҳ айтишда камчиликка йўл қўйсалар ҳам Аллоҳ уларга меҳрибон ва мағфиратли экани эслатилмоқда. Аллоҳ тоатда орқада қолган бандани жазоламайди, балки унга муҳлат беради, гуноҳдан тўхташи учун имконият яратади. Тавба қилиб, имон йўлига кирган, солиҳ амалларни бажариб, тўғри йўлда мустаҳкам тура олган кишилар гуноҳини Аллоҳ кечиради.

Мушриклар Қуръони карим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шахсиятлари ҳақида тарқатган гап-сўзлари ва бўҳтонлари Каломуллоҳдаги бир қанча ўринларда келтирилган. Жумладан, Фурқон сурасида шундай дейилган:

“Кофир бўлган кимсалар: “(Бу Қуръон) фақат (Муҳаммад) ўзи тўқиб олган бир ёлғондир. Унга бу (ёлғонни тўқишда) бошқа бир қавм ёрдам қилган”, деб куфр келтирдилар ва бўҳтон қилдилар. Яна улар: “(Бу) аввалгиларнинг афсоналаридир, (Муҳаммад) уларни кўчириб олган. Бас, унга эрта-ю кеч ўқиб берилади”, дедилар. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом, Сиз уларга) айтинг: “Уни осмонлар ва ердаги барча сир-асрорларни биладиган Зот нозил қилган. Албатта (Аллоҳ) Мағфиратли ва Меҳрибондир” (Фурқон сураси, 4-6-оятлар).

Кофирлар Аллоҳ таоло Пайғамбари алайҳиссаломга нозил қилган Қуръони карим ҳақида:

– Бу Қуръон фақат ёлғон ва бўҳтондан иборат. Уни Муҳаммаднинг ўзи тўқиган. Бу ишда унга яҳудийлар ва бошқалар, жумладан, Ҳувайтиб ибн Абдулғуззонинг мавлоси Аддос, Алоъ ибн Ҳазрабийнинг мавлоси Ясор, Абу Фукайҳа²⁷⁴ кабилар ёрдам беришган, – дедилар.

“Ва бўҳтон қилдилар”.

Бу ерда кофирларнинг бузуқ даъволарига раддия берилмоқда.

Яъни, анави кофирлар катта зулм ва улуғ бўҳтон ишни қилдилар. Улар ботилни ҳақ ўрнига қўйиб, ёлғонни рост сифатида қабул қилдилар.

Шундай кейин уларнинг бошқа асоссиз даъволари келтирилади:

Яна улар: “(Бу) аввалгиларнинг афсоналаридир, (Муҳаммад) уларни кўчириб олган. Бас, унга эрта-ю кеч ўқиб берилади”, дедилар.

Куфр йўлини танлаганлар Қуръон ҳақида янада ёмонроқ гапни тарқатишди. Уларнинг даъвосига қўра, Қуръон аввалгилардан қолган тўқима хабар ва афсона эмиш. Муҳаммад алайҳиссалом уни аввалги китоблардан ёзиб олганмиш. Шундан кейин ёдлаб олиш, саҳобаларига етказиш учун у зотга эрта-ю кеч имло қилинганмиш!

Бу ботил гапга қарши мана бундай жавоб қайтариш ўргатилган:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом, Сиз уларга) айтинг: “Уни осмонлар ва ердаги барча сир-асрорларни биладиган Зот нозил қилган”.

Яъни, эй Муҳаммад алайҳиссалом, Қуръонни тўқима афсона, Муҳаммаднинг ўзи ўйлаб топган деяётган кимсаларга жавобан:

– Бекор айтибсиз! Гапингиз ёлғон. Сизлар Қуръон оддий калом эмаслигини, унинг ўзгача ҳаловати борлигини биласизлар. Қуръон қалбларга қаттиқ таъсир этишини ҳам инкор қилолмайсиз. Бас, шундай экан, бу Қуръонни менга осмонлар ва ердаги барча сирларни билувчи Аллоҳ нозил қилган, – деб айтинг.

Ояти карима гуноҳдан қайтувчилар учун тавба эшиклари очиқ эканини баён этиш ва уларни оламлар Парвардигорига имон келтиришга чақириш ила ниҳоясига етади:

“Албатта (Аллоҳ) Мағфиратли ва Меҳрибон Зотдир”.

²⁷⁴ Номи зикр қилинган кишилар аҳли китоблар ичидан мусулмон бўлганлардир.

Куфрни тарк этиб, имонга юзланган, исённи бас қилиб Аллоҳга итоат этган бандалар гуноҳи мағфирати кенг Аллоҳ томонидан кечирилади. Зеро, Аллоҳ Мехрибон ва гуноҳларни кечирувчи Зотдир.

Аллоҳ таолонинг карамини қаранг: кофирлар Аллоҳ ҳақида шунча нолайик гапларни тақатсалар ҳам, Қуръон ҳақида куракда турмайдиган гапларни айтсалар ҳам, Аллоҳ уларни тавбага чарқимоқда, ихлос билан итоат сари юрсалар, гуноҳларини кечириб юборишини маълум қилмоқда!

Аллоҳ таоло шундан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шаънларига кофирлар томонидан айтилган гапларни келтиради:

“Яна улар (масхара қилишиб): “Нега бу Пайғамбар (оддий одамлардек) таом ейди ва бозорларда юради?! Унга бирон фаришта туширилиб, у билан бирга кўрқитувчи бўлса эди. Ёки унга (осмондан) хазина ташланса эди, ёхуд унинг учун бир боғу-бўстон бўлиб, у (фақат ўша боғдан) еб-ичса эди”, дедилар. Бу золим кимсалар (мўминларга): “Сизлар фақат бир сеҳрланган – ақлдан озган кишига эргашмоқдасизлар”, дедилар. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) қаранг, улар Сиз учун қандай мисоллар келтирдилар-а?! Бас, улар (ҳақ йўлдан) оздилар. Энди улар йўл топишга қодир эмаслар. Агар хоҳласа, Сиз учун (шу дунёдаёқ) ўшандан яхшироқ нарсани – остидан дарёлар оқиб ўтадиган жаннатларни қилиб бера оладиган ва Сиз учун қаср-саройларни қилиб бера оладиган Зот – Аллоҳ Баракотли Буюқдир. Йўқ, улар (қиёмат) соатини ёлғон деганлар. Биз эса у соатни ёлғон деган кимсалар учун дўзах ўтини тайёрлаб қўйганмиз!” (Фурқон сураси, 7-11-оятлар).

Ушбу оятлар нозил қилинишига муфассирлар томонидан қуйидаги ривоят сабаб қилиб келтирилган. Қурайш қабиласининг бир гуруҳ одамлари Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга:

– Агар мақсадинг молу дунёга эришиш бўлса, ҳар биримиз сенга мол йиғиб берамиз. Токи орамизда энг бойи сен бўласан. Агар подшоҳликка эришиш мақсадинг бўлса, сени ўзимизга бошлиқ этиб тайинлаймиз, – дейишди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом:

– Сизлар айтаётган нарсаларни хоҳламайман. Аллоҳ мени сизларга Пайғамбар этиб юборди, менга бир Китоб нозил қилди, сизларга башорат берувчи ва огоҳлантирувчи бўлишимни амр қилди. Мен сизларга Парвардигорим рисолатини етказдим, насиҳат қилдим. Агар келтирган нарсаларимни қабул қилсангиз, бу дунё ва охирада саодатга эришасиз. Агар рад этсангиз, Аллоҳ ўртамизда ҳукм қилгунича сабр қилиб тураман, – дедилар. Шунда улар:

– Агар таклифимизни қабул қилмайдиган бўлсанг, у ҳолда Парвардигорингдан сўра: айтаётган гапларингни тасдиқлайдиган бир фариштани туширсин. Парвардигорингдан яна сен учун боғлар ва саройлар қилиб беришини сўра! – деб талаб қилишди. Уларнинг бу сўровига жавобан Ҳабибимиз алайҳиссалом:

– Мен бундай қилмайман. Парвардигоридан бундай нарсаларни сўрайдиганлардан эмасман. Аллоҳ мени сизларга бунинг учун юборгани йўқ. Балки башорат берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юборди Аллоҳ, – дедилар. Шунда Аллоҳ таоло уларнинг бу гапи ҳақида мазкур оятларни нозил қилди²⁷⁵.

²⁷⁵ “Тафсирул алусий”, 18-жуз, 237-бет.

“Яна улар (масхара қилишиб): “Нега бу Пайғамбар (оддий одамлардек) таом ейди ва бозорларда юради?!”

Макка мушриклари Қуръонни Муҳаммаднинг ўзи тўқиб олган, Қуръон олдинги ўтган қавмларнинг афсонаси, дейиш билан чекланмай, истехзо оҳангида:

– Муҳаммад қандай қилиб пайғамбар бўлади? Ваҳоланки, биз унинг бошқа одамларга ўхшаб таом еяётганини, ризқ талабида бозорларда юрганини кўриб турибмиз-ку! – дедилар.

“Унга бирон фаришта туширилиб, у билан бирга қўрқитувчи бўлса эди. Ёки унга (осмондан) хазина ташланса эди, ёхуд унинг учун бир боғу-бўстон бўлиб, у (фақат ўша боғдан) еб-ичса эди”, дедилар.

Яъни, бир фаришта тушиб Муҳаммадни қўллаб-қувватлаб турса, унинг пайғамбар эканига гувоҳлик берса, ўша фаришта Муҳаммадга хилоф қилганлар оқибати ёмон бўлишидан огоҳлантурса эди...

Ёки бу пайғамбарга оддий одамлар каби ризқ истаб бозорларда юришига ҳожат қолдирмайдиган тарзда катта бир хазина тушганида, ёки мевали дарахтлар билан тўла бир боғи бўлганида, ўзи ҳам, биз ҳам ўша боғ меваларидан еган бўлардик.

Бу золим кимсалар (мўминларга): “Сизлар фақат бир сеҳрланган – ақлдан озган кишига эргашмоқдасизлар”, дедилар.

Золим кимсалар мўминларга қарата:

– Сизлар ақлдан озган ва тўғри тасарруф қила олмайдиган бир кимсага эргашяпсизлар! – деб таъна қилишди.

Кўриниб турибдики, Макка мушриклари нима қилиб бўлса ҳам одамларни Расул акрам алайҳиссаломга эргашишдан қайтариб, имон йўлига киришларига тўсқинлик қилиш пайида бўлишган.

Аллоҳ таоло уларнинг бу ботил даъволари ва асоссиз иддаоларини бекор кетказиш, уларнинг ҳолидан ажабланиш ва Расули алайҳиссаломга тасалли бериш мақсадида шундай деган:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) қаранг, улар Сиз учун қандай мисоллар келтирдилар-а?! Бас, улар (ҳақ йўлдан) оздилар. Энди улар йўл топишга қодир эмаслар”.

Яъни, эй мухтарам Пайғамбар бу золимлар ҳолига бир назар ташланг! Қанчалик ажабланарли уларнинг ҳолати! Улар сизни баъзан сеҳрда, баъзан шоирликда, айрим ҳолларда қоҳинликда айбламоқдалар. Улар Сиз ҳақингизда айтган барча гаплари нотўғри, бу борада адашганлар. Улар айро йўлда хайрон бўлган ҳолларида адашиб юрибдилар, ҳақиқат йўлини топишга қодир бўлмайдилар.

Шундан кейин Пайғамбар алайҳиссалом қалбларига мана бу сўзлар билан ҳам тасалли берилади:

“Агар хоҳласа, Сиз учун (шу дунёдаёқ) ўшандан яхшироқ нарсани – остидан дарёлар оқиб ўтадиган жаннатларни қилиб бера оладиган ва Сиз учун қаср-саройларни қилиб бера оладиган Зот – Аллоҳ Баракотли Буюқдир”.

Аллоҳнинг шаъни улуғдир, яхшиликлари бисёрдир. Агар Аллоҳ хоҳласа, эй Муҳаммад алайҳиссалом, мана шу дунёдаёқ улар айтаётган нарсаларидан ҳам яхшироқ неъматларни ато этади: дарахтлари тагидан ариқлар шилдираб оқиб турадиган сўлим боғу роғларни, улкан саройлар ва мухташам қасрларни беришга Қодир Аллоҳ. Бироқ У Зот буни истамайди. Чунки Сиз учун захира қилиб олиб кўйган улуғ мукофотлар яхшироқ ва боқий қолувчидир. Аллоҳ хоҳласа, Сизга мана

шу ўткинчи дунёда ҳам улар айтган нарсаларни берарди. Аммо охиратдаги мукофотлар яхшироқдир.

“Йўқ, улар (қиёмат) соатини ёлғон деганлар. Биз эса у соатни ёлғон деган кимсалар учун дўзах ўтини тайёрлаб қўйганмиз!”

Анави кофирлар Аллоҳдан ўзга илоҳларга сиғинганлари етмаганидек, яна Пайғамбаримиз алайҳиссалом устиларидан ҳам кулишди, масхара қилишди у зотни. Устига-устак бу нонкўрлар қиёмат кунини инкор этишди. Охиратда бўладиган қайта тирилиш, ҳисоб қилиниб, яхшиларга мукофот ва ёмонларга жазо берилишини тан олишмади. Аллоҳ таоло қиёматни рад этган кимсалар учун ловуллаб ёнувчи жаҳаннамни тахт қилиб қўйган.

Бу оятдан қиёмат кунини инкор қилиш куфр экани, бу жаҳаннамда абадий қолишга сабаб бўлишини билиб оламиз.

Қуръони каримни ўқир эканмиз, мушрикларнинг охират кунига бўлган ишончлари йўқ экани, ундаги савоб ва жазони инкор этишларини жуда кўп ўринларда келганига гувоҳ бўламиз.

Қуръони карим уларнинг ҳар бир сўзига нақлий ва ақлий далилларни келтириб, даъволари пуч эканини исботлайди. Бу далил ҳар бир соғлом ақл ва покиза қалб соҳибини, албатта қаноатлантиради.

Энди қуйидаги оятларга эътибор қаратайлик. Аввал мушрикларнинг қиёматни ёлғон деганлари келтирилиб, кейин даъволари асоссиз экани таъкидланади. Аллоҳ таоло шундай деган:

“Улар: “Суяк ва (чирик) мурдаларга айланиб кетгач, яна янгитдан яралиб қайта тириламизми?!” дедилар. Айтинг: “Сизлар хоҳ тош ё темир бўлинглар ёки кўнгилларингизда (ҳаётлигини тасаввур қилиш) жуда қийин бўлган бошқа бирон махлуқ бўлинглар, (ҳар ҳолда Аллоҳ сизларни тирилтиради)”. Ҳали улар: “Бизларни ким тирилтира олади?” дейдилар. “Сизларни илк бор яратган Зот”, деб айтинг! Ҳали улар Сизга бошларини ликиллади: “У (кун) қачон бўлади?” деб (сўрайдилар). “Шоядки яқин бўлса”, деб айтинг! “У Зот сизларни чорлайдиган кунда Унга ҳамду сано билан жавоб берасизлар ва ўзларингизнинг (дунёда) жуда оз (муддат) турганларингизни ўйлаб қоласизлар” (Исро сураси, 49-52-оятлар).

Мушрикларнинг бу саволи қиёмат кунини инкор қилиш ва бўлиши мумкин эмас, деган маънода берилмоқда.

Яъни, Аллоҳнинг яккалигини, бир кун келиб қиёмат бўлиши, ўша кунда ҳисоб қилинишни тан олмайдиган кимсалар Пайғамбар алайҳиссаломга:

– Эй Муҳаммад! Қара, агар ўлгандан кейин чириган суякларга айланиб, тупроқ бўлиб кетсак ҳам яна ҳаётга қайтариламизми?! Рухимиз танамизга қайтиб кирадимизми?! Дунёда бўлгани каби яна танамизга ҳаёт қайтариб бериладими?! – деб инкор оҳангида савол ташлашди.

Уларнинг бу саволи мушрик ва кофирлар Аллоҳ таолонинг қудратидан бутунлай ғофил бўлганларига далолат қилади. Ваҳоланки, Аллоҳ барча нарсага қодир Зотдир.

Айтинг: “Сизлар хоҳ тош ё темир бўлинглар ёки кўнгилларингизда (ҳаётлигини тасаввур қилиш) жуда қийин бўлган бошқа бирон махлуқ бўлинглар, (ҳар ҳолда Аллоҳ сизларни тирилтиради)”.

Бу ерда Пайғамбар алайҳиссаломга қайта тирилишни тан олмаётган кимсаларга қандай жавоб қайтариш ўргатилмоқда.

Яъни, эй муҳтарам Пайғамбар, уларга жавобан:

– Агар қўлингиздан келса, ўзингиз ибодат қилаётган тош ёки ҳаётингизда ишлатадиган темир каби бўлиб олинглар! Ё бўлмаса, тош ва темирдан ташқари, сизлар ҳаётга қайтиши оғир деб биладиган бирон нарсага айланиб олинглар! Ҳар қандай ҳолатда Аллоҳ сизларни яна ҳаётга қайтаришга қодир. Ана ўшанда У Зот сизларни ҳисоб қилади, қилган жиноятларингизга яраша жазо беради, – деб айтинг.

Ҳали улар: “Бизларни ким тирилтира олади?” дейдилар.

Яъни, эй Муҳаммад алайҳиссалом, ҳали улар Сизга:

– Биз тош ёки темир ё бошқа нарсаларга айланиб қолганимиздан кейин бизларни ким ҳам ҳаётга қайтара оларди? – дейдилар.

Уларга жавобан мана бундай дейиш буюрилган:

“Сизларни илк бор яратган Зот”, деб айтинг!

Яъни, сизларни ўзига хос тарзда яратган Аллоҳ таоло ўлганингиздан кейин яна тирилтиришга Қодир.

Бу ҳақида бошқа оятда шундай дейилган: “У (Аллоҳ) аввал бошда Ўзи яратиб, сўнгра (қиёмат куни) Ўзи яна қайта яратадиган Зотдир. (Қайта тирилтириш) У Зот учун (илк бор йўқдан бор қилишдан кўра) осонроқдир. Осмонлар ва ердаги энг юксак мисол – хислат (яъни, тенгсиз ягоналик хислати) Униқидир. (Аллоҳ) қудрат ва ҳикмат Эгасидир” (Рум сураси, 27-оят).

Улар Пайғамбар алайҳиссаломдан мана шу жавобни эшитганларида, бунга қандай муносабат билдиришлари қуйидаги оятда келтирилади:

Ҳали улар Сизга бошларини ликиллатиб: “У (кун) қачон бўлади?” деб (сўрайдилар).

Яъни, улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан жавобни эшитганларида масхара қилиш учун бошларини қимирлатадилар ва:

– Сен айтаётган қиёмат қачон бўлади? – деб сўрайдилар.

“Шоядқи яқин бўлса”, деб айтинг!

Мана бу жавобда қиёматни инкор қилган кимсалар қаттиқ огоҳлантирилиб, ёмон оқибатдан қўрқитилмоқда.

Яъни, сизлар бўлишига шубҳа билан қараётган қиёмат куни жуда яқин орада қоим бўлиб қолса ажаб эмас, – деб жавоб беринг.

Қиёматнинг яқинлигига шубҳа йўқ. Унинг содир бўлиш вақти жуда ҳам яқин қолган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мен қиёмат соати мана бундай бўлган ҳолда юборилганман”, деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларига ишора қилганлар.

Ана энди қайта тирилишни зўр бериб инкор қилаётган кимсалар қиёматда қай кўйга тушишлари баён қилинади:

“У Зот сизларни чорлайдиган кунда Унга ҳамду сано билан жавоб берасизлар...”

Оятда зикр қилинган чорловчи Исрофил алайҳиссаломдир. Аллоҳ таоло унга сурга пуфлаш учун рухсат берганида у халойиқни чорлайди. Бу ҳақда шундай дейилган: “Сур чалинди-ю, осмонлар ва ердаги бор жонзотлар ўлди, магар Аллоҳ хоҳлаган зотларгина (тирик қолдилар). Сўнгра у иккинчи бор чалинди-да, баногоҳ улар (яъни, барча халойиқ қайта тирилди ва қабрларидан) туриб, (Аллоҳнинг амрига) кўз тутадилар” (Зумар сураси, 68-оят).

Яна шундай дейилган: “(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) энди Сиз улардан юз ўғиринг! Чорловчи (Исрофил фаришта) нотаниш бўлган бир нарсага (яъни,

киёматдаги кофирлар учун бўладиган даҳшатли ҳисоб-китобга) чорлайдиган кунда улар (кофирлар) кўзлари (кўрқувдан) қуйига боққан ҳолларида гўё ёйилган чигирткалар каби қабрларидан чиқиб келадилар. Чорловчи томонига шошганларича (кетар эканлар,) кофирлар: “Бу оғир кундир”, дейдилар” (Қамар сураси, 6-8-оятлар).

Яъни, эй, ёлғонга чиқарувчилар! Исрофил сизларни қайта тирилишга чорлайдиган вақтини эсланг! Ўшанда сиз унинг даъватига лаббай деб ижобат қилиб, Аллоҳнинг қудрати комиллигига гувоҳлик бериб, У Зотга ҳамду санолар айтган ҳолда келасизлар, дунёда қайта тирилиш ва ҳисобни инкор этганингиз ёдингиздан кўтарилади.

Саид ибн Жубайрдан ривоят қилинишича, улар бошларидан тупрокни қоқиб ташлаб: “Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдик”, дейдилар²⁷⁶.

“Ва ўзларингизнинг (дунёда) жуда оз (муддат) турганларингизни ўйлаб қоласизлар”.

Яъни, улар қайта тирилганларида дунёда ёки қабрларида жуда оз фурсат тургандек бўладилар.

Қатода шундай деган: “Улар киёмат кунидаги кўрқинчларни кўрганларида дунё кўзларига жуда паст ва кўз очиб юмгунча ўтиб кетгандек кўринади. Кейин ана шу гапни айтадилар”.

Бу ҳақида яна шундай дейилган: “Улар у (киёмат соати)ни кўрадиган кунда (бу дунёда) гўё биргина пешиндан сўнг ёки чошгоҳ пайтида тургандек (яъни, бир кун ҳам яшамагандек) бўлиб қоладилар!” (Нозиот сураси, 46-оят).

Ёсин сурасидаги ояти карималарда охиратдаги қайта тирилиш ҳақлиги ва Аллоҳ нақадар қудратли Зот эканига ёрқин далиллар келтирилган. Аллоҳ таоло шундай деган:

“Инсон Биз уни нутфадан – бир томчи сувдан яратганимизни, энди эса ўша (ожиз инсон) баногоҳ (ўзимизга) очик қаршилиқ қилувчи бўлиб қолганини кўрмадимми?! У Бизга “Чириб битган суякларни ким ҳам тирилтира олади?” деб мисол келтирди-ю, (аммо) ўзининг (бир томчи сувдан) яралганини унутиб қўйди! (Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) айтинг: “У (чириган суяк)ларни дастлаб (бир томчи сув)дан пайдо қилган Зотнинг Ўзи қайта тирилтиради. У (Ўзи яратган) барча халқни Билувчидир”. У сизлар учун ям-яшил дарахтдан оловни пайдо қилган Зотдир. Бас, сизлар ўшандан ўт ёқасизлар. Осмонлар ва ерни яратган Зот ўхшашини яратишга қодир эмасми?! Йўқ, (албатта қодирдир), Унинг Ўзигина Яратувчи ва Билувчидир. Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина “Бўл”, дейишдир. Бас, у (нарса) бўлади – вужудга келади. Бас, барча нарсанинг эгаллиги – подшоҳлиги измида бўлган (Аллоҳ ҳар қандай айбу нуқсондан) Покдир. Ва (албатта) сизлар Ёлғиз Унгагина қайтариласизлар” (Ёсин сураси, 77-83-оятлар).

Ривоят қилинишича, Убай ибн Халаф қўлида чириган бир суяк билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига келиб, уни майдалаб сочиб юборди ва:

– Эй Муҳаммад, Аллоҳ мана шуни қайта тирилтиради, деб даъво қиляпсанми? – деди. Шунда Жанобисиз алайҳиссалом:

– Ҳа, Аллоҳ сени ўлдиради, кейин қайта тирилтиради ва дўзахга киритади! – деб қатъият билан жавоб бердилар. Шунда юқоридаги оятлар нозил қилинди.

²⁷⁶ “Тафсирул кашшоф”, 2-жуз, 672-бет.

“Инсон Биз уни нутфадан – бир томчи сувдан яратганимизни, энди эса ўша (ожиз инсон) баногоҳ (ўзимизга) очик қаршилиқ қилувчи бўлиб қолганини кўрмадимми?!”

“Инсон”дан мурод, инсон зотидир. Бунга биринчи навбатда қайта тирилишни инкор этадиган кимсалар киради.

“Нутфа” эса эркакдан аёлга жисмига ўтувчи манийдир.

“Очик қаршилиқ қилувчи”дан мурод, ботилни ушлаб олиб тортишувчи кофир одам.

Яъни, бу одамнинг жоҳиллигига эътибор беринг: Биз уни эркак сулбидан чиқиб, аёл бачадонига тушадиган ҳақир бир сувдан яратган эдик. Йўқдан бор қилган Зот уни яна ҳаётга қайтаришга Қодирдир.

Инсон бу ҳақда тафаккур қилиб, унинг ҳақиқатини англаб етиши керак эди. Бирок гофиллиги ва ношукрлиги сабаб жанжаллашишга ошиқди.

У Бизга “Чириб битган суякларни ким ҳам тирилтира олади?” деб мисол келтирди-ю, (аммо) ўзининг (бир томчи сувдан) яралганини унутиб қўйди!

Яъни, ботилни ушлаб олиб тортишадиган кимса бу билан чекланмади. Балки Бизга жуда ғаройиб мисол келтирди. Нимадан яратилганини фикр қилмай туриб:

– Мана шу чириб битган суякларни ким ҳам ҳаётга қайтара оларди? – деб қудратимизни инкор этди, қиёматдаги қайта тирилишга ишонмади.

Шундан кейин инкон этувчилар оғзини ёпиб қўядиган жавоб келтирилади:

(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) **айтинг: “У (чириган суяк)ларни дастлаб (бир томчи сув)дан пайдо қилган Зотнинг Ўзи қайта тирилтиради. У (Ўзи яратган) барча халқни Билувчидир”.**

Яъни, ўлимдан кейин таналарга ҳаёт қайтарилишини тан олмаётган кимсаларга қарата:

– Бу чириган таналарни Аллоҳ қайта тирилтиради. Аввал эсланмайдиган нарса холида уни йўқдан бор қилганди. Йўқ нарсадан вужудга келтирган Зот бир жоннинг вафотидан кейин уни ҳаётга қайтаришга шубҳасиз Қодир. Аллоҳ таоло махлуқотлари холидан мутлоқ хабардордир. Ерда ҳам, кўкда ҳам бирон нарса Аллоҳдан сир бўлиб қолмайди, – деб айтинг.

“У сизлар учун ям-яшил дарахтдан оловни пайдо қилган Зотдир. Бас, сизлар ўшандан ўт ёқасизлар”.

Мана бу қайта тирилтиришнинг ҳақлилиги яна бир далилдир.

Икки дарахтни бир-бирига урса, хўл бўлишига қарамай Аллоҳнинг изни билан ундан ўт чиқади. Бу ҳам Аллоҳнинг қудратига далолат қилувчи ҳужжатлардандир.

Яшил дарахтдан ўт чиқишини жорий этган Зот жисмлар йўқ бўлиб кетганидан кейин ҳам уларни қайта тирилтиришга албатта Қодир.

“Осмонлар ва ерни яратган Зот ўхшашини яратишга қодир эмасми?!”

Осмонлар ва ерни яратишга қодир бўлган Аллоҳ кичик ҳажмдаги ва жуссаси заиф бўлган инсон боласини қайта тирилтиролмайдими?

“Йўқ, (албатта қодирдир), Унинг Ўзигина Яратувчи ва Билувчидир”.

Аллоҳ уларга ўхшашини яратишга ва яна қайта ҳаёт ато этишган шубҳасиз қодир. Аллоҳ махлуқотларни яратувчи ва барча нарсани мутлоқ билувчи Зотдир.

“Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина “Бўл”, дейишдир. Бас, у (наrsa) бўлади – вужудга келади”.

Аллоҳ бирон нарсани яратишни истаса: “Мавжуд бўл, ярал!” дейди, холос. Ана ўша нарса айнан Аллоҳ хоҳлаганидек бўлади.

“Бас, барча нарсанинг эгалиги – подшоҳлиги измида бўлган (Аллоҳ ҳар қандай айбу нуқсондан) Покдир. Ва (албатта) сизлар Ёлғиз Унгагина қайтариласизлар”.

Ҳа, У ҳамма нарсанинг Эгасидир. Барча нарсалар тўлиқ измида бўлган Аллоҳ ҳар қандай нуқсондан Покдир. Аллоҳга қайтиш бордир. У Зот қиёмат куни бандаларини ҳисоб қилиш учун қайта тирилтиради. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Шунингдек, мушриклар ўзлари маҳкам ушлаб олган ширк ақидасини оқлаш учун баъзи шубҳаларни тарқатишган, пуч даъволарни илгари суришган. Масалан, улар бундай нотўғри ишлари Аллоҳнинг изни билан қилинаётганини айтишган. Қуйидаги оятларда шу ҳақида маълумот берилган. Аллоҳ таоло айтади:

“Ҳали мушрик бўлган кимсалар: “Агар Аллоҳ хоҳлаганида на биз, на ота-боболаримиз мушрик бўлмаган ва бирон нарсани ҳаром қилиб олмаган бўлар эдик”, дейишади. Улардан аввалгилар ҳам то азобимизни тотгунларича (ўз пайғамбарларини) мана шундай ёлғончи қилганлар. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) айтинг: “Олдиларингда бизга кўрсатадиган бирон ҳужжатингиз борми? Сизлар фақат гумонга эргашмоқдасиз, сизлар фақат ёлғон сўзламоқдасиз!” Айтинг: “Аллоҳнинг эса етук ҳужжати бордир. Бас, агар У Зот хоҳлаганида барчангизни хидоят қилган бўлар эди”. Айтинг: “Аллоҳ мана шу (яъни, мазкур нарсаларни) ҳаром қилганига гувоҳлик берадиган гувоҳларингизни келтиринг!” Энди агар улар (ёлғон) гувоҳлик берсалар, Сиз улар билан гувоҳлик берманг! Ва Бизнинг оятларимизни ёлғон дейдиган, охиратга имон келтирмайдиган кимсаларнинг хавойи нафсларига эргашманг! Улар Парвардигорларига (ўзгаларни) тенглаштирадилар” (*Анъом сураси, 148-150-оятлар*).

Мана шу оятларда қадимдан бўлиб келган даъволарга кучли раддия берилмоқда. Қадимги дейишимизга сабаб, аввалда ўтган пайғамбарлар билан талашиб-тортишган кимсалар мана шу сўзлар билан ўзларини оқлашга уринишган. Қолаверса, ҳар бир замонда ўтадиган исёнкор кимсалар ўзларининг даъволарини ва ботил ақидаларини илгари суриш учун мана шундай гумон аралашган нарсаларни маҳкам ушлаб оладилар ва бошқаларни ҳам тўғри йўлдан урмоқчи бўладилар.

Оятда айтилаётган тоифалар энг қабиҳ ишларни қилишга қилиб: “Бу Аллоҳнинг буйруғи, Аллоҳ шуни хоҳлаган экан. Агар Аллоҳ бундай бўлишини истамаганида, қилмасдик бу ишларни. Аллоҳ бизга шундай қилишни тақдир этган экан, бизнинг гуноҳимиз нима? Нима сабабдан бизни азоблайди?” дейишади. Улар бу билан Аллоҳнинг амри ва қайтариқларини енгил санаб, шариат доирасидан чиқишни ва ўз билганларича яшашни истайдилар, холос.

Эй ўқувчи! Бу оятларга эътибор қаратинг! Қуръони карим бизга уларнинг асосиз даъволарини баён қилиб, кейин уни ҳақ ила барбод қилмоқда, кучли ҳужжат билан улар оғзидан чиққан гаплар бекор экани тасдиқланмоқда.

Ҳали мушрик бўлган кимсалар: “Агар Аллоҳ хоҳлаганида на биз, на ота-боболаримиз мушрик бўлмаган ва бирон нарсани ҳаром қилиб олмаган бўлар эдик”, дейишади.

Яъни, анави мушриклар:

– Агар Аллоҳ таоло хоҳлаганида, биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам Унга бирон нарсани шерик қилмаган бўлардик! Лекин Яратган Зот буни хоҳламади. Балки

ибодатда Ўзига мана шу бутларни шерик қилишимизни истади! Аллоҳ бизнинг бу ишимизга рози бўлган. Эй Муҳаммад, яна нега Аллоҳнинг иродасига қарши чиқяпсан, Аллоҳ бизни буюрмаган динга киришга даъват қияпсан? – дейишади.

Мушрикларнинг куракда турмайдиган бундай гаплари бошқа оятларда ҳам келтирилган: “Мушрик бўлган кимсалар: “Агар Аллоҳ хоҳлаганида биз (ҳам), ота-боболаримиз (ҳам) ундан ўзга бирон нарсага ибодат қилмаган ва у(нинг ҳукми)сиз бирон нарсани ҳаром қилмаган бўлар эдик”, дедилар. Улардан аввал ўтган (кофир) кимсалар ҳам мана шундай қилган эдилар (яъни, ўз ихтиёрлари билан куфр йўлини танлаб, сўнгра: “Бизнинг кофирлигимизга Аллоҳнинг ўзи сабаб”, деб Аллоҳ таоло шаънига тухмат қилган эдилар). Пайғамбарлар зиммасида (одамларни мажбуран динга киритиш эмас, балки) фақат (Аллоҳ нозил қилган ваҳийни) очиқ-ойдин етказиш бордир” (Наҳл сураси, 35-оят).

“Улардан аввалгилар ҳам то азобимизни тотгунларича (ўз пайғамбарларини) мана шундай ёлғончи қилганлар”.

Макка мушриклари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган динни ёлғонга чиқарганлари каби улардан олдинги қавмлар ҳам ўз пайғамбарларини инкор этишганди. Уларнинг бошига Аллоҳнинг азоби тушмагунича улар исёнда давом этдилар.

Ботилни қаттиқ ушлаб олиб тортишаётган мушриклар оғзи ёпилганидан кейин Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига улар даъво қилаётган нарсага далил келтиришни сўрашга амр қилган:

(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) **айтинг: “Олдиларингда бизга кўрсатадиган бирон ҳужжатингиз борми?”**

Яъни, эй Муҳаммад, уларни тергаш ва ожиз қолдириш учун:

– Айтаётган гапингиз тўғрилигини тасдиқлайдиган бирон ишончли ҳужжатингиз борми? Агар бўлса, бизга кўрсатинг уни, сиз билан ўша ҳақда баҳслашамиз, мен сизларга ўзим келтирган очиқ ҳужжат-далилларни ҳам ҳавола қиламан. Ақлли киши илмсиз тарзда бирон нарсани сўзламайди, – деб айтинг.

Мушрикларнинг ҳақиқий ҳолати қандайлиги қуйида баён этилади: **“Сизлар фақат гумонга эргашмоқдасиз, сизлар фақат ёлғон сўзламоқдасиз!”**

Яъни, сизларда илм йўқ, ҳужжат йўқ. Айтаётган сўзингиз ва қилаётган ишларингиз, ақидангиз, ҳаммаси шубҳа-гумондан иборат. Гумон ҳеч ҳам ҳақиқат ўрнига ўтмайди. Сиз бу даъвойингиз билан Аллоҳ шаънига ёлғон тўқимоқдасиз.

Мушрикларнинг гумонга ишониб иш тутаётганлари айтилгач, энди Аллоҳ таолонинг ҳужжати улуғлиги, бирон далил унинг олдига туша олмаслиги таъкидланади:

Айтинг: “Аллоҳнинг эса етук ҳужжати бордир. Бас, агар У Зот хоҳлаганида барчангизни ҳидоят қилган бўлар эди”.

Яъни, эй муҳтарам Пайғамбар гумон ва ёлғонга асосланиб эътиқод қилаётган ва даъволарига энг оддий далил келтиришга-да ожиз қолган бу кимсаларга:

– Ёлғиз Аллоҳнинг очиқ-ойдин ва мукамал ҳужжати бордир. У Зотнинг ҳужжати кучли, шубҳаларни даф этувчидир. Агар Аллоҳ сизларни тўғри йўлга бошлашни хоҳлаганида, шундай қилган бўларди. Зеро, У Зот бирон нарсадан ожиз қолмайди. Лекин Аллоҳ сизларни ҳидоят қилишни истамади. Ичларидан баъзиларини тўғри йўлга бошлади. Улар ҳақ динга мойил бўлдилар. Қолганлари эса залолат йўлини афзал билиб, ботил динга кириб кетдилар, – деб айтинг!

Аллоҳнинг мулкидаги барча нарса У Зотнинг хоҳиши билан содир бўлади. Итоат этувчи ирода остидадир. Осий ҳам ирода остидадир. Лекин Аллоҳ бирон кишини тоат ё маъсиятга мажбурламайди. Аллоҳнинг қазоси бўладиган воқеа ва ҳодисаларни улар содир бўлишидан олдин билишидир. Бу илм таъсир қилиш ё мажбурлаш эмас. Аллоҳ ирода қилган нарсани биз билмаймиз. Биз фақат ўзимизга буюрилган ва қайтарилган ишларнигина биламиз.

Аллоҳ таоло инсон табиатига яхшилик ва ёмонликка мойил бўлиш хусусиятини берган, тўғри йўлдан юриши учун унга ақл ато этган. Ақлга суяниб адашиб кетмасликлари учун пайғамбарлар орқали уларни ҳақ йўлга даъват қилган.

Шундай экан, банда ҳидоят ёки залолат сари қадам ташлашидан қатъи назар, Аллоҳнинг иродаси аниқ амалга ошади. Банда адашиб кетса, жазоланади. Ҳидоят йўлидан юрса, мукофотини олади. Аллоҳ бандани икки йўлдан бирини танлашга имкон берган. Банданинг ихтиёри ўзида. Хоҳласа, имон йўлдан юрсин, хоҳласа, залолатга кетсин. Яхши бўлса, нажот топади. Ёмон бўлса, азобга йўлиқади. Бу Аллоҳнинг ўзгармас қонунидир. Аллоҳнинг тақдирини ҳеч ким ўзгартиролмайди.

Шундай экан мушриклар: “Аллоҳ бизни мажбур қилгани учун шундай бўлди. Биз ундан қутулолмаймиз”, деб айтаётган гаплари ёлғон ва асоссиздир. Бу гапнинг ҳужжати йўқ, илмдан узоқ, соғлом ақлга умуман тўғри келмайди. Зеро, Аллоҳ бандаларини итоатга ҳам, маъсиятга ҳам мажбурламайди.

Мана бу оятга эътибор қаратайлик: “Шак-шубҳасиз, сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз хилма-хилдир. Ана энди ким (ўз молидан камбағалларга) ато этса ва (Аллоҳдан) кўрқса ҳамда гўзал оқибатни (яъни, жаннат борлигини) тасдиқласа, бас, Биз уни осон йўлга муяссар қиламиз. Энди ким (Аллоҳ йўлида саховат кўрсатишдан) бахиллик қилса ва (ўзини Аллоҳ ҳузуридаги ажр-мукофотлардан) беҳожат қилса ҳамда гўзал оқибатни (яъни, Аллоҳ ваъда қилган жаннатни) ёлғон деса, бас, Биз уни оғир йўлга муяссар қиламиз!” (Лайл сураси, 4-10-оятлар).

Шундан кейин мушрикларни ожиз қолдирувчи яна бир талаб ўртага ташланади:

Айтинг: “Аллоҳ мана шу (яъни, мазкур нарсаларни) ҳаром қилганига гувоҳлик берадиган гувоҳларингизни келтиринг!”

Яъни, Аллоҳ таоло сизларга айрим нарсаларни ҳаром қилганини даъво қилаётган бўлсангиз, марҳамат, ҳақиқатан ҳам шу нарсаларнинг ҳаром қилинганига гувоҳларингизни чақиринг!

Бундан мақсад, уларнинг устидан истехзо қилиш ва уларнинг асосли бир ҳужжати йўқ эканини таъкидлашдир.

Кейин Аллоҳ шундай дейди: “Энди агар улар (ёлғон) гувоҳлик берсалар, Сиз улар билан гувоҳлик берманг!”

Яъни, агар улар гувоҳ келтирган тақдирларида ҳам, гувоҳлигини қабул қилманг, тасдиқламанг ва уларнинг қошида сукут ҳам сақламанг! Зеро, бундай вақтдаги сукут розилик аломатидир. Сиз Аллоҳ берган ҳужжат-далиллар билан қилаётган даъволари асоссиз эканини исботлаб беринг!

“Ва Бизнинг оятларимизни ёлғон дейдиган, охиратга имон келтирмайдиган кимсаларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг!”

Яъни, одамларга ҳидоят ва нур бўлиши учун Аллоҳ туширган оятларни инкор этадиган кимсалар гапига кирманг, уларга эргашманг асло! Чунки улар гувоҳлик келтирган тақдирда ҳам шаҳодатлари ҳойи ҳавас ва залолат асосига қурилгандир.

“Улар Парвардигорларига (ўзгаларни) тенглаштирадлар”.

Яъни, Аллоҳнинг оятларини инкор қилиб, охиратга ишонмайдиган, Аллоҳга бошқа нарсаларни шерик қиладиган кимсаларга итоат этманг! Ваҳоланки, Аллоҳ барча нарсанинг Яратувчисидир. У Зотнинг шериги йўқ.

Мана шу оятларни тадаббур қилар эканмиз, Қуръони карим мушриклар оғзидан чиққан ёлғон даъволар ва пуч иддаоларни қандай рад этгани, одамларни тўғри йўлдан уришга чиранган кимсаларни ожиз қолдирувчи талабларни ўртага ташлаганини кўрамиз. Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига ваҳий қилиб дин душманларига қандай муомала қилишни таълим берди, кучли ҳужжат-далиллар билан уларнинг оғзини ёпиб қўйди. Аллоҳ таоло: “Йўқ, Биз Ҳақ – Қуръонни ботил-жаҳолатнинг устига отамиз, бас, (ҳақиқат ботилни) эзиб-янчиб, баногоҳ (ботил) йўқ бўлади. Сизлар учун эса, (эй мушриклар, Аллоҳнинг “Хотини, боласи бор” деб нолайик сифатлар билан) сифатлаганингиз сабаб ҳалокат бўлади²⁷⁷” деб нақадар рост айтган!

ПАЙҒАМБАРИМИЗ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМГА ТАСАЛЛИ БЕРИЛИШИ ВА СОБИТҚАДАМ ҚИЛИНИШЛАРИ

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам муборак ҳаётлари ҳақидаги маълумотларни ўқир эканмиз, у зотнинг душманлари турли хил азиятлар беришгани, макр-ҳийла ишлатганлари, исён қилганлари, Аллоҳ берган фазлни кўролмай ҳасаддан ичлари олов бўлиб ёнганини кўрамиз. Меҳрибон Ҳабибимиз қавмлари томонидан қилинаётган бундай ишлардан сиқилардилар, даъватни қабул қилмаётганидан ғам-андухга ботардилар, икки дунё саодатига элтувчи энг нурафшон йўлни четлаб ўтаётганлари сабабли қайғуга ботардилар.

Лекин Аллоҳ таоло у зотнинг қалбларига кучли имон нуруни жойлади, ҳимматларини баланд қилди, керакли кўрсатмалар бериб, Ўз ҳимоясига олди. Шунинг натижасида Расулуллоҳ алайҳиссалом зиммаларига юклатилган вазифани мукамал адо этдилар, ҳеч қандай тараддудсиз Аллоҳнинг амрларини одамларга етказдилар.

У зот алайҳиссаломга турли йўллар билан тасалли бериб турилди. Бу билан душманлар етказётган азиятлардан ғамгин қалбларига юпанч берилди. Баъзида душманлар айтаётган гаплар аввалги пайғамбарларга ҳам айтилгани зикр қилинган. Аллоҳ таоло шундай деган: “(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Сизга ҳам (кофирлар томонидан) фақат Сиздан аввалги пайғамбарларга айтилган сўзларгина айтилади (яъни, агар мушриклар Сизга озор етказётган бўлсалар, Сиз бунга сабр қилинг. Чунки аввалги пайғамбарларга ҳам кофирлар томонидан худди шунга ўхшаган азиятлар етган эди). Шак-шубҳасиз, Парвардигорингиз ҳам мағфират Соҳибидир, ҳам аламли азоб Соҳибидир” (Фуссилат сураси, 43-оят).

Баъзи вақтларда Пайғамбар алайҳиссаломга Аллоҳга кўп ибодат қилишга ундаш билан тасалли берилган. Чунки ибодат қалбдаги ғам-ташвишларни аритади. Аллоҳ таоло шундай дейди: “Шак-шубҳасиз, Биз улар (Сизни масҳара қилиб) айтаётган сўзлардан дилингиз сиқилишини биламиз. Бас, Сиз Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан (У Зотни “шерик”лардан) пок деб ёд этинг ва сажда қилувчилардан бўлинг.

²⁷⁷ Анбиё сураси, 18-оят.

(Шунингдек,) то Сизга аниқ нарса (яъни, ўлим соати) келгунча Парвардигорингизга ибодат қилинг!” (Ҳижр сураси, 97-99-оятлар).

Яъни, эй Муҳаммад, агар мушриклар айтаётган хунук сўзлардан қалбингиз сиқилса, бас, Бизга тасбеҳ, ҳамду сано айтинг ва кўп ибодат қилинг. Шунда Аллоҳнинг изни билан ғам-анхуд ва ташвишлардан фориғ бўласиз.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга тасалли берилган баъзи оятларда душманлар аянчли оқибатга йўлиқиши, Расулulloҳ алайҳиссалом ва мўминлар мавриди келиб ғалабага эришиб, охиратда нажот топишлари башорати берилади.

Яна айрим оятларда у зот сабр қилишга буюрилганлар: “Бас, (эй Муҳаммад алайҳиссалом,) сабр-тоқат қилинг! Шубҳасиз, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. (Охиратга) ишонмайдиган кимсалар Сизни ҳаргиз бетоқат қилмасинлар” (Рум сураси, 60-оят).

“Бас, (эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Сиз ҳам (ўтган) пайғамбарлар орасидаги улул азм – матонат эгалари сабр қилганларидек (мушриклар озорларига) сабр қилинг...” (Аҳқоф сураси, 35-оят).

“Ва улар (мушриклар) айтаётган сўзларига сабр қилинг ҳамда уларни чиройли тарк этинг!” (Муззаммил сураси, 10-оят).

Мана бу оятда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга тасалли берувчи умумий кўрсатмалар келган. Аллоҳ таоло шундай деган:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) албатта Биз уларнинг гаплари Сизни маҳзун қилишини биламиз. Зотан, улар Сизни ёлғончи қилмайдилар, балки бу золимлар Аллоҳнинг оятларини инкор қиладилар. Маълумки, Сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам ёлғончи қилинганлар. Сўнг, то уларга Бизнинг ёрдамимиз келгунча ёлғончи қилинганларига ва чеккан азиятларига сабр қилганлар. Аллоҳнинг сўзларини ўзгартира олувчи бирон кимса йўқдир. Ахир Сизга ўтган пайғамбарларнинг хабарларидан ҳам келган-ку! Агар Сизга уларнинг (имондан) юз ўгиришлари оғир ботиб (сабр қила олмасангиз,) у ҳолда Сиз ерга (кириб кетадиган) бирон тешик ёки осмонга (чиқиб кетадиган) бирон нарвон истаб – топиб, уларга оят-мўъжиза келтиришга қодир бўлсангиз, (шундай қилаверинг). Агар Аллоҳ хоҳлаганида, албатта уларни ҳидоят устида жамлаган бўлар эди-ку! Бас, ҳаргиз жоҳиллардан бўлманг! Албатта эшита оладиган зотларгина (Сизнинг даъватингизни) қабул қиладилар. Ўликларни (кофирларни) эса (қиёмат куни) Аллоҳ тирилтиради. Сўнгра Ўзига қайтариладилар” (Анъом сураси, 33-36-оятлар).

Аллоҳ таоло юқоридаги оятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга тасалли бериб:

– Эй Муҳаммад, қавмингиз Сизни ёлғончига чиқаргани учун ғамга ботганингизни биламиз. Улар айни пайтда Сизни ёлғонда айблаётганлари йўқ. Лекин ҳақни инкор қилмоқдалар, диллари билан унга қаршилик қилишмоқда, – деб тасалли бермоқда.

Бу ҳақиқатни мушрикларнинг ўзлари ҳам тан олишган. Ривоят қилинишича, Абу Жаҳл Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга қараб:

– Эй Муҳаммад, биз сени ёлғончисан, демаймиз. Балки сен олиб келган нарсаларни инкор этамиз, – деган.

Абу Язид Маданийдан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўлда Абу Жаҳл билан учрашиб қолдилар ва у билан кўришдилар. Шунда бир киши унга:

– Диндан қайтган мана шу одам билан кўришяпсанми?! – деди. Абу Жаҳл бўлса:

– Аллоҳга қасамки, мен унинг пайғамбар эканини аниқ биламан. Лекин биз Бани Абдуманофга қачон тобеъ бўлганмиз?! – деди.

Абу Язид кейин “Зотан, улар Сизни ёлғончи қилмайдилар, балки бу золимлар Аллоҳнинг оятларини инкор қиладилар” оятини тиловат қилди²⁷⁸.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом қавмларининг мусулмон бўлишига ўта ҳарис эдилар. Мушриклар юз ўгириб кетганларини кўрсалар, маҳзун бўлардилар. Бу маънода жуда кўп оятлар келган. Жумладан, Аллоҳ таоло шундай деган: “(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) агар улар ушбу сўзга – Қуръонга имон келтирмасалар, эҳтимол Сиз уларнинг ортидан афсус-надомат билан ўзингизни ҳалок қиларсиз!” (Каҳф сураси, 6-оят).

“Бас, (эй Муҳаммад алайҳиссалом,) жонингиз уларнинг (имон келтирмаганлари) устида ҳасрат-надоматлар чекиб кетмасин. Албатта Аллоҳ уларнинг қилаётган хунарларини Билувчидир” (Фотир сураси, 8-оят).

“Бас, (эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Сизни уларнинг сўзлари ғамгин қилмасин! Зотан, Биз уларнинг яширадиган нарсаларини ҳам, ошкор қиладиган нарсаларини ҳам биламиз” (Ёсин сураси, 76-оят).

Шундан кейин ўтган пайғамбарлар ҳам қавми томонидан ёлғончи қилингани айтилиб, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга тасалли берилади:

“Маълумки, Сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам ёлғончи қилинганлар. Сўнг, то уларга Бизнинг ёрдамимиз келгунича ёлғончи қилинганларига ва чеккан азиятларига сабр қилганлар”.

Яъни, эй Муҳаммад, Сиздан олдинги набийлар ҳам қавми тарафидан инкор этилган, турли озорларга учраганди. Сиз эшитаётган ва тортаётган азиятлар биринчиси эмас. Бундай синовлар бошқа пайғамбарларнинг ҳам бошига тушган. Мазкур анбиёлар қавмининг куфри ва жоҳиллигига сабр қилишди. Натижада, Аллоҳ уларга нусрат берди. Сиз пайғамбарларнинг имоми ва яқунловчисисиз. Бас, Сиз ҳам ғалабага эришиш учун сабр қилинг.

“Аллоҳнинг сўзларини ўзгартира олувчи бирон кимса йўқдир”.

Аллоҳнинг суннатини (тақдирини, қонунини) ўзгартирувчи йўқ. Ҳеч бир макон ва замонда У Зотнинг солиҳ бандаларига нусрат бериши ҳақидаги сўзи ўзгармайди.

Муҳаққиқ уламоларга кўра, “Аллоҳнинг сўзлари”дан мурод, У Зотнинг шариати, сифатлари, ҳукмлари, борлиқдаги жорий қилган қонунларидир. Бунга биринчи навбатда, анбиёлар ва солиҳ кишиларга ваъда қилинган кўмак ва ғалаба киради.

“Ахир Сизга ўтган пайғамбарларнинг хабарларидан ҳам келган-қу!”

Яъни, Сизга аввалги анбиёлар хабари келди, Аллоҳ Қуръонда буни баён қилди. Улар азиятларга мардонавор сабр қилишди ва Аллоҳнинг мукофотига сазовор бўлишди – ғанимлар устидан зафар кучишди.

Шундан кейин анави инкор этувчиларнинг имони Аллоҳнинг иродасига боғлиқ экани таъкидланади:

“Агар Сизга уларнинг (имондан) юз ўгиришлари оғир ботиб (сабр қила олмасангиз,) у ҳолда Сиз ерга (кириб кетадиган) бирон тешик ёки осмонга (чикиб кетадиган) бирон нарвон истаб – топиб, уларга оят-мўъжиза келтиришга қодир бўлсангиз, (шундай қилаверинг)”.

²⁷⁸ “Тафсиру ибни касир”, 2-жуз, 130-бет.

Яъни, эй Муҳаммад! Қавмингиз имондан юз ўғиргани Сизга оғир ботаётган бўлса, улар талаб қилган оятларнинг келтирилиши имонларига сабаб бўлади, деб ўйлаётган бўлсангиз, у холда ер қаърига элтувчи йўлни, ёки осмонга чиқарувчи нарвонни талаб қилишга қодир бўлсангиз, шундай қилинг! Зеро, бунинг фойдаси йўқ. Чунки анави мушрикларни ростгўйлигингизни тасдиқловчи хужжат-далиллар қониқтирмайди. Улар даъватингиздан юз ўгириб кетадилар.

“Агар Аллоҳ хоҳлаганида, албатта уларни ҳидоят устида жамлаган бўлар эди-ку! Бас, ҳаргиз жоҳиллардан бўлманг!”

Яъни, агар Аллоҳ уларни Сиз олиб келган ҳидоятда жамлашни хоҳлаганида, шундай бўларди, мушрикларни имонга йўллар, улар ҳам имон келтиришарди. Бирок Аллоҳ бундай бўлишини истамасди. Сабаби улар ўткинчи дунё ҳаётини афзал кўришди. Шундай экан, Аллоҳ махлуқларида жорий қилган ҳикматдан, У Зотнинг илми тақозо этган ишлардан жоҳил бўлиб қолманг!

Ана энди имон аҳли ким экан, кимлар пайғамбарларга ижобат этиши баёни келади:

“Албатта эшита оладиган зотларгина (Сизнинг даъватингизни) қабул қиладилар”.

Яъни, эй муҳтарам Пайғамбар, сизнинг даъватингизга тадаббур билан эшитадиган зотлар ижобат қиладилар. Аммо мана бу кимсалар қалбини Аллоҳ муҳрлаб қўйган. Бас, улар эшитган нарсаларини тушунмайдилар.

“Ўликларни эса (қиёмат куни) Аллоҳ тирилтиради. Сўнгра Ўзига қайтарилади”.

Бу ердаги “ўликлар”дан мурод, қалби ўлик кофирлардир. Аллоҳ таоло уларни танаси ўлик одамларга ўхшатмоқда. Бу уларнинг шаънини оёқ ости қилиш ва истехзо маъносидадир²⁷⁹.

Яъни, даъватни тафаккур билан эшитмайдиган мушрикларни Аллоҳ қиёмат куни қабрларидан турғизади ва жуда оғир ҳисоб қилади. Сабаби улар дунёда ботил сўзларни айтган ва ёмон ишларни қилишганди.

Қуйидаги оятларда ҳам Пайғамбар алайҳиссаломга тасалли берилиб, тўғри йўлда мустаҳкам бўлишга чақирилган:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Биз Сизга пайғамбарларнинг хабарларидан дилингизни мустаҳкам қиладиган барча қиссаларни сўйлаб берамиз ва бу қиссаларда Сизга ҳақиқат ҳамда барча мўминлар учун панд-насихат ва эслатмалар келди. Имон келтирмайдиган кимсаларга айтинг: “Ўзларингиз билган амалларингизни қилаверинг, биз ҳам ўз амалимизни қилувчимиз, ҳамда кутувчилармиз”. Осмонлар ва ернинг сирлари Ёлғиз Аллоҳникидир ва барча ишлар Унинг Ўзига қайтарилади. Бас, Унга ибодат қилинг ва Ўзига суянинг! Парвардигорингиз сизлар қилаётган амалларингиздан ғофил эмас” (Худ сураси, 120-123-оятлар).

Яъни, эй Муҳаммад алайҳиссалом, Биз сизга аввалда ўтган ҳурматли пайғамбарлар қиссасини сўзлаб берамиз. Бундан мақсад, қалбингизни мустаҳкамлаш, ишончингизни кучайтириш, Сизга тасалли бериш, одамларни ҳақ йўлга даъват қилиш чоғида етган азиятларга сабр қилишга чақиришдир.

²⁷⁹ Айтилишича, ўликлардан мурод, ҳақиқий майитлардир. Чунки Аллоҳ таоло уларнинг барчасини охирада тирилтиради. Кейин ёмонлик қилганларни жазолайди, чиройли амал қилганларга мукофот беради.

“Бу қиссаларда Сизга ҳақиқат ҳамда барча мўминлар учун панд-насихат ва эслатмалар келди”.

Яъни, бу ва бошқа сураларда воқеликка мувофиқ келувчи ҳақиқат, ҳикматли насихатлар, керакли эслатмалар бордир. Мўминлар бундан ўзларига манфаат оладилар. Бироқ Қуръон суралари қалбида касаллик бор кимсаларнинг нопокликларига нопокликни зиёда қилади ва улар кофир ҳолларида ўлиб кетадилар.

Шундан кейин Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни душманлар таҳдидига парво қилмасдан ҳақ йўлда бардавом бўлишга ундайди:

Имон келтирмайдиган кимсаларга айтинг: “Ўзларингиз билган амалларингизни қилаверинг, биз ҳам ўз амалимизни қилувчимиз, ҳамда кутувчилармиз”.

Яъни, эй муҳтарам Пайғамбар, даъват йўлингизга тиконлар ташлаётган анавий мушрикларга:

– Менга нисбатан кўлингиздан келган макр-ҳийлани ишлатаверинг. Қандай бўлмасин, мен ва асҳобларим Аллоҳ бизни ҳидоят қилган ҳақ йўлдан оғишмай йўлимизда давом этамиз. Сизнинг дўқ-пўписангизга эътибор бермаймиз. Сизлар Аллоҳ бошингизга туширадиган азобни кутиб тураверинглар. Биз ҳам сиз билан уни кутамиз! – деб айтинг.

Худ сураси куйидаги ояти билан ниҳояланади: **“Осмонлар ва ернинг сирлари Ёлғиз Аллоҳникидир ва барча ишлар Унинг Ўзига қайтарилади. Бас, Унга ибодат қилинг ва Ўзига суянинг!”**

Аллоҳнинг Ўзи осмонлар ва ердаги ғайб нарсаларни билади. Барча ишлар: тирилтириш ва ўлдириш, ҳидоятга бошлаш ва залолатга йўллаш, сихҳат ва касаллик, нусрат ва мағлубиятга учратиш Ёлғиз Аллоҳга тегишлидир (яъни, бу ишларни Аллоҳ қилади).

Шундай экан, Аллоҳга ихлос билан ибодат қил, У Зотга таваккул қил!

“Парвардигорингиз сизлар қилаётган амалларингиздан ғофил эмас”.

Аллоҳ бандалар қилаётган ҳар битта амални кўриб туради. У Зотдан бирон нарса махфий қолмайди. Шундай экан, Аллоҳ ёмонлик содир этганларга муносиб жазо беради, гўзал амаллар қилганларни мукофотлайди.

РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМГА ЙЎЛ-ЙЎРИҚ КЎРСАТИЛИШИ

Аллоҳ таоло Ўз Расулини “ҳаводан гапирмайди” деб гувоҳлик берди. Ўз фазлу марҳатмати ила Пайғамбар алайҳиссаломни ҳақ ва адолат йўлида барқарор қилди. Гоҳо афзал нарсанинг хилофини амалга оширганларида, у зот алайҳиссаломга енгил дакки ҳам берди. Бунинг ҳикмати шу эдики, Аллоҳ таоло бу билан Расулуллоҳ алайҳиссаломни башариятнинг энг афзали, шу билан бирга бошқаларга ўхшаган инсон эканликларини ва у ҳам йўл-йўриққа муҳтож эканликларини билдириш эди. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “Аллоҳ Сизга Китоб ва ҳикматни нозил қилди ва билмаган нарсаларингизни билдирди. Аллоҳнинг Сизга қилган фазлу марҳамати улуг бўлди” (Нисо сураси, 113-оят).

Қуръони каримни тадаббур билан ўқир эканмиз, Аллоҳ таоло турли ҳолатларда Ўз пайғамбарига енгил ва ҳикматли усулда танбеҳ берганини кўрамиз. Жумладан, Абаса сурасида Парвардигори олам шундай дейди:

“(Пайғамбар алайҳиссалом) ўзининг олдига кўзи ожиз киши келгани учун қош чимирди ва (ундан) юз ўгирди²⁸⁰. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Сиз қаердан биласиз, эҳтимол у (ўз гуноҳларидан) покланар. Ёки панд-насихат олар-да, сўнг бу панд-насихат унга фойда берар! Энди (ўз мол-мулки билан имондан) истиғно қилиб турган кимса бўлса, бас, Сиз ўшанга иқбол қилиб – юзланмоқдасиз! Холбуки, у (ўзининг куфридан) покланмаслиги сабабли Сизга бирон зиён етмас! Энди (Аллоҳдан) кўрққан ҳолида олдингизга югуриб-елиб келган зот бўлса, бас, Сиз ундан чалғиб – юз ўгириб олмоқдасиз! Йўқ, (Сиз асло бундай қилманг)! Албатта (Қуръон оятлари) бир панд-насихатдир. Бас, ким хоҳласа ундан панд-насихат олади. (У оятлар Аллоҳ наздида) азизу мукаррам, қадрли баланд, покиза саҳифаларга мукаррам, итоатли мирзолар (яъни, фаришталар) қўллари билан (Лавҳул Махфуддан кўчириб битилгандир)” (Абаса сураси, 1-16-оятлар).

Ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам кунларнинг бирида Қурайш катталарини Исломга даъват қилаётганларида кўзи ожиз Абдуллоҳ ибн Умму Мактум келиб:

– Ё Расулulloҳ, Аллоҳ Сизга ўтгатган нарсалардан менга ҳам таълим беринг! – деди. У Расулulloҳ алайҳиссалом Қурайш зодагонларини Ислом чақириш билан машғул эканларини билмагани учун бу сўзини яна такрорлади. Абдуллоҳ қайта-қайта сўрайверганидан кейин Расулulloҳ алайҳиссалом муборак юзларини ундан бурдилар. Шунда Аллоҳ таоло мазкур оятларни нозил қилди ва бунинг учун Пайғамбарига танбеҳ берди. Шу воқеадан кейин Расулulloҳ алайҳиссалом Абдуллоҳ ибн Умму Мактумни кўриб қолсалар, ҳурмат бажо келтириб: “Эй, менга Парвардигоримдан танбеҳ олиб берган зот, хуш келибсиз!” деб ридоларини унга тўшардилар²⁸¹.

Алусий бундай дейди: “Абдуллоҳ ибн Умму Мактум Хадижа бинти Хувайлиднинг тоғасининг ўғлидир. Исми Амр ибн Қайс. Умму Мактум онасининг куняси, исми Отика бинти Абдуллоҳ Махзумиядир. Расулulloҳ алайҳиссалом Ибн Умму Мактумни бир неча бор Мадинага ўринбосар этиб қолдирганлар. У аввалги муҳожирлардандир. Айтишларича, у Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳу замонида Қодисияда Мадоин фатҳ қилинган кунда шаҳид бўлган²⁸²”.

²⁸⁰ Ривоят қилинишича, бир куни Пайғамбар алайҳиссалом Қурайш зодагонларидан бир гуруҳини Исломга даъват қилиб турганларида олдиларига Абдуллоҳ ибн Умму Мактум исмли кўзи ожиз бир саҳоба келиб, бир неча бор: “Ё Расулulloҳ, Аллоҳ Сизга билдирган нарсалардан менга таълим беринг”, деб такрорлади. Чунки у киши аъмо бўлганлари сабабли Пайғамбаримизнинг бошқалар билан банд эканларини сезмаган эди. Пайғамбар алайҳиссалом ҳалиги Қурайш катталари Исломни қабул қилишса, уларга беради орқаларидаги тобеълари ҳам мусулмон бўлиб қолади, деган умид билан берилиб сўзларётганлари сабаб, мана шу пайтда Абдуллоҳ ибн Умму Мактум келиб сўзларини бўлганидан аччиқланиб қовоқ солдилар ва у кишига орқа ўгириб Қурайш катталари билан суҳбатлашишида давом этдилар. Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссаломга танбеҳ бўлиб мазкур ва қуйидаги оятлар нозил бўлди.

Шу ўринда биз муҳтарам ўқувчи эътиборини мазкур оятлардаги икки ибратли нуктага жалб этмоқчимиз.

Биринчидан, Аллоҳ таоло ўзининг ҳабиби ва сўнгги Пайғамбарига танбеҳ берар экан, у кишига бевосита хитоб қилмади, балки учинчи шахс ҳақида гапирётгандек танбеҳ бердики, бу Дўст Дўстга қиладиган муомаланинг беназир намунаси.

Иккинчидан, агар бизда Аллоҳ таолонинг ўзи: “Шак-шубҳасиз, Сиз улуг хулқ узрадирсиз” (Қалам сураси, 4-оят) деб таърифланган Пайғамбаримиз мазкур воқеада бир аъмо кишига озор бердиларми, деган савол тузилса, бундай саволнинг жавоби ҳам ўша воқеанинг ўзида мавжуддир. Яъни, юқоридаги оятлар гувоҳлик беришича, Пайғамбар алайҳиссалом у кишининг дилига озор берадиган бирон қаттиқ сўз айтганлари йўқ, балки фақатгина қовоқларини уюб, юз ўгирдилар, холос. Бундай ҳолатда кўзи ожиз одам кўра олмагани учун озор тополмаслиги аниқдир.

Аллоҳ таолонинг танбеҳидан сўнг Расулulloҳ алайҳиссалом қачон Абдуллоҳ ибн Умму Мактумни кўриб қолсалар: “Марҳабо, эй, менга (унинг сабабидан) Парвардигорим дакки берган зот”, деб у кишига пешвоз чиқадиган бўлган эканлар (Шайх Алоуддин Мансур, “Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”).

²⁸¹ Қаранг: “Тафсиру ибни касир”, 7-жуз, 342-бет.

²⁸² “Тафсирулу алусий”, 30-жуз, 39-бет.

“*(Пайғамбар алайҳиссалом) ўзининг олдига кўзи ожиз киши келгани учун қош чимирди ва (ундан) юз ўгирди*”.

“Кўзи ожиз киши” деб Абдуллоҳ ибн Умму Мактум қадри ерга урилаётгани йўқ. Балки унинг Расулуллоҳ алайҳиссалом суҳбатларини бўлганига қандай узр сабаб экани маълум қилинмоқда. Абдуллоҳ Ҳабибимиз алайҳиссалом Қурайш бошлиқларини Исломга даъват қилаётганларини кўрмаган.

Аллоҳ таоло бу ерда танбеҳни ҳикоя шаклида келтирмоқда (*яъни, “Сиз юзингизни буриштирдингиз” эмас, балки “юзини буриштирди”, деб зикр қилинмоқда. – таржимон*). Бу Аллоҳнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган муҳаббати, карами ва марҳамати сабабидандир.

“*(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Сиз қаердан биласиз, эҳтимол у (ўз гуноҳларидан) покланар. Ёки панд-насиҳат олар-да, сўнг бу панд-насиҳат унга фойда берар!*”

Яъни, Пайғамбар алайҳиссалом бошқалар билан суҳбатлашиб турган вақтида кўзи ожиз инсон келиб унга хитоб қилгани сабаб юзини буриштирди ва унга орқа ўгириб олди.

Эй мухтарам Пайғамбар! Сиз юз ўгирган кўзи ожиз инсон ҳолини қаердан ҳам билардингиз! Балки у Сиздан ўрганган нарсалари сабаб покланар, оламлар Парвардигори Аллоҳга хушу билан ибодат қилар, Сиздан эшитган насиҳатлар унга манфаат келтирар!

“*Энди (ўз мол-мулки билан имондан) истиғно қилиб турган кимса бўлса, бас, Сиз ўшанга иқбол қилиб – юзланмоқдасиз! Ҳолбуки, у (ўзининг куфридан) покланмаслиги сабабли Сизга бирон зиён етмас!*”

Яъни, эй Муҳаммад алайҳиссалом, имондан юз ўгирган ва Сизнинг гапингизга кулоқ солмайдиган кимсаларга эътибор бермоқдасиз. Ўша одам куфридан покланмай қолиб кетса, Сизга қандай зарари тегади? Бунда Сиз учун ҳеч қандай танглик йўқ. Сиз фақат етказувчисиз, огоҳлантирувчисиз, ҳисоб қилиш Бизнинг зиммамизда. Зотан, Сиз ўзингиз яхши кўрган кишиларни тўғри йўлга бошлай олмайсиз, балки Аллоҳ Ўзи хоҳлаган одамларни ҳидоят қилади.

“*Энди (Аллоҳдан) кўрққан холида олдингизга югуриб-елиб келган зот бўлса, бас, Сиз ундан чалғиб – юз ўгириб олмоқдасиз!*”

Яъни, Аллоҳнинг азобидан кўрққан ва мукофотидан умид қилган, яхшилик, ҳидоят ва илм талабида хузурингизга шошиб келган инсонга эътибор бермаяпсиз! Анави кимсаларни имонга келиши учун ҳаракат қиляпсиз.

“*Йўқ, (Сиз асло бундан қилманг!) Албатта (Қуръон оятлари) бир панд-насиҳатдир*”.

Яъни, эй мухтарам Пайғамбар, Қурайш катталари мусулмон бўлишидан умид қилиб уларга юзланманг, яхшилик талабида олдингизга келган инсонга бепарво бўлманг, ундан юз ўгирманг! Зотан, Қуръони карим оятлари ҳар бир оқил инсон учун эслатма ва насиҳатдир.

“*Бас, ким хоҳласа ундан панд-насиҳат олади*”.

Ким бу эслатмадан ибрат олса, ўзига манфаат касб қилса, албатта ютуққа эришади. Ким бундан бошқасини хоҳласа, мағлуб бўлади, касодга учрайди.

Бу оятда мавъизадан, панд-ансиҳатни қулоғига илмай, безътибор бўладиган кимсаларга таҳдид қилинмоқда. Шу билан бирга инсон ихтиёри ўзида экани, хоҳласа, эслатмалардан ибрат олиб, тўғри йўлда юриши мумкинлиги ҳам таъкидланмоқда.

“(У оятлар Аллоҳ наздида) азизу мукаррам, қадри баланд, покиза саҳифаларга мукаррам, итоатли мирзолар (яъни, фаришталар) қўллари билан (Лавҳул Махфуздан кўчириб битилгандир)”.

Қуръони карим оятлари Аллоҳ таоло наздидаги улуғ саҳифалардадир. Бу саҳифаларнинг мартабаси улуғ ва ҳар қандай нопоклик тегишидан саломатдир. Қуръони карим оятлари Аллоҳ таолонинг амри билан У Зотга итоаткор ва ҳурматли фаришталар томонидан битилган.

Юқоридаги зикр қилинган оятларда жуда кўп ҳукмлар ва одоблар жамланган. Жумладан, Ислом шариатида инсонлар ўртасидаги афзаллик мезони имон ва тақво саналади. Кўзи ожиз бир инсон илм ва яхшилик талабида башарият Саййиди олдига келганида, унга эътиборсиз бўлингани учун Аллоҳ таоло Ўз Расулига танбеҳ берди.

Мана шу оятларда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга баъзида енгилроқ, баъзан эса қаттикроқ дакки берилганини кўриш мумкин. Бу ҳам инсонлар ўртасидаги афзаллик тақво асосига қурилганини англатади. Аллоҳ таоло: “Албатта сизларнинг энг ҳурматлиларингиз тақводорроғингиздир”, деб марҳамат қилган.

Расулуллоҳ алайҳиссалом мана шу воқеадан кейин ўз ҳаётларини адолат мезони асосига қурдилар. У зотнинг Абдуллоҳ ибн Умму Мактумга кўрсатган ҳурматлари бунга мисол бўлади.

Бундан ташқари, камбағал ва мискинлигига қарамай, ҳақиқий мўмин инсонларга нисбатан мана шу муомалада бўлганлар ул муҳтарам зот. Расулуллоҳ тарафларидан ҳурмат кўрган жуда кўп одамларнинг на бир обрў-эътибори, на молу давлати ва на бола-чақаси бор эди. Мисол учун, Муъта ғазотида Зайд ибн Ҳорисани бутун бошли мусулмонлар қўшинига амир этиб тайинлаганлар. Ваҳоланки, ўша қўшин ичида катта саҳобалар бор эди.

Қолаверса, Салмон Форсий розияллоҳу анҳуга ҳам муносиб муомалада бўлганлар: “Салмон биздан – аҳли байтдандир”, деб айтганлар.

Аммор ибн Ёсир у зот ҳузурларига кириш учун рухсат сўраганида: “Унга изн беринглар! Хуш келибсиз, эй ўта покиза инсон!” деб марҳамат қилганлар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳуни ҳам ҳурматлаб, унга аҳли байтларидан бир инсон сифатида қараганлар.

Абу Бакр ва Салмон, Суҳайб ва Билол ўртасида Абу Суфён борасида гап ўтиб қолганида, Абу Бакрга қараб: “Эй Абу Бакр, балки сиз уларни ғазаблантиргандирсиз. Агар шундай қилган бўлсангиз, Парвардигорингизни ғазаблантирган бўласиз”, деганлар (Шу маънодаги ривоятни имом Муслим нақл қилган²⁸³).

Хулафои рошидинлар ҳам Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг мана шу суннатларини маҳкам ушлаб, фақирлар ҳурматини жойига қўйишган. Ривоят қилинишича, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Абу Суфён, Суҳайл ибн Амрдан олдин Суҳайб ва Билолга кириш учун рухсат берган.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Абу Бакр ҳақида: “У бизнинг саййидимиз, (яъни, Билол ибн Абу Рабоҳни) озод қилган”, деб айтган.

Анфол сурасида ҳам Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламга Бадр ғазотида тушган асирлар билан боғлиқ воқеа ҳақида танбеҳ берилган. Аллоҳ таоло шундай дейди:

²⁸³ Қаранг: “Риёзус солиҳин” китоби, 142-бет, “Етимлар, қизлар ва бошқа заифларга лутф кўрсатиш” боби.

“Ҳеч бир пайғамбар учун то ерда ғолиб бўлмагунларича, асир олиш жоиз эмас эди. (Эй мўминлар,) сизлар дунё нарсаларини истамоқдасиз. Аллоҳ эса охират (неъматлари сизларники бўлиши)ни истайди. Аллоҳ Қудратли, Ҳикматлидир²⁸⁴. Агар Аллоҳ томонидан (билмасдан қилган хатони кечириши) ёзиб қўйилмаганида эди, албатта сизларга (товон) олганинглар сабабли улуғ азоб етган бўлар эди. Энди ўлжа қилиб олган нарсаларингизни ҳалол-пок ҳолда еяверинглар ва Аллоҳдан кўрқинглар! Албатта Аллоҳ Мағфиратли, Мехрибондир” (Анфол сураси, 67-69-оятлар).

Имом Муслим “Саҳиҳ”да Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Бадр куни мушрикларга қарадилар. Улар минг нафар эди. У зотнинг саҳобалари эса 319 нафар эди. Шунда у зот қиблага юзланиб, қўлларини осмонга чўзиб: “Ё Аллоҳ! Менга ваъда қилганингни амалга ошир!” деб Парвардигорига тазарру қила бошладилар. Ўша куни мусулмонлар мушриклардан етмиш нафарини ўлдириб, яна етмиш кишини асир олишди (Ибн Аббос шундай ривоят қилади). Шундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр ва Умарга: “Манави асирлар ҳақида нима дейсизлар?” деб мурожаат қилдилар. Абу Бакр: “Ё Расулллоҳ, улар амакиларингизнинг ўғиллари ва қариндошларингиздир. Менимча, улардан товон ундирганингиз маъқул. Улардан олинган товон пули кофирларга қарши бизга қувват бўлади. Шояд Аллоҳ уларни Исломга ҳидоят қилса!” деди. Шунда Расулуллоҳ алайҳиссалом: “Эй Ибн Хаттоб, сен нима дейсан?” деб унга юзландилар. У: “Йўқ, Аллоҳга қасамки, эй Расулуллоҳ, мен Абу Бакрнинг фикрига қўшилмайман. Балки бизга имконият беришингизни ва уларнинг бўйнилариغا уришни таклиф қиламан. Токи қалбимизда мушрикларга нисбатан кўнгилчанлик йўқ экани маълум бўлсин! Зеро, булар куфр йўлбошчилари ва йирик намоёндаларидир”, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам меникени эмас, Абу Бакрнинг сўзини маъқулладилар.

Эртаси куни борсам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Абу Бакр йиғлаб ўтиришган экан. Мен: “Эй Расулуллоҳ, нега йиғлаяпсизлар?”, дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Товон (пули) олган дўстларингиз йўлиқадиган азоб учун йиғлаяпман. Уларнинг азоби мана бу дарахтдан ҳам яқинроқ кўрсатилди”, дедилар. Шунда Аллоҳ таоло “Ҳеч бир пайғамбар учун то ерда ғолиб бўлмагунларича, асир олиш жоиз эмас эди” оятини нозил қилди”.

“Ҳеч бир пайғамбар учун то ерда ғолиб бўлмагунларича, асир олиш жоиз эмас эди”.

Бу ердаги “пайғамбар”дан мурод, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. Бу сўзнинг ноаниқ шаклда (“ал”сиз) келишига сабаб, у зотга лутф қилиш ва танбехни айнан у кишига йўналтирмаслик учундир.

Яъни, набийлардан биронтаси учун ўзи ва даъватига қаршилик қилган кимсаларни қаттиқ азобламагунча, куфрни хорлаш учун оғир жазога тортмагунича, асир олиш жоиз эмас эди.

“(Эй мўминлар,) сизлар дунё нарсаларини истамоқдасиз. Аллоҳ эса охират (неъматлари сизларники бўлиши)ни истайди”.

²⁸⁴ Бу оят Пайғамбар алайҳиссалом ва саҳобаларга берилган танбехдир. Улар мушрикларнинг етмиш аскарини асир олиб, ўнг маълум товон-тўлов эвазига бўшиятиб юборганларида мана шу оят нозил бўлган (Шайх Алоуддин Мансур, “Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”).

“Дунё нарсалари”дан мурод, Бадр ғазотида тушган асирлардан ундирилган товон пули.

Яъни, эй мўминлар, сизлар асир тушган душманларингиздан ўткинчи дунё матоҳини ундиришни истаяпсиз. Бироқ Аллоҳ таоло сизлар учун охират савобини хоҳлайди. У Зот охират саодатига эриштирувчи амалларни қилишингиздан рози бўлади.

“Аллоҳ Қудратли, Ҳикматлидир”.

Аллоҳ таоло Ўз ишига ғолиб ва ҳар бир ишини ҳикмат билан амалга оширувчи Зотдир.

Мана шу оятларда мўминлар душманларидан ўч олиш ўрнига товон пули ундирганлари учун қаттиқ танқид қилинмоқда. Чунки Бадр маъракаси имон ва ширк ўртасидаги ҳал қилувчи тўқнашув бўлган. Ўша вақтда мусулмонлар сони жуда оз, мушриклар эса кўпчиликни ташкил этарди. Агар ғолиб бўлган мусулмонлар мушрикларни муносиб жазолаганларида, бу иш ширк ва мушриклар шавкатини синдиришга туртки бўларди.

Бу оятда яна шу нарса таъкидланмоқдаки, мўмин бандалар наздида Аллоҳнинг сўзи дунёнинг ўткинчи молу давлатидан устун туради. Гарчи яқинлари бўлса ҳам, агар улар Аллоҳ ва Расулига қарши курашишса, мўминлар қалбида уларга нисбатан муҳаббат бўлмайди.

Шундан кейин Аллоҳ таоло мўминларга раҳм қилгани баён этилади:

“Агар Аллоҳ томонидан (билмасдан қилган хатони кечирishi) ёзиб қўйилмаганида эди, албатта сизларга (товон) олганинлар сабабли улуғ азоб етган бўлар эди”.

Уламолар ушбу оятни турлича тафсир қилишган:

1. Бундан мурод, Аллоҳ таолонинг Лавҳул Маҳфузда ёзиб қўйган ҳукмидир.
2. Аллоҳ таоло ижтиҳодида хатога йўл қўйган бандани азобламайди.
3. Аллоҳ бандаларни бирон ишдан қайтармай туриб уларни ўша сабабидан азобламайди. Улар товон пули олишдан қайтарилмаган эдилар.
4. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ораларида экан, Аллоҳ уларни зинҳор жазоламайди.
5. Аллоҳ Бадрда қатнашган мусулмонлардан биронтасини жазолаймайди.

Имом Розий бу қавлларни келтириб, мулоҳаза юритади ва оятдаги “ёзиб қўйилиш”дан мурод, Аллоҳ таоло азалда мана шу воқеа хусусида бандаларини авф қилиш ҳақидаги ҳукмидир, деган қавлни маъқуллаган. Зотан, Аллоҳ Ўзига раҳматни (яъни, бандаларига раҳм қилишни) ёзган. У Зотнинг раҳмати ғазабидан устундир.

Бироқ Ибн Жарир бу оят умумий хабар эканини айтиб, уни биргина маъно билан чеклаб қўйиш тўғри эмаслигини таъкидлаган²⁸⁵.

Бизнингча, Ибн Жарирнинг фикри маъқулроқ. Чунки оятдаги “ёзиб қўйилиш”ни Аллоҳнинг илми, тақдири деб чеклаш ҳақида Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан биронта саҳиҳ ҳадис ривоят қилинмаган.

Ибн Исҳоқ ривоят қилади: “Агар Аллоҳ томонидан (билмасдан қилган хатони кечирishi) ёзиб қўйилмаганида эди”, ояти нозил бўлганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар осмондан азоб тушганида, Саъд ибн Муоздан бўлак бирон

²⁸⁵ Қаранг: “Тафсиру ибни жарир”, 10-жуз, 44-бет.

киши соғ қолмасди. Чунки у: “Эй, Аллоҳнинг Пайғамбари! Мушрикларни тирик қолдирмаслик лозим. Ахир биз жангда ғолиб бўлдик”, деган эди²⁸⁶.

Шундан кейин Аллоҳ таоло мўминларга шундай марҳамат қилган:

“Энди ўлжа қилиб олган нарсаларингизни ҳалол-пок ҳолда еяверинглар ва Аллоҳдан кўрқинглар! Албатта Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир”.

Яъни, сизлар асирлардан хун олганингиз билан боғлиқ воқеада йўл қўйган хатоларингизни кечирдим ва ўлжалардан фойдаланишга рухсат бердим. Энди тушган ўлжаларни бемалол еяверинглар, бунда ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ва ҳар қандай ҳолатда Аллоҳдан кўрқинглар, У Зот сизларни кузатиб турганини ҳис қилиб яшанглар! Зеро, Аллоҳ таолонинг раҳмати кенг, ҳақиқий тавба қилган бандаларини кечиради.

Тавба сурасида ҳам Аллоҳ таоло Ўз Расулига енгил танбех берган:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) Аллоҳ Сизни авф қилди. (Лекин) нима учун то Сизга ростгўй кишилар аниқ бўлиб, ёлғончиларни ҳам аниқ билгунингизча, (сабр қилиб турмай, ёлғон қасамларига ишониб) уларга изн бердингиз?!” (Тавба сураси, 43-оят).

Маълум бўлишича, бу оят бир гуруҳ мунофиқлар ҳақида нозил бўлган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳоли маълум бўлмасидан олдин уларга ўзлари билан Табук ғазотига чиқмасликка рухсат бергандилар.

“Авф” сўзи гуноҳи эвазига жазолашни тарк этиш мазмунини ифодалайди. Шунингдек, афзал ишни қилмагани учун жазоламаслик ҳам “авф” дейилади. Оятда мана шу маъно ирода қилинган.

Яъни, эй Муҳаммад, Аллоҳ Сизни авф қилди, манави мунофиқларга Табук ғазотидан қолишга рухсат берганингиз учун кечирди. Улар Сизга ёлғон узрларини рўқач қилишганди. Аслида Сиз уларнинг ҳолати маълум бўлгунича изн бермасдан кутиб туришингиз лозим эди.

Аллоҳ таоло бу ерда танбехдан олдин авф қилганини зикр қилмоқда. Бу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Парвардигорлари хузурида қандай улуғ мақомга эга эканларини кўрсатади.

Уламолар мана шу оят тафсирида бир қанча масалаларни зикр қилишган:

1. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи вақтларда ўз ижтиҳодларига кўра ҳукм чиқарганлар. “Ал-манор” китоби муаллифи бу масалада жуда кўп маълумот келтирган. Унда айтилишича, ваҳий тушмаган ҳолда пайғамбарлар алайҳимуссалом томонидан қилинган ижтиҳодларда хато бўлиши мумкин. Бунда у зотлар хатодан масъум эмаслар. Иттифоқ қилинган масъумлик шуки, пайғамбарлар Аллоҳ тарафидан келтирган нарсаларни етказишда хатодан масъумлар. Бирон пайғамбар Аллоҳ таоло тарафидан етказилган нарсада ёки унга амал қилишда хато қилиши мумкин эмас. Бу фикримизни Талҳанинг хурмо гулини чанглатиш ҳақидаги ривояти тасдиқлайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар хурмо гулини чанглатаётганларини кўриб: “Менимча, бунинг фойдаси бўлмайди”, дедилар. Бас, улар бу нарса дин ишидан деб ўйлаб гулни чанглатишни тарк этишди. Натижада хурмо гуллари тушиб кетиб, ҳосил яхши бўлмайди. Бу воқеа у зотга хабар қилинганда, Пайғамбар алайҳиссалом: “Агар фойдаси бўлса, қилаверсинлар. Мен шундай деб ўйлагандим. Бунинг учун мени маъзур тутасизлар! Бироқ мен Аллоҳ тарафдан бирон нарса

²⁸⁶ “Тафсиру ибни жарир”, 10-жуз, 48-бет.

айтсам, уни (махкам) ушланглар. Зеро, мен Аллоҳ (шаъни)га ёлғон гапирмайман”, дедилар.

Усулул фикҳ уламолари набийлар алайҳимуссалом ижтиҳодда хатога йўл қўйишлари мумкин эканини таъкидлашган. Лекин Аллоҳ уларга тўғри йўлни баён қилади²⁸⁷.

2. Мусулмон банда бирон иш юзасидан ҳукм чиқаришга шошилмаслиги керак. Имом Фахриддин Розий: “Бу оят шошилмаслик лозимлиги, босиқлик, ишларнинг ташқи тарафига қараб ҳукм чиқармаслик вожиблигига далолат қилади. Бу нарса ҳар бир ҳақ эгасига муносиб муомала қилиш имконини беради”.

Юқорида келтирилганлар Расулуллоҳ алайҳиссалом башариятнинг энг афзал, энг шарафли ва энг ақлли вакили бўлишлари билан бирга Аллоҳ таолонинг иршоди ва таълимига муҳтож эканларини кўрсатади. У зотдан бошқалар эса бунга янада кўпроқ муҳтожлар. Аллоҳ таолодан ҳар биримизга тавфиқ беришини, ҳимоясига олишини сўраб дуо қиламиз!

РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ЗАВЖАЛАРИ МЎМИНЛАРНИНГ ОНАЛАРИДИР

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: **“Пайғамбар мўминларга ўзларидан ҳам яқинроқ – ҳақлироқдир, унинг аёллари эса уларнинг оналаридир...”** (*Аҳзоб сураси, 6-оят*).

Ҳа, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мўминларга ўзларидан ҳам яқинроқдир. Агар у зот мўминларни бир ишга буюрсалар, нафслари унинг зиддига буюриб турса ҳам нафсига ҳай бериб Расулуллоҳ алайҳиссалом айтганларига амал қилиш вожиб бўлади. Чунки у зот мўминларни фақат яхшиликка ва фойдали ишларга чақирадилар. Нафс эса залолатга бошлаши мумкин.

Саҳиҳ ҳадисда: “Жоним измида бўлган Зотга қасамки, мен сиз учун ўзингиз, молингиз, фарзандларингиз ва барча одамлардан кўра севимлироқ бўлмагунимча (ҳақиқий) мўмин бўлолмайсизлар”, дейилган.

“Унинг аёллари эса уларнинг оналаридир...”

Яъни, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллари мўминлар учун эҳтиром қилиш, улуғлаш, икром кўрсатиш ва уйланишнинг жоиз эмаслигида худди тукқан оналари мақомидадир. Бироқ бундан бошқа шаръий ҳукмларда: уларга хитоб қилиш ва мерос олишда худди бегона аёллар кабидирлар.

Аллоҳ таоло шундай дейди: “Сизлар учун Аллоҳнинг Пайғамбарига озор бериш ва унинг ортидан аёлларига уйланишингиз ҳеч қачон дуруст эмас. Чунки бу Аллоҳ наздида улуғ (гуноҳ) бўлган ишдир” (*Аҳзоб сураси, 53-оят*).

У зот алайҳиссаломнинг энг афзал завжалари, саййида Хадижа бинти Хувайлид розияллоҳу анҳодир. Расулуллоҳ алайҳиссалом унга йигирма беш ёшларида уйланганлар. Ўшанда Хадижа онамиз қирқ ёшда бўлганлар.

Ҳабибимиз Хадижа онамиз билан тахминан йигирма беш йил умргузаронлик қилдилар. Хадижа онамиз ҳаётлик чоғида бошқасига уйланмадилар. Хадижа онамиз

²⁸⁷ “Тафсирул манор”, 10-жуз, 453-бет.

кучли имони, вафодорлиги, Аллоҳ ва Расулини рози қиладиган ишларга ташналиги сабабли, Расулуллоҳ алайҳиссаломга ниҳоятда сеvimли бўлдилар.

Пайғамбар алайҳиссалом Хадижа онамиздан олти нафар фарзанд кўрдилар: Қосим, Тоййиб, Руқайя, Умму Кулсум, Зайнаб ва Фотима. Фотимадан бўлак барча фарзандлари Пайғамбар алайҳиссаломдан олдин вафот этишган. Фотима розияллоҳу анҳо эса у зотдан бир неча ой ўтиб оламни тарк этганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Хадижа розияллоҳу анҳодан кейин уйланган аёллардан фақатгина Мориядан Иброҳим исмли фарзанд кўрдилар. Аммо у ҳам Ҳабибимиз тириклик вақтларида вафот этди.

Хадижа бинти Хувайлид розияллоҳу анҳо пайғамбарликнинг ўнинчи йилида, олтмиш беш ёшида вафот этган. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундан қаттиқ кайғуга ботганлар. Ўша йилни “Маҳзунлик йили” деб номланган.

Хадижа бинти Хувайлид вафотидан кейин Савда бинти Замъага уйландилар. Ўшанда у аёлнинг ёши олтмиш бешда эди. Савда эри Сакрон ибн Амр билан мусулмон бўлган, мушриклар тазйиқи кучайганидан кейин иккови Ҳабашистонга хижрат қилишганди. Маккага қайтиб келишгач, эри вафот этган. Савда бинти Замъанинг оиласи ҳали ҳам мушрик эдилар. Савда улар олдига қайтиб борса, динидан чиқаришидан кўрқди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз химояларига олиш учун унга уйланганлар.

Савда бинти Замъа розияллоҳу анҳо Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу даврида, саксондан ўтиб вафот этган. Аллоҳ таоло у зотдан рози бўлсин!

Шундан кейин ул зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам уммул мўминин Оиша бинти Абу Бакр Сиддиққа уйландилар.

Бу никоҳ Оишанинг отаси Абу Бакрга икром ва шараф юзасидан бўлганди. Расулуллоҳ алайҳиссалом Мадинаи мунавварага хижрат қилганларининг биринчи йилида Оиша онамиз билан яшай бошладилар.

Оиша розияллоҳу анҳо онамиз Расулуллоҳ алайҳиссалом аёллари ичида ёши энг кичиги, имони кучли, зехнли, фаҳм-фаросатли ва Расулуллоҳни рози қиладиган ишларга ҳарислиги сабабли мўминлар оналари орасида энг сеvimлиси эдилар.

Оиша розияллоҳу анҳо хижрий 58 йилда, дин йўлидаги хизматларини мукаммал адо қилиб оламни тарк этганлар.

Рожих (тўғри) қавлга кўра, Расулуллоҳ алайҳиссалом хижрий учинчи йилда Ҳафса бинти Умар ибн Хаттобга уйланганлар. Никоҳдан кўзланган сабаб, ўзлари ва оталари Форук ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, унга ҳурмат кўрсатиш, Хунайс ибн Ҳузофа вафотидан кейин Ҳафсани ўз химояларига олиш эди.

Ҳафса розияллоҳу анҳо зукко ва хотираси кучли аёллардан эди. У Шифо бинти Абдуллоҳдан ёзишни ўрганган. Ҳафса доим рўза тутувчи, қоим бўлувчи муслималардан эди. Ҳижрий 45 йилда вафот этган.

Ҳижрий учинчи йилда Пайғамбар алайҳиссалом Зайнаб онамизга уйландилар. Эри Убайда ибн Ҳорис Бадр ғзотида шаҳид бўлганидан кейин Зайнаб бинти Хузайма тул қолгандилар. Бу никоҳдан кўзланган мақсад, Зайнаб онамизни химояси остига олиш эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга уйланганларидан бир неча ой ўтиб, Зайнаб бинти Хузайма розияллоҳу анҳо вафот этган. У зот сахийлиги сабаб “Уммул масокин” (мискинлар онаси) деб чакирилди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам хижрий 4 йилда Умму Салама розияллоҳу анҳога уйландилар. Умму Салама, Ҳинд бинти Абу Умайядир. Эри Абу

Салама – Абдуллоҳ ибн Абдульасад Ухуд ғазотида жароҳатланиб, кейинчалик вафот этган эди.

Умму Салама ва эри Ислоннинг аввалида имон келтирган зотлардан эди. Умму Салама аввалги эридан тўрт фарзанд кўрган, унинг ўлимидан қаттиқ ғамга ботган. Бу онамиз эридан ажралганида ёши ўттизда эди. Шундан кейин турмушга чиқишни рад этдилар. Аммо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам болалари ва ўзини ҳимояларига олмоқчи эканларини билгач, у зот билан бир ёстиққа бош қўйишга рози бўлдилар.

Умму Салама розияллоҳу анҳо ҳижрий 59 йилда, саксон ёшдан ошганида вафот этган. Аллоҳ таоло ул зотдан рози бўлсин!

Ҳижрий 5 йилда Бани Мусталиқ ғазотидан кейин Пайғамбаримиз алайҳиссалом Жувайрия бинти Ҳорис розияллоҳу анҳога уйландилар. Унинг отаси Бани Мусталиқ қабиласи бошлиғи эди. Жувайрия онамиз Бани Мусталиқ ғазотда асир тушган. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хузурларига кириб, ўзи ва қавмининг ҳолидан у зотга шикоят қилган. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг ҳолига ачиниб, Ислонни таклиф қилганлар. Жувария онамиз бу таклифни қабул қилган. Пайғамбар алайҳиссалом Бани Мусталиқ ғазотидан сўнг Мадинага қайтганларида уни никоҳларига олганлар.

Одамлар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жувайрияга уйланганларини билиб, унинг қавмидан бўлган асирларни озод қилишди. Жувайриянинг отаси ва биродарлари мусулмон бўлишди. Бу никоҳ Жувайриянинг ўзига ҳам, қавмига ҳам хайрли ва баракали бўлди. Шу сабаб, Оиша розияллоҳу анҳо: “Қавмига Жувайриячалик барака келтирган аёл йўқдир. Унинг сабабидан қавмининг юзлаб оилалари озод этилди”, деганлар.

Жувайрия бинти Ҳорис розияллоҳу анҳо ҳижрий 56 йилда вафот этган. У зот кўп рўза тутувчи ва ибодатда қоим бўлувчи эдилар. Аллоҳ таоло Жувайрия онамиздан рози бўлсин!

Ҳижрий 7 санада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умму Ҳабиба – Рамла бинти Абу Суфёнга уйландилар. Рамла эри Абдуллоҳ ибн Жаҳш билан Ислонга аввал кирганлардан ва Ҳабашистонга ҳижрат қилганлардан эди. Эри ўша ерда Ислон динидан чиқиб, насронийликка ўтиб кетган. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундан хабар топиб, саҳобаларидан бирини Ҳабашистонга – Рамлага совчи қилиб юборганлар. Мақсад: бегона юртда паришон бўлиб қолган Рамлани ҳимоясига олиш эди. Нажоший Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам номларидан унга маҳр бериб, Мадинаи мунавварага юборганлар.

Абу Суфён Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг синглисига кўрсатган иззат-икромидан хабар топиб, ниҳоятда хурсанд бўлган эди.

Бу никоҳ билан ул зот алайҳиссалом Қурайш бошлиғининг қизини фитнадан сақлаб қолдилар. Ҳабашистондек ўлкада ғариб бўлиб, тахминан ўн беш йил тоқат билан яшагани сабабли, Рамлага муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатдилар. Рамла розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга турмушга чиққанидан кейин тахминан уч йилни нубувват хонадонидан ўтказди. У ҳижрий 44 йилда вафот этди. Аллоҳ таоло у зотдан рози бўлсин!

Ҳижрий 7 йилда, Хайбар ғазотидан кейин Расулуллоҳ алайҳиссалом ислонни қабул қилгач София бинти Ҳуяй ибн Ахтобга уйландилар. Бу никоҳ Софияга

меҳрибонлик ва ҳурмат кўрсатиш учун бўлди. София розияллоҳу анҳо онамиз ҳижрий 52 йилда вафот этганлар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом вафотларидан тахминан икки йил олдин Маймуна бинти Ҳорис Ҳилолияга уйландилар. Расулуллоҳнинг амакилари Аббос ибн Абдулмутталиб у зот ва араб қабилалар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун бу никоҳ ташаббуси билан чиққан эди. Аббос розияллоҳу анҳу Маймунага ўз молидан 400 дирҳам маҳр бергандилар²⁸⁸.

Маймуна розияллоҳу анҳо ҳижрий 51 йилда вафот этган.

Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллари ичида Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳо ҳам бор. Бу зот ҳақида кейинроқ тўхталишимиз боиси шуки, Расулуллоҳ алайҳиссалом Зайнаб бинти Жаҳшга уйланиш сабаблари ҳақида кенгроқ маълумот беришни хоҳлаган эдик.

Зайнаб бинти Жаҳш онасининг исми Умайма бинти Абдулмутталибдир. Демак, Зайнаб Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари қизи бўлади. Унга Расулуллоҳдан олдин Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳу уйланган эди.

Зайд Хадижа розияллоҳу анҳо кўл остидаги кул эди. Расулуллоҳ алайҳиссаломга турмушга чиққанидан кейин Хадижа онамиз Зайдни у зотга ҳадя қилганлар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом Зайдни озод қилиб, уни ўзларига ўғил қилиб олганлар. Шу сабаб “Зайд ибн Муҳаммад” ҳам дейиларди.

Одамлар анча муддатгача уни “Зайд ибн Муҳаммад” деб чақириб юришди. Мана бу оят нозил қилиниши билан бу одатга барҳам берилди: **“Уларни ўз оталари (исми) билан чақиринглар – атанглар. Шу Аллоҳ наздида тўғрироқдир. Энди агар уларнинг оталарини билмасангиз, у ҳолда (улар) сизларнинг диний биродарларингиз ва дўстларингиздир** (яъни, у ҳолда уларни биродарим Фалончи ёки дўстим Фалончи, деб атанглар, лекин боқиб олган отасининг номи билан чақирманглар)” (Аҳзоб сураси, 6-оят).

Шундан кейин одамлар Зайдни ўзининг ҳақиқий отаси ном билан – Зайд ибн Ҳориса, деб чақирадиган бўлишди. Лекин улар одатларига кўра, киши тутинган ўғлининг хотинига уйланиши мумкин эмас, деб ҳисоблашарди. Аллоҳ таоло бу одатни Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қавллари ва амаллари билан бекор қилишни хоҳлади.

Саййида Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳо Зайд ибн Ҳорисага турмушга чиқиши ҳақида шундай ҳикоя қилади: “Менга Қурайш қабиласидан бир қанча одамлар совчи қўйди. Шунда синглим Ҳамнани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига маслаҳат сўраш учун юбордим. У зот синглимга: “У Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннاتини биладиган кишига қандай қилиб тенг бўла оларди?” дедилар. Синглим: “У ким, эй Расулуллоҳ?” деб сўрабди. У зот: “Зайд ибн Ҳориса”, дебдилар. Шунда Ҳамнанинг қаттиқ жаҳли чиқиб: “Эй Расулуллоҳ, аммангизнинг қизини озод қилган қулингизга турмушга берасизми?!” дебди. Бас, Ҳамна келиб буни менга хабар қилди ва аввалгидан ҳам қаттиқроқ ғазабланди. Мен у айтган гапдан ҳам оғирроқ гап айтдим. Шунда Аллоҳ таоло: “Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари бир ишни ҳукм қилган – буюрган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўзлари хоҳлаган ишни ихтиёр қилишлари жоиз эмас. Ким Аллоҳ ва Унинг

²⁸⁸ Айтилишича, Маймуна розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўзини бағишлаган аёл бўлган.

Пайғамбарига осий бўлса, бас, у очик йўлдан озиш билан адашибди²⁸⁹” оятини нозил қилди. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига бориб: “Мен энди Аллоҳга ва Расулига итоат этаман. Сиз нимага буюрсангиз, шуни қиламан. Мени Зайдга турмушга беринг”, дедим. (Тўйдан сўнг) мен Зайдга тазйик ўтказардим. Шунда у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга устимдан шикоят қилди. У зот мени койидилар. Кейин қайтиб бориб, уни тилим билан жазоладим. Кейин Зайд Расулуллоҳ алайҳиссаломга яна шикоят қилди. Шунда у зот Зайдга: “Хотинингни ўз хузурингда ушла! Аллоҳга тақво қил!” дедилар. Зайд: “Эй Расулуллоҳ, мен уни талок қиламан”, деди ва мени талок қилди”.

Шундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Зайнаб бинти Жаҳшни никоҳларига олдилар. Бу билан одамлар орасида илдиз отиб кетган одатга барҳам беришни ирода қилдилар.

Расулуллоҳнинг Зайнаб бинти Жаҳшга уйланишлари ҳақида мана бу оят нозил бўлган. Аллоҳ таоло шундай деган:

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) эсланг, Сиз Аллоҳ (Исломга ҳидоят қилиш билан) инъом-марҳамат қилган ва Сиз ҳам (қулликдан озод қилиб, ўзингизга ўғил қилиб олиш билан) инъом қилган кишига (яъни, Зайд ибн Ҳорисага:) “Жуфтингни ўз хузурингда ушлагин, Аллоҳдан кўркқин”, деб Аллоҳ ошкор қилувчи бўлган нарсани ичингизга яширган эдингиз ва Аллоҳдан кўрқингиз ҳақлироқ бўлгани ҳолда, Сиз одамлардан (яъни, уларнинг таъна қилишларидан) кўркқан эдингиз. Бас, қачонки Зайд ундан (яъни, Зайнабдан) хожатини адо қилгач, Биз Сизни унга уйлантирдик. Токи мўминларга асранди болалари ўз хотинларидан хожатларини адо қилишгач, уларнинг (хотинларига уйланишларида) танглик бўлмаслиги учун (шундай қилдик). Ва Аллоҳнинг амри иродаси қилинувчи бўлди. Аллоҳ Пайғамбарига фарз қилган нарсада унга бирон танглик бўлмайди. (Бу) илгари ўтган (пайғамбарлар) ҳақидаги Аллоҳнинг йўли – қонунидир. Аллоҳнинг амри иродаси тақдири азалий бўлди. Улар (яъни, ўтган пайғамбарлар) Аллоҳнинг амру-фармонини (бандаларга) етказадиган, У Зотдан кўрқадиган ва Аллоҳдан ўзга бировдан кўрқмайдиган зотлардир. Аллоҳнинг Ўзи етарли ҳисоб қилувчидир. (Эй мўминлар,) Муҳаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмас, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг сўнггисидир. Аллоҳ барча нарсани билувчи бўлган Зотдир” (Аҳзоб сураси, 37-40-оятлар).

Аллоҳ таоло ушбу оятларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳога уйланишлари ва бу билан жоҳилият даврида араблар орасида кенг тарқалган бир одат бекор бўлгани баён этилмоқда.

“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) эсланг, Сиз Аллоҳ (Исломга ҳидоят қилиш билан) инъом-марҳамат қилган ва Сиз ҳам (қулликдан озод қилиб, ўзингизга ўғил қилиб олиш билан) инъом қилган кишига (яъни, Зайд ибн Ҳорисага:) “Жуфтингни ўз хузурингда ушлагин, Аллоҳдан кўркқин”, деб Аллоҳ ошкор қилувчи бўлган нарсани ичингизга яширган эдингиз...”

Яъни, эй Муҳаммад, Аллоҳ уни имон неъматини билан сийлаган ва Сиз ҳам озод қилиш, яхши тарбия бериш ва иззат-икром ила марҳамат кўрсатган Зайд ибн Ҳорисага:

²⁸⁹ Аҳзоб сураси, 36-оят.

– Хотининг Зайнаб бинти Жаҳшни ўзингда ушлаб қол, уни талоқ қилма! У ҳақида Аллоҳдан тақво қил. Ундан ўтган ишларга сабр қил! – деб айтганингизни эсланг!

Зайд ибн Ҳориса Зайнаб бинти Жаҳшнинг мағрурлиги, насл-насаби билан фахрланиши ва унга қўпол муомала қилишидан Расулуллоҳ алайҳиссаломга шикоят қилиб:

– Ё Расулуллоҳ! Мен уни талоқ қилмоқчиман! – деган эди.

“Аллоҳ ошкор қилувчи бўлган нарсани ичингизга яширган эдингиз...”

Яъни, Аллоҳ ошкор қилган нарсани Сиз қалбингизда сақлаган эдингиз. Бу, Зайд Зайнабни талоқ қилиши ва Аллоҳ азза ва жалланинг амри билан унга уйланишингиз эди²⁹⁰.

Баъзи уламоларга кўра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ичларида яширган нарса: Зайднинг Зайнабдан ўзига ёқмайдиган гапларни эшитиши ва у билан бирга яшашга тоқат қилолмаслиги сабаб, уни талоқ қилишга катъий қарор қилишидир.

Аллоҳнинг ошкор қилиши эса, Зайднинг Зайнаб билан муносабатини одамлар билиши, Зайнабнинг унга қўпол муомала қилиши ва насаби билан фахрланишидан хабар топишларидир.

“Ва Аллоҳдан кўрқингиз ҳақлироқ бўлгани холда, Сиз одамлардан (яъни, уларнинг таъна қилишларидан) кўрққан эдингиз”.

Яъни, Сиз Зайдга шундай дедингиз ва Аллоҳ ошкор қилган нарсани ичингизда махфий тутдингиз. Зайд ва Зайнаб билан боғлиқ ишни одамларга ошкор бўлишидан кўрқдингиз. Ваҳоланки, Аллоҳ барчадан кўра кўрқингизга ҳақлироқ, муносиброқ Зотдир!

Мана бу жумлада Аллоҳ Ўзининг Пайғамбари алайҳиссаломга енгил танбех бермоқда ва муаммони осон ва тўғри ҳал қилиш учун у зотни энг афзал йўлга бошламоқда.

Шундан сўнг Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг Зайнабга уйланишларидан кўзланган ҳикмат баён этилади:

“Бас, қачонки Зайд ундан (яъни, Зайнабдан) ҳожатини адо қилгач, Биз Сизни унга уйлантирдик. Токи мўминларга асранди болалари ўз хотинларидан ҳожатларини адо қилишгач, уларнинг (хотинларига уйланишларида) танглик бўлмаслиги учун (шундай қилдик). Ва Аллоҳнинг амри иродаси қилинувчи бўлди”.

Бу ердаги “ҳожат”дан мурод нима?” дейилса, айтамик, Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳу Зайнаб бинти Жаҳшдан ўз ҳожатини адо қилиб бўлганди. Зайдда унга нисбатан рағбат қолмаган, балки ундан ажрашни хоҳлаб турганди.

Оятнинг мазмуни бундай: Зайд Зайнабдан ҳожатини раво қилгач, уни талоқ қилди. Зайнабнинг иддаси чиққанидан кейин Биз уни Сизга никоҳладик. Мақсад, мўминлар асраб олган болалари хотинларини талоқ қилишгач, идда тугаганидан кейин уларга уйланишда танглик йўқ эканини билдиришдир. Бу борада Расулуллоҳ алайҳиссаломда гўзал намуна бордир. Аллоҳ хоҳлаган ишнинг бўлишида ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Ибн Касир бу оят тафсирида бундай дейди: “Зайд Зайнабни талоқ қилгач, Аллоҳ Муҳаммад алайҳиссаломни Зайнабга никоҳлади. Бу никоҳни Аллоҳ таолонинг Ўзи

²⁹⁰ Қаранг: “Тафсирул алусий”, 22-жуз, 24-бет.

амалга оширди. Яъни, Расулига Зайнаб олдиға валийсиз, махрсиз, ақдсиз ва инсонлардан бўлган гувоҳларсиз киришни ваҳий қилди.

Имом Бухорий Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилади: “Зайнаб бинти Жаҳш Набий соллаллоху алайҳи ва саллам аёлларига мақтаниб: “Сизларни ўз оила аъзоларингиз никоҳлаган. Мени эса, Аллоҳ етти осмонлар устидан никоҳлаган”, деб айтарди²⁹¹”.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг Зайнаб бинти Жаҳш розияллоху анҳога уйланишларидан кўзланган ҳикматни баён қилгач, Зайнаб ҳақида зехнларга келган баъзи нарсаларни аритиш учун шундай дейилган:

“Аллоҳ Пайғамбарига фарз қилган нарсада унга бирон танглик бўлмайди”.

Аллоҳ таоло асраб олинган ўғил – Зайд ибн Ҳориса Зайнабни талоқ қилганидан кейин уни никоҳига олишни Расулуллоҳ алайҳиссаломга ҳалол қилганидан кейин у зотга ҳеч қандай танглик ва маломат бўлмайди. Чунки Аллоҳнинг Ўзи шунга буюрди, буни тақдир қилди.

“(Бу) илгари ўтган (пайғамбарлар) ҳақидаги Аллоҳнинг йўли – қонунидир. Аллоҳнинг амри иродаси тақдири азалий бўлди”.

Бу ерда Аллоҳ Набий соллаллоху алайҳи ва салламга фарз қилган нарсанинг сихҳати (тўғрилиги, аниқлиги) яна бир бор таъкидланмоқда. Аллоҳ хоҳлаган иш аниқ амалга ошади. Бунга тўсиқ бўладиган нарса йўқ.

Шундан кейин ҳеч бир ҳадиксиз Аллоҳнинг фармонларини бажарадиган зотлар ҳақиқага мақтов айтилади:

“Улар (яъни, ўтган пайғамбарлар) Аллоҳнинг амру-фармонини (бандаларга) етказадиган, У Зотдан кўрқадиган ва Аллоҳдан ўзга бировдан кўрқмайдиган зотлардир. Аллоҳнинг Ўзи етарли ҳисоб қилувчидир”.

Аллоҳнинг амрини етказадиган, фақат Аллоҳдан кўрқадиган, қилаётган иши ва айтаётган гапида фақат Яратгандан кўрқадиган зотлар... Аллоҳ бандалари қалбидаги ниятларини, аъзолари билан нима иш қилаётганларини, тиллари қандай сўзларни айтаётганини билувчи ва уни ҳисобга олиб қўювчи Зотдир.

“(Эй мўминлар,) Муҳаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмас, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг сўнггисидир”.

Яъни, Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам ичингизда биронтангизнинг ҳақиқий отаси эмас. Хусусан, Зайд ибн Ҳориса у зотнинг ўғли эмас. Зайд талоқ қилган Зайнабга Муҳаммад алайҳиссаломнинг уйланишида ҳеч қандай танглик йўқ. Муҳаммад энг сўнгги Пайғамбардир. Ундан кейин то қиёмат ҳеч қандай набий келмагай.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Мен (ўзимдан олдин ўтган) пайғамбарлардан олти (жиҳат) билан афзал қилиндим: менга жавоме ул калим берилди, кўркув билан нусрат ато этилди, мен учун ўлжалар ҳалол қилинди, ер (юзи) мен учун покловчи ва намоз ўқийдиган жой қилинди, мен барча халойиққа (пайғамбар этиб) юборилдим ва мен билан пайғамбарлар (силсиласи) тугатилди”.

Ибн Касир ҳазратлари ушбу ҳадисни келтиргач, шундай дейди: “Бу бобда ҳадислар жуда кўп. Аллоҳ таоло бандаларига Муҳаммад алайҳиссаломни юбориб марҳамат кўрсатди. Пайғамбаримиз билан барча набийлар силсиласини ниҳоялаш

²⁹¹ “Тафсиру ибни касир”, 6-жуз, 420-бет.

ила у зот мартабаларини юқори кўтарди, у зот билан ханиф динни комил қилди. Аллоҳ таоло Ўз Китобида ва Расули мутавотир суннатда хабар қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин ҳеч қандай пайғамбар бўлмайди. Одамлар яхши билиб олсинлар, бундан кейин кимда-ким пайғамбарлик мақомини даъво қиладиган бўлса, гарчи ғайриоддий нарсаларни кўрсата ҳам, фирибгарлик қилса ҳам, сеҳрнинг турфа хилларини намойиш қилса ҳам, ана ўша кимса каззоб, тухматчи, дажжол, адашган ва адаштирувчидир²⁹².

“Аллоҳ барча нарсани билувчи бўлган Зотдир”.

Аллоҳ азза ва жалла махлуқотлари ҳолидан мутлоқ хабардордир. У зот Ўзи яратган нарсаларга нима фойдали эканини билади. Шу сабаб сизларга керакли бўлган ҳукмларни жорий қилган, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни сўнгги пайғамбар қилган. Бас, сизлар бунга шуқр қилиб, Аллоҳга итоат этинглар. Шунда Аллоҳ Ўз фазлу карамини янада зиёда қилади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан шу нарса маълум бўладики, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг мўминлар оналарига уйланишлари ўткинчи хузур ва лаззатланиш учун бўлмаган, балки бу ришталардан улуғ мақсадлар кўзланган эди.

Қуръони каримда мўминлар оналарига гоҳида тарғиб ва тарҳиб қилинган, гоҳида башорат берилган ёки огоҳлантирилган, баъзи ҳолларда керакли кўрсатмалар берилган. Жумладан, Аҳзоб сурасида Аллоҳ таоло шундай деган:

“Эй Пайғамбар, жуфтларингизга айтинг: “Агар сизлар ҳаёти дунёни ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлсангиз, у ҳолда келинлар, мен сизларни (ўша нарсалардан) баҳраманд қилай ва чиройли кузатиш билан кузатай (яъни, ажрашайлик). Агар сизлар Аллоҳни, Унинг Пайғамбарини ва охират диёрини истайдиган бўлсангиз, у ҳолда, шак-шубҳасиз, Аллоҳ сизларнинг орангиздаги чиройли амал қилувчилар учун улуғ мукофот – жаннатни тайёрлаб қўйгандир” (Аҳзоб сураси, 28-29-оятлар).

Мана шу икки оятда Аллоҳ таоло Расулуллоҳ алайҳиссалом аёлларига у зот билан бирга қаноат қилиб яшашлари ёки у зотдан айрилиб, дунё зийнатларидан истаганларича баҳраманд бўлишлари мумкин эканини маълум қилмоқда.

Имом Қуртубий шундай деган: “Уламоларимиз айтишларича, бу оят Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга азият етказишдан қайтариш ҳақидаги оятга боғлангандир. Завжалари ичидан баъзилар у зотга азият беришган. Айтишларича, улар дунё матоҳларидан бирон нарса ёки нафақани кўпайтиришни сўрашган.

Бухорий ва Муслим²⁹³ Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эшиклари олдида одамлар тўпланиб турарди. Лекин улардан биронтасига кириш учун рухсат берилмаганди. Шунда Абу Бакр келиб, у зотнинг хузурларига кириш учун рухсат сўради. Бас, Абу Бакрга изн берилиб ичкарига кирди. Кейин Умар келиб изн сўради. Унга ҳам изн берилди. Кирса, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллари у зот атрофларида тўпланиб туришган экан. Шунда Умар:

– Аллоҳга қасамки, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кулдирадиган бир нарса айтаман, – дедилар, – эй Расулуллоҳ! Бинти Хорижа (Умарнинг хотини) мендан нафақа сўраётганини кўрганингизда эди...

²⁹² Қаранг: “Тафсиру ибни касир”, 6-жуз, 424-бет.

²⁹³ Ривоят лафзи имом Муслимга тегишли.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кулдилар.

– Кўриб турганингдек, улар (аёлларим) атрофимда (туриб) мендан ҳам нафақа сўрашмоқда, – дедилар.

Шунда Абу Бакр қизи Оишанинг, Умар бўлса, қизи Ҳафсанинг адабини бериш учун ўрнидан турди. Икккови ҳам:

– Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламда йўқ нарсани сўраяпсизларми?! – дейишди.

Улар:

– Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳда йўқ нарсани зинҳор у зотдан сўрамаймиз! – деб айтишди.

Кейин мана шу икки оят нозил бўлди.

Расулуллоҳ алайҳиссалом аввал Оиша розияллоҳу анҳога юзландилар:

– Эй Оиша! Сенга бир ишни таклиф қилмоқчиман. Оталаринг билан маслаҳатлашмагунимча мени шоширмаслигингни хоҳлайман, – дедилар. Шунда Оиша:

– У нима экан, ё Расулуллоҳ? – деб сўради. У зот мана шу икки оятни ўқидилар.

Оиша бўлса:

– Эй Расулуллоҳ, сиз ҳақингизда отам билан маслаҳатлашаманми?! Йўқ, мен Аллоҳ, Расули ва охират диёрини ихтиёр этаман! – деди.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қолган аёллари ҳам Оиша айтган гапни айтишди²⁹⁴.

Ибн Касир шу маънодаги бир қанча ҳадисларни келтиргач: “Ўша вақтда Расулуллоҳ алайҳиссалом кўл остиларида тўққиз нафар аёл бор эди. Уларнинг беш нафари Қурайшдан эди: Оиша, Ҳафса, Умму Ҳабиба, Савда ва Умму Салама. Қолган тўрт нафари бошқа қабилалардан эди: София бинти Ҳуяй Назрия, Маймуна бинти Ҳорис Ҳилолия, Зайнаб бинти Жаҳш Асадия ва Жувайрия бинти Ҳорис Мусталиқия (Аллоҳ улардан рози бўлсин)”, деган.

“Эй Пайғамбар, жуфтларингизга айтинг: “Агар сизлар ҳаёти дунёни ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлсангиз, у ҳолда келинлар, мен сизларни (ўша нарсалардан) бахраманд қилай ва чиройли кузатиш билан кузатай (яъни, ажрашайлик)”.

Яъни, эй Муҳаммад алайҳиссалом, ҳимоянгиздаги аёлларга:

– Агар мендаги кифоя қилувчи энг зарурий нарсалардан ташқари дунё ҳаётида фаровонликни истасангиз, еб-ичиш ва кийинишда бемалоллик ва зеб-зийнатларни хоҳласангиз, мен билан яшашга тоқат қилолмасангиз, мени тарк этишингиз мумкин. Сизларни рози қиладиган мутъа²⁹⁵ беришга, сизларга зарар ва зулм етказмасдан талоқ қилишга тайёрман, ҳақингиздан кўпроқ бераман, – деб айтинг.

“Агар сизлар Аллоҳни, Унинг Пайғамбарини ва охират диёрини истайдиган бўлсангиз, у ҳолда, шак-шубҳасиз, Аллоҳ сизларнинг орангиздаги чиройли амал қилувчилар учун улуғ мукофот – жаннатни тайёрлаб қўйгандир”.

Яъни, агар сизлар дунё ҳаётини эмас, балки Аллоҳнинг савоби, Расули алайҳиссалом билан қолишни хоҳласангиз, охират диёрини дунёнинг ўткинчи

²⁹⁴ “Тафсирул куртубий”, 14-жуз, 123-бет.

²⁹⁵ Эр хотинини талоқ қилгандан кейин аёлга берадиган мол ёки ҳадя мутъадир. Бу аёлнинг шариат тарафидан белгилаб қўйилган ҳуқуқидир.

зийнатларидан афзал билсангиз, у ҳолда билинглари, ичингиздаги яхшилик қилувчиларнинг имони ва эҳсони сабаб, уларга микдорини фақат Аллоҳ биладиган тарзда жуда кўп ажр-мукофотлар беради.

Мана шу билан Аллоҳ таоло Расули орқали мўминлар оналарини саодат йўлига бошламоқда, уларнинг ихтиёрлари ўзларида эканини маълум қилмоқда ва керакли кўрсатмалар бермоқда.

Шундан кейин Аллоҳ таоло мўминлар оналарига хитоб қилиб, мақталган фазилатга эга бўлиш ва ёмон ишлардан четланишга буюради. Чунки улар бошқа муслима аёлларга ўрнақдирлар. Қолаверса, улар яшаб турган хонадонда Расулуллоҳ алайҳиссаломга ваҳий нозил қилинади. Парвардигори олам шундай дейди:

“Эй, Пайғамбар аёллари, сизлардан ким аниқ гуноҳни қилар экан, унинг учун азоб икки баробар қилинади. Бу Аллоҳга осон бўлган ишдир. (Эй, Пайғамбар аёллари,) сизлардан ким Аллоҳ ва Пайғамбарига итоат этса ва яхши амал қилса, Биз унинг ажру мукофотини ҳам икки ҳисса қилиб берамиз ва унинг учун улуғ ризқни тайёрлаб қўйганмиз. Эй, Пайғамбар аёллари, сизлар аёллардан биронтаси каби эмассизлар (яъни, бирон аёл фазлу мартабада сизлар каби бўла олмайди). Бас, агар тақводор бўлсангиз (парда ортидан бирон номаҳрам эркакка жавоб қилган пайтингизда) майин-назокатли сўз қилманглари, у ҳолда кўнглида касаллик бўлган кимса тамаъ қилиб қолади. Яхши – тўғри сўзни сўзланг! Ўз уйларингизда барқарор бўлинглар. (Бирон ҳожат учун чиққанингизда эса) илгари динсизлик (даври)даги каби ясан-тусан қилманглари! Намозни тўқис адо қилинглари, закотни (ҳақдорларга) беринглари ҳамда (барча ишларда) Аллоҳ ва Пайғамбарига итоат этинглари! (Эй Пайғамбар алайҳиссалом) хонадонининг аҳли, Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди, холос. Уйларингизда Аллоҳнинг оятлари ва ҳикматдан иборат тиловат қилинадиган нарсаларни зикр қилинглари! Албатта Аллоҳ Меҳрибон ва Оғоҳ бўлган Зотдир” (*Аҳзоб сураси, 30-34-оятлар*).

Мана бу оятларда Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларига панд-насихат қилмоқда ва уларга одоб бермоқда.

“Эй, Пайғамбар аёллари, сизлардан ким аниқ гуноҳни қилар экан, унинг учун азоб икки баробар қилинади”.

Яъни, эй, Пайғамбар алайҳиссаломнинг аёллари! Орангизда кимда-ким очик маъсиятга қўл урса, Аллоҳ унга икки ҳисса азоб беради. Чунки мартабаси баланд одамнинг гуноҳи учун каттиқроқ жазо белгиланади.

Ривоят қилинишича, бир киши Зайнульобидин ибн Али ибн Ҳусайн розияллоҳу анҳуга:

– Сизлар аҳли байтсизлар, гуноҳларингиз кечириб юборилган, – деди.

Бу гапдан Зайнульобидиннинг жаҳли чиқди.

– Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларига жорий қилган нарса бизга ҳам жорий бўлиши муносиброқдир. Бас, бизлардан гуноҳ қилганларга икки баробар азоб бўлади. Яхшилик қилганларга эса икки ҳисса кўп савоб берилади, – дедилар.

Шундан кейин мўминлар оналарининг юқори мақомлари уларнинг азобга гирифтор бўлишларига парда бўлолмаслиги баён этилади:

“Бу Аллоҳга осон бўлган ишдир”.

Яъни, улар гуноҳ қилган тақдирда икки ҳисса азоб бериш Аллоҳ учун қийин эмас. У Зот барча нарсага қодир.

“Эй, Пайғамбар аёллари,) сизлардан ким Аллоҳ ва Пайғамбарига итоат этса ва яхши амал қилса, Биз унинг ажру мукофотини ҳам икки ҳисса қилиб берамиз ва унинг учун улуғ ризқни тайёрлаб қўйганмиз”.

Яъни, эй, Пайғамбар алайҳиссалом аёллари! Сизлардан ким Аллоҳга хушу билан ибодат қилса, Унга тўлиқ бўйсунса, Расулини рози қиладиган амалларга ҳарис бўлса, солиҳ амаллар қилса, Аллоҳ фазлу карами ила уларга икки баробар кўп ажр-мукофот беради. Бундан ташқари, миқдорини фақат Аллоҳ биладиган тарзда улуғ ризқ ато этади.

“Эй, Пайғамбар аёллари, сизлар аёллардан биронтаси каби эмассизлар (яъни, бирон аёл фазлу мартабада сизлар каби бўла олмайди)”.

Яъни, Аллоҳ сизларга шундай улуғ мақом ва юксак мартабалар берди. Уни сизлардан бошқаларга бермаган. Сизлар бошқа аёлларга ўрнаксизлар. Агар тақво қилсангиз, Аллоҳ таоло қайтарган ишлардан сақлансангиз, мана шу даражага эришасиз.

Бу ерда мўминлар оналари тақво эвазига шундай буюк даражаларга эришишларига урғу берилмоқда.

Шундан кейин қалбида нифоқ ва бузуқлик бўлган кимсалар билан суҳбатлашиш борасида кўрсатма берилган:

“(Парда ортидан бирон номаҳрам эркакка жавоб қилган пайтингизда) майин-назокатли сўз қилмангларки, у ҳолда кўнглида касаллик бўлган кимса тамаъ қилиб қолади”.

Яъни, эй, Пайғамбар алайҳиссалом аёллари! Бегона эркаклар шахватини кўзгайдиган тарзда майин овозда гапирманг. Қалбида касаллик бўлган кимса сизлар билан бу оҳангда гаплашса, бузуқлик ниятида бўлади. Ўз эридан бошқа бегона эркакларга бу тахлит гапиришдан сақланиш муслима аёлга хос хислатдир.

Ҳар бир замон ва макондаги муслима аёллар учун ибрат бўлсин деб Аллоҳ таоло мўминлар оналарини ноҳмарам кишиларга майин овозда мурожаат қилишдан қайтармоқда.

“Яхши – тўғри сўзни сўзланг!”

Яъни, қалбида шахвати бор кимса сизлар ҳақингизда ёмон хаёлга борадиган ҳар қандай гапни гапирманг.

“Ўз уйларингизда барқарор бўлинглар”.

Яъни, эй, Пайғамбар алайҳиссалом аёллари! Сизлар уйларингизни лозим тутинг! Фақат шаръий зарурат билангина ташқарига чиқинг!

Бу хитоб нафақат мўминлар оналарига, балки бошқа муслима аёлларга ҳам тегишлидир.

Бу ерда умуман уйдан чиқмаслик эмас, балки муслима аёлнинг асосий вақти ўз хонадониде ўтиши кераклиги, фақат энг муҳим ишлар учун ташқарига чиқиши жоизлиги айтилмоқда. Фақат шартти шуки, аёл ташқарига чиқса, авратини тўлиқ ёпган бўлиши керак. Шу сабаб, Аллоҳ таоло юқоридаги буйруқдан кейин: **“(Бирон хожат учун чиққанингизда эса) илгари динсизлик (даври)даги каби ясан-тусан қилманглар!”** – демоқда.

Яъни, эй, Пайғамбарнинг аёллари! Сизлар уйларингизни лозим тутинг! Фақат шаръий зарурат ила кўчага чиқинг! Агар чиқсангиз, одми ва авратингизни ёпиб

турадиган либосларни кийинг. Сизлардан биронтаси Аллоҳ беркитишни буюрган аъзосини очиб юрмасин. Жоҳилият давридаги аёлларга ўхшаб қолманг! У даврдаги аёллар эркаклар шахватини кўзгаб, уларнинг нигоҳини ўзларига қаратишарди.

“Намозни тўқис адо қилинглари, закотни (ҳақдорларга) беринглари ҳамда (барча ишларда) Аллоҳ ва Пайғамбарига итоат этинглари!”

Яъни, намозни вақтида хушу ва хузу билан рисоладагидек адо этинг, Аллоҳ фарз қилган закотни ҳақдор одамларга беринг! Ҳар қандай ҳолатда Аллоҳ ва Расулига итоат этинг!

Аллоҳ таоло бу икки ибодатни хослашига сабаб, намоз ва закот бадан ва мол билан қилинадиган ибодатларнинг асосидир.

“(Эй Пайғамбар алайҳиссалом) хонадонининг аҳли, Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди, холос”.

Яъни, Аллоҳ зиммангизга мана шу амр ва қайтариқларни юклаш билан сизларни гуноҳ ва нуқсонлардан поклашни, барча нолойиқ нарсалардан тўлиқ тозалашни истайди.

“Уйларида Аллоҳнинг оятлари ва ҳикматдан иборат тиловат қилинадиган нарсаларни зикр қилинглари! Албатта Аллоҳ Мехрибон ва Огоҳ бўлган Зотдир”.

Яъни, уйларида тиловат қилинаётган Аллоҳнинг мўъжизали оятларини ва Расулининг ҳикматли ҳадисларини зикр қилинглари. У сизлар учун дунё ва охираат ишларини тўғрилайдиган шариатни нозил қилди. Аллоҳ қилаётган ҳамма ишингиздан хабардордир.

Аллоҳ таоло мўминлар оналарининг уйларини Қуръон ва ҳадислар тушиши учун бир макон қилди. Шундай экан, улар бошқалардан кўра кўпроқ эслаб, солиҳ амалларга рағбат қилишлари лозим.

Биз бу китобимизда башарият отаси – Одам алайҳиссаломдан то Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламгача бўлган пайғамбарларнинг ибратга тўла ҳаёти билан танишиб чиқдик. Ҳар бир қисса сўнгида улардан келиб чиқадиган ибратларни ҳам зикр қилдик. Сиз мароқ билан ўқиган қиссаларда ақл эгалари учун намуна бордир. Аллоҳ таолонинг мана бу сўзлари нақадар ҳақ: “Ҳақиқатан, уларнинг қиссаларида ақл эгалари учун ибрат бордир. (Ушбу Қуръон) тўқиб чиқариладиган сўз эмас, балки у ўзидан аввалги нарсаларни (яъни, самовий китобларни) тақсидқловчи, (унга) имон келтирадиган қавм учун барча нарсаларни муфассал баён қилиб берувчи ҳидоят ва раҳмат (бўлган бир китоб)дир” (Юсуф сураси, 111-оят).

Сўзимиз охирида оламлар Парвардигори Аллоҳ таолога ҳамду сано айтамыз, Саййидимиз Муҳаммадга, у зотнинг оилалари ва саҳобаларига кўпдан-кўп салавот ва саломлар йўлламыз!